БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

1

ЯНВАРЬ

1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 1
ЯНВАРЬ
1989 йил

1920 йил декабридан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

Қайта қуриш — фаолиятимизнинг энг асосий соҳасидир. У чинакам социалистик ютуқларни, идеаллар ва принципларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун ҳам, ўтмишдан мерос қолган бузилишларни, салбий ҳодисаларни енгиш учун, ҳар бир областдаги, район, меҳнат коллективидаги амалий ишларни ҳал қилиш учун ҳам калитдир.

М. С. Горбачевнинг СССР Олий Советининг сессиясида 1988 йил 29 ноябрда қилган докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ИДЕОЛОГИЯ, МАДАНИЯТ

ФИКРЛАР ЧОРРАҲАСИДА

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ — ҲАЁТИМИЗ ПРИНЦИПИ

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ЖУРНАЛЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ХАЛҚ ИШИ УЧУН КУРАШЧИЛАР

ХАТЛАР ВА КОРРЕСПОНДЕНЦИЯЛАР

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1988 йил 28 ноябрь куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум «Давлат қурилиши соҳасида сиёсий ислоҳот ўтказиш тадбирлари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Воротников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Чечено-Ингушия область комитетининг биринчи секретари В. Қ. Фотеев, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари М. С. Мендибаев, Куйбишев областидаги СССР 50 йиллиги номли Волга автомобиль заводининг электрчилар бригадири В. М. Малихин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров, СССР темир йўллар министри Н. С. Конарев сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленумда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Концепцияси лойиҳасини тайёрлаш соҳасидаги иш ҳақида»ги доклади тингланди. Пленум бу масала юзасидан қарор қабул этди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг ички ва ташқи сиёсатининг Асосий йўналишлари юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил сентябрь Пленуми тузган комиссиялари шахсий составини тасдиқлади.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Пленум ўз обрўларига доғ туширган И. Б. Усмонхўжаевни КПСС Марказий Комитетининг аъзолари составидан, И. Жабборовни ва О. У. Салимовни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар составидан чиқарди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МК ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ СОҲАСИДА СИЁСИЙ ИСЛОҲОТ ЎТКАЗИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети шуни қайд этадики, умумхалқ муҳокамаси якунларини эътиборга олиб қўшимча равишда ишлаб чиқилган «СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР қонунларининг лойиҳалари сиёсий система ислоҳотининг биринчи босқичи вазифаларига, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг қарорларига мос бўлиб тушади. Бу қонун лойиҳаларининг қабул этилиши совет жамиятини демократиялаш, Советларнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш ва социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида катта қадам қўйилганини билдиради. Давлат ҳокимияти олий ваколатли органлари структурасига ва уларни тузиш тартибига киритиш таклиф қилинаётган ўзгартишлар қонун чиқарувчилик ишини анча яхшилаш, давлат ишларини ошкора, демократик юритиш, энг муҳим масалаларни хилма-хил ижтимоий манфаатларни эътиборга олиб ҳал қилиш учун конституцион асосларни яратиб беради, ҳокимиятни суиистеъмол қилишга ва авторитаризмга қарши ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлайди. Ҳокимият олий поғонасининг самарали демократик иш юритиши учун шароит яратилади.

Гражданларнинг, меҳнат коллективларининг, жамоат, илм-фан, ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг фаол иштирокида ўтган умумхалқ муҳокамаси сиёсий системани таклиф этилгандек янгилашни совет кишиларининг кўпчилиги қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди, аҳоли барча қатламларининг ижтимоий активлиги ўсганлигини акс эттирди. Муҳокама давомида давлат турмушининг туб масалалари юзасидан кўп таклифлар тушди, бу таклифлар бундан буёнги қонун чиқарувчилик ва амалий фаолиятда синчиклаб ўрганилиши ва фойдаланилиши керак.

КПСС Марказий Комитети умумхалқ муҳокамаси якунлари юзасидан қонун лойиҳаларига киритиладиган тузатиш ва аниқликларни қўллаб-қувватлайди ҳамда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессиясида таклиф этилаётган сиёсий ўзгартишлар тўғрисида доклад қилишни ўртоқ М. С. Горбачевга топширади.

2. КПСС Марказий Комитети СССР халқ депутатлари бўлғуси сайловининг катта сиёсий аҳамиятини таъкидлайди, бу сайлов сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиши асосида СССР халқ депутатлари съезди шакллантирилишини таъминлаши лозим. Миллион-миллион кишиларни актив сиёсий жараёнга кенг миқёсда жалб қилиш учун очилаётган имкониятни тўла-тўкис рўёбга чиқариш керак. Ўз сайловчиларининг муносиб вакили бўла оладиган ва қайта қуриш шароитида халқ манфаатларини фаол ҳимоя қила оладиган депутатлар корпусини шакллантириш — туб масаладир. Депутатликка номзодлар орасида ҳам миллий, маҳаллий, ҳам умумхалқ манфаатларини ифодалай оладиган, аниқ гражданлик позицияларида турадиган, давлат фаолиятига лаёқатли ишчилар, колхозчилар, зиёлилар орасидан актив коммунистлар, комсомоллар ва партиясизлар кўпроқ бўлиши муҳимдир.

Сайлов кампаниясини янгича ташкил этиш, бу сафарги сайлов аввалги ҳамма сайловларга ўхшамаслиги, номзодларнинг амалий мусобақалашуви мамлакатнинг сиёсий турмушига кириб бораётганини тўла-тўкис эътиборга олиш талаб қилинади. Кампания социалистик ахлоқ доирасида, депутатликка ҳар бир номзоднинг, барча сайловчиларнинг шон-шарафи ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш принциплари асосида олиб борилиши, у демократия маданиятини эгаллашнинг ҳақиқий мактаби бўлиб қолиши керак. Оммавий ахборот воситалари бунга фаол кўмаклашишлари лозим.

3. Партия ташкилотларининг вазифаси сайлов жараёнини демократиялашга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат. Разнарядкалар бериш ва тадбирбозлик иллатига қатъиян чек қўйиш, одамларнинг фикрлари ва кайфиятларига сезгирлик билан қулоқ солиш, ишонтириш ва намуна кўрсатиш кучи билан иш тутиш лозим.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари,

КПСС ўлка, область комитетлари агитация-пропаганда ишини тубдан яхшиласинлар. Партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, қайта қуришнинг боришини атрофлича ва аниқ-равшан тушунтириб берсинларки, ҳар бир совет кишиси вазиятни, амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг моҳиятини чуқур тушунадиган бўлсин. Ҳақиқатни айтиш ва қаттиқ туриб ҳимоя қилиш, ўткир саволлардан бўйин товламаслик, тушунтириш ишининг актив усулларидан, шу жумладан мунозаралардан моҳирона фойдаланиш керак. Аҳолининг кучайиб бораётган сиёсий ташаббуси амалий ишлар изига сабот билан йўналтириб турилсин, ижтимоий тараққиётнинг етилган муаммоларини ялпи куч-ғайратлар билан, ҳар бир иш жойидаги юксак самарадорлик билан, барча соҳаларда новаторларча ва масъулиятли ёндашув билангина ҳал этиш мумкинлиги тушунчаси одамларга сингдирилсин.

Мана шу бурилиш даврда коммунистларнинг бурчи ўзининг жамиятдаги авангардлик ролини оширишдан, ўз зиммасига ихтиёрий равишда олган ва КПСС Уставидан келиб чиқадиган вазифаларни онгли равишда бажаришдан, партиявий-сиёсий ишни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат. КПСС область ва ўлка ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари шунга кўмаклашмоғи лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Комиссияларига СССР халқ депутатлари сайлови муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатномасини тайёрлаш топширилсин, унда КПССнинг сайловолди платформасини, унинг СССР давлат ҳокимияти олий органининг бутун келгуси давридаги фаолият программасини баён этиб бериш керак.

4. Сиёсий система ислоҳотининг биринчи босқичи вазифаларини бажариш билан айни бир вақтда унинг келгуси йўналишларидаги ишни кучайтириш: совет федерациясининг етилган муаммоларини ҳал этиш, жойлардаги ҳокимиятни ва бошқарувни қайтадан ташкил қилиш, суд-ҳуқуқ ислоҳотини тўла ҳажмда амалга ошириш лозим.

Партия ташкилотларининг бундан буёнги ишида миллатлараро муносабатлар соҳасида партия конференцияси маъқуллаган чора-тадбирларни турмушга узлуксиз татбиқ этиш, турли миллат ва элатларнинг ўзига хос манфаатларини ҳам, шунингдек Улуғ Октябрнинг энг муҳим ғалабаси бўлмиш Совет Иттифоқи халқларининг қардошларча дўстлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш вазифаларини ҳам ғоят тўла-тўкис ҳисобга олиш вазифаси жуда муҳим ўрин олиши керак. Шу муносабат билан СССРнинг миллий-давлат тузилиши тўғрисидаги баъзи конституцион нормаларга аниқлик киритиш соҳасидаги тайёргарлик иши алоҳида аҳамият касб этади. Партиянинг иттифоқдош республикалар ва автоном тузилмаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш йўли, ССР Иттифоқи билан республикалар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш тўғрисидаги йўл-йўриқлар бунинг учун асосий база бўлиши керак. Бу ишда социалистик федерализм, барча иттифоқдош республикалар ҳуқуқларининг тенглиги, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар гражданларнинг тенг ҳуқуқлилигидан иборат конституцион принципларга жуда, қатъий риоя қилиниши лозим.

Барча масалалар иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округлар вакилларининг иштироки билан синчиклаб муҳокама қилинишини назарда тутиб, КПСС Марказий Комитетининг СССРдаги миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган Пленумига тайёргарликни кучайтириш КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, Комиссияларига топширилсин.

Сиёсий ислоҳотни ўтказиш билан боғлиқ ишда фикрларни ҳар томонлама муҳокама қилиш ва эътиборга олиш, ҳар қандай масалада манфаатларни қовуштириш асосида ҳаммани қаноатлантирадиган қарор ишлаб чиқиш лозим ва мумкинлигига амал қилинсин. Бу соҳада пала-партиш, бир ёқлама ҳаракат қилинишига, жамоатчилик фикрини нотўғри йўлга соладиган қадамлар қўйилишига ўрин йўқ. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига ижтимоий кучларни қайта қуриш ғоялари асосида жипслаштиришга, айрим республикалардаги социал ва сиёсий кескинликни камайтиришга қаратилган ва келишиб олинган тадбирлар комплексини амалга ошириш, КПСС барча ташкилотларининг шу мақсаддаги ҳаракат бирлигини таъминлаш топширилсин.

КПСС МК ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2005 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КОНЦЕПЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИДАГИ ИШ ҲАҚИДА

1. Н. И. Рижковнинг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Концепцияси лойиҳасини тайёрлаш соҳасидаги иш ҳақида» қилган доклади маълумот учун қабул қилинсин.

2. СССР Министрлар Советига КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг жамият турмушининг барча соҳаларини кенг демократиялаш шароитида экономиканинг структурасини тубдан қайта қуриш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иқтисодий ислоҳотни изчиллик билан чуқурлаштириш асосида экономикани социал соҳага буриб юбориш тўғрисидаги принципиал қарорларига амал қилиб, Концепция лойиҳаси устидаги ишни давом эттириш тавсия қилинсин.

КПСС МК ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КОМИССИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Қомитети комиссиялари қуйидаги составда тасдиқлансин:

Партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси

Г. П. Разумовский — комиссия раиси

Комиссия аъзолари

В. И. Болдин — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Умумий бўлимининг мудири

И. С. Болдирев — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари

З. И. Боровикова — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, Краснодар ўлкаси КПСС Курганинск район комитетининг биринчи секретари

А. Н. Герасимов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари

В. В. Григорьев — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Витебск область комитетининг биринчи секретари

В. И. Зоркальцев — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Томск область комитетининг биринчи секретари

В. А. Ивашко — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари

М. А. Киязюк — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари

Н. Е. Кручина — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ишлар мудири

Ю. И. Лобов — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, Удмуртия АССР Д. Ф. Устинов номли «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари

В. Г. Ломоносов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, ВЦСПС раисининг ўринбосари

Н. И. Мальков — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари

М. С. Мендибаев — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Қомитетининг иккинчи секретари

В. И. Мироненко — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, ВЛКСМ Марказий Қомитетининг биринчи секретари

Б. В. Никольский — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, Грузия Компартияси Марказий Қомитетининг иккинчи секретари

С. А. Ниёзов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, Туркманистон Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари

Б. К. Пуго — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг раиси

Е. З. Разумов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг биринчи ўринбосари

М. С. Смиртюков — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети ишлар мудири

Л. Н. Спиридонов — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, «Правда» газетаси бош редакторининг биринчи ўринбосари

З. А. Стульпинене — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Литва ССР Паневежис «Линас» каноп ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси

В. П. Тихомиров — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, Москвадаги Владимир Ильич номли электромеханика заводининг йўнувчи-токари

Г. И. Усмонов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари

В. С. Шевченко — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Идеология комиссияси

В. А. Медведев — комиссия раиси

Комиссия аъзолари

А. Н. Аксенов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси

В. Г. Афанасьев — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, «Правда» газетасининг бош редактори

Л. К. Баликова — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, ўрта мактаб ўқитувчиси, Омск области

А. А. Беляев — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, «Советская культура» газетасининг бош редактори

Я. Я. Вагрис — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Латвия Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари

Н. В. Геллерт — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, совхоз механизатори, Қозоғистон ССР Целиноград области

А. Т. Гончар — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари

Ю. Н. Ельченко — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Қомитетининг секретари

В. Г. Захаров — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, СССР маданият министри

Т. Г. Иванова — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, РСФСР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари

А. С. Капто — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Идеология бўлими мудири

Ю. С. Қарабасов — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари

В. В. Қарпов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари

В. А. Купцов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари

Г. И. Марчук — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Фанлар академиясининг президенти

М. Ф. Ненашев — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, СССР Нашриёт полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси

Д. И. Патиашвили — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, Грузия Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари

Г. Л. Смирнов — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг директори

С. П. Ткачев — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, СССР Тасвирий санъат академиясининг ҳақиқий аъзоси

М. А. Ульянов — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, РСФСР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси

И. Т. Фролов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Марказий Қомитети Бош секретарининг ёрдамчиси

Т. Н. Хренников — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари

Г. А. Ягодин — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, СССР Халқ таълими давлат комитетининг раиси

Р. Г. Яновский — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Қомитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академиясининг ректори

Социал-иқтисодий сиёсат масалалари комиссияси

Н. Н. Слюньков — комиссия раиси

Комиссия аъзолари

В. Г. Афонин — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, КПСС Қуйбишев область комитетининг биринчи секретари

А. П. Бирюкова — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети социал ривожланиш Бюросининг раиси

Е. А. Браков — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, И. А. Лихачев номли Москва автомобиль заводининг бош директори

Б. Г. Владимиров — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Қомитети «Экономическая газета» ҳафталик газетасининг бош редактори

А. В. Власов — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. РСФСР Министрлар Советининг Раиси

Е. А. Елисеев — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, КПСС Қабарда-Балқария область комитетининг биринчи секретари

Г. В. Колбин — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари

В. Г. Колесников — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, СССР электрон саноати министри

А. М. Королев — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, С. Орджоникидзе номли Урал оғир машинасозлик заводи токарлар бригадири

М. А. Королев — КПСС Марказий Қомитети аъзолигига кандидат, СССР Статистика давлат комитетининг раиси

А. А. Малофеев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Белоруссия Компартияси Минск область комитетининг биринчи секретари

Ю. Д. Маслюков — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси

А. Г. Мельников — КПСС Марказий Қомитетининг аъзоси, КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари

Ф. Т. Моргун — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси

Я. П. Погребняк — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари

В. Т. Сайкин — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

К. В. Фролов — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти

В. Я. Ходирев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, халқ депутатлари Ленинград шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Е. И. Чазов — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Соғлиқни сақлаш министри

С. А. Шалаев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ВЦСПС раиси

Аграр сиёсат масалалари комиссияси

Е. К. Лигачев — комиссия раиси

В. П. Никонов — комиссия раисининг ўринбосари

Комиссия аъзолари

Б. М. Володин — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари

Б. И. Гостев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР молия министри

И. Г. Гринцов — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари

С. К. Гроссу — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Л. Б. Ермин — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари

В. И. Калашников — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари

М. И. Клепиков — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск районидаги «Кубань» колхозининг комплекс бригадаси бошлиғи

А. М. Масалиев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

В. К. Месяц — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари

Д. К. Моторний — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Херсон область Белозерский районидаги С. М. Киров номли колхоз раиси

В. С. Мураховский — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Агросаноат давлат комитетининг раиси

Н. А. Назарбоев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси

И. К. Полозков — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари

А. Ф. Пономарев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Белгород область комитетининг биринчи секретари

Ф. В. Попов — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари

М. Б. Рижиков — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, ВЦСПС секретари, агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси

В. В. Сакалаускас — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси

И. И. Скиба — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Аграр бўлими мудири

Е. Е. Соколов — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Е. С. Строев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Орёл область комитетининг биринчи секретари

Н. Ф. Татарчук — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Калинин область комитетининг биринчи секретари

Халқаро сиёсат масалалари комиссияси

А. Н. Яковлев — комиссия раиси

Комиссия аъзолари

Г. А. Арбатов — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Фанлар академияси АҚШ ва Канада институтининг директори

С. Г. Арутюнян — Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

С. Ф. Ахромеев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Куролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари

Б. Т. Бацанов — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раиси Секретариатининг мудири

А.-Р. Х. Везиров — Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Е. П. Велихов — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти

В. И. Вяляс — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

В. М. Каменцев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари

А. Г. Ковалев — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари

В. А. Крючков — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси

И. Д. Лаптев — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, «Известия» газетасининг бош редактори

П. К. Лучинский — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари

Ю. А. Манаенков — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Липецк область комитетининг биринчи секретари

В. М. Никифоров — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари

Р. Н. Нишонов — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Г. В. Новожилов — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, С. В. Ильюшин номли Москва машинасозлик заводининг бош конструктори

Е. М. Примаков — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори

Г. И. Ревенко — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Украина Компартияси Киев область комитетининг биринчи секретари

В. В. Терешкова — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Совет жамиятлари союзи президиумининг раиси

Г. И. Уланов — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Калуга область комитетининг биринчи секретари

В. М. Фалин — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлимининг мудири

А. С. Черняев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси

Ҳуқуқ сиёсати масалалари комиссияси

В. М. Чебриков — комиссия раиси

Комиссия аъзолари

В. В. Бакатин — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ички ишлар министри

Ю. П. Баталин — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари

Ф. Д. Бобков — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари

Л. Ф. Бобикин — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари

А.-М. К. Бразаускас — Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

А. Н. Гиренко — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Украина Компартияси Қрим область комитетининг биринчи секретари

В. А. Затворницкий — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Главмосстрой комплекс бригадаси бошлиғи

Б. В. Кравцов — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР юстиция министри

А. Д. Лизичев — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Совет Армияси ва Харбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи

А. А. Логунов — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти

К. Маҳкамов — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

В. М. Мишин — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ВЦСПС секретари

В. П. Мисиченко — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Украина Компартияси Харьков область комитетининг биринчи секретари

И. Х. Ромазан — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, В. И. Ленин номли Магнитогорск металлургия комбинатининг директори

Н. Ф. Рубцов — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Секретариатининг бошлиғи

В. И. Теребилов — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий судининг раиси

М. И. Халдеев — КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, «Партийная жизнь» журнали бош редактори

А. А. Хомяков — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари

Е. М. Чехарин — КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари

Е. А. Шуляк — КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Улуғ Октябрь 60 йиллиги номли Минск автомобиль заводининг темирчи-қолипловчиси

2. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Марказий Комитетнинг Комиссиялари тузилишини XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларни коллегиаллик билан муҳокама қилиш ва қабул этишдан иборат ленинча принципни тўла ҳажмда қайта тиклаш тўғрисидаги йўл-йўриқларни амалга ошириш соҳасидаги муҳим тадбир, деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитетининг комиссиялари партия раҳбарлиги коллективлигини ривожлантиришга, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидаги актив ишга КПСС Марказий Комитетининг аъзоларини ва аъзолигига кандидатларни, КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг аъзоларини жалб этишга ҳар томонлама кўмаклашишлари лозим.

КПСС Марказий Комитетининг комиссиялари ўз йўналишларига оид муаммоларини ўрганадилар ҳамда партия ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, партиянинг сиёсий йўл-йўриқларини, партия съездлари ва конференцияларининг қарорларини рўёбга чиқаришга доир таклифларини КПСС Марказий Комитети учун ишлаб чиқадилар. Улар партия қарорлари қандай

бажарилаётганини таҳлил этадилар, партия ва мамлакат турмушининг энг муҳим масалаларини дастлабки тарзда ишлаб чиқадилар, турли вариантларни чамалаб кўрадилар, бу ишга партия активларини, етакчи олимларни, мутахассисларни, жамоат арбобларини, янгича фикрловчи кишиларни, қайта қуришнинг фаол иштирокчиларини тортадилар. Муҳокама якунлари юзасидан комиссиялар ҳужжатларнинг лойиҳаларини ва таҳлилий материалларни КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, шу жумладан унинг мажлисида ёки Марказий Комитетнинг Пленумида муҳокама қилиш учун ҳам тақдим этадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг топшириғига биноан комиссиялар умумпартия ёки умумхалқ муҳокамасига қўйиладиган қарорларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан, шунингдек социал-иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг бошқа принципиал масалалари юзасидан хулосалар чиқариб берадилар.

Комиссиялар партия қарорларини амалга ошириш, ички сиёсий ва халқаро амалий ҳаракатларни ташкилий ва мафкуравий жиҳатдан таъминлаш соҳасидаги ишнинг мазмуни, шакли ва усуллари хусусида партия ташкилотларига ва партия комитетларига амалий тавсиялар ишлаб чиқишлари ҳамда Марказий Комитет Сиёсий бюросининг розилиги билан уларни партия ташкилотларига етказишлари мумкин.

3. Комиссиялар қарамоғига кирадиган масалалар уларнинг мажлисларида коллектив равишда муҳокама қилинади ва ҳал этилади. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси масалаларни ўртага қўйишда ташаббус кўрсатиши мумкин. Комиссияларнинг мажлислари заруратга қараб, аммо камида уч ойда бир марта ўтказилади. Комиссиялар ишчи группаларни тузишлари, комиссиянинг айрим аъзоларига топшириқлар беришлари мумкин. Комиссиялар ўз ишида КПСС Марказий Комитетининг тегишли бўлимларига, партиянинг илмий ва ўқув юртларига таянадилар. КПСС Марказий Комитети комиссияларининг иши учун ташкилий-техникавий шароитларни КПСС Марказий Комитетининг Умумий бўлими ва Ишлар бошқармаси таъминлайди.

Комиссияларнинг фаолияти матбуотда оператив тарзда ёритилади, ҳужжатлар «Известия ЦК КПСС» («КПСС Марказий Комитетининг ахбороти»)да эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1988 йил 7 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XII пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Республика партия органлари аппарати структурасини қайта ташкил этиш тўғрисида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссияларини тузиш ҳақида» ахборот берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «Республика партия органлари аппарати структурасини қайта ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Пленум В. П. Анишчевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш масалалари комиссиясининг раиси, Р. Н. Нишоновни идеология комиссиясининг раиси, П. Қ. Ҳабибуллаевни ҳуқуқ масалалари комиссиясининг раиси, Ш. З. Камолхўжаевни социал-иқтисодий ривожланиш масалалари комиссиясининг раиси, Д. Д. Берковни агросаноат комплекси масалалари комиссиясининг раиси этиб тасдиқлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари этиб сайлангани муносабати билан у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси вазифасидан озод қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пропаганда ва агитация бўлими мудири бўлиб ишлаб келган Ш. З. Камолхўжаев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ва Бюро аъзоси этиб сайланди. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси қилиб сайланди.

Пленум П. В. Догонкинни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири, Ш. С. Зиёмовни Идеология бўлимининг мудири, Ш. Р. Мирсаидовни Социал-иқтисодий бўлим мудири, В. Д. Великановни Давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири, Қ. Т. Тоировни Умумий бўлим мудири, Р. Ҳ. Абдуллаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комиссиясининг раиси, З. Ҳ. Ҳайдаровни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар мудири қилиб тасдиқлади.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. Қаюмов ўзини бошқа ишга ўтказиш тўғрисида ариза берганлиги муносабати билан шу газета редакторининг ўринбосари бўлиб ишлаб турган Ў. И. Усмонов «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори этиб тасдиқланди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари И. Ж. Жабборов, Н. Р. Ражабов, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев ўз обрўсига доғ туширганликлари учун уларни КПСС сафидан чиқарди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК XII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ОРГАНЛАРИ АППАРАТИ СТРУКТУРАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳозир ишлаб турган бўлимларини тугатиш ҳамда Ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш, Идеология, Социал-иқтисодий, Аграр, Давлат-ҳуқуқ, Умумий бўлимларини ташкил этиш ҳақидаги таклифига рози бўлинсин. Ишлар мудирлиги ва Марказий Комитет ҳузуридаги Партия контроли комиссияси сақлаб қолинсин, Марказий Комитет Секретариати ҳузурида инспекторлар группаси тузилсин. Бунда Марказий Комитет аппарати масъул ходимларининг умумий сони 26 процентгача қисқартирилсин.

Область партия комитетларида худди шундай бўлимлар ташкил этилгани, партия аппаратининг сони ҳам анча қисқартирилгани маълумот учун қабул қилинсин. Шаҳар ва район партия комитетлари структурасида ташкилий бўлимлар билан идеология бўлимлари тузилди. Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳар партия комитетларида социал-иқтисодий бўлимлар ташкил қилинди. Шаҳар ва район партия комитетларида умумий бўлимлар асосан сақлаб қолинди. 27 та қишлоқ район партия комитети бундан мустасно бўлиб, ана шу партия комитетларида мазкур бўлимлар ўрнига иш юритиш секторлари тузилган. Юқоридаги барча партия комитетларида партия комиссиялари сақлаб қолинган.

2. Марказий Комитет Бюроси ва Секретариати, область, шаҳар ва район партия комитетлари партия аппарати структурасини қайта ташкил этиш давомида уни энг яхши тайёргарлик кўрган, зарур фазилатларга, ҳаётий ва партиявий-сиёсий тажрибага эга бўлган, ишни янгича ташкил эта оладиган, коммунистлар билан партиясизларнинг ишончига сазовор бўлиб, обрў орттирган, бошланғич партия ташкилотларининг тавсияномасини олган билимдон ходимлар билан таъминласинлар.

Қисқартирилаётган ходимларни партия, давлат, хўжалик фаолияти ва жамоат фаолиятининг муҳим соҳаларини мустаҳкамлашга, қуйи партия бўғинларига йўллаш керак.

Партия органлари аппарати структурасини қайта ташкил этишга доир барча ишлар шу йилнинг охиригача тугаллансин.

3. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми партия комитетларининг диққат-эътиборини шунга алоҳида жалб этадики, партия органлари аппаратларини қайта ташкил этиш улар фаолиятининг функциялари, мазмуни ва методлари тубдан ўзгартирилишини тақозо қилади. Партия аппарати ходимлари буйруқбозлик услубини қатъиян бартараф этишларига, сиёсий раҳбарлик бутун чоралар билан кучайтирилишини, партия турмушининг демократик принциплари қарор топтирилишини таъминлашларига, ўз эътиборларини ташкилотчилик ва тарбиявий ишни такомиллаштиришга, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилашга қаратишларига эришиш зарур.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК XII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КОМИССИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль Пленуми қарорларига мувофиқ ҳамда қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг масъулияти оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қуйидаги комиссияларини тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин: ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш масалалари комиссияси, идеология комиссияси, социал-иқтисодий ривожланиш масалалари комиссияси, аграр-саноат комплекси масалалари комиссияси, ҳуқуқ масалалари комиссияси. Комиссияларнинг составлари тасдиқлансин.

2. Марказий Комитет пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссиялари тузилганлиги коллектив партиявий раҳбарликни ривожлантиришга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатларини, республика партия ташкилоти ревизия комиссияси аъзоларини партиявий ишнинг энг муҳим йўналишларида фаол қатнашишга жалб этишга кўмаклашиши керак, деб ҳисоблайди.

Комиссиялар ўз соҳалари бўйича муаммоларни ўрганадилар ҳамда партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш, КПССнинг сиёсий йўл-йўриқларини амалга ошириш борасида Марказий Комитет учун таклифларни ишлаб чиқадилар. Улар партия қарорлари қандай бажарилаётганини таҳлил қиладилар, республикани ривожлантиришга доир энг муҳим ва истиқболли масалаларни дастлабки тарзда ишлаб чиқиб, шу мақсадда партия активларини, олимлар, мутахассисларни, ишлаб чиқариш илғорларини, қайта қуришнинг актив қатнашчиларини жалб этадилар. Кўриб чиқиш якунлари юзасидан комиссиялар Марказий Комитетнинг Бюросида ва пленумларида муҳокама қилиш учун ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда таҳлилий материалларни тақдим этадилар.

Марказий Комитет Бюросининг топшириғига биноан комиссиялар қарорларнинг ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан, социал-иқтисодий ривожланиш масалалари юзасидан хулосаларни берадилар. Комиссиялар иш формалари ва методларини такомиллаштириш борасида республика партия комитетлари билан партия ташкилотларига амалий тавсияномаларни ишлаб чиқишлари мумкин.

3. Комиссияларнинг ихтиёрига кирувчи масалалар мазкур комиссияларнинг мажлисларида коллектив равишда муҳокама этилиб, ҳал қилинади, бундай мажлислар заруратга кўра, аммо камида ҳар уч ойда бир марта ўтказиб турилади. Комиссиялар ишчи группаларини тузишлари, комиссиянинг айрим аъзоларига топшириқ беришлари мумкин. Комиссиялар ўз ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тегишли бўлимларига, партия, совет органларига, жамоат ташкилотлари ва ижодий ташкилотларга таянадилар. Комиссияларнинг ишлаши учун ташкилий-техникавий шароитларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Умумий бўлими билан ишлар мудирлиги таъминлайдилар.

Комиссияларнинг ишини ахборот воситалари оператив равишда ёритиб боради, ҳужжатлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ахборот бюллетенида эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК XII ПЛЕНУМИ ТАСДИҚЛАГАН КОМИССИЯЛАРИНИНГ СОСТАВИ

Ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш масалалари комиссияси

Анишчев Владимир Петрович — комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари

Комиссия аъзолари:

Абдуллаев Муҳиддин Убайдуллаевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Қумқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари

Айдарқулов Абдухолиқ Абдураҳмонович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси

Алимова Ҳалимахон — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Узсовпроф раиси

Ваҳобова Фотима — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Бухоро пиллакашлик фабрикасининг ишчиси

Догонкин Петр Васильевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири

Искандаров Мирзағани — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент олий партия мактабининг ректори

Эшбеков Искандар Дўстмуҳамедович — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Самарқанд область Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Қунназаров Ўринбой — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қорақалпоғистон АССР Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Носиров Азиз — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари

Неъматов Ўктам — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Самарқанддаги «Хлопкомаш» заводининг директори

Нетяга Леонид Иванович — Хоразм область партия комитетининг иккинчи секретари

Попов Ринат Александрович — Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари

Рўзиев Эркин Маҳмудович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент область Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Смеюшчев Виктор Александрович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Андижон область партия комитетининг иккинчи секретари

Султонова Умри — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари

Турсунов Умурзоқ Турданович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Самарқанд область Пастдарғом район партия комитетининг биринчи секретари

Йўлдошев Шавкат Муҳиддинович — Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари

Ҳайдаров Зилемхан — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар мудири.

Идеология комиссияси

Нишонов Рафиқ Нишонович — комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Холмуҳамедов Мутал Ҳошимович — комиссия раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

Комиссия аъзолари:

Алимов Шавкат Орифжонович — В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг ректори

Орипжонов Маҳмуд Марипович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари

Беккулбекова Лидия Шахтухатовна — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари

Ғойибов Наим Ёвкочевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси

Дадажонова Дилшодхон — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Наманган область партия комитетининг секретари

Ешимбетова Турсун Алламбергеновна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Жолудева Лидия Михайловна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта аппаратчиси

Зиёмов Шаҳобиддин Сирожевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири

Мирқосимов Мираҳмад Мирҳожиевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари

Муҳаммаджонов Зикир — Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг актёри

Наврўзова Муҳтарама — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Бухоро область Вобкент районидаги Калинин номли колхоз раиси

Нўъмонов Комил (Яшин) — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, ёзувчи

Ниёзов Шавкат — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетасининг редактори

Сажнев Юрий Михайлович — Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари

Салоҳиддинов Маҳмуд — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти

Таранторова Валентина Ивановна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси

Умарбеков Ўлмас Раҳимбекович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР маданият министри

Худойберганова Римажон Матназаровна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари

Юсупов Эркин — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.

Ҳуқуқ масалалари комиссияси

Ҳабибуллаев Пўлат — комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Комиссия аъзолари:

Абдуллаев Раҳматулла Ҳамидуллаевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комиссиясининг раиси

Алламуродов Бўри — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари

Аширов Абдубанно — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Наманган область Уйчи район партия комитетининг биринчи секретари

Васильев Юрий Сергеевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Самарканд область партия комитетининг иккинчи секретари

Великанов Владимир Дмитриевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири

Ефимов Анатолий Степанович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси

Козирь Александр Викторович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари

Кадин Александр Гаврилович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси

Мирёқубов Тўлкин Мирхолиқович — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Жиззах шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Раҳимов Учқун — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри

Романовский Анатолий Петрович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари

Саликов Қакимбек — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари

Сефершаев Фикрет — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент облась Чиноз районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозининг бригадири

Усатов Дмитрий Александрович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР прокурори

Худойбердиева Ҳалима Умматкуловна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, «Саодат» журналининг бош редактори

Филиппов Николай Дмитриевич — Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари

Социал-иқтисодий ривожланиш масалалари комиссияси

Камолхўжаев Шукур Зоитович — комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

Комиссия аъзолари:

Абдураҳмонов Пўлат Мажидович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент область ижроия комитетининг раиси

Абдураҳмонов Алишер Абдуманнонович — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари

Асанов Атаулла Худайбергенович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари

Асепков Юрий Асралович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси

Отажонов Алихон Раҳматович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари

Бахромов Саиджалол Маҳмудович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри

Белогуров Николай Андреевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи

Журавлев Василий Николаевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Зазулин Дмитрий Андреевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, «Узбекшахтострой» трестининг Ангрендаги қурилиш бошкармаси бригадири

Зорин Владимир Юрьевич — Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари

Икромов Анвар Солиҳович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари

Каримов Ислом Абдуғаниевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари

Клепиков Александр Федорович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари

Мирсаидов Шукурулла Раҳматович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси социал-иқтисодий ривожланиш бўлимининг мудири

Рябов Николай Васильевич — Наманган облась партия комитетининг иккинчи секретари

Сатин Борис Федорович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Салимов Эркин Ҳайдарович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Ёқубов Шербой — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, СССР давлат банки Ўзбекистон банки правлениесининг раиси

Огарок Валентин Иванович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари

Агросаноат комплекси масалалари комиссияси

Берков Дмитрий Дмитриевич — комиссия раиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

Комиссия аъзолари:

Дадабоев Шуҳрат Отахонович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат; Тошкент область Янгийўл шаҳар партия комитетининг биринчи секретари

Жўрабеков Исмоил Ҳакимович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси

Жуманиёзов Маркс — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Хоразм область Урганч район партия комитетининг биринчи секретари

Ержонов Сейтназар — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг

биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон АССР Давлат агросаноат комитетининг раиси

Қирғизбоева Тўхтахон Бозоровна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Сирдарё область Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг звено бошлиғи

Мамарасулов Солижон — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари

Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

Мусаев Тақсим — Самарқанд область Жомбой районидаги «Октябрь» колхози пудратчи фермасининг бригадири

Мўминов Абдукарим — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Андижон область Қомсомолобод район партия комитетининг биринчи секретари

Раҳмов Насимбек Холиқбердиевич — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Фарғона область Киров район партия комитетининг биринчи секретари

Рўзматов Миразиз — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси

Тошев Хурсанд — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, «Джизакстепстрой» территориал бошқармасининг бошлиғи

Тошканбоев Алишер Холмуродович — Бухоро область ижроия комитетининг раиси

Турсунов Эркин — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетининг раиси

Холиқов Мўмин Саъдуллаевич — Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзоси, Самарқанд область Навоий район партия комитетининг биринчи секретари

Хидиров Темир Пўлатович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Қашқадарё область партия комитетининг секретари

Ёдгоров Дамир Солиҳович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари

Эшонқулов Ҳайдар Каримович — Қашқадарё область Ульянов районидаги «Интернационал» совхозининг ижарачи бригадаси бошлиғи

1989 ЙИЛГА ҚАДАМ ҚЎЙДИК

1989 йил ўз ҳуқуқини олди... Ўтиб бораётган йилни сарҳисоб қилиш ва кириб келаётган йил нималар ваъда қилаётгани ва нималар келтириши кераклиги устида бош қотириш азалий ва фойдали анъана бўлиб қолган. Бу қонунийдир. Чунки ҳар қайси йил инсоният тарихида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, турли мамлакатларда шундай воқеалар билан нишонланадики, уларнинг баъзилари одамларнинг умидини пучга чиқаради, бошқалари уларга қувонч ва илҳом бахш этиб келажакнинг яхшироқ бўлишига умидвор қилади.

Совет халқи учун ўтган йил аввало КПСС МКнинг 1985 йил апрель Пленумидан бошланган муҳим ва салмоқли даврнинг узвий қисми бўлиб, партия бу даврда социализмни мавжуд деформациядан, авторитар-бюрократик бузилишлардан тозалаш, унинг гуманистик табиатини тиклашдек стратегик йўлни дадил ва қатъиян амалга оширди. Бу йўл партия XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида чуқур асосланди, мустаҳкамланди ва ривожлантирилди. Совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолати, социалистик тузум замиридаги унинг улкан потенциал имкониятларининг ишга солинишига ўтилишини таъминлашга даъват этилган туб ўзгартиришлар бошлаб юборилдики, бундан мақсад ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлаш ҳамда совет халқининг ҳаётини моддий жиҳатдан тўкисроқ ва маданий жиҳатдан ранг-баранг қилишдир.

Партия билан халқ янги йилга социализмнинг улкан имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш ҳамда ўзининг поклантирувчи руҳи ва мазмунига кўра революцион бўлган қайта қуришнинг ҳаётий зарур ва долзарб вазифаларини тезроқ амалга оширишга азму қарор қилган ҳолда қадам қўймоқда. Шу муносабат билан XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг: қайта қуриш қандай бормоқда? Биз нималарга эришдик? Ҳозирча нималарни қилиб улгурмадик ва халқ ҳамда социализмнинг туб манфаатларини таъминлай бориб, қандай йўл билан илгарилаш лозим? деган ҳаммани тўлқинлантирувчи саволларга жавоб берган қарорлари алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

1988 йил якунлари қайта қуришнинг дастлабки ижобий натижаларига эришилганлигини тасдиқлайди. Ўтган йиллардаги бузилишларга барҳам бера бориб, экономиканинг кризис сари тойиб боришини тўхтатиб қолишга, туб иқтисодийислоҳотни ҳамма ерда жорий этишга, социал соҳада яхшилик томон бурилиш ясашга муваффақ бўлинди.

Хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларининг жорий этилиши кўпгина корхоналар ва халқ хўжалиги тармоқларининг фойда ва бошқа жамғармалар бўйича план топшириқларини ошириб бажаришига ёрдам берди. Иқтисодий ривожланиш сифат омилларининг кучаяётгани ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интенсивлашаётганидан далолат беради. Шуни айтиш кифояки, кейинги икки йил ичида мамлакат миллий даромадининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш билан таъминланди.

Ишлаб чиқариш воситалари билан кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш орасидаги нисбатнинг истеъмол моллари фойдасига ўзгариши тенденцияси аниқ кўзга ташланмоқда. Инсон манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш совет эконо-

микасининг олий мақсадига айланмоқда. Капитал маблағларининг тобора кўпроқ қисми уй-жой, соғлиқни сақлаш ва маданият объектларига ажратилмоқда.

Экономикани соғломлаштириш жараёни бизнинг республикамизда ҳам тобора кучаймоқда. Ўтган йилнинг дастлабки якунларига кўра ялпи ижтимоий маҳсулот 1,5 процент, ҳосил қилинган миллий даромад 9 процент кўпайди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 10 процент ўсди, бу эса 1987 йилда эришилган ўсиш суръатларидан икки баравар ортиқдир. Кўп йиллар мобайнида биринчи дафъа чакана товар обороти плани бажарилди, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кенгайди, қўшимча уй-жой майдони, умумий таълим мактаблари, касалхоналар ишга туширилди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар кўпайди.

Ўзбекистон пахтакорларининг, агросаноат комплекси барча ходимларининг муваффақиятлари айниқса салмоқлидир. Мўл ҳосил етиштирилгани, об-ҳавонинг қулай келгани, теримчиларга ҳақ тўлашнинг янгича баҳолари, уларнинг фидокорона меҳнати ўз натижасини берди. 1988 йилнинг 12 ноябридаёқ пахта тайёрлаш плани бажарилди. Қабул пунктларига 5 миллион 350 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бунда пахтанинг 80 проценти биринчи сортлар билан топширилди, бутун ҳосилнинг қарийб ярмиси машиналар билан йиғиб олинди. Кўп йиллар мобайнида биринчи марта пахта теримида студентлар қисқа вақт бўлишди.

Пахта тайёрлаш плани бажарилишининг якунларига пахтакорлар меҳнати оқилона ташкил этилишининг роли ошганлиги, деҳқончиликка пудрат ва ижара формалари жорий этилгани ижобий таъсир қилди.

Пахтачиликдаги катта муваффақиятлар билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам умидбахш натижалар қўлга киритилди. Пиллакорлар мажбуриятларини бажардилар. Дон экинлари ҳосилдорлиги аввалги йил даражасидан ошди, мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва етказиб бериш кўпайди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ошиб борди. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра, республика Давлат агросаноат системасидаги фойда бир ярим миллиард сўмга етади ва 1987 йил даражасидан тахминан 300 миллион сўм ошади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республика қишлоқ хўжалигида янги йилнинг бошига келиб бир миллиондан зиёд деҳқонлар пудрат усулида ишлади. 112 хўжаликда ижара пудрати қўлланилди ва 84 минг гектар ер-сув ижарага берилди. Бу билан жуда етилган мулк муносабатларини қайта қуриш ҳамда ўнларча йиллар мобайнида ташкил топган инсоннинг ижтимоий ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштирилишига барҳам бериш иши бошлаб юборилди.

Ўтган йилнинг қайта қуришнинг муқаррарлиги ва ижобий якунланишига ишончни мустаҳкамлаган хосиятли аломатларини қониқиш билан таъкидлар эканмиз, айни вақтда эришилган муваффақиятларга ортиқча баҳо бермаслик лозим. Бутун мамлакат миқёсида экономикани жадал ривожлантириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасидаги турғунлик ҳолатларини бартараф этиш секин амалга ошмоқда ва етарлича бўлмаётир. Экономикада ҳозирча туб бурилиш содир бўлганича йўқ, тўғаноқ солиш механизми ҳали ҳам амал қиляпти ва жадаллаштириш механизми билан алмаштирилгани йўқ. Экономика структурасининг чиқимдорлик характери асосан сақланиб турибди ва мамлакатнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Саноатда ишловчилар сонини кўпайтириш ҳисобига маҳсулотнинг интенсив ялпи ўсиши кўзга ташланмоқда, фан-техника тараққиёти суръатлари ҳам кўнгилдагидай эмас.

Ҳолбуки 1989 йил ишнинг янгича иқтисодий принципларига: мустақиллик ва тўла хўжалик ҳисобига ўтаётган мамлакатдаги кўплаб корхоналар учун жиддий имтиҳон бўлади. Давлат корхонаси тўғрисидаги қонун қоидаларига мувофиқ янги хўжалик муносабатлари ишлаб чиқариш билан истеъмол манфаатлари, бошқарувдаги демократия билан централизм, экономикада план ва бозор негизлари оптимал тарзда уйғунлашувини таъминлашга даъват этилган.

Лекин ҳамма бирлашмалар ва корхоналар бунга пухта тайёргарлик кўрганми? Ташвишланиш учун асослар оз эмас. Шуни эслатиш кифояки, мамлакатда ҳали салкам 25 мингта зарар кўриб ишлаётган саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари бор. Агросаноат комплекси қолоқлигини бартараф этиш вазифалари партия, совет ва жамоат ташкилотларининг муттасил ва тобора ортиқ эътибори ва ғамхўрлигини талаб қилади. Шак-шубҳасиз ўзини оқлаётган хўжалик ҳисоби, пудрат ва ижара системаси ҳозирча лозим даражада ёйилаётгани йўқ, ҳолбуки у

кишлокдаги ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларни қайта қуришнинг асоси сифатида бунга лойиқдир. Шу билан бирга аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, аввало гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминланишини яхшилаш энг муҳим проблемадир. Бунда умуман озиқ-овқат масаласини ҳал этиш учун кураш долзарб ишдир. 1989 йил февралида партия Марказий Комитетининг КПСС ҳозирги аграр сиёсати вазифаларини умуман мамлакатга ва унинг айрим регионларига татбиқан белгилаб бериши лозим бўлган Пленуми чақириладики, у агросаноат комплексида социал-иқтисодий ривожланиш ва фан-техника тараққиётига доир масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Янги йил республикамиз, унинг партия ташкилоти ҳаётида ҳам экономикани ўтмишдан мерос қолган турғунлик ҳолатидан олиб чиқиш учун курашда муҳим босқич бўлиб қолмоғи лозим. Бу соҳада талайгина мураккаб вазифалар йиғилиб қолганки, уларни ҳал қилмасдан туриб Ўзбекистоннинг кўп тармоқли халқ хўжалигини ривожлантиришда туб силжишлар қилиб бўлмайди. М. С. Горбачев 1988 йил апрелда Ўзбекистонда бўлган вақтида унинг Ўзбекистон партия ташкилоти шаънига айтган танқидий мулоҳазалари ҳалиям кучини йўқотгани йўқ. Гап саноатда ишлаб чиқариш қувватларидан дуруст фойдаланилмаётгани, маҳсулот сифатининг пастлиги ҳамда қурилиш комплексида ишларнинг аҳволи секин тузалаётганлиги тўғрисида борган эди. Деҳқончилик ва чорвачиликда туб бурилиш юз бермаганлиги, кўпгина қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги пастлиги кўрсатиб ўтилди. Социал вазифаларни пайсалга солмай ҳал этиш талаб қилинади, қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлаш ғоят катта аҳамият касб этмоқда.

Агросаноат комплексида маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва сақлашда жиддий камчиликлар бор, бу эса аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда сезиларли бурилишга эришишга имкон бермайди. 300 тача колхоз ва совхозлар зарар кўриб ишлайди. Республика қишлоқ хўжалигида капитал маблағлар самараси жуда паст.

Ёқилғи-энергетика, металлургия ва машинасозлик комплексларида ишлаб чиқариш ҳажмлари пасайиб бормоқда. Саноат ишлаб чиқаришини истеъмол моллари чиқаришни кўпайтириш ва ассортиментини кўпайтиришни мўлжаллаб қайта ориентациялаш секин ва қийинчилик билан бормоқда. Капитал қурилишда ҳам аҳвол яхши эмас.

Республикада экологик вазият мураккаблигича қолмоқда, бу ҳол бир қатор муҳим иқтисодий районлар халқ хўжалигининг бундан буёнги муваффақиятли ўсиш имкониятига хавф туғдирмоқда. Табиатни, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ишлари билан ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг чамбарчас бирлигини таъминлаш вазифаси ҳеч қачон бу қадар кескин қўйилмаган эди.

Буларнинг бари Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари олдига катта ва масъулиятли вазифани: янги йилда экономика соҳасидаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш учун, қайта қуришнинг барча социал программалари ва бошланган ишларини самарали амалга ошириш учун каттиқ кураш олиб бориш вазифасини қўяди. Республикамизга татбиқан конкрет вазифалар ўн биринчи чақириқ республика Олий Совети тўққизинчи сессияси (1988 йил ноябрь) тасдиқлаган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планида белгилаб берилган.

Умуман ўтган йил ўз якунларига кўра шуни яққол кўрсатадики, ҳозир қайта қуришнинг янги ва энг қийин босқичи, айниқса тиғиз, амалий ишлар босқичи бошланди. Партиянинг куч-ғайратлари билан қайта қуришнинг илмий асосланган концепцияси яратилди. Кўпгина меҳнат коллективлари, уни турмушга ошира бориб, ҳозирдаёқ ижобий натижаларга эришдилар. Лекин бу ишнинг бошланиши холос. М. С. Горбачевнинг сўзлари билан айтганда белгиланган режаларни амалга ошириш «жуда кўп одамларни уюштириш билан ҳам партиядаги, ҳам халқдаги, ҳам ҳар бир коллективдаги, ҳар бир кишидаги тафаккурни қайта қуриш билан боғлиқ. Бу — жуда катта, бениҳоя қийин ва кенг миқёсли жараёндир... Ҳозир олға бориш, ҳаракат қилиш... сабоқларни билиб олиш, янгича ишларни ўрганиш керак» («Совет Ўзбекистони», 1988 йил 27 сентябрь).

Кўпроқ демократия, кўпроқ социализм бўлсин — қайта қуришнинг шиоридир. Совет ижтимоий тузумининг қудратли потенциалини юзага чиқариш жараёнида

иқтисодий ва сиёсий ислоҳот бир бутунни ташкил этишини тушуниб олиш муҳимдир.

Ўтган йил охирларида мамлакатдаги партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси бўлиб ўтди, у XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг сиёсий системани ислоҳ қилиш ва партия ҳаётини демократиялаш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ амалга оширилди. Аслида бу партия ташкилотлари ишининг аҳволи, уларнинг қайта қуриш вазифаларини бажаришга шайлиги, Коммунистик партиянинг коммунистлар авангардлик ролини амалда таъминлашга қодирлигининг кўриги бўлди.

Республикамизда ҳам ҳисобот-сайлов кампанияси бўлиб ўтди. Лекин у ҳамма ҳолларда ҳам даврнинг юксак талабларига тўла мувофиқ ўтди, деб бўлмайди. Гоҳо аввалги йиллардаги сийқа андозалар, расмиятчилик ўзини кўрсатди, танқид ва ўз-ўзини танқид юқори даражада бўлмади, номзодлар рўйхатлари чекланиб қўйилди ва ҳоказо. Лекин умуман ҳисобот-сайлов кампанияси ошкоралик ва демократиянинг, ишчанлик ва талабчанликнинг яхши мактаби бўлди. Фаолиятлари замон руҳига мувофиқ бўлган ҳамда масъулият ошган янги шароитларда ғайрат билан самарали ишлаш, янгиланиш идеологияси ва практикаси соҳиби бўлиш қобилиятига эга коммунист-раҳбарлар ўз лавозимларида қолишди. Шу билан бир қаторда партия комитетлари, сайланадиган органлар составига ходимлар янги бўғини вакиллари, истеъдодли, обрўли, юксак ишончга сазовор кўплаб кишилар киришди. Улар орасида бу соҳада катта иш тажрибасига эга бўлмаган коммунистлар ҳам борки, партия ҳаётининг ленинча нормаларини турмушга ошириш маҳоратини тезроқ эгаллашда уларга ёрдам бериш керак.

Янги йил кучли халқ ҳокимиятини таъминлаш, давлат ва социал бошқариш системасида Советларнинг муҳим ролини тиклаш белгиси остида ҳам ўтиши керак. Бу сиёсий ислоҳотнинг бош мақсадидир. 1988 йил охирлаб қолганида СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун ҳамда СССР халқ депутатлари сайловлари тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси қизиб кетди. СССР Олий Совети Президиуми муҳокама натижаларини якунлади, сўнгра қонунларнинг лойиҳалари КПСС МК Пленумида ҳамда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари XII сессиясида кўриб чиқилди, сессияда М. С. Горбачев «Советларнинг тўла ҳокимияти ва социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш сари» мавзуида доклад қилди. Сессия сиёсий системани тубдан ўзгартириш учун кенг имкониятлар яратиб берган Қонунлар қабул қилди, бу ўзгаришларни XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари белгилаб берди. Бу билан совет жамиятини демократиялаш, совет сиёсий системасини такомиллаштириш йўлида йирик қадам қўйилди.

Янги системага мувофиқ бутун мамлакатда ўтказиладиган Советларга сайловлар жамиятимизни демократиялаш ва қайта қуришни чуқурлаштириш ишида олға томон қўйилган қадам бўлиши керак. Шу йил баҳорда юқори Совет органларига, кузда эса — маҳаллий ва республика Советларига сайловлар ўтказилади. Депутатликка бошқа номзодларга нисбатан энг кўп овоз олганларнинг сайланишини кўзда тутадиган қоида бюрократизм билан муваффақиятли курашишга, мамлакатнинг олға томон ривожланишини, меҳнаткашлар ташаббусини авж олдиришни реал таъминлашга қодир бўлган Советларнинг сифат составини яхшилашга кўмаклашиши керак.

Янги йилда, шунингдек иттифоқдош республикалар экономикасини ўзини ўзи бошқаришга ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципига ўтказиш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини тайёрлаш ва уни бутун халқ муҳокамасига қўйиш лозим бўлади, бу Қонун ҳар бир республика манфаатларини бутун кўп миллатли давлатимиз манфаатлари ва эҳтиёжлари билан уйғун равишда бирлаштиришга қаратилгандир. Ана шу муҳим Қонун лойиҳаси муҳокамасига актив киришиш — Ўзбекистон кенг жамоатчилигининг бурчидир.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, республикадаги ишлар аҳволини янада яхшилаш учун янги йилда Ўзбекистон партия ташкилотининг масъулияти неча-неча бор ортади. Ҳозир бутун мамлакат миқёсида ўтказилаётган партия билан сиёсий системанинг бошқа бўғинлари функцияларини чегаралаб олишга, аввало халқ депутатлари Советларининг роли, функциялари ва ҳуқуқларини оширишга қаратилган йўл партиянинг авангардлик ролини янада активроқ таъмин-

лаш, унинг обрўси билан Советларнинг тўла ҳокимиятини мустаҳкамлаш имконини беради. Сиёсий маориф системаси барча бўғинлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳаётига идеология факторининг янада активроқ таъсир кўрсатишида республика партия ташкилотининг имкониятлари кенгаяди. Жамиятнинг маънавий ривожланишига партиявий раҳбарлик пропаганда иши услуби ва методларини қайта идрок этишни тақозо қиладики, партия пропаганда ишини ҳозир иқтисодий ислоҳот ва совет жамияти ҳаётини демократиялаш каби туб ўзгаришлар билан бир қаторга қўймоқда.

Ҳолбуки Ўзбекистонда ҳам узоқ вақт мобайнида партиявий-сиёсий, тарбиявий иш кўп жиҳатдан турғунлик характерида бўлиб келди, кабинетларда туғилган ҳўжакўрсинга бўладиган дабдабали тадбирлар билан алмаштирилди, у расмиятчилик ва сийқаси чиқиб кетган андозалар белгиси остида ўтардики, бу одамларда сиёсий ўқувга ишончсизлик туғдирарди. Идеология ишига ленинча руҳни қайтариш, уни омманинг социал активлигини, унинг интернационал, ахлоқий, атеистик тарбиясини кучайтиришнинг таъсирчан воситасига айлантириш республика партия ташкилотининг шарафли ишидир. КПСС МҚнинг 1988 йил июль Пленумининг «XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларини бажариш соҳасидаги амалий ишлар тўғрисида»ги қарори уқтирганидек қайта қуриш сиёсатини амалга оширишда ҳамда партия ҳаётининг етакчи принципи — демократик централизм принципини қайта тиклашда коммунистлар ташаббускорлиги ва уюшқоқлиги, партия ҳар бир аъзосининг актив позицияси ҳозирги шароитда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўтган йилда республика партия ташкилоти миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган талай тадбирларни амалга оширди, бу эса Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатли шароитида катта аҳамиятга моликдир. Республикада яшаётган миллат ва элатлар маданияти ва тилини ривожлантиришга доир конкрет масалалар, меҳнаткашларни социалистик интернационализм принциплари асосида тарбиялашни кучайтириш назар-эътиборда турди. Турли миллий группалар турмушининг социал шароитини яхшилашга катта эътибор бера бошланди. Лекин бу соҳада ҳали кўп иш қилиниши керак, бинобарин, 1989 йил ҳозирги босқичда ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш бўйича энг самарали тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш белгиси остида ўтиши керак.

Шу йилнинг ўрталарида КПСС МҚнинг СССРда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Пленуми бўлади. Унга тайёргарлик кўриш барча партия комитетларининг, ҳар бир коммунистнинг жуда муҳим иши бўлиши лозим, токи бизнинг кўп миллатли республикамиз ҳам Пленумга ишларнинг мавжуд аҳволини чуқур анализ қилган ҳолда ва совет халқлари бирлиги, дўстлиги ва қардошлигини янада мустаҳкамлашга доир тадбирлар тўғрисидаги конкрет таклифлар билан келсин.

М. С. Горбачевнинг 1988 йил 26 ноябрда СССР Олий Совети Президиуми мажлисида «Миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришнинг етилган муаммоларини умумий куч-ғайрат билан, қайта қуриш йўлидан бориб ҳал қилайлик» деган мавзуда сўзлаган нутқи бу соҳадаги ишнинг ориентири бўлиб хизмат қилади. Гап йирик ечимлар қабул қилиш ва, пировард натижада, миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар манфаатларига жавоб берадиган янги босқичига чиқиш тўғрисида бормоқда.

Қайта қуриш сиёсати мамлакатнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатга доир муаммоларини ҳам ҳал этишга қаратилгандир. СССР ижтимоий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва ҳамкорлиги принципини қатъий ва изчил равишда амалга ошириш, қуролланиш пойгасига ҳамда ядро хавфига қарши, мустаҳкам ва адолатли тинчлик учун курашда умуминсоний манфаатлар ва қадриятларнинг устунлиги йўлини қатъий ва собитқадамлик билан ўтказиб келмоқда. Совет Иттифоқининг ҳозирги босқичдаги ташқи сиёсат соҳасидаги доктринаси ўзининг мудофаа қобилиятини унинг оқилона даражада етарли бўлиши принципи асосида мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрликни, халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини яратиш, давлатлараро муносабатлар соҳасига янгича фикрлашни жорий этиш ҳамда ҳар бир халқ ва ҳар бир инсоннинг ядросиз ва зўравонликдан холи дунёда яшаш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисидаги ғамхўрлик билан уйғунлаштиради.

Гарчанд халқаро вазият бир маромда бўлмай, ҳали ташқи сиёсат соҳасидаги ижобий жараёнларнинг муқаррарлигига гарантия йўқлигига қарамай, СССР билан АҚШнинг стратегик хужум қуролларини қисқартириш, химиявий қуролни тақиқлаш ва йўқ қилиш, ядро синовларини чеклаш, сўнгра эса тўхтатиш, аввало Европада оддий қуролларни ўзаро қисқартириш истиқболлари ва имкониятлари реал равишда кўзга ташланмоқда.

М. С. Горбачевнинг 1988 йил 7 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 43-сессиясида сўзлаган нутқи Совет Иттифоқининг ядросиз ва зўравонликдан холи дунё ғоясига тарафдорлигининг янги ёрқин далили бўлди. У халқаро иқлимни соғломлаштиришга, давлатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг тинч, музокаралар даврини қувватлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган муҳим таклифлар киритди. Унинг шаклланиши турли социал-иқтисодий ва сиёсий системаларнинг яшаши ва рақобатлашуви шароитида юз беришлиги таъкидланди. «Бироқ халқаро майдондаги куч-ғайратларимизнинг моҳияти, янгича тафаккурнинг энг муҳим қоидаларидан бири шундан иборатки, — деб таъкидлади М. С. Горбачев ўз нутқида, — бу рақобатга танлаш эркинлигини ва манфаатлар мувозанатини ҳурмат қилиш шароитида оқилона мусобақалашув сифатини бахш этмоқ керак».

БМТ Бош Ассамблеясида совет раҳбариятининг мамлакатимиз қуролли кучларини қисқартириш тўғрисидаги баёноти замон руҳига ҳамда хавфсизликни таъминлашнинг янги моделини вужудга келтиришнинг вазифаларига жавоб берадиган дадил ва конструктив таклиф бўлди. Шу яқин икки йил ичида уларнинг миқдорий состави 500 минг кишига камаяди, оддий қуролларнинг миқдори ҳам анча қисқаради. Бу қисқартиришлар бир томонлама амалга оширилади. Совет раҳбарияти Варшава Шартномасидаги иттифоқдошлар билан келишиб олиб 1991 йилга бориб ГДР, Чехословакия ва Венгриядан олтита танк дивизиясини олиб чиқиб кетишга ва уларни тарқатиб юборишга қарор қилди. Ана шу мамлакатларда турган совет қўшинлари группаларидан штурмчи десант ва бошқа бир қанча қўшилмалар ҳамда қисмлар олиб чиқиб кетилади, қўшин бўлинмаларининг сони ва қурол-яроғларнинг миқдори анча қисқартирилади. Айни вақтда Совет Иттифоқи СССРнинг Европа ва Осиё қисмларидаги қўшинларнинг шахсий состави ва қурол-яроғлар миқдорини қисқартиради. Совет Иттифоқининг кенг кўламли янги тинчлик ташаббуслари жамоатчиликда жуда катта таассурот қолдирди, бутун дунёда маъқуллаб кутиб олинди. Улар қуролсизланиш жараёнига катта куч бахш этди ва, шубҳасизки, халқаро кескинликнинг янада юмшалишига кўмаклашади.

Бугунги дунё ҳаётбахш умидларга тўла, бу эса СССРда амалга оширилаётган қайта қуриш идеаллари ва практикаси хориждаги миллион-миллион омманинг мамлакатимизга хайрихоҳлигини кўпайтиради. Антисоветизм стереотиплари, «Совет харбий хавфи» тўғрисидаги асоссиз хомхаёллар барбод бўлмоқда. Халқаро жамоатчилик фикри эса — кескинликни юмшатишнинг муҳим омили бўлиб, ўз навбатида у ички вазифаларимизни ҳал этмоқ учун қулай вазият яратилишига ёрдам беради.

Янги йилнинг уфқлари кенг. У партия билан халқнинг социалистик жамиятни қайта қуриш ва янгилаш учун курашининг муҳим босқичларидан бири бўлиб қолмоғи учун реал шарт-шароитлар яратилган. В. И. Ленин айтган эдики, «социализм тўғрисидаги фикрни ва уни амалга ошириш бобидаги ишни... *бир минут ҳам* бир чеккага йиғиштириб қўймасдан» яшамоқ ва курашмоқ лозим (Тўла асарлар тўплами, 10-том, 309-бет). Лениннинг ана шу васияти — янги йилда барча совет кишиларига уларнинг бунёдкорона меҳнати ва ижодий ишларида энг яхши тилакдир.

Ф. ҚАЮМОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ: ТАНЛАШНИНГ ВАРИАНТЛАРИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

БУГУНГИ КУНДА, деб таъкидланди XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида, озиқ-овқат муаммоси жамиятимиз турмушининг нозик жиҳатларидан, энг кескин муаммолардан бири бўлиб турибди. Ўзбекистонда у баъзи бир бошқа регионларга қараганда кучлироқ ҳис этиляпти, чунки унинг қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш суръатлари умуман мамлакатдагига қараганда анча қониқарсиз аҳволда. Улар на амалдаги эҳтиёжларга, на мавжуд табиий-иқтисодий потенциалга мувофиқ келади. Республикамиз экономикасининг аграр секторида турғунлик ҳолатлари сақланиб қолаётганлиги XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида ҳаққоний равишда танқид қилинди. Юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларини излаш ва уларни объектив равишда анализ қилишнинг актуаллиги ана шундан келиб чиқади.

Ўзбекистон агросаноат комплекси самарадорлигининг пастлиги маълум даражада асосан чўл зонасида жойлашган, сифат жиҳатидан ёмонроқ ерларни ўзлаштириш, кўп маблағ талаб қиладиган лоток, насос қурилмалари ва бошқа иншоотларни бунёд этиш, шунингдек, ҳозир барча пахта далаларининг учдан бири жойлашган қўриқ ерларнинг ҳосилдорлиги юқори эмаслиги билан боғлиқдир. Ҳосилдорлик бу ерларда икки баравар паст бўлсада, бир центнер пахтани етиштириш учун сарфланадиган харажатлар эскидан суғориб келинадиган ерларга қараганда 2,5 баравар юқоридир.

Шу жиҳатдан олганда «Узгипрозем» институти томонидан 100 балли шкала асосида белгиланган ерларнинг унумдорлик ҳолати кўрсаткичлари ҳам характерлидир. Энг яхши хоссали, бошқа тенг шароитларда пахтадан 40 центнерлик ҳосил бера оладиган тупроқлар олий категорияга киритилган. Бошқа тупроқларнинг сифати ана шу группага қараб баҳоланган. Натижада ҳосилдорликнинг нафақат мутлақ паст даражаси, балки унинг пасайишига бўлган тенденцияси ҳам аникланди: пахта комплекси суғориладиган экинзорлари бонитетининг ўртача бали республикада 1972 йили 62 ни, 1980 йили — 59, 1985—1987 йилларда 58 ни ташкил этган.

«Узгипрозем» мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, кейинги беш йилнинг ўзидагина юксак даражада маданийлаштирилган тупроқ 150 минг гектарга камайган. Айни вақтда маҳсулдорлиги паст — шўр босган, тошлоқ, кам қувватли тупроқлардаги ғўза экинзорлари ҳиссаси 280 минг гектарга ошган. Бунга жиддий эътибор беришимнинг боиси, республикамиз қишлоқ хўжалигининг аҳволига баҳо беришда ушбу ҳолат одатда ҳисобга олинмайди.

Ҳосилдорликнинг ёмонлашуви аввало алмашлаб экишнинг кечириб бўлмас даражада секин ўзлаштирилаётгани, ерларни мелиорациялашдаги катта нуқсонлар, пахта ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни моддий рағбатлантиришнинг ҳозирги принцип ва формалари билан изоҳланади. Бугунги кунда республика-

ҚАЮМОВ Фаворис Қодирович, СССР Давлат нархлар комитети Бутуниттифоқ нарх белгилаш илмий-тадқиқот институти Ўрта Осиё филиалининг директори, иқтисод фанлари доктори.

да ана шу барча нуқсонларни бартараф этиш юзасидан актив чоралар кўрилмоқда. Инвестиция сиёсати тубдан такомиллаштириляпти. Агар аваллари капитал маблағларнинг асосий қисми (2/ 3 қисми ва кўпроғи) янги ерларни ўзлаштириш мақсадида сув хўжалиги ишларига йўналтирилган бўлса, ўн иккинчи беш йилликнинг қолган йилларида эса сув хўжалигига ажратилган капитал маблағларнинг 70 процентини коллектор-дренаж иншоотларини реконструкциялаш ва қуришга, ерларни асосли текислаш ҳамда мавжуд майдонларни мелиоратив яхшилашга доир бошқа ишларга ишлатиш планлаштирилган. Бу эса 750 минг гектар экинзорда пахта ҳосилдорлигини 3—4 центнерга кўтариш имконини беради.

Алмашлаб экишга муносабатда ҳам бурилиш кўзга ташланди. Ўзбекистонда пахта тайёрлаш планини 500 минг тоннага камайтириш хусусида яқинда қабул қилинган қарор пахта экинзорларини бир қадар қисқартириш ва бедазорларни кенгайтириш учун, алмашлаб экишни ўзлаштиришни жадаллаштириш, бинобарин, тармоқ структурасини оптималлаштириш, тупроқни соғломлаштириш ҳамда асосий қишлоқ хўжалик экинимизнинг ҳосилдорлигини ўстириш учун ҳам шарт-шароит яратди.

Энди республика пахтачилиги ҳамда озиқ-овқат комплекси самарадорлигини ўстиришнинг асосий резервлари белгилаб олинди. Лекин қишлоқдаги социал-иқтисодий вазиятни жиддий ўзгартирмасдан туриб уларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Бундаги асосий вазифа эса деҳқон ернинг асл эгаси эканлигини сўзда эмас, балки амалда ҳис этиши учун шарт-шароит яратишдан иборатдир. Ана шу мақсадларда, дейилади КПСС МКнинг июль (1988 йил) Пленумида, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни, социалистик мулкчиликни рўёбга чиқаришнинг турли формаларидан фойдаланишни, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи қоплаш, пудрат ва ижарани кенг жорий қилишни, кооперация, агросаноат интеграцияси ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришни давом эттириш керак. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларини ривожлантириш ҳолатини ҳамда уларнинг афзалликларидан Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фойдаланиш имкониятларини анализ қилиб чиқишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Меҳнатни ташкил этиш формалари яқин-яқингача энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш мақсадида иш кучи ва ишлаб чиқариш воситаларидан энг тўлиқ фойдаланишга йўналтирилган тадбирлар системаси сифатида инсон омилининг ҳал қилувчи ролини етарлича ҳисобга олмасдан туриб белгиланарди. Масалан, «Пахтачилик энциклопедияси»да: меҳнат коллективларини рационал ташкил этиш формалари қўлланиладиган машиналар, технологиялар, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражаси, концентрациялаш ва ихтисослаштириш, бошқариш формалари ва бошқа шартлар билан белгиланади, деб ёзилган эди («Пахтачилик энциклопедияси». Икки томлик, Тошкент, 1985, II том, 57-бетга қаралсин). Бундай бошланғич позицияга мувофиқ ҳолда трактордалачилик бригадаларини йириклаштириш тавсия қилинди, уларга 120—160 ва ундан кўп гектарлаб ер ҳамда чопиқ тракторлари (тракторнинг маркасига қараб 40—45 ёки 60—70 гектарига биттадан) бириктирилди. Кейинги 20—25 йил мобайнида республикада айни ушбу тавсияга амал қилинди.

Меҳнатни бундай ташкил этиш асосига технологик принциплар қўйилган ҳамда кишиларнинг пировард натижалардан манфаатдорлиги деярли ҳисобга олинмаган эди. Муайян вақтгача, айниқса техника воситалари етишмаган шароитда бу нарса ўзини оқлаган эди. Эндиликда эса, бошқарувнинг иқтисодий методларига ўтилиши муносабати билан меҳнатни ташкил этишга бундай ёндашиш ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш манфаатларига принципиал равишда мувофиқ келмай қолди. Меҳнаткашларнинг пировард натижалардан манфаатдорлигини оширишга имкон берадиган, уларнинг мустақиллигини, ижодий ташаббуси ва масъулиятини ривожлантиришга туртки бера оладиган формалар зарур бўлиб қолди.

Илмий коммунизм асосчилари асосий воситалар ва ишлаб чиқариш кувватларининг ҳеч қандай ўсиши, технологияни, техникани такомиллаштириш ўз-ўзидан ишлаб чиқаришни юксалтирмайди, деб қайта-қайта таъкидлаганлар. К. Маркснинг ишлаб чиқариш воситалари қанчалик такомиллашган бўлмасин,

кишиларсиз улар жонсиз буюмлар уюмидир, деган сўзларини эслайлик. «Жонли меҳнат, — деб ёзган эди у, — ана шу буюмларни қамраб олиши, уларни тирилтириши керак» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч, т. 23, с. 194).

Айни ушбу қоида меҳнатни ташкил этишда бош қоида бўлиб қолиши керак. Айтиш керакки, кейинги йилларда бу соҳада аҳвол яхшилана бошланди — кўплаб илмий изланишлар, экспериментлар, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ходимларининг, колхоз ва совхоз мутахассислари ҳамда раҳбарларининг амалий фаолияти кишиларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштирилишини бартараф этишга йўналтириляпти. Хусусан ҳозирдаёқ ишлаб чиқаришнинг янги формаларини ташкил этишга — бригада, звено, оилавий пудратларга доир етарлича материал тўпланди. Ижара пудрати кенг тарқаляпти. Энди дастлабки якунларни чиқариш ва бу ишнинг яқин йиллардаги ҳамда истиқболдаги йўналишини белгилаб олиш муҳимдир.

Меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формаларини, аввало бригада пудратини кенг жорий этиш ҳақидаги масалани КПСС МК 1983 йилда кўтарган эди. Партия XXVII съездида, унинг МК кейинги Пленумларида, партия ва давлат раҳбарларининг кенгашларида бу масаланинг аҳамияти қайта-қайта таъкидланди.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг пудрат формаси, аввалги бригада (звено) формасига, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай аккорд-мукофотли системасига қараганда қандай афзалликларга эга? Пировард натижаларга мўллаш янги формаларнинг асосий афзаллигидир. Уларда меҳнатга ҳақ тўлаш кўпроқ ҳосил, уй ҳайвонлари маҳсулдорлиги, ишнинг умумий якуни билан белгиланади.

Ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни кучайтиришга ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг рационал формаларини жорий этишга бир қатор махсус чора-тадбирлар йўналтирилди. Чунончи, 1984 йили пудрат асосида ишлайдиган бригадаларга иш ҳақининг умумий фондини планлаштиришда тариф фондига қараб маҳсулотга қўшимча ҳақ тўлашни 25 дан 40—50 процентга оширишга рухсат берилди. Бу эса ялпи маҳсулотнинг ҳар 100 сўми ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг расценкаларини кўпайтириш имконини берди. Коллектив пудратдаги бригадаларга бундай расценкаларни бир қатор йиллар учун барқарор қилишга рухсат берилди. 1986 йили пудрат звенолари ва бригадалари учун пландан ташқари маҳсулотнинг 25 процентгача бўлган миқдорда натура билан устама ҳақ тўлаш жорий қилинди. Шунингдек аввалги беш йилликка қиёслаганда товар маҳсулотини реализация қилиш, фойда олиш суммасини кўпайтирганлик, рентабеллик даражасини оширганлик учун мукофотлар белгилаш кўзланди. Устама ҳақ ва мукофотлар умумий суммасининг йиллик энг кам миқдори 12 ойлик маош миқдоригача кўпайтирилди (1986 йилгача мавжуд бўлган олти ойлик миқдор ўрнига).

Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, пахтачиликда ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида пудратни кенгайтиришда катта роль ўйнади. Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетининг маълумотларига қараганда, 1987 йили республика колхоз ва совхозларида деҳқончилик соҳасидаги пудратда 41,1 минг бригада ва звено, ёки улар умумий сонининг қарийб 80 проценти ишлаган. Чорвачиликда пудрат бўлинмаларининг ҳиссаси 52 процентни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар 1988 йилда янада юқори бўлди.

Олимлар тадқиқотлари шуни кўрсатдики, пахтачиликда бригада пудрати тўғри ташкил қилинса ва татбиқ этилса, пахта ҳосилдорлиги 20 процентга, меҳнат унумдорлиги 25—30 процентга ошади, маҳсулот таннархи эса 10—12 процентга камаяди. Гап шундаки, меҳнатни пудрат асосида ташкил этишнинг ички механизми яхши рағбатлантирувчи жиҳатларга эга. Бунда ишбай асосидаги меҳнатга қараганда иш ҳақи пировард натижага кўпроқ даражада боғлиқ бўлади, чунки сифатини ҳисобга олган ҳолда ҳосил қилинган маҳсулот бирлиги учун ёки пул билан ифодаланган қиймати учун ҳақ тўланади. Йил давомида ҳосил олингунча аванс вақти-вақти билан ходимнинг малакаси ҳамда бажариладиган ишлар турига қараб, қатъий ставкалар бўйича тўлаб бориладн. Бундай системада коллективнинг ҳар бир аъзоси у қанчалик яхшироқ меҳнат қилса, ҳосил шунчалик юқори бўлишини ҳамда асосий авансли иш ҳақи-

нинг ҳар бир сўмига кўпроқ устама ҳақ ва мукофот олишини билади. Шундай қилиб, ҳам жорий (аванс), ҳам қўшимча иш ҳақи ҳосил кўпайишига хизмат қилади. Бунда ҳосил олиш техника билан таъминланган бутун бригаданинг вазифаси ҳисобланади. Коллектив моддий манфаатдорлик асосида эса ўзаро ёрдам, ташаббус, ижодий активлик туғилади.

Бригада пудратининг натижадорлигига, мисол учун, Тошкент областининг С. Сегизбоев номли, «Оққўрғон», «Кўкорол» совхозларида, Наманган область Норин районининг «Коммунизм» колхозида, Сирдарё область Мирзачўл районининг С. Сегизбоев номли совхозида ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ушбу хўжаликларда пахта ҳосилдорлиги гектарига 30—35 центнерга кўтарилди, меҳнат унумдорлиги республикадаги ўртача даражадан 1,5—2 баравар, ишлаб чиқариш рентабеллиги 28—40 процент юқоридир. Қашқадарё область Нишон районининг 6-совхозидаги Х. Сафаров ва 5-совхозидаги М. Ёқубов звеноларида бригада пудратига ўтилгач пахта ҳосилдорлиги 35—40 центнерга кўтарилди ва совхоздаги ўртача даражадан икки баравар ошиб кетди. Бу звеноларда ҳар бир ходим ҳисобига 15—20 тоннадан пахта етиштириляпти, яъни республика даражасидан 4—5 баравар кўп бўляпти. Бундай мисолларни барча областлардан келтириш мумкин.

Оилавий пудрат ҳам борган сари кенг тарқаляпти. Бригада пудрати сингари уни ташкил этишда ҳам ихтиёрийлик, пировард натижалар учун меҳнатга ҳақ тўлаш, ресурслар ҳамда ҳосил қилинган маҳсулот учун моддий масъулият, кенг мустақиллик, бошқарувнинг демократик принциплари асос қилиб олинган. Бу форма оила фаровонлигини, унинг даромадларини маҳсулот олишга, унинг сифати ва таннархига бевосита боғлиқ қилиб қўяди. Оилада ҳар бир кишининг меҳнатини ўлчаш устидан контролга эҳтиёж бўлмайди, ўзаро ҳисоб-китоблар жўнлашади. Жамоат ишлаб чиқаришини уй-рўзғор хўжалиги билан қўшиб олиб бориш қулайроқдир. Ходимларни дам олиш кунларида, отпускалар вақтида алмаштириш масалалари осонроқ ҳал қилинади. Бундай оилаларда болалар меҳнатга эрта ўрганади ҳамда пенсионерлар меҳнатидан янада рационал фойдаланиладики, бунинг ҳам жамият учун аҳамияти катта.

Ўзбекистонда оилавий пудрат анъанага кўра яйлов чорвачилиги, тамакичилик, ипакчиликда ривожланган. Ҳозир у пахтачиликда борган сари кенгроқ қўлланила бошлади. Чунончи, 1987 йили Хоразм область Хонқа районининг «Победа» колхозида 380 оила пахта етиштириш бўйича пудратда ишлади ҳамда уларнинг 80 проценти октябрь ўрталаридаёқ план топшириқларини бажаришди. Дарвоқе, бу райондаги барча колхозларда оилавий звенолар мавжуд. Район 1987 йилда ҳам, 1988 йилда ҳам пахта тайёрлаш планини республикада биринчилардан бўлиб бажариб, ҳар гектардан 32,8 центнер пахта ҳосили олди, бунда оилавий звенолар, шубҳасиз, катта роль ўйнади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети райондаги оилавий звенолар иш тажрибасини маъқуллади ва кенг ёйиш учун тавсия қилди. Бу йил минглаб пахтачилик звенолари оилавий пудрат шароитида меҳнат қилмоқдалар.

Оилавий пудрат узумчилик, сабзавотчилик, озуқа етиштириш соҳасида ҳам муваффақиятли ривожлана бориб, кўп ҳолларда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишини таъминламоқда. Масалан, Сирдарё область Бахмал районининг XXIII партсъезд номли совхози оилавий звенолар ишлаган икки йил (1986, 1987) ичида узум етиштиришни 18 процентга кўпайтирди. Хўжаликнинг рентабеллиги 1984 йилдаги 13,4 процентдан 632 оилавий звено ишлай бошлаган 1987 йилга келиб 47 процентга кўтарилди. Уларга узумзорлар умумий майдонининг 86 проценти бириктириб қўйилган, уларнинг ҳосилдорлиги 2 йил ичида ўртача 114 центнерни ташкил этдики, одатдаги бригадаларда у 90 центнер бўлган эди. Бундай мисолларни чорвачиликда ва республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан ҳам келтириш мумкин.

Статистика маълумотларига қараганда, Ўзбекистондаги пудрат бўлинмалари миқдори деҳқончиликда 80 ва чорвачиликда 52 процентга етди. Мантиқан олганда бу ҳол қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг умумий самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши керак эди. Лекин жиддий силжишлар юз бергани йўқ. 1987 йили пахта ҳосилдорлиги республика колхоз ва совхозларида ҳар

гектардан ўртача 23,1 центнерни, пудрат бўлинмаларида эса 24,3 центнерни ташкил этди. Сабзавоткорликда ҳосилдорлик пудрат коллективларида тармоқдаги ўртача даражадан 10,7 процент, картошкакорликда 11,1 процент юқори бўлди.

Пудратнинг афзаллиги дончиликда яққолроқ кўринди. Дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги пудрат коллективларида 23,5 центнерни ташкил этдики, бу — умуман республиканикидан 31 процент юқоридир (гектарига 17,9 центнер ҳосил олинган эди). Шу билан бирга дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги пудрат коллективларида илғор колхоз ва совхозларга нисбатан олганда 2,5—3 баравар пастдир. Собиқ Жиззах, Сурхондарё, Хоразм областларидаги пахтачилик пудрат бригадаларида пахта ҳосилдорлиги ҳатто областлардаги ўртача даражадан паст бўлди, Бухоро, Наманган, Сирдарё областларида эса тахминан оддий бригадалардагидек бўлди.

Ҳосилдорлик ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг якунловчи кўрсаткичи бўлгани учун юқорида баён этилганларга асосланиб шуни қайд этиш мумкин: бригада пудрати ҳамда пудрат бошқа формаларининг объектив афзалликларидан ҳозирча жуда суст фойдаланиляпти. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида хўжалик ҳисобини жорий этишга доир республикада олиб борилаётган катта иш ҳозирча тегишли самара бермаяпти.

Нимага шундай бўляпти? Юзага келган аҳвол, менимча, пудрат бўлинмаларининг кўпчилиги «қуйидан» бўлган ҳаракат, меҳнаткашлар ўз хоҳишларини онгли ҳамда кўнгилли изҳор қилишлари натижасида эмас, балки хўжакўрсинга Госагропром органлари тазйиқи остида тузилганлигининг оқибатидир. Пудрат бўлинмаларининг миқдори кетидан қувиб, кўпинча конкрет шарт-шароит ҳисобга олинмади, хўжалик юритишнинг янгича принципларига ўтишга пухта билан тайёргарлик кўрилмади, уларнинг афзалликлари муфассал тушунтирилмади.

Ишбай асосида ишлашга қарама-қарши ўлароқ, юқорида таъкидланганидек, пудрат формасининг моҳияти бажарилган ишлар ҳажмига қараб эмас, балки пировард натижага қараб ҳақ тўлашдан иборатдир. Лекин амалда бу принцип тез-тез бузилмоқда, айниқса ишлаб чиқариш нагрузкаси паст бўлганда (бир ходимга 1—1,5 гектар пахтазор тўғри келганда) шундай бўляпти. Бундай нагрузкали зоналарда пудрат бригадалари 70—80 кишидан тузилади. 1987 йили, масалан Ўзбекистон ССР Госагропроми маълумотларига қараганда, деҳқончиликда ҳар бир пудрат бўлинмасидаги ходимларнинг ўртача миқдори Сурхондарё областлари хўжаликларида 56, Қорақалпоғистон АССРда — 63, Фарғона областида — 81, республика бўйича ўртача 78 кишини ташкил этди. Бундай йирик бўлинмаларда пудратнинг классик формаси (ҳажмни ҳисобга олмасдан виждонан, юксак самара билан ишлаш) амалда мумкин эмас. Кишилар қобилияти, жисмоний кучи, психологияси, онглилиги жиҳатдан бир хил эмасликлари туфайли уларнинг умумий бўлғуси ҳосилга қўшадиган кундалик ҳиссаларини ҳисобга олиб бориш керак бўлади. Вақти-вақти билан аванс бериб бориш шароитида пировард натижа учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилингунга қадар МҚК (меҳнатда қатнашиш коэффициенти)ни қўлланиш тавсия этилади. Лекин уни ҳар куни 50—60 ва ундан ортиқ ходим учун қандай қилиб аниқлаш мумкин? МҚК — бу кабинетларда ўйлаб топилган бир нарса, бинобарин, унинг ишлаб чиқаришда қўлланилмаслигига ажабланмаса ҳам бўлади. Кўпгина пудратчи бригадаларда кишиларнинг меҳнат ҳиссаси ҳар бир киши бажарган иш ҳажмини ҳар куни ўлчаш ва уни маҳсулот ишлаб чиқариш нормаси билан таққослаш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Бу эса бундай бригадаларда амалда ишбай асосида ишлаш сақланганлигини кўрсатади. Агар пудрат ҳосил йиғим-теримигача амал қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, пахта ҳосилдорлигининг нима учун пудратчи ва оддий бўлинмаларда тахминан бир хил эканлигининг сабаби аён бўлади.

Бунда хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг субъектив қаршилиги йўқлигини таъкидлаш муҳимдир. Бу асосан иқтисодий шароит оқибати, меҳнат ресурслари билан суғориладиган экинзорлар ўзаро нисбатининг натижасидир.

Практикада баъзи ҳолларда бригадалар ичида қўл ишларини бажарувчи звеноларни ташкил этиш, бошқаларида айрим оилалар ёки ходимларга 1—2 гектардан пахтазорларни бириктириб қўйиш йўли билан ушбу мураккаб вазият маълум даражада бартараф этилади. Улар зиммасига апрель—август ойларида вегетацион суғоришдан ташқари барча қўл ишларини (яганалаш, бегона ўтлар-

ни ўтоқ қилиш, чеканка) бажариш юклатилади. Уларга вақти-вақти билан ойига 40—50 сўмдан аванс тўлаб турилади. Бунда оилавий пудрат элементлари яққол намоён бўлиб, улар меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш ҳамда мукофотлашнинг аккорд системаси билан биргаликда муайян ижобий натижалар беради.

Умуман тажриба шуни кўрсатадики, пахтачиликдаги пудратчи бригада кам сонли бўлган (5—9 киши), интенсив ҳамда юқори унумли меҳнат қилиш учун ҳар бир ходимга оптимал нагрузка (3—5 гектар) тўғри келган тақдирдагина муваффақиятли ишлайди. Бундай коллективларда кишилар, одатда, психологик жиҳатдан боғланган бўладилар, бир-бирларига ишонадилар, ўзларига манзур раҳбарга эга бўладилар, коллективнинг ички масалаларини демократик асосда ҳал қиладилар, маъмурий тазйиқни ҳис этмайдилар ҳамда энг кам харажат қилиб, юқори пировард натижа олиш учун баҳамжиҳат ишлайдилар.

Унумдорликнинг ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўсишига тўғаноқ бўлувчи — бир ходимга тўғри келадиган ишлаб чиқариш нагрузкасининг пастлиги эса пудратни жорий этишга, бинобарин, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ҳам ёрдам бермайди. Буни, мисол учун, Хонқа райони хўжаликларида оилавий пудратни қўлланиш самарадор бўлаётгани ва қўшни Хива районида унинг заиф эканлиги тасдиқлайди: биринчи районда 1 ходимга тўғри келувчи пахтазорларнинг ўртача нагрузкаси салкам 2,5 гектарни, иккинчи районда эса икки баравар камроқни ташкил этади.

Ҳолбуки, хўжалик юритишдаги ана шу танг жойни бартараф этишнинг имкониятлари бор. Улар ҳақида, хусусан, Ўзбекистон Компартияси МКнинг «КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг қарорлари асосида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш соҳасида республика партия, совет ва хўжалик органларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари тўғрисида»ги масалани қараб чиққан XI пленумида (1988 йил август) гапирилди. Пахтачилик комплексида жуда эрта етиладиган картошка ҳамда плёнка остида етиштириладиган сабзавотлар экишни кескин кенгайтириш бунинг йўлларидан биридир. Суғориладиган экинзорнинг 200—300 минг гектарини улар билан банд қилиш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилган. Ҳосил йиғиб олингач бу ерларда ғўза ёки озуқа экинлари экиш мумкин. Бу нарса меҳнат ресурсларининг иш билан банд бўлишини ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини оширишга, шунингдек, ҳар йили қўшимча равишда уч миллион тоннагача картошка ва сабзавот олишга ёрдам беради. Район посёлкалари, колхоз, совхозларда саноат корхоналари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг ёрдамчи хўжаликларини барча чоралар билан ривожлантириш бошқа бир йўлдир.

Пахтачиликда оилавий пудратни ёйиш хусусида турли фикрлар айтилмоқда. Баъзи бир олим ва практиклар оилавий пудратни ҳамма жойда жорий қилишни ёқлаб чиқмоқдалар. Бошқалар, шу жумладан, ушбу мақола автори ҳам, унинг пахтачиликдаги имкониятлари чекланган деб ҳисоблайди. Бунинг сабаби аввало шундаки, оилавий пудратда механизация воситаларини қўлланишда қийинчиликлар туғилади. Ҳозир, мисол учун, республикада ҳар 100 нафар меҳнатга лаёқатли колхозчи ва совхоз ишчисига атиги 18—20 механизатор тўғри келади, оилавий звеноларда улар деярли йўқ. Ҳолбуки технологик карталарга киритилган 94 агротехник жараёндан бор-йўғи 10—12 таси қўл билан бажарилади. Демак, асосий иш ҳажмини (75—80 процентни) амалда бригада механизатори бажаради, бинобарин, оилавий звено ҳосилга ҳал қилувчи ҳисса қўшолмайди. Албатта, бу гап ўз механизатори бўлган звеноларга тааллуқли эмас. Лекин улар озчилик. Оилавий звеноларнинг кўпчилиги ўғит солишда, дефолиациялашда, ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиб-териб олишда қийинчиликларга дуч келадилар. Агар хўжаликда, айтайлик, 300—400 оилавий звено бўлган тақдирда, териб олинган ҳосилни тайёрлов пунктига топшириш чоғида ҳам қийинчиликлар юзага келади. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, оилавий пудрат индивидуалистик психологияни ривожлантириши, болалар меҳнатидан ҳаддан ташқари фойдаланишга олиб келиши ҳам мумкин.

Қисқаси, меҳнатни ташкил этишнинг умуман прогрессив бўлган ушбу формасида номатлуб жиҳатлар ҳам бор. Бу табиийдир. Ҳар қандай ҳодисанинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бўлиши мумкин. Бинобарин, ҳар бир конкрет ҳолда меҳнатни ташкил этиш формаси хусусидаги масалани ҳал этишга унинг

комплекс баҳоланиши ва ушбу хўжалик шароитига мувофиқ келиши позицияларидан туриб ёндашиш керак. Андозага қараб ёндашиш, у ёки бу формани асоссиз, ўйламасдан туриб танлаш каттагина зарар келтириши мумкин. Буни ҳаётни ўзи кўрсатиб турибди.

Шу сабабли республикада меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг хилма-хил формалари мавжудлиги қонуний ҳолдир. Чунончи, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районининг Й. Охунбобоев номли колхозида аввалги формадан — меҳнатга аккорд-мукофот системасида ҳақ тўланадиган трактор-далачилик бригадаларидан фойдаланиляпти. Бу ерда ҳар бир колхозчининг иш миқдори ва сифати пухта ҳисоб-китоб қилиб борилади, муфассал хўжалик ҳисоби жорий қилинган, интизом ва тартиб таъминланган. Хўжалик ишдаги натижалар билан фахрланса арзийди: пахта ҳамда бошқа маҳсулотлардан йилдан-йилга мўл ҳосил олинмоқда, унда рентабеллик ва меҳнатга ҳақ тўлаш юқори даражада.

Яна бир мисол. Қашқадарё область Қарши райони XXVI партсъезд номли совхозининг пудратдаги 1-агроучасткасида 740 гектар ерга пахта, 120 гектарга сабзавот ва полиз экинлари, 110 гектарга беда экилади. Бу ердаги ишларнинг ҳаммасини кўп йиллардан бери пудратда ишловчи 95—100 киши уддалаб келмоқда. Бу ерда экинлар конкрет кишиларга бириктиб қўйилмаган. Лекин меҳнатни ташкил этишда ибратли жиҳатлар йўқ эмас. Раҳбар — Л. Н. Кимнинг компетентлиги ва обрў-эътиборининг юқорилиги, ҳар бир киши ишининг сифати қаттиқ контрол қилиниши, меҳнатга пировард натижага қараб ҳақ тўлаш яхши самара бермоқда: агроучасткада пахта ҳосилдорлиги қатор йиллардан бери гектарига 32—35 центнерни ташкил этмоқда (совхоз бўйича эса 20 центнер), бошқа экинлар ҳосилдорлиги совхоздаги даражадан 2—2,5 баравар юқори.

Техникадан моҳирона фойдаланиш, меҳнатнинг интенсивлиги туфайли бу ерда юксак унумдорликка эришиляпти. Агроучастка ҳар бир ходими йилига ўртача 20—23 минг сўмлик маҳсулот етиштирмоқдаки, бу — республика бўйича ўртача даражадан 5—6 баравар кўпдир. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам юқори эканлиги қонунийдир: ишчиларнинг бир ойга оладиган аванси 130—200 сўмни, уларнинг йиллик иш ҳақи 9—10 минг сўмни ташкил этяпти, яъни совхоздаги ўртача даражадан 3,3 баравар юқори бўляпти.

Бундай мисоллар оз эмас. Улар меҳнатни ташкил этишга ижодий ёндашиш зарурлигини тасдиқламоқда. Энг асосийси: **меҳнатга ҳақ тўлаш пировард натижага,** ялпи даромадга **қараб ҳисоблаб чиқилиши керак.**

Ушбу вазифа ижара пудратида айниқса аниқ-равшан ҳал қилиняпти. Меҳнатни ташкил этишнинг бу формаси ишлаб чиқариш муносабатларига **туб ўзгаришлар** киритяпти. Масалан, суғориладиган экинзор, дала шийпони, суғориш, коллектор-дренаж тармоғи, техника ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ижарачига оилавий ва бригада пудратидагидек маҳсулот олиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш цикли даврига эмас, балки узоқ вақтга — 10—15 йилга ва ундан кўпроқ вақтга, яъни тўла алмашлаб экиш ротацияси даврига бириктиб қўйилади. Аслида ижарачи ана шу бутун муддат давомида ернинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолади. Зеро у ерни яхшилаш, унинг ҳосилдорлигини ошириш учун барча мумкин бўлган чораларни кўришдан манфаатдордир.

Ижаранинг яна бир афзаллиги моддий рағбатлантириш системасига боғлиқдир. Меҳнатга ишбай-мукофотли ҳақ тўлашда, бригада ва оилавий пудратда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва бир центнер пахта учун ёки маҳсулот (ялпи даромад) қийматининг юз сўми учун иш ҳақини белгилаш план технологияси, механизациялаштирилган ва қўл ишларининг умумий ҳажми ёрдамида олдиндан белгилаб қўйилади. Бунда иш ҳажми қанчалик катта қилиб планлаштирилса, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди шунчалик юқори бўлади, чунки маҳсулот учун тариф фондига 25—50 процент миқдорида қўшимча тўланадиган ҳақ иш ҳақи умумий фондининг учдан бир қисмидан камроғини ташкил этади. Бинобарин, бригада ва оилавий пудратда ишбай усулида ҳақ тўлаш моддий рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатмоқда, пировард натижага қараб ҳақ тўлаш эса (унинг миқдори кам бўлгани учун) рағбатлантирувчи таъсирга эга бўлмаяпти.

Ижара пудратида аҳвол бошқачадир. Бу ерда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бутунлай бошқача принцип асосида шакллантирилади. Ижарачи умумий пул тушумидан моддий сарф-харажатлар ўрнини қоплаши, колхоз ёки совхозга

шартномада кўзда тутилган ижара ҳақи ҳамда бошқа тўловларни тўлаши, хўжалик ҳисобидаги даромадни ҳосил қилувчи қолган барча суммани эса ўзи хоҳлаганидек ишлатиши керак. Бинобарин, умумий фонд ва ижарачи даромадларининг даражаси асосан ҳосил миқдори ҳамда унинг сифатига боғлиқдирки, у маҳсулот реализация қилинишининг ўртача нархини белгилайди. Озиқ-овқат солиғи принципини ифодаловчи бундай тақсимлаш муносабатларида моддий манфаатдорлик чиндан ҳам таъминланади, хўжалик юритишнинг сарф-харажатга зид механизми ва хўжалик ҳисоби тўла куч билан ҳаракат қила бошлайди.

Ижарадаги иқтисодий ўзаро муносабатлар олди-сотди орқали, план-учёт, ҳисоб-китоб (шартнома нархлари) ҳамда далват харид нархлари системаси орқали амалга оширилмоқда.

План-учёт нархлари ижарачи томонидан совхоз ёки колхоздан уруғлик, ўғит, эҳтиёт қисмлар, гербицид ва бошқа моддий ресурслар харид қилинишида, шунингдек турли хизматлар (транспорт, ремонт хизматлари ва ҳоказолар) кўрсатилганда қўлланилади.

Ҳисоб-китоб нархлари шундай нархларки, улар асосида ижарачи (бригада, оилавий звено) пахта ёки бошқа хил маҳсулотни совхозга, колхозга реализация қилиши керак. Улар ресурсларга эга бўлиш, шунингдек, ўз аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ошириш учун ижарачи бўлинмага шарт-шароитни таъминлаб бериши керак. Бундан ташқари ҳисоб-китоб нархи пудратчи бўлинмага совхоз (колхоз)нинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришида иштирок этиши учун ёрдам беришга даъват этилган. Харид нархи билан ҳисоб-китоб нархи ўртасидаги тафовут хўжаликнинг пудрат бригадаси ёки звеноси ҳиссасига тўғри келувчи, бошқарув аппаратини сақлаб туриш, умумхўжалик аҳамиятидаги асосий фондларни (йўллар, суғориш, коллектор тармоғи ва ҳоказоларни) эксплуатация қилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаши, давлатга турли тўловларни тўлашни ҳамда социал ва ишлаб чиқариш йўналишидаги фондларни бунёд этиш учун жамғаришни таъминлаши керак.

Ижара бўлинмасининг ходими ҳисоб-китоб нархи орқали умумхўжалик кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришида социалистик корхона (колхоз, совхоз) вакили сифатида иштирок этади. Бошқача қилиб айтганда, ижара бўлинмасида ҳосил қилинадиган фойданинг бир қисми ижарага берувчига — колхозга, совхозга ўтказилади. Унинг миқдори олдиндан белгиланиб, шартномада қайд этилиши лозим, у узоқ муддат ўзгармаслиги керак. Ижарачининг шартнома давридаги жамғарма фондига чегирмалари ҳар бир конкрет ҳолда пахта экилган ҳар 1 гектар суғориладиган экинзор ҳисобига планлаштириладиган фойда суммасидан келиб чиқиб, моддий тақдирлаш фондига ҳамда хўжалик ходимларига социалистик мусобақа якунларига доир турли мукофотларни тўлашга йўналтириладиган фойдани чегириб ташлаган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Фойданинг бир қисми (17—20 проценти) жамғариш учун эмас, балки моддий рағбатлантириш учун ишлатилиши ҳамда аслида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўлгани учун турли мукофотлар тўланади.

Ижара ўзаро муносабатлари принципи бир хил бўлмоғи керак, лекин чегирмалар суммаси рентабелликнинг планлаштирилаётган даражаси ҳамда 1 гектардан олинадиган фойдага боғлиқ равишда табақалаштирилиши лозим. Чунончи, ноқулай тупроқ ва сув шароитларида 15—20 процентли рентабелликдан келиб чиққан ҳолда ижарага берувчи учун чегирмаларнинг минимал нормасини қабул қилиш керак бўлади. Бу шундай даражаки, унда коммунал хўжалик зарарлари чегириб, ҳисобдан чиқарилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг амортизация қилинмаган қисми ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш зарарлари тўлангандан сўнг қишлоқ хўжалик корхонаси моддий-техника базасининг оддий такрор ишлаб чиқаришини таъминлаш имкониятларига эга бўлади.

Юқорида ҳикоя қилиб берилган хўжаликнинг жамғариш фондига чегирмалар, шунингдек бригада ижарага олган асосий воситаларни тўла тиклашдаги амортизацияга тенг сумма ўзининг иқтисодий мазмунига кўра ижара ҳақини — давлат еридан фойдаланиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва ижарачининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда иштирок этишидек иқтисодий формани ташкил этади. Бунга алоҳида тўхталишимнинг боиси ерни ижарага бериш жараёнида республиканинг баъзи областларида «ернинг нархи» тушунчаси оборотга киритиляпти.

Бу — нотўғри. Зеро, ер ижарачига сотилмаяпти, балки фақат вақтинча фойдаланиш учун ижара шартлари асосида берилялти.

Хўжалик билан ижарачи бўлинма ўртасидаги иқтисодий ўзаро муносабатларга юқорида баён қилинган метод асосида ёндашиш эксперимент тариқасида Т. Турсунов бригадасида қўлланилди. 8 кишилик ушбу бригада 1987 йили собиқ Навоий области Ўртачўл массивининг оғир шароитида 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 16 центнердан пахта олди (планда 12 центнер ҳамда совхоздаги ўртача ҳосилдорлик 9 центнер бўлгани ҳолда). 1988 йили совхоз дирекцияси билан шартнома асосида 80 гектар пахтазор ва 56 гектар бедазор ушбу бригадага 10 йил муддат билан бириктириб қўйилди. Айни чоқда ижарачи бригада бузоқларни бўрдоқига боқаяпти.

Пахтага доир ижара шартномасининг юқорида кўрсатилган методика асосида ҳисоблаб чиқилган иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагича белгиланади: 1 тонна пахтанинг ўртача харид нархи устама пулни ҳам ҳисобга олган ҳолда 803 сўмни, ҳисоб-китоб нархи 634 сўмни (харид нархига нисбатан 79 процентни) ташкил этади. Ижара тўловларининг умумий суммаси 16,9 минг сўм. Ижарачи бригадасининг хўжалик ҳисобидаги даромади 63,4 минг сўм. Моддий сарф-харажатлар (18,7 минг сўм) чегириб ташлангач, қоладиган 44,7 минг сўм бригада аъзоларининг, зарур ҳолларда қўшимча жалб қилинганларнинг ҳам меҳнатига ҳақ тўлаш фонди бўлади. Бунда пахта далаларидаги битта ижарачининг йиллик иш ҳақи 4,5 минг сўмни ташкил этиши, бедадан ҳамда чорвани бўрдоқига боқишдан олинган даромадлар ҳам ҳисобга олинганда у 6 минг сўмга яқинлашиши ҳисобланган. Шуни ҳам айтиш керакки, 1 ходимнинг йиллик унумдорлиги 12—15 минг сўмга етади, бу эса республикадаги ўртача даражадан 3—4 баравар юқоридир.*

Тадқиқот ва экспериментлар натижаларидан шундай хулосага келиш мумкинки, ижара пудрати аввало ҳар бир ходимга тўғри келадиган пахта экинзорлари нагрузкаси деярли оптимал бўлган янгидан суғорилаётган зонадаги пахтачиликда катта истиқболга эга.

Пудрат, хўжалик ҳисоби ва бошқарувнинг бошқа иқтисодий методларини кенг ёйиш ҳисобга олиш, планлаштириш, моддий-техника таъминотини, айникса кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашни талаб этади. Ижарачи бригадалар раҳбарлари кенг профилдаги мутахассис бўлишлари — бошқаришнинг замонавий методларини эгаллашлари, барча турдаги техникани ишлата олишлари, агротехника, экономика, ҳуқуқ асосларини билишлари керак. Ана шундай ижарачигина ишлаб чиқаришни сифатли ташкил этиши, юқори ҳосил олиши ва суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиши мумкин.

Ижарага ва пудратнинг бошқа формаларига кенг миқёсда ўтилиши шунингдек колхоз ва совхоз раҳбарларидан шартномаларга бўлган муносабатни ўзгартиришни талаб этмоқда. Социологик тадқиқотлар кўрсатишича, шартнома мажбуриятларининг бузилиши пудрат самарадорлиги ҳозирча паст эканлигининг сабабларидан биридир. Масалан, кўпинча техника, ўғит ўз вақтида етказиб берилмайди, ходимлар бошқа ишларга жалб қилинади, меҳнатга ҳақ тўлаш, социал хизмат кўрсатишда бузилишларга йўл қўйилади. Шуниси равшанки, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги формаларини кенг ёйиш билан хўжалик раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг вазифаларида ҳам туб ўзгаришлар юз бериши керак. Улар маъмурий тазйиқдан воз кечиб, республика агросаноат комплекси бўлинмаларининг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришлари керак.

Хўжалик юритишнинг янги принципларига ўтишга сиёсий раҳбарлик қилиш вазифалари ҳам масъулиятлидир, яъни шахсий манфаатлар билан давлат манфаатлари ўртасида оптимал балансни ўрнатиш ва унга риоя этилишига кўмаклашиш тақозо этилади.

Қисқаси, республика қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш соҳасида ҳал қилинадиган бир талай масалалар мавжуд. Ижодий изланиш уларни муваффақиятли ҳал этишнинг ғоят муҳим шартидир.

---

* «Сельская правда»нинг 1988 йил 9 август сонида эълон қилинган «Совет ижарачисининг арифметикаси» ҳисоб-китоб нархи ва ижара тўловларини асослаш методикаси билан батафсил таништиради. Ушбу мақолада эса ижара пудратида конкрет бригада шароитига татбиқан олганда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бошланғич методик қоидаларигина берилган. Бошқача шароитларда ҳисоб-китоб нархини аниқлашнинг ҳамда хўжалик ҳисобидаги даромадни асослашнинг ўзгача параметрлари қўлланиши мумкин.

Б. УМУРЗОҚОВ,
В. ХРИПУНОВ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги қайта қуриш тўғрисида ёзиш оғир. Гап бугунги кунда унинг шаънига асосан ҳаққоний танқид айтилаётганидагина эмас, балки оғир ботмайдиган ўз-ўзини танқид бу тармоқда қайта қуриш жараёнларига таъсир этолмаслигидадир.

Соғлиқни сақлашда бирон-бир жиддий ўзгаришлар, унда юзага келган вазиятнинг амалий таҳлили, синаб кўриш, тажриба алмашиш, натижаларини амалиётга жорий этиш мумкин бўлган программа йўқлиги — буларнинг бари моҳият эътибори билан ишга тўғаноқ бўлиб турибди. Башарти вазият бундан буён ҳам шундай қолаверса, соғлиқни сақлаш соҳасида қайта қуриш ҳақида бошланган гап шунчаки гап бўлиб қолаверади, танқид эса унинг ичида жиддийроқ ўзгаришга олиб келмайди (ҳозирнинг ўзидаёқ медицина ходимларида унга мослашиб олиш хусусияти кўзга ташланмоқда).

Нега шундай бўлмоқда? СССР соғлиқни сақлаш министрлигининг Бутуниттифоқ медицина ва медицина-техника информацияси илмий-тадқиқот институтининг бўлим раҳбари В. Кричагиннинг «Коммунист» журналида эълон қилинган мақоласидаги фикрлар, назаримизда, қизиқарлидир. «Кейинги пайтларда соғлиқни сақлаш жабҳасини танқид қилиш расм бўлиб қолди, — деб ёзади у. — Медицинамизни у тушиб қолган танг аҳволдан олиб чиқишга доир таклифдан ҳам кўпи борми?! Лекин газета ва журнал саҳифаларида тобора авж олаётган мунозара қанчалик амалий руҳга эга? Тармоқни ривожлантиришда салбий тенденцияларга барҳам бера оладиган асосий нарса очиб бериляптими?» («Коммунист», 1988, 7-сон, 54-бет). Унинг, таклифларнинг аксарияти медицина хизмати кўрсатишнинг мавжуд форма ва методларини яхшилашгагина қаратилган, деган фикрга ҳам қўшилмай бўлмайди. Кўпчилик, аслида, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қайта қуришни ана шундагина кўрмоқда.

Таассуфки, бугунги кунда медицина жамоатчилиги ва эҳтимолки, шу тармоқнинг Ўзбекистондаги раҳбарлари чинакам, айни **революцион** қайта қуришнинг йўллари, формалари ва методларини охиригача тушуниб етмаган кўринадилар. Бунинг устига унга **мослашиб олиш**дек хатарли тенденция шаклланиши жараёни кўзга ташланмоқда. Юқоридан юбориладиган йўл-йўриқ ва инструкцияларга асосланган «хайрли» ўзгартишлар тарафдорлари ютиб чиқиши мумкин деган фикр туғилмоқда. Турғунлик йилларида бундай ёндашув оқибатлари: тайёрга айёрлик, боқимандачилик, юқори органлар қарорини жимгина кутиб ётиш, фаолиятсизлик ва масъулиятсизлик айниқса ёркин намоён бўлди. Бизнинг кунларимизда ҳам чалакам-чатти тадбирлар юзага келмоқда ва уларни қайта қуришнинг бошланиши деб кўрсатишга ошиқмоқдалар.

УМУРЗОҚОВ Баҳодир Ҳамидович, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг планиқтисод бошқармаси бошлиғи.

ХРИПУНОВ Виль Константинович, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг маркча-ленинча философия кафедрасининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати.

Қайта қуришнинг аҳоли патологияси структураси ҳамда медицина кадрлари билан олиб борилаётган иш аҳволи жиҳатидан ҳам энг аввало қишлоқлардаги экологик, иқтисодий, социал, миллий-маиший шароитлар жиҳатидан ҳам регионнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмайдиган форма ва методларини бир хил қилишга интилиш ҳам ташвиш туғдиради. Бундан ташқари, мослашиб олиш, мунофиқона иш тутиш маъмурий-буйруқбозлик системасига қўл келади. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг марказдаги ҳамда жойлардаги бошқарув органлари ана шу система доирасидан ҳанузга қадар чиқиб олганича йўқ. Маъмурий аппарат учун секингина «ўсиб» қайта қуришга ўтиб олиш, уни ўз манфаатларига мослаштириб олиш имконияти туғилмоқда. Бир шахт билан дарров ўзгаришларга эришиш тадоригига тушганлар ҳам хавфлидир. Турғунлик оқибатида соғлиқни сақлашдаги бутун соҳа: идеология, экономика, бошқарув, кадрлар, моддий-техника базаси, илм-фан, одамлар ўртасидаги муносабат, шу жумладан «шифокор-бемор» муносабати бузилиб кетганлиги учун ҳам бу йўл билан иш чиқариб бўлмайди.

Ана шу ҳолатлар сабабини соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг жуда пухта ўйланган стратегия ва тактикаси йўқлиги, жумладан кабинетларда тузилган «Саломатлик» республика программаси унча асосли эмаслиги замиридан қидириш керак. 1987 йил декабрида Ўзбекистон Компартияси МК Бюросида у ҳозирги кун талабларига жавоб бермайдиган программа деб баҳоланди ва унда комплекс, илмий ёндашув йўқ деб таърифланди. Чуқур, ҳар тарафлама ўйланган қарорлар қабул қиладиган, асосий йўналишларни аниқлаб оладиган ҳамда уларни муҳокама этиш ва амалиётга жорий этишга медицина жамоатчилигининг кенг доираларини жалб этадиган фурсат келди. Медицинага, уни қайта қуриш истиқболларига қиймат тушунчаси билан ёндашишларга барҳам бериш, бу соҳадаги қаровсизлик сабабларини таҳлил этиш, ўтмишдан тегишли сабоқ чиқариб медицинани сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш лозим.

Ҳанузга қадар кўрилаётган чоралар ўта фавқулодда чоралар сифатида қаралмоғи керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Бўшаб қолган маъмурий биноларни биринчи навбатда соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун фойдаланиш тўғрисида»ги (1988 йил) ва «Республика аҳолисига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва уни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1988 йил) қарорлари, иттифоқдош республикалардан мутахассисларнинг Ўзбекистонга юборилиши моҳияти ҳам ана шундадир. Лекин булар ҳозирча соғлиқни сақлашнинг туб проблемаларини ҳал этолмайди. Қуйида бунинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

* * *

Кейинги ўн йилликлар мобайнида Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги фаолиятида ва умуман тармоқда касалхонадаги ўринлар сони-ю, уларга ётқизилган беморлар миқдори асосий кўрсаткич бўлиб келди, яъни шифохоналарда ўринлар қанча кўп бўлса шунча яхши деб ҳисоблашарди. Айни шу кўрсаткичга қараб давлат бюджетидан маблағ ажратилар, меҳнат, молия, моддий ва бошқа ресурслар таъминоти масалалари ҳал этиларди. «Шифохоналарда ўринлар сонини кўпайтирайлик!» шиори 50-йилларнинг охирида ўртага ташланган бўлиб, ялпи кўрсаткич ортидан қувишни бошлаб берди. Узоқ вақт мобайнида у республика соғлиқни сақлаш иши стратегиясини белгилаб турди. Ўринлар бобида иккита «катта сакраш»ни юзага келтирди. Биринчи сакраш натижасида 1958—1959 йилларда уларнинг фонди қарийб икки баравар кўпайиб, 42,4 минг ўриндан 74,1 минг ўринга етди. Иккинчи «сакраш» 1962—1963 йилларда бўлди ва ўринлар яна 12 мингтага кўпайишига олиб келди.

Шу ўринда бу даражадаги ўсиш суръати зарурмиди, деган савол туғилади. Эътироф этиш керакки, шундай қилиш зарур эди. Ҳатто 1987 йилда ҳам Ўзбекистонда ҳар ўн минг аҳолига 118,7 ўрин тўғри келарди — бу умумиттифоқ кўрсаткичидан (130,1) кам.

Ундай бўлса, муаммонинг моҳияти нимада? Шифохоналардаги ўринларни ҳар қандай йўл билан кўпайтириш шунга олиб келдики, шифохоналар дуч келган бинога, ҳатто илгари омбор бўлган биноларга жойлаштирила бошланди. Иш шунга бо-

риб етдики, Хоразм область тери-таносил касалликлари диспансери, масалан, ҳанузга қадар Хива хонлиги бойларидан бирининг бир пайтлар қайта жиҳозланган отхонасида ишлаб келмоқда. Янги қурилган шифохоналарда лойиҳада 120 ёки 240 ўрин мўлжалланган бўлса ҳам, уни камида 200 ёки 300—350 ўринли шифохонага айлантириш одат тусига кирди.

Соғлиқни сақлашга ажратилган мослаштирилган биноларда ҳам шундай ҳол содир бўлмоқда. Шуниси ажабларнарлики, 1985 йилда мамлакат бўйича типовой бинога эга бўлган шифохоналардаги ўринлар 63 ва мослаштирилган бинолардаги ўринлар 37 процентни, Болтиқбўйи республикаларида ҳатто 90—95 ҳамда 5—10 процентни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 44 ва 56 процентни ташкил этди. Бу ҳол республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг тўртинчи Бош бошқармаси тасарруфидагилардан бўлак касалхоналар ва туғруқхоналарда санитария-гигиена шароитлари кескин ёмонлашувига олиб келди. Умумиттифоқ нормасига кўра битта ўринга 7 квадрат метр тўғри келиши керак, Ўзбекистон касалхоналарида эса 1987 йилда бу кўрсаткич 3,8 квадрат метрдан ошмади. Айниқса соғлиқни сақлаш умумий системасига қарашли туғруқхоналарда ташвишли аҳвол юзага келди: уларнинг ҳар иккитасидан бирида шифохона ўрни нормативдагидан 2—3 баравар кам майдонга эга. Республика шифохоналарининг аксариятида вақти-вақти билан касалхоналарда инфекциялар тарқалаётганига таажжубланмаса ҳам бўлади. Туғруқхоналар тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Булар баъзан оғир оқибатларга олиб келмоқда. Ўринлар сони бўйича ялпи кўрсаткич ортидан қувиш амбулатория-поликлиника тармоғининг сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам оқсашига олиб келди.

Эскича тафаккур яшовчан эканлиги учун ҳам ўтмишда тармоқ раҳбарлари ёпишиб олган шифохонадаги ўринлар сонини кўпайтириш пойгаси хусусида бунчалик муфассал тўхталаётирмиз. Ўзбекистон Компартияси МҚ Бюроси қарорига мувофиқ тузилган Фавқулодда ҳукумат комиссияси фаолияти ҳам ташвишлантирмоқда. Мавжуд аҳволни чуқур таҳлил этиш ҳамда соғлиқни сақлашдаги номувозанатликни бартараф этиш юзасидан чуқур асосланган, туб тадбирлар кўриш ўрнига бу комиссия амалда ана шу социал соҳа учун қўшимча бинолар қидириб топишга оид тавсиялар билан чекланиб қўя қолди.

Ўзбекистон ҳукумати уларнинг шу тавсиясига мувофиқ 1987 йилда тармоқ эҳтиёжи учун 400 дан ортиқ маъмурий бинони зудлик билан бўшатиб бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Афсуски, бу тадбир ҳатто бугунги кун талабларига ҳам унча жавоб бермайди. Бунда масаланинг иқтисодий жиҳати ҳисобга олинмаган. Гап шундаки, ажратиб берилаётган биноларнинг 90 проценти даволаш жараёнининг оддий санитария-гигиена ва технология шароитларига мос эмас. Уларни шунчаки оддий эмас, балки капитал ремонт қилиш керак. Бунга эса қўшимча маблағ зарур. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тармоғи бюджети эса бусиз ҳам учма-уч бўлиб турибди. Боз устига яна шифохона ўринларини кўпайтиришга зўр беришга тўғри келади — шу беш йилликда ҳар йили камида 8—9 минг ўринни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

* * *

Республика соғлиқни сақлаш соҳаси мураккаб аҳволдан қай йўсинда қутулиши мумкин? Муаммони жуда муфассал ҳал этишни зиммага олмаган ҳолда муаллифларнинг бу хусусда ўз фикрлари бор.

Энг аввало ўринлар сонини кўпайтириш пойгасидан қатъиян воз кечиш керак. Шу беш йиллик охирига қадар уларнинг йиллик кўпайиши 2,5—3 минг атрофида бўлишига эришиш, тежаб қолинган маблағни эса тармоқни техника билан қайта жиҳозлашга сарфлаш керак. Шундан кейин ўн учинчи беш йилликдан бошлаб йилига камида 14—16 минг ўринли типовой касалхоналар қурилишини кўзда тутиш, йўлга қўйиш, бугунги кунда яхши мослаштирилмаган биноларга жойлашган ёки жуда тиқилиб қолган шифохоналарни ана шу касалхоналарга кўчириш мақсадга мувофиқдир.

Даволаш муассасалари фаолиятини асосан миқдор мезонлари ва кўрсаткичлари билан эмас, балки сифат кўрсаткичлари билан баҳолаш масаласи ҳал этилмас экан, соғлиқни сақлаш ишида қайта қуриш жойидан жилмайди. Бундай мезон ва кўрсаткичлар лойиҳасини эса СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ишлаб чиқ-

ди («Медицинская газета», 1987, 22 июнь сонига қаралсин). Таассуфки, бу лойиҳа медицина жамоатчилигида активлик уйғотмади. Кўпроқ идеология жабҳасига тааллуқли бу проблема, шубҳасиз, муҳим проблемалар каторига киради, зеро таклиф қилинаётган мезонлар медицина хизматини соғлиқни сақлаш характеристикаси ва унинг даражасига йўналтиради.

Муҳокама чоғида етакчи олимлар, тармоқ илмий бўлинмалари коллективларининг фаоллик кўрсатмаганликларининг боиси нимада? Наҳотки муаммо ҳаддан ташқари мураккаб бўлса? Ёки унинг аҳамиятини тушунишмаяптими? Эҳтимол, бу локайдликдир? Оқибати нима билан тугаши номаълум бўлган биронта янгилик ҳақида гап борганида кўрсатиладиган эҳтиёткорлик эмасмикин? Ёки ўзгаришларни истамасликми бу? Бирон нарса ўзгаришига ишонч йўқлиги нишонаси бўлса-чи? Ташкилий асос йўқлигининг белгисимикин ё? Очиғини айтганда, мақола муаллифлари мавжуд вазиятни тушунтиришга тузукроқ далиллар топа олмадилар. Буни социал хизмат бўлинмаси эпласа керак, лекин республика Соғлиқни сақлаш министрлиги системасида бундай хизмат йўқ. Манфаатдорлик устун келиб, шифокорлар аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш йўлларини танлашга ҳисса қўшишга муваффақ бўладилар деб умид қилишдан бошқа илож йўқ.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлигининг тўртинчи бош бошқармаси тасарруфида бўлган ва имтиёзлилар қаторида юритиладиган даволаш муассасалари системаси ишини кўриб чиқадиган фурсат келди. Уларнинг бир қисмини умум соғлиқни сақлаш ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги қарор тўғри эканлиги шубҳа уйғотмайди. Социал адолат принципининг тикланишидан ташқари (бу қайта қуриш мақсадларига мос) ушбу тадбир маълум даражада бюджет, моддий ресурсларни умум соғлиқни сақлаш соҳасини танг аҳволдан олиб чиқиш учун қайта тақсимлаш имконини беради.

Касалхоналардаги мавжуд ўринлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун шароит яратиш яқин орадаги вазифалардан биридир. 1985 йилда уларнинг ҳар бири ўрта ҳисобда 331 кун, 86-йилда 329 кун ва 87-йилда 330 кун ишлатилди, ўртача йиллик норматив эса 335 кундир. Бунинг сабабларидан бири илмий асосланган ихтисослашган ўринлар йўқлигидир. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда барча областларда клиника-диагностика марказлари барпо этиш билан бир вақтда бундай ўринлардан камида 35 минги керак. Бу ҳол ўринлардан фойдаланиш вақтини «тежаш», бирмунча енгиллаштирилган шифохоналар — кундуз кунлари даволанадиган шифохоналарни кўпайтириш ва бевосита уйда даволанишни кенгайтириш, касалхонадаги ўринларнинг план бўйича ҳам, амалда ҳам кўпайиб бориш суръатларини бирмунча пасайтириш имконини беради.

Башарти жаҳон тажрибасига мурожаат этиладиган бўлса, умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда 1987 йилда медицина хизмати юксак даражада йўлга қўйилган АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Япония сингари мамлакатларда ҳар 10 минг кишига 56,5; 79,5; 109 ва 118 ўрин тўғри келган бўлса, Ўзбекистонда ҳар 10 минг кишига мўлжалдаги 139,8 эмас, 125 ўрин оптимал ҳисобланиши керак. Бу тадбир асосий куч-ғайратни келгуси беш йилликларда тармоқни жадал ривожлантириш учун пухта асос яратишга қаратиш имконини беради. Айни чоғда бўшатиб олинган восита ва ресурсларни энг аввало кадрларни бошланғич бўғин — амбулатория-поликлиника бўғинини ривожлантиришга, аҳоли касалланишининг олдини олиш ишларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга сарфлаш имконияти туғилади.

Бугунги кунда олдимизда касалхона ва поликлиникаларни замонавий техника ва асбоб-анжомлар билан таъминлаш даражасини анчагина кўтариш вазифаси турибди. Кейинги ўн беш йил мобайнида ўринлар сонини оширишга зўр бериш оқибатида касалхоналардаги ўринларни техника билан таъминлаш оқсаб қолди. Чунончи мамлакат бўйича бундай ўринлар таъминоти ва техника билан жиҳозланишга ўрта ҳисобда 1987 йилда 3,9 — 4,1 минг сўм сарфланган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 3,1 — 3,2, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий областларида эса 1,6 — 2 минг сўмни ташкил этди. Ривожланган капиталистик мамлакатлар ҳамда ГДР, ЧССР сингари айрим социалистик мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, касалхоналардаги ҳар бир ўрин таъминоти ҳамда уни техника билан жиҳозлашнинг ҳар йилги сарф-харажати бизнинг пул билан ҳисоблаганда 8—12 минг сўмдан 14—16 минг сўмгача бормоқда.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг молиявий таъминоти тартибини ҳам ўзгартириш керак. 1986 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромад 1125 сўмни, соғлиқни сақлаш сарф-харажати эса 49 сўм 77 тийинни ташкил этди, мамлакат бўйича бу кўрсаткич 2049 сўм ва 81 сўм 85 тийинга боради. Шундай қилиб, республикамизда соғлиқни сақлаш иши сарф-харажати мутлақ кўрсаткич жиҳатидан иттифоқ даражасидан анчагина пастдир. Медицинага бюджет ажратмалари ҳажми ўн учинчи беш йилликдан бошлаб умуман хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ бўлиб қолади. Республика миллий даромади кўпайса, тармоқ учун ажратма ҳам кўпаяди. Бироқ ҳозирча бу ишга ажратилаётган маблағ жуда кам, шундай шароитда соғлиқни сақлашни ўринларни кўпайтиришнинг янги пойгасига мубтало қилиш ақлдан бўлмаса керак. Тармоқдаги иқтисодий иш моҳияти уни ич томонидан мустаҳкамлашда, реал имкониятларни ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда моддий-техника ва кадрлар масаласини ҳал этишда кўринади. 1988 йил 1 январидан эътиборан жорий этилган янги нормативлар системаси ана шунга хизмат қилиши мумкин. Энг аввало шуни таъкидлаш кераккки, яқин йиллар ичида соғлиқни сақлаш талаб-эҳтиёжларига ажратма миллий даромаднинг 5 процентига боради. Кейинчалик улар янада кўпайиши шубҳасиз, лекин тармоқда ялпи кўрсаткичлар кетидан қувиш барҳам топмас экан, бу маблағлар мавжуд ва янги қурилган ҳамма шифохоналардаги ўринларни сифат жиҳатидан яхши ишлашини таъминлашга етмайди.

Пул билан таъминлашнинг янги тартиби моҳияти шундаки, маблағ ҳар бир киши ҳисобига бевосита маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига ажратилади, улар эса ўз навбатида бу маблағларни даволаш муассасаларининг бош врачлари ихтиёрига берадилар. Маблағларни квартал бўйича тақсимлаш практикасини йўқотиш мўлжалланмоқда. Тармоқда хўжалик ҳисоби муносабатлари жорий этилмоқда, бунда пул ва бошқа маблағларни олиш ҳам, ишлатиш ҳам асосан поликлиника бош врачи ихтиёрида бўлади. Шунга монанд бу соҳада кўп нарса такомиллашмоғи керак. Ҳозирча эса бош врачлар ҳисобот йили тугаганидан кейин, план тадбирлари тўлиқ бажарилган тақдирдагина ишлатилмай қолган суммани сарф-харажат қилиш ҳуқуқига эга. (Соғлиқни сақлаш соҳасида бунақа план бўлишнинг ўзи ғалати). Шу сабабли айтиб ўтилган маблағлардан ўз ўрнида ва тўлиқ фойдаланилишидан умидвормиз.

Республикамизда шифохоналардаги ўринлар молия ва техника жиҳатидангина эмас, балки кадрлар жиҳатидан ҳам «ўкситилган» дейиш мумкин. Энг аввало кадрлар сиёсатидаги нуқсонлар таъсири билинмоқда. Ўтмишда бу сиёсат Ўзбекистондаги мавжуд демографик вазиятни, шу жумладан кўп болали оилалар даражасини ҳисобга олмай ўтказиб келинди. Гап кўп болаликдагина эмас, бу нарсанинг ўз тарихий ва миллий илдизлари бор. Гап уни рағбатлантиришда. Бу эса на иқтисодий, на социал йўналишда мустаҳкамланди. Дарвоқе, бу масала юзасидан республика демографлари ва социологлари ҳанузга қадар бир нарса деганларича йўқ. Мақола муаллифлари эса ушбу муаммога тармоқ доирасидагина тўхталиб ўтмоқдалар.

Ҳомиладорлик учун ва ёш болаларни боқиш учун бериладиган отпускалар туфайли Ўзбекистонда ҳар йили жами врачларнинг 17,6 проценти ёки 11,6 минг врач, жами ўрта медицина ходимларининг 23,6 проценти ёки 43,5 минг киши ишламайди. Бордию, масалан, педиатрия участкаларида ишламаётган врачларни оладиган бўлсак, бу жабҳаларда мутахассисларнинг аксарияти ёш жувонлар бўлгани учун ҳам уларнинг учтасидан бири ё декретда бўлади, ёки ёш боласини боқиш билан машғул. Кадрлар сиёсатидаги бундай хато ва нуқсонлар шунга олиб келдики, Ўзбекистон туғилиш бўйича мамлакатда энг юқори даражада тургани ҳолда бу ерда болалар ўлими ҳам юксак даражада эканлиги сир эмас.

Жойларда совет ва партия органларининг медицина ходимларини пахта теримига жалб этишдек нотўғри сиёсати билан боғлиқ бошқа ҳолат ҳам бор. Кейинги икки йилнинг ўзидагина тармоқда шу важдан 794 минг киши-куни йўқотилди. Бу муаммо айниқса медицина хизмати кўрсатиш даражаси анча паст Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент областларида жиддий бўлиб турибди. Ақл билан иш юритишга даъват этиш билан бу яроқсиз практикани йўқотиб бўлмаса керак. Врачларни ҳар қанақа хўжалик ва жамоат тадбирлари, шунингдек кў-

линча иш вақтида ўтказиладиган самарасиз кенгаш ва семинарларга жалб этишни ман қиладиган тадбирлар керак.

Яна бир резерв ҳақида бир неча оғиз сўз. Республика медицина олий ўқув юртларини битириб чиқаётганларнинг ярмидан кўпида билим ўрта миёна бўлиб, амалий кўникма қониқарли эмас. Даволаш муассасалари ҳар йили ана шундай нўноқ мутахассислар билан тўлдирилмоқда. Лекин турли сабаблар, шу жумладан яшаш учун оддий шароитлар йўқлиги боисидан баъзан қишлоқлар бундай мутахассисларни ҳам ололмаётир.

Ўрта медицина ходимлари билан боғлиқ аҳвол жиддий ташвиш уйғотмоқда. Ҳар йили медицина техникумлари ва билим юртларини тугатган ёшлардан 2.5—3 мингдан ортиғи белгиланган жойга етиб бормаётгани республика соғликни сақлаш раҳбарларига сир эмас. Бугунги кунда Ўзбекистонда битта врачга 2,9 ўрта медицина ходими тўғри келади. Мамлакат бўйича бу кўрсаткич 3,4 га тенг, у АҚШда 8, ГФРда 9, Швецияда 12, Японияда 19 ни ташкил этади. Бизнинг врачларимиз кўпинча касаллик тарихини тўлдириш, ҳисоб карточкаларига қайд этиш, статистика формалари тузиш, рецепт ёзиб бериш, турли даво чоралари белгилаш ва баъзан уни ўзлари бажариши сингари врачлик хизмати доирасига кирмайдиган ишларни бажараётганликларига ажабланмаса ҳам бўлади. Соф иқтисодий зарардан ташқари (битта дипломли шифокор таълими ўрта ҳисобда медицина ҳамшираси тайёрлашга нисбатан 6—7 баравар қимматга тушади) профессионал, социал ва маънавий жиҳатдан медицина соҳасидаги асосий фигура бўлмиш врач мутахассис сифатида деформацияга учрайди.

Медицинанинг қалтис жойи миқдор кўрсаткичлари бўлиб келди. Бу ҳол Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар билан таъминлаш имкониятини сира ҳисобга олмай, янгидан-янги хизмат бўлинмаларини кўпайтиришдек сурункали давом этаётган иллатни келтириб чиқарди. Буйруқларда у ёки бу хизмат бўлинмаси тузилиши талаб этиларди, амалда эса улар кўп йиллар мобайнида мутахассис йўқлигидан тўлиқ ишламасди. Ишга бу йўсинда, бюрократларча ёндашув тармоқда анчагина кулфат келтириб чиқарди, ҳаммани, шу жумладан медицина жамоатчилигини чалғитди. Турғунлик даврига хос андоза ҳам ўз ишини қилди: бошқалардан «ёмон кўринмасликка», бошқалардан орқада қолмасликка зўр берилди. Буларнинг ҳаммаси қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка олиб келди, шифохоналардаги оғир оқибат, ўлим билан тугаган ҳолларни ҳисобга олишнинг бузиб кўрсатилишидан ташқари бундай ҳолларга қарши актив кураш олиб боришга тўсқинлик қилди. Битта мисол келтирамиз. Ҳамма ерда болалар касалхоналарида анестезия ва реанимация бўлимлари очила бошланди, анестезиолог ва реаниматорлар йўқлиги учун... бу бўлимлар умумий профилдаги врачлар билан тўлдирилди. Афсуски, бугунги кунда шошилинч сайёр бригадалар ва диагностика марказлари ишида ҳам шунга ўхшаш ҳоллар учрамоқда.

Республика аҳолисига сифат жиҳатдан яхши медицина хизмати кўрсатиш жиддий эътибор ва амалий ёрдамга муҳтождир. Моддий-техника вазифаларини ҳал этишнинг ўзи билангина иш битмайди. Шифохоналардаги ўринлар сонига «берилиш» шароитида кўп нарсани ўзгартириш қийин. Зеро, бу нарса соғлиқни сақлашнинг даволаш-профилактика йўналишидаги вазифаларини амалга оширишга ҳанузгача монелик қилиб келмоқда. Турғунлик йилларида унинг профилактика моҳиятини издан чиқариш учун мумкин бўлган ҳамма иш қилинди, деса бўлади. Йўқса, участкаларнинг кенг системасига эга бўлган поликлиникаларга тармоқда ҳанузга қадар ўгайлик қилиб келинаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин, ахир? Касалхоналар нуфузи ҳаддан ташқари кўтариб юборилди, улар даволашдан ташқари диагностика билан шуғуллана бошладилар. Бунинг учун керакли моддий хизмат ҳам яратиб берилди. Бу хизмат ҳозирги кунда ҳам поликлиника билан параллел иш кўрмоқда. Ўзига хос бўлмаган вазифани ҳам зиммасига олган шифохоналар замонавий диагностика аппаратлари ва техникаси билан таъминланишда «пособонгини бузмоқда». Бинобарин, бу иш поликлиникалар ҳисобидан амалга ошириладида. Бу эса ходимларнинг иш шароити, улар меҳнатига ҳақ тўлашга ҳам таъсир этди ва ҳоказо.

Натижада профилактика ўз ўрнини даволаш ишларига бўшатиб бериб, сезилмайгина иккинчи планга ўтиб қолди. Ана шундай шароитда шифохоналар зиммасидаги юк ортиб кетди, уларни тортиш тобора оғирлик қила бошлади.Салбий оқи-

батлар соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғини — амбулаториялар, фельдшерлик пунктлари ва фельдшерлик-акушерлик пунктлари обрўсига ҳам таъсир этмай қолмади. Улар амалда вақтинча меҳнатга яроқсизлик тўғрисидаги варақаларни расмийлаштириш, ҳар хил справкалар бериш билан шуғулланадиган жойга айланиб қолди. Шифохоналар тирбанд эканлигига қарамай, Ўзбекистондаги поликлиникалар қувватидан нари борса 82—86 процент фойдаланилди.

Мақола сўнггида Фарғонада ўтказиладиган бир эксперимент тўғрисидаги фикримиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Бу ерда болалар даволаш муассасалари ишини ташкил этишни тубдан қайта қуриш — Соғлом болалар уйи (профилактика), болалар поликлиникаси (диагностика) ва болалар кўп профилли касалхонаси (даволаш) муассасаларидан иборат область даволаш-ишлаб чиқариш комплекси яратиш мўлжалланмоқда. Молиявий ва хизмат муносабатлари қуйидагича амалга оширилади: Соғлом болалар уйининг бош врачига область бош педиатри ваколатлари берилади; болалар поликлиникаси бош врачи поликлиника хизмати ишини ташкил этиш, диагностика ишларини олиб боришдан ташқари область соғлиқни сақлаш бўлимидан олинадиган молиявий маблағ ва моддий ресурсларни ҳам ўзи тақсимлайди, болалар касалхонасининг бош врачи эса бемор болаларни шифохонага ётқизиш ва уларни даволаш ишини ташкил этади. Бунда даволаш-ишлаб чиқариш комплексининг молиявий ютуғи тўғридан-тўғри пировард натижага — болаларнинг соғломлигига боғлиқ бўлади. Эҳтимол, бу схемада баъзи нарсалар мукаммал эмасдир, лекин энг асосийси бунда амалий соғлиқни сақлаш жабҳасини хўжалик ҳисоби асосида юксак самарали системага айлантириш йўлларини излаш бор.

Айни чоғда мазкур экспериментга тайёргарлик ташвишлантирмоқда. Энг аввало Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг муносабати ажаблантиради. Ҳамма гўё шу ишга тарафдор, лекин уни ўтказиш юзасидан мадад ва амалий ёрдам кўринмайди. Экспериментнинг моддий-техника таъминоти, молиявий таъминоти проблемалари ҳам ҳал этилмаган. Мушкул хўжалик вазифаларини ҳал этишда ташаббус ва ижодкорлик билан иш тутишга йўл қўймайдиган, ман этишдан нарига ўтилмаган кўпгина инструкция ва йўл-йўриқлар ҳам бу ишга тўғаноқ бўлмоқда.

А. МИХАЙЛОВ

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТ ВА СОВЕТЛАР

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ янгиланиши сиёсий системани ислоҳ қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакатимизда социалистик давлатчилик ва ўз-ўзини бошқаришнинг асоси бўлмиш халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини таъминлаш мазкур ислоҳотнинг ҳал қилувчи йўналишидир.

Бу йўлда ҳозирдаёқ муҳим қадамлар қўйилди. Биринчи навбатда — бу XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорлари, унинг «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида»ги резолюцияси бўлиб, унда «Советларнинг қонун чиқарувчи, идора қилувчи ва контрол қилиб борувчи вазифаларини мустаҳкамлаш», давлат, хўжалик ва социал-маданий турмушнинг барча муҳим масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишни уларнинг ихтиёрига топшириш, «ижроия органлари ва уларнинг аппаратига нисбатан сайлаб қўйиладиган органларнинг раҳбарлик мавқеини тиклаш» зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Ҳокимият органларига ўзига муносиб ролни қайтариш учун биринчи навбатда шундай реал шарт-шароитларни яратиш керакки, ана шундай вазиятда қўл остидаги территорияларни комплекс ривожлантириш проблемаларини ҳал этишда Советларнинг масъулияти ва мустақиллиги таъминлаб берилсин. Республикамизда бу йўналишда баъзи бир ишлар қилинди. Тўпланган тажрибага таяниб, бу ишни яна давом эттириш мумкин. Масалан, Андижон шаҳар Советининг шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантиришни комплекс планлаштириш борасидаги тажрибаси диққатга сазовордир. Бу ерда Совет ва унинг ижроия комитети билан юқорига бўйсунадиган корхоналар ўртасида яхши алоқа ўрнатилган. Улар бир-бирларининг манфаатларини мувофиқлаштириб ўзаро келишиб ҳаракат қилишади. Бу «Уй-жой», «Саломатлик», «Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш» ва бошқа — ҳаммаси бўлиб ўн битта мақсадли программани муваффақиятли амалга оширишга имкон беради. Шаҳарда 700 киши бирлашган 26 кооператив ташкил этилган, бундан ташқари 720 дан ортиқ одам индивидуал меҳнат билан шуғулланмоқда.

Самарқанд шаҳар Сиёб район Советининг меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан таъминланишини яхшилаш, корхона ва ташкилотларда янги иш жойлари барпо этиш борасидаги тажрибаси диққатга сазовордир. Чунончи, маҳалла комитетлари, хотин-қизлар советлари ва милиция участка инспекторларининг ёрдами билан районда ишламаётган 1936 гражданларнинг борлиги аниқланди. Қисқа вақт ичида уларнинг кўпчилиги ишга жойлаштирилди. Совет доимий комиссиялар ва депутатлар ёрдамида райондаги корхоналарни кўп сменали иш режимига кўчириш бўйича қатор тадбирларни амалга оширди.

Чирчиқ шаҳар Совети ҳам кўпгина долзарб масалаларни ҳал этишга ташаббускорлик билан ёндашади. Масалан, у шаҳар корхоналарининг социал-маданий-маиший объектлар қуриш ва ободончилик учун маблағларини кооператив асосда

МИХАЙЛОВ Азарья Натаниэлович, юридик фанлар доктори, Тошкент олий партия мактаби совет қурилиши кафедрасининг раҳбари.

бирлаштириш ҳуқуқидан кенг фойдаланмоқда. Чунончи, шу йўл билан турар-жойлар, дам олиш зонаси, спорт ва болалар майдончалари, ҳовуз, стадион ва ҳоказолар қурилди.

Лекин қайта қуриш вазифаларини амалга ошириш халқ депутатлари Советларининг ҳуқуқларини кенгайтиришни талаб қилади.

Советлар фақат ўз қўл остидаги эмас, шунингдек ўз территорияларида жойлашган, лекин юқори идораларга бўйсунадиган корхоналардан тушадиган киримларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда бир қадар даромадлар манбаига эга бўлиши керак. Меҳнаткашлар талаб-эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ корхоналарни маҳаллий Советлар ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқдир. Территорияни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш учун маблағ тўплаш зарурати ҳам шубҳа туғдирмайди. Бунда маҳаллий Советларнинг хўжаликни моҳирона бошқаргани ва социалистик омилкорлиги туфайли қўлга киритган маблағлардан эркин фойдаланиши учун улар реал гарантияга эга бўлишлари керак.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партия ва совет органлари вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш проблемаларига алоҳида аҳамият берди. Аслини олганда Советлар, ижроия комитетлари ўз компетенциясига кирадиган биронта масалани партия органлари билан келишиб олмасдан туриб ҳал қилолмасди. Иш шунгача бориб етдики, партия органлари давлат ва хўжалик ҳаётининг у ёки бу масалалари юзасидан Советлар ҳамда уларнинг органларига тўғридан-тўғри кўрсатма бера бошладилар. Партия ва совет органларининг иқтисодий,социал-маданий қурилишга доир масалалар юзасидан биргаликда қарор қабул қилиш практикаси кенг ёйилди. Бундай практика Советлар роли пасайишига, уларнинг меҳнаткашлар турмуши билан боғлиқ муҳим масалаларни ечишдаги масъулияти бўшашишига олиб келди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партия комитетлари фаолиятининг бу форма ва методларини қаттиқ қоралади. Конференция материалларида шундай деб таъкидланди: «Партия комитетларининг давлат, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларига тўғридан-тўғри кўрсатма берувчи қарорлар қабул қилишларини истисно этиш керак». Партия ва совет органларининг биргаликда ҳужжатлар қабул қилишларига келсак, бундай практика бундан бир неча вақт олдин КПСС МКнинг «Халқ депутатлари Советларига партия раҳбарлигини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (1986 йил) қарорида қораланган эди.

Советларни халқ ҳокимиятининг тўлақонли органлари сифатида қайта тиклаш мақсадида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси Советлар раислиги лавозимига одатда тегишли партия комитетларининг биринчи секретарларини таклиф қилишни тавсия этди. Шундай қилиб партия обрў-эътибори билан Советлар обрўси мустаҳкамланади, унинг тўла ҳокимияти таъминланади. Пленумларда яширин овоз билан, яъни чинакам демократик йўл билан сайланган партия комитетларининг секретарлари кейинчалик Советлар сессияларида ҳар томонлама муҳокамадан ўтишлари керак, шундан кейингина яна ўша яширин овоз билан уларни тегишли Советларга раисликка сайлашади. Бундай икки, уч марталаб текшириш раҳбар лавозимларга чинакам талантли, принципиал, ҳалол кишиларни — меҳнаткашларнинг чинакам лидерларини кўрсатишга ёрдам беради.

Тўғри, бир кишининг ҳам партия комитети секретари, ҳам Совет раиси лавозимларини эгаллаши билан ҳамма ташвишлардан қутулиб қолмаймиз, албатта. Совет — коллегиал вакиллик органи бўлиб, унинг бутун состави ва улар ташкил этган органлар актив ишлаши керак. Фақат шундай қилгандагина у ўз ролини бажариши мумкин.

Партия органлари — сиёсий раҳбарлик қилиш органи, шунинг учун улар ҳам буйруқбозлик-тазйиқ ўтказиш методларидан, Советлар ишини қилишдан қатъий воз кечишлари керак. Советларга партиявий раҳбарлик илмий асосланган характерда бўлиши лозим. Бу нимада ифодаланади? Биринчи навбатда сиёсий йўлни ишлаб чиқишда кўринади. Чунончи, КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларининг асосида ётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизни қайта қуриш концепцияси Советлар барча бўғинлари ишининг негизини ташкил этади. Уларнинг фаолияти қайта қуриш вазифаларини амалга

оширишга, жамият социал-иктисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган.

Советларга партиявий раҳбарликнинг моҳияти яна шунда ҳамки, идора қилувчи партия ҳисобланмиш КПСС барча совет органларини контрол қилиш ҳуқуқига эга.

Советларга партиявий раҳбарликнинг энг муҳим йўналиши шундаки, Советлардаги асосий лавозимларга партия одатда ўзининг энг яхши вакилларини кўрсатади. Ҳокимият органларида ишлаётган коммунистлар икки томонлама — ҳам давлат йўли билан, ҳам партия йўли билан масъулиятни зиммаларига оладилар. Улар орқали — бу XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида алоҳида таъкидлаб ўтилди — партия ўз сиёсий йўлини ўтказади. Шунинг учун ҳам Советларда ишлаётган кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш — партия органларининг асосий вазифаларидан биридир. XIX партия конференциясида қайта қуриш манфаатлари йўлида доно, узоқни кўзловчи кадрлар сиёсатининг зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Советларда партия группалари ташкил этилиб, улар коммунист-депутатларни бирлаштиради. Бу группаларнинг вазифаси — партиянинг партиясизлар орасида таъсирини кучайтириш, ҳокимият органларида партиявий ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, бюрократизм ва сансалорликка қарши курашиш, партия ва совет органлари директиваларининг бажарилишини контрол қилишдан иборат.

Кейинги йилларда Советлардаги партия группаларининг иши янги форма ва методлар билан бойиб бормоқда. Масалан, улардан айримлари перспектив планлар асосида ишлай бошладилар. Янгийўл шаҳар Советидаги партия группаси мана бир неча йиллардан буён ўз ишини шу тарзда ташкил этмоқда. Уларнинг мажлисларида коммунист-депутатларнинг депутатлик вазифаларини, сайловчилар наказларини, Советлар қарорларини, юқори органлар актларини, ишлаб чиқариш планларини қандай бажаришаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботлари, докладлари, ахборотлари мунтазам эшитилиб турилади. Бунинг натижасида партия группасининг Совет ва унинг доимий комиссиялари фаолиятининг яхшиланишига таъсири ортди.

Бу тажрибани ҳар қанча қўллаб-қувватласа ва кенг ёйса арзийди. Зеро кўп партия группалари пассив ишлаяпти, онда-сонда йиғилишади. Коммунист-депутатлар партия группаларининг мажлисларида давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг актуал масалаларини муҳокама қилиб, энг тўғри ечимларни топадилар ва ягона йўл-йўриқни ишлаб чиқадилар. Бу коммунист-депутатлар орасида бирликни мустаҳкамлашга, партия аъзолари теварагига кенг меҳнаткашлар оммасининг жипслашувига ёрдам беради.

Партия ташкилотларидан бошқа ташкилотлардаги партия группаларининг фаолияти ҳозирги кунда КПСС Уставининг 60—62-параграфлари билан тартибга солиб турилади. Лекин уларда ишнинг энг умумий, принципиал масалаларигина мустаҳкамланиб қўйилган. Шунинг учун ҳам ишни яхшилаш манфаатларидан келиб чиқиб, бизнингча, Советларда партия группаларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти тўғрисида махсус Низом қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу ҳужжатда тажрибани умумлаштириш асосида партия группаларининг ҳуқуқлари, вазифалари, иш форма ва методларини мустаҳкамлаб қўйиш керак бўлади.

Советлар ижроия комитетлари, уларнинг аппаратлари аслини олганда сайлаб қўйиладиган органлардан устун турган пайтлар бўлган, бу нотўғри практикани таг-томири билан йўқотиш керак. Масалан, сессияда эшитиладиган масалалар, депутатлар жалб қилинмасдан, кенг меҳнаткашлар оммасининг иштирокисиз кўпинча яширинча тайёрланар эди. Шунинг учун ҳам кўп қарорлар лойиҳалари ноконкрет, бир ёқлама бўларди. Уларни чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлмаган (сессия қисқа вақт ичида ўтгани учун) депутатлар эса улар учун бир оғиздан овоз берардилар.

Ижроия комитетга аппарат керак, албатта, лекин у ҳозиргидай кўп сонли бўлмаслиги лозим, энг муҳими — чуқур компетентли,бошқариш илмининг асосларини эгаллаган, бюрократизм асоратларидан озод бўлган, юксак профессионал аппарат лозим. Лекин, шунга қарамай, у сайланиб қўйиладиган, вакиллар органи — Советга сўзсиз бўйсунади. Қишлоқ ва посёлка Советларидан ташқари барча

маҳаллий Советларда янги, доимо амал қилувчи орган — Совет президиумининг ташкил этилиши Советнинг ижроия комитет ва унинг аппаратига нисбатан раҳбарлик мавқеининг сақланиб қолишига ёрдам беради. Сессияларни тайёрлаш, сессияда муҳокама қилинадиган масалалар ва қарорлар лойиҳаларини олдиндан кўриб чиқиш, доимий комиссиялар, депутатлар группалари ва лавозимлари фаолиятини координациялаш, қабул қилинган қарорлар ижросини контрол қилишни ва бошқа масалаларни Совет президиуми компетенциясига киритиш мўлжалланмоқда.

Шундай бир қоида жорий этиляптики, унга мувофиқ ижроия комитетнинг ҳар бир аъзоси бир неча номзодлардан яширин овоз билан Советлар сессияларида сайланади. Бу ижроия комитетлари бўлим ва бошқармалари раҳбарларига ҳам тааллуқлидир. Бунда бўлим раҳбарлари ҳам, бошқарма раҳбарлари ҳам тегишли Совет депутатлари составига кирмайди. Бундан мақсад Советлар ролини реал ошириш бўлиб, бу улар тўла ҳокимиятининг гарантияларидан биридир.

Бундан ташқари, Советлардаги сайлаб қўйиладиган лавозимларда ишлаш кетма-кет икки муддат билан чегараланиб қўйилади, яъни ўн йилдан ошмаслиги керак. Бундай чегаралаб қўйиш Советлар томонидан тайинланадиган ва тасдиқланадиган раҳбар ходимлар учун ҳам кўзда тутилган. Бу ниҳоятда муҳим демократик йўл-йўриқ бўлиб, у негатив ҳодисаларга, бюрократизмга қарши курашда катта аҳамиятга эгадир, чунки ҳаёт кўрсатганидек, мансабдор шахсларнинг ҳокимият тепасида узоқ ўтириб қолиши марказда ҳам, жойларда ҳам шахсга сиғинишга, волюнтаризмга, манманликка, масъулият ҳиссини йўқотишга, қуюшқондан чиқишларга олиб келади.

Қайта қуриш Советлар, биринчи навбатда сессиялар фаолиятидаги ташкилий-оммавий ишларни такомиллаштиришни талаб этади. КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси бу масалаларга катта эътибор берди. Ҳозирги кунда барча иттифоқдош республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда катта ишлар қилинмоқда. Биринчи навбатда маҳаллий Советлар сессияларини тайёрлаш ва ўтказишда демократиялаш процесси чуқурлашмоқда. Чунончи, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг энг муҳим масалалари бўйича қарор лойиҳаларини матбуотда эълон қилиш практикаси кенгайди. Меҳнаткашлар улар билан танишиб қимматли қўшимча ва ўзгартишлар киритадилар. Лойиҳалар муҳокамасида одамлар қанчалик кўп қатнашса, мазкур ҳужжатнинг аҳоли манфаатларини ифода этиши учун гарантия шу қадар кўп бўлади. Бундан ташқари, бутун бу процесс катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, кенг меҳнаткашлар оммасида сиёсий маданиятни шакллантиришга ёрдам беради. Муҳокама давомида улар қабул қилинаётган ҳужжатлардаги ғояларни ўзларига сингдирадилар, улар тасдиқланганидан кейин бу ғояларни амалга оширишда Советларга ёрдам беришга интиладилар.

Айрим маҳаллий Советлар ишнинг сессияларни докладчисиз ўтказиш сингари формасини жорий қила бошладилар. Доклад олдиндан ёзилиб қўйиб, кейин у кўпайтирилади ва депутатларга тарқатилади ёки маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Шундай қилинганда муҳокама этиладиган масалани янада чуқуррок ўрганиш ва танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда конкрет таклифлар билан сўзга чиқиш имкони туғилади.

Тошкент шаҳар Советининг тажрибаси диққатга сазовор. «Тошкент оқшоми» газетасида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган «Саломатлик» комплекс программасини амалга оширишда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида»ги тезислари эълон қилинди. Бу масала Тошкент шаҳар Советининг бўлажак сессияси муҳокамасига қўйилган эди. Бунинг натижасида сессияда жуда кўп депутатлар сўзга чиқиб, анчагина асосли таклифлар киритдилар ва жиддий танқидий фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Республикамизнинг маҳаллий Советлари кейинги вақтларда сессияларни секциялар бўйича ўтказишни тажриба қилиб кўрмоқдалар. Бу жиҳатдан Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари Советларининг иши эътиборга лойиқдир. Ишнинг бу янги формасининг моҳияти ошкораликни кенгайтириш, умумий йиғилишларда эмас, айрим секцияларда кўриладиган масалаларнинг муҳокамасига депутатларни мумкин қадар кўпроқ жалб этишдан иборатдир. Сўнгра депутатларнинг ҳамма танқи-

дий фикр-мулоҳазалари ва таклифлари умумлаштирилади, сессияга Советларнинг ялпи мажлисларида якун ясалади.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Киров район Советининг сессияси ҳам 1988 йилнинг май ойида ана шундай ижодий тусда ва бошқачароқ тарзда ўтди, унда райондаги социал-маданий-маиший объектлар қурилиши аҳволига оид масала кўрилди. Узундан-узоқ доклад ўрнига райсовет депутатларига 20 минутлик видеофильм намойиш этилди, унда уй-жой, поликлиникалар, клублар қурилишининг аҳволи яққол кўрсатиб берилганди. Бу депутатлар активлигини оширди — сессия кун тартибига қўйилган масала муҳокамасида улардан 22 киши қатнашди.

Буларнинг бари шундан далолат берадики, депутатлар активлиги кўп жиҳатдан Совет сессиясини тайёрлаш ва ўтказишга ижодий, ностандарт ёндашишга боғлиқдир.

Советлар доимий комиссиялари фаолиятини яхшилаш Советларнинг тўла ҳокимиятини амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон ССРнинг маҳаллий Советларида ҳозирги кунда 13544 нафар шундай комиссия ишлаб турибди, 88517 депутат уларнинг аъзоларидир. Улар республикамиз экономикаси ва маданиятининг ҳамма соҳаларини ўз таъсир доираси остига олганлар. Доимий комиссиялар асосан уч вазифани — тайёрлаш, контрол қилиш ва анализ этиш вазифаларини бажарадилар.

Биринчисининг моҳияти шундаки, комиссиялар маҳаллий Советлар сессиялари ва улар ижроия комитетларининг мажлисларида кўриладиган масалаларни тайёрлашда актив иштирок этадилар. Чунончи, 1987 йилда Ўзбекистон ССРда доимий комиссияларнинг ёрдамида 31636 масалани муҳокама қилиш учун материал тўпланган ва умумлаштирилган. Таклифлар ва хулосалар маҳаллий Советлар ва улар ижроия комитетларининг қарорларида акс этган.

Комиссиянинг контрол қилиш вазифаси шундан иборатки, улар Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари, шунингдек юқори органлар қабул қилган қарорларнинг бажарилишини мунтазам текшириб боришади. Бунга катта эътибор берилади. Масалан, Янгийўл, Ангрен, Фарғона шаҳарлари Советлари доимий комиссияларининг иш планларида масалаларнинг ярмига яқини ижрони контрол қилиш ва текширишга бағишланган.

Корхоналар ва ташкилотлар, колхозлар ва совхозларнинг социал-иқтисодий ривожланиш планларини қандай бажаришаётганини контрол қилиб бориш комиссиялар фаолиятида муҳим ўрин тутади. Комиссия ишлар аҳволини ўрганиб, меҳнат коллективларида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш резервларини, халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятларини аниқламоқдалар, меҳнат, давлат ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш тадбирларини кўрмоқдалар.

Доимий комиссияларнинг аналитик функцияси шундан иборатки, улар маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг бўлимлари ва бошқармаларида, корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасалардаги ишлар аҳволини чуқур анализ қилишлари, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш учун курашишлари, илғор тажрибани умумлаштиришлари ва пропаганда қилишлари керак.

Советлар фаолиятини яхшилаш сайловчилар наказларини сўзсиз бажариш билан чамбарчас боғлиқдир. Уларда меҳнаткашлар қайта қуришни хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида олиб боришга интилмоқдалар. Одамлар ўз шаҳарлари, посёлкалари ва қишлоқларини маиший хизмат яхши йўлга қўйилган, обод, саранжом-саришта ҳолда кўришни истайдилар. Социалистик давлат шароитида сайловчиларнинг депутатларга наказлари демократияни амалга ошириш, аҳоли иродаси ва манфаатларини ифода этиш, гражданларнинг давлатни бошқаришда бевосита иштирок этишлари формаларидан бири, Советлар ва депутатларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини мустаҳкамлаш формаси ҳисобланади.

Советлар сайловчилар наказларини бажариш борасида анча иш қилмоқдалар. Чунончи, Ўзбекистон ССРнинг ҳозирги чақириқ маҳаллий Советлари саноат, транспорт, алоқа, агросаноат комплекси, коммунал хўжалик, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш ишини яхшилашга дахлдор бўлган 104442 наказни бажаришга киришдилар. 1988 йилнинг январига келиб ана шу наказларнинг учдан бири бажарилиб бўлди.

Сўров киритиш ҳуқуқи Советлар ва ҳар бир депутат фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам берувчи муҳим демократик принциплир. Шу муносабат билан СССР Конституциясининг 124-моддаси СССР халқ депутати СССР халқ депутатлари съезди мажлисларида ва СССР Олий Совети сессияларида СССР Олий Совети Раисига, СССР Министрлар Советига, бошқа органлар раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга деб эълон қилади. Улар шу съезд мажлисида ёки СССР Олий Советининг шу сессиясида уч кун ичида оғзаки ёки ёзма тарзда жавоб беришлари керак.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида сайловчилар ишончини оқламаган депутатларни чақириб олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу ҳуқуқ Советларнинг вакиллик муассасалари сифатида ишини яхшилаш ва улар депутатлари масъулиятини оширишнинг муҳим воситасидир.

В. И. Ленин депутатларни чақириб олиш ҳуқуқини чинакам демократизмнинг асосий, принципиал талаби деб ҳисоблаган эди. «Сайловчиларнинг ўзи сайлаган кишиларини чақириб олиш ҳуқуқи эътироф қилинган ва қўлланган тақдирдагина, — деб уқтирган эди у, — ҳар бир сайланган муассасани ёки вакиллар мажлисини чинакам демократик ва ҳақиқатан халқ иродасини ифода этувчи муассаса, деб ҳисоблаш мумкин» (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 118-бет). Бу қоида СССР Конституцияси ва иттифоқдош республикалар конституцияларида, шу жумладан Ўзбекистон ССР конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган, бу қоидага асосан ҳар бир депутат ўз иши ва Совет иши тўғрисида сайловчилар олдида ҳисобот бериб туриши керак ва кўпчилик сайловчиларнинг қарори билан у истаган вақтда чақириб олиниши мумкин.

Совет кишилари депутатга унинг ишига қараб, у партия сиёсатини, қайта қуриш сиёсатини қандай амалга ошираётганига қараб баҳо беришади. Халқ ишончини оқламаган депутатларнинг чақириб олиниши сайловчиларнинг ўз депутатларига нисбатан юксак талабчанлигидан далолат беради. Чунончи, КПСС МҚ 1985 йил апрель Пленумидан кейин биргина Ўзбекистон ССРнинг ўзида республика Олий Совети ва маҳаллий Советлар депутатларидан 309 таси чақириб олинди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт барча соҳаларининг демократиялаштирилиши қайта қуришнинг моҳиятини ташкил этади. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида, миллион-миллион меҳнаткашларнинг сўзда эмас, амалда мамлакатни бошқаришда қатнашиши учун қўлдан келган барча ишни қилиш керак, деб таъкидланди. Ҳозирги кунда маҳаллий Советлар ижроия комитетларида ўн минглаб штатдан ташқари инструкторлар ва инспекторлар ишламоқда. Бундан ташқари, меҳнаткашлар давлатни бошқаришга хотин-қизлар советлари, уруш ва меҳнат ветеранлари советлари, квартал, уй ва маҳалла комитетлари, медицина ва болалар муассасаларига ёрдам кўрсатиш советлари, ота-оналар комитетлари, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиналари сингари жамоатчилик ташкилотлари орқали ҳам жалб этилади. Бу тузилмалар давлат аппаратини аҳоли билан мустаҳкам боғлаб туради, экономика ва маданият соҳасидаги ишларни яхшилашга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда халқ депутатлари Советларининг активи мамлакатда 30 миллион кишини, шу жумладан Ўзбекистонда 930 мингдан ортиқ кишини ташкил этади. Бу рақамлар шуни кўрсатадики, миқдор нуқтаи назаридан меҳнаткашларни давлат аҳамиятига эга масалаларни ҳал этишга жалб қилиш жудаям кенг қулоч ёзди. Лекин демократия ривожини сифат жиҳатдан олиб кўрадиган бўлсак, бу соҳада ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бу ерда гап Советлар активининг чинакам актив, чинакамига ишлайдиган актив бўлиши ҳақида боряпти. Бу эса Советлардан ташкилотчилик ишини ғайрат-шижоат билан олиб боришни талаб этади.

Демократияни авж олдириш, халқ депутатлари Советлари ролини ошириш социалистик давлатимизни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга, чунки у омманинг онглилиги ва сиёсий активлиги билан кучлидир. Демократия ва ошкораликни ривожлантириш масъулият ва уюшқоқлик, тартиб ва интизомнинг бўшашишига эмас, аксинча уларнинг мустаҳкамланишига олиб келиши керак. Жамият Советлардан кутаётган энг муҳим нарса — бу кенг ташаббускорлик, проблемаларга ижодий ёндашиш, омма билан алоқани янада кучайтириш, социалистик демократияни кенг ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишдан иборат.

Э. УМАРОВ,
А. ФАЙЗУЛЛАЕВ

АМАЛИЙ МУЛОҚОТНИ ЎРГАНАЙЛИК

ЖАМИЯТДА, кишилар ўртасида яшаркан конкрет шахс ўзининг инсонлик моҳиятини намоён этади. К. Маркс шундай деб ёзган эди: «Петр деган одам Павел деган одамга ўзига монанд деб муносабатда бўлган тақдирдагина у ўз-ўзига ҳам инсон сифатида муносабатда бўла бошлайди» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 23, с. 62). Айни К. Маркс турли хил ижтимоий, инсоний муносабатларнинг шаклланишидаги моддий, ишлаб чиқариш муносабатларининг аҳамиятини кўрсатиб берди, кишини ўз меҳнати маҳсулотларидан, ўз фаолиятидан ва оқибатда — бошқа кишилардан бегона қилиб қўйиш механизмини очиб ташлади. «...Индивиднинг ривожланиши у бевосита ёки билвосита мулоқотда бўлаётган бошқа барча индивидларнинг ривожланиши билан шартланган...», — деб таъкидлаган эди у (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 3, с. 440).

Шундай қилиб, ушбу концепция нуқтаи назаридан олганда мулоқот проблемаси энг муҳим проблемалардан бири ҳисобланади. К. Маркснинг ўзи киши шахсининг қимматли, аҳамиятли эканлигини қайта-қайта таъкидларди.

В. И. Ленин илмий психологиянинг туб проблемаларини қараб чиққан ғоят йирик философ ва бир вақтнинг ўзида атоқли амалиётчи психолог ҳам эди. У ўзининг революцион фаолиятида омманинг кайфиятини сезгирлик билан илғаб олар, ўз теварагидаги кишилар, сафдошлари ва мухолифларининг ички дунёсини, кечинмалари ва хулқ-атвор хусусиятларини жуда яхши билар эди. В. И. Ленин кишилар билан қандай муомалада бўлганлиги, уларни тинглаганлиги, далил-исботлар ёрдамида ўз фикрини исботлаганлиги, ишонтира олганлиги, мухолиф бўлганлиги ва ихтилофларни ҳал қилганлиги, турли аудиторияларда сўзга чиққанлиги, мажлисларни олиб борганлиги ва ҳоказолар доимо партиявий ва раҳбар ходимлар учун ўрнак бўлиб хизмат қилади. Биз учун шунингдек В. И. Ленинда инсонийлик ва ишбилармонлик чамбарчас боғлиқ бўлганлиги ҳам жуда муҳимдир.

Бироқ, сталинизм даври, бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик методлари авж олган давр бошланди. Инсон шахси қадрсизланди, у ҳеч нима бўлмай қолди. Мансаб тазйиқи, буйруқ, ўшқириш, қўрқитиш бошқарув структураларида индивидлар ўртасидаги инсоний мулоқот ўрнини эгаллади. Маъмур учун амалий мулоқот санъати «танобини тортиб қўйиш», «винтчани бурайдиган отвертка» бўлиш маҳоратига айланди. Амалий мулоқот соҳасида инсоний муносабатлар гуманизмини ёйиш тўғрисида эса сўзлашга ҳам тўғри келмаган эди.

Сўнгра, қисқа муддат илишдан сўнг турғунлик даври бошланди. Бу давр

УМАРОВ Эркин Абдуллаевич, философия фанлари кандидати, Тошкент олий партия мактаби партия қурилиши кафедрасининг доценти.

ФАЙЗУЛЛАЕВ Алишер Омонуллаевич, психология фанлари кандидати, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети философия-экономика факультети психология кафедрасининг катта ўқитувчиси.

макиавеллизм — кишилар, ижтимоий онгни манипуляция қилиш санъати гуллаб-яшнаши билан характерланди. Макиавеллининг типик фикрларидан бири шундай эди: «Кишиларга улар эшитишни хоҳлайдиган нарсани сўзлаш улар билан яқин муносабатда бўлишнинг энг яхши усулидир». Тўғри, ўшқиришлар камайди, бюрократлашган раҳбар ўз қўл остидаги ёки илтимос билан келган кишиларга табассум қилиши мумкин эди, лекин шу билан бир вақтда у ўз ичида уларни сариқ чақага олмас эди. Кишиларни лақиллатишнинг минглаб усулларини ўйлаб топган ўта замонавий бюрократлар, моҳир манипуляторларнинг бутун бир армияси пайдо бўлди. Бу даврда раҳбарларга нисбатан ишонч кескин пасайганлигининг сабабларидан бири ҳам шундадир.

Маълумки, кишилар, айниқса раҳбар ходимлар, мулоқот қилиш санъатига доимо қизғин қизиқиб келганлар. Турғунлик йилларида бу нарса ўзига хос тарзда ифодаланди: расмий пропаганда Дейл Карнегининг Ғарбда машҳур бўлган «Қандай қилиб дўст орттирмоқ ва кишиларга таъсир кўрсатмоқ мумкин» деган китобини баралла танқид қилиб турган пайтда уни бизда ички идоравий фойдаланиш учун, яъни аслини олганда идора қилувчи элита эҳтиёжлари учун нашр этдилар. Лекин 70-йиллар охирига келиб Д. Карнегининг китобини барибир оммавий нусхада ҳам нашр этишди, чунки унинг шуҳрати жуда ошиб кетган эди. Бу тушунарли — китоб қизиқиш билан ўқилади, унда кишилар мулоқотининг кўпгина муҳим томонлари, қонуниятлари очиб берилади, амалий тавсиялар изҳор этилади. Шу билан бирга шуни айтмаслик ҳам мумкин эмас: китоб бошдан-оёқ манипуляторлик руҳи билан йўғрилган, ундаги маслаҳатлар асосан корхона эгаси ўз маҳсулотини қандай қилиб кўпроқ сотиши, рақибларини доғда қолдириши, фойда олиши ва янада давр-даврон суриши учун хизмат қилади.

Ижтимоий ҳаётимизни қайта қуриш диққат марказига инсон омилини қўйдики, у ҳаммага ғоят яқин ва тушунарли маънода ўзининг социал-психологик жиҳатида очиб берилмоқда. Ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари, социал-психологик тадқиқотларнинг ривожланиши, марксистик гуманизмга мурожаат қилиш кишилар мулоқоти проблемаларини янги назарий ва амалий даражада ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиряпти. Раҳбарлар мулоқоти, умуман олганда амалий мулоқот санъати проблемаси улар ичида энг муҳимларидан биридир.

Кишилар билан ишлай олиш маҳорати исталган даражадаги раҳбарларнинг, айниқса партия ходимининг энг зарур хислатларидан биридир. Ҳозир бу ҳақда кўп сўзланади, мақола ва китоблар ёзиляпти. Бу қонунийдир — бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик методларидан воз кечиш шароитида мулоқотда коммуникатив компетентлиликнинг, яъни психологик саводлиликнинг аҳамияти жуда ҳам ошиб кетади. Ҳозирги партия раҳбари алоҳида шахснинг ҳам, кишиларнинг катта ва кичик группаларининг ҳам психологиясини яхши билиши, турли вазиятларда, шу жумладан ихтилофли вазиятларда ҳам билимдонлик билан иш тутиши керак. Компетентлилик ҳамда кишиларга инсоний муносабатда бўлиш намунасини кўрсатар экан, бу билан у ўзи ҳам обрў-эътибор орттиради.

Партия ходимининг коммуникатив компетентлилик каби ғоят муҳим хислати амалда қандай шаклланади? Эътироф этиш керакки, бу иш анчагина даражада ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Фақат практика, ҳаётгина раҳбарларни улар учун зарур бўлган психологик маҳорат ва кўникмаларга ўргатади. Партия ходимларини ушбу йўналишда планли, илмий асосланган ҳолда тайёрлаш ҳақида ҳозирча бирор нарса дейиш қийин. Шу сабабли уларнинг кўпчилигида кишилар билан мулоқотда фазилатлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам бор. Мисол учун, меҳнаткашлар олдида сўзлаётган масъул ходим ҳамма вақт нимагадир фақат аудиториянинг маълум қисмигагина мурожаат қилади. Ёки район партия комитетининг инструктори киши билан қўл бериб сўрашади, лекин бунда унинг кўзига қарамайди. Яна мисоллар келтириш мумкин. Раҳбар кун бўйи ходим билан мулоқотда бўлади, лекин унинг кайфияти ёмон эканлигини сезмайди. Завод партия комитетининг секретари ўз олдига келган ишчининг сўзларини тинглайди, лекин унинг сўзлари тугамасиданоқ маъқуллаб бошини ирғайди. Ишдош шериклар бир-бирларига ниманидир исботламоқчи бўладилар, лекин бунда асосан ҳадеб «Мен» деб гапирадилар. Бошланғич партия ташкилотининг секретари кишилар ўртасида юзага келган низони ҳал қилмоқчи

бўлади, лекин ўзининг ҳис-туйғуларига эрк бериб, суҳбатдошларининг шахсига тега бошлайди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси нима билан тугаши мумкин? Масъул ходимни кўп кишилар тингламай қўйишади, район партия комитети инструкторининг кишилар билан алоқаси ўринлашмайди, раҳбар билан ходим бир-биридан бегоналашади, ишчи партком секретари уни тингламаётганини, балки ўзи нима демоқчи эканлигини ўйлаб турганини тушунади, ишдош шериклар бир-бирларини тушунмай қўйишади, бошланғич партия ташкилоти секретарининг ўзи ноконструктив тарзда низога тортилади. Мулоқотдаги хатоларнинг баҳоси ана шундай. Асабий қақшашлар, юрак хуружлари, хафсаланинг пир бўлиши, ранж-алам, камситилиш, ёвлик, амалий ва бошқа ҳар қандай муносабатларнинг узилиши — кишиларнинг мулоқотда номаданий ўзаро таъсири натижаларининг унчалик тўлиқ бўлмаган рўйхати ана шундай.

Кейинги вақтда раҳбарларнинг амалий компетентлилигини ошириш мақсадида чет элда ҳам, бизнинг мамлакатимизда ҳам социал-психологик таълим методларидан фойдалана бошланди. Ҳозирги амалий социал психологиянинг илғор соҳаси бўлмиш социал-психологик тренировка (СПТ) бундай таълимнинг энг самарадор методларидан биридир. СПТ группаларидаги машғулотлар мунозаралар, конкрет вазият ва роль ўйинларини анализ қилиш тарзида олиб борилади. Агар таълимнинг анъанавий методлари билимларни пассив ўзлаштиришга йўналтирилган бўлса, СПТ эса унинг иштирокчиларига хулқ-атвор кўникмалари ва формаларини ҳосил қилишда катта мустақиллик беради, машғулотга актив жалб этилишни таъминлайди. Бунда ижодий, тадқиқотчилик ёндашуви устун туради.

Таълимнинг актив социал-психологик методларини жорий этишни кадрларни тайёрлаш ишидаги қайта қуриш талаблари тақозо этяпти деб тўла асос билан айтиш мумкин. Ана шу мақсадда биз 1987/88 ўқув йилида Тошкент олий партия мактабида илк маротаба амалий мулоқотга ва коммуникатив компетентлиликни оширишга доир СПТ кўринишида махсус практикум олиб бора бошладик. Ўқув программаларида бундай курс ҳозирча бўлмагани учун машғулотлар хоҳловчилар учун ташкил этилди. Биз ишлаб чиққан курс 24 академик соатга мўлжалланган, группа қатнашчилари сони чекланганки (10—15 киши), бундан кўзланган мақсад ҳар бир киши машғулотларда ғоят актив иштирок эта олишидир. Машғулотлар 4 соатдан ошмаган тақдирда энг кўп самара беради. Машғулотлар ўйин тусида олиб борилгани учун қатнашчилар, одатда, чарчаб қолмайдилар.

Партиявий ва раҳбар ходимларнинг ўзига хос фаолияти ҳисобга олиниб тузилган роль ўйинлари турли психогимнастик машқлар билан навбатма-навбат олиб борилади. Кузатувчанлик, шахслараро сезгирлик ҳам чиниқтирилади. Роль ўйинларида қатнашчилар бошлиқлар ва улар қўлидаги кишилар ролида чиқадилар, амалий суҳбат ва низоли вазиятларда бўладилар, бошқаларни тушуниш ва ишонтириш масалалари билан тўқнаш келадилар, нотаниш аудитория, турли мансабдор шахслар билан алоқа ўрнатиш заруратига дуч келадилар ва ҳоказо. Бошқаларнинг новербал (сўз ишлатилмайдиган) хулқ-атворига нисбатан сезгирликни ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилади, чунки айни мимика, имо-ишора, товуш хусусиятлари, ўзини тутиш шахслараро мулоқотда кишиларнинг ҳолати ва муносабатлари хусусидаги ахборотнинг асосий қисмини ифодалайди. Ҳар бир киши ўзини четдан кўриши, унда атрофдагилар қандай фазилат ва камчиликларни кўраётганини англаши учун ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Етакчи ўз фикрини ўйин қатнашчиларига тиқиштирмайди, унинг асосий вазифаси группавий жараёнларни ташкил этишдир. Бошқача қилиб айтганда, ўқитувчи билан тингловчилар ўртасида муносабатларнинг янгича, тенг ҳуқуқли типи пайдо бўлади. Мунозаралар айни шундай қуриляпти, улар давомида амалий мулоқотнинг у ёки бу вазиятларида ўзни қандай тутиш кераклигига доир биргаликда ечимлар ишлаб чиқилади.

СПТ группаларини олиб бориш мураккаб ва жуда масъулиятли ишдир. Бунда группадаги динамикани яхши билиш, ҳар бир қатнашчи учун салбий ва ижобий тескари алоқанинг тегишли ҳиссасини дозаларга бўлиш, мураккаб ишни нисбатан енгил машқлар билан алмаштириб бориш, ишонч ва очиқ-ойдинлик му-

ҳитини яратиш, суҳбатдошларга шерикчилик муносабати намунасини кўрсатиш, ўз шахсининг имкониятларини очишда кишиларга назокат билан ёрдамлашиш керак бўлади. Шу сабабли СПТ етакчилари етарлича узоқ муддатли ва пухта тайёргарликдан ўтишлари лозим. Агар тез орада республикада СПТни ривожлантирар эканмиз, бундай машғулотларни олиб бора оладиган малакали кадрлар хусусида ҳам ғамхўрлик кўрсатишимиз керак бўлади. Бу жиҳатдан олганда Болтиқбўйи республикаларининг, айниқса қатор йиллардан бери СПТ етакчиларини тайёрлаш бўйича иш олиб борилаётган Эстониянинг тажрибаси ибратлидир.

Машғулотларимизда мулоқот техникасини ўргатишдан ташқари ишнинг кишининг кишига бўлган муносабатини ўзгартиришга ёрдам берувчи назарий ва методологик томони жуда муҳимдир. Ўйлашимизча, жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичи раҳбарлик ва бошқариш жараёнини гуманизациялаш учун реал имкониятлар очиб беради. Гап шундаки, раҳбарнинг қўл остидагилар билан, шунингдек умуман кишининг киши билан мулоқотининг қуйидаги уч модели хусусида шартли равишда сўзлаш мумкин: объект — объект, субъект — объект ва субъект — субъект. Биринчи моделда раҳбар ҳам, унинг қўл остидаги ходим ҳам ўзларини бошқарув бўғинидаги «винтча», янада юқорироқ бошлиқлар томонидан унга таъсир кўрсатиш объекти ёки унинг иродасини ўтказувчи кимса сифатидагина ҳис этадилар. Иккинчи моделда раҳбар ўзини бошқарув субъекти деб билади, унда актив негиз бор, лекин қўл остидаги ходим унинг учун муайян объект, айтиш мумкин, предмет, буюм сифатида майдонга чиқади. Бошқарувнинг бутун санъати ушбу объектни, киши-предметни манипуляция қилишга қаратилган.

Мулоқотнинг учинчи, субъект — субъект модели юқоридагилардан принципиал равишда фарқ қилади, айни у — кишиларга инсонпарварларча муносабатда бўлиш манбаидир. Бунда қўл остидаги ходим шахси мустақил маънога эга қадрият сифатида майдонга чиқади, энди бунда «мақсад воситани оқлайди» қоидаси иш бермай қолади. Инсоний муносабатларнинг субъект — субъект модели нафақат раҳбар қўл остидаги ходимга ўз кўзлари билан қарашга интилишини, балки дунёни унинг кўзлари билан кўришга ҳам ҳаракат қилишини тақозо этади. Кишиларни тушуниш, тинглаш маҳорати, уларга шахс сифатида муносабатда бўлиш (буларнинг ҳаммаси ғоят оғир иш), бизнингча, партия ходимининг, ҳар қандай раҳбарнинг психологик қиёфасини борган сари кўпроқ белгилаб боради.

Кадрларни тайёрлаш жараёнига СПТни дадиллик билан жорий эта бориб, биз бу билан таълимнинг замонавий прогрессив тенденциялари билан ҳамоҳанг бўламиз. Тошкент олий партия мактабида, республика Министрлар Совети ҳузуридаги Малака ошириш институтида, Тошкент область партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университетида СПТ группаларини олиб бориш тажрибамиз партия ва раҳбар ходимларнинг ана шундай таълимга қизиқишлари катталигидан далолат бермоқда. Бугунги реал воқеликни ва қайта қуриш вазифаларини ҳисобга олувчи янги программалар зарур. СПТ группаларидаги машғулотлар учун махсус равишда камерали видеомагнитофонларни, таълимнинг бошқа техникавий воситаларини харид қилиш лозим бўлади.

СПТ кўринишидаги амалий мулоқот машғулотларини олий ўқув юртларидагина эмас, балки шаҳар, район ва бошқа партия комитетларида ҳам ўтказиш фойдали. Эҳтимол, амалиётчи ходимлар учун СПТ элементларидан фойдаланган ҳолда амалий социал психологияга доир доимий ишловчи семинарлар ёки давра суҳбатлари ташкил этиш керакдир. Уларнинг қатнашчилари психологиядан амалий тажрибани ўртоқлашишлари, илмий ва назарий масалалардаги ўз билимларини кенгайтиришлари, ўзларини яхшироқ билиб олишлари ва мулоқотни яхшилашлари мумкин бўларди.

Таълим олаётганларда ўз устида ишлашга, ўз шахсини ҳамда мулоқотни гуманизациялашни такомиллаштиришга узоқ муддатли қизиқишни шакллантириш СПТ машғулотларидаги энг муҳим жиҳатдир. Партия ходимлари, барча раҳбарлар амалий ҳамда психологик ўсишнинг кафолати ҳам айни шундадир.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

ИЛЛАТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИДА

Ҳозирги замон ўзбек адабий танқидчилиги муаммолари хусусида фикр-мулоҳазалар

СЎЗ САНЪАТИ БОР ЭКАН, табиийки адабий танқидчиликка эҳтиёж туғилади. Негаки, бадиий асар ва унинг ижодкори ҳақида, сўз санъатининг моҳияти, ривожланиш қонуниятлари ҳақида қандайдир фикр билдириш, хулоса чиқариш керак, бу вазифани эса адабий танқидчилик бажаради. Айтайлик, Алишер Навоийдек даҳо ҳам танқидчиликка эҳтиёж сезган ва бу эҳтиёжни профессионал танқидчилик бўлмагани учун ўзи бажаришга мажбур бўлган, аммо улуғ шоир улуғ танқидчи даражасига кўтарилмаган, кўтарилиши мумкин эмас эди. Фурқату Муқимий сингари шоирларимиз-чи? Улар ҳам ижодий изланишлари, ўзгаларнинг фаолияти тўғрисида қайси бир шаклда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган, лекин профессионал танқидчилик туғилиб, равнақ топиши учун етарли шарт-шароит, имконият йўқ эди.

Мана шу имкониятни, шарт-шароитни Улуғ Октябрь юзага чиқарди ва ўзбек совет танқидчилигининг туғилишини таъминлади, лекин туғилган ҳодиса шаклланиб, ривожланиб, етуклик даражасига кўтарилмагунча мустақил яшаб, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам фойдаси, манфаати учун яхши хизмат қилиши мумкин эмас.

Энди қуйидаги манзарага бир нигоҳ ташланг: партиямизнинг тарихий XX съездигача (1956 йил) ўзбек танқидчилиги «гўдаклик» ҳамда «болалик» чоғларини ўз бошидан кечирди, шаклланиш жараёнида бўлиб, аста-секин ривожланиш палласига киради. Шаклланиш жараёнининг бунчалик чўзилиб кетишининг муҳим сабабларидан бири шундаки, совет ҳокимияти 20—30-йилларда амалга оширган индустриялаштириш, коллективлаштириш ҳамда маданий революция, қолаверса, Улуғ Ватан уруши ҳамда тинч қурилиш мобайнида қўлга киритилган бир қанча оламшумул муваффақиятлар билан бирга шахсга сиғиниш шароитида йўл қўйилган кўпол нуқсонлар, йўқотишлар, фожиалар, ҳар хил «ур-йиқитчилик» адабий танқидчилик равнақига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Партиямизнинг XXVII съезди ҳал қилувчи омиллардан бирига эътиборимизни жалб этди: моддий ва маданий бойликларни ишлаб чиқариш соҳасидаги 60—80-йилларда авжига чиқарилиб, ҳукмронлик қилган дабдабабозлик, кўзбўямачилик, лаганбардорлик, қариндош-уруғчилик каби иллатлар энг «олий» доиралардан тортиб то «қуйи» миқёсдаги партия ва давлат ташкилотларидаги раҳбарлик ленинча принципларига бутунлай зид бўлган буйруқбозлик, маъмуриятчилик йўли билан олиб борилгани натижасида келиб чиқди, социалистик демократия илдизига болта урилиб, ошкораликка барҳам берилгани сабабли кенг қулоч ёзди. Бу иллатлар ўз навбатида шахсга сиғинишга бориб боғланадики, бу партиямизнинг XX съездида якдиллик билан очиб

ХУДОЙБЕРГАНОВ Норбой, филология фанлари доктори, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультети ўзбек совет адабиёти кафедрасининг профессори

ташланди. Шундан кейин ижобий ўзгариш шабадаси эса бошлади, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётда янгича жонланиш бошланди. Афсуски, бундай ўзгаришлар узоққа бормади. Шахсга сиғинишни қоралаб, ленинча принциплар асосида партиявий раҳбарликни амалга оширишга даъват қилган энг юқори «доира»даги давлат ва партия арбоблари ҳам тез орада ўзларининг «даҳо»лигини исботлашга киришдилар, нуқул ўзбошимчалик билан иш юритдиларки, бу оқибат натижада экономика ва маънавий соҳаларда турғунликка олиб келди.

Тўғри, партия ва давлатимиз раҳбарлари, хусусан Хрушчев бир қанча ижобий ўзгаришларни амалга оширди, лекин у ҳам ўз ўтмишдошининг шахсга сиғинишга хос хатоларидан қутула олмади. Брежневчилик, рашидовчилик каби даҳшатли иллатлар кенг қулоч ёзгани учун ҳаётимизнинг барча соҳаларида катта «ўпирилишлар» ҳосил бўлди. Айниқса, адабий танқидга жиддий путур етказилди. Негаки, ижтимоий ҳаётда, мафкурада, иқтисодда рўй берган салбий воқеаларни рўйи рост ёритишга қаратилган танқид ва ўз-ўзини танқид оғизда қўллаб-қувватланиб, амалда эса йўққа чиқарилди. Нуқул оламшумул ғалабалар тўғрисида баралла гапирилиб, қўпол хатолар, катта нуқсонларга эътибор берилмасдан фақат «айрим жузъий камчиликлар» ҳақидагина сўзлашга рухсат берилди. Бу эса пировардида бадиий ижод, адабий танқидчиликка келиб тақалардики, давлат ва партия ташкилотларидаги буйруқбозлик, маъмуриятчилик, ўзбошимчалик, бюрократизм, консерватизм шуни тақозо этарди. Айни чоқда норасмий таъқиблар, тазйиқлар, ман этишлар авжига чиқди, улар ҳалигача барҳам топган эмас. Лекин истеъдодлар шундай қудрат эканки, улар тараққиёт учун қулай имконият яратиб берилиши биланоқ жуда оғир, машаққатли тўсиқлар, қийинчиликларни енгиб баракали мевалар беришга қодирдир.

Партиямизнинг XX съезди шахсга сиғинишни фош этиб ташлаши биланоқ ижтимоий ва ижодий эркинликка фақат сўзда эмас, амалда йўл очиб берилдики, бунинг ижобий натижаси ўзбек танқидчилигида 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошидаёқ ўзини намоён қилди. Гап М. Қўшжонов ва О. Шарафиддиновнинг наср ҳамда шеъриятда бадиий маҳорат муаммоларини ёритишга бағишланган туркум мақолалари, «Ҳаёт ва маҳорат» (1962), «Замон. Қалб. Поэзия» (1962) китоблари чоп этилиб, адабий танқидий тафаккурнинг янги тараққиёт босқичига кўтарилгани ҳақида бораётир. Гап танқидчилигимиз шаклланиш жараёнидан ривожланиш палласига кўтарилиб, камолот чўққиларини забт этишга киришгани ҳақида бораётир. Айтиш мумкинки, бу икки мунаққид ўзига хос мактаб яратиб, ўз мустақил ижодий қиёфаси, услуби, маҳоратига эга бўлган ижодкор эканлигини исботлашди. Тўғри, улар ҳамкору иттифоқчилардай қалам тебратиб, адабий-бадиий ҳодисаларни, ёзувчи фаолияти, асарларини ғоявийлик билан образлилик бирлигини таъминлаш нуқтаи назардан талқин қилганига қарамасдан бир-биридан фарқланиб туради. Бу фарқ улар эришган салмоқли, ёрқин муваффақиятларда ҳам, мавжуд нуқсонларда ҳам кўринади.

О. Шарафиддинов бевосита йигирманчи съезд қарорларига мурожаат этиб, уларга асосан бадиий ижод муаммоларини ёритишга интилади ва шу аснода қуйидаги саволни ўртага ташлайди: «Хўш, шахсга сиғинишнинг адабиётдаги зарарлари таъсири нималарда кўринади?» Танқидчи бу саволга қуйидагича жавоб қайтаради: «Баъзи одамлар буни ўша йилларда ёзилган кўпгина асарларда Сталиннинг мақталганида деб биладилар. Бу — қисман тўғри. Дарҳақиқат, ўзбек ёзувчиларининг асарларида Сталин шахси бир томонлама, бениҳоя бўрттириб тасвирланди, халқ ва партиянинг хизматлари камситилди. Бу, албатта, нотўғри эди. Аммо шахсга сиғинишнинг адабиётдаги зарарли таъсири фақат шунда эмас. Унинг энг зарарли томони шундаки, ёзувчиларнинг халқ ҳаёти билан алоқаси ўша йилларда анча заифлашиб қолди, воқеликни бутун мураккаблиги, барча қарама-қаршиликлари ва бор ҳақиқати билан акс эттиришда ҳадиксираш вужудга келди».

М. Қўшжонов бошқачароқ тарзда мулоҳаза юритади. У бевосита партия ҳужжатларига мурожаат этмайди, лекин шундай фикрларни ўртага ташлайдики, бу фикрлар табиий равишда йигирманчи съезд қарорлари руҳи билан суғорилгани англашилиб туради: «Маълум бир мазмунни маълум бир шаклда ифодалаш бадиий ижоднинг бош масаласидир. Мазмун борки шакл бор. Мазмунсиз шакл тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бу марксча-ленинча эстетиканинг шак-шубҳасиз ҳақиқатидир».

Партиямиз адабиёт ва санъат муаммоларини ёритишда мана шу ҳақиқатдан келиб чиқиши ўз-ўзидан аёнки, М. Қўшжонов буни яхши тушунган ҳолда иш юритиб, диққат-эътиборини мазмун билан шакл, яъни бадиийлик билан ғоявийлик бирлигини таъминлашга қаратади, марксча-ленинча эстетика ҳақиқатини бадиий ижодга татбиқ этади. Танқидчи ҳақиқий бадиий асарларда ҳар бир предмет, шахс, воқеа ғоятда аниқ, равшан ва жонли тасвирланиб, китобхонга ҳавола қилинган барча мулоҳазалар, ҳатто ҳар бир сўз, жумлада бамисоли чинакам кашфиёт яширингандай бўлиши керак, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий», А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» каби бир қанча асарларида мана шу талабга кўп ҳолларда тўғри риоя қилинганини, Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», И. Раҳимнинг «Чин муҳаббат», «Ҳилола», С. Аҳмаднинг «Ҳукм», А. Мухторнинг «Опа-сингиллар», Р. Бобожоннинг «Тоға-жиянлар» сингари романлари, қиссалари, пьесаларида кўпинча схематизм, юзакилик, иллюстративлик етакчи ўрин эгаллаганини реал фактлар таҳлили орқали кўрсатади ва бу иллатлар мантиққа кўра ўша дабдабабозлик, кўзбўямачилик, конфликтсизликка бевосита боғланганини сезиб олиш қийин эмас. Яна шуниси муҳимки, чинакам санъаткор сифатида шуҳрат қозонган ёзувчилар ижодидаги нуқсонлар ҳам дадиллик билан ёритилади, ижодкор ёшми, тажрибали, катта шуҳрат қозонганми, бирор юксак лавозимни эгаллаб турибдими, бундан қатъи назар, уларнинг муваффақиятлари ҳам, етишмовчиликлари ҳам бадиий ижод равнақини таъминлайдиган талаблардан келиб чиқиб аниқ, ҳаққоний, чуқур таҳлилдан ўтказилади.

«Замон. Қалб. Поэзия»да ҳам масалага шу тарзда ёндашилади. Унда Уйғун, Ҳ. Ғулом, Мирмуҳсин, Т. Тўла каби тажрибали, номдор ижодкорларнинг бир қанча шеърларида «оддий ҳақиқатларнинг қофияга солиб» берилиши рўйи рост кўрсатилади, уларда ҳаётни бўяб-бежаб тавсифлаш, қуруқ риторикага ружу қўйиш, замондошларимиз орзу-ўйларини дабдабабозлик руҳида тараннум этиш ҳукмронлик қилгани ишонарли ёритилади. Айни чоқда улардан айримлари, хусусан Уйғун бир қанча ижодий ютуқларга эришгани эътироф этилади. «Чинакам шоир биринчи навбатда мутафаккирдир, ҳаёт ҳақида фикрловчи, унинг устидан ҳукм чиқарувчи файласуфдир, чинакам поэзия эса ҳамма вақт ҳис-туйғуга айланиб кетадиган фикрдан ёки фикрга айланган ҳис-туйғудан иборатдир. Чинакам поэзия ҳамиша чуқур фалсафий умумлашмаларга бой бўлади. Бу умумлашмаларнинг формаси ҳар хил бўлиши мумкин, бундан қатъи назар, агар умумлашма бўлмаса, шеър шеърлигича қолиб кетаверади, поэзия намунасига айланмайди. Умумлашмалар образли тафаккур воситасида мақсадга мувофиқ шаклга киради. Бинобарин, образли тафаккур поэзиянинг ҳам спецификасидир» — мана шу ҳукм-хулоса мазкур китобдаги кўпгина мақолалар руҳига сингдириб юборилган, ижодий ютуқлар ҳам, муваффақиятсизликлар ҳам шунга мувофиқ аниқланади. Айниқса, дабдабабозлик, декларативлик, кўзбўямачилик, дидактика, мадҳиябозлик каби иллатларга аёвсиз ўт очилади, уларнинг «образли фикрлаш, теманинг янги томонларини топиш, изланиш туфайли кашфиёт яратиш», ҳаётни мавжуд мураккабликлари, зиддиятлари билан чуқур ёритиш ва шу йўсинда ижтимоий тараққиётга сезиларли таъсир ўтказиш учун ниҳоятда зарарли эканлиги ишонарли кўрсатилади. Айни чоқда «бугунги ўзбек поэзиясида биз ўткир ва оригинал фикрнинг натижаси, ҳаётга янгича муносабатнинг самараси сифатида туғилган изловчан шеърларни кўплаб учратамиз. Бундай асарлар А. Мухтор, Шуҳрат, Шукрулло, Жуманиёз Жабборов каби шоирларнинг, Эркин Воҳидов, Теша Сайдалиев, Охунжон Ҳакимов каби ёшларнинг ижодида кўп учрайди» тарзидаги мақтов ёки «қуруқ баёнчиликка, тавсифга интилиш, поэтик кашфиётлар ўрнига ҳаётий фактларни қайд қилиш билан чекланиш Шуҳрат, Жуманиёз Жабборов, Назармат каби шоирларда ҳам учраб туради» сингари танқидга анча ўрин берилган. Худди шундай умумий, мавҳум, таҳлилдан келтириб чиқарилмаган мақтов ёки танқид «Ҳаёт ва маҳорат» китобига ҳам кириб қолган. Лекин бундан ҳам ачинарлиси шундаки, «Замон. Қалб. Поэзия»да дабдабабозлик, офаринбозлик, юзакилик, схематизм каби иллатлар Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон сингари забардаст шоирларимизнинг ижодида кенг тарқалгани тўғрисида жиддий мулоҳаза юритилмайди. М. Қўшжонов «ёзувчи дунёқараши заиф бўлса, партиявийлик принципига тўла амал қилмаса, ҳаётнинг етакловчи томонларини идрок этмаса, у ҳаётнинг иккинчи, учинчи ва ҳоказо томон-

ларини танлаб, ўзини икир-чикирлар билан чеклаб қўяди-да, уларни умумлашма сифатида китобхонга тақдим этади», деб С. Зуннунова «Сўқмоқлар» қиссасида иллатларни «қуюқлаштириб» тасвирлаб, ҳаётнинг ёруғ, нурли томонларини сояда қолдиради, совет воқелигини бузиб, «қоралаб» кўрсатади, деган айбномани кўтариб чиқди, лекин унинг моҳиятини аниқ, ҳаққоний таҳлил орқали исботлаб беролмади. М. Қўшжонов тугул ҳатто Абдулла Қаҳҳордай забардаст санъаткоримиз ҳам ўша айбномага қўшилди. Бу 1960 йилда бўлиб ўтган эди. 1962 йилда эса худди шу айбнома «Тобутдан товуш» саҳнага қўйилиши муносабати билан атоқли ёзувчимиз елкасига ағдарилди, сўнгра совет воқелигига туҳмат қилди, ютуқларимизни «қора» рангга бўяб кўрсатиб партиявийлик талабини бузди, социалистик реализм принципларидан чекинди, каби «ҳукм»лар ҳақиқий истеъдодларга қарши қўлланиладиган бўлди. Шунинг учун бу фақат танқидчи ёки ёзувчининггина эмас, балки ўша даврда адабиёт ва санъат ишларига раҳбарлик қилган партия, давлат арбобларининг нуқсони эканлиги 1985 йилнинг апрелида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети Пленумида, айниқса партиямизнинг XXVII съездида рўй-рост очиб ташланди. Аммо «Ҳаёт ва маҳорат», «Замон. Қалб. Поэзия» китоблари юқорида қайд этилган ёки тилга олинмаган айрим қусурларга қарамасдан ўзбек танқидчилигининг ўзига хос илмий-эстетик фан, махсус ижод тури сифатида шаклланиш давридан муваффақиятли ўтиб, янги тараққиёт босқичига кўтарилганини кўрсатади. Негаки, уларда 20—40-йилларда босилган қатор мақолалар, тақризлар, тадқиқотлардаги мавжуд фазилатлар ижодий ўзлаштирилиб, йўл қўйилган жиддий нуқсонлар, хусусан «ур-йиқитчилик», «вульгар социологизм», схематизм, офаринбозлик, юзакилик каби иллатларга қарши курашни кўрамиз. Лекин бу кураш 60-йилларнинг бошидаёқ Хрушчев авж олдириб, 70-йилларда Брежнев кенг қулоч ёздирган, республикамизда Рашидов янги паллага кўтарган волюнтаризм, ўзбошимчалик, буйруқбозлик, бюрократизм каби даҳшатли иллатларга дуч келиб муваффақиятсизликка учради. Оқибатда шундай тадқиқотлар, мақолалар, тақризлар ёзилдики, уларда ҳаётнинг барча соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар ўн, юз карра орттириб, ҳар хил йўқотишлар, нуқсонлар бутунлай яшириб, ҳатто йўққа чиқариб берилган асарлар социалистик реализм адабиётининг фахри, деб эълон қилинди, давлат мукофотлари, юксак унвонлар, нишонлар, орден-медаллар билан тақдирланишига асос яратилди. Бунга аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги ҳукм-хулосани кўздан кечирайлик: «Ярим асрлик бадиий прозамиз материали гувоҳлик бериб турибдики, бу даврда ўзбек адиблари социалистик реализм ижодий методини чуқур эгалладилар ва ўз тажрибалари билан унинг тарихини бойитдилар. Социалистик реализм энг яхши асарларимизда воқеликни чуқур ва ҳар томонлама тасвирлашда, тасвир объектига марксистик нуқтаи назардан ёндашишда, замоннинг туб ижтимоий моҳиятларини чуқур умумлаштирган ва айни чоқда ёрқин индивидуаллаштирилган бадиий типлар яратишда, типик характерларни типик шароитларда тасвирлашда намоён бўлди» (Л. Қ а ю м о в. Аср ва наср. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, 225-бет).

Диққат қилинг: насримиз қарийб эллик йил мобайнида нуқул зафарларни қўлга киритаверган, бирорта иллатга дуч келмаган. Гап мулоҳазаларининг дабдабалигидагина эмас. Даҳшатлиси шундаки, сўз санъатининг «жонию қони» бадиийликдан, образлиликдан иборат бўлиб, ғоявийлик фақат тирик, жонли, ҳаққоний образлар, типлар, қаҳрамонларда ифодаланиши инкор этилди, фақат ғоявийлик байроқ қилиб кўтарилиб, бадиийлик, образлилик ерга урилди, эътибордан соқит қилинди. Ғоявийликнинг бадиийликка сингдириб, табиий равишда «едириб» берилиши фақат оғизда эътироф этилди, холос.

Мақтовлар асарларнинг мазмунини шарҳлаш, изоҳлаш натижасида амалга оширилиб, илмий-эстетик таҳлилга путур етказилди, адабий танқид-бадиий ижод муаммоларини чуқур, ҳаққоний ёритиб, ижтимоий, маънавий, маданий тараққиётига самарали таъсир кўрсатувчи ўзига хос ижод тури, илмий-эстетик фан эмас, балки юксак лавозимни эгаллаган ўртамиёна қаламкашлар ва уларнинг яқин иттифоқчиларини тараннум этувчи хизматчига айлантирилдики, бунинг моҳиятини англаш учун қуйидаги кўчирмага диққат қилинг: «...ўша йиллар ижод ҳосилимизда воқеа ҳисобланган асарлардан бири Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи бўлди. Автор бу асарни Ленин комсомолига бағишлаган. Бу йирик полотнонинг қаҳрамонлари Улуғ Ватан урушининг оловли кунларида ҳаёт майдо-

нига кириб келган ёш авлоддир... Ана шу авлоднинг типик вакиллари сифатида мазкур романдаги Пўлат ва Баҳор образлари... совет адабиётидаги ижобий қаҳрамонлар галереясини бойитди» (ў ш а ж о й д а 160—161-бетлар).

Бу мақтов сўзлар, афсуски, бадиий асарларнинг ғоявий-бадиий мазмуни, сюжети, композицияси таҳлилидан табиий равишда келтириб чиқарилмайди.

Шу тахлитда фақат Рашидовнинггина эмас, бошқа ўнлаб, юзлаб авторларнинг шеърий, насрий, драматик асарлари кўкларга кўтарилади, пировардида рашидовчилик, брежневчиликнинг адабиёт майдонидаги ҳимоячилари, ҳомийлари пайдо бўлади.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «ўзбек халқининг отаси» ҳақида бир-икки оғиз ижобий сўз айтмаган танқидчи, ёзувчини деярли тополмасдингиз, лекин ҳамма гап шундаки, бу ишни ким қандай мақсадда қилган — масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олмасдан асл ҳақиқатни аниқлаш ғоятда мушкул. М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов, шу мақола муаллифи ва бошқалар ҳам Рашидов ижоди, унинг айрим асарлари ҳақида яхши фикрлар айтишга мажбур бўлган, лекин айни чоқда бундай «ниқоб»ни ўз эътиқодлари, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар хил воситалар орқали ўқувчиларга етказиш учун қўлланган. Шунинг учун Рашидовни мақташи бир жиҳатдан нуқсон бўлса, иккинчи жиҳатдан уларнинг фожиаси эди. Аммо Л. Қаюмов, Ҳ. Абдусаматов, С. Мирвалиев каби адабиётшунослар, мунаққидлар ҳақида бундай дейиш қийин. Негаки, улар Рашидов билан бамисоли руҳий ҳамкору иттифоқ тарзида ҳаракат қилдилар, оқибатда юксак унвонлар, мукофотлар билан тақдирландилар, асоссиз ўзбек танқидчиларининг «сардорлари» сифатида ардоқланди.

Хўш, улар ҳозирда қандай ишлар билан машғул бўлаяпти? Инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаштириш жараёнининг тўртинчи йилида уларда қандай ўзгаришлар рўй берди? «Советская культура» (8 сентябрь 1988 йил), «Вопросы литературы» (1987 йил 1-сон, 1988 йил 8-сон), «Дружба народов» (1988 йил 7 сон), «Звезда Востока» 1988 йил 1 сон), «Литературная учеба» (1988 йил 4-сон) журналларида чоп этилган мақолаларда ана шундай ва шунга ўхшаш саволларга қисман жавоб қайтарилди. Бадиий ижоддаги рашидовчилик, брежневчилик моҳиятини ёритиш тадқиқотчиларнинг келгусидаги муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, ўша пайтларда ғоявий жиҳатдан тўғри, бироқ бадиий жиҳатдан «ўлик» асарлар сўз санъатининг нодир намуналари тарзида мадҳ этилди, аксинча, замондошларимизнинг мардлигу матонатини кўрсатиш билан бирга хилма-хил шаклларда намоён бўлаётган салбий ўзгаришлар, фожиалар, дарду ҳасратлар моҳиятини ёритишга қаратилган истеъдод мевалари бизга ёт, зарарли, деб қаттиқ қораланди, уларнинг муаллифлари эса ҳар хил расмий-норасмий таъқибларга учради. Лоақал В. Дудинцевнинг «Биргина ноннинг ўзи ризқ-рўз эмас», А. Яшиннинг «Вологодскда тўй», «Ричаглар», Б. Пастернакнинг «Доктор Живаго», В. Биковнинг «Круглянск кўприги», «Марҳумлар оғриқни билмайди», А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», А. Ориповнинг «Тилла балиқча», «Куз хаёллари» каби ўнлаб асарларда ҳаёт ҳақиқати бузиб кўрсатилди, совет воқелиги «қора» рангга бўяб тасвирланди, социалистик реализм талаблари инкор этилди, партиявийлик принципларига зиддир, деб бонг урилганини эслатишнинг ўзи кифоядир. Вазият шу даражага бордики, партия XX съезди қарорларига мувофиқ Чўлпон ва Фитрат каби ёзувчилар 1956 йилда бутунлай оқланганига қарамай, уларни яна репрессия қилишга уринилди.

Мана шунга ўхшаш номақбул ҳаракатлар, ўзбошимчаликлар ижтимоий, маданий ҳаётдагина эмас, балки иқтисодий бойликларни ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам кенг тарқалди ва оқибатда партиямиз XX съездидан кейин эсган шабада, пайдо бўлган жонланиш барҳам топди, кўп чекинишлар рўй берди, кенг миқёсдаги турғунлик, қолоқлик вужудга келиб, социализмга зарба берди. Тўғри, социализм жуда оғир йўқотишларни, даҳшатли муваффақиятсизликларни бошидан кечирганига қарамасдан бутунлай ҳалокатга учрамади, моҳиятини йўқотмади, бироқ уни қайта тиклаб, «жароҳатлари» даволанмаса, тараққиётнинг тўғри йўлига солиб, олға илгарилаши таъминланмаса, марксча-ленинча таълимотнинг ғалабаси тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун партиямизнинг XXVII съезди моддий ва маънавий, маданий бойликларни ишлаб чиқаришдаги қолоқликлар, «ағдар-тўнтарлар»ни рўй-рост очиб ташлаб, волюнтаризм, субъективизм, ўзбо-

шимчалик, бюрократизм каби иллатларга қарши оммавий кураш эълон қилди, ошкоралик байроғини баланд кўтариб, демократиялаштиришни амалга ошириш билан инқилобий қайта қуришга эришиш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди.

Табиийки, бу вазифа ниҳоятда оғир, мураккаб, масъулиятли бўлиб, уни бирданига яшин тезлигида бажариш мумкин эмас, аммо изчил, адолатли ҳамда кескин кураш орқали иш юритилмаса, покланиш, янгиланиш жараёнидан ўтиб, ижобий бурилишлар, туб ўзгаришлар ясашга эришилмайди. Шунга кўра иш ва сўз бирлигини таъминлаш учун оммавий ҳаракат бошландики, бу адабиёт, санъат ва танқид соҳасидаги муайян ижобий натижаларга олиб келди. Хусусан 1987—1988 йиллар мобайнида 30-йиллардагина эмас, балки 50—80-йилларда Булгаков, Платонов, Пастернак, Гумилов, Дудинцев, Бек сингари ўнлаб ижодкорларнинг ҳеч қандай асоссиз «тақиқланган» асарлари, уларга бағишланган бир қанча мақолалар чоп этилди. Шунингдек, Чўлпон, Фитратнинг ижоди ўрганилиб, уларнинг бир қанча асарлари ўқувчиларга тақдим этилгани бадиий ижодда инқилобий қайта қуришнинг бошланганидан далолат беради.

Ҳа, инқилобий қайта қуриш бошланди, уни кенг қулоч ёздириш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга ошириш даркор. Зотан нураб, емирилиб кетган бинога қайтадан ҳаёт бахш этиш қанчалик қийин, мураккаб, оғир бўлса, онгу тафаккуримиздаги, бадиий ижод, айниқса танқидчилигимиздаги «емирилишлар», «ўпирилишлар»дан қутулиш учун эса минг карра меҳнат, куч сарфланиши табиийдир. Бунга партиямиз Марказий Комитети алоҳида эътибор бераётганини шундан билса бўладики, репрессия қилинган ёзувчиларнинг ижодини ўрганиш, тадқиқ этиш, асарларини нашр қилиш иши ёзувчилар союзига, матбуот органлари зиммасига юкланди, уларга тўла эркинлик берди. Ахир, қисқа муддат ичида ўнлаб «ман қилинган» асарларнинг босилиб чиқиши бунинг исботидир. Айтайлик, Пастернакнинг «Доктор Живаго» романи «Дружба народов» журналида чоп этилиши билан оқ «Правда» унга бағишлаб кўламли мақола берди (1988 йил 27 апрель) ёки «Советская культура» газетасида (1988 йил 17 ва 21 май) қарийб қирқ йилдан буён совет композиторлари союзига раҳбарлик қилиб келаётган, мамлакатимиздаги деярли барча юксак мукофотлар, унвонлар билан тақдирланган Т. Хренников ижоди кескин танқид қилинди. Афсуски, республикамизда адолатли, исботланган танқид ривожлантирилмаётир. Тўғри К. Яшин ва унинг ҳамкасблари (уларнинг ичида Л. Қаюмов, Ҳ. Абдусаматов алоҳида ажралиб туради) ҳақида баъзи танқидий мулоҳазалар айтилса-да, уларнинг брежневчилик, рашидовчиликни адабий жараёнда, танқидчиликда авж олдиргани (табиийки, мавжуд фазилатларини инкор этмаган ҳолда) рўй-рост ёритилмаётир. Оқибатда 60—80-йилларда кенг тарқалган «уравниловка» — ҳаммани тенглаштириш «касали»га қарши кураш сусайтирилмоқдаки, бу икки жилдлик «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»да ўз аксини топган: «...адабий жараёнда иқтидорлик, юксак малакали, адабиётимиз ривожи ва қисматини ўз тақдири сифатида қабул қилиб қалам тебратаётган танқидчиларимиз бир талай. Булар — В. Зоҳидов, Л. Қаюмов, М. Қўшжонов, Ҳ. Ёқубов, Ҳ. Абдусаматов, С. Мамажонов, Г. Владимиров, Ю. Султонов, М. Нурмуҳамедов, Н. Худойберганов, П. Шермуҳамедов, О. Шарафиддинов, И. Ғафуров, О. Тоғаев, Ш. Шомуҳамедов, Н. Владимирова, У. Норматов, В. Ларцев, Н. Шукуров, И. Султон, Ғ. Каримов, С. Азимов, С. Мирвалиев, М. Юнусов, Б. Имомов, О. Абдуллаев, Н. Каримов, С. Мирзаев, Б. Назаров ва бошқалар» (иккинчи жилд, 325-бет).

Бу ерда 29 мунаққид тилга олинган, уларга қўшимча қилиб бадиий ижод, сўз санъати равнақи, адабиётимиз тарихи муаммолари юзасидан кандидатлик, докторлик диссертацияларини ёқлаган, матбуотда бир-икки мақола билан чиққан яна 100 га яқин қаламкашлар илмий-эстетик, адабий-танқидий тафаккур тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлиги айтилади. Шуниси ажабланарлики, ўша танқидчиларнинг деярли барчаси фақат яхши ишлаяпти, нуқул ижодий зафарларга эришаяпти дейилади, аммо салбий ҳодисалар ҳақида сўз очилмайди.

Бу ерда 29 танқидчи, адабиётшунос номи тилга олинган ва улар ижобий қаҳрамонлар тарзида кўрсатилади. Шундай мулоҳаза юритиладики, гўё уларнинг барчаси юксак илмий-эстетик савияда қалам тебратган, катта ижодий муваффақиятларни қўлга киритган...

Бир лаҳза тасаввур қилайликки, булар ҳаёт ҳақиқатига мос тушади, бироқ уларнинг фазилатлари, ғалабалари нималарда намоён бўлибди? Қайси тадқиқот-

лар, мақолаларда «талантларининг ўзига хослигини» намойиш қилибди? Нима учун улар ҳеч қандай муваффақиятсизликларга учрамабди-ю, нуқул зафарлар қучаверибди?..

Афсуски, бундай саволлар жавобсиз ҳавода муаллақ осилиб қолади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Негаки, йўқ нарсани бор деб ҳисоблаш осон эмас. Кун тартибига қўйилган вазифа ҳам бошқача: агар адабий жараёнга у ёки бу тарзда қатнашиб келаётган барча мунаққидлар, адабиётшунослар ҳақида яхши фикрлар айтилса, улардан бирортаси хафа бўлмайди. Ахир, кимгадир қаттиқ сўз айтсангизгина жанжал чиқиши мумкин. Ҳозирги йўсинда мулоҳаза юритишда эса сих ҳам, кабоб ҳам куймайди! Аммо шунга қарамасдан ўша «Тарих»нинг икки жилдида ҳам Л. Қаюмов якка-ю ягона «зўр ижобий қаҳрамон» тарзида мақтовларга кўмиб ташланади (Бу ҳақда «Вопросы литературы» журналининг 1988 йил 8-сонида чоп этилган «Анахронизм» мақоласида батафсил фикр юритилди).

Кимларнидир асоссиз «классиклар» сафига қўшиш, бошқаларни эса «тенглаштириб» баҳолаш, уларнинг асл қиёфаси, хизматларини бузиб кўрсатишни, афсуски, бир мақола ёки тадқиқотда эмас, балки ўнлаб, юзлаб манбаларда учратамиз.

Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, илмий-эстетик, адабий-танқидий тафаккур, адабий танқидчиликда муайян жонланиш кўзга ташланади, аҳён-аҳёнда М. Қўшжонов, О. Шарафиддинов, У. Норматов каби танқидчиларнинг анча ўткир, принципиал чиқишларига дуч келамиз, гоҳида уларга Р. Қўчқоров, А. Отабоев, А. Улуғов, Р. Отаев, Я. Қосимов сингари ёшлар қўшилиб, адабий жараёнга ижобий таъсир кўрсатишга кўмаклашиб турадилар. Тўғри, ҳали ёш танқидчиларимиз ҳамма вақт ҳам фаоллик, мардлик-матонат намуналарини кўрсатмаяптилар. Шунга қарамасдан эътироф этиш мумкинки, бизда муайян адабий-танқидий кучлар мавжуд, бироқ бу кучлар раҳбар идораларнинг қатъий регламентацияси, кўрсатмалари, «буйруқ»ларидан холи бўлиб, чинакам ижодий эркинлик ғалаба қилган шароитда ишласаларгина, кўзланган самараларга эришади, акс ҳолда ҳеч қандай ижобий ўзгариш, инқилобий қайта қуриш бўлмайди.

Партия XIX конференциясида мана шу ҳақда мулоҳаза юритилди. «Улар тарихий ҳақиқат ва адолатни қайта тиклаш, камчилик ва нуқсонларни танқид қилиш, қайта қуриш тажрибасини оммалаштириш, одамларда янгича ижодий собитқадам фикрлаш ва ҳаракат қилиш маҳоратини ҳосил қилиш учун кўп иш қилди. Аммо ҳозир олға бориш керак... Ҳозир матбуотимиз қайта қуриш йўлидаги ҳаракатга халақит бераётган ҳамма иллатларни танқид қилиш руҳини пасайтирмай, жараёнларга чуқур кириб бориши, турмушимизнинг барча соҳаларида янги жамият қарор топишининг мураккаб диалектикасини, зиддиятлилигини таҳлил этиши керак» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1 июль 1988 йил, 8-бет).

Ўша анжуманда М. С. Горбачев томонидан оммавий ахборот воситалари хусусида айтилган бу фикрлар бевосита адабий танқидчилигимизга ҳам тааллуклидир. Негаки, илмий-эстетик тафаккур, адабиёт фани социалистик плюрализм — фикрлар, курашларнинг тўқнашуви, мунозаралар авж олдирилмаган биқиқ, ўта осойишта, «мен сенга тегмайман, сен — менга» деган шароитда равнақ топиши мумкин эмаски, бунга эътибор берилмаса, ҳеч қандай ўсиш-ўзгариш, қайта қуриш бўлмайди.

Г. НААН

ЎНГИ-ТЕСКАРИСИГА ҚАРАМАЙ

«Эстонияга социализм ғоялари кириб қолмаслиги учун унинг чор атрофи тиканли симлар билан ўраб олинган», — 1920 йили руслар қўлидаги асирликдан юртига Эстония орқали қайтган Ярослав Гашек ўша вақтдаги буржуа ҳукумати шаънига ана шундай истеҳзоли сўзлар айтган эди.

Инсониятнинг глобал миқёсдаги ўзаро боғлиқликлари даврида ҳам бахт-саодатнинг негизи гўё бўлак бўлиб яшашда деган ғоят соддадил ишонч, кўринишича, кўпгина ҳамюртларимда сақланиб қолган экан. Бу нарса Эстония ССР Олий Советининг 1988 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияси қабул қилган (бунда ташқаридан сезиларли тазйиқ бўлди) ҳужжатларда ҳам ўзининг ифодасини топди. Хусусан, бу республика ҳокимиятининг олий органлари муайян ҳолларда ССР Иттифоқининг қонун чиқариш ва бошқа актларини қўлланишни тўхтатиб қўйишлари ёки қўлланиш чегараларини белгилашлари мумкинлиги тўғрисида Эстония Конституциясига тузатиш киритилганлигида кўринди. Бунгача амал қилган таъриф бутунлай қарама-қарши маънога эга эди: Эстония ССР қонуни билан умумиттифоқ қонуни тафовут қилган тақдирда умумиттифоқ қонуни амал қилади.

Ҳозир, дарвоқе, гўё қайта қуриш жуда жўн нарса деб ўйлаш умуман расм бўлиб қолди. Шунчаки «ҳамма нарса тескари қўйилса бўлди». Оёқдаги нарсани бошга олиб қўй — бутун қайта қуриш амалга ошди деяверинг. Бундан буён буржуа Эстониясидаги нарсаларни фақат яхши деб тасвирлаш, Совет ҳокимияти ҳукм сурган барча йилларни эса нуқул қора бўёқларда чаплаш керак. Норасмий ҳаракатлар ана шу «ҳамма нарсани тескарисига олиш»да бир-бирларидан ўтказишга жон-жаҳдлари билан тиришмоқдалар. Масалан, альтернатив ёшлар анжумани яқинда «марксоцентрик ижтимоий фанлар» ўқитилишига барҳам беришни, ҳатто мактабларга... дин дарси киритилишини тавсия қилди. Тўғри, ҳозирча мажбурий предмет сифатида эмас. Фанлар академиясини қулатиш (!), ер юзидан супуриб ташлаш талаби ҳам айтилди (резолюцияда дарғазаб ёшлар ҳар ҳолда раҳм-шафқат қилиб, академияга координация қилиш вазифаларини қолдириш мумкин деб топдилар).

«Москва»нинг барча ҳаракатларини, жумладан, ҳозир муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларини ҳам фақат маккорлик презумцияси, марказдагилар бечора Эстонияни қандай қилиб бўлсада чеклаб қўйиш устидагина ўйлашлиги хусусидаги фараз тарзида қабул қилиш таклиф қилинаётганидан ҳайратланиш керакмикин.

Албатта, бу фараз бўм-бўш жойда туғилгани йўқ. Ўзига хос социалистик трансмиллий кампанияларга айланиб қолган, амалда миллатни ҳам, табиатни ҳам менсимайдиган баъзи бир Иттифоқ министрлик ва идораларининг нафсониятлари ва, дангал айтиш керак, пухта ўйланмаган хатти-ҳаракатлари бунга сабаб бўлди. Лекин бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш шартмикин? Наҳотки идораларни жиловлаш учун албатта СССР Олий Совети билан иттифоқ ҳукуматини чеклаш керак? Қудратли федерациямизни шалвираган конфедерацияга, ягона йўлдан юрмайдиган оққуш, қисқичбақа ва чўртан балиқнинг иттифоқига айлантиришга интилиш лозимми?

НААН Густав, Эстония ССР Фанлар академиясининг академиги.

15 иттифоқдош республика пойтахтларида ҳар битта умумиттифоқ қонуни ва қарори хусусида эътироф этиш керакми ёхуд рад этиш керакми деб ўйлай бошлайдиган ёқимли манзарани бир кўз олдимизга келтирайлик. Нимага энди фақат 15 республика миқёсида? Суқрот ҳам маслаҳат берганидек, фикрни мантиқий поёнига етказайлик-чи. Зотан ҳали автоном республикалар ҳам бор. Эҳтимол, масалан, Абхазия АССР умумиттифоқ қонун-қоидаларини ҳам, Грузия қонун-қоидаларини ҳам шубҳа остига қўйиши керакдир? Айтайлик, улар Гудаутада амал қилсину, лекин Гаграга йўламасин дейиш керакдир?

Одатий тафаккур даражасидагина ва қолаверса ҳиссиётлар жўш уриши оқибатидагина ҳамма нарса, хусусан марказнинг ночорлиги албатта ундан узоқдаги жойларнинг фойдасига хизмат қилади деган тасаввур яққол кўриниб турган тўғри фикрдек туюлади. Ҳаёт эса зиддиятли, диалектик, нуқул парадоксларга тўла. Пишиқ-пухталик билан ва ҳар хил ҳардамхаёлликларга йўл қўймай, барча вариантларни ҳисоблаб чиқиш лозим. Айни ҳозирги вақт иттифоқдош ва автоном республикаларнинг манфаатлари марказий ҳокимиятнинг заифлашувини эмас, балки кучайтирилишини талаб қилаётгани мутлақо истисно ҳол эмас. Ҳозирги кунларимиз тажрибаси республикалар ўртасидаги келишмовчиликлар жуда қаттиқ, ҳатто фожиавий тус олиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Регионал хўжалик ҳисобига ўтиш, ҳеч бўлмаганда, аввал бошда умумий хонадонимизни заифлаштиришга қодир бир қатор янги ихтилоф ва можароларга сабаб бўлиши ҳақиқатдан узоқ эмас. Фақат етарлича обрўли ҳамда — республикаларнинг умумий розилиги билан — катта ҳуқуқлар олган юқори ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти) можароларни холислик ҳамда адолат билан ҳал этишни таъминлаши мумкин.

Эҳтиросларни бир чеккага қўяйликда 16 ноябрда очиқдан-очиқ ҳаддан ошишга йўл қўйилганини эътироф этайлик. Ҳа, ҳаддан жуда ҳам ошилди. Ҳиссиётларнинг бундай жўш урганлиги Москвада тескари йўналишда адолатли бўлсада, лекин мақсадга номувофиқ ҳиссиётларни келтириб чиқармаслигига, республика Олий Советининг қарорларида КПСС МКнинг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланадиган фавқулодда Пленумига тайёрланиш давомида у ёки бу даражада эътиборга олиш мумкин бўлган рационал мағизни хайрихоҳлик билан изланишига ишонгимиз келади. Пленумга қадар Эстония ССР да давлат тили ва гражданлиги хусусида республика қонунларининг қабул қилиниши оқилона бўлмаса керак. Менинг назаримда, ана шу қонунлар атрофида сунъий равишда авж олдирилган шов-шув фақат битта натижага — республикада миллатлараро муносабатлар сезиларли кескинлашишига олиб келгани шубҳасиздир. Бир оз ҳовурдан тушиш ва сўнгра ана шу қонун лойиҳаларига қайтиш лозим.

Эҳтимол, Совет Болтиқбўйи республикаларидаги (ва нафақат у ердаги) ҳозирги шиддатли ғоявий ва сиёсий курашнинг гносеологик ҳамда синфий (ёки тарихий) илдизлари хусусида ақалли озгина мулоҳаза юритилса ёмон бўлмас эди. Муайян (ёки аксинча ғоят ноаниқ?) кучлар фавқулодда изчиллик билан миллий ва, бундай таъриф беришдан кўркмаймиз, бебош миллатчилик эҳтиросларини қиздирмоқдалар, бунда ҳеч қандай воситалардан тап тортмаяптилар. Бу кучлар анчагина иш қилишга улгурдилар. Латвия ССР прокурори Я. Дзенитис баъзи характерли усуллар ҳақида ва унинг республикасида «Циня» ҳамда «Советская Латвия» газеталаридан ташқари қолган оммавий ахборот воситалари амалда партия контроли ҳамда таъсиридан четга чиқиб қолганлиги хусусида ёзади («Правда»нинг 19 ноябрь сони). Эстонияда ҳам шунга ўхшаш аҳвол юзага келиб қолди.

Сиёсий бюро аъзоси, КПСС МК секретари В. М. Чебриков Эстонияда бўлган вақтида, масалан, «Халқ фронти» (асосан эстонлардан иборат) ва Интернационал ҳаракат (асосан эстон бўлмаган аҳолини бирлаштирган) ғоят бир хил бўлмаган имкониятларга эга эканлигига эътиборни қаратди: «Халқ фронти» радио, телевидение орқали қанча сўзлашни хоҳласа, шунча имкониятга эга, «Халқ фронти»нинг позицияларини шарҳлашга бутун матбуот тортилган, Интернационал ҳаракат эса бундай имкониятга эга эмас. Бунга шуни илова қилиш керакки, баъзи газеталар Интернационал ҳаракатга қарши қаратилган хусуматли, безорилик руҳидаги хуружларни ҳам иштиёқ билан босмоқдалар.

Оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқатга қарши айлана мудофаасига характерли мисол келтираман. Ижодий союзларнинг бирлашган пленумида ёзувчиларимиздан бири Эстониядаги демографик вазиятнинг бутунлай фантастик ман-

зарасини чизиб кўрсатди, бошка ижодкор эса бу хаёлий гапни дарров илиб олди. Эстония телеграф агентлиги барча газеталарга унинг кискача баёнини таркатди, учта газета эса уни муфассал баён килган ҳолда босиб чикарди. Орадан 7 ой ўтди. Шу вакт ичида фақат битта газета — «Молодежь Эстонии»гина маъноси, киска килиб айтганда, барча нарсада Совет ҳокимияти айбдор деган даъвога такаладиган уйдирмани бутунлай рад этувчи факт ва рақамларни газетхонларга етказишга журъат килди. Рус тилини эгалламаган газетхонлардан эса ҳакикатни ҳалигача пухталик билан яшириб келишмокда. Эстония гўё қайтадан тиканли сим билан, бу гал кўзга кўринмайдиган, лекин эстонлар онгига миллатчилик эҳтиросларини авж олдиришга халакит берувчи ҳеч қандай факт ва рақамларни етказмасликдек муайян ролни етарлича бажараётган тиканли сим билан ўраб олингандек.

Каттиқ маънавий парҳезга қўйилган оммавий онгни ҳар макомга солиш ғоят енгил кечади. Эстонияда туғилиш даражаси ҳақиқатан ҳам паст. Агар бу нарса максимал даражада фожиавий руҳда кўрсатилса ва бу ҳол Эстонияда совет ҳокимияти ўрнатилганидан анча олдин бошланганлиги, Ғарбий ва Шимолий Европа мамлакатларида туғилиш аллақачон паст даражада эканлиги ва у пасайишда давом этаётганлиги, мамлакатимизнинг Европа қисмида ҳам кейинги йилларда ана шундай тенденция кўзга ташланаётгани ва ҳоказолар хусусида сукут сақланилса, маколанинг ҳам мукаддимасида келтирилганидек хулосага газетхонни маҳлиё қилиш умуман қийинчилик туғдирмайди: Совет ҳокимияти («компетенциясиз хукумат») эстон миллатининг... **ўлиб битиши** хавфини яратди! Вассалом! Эстонлар микдори секинлик билан бўлсада ҳар ҳолда кўпайиб бораётганига карамай, чўчиш ва чўчитиш ишқибозлари якин орада бизлардан умуман ҳеч ким колмайди деб даранг-дурунг кила бошладилар! Редакторлар ушбу сафсатани жон деб босмокдалар...

Фактларни бузиб кўрсатишдаги энг очиқ-ойдин мисолни келтириб ўтиш ўринли бўлса керак. Финляндиянинг расмий демографик прогнозидан биргина сатр узиб олиниб, шундай тақдим этиладики, газетхонда гўё Финляндияда сал бўлмаса демографик портлаш кўзга ташланаётгандек муқаррар тасаввур ҳосил бўлади. Ваҳоланки, ушбу прогнознинг сукут сақланадиган сатрларидан ҳам Финляндияда туғилиш пасайиб бораётганлиги, ўлим эса (аҳолининг қариб бориши натижасида) кўпайиб бораётганлиги аниқ кўриниб турибди. Ана шу прогнозга қараганда атиги ўн икки йилдан сўнг ўлим туғилишдан ошиб кетади ва аҳолининг микдори **камая бошлайди** (Дания **ҳозирдаёқ** бу аҳволга келиб бўлди).

Эстон газетхонидан буларнинг ҳаммасини пухталик билан яшириб келиш давом эттирилмокда. Акс ҳолда уни Совет ҳокимиятидан жиғибийрон қилиш имкониятларидан бири бой берилади. Қисқаси, кишиларнинг ақл-идроки ва қалблари учун кучли ва нимаси биландир жуда қизиқарли кураш бормоқдаки, уни мен айрим характерли мисоллар билангина кўрсатиб беришга уриниб кўрдим. Лекин ҳар ҳолда курашнинг бир жиҳати хусусида айтиш керак бўлади. Мефистофель истеҳзо билан маслаҳат берган эди: гар тушунчаларда нуқсон учраса, уларни сўз билан алмаштириш мумкин! Дарҳақиқат, шундай ҳам қилинмоқда. Масалан, «суверенитет», «халқ», «демократия» сўзларини ишлатишда ғоят топқирлик кўрсатилмокда.

Агар минимум билан чегараланиладиган бўлса, эҳтимол, ҳеч қандай суверенитет мутлақ суверенитет бўлмаслигини таъкидлаш керакдир. Ҳар доим ҳам нимадандир воз кечишга тўғри келади. Одамлар никоҳланганида ўзларининг молиявий, кўнгилчоғлик, сексуал хамда ҳар қандай бошқа суверенитетларининг каттагина қисмидан воз кечадилар. Бунда умумий манфаатлар устун туради! Иттифоқдош республикалар суверенитети масалаларининг конструктив муҳокама қилиниши бир-бирига ён беришларнинг оптимал чегараларини тушунишга олиб келиши керак. Максимализм байроғини силкитавериш фақат боши берк кўчага олиб кириши мумкин.

«Халқ» тушунчаси ҳам ғоят мураккаб ва зиддиятли тушунчадир. Фақат демагог учун ҳамма нарса равшан: унинг ўзигина халқни ташкил этади. Бошқача фикрловчи барча кишилар халқ эмас, балки бюрократлар, мигрантлар, сталинчилардир.

Чинакам инсоний миллий муносабатлар симметрик муносабатлар эканлигини тушуниб борганимиз сайин умумий хонадонимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шу даражада мустаҳкамлашиб бораверади.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

Шу ўқув йилидан марксча-ленинча таълим системасида «Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, оммани интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг актуал проблемалари» курси жорий этилади. У 12 темани ўз ичига олади. Бу темаларни ўрганиш тингловчиларга миллатлар ва миллий муносабатлар ҳақидаги марксча-ленинча назарияни, КПССнинг ССР Иттифоқини барпо этиш ва мустаҳкамлаш, мамлакатимиз халқларини интернационал жипслаштириш борасидаги тарихий тажрибасини ўзлаштиришда, ватанпарвар ва интернационалист бўлган янги инсонни шакллантириш жараёнини тушунишда, социалистик турмуш тарзидаги интернационал ва миллий жиҳатлар нисбатини англашда, интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишининг форма ва методлари мазмуни билан танишишда, миллатлар ва миллий муносабатлар ҳақидаги марксча-ленинча таълимотни социал практикада мужассамлантириш борасидаги КПСС фаолиятини сохталаштирувчи буржуа, реформистик ва ревизионистик концепцияларни фош этишда кўмаклашади.

«Ўзбекистон коммунисти» журнали шу сондан бошлаб юқорида тилга олинган курснинг барча темалари бўйича пропагандистлар ва тингловчиларга ёрдам сифатида мунтазам равишда материаллар эълон қилиб туради.

КПСС МИЛЛИЙ СИЁСАТИНИНГ МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

«Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг актуал проблемалари» курсини ўрганаётган пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Миллий масала инсоният тарихида энг кескин, энг мураккаб масалалардан биридир. Уни муқаррар равишда миллий зулмни, миллатлар ҳуқуқларининг нотенглигини, уларнинг нотенглигини келтириб чиқарувчи синфий антагонизмлар вужудга келтирган. Ҳамма асрларда, барча социал тузумларда халқлар ўртасидаги, турли миллатлар ва ирқларга мансуб кишилар ўртасидаги муносабатлар ижтимоий ҳаётда танг жой, душманлик ва низоларнинг доимий манбаи бўлиб келдики, булар социал катаклизм ва урушлар шаклида гоҳ сўниб, гоҳ авж олиб турди. Фақат Россиядаги пролетар революциясигина бу «анъана»га чек қўйди.

Социализм ғалаба қилиши билан миллий муносабатлар соҳасидаги антагонизмлар ҳам барҳам топишини мамлакатимиз бутун дунё олдида ишонарли қилиб намойиш этди. КПСС Программасида қайд этилганидек, «ўтмишдан қолган миллий масала Совет Иттифоқида муваффақиятли ҳал этилди», социалистик қурилиш жараёнида «қолоқ миллий чекка ўлка» каби тушунча йўқолди, ўз социал параметрлари бўйича янги интернационал бирлик — совет халқини ташкил этувчи социалистик миллатлар шаклланди, барча миллат кишиларига хос бўлган маданиятнинг муштарак белгилари ташкил топди. Халқларнинг қардошларча дўстлиги ҳаёт нормаси бўлиб қолди.

Миллий масаланинг социалистик ҳал этилиши Октябрь революциясининг буюк зафарлари, инсоният цивилизациясининг энг юксак ютуқлари жумласига киради. Бу шунинг учун ҳам мумкин бўлдики, КПСС ўз миллий сиёсатида марксча-ленинча таълимотга асосланади. Бу таълимот эса тарихни материалистик тушуниш позицияларидан туриб планетамиздаги миллатлар ва элатлар хилма-хиллигининг сарчашмаларини очиб беради, уларнинг табиати ва ўзаро муносабатларидаги ўзгаришларнинг қонуний характерини кўрсатади, ишлаб чиқаришни ва бутун ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг, яъни ривожланиши бўлғуси коммунистик жамиятда барча миллатлар, элатлар, этник группаларнинг фақат яқинлашувигагина эмас, балки, пировард натижада, қўшилиб кетишига ҳам олиб келувчи жараённинг сабабларини, моҳиятини ва оқибатларини илмий анализ қилиб беради.

Машғулот вақтида қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш тавсия этилади:

1. **Миллатлар ва миллий муносабатлар ҳақидаги марксча-ленинча назария.**
2. **Партиянинг миллий масала бўйича ленинча программасининг асосий қоидалари.**
3. **КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партиянинг миллий сиёсати ҳақида.**

МИЛЛАТЛАР ВА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАР ҲАҚИДАГИ МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА НАЗАРИЯ

Даставвал тингловчиларга тарихан юзага келган социал-этник бирликлар нимадан иборат эканлигини тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир. Ибтидоий жамоа тузумида моддий ишлаб чиқариш жараёнида кишиларнинг бирлашиши уларнинг ўзаро қариндошлик алоқаларига асосланар эди. Уруғ — қариндош-уруғларнинг группаси бўлиб, уларнинг кўпчилик қисми ўзини муштарак аждоднинг авлоди деб ҳисоблайди ва уруғнинг муштарак номи билан аталади. Уруғлар аввал бошдан қабилаларга бирлашганлар, кейинчалик ривожланиб қабилалар иттифоқига айланганлар. Қабила территориясининг мавжудлиги, қабиладошларнинг муайян иқтисодий бирлиги, ягона қабила тили (шеваси), қабилавий ўзлигини англаш ва ўз номининг бўлиши ва бошқалар унинг аъзолари ўртасидаги қон-қардошлик алоқалари билан бир қаторда қабиланинг белгиларидир.

Ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва такомиллашуви, хусусий мулкнинг, синфлар ва давлатнинг вужудга келиши билан кишилар ўртасидаги қариндошлик алоқалари ўз аҳамиятини тобора кўпроқ йўқота борди. Эндиликда кишилар қариндошлик белгисига қараб эмас, балки территория жиҳатидан бирлаша бошладилар. Қабилалар ва қабила иттифоқлари ўрнида элатлар вужудга келди. Уларнинг бошқа белгилари ўзлигини англашнинг, тилнинг муштараклиги, юзага келаётган хўжалик, сиёсий ва маданий ҳаётнинг бирлигидир. Ана шу белгилар замирида ётган социал ва миллий алоқаларнинг ривожланиш даражаси элатнинг миллатдан фарқ қилувчи асосий жиҳатидир. Бундан ташқари, фарқ шундан иборатки, сон жиҳатдан элат кичикроқдир, хўжаликни, давлатчиликни, маданиятни ривожлантиришда унинг объектив имкониятлари кўпинча анча-мунча чеклангандир.

Жамиятнинг миллий структураси шунингдек этник группаларни ҳам ўз ичига олади. Улар таркиби жиҳатдан кўп сонли эмас — бир неча мингни, баъзан ҳатто бир неча юз кишини ташкил этадики, уларни этник белгилар: тил, келиб чиқиш ва тарих, маданият, турмушнинг муштараклигини, бир вактлар мавжуд бўлган уруғ-қабила группаларининг сақланиб қолган анъаналари ва урф-одатларини англаш бирлаштиради.

У ёки бу давлатларда муайян мамлакат ёки муайян регион учун қандайдир туб ерли бўлмаган миллатлар ва элатларнинг нисбатан кичик бир қисми яшайди. Бу — миллий группалардир. Улар иқтисодий ва социал-сиёсий жиҳатлардан одатда ўзлари ажралиб қолган халқлар билан амалда ҳеч қандай умумийликка эга эмаслар. Уларнинг муштарак жиҳати — ўтмишда юзага келган ва кейинчалик мерос қилиб олинган этник белгилардир. СССРда, масалан, 30 дан зиёд миллий группалар: чехлар, корейслар, турклар ва бошқалар яшайди.

У ёки бу миллатларнинг, аҳён-аҳёнда — элатларнинг структуравий элементи сифатида этнографик группалар ҳам учраб туради. Лекин улар фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар асосан турмушда, анъаналар ва урф-одатларда, кишиларнинг мулоқотларида сақланади. Этнографик группалар кўпинча азалдан ўзларига қарашли территорияни ишғол қилган бўладилар, тилда диалект тафовутларига, кийим-кечак, уй-жойда ўз хусусиятларига, анъанавий фольклорга эгадирлар. СССР тарихида рус миллати таркибида поморлар, камчадаллар, казаклар, украинлар составида — гуцуллар ва лемкилар, грузинлар составида — сванлар, хевсурлар, мингреллар ва ҳоказолар ана шундайлардандир.

Миллат социал-этник бирликнинг энг мураккаб формалари жумласига киради. Унинг моддий ва маънавий атрибутларида, унинг ўзига хослигида муайян миллат бир қанча авлодлари тарихий практикасининг натижаси, бундан илгариги бутун ижтимоий эволюция йўли, яъни у бошқа халқлар билан ўзаро алоқада босиб ўтган йўл жамлангандир.

Пропагандист миллат илмий назарияси Қ. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан яратилиб, В. И. Ленин томонидан ривожлантирилганлигини таъкидлайди. Уларнинг қуйидаги қоидаларига таяниб, у миллат концепциясининг моҳиятини очиб беради.

1) Миллат мураккаб социал организмдир, бу — объектив ва субъектив факторларнинг, социал-иқтисодий ва этник белгиларнинг бирлигидир (этник белгилар географик муҳитнинг таъсири билан, келиб чиқишнинг, узоқ вақт биргаликда яшашнинг бирлиги билан боғлиқдир). В. И. Ленин миллатнинг социал келиб чиқишини ва социал ролини таъкидлар экан, уқтирган эдики, «миллий алоқаларнинг вужудга келиши буржуа алоқаларининг вужудга келишидан бошқа нарса эмас» (Тўла асарлар тўплами, 1 том, 166-бет), «миллий ғоярсиз феодализмдан капитализмга ўтиб бўлмас эди» (ТАТ, 26-том, 37-бет). Тингловчилар эътиборини яна шунга қаратмоқ лозимки, социал жиҳат — миллатда асосий нарса, этник жиҳат эса (тил ва маданий-маиший хусусиятлар) — бўйсунган моментдир, чунки, гарчанд у катта ўринни ишғол қилсада, биологик жиҳатдан олдиндан тақозо этилган эмас ва у ҳам социал тараққиёт маҳсулидир. Миллатга характеристика беришда социал жиҳат зарарига этник жиҳатни бўрттириб кўрсатиш — буржуа идеологларининг типик усулидир.

2) Миллат қонуний тарзда юзага келади, у, В. И. Ленинининг сўзларига кўра, — «ижтимоий тараққиётдаги буржуа даврининг муқаррар маҳсули ва муқаррар формасидир» (ў ш а ж о й д а, 82-бет); социал-иқтисодий тузум алмашиниши билан миллат ўз моҳиятини ўзгартиради.

3) Иктисодий факторлар миллатнинг шаклланиши ва ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Капитализм феодализмга нисбатан аҳоли жипслашувининг янги босқичига зарурат туғдиради. Миллат эса ана шу жипслашувнинг формаларидан бири бўлиб қолади. Гўё миллатнинг вужудга келиши қадим-қадим замонларга бориб тақалади, деган хато тасаввур мавжуд. Шу муносабат билан таъкидламоқ лозимки, дастлабки миллатлар феодализм емирилаётган шароитдагина, капитализм юзага кела бошлаши ва қарор топиши билан ташкил топа бошлайди. Дарвоке, саноатнинг (мануфактура базасида) пайдо бўлиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Иқтисодий ҳаётнинг айнан ана шу соҳасида биринчи марта бутун миллатнинг манфаатлари жамланди, худди ана шу соҳа барча синфларнинг турмуш шароитларини тубдан ўзгартирди. Саноатнинг тараққий топиши ўз навбатида ишлаб чиқариш ва савдо алоқаларини ривожлантириш, янги меҳнат тақсимоти ва ягона бозорни вужудга келтириш заруратини туғдирди. Бу ҳол эса шунингдек тилдаги диалект тафовутларини бартараф этишни тақозо қилдики, тил адабий тил бўлиб бориб, иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилига айлана бошлади.

4) Жамиятнинг сиёсий ташкилоти миллатнинг шаклланиши ва ривожланишининг муҳим омилларидан бири бўлиб майдонга чиқади. Миллий давлат, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — «жаҳон тарихи тажрибасидаги қоидадир» (ТАТ, 24-том, 435-бет).

5) Кишилар бирлиги сифатида миллат синфлар билан чамбарчас боғлангандир; миллий жиҳат — бу синфий муносабатларнинг намоён бўлиш ва ривожланиш формасидир.

6) Ягона экономика, территория ва тил билан боғланган кишиларнинг узоқ вақт бирга яшаши негизида маънавий ҳаёт бирлиги ҳам вужудга келади. Марксизм-ленинизм асосчилари уни миллатнинг ривожланиши учун муҳим нарса деб ҳисобладилар, лекин бир-бирига душман синфлардан иборат бўлган миллат маданияти ва психологиясининг зиддиятли эканлигини таъкидлардилар. В. И. Ленин буржуа-помешчиклар ва клерикал маданият демократик ва социалистик маданиятга қарама-қарши туришини назарда тутиб, «ҳар бир миллий маданиятда иккита миллий маданият бор»,— деб ёзган эди (ТАТ, 24-том, 149-бет). Бу икки маданиятни бир миллатнинг, лекин «бир миллатдаги турли икки миллатнинг» (ў ш а ж о й д а), ижтимоий идеологияси ва психологияси турлича икки миллат вакиллари яратади.

Машғулот вақтида шуни қайд этиш маъқулки, миллат алоҳида миллий психологияга эмас, балки психологиянинг миллий хусусиятларига эгадир. Иқтисодий алоқалар, территория, тилнинг муштараклиги, шунингдек маданият ва психологиянинг ўзига хос белгилари миллий муштаракликни англашни — миллий ўзлигини англашни вужудга келтиради. У миллатнинг яшаш ва ривожланишининг муҳим шарти бўлиб қоладики, миллат энди фақат объектив алоқалар билангина эмас, балки кенг маънодаги этник муштаракликни, миллий тилга, территория, маданиятга мансубликни, бошқа миллатларга муайян муносабатни, миллий ғурур туйғусини англашни ўз ичига олган ўзлигини англашга асосланган алоқалар билан ҳам бирлашади. Миллатнинг ҳаётдаги активлигини кўп жиҳатдан миллий ўзлигини англашнинг характери ва даражаси тақозо этади.

Шундан кейин пропагандист миллат таърифини беради. Бу — кишиларнинг муқим тарихий бирлиги бўлиб, бу бирлик хўжалик ҳаёти, тил, территория, маданиятнинг, миллий ўзлигини англаш ва миллий психология хусусиятларининг бирлиги билан характерланади.

Сўнгра пропагандист қайд этадики, миллатнинг икки типи — капиталистик ва социалистик типлари мавжудлиги ҳақидаги қоида марксча-ленинча миллат назариясида муҳим ўрин тутади. Машғулот пайтида уларнинг бир-биридан тубдан фарқ қилишини тушунтириш лозим.

Буржуазия ҳукмрон мавқега эга бўлган капиталистик миллатлар ўз социал-иқтисодий моҳиятига кўра антагонистикдирлар. Кучайиб бораётган миллий низо ва ирқий душманлик, ҳукмронлик ва бўйсуниш муносабатлари — уларнинг асосий белгисидир. Капиталистик экономика зиддиятларининг муқаррар ўсиши, синфий сиёсий ва иқтисодий манфаатларнинг қутбларга бўлиниши, империалистик буржуазиянинг фақат ишчилар ҳаракатинингина эмас, балки барча демократик ҳаракатларнинг ҳам душманига, миллий тараққиётнинг чинакам прогрессив идеаллари душманига айланиши — капиталистик миллат социал организми динамикасининг қонуниятидир. Буларнинг ҳаммаси буржуа миллатчилиги идеологиясини вужудга келтиради.

Социалистик миллат — капитализмнинг тугатилиши ва социализм қурилиши жараёнида капиталистик жамиятнинг миллати ёки элатидан ўсиб етилган кишиларнинг янги социал бирлиги бўлиб, унда, гарчанд сифат жиҳатдан бошқача ривожланган бўлса-да, муайян этник хусусиятлар сақланиб қолган, аммо сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг бутун уклади тубдан ўзгаргандир. У социалистик тузумнинг муқаррар маҳсули, ана шу тузумга мувофиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва қарор топишининг зарур формасидир.

Буржуа миллатларига зид ўлароқ социалистик миллатларнинг иқтисодий базаси ижтимоий мулкдир. Уларнинг иқтисодий ҳаётининг муштараклиги эксплуатациядан холи бўлган ва ҳамкорлик ҳамда ўзаро ёрдам муносабатлари билан бирлашган кишилар хўжалик алоқалари ва манфаатларининг системасидан иборатдир. Бу муштараклик социалистик миллатлар бирлигининг чинакам пойдевори бўлиб қолмоқда.

Социализмда миллатнинг яшаш шароити ва белгиси сифатида территориянинг бирлиги ҳам янги сифат касб этмоқда. Социалистик миллатлар тарихан ташкил топган чегаралари бўлган ўз территориясига эгадирлар, лекин бу чегаралар миллатларни бир-биридан узоқлаштирмайди. Аксинча, миллатлар ўртасида муттасил ва ҳар тарафлама мулоқот бўлиб туради. Агар капитализмда миллатни ташкил этувчи кишиларнинг мутлақ кўпчилиги учун территория фақат яшаш жойи бўлиб, ана шу территориядаги бойликлардан миллатнинг фақат ҳукмрон синфларигина фойдаланса, социализм шароитида бутун миллат, кўп миллатли социалистик давлатда эса — бутун халқ табиий бойликларнинг ҳамда ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар яратган қадриятларнинг эгасидир ва ҳар бир республика сахийлик билан ўз меҳнат меваларини бошқа республикалар билан баҳам кўради.

Машғулот вақтида шуни таъкидлаш лозимки, социал-синфий структура миллат типини, унинг белгилари мазмунини, унинг тараққиёти қонуниятларини белгиловчи асосий омилдир. Агар буржуа жамияти миллатларига синфлар ўртасидаги ва бошқа социал группалар ўртасидаги антагонистик зиддиятлар хос бўлса, социалистик миллатлар ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқига, ишчилар синфи етакчи роль ўйнаган ҳолда зиёлилар билан уларнинг бирлигига асосланади.

Социализмда миллатларнинг сифат жиҳатдан янги сиёсий бирлиги ташкил топа боради. Унинг негизида турли формаларда, шу жумладан социалистик миллий давлатчиликдан фойдаланишда гавдаланадиган социалистик демократия, халқларнинг ягона кўп миллатли давлатдаги федератив иттифоқи ётади.

Социалистик миллатга ғоявий ва маънавий бирлик хосдир. Бу бирлик марксча-ленинча дунёқарашга ва пролетар, социалистик интернационализмга асосланади.

Шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданият янги миллатлар учун характерли бўлиб, бу маданият кўп жиҳатдан у ёки бу халқ миллий бирлигининг мустаҳкамланишига кўмаклашади. Буржуа миллатларининг, икки йўналиш — бир томондан, демократик, социалистик йўналишлар билан, иккинчи томондан, реакцион, буржуа йўналишлар ўртасида кураш борадиган маданиятидан фарқли ўлароқ, социалистик миллатлар маданиятига мазмуннинг бирлиги хосдир. Бу бирлик миллатнинг янги социал структурасини, антагонистик синфларнинг йўқлигини акс эттиради ҳамда ҳар бир халқ миллий маданияти энг яхши демократик элементларининг давом этиши ва янада ривожланишидан иборатдир. Барча миллатлар маданиятлари социалистик мазмунининг бирлиги маданият асарларининг умумий ғоявий-этик йўналишида, ижтимоий ҳаётнинг барча ҳодисаларига синфий, партиявий позициялардан баҳо беришда намоён бўлади.

Шуни ҳам уқтириш муҳимки, социалистик миллатларнинг иқтисодий, социал ва ғоявий-сиёсий муштараклиги негизида улар маданиятларининг интернационал белгилари ривож топади. Социализм шароитида миллатлар прогрессив маънавий меросни сақлаб қолиб, маданиятнинг янги-янги қадриятларини шакллантирадиларки, булар барча халқларнинг умумий мулки бўлиб қолади. Айни чоқда миллий ва интернационал жиҳатлар бир бўлиб, унда интернационал жиҳат етакчи бўлади.

Социализмда миллатларнинг лисоний ҳаётида ҳам анчагина ўзгаришлар бўлади. Социалистик миллатлар бўлиб ташкил топган кўп халқларда ўз ёзуви пайдо бўлади, адабиёт ривожланади, тилларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши жараёни содир бўлади. Миллатлараро мулоқот тили совет миллатлари ҳаётида тобора катта аҳамият касб этмоқдаки, СССРнинг барча миллатлари ихтиёрий равишда танлаб олган рус тили ана шундай миллатлараро мулоқот тилидир. Миллий тил билан бир қаторда уни билиш ҳамманинг маданий ўсишини кучайтиради.

Социалистик миллатлар тенг ҳуқуқли ва эркиндирлар, уларнинг психологияси барча халқлар муштарак манфаатлари, қардошларча ҳамкорлиги негизида шаклланади. Муттасил мулоқот жараёнида, дўстлик ва ўзаро ёрдам шароитида миллий характернинг меҳнатсеварлик ва фидокорлик, Ватанимизга содиқлик, совет ватанпарварлиги каби умумий белгилари ва, ҳали айтилганидек, изчил социалистик интернационализм ривожланмоқда.

Сўнгра пропагандист таъкидлайдики, миллат ҳақидаги марксча-ленинча концепция ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим элементи бўлмиш миллий муносабатларни тушуниш калити бўлиб хизмат қилади. Улар уч формада мавжуддир: а) миллат ички алоқалари — миллий бирликнинг ўзи доирасида аҳоли турли группаларининг (территориал, этник, синфий) муносабатлари; б) миллатлараро алоқалар — кўп миллатли давлат доирасида ёки турли мамлакатлар миллатлари ўртасида миллатлар, элатлар ва этник группаларнинг муносабатлари (турли мамлакатлар миллатлари ўртасидаги муносабатларни халқаро муносабатлар билан айнан бир нарса деб ҳисоблаш ярамайди, чунки, биринчидан, у ёки бу мамлакатнинг халқи, масалан, совет халқи каби, бир қанча миллатлардан иборат бўлиши мумкин ва, иккинчидан, халқаро муносабатлар, гарчанд улар фақат давлатлараро муносабатлардангина иборат бўлиб қолмасаларда, биринчи навбатда давлатлараро муносабатлардир, чунки партиялараро алоқаларни, жамоат ташкилотлари ва коллективларнинг алоқаларини, халқаро туризм ва ҳоказоларни ҳам ўз ичига олади); в) турли миллатлар намояндаларининг шахслараро муносабатлари.

Миллий муносабатлар миллат қарор топа борган сари юзага кела ва тараққий эта боради. Миллатлар ривожи даражаси қанчалик юқори бўлса, миллий муносабатлар шунчалик мазмунлироқ ва кўп қирралироқ бўлади. «Турли миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, — деб ёзган эдилар К. Маркс ва Ф. Энгельс, — уларнинг ҳар бири ўз ишлаб чиқарувчи кучларини, меҳнат тақсимотини ва ички мулоқотни қанчалик ривожлантирганига боғлиқдир» (Соч., т. 3, с. 19).

Ўз навбатида миллий муносабатларнинг ривожи миллат тараққиётини англатади. К. Маркс ва Ф. Энгельс қайд қилган эдиларки, капитализм қарор топа борган шароитдаёқ эски биқиқлик ҳамда ўз ишлаб чиқариши маҳсулотлари ҳисобига яшаш ўрнига миллатларнинг ҳар томонлама алоқаси ва бир-бирига ҳар томонлама қарамлиги келади, ҳар қандай миллат бошқалардан ўрганиши мумкин ва лозим (қаралсин: Соч., т. 4, с. 428). Айни чоқда марксизм-ленинизм классиклари эътиборни шунга қаратган эдиларки, халқлар ўзаро муносабатларининг дўстона характери уларнинг биргаликда тинч яшашларининг шунчаки гарантияси эмас, балки бутун инсоният тараққиётининг асосий шарт-шароитларидан биридир. Шу муносабат билан К. Маркс «хусусий шахслар ўзаро муносабатларида амал қилишлари лозим бўлган ахлоқ ва адолатнинг оддий қонунлари халқлар ўртасидаги муносабатларда ҳам олий қонунлар бўлиб қолишига эриша бориш» зарурлиги ҳақида ёзган эди (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 16, с. 11). Айниқса турли тилларда гаплашадиган ишчи ва деҳқонларнинг бир-бирига ишончи бўлмаса, деб уқтирган эди В. И. Ленин, «халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни бир қадар бўлсада муваффақият билан ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас» (ТАТ, 45-том, 275-бет).

Тингловчиларга шуни тушунтириш тавсия этиладики, марксизм-ленинизм миллий муносабатларнинг икки типини — капиталистик ва социалистик муносабатларни фарқ қилади. Улар ўз социал мазмунига, халқлар тараққиётидаги ролига кўра бир-бирига тамомила қарама-каршидир.

Капитализм доирасида миллий муносабатларни — ана шу тузумнинг табиатига, унинг антагонистик социал-иқтисодий ва сиёсий моҳиятига батамом мувофиқ тарзда — барча босқичларда буржуазиянинг фақат ўз халқинигина эмас, балки бошқа мамлакатлар ва халқларни ҳам эксплуатация қилишга интилиши белгилаб келди ва белгилаб бермоқда. Бунда миллатлар ва миллий муносабатлар тарихи тийиқсиз экспанция, босқинчилик урушлари, улкан мустамлакачилик империяларини барпо этиш, миллий озодлик ҳаракатларини шафқатсизлик билан бостириш билан йўғрилган, таъсир кўрсатиш ва капитал солиш доираси учун кураш билан тўлган. Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг яқингинада мустамлака бўйинтуруғини улоқтириб ташлаган кўп халқларини бешафқат эксплуатация қилиш ва эзиш уларнинг тараққиётини ва суверен миллат бўлиб ташкил топишини бутун бир даврга тўхтатиб қўйди; капитализм дунёсида миллий зулм, миллий ривожланишни сунъий равишда тўхтатиш ҳозир ҳам кўпчилик миллатлар ва элатларнинг қисматидир. Айни чоқда ҳукмрон миллатларнинг буржуазияси «ўз» халқларини буюк давлат шовинизми, мазлум халқлар миллий манфаатларини менсимаслик руҳида тарбиялашга интилади. Бу билан эзувчи миллатлар меҳнаткашларининг ўзини озодликка чиқариш ишига тўғаноқ солинади, чунки «бошқа халқларни эзувчи халқ эркин бўлиши мумкин эмас» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 18, с. 509). Ўз навбатида, мазлум миллатларнинг уларни мустақил равишда эксплуатация қилишга уринувчи буржуазия халқ оммасини эзувчи миллатга қарши қаратилган миллатчилик руҳида тарбиялайди.

Миллий масала миллий муносабатлар капиталистик типи моҳиятининг ифодасидир. Бу — миллатнинг ўзини барқарор этиши тўғрисидаги, миллий зулмни ва нотенгликни тугатиш ҳақидаги, миллатнинг эркин ривожланиши ҳақидаги масаладир. Миллий масала капиталистик жамиятда миллатлар дунёга келиши билан юзага келади, уни эса социализм негизидагина, яъни кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши ва, бинобарин, халқлар ичида ва улар ўртасидаги душманлик муносабатлари тугатилган вақтда ҳал қилиш мумкин. К. Маркс ва Ф. Энгельс бундай деб ёзган эдилар:

«Бир индивидуумни иккинчи бир индивидуум эксплуатация қилиши йўқола борган сари бир миллатни иккинчи бир миллат эксплуатация қилиши ҳам йўқола боради.

Миллатлар ичидаги синфлар антагонизми йўқолиши билан миллатлар ўртасидаги душманлик муносабатлари ҳам тугайди» (Соч., т. 4, с. 445).

Социализм доирасида миллий муносабатларнинг янги типи ташкил топадики, бу муносабатлар барча миллатларнинг рўёбга чиқарилган ўз тақдирини ўзи белгилаш, тенг ҳуқуқлилик ва суверенитет, яқиндан ҳамкорлик қилиш ва қардошларча ўзаро ёрдам ҳуқуқига асослангандир. Социалистик тузум прогрессив миллий ривожланишнинг барча тўсиқларини ҳамда миллатлараро низонинг социал манбаларини тугатади, экономика ва сиёсат соҳасида янги объектив факторларни вужудга келтирадики, улар миллатлар ўртасидаги низолар асосини бартараф этади, уларнинг яқинлашувини рағбатлантиради, йирик ва камсонли халқларнинг амалдаги тенглигига эришишни, уларнинг иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий ривожи даражаларини оғишмай тенглаштиришни, халқларнинг миллий манфаатларини

максимал даражада қондиришни, уларнинг миллий туйғуларига ғамхўрлик билан муносабатда бўлишни, айрим халқлар миллий манфаатлари билан уларнинг муштарак, интернационал манфаатларини қўшиб олиб боришни, иккинчи даражали ва вақтинча манфаатларни туб ва узоққа мўлжалланган манфаатларга бўйсундиришни таъминлайди.

Марксизм-ленинизм, деб уқтиради пропагандист, миллий муносабатларнинг социал-синфий табиатини очиб берди. У бир миллат ичида синфларнинг ўзаро муносабатларини; турли миллатлар бир хил синфларининг ўзаро муносабатларини; турли миллатлар турли синфларининг ўзаро муносабатларини ўз ичига олади.

Пролетар интернационализм ва буржуа миллатчилиги миллий муносабатлар социал-сиёсий табиатининг идеологик ифодасидир. Бу, В. И. Ленин сўзларига кўра, «бутун капиталистик дунёнинг икки буюк синфий лагерига мувофиқ бўлган ва миллий масалада *икки* сиёсатни (бунинг устига: икки хил дунёқарашни) ифодалайдиган иккита бир-бирига муросасиз душман бўлган шиордир» (ТАТ, 24-том, 142-бет).

Интернационализмнинг марксистик принципи ўлмас шиорнинг: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган аниқ-равшан таърифида ифода этилди. Бу сўзлар К. Маркс билан Ф. Энгельс раҳбарлик қилган Коммунистлар иттифоқи байроғига битиб қўйилган эди, марксизмнинг биринчи программ ҳужжати бўлмиш «Коммунистик партия Манифести» шу сўзлар билан тугайди. Ф. Энгельснинг юқорида келтирилган «бошқа халқларни эзувчи халқ эркин бўлиши мумкин эмас» деган сўзларини В. И. Ленин интернационализмнинг туб принципи деб атаган.

К. Маркс ва Ф. Энгельс ҳар қандай зулмнинг, шу жумладан миллий зулмнинг душмани бўлган ишчилар синфининг позициясини ҳар тарафлама асосладилар. Пролетар интернационализми — эксплуататорларга қарши курашда турли миллатлар ишчиларининг биродарлигидир. «Барча мамлакатлар ишчиларининг аҳволи бир хил бўлганлиги учун, — деган эди Ф. Энгельс, — уларнинг манфаатлари бир хил, уларнинг душманлари бир хил бўлганлиги учун, улар биргалашиб туриб курашишлари лозим ҳамда барча миллатлар буржуазиясининг қардошлик иттифоқига улар барча миллатлар ишчиларининг қардошлик иттифоқини қарама-қарши қўйишлари керак» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 4, с. 373). В. И. Ленин ана шу фикрни давом эттириб ва ривожлантириб, бундай деб уқтирди: «Капитал халқаро бир кучдир. Бу кучни енгмоқ учун ишчиларнинг халқаро иттифоқи, уларнинг халқаро биродарлиги зарур» (ТАТ, 40-том, 49-бет). Айни пайтда пролетар интернационализми — бу миллатидан қатъи назар барча ишчилар, барча меҳнаткашларнинг фақат синфий курашдагина эмас, балки янги жамиятни қуришда, қўлга киритилган зафарларни ҳимоя қилишдаги ҳам бирдамлигидир, у миллатларнинг ривожланиши ва яқинлашувига, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигига катта таъсир кўрсатади.

Унга қарама-қарши тарзда буржуа миллатчилиги ишчиларни миллатига қараб бўлиб ташлашни, халқларни империализмнинг бирлашган кучлари олдида парчалаб юборишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У миллатларнинг умуман ривожланишини эълон этиб, бу билан уларнинг мумтозлиги, миллий олишувлар шиорини юзага келтиради. Буржуа миллатчилиги, деб уқтирган эди В. И. Ленин, ишчиларни эксплуататорларга муте ҳолда тутиш учун уларни парчалаб ташлайди, калака қилади, лақиллатади. У «барча миллатлар пролетарларини яқинлаштириш ва бирлаштиришдан иборат бўлган улуғ васиятни *йўққа чиқаради...*» (ТАТ, 7-том, 364-бет).

Бироқ марксчи-ленинчилар эзилган миллатлар миллатчилиги билан эзувчи миллатлар миллатчилигини бир-биридан фарқ қилади. Эзилган миллатлар миллатчилигида зулмга қарши қаратилган умумдемократик мазмун бор, бинобарин, коммунистлар уни муайян босқичда тарихан ўзини оқлаган деб ҳисоблайдилар. Улар эзилган миллатлар миллатчилигининг ўзини эмас, балки унинг умумдемократик мазмунини қўллаб-қувватлайдилар.

Бизнинг партиямиз ўзининг амалий фаолиятида пролетар интернационализми принципига муттасил амал қилади. КПСС айнан унинг позицияларидан туриб, ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш асосида ҳозирги босқичда миллий муносабатлар проблемаларини ҳал этмоқда.

ПАРТИЯНИНГ МИЛЛИЙ МАСАЛА БЎЙИЧА ЛЕНИНЧА ПРОГРАММАСИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

В. И. Ленин К. Маркс ва Ф. Энгельс ғояларига таяниб империализм даврига татбиқан миллий масала бўйича таълимотни яратди, дунё микёсида бу масаланинг роли ва ўрнини назарий жиҳатдан асослади, Коммунистик партия миллий сиёсатининг асосий принципларини ишлаб чиқди.

Теманинг ушбу бўлимини ўрганишга киришишдан аввал тингловчиларга шуни тушунтириб бериш муҳимки, марксизм-ленинизм миллий масалани умумий социал-синфий масаланинг, яъни ишчилар синфини озод қилиш, социализм ва коммунизм қуриш масаласининг бир қисми деб билади. Бундай боғлиқликни у шу билан изоҳлайдики, социал муносабатларни тубдан қайта қурмасдан, хусусий мулкни ва кишининг киши томонидан эксплуатация

қилинишини йўқотмасдан, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини демократиялаштирмасдан туриб миллий масаланинг одилона ҳал этилишига эришиб бўлмайди. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Миллий зулмни йўқотмоқ учун пойдевор — социалистик ишлаб чиқариш зарур, лекин шу пойдевор асосида *яна* демократик давлат ташкилоти... бўлиши зарур. Пролетариат капитализмни социализм билан алмаштириб, миллий зулмни тамомила йўқотиш *имкониятини* вужудга келтиради; демократия... ҳамма соҳаларда тўла равишда амалга оширилган вақтдагина, «фақат» — «фақат!» — шу вақтдагина бу имконият *воқеликка* айланади. Ана шу заминда, ўз навбатида, энг кичик миллий низоларни, энг кичик миллий ишончсизликни ҳам бутунлай йўқотиш ишлари *амалий суратда* авж олади, миллатларнинг тезлик билан бир-бирига яқинлашуви ва қўшилуви вужудга келиб, бу ҳодиса давлатнинг *ўлиши билан* тугалланади. Марксизм назарияси мана шу...» (ТАТ, 30-том, 26-бет).

Яна пропагандист тингловчиларнинг эътиборини В. И. Лениннинг капитализмда миллий масаладаги иккита бир-бири билан боғланган ва антагонистик қарама-қарши тенденциялар ҳақидаги қоидасига қаратади. Улардан бири — эзилган миллатларнинг миллий ҳаётини ва миллий ҳаракатларини уйғотиш, миллий зулмга қарши кураш, миллий давлатларни ташкил этишдир, бошқаси — миллий чегараларни йўқ қилиш, капиталнинг, умуман иқтисодий ҳаётнинг, сиёсат, фан ва ҳоказоларнинг интернационал бирлигини яратишдир. «Ҳар иккала тенденция капитализмнинг жаҳон микёсидаги қонунидир. Капитализм тараққиётининг бошида биринчи тенденция кучлироқ бўлади, иккинчиси эса етилган ва ривожланиб социалистик жамиятга айланиб бораётган капитализмга хосдир» (ТАТ, 24-том, 143-бет). Шу ўринда Владимир Ильич, марксчиларнинг миллий программаси ҳар иккала тенденция билан ҳисоблашади, деб уқтиради.

В. И. Ленин ана шу тенденциялардан, шунингдек социализмнинг мақсадларидан келиб чиқиб, партиянинг миллий масала бўйича программасини ишлаб чиқди. Унинг моҳиятини ифодалаб у бундай деб ёзди: «Миллатларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги; миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи; барча миллат ишчиларининг бирга қўшилиши — марксизм ҳам, бутун дунё ва Россия тажрибаси ҳам ишчиларга миллий масалада ана шу программага амал қилишни таълим беради» (ТАТ, 25-том, 366-бет).

Пропагандист таъкидлайдики, ленинизм мухолифлари миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги деганда нуқул ҳуқуқий жиҳатдан тенгликни тушунардилар. Уларнинг фикрига кўра, бу ҳуқуқ ўз-ўзидан амалга ошиши учун уни эълон қилишнинг ўзи кифоя. Амалда эса бу, гарчанд зарур бўлсада, лекин асосий қадам эмас.

Ёш Советлар Республикасининг дастлабки қонун актларидан бири бўлмиш «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси» да совет ҳокимиятининг миллатлар ҳақидаги масала борасидаги фаолиятига асос қилиб қуйидагилар олинган эди: 1) Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги; 2) Россия халқларининг то ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача эркин равишда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи; 3) ҳамма ва ҳар қандай миллий ва миллий-диний имтиёзлар ҳамда чеклашларни бекор қилиш; 4) Россия территориясида яшовчи майда миллатлар ва этнографик группаларнинг эркин ривожланиши.

Бироқ совет мамлакати миллатлари ва элатлари ўртасида юридик тенг ҳуқуқлиликни амалга ошириш миллий масалани чинакам социалистик ҳал этиш учун ҳали кифоя қилмас эди. Амалдаги тенг ҳуқуқлиликка, яъни уларнинг иқтисодий ва маданий нотенглигини йўқотишга эришмоқ зарур эди. Ана шу мақсадда КПСС ва Совет давлати қолоқ миллий чекка ўлкаларни жадалроқ ривожлантириш йўлини тутдилар.

РКП(б) нинг 1921 йилда бўлиб ўтган X съезди таъкидладики, «партиянинг вазифаси великорус бўлмаган халқлар меҳнат аҳлига илгарилаб кетган Марказий Россияга етиб олишга ёрдам беришдан иборатдир» («КПСС съездлар, конференцияларнинг ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорларида», II том, М., Политиздат, 1983, 366-бет). Ана шу йўл-йўриққа мувофиқ Закавказье, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга анча-мунча фабрикалар ва заводлар берилди, кўпдан-кўп малакали ишчи кадрлар ва мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар, маданият ходимлари юборилди. Ана шу республикаларнинг бюджетлари узоқ вақт давомида ўзининг харажатлар қисмини асосан иттифоқ бюджетидан дотациялар ҳисобидан қоплаб келди. Энг оғир моддий аҳволда бўлган республикалар ва районларнинг аҳолиси қишлоқ хўжалик ва умумграждан солиқларини тўлашдан батамом ёки қисман озод этилди. Айни бир вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари орқада қолиб кетган районларни ривожлантиришга кўмаклашадиган даражада белгиланиб келди. Шунингдек, маданий қурилишда, кадрлар тайёрлашда ҳам жуда катта ёрдам кўрсатилди.

Эндиликда, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, «қолоқ миллий чекка ўлка» деган тушунча йўқ. КПСС ва Совет давлати халқларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини амалда таъминладилар. Социалистик жамиятда миллатга мансублик имтиёзлар манбаи бўлиб ҳам, ҳуқуқларда бирон бир чеклашлар учун асос бўлиб ҳам хизмат қила олмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»да, шунингдек эндигина дунёга келган Совет ҳокимиятининг бошқа бир ҳужжати бўлмиш «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатида ҳам миллатларнинг ўз так-

дирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги Ленин партиясининг программ талаби ўз ифодасини топди. Бунда шуни таъкидламоқ лозимки, марксчилар уни илгари сурар эканлар, сиёсий децентрализацияга асло интилганлари йўқ. Социализмнинг мақсади — миллатларнинг парокандалигини ва алоҳидалигини йўқотиш, уларни яқинлаштириш, коммунизм тўла ғалаба қилганда эса — уларни қўшиб юборишдир. Марксчилар айнан шу мақсадга эришиш учун халқларнинг то ажралиб чиқиш ва мустақил давлатларини тузишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилмоқдалар. Бирлашиш учун ажралиб чиқиш, аммо пул ва қурол кучи билан эмас, зўравонлик билан эмас, балки соф демократик йўл билан бирлашиш учун ажралиб чиқиш. «Биз..., — деб ёзган эди В. И. Ленин, — эзилган миллатларнинг мустақиллигини, *яъни* уларнинг ажралиб чиқиш эркинлигини хўжалик жиҳатидан майдалаб юборишни ёки майда давлатларни орзу қилганлигимиз учун эмас, балки, аксинча, йирик давлатлар бўлишини истаганлигимиз учун ва миллатларнинг бир-бирига яқинлашувини, ҳатто қўшилиб кетишини, лекин ажралиб чиқиш эркинлигисиз *асло мумкин* бўлмаган чинакам демократик, чинакам интернационалистик базада яқинлашуви ва қўшилиб кетишини истаганлигимиз учун талаб қиламиз» (ТАТ, 27-том, 78-бет).

Лениннинг миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги шиори чуқур интернационал маънога эга эди. Унинг рўёбга чиқарилиши зўравонликка асосланган империалистик «бирлик»ни революцион тор-мор қилишга, кўп миллатли социалистик давлатда миллатларнинг мустаҳкам ихтиёрий бирлигини ташкил этишга олиб келди.

Лениннинг бу шиорига оппортунистлар «маданий-миллий автономия» ғоясини қарама-қарши қўйишга уриндилар. В. И. Ленин уни «бемаъни утопия» деб атади. У миллатчиликни мустаҳкамлашни, миллатларни бир-биридан ажратиб қўйишни кўзлар эди, миллий белгисига қараб кишилар ўртасига чегара қўярди. «Маданий-миллий автономия» шиорини В. И. Ленин энг маккорона ва шунинг учун ҳам энг зарарли миллатчилик деб ҳисобларди.

Социализмнинг ғанимлари ССР Иттифоқини сунъий тузилма сифатида, халқларни зўрма-зўраки бирлаштириш маҳсули сифатида тасвирлашга уринадилар. Аммо бунинг воқелик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Совет халқларини ягона иттифоқ давлатига бирлаштириш улар тараққиётининг, янги тузум шароитида эркин равишда ўз тақдирини ўзи белгилашининг мантиқий якуни бўлди. Ҳаётнинг ўзи Октябрь революцияси зафарларини ҳимоя қилиш учун, социалистик жамият қуриш учун ҳарбий, иқтисодий ва, пировард натижада, давлат иттифоқини тузишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги қарорга олиб келди. (Кўп миллатли совет давлати ҳақидаги масала курснинг навбатдаги темасини ўрганиш вақтида батафсил кўриб чиқилади).

В. И. Ленин пролетар партияси фаолиятида миллий ва интернационал жиҳатларни тўғри қўшиб олиб боришни, зарур бўлиб қолган тақдирда миллий манфаатларни интернационал манфаатларга бўйсундира билишни интернационалистик сиёсатнинг марказий масаласи деб ҳисоблар эди. У даъват этдики, «фақат ўз миллатинг тўғрисидагина ўйлаш керак *эмас*, балки барча миллатларнинг манфаатларини, уларнинг умумий озодлиги ва тенг ҳуқуқлилигини *ўз миллатингдан юқорироқ* қўймоқ керак... кичик миллатнинг маҳдудлигига, биқиқлигига, алоҳидалигига *қарши*, бутунни ва умумийни ҳисобга олиш учун, жузъий манфаатларни умумий манфаатларга бўйсундириш учун курашмоқ керак» (ТАТ, 30-том, 53-бет). Владимир Ильич социализм қуриш учун, уни ҳимоя қилиш учун кураш — бу халқ манфаатлари учун курашишнинг энг яхши усулидир, деб тушунтирди.

Ленинизмга содиқ бўлган КПСС ўзининг бугунги миллий сиёсатида умумий билан жузъийни, интернационал жиҳат билан миллийликни диалектик тарзда қўшиб олиб боришни амалга оширмоқда. У социалистик жамиятга миллатлар ва милий муносабатлар тараққиётининг ўз қонуни хосдир, бу қонун, капитализмдаги каби, икки тенденцияда, аммо мазмунига кўра сифат жиҳатдан бошқача тенденцияда ифодаланишини доимо ҳисобга олади:

а) миллатлар ва элатларнинг қайта тикланиши, уларнинг тараққий этиши, бу тараққий этиш миллий давлатчиликни, янги экономикаларни, миллий маданиятларни ва социалистик ижтимоий онгни бунёд этиш ва ривожлантиришдан иборат;

б) миллатлар ва элатларнинг социалистик интернационализм негизида жипслашуви, бу миллатлар тенг ҳуқуқлилигини тўла амалга оширишга, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга ва, пировард натижада, миллий тафовутларнинг аста-секин йўқолишига олиб боради.

Машғулот вақтида шуни таъкидлаш маъқулки, бу тенденциялар тобора уйғун тарзда амал қилиб, бир-бирини тўлдириб боради. Социалистик миллатларнинг ривожланиши уларнинг яқинлашуви негизида, яқинлашуви эса — миллатларнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши негизида содир бўлади. Шуниси ҳам борки, социалистик интернационаллаштиришда, миллатларнинг хўжалик, сиёсий ва маънавий ҳаётида гавдаланувчи яқинлашув тенденцияси етакчи роль ўйнайди, бу эса социалистик халқларнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун фақат объектив заруратгина эмас, балки бирдан-бир мумкин бўлган асосдир. Тингловчиларга яна шуни ҳам тушунтириш тавсия этиладики, миллатларнинг яқинлашуви, интернационаллаштириш миллий жиҳатни интернационал жиҳатга қурбон қилиши у ёкда турсин,

балки, аксинча, миллий жиҳатнинг юксак даражада гуллаб-яшнашига кўмаклашади, уни янги мазмун билан бойитади.

Ягона социалистик давлат ичида миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва яқинлашуви совет халқининг ташкил топишига олиб келдики, у қандайдир «ўта миллат» эмас, балки кишиларнинг янги социал ва интернационал бирлигидир. Бу бирликнинг негизи — совет социалистик миллатлари ва элатларининг социал-иқтисодий ва ғоявий-сиёсий бирлигидир (бу масала ушбу курснинг учинчи темасини ўрганиш вақтида батафсил кўриб чиқилади).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ, XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ПАРТИЯНИНГ МИЛЛИЙ СИЕСАТИ ҲАҚИДА

Ленинча миллий сиёсатнинг асосий якуни шундан иборатки, деб таъкидлайди пропагандист, миллий масала социал-синфий ва миллатлараро антагонизмларни тугатиш маъносида муваффақиятли ҳал этилди. Бу соҳада миллатлар ва элатларнинг экономика, сиёсат, маданиятдаги нотенглиги билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса бартараф этилди, амалдаги тенгликни таъминлаш проблемаси асосан ҳал қилинди. КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси социализмнинг бу соҳадаги чинакам нодир, улкан зафарларини яна бир бор яққол қилиб қайд этди.

Аммо энди миллат назарияси ва миллий масаланинг, миллатлараро муносабатларни ривожлантиришни тартибга солиш ва бошқариш, меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашни такомиллаштириш, совет кишилари онги ва хулқ-атворида шовинистик ва миллатчилик кўринишларини бартараф этиш проблемаларининг бизнинг мамлакатимиз учун актуаллиги қолмади деб ҳисоблаш ярамайди. Шуни ҳам унутмаслик кераки, бизнинг ғоявий мухолифларимиз ўз душманлик пропагандалари билан социалистик жамиятдаги ана шундай салбий моментларни юзага келтириш ва қувватлашга уринмоқдалар.

КПСС ва Совет давлати миллий сиёсатининг улкан ва шубҳасиз ютуқлари мазкур сиёсатнинг ленинча принципларини рўёбга чиқаришнинг узоқ, мураккаб ва зиддиятли йўлида фақат тарихий ғалабаларгина эмас, балки жиддий қийинчиликлар, камчиликлар, бузишлар ва хатолар ҳам бўлганлиги фактини тўсиб қўймаслиги керак. Булар ҳақида узоқ вақт давомида гапирмаслик расм бўлиб қолган эди, тарихимиздаги ленинизмга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳамда СССР халқларининг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашга зарар етказган ҳолатлар ҳақида эса партия ҳужжатларида, вақтли матбуотда гапирилмоқда. Пропагандистга ана шулардан баъзи бирлари билан тингловчиларни таништириши тавсия этилади.

30—40-йилларда энг яхши миллий кадрлар, айниқса раҳбарлар ва халқ зиёлилари, ҳатто мамлакат турли регионларидаги бутун-бутун элатлар асоссиз равишда оммавий репрессия қилинишига йўл қўйилган эди. Ана шу жиноятларнинг асоратлари ҳанузгача миллий муносабатларда иллатли бир тарзда намоён бўлмоқда.

Сталин ленинча миллий сиёсатнинг кўп принципиал қоидаларини назар-писанд қилмади, уларни обрўсизлантирди. Миллатлар ва миллий муносабатларнинг эркин ривожланиши жонли процесси раҳбарликнинг формал-бюрократик методлари тор доирасига, бошқарувнинг буйруқбозлик ва маъмуриятчилик системасини барқарор этиш билан узвий боғлиқ бўлган ва республикаларнинг мустақиллиги, ташаббуси ва активлигини бўғиб қўйган асоссиз тарзда қаттиқ марказлаштириш рамкасига зўрма-зўраки тиқиштирилди. Миллатлар ўртасидаги муносабатларда тенглик ва адолатга риоя қилиш, майда миллатларга ён босиш ва уларга нисбатан яхши муомалада бўлиш зарурлиги ҳақидаги Ленин кўрсатмалари унутиб юборилди.

1922 йилда В. И. Лениннинг аралашувидан кейин «автономлаштириш» ғоясидан воз кечишга мажбур бўлган Сталин кейинчалик ССР Иттифоқи доирасида миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, мустақиллиги ва ҳамкорлиги принципларини амалда ўзининг қўпол тушунишидан иборат қилиб қўйди. Мамлакатимиз халқларининг интернационал бирлигини мустаҳкамлашда ишчилар синфининг роли камситилди, демократик миллий туйғулар, урфодат ва анъаналар таъқиб қилинди, хуфия тарзда бир қанча элатлар ва миллий группаларни кўчиб юбориш сиёсати ўтказилиб келди.

Ҳатто Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам бутун-бутун халқларга қарши репрессиялар ўтказилиб турди. Уларнинг баъзи бирларида асоссиз равишда миллий давлатчилик тугатилди, улар мажбурий тарзда ўз территорияларидан бадарға қилиндилар, уларга нисбатан асоссиз равишда чеклашлар жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилди.

Очиқдан-очиқ миллатчилик руҳида бўлган «космополитизмга қарши кураш» ва «врачлар иши» бўйича 40-йиллар охири — 50-йиллар бошидаги шов-шувга сабаб бўлган кампанияни ҳозирги авлодлар эслайдилар. Адабиёт ва санъатнинг анча-мунча машҳур арбоблари фақат миллий ғururнинг табиий туйғуларини ифодалаганликлари учунгина асоссиз равиш-

да миллатчиликда айбланишлари ҳам ўша даврда, шунингдек ундан кейинроқ содир бўлган эди.

Ўшандан кейинги йилларда, миллий сиёсатнинг ленинча нормалари ва принципларини тиклаш юзасидан, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, автоном областлар ва округларнинг ҳуқуқларини ва мустақиллигини кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўзда тутилган бўлсада, бу чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмади. Айни чоқда миллий муносабатлар соҳасидаги салбий ҳолатлар кўпая борди, аммо мазкур соҳага раҳбарлик қилишда сиёсий ирода ва донолик етишмади. Миллий муносабатларнинг ривожланиши жараёнларини анализ қилиш ўрнига халқлар дўстлиги шаънига декларациялар ва дабдабали нутқлар эълон қилиниб турди, камчиликлар ва қийинчиликлар хусусида эса чурқ этилмади. 70-йилларда — 80-йилларнинг бошида ўзини кўрсатган мамлакат экономикасидаги кризисолди вазияти, социал ва маънавий-ахлоқий соҳалардаги бузилишлар, социалистик адолат принципларидан чекиниш, бюрократизм, формализм ва қуруқ сафсатабозликнинг кенг ёйилиши мазкур муносабатлар соҳасидаги салбий ҳолатларнинг кескинлашувига кўмаклашди. КПСС миллий сиёсатининг ленинча принципларидан айнан ана шундай чекинишлар 1986—1988 йилларда Олмаота, Ёкутистондаги, Болтиқбўйи республикаларидаги, Арманистон ва Озарбайжондаги маълум воқеаларга олиб келди. Бир қанча республикаларда кадрлар сиёсатининг миллатчилик руҳида бузилиши, миллий худбинлик ва манманлик кўринишлари, тайёрга айёрлик ва маҳаллийчилик кайфиятлари ўзининг ёмон таъсирини кўрсатди.

СССРдаги миллий муносабатларда туб ўзгаришлар ясаш зарурлиги мутлақо равшандир. Қайта қуриш, демократиялаш, ошкоралик зиддиятли ҳолатларни фақат яққол кўрсатибгина қолмай, балки уларни бартараф этиш учун зарур шароитни яратиб берди ҳам. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми идеология фаолиятининг бошқа устун йўналишлари қаторида меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашнинг, улар онгида интернационализмнинг ленинча норма ва принципларини мустаҳкамлашнинг оптимал форма ва методларини ишлаб чиқиш зарурлигини уқтирди.

Партия XXVII съездининг қарорлари партия миллий сиёсатини ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга молик. Бу қарорларда мазкур сиёсат жадаллаштириш концепциясини амалга оширишнинг, совет жамияти ҳаётининг барча жиҳатларини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартишнинг қудратли воситаси деб қаралади. Съезд ана шу позициялардан туриб КПСС-нинг ленинча миллий сиёсат принциплари негизида миллий муносабатларни такомиллаштириш борасидаги фаолиятига оид ҳал қилувчи проблемаларни анализ қилиб чиқди. Улар социал-иқтисодий, сиёсий, идеологик вазифаларнинг кенг доирасини ўз ичига оладики, социалистик давлатимизнинг интернационал бирлигини, СССР халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлаш ана шу вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Съезд қўйган мураккаб проблемалардан бири барча республикаларнинг ўсиб кетган иқтисодий ва маънавий потенциалига мувофиқ равишда ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга улар қўшадиган ҳиссани кўпайтиришдан иборатдир. Ҳал қилиниши лозим бўлган бошқа проблемалар ҳали ҳам барҳам топмаган миллий биқиқликка интилишлар билан, маҳаллийчилик, тайёрга айёрлик кайфиятлари билан боғлиқдир. Иш билан банд қилиш, социал структура, демография соҳасида республикалар ўртасида ҳали тафовут сақланиб қолаётган экан, бу ерда содир бўлаётган жараёнларни илмий асослаган тарзда тартибга солиб туриш зарурдир. Айни чоқда, деб таъкидлади съезд, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши принципиал кураш билан биргаликда алоҳида хушёрлик ва сергаклик ҳам талаб этилади. Миллий муносабатларнинг реал проблемалари билан уларни миллатчилик руҳида талқин қилиш ўртасида аниқ чегара бор. Миллатларнинг гуллаб-яшнаши ва бир-бирини бойитишига, уларнинг қардошларча ҳамкорлигига, ижтимоий ҳаётни интернационаллаштириш жараёнига зарар келтирадиган ҳамма нарса, тараққиёт имкониятларини чеклаб қўядиган ҳамма нарса чинакам миллий манфаатларга зиддир.

Коммунистларнинг пролетар, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги ғояларини изчиллик билан амалга ошириш, миллий жараёнларнинг доимо юзага келиб турувчи жиҳатлари ва чегараларини кўра билиш, уларга интернационалист-ленинчилар позицияларидан туриб бериладиган жавобларни излаш, шу соҳадаги иш формалари ва методларини такомиллаштириш, интернационалистик сиёсат ва ахлоққа зид ҳолатларга қарши фаол кураш олиб бориш борасидаги вазифалари юзасидан йўл-йўриқлар бошдан оёқ съезд ҳужжатлари руҳига сингиб кетган.

Партия XXVII съезди қабул қилган янги таҳрирдаги КПСС Программасининг «Социалистик миллатлар ва элатларнинг янада равнақ топиши ва бир-бири билан яқинлашуви» бўлимида узоқ истиқболга мўлжалланган вазифалар комплекси илгари сурилганки, бу вазифалар совет кўп миллатли жамияти ҳаётининг ҳамма томонларини камраб олади. Бунга пропагандист шуни ҳам қўшимча қиладики, КПСС миллатларнинг яқинлашуви жараёнини тўхтатишга, миллий алоҳидаликнинг мустаҳкамланишига ҳар қандай уринишларга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди, умумдавлат манфаатлари билан миллий манфаатларни ҳар қандай бир-бирига қарама-қарши қўйишни, халқлар дўстлиги идеологиясидан ҳар қан-

дай чекинишларни, кадрлар сиёсатидаги ленинча принципларни бузишларни, «ўз» миллати вакиллари учун қандайдир имтиёзли мавқе яратишга уринишларни қатъиян қоралайди. У ёки бу халқнинг тарихий ўтмишини идеаллаштириш, унга баҳо беришга синфий ёндашишдан воз кечиш, ўтмиш урф-одатлари ва анъаналарини муқаддаслаштириш, умумиттифоқ норма ва принципларининг ривожланишига зарар келтирган ҳолда сохта тушуниладиган миллий ўзига хосликни бўрттириб кўрсатиш ҳам миллатларнинг яқинлашуви ишига хизмат қила олмайди.

«Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги махсус резолюцияни қабул қилган КПСС-нинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қайта қуриш даврида миллий сиёсатни назарий ва амалий жиҳатдан асослашда йирик одим ташлади. Бу масала «КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси миллатлараро муносабатларни ривожлантириш тўғрисида» деган темани ўрганиш вақтида батафсил кўриб чиқилган (қаралсин: «Ўзбекистон коммунисти», 1988 йил 11-сон).

Пропагандист машғулотга якун ясар экан шуни қайд қиладики, миллий масала бўйича ленинча таълимотнинг, ленинча миллий сиёсатнинг туб, энг муҳим белгилари ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди: улар ҳозирги миллий жараёнларни назарий мушоҳада этиш учун ҳам, кўп миллатли социалистик давлатнинг ривожланиши жараёнида юзага келадиган проблемаларни амалда ҳал қилиш учун ҳам актуалдир.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЕТ

Маркс К., Энгельс Ф., **Манифест Коммунистической партии.** — Соч., т. 4, с. 423—447.

Маркс К. **Учредительный Манифест Международного Товарищества Рабочих.** — Соч., т. 16, с. 3—11.

Энгельс Ф. **Происхождение семьи, частной собственности и государства.** — Соч., т. 21, с. 169—178.

Ленин В. И. **Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар.** — Тўла асарлар тўплами, 24-том, 131—172-бетлар.

Ленин В. И. **Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида.** — Тўла асарлар тўплами, 25-том, 293—367-бетлар.

Ленин В. И. **Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси.** — Тўла асарлар тўплами, 35-том, 240—245-бетлар.

Ленин В. И. **Деникин устидан қозонилган ғалабалар муносабати билан Украина ишчи ва деҳқонларига хат.** — Тўла асарлар тўплами, 40-том, 47—55-бетлар.

Ленин В. И. **Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир.** — Тўла асарлар тўплами, 45-том, 399—406-бетлар.

В. И. Ленин. КПСС о борьбе с национализмом. Документы и материалы. М., Политиздат, 1985.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — Т., Ўзбекистон, 1986.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материаллари. — Т., Ўзбекистон, 1988.

«ҚАЙТА ҚУРИШ — ЖОНЛИ ЖАРАЁН... БУ — ИЖОДИЙ ЖАРАЁН, УНИНГ ЎЗ ДИАЛЕКТИКАСИ, ЎЗ ЗИДДИЯТЛАРИ, ЎЗ МОЖАРОЛАРИ БОР».

М. С. ГОРБАЧЕВ.

В. ҚЕШЕЛАВА

ДОГМАТИЗМ САРҚИТЛАРИ АСОРАТИДА

«...Мафкуравий бадастирлик шароитида яшайдиган, ҳақиқат менинг қўлимда ва уни ҳар куни қўлга киритиш керак эмас, балки пўлат сандиқдан олинаверади, деб ҳисоблайдиган партия — мана шундай партия ўзининг маънавий ва ахлоқий обрў-эътиборидан, ўзининг революцион характеридан ва жамиятнинг сиёсий авангарди бўлиш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин». XIX партия конференциясидаги докладда тилга олинган бундай кайфиятларга эрк бериб қўйилса ва зарба берилмаса, улар марксча-ленинча таълимотнинг интеллектуал афзалликларига жиддий хавф туғдириши мумкин. Мамлакатимиз ҳаётида унинг учун ва умуман социализм учун тақдирни ҳал этадиган аҳамиятга эга бўлиши керак бўлган ўзгаришлар тўпланаётган ҳозирги вақтда уларга айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Жамият маънавий ҳаёти тонусининг кескин оширилиши, яъни турғунлик ҳолатидан қутулиш учун ривожланишимизда кескин бурилиш амалга оширилаётган ҳамда «практикани социализмнинг пировард мақсадлари ва идеалларига яқинлаштириш йўллари ҳамда воситалари» белгилаб берилаётган ҳозирги пайт — умумий масалаларга қизиқишнинг анчагина жонланиши факти, нафақат қонуний, балки катта умидлар ҳам бахш этувчи ҳодисадир.

Биз биламизки, тарихий бурилишлар даврлари ўткир ғоявий кураш, қарашлар, позициялар, баҳоларнинг тўқнашуви билан белгиланади. Уларнинг фарқланиш амплитудасига қараб туриб юз бераётган ва ҳали юз беражак катта ўзгаришлар теранлиги хусусида сўз юритиш мумкин. Ҳозир авж олдирилаётган қайта қуриш ҳам шу маънода истиснони ташкил этмайди. Жамиятимиз ривожланишида кескин ўзгаришни ифодалаган қайта қуриш социал-иқтисодий ва маданий-сиёсий масалаларнинг кенг спектри бўйлаб фикрлар ва шарҳлар хилма-хиллигини юзага келтирди ҳамда юзага келтирмаслиги мумкин эмас эди. Агар баъзилар, мисол учун, иқтисодий ислоҳотни қутлаган ва социализмни янада тараққий эттириш учун бошқача альтернативани кўрмаётган бўлсалар, бошқаларнинг нигоҳида эса, аксинча ислоҳот унинг негизларига деярли тажоввуздек туюлмоқда. Партия амалга ошираётган социал-сиёсий ва маданий-идеологик соҳаларни янгилаш программаларига баҳо беришда ҳам айни шундай тафовутлар кучлидир.

Ностандарт давр учун турли хил ва бир-биридан жуда фарқланувчи баҳоларнинг мавжуд бўлиши ҳеч кимда ташвиш туғдирмаслиги лозим. Даврнинг ўзи дадил ёндашувлар ва ғайриоддий ечимларни талаб қилмоқда. Бугунги кунда ҳам, бинобарин, ҳозирги вақтни виждонан ва узил-кесил таҳлил қилишга дадил уринишлар йўқлиги учун ташвишланиш, турғунликни нималар юзага келтирганини

КЕШЕЛАВА Варлам Варламович, «Коммунист Грузии» журналининг бош редактори, философия фанлари доктори.

ҳамда ундан қандай қилиб чиқиб олиш лозимлигини тушуниб етиш керак. Хуллас, истаклар кўп, компетентлилик ҳам кўпроқ бўлиши зарур.

Матбуотда (кўпроқ иттифоқ матбуотида, лекин нафақат унда, балки республика матбуотида ҳам) дунёқараш масалалари тилга олинганда баъзан дастлаб қаралганда ҳамманинг жонига теккан догматизмга қарши жиддий даъватдек кўриниши мумкин бўлган баёнот ва фикрларга дуч келасан, киши. Ушбу беллетристикада ҳаддидан ошишлар кўп бўлсада, лекин турғунликни эмоционал жиҳатдан ёктирмаслиги билан у жамоатчилик орасида самимий ҳамдардлик ва симпатия уйғотмай қўймайди. Айни шунинг учун янгича тафаккур координаталарини янада пухталик билан аниқлаш, марксизм асосчиларининг асарларини янгитдан ўқиш нималар беришини белгилаш, биз қандай меросдан воз кечишимизни ҳамда боқий маънавий қадриятимиз тарзида нимани ўзимиз билан олишимизни аниқлаш учун зарурат бор.

Шу жиҳатдан олганда яқинда нишонланган Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг» фундаментал асари нашр этилганлигининг 110 йиллиги ва В. И. Лениннинг «Марксизм ва ревизионизм» асарининг 80 йиллиги очиб берадиган имкониятдан фойдаланмаслик кечириб бўлмас иш бўларди.

* * *

Энгельснинг «Анти-Дюринг» асарини реклама қилишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Тарафдорлар ҳам, мухолифлар ҳам уни ўз эътиборларидан четда қолдирган эмаслар. Философлар, экономистлар, сиёсий фан намояндалари марксизм атрофида олиб борган ва олиб бораётган, тугамайдиган баҳслар марказида доим шу асар турган. Бу ҳол бежиз эмас. Марксизм асарлари қаторида К. Маркснинг «Капитал»идан сўнг Ф. Энгельснинг «Анти-Дюринг» асари туриб, унда янги таълимот илк бор философик, иқтисодий ва сиёсий ғояларнинг гигант синтези тарзида кўринган эди. Энгельс томонидан «Анти-Дюринг»да марксизм структураси талқин қилинишидан келиб чиқиб, Ленин диалектик материализм, иқтисодий назария ва социалистик таълимотни унинг бўлинмас бир бутунни ташкил этувчи учта қисми деб атаган эди.

Исботлар қидириб Лениннинг кенг миқёсда маълум бўлган «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми» мақоласига мурожаат қилмаслик учун юқорида тилга олинган «Марксизм ва ревизионизм» асарини варақлаймиз. Композиция жиҳатидан у «Анти-Дюринг»га қатъиян мувофиқ ҳолда тузилган. Яъни у, Энгельс асари сингари, философияни қараб чиқиш, материализм ва материалистик диалектикадан чекинишлар танқиди билан бошланади. Сўнгра Маркс иқтисодий қарашларининг ревизия қилиниши таҳлил қилинади. Хулосада марксизм сиёсий доктринасининг асослари атрофидаги шовқин-сурон ва биринчи навбатда синфлар ва синфий кураш таълимотидан воз кечиш фош этилади.

Кўриб турибмизки, Ленин марксизм структурасининг Энгельсга хос тушунилишини қўллаб-қувватлайди. Унинг қисмлари яхлитлиги ва монолит бирлиги ғоясига бутунлай қўшилишади. Айни шу хусусиятни Ленин марксизмнинг қудратли афзаллиги сифатида ажратиб кўрсатади. Унинг изчиллиги, мукаммаллиги, мантиқий зиддиятсизлигини XX асрда философия, иқтисод фани ва сиёсатда пайдо бўлган, ўзи тиним билмай курашишга тўғри келган энг янги ғоявий оқимларга қарама-қарши қўйиб, Ленин кейингиларнинг назарий аморфлигини, ноизчиллигини, бир сўз билан айтганда, эклектиклигини кўрсатиб ўтади, бунда уларнинг тузатиб бўлмас нуқсонини кўради. Марксизмда, аксинча, уни доимо бир бутунлик ўзига тортар эди. «Бир парча пўлатдек яхлит қилиб қуйилган бу марксизм философиясидан, — деб ёзган эди у, — битта ҳам асосий фикрни, битта ҳам муҳим қисмни чиқариб ташлаб бўлмайди ва бундай қилмоқ учун объектив ҳақиқатдан йироқлашиб, буржуа реакциясининг ёлғон-яшиқларига ботиб кетиш лозим бўлади» (Тўла асарлар тўплами, 18-том, 389-бет).

Евгений Дюринг ҳозир бир нечта фан тарихчиларинигина қизиқтиради. Унинг асарлари ҳақида энциклопедик справочниклардагина баъзи бир маълумотларни топиш мумкин. Агар уни ҳали ҳам эслар эканлар, эҳтимол, бунга унинг ўзидан кўра кўпроқ «Анти-Дюринг» автори сабаб бўлди. Энгельс, ўзининг сўзларига қараганда, марксизмни инкор этишга қўл урган кўпдан-кўп адабиётчиларнинг устун хислати бўлмиш вульгарлаштиришни, дунёқарашдаги чалкашлик, иқтисодий кал-

табинлик ва социалистик сафсатабозликни ғоят дадиллик билан инкор этиб, Дюринг исмини «анти» олд қўшимчаси ёрдамида абадийлаштирди.

Албатта бундай сиймо Энгельсни кенг миқёсли асар яратишга илҳомлантира олмас эди. Дюрингнинг хуружлари марксизмни сийқалаштиришларга зарба бериш мақсадида қалам тебратишга ундаган ташқи туртки бўлибгина хизмат қилган эди. Маркс билан Энгельс ўз тақдирларини қатъиян боғлаган революцион ишчилар ҳаракатининг манфаатлари шуни талаб этарди.

Олдиндан Маркс билан келишиб олган Энгельс асосан пролетариатнинг революцион таълимоти системасининг асосий хусусиятларини баён этиб беришда нақд бўлиб қолган қулай ҳолатни бой бермаслик учун ҳам ўша пайтда оғизга тушган сохта социализм ва майда буржуа идеологияси тарғиботчиларидан бирига қарши чиқиш таклифини қабул қилган эди.

Илмий социализмнинг бошқа мухолифларидан фарқ қилиб, Дюринг марксистик ғояларнинг бутун мажмуига қарши ҳужум қиларди. У диалектик-материалистик философия ўрнига примитив материалистик ва идеалистик қарашлардан иборат аралаш-қуралаш нарсани таклиф қилиб чиқди. Тамал тоши қўшимча қиймат ҳақидаги таълимотдан иборат бўлган пролетар сиёсий иқтисоди ўрнига вульгар тақлидгўй иқтисодчиларнинг апологетик концепциялари, илмий социализм ўрнига майда буржуа утопиялари таклиф қилинди.

«Мухолифимнинг кенг қамровли системаси, — деб кейинчалик эслаган эди Энгельс, — менга у билан мунозарада ана шу хилма-хил предметларга Маркснинг ҳамда менинг қарашларимни баён этиш, бунинг устига, илгарилари қилинганидан анчагина равон даражада баён этиш учун важ яратиб берди». Энгельс ўз асарининг хусусиятларини кўрсатаркан, у «философик, табиий илмларга доир ҳамда тарихий проблемаларни тушунишнинг энциклопедик очерки» эканлигини таъкидлайди.

Энгельс томонидан «Анти-Дюринг»да ўзининг ҳамда Маркснинг назариясига нисбатан эълон қилинган ва бевосита амалда рўёбга чиқарилган энг муҳим методологик ғоялардан бири мунтазамлилик принципи ҳисобланади. Шу сабабли бу асарни тўла ҳуқуқ билан марксизм энциклопедияси, шунингдек марксизмни энциклопедик характердаги таълимот сифатида яққол кўрсатиб берган асар деб аташ мумкин.

Кейинги ҳол принципиал аҳамиятга эга. Марксизм яхлит қилиб олинганда ботинан ўзаро боғланган, бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирини шартловчи философик, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашлар системаси эканлигини унутиш ёки бунга етарлича баҳо бермаслик кўпгина англашилмовчиликларга, қолаверса, унинг моҳиятини онгли равишда бузишларга ҳам сабаб бўлмоқда. Марксизмнинг Ғарбдаги танқидчилари эндиликда ҳам уни парчалаб ташлаш хусусида иштиёқ билан ҳаракат қилаётганликлари учун ана шу жиҳатга ҳозирги вақтда эътибор беришга тўғри келади.

Маркс билан Энгельснинг ҳаётлигидаёқ уларнинг ғоявий мухолифлари гўё марксизмда унинг қисмларини қандайдир ажратиб бўлмайдиган бир бутун қилиб жипслаштирувчи назарий ўзак йўқ деб исботлашга жон-жаҳдлари билан уринган эдилар. Унинг таркибий элементлари орасида мослик борлигини инкор этиш улар учун марксизмга унга ёт қарашларни олиб киришни енгиллаштирди. Философия соҳасида, масалан, уни неокантчилик, эмпириокритицизм, махизм ва бошқа идеалистик концепциялар билан «тўлдирдилар». Иқтисодий доктринада ҳам айни шунга ўхшаш ҳол юз берди. Илмий социализмни эса нуқул этик, майда буржуа қарашлари билан алмаштиришга уриниб келдилар.

Бу тенденция ҳозир ҳам сақланиб қоляпти. Ҳатто айтиш мумкинки, марксизмни парчалаб ташлашга уриниш ўтмишда ҳозирги вақтдагидек кенг кўлам касб этмаган эди.

Биринчи навбатда танқид, илгарилари бўлганидек, философик материализмга ҳужум қилмоқда. Унинг кўпгина намояндалари Марксни Энгельсдан ажратишга ва унга қарама-қарши қўйишга интиляптилар. Уларнинг фикрича: Маркснинг философик қарашларини материалистик талқин қилиш бутунлай Энгельс виждонига ҳавола қилинади; Маркснинг ўзи гўё ҳеч қачон материалист бўлмаган; «Анти-Дюринг»да тугал шакл касб этган философик материализм фақат ва фақат Энгельснинг ижоди, унга гўё Маркснинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эмиш.

Биз бу ўринда бундай даъволар қанчалик пуч эканлигини аниқлаш ҳамда уларни рад этиш билан шуғулланиб ўтирмаймиз. Бу ҳақда кўп ёзилган. Нима даъво қилинаётгани эмас, балки у қаердан олинаётгани ҳамда қандай мақсадни кўзлашини, у ёки бу талқинга нима нарса сабаб бўлаётгани ва у нима билан шартланишини тушуниш муҳимроқдир. Агар Маркс философиясини материализм сифатида қараб чиқишнинг қонунийлигини инкор этишга ана шу нуқтаи назардан туриб ёндашилса марксизмнинг фундаментал хусусияти — унинг мунтазамлилик характерини хаспўшлашга олиб келадиган ўзаро боғлиқликлар узлуксиз занжирини осонлик билан аниқлаш мумкин бўлади.

Департаментизация, айтиш мумкинки, марксизмга маҳкамачилик ёндашувини қонунийлаштиради: бунда философия, сиёсий иқтисод ва социалистик назария бир-бирига қўшилиб кетган эмас, балки бир-биридан алоҳида турувчи, ғоявий нейтрал, гўё бутунлай ёт тушунчалардир. Натижада янгича материализмнинг ғоят мустаҳкам пойдеворига асосланувчи, Марксча бир томондан капиталистик ишлаб чиқаришнинг объектив қонунлари амал қилиши механизмини англаб етиш ва шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнининг табиий-тарихий характерини тушуниш имкониятини таъминлаган, бошқа томондан эса, социализмни фан даражасигача кўтариш учун имконият яратган революцион таълимотнинг қудратли кучи йўққа чиқарилади.

Лениннинг қуйидаги сўзларини юқорида айтилган мулоҳазалар нуқтаи назаридан туриб баҳолаш керак: «Маркс ва Энгельснинг доҳийлиги худди шундаки, улар жуда узоқ вақт давомида, **қарийб ярим аср мобайнида,** материализмни ривожлантириб келдилар, философиядаги бир асосий оқимни илгари сурдилар, ҳал қилиб қўйилган гносеологик масалаларни ҳадеб такрорлайвермасдан, буни изчил суратда татбиқ қилиб келдилар, — улар **ўша** материализмнинг **ўзини** ижтимоий фанлар соҳасида **қандай** татбиқ қилиш лозимлигини кўрсатдилар» (ў ш а ж о й д а, 18-том, 401-бет).

Хўш, Маркс билан Энгельснинг философия соҳасидаги хизматларини Ленин нимада деб биларди? Унинг нуқтаи назаридан қаралганда уларнинг философик меросга муносабати учун айниқса нима характерли? — Ленин биринчи навбатда марксизм асосчилари шунчаки философик материализм нуқтаи назарида турмаганликлари, унинг принципларини ҳимоя қилиш билангина чекланиб қолмаганликларига, социал-тарихий воқеаларни тадқиқ қилиш учун устун даражада материализмдан фойдаланганликларига, унинг принципларини ижтимоий фанлар соҳасига изчиллик билан жорий қилганликлари учун ҳам уни ривожлантириб ҳамда олға ҳаракат қилдирганликларига асосий эътибор беради. Лекин учун, бинобарин, эски материализм учун тамомила номаълум ва етишиб бўлмас янги «қитъа»ни — иқтисодий муносабатлар системасини кашф этиб, Маркс билан Энгельс материалистик натурфилософия чегарасидан чиқиб кетганлиги ҳамда бу билан унинг билиш майдонини фавқулодда кенгайтириб юборганлиги ҳолати ҳал қилувчи роль ўйнаган. Улар ўз асарлари билан жамиятшунослик учун объектив билиш методи, материалистик диалектика методи қанчалик самарадорлигини кўрсатиб, социал-сиёсий фанларга материалистик негиз яратиб бердилар.

* * *

Марксизмнинг умуман ривожланиши, таниқли совет марксшуноси Г. А. Багатурия тамомила ҳаққоний таъкидлаганидек, унинг яшаш усулидир. Қотиб қолганлик, турғунлик унга умуман хос эмас, унинг табиатига ёт. Маркс ва Энгельс ҳам бу ҳолатни доимо уқтириб келганлар. Марксистик назарияни тайёр схема тарзида қараб чиқиш мумкин эмаслиги, у қиёмига етказилган ҳақиқатларнинг хазинаси эмаслиги, балки воқеаларни тадқиқ қилиш методи эканлиги хусусида яхши маълум огоҳлантириш Энгельсга тегишлидир. В. И. Ленин марксизмнинг ижодий характерини таъкидларкан, марксизмни догма эмас, балки ҳаракат учун қўлланма, деб ҳисоблашни бажонидил такрорлайверарди.

Лекин йиллар Улуғ Октябрни тобора олисда қолдира борган сайин, айниқса «ВКП(б) тарихининг қисқача курси» нашр этилгач, қироатхонлик яққол устун бўлиб қолди. Оригинал тадқиқотлар кескин равишда камайди. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тузиш пайти келди. Шарҳлар тузиш жамиятшуносларнинг ягона бўлмасада ҳар ҳолда асосий интеллектуал машғулоти бўлиб қолди. Марксизм

қоидалари кунт билан классификация қилинар, группаларга бўлинар ҳамда боб ва параграфларга қўйиб чиқилар эди. Пировард натижада «ўқув варианти» жонли, янгиликни ўзлаштириш учун доимо очиқ бўлган ривожланаётган марксизмнинг йўлини тўсиб қўйди. Педагогик эҳтиёжлар учун мослаштириб тақдим қилинган марксизм жонли, синчков, изланувчан фикрни жонсиз қиладиган бемаънилаштирилган ўзгармас ақидаларнинг салобатли йиғиндиси бўлиб қолди. Тошга айланган ниқоб марксизмнинг ҳақиқий қиёфасини, унинг азалий очиқ-ойдинлиги ва ижодий (революцион) характерини узоқ вақт яшириб келди.

Шу нарсага ақл бовар қилмайдики, ленинизм орқали XX асрнинг революцион тажрибаси билан бойиган, узлуксиз ривожланиш учун ғоят улкан импульс олган марксизм ана шундай аҳволга тушиб қолган эди. Биз мухтасарлик учун шахсга сиғиниш йиллари деб атайдиган оғир ва деспотик тус олган тарихий даврнинг ўз қатъий мантиғи бор эди: олдинги планга чиқиб қолган идеологик талаблар фикрни ўртача даражага солар, текислар, бир хилликка олиб келарди. Яккабошчилик давлатининг эҳтиёжларига жавоб берадиган барқарор андозалар таркиб топарди. Назарий мазмун билан унчалик салмоқли тус олмаган, лекин осон етиб борадиган, осон ўзлаштириладиган постулатлар қоидага айланди. Шароит догматизмнинг гуллаб-яшнаши учун жуда қулай келди. Воқеликни бевосита билиш ҳақиқий билишга тақлид қилишга ўз ўрнини бўшатиб берди.

Ўн йиллаб фақат экономикани бошқариш билангина чекланиб қолмаган буйруқбозлик-сиқиш методи гуманитар соҳада ҳам ғоят ачинарли аҳволга олиб келди. Эҳтимол, шу соҳада энг кўп талафот берилган бўлса керак. Жамоатчилик фикри кўз ўнгида гуманитар билимнинг эътибори ғоят пастлиги ана шундан гувоҳлик бермаяптими? Агар санъат ва адабиёт жуда оғир талафотлар кўрсада эркин изланиш ва ижодда ўзини кўрсатиш учун ҳар ҳолда нисбатан катта маконга эга бўлиб келган бўлса, бутунлай ва тамомила идеологик тақиқлар асирлигида бўлган жамиятшунослик танлаб олиш учун ҳеч нарсага эга эмас эди. Ёзувчи (ёки санъаткор) ижоди билан унинг шахс сифатида авторлик тушунчаси, дунёқараши ва методи ўртасида қандайдир тақозо билан расмий жиҳатдан эътироф этилган ва назарий жиҳатдан асосланган тафовутлар (зиддиятларга қадар) мумкинлиги адабиётчи ва санъатшуносларга утилитар-сиёсий нуқтаи назардан қаралганда шубҳали бўлган маданий ҳодисаларни оқлаш имконини берган эди. Ижтимоий фанларда эса бундай имконият мутлақо йўқ эди.

Қайта-қайта ошкора бадном қилинган догматизмга қарши вақт-вақти билан кампаниялар ўтказиб турилишига қарамай, у гўё мазах қилгандек, ўсиб ҳамда мустаҳкамланиб борди. Лекин ақидапарастлик энг чўққига чиққан пайтда догматизмнинг хунук моҳияти яққол кўриниб қолди. Унинг табиий инқирози давомида баъзан сурбетликка бориб тақалувчи назарияга шафқатсиз лоқайдлик кўзга ташландики, уни илгарилари бегона фикрга жанговар тоқатсизлик билан ниқоблар эдилар.

Назаримда ҳозир биз догматизм сарқитлари асорати даврида турибмиз десам унчалик янглишмаган бўларман. Ҳамма томондан догматизмни барҳам топтириш хусусида даъватлар эшитаётган бўлсакда, менга, мисол учун, бор куч-қувватни ташлайдиган асосий хавф бугунги кунда у эмасдек туюлади. Биз догматизмдан ҳам қуйига тушдик. Бундоқ қараганда ундан қуйироқ нарса йўқдек. Лекин, маълум бўлишича, ундан ҳам қуйироқ даража бор экан! Ана шу даражада (агар бунда даража хусусида сўзлаш ўринли бўлса!) биз айниш маҳсулотларига — фикрдаги ланжлик, унинг ўтиб кетган инфантилизмига дуч келмоқдамиз.

Аксинча ҳол бўлганда жамиятшунослар — философлар ҳам, сиёсий иқтисодчилар ҳам, партия тарихчилари ҳам, илмий коммунизм бўйича мутахассислар ҳам — ўтмишда ёнидан ҳеч қандай ҳолда лоқайд ўтмайдиган у ёки бу баёнотларга суст муносабатда бўлаётганларидек қайғули фактларни қандай тушунтириш мумкин. Кўзга ташланаётган лоқайдлик догматика қандайдир қоидаларнинг даxлсизлигига ишонч билан ҳам, ўзи мутлақ ҳақиқат даражасига чиқариб қўядиган ҳақиқат устидан монополияни қўлга киритиш билан ҳам, ўзининг собитқадам жазаваси билан ҳам қўрқинчли эмаслигини кўрсатади. У тафаккурни чуқур склероз билан муқаррар равишда жароҳатлаши билан қўрқинчлидир. Айни шу схоластиклик чексиз ҳукмронлик даврида уни шафқатсиз ва демагогик қилганки, бу бўм-бўшлик билан бекитилган. Эндиликда эса унинг самарасизлиги заҳарга тўла ҳосил берди, у

принципларни менсимаслик билан ҳақиқатдан нафратланишини яширмоқда.

Марксизмнинг аянчли даражада ғарибона образини яратган материаллар олдида жамиятшунослар шармандаларча сукут сақлаётганини бошқача изоҳлаш шунинг учун қийиндир. Улар эгаллаб турган позициянинг (агар буни позиция деб аташ мумкин бўлса) энг яхши изоҳи деб шуни ҳисоблаш, эҳтимол мумкиндирки, улар ўз айбларини ҳис этганлари учун танқиддан онгли равишда ўзларини тиймоқдалар, чунки аксинча ҳолда танқидни ўзларидан бошлашга тўғри келишини яхши тушунадилар. Зотан кенг доирадаги интеллигенция марксизмни иккинчи, ҳатто учинчи хил манбалардан ўрганган, уни асосан машъум «ўқув варианти»дан билади, ёки, бундан ҳам ёмони, марксизмдан ҳар қандай йўл билан бўлсада қутқазиш керак бўлган, чунки очиқ-ойдин мухолифлардан кўра унга кўпроқ зарар келтираётган чаласавод оммалаштирувчилар билан мулоқот тажрибасидан марксизм ҳақида маълумот олади.

Бундай вазиятда хоҳ ёзувчи, хоҳ публицист, адабиётчи ёки аниқ фанлар мутахассисига марксизм ҳақида нотўғри фикрга эга бўлиб қолгани учун таъналар қилиш қанчалик ўринли бўларди? Агар улар марксизмнинг дунёқараш асослари ҳақида ғоят ғира-шира тасаввурга эга бўлсалар, борлиқ билан тафаккурнинг ўзаро нисбати тўғрисидаги тасаввурлар ҳеч бўлмаганда содда-примитив бўлса; агар уларга ҳозирги (диалектик) материализмнинг идеализм устидан ва олдинги, аллақачон босиб ўтилган метафизик материализмдан устунлиги нимадан иборатлиги номаълум бўлса; агар бунинг устига онг ҳозирги материализм учун анчадан буён воқеликнинг пассив (кўзгудагидек) инъикоси бўлмай қолганлиги, унинг томонидан ҳаётнинг янги формаларини яратувчи актив, революцион-ўзгартувчи куч сифатида қаралаётганлиги равшан бўлмай қолган бўлса, ана шу барча «агар»лар учун биринчи навбатда Геростратнинг ёлғондакам шуҳратига шерик бўлмаслик учун марксизм принциплари хусусида саёз баёнотлар бериш хоҳишини ўзининг қарийб жисмоний ҳис этиладиган интеллектуал қудрати билан қайтара оладиган ҳақиқий марксизм образини яратиши керак бўлган кишилардан сўраш лозим эмасмикан?

* * *

Шундай қилиб, догматик жўнлик сиқувидан халос этилган жамиятшунослик фикри замонамизнинг кенг доирасидаги проблемаларини тадқиқ қилишга ғайратлироқ киришишига шошилинч эҳтиёж бор. Улар ўз бурчларини марксча-ленинча методология ёрдамидагина бажара оладилар. Лекин ундан афсун воситаси ёхуд ҳар қандай фактлар маҳорат билан жойлаштириладиган универсал андоза сифатида эмас, балки уларни объектив анализ қилиш воситаси сифатида фойдаланиб, жамиятшунослик мустақил ва илмий нуқтаи назардан олганда тўлақонли ечимлар беришга қодир. Бинобарин, вазифа ушбу методологиядан воз кечишдан эмас, балки уни янада чуқур ўзлаштириш ва ижодий қўлланишдан иборатдир.

Тўғри, ҳозир биз Маркс ва Ленинниннг баъзи ғояларини янгича англаш пайти келди деб эътироф этяпмиз. Лекин бу нарса марксизмнинг система ҳосил қилувчи дунёқарашга доир фаразларини шубҳа остига қўювчи охиригача ўйланмаган ва чала-чулпа хулосалар билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Ҳолбуки, улар орасида ҳал қилувчи фаразлар бўлган философик материализмсиз марксизм мукаммал система бўла олмайди. Акс ҳолда бошқа назариялар орасида ўзининг теранлиги ва мукаммаллиги билан қудратли тарзда устун турувчи замонамизнинг буюк таълимоти ўрнига қаршимизда бир-бири билан мослашуви мушкул бўлган қараш ва фикрларнинг эклектик қоришмаси пайдо бўлади. Шундай қилиб биз бугунги кунда ҳам Ленинниннг Энгельс асарига берган баҳосига амал қиламиз: «Анти-Дюринг»нинг **ҳар бир параграфида** масала: ё охиригача изчил материализм, ёки философик идеализмнинг ёлғон-яшиқларини ва чалкашликларини пеш қилиш деган тахлитда қўйилган...» (ТАТ, 18-том, 404-бет).

Ленин учун материализм марксизмнинг философик негизи сифатида қанчалик муҳим бўлганлигини шундан кўриш мумкинки, ундан ҳар қандай чекинишни, материализм билан идеализм ўртасидаги туб қарама-қаршиликни силлиқлашга ёхуд уларни марксистик философия асосида яраштиришга интилишни у аввал бошиданоқ рад этар, қабиҳ ревизионизм сифатида қоралар эди. Агар бундай ревизия қилиш марксизмни яхшилаш ҳамда ёлғондакам бир ёқламалилигини ва назарий

пуризмини бартараф этиш шиори остида олиб борилса,унинг танкиди шафкатсиз характер касб этарди.

Юкорида тилга олинган дунёкарашга доир чалкашликларга келадиган бўлсак, уларни, ленинча мезонлардан келиб чикадиган бўлсак, философик ревизионизм сифатида таърифлаш мумкин бўлмаса керак. Хеч бўлмаганда икки хил мулохазага кўра бундай килмаслик тўғри бўлади. Биринчидан, уларнинг авторлари Марксга «тузатиш» киритишга, хатто уларнинг фикри марксистик (материалистик) анъана окимида харакат килаётгани хусусида хам хеч кандай даъво килмаяптилар. Иккинчидан, бундай баёнотлар нафакат марксистик философия доирасидан, балки профессионал философик маданиятдан хам ташкарида туриб изхор килиняпти. Хар кандай дилетантлик мулохазалари сингари, улар хам яккол кўриниб турган назарий ожизликлари туфайли, шундай ифодалаш жоиз бўлса, айбсизлик презумпцияси химоясида турибдилар. Ревизионизм хусусида сўз борганда эса, Ян Гус каби: «Мукаддас соддадиллик!» деган сўзларни айтиб бўлмайди.

Лекин шунга карамай назарий нуктаи назардан олганда асоссиз бўлган, марксистик дунёкарашнинг материалистик негизларини аста-секин ўпириб борувчи бундай фикрлар уларни айникса якка-ёлғиз бўлмай колган пайтда танкидий жавобсиз колдирсак, аслида баъзан туюлиши мумкин бўлганидек бунчалик беозор бўлиб колмайди. Шундан келиб чиккан холда жамиятшунослар ўз вазифаларини равшан тушуниб олишлари керак. Хозир биз ўрганаётган тўлаконли мулокот учун унда иккала томон иштирок этиши зарурдир.

(«КОММУНИСТ ГРУЗИИ», 1988, № 10).

Олтмишинчи йилларда газета ва журналларда, биология дарсликларида: «Механизация плюс қишлоқ хўжалигини химиялаштириш», деган жумла тез-тез учраб турганлигини хотирласангиз керак. Уша пайтларда химиялаштириш мамлакатни озиқ-овқат кризисидан олиб чиқишга ёрдам берадиган, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини кучайтирадиган, деҳқонлар меҳнатини енгиллаштирадиган, экинларни заракунандалардан ҳимоя қиладиган деярли яккаю-ягона воситадек туюлган эди. Мана орзулар амалга ошди ҳам. Ҳозирда ҳар йили миллиардлаб сўмлик турли химиявий моддаларни: пестицидлар, гербицидлар, минерал ўғитларни ишлаб чиқарадиган етарлича қудратли саноат бунёд этилган. Хўш, бугун нима бўлди? Ана шу миллиардлар ҳисобига қишлоқ хўжалигимиз гуллаб-яшнадими?

Афсуски, қишлоқ хўжалигидаги аҳвол кўпроқ тескарисини кўрсатяпти. Химиялаштиришга қарамай, балки, унинг туфайли, деб ҳисобламоқда баъзи мутахассислар, биз дон экинлари ҳосилдорлигини оширмадиккина эмас (химияни ғоят интенсив қўлланиш йилларида у негадир камайиб кетди), балки, қўшимча равишда бир қатор ўткир проблемаларга ҳам эга бўлиб қолдик. Қуйида СССР ФА мухбир аъзоси Алексей Владимирович ЯБЛОКОВ бу проблемаларнинг баъзиларини анализ қилиб беради. А. В. Яблоковга саволларни «Знание — сила» журнали мухбири Виктор ПОПКОВ берган (журналнинг 1988 йил 9-сонига қаранг).

ПЛЮС—МИНУС ХИМИЯЛАШТИРИШ

Узоқ вақт мобайнида министрликлар, идораларнинг намояндалари химиявий моддаларни ишлатиш табиат ва инсон учун мутлақо хавфсиз деб жамоатчиликни ишонтириб келишди. Лекин аслида бундай эмас.

Масалан, пестицидларнинг 90 процентдан кўпроғи ўз кўзланган мақсадига етиб бормай, муҳитга тарқалиб кетади. Пестицидлар буғланиш натижасида ҳавога қўшилиб кетади. Муайян шароитда баъзи пестицидларнинг 50 процентгача қисми далаларга ишлов берилгандан сўнг ўтган бир ҳафта мобайнида атмосферага чиқиши мумкин. Табиатга чиққан химиявий бирикмаларнинг анчагина қисми эртами-кечми ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар организмида тарқалиб кетади ёки ёруғлик, намлик, температура таъсирида парчаланади. Заҳарловчи моддалар парчаланганда бир хил токсик хусусиятларни йўқотиш, айни маҳалда бошқаларига эга бўлиши мумкин. Нисбатан хавфсиз моддалар қўшилишидан баъзан кучли заҳарлар ҳосил бўлади.

Пестицидларнинг жонли табиатга таъсир кўрсатиш характери нафақат температура, эритилганлик, намлик ва бошқа сабабларга, балки таъсир кўрсатиладиган организмлар «соғлиғининг ҳолатига» ҳам боғлиқ бўлади. Қолаверса, химиявий моддалар эркак ва урғочи, ёш ва қари организмларга, урчиш даврининг бошида ёки охирида турган урғочи организмларга турлича таъсир кўрсатади. Масалан, сув температураси қисқа вақт ичида атиги бир неча градус оширилганда, яъни ҳавзалардаги температуранинг бир суткалик ўзгариб туриши чегарасида ўзгарганида баъзи гербицидларнинг балиқларга кўрсатадиган токсик таъсири икки баробар кучаяди.

Ҳайвонлардаги ўз ҳаёт циклларининг мураккаблиги туфайли ҳам пестицидларнинг таъсирини прогнозлаш қийин. Масалан, кўршапалаклар ва кўчманчи қушлар пестицидлар билан айнан заҳарланган жойларда эмас, балки организмнинг барча ёғ резервлари сарфланиб бўлган мавсумий учишлар тугаллангач ҳалок бўладилар. Ёғлар пестицидлар нисбатан ноактив формада тўпланиб борувчи ўзига хос «депо» бўлиб хизмат қилади. Лекин ёғлар сарфланиб борган сари заҳар кўп миқдорда организмга ўта бошлайди ва натижада ҳайвон ҳалок бўлади.

Пестицид ва минерал ўғитларнинг ўттиздан етмиш процентгача қисми ҳавзаларга тушади. Натижада, мисол учун, Тожикистонда 1980 йилга келиб маҳаллий балиқларнинг 10 процентдан ортиғи йўқолиб кетиш хавфи остида қолди. Горький областида балиқларнинг 57 туридан 21 таси қишлоқ хўжалик оқова сувлари таъсирида қирилиб кетди.

1983 йилнинг ўзидагина балиқлар ҳалок бўлгани учун мамлакатда 54 минг мансабдор

шахсга жарима солинди (асосан пестицидларни сақлаш ва ишлатишга доир инструкциялар бузилгани учун).

М у х б и р: —54 минг — бу кўпми ёки озми?

А. Я б л о к о в: — Ҳар ҳолда бузилишларнинг умуман миқдорига қараганда анча кам. Практикадан маълумки, майда бузилишлар қайд этилмайди ва жазога тортилмайди.

М у х б и р: — Ушбу бузилишларни аниқлаш билан ким шуғулланади?

А. Я б л о к о в: — Рибвод. Балиқларнинг ҳалок бўлиши фактлари текшириш учун сигнал бўлиб хизмат қилди. Албатта, пестицидларни сақлаш қоидаларининг бузилиши фақат балиқларгагина тааллуқли эмас. Менимча, бундай бузишлар миқдори ўнларча эмас, балки юз мингларчадир...

М у х б и р: — Бошқача қилиб айтганда, пестицидлардан фойдаланиш практикамизда қонунни бузишлар миқдори оз эмасми?

А. Я б л о к о в: Қоидалар-ку мавжуд, улар жуда қатъий; агар улар қўлланилганда эди, пестицидлардан келадиган зарар анча кам бўларди, лекин, менинг назаримда, барибир, бу зарар йўл қўйиб бўлмас даражада катта бўлиб қолаверар эди. Ўзингиз кўриб турибсиз, бунчалик кучли заҳарловчи моддаларнинг жонли организмга таъсирини прогнозлашнинг ўзи катта илм, эҳтимол, маҳоратдир. Бунда қўлланилаётган моддаларнинг об-ҳаво ва бошқа факторларнинг аҳамияти турлича бўлган шарт-шароитларда экосистемага таъсирини чуқур билишгина эмас, балки, ҳар қанча ғалати туюлмасин, ана шу факторлар ўзгаришининг боришини олдиндан билишда ўткир интуиция ҳам керак бўлади... Айтайлик, сиз одатда тупроққа тушгунча бир қатор хавфсиз бирикмаларга бўлиниб кетишга улгурадиган препарат бўлмиш фунгицидни ишлатмоқчисиз. Лекин илиққина ёмғир ёғиб ўтсин-чи; шунда фунгицид тупроқ остига 30—40 сантиметр чуқурга сингиб кетиб, у ердаги ёмғир чувалчанглари, ҳашаротлар ва жонли организмларнинг барини ҳалок этади. Албатта, бундай хатога ҳамма ҳам йўл қўйиши мумкин, лекин ҳар ҳолда тажрибали мутахассис бунга йўл қўймайди. Таассуфки, бундай мутахассисларимиз жуда оз. Ривожланган мамлакатлар билан қиёслаганда, бизда пестицидлар устида ишловчи мутахассислар ўнлаб эмас, балки юзлаб маротаба кам!

Ана шунинг учун ҳам биз пестицидлардан жуда нодонларча фойдаланяпмиз.

Баъзан ҳозирги пестицидлардан кичик ва ўта кичик дозаларда фойдаланилаётгани учун ҳам уларнинг табиатга кўрсатаётган таъсири гўё катта бўлиши мумкин эмас деб даъво қилишади. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларида трипаносомоз тарқатувчи цеце пашшасига қарши курашиш мақсадида Кот-д'Ивуар республикасида қайирдаги ўрмонларга заҳарли химикатлар билан ишлов берилган эди. Натижада чучук сувларда яшовчи эллик беш турдаги балиқдан ўн бир тури қирилиб кетди, цеце пашшасига эса ҳеч нарса бўлмади!

Қушлар ва сут эмизувчиларда кўпгина пестицидлар қонда жиддий ўзгаришларга сабаб бўлади. Пестицидларнинг юқори даражада концентрацияланиши қушларнинг хулқ-атворига ҳам таъсир кўрсатади, улар даб-дурустдан одамлардан ҳамда ўзларининг бошқа душманларидан қўрқмай қўйишади.

Пестицидларнинг ҳатто жуда оз дозалари ҳам иммунитетни ишдан чиқаради. Масалан, ана шу бирикмалардан бирининг таъсири остида оқ каламушларнинг ўлат инфекциясига чидамлилиги йўқолади.

Химиялаштириш биосферага олиб келадиган бошқа хавф-хатарларнинг ичида яна бири борки, уни доллар ёки сўмларда баҳолаш мушкул, лекин, у, эҳтимол, яқин ўн йилликлар ичида биринчи ўринга чиқса керак. Сўз биосферадаги ҳаётни таъминлаш системаларининг, биринчи навбатда чучук сувлар ва атмосфера ҳавоси таркибини сақлаш системаларининг бузилиши хусусида боряпти.

М у х б и р: — Марҳамат қилиб, сув таркибини, атмосфера таркибини сақлашга доир биосфера системалари хусусида бир оз батафсилроқ сўзлаб берсангиз. Нима учун химиявий моддалар уларнинг ишига бундай таъсир кўрсатяпти?

А. Я б л о к о в: — Дарё ва кўллардаги сув ўз ҳолича мусаффо бўлиб қолмайди. У тупроқдалик чоғидаёқ миллиардлаб жонли организмлар орқали ўтгани учун ҳам мусаффодир. Яъни, тупроқдаги замбуруғлар, чувалчанглар ва ҳоказолар орқали ўтади. Сўнгра уни жилға ва botқоқликларда моллюскалар, сув ўтлари, бошқа жонли мавжудотлар фильтрлайди. Тадрижий ривожланиш натижасида шундай ҳол шаклланган: биз жонли дунёнинг бир қисмимиз ва жонли дунё ишининг натижаси бўлган сувни истеъмол қиламиз. Ҳатто саноат сувларини регенерациялаш чоғида ҳам бу қоидани ҳисобга олишга мажбурмиз,— уларни тозалашнинг пировард босқичларида доимо биологик фильтрлар, актив балчиқлар иш беради.

Айтайлик, Байкал суви нима учун жуда ҳам тиниқ? Чунки унда яшовчи эпишур қисқичбақачалари бутун Байкал сувини йилига бир неча марта ўзларидан ўтказадилар. Қисқичбақачаларни йўқ қилсангиз, Байкалнинг бошига ҳам чақағон ҳашаротларга қарши курашиш учун мўлжалланган химиявий моддалар билан ишлов берилган БАМдаги ҳавзалар аҳволи тушиши мумкин. Балчиқда ва сувни фильтрловчи нарсаларда яшовчи чивин личинкаларини йўқотиш сувнинг сифати кескин ёмонлашишига олиб келди.

Биологик тозалаш жараёнлари атмосферада ҳам боряпти. Биз нафас оладиган ҳаво жонли олам эволюциясидан миллиардлаб йил олдин шаклланган. Ўсимликларнинг авлодлари ҳавога кислород чиқариб, ундан карбонат кислота олиб турган, атмосферани фитонцидлар билан тўйинтирган. Агар биз планетамизнинг катта кенгликларида унинг яшил қопламини тугатсак ёки ҳеч бўлмаганда зичлигини камайтирсак, бу билан атмосферанинг газ таркибини бузамиз, ундаги кислороднинг миқдорини камайтирамиз.

Билимларимиз ошиб борган сайин химиявий моддалар таъсирининг янгидан-янги жиҳатлари маълум бўлиб боряпти. Чунончи, яқин вақтгача ифлосланишга доир тестларнинг кўпчилигида химиявий моддаларнинг ҳужайрага таъсиригина ҳисобга олинарди. Ҳозир соғлиққа таъсир кўрсатмайдиган дозалар ҳужайралараро ахборот ташишни тормозлаши исботланган.

Кўпгина пестицидлар таъсирида биомембраналарнинг ўтказувчанлиги, бинобарин, ҳужайраларнинг бутун нормал фаолияти бузилади. Баъзи бир пестицидлар жигар фаолиятини ишдан чиқаради ёки ёмонлаштиради, гормонлар активлигини йўқотади, натижада урчиш секинлашади. Бунинг устига ҳайвонларнинг турли группа ва турларида ана шу моддаларга нисбатан таъсирчанлик кескин фарқли бўлиб чиққан. Масалан, иссиққонли ва бўғимоёқли ҳайвонларда таъсирчанликдаги тафовут минглаб ва ҳатто ўн минглаб маротабага етади. Ўз ҳолича заҳарли бўлмаган кўпгина моддалар бирикмалар таркибида ҳалокат келтиради. Шу сабабли барча мамлакатларда қабул қилинган химиявий моддаларнинг хавфсизлигини уларнинг айрим ҳолда алоҳида ажратиб олинган ҳолдагина таъсир этиши асосида текшириш методлари уларнинг жонли табиатга таъсири ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. Ушбу соҳадаги билимларимиз доим етарли бўлмай қолаверади, хавф-хатар спектри ҳам қисқариши ўрнига кенгайиб боради. Пестицидлар ҳозирги цивилизациянинг «Троя оти» (ҳеч кутилмаган хавф-хатари) бўлиб қолмоқда. Шуни қўшимча қилиш керакки, СССРда ҳам, баъзи бошқа мамлакатларда ҳам биосферадаги пестицидлар ва уларнинг метаболитлари мавжудлиги устидан назорат жуда суст олиб бориляпти. Масалан, 1986 йилда Ростов-Дон областида сув муҳитининг ифлосланишини баҳолашга доир барча лабораториялар сув ҳавзаларида учрайдиган 128 пестициддан атиги 20 тасини ҳисобга олиш учун жиҳозланган эди, умуман мамлакатда қўлланиш учун рухсат этилган тўрт юздан ошиқ пестициддан атиги ўттизтачасининг муҳитдаги таркиби назорат қилинади.

Пестицидларни қишлоқ хўжалигида қўлланишдан аввало экинлар ва тупроқ зарар кўради. Пестицидлар экосистемадаги турларнинг хилма-хиллигини кескин равишда камайтира бориб, тупроқдаги жонли организмларга — чувалчанг, ҳашарот, микроорганизмларга доимо салбий таъсир кўрсатади. «Химия» тупроқнинг биологик активлигини йўқ қилади. Ҳиндистон ва Индонезиянинг баъзи районларида, ўзимизнинг Молдавияда ҳам шакарқамиш етиштиришда инсектицидлардан интенсив фойдаланиш натижасида тупроқ стерилланиб қолган. Тупроққа минерал ўғитлар ва пестицидлар узоқ вақт мобайнида солиниши натижасида тупроқларда ўзидан заҳар ажратувчи микроорганизмлар ривожлангани ва далалар қишлоқ хўжалик ўсимликлари учун хавфли бўлиб қолганлиги ҳодисалари маълум.

Тупроқ биологик-буранг жисм бўлиб (В. И. Вернадскийнинг таърифига кўра), унда биологик ва буранг системалар диалектик бирликни ташкил этади ва бир-бирининг ўрнини эгаллай олмайди. Лекин қишлоқ хўжалигини химиялаштириш, ирригациялаш ва механизациялаштиришнинг кенгайиши тупроқнинг ҳосилдорлигини сақлаб туришда тупроқ экосистемаларининг роли пасаймоқда, деган хавфли алданишни юзага келтирди. Аслида хўжаликни бундай юритиш натижасида тупроқдаги организмлар миқдори камайиб боряпти, инсон тупроқни ишдан чиқараяпти. Эслатиб ўтмоқчиман, Ноқоратупроқ зонанинг қайир тупроқларида яқингача ҳар бир квадрат метрга уч юзтача ер чувалчанги тўғри келар эди. Ҳозир уларнинг сони бу ерда ўн ва юзлаб маротаба камайиб кетди. Зеро, улар яқингача ўз ичакларидан ҳар йили ҳар бир гектар ерда юзлаб тоннагача тупроқни ўтказар эди.

М у х б и р: — Кечирасизу, лекин Скандинавия мамлакатларида ҳам стерилланган тупроқлар мавжуд бўлса керак, янглишмасам?

А. Я б л о к о в: — Янглишяпсиз. Мен яқиндагина Швециядан қайтиб келдим. Скандинавиядаги тупроқларнинг аксарияти стерилланган деган тасаввур жуда янглиш тасаввур. Баъзи Ғарб давлатлари, шу жумладан Швеция ҳам, пестицидлар, минерал ўғитлар қўлланиши натижасида тупроқнинг табиий ҳосилдорлиги жиддий равишда пасайган даврдан ўтиб бўлишган.

М у х б и р: — Шундай бўлсада улар «химия»дан ҳам воз кечмаяптилар.

А. Я б л о к о в: — Воз кечяптилар. Органик фермалар борган сари кўпайиб боряпти. Қўшма Штатларда етти йил аввал улар 10 мингта эди, 1986 йилга келиб эса 20 минг ферма на минерал ўғитларни, на пестицидларни ишлатяпти. Ҳозирча улар фермаларнинг умумий миқдорида катта процентни ташкил этмасада, лекин уларнинг кўпайиш тенденцияси яққол сезилиб турибди.

Бундан ташқари, одат тусига кириб қолганидек, бизни Ғарб билан тўғридан-тўғри қиёслашга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Улар минерал ўғитларнинг бунча миқдоридан фойдаланадилар, бизларда эса бу кўрсаткич уч баравар кам, биз бунча миқдорда кам пестицид-

лар ишлатамиз каби... Лекин бизларда ишлов берниладиган майдонларнинг 80 процентида, АҚШда эса 60 процентдан сал кўпроқ майдонда пестицидлар ишлатилади; бизда жуда кўп миқдорда пестицид сабзавот ва меваларга сепилади, АҚШда эса у асосан техника экинларига ёки маккажўхорига солинади, бунинг устига маккажўхори хомлигича эмас, одатда пишириб истеъмол қилингани учун ундаги кўпгина пестицидлар парчаланиб кетади.

Инсон кўпгина озиқ-овқат занжирларининг юқори қисмидан ўрин олган. Айни шу сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотининг химиявий моддалар билан ифлосланиши соғлиғимиз учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкин ва олиб келяпти ҳам. Асосан у ёки бу тармоқда ишлайдиган кишиларга таъсир кўрсатувчи саноат йўли билан ифлосланишлардан фарқ қилиб, пестицидлар барча аҳолига таъсир кўрсатади, чунки улар атроф муҳитга махсус равишда киритилади ва планетанинг исталган нуқтасига кўчиб ўтади.

Пестицидлар «кишилар ва ҳайвонларнинг озиқ-овқат занжирларига тушишда ҳеч қандай оқибат ҳамда жонли организмларнинг хилма-хил турлари учун жиддий экологик оқибатлар келтириб чиқармаслиги кераклиги» хусусида кенг тарғиб қилинаднган идоравий талаб аслида хомхаёлдан бошқа нарса эмас. Истисносиз барча пестицид ва гербицидлар синчиклаб текширилганда жонли табиатга ва инсонга ё мутаген, ё бошқача салбий таъсир кўрсатиши аниқланган. Жаҳон практикаси инсонни заҳарламайдиган пестицидларнинг йўқлигидан далолат бермоқда.

СССР ва чет элда пестицидлардан тасодифий заҳарланишларининг анализи кўрсатишича, ҳар юзта заҳарланиш ҳодисасининг атиги эллик олтитаси касб билан боғлиқ бўлган, қолган қирқ тўрттаси эса пестицидлар билан профессионал алоқаси бўлмаган кишилар, айниқса болалар ҳиссасига тўғри келган.

Ҳатто жуда оз дозадаги хлорорганик бирикмаларнинг ҳам ҳомиладорлик боришига, айниқса туғиш вақт-соатига етган даврда салбий таъсир кўрсатиши аллақачон исботланган. Венгрияда фосфорорганик пестицидлар билан алоқаси бўлган аёлларда бола ташлаш ҳамда майиб-мажруҳ болалар туғиш миқдори сезиларли кўпайган. Польша районларининг бирида ҳомила ривожланишида аниқланган 135 аномалиянинг 49,9 проценти оналари ушбу районда пестицидлардан интенсив фойдаланилган даврда ҳомиладор бўлган чақалоқлар ҳиссасига тўғри келган.

Паркинсон касаллигининг Канадада текширилган беш мингдан ортиқ ҳодисасини анализ қилиш асосида паркинсонизмнинг ушбу жойда пестицидлардан фойдаланишга юқори даражада боғлиқлиги аниқланган. АҚШдаги пахта ва сабзавот далаларида пестицидлардан фойдаланиш интенсивлиги билан ана шу районлар аҳолисининг умуман ракдан вафот этиши ўртасида боғлиқлик бор.

АҚШ Миллий фанлар академиясининг маълумотларига қараганда, 1986 йили АҚШда қўлланилган гербицидларнинг 60 ва инсектицидларнинг 30 проценти онкоген бўлган.

Пестицидлар ишлаб чиқарилишининг ўзиёқ жуда хавфли эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Фосфорорганик пестицидларнинг бутун бир группаси биринчи бор химиявий қурол ишлаб чиқарувчи лабораторияларда кашф этилганлиги бежиз эмас. Баъзи бир пестицидлар, масалан, полихлорфенол ишлаб чиқарилиши жараёнида қўшимча ҳамда амалда кўз илғамас маҳсулотлар сифатида диоксин ва бензофуран, яъни ҳозирда маълум бўлган моддалар ичида балки энг токсик бўлган моддалар ҳосил бўлади.

Мамлакатимизда пестицидларнинг аҳоли касалланишига таъсир кўрсатиши Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон, РСФСРда аниқланган. Украинанинг пестицидлардан юқори даражада фойдаланиладиган районида яшовчи аҳоли группасида ҳужайраларда ўзгаришлар борлиги аниқланган. Улар муқаррар равишда кейинги авлодда генетик патологияга олиб боради. СССРнинг пестицидлардан интенсив фойдаланиладиган зоналарида улардан чекланган даражада фойдаланилувчи зоналарга қараганда ҳомиладорлик патологияси 15—18 процент кўпроқ учрайди. СССРда туғма нуқсон билан туғилувчи чақалоқларнинг энг кўп миқдори Ўрта Осиё ва Молдавия учун — аҳоли жон бошига пестицидлар энг кўп миқдорда қўлланилувчи регионлар учун характерлидир. Пестицидлар билан ишловчи ўн кишидан биттаси жиддий касаллик орттиради. Энг кўп касалланиш Молдавия, Тожикистон ва Ўзбекистонда қайд этилган. Ўзбекистонда баъзи районлар аҳолисининг 40 процентида асаб системаси ва жигарда бузилишлар аниқланган. Молдавияда касби тақозоси билан пестицидларга дахлдор бўлган кишилар ўртасида умумий касалланиш кўрсаткичи юқоридир. Химиялаштириш максимал даражада бўлган аҳоли пунктларида болаларнинг умуман касалланиши энг кам даражада химиялаштирилган аҳоли пунктларининг ана шундай кўрсаткичидан уч ярим баравар ошади.

М у х б и р: — Лекин биз ҳозирча пестицидлардан ва бошқа биологик актив моддалардан фойдаланишга мажбурмиз. Ҳозир муҳитнинг ана шундай ифлосланиши соғлиққа кўрсатаётган таъсирни камайтириш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларига махсус паспортлар илова қилишимиз керак бўлади. Уларда ушбу маҳсулотларни доим ёки вақти-вақти билангина истеъмол қилиш мумкинлиги кўрсатилиши керак. Масалан, Швецияда Болтиқ денгизи балиғини ҳафтада бир марта истеъмол қилиш тавсия қилинади, биз эса умуман истеъмол қилинса бўладими-йўқми, ўйлаб ўтирмай ҳар қандай балиқни ҳам истеъмол қилаверамиз...

А. Яблоков: — Биз биламиз. Куйбишев сув омборидан тутилган лешчни еб бўлмайди, Балхаш балиғини ейиш хавфли, Азов ва Қора денгиздан тутилган балиқда зарарли моддалар мавжудлиги йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетиш арафасида.

Мухбир: — Лекин бу борада ана шу районларнинг балиқ маҳсулотида ҳеч қандай огоҳлантиришларни топмайсиз. Улар эса ортиқчалик қилмас эди, тўғрими?

А. Яблоков: Албатта. Амал қилиниши керак бўлган санитария нормалари бор. Лекин ҳамма бало шундаки, биз озиқ-овқат маҳсулотининг атиги уч процентини санитария назоратидан ўтказамиз, бунинг устига химиявий ифлослантирувчиларнинг жуда оз миқдорини гина ҳисобга оламиз.

Химиялаштиришдан қандай сақланса бўлади? Бундай савол туғилганда, чунончи, бош оғриғи қонда анальгин йўқлиги туфайли пайдо бўлмаганидек, зараркунандалар ҳам муҳитда пестицидлар етишмаслигидан пайдо бўлмаслигини унутмаслик керак. Агроэкосистемаларда зараркунандаларнинг пайдо бўлиши даставвал ўзимиз бундай системаларни бошқара олмаслигимизни кўрсатади.

Ўсимликлар ҳимоясини ҳал қилишнинг учта стратегияси мавжуд: химиявий ҳимоя қилиш методлари, қишлоқ хўжалигини юзаки ва чуқур экологиязациялаш.

Химиявий моддалар кўпинча тескари оқибатларга олиб келади. Эллигинчи йилларгача ғўзага зарар етказувчи асосий турлар ғўза узунбуруни ва кўсак қурти эди. Пахта далаларида ДДТ ва токсафендан кенг фойдаланиш оқибатида энди ғўза тунлами, тамаки листоверткаси, шира, ўргимчаккана, пяденицага ҳам қарши курашишга тўғри келмоқдаки, дастлабки икки тур йўқ қилингандан сўнг буларнинг миқдори кўпайиб кетди.

1984 йили АҚШ Миллий фанлар академияси томонидан ўтказилган резистентлик (мослашувчанлик) проблемаларига бағишланган халқаро конференцияда эътироф этилганидек, резистентлик пайдо бўлишига қарши курашнинг қониқтирарли ва универсал йўллари мавжуд эмас. Масалан, кейинги йилларда «химия»га мослашган бўғимоёқлилар миқдори икки ҳисса ошди —224 турдан 447 турга етди. Ғўзанинг душмани бўлган, 25 турга мансуб кўнғиз, кана ва капалак қурти эндиликда инсектицидларни писанд қилмаяпти.

Резистентлик ўсиши ва пестицидлардан фойдаланишнинг ҳозирги суръатларида асосий зараркунандаларнинг барча икки минг тури 70—75 йилдан сўнг «химия»га кўникиб қолади. Пестицидлар кўпинча зараркунандаларнинг кўпайишига йўл очиб беряпти. Чунончи, масалан, ДДТ, диэлдрин ва паратионнинг сублетал дозалари Колорадо қўнғизининг «туғилувчанлиги»ни 33—65 процентга кўпайтиради.

Мухбир: — Бу нарса нима билан боғлиқ?

А. Яблоков: — Билолмадим. Биз, зеро, жуда кўп нарсаларни ҳалигача билмаймиз. Фақат фактлар хусусидагина сўзлаш мумкин. Масалан, суғурлар маконига химиявий воситалар билан ишлов берилгач, уларнинг кўпайиши кескин равишда интенсивлашиши маълум. Нима учун? Номаълум. Мен зоолог сифатида шуни айта оламанки, пестицидлар қўлланилгач ҳам шундай бўлади, биз йўқотмоқчи бўлган нарсалар янада кўпайиб кетади.

Мухбир: — Алексей Владимирович, миқдорнинг ўсишига нафақат пестицидлар, балки баъзи бир агротехник усуллар ҳам имконият яратиб берадими?

А. Яблоков: — Шундай. Даланинг ҳамма ерига бир хил экин экилиши туфайли зараркунандаларнинг сони ўсмоқда. Яъни, ўзимиз бунга йўл очиб бермоқдамиз. Ана шу далада, албатта, сони унча кўп бўлмаган турлар ҳам бор, лекин улар ҳам кўпайиши мумкин. Бунда ҳамма нарса табиий танлаш, «илиб олиши» мумкин бўлган янги мутация қанчалик тез пайдо бўлишига боғлиқ. Тур қанчалик кам сонли бўлса, резистент мутацияси пайдо бўлишининг эҳтимоли шунчалик оз бўлиши тушунарли... Менинг назаримда, одамларда ҳам пестицидларга нисбатан резистентликни ҳосил қилишимиз мумкин. Тажрибанинг кўрсатишича, бунинг учун жонли мавжудотларнинг аксариятига ўндан то ўттизгача авлод талаб этилади. Лекин агар маккажўхори капалагининг уч авлоди бир йилни ташкил этса, у инсонларда олтмиш йилга тенг, пестицидларнинг ўртача ҳаракат ҳаёти эса салкам ўн йилни ташкил этади. Сўнгра унинг ўрнига хавфлилиги жиҳатидан қолишмайдиган бошқа модда келади.

Пестицидларни қўллашдан воз кечиш ва қишлоқ хўжалигининг экологик асосланган формаларини ривожлантириш қишлоқ хўжалигини олиб боришнинг ягона тўғри стратегиясидир. Химиявий ҳимоя воситалари эса танг вазиятлардагина жадал аралашиш қуроли бўлиб қолиши, лекин ҳар кунги практикага айланмаслиги керак.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши энергияни камроқ тежовчи ва табиатни кўпроқ муҳофаза қилувчи соҳа бўлиб қолиши керак, бунга эришишнинг ягона йўли эса қишлоқ хўжалигига илм-фанни кўпроқ татбиқ этишдир.

Академик Д. Н. Прянишниковнинг машҳур иборасини сал ўзгартириб такрорлаш мумкин: ўсимликлар биологияси ва уларнинг ҳар бир конкрет далада яшаш муҳити хусусиятлари соҳасида билим етишмаслигини пестицид ҳамда ўғитларни мўл-кўл ишлатиш йўли билан тўлдириш мумкин эмас.

Ҳозир мамлакатимиз турли регионларидаги ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизм-

лар экологиясига доир, асосийси — бошқариладиган агроценозлар экологиясига доир ишлар жуда зарур.

Пестицидлардан фойдаланишнинг иқтисодий асослари ишлаб чиқилиши керак, бунда уларни қўлланишдан олинадиган қисқа муддатли самарагина эмас, балки биосфера, инсон хўжалиги ва соғлиғи учун келтирадиган узоқ муддатли оқибатлари ҳам эътиборга олиниши керак.

М у х б и р: Яна бир нозик масала. Бизда, маълумки, наркотикларни истеъмол қилишга қарши интенсив ҳужум олиб бориляпти, шунга боғлиқ равишда ёввойи нашазорларга қарши курашда гербицидлардан фойдаланишга доир планлар бор. Ўрмон хўжалиги учун тоғ-терак, қайинни йўқ қилувчи дефолиантлар тавсия қилиняпти. Бу нарса, афсуски, практикага айланиб бўлди.

А. Я б л о к о в: Мен бундай ёндашишни нотўғри деб ҳисоблайман. Биз фойда олишдан кўра кўпроқ зарар келтирамиз. Қорақарағай ўрмони етилиши учун у саксон-юз йил умр кўриши керак. Химиявий ишлов беришдан сўнг йигирма-ўттиз йил ўтгач у қандай ўсишини ҳозир ҳеч ким айтиб бера олмайди. Ўрмон учун бундай «ғамхўрлик» қимматга тушади.

Кенг миқёсдаги химиялаштириш тарафдорлари, одатда, заҳарли моддалар қўлланилмаса қишлоқ хўжалиги ҳалок бўлади ва биз очликдан ўламиз, дейдилар. Америка қишлоқ хўжалигининг муваффақиятларини тез-тез мисол қилиб келтирадилар. АҚШ ва Ғарбдаги бир қатор бошқа мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг катта иқтисодий самарадорлиги хусусида гапирганларида, одатда, кейинги ўн беш йил ичида у ерда ҳосилдорликнинг ўсиши қазиб олинадиган ёқилғи такрор ҳосил қилинмайдиган энергияси нопропорционал катта сарф-харажатларининг оқибати эканлигини унутиб қўядилар. Ушбу энергиянинг каттагина қисми химиявий моддаларни тайёрлашга кетади. Ташқаридан энергия келиб турган тақдирдагина маҳсулот ўсиши давом этиши мумкин бўлгани учуноқ америкача йўл қолган дунё учун намуна бўла олмайди. АҚШда интенсив технологиялар тупроқ қопламининг бузилишига олиб келаётганини қўшимча қилмоқчиман. АҚШ маккажўхори минтақасида тупроқнинг йиллик ювилиб кетиши гектарига ўртача 20 тоннани ташкил этади, бу эса йўл қўйиладиган эрозия нормасидан икки ҳисса ортиқдир. Тупроққа қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг амалда барча чиқиндилари, салкам 750 миллион тонна қуруқ органик модда солиниши билан ҳам АҚШ қишлоқ хўжалиги бизникидан тафовут қилишини илова қилмоқчимиз.

Муайян маҳсулот турини муайян вегетация мавсумида ишлаб чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатларнигина ҳисобга олгани учун химиялаштиришнинг юксак иқтисодий самарадор эканлигини даъво қилиш моҳият жиҳатидан нотўғридир. Бунда пестицидлардан узоқ муддат мобайнида фойдаланиш оқибатлари бўлмиш тупроқ эрозияси, уларда чиринди миқдори камайиши, тупроқ флораси ва фаунасининг йўқ қилиниши ҳамда умуман жонли табиатга келтирадиган салбий оқибатлари эътиборга олинмайди.

Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, табиий чанглатувчиларни йўқотиш туфайли ҳосилдорлик пасайишининг ўзидангина СССР қишлоқ хўжалиги ҳар йили кам деганда икки миллиард сўм зарар кўрмоқда! АҚШда эса у 4 миллиард долларга тенг, яъни пестицидлар ҳосилни сақлаб қолган ҳолда келтирилаётган фойданинг 30—40 процентини ютиб юбормоқда.

Химиявий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш — бутун жамиятга узоқ муддат мобайнида зиён келтириши ҳисобига айрим идоралар томонидан қисқа муддатли фойда олинишига олиб келишига доир мисоллардан биридир.

Пировардида шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, қишлоқ хўжалигини фақат ҳар томонлама биологиялаш орқалигина уни химиялаштириш туфайли юзага келган вазиятдан қутулишимиз мумкин. Ҳозир жаҳон фанининг энг яхши кучлари қишлоқ хўжалигининг биологик асосларини ўрганиш, агробиоценозларнинг моделларини яратиш йўлидан бормоқдалар.

ИНҚИЛОБЧИНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

Тарихий ҳақиқат сари интилиш — тақдирлари ва ишлари революцион давр билан чатишиб кетган кишилар номини халқ хотирасида тиклаш ҳамдир. Кўпинча бу тақдирлар зиддиятли бўлган, лекин уларнинг ҳар бири халқларни қуллик ва зулмдан озод қилиш учун курашдаги маънавий изланишлар жўшқинлигини ўзида акс эттирган.

Ўз ҳаётини ана шу эзгу ишга бахш этган чин инқилобчилар орасида 1905—1907 йиллардаги революциянинг, гражданлар уруши ва Ўзбекистонда социалистик қурилишнинг фаол катнашчиси Низомиддин Исомиддинович Хўжаев муносиб ўринни ишғол қилади.

Низомиддин Хўжаев 1885 йилда Тошкентда, ишчи оиласида туғилди. 1901 йилда бошланғич рус-тузем мактабини тугатиб, у В. И. Ильин босмахонасига харф терувчи шогирд бўлиб ишга кирди. Бу ерда илғор рус ишчилари В. Д. Корнюшин, Т. И. Курило, К. Д. Литвишко ва бошқалар билан танишди, рус тилини ўрганди, сиёсий адабиётни мутолаа қилишга киришди.

1904 йилда Н. Хўжаев социал-демократик тўгараклар билан яқин алоқа ўрнатиб, ўз ҳаётини бир умрга ишчилар синфининг революцион кураши билан боғлади. У РСДРПнинг Тошкент группаси йиғинларида мунтазам қатнашиб туради, босма варақалар босиш ва уларни тарқатиш бўйича партиявий топшириқларни бажаради. 1905 йилнинг 12 январида Н. Хўжаев бошқа ишчилар билан бирга 9 январда Питер ишчиларининг подшоҳ томонидан ўққа тутилишига қарши норозилик митингида қатнашади. Н. Хўжаев ўша кунни хотирлаб, кейинчалик шундай ёзган эди: «Шу митингдан менда подшоҳ бедодлиги ва хўжайинларнинг ишчиларни эксплуатация қилишига чек қўйиладиган пайт келади, деган чуқур таассурот қолди».

Туркистон ўлкаси большевиклари РСДРП III съезди (1905 йил апрель) қарорларини бажара бориб, оммавий революцион ишни авж олдириб юбордилар: стачкаларга раҳбарлик қилдилар, митинглар, маёвкалар ва кўча намойишлари уюштирдилар. Большевиклар таъсири кучли бўлган РСДРП Тошкент группаси ва Асхобод социал-демократлар группаси энг кўп активлик кўрсатди. Уларнинг яширин босмахонаси бор эди, учта нолегал газета нашр этишарди.

1905 йилдаги Бутун Россия Октябрь стачкаси даврида Н. Хўжаев босмахона ишчиларини, шу жумладан маҳаллий миллатлар вакилларини курашга жалб этди. У 1905 йил 18—19 октябрида Тошкент социал-демократик группаси ташкил этган митинг ва намойишда фаол қатнашди. Уларнинг иштирокчилари сиёсий маҳбусларни қамоқдан бўшатишни талаб қилишди. 1914 йилда революцион фаолияти учун Н. Хўжаевни босмахонадан бўшатиб юборишди.

Маҳаллий аҳолининг мардикорликка сафарбар этилиши муносабати билан Н. Хўжаев 1916 йилда Шайхонтоҳурда (Тошкентнинг эски шаҳар қисми) меҳнаткашлар олдида биринчи катта нутқ сўзлади. У маъмурлар буйруғига бўйсунмасликка даъват этди.

Аҳоли Н. Хўжаевни қўллат-қувватлади. Партия пропагандисти ва ташкилотчиси сифатида ана шу воқеаларда иштирок этиши унинг озодлик ва эксплуатацияга қарши курашиш зарур эканлигига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Рус тилини яхши билган Н. Хўжаев 1917 йилнинг февралидан октябригача РСДРП аъзоларининг меҳнаткашлар олдида сўзлаган нутқларини ўзбек тилига таржима қилди, айни вақтда эски шаҳар озиқ-овқат комитети правлениесининг аъзоси бўлиб ишлади, эски шаҳарда приказчилар союзининг ташкилотчиси бўлди ва кейинчалик бир неча йил давомида ана шу касаба союзида иш олиб борди.

Февраль революциясидан кейин Туркистон миллий буржуазияси, контрреволюцион руҳонийлари ўз фаолиятларини жонлантирдилар, уларнинг «Шўрои исломия», «Шўрои уламо», «Турон» ташкилотлари революциянинг янада ривожланишига қарши чиқдилар. Шўрои исломчилар ва уламо-

чилар, қайси синфга мансублигидан қатъи назар, «барча мусулмонларнинг бирлиги» ғоясини тарғиб қилдилар ва Вақтли ҳукуматни қўллаб-қувватладилар. Бу даврда Н. Хўжаев ҳам бирмунча вақт буржуа миллатчилари таъсирига тушиб қолди. 1917 йилда у пантуркистик «Турон» ташкилотига кирди, унинг правление аъзоси бўлди. Лекин, шунга қарамай, Н. Хўжаев 1917 йил 12 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган митингда қатнашиб, Вақтли Революцион комитет тузилишини табриклади, митинг қабул қилган большевистик резолюция учун овоз берди.

Октябрь қуролли қўзғолони ғалаба қилганидан кейин Н. Хўжаев Тошкент Совети депутати қилиб сайланди. Туркистондаги дастлабки социалистик туб ўзгартишлар буржуа-миллатчилик ташкилотлари билан шафқатсиз курашда юз берди, бу ташкилотлар маҳаллий-эксплуататор синфлар вакиллари, реакцион руҳонийлар, рус буржуазияси, офицерлар билан биргаликда янги тартибла́р ўрнатилишига қарши жон-жаҳдлари билан курашдилар. 1917 йилнинг охирида синфий курашнинг мураккаб шароитларида Н. Хўжаев хатоларга йўл қўйди, бу хатолар ўз характерига кўра кўпроқ адашув, социализмнинг, коммунистик партия сиёсатининг моҳиятини етарлича тушунмаслик оқибати эди.

Н. Хўжаев буржуа миллатчиларининг режалари ва мақсадларини англаб олгач, ўзбек халқининг кўпгина бошқа илғор вакиллари сингари ўзининг йўли меҳнаткашларнинг асл манфаатларини ҳимоя қилаётган Коммунистик партия билан бир эканлигини тушунди. 1918 йил июнида у Коммунистик партия сафига кирди. У ўзининг ўткир ташкилотчилик қобилиятлари, пропагандистлик маҳорати туфайли қисқа вақт ичида Тошкент партия ташкилоти, хусусан Тошкентнинг эски шаҳар қисми коммунистлари ўртасида ҳурмат ва обрў қозонди.

1918 йил июнидаёқ Н. Хўжаев раҳбарлик ишига кўтарилди. Эски шаҳар коммунистлари уни Эски шаҳар партия комитети секретари қилиб сайладилар ва уларнинг тавсиялари билан у Эски шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси этиб сайланди. Ана шу йилларда у Совет ҳокимияти ғалабаларини мустаҳкамлаш борасида катта иш олиб борди. Н. Хўжаев Эски шаҳарда жанговар дружина тузишнинг ташкилотчиларидан бири ва унинг оператив штабининг биринчи раиси бўлди. Туркистон Коммунистик партиясининг II ва IV съездларида у ТКП Ўлка комитети составига, Советларнинг IV Ўлка съездидан бошлаб эса ТуркМИК составига сайланди.

Н. Хўжаев Ш. З. Элиава, Я. Э. Рудзутак, В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе каби Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоблари раҳбарлигида, халқ иши учун оташин курашчилар П. А. Кобозев, Н. В. Шумилов, А. Я. Першин, В. Н. Финкельштейн ва бошқалар билан бирга ишлади. У шуларнинг таъсирида меҳнаткашлар оммасининг йирик ташкилотчиси, Ленин ғояларининг оташин пропагандисти бўлиб етишди.

Н. Хўжаевнинг Коммунистик партия ишига садоқати 1919 йилда Тошкентда бўлган советларга қарши исён кунларида айниқса ёрқин намоён бўлди. Ана шундай хатарли бир пайтда қатлдан омон қолган коммунист раҳбарлар А. А. Казаков, Д. И. Манжара, Н. Хўжаев, О. Бобожонов ва бошқалар Эски шаҳар ишчилари, қизил аскарлари, меҳнаткашларининг оқгвардиячи исёнчиларга қарши курашига бошчилик қилдилар. Н. Хўжаев, М. Мирҳодиев ва бошқа большевиклар билан бирга асосан Эски шаҳар партия ташкилоти коммунистларидан тузилган ва салкам юз кишидан иборат қуролли дружинани ташкил этди. Улар икки кеча-кундуз давомида қизил аскарлар, темир йўл устахоналари ишчилари билан бирга оқгвардиячиларга қарши қаҳрамонона жанг қилишди. Ўша йиллардаги воқеаларни хотирлаб Д. И. Манжара шундай ёзган эди: «Тошкент ишчилари тўғрисида гапирганда, эски шаҳар ишчилари ва косибларининг революцион жанговар роли тўғрисида индамай ўтиб бўлмайди. Улар коммунистлар раҳбарлигида олиндилар, «ишчилар қалъаси»дан узилиб қолган эски шаҳарнинг большевистик партия дружинаси, шаҳарда нималар бўлаётганини билмаган ҳолда, уюшиб, қуролланиб «ишчилар қалъаси» ичига кириб олди ва ишчиларнинг оқгвардиячиларга қарши умумий курашига қўшилди».

Н. Хўжаев Актюбинск фронти аскарлари орасида катта партиявий-сиёсий иш олиб борди. У 1919 йил июлида мураккаб вазият вужудга келганлиги муносабати билан бу ерга ТКП Ўлка Комитети вакили қилиб юборилган эди. 1919 йил сентябрида, Фарғона водийсида босмачилик авж олган даврда у 1-Фарғона область Революцион Комитети вакили сифатида ўша ерга юборилди.

Н. Хўжаев партия Ўлка Комитети директиваларини турмушга ошира бориб, Фарғона областида партия ташкилотини мустаҳкамлаш, жанговар дружиналарни кучайтириш соҳасидаги ишни авж олдириб юборди. Бу ерда босмачиликка қарши тадбирлар амалга оширилиши билан бир қаторда аҳолининг кенг қатламлари орасида сиёсий-оммавий ишни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилди. ТКП Ўлка Комитети Н. Хўжаевга катта ваколатлар берган эди. Унга берилган мандатда таъкидланган эдики, у «Фарғона водийсидаги барча партия ташкилотлари фаолиятини назорат этишга вакил қилинади, партиявий ишда кераклн кўрсатмалар беради. Ўлка Комитетининг рухсати билан у лозим

кўрган жойларда ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтказилади ва тарқатиб юборилади. РКП барча комитетларига Н. Хўжаевга ҳар қандай кўмаклашиш... ҳамда унинг ҳамма кўрсатмаларини ижро қилиш таклиф этилади». Бу Н. Хўжаевга катта ишонч кўрсатилганлиги, унинг қобилиятлари эътироф қилинганлигининг далилидир. Партия ташкилотлари, Революцион Комитет ва фронт Революцион ҳарбий кенгашининг ташкилий-сиёсий иши натижасида Фарғона водийсида Совет ҳокимиятининг мавкеи мустаҳкамланди.

1919 йилнинг охирида партия Н. Хўжаевни ТуркМИК Раиси лавозимига кўтаради, кейинги йилнинг бошида Ўлка партия конференциясида у Туркистон Компартияси МК составига сайланди. Ана шу юксак лавозимларда ишлаб, у Коммунистик партия сиёсатини турмушга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилди. 1920 йилда Н. Хўжаев жиддий хатога йўл қўйди — у Т. Рискулов, Бех-Ивановга қўшилиб «Турк республикаси» ва «Турк Компартияси» тузилишини ёқлаб чиқди, бу партиянинг миллий сиёсатига зид эди.

Тегишли чуқур назарий, сиёсий тайёргарликка эга бўлмаган Н. Хўжаевнинг камол топиши осон бўлмади, табиийки бу ҳол унинг амалий ишларида акс этди. Унга мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келди. Лекин Ленин партиясининг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли Н. Хўжаев унинг содиқ ва актив жангчиси бўлиб етишди.

Кейинчалик Н. Хўжаев бир неча бор Туркистон республикасининг раҳбар партия ва совет органларига сайланди: ТуркМИК, Тошкент Совети, эски шаҳар район партия комитети бюроси аъзоси бўлди. 1924 йилда у Хоразм Компартияси III конференцияси ишида қатнашди, Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишини ўтказишда бевосита иштирок этди.

1931 йилда Ўрта Осиё давлат университети иқтисод бўлимини тугатгандан кейин Н. Хўжаев Ўзбекистон ССР Госплани президиумида ишлади, 1932 йилдан бошлаб эса — Осори атиқа ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш республика Комитетининг раиси бўлди.

Н. Хўжаев умрининг охирги кунларигача халққа фидокорона хизмат қилди, ўзининг бутун кучи, билимини социалистик қурилиш ленинча программасини турмушга оширишга бағишлади. Унинг номи Ўзбекистон меҳнаткашлари хотирасида абадий яшайди.

Р. ҒУЛОМОВ,

Уруш ва меҳнат ветеранлари республика Советининг раиси.

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН КУРАШДА

Иқтисод ва тежамкорлик харакатининг, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш учун курашнинг олдинги қаторида халқ назоратчилари бормоқдалар. Улар партия комитетлари раҳбарлигида рейдлар, кўриклар ва оммавий текширувлар ўтказмоқдалар. Шаҳар ва район халқ контроли комитетларида кўрик комиссиялари ташкил этилмоқда. Бу комиссияларнинг ишида совет органлари, жамоат ташкилотларининг намояндалари, саноат корхоналарининг мутахассислари қатнашмоқдалар.

Халқ назоратчилари фаолиятига жалб этилаётган меҳнаткашлар кенг қатламлари кўрикларда қатнашиш асносида режали иш тутишни, ҳар бир ишга тежамкорлик билан ёндашишни ўрганмоқдалар, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш билан бир вақтда сарф-харажатни мумкин қадар камайтириш йўлларини изламоқдалар. Металл ёки электр энергияси, ёрдамчи материаллар ёки транспорт харажати, иш вақти ёки иш ҳақи — хуллас, гап нима ҳақда бормасин, ҳамма ерда тежамкорлик тўғрисида, хом ашёнинг ҳар бир граммидан, давлатнинг ҳар бир тийинидан мумкин қадар жўяли фойдаланиш тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда.

Республикамизда ўтказилган текширувлар ҳар хил материаллар, хом ашё, электр энергияси, ёқилғини тежаш резервлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Уларни ишга солиш учун баъзан ортиқча моддий сарф-харажат ҳам, ишлаб чиқаришни бутунлай қайта қуриш ҳам талаб этилмайди. Хом ашё ва материаллар сарф-харажати, уларни сақлаш ва нормалаштиришда ҳисоб-китоб тўғри юритилиб, яхши тартиб ўрнатилса, хўжасизлик учун мансабдор шахсларга нисбатан қаттиқроқ талабчанлик қилинса кифоя.

Кейинги икки йил мобайнида халқ назоратчилари ҳисобга олинмаган ёки ҳисобдан яшириб қўйилган талайгина миқдорда моддий-техника ресурсларини аниқладилар. Текширув якунлари асосида қабул қилинган тадбирлар шарофати билан ортиқча фонд олишнинг ҳамда хўжалик оборотига 8,7 минг тонна қора металл конструкциялари прокатини, 2 миллион метрдан ортиқ кабель маҳсулотларини, 13 минг кубометр иморатбоп ёғоч тахтани, 22,8 миллион сўмлик 5277 та ўрнатилмаган ускунани жалб этишнинг олди олинди.

Ўзбекистон халқ хўжалигида 1987 йилда 310,5 минг тонна ёқилғи-энергетика ресурси (шартли ҳисобда), 34,9 минг тонна қора металлар прокати, 66,3 минг тонна цемент, 63,4 минг куб метр ёғоч-тахта, 23,2 минг тонна дизель ёнилғиси, 11,4 минг тонна автобензин тежаб қолинди. Бу республика назоратчиларининг салмоқли улушидир.

Халқ назоратчиларининг Самарқанд область Пастдарғом районининг Ильич номли чорвачилик совхозида хўжасизликка қарши кураши тажрибаси ибратлидир. Жумладан, 1986—1987 йиллардаги қўзилатиш кампанияси чоғида улар тўртинчи чўчқачилик бригадасида ишчиларга тегишли 80 жонивор совхоз озуқаси билан боқилаётганлиги ҳақида сигнал олдилар. Текшириш чоғида бу фактлар тасдиқланди. Ўзгалар ҳисобига яшаш ишқибозлари давлатга 1623 сўм зарар келтирган эканлар. Бу сумма айбдорлардан ундириб олинди, озуқа сарф-харажати устидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

Тўрақўрғон мева қоқи заводида назоратчилар ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларини контрол қилиб турибдилар. Варақалар, деворий газеталар, фотоайбномалар омборхоналардаги тартибсизликлар, мевани, тайёр маҳсулотни сақлаш қоидалари бузилаётганлигини аёвсиз фош этмоқда. Брак маҳсулотлар павильони ташкил этилган бўлиб, унда шу хилдаги маҳсулот ёнига бракка йўл қўйганларнинг исм-фамилиялари ёзиб борилади. Халқ назоратчилари жамоат мулкини авайлаб-асрамаётганларни танқид қилиш билан бирга ишни омилкорлик билан юритаётганлар шаънига миннатдорчилик сўзларини ҳам айтадилар. Шунинг оқибати ўлароқ, коллективда ижодий муҳит, меҳнат интизоми мустаҳкамланмоқда, рейд ва текширувлар самарадорлиги таъминланмоқда.

Самарқанд область Жомбой районидаги «Октябрь» колхозида халқ назоратчиларининг куч-ғайрати билан 1987 йилда 7 тонна ўғит бузилишдан асраб қолинди, 50 минг киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси, 2,3 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари ҳамда қишлоқ хўжалик техникаси ремонтида 8 минг сўм тежаб қолинди.

Наманган область Уйчи районидаги «Қизил равот» совхози назоратчилари груп-

пасининг актив иштирокида хўжаликда йил давомида 17 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 36 минг киловатт-соат электр энергияси, 10 минг сўмликдан кўпроқ эхтиёт қисмлар, 12 тонна минерал ўғит тежаб қолинди. Халқ назоратчилари иқтисод ва тежамкорлик курашига бутун коллективни отлантира олдилар. Бунга эса йиғилишлар ролини ошириш туфайли эришилди. Кенг ошкоралик шароитида йиғилишларда текширув якунлари муҳокама этилиб, группа ва постларнинг фаолиятига баҳо берилади. Халқ назоратчилари ишини таҳлил этишда бутун коллективнинг қатнашуви эса ўз навбатида уларнинг масъулиятини оширишга кўмаклашмоқда.

Самарқанд шаҳридаги «Красний двигатель» заводи халқ назоратчилари орасида ижодий фикрлайдиган, тиниб-тинчимас кишилар кўп. Камчиликларни аниқлаш билан бирга уларни бартараф этишнинг йўлларини излаш назоратчилар фаолиятида асосий жиҳат бўлиб қолган. Корхонада М. Фармонов, Р. Ҳамзов, Т. Раҳмонқулов, Д. Вересов, У. Хотамов ва бошқа халқ назоратчилари ҳақли равишда обрў-эътибор қозонган. Улар янги технология ва ускуналарни ўзлаштиришда актив қатнашмоқдалар. Чунончи, уларнинг ёрдамида дуплекс-жараён билан суюқ металл қуйиш технологияси жорий этилди, цилиндр гильзалар қуйиш ва уларга механик йўл билан ишлов бериш технологияси яхшиланди. 1987 йилда механик йўл билан ишлов беришни камайтириш эвазига чўян қувув ишлаб чиқариш учун 400 тонна шчитсимон материаллар тежаб қолинди.

Сирдарё областидаги Ғанишер Юнусов номли совхоз меҳнаткашлари 1987 йилда чорак миллион сўм қарзни уздилар. Хўжалик юритиш методларидаги туб ўзгаришлар туфайли шунга муваффақ бўлинди. Совхоз тузилганидан буён ўтган 12 йил мобайнида қарз кўпайиб борган эди. Унинг раҳбарлари эса четдан ёрдам келишини кутиб қўл ковуштириб ўтираверишган.

Халқ назоратчилари рентабеллик учун кураш бошладилар. Хўжаликнинг янги раҳбарлари уларни қўллаб-қувватлашди. Совхознинг ташкилий структураси қайта кўриб чиқилди. Учта бўлимни тугатишнинг ўзиёқ 15 минг сўм тежам келтирди. Сўнгра эса бригадаларни йириклаштиришга ўтдилар — 67 ўрнига 40 бригада тузилди. Совхозда ҳар қандай ишда катъий ҳисоб-китоб олиб бориш таомилга айланди.

Республикамиз хўжаликларида бир пайтлар ортиқча сарф-харажат, талон-торож қилиш психологияси жуда чуқур илдиз отган эди. Уни таг-томири билан йўқотиш анча мураккаб бўлса ҳам зарур тадбирдир. Шу сабабли барча область халқ контроли комитетларида иқтисод ва тежамкорлик группалари тузилган.

Бухоро областида, масалан, шундай группа «Бухаракоопгранс», «Бухараоблтранс-экспедиция» ҳайдовчилари танқис бензиннинг ўн мингларча литрини ортиқча сарфлаб юборганликларини аниқлади. Айбдорлар қаттиқ жазоланди. Бензин муаммоси йил бўйи назорат қилиб борилди. Газеталар орқали жамоатчиликка мурожаат этиб, ёнилғини тежаш учун курашга қўшилишга чақирилди. Одамлар бу тадбирни маъқуллаб, унга қўшилдилар, кўпгина жиддий сигналлар олинди. Текширув географияси кенгайди, хўжасизликнинг олдини олишга эътибор кучайди.

Областда халқ назоратчилари ёрдамида моддий ресурслар ва ўрнатилмаган ускуналарни ҳисобга олиш юзасидан кенг кўламда текширув ўтказилди. 40 объектдан 27 тасида ҳисобот бузиб кўрсатилганлиги аниқланди, келгусида бу нарса моддий бойликларни талон-торож қилишга олиб бориши эҳтимолдан холи эмасди. Омборларда ҳеч бир ҳужжатларда қайд этилмаган 86 тонна қора металлар прокати, 6 тонна пўлат қувурлар, минглаб метр кабель, юзлаб куб метр ёғоч-тахта ва бошқа нарсалар топилди.

Андижон областининг халқ назоратчилари 201 объектда иқтисод ва тежамкорлик юзасидан тушунтириш ишлари олиб бордилар. Бу эса ўз самарасини берди: 1987 йилнинг ўзидагина областда 20 миллион киловатт-соатга яқин электр энергияси тежаб қолинди.

1988 йил ёзида Тошкент областининг халқ назоратчилари область соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли бўлинмаларда ихтисослаштирилган енгил автомобиллардан қандай фойдаланилаётганлигини текшириб кўрдилар. Маълум бўлдики, 145 та шундай машинадан 25 таси бошқа мақсадларда фойдаланилаётган экан, 27 та машина эса гаражда сақланмайди. Бунинг учун Ўрта Чирчиқ (З. Орипов), Чиноз (А. Раҳматуллаев), Пискент (М. Худойбердиева) район касалхоналарининг бош врачлари ҳамда Чирчиқ шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири (М.Ибрагимова) га виговор эълон қилинди, махсус транспортни ўз ўрнида ишлатмаслик оқибатида сарф-харажат қилиб юборилган 15,2 минг сўм пул ушлаб қолинди.

Республикамиз халқ назоратчилари партия XXVII съезди, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини бажара бориб, партия ташкилотларининг раҳбарлиги остида меҳнат коллективларида моддий бойликларнинг тўла-тўкис сақланишини таъминлаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан катта иш олиб бормоқдалар, иқтисод ва тежамкорлик ленинча шиори оғишмай амалга оширилиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

М. УСМОНОВ,

тарих фанлари кандидати,
Тошкент халқ хўжалиги институтининг
КПСС тарихи кафедраси катта ўқитувчиси.

ДАВР ВА ЯНГИЧА МАРОСИМЛАР

МЕҲНАТКАШЛАРНИ коммунистик руҳда тарбиялашнинг жуда бой идеологик воситалари орасида жамият, меҳнат коллективи, оила ва ҳар бир киши ҳаётидаги муҳим воқеа ҳамда босқичларни таъкидлаш зарурати билан боғлиқ бўлган социалистик маросимлар катта ўрин тутади. Тақриз қилинаётган нашрларда* совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари негизида шаклланган, давримиз руҳига мувофиқ бўлган маросимлар, удум ва байрамларнинг тарихий илдизлари, уларни жорий этиш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба ҳамда ушбу ишнинг янада ривожлантирилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Уларнинг ҳаммасини ҳаётимиздан диний мазмундаги маросимларни, бизга ёт бўлган идеологик қарашларни сиқиб чиқаришнинг муҳим омили бўлмиш чинакам социалистик байрамлар, удум ва анъаналар совет кишиларида илмий-материалистик, атеистик дунёқарашни, совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми, коллективизм туйғусини, актив ҳаётий позицияни, юксак ахлоқий ва эстетик идеалларни шакллантиришга имкон яратиши хусусидаги фикр бирлаштирган.

«Социалистические обряды — в жизнь» («Социалистик маросимлар — ҳаётга») китобининг авторлари ана шу фикрни ёрита бориб, кишининг шахс сифатларини тарбиялашда алоҳида роль ўйнаётган оилавий-маиший маросимларни (бола туғилиши, уйланиш, дафн билан боғлиқ маросимларни) биринчи ўринга қўядилар. Айни шуларда турли диний этиқодлар, айниқса ислом дини ақидалари, хурофот ва бидъатлар ғоят чуқур из қолдирган. Киши дунёга келиши биланоқ ана шуларнинг таъсирида бўлади, дейиш мумкин.

Китобда бола туғилиши билан боғлиқ янги удум ва маросимлар ҳақида оммабоп тарзда ҳикоя қилинади, ёш ота-оналарга, туғруқхона медицина персоналига, загс ходимларига конкрет тавсиялар берилади. Авторлар туғруқхоналарда бўлажак оналар учун самимий ғамхўрлик қилиш ва тегишли диққат-эътибор бериш муҳитини яратиш зарурлигини таъкидлайдилар, бундай муносабатни намоён этишнинг турли формаларини тавсия қиладилар. Хусусан, загс ходимини туғруқхонада чақалоқнинг туғилиши тантана билан қайд этилиши учун мўлжалланган, алоҳида ҳамда тегишли тарзда безатилган хонада жойлаштириш хусусидаги таклиф қўллаб-қувватлашга арзийди.

Чақалоқни у кейинчалик ҳеч қачон хижолат бўлмайдиган исм билан аташ ота-оналарнинг бурчидир. Буни ҳисобга олиб, «Время и обряды» («Давр ва маросимлар») брошюрасининг автори Ўрта Осиё регионида анча кенг тарқалган, диний мазмундагилари ҳам оз бўлмаган исмларнинг маъносини изоҳлаб беради (21—22-бетларга қаралсин). «Социалистические обряды — в жизнь» китобида эса кишининг нафосати ва баркамоллигини, саодатини ўзида мужассамлантирган, шунингдек атоқли кишиларнинг тимсоли бўлган исмлар рўйхати тақдим этилади (14-бетга қаралсин).

Ҳаётда, афсуски, шодлик билан бирга қайғу ёнма-ён юради. Чунончи, кишининг вафот этиши унинг қон-қариндошлари, дўстлари, танишлари учун оғир воқеадир. Бундай пайтда улар ўзларига нисбатан фақат одоб ва эҳтиром билан муносабатда бўлишга, атрофдаги кишиларнинг конкрет ёрдам ва мададларига муҳтожлик сезадиларки, кишилар уларнинг айрилиқ аламини енгиллаштириш учун ҳар томонлама интилишлари лозим.

Шу муносабат билан ҳозиргача Ўзбекистонда дафн-хотирлаш маросимлари кўпинча — китобларда бунга ҳам алоҳида эътибор ажратилган — диний йўл-йўриқларга амал қилган ҳолда, руҳонийларнинг фаол иштирокида, кўпинча эса бевосита раҳбарлигида ўтаётганлигини, ҳаддан ташқари катта моддий харажатларга сабаб бўлаётганлигини таъкидламасдан бўлмайди. Бу, бир томондан, эски, кўп жиҳатдан диний анъаналар ҳали ҳам кучлилиги, аҳоли орасида мешчанлик психологияси жонланганлиги билан, иккинчи томондан эса, кўп жиҳатдан маҳаллий Советлар, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективлари раҳбар-

* Социалистические обряды — в жизнь. Ташкент, «Узбекистан», 1987, 224 с. Ғ. Ғафуров. Удумларда халқ қалби. Тошкент, «Ёш гвардия», 1986, 192 бет. А. Каюмов. Время и обряды. Ташкент, «Узбекистан», 1986, 24 с.

ларининг шу каби умуминсоний, идеологик жиҳатдан муҳим масалаларга лоқайдлиги билан изоҳланади. Айни шу сабабга кўра ҳанўз диний унсурлардан холи ва давр руҳига мувофиқ бўлган ҳаммабоп граждан-ларча дафн-хотирлаш маросимлари ишлаб чиқилмаган. Ҳолбуки, инсоний муносабатларнинг ушбу ғоят нозик соҳасида сустлигимиз диннинг кишилар идрок ва қалбларига, турмуш тарзларига сукулиб кириши учун имконият яратиб беради. Ана шу ҳолатга жиддий эътибор берган «Социалистические обряды — в жизнь» китобининг авторлари ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарини, мотам ва хотирлаш маросимларини ўтказишдаги энг яхши тажрибани ҳисобга олган ҳолда уларни диний сарқитлардан халос этишга, уларга гражданлик характери бағишлашга доир тавсиялар ишлаб чиққанлар (42-бетга қаралсин).

Марҳумлар хотирасини ҳурматлаш ушбу ишнинг муҳим қисмидир. Бундай хотирани абадийлаштириш белгиларидан бири қабр устига ёдгорликлар ўрнатиш бўлиб, улар айни вақтда халқнинг умумий маданиятини ҳам характерлайди. Китобда ана шу ишдаги мавжуд қийинчилик ва камчиликлар (турли конфигурацияда ва ҳажмда, диний ёзув ва эмблемали панжаралар ва шу сингарилар) кўриб чиқилади, аҳолига ёрдам тариқасида қабр усти ёдгорликларининг оптимал лойиҳалари тақдим этилади. Бунда авторлар уларнинг тавсиялари прогрессив халқ анъаналаридан фойдаланиш, маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилиши кераклигини таъкидлаганлар.

1986 йилдан бошлаб республикада мартнинг охирги якшанбасида Хотира куни ўтказиляпти. Шу куни ҳамма жойларда кишилар ўз қон-қариндошлари, яқинларининг, идеалларимиз учун курашда жонини фидо қилган барча кишиларнинг хотирасини эсга оладилар, уларнинг номлари билан боғлиқ жойларда катта ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишини олиб борадилар. Лекин ушбу муҳим тадбир баъзи жойларда тамомила ортиқча оворагарчилик ва моддий харажатларга сабаб бўла бошладики, натижада уни тартибга солиш зарурати юзага келмоқда. Тилга олинган китобда тақдим қилинаётган амалий тавсиялар ва намунавий сценарий, шу жумладан ўзбекистонлик композиторлар ҳам ижод этган мотам қўшиқлари ва куйлари репертуари айни шу ҳолатни ва кичкина бўлсада, лекин тўплашга улгурилган ижобий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Авлодларнинг маънавий алоқалари халқаси, уларнинг социал тажрибаси ахлоқий норма ва принципларни ёйишда анъанавий форма бўлиб майдонга чиқаётганлиги социалистик маросимларнинг асосий белгиларидан биридир. Шу сабабли руҳонийлар кўпинча оилавий-маиший соҳада ёшларга диний байрамлар, маросим ва удумлар ёрдамида таъсир кўрсатишга ҳаракат қиладилар, булардан катталарга психологик таъсир кўрсатиш учун фойдаланиб, аввало уларнинг ота-оналик туйғуларига мурожаат қиладилар: болаларнинг саодатли бўлиши ҳам, соғ-саломатлиги ҳам, хотиржамлиги ҳам гўё парвардигорга ҳамда оиланинг диний маросимларга амал қилишига боғлиқ деб тарғиб қиладилар. Ёш авлодни диний руҳда тарбиялаш зарурлиги хусусида қаттиқ туриб тарғиб қилиниши ҳам шунга бориб тақалади. Айни шу сабабли баъзан «муқаддас» деб аталувчи жойларда болалар ва ўсмирларни учратамиз, улардан бу ерларни зиёрат қилиш, тумор тақиш ёки қуръондан бирор оятни ёд билиш, уни тиловат қилиш гўё касалликлардан, нохуш воқеалардан, «ёмон кўз»дан ва ҳоказолардан асраши хусусида эшитиш мумкин.

Ёшлар турмушига юксак ғоявий, эмоционал ва шаклан ёрқин социалистик маросимларни актив жорий этиш йўли билан бундай қарашларни бартараф этишда муваффақиятга эришиш мумкин. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактабларнинг комсомол ташкилотлари, педагогика коллективлари, мактабдан ташқари муассасалар бу ишда катта роль ўйнаш учун даъват этилганлар. Ҳозир республикада болалар ва ўсмирларнинг турли байрам ва маросимлари ўтказиляпти. Лекин етарлича тажриба йўқлиги сабабли баъзи ўқув юртларида, мактаб ва болалар боғчаларида улар расмангина, зерикарли ўтказиляпти. Шу сабабдан «Социалистические обряды — в жизнь» китобининг авторлари комсомол ва пионер етакчиларига, педагогика коллективларига ёрдам тариқасида ана шундай тантаналар сценарийларини, конкурс ва мусобақаларни, авлодлар учрашувларини ўтказиш тартибини, жанговар ва меҳнат шуҳрати хоналарини безашга доир тавсиялар ва ҳоказоларни тақдим этишга қарор қилганлар.

Китобда актив шахсни тарбиялашда жуда катта роль ўйнайдиган меҳнат байрамлари ва маросимлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шу муносабат билан айни совет кишиларининг бутун жамиятимиз фаровонлиги йўлидаги самарали меҳнати уларни бирлаштирувчи асосий омиллардан бири эканлиги хусусидаги ахборот берилиши жуда ўринли бўлади: Ўзбекистон ССР, масалан, моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқаради ва қардош иттифоқдош республикалар билан уларни саxийлик билан баҳам кўради (конкрет маълумотлар келтириш мумкин эди), бунинг эвазига улардан бевосита ёрдам олади, улар меҳнатининг натижаларидан фойдаланади (буни ҳам муфассал асослаш лозим эди). Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларини кўрсатишдан китоб мазмуни фақат бойирди.

Авторлар оммавий байрамлар (ССР Иттифоки ташкил этилган кун, Ғалаба куни, Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрами, СССР Конституцияси куни, 1 Май ва хоказо) сценарийларини ишлаб чикиш ва уларни ўтказишга алохида эътибор беришган, «Буюк кардошлик мадхияси», «Мамлакат халклари бир-бирларига дўстлик кўлларини абадий узатдилар», «Хеч ким ва хеч нарса унутилмайди» тематик кечаларининг, оналик шухрати байрамининг, район, шахар, совхоз, колхоз ва бошкаларнинг юбилейига бағишланган бадиий-спорт байрамининг намунавий сценарийларини берадилар. Китобнинг партия ва давлат гимнлари хакидаги бўлимлари, кизикишлар клублари, интернационал дўстлик хакида хикоялари эътиборга сазовор. Лекин бунда авторлар умумий коида ва тавсияларни баён килиш билан бир каторда улар ичида энг яхшиларининг ишидаги конкрет тажрибани кўрсатишлари керак эдики, айникса республиканинг ёшлар коллективларида бундайлар оз эмас.

Партиянинг идеология ишида мехнаткашларни атеистик тарбиялаш мухим роль ўйнайди, у турли пропаганда каналлари оркали амалга оширилади (илмий атеизмга доир халк университетлари, марксизм-ленинизм кечки университетлари, партия ва комсомол ўкуви системалари, лекциялар, сухбатлар, мунозара, конференция ва бошкалар). Мехнат коллективларида, ахоли истикоматгохларида «Атеист» клубларининг ташкил этилиши мухим формалардан бири бўлдики, улар хозир республиканинг кўпгина шахар ва районларида ишлаб турибди. Улар ёйишга лойик муайян тажриба тўплаганлар. Шу сабабли, «Социалистические обряды — в жизнь» китобининг авторлари совет турмуш тарзини такомиллаштиришга, прогрессив анъана, маросим ва удумларни жорий килишга, жанговар атеистларни шакллантиришга, иккиланувчилар билан ишлаш тажрибасини умумлаштириш ва бойитишга, ёшларни коммунистик рухда тарбиялашда партия, комсомол ташкилотларига актив ёрдам беришга даъват этилган ана шундай клубларни ташкил этишга доир Ўзбекистон Компартияси МК идеология бўлими ишлаб чиккан тавсияни китобга киритиб, бизнингча, тўғри иш килганлар. Бу клублар бой мазмунли хилма-хил тадбирлар оркали ёш авлодга диний байрам ва анъаналарнинг зарарли эканлигини кўрсата оладиган, уларни хаётимиздан сикиб чикаришга кодир янги, совет маросимларини пропаганда килишлари керак.

Шу жихатдан олганда «Время и обряды» брошюраси жуда фойдалидир. Унда революцион, оилавий-маиший, профессионал маросимлар, удум ва анъаналарнинг ахамияти хакидагина хикоя килинмай, балки улар билан боғлик кизикарли фактлар, сюжетлар хам келтирилади.

Прогрессив анъаналар ва удумлар хакида сўз юритганда уларни тарғиб килишга тегишлича эътибор ажратиш зарур. «Удумларда халк калби» («Душа народа — в обычаях») китоби айни шундай фазилати билан ажралиб туради. Унинг автори партия, совет органлари, комсомол ташкилотлари ва республика жамоатчилигининг янги маросим, удум ва анъаналарни жорий этишга доир ижобий иш тажрибасини караб чикишга харакат килган. Чунончи, Тошкент шахридаги баъзи бир махалла комитетларининг фаолияти батафсил кўрсатилган, уларда прогрессив маросимларни жорий этиш, ёшлар, хотин-кизлар, ўкувчилар, уларнинг ота-оналари билан ишлаш, гигиена ва санитария комиссиялари катта ташкилотчилик ва тарбиявий иш олиб борянти. Бу махаллаларда, шунингдек ўртоклик судлари, оилавий-маиший маросимларни (тўй, чакалокка исм кўйиш ва хоказо) ташкил этиш комиссиялари хам тузилган. Автор уларнинг иш тажрибаси тўғрисида муфассал сўз юритади.

Китобда хосил йиғим-теримига бағишланган янги маросим ва байрамлар алохида ажратиб кўрсатилган. Республиканинг барча областларида ўтказилган хамда пахта йиғим-терими кампанияси бошланганлигини англатувчи «Ок олтин карвони» байрами, деб таъкидлайди автор, алохида тантанаворлик касб этади.

Шу билан бирга таъкидлаш зарурки, такриз килинаётган китобларда махаллий ўзига хослик доим хам эътиборга олинавермаган. Чунончи, «Саодатли юлдуз остида туғилган» сценарийсида («Социалистические обряды — в жизнь» китобида) берилган депутатнинг нуткида бу нарса айникса яккол сезилади. У буржуа тартибларини танкид киларкан шундай дейди: «Капиталистик жамиятда черков эксплуататор синфларнинг манфаатларини химоя килиб, халк маросимларига диний мазмун бағишлайди. Болаларни чўкинтириш ана шундай маросимлардан биридир. Совет жамоатчилиги ана шу черков маросимини болалар соғлиғи учун хавфли хамда давримиз рухига тўғри келмайдиган маросим сифатида катъиян рад этади» (12—13-бетлар). Кўриб турибмизки, бунда республика ва регионнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинмаган. Шу муносабат билан мусулмон дини конун-коидаларига асосланиб ўтказиладиган, рухонийларнинг намояндалари иштирок этадиган чакалокка исм кўйиш, никох, калин тўлаш ва бошка маросимларнинг зарари хакида хикоя килиш макбул бўларди.

Кўча байрамининг намунавий сценарийси хам такомиллаштирилиши керак эди. (171-бетга каралсин). Чунки, сценарий билан та-

чишган китобхон қандай байрам хусусида: пионерларга ёки кўча, маҳалланинг барча аҳолисига бағишланган байрам хусусида сўз юритилаётганини аниқлашда қийналади. Бунинг ҳам сабаби ўша — тантананинг ҳам, маҳаллий аҳолининг ҳам спецификаси эътиборга олинмаган. Китобда миллий музика ва ашулалар, улар ижро этиладиган чолғу асбоблари (карнай, сурнай ва хоказо) ҳақида ҳикоя қилинмайди, маҳалла, кўча бадиий ҳаваскорларига ўрин берилмаган. Фақат пионерларнинг «Гулханларни ловуллатинг», А. Пахмутованинг «Жанг қайтадан давом этмоқда» ашулалари, хунар-техника билим юрти (?) бадиий ҳаваскорларининг чиқишларигина тилга олинади. Сценарий борган сари пионерларнинг тантанасини эслата боргани учун китобхоннинг ҳайрати ҳам ошиб бораверади. Хулосада эса кўча байрами ҳақиқатан ҳам... пионерлар сафига қабул қилишга бағишланганлигини билиб оламиз. Лекин ҳатто китобнинг махсус «Пионерлар сафига тантанали қабул қилиш» бўлимини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам бу нарса характерли ва ўзини оқлаган деб бўлмайди. Қараб чиқилаётган бўлимда кўча ёки маҳалла аҳолисининг ҳаёти ва турмуши ҳақида, уларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иш тажрибаси хусусида конкрет гап деярли йўқ.

Ҳолбуки, республика пойтахтининг баъзи бир районларида, Фарғона области ва баъзи бошқа жойларда кўча ва маҳаллаларнинг қизиқарли байрамларини ўтказишни ўрганишга ва тарғиб қилишга арзирли тажрибаси мавжуд. Уларнинг тахминий мундарижаси қуйидагича. Баҳорда ўтказилган бу байрамга аҳоли, одатда, пухта тайёрланади. Кўчаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга доир ҳашар юштирилади, уй ва деворлар оқланади. Бу кун ҳар бир кишининг бадиий каштачиликда, чеварликда, пазандаликда, халқ қўшиқлари ва рақсларини ижро этишда, аскиячилар беллашувида, турли спорт мусобақаларида ўз қобилиятлари ва маҳоратини намойиш этишига ҳам айланади.

«Удумларда халқ қалби» китоби ва «Время и обряды» брошюрасида янги, прогрессив маросимларнинг самарадорлигини оширишга доир тавсия берувчи, методик жиҳатлар қониқарли эмас. Шу муносабат билан мамлакатимиз қардош республикалари, хусусан Украина ССР бу ишда тўплаган тажрибани ўрганиш зарурлигини таъкидламасдан бўлмайди. Украинада аллақачон қизиқарли революцион, давлат ва граждан, жанговар ва меҳнат, болалар ва ўсмирлар, оилавий-маиший байрамлар, удумларнинг хилма-хил системаси шаклланган. Ўйлашимизча, ушбу тажриба ҳақида ҳикоя қилиш ортиқчалик қилмайди.

Республика Министрлар Совети, халқ депутатлари Советлари ижрокомлари қошидаги махсус комиссиялар тилга олинган тантаналарни тарғиб қилишни координациялаш билан шуғулланади. Уларни ижроия органларининг раис ўринбосарлари, посёлка ва қишлоқларда эса шу органларнинг секретарлари бошқарадилар. Меҳнат коллективларида, аҳоли истиқоматгоҳларида комиссияларга ёрдам бериш группалари ишлаб турибди. Украина ССР Министрлар Совети янги маросимларга доир тавсиялар, сценарийлар ишлаб чиқиш, фильмлар яратиш, кўргазмали қўлланмалар тайёрлаш, адабиётлар нашр этиш учун ҳар йили маблағ ажратмоқда. Ҳозир республикада ушбу тематикага доир ўндан ортиқ фильмдан фойдаланиляпти. 1978 йилдан бошлаб барча область ва баъзи шаҳар ижроия комитетларида янги маросимларни татбиқ қилишга масъул катта референт лавозими жорий этилди, ушбу иш билан республика даражасида эса ўн беш йилдан бери тўрт нафар масъул ходим ва ишларни бошқарувчи бир инспектордан иборат группа шуғулланмоқда.

Маросим комиссиялари хўжалик ҳисоби шароитида иш кўраётгани учун (улар учун тариф ставкалари ишлаб чиқилган) улар аҳолига кўрсатаётган хизматлардан олинаётган даромад йилдан-йилга ўсиб бормоқдаки, бу нарса халқ ўртасида ана шу жамоатчилик органлари шуҳрат қозонганидан далолат беради. Ўз навбатида улар ихтиёрига келиб тушадиган маблағлар тавсия ва сценарийларни тузишга билимдон мутахассисларни: философ, социолог, этнограф, тарихчиларни, партия ва совет ходимларини жалб этиш имконини беради.

Янги маросимларни жорий этиш соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ҳам профессионал негизга қўйилган. Улар маҳаллий Советлар ижрокомлари томонидан танланади ва тасдиқланади, Киевда, область, район марказларида, шаҳарларда ишлаб турган махсус курсларга юбориладилар. Натижада ҳозир республикада социалистик маросимларни пропаганда қилиш ишига берилган малакали мутахассисларнинг катта армияси ишлаяпти. Деярли барча шаҳар ва районларда етарли миқдорда маросимларда хизмат кўрсатиш салонлари, тўйхоналар, буюртмаларни қабул қилиш пунктлари мавжуд бўлиб, улар Украина меҳнаткашлари ҳаётида мустаҳкам қарор топаётган янги маросимларни қизиқарли ўтказишга доир барча юмушларни ўз зиммаларига олишга даъват этилган.

Ўзбекистонда, албатта маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ушбу тажрибадан фойдаланиш билан бир қаторда меҳнат коллективларида турли байрамларни ўтказишнинг конкрет практикаси хусусида партия ташкилоти секретарлари ёки агитатор ва пропагандистларнинг ҳикояларини эълон қилиш ўзини оқлаган бўларди: улар халққа яқинроқ турадилар ва шу сабабли ушбу ишда мумкин бўлган мураккаб-

ликларни ва уларни бартараф этиш йўлларини яхширок биладилар.

Мактабгача тарбия муассасалари учун адабиётлар жуда оз. Тадкикотлар ва болалар боғчалари ҳамда яслилари тарбиячилари билан бўлган суҳбатлар улар бундай адабиётларга жуда ташна эканликларини кўрсатмокда. Бунда «Ўқитувчи» нашриёти катта ёрдам кўрсатиши мумкин.

Диндорлик, эскирган анъаналарга берилганлик хотин-қизлар орасида анча юкорилигини ҳамда уларнинг муайян кисми ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг айни шу категорияси билан ишлашга алоҳида эътибор бериш, хотин-қизлар, шу жумладан, уларнинг диндорлари ҳам меҳнат фаолиятига, жамоат ишларига кандай жалб этилаётганини оммабоп ва ишонтирарли қилиб ҳикоя қилиб бериш лозим бўлади.

Бошқа республикалар тажрибаси ҳамда ҳаётимиздан диний саркитларни сиқиб чиқариш вазифаси маданият уйлари, клублар, санитария маорифи уйлари, корхоналар ва ўқув юртлари, загслар қошида янги маросимларга доир лекторийлар ва халк университетлари факультетлари тармоғини кенгайтириш зарурлигини тақозо этяпти. Шунингдек загсларда оила кураётган ёшлар учун консультация пунктларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат коллективларида, истиқоматгоҳларда сўзга чиқиб эски, фойдасиз маросимларни ҳамда архаик анъана, удумларни далил-исботли танкид қилувчи «Билим» жамияти лекторлари улар дунёқарашининг негизларини ишонтирарли тарзда очиб беришлари керак. Янги маросимларга бағишланган китоб, брошюраларда ҳам бунга муносиб эътибор берилиши керак.

Баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда тақриз қилинаётган нашрларни зарарли саркитларни бартараф этиш, прогрессив маросимларни тарғиб этиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилиши лозим бўлган катта ишнинг хайрли бошланиши деб баҳолаш мумкин.

Т. ТОШЛОНОВ,
КПСС МК ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси Илмий атеизм институти республикалараро филиалининг катта илмий ходими, педагогика фанлари кандидати.

Редакция адреси: 700000 Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: маркса-ленинча назария — 32-58-65; партия ва совет жамияти тарихи — 32-58-69, партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иктисодий проблемалар — 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; танкид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 9.12.1988 й. Босишга рухсат этилди 13.01.1989 й. Формати 70×108¹/₁₆. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 24909. Нашр № Б-49. Заказ № 4998.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

0134—2193
Индекс 75399

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»га

1989 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Партия ва халқнинг КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун олиб бораётган курашига, совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини қайта қуриш ва революцион янгилаш практикасини анализ қилишга бағишланган материаллар журнал саҳифаларидан марказий ўринни эгаллайди.

Журнал аввалгидек марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилишга, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётининг актуал проблемаларига жиддий эътибор бериб боради, республикамиз меҳнаткашлари учун ғоят муҳим бўлган мавзулар: жамиятимизни демократиялаш ва унинг сиёсий системасини ислоҳ қилиш, социалистик ҳуқуқий давлатни бунёд этиш; партиянинг омма билан алоқаси, халқ билан унинг сиёсий авангарди бирлиги янги сифатининг шаклланиш жараёнлари; туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, шаҳарда ва қишлоқда хўжалик юритишнинг янги методлари жорий этилиши ва уларнинг амал қилиши, Озиқ-овқат программасини ҳал этиш, жамиятни ахлоқан поклаш, социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш проблемалари хусусидаги суҳбатни давом эттиради. КПСС миллий сиёсати масалалари, совет жамиятидаги миллатлараро муносабатлар проблемалари журнал саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллайди.

Журналхонлар журналдан партия ва совет қурилиши назарияси ҳамда практикасига, идеология ишига, Советларнинг, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид мақолалар топа олади. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари ва тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли мавзуларига доир методик тавсиялар ва консультациялар оладилар.

Журналда Ватан тарихи, маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларига доир, шунингдек КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсий фаолияти, қардош мамлакатларда социалистик қурилиш тажрибаси, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатлари тўғрисидаги мақола ва материаллар, контрпропагандистик мазмундаги мақолалар мунтазам бериб борилади.

Журнал муҳим саналар ва воқеалар тўғрисидаги мақолаларни, долзарб мавзулардаги корреспонденция ва очеркларни, «давра суҳбати» материаллари, журналхонларнинг саволларига жавоблар, янги китобларга тақризлар, вақтли нашрларнинг обзорлари, библиографик материалларни бериб боради.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади. Унга обуна «Союзпечать» барча бўлимлари томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Тўққиз ойга — 2 сўм 25 тийин.

Олти ойга — 1 сўм 50 тийин.

Уч ойга — 75 тийин.



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

2

ФЕВРАЛЬ

1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 2
ФЕВРАЛЬ
1989 йил

1920 йил декабридан чиқа бошлаган

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Партия ўзининг сайловолди программаси билан мурожаат қилар экан, барча совет кишиларини ишонтириб айтадики, у бундан буён ҳам бутун кучини, коллектив фикрини ва коллектив иродасини жамиятимизни революцион янгилашга сарфлаб, қайта қуриш йўлидан оғишмай бораверади. Партия сизларнинг ҳар бирингиз белгиланган режаларни амалга оширишда фаол иштирок этишингизга умид қилади.

КПСС МК Пленумида 1989 йил 10 январда қабул қилинган КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномасидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1989 йил 10 январь куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни кўриб чиқди:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида.

2. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномаси тўғрисида.

3. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ана шу масалалар юзасидан доклад қилди.

Пленумда КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Г. И. Усмонов, Украина Компартияси Киев область комитетининг биринчи секретари Г. И. Ревенко, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, «Советский Союз» журналининг бош редактори, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Н. М. Грибачев, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов нутқ сўзладилар.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатди. Улар рўйхатга олиш учун КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномасини қабул қилди.

Пленум «КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини якунлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1989 ЙИЛ 10 ЯНВАРДАГИ ҚАРОРИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1989 йил 15—16 март кунлари Москва шаҳрида чақирилсин.

2. СССР халқ депутатларини сайлаш пайтида овоз бериш КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, шунингдек, КПСС Марказий органлари составига кирмаган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари ва Министрлар Советларининг Раислари, министрлар ҳамда марказий идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳарбий округларнинг қўмондонлари иштирокида ўтказилсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига Марказий Комитет Пленумида овоз берувчиларнинг рўйхатини КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига Қонунда белгиланган тартибда тақдим этиш топширилсин.

ПАРТИЯГА, СОВЕТ ХАЛҚИГА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1989 йил 10 январда қабул қилинган

Азиз ўртоқлар!

СССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессияси қарорига мувофиқ, 1989 йил март ойида СССР халқ депутатлари сайлови бўлади.

Халқ иродаси билан халқ депутатлари съезди тузилади, давлат органларининг янги системаси ишлай бошлайди, сиёсий ислоҳотнинг бутун ҳокимият — Советларга, деган асосий ғояси рўёбга чиқарила бошлайди. Бу — совет жамиятини революцион тарзда янгилаш йўлида катта босқич бўлади.

КПСС Марказий Комитети сайлов олдидан қайта қуришнинг дастлабки йилларига якун ясаб, партиянинг яқин келажакдаги сиёсатининг асосий йўналишларини халққа баён қилиб беришни зарур, деб ҳисоблайди.

Шу йиллар давомида мамлакат ҳаётидаги кескин бурилиш, экономика, сиёсат ва маънавий соҳадаги турғунликдан соғлом кучларни қайта тиклаш, уларга эркинлик бериш сари, эски ақидалар асирлигидан қутулиб, янги ленинча революцион мазмунга эга бўлган социалистик ғоянинг ўзини янгилаш сари бурилиш реалликка айланди. Бу бурилишни 1985 йил апрелида партия бошлаб берди ва унга бошчилик қилди.

КПСС XXVII съезди янгиланишга қудратли омил бахш этди. Партия ҳақиқатга тик боқиб, мамлакатдаги аҳволни танқидий идрок этди, қайта қуришнинг яхлит программасини, амалий ҳаракатлар стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқди. Съезд олға сурган ғоялар халқнинг орзу ва умидларини ифодалади, халқ томонидан зўр қатъият билан қўллаб-қувватланди.

Жамиятдаги бутун муҳит қанчалик ўзгарганлигини сезмаган одам топилмаса керак. Одамлар қайта қуришни юксакликка кўтармоқдалар, қайта қуриш эса одамларни кўтармоқда. Етилган масалалар, ишни қандай қилиб ўнглаб олиш ҳамма жойда ошкора ва манфаатдорлик билан муҳокама қилинмоқда. Бўшашувчилик ва социал лоқайдлик ўрнини граждалар активлиги, ташаббускорлик ва дадил изланишлар эгалламоқда.

Экономикада катта ўзгаришлар юз бермоқда ва авж олиб бормоқда. Хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш, кооперация ва ижара, социалистик мулкчиликнинг хилма-хил шакллари турмушга кириб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларда омилкорликни, соҳиблик туйғусини ривожлантирмоқда. Хомхаёлга берилиш мумкин эмас, албатта: белгиланган ва зарур ишларнинг ҳаммаси ҳам уддалангани йўқ. Аммо ижобий силжишлар яққол бўлиб қолди. Миллий даромад ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари яхшиланди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ортиб бормоқда. Мамлакат халқ хўжалигининг социал йўналиши тобора кучаймоқда. Бунинг натижасида кризисга юз тутиш тўхтатилди, юксалиш нишоналари пайдо бўлди.

Қайта қуриш муваффақиятини нима гарантиялайди ва уни нима муқаррар қилади? Партиянинг ишончи комил: инсон қайта қуришнинг асосий иштирокчиси бўлган тақдирдагина у муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун демократиялаш зарур, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорига мувофиқ амалга оширилаётган сиёсий ислоҳот демократиялашни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Демократиялаш жараёнини партия ўзидан, жамиятнинг сиёсий авангарди

сифатида ўз вазифаларини тағин ҳам аниқроқ белгилаб олишдан, масъулиятни ошириш ва ўзини поклашдан, партиявийлик ва маънавий принципларга амал қилиш учун коммунистлардан талабни кучайтиришдан бошлади. Партия аппаратини қайта тузиш тугалланди, унинг сони анча қисқартирилди. Раҳбариятга янги кучлар келмоқда.

Янгиланган жамиятда янгиланган Коммунистик партия иш олиб бориши лозим — қайта қуришнинг мантиқи ана шундай. Партия кундалик хўжалик ишлари юкидан қутулиб, бутун куч-ғайратини социализм назариясининг, ички ва ташқи сиёсатнинг долзарб муаммоларини ишлаб чиқишга, омма орасида сиёсий, ташкилотчилик ва идеология ишларини олиб боришга қаратиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ҳар бир совет кишисининг ақл-заковати ва туйғулари орқали ўтадиган қайта қуриш халқнинг маънавий турмушини мислсиз даражада юқори кўтарди. Биз ҳаммамиз қайта қуриш билан яшамоқдамиз. Биз ҳаммамиз кўп жиҳатдан бошқача бўлиб қолдик, ўтмишга, ҳозирги кунимизга ва келажакка янгича назар ташламоқдамиз, мақсадларни ва уларга эришиш йўлларини ҳам янгича кўрмоқдамиз. Таълим ислоҳ қилинмоқда, фан қаддини ростламоқда, маданий турмуш бой ва ёрқин бўлиб бормоқда. Матбуотдаги мақолаларнинг, телевизион программалар ва радиоэшиттиришларнинг ижтимоий таъсири сезиларли даражада ошди. Улар ошкораликнинг, фикрлар хилма-хиллигининг кенг минбари бўлиб қолди.

Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар иттифоқи қайта қуриш давомида сермазмун бўлиб бормоқда, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг таъсири кучаймоқда. Демократиялаш жараёни миллатлараро муносабатларни ҳам тобора чуқурроқ қамраб олмоқда, бу соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун шароит яратилмоқда, СССРдаги барча миллат ва элатларнинг Октябрь туфайли вужудга келган иттифоқи янги мазмун билан тўлиб бормоқда, бу иттифоқ ана шу миллатлар ва элатлардан ҳар бирининг ва бутун мамлакатнинг туб манфаатларига мос келади.

Совет жамияти ички турмушидаги чуқур ўзгаришлар ташқи сиёсатимиздаги характери жиҳатидан революцион ўзгаришлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Амалий ишларда мужассамлашаётган янги сиёсий тафаккур энг мураккаб халқаро муаммоларни амалий ҳал қилишнинг негизи бўлиб қолди. Совет ташаббуслари туфайли дунё хавфсизроқ бўлиб қолаётганлигини, бир-бирига шубҳа билан қараш ўз ўрнини ишонч ва ҳамкорликка бўшатиб бераётганлигини ҳар бир соф виждонли киши кўриб турибди.

Қайта қуриш бирдан-бир тўғри йўл эканлигини апрелдан кейинги тажриба рад этиб бўлмайдиган даражада кўрсатмоқда. Бизнинг бошқа йўлимиз йўқ. Биз бу йўлдан қатъият билан бораверамиз, ижобий изланишни давом эттиравера-миз. Ўзгартишларнинг кенг кўламли режаларини сабот билан амалга ошираверамиз, олға томон ҳаракатни жадаллаштираверамиз.

Мана шу йўл жўн бўлиши мумкинми? Албатта, жўн бўлмайди, айникса бошланишида жўн бўлмайди. Янгилаш жараёни мураккаб ва зиддиятли эканлигини, қайта қуриш келтириб чиқарган, жамият машаққат чекиб кутаётган ишлар ҳали тўла-тўкис рўёбга чиқарилмаётганини партия кўриб турибди. Бир қанча соҳаларда, шу жумладан социал соҳада олға силжиш бўлмаяпти. Амалга оширилаётган ислоҳот баъзан натижа бермаяпти. Бунинг учун масъулиятни партия ўз зиммасидан соқит қилмайди. У вазиятни сезгирлик билан баҳоламоқда. Қайта қуришга нималар тўсқинлик қилаётганлигини кўриб турибди. КПСС қийинчиликлар ва ғовларни енгиб ўтар экан, аввало, ўзига, коммунистларга нисбатан талабчанликни оширмоқда.

Халқимизнинг текин томоқни кутиш одати йўқ. Қайта қуришда бир четда кутиб ўтирувчилар, бегоналар ва иштирок этмайдиганлар бўлмаслиги керак. Куч-ғайратларимизни бирлаштирибгина муштарак мақсадларга эриша оламиз. Қайта қуриш бизнинг тақдиримиз, тарих бизга берган имкониятдир, бу имкониятни қўлдан бериб бўлмайди ва қўлдан берилмаслиги керак.

Партия ўзининг сайловолди программаси билан мурожаат қилар экан, барча совет кишиларини ишонтириб айтадики, у бундан буён ҳам бутун кучини, коллек-

тив фикрини ва коллектив иродасини жамиятимизни революцион янгилашга сарфлаб, қайта қуриш йўлидан оғишмай бораверади. Партия сизларнинг ҳар бирингиз белгиланган режаларни амалга оширишда фаол иштирок этишингизга умид қилади.

Сайловчи ўртоқлар!

Қайта қуриш ғоясининг ўзи инсонга ғамхўрлик туфайли юзага келган, уни шу ғамхўрлик тақозо этган. Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, турмушини яхшилаш — КПСС бутун социал-иқтисодий сиёсатининг ўзагидир. Халқнинг энг зарур эҳтиёжларини партия жуда яхши билади, тушунади, шу боисдан ҳам партия яқин йиллар ичидаёқ совет кишилари яхшироқ яшай бошлайдиган бўлишлари учун зўр бериб меҳнат қилмоқда.

Бу соҳада биз учун биринчи галдаги вазифалар нималардан иборат? Аввало, энг ўткир муаммо — озиқ-овқат муаммоси ҳал этилиши керак. Партия буни қишлоқ меҳнатчисини ердаги тўла ҳуқуқли хўжайинга айлантириш билан, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги мувозанатни тиклаш билан, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш билан боғлиқ, деб билмоқда. КПСС Марказий Комитетининг бўлғуси Пленуми ҳозирги аграр сиёсатни амалга ошириш йўлларини кўриб чиқади. Кўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тезроқ қондириш имконини беради, деб умид қиламиз.

Одамлар магазинларда юқори сифатли саноат моллари етарли бўлишини кутмоқдалар. Партия бундай моллар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш вазифасини ўртага қўйган. Енгил саноатни модернизациялаш учун катта маблағ ажратилмоқда. Индустриянинг ҳамма тармоқлари, шу жумладан мудофаа корхоналари халқнинг бевосита эҳтиёжлари учун ишлатилади, мудофаа корхоналари бир қисмининг профили ўзгартирилиб, граждан мақсадларига хизмат қилдирилади. Чет элларнинг ташкилотлари ва фирмалари жалб этилмоқда, юқори сифатли моллар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо қилинмоқда.

Мамлакатда уй-жой масаласи нақадар кескин бўлиб турганини, кўп оилаларни, айниқса ёш оилаларни бу масала нақадар ташвишга солаётганини партия билади. Шу сабабли у ўртага қўйилган вазифани ҳал этиш — ҳар бир оилани 2000 йилгача алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилаверади. Келгуси беш йилликнинг охирига бориб, ҳар йили ишга тушириладиган янги уйлар бир ярим баравар кўпайтирилади, янги квартираларни фойдаланишга топшириш 3 миллионтага етказилади. Бунинг учун ҳамма имкониятлардан — давлат қурилишидан ҳам, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг иштирокидан ҳам, кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантиришдан ҳам, манфаатдор кишиларнинг, айниқса ёшларнинг ихтиёрий меҳнатидан ҳам фойдаланилади.

Кексаларнинг пири-бадавлатлиги жамиятнинг ҳам фаровонлигидир. Пенсиялар тўғрисида тайёрланаётган Қонун узоқ йиллар виждонан меҳнат қилиб, қарилик гаштини сураётганлар учун яхшироқ шароит яратиб беришга хизмат қилади. Пенсияларнинг миқдорини сезиларли равишда кўпайтириш, ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар учун ягона пенсия таъминотини жорий қилиш, бутун пенсия таъминоти системасини такомиллаштириш мўлжалланмоқда.

Уй, оила, болалар деган тушунчалар ҳар биримизга азиз ва қадрлидир. Биз жамиятнинг оилага эътиборини, оилани мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш, болалар тарбияси учун масъулиятни ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Болаларга ёрдам кенгайтирилади — кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақалар, оналарнинг бола парвариши учун ҳақ тўланадиган отпуска муддати узайтирилади, оилавий болалар уйлари барпо этилади.

Партия совет кишисининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиб, аҳолига медицина хизматини тубдан яхшилаш юзасидан катта қарорлар қабул қилди ва бу қарорларнинг бажарилишини ўзининг программавий вазифаларидан бири, деб билади.

КПСС совет кишиларининг экология вазияти кескинлашганлигидан хавотирлигига қўшилади, бу соҳада вужудга келаётган мураккаб муаммоларни ҳал этишга асосли равишда ёндашмоқда. Атроф муҳитни соғломлаштириш ва муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш программаси ишлаб чиқилмоқда.

Самарали экономика — кучли социал сиёсатнинг пойдевори эканлиги маълум.

Бизнинг экономикамиз чиқимдор ялпи ёндашувлардан халос бўла бошлади, инсон манфаатларига тобора кўпроқ хизмат қилмоқда.

Январдан бошлаб ишлаб чиқариш тармоқларининг ҳамма корхоналари тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтди. Хўжалик механизмини созлаш ишлари давом этмоқда. Ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига ўтилмоқда, планлаштириш, пул ва кредит билан таъминлаш қайта қурилмоқда.

Бироқ шуларга қарамай, экономика ҳозирча янгичасига ишлай бошлагани йўқ. Одамлар экономикани қайта қуриш натижаларини ҳали тўла-тўкис сезмадилар. Кўп иш қилиниши керак. Бу хусусда партиянинг аниқ-равшан ҳаракат плани бор. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, туб иқтисодий ислоҳот, даромадларнинг иш самарадорлигига ва сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилиши мана шу планнинг таркибий қисмларидир.

Ислоҳотлар йўлидан изчиллик билан бораётган партия иқтисодий воситалардан тор гуруҳбозлик, худбинлик мақсадлари йўлида, аҳолининг зарарига фойдаланиш, нарх ва фойдани сунъий равишда ошириб, меҳнаткашларни ўзгаларнинг уқувсизлиги ва ўзгаларнинг камчиликлари учун ҳақ тўлашга мажбур этиш йўлидаги уринишларга қаттиқ тўсиқ қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Биз турли-туман унумсиз чиқимларни, исрофгарчиликларни, халқ ресурсларини ўғирлаш, талон-торож қилишларни бутунлай тугатиш учун, хўжалик юритишда зарар кўришни бартараф этиш учун қатъият билан кураш бошлаганимиздагина социал сиёсат ҳам, экономика ҳам чинакамига самарадор бўлиб қолади. Ҳар бир сўмни меҳнат билан топмоқ керак. Ҳар бир киши, ҳар бир коллектив, бутун жамият ҳам ишлаб топилган маблағ ҳисобига яшайдиган бўлиши лозим. Йирик чора-тадбирларни, илғор ислоҳотларни ҳар бир кишининг масъулияти билан, онгли интизоми, ишга ижодий муносабати билан мустаҳкамлаш лозим.

Партия актив социал программани — халқ хўжалигини сифат жиҳатидан янгилаш ва юксалтириш асосида совет кишиларининг фаровонлигини ошириш программасини рўёбга чиқариш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилади. У совет экономикаси жўшқинлик ва новаторлик касб этиши учун, фан-техника тараққиёти анча жадаллашиши учун, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб бораверини учун бутун куч-ғайратни ишга солади.

Ўртоқлар!

Совет ижтимоий тузуми меҳнаткаш халқ ҳокимияти шиори остида вужудга келган. Шундан кейинги тараққиётнинг нуқсони шу бўлдики, оддий инсон сиёсий ҳокимиятни амалда рўёбга чиқаришдан четлаштириб қўйилди. Қайта қуриш бундай аҳволни тубдан ўзгартирмоқда. Туб сиёсий ислоҳот халқнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Бу соҳада биз XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларига қатъият билан риоя қилмоқдамиз.

СССР халқ депутатлари съездининг сайланиши сиёсий ислоҳотнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш учун имконият очади. Республика ва маҳаллий даражадаги Советларни қайта тузиш, уларнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш лозим. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш тўғрисидаги Қонун шунга хизмат қилади. Бошқарув аппаратини Советлар назорати остидаги ва уларга ҳисоб берадиган эпчил, самарали аппарат қилиш муҳимдир. Бошқарувни демократиялаш, одамларнинг ижтимоий фаоллиги ва масъулияти — буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасига қайтилмаслигининг ишончли кафолатидир.

Халқ ҳокимиятини тиклаш ҳуқуқий давлатни барпо этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Келгусида суд ислоҳоти ўтказилади, ёшлар тўғрисида, матбуот ҳақида, виждон эркинлиги тўғрисида қонунлар ва турмушимизнинг энг муҳим жиҳатларига тааллуқли бошқа қонунлар қабул этилади. Мана шуларнинг ҳаммаси давлатнинг гражданлар олдидаги, гражданларнинг эса давлат олдидаги масъулиятини оширади, инсон ҳуқуқлари кафолатини, қонун олдида ҳамманинг тенглигини мустаҳкамлайди.

Партия социалистик демократияни янада ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий турмушда ва бошқарувда ҳар бир кишини фаол қатнаштириш учун, ҳақиқий, тўлиқ халқ ҳокимиятининг тантана қилиши учун ҳамма чораларни кўради.

Ўртоқлар!

Қайта қуриш кўп миллатли Иттифоқимизнинг барча халқлари муддаоларига мос келади. Партия ҳар бир миллат ва элатнинг миллий манфаатларига, ўзига хослигига ҳамда қадр-қимматига ҳурмат билан қараш учун курашади.

Адолатга, социалистик ютуқлар ва қадриятларга асосланган миллий қуриш — муштарак ишимиз ва муштарак масъулиятимиздир. Фақат ўз республикаси учун, ўз халқи учун, айниқса бошқаларга зарар келтирган тарзда якка-якка ҳаракат қилинса, бу иш олға силжимайди. Муваффақият — ҳамкорликдадир, ҳар бир миллат ва элатнинг, ҳар бир республика ва бутун мамлакатнинг манфаатларини уйғунлаштиришдадир.

Партия ўзининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларига асосланиб, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш соҳасида катта-катта тадбирларни ишлаб чиқмоқда. КПСС Марказий Комитетининг бўлғуси Пленуми шу соҳада яқин йилларда қилинадиган ишларнинг муфассал программасини қабул этади. Республикаларнинг ҳуқуқлари анча кенгайтирилади, уларнинг суверенитети мустаҳкамланади. Советларнинг янгиланган фаолияти орқали партия ўртага ташлаган: мустаҳкам иттифоқ — кучли марказ ва кучли республикалардир, деган принцип рўёбга чиқарилади.

Хўжалик ҳисоби республикаларнинг мустақиллиги ва ўзаро масъулиятини пишиқ-пухта негизга қўяди, идораларнинг буйруқбозлигига барҳам беради. Экономика ва социал соҳа, тил ва маданият, тарихий мероснинг, асрлар давомида ўз диёрида яшаб келган халқ учун шунчаки экология муҳити эмас, балки бешик ва маскан бўлган табиатни сақлаб қолишнинг долзарб масалаларини ҳал этиш борасида ҳар бир республиканинг имкониятлари ортади.

Биз бирга бўлган тақдиримизда кучли эканлигимизга ҳозир ҳеч кимни ишонтиришга ҳожат йўқ. Бутун мамлакат, ҳар бир республика, ҳар бир совет оиласи Арманистоннинг мусибатини ўз мусибати деб билди. Ҳар бир киши бу мусибатга ҳамдардлик билдириб, ёрдамга келди. Халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги, жипслик, интернационализм, бирдамлик — буюк ютуқлардир. Шу ютуқларни муқаддас билиб асраймиз ва кўпайтираверамиз.

Ҳамиша ва ҳар ишда партия ленинча миллий сиёсатни ўтказаверади, Советлар Мамлакатидаги ҳар бир миллат ва элат яхшироқ яшаши учун уларнинг миллий ўзига хослиги тўлиқроқ ва яққолроқ намоён бўлиши, қардошлик иттифоқимиз бадавлат ва бақувват бўлиши учун шароит яратаверади.

Ўртоқлар!

Қайта қуриш давомида совет жамиятининг маънавий турмуши бойиб бормоқда. Одамларнинг онги қулф урмоқда, онгни шакллантиришга ёндашувларнинг ўзи ўзгармоқда. Шахсларнинг орасидаги фарқни йўқотиш ўрнига шахсий қобилиятлар намоён этилмоқда, ақл-идрок ва истеъдодлар мусобақаси йўлга қўйилмоқда; хўжакўрсин учун бўладиган якдиллик ўрнига фикрлар ва қарашларнинг кенг доираси юзага келиб, юксак мунозара маданияти қарор топмоқда; юқоридан бериладиган кўрсатмалар кучига умид боғлаш ўрнига одамлар билан кенг мулоқотда бўлиш, уларнинг фикрларини ҳурмат қилиш, қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда гражданларни қатнаштириш одат тусига кирмоқда.

Партия маънавий муҳитни соғломлаштириш учун бундан буён ҳам курашаверади, эзгу ҳис-туйғулар, адолат ва ҳақиқат, меҳр-оқибат ва қардошликни қарор топтиришга интилаверади. Биз икки ёқлама ахлоққа биргаликда зарба беришимиз, жиноятчиликни, ичкиликбозликни, гиёҳвандликни, бошқа социал-маънавий маразларни таг-туби билан қўпориб ташлашимиз керак. Жамиятнинг маънавий поклиги ва улуғворлиги бутун халқнинг иши бўлиб қолмоқда.

Ёш авлодга тарбия ва таълим бериш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Бу — бир кунлик иш эмас ва биргина комсомолнинг иши эмас, албатта. Ёшларга нисбатан давлатнинг мунтазам сиёсати бўлиши керак. Бу сиёсатнинг мақсади йигит ва қизларга ҳаётда ўзига муносиб ўринни топиб олишда, ўз қобилиятлари ва истеъдодларини яхшироқ рўёбга чиқаришда, қайта қуришга фаолроқ киришишда ёрдам беришдан иборат.

Ўрта ва олий мактаб ислоҳотини охирига етказиш, ўқитишнинг сифат жиҳатидан янги типига, узлуксиз таълимга ўтишни таъминлаш лозим. Мактаб жамият олдида масъулдир, аммо жамият ҳам ўз келажаги вужудга келадиган мактаб

олдида масъулдир. Ўқув юртларининг моддий базасини биргаликда мустаҳкамлайлик, таълимнинг ижтимоий нуфузини оширайлик, ўқитувчининг обрў-эътиборини улуғлайлик.

Совет фанини, айниқса фундаментал тадқиқотларни жадал ривожлантириш, социал ва табиий илмий фанларнинг амалдаги самарасини ошириш кун тартибида турибди. Сиёсат, экономика, бошқарув, экология соҳасидаги биронта йирик қарор илмий жиҳатдан жиддий асосланмай, олимларнинг холисона текширувидан ўтказилмай қабул қилинмаслиги керак.

КПСС бадиий ижодкорлик соҳасидаги самарали изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайверади, социал-маданий қурилишдаги «қолдиқ принципи»ни тугатаверади, оммавий-ахборот воситаларининг таъсирчанлиги ва масъулиятини, уларнинг ташкилотчилик ролини ошираверади.

Партия қайта қуришнинг интеллектуал потенциалини кучайтиришни, ҳар томонлама камол топган, ижтимоий фаол шахсни вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришни ўз бурчи, деб ҳисоблайди. КПСС жамиятимиз турмушида рўй-ростлик, ошкоралик, юксак инсонпарварлик идеаллари ва социализм қадриятлари изчиллик билан қарор топишининг тарафдоридир.

Азиз ўртоқлар!

Янги сиёсий тафаккур асосида халқаро турмушнинг энг муҳим муаммоларига янгича, новаторларча ёндашувлар топилди. Носоғлом ва хатарли мухолифлик психологиясига ақл-идрок, холис ният, амалий мулоқот мантиғи қарама-қарши қўйилди. Халқаро кескинлик юмшай бошлади, дунё осойиштароқ ва хавфсизроқ бўлиб қолди. «Совуқ уруш» чекинмоқда, инсоният тарихнинг тинч даврига кириб бориши учун амалий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги совет-америка Шартномаси амалга оширилмоқда; СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисида битимга эришишнинг дурустгина истиқболлари бор.

Бизнинг қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни бир томонлама қисқартириш тўғрисидаги қароримиз қурол-яроғларнинг мана шу туркумларини ҳам кўп миқдорда ва мувозанатли чеклашга оид музокараларга кўмаклашиши шубҳасиз; химиявий қуролни ва уни ишлаб чиқарадиган базанинг ўзини тугатиш тўғрисидаги музокаралар муваффақиятли тугашига умид қилиш учун асослар бор.

Маҳаллий можароларни бартараф этиш сари бурилиш рўй бермоқда. Биз Афғонистон масаласини тезроқ ҳал этиш, совет қўшинларини Женева битимларига мувофиқ олиб чиқишни тугаллаш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилаверамиз.

Бизнинг янги сиёсий тафаккурни қарор топтиришга қилган даъватимиз тобора кенг акс-садо бермоқда. Совет Иттифоқи замон амрига жавобан туб муаммоларни сиёсий воситалар билан ҳал этишга чақирмоқда. Зўравонлик ҳуқуқи ўз ўрнини ҳуқуқ кучига, барча давлатларнинг қонуний манфаатлари сўзсиз ҳурмат қилинишига бўшатиб бериши керак.

Келгуси йилларда биз социалистик мамлакатлар билан, бутун дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликда «совуқ уруш»ни батамом бартараф этишга, халқаро муносабатларнинг универсал принципи бўлмиш тинч-тотув яшашни қарор топтиришга, XX асрнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этиш йўлида барча давлатларнинг уйғун, ўзаро фойдали алоқаларини ривожлантиришга, уларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга ҳаракат қилавериш ниятидамиз. Биз халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштиришга, қуролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни тинчлик изига ўтказиш ишида жиддий тараққиётга сабот билан интилаверамиз. Бу ишларнинг ҳаммаси мамлакатнинг мудофааси ва хавфсизлигига зарар етказмай қилинади. Бунга совет кишиларининг ишончи комил бўлаверсин.

Партия ишонтириб айтадики: бизнинг ташқи сиёсатимиз бундан буён ҳам бош мақсадга — совет кишиларининг ҳозирги ва кейинги авлодлари учун тинч турмуш шароитларини таъминлашга ҳар томонлама хизмат қилаверади.

Азиз ўртоқлар! Ҳурматли гражданлар!

Рўй бераётган ўзгартишларнинг миқёси ва теранлиги партия ўртага қўйган қайта қуриш программаси бутун халқнинг программаси бўлиб қолди, деб айтиш

имконини беради. Бу программа ошкора умумпартия ва умумхалқ мунозараларида текширишдан ўтди ва қўллаб-қувватланди. Бизнинг йўлимиз тўғри. Биз ҳаракатимизга халақит бериш, жамиятни яна турғунлик ботқоғига ташлаш йўлидаги ҳар қандай уринишларни рад қиламиз. Биз шошма-шошарликка, авантюризмга, манфаатпарастликка қарши ҳам мана шундай қатъият билан курашаверамиз. Масъулиятли сиёсатнинг донолиги шундаки, тарих томонидан қайта қуриш учун ажратилган бирон кун зое ўтказилмайди, аммо реалликдан ажралиб ҳам қолинмайди. Бизнинг ҳаракатларимизда мақсадлар ва рўй бераётган воқеаларнинг миқёслари ҳамиша равшан тушуниб турилиши керак.

Бизнинг муаммоларимизни ўзимиздан бошқа ҳеч ким ҳал этиб бермайди. Ҳар бир киши қайта қуриш йўлида ишлар экан, ўзи учун, ўз оиласининг фароғати учун, Ватанимизнинг равнақи учун ишлаётганини тушуниб олиши муҳимдир. Қайта қуришни ҳимоя қилиш, энг муҳими эса уни зўр ғайрат билан муттасил илгари силжитиш керак. Биз ҳар қандай қийинчиликларни фақат ўзимиз, биргаликда, уюшқоқ куч-ғайратларимиз билан бартараф этиб, эзгу мақсадга эриша оламиз. Бунинг учун бизда ҳамма нарса бор.

Биз туб ўзгартишлар зарурлигига астойдил ишонамиз. Бундай ўзгартишларни амалга ошириш учун бизнинг коллектив сиёсий иродамиз бор. Қайта қуришнинг илмий назарияси ва сиёсати, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига татбиқ этиладиган амалий ҳаракатлар программаси бор. Ислоҳотларнинг муваффақияти учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар бор. Янги вазифаларни ҳал эта олиш, тарихнинг бурилиш паллаларида бутун масъулиятни зиммага ола билиш қобилиятини амалда исботлаб келаётган ленинчи партия бор. Ниҳоят, энг муҳими — буюк ишлар қилишга қодир бўлган буюк халқнинг ҳаракатга келган жўшқин бунёдкорлик куч-ғайрати бор.

КПСС Марказий Комитети ишчилар синфига, деҳқонларга, барча меҳнаткашларга мурожаат этади. Партиянинг ҳамма режалари халқ манфаатларига бўйсундирилган. Эртага турмуш қандай бўлиши, келгуси кун қандай натижа бериши шу режаларнинг бажарилишига боғлиқ. Бинобарин, мана шуларнинг ҳаммаси — халқнинг ўз қўлида. Сизларнинг меҳнатингиз, маҳоратингиз, социал фаоллигингиз ва ижтимоий позициянгиз муваффақиятнинг энг муҳим гаровидир. Ўзгартишларнинг фаол тарафдорларини, давлат нуқтаи назаридан, дадил, масъулият билан ва кенг миқёсда фикр юритадиган ва ҳаракат қиладиган кишиларни халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатингиз ва сайловда шу номзодларни қўллаб-қувватлангиз!

КПСС Марказий Комитети совет зиёлиларига мурожаат этиб, мамлакатнинг тақдири ҳал этилаётган пайтда ўз вазифаси юксаклигида бўлишга чақиради. Сизнинг сўзингиз, сизнинг фикрингиз халқ орасида нақадар зўр акс-садо беришини ёдда тутингиз. Тараққиёт йўлида фидокорлик билан меҳнат қилингиз, одамларни бирлаштирингиз, социализм қадриятларини, инсонпарварликни ва муносабат маданиятини юксалтириб ҳимоя қилингиз, шахсан олижаноблик ва жипслик намунасини кўрсатингиз.

КПСС Марказий Комитети жамоат ташкилотларига — касаба союзларига, Ленин комсомолига, кооператив ташкилотларга, хотин-қизлар кенгашларига, уруш ва меҳнат ветеранларининг, илмий ходимларнинг уюшмаларига, СССР ижодий союзларига, бошқа ташкилотларга **мурожаат этиб,** уларни қайта қуриш ғояларини қўллаб-қувватлашга, халқ манфаатлари ва социализм мақсадлари йўлида ижтимоий фаолиятни ва гражданлик ҳаракатини ривожлантиришга чақиради.

КПСС Марказий Комитети коммунистлар ва партиясизларга, эркаклар ва хотин-қизларга, ветеранлар ва ёшларга, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига — барча гражданларга мурожаат этиб, партия платформаси асосида бирлашишга чақиради.

Бўлғуси СССР халқ депутатлари сайлови демократия мактаби, халқ тўла ҳокимияти тантанаси бўлиб қолсин!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ
КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АВАНГАРДЛИК РОЛИНИ ОШИРАЙЛИК

ПАРТИЯДА яқиндагина якунланган ҳисобот-сайлов кампанияси КПСС ҳаётида, бутун совет жамияти ҳаётида туб ўзгартишлар қилиш йўлида ғоят муҳим босқич бўлди. У янгиланиш ғояларининг ҳар бир партия ташкилотида амалий ишлар билан интенсив, фаол қўшилиб кетганлигини кўрсатди. Ҳозир ишнинг конкрет натижалари қайта қуришга қўшилган ҳиссага баҳо беришнинг асосий мезони бўлмоқда.

Партия ташкилотларида КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг ижодий, изланувчан руҳини, унинг очиқ-ойдинлик, ошкоралик, партиявий ўртоқлик, барча масалаларни эркин муҳокама қилиш муҳитини, шунингдек, унинг танқидий, аналитик йўналишини мустаҳкамлашга интилиб, партиямиз Марказий Комитетининг июль (1988 йил) Пленуми ана шу жараёнга ёрдам беришга даъват этилган қарорлар қабул этди. Улар кенг маълум — «КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини бажариш соҳасидаги амалий ишлар тўғрисида», «Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайлов тўғрисида» ҳамда «Партия аппаратини қайта қуришнинг асосий йўналишлари тўғрисида». Ушбу ҳужжатлар партия ташкилотларини, барча коммунистларни жамиятда йиғилиб қолган кўплаб проблемаларни конструктив ҳал этишда активлик кўрсатишга ва масъулиятли бўлишга, сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларда янгича ёндашувларни қарор топтиришга, камчиликларга, бюрократизмга, интизомсизликка қарши курашда принципиаллик кўрсатишга рағбатлантирди. Бошланғич партия ташкилотларида ҳам, район, шаҳар, область бўғини даражасида ҳам ҳисобот ва сайловлар уларнинг бевосита таъсири остида ўтди. КПСС МК ана шу кампанияни тайёрлашга жуда катта аҳамият бериб, 1988 йил 12 августда раҳбар партия органлари сайловини ўтказиш тўғрисидаги Инструкцияни тасдиқлади ва бу билан партиянинг ички ҳаётини янада демократиялашга, ижодий мунозаралар, фикрларни ифодалаш эркинлиги, танқид ва ўз-ўзини танқид учун барча шароитларни яратишга имконият яратди. Юқорида тилга олинган ҳужжат номзодларни кенг муҳокама қилишга, партия органларига ҳақиқатан муносиб, фаол, ташаббускор, обрўли кишиларни, қайта қуришнинг чинакам тарафдорларини кўрсатишга кўп даражада ёрдам берди.

Шундай қилиб, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС МК июль Пленуми ўзларининг чуқур ўйланган қарорлари билан ҳисобот-сайлов кампаниясини давр талаблари руҳида, яъни янгиланиш, туб иқтисодий ислоҳот ва совет жамиятини демократиялаш вазифаларига мувофиқ қилиб ўтказиш учун замин тайёрлади.

Партия аппаратини қайта ташкил этиш ҳисобот-сайлов кампанияси билан ўзаро маҳкам алоқада олиб борилди. Ана шу икки воқеани бир-биридан ажратиш қийин. Зеро, партия аппарати КПСС ташкилий структурасининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Сайлаб қўйиладиган партия органлари унинг ёрдамида ўзларининг сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий вазифаларини, қабул қилинган қарорларни амалга оширадилар ва уларнинг бажарилишини контрол қиладилар, қуйи ташкилотларга уларнинг ишида ёрдам кўрсатадилар. КПСС МК июль Пле-

нуми КПССнинг жамият сиёсий авангарди сифатидаги ролига мувофиқ аппарат структурасини қайта қуриш, ходимлар умумий миқдорини жиддий камайтирган ҳолда аппаратни бошқарув тармоқлари бўйича бўлиб юборишдан воз кечиш ҳамда ички ва ташқи сиёсатнинг асосий масалалари билан шуғулланувчи бўлинмаларни мустаҳкамлаш ҳақида қарор қилди.

Маъмурий-буйруқбозлик методларидан қатъиян воз кечиш, демократик принципларни, ғоявий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишининг самарали формаларини қарор топтириш партия комитетларига ва уларнинг аппаратига қўйиладиган асосий талаблардир. Бу эса кадрлар хусусидаги барча масалаларни ҳал қилишга замонавий ёндашишлар руҳига мосдир. Зотан «Партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайлов тўғрисида»ги қарор ҳам ҳамма жойда номзодларни кенг муҳокама қилишни ҳамда партия комитетлари аъзолари ва секретарларини сайлашда яширин овоз беришни таъминлашга, сайлов бюллетенларига мавжуд мандатларга қараганда кўпроқ номзодларни киритиш мумкинлигига йўналтирди. Партия ташкилотларининг юқори партия органи составига номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқидан фойдаланиш учун ҳам шарт-шароит яратилди. Буларнинг ҳаммаси сайлов натижасида раҳбар партия органларига ҳақиқатан фаол, хурматга лойиқ, реал силжишларга эриша оладиган кишилар киришини кўзлаб амалга оширилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1988 йил 30 сентябрда қабул қилган «XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари асосида КПСС Марказий Комитети Комиссияларини тузиш ва КПСС Марказий Комитети аппаратини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни коммунистлар, мамлакат меҳнаткашлари қайта қуришни чуқурлаштиришга, сиёсий система ислоҳотини амалга оширишга, партиянинг кадр сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган йирик тадбир сифатида баҳоладилар. Бу нарса ҳисобот-сайлов кампаниясининг умумий муҳитига таъсир этди, у йиғилиш ва конференцияларда барча кескин проблемаларни манфаатдорлик билан муҳокама қилишга янги омил бағишлади, кишиларни партия органларига янада синчиклаб танлаб олишга имкон яратди.

Ҳисобот ва сайловлар боришига ўтган йилнинг сўнгги ойларидаги бошқа муҳим воқеалар ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Мамлакат Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари сайлови хусусидаги ғоят муҳим қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Билдирилган хоҳиш-истакларни ҳисобга олган ҳолда улар қайта ишланди ҳамда ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессиясида қабул қилинди. Сессия арафасида, ноябрда бўлиб ўтган КПСС МК Пленуми ушбу ҳужжатларнинг ўз вақтида эълон қилинганини, уларнинг сиёсий системани ислоҳ қилиш биринчи босқичининг вазифаларига, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларига мувофиқлигини таъкидлади. КПСС МК Пленуми ўзининг «Давлат курилиши соҳасида сиёсий ислоҳотни амалга оширишга доир тадбирлар тўғрисида»ги қарорида сайловчиларнинг ўз истакларини эркин баён этиш асосида СССР халқ депутатлари съездининг шаклланишини таъминлаши керак бўлган СССР халқ депутатларининг бўлажак сайлови катта аҳамиятга моликлигини таъкидлади. Партия ташкилотларининг вазифаси,— дейилади қарорда,— сайлов жараёнини демократиялашга барча чоралар билан ёрдам беришдан, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, қайта қуришнинг боришини ҳар томонлама ва оммабоп қилиб тушунтиришдан, аҳолининг ўсиб бораётган сиёсий ташаббусини амалий ишлар оқимига сабот билан йўналтиришдан иборатдир.

Иттифоқдош республикалар компартиялари МК пленумлари ва Олий Советларининг сессиялари бўлиб ўтди. Чунончи, Ўзбекистон Компартияси МК XII пленуми (1988 йил декабрь) «Республика партия органлари аппарати структурасини қайта ташкил этиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг комиссиялари тўғрисида» муҳим қарорлар қабул қилди. Уларга мувофиқ ҳолда республика Компартияси Марказий Комитетида аввалги бўлимлар тугатилиб, қуйидаги: ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлаш, идеология, социал-иқтисодий, аграр, давлат-ҳуқуқ, умумий бўлимлар ташкил этилди. МК Секретариати қошида инспекторлар группаси тузилди. Масъул ходимлар миқдори тахминан 26 процентга қисқарди.

Ўзбекистонда шунингдек область, шаҳар ва район партия комитетларининг

аппарати қайта ташкил этилди. Область комитетларида ҳам МК дагидек бўлимлар тузилди, ходимлар миқдори анчагина қисқартирилди. Шаҳар ва район комитетлари структурасида ташкилий ва идеология бўлимлари, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳар комитетларида эса шунингдек социал-иқтисодий бўлимлар ҳам ташкил этилди. 27 қишлоқ район комитетларида иш юритиш секторлари тузилиб, қолган ҳамма райкомларда умумий бўлимлар сақланиб қолди.

Партия комитетлари структурасининг ўзгариши улар фаолияти мазмуни ҳамда методларининг янгиланиши ва такомиллаштирилишига ёрдам беради. Ўзбекистон Компартияси МК комиссияларининг ташкил этилиши ҳам сиёсий раҳбарликни кучайтиришга, унинг коллегиал негизларини чуқурлаштириш ҳамда мустаҳкамлашга ёрдам бериши керак.

Партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар ҳам ана шундай ижтимоий-сиёсий фонда, маънавий покланиш муҳитида ўтди. Республика коммунистлари, партия органлари ана шу қулай вазиятдан қайта қуриш манфаатлари йўлида қанчалик тўлиқ фойдалана олдилар? Шуни айтиш керакки, етилган проблемаларни анализ қилиш ва ҳал этишга ёндашишлар турлича бўлди. Кўп ҳолларда улар чинакам ижодий, новаторлик руҳида, баъзи ҳолларда эса (улар оз эмас) эскирган, турғунлик даври андозалари руҳида ўтди. Афсуски, коммунистлар ва партия ташкилотларининг ҳаммаси ҳам ўзларининг қайта қуришнинг ҳақиқий курашчилари, унинг ғоялари ҳамда у юзага келтирган янгиланиш учун охиригача курашишга тайёр эканликларини кўрсатганлари йўқ. Ҳа, бунинг учун кўп нарса: большевистик принципиаллик, ёмонликнинг илдизини кўра билиш ҳамда уни қандай қилиб яхшироқ ва тезроқ суғуриб ташлаш усулларини топа билиш маҳорати, ғоявий саботлилик, энг муҳими — иш олға силжиши, бир жойда тўхтаб қолмаслиги учун астойдил жон куйдиришдир. Лоқайд бўлмаслик, умумий иш муваффақиятидан манфаатдорлик қайта қуришнинг буюк кучи бўлиб, у ўз сафларига янада кўп янги тарафдорларни жалб этишга қодир. Ва, албатта, қийинчиликларга қарши кураша билиш, уларни бартараф этиш йўлларини топа билиш лозим.

Редакциямиз ходими Тошкентдаги Киров районининг йирик партия ташкилотларидан бирида, унда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтгандан сўнг кўп вақт ўтмасдан бўлди. У ерда эҳтирослар чўғи ҳали ҳам совимаганди. Лекин бу қиёфадаги эҳтирос чўғи яхши ўзгаришларга ишончни мустаҳкамламади, балки ишлар аҳволидан аччиғланиш ҳиссини туғдириб, кўнгилларни совитди. Бунинг учун асослар бор эди. «Пассивлик» ва «коммунист» тушунчаларини ҳеч ҳам келиштириб бўлмасдек туюлсада, партия ташкилотида пассив коммунистлар кўп эди. Иш шунгача бориб етдики, деб ҳикоя қилади партком аъзоларидан бири, кишилар ҳатто энг енгил, оддий топшириқларни бажаришдан ҳам бош тортадиган бўлиб қолдилар. «Активликни қандай қилиб ривожлантириш мумкин? — елка қисишади партикомда. — Корхонамиз хўжалик ҳисобига ўтган, шу сабабли иш вақтида ҳеч ким ишини 5—10 минутга ташлашни ҳам хоҳламайди. Ишдан сўнг эса ҳамма уй-уйига шошилади. Бу табиийдир: коллектив асосан хотин-қизлардан ташкил топган, ҳар бирининг уйида болалари бор, рўзғор ташвиши». Бу ерда ҳатто партком секретарини ташқаридан чақиришга қарор қилишган — ўз кучларига ишонмайдилар. Тўғри, кўп ўтмай бошқа нарса ҳам ойдинлашди: партком аъзолари ҳамма, ҳатто энг оддий масалаларни ҳам хўжалик раҳбарлари билан келишиб олишга интиладилар. Мустақиллик, жанговарлик йўқ бўлган бундай ерда партия ташкилотида қайта қуриш бўлишига ишониш қийин. Ишонмаслик ҳам ана шундан келиб чиқади. Энг ташвишли жойи шундаки, кишилар бунинг сабаби ўзларида, уларнинг пассив позициясида эканлигини англамайдилар. Бундай аҳволни фақат «хотин-қизлар» коллективларида эмас, шунингдек «эркаклар» коллективларида ҳам кўриш мумкин.

Демократиялаш жараёни партияда ҳам, жамиятда ҳам эндигина қулоч ёза бошлади. Унинг бундан буён қандай бориши ҳар биримизга, биринчи навбатда — коммунистларга боғлиқдир. Агар биз, албатта, қонунларимизга мувофиқ демократия воситаларидан активлик билан фойдалансак, бизга СССР Конституцияси, КПСС Устави берган демократик принципларни, ҳуқуқларни дадил туриб ҳимоя қилсак, ана шунда бизга ҳеч қандай бюрократик кучлар қарши тура олмайди.

Ана шундай кишилар ҳозир кўпгина бошланғич партия ташкилотларида илғор роль ўйнамоқдалар. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» бир-

лашмасини олиб кўрайлик. Бундаги энг қуйи бўғин — партия группаларида ҳам, бутун корхона партия ташкилотида ҳам ўтказилган сайлов талайгина ғайратли, принципиал ва дадил кишиларни лидерлар сафига олиб чиқди. Улар партия ячейкаларига раҳбарлик қила бошлаган дастлабки кунданоқ ишга қизғин киришдилар. Уларга осонмас, чунки эскидан қолган проблемалар кўп. Баъзи бир жойда малакали ишчилар етишмайди, уларни тез ва сифатли тайёрлаш учун имконият топиш керак. Бошқа жойда ускуналар ҳаддан ташқари эски, уларни алмаштириш осонмас. Қайси бир цехда техника сиёсати жиддий нуқсонларга эга, бошқасида эса бригада пудратини жорий этиш қийин бўляпти. Бундан ташқари, социал масалалар, сиёсий ва иқтисодий ўқувнинг аҳволи ташвишлантиради. Лекин партия лидерлари бўшашмаяптилар. Уларнинг кўплари, ҳатто партия ишида тажрибага эга бўлмасалар-да, ҳар қандай ташаббусда коммунистларга таяниш кераклигини дарҳол тушундилар. Кишилар албатта ҳар хил: баъзилар ўткир масалада дарров қўллаб-қувватлашга тайёр, курашдан қайтмайдилар, бошқалари эҳтиёткорлик қиладилар, кутиб турадилар, лекин уларнинг қалбига йўл топиш мумкин ва керак. Фақат ўзим бўлай деганлар ҳам бор, — бундайлар билан узоқ вақт тарбиявий иш олиб бориш керак. Шунинг учун ҳам партия етакчиси кенг сиёсий ва маданий билимга эга бўлиши, кишилар психологиясини билиши, баҳслаша олиши, жумладан ўз шахсий намунаси билан инонтира олиши, бошқаларнинг фикрига қулоқ солиши, уни ўз ишида ҳисобга олиши керак.

Кўп коммунистлар даврнинг бу талабларини чуқур ҳис қиладилар. Бинобарин, улар ўз ташкилотларига ташаббус кўрсатмайдиган, лоқайд, омма овозини эшитмайдиган, фақат ўз фаровонлигини ўйлайдиган кишилар раҳбар бўлишини хоҳламайдилар. Шу жиҳатдан бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар якуни ибратлидир: уларнинг 275 тасида сайлаб қўйиладиган органлар ва секретарларнинг фаолияти қониқарсиз деб эътироф этилди. Қуйи бўғин даражасида альтернативали сайловга интилиш тенденцияси ҳам ғоят ёрқин кўринди. Бу ерда 11 мингдан кўпроқ секретарь ва бюро аъзоси икки ва ундан ортиқ номзоддан сайлаб олинди. Бундан ташқари, коммунистлар 2 мингдан ортиқ кишини МКга қадар бўлган юқори партия органларига кўрсатдилар. Шундай қилиб, коммунистлар бугунги кунда демократик формалардан фойдаланиб ҳамда юксак даражада активлик кўрсатиб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга ҳал қилувчи таъсир кўрсатишлари мумкин.

Умуман олганда ҳисобот-сайлов йиғилишлари илк бор ғоят кенг ошкоралик, очиқ-ойдинлик, демократизм вазиятида ўтганлигини таъкидлаш керак. Ҳар учтадан битта йиғилишда коммунистлар билан бир қаторда партиясизлар ҳам сўзга чиқдилар. Кўпгина партия ташкилотларида коммунистларни ҳисобот докладлари тезислари билан олдиндан таништирдилар ва улар ўз чиқишларини яхшироқ асослаш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари, кишиларнинг сайлаб қўйиладиган органларга номзодлар, меҳнат коллективидаги ишлар аҳволи тўғрисидаги фикри синчиклаб ўрганилди. Хато ва камчиликларнинг, социал масалалар суст ҳал қилинишининг чуқур сабабларини англаб етишга интилиш шундай сезилиб турарди.

Туб иқтисодий ислоҳот меҳнат коллективларининг ҳамда улар партия ташкилотларининг фаолиятини жиддий анализ қилишга даъват этди. Маълумки, 1989 йилдан бошлаб республика халқ хўжалиги ишл· 5 чиқариш тармоқларининг корхоналари тўлиқ хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтди. Бу ерда янги хўжалик механизми барча элементларининг ўзаро таъсирини яхши йўлга қўймасдан, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг демократик негизларини ва иқтисодий методларини янада чуқур ривожлантирмасдан, хўжалик ҳисоби формалари ва узоқ муддатли ижара муносабатларини кенг қўлланмасдан бирор иш қилиш мумкин эмас. Кўпгина партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида айни шу ҳақда сўз борди.

Мисол учун, Тошкентда тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлашга анча олдинроқ ўтган корхоналардаги аҳвол қандай? Уларнинг 40 проценти зарур самарага эриша олмади, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, лак-бўёқ заводи, тўқимачилик комбинати эса ҳатто ўз фаолиятлари кўрсаткичларини ёмонлаштирди. Табиийки, ана шу корхоналарда сайлаб қўйиладиган партия органлари ва секретарлар ҳисоботларининг муҳо-

камаси асосан чигал проблемалар атрофида бўлди. Умуман олганда уларни ҳал этиш йўллари топилди, эндиликда эса энг муҳими кишиларнинг куч-ғайратини керакли оқимга йўналтиришдир.

Ёмон ишлаш сабаблари, одатда, дарров кўзга ташланмаслиги, улар проблемаларнинг бутун бир комплекси билан боғлиқлигини айтиб ўтиш керак. Уларни кўпинча кишиларга меҳнат ва турмуш учун яхши шарт-шароит яратиб бериш билан бирга ҳал этиш керак бўлади. Энди партия ташкилотларининг бу масалалардан кўз юмиши умуман мумкин эмас. КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси ҳам, партия МК Пленумлари ҳам партиявий ғамхўрлик марказига меҳнаткаш инсонни қўйдилар.

В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи каби йирик корхонани олиб кўрайлик. Бу ерда давлат буюртмаси бўйича ҳам, шартнома асосида етказиб бериш бўйича ҳам план сурункасига бажарилмай келади. Бунинг асосий сабаби социал проблемаларни ҳал этишга эътибор берилмаслигидадир. Завод коммунистлари бу масалани ўз маъмуриятлари олдида ҳам, Бекобод шаҳар партия комитети, совет органлари олдида ҳам жуда кескин қилиб қўйдилар.

Қишлоқ коммунистлари Озиқ-овқат программасини бажариш билан боғлиқ ғоят муҳим вазифаларни ҳал қилмоқдалар. Бунда иқтисодий воситалар, ишни йўлга қўйишнинг илғор форма ва методлари уларнинг асосий қуролидир. Масалан, шу йилдан бошлаб Қашқадарё область Косон районидаги барча колхоз ва совхозлар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи қайта ишлаш корхоналари хўжалик юритишнинг янгича шароитида ишлай бошладилар. Жойларда кишилар ҳақида қанчалик кўп ғамхўрлик қилинса, янги йўналишга шунчалик енгил ўтилади. Масалан, «Большевик» совхозида ишчиларнинг социал ва ишлаб чиқариш активлиги юқори даражада. Коммунистлар ўзларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида барча мавжуд проблемаларни амалий, чуқур ва манфаатдорлик билан муҳокама қилдилар. Улар ишнинг асосий йўналишларини, шу жумладан социал, маданий-маиший соҳани ривожлантиришга доир йўналишни пухта таҳлил қилдилар. Ҳозир совхозда кўп нарса яхши томонга ўзгармоқда. Кишиларга эътибор ошганлиги туфайли бу ерда маънавий-психологик иқлим яхшиланган, бу эса меҳнатга ҳам самарали таъсир кўрсатяпти.

Ҳисобот-сайлов кампанияси гўё учта довондан ошгандек бўлди. Бошланғич партия ташкилотларида ҳали ҳисобот ва сайлов тугамасданоқ район ва шаҳар партия конференцияларига қизғин тайёргарлик кўрила бошлади. Агар қуйи бўғинда проблемани анализ қилиш, ўткир масалаларни қўйиш, долзарб масалаларни ҳал этиш учун демократия воситаларидан фойдалана олиш маҳорати синаб кўрилган бўлса, шаҳар ва район даражасида эса ўзини оқлаган, ўзининг фойдалилигини, қайта қуриш ишига зарурлигини исботлаган ижобий жараёнларни, партия фаолияти форма ва методларини мустаҳкамлаш керак эди. Чунончи, айни бошланғич ташкилотлар тажрибаси шуни кўрсатдики, коммунистларнинг барчаси ёки кўпчилигининг куч-ғайрати билан ишлаб чиқилган қарорлар ғоят пухта ва теран бўлади. Албатта, партия органи олдиндан жиддий меҳнат қилиши керак, ана шунда натижа ҳам салмоқлироқ бўлади. Масалан, бир қатор районларда конференцияга тайёргарлик кўриш чоғида ҳисобот докладининг тезислари олдиндан эълон қилинди. Бўстонлиқ район партия комитети уларни маҳаллий матбуот орқали район аҳолисининг кўпчилигини ташкил этадиган миллатлар тилида — ўзбек, рус, қозоқ тилларида эълон қилди. Оржоникидзе районида эса «Коммунизм тонги» район газетасида тўлиқ берилган ҳисобот доклади барча бошланғич партия ташкилотларида ва район партия комитети пленумида муҳокама қилинди. Ўнлаб коммунист ва партиясизлар ўзларининг кўп ҳолларда ғоят конструктив бўлган таклифларини юбордилар.

Ёки мана бундай янгиликни олиб кўрайлик. «Қаршистрой» парткоми район конференцияси олдидан чўлқуварлар ўртасида анкета тарқатди. Шунингдек партия комитети аъзоларининг меҳнат коллективлари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ҳисобот докладини, конференциянинг ўзини тайёрлашда коммунистлар билдирган 300 дан ортиқ таклиф ва танқидий мулоҳазалар эътиборга олинди. Бу эса парткам ишининг услуб ва методларини ғайрат билан қайта қуришнинг кўринишларидан бири бўлиб, унда расмиятчилик камайиб, демократизм, коллективга таяниш, бошланғич партия ташкилотлари ишига эътибор кучайди.

Шу билан бирга ўша конференцияда социал масалаларни ҳал қилишдаги ўз ролини ҳануз англаб етмаган партком шаънига жиддий танқидий гаплар айтилди. Конференция делегатларида партия комитетининг ҳар бир аъзоси фаолиятини талабчанлик билан анализ қилиш учун барча асослар бордек эди. Зеро, қарорлар қабул қилинишида коллективга таяниш топширилган участка учун шахсий масъулиятни истисно қилмайди, балки тақозо этади. Лекин бу ерда ана шу нарса юз бермади.

Афсуски, бир қатор бошқа район ва шаҳар партия конференцияларида ҳам талабчанлик билан ёндашилмади. Барча долзарб проблемаларни очиқ-ойдин, ошкора, демократик муҳокама қилиш учун ташқи шарт-шароитларни яратиш хусусида ғамхўрлик қилган кўпгина партокомлар айни вақтда танқид ва ўз-ўзини танқидни, коммунистлар ташаббускорлигини ҳар томонлама қулоч ёздира олмадилар. Фикрлашдаги андозалар, ҳар хил тартиб ва маросимлар инерцияси ҳали ҳам кучли эканлиги маълум бўлди. Ҳақиқатан ҳам, эски қонун-қоидалар, шу жумладан, расмий маросимларга доир қоидалар ҳали узил-кесил бартараф этилмаган. Уларнинг зарари эса оз эмас: коммунистларнинг ташаббусларини бўғади, салбий ҳодисаларнинг, ҳар қандай қолоқликларнинг сабабларини чуқурроқ таҳлил қилишга йўл бермайди. Бу кўпгина конференциялар савиясига таъсир этмай қолмади, албатта.

Шуни таъкидлаш керакки, саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга тааллуқли қатор ўткир масалалар район ва шаҳар партия комитетларига ҳавола қилинган бўлсада, улар амалда юқори хўжалик органларига тегишлидир, чунки улар бошқарув вазифаларини меҳнат коллективларига беришни пайсалга солмоқдалар. Лекин бундай аҳволни аниқлашнинг ўзи жуда муҳим, зеро у етилган проблемани ҳал этишга имкон беради. Шу билан бирга жойларда иқтисодий ислоҳотни олға юргизиш учун барча ишлар қилинаётгани йўқ. Ҳалигача ижара пудратини, хўжалик ҳисобини жорий этиш ҳақида ўйламаётган, хўжаликларнинг зарар кўриб ишлашига кўникиб қолган район партия комитетлари оз эмас. Одатда бундай жойларда социал соҳа ҳам жуда орқада қолган бўлади.

Умуман олганда ана шу соҳага тааллуқли бўлган ҳамда ўткир проблемаларнинг бутун бир тугунини ташкил этувчи масалалар кўпгина район ва шаҳар партия конференцияларида юзаки ёритилди, камчиликларнинг сабаблари очиб берилмади ва, бинобарин, аҳволни яхшилашнинг самарали ташкилий-сиёсий тадбирлари ишлаб чиқилмади. Масалан, Олтинсой, Шўрчи, Учқудуқ район партия ташкилотларида ўз вақтида кенг социал программалар — уй-жой, озиқ-овқат, «Саломатлик» программалари ишлаб чиқилган ва қабул қилинган эди. Наҳотки конференцияларда уларнинг қандай бажарилаётганини чуқур анализ қилиш зарур бўлмаса? Лекин бундай қилинмади. Шундай қилиб, фойдали ишга ёрдамлашиш имконияти бой берилди, ҳолбуки у кўп минг кишиларга тааллуқли эдику. Бунда сўз билан иш ўртасидаги тафовут яққол кўриниб турибди.

Бу фикрни иқтисодий ислоҳотни ўтказишга даъват этаётган, лекин уни ташкилий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш формаларини излашга шошилмаётган партокомлар хусусида ҳам айтиш мумкин. Зеро, бунинг учун жумладан социал тадбирларни ҳам ўз ичига оладиган тадбирларнинг бутун бир комплексини амалга ошириш, касаба союз комитетлари, комсомол, совет ва хўжалик органлари билан ҳамкорликда кўп иш қилиш керак бўлади.

Ана шу йўналишда Тошкент шаҳар партия комитети анча актив ҳаракат қилмоқда. Шу сабабли конференциядаги ҳисобот докладида ҳам, делегатларнинг нутқларида ҳам сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, қайта қуришни идеологик жиҳатдан таъминлашнинг, ташкилий партиявий ва кадр ишини такомиллаштиришнинг кўпгина актуал масалалари пухта анализ қилинди. Шуни айтиш керакки, сайлаб қўйиладиган партия органлари ва уларнинг аппарати раҳбарликнинг сиёсий методларини ҳозирча қийинчилик билан эгалламоқдалар. Зотан, партия ташкилотлари ўзларининг сиёсий авангард сифатидаги ролларини ошира борибгина омманинг ҳурмат-эътиборини қозона оладилар.

Ҳисобот ва сайловлар давомида учинчи довон бўлган область партия конференциялари ана шу йўналишда ҳаммадан кўпроқ ишлашлари керак эди. Уларнинг вазифалари нималардан иборат эди? Область конференциялари делегатлари

долзарб социал-иқтисодий проблемаларни, маънавий соҳанинг муҳим масалаларини, амалга оширилаётган ўзгартишларни идеологик жиҳатдан таъминлаш проблемаларини муҳокама қилиш билан бирга партия комитетлари фаолиятининг услуб ва методларини қайта қуриш қандай бораётганини чуқур анализ қилишлари керак эди. Партия буйруқ-фармойиш бериш методларидан иложи борича тезроқ воз кечишни, совет қонунларига ва ижтимоий ҳаётнинг демократик принципларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкилотчилик, кадр, идеологик, тарбия фаолиятининг хилма-хил формалари ёрдамида ишлаб чиқилган йўлни ўтказишни талаб қилмоқда. Раҳбарликнинг сиёсий методларигина тегишли самара бера олади. Халқ маъмурий тазйиқни, буйруқбозлик услубини энди қабул қила олмайди. Бинобарин, коммунистлар ва партиясизлар овозига қулоқ солиш, очиқ-ойдинлик, омманинг активлиги, унинг танқидий руҳи ошиб бораётган шароитда ҳаракат қилиш ва инонтириш керак. Қарорларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини контрол қилишда коллектив органлар — пленум, бюролар ролини кучайтириш, бунда улар тадбирбозликдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Бу доимо барча сайлаб қўйиладиган органлар диққат марказида туриши керак бўлган ғоят муҳим масаладир: улар шаклланиши ва ишлашининг демократик механизмлари ҳаракатсиз қолишига йўл қўймаслик керак. Бунда ҳам ҳал қилувчи сўзни ана шу органлар аъзоларининг ўзлари айтишлари керак.

Партия комитетлари фаолиятининг услуб ва методларини янгилаш кадрларни танлаш ҳамда тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда ҳам партия органлари демократик принципларга: очиқ-ойдинлик, ошкоралик, беллашувчанликка таянишлари керак. Зеро, сир эмаски, ҳалигача биз ушбу масалани тор доирада ҳал этишдан узил-кесил воз кечганимизча йўқ. Раҳбарларни сайлаш баъзан расмиятчилик учун қилинаётгандек бўлади. Баъзида кишилар... ягона номзоддан танлаб олишга мажбур бўлиб қолишади. Область партия комитетлари ходимлари омма орасида қанча кўп бўлсалар, бошланғич партия ташкилотларидаги коммунистлар фикрларини ўрганиб, улар билан алоқани мустаҳкамлаб борсалар, халқнинг ўсиб бораётган активлигидан камроқ чўчийдиган бўладилар. Зеро улар айни шу нарсага ёрдам беришлари лозим. Қуйи бўғиннинг ишлари ва ташвишларига чуқурроқ кириб бориш, ўз мустақиллиги, ташаббускорлиги, ижодиётини тезроқ кўтаришда унга ёрдам бериш — район, шаҳар, область партия комитетларининг чиндан ҳам муқаддас бурчидир. Ташкилий, сиёсий ишларнинг оғирлик марказини бошланғич партия ташкилотларига кўчираётган комитетлар тўғри иш қилмоқда.

Партия комитетларнинг фаолиятини қайта қуришдаги яна бир муҳим масала уларнинг вазифаларини Советлар, хўжалик ва бошқа органлар вазифаларидан чегаралаб олиш, бир-бирини такрорлашга ва параллелизмга йўл қўймасликдир.

Қисқаси, область партия конференциялари Советларнинг халқнинг ўз-ўзини бошқариш тўла ҳуқуқли органлари сифатидаги ҳамда партия комитетларининг сиёсий раҳбарлик органлари сифатидаги ролларини тиклай бориб, сиёсий системани ислоҳ қилишга имкон берадиган қарорлар ишлаб чиқиши керак эди.

Ушбу вазифаларни область партия конференциялари қандай бажардилар? Улар кўпгина ўткир масалаларни қўйсаларда, лекин уларнинг кўпларини ҳал қилолмадилар.

Масалан, Сирдарё область конференциясида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда янгилик жуда секин ва қийинчилик билан қабул қилинаётгани таъкидлаб ўтилди. Чунончи, 207 колхоз ва совхоздан атиги 5 таси ижарага, 19 таси ялпи даромадга қараб ҳақ тўлашга ва 47 таси сарф-харажатларни ҳисобга олишда чек системасидан фойдаланишга ўтган. Ана шундай яққол фактларга қарамасдан, ҳисобот докладида ва делегатлар нутқларида ана шу аҳволнинг илдизлари кўрсатиб берилмади. Бу аҳволда хўжалик юритишнинг прогрессив формаларига қаршилик кўрсатаётган механизмни қандай йўқотиб бўлади? Ҳолбуки иқтисодий проблемаларнинг суст ҳал қилиниши шундай аҳволни келтириб чиқарадики, натижада социал соҳа ривожланмайди, мактаб курсисидан бошлаб мутахассисларнинг тайёргарлиги паст бўлади, кишиларда норозилик туғилади, миллатчиликнинг хавфли кўринишлари намоён бўлади.

Ана шундай йўналганлик — хўжалик ишлари ҳақида, саноатда ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳот суст амалга оширилаётгани ҳақида ташвиш билан

гапиришса ҳам, лекин бундай аҳволнинг сабабларини очиб бермаслик ва айбдорларни очиқ айтмаслик, бинобарин, сиёсий органлар сифатида партия комитетлари ишига баҳо бермаслик маълум даражада бошқа область партия конференциялари учун ҳам характерли бўлди.

Лекин бу нарса Бухоро область партия конференциясида айниқса ёрқин намоён бўлди. Бу областда саноат ҳали ҳам экстенсив тарзда ривожланмоқда. Агросаноат комплексида ҳам деярли ҳеч қандай ижобий ўзгариш йўқ. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги паст, уруғчилик, чорвачилик, озуқа тайёрлашда бир талай проблемалар мавжуд, бу ҳақда конференция делегатлари куюниб сўзладилар, лекин ҳеч ким область партия комитетининг шу тармоққа раҳбарлик қилувчи секретарини танқид қилмади.

Умуман олганда раҳбарликнинг сиёсий методлари қандай ўзлаштирилаётганлиги хусусида ҳатто район партия комитетларининг биринчи секретарлари ҳам жуда оз гапирдилар ёки бутунлай гапирмадилар. Партия ва совет органларининг вазифаларини чегаралаб олишга келсак, бунда бирор нарсани янгилашга шошилмаяптилар.

Лекин, умуман олганда республика бўйича партия раҳбарлигида силжиш анча сезиларли бўлди. Амалда барча область конференцияларида партия комитетларининг ташкилотчилик, сиёсий ишини, унинг форма ва методларини қайта қуриш масалаларига катта эътибор берилди. Бунда ижобий тажрибанинг энг кичик зарралари ҳам эътиборга олинди, ишга халақит берадиган ва зарар етказадиган барча ҳоллар ўткир танқид қилинди. Чунончи, Хоразм область партия конференциясида партия органларининг фаолиятида шахсий масъулият ҳисси, ишчанлик кўпайганлиги, қоғозбозлик, мажлисбозлик камайганлиги таъкидланди. Обком бюросига қўйиладиган асосий масалалар иккитадан ошмаяпти. Натижада партия ходимларининг бўш вақти кўпайди. Улар энди жойларда тез-тез бўладилар, кишилар билан учрашадилар.

Тошкент область партия конференциясида кадр сиёсатидаги катта ўзгаришлар ҳақида, раҳбарликнинг сиёсий методларига эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз борди. Қайта ташкил этилгач, обком аппарати самаралироқ ишлай бошлади, унда 13 бўлимдан 6 таси қисқартирилди, ходимлар миқдори 28 процентга қисқартирилди. Шаҳар ва район партия комитетлари секретарлари ҳамда бўлим мудирларини танлашда сайлаб қўйиш практикаси мустаҳкам қарор топмоқда. Буларнинг ҳаммаси кадрлар билан ишлашга ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари, район, шаҳар ва область конференцияларининг мамлакатимизда сиёсий системада, социал-иқтисодий ва маънавий соҳаларда юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган қарорлари ҳозир республиканинг барча партия ташкилотлари учун йўлланма бўлади. Албатта, уларда баъзи нарсалар эътибордан четда қолган, ҳисобот докладларида ҳам, чиқишларда ҳам масалаларни асосли қилиб қўйиш учун аналитик кўникма, баъзан дадиллик, принципиаллик ҳам етишмайди, ишнинг демократик формаларидан фойдаланишда ҳали ҳам тўғоноқ солиш механизми сезилади, лекин ҳар ҳолда дастлабки муҳим қадамлар қўйилди. Эндиликда йўл-йўлакай қайта қурила бориб, йўл қўйилган хатоларни тузатиб, ўзининг бутун фаолияти принципларини партиянинг сиёсий йўл-йўриқлари билан солиштира бориб, янада олға қадам ташлаш зарур.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Р. ДЎСУМОВ, Л. РАСКИН

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШНИНГ ЯНГИ ШАРОИТЛАРИДА ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШ

КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумининг қарорига мувофиқ корхона ва бирлашмаларнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилаётганлиги аҳоли ҳамда меҳнат соҳаларини бошқариш системасини қайта қуриш билан боғлиқ бир қатор ўткир проблемаларни ўртага қўймоқда. Улар аҳоли ҳамда меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари Иттифоқдаги ўртача даражадан уч баравардан зиёд бўлган Ўзбекистон шароитида ғоят яққол намоён бўляпти. Ушбу демографик хусусият хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитида меҳнат потенциалидан фойдаланиш характери ва даражасига, регионал экономикани ривожлантириш суръатлари ва миқёсларига ўз таъсирини кўрсатяпти.

Республикамизда корхоналар ишининг сменалилик коэффициентини ошириш, янги қурилишлар, ижтимоий фойдали фаолиятнинг касаначилик, якка тартибдаги ва кооператив формаларини ривожлантириш ҳисобига меҳнат ресурсларининг иш билан самарали таъминланишига қаратилган қатор тадбирларнинг амалга оширилаётганига қарамай меҳнат ресурслари билан иш ўринларининг ўсиш суръатлари ўртасида жиддий мутаносибсизликлар сақланиб қолмоқдаки, бу эса каттагина социал-иқтисодий йўқотишларга олиб келяпти. Бунинг устига фан-техника тараққиётини жадаллаштириш шарт-шароитида ходимларни бўшатиб олиш миқёслари, табиийки, анча ошиб боради. Янги хўжалик механизми ҳам ана шунга ундайди. Шу билан бир вақтда хизмат кўрсатиш, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, дам олиш соҳалари учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига эҳтиёж ошади. Бинобарин, иш кучини жиддий равишда қайтадан группаларга бўлиш талаб қилинади.

Ҳозирги вазиятда ходимлар малакаси даражаси билан ҳозирги ишлаб чиқариш талаблари ўртасида, меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш зарурати билан қўл меҳнати ҳиссасининг кўплиги (саноатда 45 процент ва ундан юқори) ўртасида зиддиятлар борган сари кескинроқ намоён бўлмоқда. Бу кўрсаткични қисқа муддат ичида камайтириш учун кескин чоралар кўриш зарур. Бундай чоралар КПСС XXVII съездида белгилаб берилган ва улар ҳозир амалга ошириляпти. Мамлакат халқ хўжалиги ўтаётган тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашда иш билан бандлик соҳаси сифатида қўл меҳнати ўз манбаларини йўқотади (аввало замонавий техника ва технологиянинг етишмаслиги натижасида жалб этиладиган ходимларнинг нормативдан ёки пландан юқори миқдорини қисқартириш ҳисобига). Ишлаб чиқаришни техника билан қайтадан қуроллантириш суръатлари қанчалик юқори бўлса, қўл меҳнати шунчалик тез қисқаради.

Фан-техника тараққиёти меҳнатнинг бутун моддий негизини такомиллаштиришга ва пировард натижада — иш кучини бўшатиб олишга таъсир кўрсатувчи белгиловчи омил сифатида майдонга чиқади. Бу — интенсив ривожланадиган ишлаб чиқаришнинг объектив қонуниятидир.

Муайян корхона учун «ортиқча» ходимлар мавжудлиги (белгиланган ишлаб

ДЎСУМОВ Рустам Янгибоевич, СССР Меҳнат ва социал масалалар бўйича давлат комитети Меҳнат илмий-тадқиқот институти Ўзбекистон филиалининг директори, иқтисод фанлари доктори.
РАСКИН Леонид Исаакович, филиалнинг бўлим мудири, иқтисод фанлари кандидати.

чиқариш программасини бажариш учун уларга зарурат йўқ) янги техникани жорий қилишга тўғаноқ бўлади, коллективдаги ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини бўшаштиради, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини оширади. Бундан ташқари, шу туфайли иш кучининг жуда ҳам етишмаслигини ҳис этаётган бошқа корхоналар ўз штатларини зарур ходимлар билан тўлдира олмайдилар, янги объектларни ишга тушириш орқага сурилади. Ф. Э. Дзержинский ўз вақтида эътиборни шунга қаратган эдики, яъни «меҳнатнинг айни шундай ташкил этилишида фабрика ва заводларда ишлаб чиқариш учун кераксиз ортиқча ишчиларнинг мавжуд бўлиши ишчилар синфи олдидаги жиноятдир, чунки фабрика билан заводдаги ҳар бир ортиқча ишчи бошқаларга халақит беради...» (Ф. Э. Д з е р ж и н с к и й. Избранные статьи и речи. Госполитиздат, 1947, с. 343).

Бугунги кунга келиб эса жамиятимиз ушбу проблемаларни яна қизғин муҳокама қила бошлади. Бизнингча, уларни ҳал эта бориш мобайнида аввало меҳнатнинг керагидан ортиқча бўлишига олиб келадиган сабабларни бартараф этиш лозим. Жумладан уларга қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш фан-техника даражасининг, меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг паст савиядалиги; ишлаб чиқаришнинг бир текисда ишламаслиги; барқарор ишлаб чиқариш программаларининг йўқлиги, уларнинг кўпдан-кўп қўшимча топшириқлар ҳисобига тез-тез ўзгариб туриши; корхона ходимлари бир қисмининг қишлоқ хўжалик ва бошқа ишларга асоссиз жалб этилиши; ходимларнинг ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаши ва бошқа сабабларни кўзда тутиб, ишчи ва хизматчиларнинг қўшимча контингентини сақлаб туриш.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасининг турли тармоқларида иш кучини бўшатиб олиш жараёни ўз хусусиятларига эга. Бу хусусиятлар унинг бориши интенсивлиги ва формалари, бўшатиб олинаётган кадрлар структураси, уларни қайта тақсимлашнинг асосий йўналишлари ва улардан янада фойдаланиш характери билан боғлиқдир. Корхоналар, бирлашмаларнинг муайян қисми янги шарт-шароитда, қолганлари эса эскича ишлаётган «ўтиш» даври шароитида ходимларни бўшатиб олиш жараёни суст боряпти, уни жадаллаштириш учун етарлича объектив шароитлар яратилмаяпти. Тахминий ҳисоб-китобларимизга қараганда, ҳозир корхоналарда бўшатиб олинаётганлар миқдори иш билан банд кишилар умумий миқдорининг 3—4 процентидан ошмайди. Бунинг устига ушбу контингентни амалда планли бошқариб бўлмаяпти — корхоналар ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ходимларни бўшатиб олиш жараёни стихияли тарзда юз бермоқда. Меҳнат масалалари бўйича маҳаллий органлар эса ушбу жараёнларни тегишли даражада назорат қилмаяптилар, корхоналарнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганмаяптилар ва ҳоказо.

Иш кучини бўшатиб олишнинг нафақат миқдорий, балки сифат томони ҳам катта эътибор беришни талаб қилади. У бўшатиб олинаётганларнинг профессионал-малака ва жинс-ёш структураси билан, бўшатиб олингунча бўлган меҳнати характери ва шароитларига боғлиқ состави билан, ходимлардан қайта тайёрлашдан сўнг эски ва янги мутахассисликда фойдаланиш даражаси билан характерланиши мумкин.

Янги тариф ставкалари ва лавозим маошларининг жорий этилиши, корхоналарнинг маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплашнинг янги системасига ўтиши, хўжалик ҳисобининг ёйилиши ишлаб турган корхоналардан иш кучини бўшатиб олиш жараёнини интенсивлашга имкон беради. Агар бўшатиб олинаётган ходимларнинг асосий қисми ҳозиргидек уюштирилмаган тартибда бошқа ишга ўтказиладиган бўлса, уларни қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланишда ҳам иқтисодий, ҳам социал нуқтаи назардан номақбул тенденциялар юзага келиши мумкин. Шу сабабли ушбу проблеманинг баъзи жиҳатларига батафсилроқ тўхтаб ўтиш зарур.

Аввало шуни айтиш керакки, корхоналарда ишловчилар миқдорини абсолют тарзда қисқартириш ходимларни бўшатиб олиш жараёни микёслари ва интенсивлигининг етарлича тўлиқ ва тўғри миқдорий характеристикаси бўла олмайди. Гап шундаки, корхонада ишловчилар миқдорини камайтириш кўрсаткичи завод ичида уларни қайта тақсимлашнинг мавжуд реал жараёнларини аниқлаш имконини бермайди. Бундан ташқари, корхонада ишловчилар миқдори иш кучини бўшатиб олиш факторлари бўлмайдиган сабаблар бўйича ҳам қисқартирилиши

мумкин. Бошқа томондан эса, иш кучини бўшатиб олиш ишловчиларнинг умумий миқдори ўсиши кўзга ташланадиган корхоналарда ҳам юз беради.

Ишлаб чиқаришнинг техника негизини такомиллаштириш билан боғланган иш кучини бўшатиб олиш халқ хўжалигининг ҳар қандай тармоғида юз бериши мумкин. Лекин баъзи ҳолларда ушбу жараён тармоқда (корхонада) ишловчилар миқдорини абсолют тарзда қисқартириш орқали яққол кўзга ташланса, ишловчилар сони ўсиб бораётган бошқа ҳолларда эса буни кўриш осон эмас. Бошқача қилиб айтсак, бўшатиб олиш жараёни ишловчиларнинг умумий миқдори ўзгаришига таъсир кўрсатмаган ҳолда яширин бориши мумкин. Бундай «яширин» жараённи аниқлаш, унинг ҳақиқий миқёслари, интенсивлиги, намоён бўлиш хусусиятлари ҳақида сўз юритиш ва бўшатиб олинадиган ходимларни қайта тақсимлашнинг асосий йўналишларини белгилаш учун тармоқ доирасида анализ бирлигини ажратиб олиш зарурки, бу бирлик унинг ажралмас қисми бўлсин ва ўзида унинг барча хусусиятларини мужассам этсин, яъни корхона даражасида иш олиб борсин.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети Меҳнат илмий-тадқиқот институтининг Ўзбекистон филиали ўтказган тадқиқот бўшатиб олинаётган ходимларнинг қарийб ярмини 29 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этишини кўрсатди. Одатда махсус тайёргарликка эга бўлмаган кишилар ишдан бўшатиб олинмоқда. Уларнинг тўртдан уч қисмидан кўпроғи бошланғич, тўлиқ бўлмаган ўрта ёки ўрта маълумотга эга. Бўшатиб олинаётганларнинг учдан икки қисмига яқини эркаклар. Бўшатиб олинган эркакларнинг 90 проценти ва хотин-қизларнинг 65 проценти ана шу корхонада 5 йилгача бўлган иш стажига эга.

Бўшатиб олинаётган кадрлар структурасининг умуман саноат-ишлаб чиқариш ходимлари структурасидан анчагина фарқ қилиши ҳам аниқланди. Чунончи, ходимларнинг умумий миқдорида инженер-техник ходимлар ва хизматчилар салмоғи бўшатиб олинаётганлардагидан юқори: бўшатиб олинаётганларнинг 90 проценти ишчилар категориясига мансуб бўлиб, бунинг устига ёрдамчи ишлаб чиқаришга қараганда асосий ишлаб чиқаришда улар 2,5 баравар кўпроқдир.

Модомики иш кучини бўшатиб олиш ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг энг муҳим натижаларидан бири экан, ушбу ўсишнинг техника ва ташкилий томонларини ходимлар сонини қисқартириш факторлари деб ҳисоблаш мумкин. Социал-иқтисодий факторлар ҳам, камроқ даражада бўлса-да, иш кучини бўшатиб олишга таъсир кўрсатади.

Ишлаб турган ишлаб чиқаришда меҳнат сарфларини тежашда фан-техника тараққиёти ҳал қилувчи аҳамиятга эга, унинг ҳиссасига амалда бўшатиб олинган ходимларнинг ярмидан кўпроғи тўғри келяпти, бунинг устига уларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, прогрессив технологиялардан фойдаланиш ҳисобига бўшатиб олинган. Ҳисоблаш техникасини жорий этиш, ускуналарни модернизациялаш бунда ҳозирча нисбатан кичик роль ўйнаяпти. Шуниси характерлики, ҳозирги вақтда иш кучини реал бўшатиб олиш, одатда, янги техникадан фойдаланувчи тармоқларда юз беряпти. Уни тайёрлайдиган жойларда эса ҳозир меҳнат сарфлари кўпаймоқда.

Техникавий ва ташкилий факторларнинг бир-бирига жуда боғлиқлигини ҳам таъкидламоқчимиз. Бир томондан, фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шунга монанд формаларини жорий этишни талаб этади, бошқа томондан эса — ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга имкон беради. Бу факторлар қўшилишиб иш кучини бўшатиб олиш миқёсларини кўпайтириш учун яна катта имконият яратади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ташкилий тадбирлар техникавий-технологик тадбирларга қараганда анчагина кам харажат талаб қилади. Ташкилий сабабларга кўра ходимларни реал бўшатиб олиш структурасида бир неча касбларни бирлаштириш ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтириш катта салмоққа эга. Ҳозир, маълумки, турли категорияларга мансуб ходимларнинг бир неча касбда ишлаши масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқи корхоналарнинг ўзига берилган.

Вақт, миқдор ва хизмат кўрсатишнинг илмий асосланган норма ҳамда

нормативларини қўлланиш иш кучини тежашнинг мустақил ва ғоят самарали йўналишидир. Шунингдек меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формаларини жорий этишни, иш ўринларини аттестациялаш ва рационализациялашни, бошқаришнинг ташкилий структураларини такомиллаштириш, бошқарув аппаратини қисқартиришни иш кучини бўшатиб олишнинг ташкилий резервларига киритиш керак. Умуман олганда барча бўшатиб олинаётганларнинг 20 процентдан кўпроғи ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш натижасидир.

Иш кучини бўшатиб олишнинг иқтисодий маъноси шундаки, у жамият доирасида бундай кучни оқилона тежашни ҳамда ундан энг кўп иқтисодий самара билан фойдаланишни таъминлаши керак. Шу билан бирга ходимларни бўшатиб олиш жараёни ўзида социал нагрузка ҳам элтадики, у аввало кам малакали, қўлда бажариладиган, зерикарли ва оғир жисмоний меҳнатда, ноқулай шароитлардаги меҳнатда банд бўлганлар ҳиссасини камайтириш билан ифодаланади. Чунончи, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида ходимларни бўшатиб олиш ва қайта тақсимлаш иш жойини ўзгартирганлар орасида нормал меҳнат қилиш шарт-шароитига эга бўлган кишилар миқдорини 5 баравар кўпайтириш, оғир қўл меҳнати билан банд ишчилар миқдорини қарийб 20 процент ва шовқин-сурон ҳамда чангланиш юқори даражада бўлган шароитда, шунингдек очиқ ҳавода ишловчиларни 2 баравар камайтириш имконини берди.

Аммо ходимларни бўшатиб олиш ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий жиҳатларга ҳам эга. Чунончи, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш вақтини тиғизлаштириш борасида охиригача пухта ўйланмаган тадбирлар кўпинча меҳнат қизғинлигини нормадан ошириб юбориш билан бирга боради ва оқибатда брак маҳсулот проценти кўпаяди. Ходимларни бўшатиб олиш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда уларнинг ёши, оилавий аҳволи, жамоатчилик фаолиятидаги иштироки, уларнинг шахсий фикри ҳисобга олинмаслигини ҳам нормал ҳол деб бўлмайди. Кўпинча ходимнинг меҳнатга муносабати, малака даражаси ва ушбу корхонадаги иш стажигина эътиборга олинади.

Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, биринчи навбатда ҳалол меҳнат қилмаётган, иш вақтидан унумли фойдаланмаётган, қўл меҳнати билан банд, ўз касбида ва ўз ихтисоси бўйича ишламаётган, кам малакали кишилар, шунингдек завод бошқармаларининг инженер-техник ходимлари бўшатиб олинаётир.

Ишдан бўшатиб олинганларни ишга жойлаштириш қандай аҳволда? Уларнинг 20 процентга яқини янги иш жойини ўзлари излашяптики, бу меҳнат масалаларига доир маҳаллий органлар позициясининг етарлича актив эмаслигини кўрсатади.

Қуйидаги натижалар ҳам характерлидир: сўраб чиқилганларнинг салкам учдан бир қисми корхонадан бўшатилган тақдирда ўша жойда жойлашган бошқа корхонага ўтказиш хоҳишини билдирди, қарийб 40 проценти ўзлари мустақил ишга жойлашишни афзал кўрадилар ва атиги 15 проценти меҳнат масалаларига доир маҳаллий органлар орқали ишга жойлашишни афзал кўришади. Бошқача айтганда, бу органлар иши ва нуфузининг пастлиги яққол кўриниб турибди.

Тадқиқот ходимларнинг ўзи яшаб турган жойдан кетишини хоҳламасликларини кўрсатди. Сўраб чиқилганларнинг салкам 10 процентигина ишдан бўшатилган тақдирда бошқа жойга бориб ишлаш хоҳишини билдирдилар.

Қисқаси, ходимларни бўшатиб олиш ва улардан кейинчалик фойдаланиш мураккаб социал-иқтисодий жараёнлар бўлиб, уларга иқтисодий, демографик, ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа факторларнинг бутун бир группаси таъсир кўрсатади. Модомики бу жараёнларнинг муддатлар, фаолият жойлари, ходимларнинг профессионал-малака ва жинс-ёш состави бўйича мувофиқ келмаслиги қонуний экан, ходимларни олдиндан, айрим ҳолларда улар малакасини оширмасдан ёки қайта тайёрламасдан туриб қайта тақсимлаш талаб қилинади. Яна шуни таъкидлашни истардикки, бўшатиб олинадиган иш кучидан рационал фойдаланиш масаласини фақат уни янги иш жараёнларининг зарур миқдори билан таъминлашдангина иборат деб тушунмаслик керак. У анча кенг бўлиб,

қайта тақсимлаш ва қайта тайёрлаш каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олади.

Сўнгги вақтгача бўшатиб олинадиган ходимлардан, одатда, корхоналарнинг ўзлари ишчи кадрларнинг қўнимсизлигини ва ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайиши муносабати билан уларга бўлган қўшимча эҳтиёжларни қоплаш учун фойдаланардилар. Лекин ҳозир шароит ўзгарди. Бўшатиб олинган ходимларни ишга жойлашда олдинги практиканинг сақланиб қолиши халқ хўжалигига катта зарар етказиши ва корхоналарнинг хўжалик фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки у маълум даражада янги техникани жорий қилишга, бинобарин, меҳнат унумдорлигини ўстиришга ҳам тўсқинлик қилади.

Албатта бўшатиб олинган ходимлардан бевосита ўша корхоналарнинг ўзида фойдаланиш кўп жиҳатдан уларнинг сифат составига ва у ёки бу корхонанинг ривожланиш хусусиятларига боғлиқдир. Бунда ишлаб чиқариш программасининг оширилиши, кўп сменалилик иш режимига ўтилиши, янги ишлаб чиқариш кувватларини фойдаланишга топшириш ва ишлаб турган цех ҳамда хизматларни кенгайтириш моддий негизини ташкил этадики, у ишчи кадрларга бўлган қўшимча эҳтиёж билан бирга боради. Айни ўша эҳтиёж миқёси шундай бир чегараки, бўшатиб олинадиган ходимлардан ўша чегара доирасида фойдаланиш мумкин.

Уларнинг барчасини бевосита корхонанинг ўзида иш билан банд қилиш учун, бизнингча, учта шарт мажбурийдир:

1) турли категориядаги ходимларга бўлган қўшимча эҳтиёж миқёси бўшатиб олинаётганларнинг умумий сонидан паст бўлмаслиги керак;

2) айрим участкалардан ходимларни бўшатиб олиш ва ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш жараёнлари бир вақтда амалга оширилиши керак;

3) бўшатиб олинадиганларнинг профессионал ва малака структураси кадрларга бўлган қўшимча эҳтиёжга мувофиқ келиши керак.

Аммо практикада шартларнинг санаб ўтилган бирлигига доим ҳам эришаверилмайди. Бу эса бўшатиб олинганлардан бевосита корхонада тўлиқ фойдаланиш имконини бермайди. Тўғри, бунда кўп нарса у ерда ходимларни қайта тайёрлаш қандай ташкил этилганлигига боғлиқ.

Турган гапки, бўшатиб олинадиган иш кучидан рационал фойдаланиш ушбу ходимларни айрим корхоналар доирасида планли қайта тақсимлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш билан чегараланиб қолмайди. Фан-техника тараққиёти суръатлари жадаллашган сайин кадрларни нафақат корхоналар, балки тармоклар, регионлар ўртасида ҳам қайта тақсимлаш тобора кўламдор ва мураккаб бўлиб боряпти. Бир томондан, бўшатиб олинаётган иш кучининг корхоналарда унга бўлган қўшимча эҳтиёжни қондириш манбаи сифатидаги роли ошади, бошқа томондан — бўшатиб олинаётган ходимларнинг малака даражаси, улар касб ҳамда ихтисосларининг характери ва ноёблиги, аввалги иш ҳақи миқдори, уй-жой билан таъминланганлик, маданий-маиший шароитлар, миллий анъаналар сингари тобора кўп факторларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, ишлаб чиқаришнинг борган сари кўпрок массаси иш кучини борган сари камроқ сарфлаш билан ҳаракатга келтирилмоқда, чунки фан-техника тараққиёти билан бир вақтда техника, технология, меҳнат предметлари ва энергия манбалари такомиллаштирилмоқда, меҳнат унумдорлиги ошмоқда. Лекин социалистик такрор ишлаб чиқариш учун иш кучига эҳтиёжнинг камайиши умуман олганда бўшатиб олинадиган кадрлардан фойдаланишда қийинчиликлар бўлишини англатмайди. Сўз аввало ишга туширилаётган корхоналарни кадрлар билан тўлдириш учун ўтказиб қўйиш тартибида ходимларни тармоқ ичида қайта тақсимлаш хусусида боряпти. Бундан ташқари меҳнаткашларнинг маданий-техника даражасини ошириш, улар соғлиғини муҳофаза қилиш, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш, фанни ривожлантириш учун талаб қилинадиган тармоқларни узлуксиз кенгайтириш иш кучини моддий ишлаб чиқариш тармоқлари билан ноишлаб чиқариш соҳаси ўртасида қайта тақсимлаш имкониятини яратади. Бўшатиб олинганларнинг муайян қисми кооперативларда, якка тартибда меҳнат қилиши, уйда, тўлиқ бўлмаган иш куни, оилавий пудрат шароитида ишлаши мумкин.

Хуллас, бўшатиб олинадиган кадрларнинг иш билан рационал банд бўли-

шини таъминлаш учун имкониятларимиз оз эмас. Лекин бунда муваффақият кўп жиҳатдан ўша кадрлар билан жамият манфаатларининг қанчалик қўшиб олиб борилишига боғлиқдир. Афсуски, ҳозирча уларнинг тўлиқ уйғунлиги ҳақида гапириб бўлмайди. Ақалли иш кучини уюштирилмаган тартибда қайта тақсимлашни олиб кўрайлик. Ходимлар янги корхоналарга ишга тушганда кўпинча ўз ихтисосларини ўзгартиришади, ҳолбуки бу доим ҳам халқ хўжалик заруратидан келиб чиқилмайди. Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, ишга жойлашиш учун кўп вақт кетади, бу эса жамиятга маълум иқтисодий зарар келтиради, киши ўзини маълум даражада маънавий камситилган ҳис этади. Бинобарин, ходимларни бошқа ишга кўчиришнинг уюшмаган формаси иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг устига, қараб чиқилаётган соҳадаги ўзибўларчилик салбий социал оқибатларга олиб келиши мумкин.

Уюштирилган формаларчи? Улар жиддий такомиллаштиришни талаб этади. Ходимларнинг иш билан бандлигини таъминлашга доир тадбирларни олдиндан ишлаб чиқиш яхши йўлга қўйилмаган, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг жорий ва перспектив планларидан келиб чиқиб, бўшатиб олиш миқёсларини олдиндан белгилаб олиш мумкин. Корхоналарда, тармоқларда, айрим территориал бирликларда бўшатиб олинадиганларнинг мўлжалланган микдорини планли ҳисобга олиш ўтказилмаяпти.

Бугунги кунда, бизнингча, бўшатиб олинадиган иш кучидан территориал, тармоқ ва халқ хўжалиги даражаларида бошқаришнинг махсус механизмини яратишга зарурат бор. Унинг пухта ишлаши учун меҳнат масалалари бўйича маҳаллий органларнинг ходимларнинг кутилаётган бўшатиб олиниши, уларнинг сифат состави, уларни ишга жойлаштиришда корхоналарнинг имкониятлари, территориал ва тармоқдаги қайта тақсимлаш учун резерв кўламлари хусусида ўз вақтида ва тўлиқ ахборотга эга бўлиши шартки, буни исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Шунингдек, ходимларнинг корхоналар, касблар ва ихтисосликлар бўйича ҳар йилги бўшатиб олиниши миқёсларини, уларнинг территориал ва тармоқда қайта тақсимланиши ҳажмларини, уларни қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини характерловчи ҳисоб-китоб кўрсаткичларини регионал ва тармоқ планларига киритиш зарурлиги яққол кўринмоқда. Давлат статистика ҳисоботлари системасига эса ходимларни реал бўшатиб олиниши кўрсаткичларини киритиш керак.

Иш шу тариқа йўлга қўйилса, ҳозир бўшатиб олинган инженер-техник ходимларнинг ишга жойлашишидаги қийинчиликлари анча камайган бўларди. Ишга жойлаштириш бюролари эса ҳозирча улар учун бўш лавозимлар хусусида жуда чекланган ахборотга эга, турли маъмурий территорияларда жойлашган бюролар ўртасида бундай ахборотларни айирбошлаш йўқ. Ушбу категориядаги ходимларнинг атиги 10 процентга яқини ана шу бюролар ёрдамида ишга жойлашаётгани ажабланарли ҳол эмас.

Баъзи ишдан бўшатиб олинган олий маълумотли ходимлар ишчилик вазифаларида ишлаш хоҳишини билдиришлари сир эмас. Лекин бу нарса кўп жиҳатдан меҳнатга доир қонунларда кўзда тутилмаган.

1988 йил январда КПСС МК, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Аҳолининг иш билан банд бўлиши самарадорлигини таъминлаш, ишга жойлаштириш системасини такомиллаштириш ва меҳнаткашларнинг социал гарантияларини кучайтириш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Унда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, интенсив экономикага ўтиш, халқ хўжалигини бошқаришнинг туб ислоҳоти, министрлик, идора, бирлашма ва корхоналарнинг ташкилий структураларини такомиллаштириш аҳолининг иш билан самарали банд бўлишини таъминлашга бўлган талабларни оширишни таъкидланган. Ходимларни бўшатиб олиш, қайта таълим бериш ва ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар меҳнат қонунларига ҳамда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига қатъий амал қилинган ҳолда демократик негизда, ошкоралик вазиятида, меҳнат коллективларининг бевосита ва актив иштирокида ҳал қилиниши керак.

Ташкилий-техникавий тадбирларни ўтказиш чоғида бўшатиб олинганларни аввало корхонанинг ўз ичида ишга жойлаштириш мақсадга мувофиқ деб то-

пилди, бунда халқ хўжалигига зарур маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланишга эришиш керак. Бундай ходимларни хўжалик ҳисоби ёрдамида ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш, уй-жой ҳамда социал-маданий объектларни қуриш билан шуғулланаётган бўлинмаларга ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, пулли хизматларни кенгайтириш, қишлоқдаги ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришда улар меҳнатидан актив фойдаланса бўлади.

Бундай ходимларни ишга жойлаштириш тармоқларни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, техника билан қайта қуроллантириш, янги қувватларни ишга тушириш, прогрессив техника ва технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда планли негизда амалга оширилиши керак. Бўшатиб олинганларни уюшган ҳолда ишга жойлаштириш эса улар ишида мумкин бўлган узилишларни, иш ҳақидаги йўқотиш ва бошқа қийинчиликларни мумкин қадар камайтиришга имкон беради.

Корхона маъмурияти ишдан бўшатиб олинадиган ходимларни камида икки ой олдин хабардор қилиши керак. Бир вақтнинг ўзида у ишга жойлаштириш органига бўшатиб олинадиган кишилар касби, ихтисоси, малакаси ва иш ҳақи миқдори ҳақидаги маълумотларни етказиб беришга мажбур.

КПСС МКнинг июнь (1987 йил) Пленуми қарорларига мувофиқ ҳолда аҳолини ишга жойлаштириш, қайта таълим бериш ва касб танлашнинг умумдавлат системаси яратиляпти. Республикада ҳозирданоқ ушбу масалалар билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги марказ ва бюролар ишлай бошлади. Улар ишга жойлаштиришда, бир томондан, ишчи ва хизматчилар ҳамда, иккинчи томондан, корхона ва ташкилотлар ўртасида воситачилик ролини бажаряптилар. Ушбу хизматлар вазифасига нафақат ишламаётганларга ёки бошқа ишга ўтмоқчи бўлганларга ёрдам кўрсатишгина эмас, балки фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш таъсирида бўшатиб олинадиган кишиларни корхоналар ҳамда ташкилотлар ўртасида қайта тақсимлаш ҳам киради.

Ҳа, булар анча мураккаб вазифалар. Уларни бўш иш жойлари, бўш лавозимлар ҳақидаги, барча бўшатиб олинган, ишга қабул қилинган ва бўшатилган ходимларнинг барчаси хусусидаги жуда катта ҳажмдаги ахборотни ўз вақтида олмасдан ҳамда қайта ишламасдан туриб бажариб бўлмайди. Бу ўринда ишга жойлаштириш марказ ва бюроларини техника билан жиҳозлашдек муҳим масалани тилга олмасдан бўлмайди. Уларга замонавий ҳисоблаш техникаси жуда зарур. Унинг ёрдамидагина аҳолининг иш билан бандлигини прогнозлаш, планлаштириш ва тартибга солишни, меҳнат ресурсларини планли ва оператив қайта тақсимлашни ташкил этишни тегишли даражага кўтариш мумкинки, бу эса ўз навбатида меҳнат ресурсларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системаларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш учун негиз бўлади. Бу мақсадга эришишга зарур техникани ишлаб чиқаришдаги қолоқлик тўсқинлик қиляпти. Ҳозирча шунга хурсандмизки, аҳолини ишга жойлаштириш, қайта таълим бериш ва касб танлаш марказлари, шунингдек ишга жойлаштириш бюролари гражданларни у ёки бу регионда бўш иш жойлари мавжудлиги хусусида оператив хабардор қилиб туриш мақсадида эндиликда тегишли бюллетенларни мунтазам нашр этиб туради.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштириш йўлининг амалга оширилиши ва бунда ходимларни ишдан бўшатиб олиш ва қайта тақсимлаш жараёнларининг активлашиши туфайли ишни ўзгартириш қонуни амал қилиши билан боғлиқ қийинчиликларни бартараф этиш тобора актуал бўлиб қолмоқда. Бунда, бизнингча, биринчи навбатда қуйидагилар зарур:

— кишиларнинг шахсий эҳтиёжларига жавоб берувчи иш жойлари билан таъминлашда меҳнатга лаёқатли аҳолининг эҳтиёжларини ходимларни тармоқлар ва территориялар бўйича жойлаштиришдаги ижтимоий манфаатлар билан мослаштириш ва боғлаш;

— аҳолининг ишга жойлашиш оқими ва миграция йўналишларини оптималлаштиришга доир жиддий иқтисодий ва ташкилий чоралар кўриш;

— кишиларнинг хўжалик жиҳатидан янги ўзлаштирилган районларга кўчиб бориш ва у ерларда ўрнашиб қолишдан манфаатдорлигини кучайтириш.

Бундан ташқари, ходимларни бўшатиб олиш муносабати билан меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш, халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш ҳамда профессионал яроқлиликка талаблар ошиши туфайли ўрта ва катта ёшдаги аҳолини касбга йўллаш муҳим роль ўйнай бошлайди. Ушбу группаларга мансуб кишиларда фаолият турини ўзгартириш, одатда, ёшларга қараганда анча оғир кечишини ҳисобга олиб, уларни қайтадан касбга йўллашга ғоят эҳтиёт-лик билан ёндашиш керак.

Кадрларни қайта тайёрлаш иш кучини қайта тақсимлаш системасида алоҳида ўрин тутади. Унингсиз иш кучининг сифати ишлаб чиқариш воситаларига мувофиқ келишини етарлича самарали таъминлаш мумкин эмас. Фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш ва иш жойини ўзгартириш муносабати билан вақти-вақти билан қайта тайёрлаш қонуний равишда кишиларни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда оммавий қайта таълим беришга олиб келади. Қайта таълим олаётганлар иш кучи резервини ташкил этадики, улар халқ хўжалиги тармоқлари ва территорияларнинг у ёки бу касбдаги ходимларга нисбатан ўзгариб турувчи эҳтиёжларига мувофиқ қайта тақсимланади.

Бундай резерв яқин йиллардаёқ шакллана бошлайди. Лекин у айниқса экономикада ғоят йирик структура ўзгаришлари қилинадиган даврда, яъни 1991—2000 йилларда кенгайтирилади (бунинг устига, узоқ вақт қайта таълим олишга муҳтож бўлган кишилар ҳисобига). Қайта тайёрлаш миқёслари иш кучининг ҳам тармоқдаги, ҳам территориал ҳаракатига боғлиқ бўлади. Лекин кўп жиҳатдан уни қайта тақсимлашнинг уюштирилган формаларини ривожлантиришга ҳам боғлиқ бўлади. Улар доирасида кишилар томонидан олдинги иш жойида эгалланган касб ва ихтисослар спецификаси ҳисобга олингани учун ҳам бу ҳол қайтадан тайёрлаш ҳажмларини, бинобарин, унга кетадиган маблағларни ҳам камайтиришга имконият яратади.

Ҳозир бўшатиб олинган ҳар бир ходимга қайта таълим олиш учун ўз корхонасидаги махсус курсларда ёки СССР Халқ таълими давлат комитети системасида (ишлаб чиқаришдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда) имконият яратиб берилмоқда. Бунинг устига (агар у янги меҳнат шартномаси тузган бўлса) бутун ўқиш давомида унинг аввалги иш жойи бўйича ҳисобланган ўртача иш ҳақи сақланиб қолади. Олий малакаси бор кадрларни қайта тайёрлаш олий ўқув юртларининг махсус факультетларида, ўрта малакали кадрларни қайта тайёрлаш эса етакчи техникумлар қошидаги махсус бўлинмаларда амалга оширилади. Илғор корхоналар қошидаги бир қатор ўқув-курс комбинатлари доимий ишловчи ўқув марказларига айлантирилади. Бўшатиб олинадиган ходимларни қайта тақсимлаш механизмини яхшилаш мақсадида кадрларни тайёрлашнинг тармоқлараро системаси ташкил этилади.

Қисқаси, проблемалар оз эмас. Практика ҳам янгиларини юзага келтиряпти. Чунончи, ишлаб чиқаришнинг техника ва ташкилий даражаларини ошириш планларини бўшатиб олинадиган ходимларни қайта тақсимлаш ва қайта тайёрлашга доир тадбирлар билан яқиндан боғлаш лозим. Кадрларни қайта тайёрлаш системаси учун мўлжалланган пухта программа ва ўқув планларини ишлаб чиқиш тобора долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ушбу проблемаларни иложи борича оператив ҳал қилиш керак — зеро бўшатиб олинган ходимларни қайта тақсимлаш, қайта тайёрлаш, ишга жойлаштириш жараёнларини бошқаришнинг самарали системасини яратиш хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитида республикамизнинг демографик ва социал-иқтисодий ривожланиши актуал вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун имконият яратади.

ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧИ

Н. УЛУҒЖОНОВ

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА ИНСОН ОМИЛИНИНГ РОЛИ

ФАН-ТЕХНИКА тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланмасдан туриб совет экономикасини ривожланишнинг кўпроқ интенсив йўлига ўтказишда жиддий муваффақиятларга эришиб бўлмайди. В. И. Ленин шундай деб таъкидлаган эди: «Энг янги фаннинг энг сўнгги ютуғи асосида қурилган техника бўлмаса... социализм бўлиши мумкин эмас» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 339-бет). Фан-техника тараққиётининг аҳамияти айниқса ҳозирги вақтда, партия халқ хўжалигини техника жиҳатдан реконструкция қилиш ва шу асосда жамиятнинг моддий-техника базасини сифат жиҳатдан қайта қуриш вазифасини қўйган бир шароитда янада ортади.

Социалистик давлат омманинг онглилиги билан кучли эканлиги, бундай пайтда омма ҳамма нарса тўғрисида фикр юритиши ва ҳамма ишни онгли равишда қилиши ҳақидаги ленинча қоида КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари нуқтаи назаридан айниқса актуал янграйди. Меҳнаткашларнинг турғунликни бартараф этиш зарурлигини чуқур англаши, иқтисодий, социал, сиёсий соҳалардаги хато ва камчиликларни тузатиш, янгича ҳаракат қилиш истаги ва маҳоратини қарор топтиришнинг муҳимлигини тушуниши совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини қайта қуриш борасида партия белгилаган кенг программани бажариш учун субъектив шарт-шароитлар яратади. «Кенг меҳнаткашлар оммасини, — деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, — танлаб олинган йўлнинг тўғрилигига ишонтириш, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қизиқтириш, кадрларнинг психологиясини қайта қуриш — тараққиётимизни жадаллаштиришнинг энг муҳим шартларидир».

Социалистик жамият ҳаётнинг ҳамма соҳаларида омма ижодий ташаббусини ривожлантиришнинг янги йўлларини топмасдан самарали ишлаёлмайди. Тарихий мақсадлар қанчалик кўламли бўлса, миллион-миллион одамларнинг ўша мақсадларга эришишда омилкорларча манфаатдорлик, масъулият билан онгли равишда ва фаол иштирок этиши шунчалик муҳимдир. Шу муносабат билан партия белгиланган вазифаларни ҳал этишни инсон омили ролини ошириш билан боғлайди.

Ҳозирги қайта қуриш фақат экономикани эмас, шунингдек ижтимоий ҳаётнинг жуда кўп томонларини: социал муносабатлар, сиёсий система, маънавий-идеологик соҳа, партиявий иш услуб ва методларини ҳам ўз ичига олади. Бу — жамиятдаги муносабатлар бутун системаси, кишилар ақли ва қалбида, психологияси ва ҳозирги даврни, биринчи навбатда фан-техника тараққиёти туғдирган вазифаларни тушунишда юз берган чинакам революциядир. Бу ўринда илғор техника ва технологиядан фойдаланишни кўзда тутувчи янги талаблар асосида кишилар психологиясини қайта қурмасдан туриб мамлакатни ривожлантиришда тарихан қисқа муддат ичида сифат жиҳатдан ўзгариш қилиш қийин.

Фан-техника революцияси шароитларида инсон омили ролининг ошишини фақат ҳозирги замон ишлаб чиқариши талаблари эмас, шунингдек социалистик

УЛУҒЖОНОВ Неъмат Улуғжонович, Андижон давлат педагогика институтининг доценти, тарих фанлари кандидати.

жамиятнинг бугунги аҳволи ҳам тақозо этади. Бугунги кунда ходим, одатда, юқори унумли ва юксак даражада аниқ ишлайдиган, қимматбаҳо асбоб-ускуналар билан иш кўради.

Фан-техника тараққиёти, янги авлод техникасидан, ресурс ва энергияни тежовчи технологиядан фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг юксак билим ва малакага, ривожланган ижодий қобилиятларга эга бўлган ходимларга эҳтиёжини оширади. Мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш, ўз-ўзини бошқариш негизларининг меҳнат коллективларида изчил жорий этилиши ижодий имкониятларни намоён этиш чегараларини кенгайтиради. Инсон омилининг ишловчилар интизомини мустаҳкамлаш, масъулиятни ошириш, ижрочилигини кучайтириш сингари резервларидан фойдаланиш ҳозирдаёқ муайян самара бермоқда. Лекин жамиятда ва ишлаб чиқаришда туб ўзгартишлар чуқурлашган сайин иккинчи бир сифат — янгиликни ҳис этиш, ишга ижодий ёндашиш хислати шакллана бошлайди. Совет кишилари ташаббусига кенг йўл очиб бериш, манфаатдорлик билан меҳнат қилиши, инсондаги хилма-хил истеъдодларнинг гуллаб-яшнаши учун қулай шарт-шароит яратиб бериш қайта қуришнинг вазифаларидан биридир. Фан ва техникадаги қолоқликни бартараф этиш, социализмнинг капитализмга нисбатан афзаллигини реал қарор топтириш учун жамиятнинг интеллектуал потенциалидан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш, ташаббус, ижодиёт, маҳоратни моҳирона рағбатлантириш керак.

Социал ва меҳнат активлигини барча чоралар билан кучайтириш, миллион-миллион меҳнаткашларнинг потенциал куч-ғайратини бўшатиб олиш социалистик ижтимоий тузум табиатининг ўзида мавжуддир. Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида ишловчилар активлиги фаолиятнинг ҳамма соҳаларида намоён бўлмоқда, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг энг муҳим омилларидан бири аҳамиятини касб этмоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ўз ишига чуқур ўйлаб, жиддий ёндашиши билан бошқалардан фарқ қиладилар. Уларнинг ташаббуси, кенг меҳнаткашлар оммаси ижоди — ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг қудратли омилидир.

Лекин, барибир, инсон омили, одамлар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқариш объектив факторининг реализация қилиниши оқибат натижада кишиларнинг ўз ишига қандай муносабатда бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам меҳнаткашларнинг фан-техника тараққиёти шароитларидаги омилкорона ташаббуси ва ижодиёти янада юксак баҳоланади. КПСС МҚ, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МҚнинг «Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа тўғрисида»ги (1986 йил) қарорида бу алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Партия рационализатор ва ихтирочиларнинг илмий-техник ижодиётига катта аҳамият беради. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида уларнинг фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш, ихтирочилик ва патент-лицензия ишини яхшилаш; ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини халқ хўжалигига тезроқ жорий этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш; илмий-техника жамиятларининг ишини активлаштириш кўзда тутилган. Ҳар бир олим, инженер, конструктор, хўжалик раҳбари, барча ишчиларнинг вазифаси — тадқиқотлар ва илмий-техник ишламаларга, улардан ишлаб чиқаришда фойдаланишга эътиборни кучайтиришдир. Омманинг фан-техника тараққиётида иштирок этиши — бу жамият ишлаб чиқарувчи кучлари такомиллашганлиги ва ишлаб чиқариш муносабатлари етуклиги даражасининг кўрсаткичи бўлиб, социализм иқтисодий системасининг ажралмас хусусияти, меҳнаткашлар социал-иқтисодий активлигининг ифодаси формасидир.

Ўзбекистондаги рационализаторлик ва ихтирочилик ишининг аҳволи бунга мисол бўла олади. Чунончи, кўзда тутилган ихтирога рационализаторлик таклифлари киритган ва заявка берган авторлар сони 1975 йилдаги 47,9 мингдан 1986 йилда 62 мингга етди, уларни жорий этишдан келган иқтисодий самара — тегишли тартибда 138,5 миллион сўмдан 267,5 миллион сўмга кўпайди.

СССРнинг меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонуни (1983 йил) фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда меҳнаткашларнинг ролини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир, бу Қонун уларнинг бошқа ваколатлари қаторида фан, техника

ютуқларини жорий этиш соҳасидаги ваколатларини ҳам белгилаб берди. СССР-нинг 1988 йилнинг 1 январида кучга кирган давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунига мувофиқ корхона фан-техника тараққиёти, маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маданияти даражасини яхшилаш вазифаларини ҳал этишга коллектив барча аъзоларини жалб этишга эришиши керак; фан-техника ижодиётини рағбатлантириши; ихтирочилик ва рационализаторлик ишини уюштириши зарур ва ҳоказо. Шу мақсадларда у ёки бу илмий-техник проблемаларни параллел конструкторлик ва лойиҳа ишламаларини энг яхши даражада реализация қилиш бўйича конкурслар ўтказиш, вақтинчалик илмий коллективларни яратиш тавсия этилади. Корхоналар янги техникадан самаралироқ фойдаланишга жиддий ёрдам беришлари, кадрлар эътиборини ўз малакасини оширишга ва ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилаш учун социалистик мусобақани ташкил этишга, меҳнат коллективларининг олимлар ва мутахассислар билан алоқасини мустаҳкамлашга, инженер-техник ходимлар ва бошқа мутахассислар ролини оширишга, хўжалик ҳисоби асосида ишловчи бригадаларни ташкил этишга қаратишлари керак. Ўзбекистонда ҳозириинг ўзидаёқ 900 мингдан ортиқ ишчи, 45 минг бригада меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, фан-техника тараққиётини барча чоралар билан жадаллаштириш учун мусобақада қатнашмоқда.

* * *

Социализм фан ва техника, моддий ишлаб чиқариш ва маънавий маданият соҳасида эришилган ютуқларни тўла-тўкис инсонга хизмат қилдиради. Жамиятимиз олға қараб борган сайин фан-техника революцияси ютуқларидан меҳнаткашлар манфаатлари ва талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, уларнинг интеллектуал, эстетик ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан бойишлари, шахсни камол топтириш учун яна ҳам изчил фойдалана боради. Лекин бу бизда фан-техника революцияси билан маънавий процессларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирига таъсир этишида ҳеч қандай проблема йўқ деган маънони англатмайди. Масалан, билим даражасининг ошиши маънавий қадриятларни ўз-ўзидан ўзлаштиришга олиб келмайди, ҳатто ахлоқий, маънавий тарбия билимдонлик даражасидан орқада қолиши ҳам мумкин. Шу муносабат билан техник интеллигенциянинг бир қисмида ўзига хос «маънавий аристократизм» кайфияти туғилиши мумкинки, у фан-техника революцияси олиб келган қадриятларни қизиқишга, эътибор беришга арзимайдиган «паст бир нарса» сифатида инкор этади.

М. С. Горбачев КПСС МКнинг февраль (1988 йил) Пленумида сўзлаган нутқида таъкидлаб айтдики, қайта қуриш кишилар онги ва психологиясига, уларнинг манфаатларига, жамиятдаги, меҳнат коллективларидаги мавқеига дахл қилади; ҳатто кўпгина яхши одамлар ҳам ўтмишда бузилишлар ва камчиликларга кўникиб қолишганди, уларга бефарқ қарашарди, ўз социал активлигини бўшаштириб юборишганди. Кўриб турибмизки, фан-техника революцияси шароитида ахлоқий тарбиянинг, шунингдек ҳар бир меҳнатчидаги масъулият ҳиссининг аҳамияти яна ҳам ортади. Масалан, интизомсизлик оқибатида технологик циклнинг бирон-бир участкасида юз берган ўпирилиш планнинг ўз муддатида бажарилиши ва бутун топшириқнинг сифатли адо этилишини барбод қилибгина қолмай, шунингдек жамият учун жуда катта маънавий иллатларни келтириб чиқаради. Аксинча, ҳар бир кишининг виждонан, ҳалол меҳнат қилиши тезда яхши самара беради, бир қатор ҳолларда бўлганидек қўшимча капитал маблағларсиз фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам қилади.

Шуни эътироф этиш кераккки, фан-техника революцияси, агар меҳнатга муносабатда, умуман маънавий-ахлоқий соҳада ҳал қилувчи силжишларга эришилмаса, ўз-ўзидан иқтисодий ва социал соҳаларда кутилган натижаларни бермайди. Ҳолбуки, фан-техника тараққиёти тўғрисида эълон қилинган нашрларда меҳнат асосан илмий, техник ва иқтисодий позициялардан туриб қараб чиқилади, аслида эса у биринчи навбатда социал ва маънавий-ахлоқий характерга эга бўлиб, ҳар бир кишига дахлдордир. Бу яна шунинг учун ҳам муҳимки, ишлаб чиқаришда атом, лазер ва бошқа илғор технологиялар аста-секин етакчи ўринни эгалламоқда, улар тўғри қўлланилганда жуда юксак самара беради, лекин айни бир

вақтда одамларнинг бепарволиги, ландавурлиги туфайли улар теварак-атрофдагиларнинг бошига жуда катта кулфат солиши мумкин. Техниканинг маънавият билан алоқаси бевосита ҳам намоён бўлади: қолоқлик, баъзи бировларнинг обрўталаблиги, дангасалик, шахсий ва группавий ғаразгўйлик, умумий ишдан манфаатдор бўлмаслик кўпинча техник тараққиётнинг секинлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Мисолларга мурожаат қиламиз. Кўпгина тармоқлар бугунги кунда чет эл асбоб-ускуналари, технологиясини сотиб олиш билан машғул. Уларни харид қилиш учун капиталистик бозорга борилади, бу эса асосан ички резервларни актив қидирмаслик билан изоҳланади.

Бизнингча, техникани чет эллардан оммавий равишда келтириш давлатимизнинг халқаро обрў-эътибори ўсишига хизмат қилмайди. Лекин совет техникаси ютуқларини ўзлаштиришга баъзида бюрократик тўсиқлар халақит беради. Завод директорларидан бири, нега ғарб ишламаларидан яхши бўлган ўз ишламаларимиз турганда чет эл технологиясини олишга уринасиз, деган саволга, ўртамиздаги сон-саноқсиз инстанциялар билан келишиб ўтиришнинг имконияти йўқ, бунинг учун бир неча йил керак бўлади, деб жавоб берган («Социалистическая индустрия», 1986 йил, 13 май сонига қаралсин).

Тўғри, жаҳон экономикасининг бугунги ҳолати учун хўжалик алоқаларининг интернационаллашуви, ижтимоий-сиёсий тузуми турлича бўлган мамлакатлар ўзаро боғлиқлигининг кучайиши характерлидир. Бундай шароитларда, СССР савдодан халқлар ўртасидаги нормал қўшничилик муносабатларининг бир воситаси сифатида фойдаланиб, капиталистик давлатлар билан ўзаро фойдали савдо алоқаларини бундан кейин ҳам кенгайтириб боради, чет эл капиталини бирон-бир шаклда жалб этади, ўз халқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун биргаликда корхоналар барпо этади.

Фан-техника тараққиёти проблемаларини ҳал этишда моддий фойда кўриш истаги инсоннинг маънавий манфаатларини босиб кетса, бу объектив равишда маънавий қашшоқликнинг ўсишига олиб келади. Философлар билан социологларнинг социалистик мамлакатларда ҳаётнинг гедонистик концепцияларининг тез тарқалаётганлиги, одамларнинг бир қисмида инсонга ўз табиатига кўра ахлоқсиз бир зот, пул ва бойлик қули деб қарашнинг пайдо бўлаётганлигини ташвиш билан таъкидлашаётганлиги бежиз эмас.

К. Маркс фан-техника тараққиётининг капитализмдаги зиддиятли характерини ўз вақтида очиб ташлаган ва батафсил анализ қилиб берган эди. «Биз, — деб таъкидлаган эди у, — инсон меҳнатини камайтириш ва уни янада самарали қилишдек мўъжизакор кучга эга бўлган машиналарнинг одамларга очлик ва машаққат олиб келаётганини кўриб турибмиз. Бойликнинг шу вақтгача маълум бўлмаган янги манбалари қандайдир ғалати, тушуниб бўлмайдиган афсунлар туфайли қашшоқлик манбаларига айланмоқда. Техниканинг ғалабаси маънавий таназзул эвазига сотиб олингандай бўляпти... Ҳатто илм-фаннинг мусаффо нури жаҳолатнинг зулматли фонидагина ёркин чарақлаши мумкин» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 12, с. 4). Капитализм бугун ҳам фойда орқасидан қувиб, фан ва техника ютуқларини бутун жамиятнинг эҳтиёжларига қарама-қарши қўймоқда. Бу нарса ишлаб чиқариш масалалари социал проблемалар билан чатишган ҳолларда айниқса ёрқин намоён бўлади.

Фан-техника тараққиёти меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга таъсир этиб, бошқариш ва программалаштириш кўламини кенгайтиради, ишлаб чиқариш процессида инсон омилининг кучайишига олиб келади. Бу янги техника ва технологияни жорий этишнинг социал оқибатлари туфайли юзага келадиган тенденция ва имкониятларни техник-иқтисодий жиҳатдан чуқур анализ қилиш, малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлар билан боғлиқ мураккаб проблемаларни кун тартибига қўяди. Ўз навбатида меҳнатни интеллектуаллаштириш ишчи фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади. Айрим буржуа олимлари бу ҳолларни эътироф этишга, кишилик цивилизациясининг бутун ривожини бевосита фан-техника тараққиётига боғлиқ қилиб қўювчи «технологик детерминизмдан» узоқлашишга уринмоқдалар. Чунончи, консерватизмнинг Америкадаги энг кўзга кўринган назариётчиларидан бири Ф. Мейер «технологик детерминизмни» бугунги кундаги тафаккурнинг энг ашаддий бидъатларидан бири деб эълон қилди. О. Тоффлер, шунингдек «компью-

тер демократияси» вакилларидан Т. Бекер, М. Лейвер, Ж. Пелтон ва бошқа буржуа социологлари бошқарув, илмий-техник ечимларни ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олишни талаб қилмоқдалар.

Хуллас, капиталистик мамлакатларда ҳам инсон омили проблемалари ўрганилишини инкор этиб бўлмайди. Масалан, иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлган, яқин-яқиндагина саноат жиҳатдан АҚШдан анча орқада юрган, қолаверса, хом ашё ва энергия бобида ўз ресурсларига эга бўлмаган Япония — жуда катта сакраш қилиб, фан-техника тараққиётининг кўп йўналишлари бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб оляпти. «Япон мўъжизасининг» сири нимада? Ғарбдаги кўплаб жиддий тадқиқотлар бу масалани жуда батафсил ўрганиб чиқиб, инсон омилида деган хулосага келишди. Фақат бу ерда инсон омилига хусусий мулкчилик позицияларидан туриб ёндашилади.

Фан-техника революциясини инсонни ахлоқий тарбияламасдан амалга ошириб бўлмайди. У маълумот, ҳар бир кишини ҳалол меҳнатга ва илмий ижодиётга тайёрлаш масалаларини ҳам янгичасига қўяди. Илм-фандаги мансабпарастлик, виждонсизлик, ландавурлик ва интизомсизликка қарши кураш тобора актуал бўлиб қолмоқда. Лекин бугунги кунда инсондан кўра кўпроқ ходимни тарбиялаяпмиз. Яхши ўқиган мактаб ўқувчиси ёки студент энг яхши ҳисобланади, энг яхши одамлар — булар ишлаб чиқариш илғорларидир. Аслидаку одамларни фақат қандай меҳнат қилишга ва қандай қилиб кўп пул ишлашга эмас, балки муносиб, ҳалол яшашга ҳам ўргатиш керак. Таълим, тарбия шунга қаратилиши кераккки, инсон чинакам қадр-қимматга, юксак маҳоратга, олижаноб фазилатларга эга бўлсин. Меҳнат эса — маънавий кашшоқлик ва молпарастлик эмас, балки чинакам бойлик, эзгулик манбаи бўлиб қолсин. Инсон омилини фан-техника революцияси даврида активлаштиришнинг илдизи ҳам шунда.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг янги йўлларини белгилаб берди. Бу биринчи навбатда — илм-фандаги вазиятни демократиялаш,бюрократизм ва маъмуриятчилик, консерватизм ва монополизмни бартараф этишдир. «Истеъдодларнинг, ижодий ташаббускорлик ва ўз-ўзини бошқаришнинг, тенг ҳуқуқли мусобақанинг, илмий ғоялар ва фикрлар рақобатининг энг кўп даражада намоён бўлиши учун имконият очиб бериш керак», — деди М. С. Горбачев партконференцияда қилган докладида. Бу қайта қуришнинг туб манфаатларига, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга, сиёсий ҳаётни демократиялашга жавоб беради.

Проблема хусусида фикр-мулоҳазалар

«...ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ БИР ҚИСМИНИНГ ПАССИВЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЛОЗИМ»

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қўйган бу вазифа айниқса бизнинг республикамиз учун актуалдир. Турғунлик даврида ривожланган салбий жараёнлар бизда ғоят кескин шаклда намоён бўлдики, бу ҳақда КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидлаб ўтилди. Ҳокимият тепасида турган порахўр раҳбарларнинг жиноятқорона хатти-ҳаракатлари, кўпгина раҳбарларнинг, шу жумладан партия раҳбарларининг принципсизлиги, амалпарастлиги, фақат ўзини ўйлаши, камчиликлар хусусида сукут сақлаши, ошна-оғайнигарчилик ва хушомадгўйлик, социалистик қонунчиликнинг ўтакетган даражада бузилиши — буларнинг ҳаммаси экономика ва социал соҳада аҳволнинг кескин ёмонлашувига олиб келди, умумий маънавий-психологик вазиятга, кишилар ахлоқига, партиявий интизом аҳволига, партия ташкилотларининг жанговарлигига, коммунистлар активлигига булар салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасди. Гарчи ҳозир республикада аҳвол аста-секин яхши томонга ўзгараётган бўлса ҳам, лекин барибир тормозлаш механизмини бартараф этиш иши суст бормоқда. Бунинг сабаблари кўп, уларнинг бири — партия аъзолари бир қисмининг пассивлигидир. Ҳолбуки, айни бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг ҳар бир аъзоси жамият ҳаётини демократиялашда, барча ишларимизни яхшилашда пешқадам бўлишлари, юзага келаётган проблемаларни манфаатдорлик ва принципиаллик билан ҳал этишда намуна кўрсатишлари керак.

Айрим коммунистларнинг ўз гражданлик бурчига, Устав талабларини бажаришга пассив муносабатда бўлишларининг асосий сабаби нимада? Бу ҳодисани қандай қилиб тезроқ бартараф этса бўлади? Мана шу масалаларни яхши тушуниб олмасдан туриб олға бориш, кенг халқ оммасини қайта қуришга, жамиятимизни янгилашга сафарбар этиш қийин бўлади. Бу ҳақдаги музокарани биз коммунистлар А. А. Коршунов ва О. Г. Иванчукнинг фикр-мулоҳазалари билан бошламоқчимиз. Бу музокарага партия ва идеология ходимларини, олимларни, журналимизнинг барча ўқувчиларини таклиф қиламиз.

А. КОРШУНОВ

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ ҲАР БИР КИШИНИНГ АКТИВЛИГИГА БОҒЛИҚ

МЕҲНАТ СТАЖИМ 1959 йилдан бошланади. Орадан салкам ўттиз йил вақт ўтган бўлса ҳам, ҳали ҳам кечагидек эсимда: қизил бурчакнинг ланг очиқ эшиги олдидан ўтиб кетаётиб, тўхтадим-да, беихтиёр цехимиз коммунистларининг гапларига қулоқ солдим — бу ерда партия мажлиси бўлаётганди. Гап-сўзлар кескин эди, ҳеч ким юз-хотир қилинмасди. Мен, 17 яшар йигитча, эшик олдида узоқ туриб қолдим, ҳар бир сўзни жон қулоғим билан тинглар эканман, вужудимни қандайдир тушуниб бўлмайдиган, лекин ёркин, олижаноб бир туйғу чулғаб олганди.

КОРШУНОВ Александр Александрович, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комплекс бригадасининг бригадири, цех партия ташкилотининг секретари, бирлашма меҳнат коллективи советининг раиси.

Коммунистлар — кандайдир алохида кишилар! Улар билан бирга бўлгим келиб кетди, лекин шу захоти ўзимга ўзим: хўш, мен нимани койил килиб кўйибманки, партияга кабул килишса! Йўк, коммунистлар — алохида бир халк, — дедим.

Лекин барибир мен 1962 йилда, армия сафида хизмат килиб юрганимда партияга аъзо бўлдим. Ўтган 26 йил давомида хаёт йўлимда сиёсий ходимимиз майор Поповкин, смена катта мастери Илья Антонович Пономаренко, токарь Николай Николаевич Колобовга ўхшаш жуда кўплаб асл большевик ленинчиларни учратдим. Улар кўркувни хам, таъна-маломатни хам билмайдиган жангчилар эди. Улар кучли хаяжон, умид ва катта ишонч билан: «кабул килишларингизни сўрайман... порлок келажакни кўришни истайман... биринчилар каторида бўлишга ваъда бераман...» деб ёзган менга ўхшаган канчадан-канча ёшлар учун жуда кўп иш килдилар.

Нега энди мана шу сўзлар кўплар учун ўзининг мукаддас маъносини йўкотиб кўйди, нега шундай бўлди? Баъзилар партияга кабул килиш тўғрисидаги аризасига мана шу сўзларни ёзиб, Ильич расми туширилган кип-кизил билетни олганидан кейин нима учун уни ўзига никоб килиб олиб, большевизм ғояларини сийкалаштирдилар, партияга маънавий зарар етказиб, халкнинг порлок истикболга бўлган ишончини пучга чикардилар?

Жуда кўп одамлар — факат коммунистлар эмас — хозир ўзларига шу саволларни бериб, уларга жавоб топишга харакат килмокдалар. Айтиш лозим, доимо хам тўғри жавоб тополмаяптилар. Тўғри, демократиялаш, ошкоралик энг мухим нарсани аник кўришга ёрдам берди, лекин барибир хар хил афсоналарни кишилар кўнглидан бутунлай чикариб юбориш, мураккаб, айни вактда кахрамонона ва фожиали тарихимиз тўғрисида хакикатни карор топтириш, коммунистлар анчагина кисмининг нима учун жангчилардан принципсиз обивателларга, баъзиларининг эса, халкка хиёнат килган жиноятчиларга айланганлигининг сабабини тушуниш учун хар холда бир оз вакт керак. Афсуски, хозир хам орамизда шундай одамлар борки, улар ўзларининг Уставда бегиланган вазифаларини бу менинг ишиммас дегандек ўлганининг кунидан мажбуран бажаради. Пассивлик, локайдлик — бу бизда каёкдан пайдо бўлди? Нима учун, партия аъзоларининг бир кисми Кремль эълон килган кайта куришни Кремлнинг ўзи бажаради, деб кутиб ётишибди?

Афтидан, бу офатларимизнинг бошини 20-йиллардан кидирмок лозимдир, ўша пайтларда МК ва хукуматдаги ленинчи большевиклар ўрнини аста-секин бошка типдаги одамлар эгаллай бошлади. Вакти келиб ленинчи гвардиянинг энг яхши кадрлари йўк килинди. Уларнинг ўрнига шундай одамлар келдики, улар «Кремль зохиди»нинг хар кандай хархашасини, хар кандай ниятини лом-мим демай сўзсиз бажаришга тайёр эдилар. Тўғри, ўша дахшатли даврда хам большевизм идеаллари ва анъаналарига содик колган коммунистлар ўз ибратлари билан оммани рағбатлантирган, унга ишонч ва куч бағишлаган эдилар. Совет халкини, коммунистларни фикрлашдан, бахслашишдан, мулохаза юритишдан кайтариш осон эмас эди. Лекин барибир Сталиннинг бекусур дахосига бўлган кўр-кўрона ишонч партияга жуда катта зарар етказиб, одамлардаги шахсий ташаббусни, проблемаларга ўз карашларини йўк кила борди. Сталинчилик даврининг пропаганда машинаси самарали ишлади. Хрушчев даврида эса бошлаган илик шабада, афсуски, узокка чўзилмади. У шахсга сиғиниш йилларининг музини узил-кесил эритиб юборишга улгурмади ва эритиб юборолмади. Орадан кўп хам вакт ўтгани йўк эдики, ташаббускор, масалаларни хал этишга ностандарт, юкоридан рухсат кутмай ёндашувлар яна кадрланмай колди. Ишдан манфаатдорлик бўлмай колди. Шахар ва кишлокларни планни бажариш хамда ошириб бажариш тўғрисидаги на аклга, на калбга хеч нима бермайдиган курукдан курук чакириклар босиб кетганди, холбуки аслида ахвол бошкача эди. Экономика кризис ёкасига бориб колганди, статистика хисоботлари эса хамма нарса кўнгилдагидай деб тантанали равишда эълон киларди. Мамлакатда порахўрлик, ўғирлик, кўзбўямачилик кенг кулоч ёзди, биз хаммамиз эса, биринчи навбатда рахбарларимиз «мислсиз муваффакиятлардан» эйфория холатига тушиб колгандик. Бордию битта-яримта юрак бетлаб, ахир, нималар бўляпти ўзи

қаёққа кетяпмиз, деб сўраб қолгудек бўлса, уни дарров ёмонга чиқаришар, диссидент деб ҳисоблашарди.

Шуни ўкинч билан эътироф этиш керакки, КПСС 80-йилларнинг бошларига келиб кўп масалаларда халқ ўртасида обрў-эътиборини йўқота бошлади, коммунистларнинг анчагина қисми обивателлик, принципсизлик ва лоқайдлик ботқоғига тойиб кетди.

Қуюшқондан чиқиш, меҳнатга, ўзининг гражданлик ва партиявий вазифаларига бепарволарча муносабатда бўлиш иллати жамиятнинг барча қатламларига сингиб кетди. Бу касаллик ишчилар синфини ҳам четлаб ўтмади. Ташмачилик ва брак маҳсулот ишлаб чиқариш, ичкиликбозлик ва безорилик фабрика ҳамда заводларда оддий ҳодиса бўлиб қолганди. Қатор сабабларга кўра бу хунук ҳодисалар корхонамизда унча ёйилмади. Шунинг учун ҳатто турғунлик даврида ҳам коллективимиз чиқарган самолётлар ўз сифатларига кўра жаҳон стандартларидан қолишмасди. Мамлакатда ўпирилиш ва кўзбўямачилик офатларини енга олган корхоналар кам эмасди, албатта. Ҳар қандай даврда, ҳар қандай шароитда ҳам вазиятдан устун келиб ўз ишини халқ манфаатлари талаби даражасида бажарадиган ҳалол, принципиал кишилар топилади. Бундай кишилар сирасига мен коммунистлар С. И. Қадишев, В. Н. Сивецларни қўшаман, улар заводга раҳбарлик қилиб, унинг оёққа туриши учун жуда кўп иш қилдилар. Ўз ишининг усталари, коммунистлар И. М. Басанец, Ю. И. Феропов, А. В. Кривило, Б. Б. Викторов, Г. В. Мельниковлар ҳам ана шундай фидойилардан бўлиб, улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан бошқаларни орқаларидан эргаштирмоқдалар. Улар ҳозир ҳам меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Лекин барибир бизнинг корхонамизда ҳам коммунистларнинг активлиги, улар ҳаётий позицияларининг мустаҳкамлиги ҳозир биз турғунлик йиллари деб атаган йилларда анча бўшашди. Бу нарса партия ташкилотида коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестацияси бошланганида яққол кўринди. Маълум бўлдики, бизда ҳам сўзи, иши, хатти-ҳаракати партия Уставига тўғри келмайдиган коммунистлар анчагина экан. Яна қайта қуриш бошланган, ҳуқуқий давлат барпо этилаётган бир даврда-я! Нега шундай бўляпти? Менимча, бунинг сабабларидан бири шундаки, коммунистларнинг бир қисмида қайта қуришнинг узил-кесил эканлигига ҳали ҳам ишонч йўқ. Маълум маънода уларни тушуниш мумкин. Ахир, улар 50-йилларнинг иккинчи ярмини яхши эслашади: қанчадан-қанча умидларни уйғотган ўша илиқ ҳаво аста-секин турғунликка ўтиш билан тугаган эди. Ҳа, бу иккиланишларни тушунтириш мумкин, лекин уларга бепарво қараб бўлармикин? Менимча, йўқ. Бугунги кунда биронта ҳам партия аъзоси қайта қуриш ишидан четда турмаслиги керак. Агар «юқоридагилар»нинг ташаббуси билан бошланган революция муваффақиятсизликка учраса, таъсирчан бўлмаса, «пастдагилар», бутун халқ уни амалда қўллаб-қувватламаса, мамлакатимизнинг улуғворлиги, унинг жаҳон уюшмасида муносиб ўрин эгаллаши учун «бизнинг энг сўнгги ва ҳал қилувчи жангимиз» эканлигини ҳар бир коммунист тушуниши ва ҳис этиши керак.

Партия сафига 30—40—50-йилларда кирган партия аъзоларига доҳий шахсига сиғинишдан воз кечиш осон эмас. Шуни ҳисобга олиш керакки, юқорида айтиб ўтганимдек, ўттиз йиллар давомида пропаганда машинасининг бутун куч-қудрати Сталиннинг янглишмаслиги, ҳамма катта ва кичик ютуқларимизда унинг асосий роль ўйнаганлиги тўғрисидаги фикрни одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилганди. Партия аъзоларидан айримларига Сталиннинг уларнинг тақдирида, мамлакат тақдирида ўйнаган ролига қайта баҳо бериш жуда оғир. Мен бу одамларни танийман, улар ниҳоятда пок, ҳалол коммунистлар бўлиб, Сталинга жуда кўп туҳмат қилишяпти деб астойдил ишонишади. Менимча, бу одамларни «барча халқлар отаси»ни илоҳийлаштириш ҳолатидан уларнинг дилига озор бермай ниҳоятда эҳтиётлик билан олиб чиқиш керак. Мен бу ерда бир умр шаҳарларда яшаган, 1947 йилдан 1954 йилгача озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат товарларининг чакана нархи ҳар йили пасайтирилганини жуда яхши эслайдиган коммунистлар тўғ-

рисида гапиряпман. Шаҳарларда нарх-навонинг пасайиши ва аҳоли турмуш шароитининг бирмунча яхшиланиши билан бир вақтда қишлоқ меҳнатчиларининг турмуши тобора ёмонлашганини, уларнинг қашшоқлашиб, ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлганликларини коммунистлардан айримларининг тушуниши қийин бўлмоқда.

Брежневнинг ўзига ўзи маҳлиё бўлиши билан ўтган ва масъулиятсизлик авжига чиққан йигирма йил давомида шахс сифатида шаклланган одамларни мен ихлоси қайтган ва ҳозир ҳам партия пассивида юрган кишиларнинг иккинчи категориясига қўшган бўлардим. Аслини олганда контролсиз ҳокимиятга эга бўлган қанчадан-қанча коммунист раҳбарлар бутун халқ, партиянинг оддий аъзолари кўзи олдида мамлакат экономикасини барбод қилдилар, унинг хом ашё потенциалини сочиб юбордилар, миллион-миллион ҳамюртларининг манфаатларию, эҳтиёжларини унутиб, ўз шон-шуҳратларини оширишда, кўплаб унвон ва мукофотларни кашф этиш ҳамда уларни ўзларига беришда бир-бирларидан ўтишга уриндиларки, бу билан ҳамюртларининг кўпчилигини лоқайдлик ва пассивлик ҳолатига солиб қўйдилар. Жуда катта иқтисодий зарардан ташқари турғунлик даври бутун халқ партия ва унинг айрим аъзолари учун сон-саноқсиз маънавий йўқотиш, улкан сиёсий зиён келтирди. Партия мажлисларимизда кескинлик ва принципиаллик йўқолганини сезмай ҳам қолибмиз, уларда аслида ҳеч нима ҳал қилинмасди, чунки бизларсиз ҳал этилган бўларди. Бизларга, оддий коммунистларга фақат бир имконият — сўзсиз маъқуллаш, бажариш ва ошириб бажариш имконияти бериларди. Очиғини айтсам, турғунлик даврининг асосий кулфатини мен ўғирланган миллиард-миллиард пулларда эмас, балки ҳалоллик ва одамийликнинг йўқотилганлигида, партия турмуши нормалари ва элементар ахлоқ қоидаларининг унутилишида деб биламан. Буни тиклаш, менинг назаримда, путур етган экономикани тиклашдан кўра анча оғир бўлади. Буни умуман коллектив даражасида эмас, балки конкрет киши даражасида амалга ошириш айниқса мураккабдир.

Ҳар бир партия аъзосининг актив ҳаётий позициясини тиклашимиз, уни қайта қуришнинг онгли ва матонатли жангчисига айлантиришимиз учун бизга бугун нима халақит беряпти? Менимча, биринчи навбатда эскича ёндашишлар, эскича методлар. Мана масалан, сиёсий ўқув системасини олиб кўрайлик. Афсуски, бу соҳада ўзгариш ниҳоятда секин юз бермоқда. Сиёсий машғулотларда илгаригидай ҳали ҳам фикр алмашув, мунозара руҳи йўқ. Одатда биттаси гапиради, кўпинча ўқиб беради, қолганлар эшитади, баъзи бировлар эса ухлаб ўтиради. Нега энди одамлар, айниқса ёшлар турли сиёсий клубларга, норасмий уюшмаларга қатнайдиган бўлиб қолишди? Сабаби, у ерда кишига дилидаги бор гапни айтишга, қандай бўлишидан қатъи назар, ўз позициясини баён қилишга имкон беришади, у ерда аслини олганда одамларни пропагандистлар ва тингловчиларга бўлиб ўтиришмайди, лекин амалда уларнинг ўз лидерлари бор, улар ёшлар онгига ўз ғояларини сингдиришади. Мен ана шундай мунозараларнинг бирида қатнашдим. Биринчи навбатда кўзга ташланган нарса — ғоялар ва қарашлар тортишуви, қуруқ расмиятбозликнинг йўқлиги бўлди. Хўш, бизнинг сиёсий машғулотларимизда нимани кўрамиз? Пропагандист бугун ўтган куни «Время» программаси кўрсатган нарсани баён қилади, ўқув йили охирида эса хўжакўрсинга имтиҳон уюштирилиб, мактабдагидай ҳаммага баҳо қўйиб чиқилади. Сиёсий ўқув системасига бошқача формалар, айтайлик, мунозарали сиёсий клубларга ўхшаган нарса керакки, уларга тингловчиларнинг (уларни яхшиси клуб аъзолари деб атаган маъқул) ўзлари келишиб, бир-бирларини бойитувчи, мароқли мунозаралар олиб боришади.

Ҳозир чиндан ҳам ҳамма ерда ошкоралик-ку! Истаган газетани, журнални варақланг — у ерда қанчадан-қанча янги мавзуларни топасиз, қизғин тортишув, баҳсларни ўқийсиз. Яқин-яқинларда ўзаро гапиришга ҳам қўрқиб юрилган нарсалар тўғрисида матбуот саҳифаларидан, телевизор экранларидан бараллa айтиляпти. Аввалига бу одамлар учун томдан тараша ташлагандай бўлди, бора-бора эҳтирослар босилиб, ўқувчилар, томошабинлар матбуот саҳифаларидан, эфирдан ўзларини тўлқинлантираётган саволларга конкрет жавоблар қидирадиган бўлиб қолишди. Лекин, афсуски, доим ҳам жавоб тополмайдилар. Проблемаларимизни ошкора ифода этиш билан уларни ошкора ҳал этиш ўртасида қандайдир узилиш пайдо бўлиб қолди. Жуда кўп долзарб

масалалар ҳал этилмай ҳавода муаллақ осилиб қолди. Масалан, раҳбарлар учун махсус тақсимловчи магазинларнинг мавжудлиги, партия ва давлатимиз раҳбарларининг таржимаи ҳоли ҳамда сиёсий платформаси билан кенгроқ танишиш имкониятининг йўқлиги. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида, СССР Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилиш давомида киритилган кўплаб конкрет ва жуда ўринли таклифлар қабул қилинмади, лекин бунинг сабаби ҳам тушунтириб берилмади. Буларнинг ҳаммаси, менинг назаримда, сиёсий активликни оширишга ҳеч ҳам ёрдам бермайди, аксинча, одамларда ранж-алам туйғусини, сенинг конкрет фикринг, таклифинг ҳеч кимни қизиқтирмас экан-да, уни ҳисобга олиш у ёқда турсин, ҳатто пайқашмади ҳам, деган туйғуни туғдиради.

Масалаларни ошкора равишда қўйишни уларга ошкора, майли салбий бўлса ҳам, лекин конкрет ва асосли қилиб жавоб бериш билан бирга қўшиб олиб бориш керак деб ҳисоблайман. Бу анча мураккаб иш, лекин халқни чинакам уйғотмоқчи, уни мамлакатни бошқаришга, унинг тақдирини ҳал этишга реал жалб қилмоқчи эканмиз, бу ишни қилишимиз керак.

Турғунлик йилларида бир-биримизга сира тортинмасдан ёлғон гапирганмиз. Йўқ нарсани бор қилиб кўрсатганмиз, моддий ва маънавий неъматларни ҳаётда бўлмаса ҳам, лекин қоғозда мўл-кўл қилиб яратганмиз, мамлакатимизда миллатлараро муносабатларда ҳеч қандай проблема йўқ деган фароғатли афсонани ўйлаб топиб, уни кишилар онги ва қалбига сингдирганмиз, мана энди шуларнинг ҳаммасини эътироф этяпмиз. Энг тоза дарёлар ва ҳаво, битмас-туганмас бойликлар, хазиналар бизда деб кўкрагимизга урганмиз, хуллас, энг яхши, энг ноёб нарсалар ўзимизда...

Мана энди маълум бўлдики, аҳвол мутлақо бошқача экан. Яна бир нарсани аниқладик — тўғрисини айтган маъқул экан. Шундай қилганда, одамлар проблемани яхши билишгани ҳолда уни ҳал этиш йўлларини биргалашиб қидиришади, тезроқ топишади ҳам.

Лекин бўяб-безаб кўрсатилган воқеликни соғиниш баъзи бир идораларимизга, кимлигимиз, нималигимиз ҳақидаги бор ҳақиқатни бизга етказишга масъул бўлган одамларга ҳали ҳам тинчлик бермаяпти.

Мамлакатимизнинг ўтган йил 9 ойи ичидаги социал-иқтисодий ривожланиши якунларига оид статистика ҳисоботини олиб кўрайлик. Унда саноатда меҳнат унумдорлиги 6 процентдан кўпроқ ўсган деб ёзилган. Аслида ҳам шундайми? Ахир, ўша 6 процентга савдо ассортиментидан арзон товарларнинг сиқиб чиқарилиши, уларнинг «М», «ОМ», «Н» ва яна қандайдир индекс ва артикулларга алмаштирилиши ҳам киради-да. Буюк афсунгар ва сеҳргар — Нархлар давлат комитети кўпчиликнинг қаршилигига қарамай ўз ишини давом эттиряпти. Давлат статистика комитети эса халқ ўртасида унчалик маъқул бўлмаган бу ишни меҳнат унумдорлигини ошириш деб тақдим этади. Молиявий инъекцияларни ҳам ана шу жафокаш меҳнат унумдорлиги ҳисобига ёзишмоқдаки, давлат бюджети улар воситасида синиш даражасига бориб қолган корхоналарни ҳалокатдан сақлаб қолишга уринади. Бу, мулойимроқ қилиб гапирганда, бутун ахборотни ўз қўлида тутган амалдорларнинг носамимийлигига атиги биргина мисолдир. Лекин халқ энди кечаги халқ эмас, у ҳисоб-китоб қилишга, таҳлил этишга қодир, уни алдаш осонмас, шунинг учун ҳам бундай «ҳақиқат» зарардан бошқа нарса келтирмайди, бу ҳам жамиятнинг, шу жумладан коммунистларнинг бир қисми пассивлигига сабаб бўляпти.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қандай ўтганлиги ҳаммамизнинг хотирамизда. Биз партиянинг жамиятимизда ошкоралик ва демократик негизларни мустаҳкамлашга оид шиорининг амалда ҳақиқатга, ҳаётга айланаётганини газеталар саҳифаларидан, зангори экрандан ҳам ҳайрат, ҳам умид туйғуси билан кузатиб бордик. Айрим бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари партия конференциясининг руҳига мутлақо мос келмади. Улар эски сценарийлар, тадбирбозлик, сийқа ҳисобот ва худди шундай чиқишлар билан ўтдики, бундай тадбирлар коммунистларга, умуман коллективларга нима бериши мумкин? Шу нарса сезилиб турардики, бу муҳим сиёсий тадбирлар учун масъул бўлган кишилар ҳар қандай тасодифларнинг, воқеалар улар ўйламаган

издан кетишининг олдини олишга, ўзларига гап тегизмасликка уринишарди. Мисол тариқасида Тошкент шаҳар Ҳамза райони партия ҳисобот-сайлов конференциясини келтириш мумкин. Ўз таассуротлари билан ўртоқлашган кишиларнинг деярли ҳаммаси бир оғиздан: конференция тадбирбозлик асосида, мароқсиз, қайта қуришгача бўлган давр руҳида ўтди, дейишди.

Бир қарашда, гўё мен ҳамма ёмон, яшашимизга халақит бераётган эски нарсаларни бир жойга тўплаб кўрсатаётгандай бўлишим мумкин. Ҳа, шундай ниятим ҳам йўқ эмас. Лекин мен шуни кўрсатмоқчиманки, қайта қуришда, демократиялашда, ошкораликда биз ҳозирча биринчи, баъзида кўрқа-писа, баъзида янглиш қадамни қўйяпмиз. Одамларда, шу жумладан партия аъзоларида ўтмиш руҳи ҳали ҳам кучли, баъзи бировлар, бу ёғи нима бўларкин, қайта қуриш муваффақиятсизликка учрамасмикин, деб кутиб турушибди, улар, агар муваффақиятсизликка учраса, — фақир киши панада деганларидек, бир чеккада тураверамиз, бордию юришиб кетса — тезлигини ошираётган локомотив зинасига вақтида лип этиб чиқиб оламиз. Нима бўлганда ҳам ҳеч нарса йўқотмайман, деб ўйлашади. Йўқ, бу партиявий, гражданлик позицияси эмас, бизлардан ҳар биримиз, биринчи навбатда коммунистлар, ўз ўрнимизни белгилаб олишимиз, ишлаб чиқилган сиёсатни дадил ва қатъий ҳимоя қилишимиз керак.

Ҳа, бугунги революция юқоридан бошланди, лекин унинг муваффақияти ҳамманинг актив иштироки билан таъминланиши мумкин. Мамлакатни янгилаш ишига ҳар биримиз дахлдор, бу иш учун масъулиятли эканлигимизни чуқур ҳис этмагунимизча янгиланиш бўлмайди. Аппаратдаги — партия, совет ёки хўжалик органидаги амалдор ҳар биримизни винт эмас, балки шахс деб билмагунича, бу амалдор қайта қуришга тўғаноқ бўлаверади.

Қайта қуриш бўладими-бўлмайдими, ҳуқуқий давлат бўладими-бўлмайдими, бу фақат бизларга, улкан меҳнат армиясининг оддий солдатларига боғлиқ. Кучқудрат ва муваффақият — ҳар бир кишининг, биринчи навбатда коммунистларнинг актив ҳаётий позициясида.

О. ИВАНЧУК

УНИ ЎЗИНГГА ПИР ДЕБ БИЛМАГИН

КПСС МК апрель (1985 йил) Пленумидан сўнг бошланган ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан кейин сезиларли даражада кучайган партия ички демократиясининг муттасил ривожланиши шундай бир ҳақиқатни юзага чиқардики, ижтимоий онгнинг бутун бир қатламлари чуқур ишланишга муҳтож бўлиб, у КПСС аъзолари активлигининг ўсиши учун замин яратиши керак. Партия ишида хўжакўрсинчилик ва формализмдан халос бўлиш, уни кабинетлардан меҳнат коллективларига кўчириш, КПСС Уставининг 2-параграфига мувофиқ ҳар бир коммунистнинг бошланғич партия ташкилоти фаолиятида чинакам шахсан иштирок этиши — бизга ҳаётий зарур нарсалар мана шулардир.

В. И. Лениннинг, бир вайсақи партия аъзоси бўлиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлганидан кўра, майли ўнта меҳнаткаш одам ўзини партия аъзосиман деб атамай қўя қолсин, деган сўзлари ҳаммага яхши маълум. Бу принципни Владимир Ильич ўзгармас бир принцип деб ҳисоблаган эди. Биз эса уни унутиб қўйдик.

Икки-уч йил бурун ҳам заводимизда партия сафларининг ўсиши билан разнарядка асосида шуғулланиларди, яъни бунга ялпи усулда ёндашиларди. Ҳар йили партия ташкилотимиз юзлаб кишига кўпайиши керак эди. Юқори партия ташкилотлари ялпи рўйхатдагиларнинг сифат кўрсаткичлари билангина қизи-

---

ИВАНЧУК Олег Григорьевич, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партком секретарининг ўринбосари.

қарди: қанчаси ишчи, хотин-қизлар, туб ерли миллат вакиллари қанча, комсомол орқали киргани қанча ва ҳоказо. Партия сафига қабул қилинаётган алоҳида кишининг характеристикаси, яъни унинг ишчанлик, маънавий, сиёсий сифатлари ҳеч кимни ташвишлантирмасди. Бу энди бутунлай қуйи партия ташкилоти виждонига ҳавола қилинарди. КПСС сафига кираётган ҳар бир кишини тайёрлаш ва уни текшириб кўришга вақт бўлмагани учун ҳам цехлар ва бўлимларда кўпларни таржимаи ҳолидаги маълумотларга асосланиб қабул қилишарди. Бундай «оперативлик» шунга олиб келардики, партияга мутлақо тасодифий одамлар кириб қоларди.

Баъзида шундай муаммо ҳам туғиларди. КПСС аъзолигига Тошкентга бирдан-бир мақсад — институтда ўқиш мақсадида келган, олий ўқув юртининг бешинчи курсида сиртдан ўқиётган студент кирарди. У одатда, кадр ишчи бўлмайди: диплом ва партия билетини оладию, илгари яшаган жойига қайтиб кетади. Модомики, ТТЗда студентлар контингенти бир ярим мингдан ортиқ кишини (Тошкент политехника институти қошида ўзимизнинг трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги факультетимиз бор) ташкил этар экан, КПСС сафига кирувчилар оқими ҳеч қачон камаймайди. Энг муҳими, сиртдан ўқувчи студент ижтимоий хаётда фаол иштирок этиш имкониятига эга эмас, унга доимий топшириқ бериб бўлмайди.

КПСС МКнинг «Тошкент область партия ташкилотининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги (1987 йил) машҳур қароридан кейин аҳвол кескин ўзгара бошлади. Коммунистларнинг сифат составини яхшилаш, партия сафларини онгли, ўз ишига астойдил берилган кишилар билан тўлдириш ва айни вақтда — агар тарбиявий тадбирлар билан бирор нарсага эришишнинг иложи бўлмаса — аттестация, ҳар бир коммунистга юксак талабчанлик билан ёндашиш орқали ортиқча одамлардан қутулиш билан шуғулланиш учун имконият туғилди. Чунончи, завод партия ташкилотида 8 киши аттестациядан ўтмади, 12 киши шартли равишда аттестация қилинди.

Коммунистнинг жамоат ишларидаги активлиги — бизда аттестация қилинувчининг савиясини аниқловчи асосий мезон бўлди. Яқин-яқинда ҳам, агар ишчи-коммунист кундалик иш нормасини бажарса, яъни «меҳнатда ўрнак кўрсатса», шунинг ўзи етарли деб ҳисобланарди. Цех аттестация комиссиялари, гарчи ҳаммаси бўлмаса ҳам, ҳар бир кишининг қайта қуришдаги ўрнини баҳолашга принципиал ёндашиши билан давр қандай юксак талаблар қўяётганини кўрсатди. Масалан, шундай вазиятни кузатишга тўғри келди. Каттагина иш стажига эга бўлган тажрибали коммунист нега ўртоқлари уни аттестациядан шартли равишда ўтказишганини тушунолмай гаранг эди. Яхши ишласа, мажлисларга борса, сиёсий мактаб машғулотларида ҳам қатнашса, лекин бошқа ишларга вақти қолмайди: узоқда туради, икки боласи бор. У цех жуда танг, мураккаб аҳволда қолганини тушунишни истамади. Малакали ишчилар етишмасди, асбоб-ускуналар жисмонан эскирган. Коллективда янги хўжалик принципларини қарор топтириш коммунистларнинг техник ва кадр масалаларини ҳал этишда қандай роль ўйнашларига боғлиқ. Участкада бригада пудратини жорий этиш, «танг» жойларни бартараф этиш — бу ишда катта ишлаб чиқариш стажига эга бўлган коммунист, энг юқори малакали созловчигина қатнаша олади. Лекин аттестациядан ўтаётган коммунист йил давомида бунинг ташвишини қилмади, бу ҳам етмагандай — масалан, асбоб-ускуналар ишдан чиқиб, цех мушкул аҳволга тушиб қолганида у смена тугаши биланоқ уйига жўнаб қоларди. Бригада кенгаши ишида мутлақо қатнашмасди. Асосий партиявий топшириқ — участкадаги агитация иши тўғрисида-ку умуман гапирмаса ҳам бўлади. Партиянинг бугунги иқтисодий сиёсатини тушунтириш ўрнига унинг ўзи коллективда қандайдир туб ўзгартишларни амалга оширишни ҳам шубҳа остига оларди.

Партия йиғилиши аттестация комиссиясининг қарорларини тасдиқлади. Лекин шу билан бирга йиғилиш иштирокчиларининг айримлари комиссиянинг баҳолашда бир. оз қаттиққўллик қилаётганидан норози бўлишди — ха, бу табиий эди, чунки уларнинг ўзлари ҳам яқинда шундай синовдан ўтишлари керак. Бунга эса ҳамма ҳам тайёр эмас.

Партиявий топшириқ характери ва осон-қийинлигига қараб турлича бўлади.

Цех коммунистлари навбатдаги ҳисобот-сайлов кампаниясидан кейин вазифаларни тақсимлаш пайтида уларнинг кўплари осонроқ вазифани, интизомни кузатишга таалуқли вазифаларни олишга ҳаракат қилишади: КХД (кўнгилли халқ дружинаси) учун масъул, ДОСААФ учун масъул. Масалан, уларни маъмурият фаолиятини контрол қилиш комиссиясига тавсия қилишгудек бўлса, улар шошиб, довдираб қолишади. Уларнинг хавфсирашида ҳам жон бор. Бирон-бир механика цехида асбоб-ускуналарни янгилаш масаласини ҳал этиш ниҳоятда мушкул, мураккаб иш. Айтайлик, комиссия асбоб-ускуналарнинг жисмоний эскирганлиги тўғрисидаги маълумотларга эга, маъмурият олдига уларни алмаштириш масаласини қўяди. Лекин аслида бу талаб реал эмас, чунки бу проблема бутун завод, бутун тармоқ олдида турибди, чунки станоксозлик министрлиги бу заявкаларнинг ўндан бирини ҳам қондиришга қодир эмас. Бинобарин, контрол комиссиясининг цех даражасидаги фаолияти кўпинча кам самаралидир: энг муҳим масалалар — техник, тижорат, баъзи бир иқтисодий ва кадр масалалари — ҳатто цех хўжалик ҳисоби жорий қилинган шароитда ҳам завод ўрта бўғин маъмуриятининг компетенциясидан четга чиқади.

Шунинг учун ҳам айрим ўртоқларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, топшириқни бажаришга хоҳиши бўлмайди, ёки шунчаки хўжакўрсинга активлик кўрсатадилар. Партия комитети бундай воқеаларга бир неча бор дуч келган. Маълумки, барча фалокатлардан қутқара оладиган воситанинг ўзи йўқ. Ҳаётнинг ўзи маъмурият фаолиятини контрол қилиш комиссиясини цехнинг ички ишларига бевосита киришишга ёки масалани партия мажлисига (бу тўғри бўлади) қўйишга мажбур қиладики, мажлисга бош мутахассислар таклиф қилинади ва бу ерда проблемаларни келгусида қандай ҳал қилиш йўлларидан коммунистлар хабардор қилинади.

Партия ташкилотимиз ҳаётида ўтмиш иллатлари такрорланиб туради. Яқин-яқинда ҳам оддий коммунистларнинг активлиги партия функционерларининг куч-ғайрати билан муваффақиятли равишда кучсизлантириларди. Нуфузли анжуманларни гапирмай қўя қолайлик, ҳатто мажлислардаги чиқишлар ҳам қуйидагича тайёрланарди: текстни ёзиш — парткомга, текстни ёдлаб олиш сўзловчиларга топшириларди. Бундай васийлик — обком «кураторларидан» тортиб, партком ходимларигача — шунга олиб келардики, коммунистларнинг кўпчилигига аъзолик бадалларини тўлаш-у, мажлисларда қарорлар учун якдиллик билан овоз беришдан бўлак иш қолмасди, қарорлар лойиҳаларини ҳам яна ўша парткомнинг ўзи ёзар ёки у билан келишиб ёзиб чиқиларди.

Эндиликда бу хато практикага барҳам берилди. Чиқишлар анча кескин, қабул қилинадиган қарорлар янада конкрет бўлиб қолди. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси ҳам буни кўрсатди. Тўғри, мажлислар цех партия ташкилотлари қўлга киритган катта мустақилликнинг бошқа томонларини ҳам кўрсатди. Сўзга чиқиш, камчиликларни кўрсатиш бошқа-ю, енг шимариб ишлаб, ўша камчиликларни тузатиш бошқа. Масалан, прицепларни йиғиш цехида кўргазмали агитациянинг ролини кучайтириш тўғрисида жуда кўп гапирилди. Навбатдаги мажлисдан кейин қарасанг — стендлар безатилган, кўрсаткичлар ёзилган, газеталар чиқарилган бўлади. Орадан бир-икки ой ўтиши билан яна эски аҳвол такрорланади. Маълум бўлишича, рассом касал экан. Ишдан кейин қолиб ўзлари ишлаши мумкин-ку, лекин идеология ишига жавобгар бюро аъзоларида бунинг учун мустақиллик етишмайди. Парткомда буни қилолмаймиз, керак нарсаларни тополмаймиз, дейиш осонроқда.

Ҳа, коммунистлар ишида талабчанлик ортди, лекин турғунлик даврига хос бўлган ҳамма нарсани кечириш, бепарволик, ландавурлик инерцияси ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Бундан ташқари, бир тенденция — юқори ташкилотларни танқид қилиш никоби остида ўз нуқсонларини, ўз пассивлигини яшириш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Баъзида бутун масала бир нарсага, коммунистни — цех бошлиғи ёки унинг ўринбосарини мажлис ёхуд бюро қарорини бажаришга даъват этишга бориб тақалади. Лекин цех бошлиғи ёки ўринбосарининг обрўси баланд келиб, партия ташкилотининг секретари уларга бир нима деёлмайди, кейин масала партком номига юборилади. Агарда бу масала цехдаги баъзи ўртоқлар хоҳлаган тарзда ҳал этилмагундай бўлса, бир вақтини топиб ошкора равишда норозилик билдирилади.

Бошқа мисоллар ҳам бор. Иқтисодий хизматлар партия ташкилотининг

янгидан сайланган секретари биринчи мажлисдаёқ завод транспортининг аҳволи тўғрисидаги масалани кескин қилиб қўйди. Бу системага алоқаси бор одамларнинг ҳаммасини таклиф қилди. Илгарилари жуда нари борганда фақат партком мажлисига олиб чиқиладиган масала — бу гал коммунистлар принципиал танқидининг объекти бўлди. Улар амалини, лавозимини юз-хотир қилмай хизмат транспортидан фойдаланиш, бензинни сарф қилиш, машиналарни ремонт қилишда йўл қўйилган хатоларни кўрсатиб ўтдилар ва уларни тузатиш учун коммунист-раҳбарларга муддат белгиладилар.

Афсуски, бундай мисоллар кўп эмас. Бунинг сабабларидан бири шундаки, партия ташкилотлари секретарларининг ярмидан кўпи кейинги икки йил ичида янгиланди — уларга заводимизда кўп йиллар давомида йиғилиб қолган кўп проблемаларни бартараф этишни йўл-йўлакай ўргатишга тўғри келади.

Шак-шубҳасизки, бевосита жойларнинг ўзида ишлашни талаб этиш партком аъзоларини цех ичидаги проблемалар билан шуғулланишга мажбур этади, лекин бунинг учун коммунистларни қўлидан етаклаб юриш шарт эмас — ахир, улар қўғирчоқ эмас-ку. Практика шуни кўрсатдики, бугунги кунда партия аъзосининг ишчанлик хислатлари, керак бўлса, унинг сиёсий етуклиги текшириладиган бирдан-бир синов — бу унинг ҳам касби, ҳам жамоатчилик иши соҳасида ўртоқлари, раҳбарлари, партия ташкилоти билан бўладиган шахсий муносабатларини қайта кура билишидир. Вазифа — уни ўзингга пир деб билмаслик, ҳар бир масала бўйича практикада текширилган ўз нуқтаи назарингга эга бўлишдир.

Айрим коммунистларда ишончсизлик ҳиссини туғдирадиган, баъзида уларни хато хулосаларга олиб келадиган ташқи бир сабаб хусусида ҳам гапириб ўтмоқчиман. Оммавий ахборот воситалари партиянинг ҳақиқий тарихини тиклаш, Совет давлатининг турли даврларидаги олий раҳбарлари фаолиятининг салбий томонларини фош қилиш, қоралаш борасида кейинги икки йил ичида кўп иш қилдилар. Барча коммунистлар тўғрисида туғдирилган шубҳага қарши курашиш оғир, кўп йиллар давомида партияни ичидан бузиб келган иллатдан тозаланиш осон эмас. Бундан демагоглар фойдаланишади ва бу ҳол ҳалол, виждонли коммунистларнинг ишига ҳам таъсир қилади. Ахир, баъзи идеаллар ясама, сунъий бўлиб чиқдику, ҳолбуки коммунистлар ўша идеалларни деб меҳнатда жонбозлик, ижтимоий ҳаётда жанговарлик намуналарини кўрсатган эдилар. Партком бундай одамларда чинакам ленинча идеалларга бўлган ишончни қайтаришда ёрдам бермоқда. Бу бир кунда бўладиган иш эмас, албатта, уни самарали олиб бориш учун бизга назарий база — партия тарихи, партия қурилиши, социализмнинг сиёсий иқтисоди бўйича янги дарсликлар етишмайди. Партия ташкилотлари секретарлари, пропагандистлар, идеология активини тайёрлашнинг кўнгилдагидай эмаслиги ҳам ўша дарсликларнинг йўқлиги билан боғлиқдир. Эҳтимол, бу ўзини ўзи оқлашдай бўлиб эшитилар-у, лекин коммунистлар пассивлигининг ташқи сабаби — бу биз учун жуда кўнгилсиз аҳвол.

Партия ички демократиясини ривожлантириш жараёни бугунги кунда тобора чуқурлашиб бормоқда. Партия ташкилотларидаги вазият ўзгармоқда. Коммунистларнинг онглилиги, ғоявий эътиқоди, сиёсий маданияти қанчалик юқори бўлса, ўзгаришлар шу қадар тез юз беради.

Трактор заводи партия ташкилоти ҳаракат-тадбирларнинг аниқ программаси билан қуролланган бўлиб, коллектив фаолиятининг ҳамма соҳаларида ҳар бир коммунистнинг ролини ошириш бу программанинг ўзагини ташкил этади.

Н. ҚАЗАҚОВ

КОНТРПРОПАГАНДА ИШОНАРЛИ ВА АСОСЛИ БЎЛСИН

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҳозирги дунёнинг иқтисодий ва социал-сиёсий жараёнларини чуқур анализ қилишга асосланиб ленинча тинч-тотув яшаш концепциясини бойитди, ҳарбий жиҳатдан устунликка интилиш, куч билан тазйиқ қилишга асосланган сиёсат туфайли туғилган фикрлар, андозалар ва догмалар образини бартараф этишга чақирди. Коммунистик партия ўзининг ташқи сиёсатга доир программасида урушларни олиб бориш воситалари ривожланишининг ҳозирги даражаси, ҳозирги зиддиятли, лекин ўзаро боғланган дунёнинг сиёсий реалликлари «капитализм билан социализм ўртасидаги ўзаро кураш **фақат ва нуқул тинч мусобақа ва тинч рақобат шаклларидагина** ўтиши мумкин бўлган» объектив шарт-шароитларни вужудга келтирганлиги ҳақидаги фикрга таянади.

Ҳолбуки жаҳон уюшмасининг яхлитлиги концепцияси икки системанинг, икки дунёқарашнинг идеология соҳасида бир-бирига қарши курашиши проблемасини ҳеч ҳам кун тартибидан олиб ташламайди. Жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар дунё воқеаларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бундан ташқари бунёдкор моддий негизга эга бўлаётган ошкоралик ва демократия сиёсати, фикрларнинг социалистик плюрализми, образли қилиб айтганда, Ғарбдаги мухолифларимизнинг қўлларидаги эскидан қолган кўпгина далил-исботларини чипакка чиқаряпти.

Қисқаси, буржуазиянинг ҳозирги идеологлари ўз иш методларини кўп жиҳатдан қайта қуришга мажбурлар. Лекин бу уларнинг назарий қоидаларига, ҳали кишиларга таъсир кўрсата оладиган имкониятларига баҳо беришга юзаки ёндашиш мумкин деган маънони англатмайди. Идеологик позицияларни бой бериш капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон доираларини жумладан пропагандани ташкил этиш усуллари, методларида социализмга «жавоб бериш»нинг янги, янада актив формаларини излашга мажбур этади.

Табиатнинг энг баркамол, мураккаб ва нозик маҳсули — инсон идеологик таъсир кўрсатишнинг объекти ҳисобланади. Ҳар қайси жамиятда у хилма-хил муносабатлар системасига киритиладики, уларнинг йиғиндисидан пировард натижада унинг информацияни идрок этишни енгиллаштирадиган ёхуд қийинлаштирадиган, гўё ўзига хос фан деб ҳисобласа бўладиган социал тажрибаси шаклланади. Равшанки, бу тажрибани мустаҳкамловчи информация шахсни танлаган позицияда қарор топтира бориб, енгилроқ ва яхшироқ ўзлаштирилади. Ва аксинча, бундай тажрибага зид келувчи информация, одатда, ўзлаштирилмайди.

Бундай вазиятда ана шу «тўсиқлар»ни специфик методлар, усуллар, алоҳида «пропаганда технологияси» ёрдамида бартараф этиш мумкин деган фикр хатодир. Дарвоқе, буржуа идеологлари ўз фаолиятларида кўпинча идеологик таъсир кўрсатиш воситаларининг айни шу «юзадаги» қатламидан фойдаланадилар. Бунда улар кишиларда идрок этишнинг барқарорлигини ҳосил қилишга халақит бериш, шаклланган дунёқараш негизини бузишга зўр бериб интиладилар. Пропаганда-

ҚАЗАҚОВ Нур Давлатович, философия фанлари кандидати.

нинг информатив, ёки кўпинча аташганидек, «фактологик» томони ғоят интенсив эканлиги, хилма-хил фактлар қатлами ортида ўз пропагандистик куч-ғайратларининг асл мақсад ва сабабларини яширишга уриниш ҳам шунга боғлиқдир.

Албатта, идеологик мухолифнинг у ёки бу таъбирини фош этишда кўп нарса исботлаш усулига, бунда мантиқ қонунлари ва қоидаларига амал қилишга, коммунистик пропагандада шаклланган, «мазкур тингловчиларга жуда яхши таъсир қилиш учун маълум ҳақиқатни унга мумкин қадар ишонадиган қилиб, мумкин қадар осон тушунадиган қилиб, мумкин қадар аниқ ва эсда каттиқ сақланадиган қилиб гапиришга» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 21-том, 25-бет) имкон берувчи метод ва усуллар системасидан фойдаланишга боғлиқдир. Илғор ғоялар ҳам уларни кишилар онгига моҳирона етказишга муҳтождир.

Шу билан бирга коммунистик пропаганда санъатини фақат эмоционал йўл билан инонтириш маҳоратига боғлиқ қилиб қўйиш керак эмас. Бунда мазмун томони, унинг ёрдамида тарқатилаётган билимларнинг объективлиги, ҳаёт ҳодисаларини тушунтиришда илмий жиҳатни кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга интилиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунда исботлашларнинг асослилиги далил-исботлар системаси, қараб чиқилаётган нуқтаи назарни ҳар томонлама характерловчи далиллар тўғрилиги, ҳодисани диалектик ривожланишда кўра билиш қобилияти билан белгиланади. Шу муносабат билан пропаганданинг методологик асосларини, унинг социал-иқтисодий манфаатлар ва муносабатлар билан шартланганлигини билиш ғоят катта аҳамиятга эга.

Ҳар қандай пропаганда умуман мавжуд муносабатлар, хусусан, сиёсий муносабатлар системасининг инъикосидир. Шу сабабли марксистик пропагандада буржуа идеологияси ва ахлоқининг танқид қилиниши капиталистик воқеликнинг эксплуататорлик моҳиятини фош этиш билан яқиндан боғланган бўлиши керак. В. И. Ленин «Нима қилмоқ керак?» асарида омманинг революцион активлигини ошириш йўлларини асосларкан, «*ҳар томонлама* сиёсий фош қилиш» муҳимлигини қайд этгани бежиз эмас. У: «омманинг сиёсий онги ва революцион активлиги бундай фош қилишлар орқали тарбияланмаса, бошқача йўл билан *тарбияланмайди*» (ТАТ, 6-том, 80-бет),— деб таъкидлаган эди. Буржуа идеологияси ва ахлоқини танқид қилишга бундай ёндашиш бизнинг кунларимиз учун ҳам доимий аҳамиятга эга.

Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашиб, унинг ҳукмронлик қилиш доираси торайиб борган сари империалистик пропаганданинг апологетик моҳияти тобора такомиллашиб боради. Унда капитализм гўё ҳар бир киши ҳаётда муваффақиятга эриша оладиган «тенг имкониятлар» ва «эзгу умидлар» жамияти сифатида талқин қилинади. Бунда буржуа идеологлари гўё дунёдаги тартиб капиталистик ишлаб чиқариш усули асосидагина қурилиши мумкин деган фикрдан келиб чиқадилар.

«Эркин дунё» меҳнаткашлари ана шу даъволарнинг ҳақиқий баҳосини яхши биладилар: бугунги кунга ишонмаслик ва эртанги кундан қўрқиш, ишсизлар қаторига тушиб қолиш ва келажакдан бутунлай умидини узиш хавфи, социал реваншдек бемаъни режаларни илгари сураётган ҳарбий восвослар қўлида тўп еми бўлишдан қўрқиш... Лекин шу нарса фактки, империалистлар дунё афкор оммасига юз бераётган жараёнлар ҳақидаги ўз тасаввурларини тиқиштиришга, шунингдек, социал ва сиёсий тартиботлари буржуача тушуниладиган адолат принципларига мувофиқ келмайдиган давлатларга нисбатан куч ишлатишга ўзларини ҳамон ҳақли деб ҳисоблайдилар.

Бинобарин, ҳозирги шароитда кишиларнинг олинаётган информацияни синфий позициялардан туриб идрок қилиш ва баҳолай олиши тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ғоявий-тарбиявий ишнинг, хусусан, пропаганданинг самарадорлиги айни шу билан белгиланади. Унинг негизини эса, маълумки, дунёқараш ташкил этади. Айни дунёқараш инсон учун ориентациялар системасини беради, фаолият майлларини аниқлайди, яшаш мазмунини белгилайди. Марксистик илмий дунёқараш билан қуролланган совет кишиларининг ўзлари ҳар қандай пропагандистик версияга етарлича активлик билан зарба беришга қодирлар.

В. И. Ленин агар меҳнаткашлар «аҳолининг *барча* синф, табақа ва групаларининг ишлари ва ҳаётларининг *ҳамма* томонларини материалистик асосда анализ қилиш ва уларга материалистик асосда баҳо беришни амалда татбиқ

этишни» (ТАТ, 6-том, 81-бет) ўрганиб олган тақдирдагина онг ҳақиқатан ҳам синфий бўлиши мумкин деб таъкидлаган эди. Барча муҳим тарихий воқеаларнинг пировард сабабини ва ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучини «жамиятнинг иқтисодий ривожланишида ишлаб чиқариш ва айирбошлаш усулини ўзгартиришда, бундан келиб чиқадиган жамиятни турли синфларга бўлишда ва ушбу синфларнинг ўзаро курашида» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч, т. 22, с. 306) топган тақдиримиздагина, ўз навбатида, тарихни ва тарихий ҳодисаларни материалистик анализ қилиш мумкин.

Мухолифларимизнинг у ёки бу пропагандистик фаолиятини анализ ва танқид қилишда марксистик назария қоидаларига амал қилсак, биз ҳар гал уларнинг асл мақсадларини билиб олишимиз мумкин. Марксистик назарияга кўра, ҳар қандай идеологик формада, майли, «пировардида» бўлса ҳам, албатта унинг негизини ташкил этувчи нарсани — иқтисодий манфаатларни қараб чиқиш лозимдир. «Ғоя»,— деб таъкидлаган эди К. Маркс,— «манфаат»дан ажралиб чиқиши биланоқ ўзини ҳамишаликка бадном қилди» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 2, с. 89). Маълумки, манфаатлар деганда, илмий коммунизм асосчилари, аввало ҳар бир муайян жамият иқтисодий муносабатларининг ифодаланишини тушунганлар. Ҳаётий ҳодиса ва жараёнларнинг ана шундай материалистик анализи айни марксча дунёқарашнинг ўзагини ташкил этади. Биз ушбу дунёқараш билан қуролланиб, халқаро вазиятнинг ҳар қандай мураккаб воқеаларини тушунишга қодирмиз.

Бу жиҳатдан «демократиялаш ғоялари»ни тадқиқ қилиш характерлидир, гўё империализмнинг ташқи сиёсати уни амалга оширишга йўналтирилган эмиш. Турли «овозлар»га ишонадиган бўлсак, бундай сиёсатдан мақсад бошқа давлатларда «чинакам демократик тартиботларни» ривожлантиришга ёрдам беришдир. Бу ниқобга назарий негиз ҳам яратиб қўйилган: модомики «АҚШ дунёдаги энг эркин, энг демократик мамлакат экан,— деб даъво қилади Халқаро муносабатлар америка марказининг директори С. Хантингтон, Қўшма Штатларнинг дунё миқёсидаги ишлардаги ҳукми ва таъсирини ҳар қандай қилиб бўлсада кенгайтириш умуман олганда... дунёда инсон озодлиги ва ҳуқуқларига ёрдам беришга айланади». «Ҳукмини ҳар қандай кенгайтириш» — АҚШнинг шу жумладан информация соҳасида ҳам тизгинсиз эгалик қилишга бўлган империячилик даъволари ана шундай сурбетларча ва ошкора таърифланади. «Америкача қадриятлар билан бошқа мамлакатлар тартиботлари ўртасидаги узилишни қисқартиришга интилиш»,— деб давом этади ўша автор, бу билан империализмнинг мантиғини фош этаркан, «америка қудратини экспансия қилишни» тақозо этади: «демократия ҳақида ғамхўрлик» «ҳарбий қудратни ўстиришни» зарур қилиб қўяди. Ушбу мантиқни тан олиш АҚШда яқинда ташкил этилган «демократия учун фонд» ўз мақсади ва йўналишига кўра конгресснинг харажатлар рўйхатида қуролланишга ажратиладиган маблағларга яқин туради деган фикрга олиб келади.

Ғарб матбуоти Вашингтон томонидан режалаштирилаётган «самовий урушлар»нинг асл сабабларини зўр бериб яширишга уринаётганлиги ҳам эътиборни тортади. Пропагандада сўз фақат «стратегик мудофаа ташаббуси» (СМТ) хусусидагина боради. Ҳам АҚШдаги, ҳам чет эллардаги жамоатчилик фикрини бошқа давлатлар ҳам тортилаётган «самовий» авантюрадан мақсад халқларга «омон қолиш гарантияси»ни беришдан иборат деб инонтирмоқчи бўладилар. СМТ хатти-ҳаракатининг оқибатлари анализ қилинганда сўз, одатда, фақат индустриал зоналар, ҳарбий объектлар ва бошқарув пультлари ҳақидагина боради.

Айни вақтда саноатчилар ана шу программа бўйича космик фазога олиб чиқиладиган объектлардан фойдаланиш имкониятларини жиддий муҳокама қилмоқдалар. Масалан, улар ер яқинидаги бўшлиқдан савдо-сотиқ мақсадида фойдаланишдан шу минг йиллик охиригача 55 миллиард доллар даромад олиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқишган. Сиёсатчилар социал реваншга доир бемаъни ғояларни, идеологлар эса уни пропаганда воситаси билан таъминлаш йўлларини ишлаб чиқараётган бир пайтда бизнесменлар «самовий урушлар» ғоясини актив қўллаб-қувватлаётган кишиларга энг кўп даражада фаровонлик тартибини ваъда қилиб, энг янги технология соҳасида нуфузли битишувга умид боғламоқ-

далар. Буларнинг ҳаммаси ортида ҳарбий-саноат комплексининг СССР ва социализм бошқа мамлакатлари тобора тез ривожланаётган. Япония билан савдо соҳасидаги ва иқтисодий рақобат янада кўпроқ кескинлашаётган, хом ашё экспорт қилувчи мамлакатлар мустақиллиги кучайиб бораётган бир шароитда экономика ва савдода ўз имтиёзли позицияларини сақлаб қолишга интилиши яширинган.

Кенг меҳнаткашлар оммасининг инсониятга таҳдид солаётган хавф манбаини англаб етиши, дунёни ядро фалокатига тортаётган империализм реакцион доираларининг агрессив сиёсатини фош этиш бугунги кунда кишилар ақл-идроки учун курашнинг марказий йўналишлари бўлиб қолмоқда. Урушнинг олдини олиш, бинобарин, инсониятнинг омон қолиши ўша кураш оқибатларига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари гўё «эркин дунё» учун хавф туғдираётганлиги хусусидаги даъво империалистик пропагандада кенг тарқалган тезисдир. «Ҳозирги кунда,— деб таъкидланди КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида,— совет «хавфи» ёки коммунистик «хавф» ҳақидаги уйдирмалар кенг тарқалган бўлиб, булардан мақсад империализмнинг қуролланиш пойгасини, агрессивлигини оқлашдир». «Совет хавфи», «Қизил хавф» ва «Москванинг қўли» ҳақидаги иғвогарона даъволарни империалистик пропаганда кўпдан буён ишлатиб келади. Буржуазия идеологлари Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилган заҳотиёқ ана шундай тезислар билан чиққан эдилар. Ўша пайтдан то ҳозиргача улардан империализмнинг халққа қарши ички ва ташқи сиёсатини ниқоблаш учун фойдаланиляпти.

Советларга қарши асосий уйдирма ҳеч қачон реал заминга эга бўлмаган. Ёш Советлар республикаси биринчи кунданоқ тинчликка, бошқа ижтимоий системадаги давлатлар билан тинч-тотув яшашга интилишини маълум қилди. Ҳозир ҳам ҳеч кимда Совет Иттифоқидан хавфсираш учун ҳеч қандай асос йўқ. Ташқи сиёсий иқлимни соғломлаштиришга, планетанинг турли регионларидаги кескинликни бартараф этишга йўналтирилган совет ташаббусларини бутун дунё маъқулламоқда. Совет қўшинларининг қўшни дўст Афғонистондан босқичма-босқич олиб чиқилиши эзгу ният тимсоли бўлиб қолди.

Мамлакатда бошланган қайта қуриш Совет давлатининг тинчликсевар интилишларини, бунёдкорлик ниятларимизни, ҳақиқий ўй-фикр ва мақсадларимизни янги куч билан намойиш этмоқда. Ҳар бир холис ниятли киши совет кишилари янада яхшироқ яшаса бундан ҳеч ким зарар кўрмаслигини жуда яхши билади. Аксинча, бутун жаҳон цивилизацияси бундан фақат ютади. «Қайта қуришнинг халқаро жиҳатини қайд этиб ўтадиган бўлсак,— деб таъкидлади М. С. Горбачев,— у — социализмнинг бошқа ҳар қандай социал система билан тинч мусобақага таклифидир. Бундай мусобақа ялпи тараққиётга ва бутун дунёдаги тинчликка фойда келтиришини амалий иш билан исботлай оламиз» («Совет Ўзбекистони», 1987, 17 февраль).

Ҳозирги халқаро аҳвол, икки система қарама-қарши курашининг идеология соҳасида юзага келаётган вазият, ички ривожланиш шарт-шароитининг мажмуи бугунги кунда идеология ишининг барча бўғинларида контрпропаганда жиҳатини кучайтиришни тақозо этади. Бунда контрпропагандага пропаганданинг, бутун ғоявий-тарбиявий ва маърифий практиканинг бир қисми, ҳозирги идеология курашининг зарур элементларидан бири сифатида қараш керак.

«Контрпропаганда» термини хусусидаги баҳс кўпдан бери давом этиб келяпти, бунинг сабаблари кўп. Ушбу ҳодисанинг моҳиятини тушунишга турлича ёндашиш ана шулардан биридир. «Контрпропаганда» терминида семантик жиҳатдан олганда пассивлик хусусияти бор, у гўё аввал қандайдир хатти-ҳаракатни тақозо этади; сўнгра эса унга қарши ҳаракатни бошлайди. Лекин бундай ёндашувни профессионал ёндашув дейиш қийин. Контрпропаганда ёт ғоявий таъсирларга қарши ҳаракатдир, лекин шу билан бир вақтда уларга қарши ҳужум қилиш ҳамдир. Функционал жиҳатдан олганда у мухолиф пропагандаси билан боғлиқдир. Ҳатто алоқа қилишнинг кўзга кўринадиган нуқталари бўлмаса-ю, лекин мухолиф позицияси, унинг ният ва мақсадлари аниқ-равшан бўлса, унда ана шундай алоқа юзага келади. Бундай пайтда контрпропаганданинг ҳужумкор характери айниқса ёрқин намоён бўлади.

Контрпропаганда хусусидаги баҳсларда кўпинча идеология муросасиз бўлиши керак деган йўналишга қаттиқ ёпишиб олиш тинчликни, яшаш муҳитини муҳофаза қилишни ва ҳоказоларни ёқлаб чиқаётган турли сиёсий ва идеологик оқимлар негизида янада кенг уюшмаларни бунёд этишга тўсқинлик қиляпти деган ташвишли фикр айтиляпти. Ушбу соҳадаги муросасизлик гўё бундай ҳамкорлик йўллари ва имкониятини чеклаб қўяр эмиш.

Лекин, биринчидан, ушбу позиция тарафдорлари идеология билан сиёсатни чалкаштирадилар. Синфнинг программ тафаккури, унинг туб манфаатлари ифодачиси бўлган идеология ўзида ҳақиқатан ҳам келишувлар предмети бўла оладиган ҳеч қандай нарсага эга эмас. Унда асосий ва асосий бўлмаган позициялар йўқ. Унда ҳамма нарса принципиал аҳамиятга эга, гўё иккинчи даражали бўлиб туюлган масалалар юзасидан ҳам ҳар қандай чекиниш идеологияни емирилишга олиб келади. Сиёсатда эса муросасозлик, келишиш, ҳатто асосий стратегик мақсадларга эришиш йўлида асосий бўлмаган нарсада чекинишлар нафақат мумкин, балки муқаррар ҳамдир. Идеологиядаги муросасозликни сиёсатга татбиқ этиш уни энг муҳим нарсадан — у ёки бу восита, йўналиш, усулларни танлашдаги тадбиркорликдан маҳрум қилади. Давлатлараро муносабатлар соҳасига, хусусан жаҳон тақдири кун тартибига қўйилган бир вазиятда, идеологик муросасизликни татбиқ этишга айниқса йўл қўйиб бўлмайди.

КПСС XXVII съезди тинчликка эришиш йўлида шу жумладан ишчилар синфи ўртасидаги ҳам турли демократик кучлар ва сиёсий оқимлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорликни таъкидлаб, айни вақтда бу нарса мавжуд идеологик ихтилофларни хаспўшламаслиги лозимлигини кўрсатиб ўтди. Хусусан, социал-демократларга ҳам шундай баҳо берилдики, улар билан ҳамкорлик қилишда ўртадаги ғоявий ихтилофларимиз ҳануз чуқур эканлигини унутмаслик керак. Бу принципиал йўл-йўриқ идеология моҳиятини синфнинг программаси ва байроғи деган ленинча тушунчадан келиб чиқадики, уларни у ёки бу сиёсий ва иқтисодий мақсадларни амалга ошириш жараёнида эҳтиётлаб асраш зарур.

Иккинчидан, контрпропаганда вазифаларини рўёбга чиқаришни юзаки тушунмаслик керак. У мухолифнинг ҳар қандай ҳужумига мумкин қадар тезроқ жавоб қайтаришдан иборат эмас, чунки бу нарса баъзан «курашувчи партиянинг диққатини муҳим нарсалардан четга тортиб, муҳим бўлмаган нарсаларга жалб қилиш»ни англатади (В. И. Л е н и н. ТАТ, 44-том, 107-бет). Агар жавоб бериш зарур бўлса, уни шундай тузиш кераки, эътибор асосий, принципиал нарсага жамлансин. Тарих бизга К. Маркснинг: партияга ва унинг сиёсатига тааллуқли бўлган ҳоллардагина мухолифнинг хуружларига матбуот орқали жавоб бериш лозим, деган доно фикрини етказди (К. М а р к с и Ф. Э н г е л ь с. Соч., т. 14, с. 624).

Шу муносабат билан контрпропагандани ишнинг алоҳида йўналиши сифатида расмийлаштиришга, уни бир умрга берилган, «ташкил этилган» хилма-хил «инструкциялар», «қоидалар»га кўмиб ташлашга интилиш хавф туғдирмаслиги мумкин эмас. Контрпропагандага доир у ёки бу йўл-йўриқ, воситаларни ҳамда уларни рўёбга чиқариш усулларини танлаш, уларнинг самарадорлиги ҳам кўп жиҳатдан у ёки бу коллектив ҳаётининг хусусиятларига, яна шунингдек замонамиз сиёсий ҳодисаларини синфий жиҳатдан аниқ баҳолашга боғлиқ бўлади. Фаолиятнинг бу соҳасида самарага, одатда, лекция залларида эришилмайди ва у, албатта, хилма-хил инструкцияларнинг кўплигига боғлиқ бўлмайди. Бу, аслида, яккама-якка тартибда таъсир кўрсатиладиган соҳадир.

Ниҳоят, учинчидан, — бу, эҳтимол асосийсидир — мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал этиш кишиларни психологик жиҳатдан қайта қуришни жадаллаштириш, улар онгини қайтадан йўналтириш проблемасини зарур қилиб қўяди. Бунга эса жумладан онгни ва информацияни идрок этиш механизмини ҳар қандай ёт таъсирдан мумкин қадар халос этиш орқалигина эришиш мумкин. Ўткир идеологик кураш вазиятида ҳар биримиз, айниқса ёшлар ана шу курашдан ўз ғоявий позицияларида янада мустаҳкамланиб, социал актив ва конструктив фикрловчи кишилар бўлиб чиқиши керак, жамият шунга эҳтиёж сезади. Контрпропаганда ушбу вазифаларни ҳал этишни енгиллаштиришга даъват этилган.

Контрпропагандани ўта зийраклик ва катта маҳорат талаб этувчи иш сифатида ташкил этишга тааллуқли ленинча қоидалар ҳозирги практика учун ғоят

катта аҳамиятга эга. В. И. Ленин ошкоралик билан фош этиш ва буржуазияни «тилидан илинтириш» вазифасини ўртага қўяркан, шу билан бир вақтда уни эхтиётлик билан, пропагандистик таъсир кўрсатиш объектининг ҳолатини, шунингдек тарихий моментнинг конкрет шароит ва хусусиятларини эътиборга олган ҳолда моҳирона олиб бориш кераклигини уқтирган эди.

Ҳозирги дунёда авж олиб кетган идеология кураши олдимизга кўпгина мураккабликлар ҳамда проблемаларни қўймоқда. Лекин буни эътироф этган ҳолда вазиятни ўта кескин деб баҳолаш ҳам керак эмас. Халқаро ишчилар ҳаракати тарихида, унинг фарзанди — жаҳон социализми шаклланиши ва ривожланиши тарихида меҳнаткашлар идеологияси ўзини қарор топтириш йўлида қудратли рақибга учрамаган палла бўлмаган бўлса керак. Лекин тарих тараққиётни тўхтатиб қолишга бўлган ҳар қандай уриниш бемаънилигини кўп маротаба исботлади. Зеро социализм ўз томонига борган сари кенгроқ оммани жалб этиб, Ер юзида мустаҳкамроқ қарор топиб бораётган ҳозирги кунда бундай қилишнинг иложи йўқ.

Шунга қарамай идеологик курашда танаффус ва узилишлар бўлмаслиги керак. Унда иккинчи даражали масалалар ҳам йўқ, унда ҳамма нарса муҳим ва принципиал аҳамиятга эга. КПСС XXVII съездида қабул қилинган программ ҳужжатларда ана шу кураш ҳужумкор, қарши ҳужум руҳида олиб борилиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Қомил ишонч ва қатъият, социалистик қурилиш ишига садоқат, сиёсий ориентацияларнинг аниқ-равшанлиги совет кишиларига сохта принциплар ва ахлоқий йўл-йўриқларни тиқиштириш йўлида асосий тўсиқ бўлиб қолиши керак. Айни шу хислатлар марксча-ленинча дунёқараш негизини ташкил этадики, уларни эгаллаш совет кишиларига ижтимоий ривожланиш мураккабликларини тўғри баҳолашга ва жамиятни социалистик янгилашнинг реал истиқболларини кўришга ёрдам беради.

Орол денгизининг бугунги аҳволи билан боғлиқ экологик проблемалар марказий ва республика матбуотида қизғин муҳокама қилинмоқда. Турли касб эгалари, турли ёшдаги кишилар Орол тақдиридан ташвишга тушмоқдалар. Бизнинг журналимиз ҳам бу ишдан четда тургани йўқ. 1988 йил 1-сонида ёзувчи Ю. Ковалёвнинг «Оролни асраб қолайлик» номли мақоласи эълон қилинди. Мана энди журналхонлар эътиборига Оролни асраб қолиш комитети раиси П. Шермуҳамедовнинг мақоласини ҳавола этяпмиз. Эҳтимол, мақолада баён қилинган айрим фикр-мулоҳазалар эътирозларга сабаб бўлар. Лекин редакция мазкур проблемани мутахассислар ҳукмига ҳавола қилар экан, ҳақиқатга мунозаралар, фикр-мулоҳазаларнинг социалистик плюрализми орқали эришилишини ўйлади.

П. ШЕРМУҲАМЕДОВ

«ОЗОН БЎШЛИҒИ» ҚАЕРДАН ЎТАДИ?

Ёки табиатнинг асл соҳиби ва дўсти қачон келади...

БУГУНГИ КУНДА Антарктида устидаги «озон бўшлиғи» ҳақида гапириш, ёзиш, фильм яратиш деярли модага айланиб қолди. Ер йўлдоши алоқасининг берган маълумотларига қараганда, у беш миллион квадрат километр майдонни эгаллаб, энди Австралия, Жанубий Америка томонларга силжиб келяпти. Бу «бўшлиқ»нинг пайдо бўлиши тўғрисидаги энг асосли гипотезалардан бири — техноген гипотезасидир. Хуллас, инсон даҳоси билан яратилган технология билан табиат ўртасида чинакам уруш кетяпти.

Ер куррасининг гоҳ у, гоҳ бу бурчагида биосфера мувозанати бузилмоқда. Дания, Нидерландия, ГФР, Швециянинг шимолий денгиз сувларида яшовчи тюленлар ҳалок бўлмоқда. Дастлабки ўлик тюленлар Болтиқ денгизида ҳам топилди. Қора денгиз ифлосланмоқда, Орол қуриб боряпти, Иссиққўл саёзлашмоқда, масалан, Осиё ўриги ва Хоразм садақайрағочи (гужум) сингари мевали дарахтларнинг бутун-бутун турлари муттасил йўқолиб боряпти.

Бу ҳолларнинг ҳаммасини бир нарса бирлаштиради — инсоннинг табиатга, ўзининг келажак авлодларига бепарво қараши, уни назар-писанд қилмаслиги.

«Озон бўшлиғи» хусусидаги шов-шувлар унинг ва планетадаги бошқа фалокатлар пайдо бўлишининг маънавий манбалари тўғрисида фикр-мулоҳазаларни кўмиб юборяпти. Ҳолбуки, табиатни даволаб тузатиш учун, дегандилар антик даврда яшаган греклар, даставвал одамлар қалбини даволаш керак. Инсон қалби — ҳар қандай «озон бўшлиқлари» мана шу ердан бошланади. Бу ерда ниҳоятда жиддий ва хавфли проблемалардан бирини шунчаки гап-сўзга айлантириб юбориш хавфи ҳам бор. Лекин, маълумки, бундай касалларни дуо ўқиш билан даволаб бўлмайди. Бу ўринда фалокатли жараёнларни тўхтатиб қолишга шай турган ва бунга қодир кишилар учун сўз эркинлиги, ҳаракат эркинлиги ҳамда қуруқ гап-сўз, ваъдалардан нарига ўтмайдиган, лекин ҳар қандай йўллар билан тўсқинлик қиладиганларни эса жиловлаб қўйиш керак.

«Озон бўшлиғи»дан ҳам кўра бюрократларнинг беҳуда гап-сўзлари, қуруқ ваъдабозликлари хавфлироқ. Бюрократизм бугунги кунда жуда «одоб билан» ва «ақл билан» иш кўради. Ахир, «ўзбеклар иши» деган гапни ҳам ўшалар ўйлаб чиқарди-да, ҳолбуки, порахўрлик бутуниттифоқ характерига эга иллат эди, ёки, регионда болалар туғилишини планлаштиришчи? Бундан ким манфаатдор? Афтидан, ҳар хил имтиёзлардан бир умр фойдаланишни хоҳловчи кишилар.

Табиатни муҳофаза қилиш СССР Давлат комитетининг раиси Ф. Т. Моргун

ШЕРМУҲАМЕДОВ Пирмат, Оролни асраб қолиш комитетининг раиси, филология фанлари доктори.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида сўзга чиқиб, шу нарсани таъкидладики, бугунги кунда саноат атмосферага 64 миллион тонна зарарли моддаларни чиқариб ташлаяпти, автомобилларники бундан ҳам кўп, барча саноат марказларида ҳаводаги бундай зарарли моддалар миқдори санитария нормаларидан ортиқчадир. Аҳолиси 50 миллион киши бўлган 102 та шаҳарда бундай концентрация кўпинча йўл қўйиладиган нормадан 10 баравар ва ундан ҳам ортиқдир. Фақат 1987 йилнинг ўзида халқ хўжалиги 400 кубометр сувни (бунга суғоришга кетган сув кирмайди) ишлатди. Бу тахминан Волгадан икки йил ичида ёки Днепрдан саккиз йил ичида оқиб чиқадиган сув миқдорига тенгдир. Деярли ҳамма ерда, айниқса Ғарбий Сибирь дарёлари, Обь ва Иртишда сув сифати ёмонлашди, бу ерларда нефть маҳсулотлари йўл қўйиладиган нормадагидан 20 баравар кўп. Волга, Дон, Урал, Кура, Амур, Сирдарё, Амударё ва бошқа кўплаб дарёларнинг сувлари кескин ифлосланяпти. Агар зудлик билан кескин чоралар кўрилмаса, деб таъкидлади Ф. Т. Моргун, айрим регионлардаги бу дарёлар ҳавзаларининг суви яқин вақтлар ичида ичиш ва суғориш учун яроқсиз бўлиб қолади.

СССР Госпланининг раиси Ю. Д. Маслюков ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг ўн иккинчи сессиясида (1988 йил ноябрь) шундай деди: «Кейинги йиллар ичида гарчи ялпи бўлмаса ҳам бир қатор конкрет, объектив равишда зарур бўлган қарорлар қабул қилинди. Сўз атроф муҳитни ифлослантираётган бир қатор ишлаб чиқаришларни тўхтатиб қўйиш, корхоналар профилини ўзгартириш, тозаловчи иншоотлар қуриш тўғрисида боряпти.

Биргина СССР Минмедбиопроми мана шу сабабларга кўра оқсил ишлаб чиқаришни 140 минг тоннага қисқартишга мажбур бўлди. СССР Минлеспромига 231 минг тонна целлюлоза ва 32 минг тонна қоғоз ишлаб чиқарадиган қувватдан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди. Бундай тадбирлар дарров маҳсулотларнинг муайян турларини ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилди. Биз бу қарорларни онгли равишда қабул қилдик, лекин бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ёки уни алмаштириш йўлини топиш керак эди.

Ҳозир экологик жиҳатдан тоза бўлиш талабларига жавоб бермайдиган янги объектлар қурилишига йўл қўймаслик муҳим... Айниқса, СССР Минводхози фаолияти кўп норозиликларга сабаб бўлмоқда. Шуни айтишим мумкинки, бу министрлик кейинги вақтларда тақдим қилган 57 лойиҳадан 32 таси қайтарилди, ўшанда ҳам, одатда, экологияга оид фикр-мулоҳазалар туфайли қайтарилди».

Мана шу ҳақда ўйлашимиз ва тезда ғамхўрлик кўрсатишимиз керак. Бунинг ўрнига қатор идоралар ва уларнинг раҳбарлари жамоатчиликни чалғитишга жонжаҳдлари билан уринадилар. Масалан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонованинг оилани планлаштириш хусусида «Известия» газетаси саҳифасидаги чиқишини қандай баҳолаш мумкин? Ахир, бу Озиқовқат программасини рўёбга чиқариш ўрнига ўзини оч қўйиш йўли билан даволанишни пропаганда қилиш-ку.

Бундан анча олдиноқ амалдорлар Оролдан совуққонлик билан воз кечиб қўя қолган эдилар, уларнинг рухсати ва розилиги билан Амударё ҳамда Сирдарёни ифлослантирдилар, пахта далаларини турли пестицидлар билан заҳарладилар. Тўқайзорлар, ер ости сув манбаларининг ҳалокатини тезлаштирдилар. Республикада болалар ўлими ва хотин-қизларнинг ўзини ўзи ёндиришлари фактлари узоқ йиллар давомида қатъий сир сақлаб келинди. Ёки бўлмаса, Ўзбекистон Компартияси МК маданият бўлимида сектор мудири бўлиб ишлаб, ўзининг нокомпетентлигини кўрсатган Ў. Акромованинг орадан кўп вақт ўтмай Қўқон шаҳар партия комитетига секретарь бўлганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Афтидан, токи компетенциясиз кишилар юқори лавозимларни эгаллаб турар, бир креслодан бошқа креслога ўтиб ўтирар экан, қайта қуришнинг қандайдир динамизми тўғрисида гапириш қийин бўлса керак.

Бугунги воқелигимизнинг кўп оғир проблемалари бюрократиянинг, авторитар раҳбарликнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқдир. Пахта монокультураси масаласи мана шу вақтгача ҳеч ҳал қилинмай келади. Ҳолбуки, ҳамма — МК секретаридан тортиб мактаб ўқувчисигача,— Орол, ичиладиган сув, аҳолини сифати яхши сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш проблемаси айни шу пахта муаммоси билан боғлиқлигини яхши англайди.

Шунинг учун ҳам биринчи навбатда пахта ҳақида жиддий сўз юритишимиз

керак. Пахта — бизнинг фахримиз, гап бу ерда уни бутуниттифоқ алмашлаб экишидан ажратиб олиш тўғрисида эмас, балки пахтачиликни пухта ўйламасдан планлаштириш хусусида боряптики, бундан фақат бизнинг республика эмас, балки бутун мамлакатимиз зарар кўрди. Ҳа, пахта майдонларини нонормал, асоссиз равишда кенгайтиравериш, мелиорациянинг паст даражадалиги ҳосилдорликнинг, пахта толаси сифатининг пасайишига, қимматбаҳо сувнинг бекордан-бекорга исроф бўлишига олиб келди. Оқибат натижада пахта ҳам, сув ҳам йўқ. Зеро бу фақат иқтисодий ва экологик масала бўлиб қолмай, шунингдек социал масала ҳамдир.

Қорақалпоғистоннинг айрим жойларида аҳолининг сув билан таъминланиши 5 процент ва ундан ҳам озроқни ташкил этади. Айни бир вақтда фойдаланилаётган паст сифатли, ифлосланган, заҳарланган сув ошқозон-ичак касалликларини оммавий тусда келтириб чиқаряпти. Олимлар шундай хулосага келишдики, сув сифатини яхшилаш учун қатъий киришилмаса, XXI аср бошига бориб бу ерда мохов, оғир жигар касаллиги, руҳий касалликлар тарқалиши аниқ.

Келинг, оқилона бир йўлни топишга, ҳал қилиниши қийин бўлган баъзи дардли масалаларга жавоб беришга уриниб кўрайлик. Наҳотки, пахтани ўғитларсиз, дефолиантларсиз экиб, териб бўлмайдими? Жамоатчиликнинг кўп йиллар давомида олиб борган кураши натижасида пахтани машинада йиғиб-териб олишдан аввал ниҳоятда заҳарли бутифос ишлатилмайдиган бўлди. Лекин унинг ўрнига бошқа, фақат бир оз кам заҳарли дефолиантлар келди. Хўш, ўғитларчи? Мамлакат бўйича ҳар 1 гектар ҳайдалган ерга ўртача 30 килограммгача ўғитлар тўғри келади, бизнинг республикамизда эса — ярим тоннани ва ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Ҳозиргача Ўзбекистонда пахтачилик хотин-қизлар ва болалар меҳнатидан фойдаланишга асосланган. Мана, неча йилдирки юксак минбардан туриб пахта далаларида ақалли болалар меҳнатидан фойдаланмаслик тўғрисида онт ичиб ваъда берилади. Бу ваъдаларга ишониш қийин, чунки болалар меҳнати аслида Госпланнинг бундан кейинги ҳисоб-китобларига киритилган. Ҳадемай касал оналар бўладиган бетоб қизлар тўғрисида жиддий ўйлашнинг вақти келмадимикин?

Пахта етиштиришни ўйламасдан планлаштириш натижасида жуда кўп бошқа қинғайишлар юз берди. Чунончи, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, пахтанинг 92 проценти республикадан ташқарига хом ашё сифатида жўнатилади, ўша хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар ўрнига бизнинг еримизда моторсозлик, химия заводлари қурилади. Уларнинг қурилишига ҳеч ким қарши эмас, албатта. Лекин бу ишлар оқилона, экологик вазиятни ва биринчи навбатда бу ерда яшовчиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб амалга оширилиши керак. Ахир, Чирчиқ химия комбинати, шаҳардаги бошқа корхоналарнинг чиқиндилари фақат Бўстонлиқ, Чирчиқнинг ҳавоси ва сувини эмас, шунингдек икки миллион аҳолиси бор Тошкент ҳавосини ҳам ифлослантирмоқда. Олмалиқда кон-металлургия комбинати ва химия заводининг чиқиндилари туфайли шаҳар атмосферасидаги карбонат ангидрид гази рухсат этилган нормадан 5—6 баробар кўпдир.

Тошкентда ичимлик суви сифатининг ёмонлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳеч қандай ҳисоб-китоб билан шуғулланишнинг ҳожати йўқ. Республика пойтахти ҳавоси ғоят ифлосланган бўлиб, зарарлиги жиҳатдан Иттифоқда бешинчи ўринда туради. Бу ерда Тошкент аэропорти тўғрисида ҳам гапириб ўтиш керак. Жаҳон практикасида шу нарса ҳамма томонидан эътироф этилганки, аэропортлар шаҳар марказидан узоқда бўлиши керак. Тошкент аэропорти эса унинг атрофидаги тураржой массивларида яшовчи одамларга фақат шовқини билан эмас, шунингдек газларнинг кўп тарқалиши билан ҳам катта зарар келтиради.

Шуни таъкидламоқчимизки, йирик корхоналарни қуриш ортиқча иш кучларидан фойдаланиш масаласини ҳал қилмайди. Бир томондан, масалан, пахта йиғим-теримида иш кучи етишмайдигандай, иккинчи томондан эса — ўша қишлоқ районларида улар ортиқча, бу ерда қишлоқ хўжалик ишларининг мавсумийлиги ҳам қийинчилик туғдиради. Ҳеч нима билан банд қилинмаган мана шу бекорчи ишчи қўллари, айниқса мавсум оралиқларида, бизнингча, Озиқ-овқат программасини бажаришга халал беряпти. Яна бу нарса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳар қандай формада — колхоз, ижара, оилавий пудрат формасида етиш-

тириш учун ер микдори етарлича бўлган бир шароитда юз бериб ўтирса-я. Бемаъни бир вазият. Қишлокда шундай оилалар борки, уларнинг иш ҳаки ҳар бир кишига ҳисоблаганда ўттиз сўмга ҳам етмайди. Республикамизда рационал овқатланиш айникса ёмон аҳволда. Бу ерда балиқ истеъмол қилиш мамлакат бўйича ўрта ҳисобдан 21 марта, гўшт — 6, сут маҳсулотлари — 2 марта кам.

Медик олимлар ўзбек хотин-қизларининг, айникса қишлоқ хотин-қизларининг организми ўттиз ёшида олтмиш ёшли аёлникидай ишдан чиққанлигини аниқлашган. Бунга фақат болаларнинг кўп туғилишигина эмас, шунингдек меҳнатнинг ибтидоийлиги, оғирлиги, ҳаво ва сувнинг ифлосланганлиги, медицина ва маиший хизмат кўрсатиш маданиятининг пастлиги ҳам сабаб бўлмокда. Мана сизга экологик проблемаларнинг социал, сиёсий ва маънавий жиҳатлари.

Шунга қарамасдан айрим олимлар регионимиздаги экологик вазият манзарасини қўпол равишда бузиб кўрсатмоқдалар. Масалан, САНИИРИ директори В. А. Духовний Оролни асраб қолиш жамоатчилик комитетининг мурожаати Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида муҳокама қилинганда сўзга чиқиб шундай деди: «Бу ўта кетган демагогия бўлиб, уни матбуотда эълон қилиш кераксиз гап-сўзлар учун озиқ беришдир, бусиз ҳам ана шундай ортиқча гап-сўзлар учун бизни иттифоқ органларининг ҳаммасида койиб ётишибди. Шунинг учун ҳам биз республикамиз манфаатларини ҳимоя қилолмаяпмиз, чунки бизга, сизнинг жамоатчилигингиз экологик фалокат тўғрисида жар солишяпти, дейишяпти. Фалокатни ўзи йўқ. Ҳамма илмий маълумотлар унинг йўқлигини кўрсатяпти». В. А. Духовнийнинг фикрича, «илгарилари ҳам Орол қуриган, лекин ҳеч қандай фалокат юз бермаган» экан. Бу хилдаги «оптимистик» фикр-мулоҳазалар ашаддий бюрократизмнинг бошқачароқ кийимда «қайта туғилаётгани»ни яна бир бор кўрсатади.

Ўзбекистонда экологик, социал, сиёсий ва маънавий жиҳатларнинг бир-бири билан чатишиб кетиши бизга туюлгандан кўра ҳам анча мураккабдир. Лекин уларни ўрганишимиз мумкин ва керак. Мисол учун, суғориладиган ерларни олиб кўрайлик. Масалан, АҚШда бундай ерларда маккажўхори 17 процентни, пахта — 6,4, мевалар — 6, сабзавот — 4, дон экинлари — 15,5, дуккакли экинлар — 3,5, ўтлар —18, ер ёнғоқ —3,6, қанд лавлаги —2, қамиш —2, шоли —2, картошка — 0,5, тамаки ва бошқа экинлар — 19,5 процентни ишғол қилади. Ўзбекистонда эса мавжуд 4 миллион гектар суғориладиган ерларнинг 2,8 миллион гектари, яъни 70 проценти пахтага берилган. Бунга яна ҳосилдорлик кўрсаткичларини ошириш учун ҳисоб-китобдан яшириб қолдирилган ерларни қўшиш керак. Мелиоратив идоралар эса ҳали ҳам ҳеч зарурат бўлмаган ҳолда янги-янги ерларга сув чиқариш билан шуғулланишяпти.

Инсоният сув ва шамол эрозияси ҳамда тупроқнинг шўрланиши туфайли салкам икки миллиард гектар унумдор ердан ажралди. Ҳар йили беш миллиондан етти миллион гектаргача ер чўлу биёбонга айланяпти. Бунда бизнинг ҳиссамиз жадал суръатлар билан ортиб бормоқда. Агар одамлар қатъий ва оқилона иш кўрмаса, Ер юзидаги ҳаётнинг ўзи хавф остида қолади — масала шу тарзда фақат атом энергиясидан фойдаланишга нисбатан қўйилаётгани йўқ. Айрим идоралар ва мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлиги, очиғини айтиш керакки, жинояткорона хатти-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизнинг қатор регионлари аллақачон экологик фалокат зонасига айланиб қолди. Ўшалардан бири — Орол ва Орол бўйларидир.

Фақат ташқаридан, шунчаки юзаки қаралгандагина бу регионнинг бугунги кунда чўл-саҳрога айлантирилаётганига сувнинг етишмаслигигина сабаб бўлаётгандай бўлиб кўринади. Аслида эса экологик фалокатнинг бош сабаби Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг нотўғри стратегияси билан боғлиқдир. У бугун ҳам сув кўп сарф қилинадиган ишлаб чиқаришлар ва пахта монокультурасига йўналтирилганки, пахта, маълумки, мўл-кўл суғорилишни талаб қилади. Бунга яна сув хўжалиги системаларини лойиҳалаштириш ва қуриш даражасининг пастлигини, шўрланган захоб сувларнинг дарёларга оқизиб юборилиши, суғориладиган зона атрофларининг сувга бостирилиши ва ботқокланишини қўшиш керак.

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда суғориш ишларини сифат жиҳатидан янгича ташкил этиш масаласи бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам кескин бўлиб турибди.

Узоқ вақт давомида, ҳатто ҳозир ҳам экстенсив методлар қўлланилиб келинмоқда: дарёлардан мумкин қадар сувни кўп олиш-у янги ерларни ўзлаштириш. Ҳатто КПСС МКнинг «Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРда агросаноат комплексининг табиий-иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётгани тўғрисида»ги (1987 йил) қароридан кейин ҳам турғунлик даври принципи: қандай қилиб бўлса ҳам пахта бериш керак деган принцип амал қилиб келмоқда. Бундай йўл билан пахта етиштиришнинг нималигини биз яхши биламиз. «Статистика ташвишли, — деб ёзганди «Правда» 1987 йилда, — кўпинча дарёлардан олинаётган сувнинг атиги ярмигина экин далаларига етиб боради. Туркманистонда айниқса аҳвол ёмон. Бу ерда суғориш системаларининг фойдали иш коэффициенти атиги 54 процентни ташкил этади. Сувнинг қолган қисми йўқолади». Бунга яна сувларнинг химикатлар ва тузлар билан ифлосланишини қўшиш керак.

Региондаги аҳволнинг фожиалилиги шундан келиб чиқадики, буни баъзилар кўра била туриб кўрмасликка уринишади, чунки улардан қаттиқ туриб талаб ҳам қилинмайди-да.

Орол ва Орол бўйларини, юқорида айтиб ўтганимиздек, экологик фалокат зонаси сифатида олиб қарайлик. Салкам бир миллион киши яшайдиган Қорақалпоғистоннинг, Қозоғистон ҳамда Туркманистон бир қатор областлари аҳолисининг турмуш шароити ниҳоятда оғирлашиб қолди. Шунинг учун ҳам юқорида айтилган фикрни яна бир бор такрорлашга мажбурмиз. Оролни қутқариб қолиш учун ер ва сувдан фойдаланишда қатъий ва оқилона тартиб ўрнатилиши кераккки, бу ҳақда кўпдан бери гапириб келинадию, лекин бу борада ҳали ҳам ҳеч қандай жиддий, амалий қадам қўйилгани йўқ.

Қурилишлар жойлашган территорияларни ер ости сувларининг босиши проблемасини олиб кўрайлик. Ҳозир Ўзбекистонда салкам 230 шаҳар, посёлка ва саноат узели мавжуд. Улардан 140 таси сизот сувлар ер бетига хавфли даражада яқин бўлгани учун нохуш объектлар категориясига киради. Бунинг асосий сабаби корхоналар ва сув омборлари, водопровод ва ирригация шохобчаларидан олинадиган сувнинг инфильтрацияси, технологик сув таъминоти билан боғлиқдир. Бу ўн йиллар давомида каллаварам мансабдорларнинг лоқайдлиги туфайли юзага келган «исрофгарчилик»дир.

Шу ерда Оролни асраб қолиш комитетининг республика барча меҳнаткашларига мурожаати муҳокама қилинган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлисига қайтиш ўринли бўлади. Ўша мажлисда Главсредазирсовхозстрой бошлиғи К. А. Ракитин, шундай деди: «Бизнинг ҳаётимиз сувга боғлиқ. Сув масаласида ҳаммамиз ҳам саводсизмиз. Биз шаҳар, қишлоқ аҳолисига қанча сув, боғларга, узумзорларга қанча сув сарф бўлишини билмаймиз. Жўмраклардан сув кечасию кундузи оқиб ётади. Аҳолига ҳар томонлама тушунтириш керак. Ўтган йили (1987 йилда **П. Ш.**) Оролга 10 кубокилометр атрофида сув тушди. Сувнинг бевосита Оролга тушиши учун мелиорацияга ажратилган пул ҳисобига магистрал коллекторни тозалаш ишлари олиб бориляпти. Иккинчи масала. Оролга минераллашган сув келиб қуйиляпти. Унда заҳарли химикатлар ва пестицидлар бор. Ҳамма ифлосликларни унга қуядиган бўлсак, 10—15 йиллардан кейин Оролнинг ҳоли нима кечишини билмайман. Ўлик денгиз пайдо бўлиши мумкин. Унда балиқлар бутунлай қолмайди. Фақат иқлимни яна ҳам ёмонлаштиришимиз мумкин, холос. Унда чўмилиш мумкин бўлмайди. Олимлар бу ҳақда қаттиқ ўйлаб кўришлари керак, чунки бугун биз унга ифлос сувни ташлаяпмиз».

Таъсирли эътироф. Демак, гап фақат Оролга оқиб тушаётган сувларда эмас, балки ўша сувларнинг қанақалигида экан.

Кейинги йилларда бу хилдаги тортишувлар, баҳсларнинг қанчаси бўлиб ўтди. Қанчадан-қанча обрўли ва «жуда обрўли» комиссиялар турли даражаларда мажлислар қилишди. Ўша-ўша масала: Орол ва унга яқин регион тақдири масаласи муҳокама қилинди. Денгиз эса ҳалок бўляпти, Орол бўйлари ҳам. Чунки биргина чақириқлар ва резолюциялар билан Ўрта Осиёнинг қуриётган дурдона косасини сувга тўлдириб бўлмайди! Эртага даф этишнинг иложи бўлмай қоладиган, тобора яқинлашиб келаётган фалокатни тўхтатиш учун зудлик билан конкрет, самарали тадбир-чоралар кўриш керак.

Амударё... Мана, столим устида «Жайхун» ёшлар экспедициясининг иши

ҳақидаги ҳисобот турибди, бу экспедиция сув ресурслари ва сув чиқаришни, қайта қуйиладиган сув ҳажми ва сифатини, сувни ифлослантирувчи манбалар, энг характерли створлардаги сув сифатини ҳисобга олиш бўйича сувни муҳофаза қилиш тадбирлари комплексининг аҳволи ва уларни амалга оширишни ўрганди. Экспедиция қатнашчилари шунга эътибор бердиларки, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРнинг жанубий районлари территорияларида жойлашган Амударёнинг сувни муҳофаза қилиш зоналари шоли, полиз экинлари, ҳатто пахта экиш учун берилган, ваҳоланки бу зоналар нормативлар бўйича дарё оқими бўйлаб 300—500 метрни ташкил этиши керак эди; уларда кўплаб чорвачилик бинолари қурилган. Далалардаги минерал ўғитлар, гербицидлар, пестицидлар билан бойитилган ирмоқлар, шунингдек ёрдамчи хўжаликларнинг оқова ва чиқиндилари дарёга ташланади.

Амударёнинг Хоразм участкаси жанубидаги Питнакдан шимолдаги Жумуртовгача 200 километрга чўзилган бўлиб, у умумий майдони тахминан 15 минг гектар келадиган ҳавзани ўз ичига олади. Бу зонанинг ҳамма еридан турли экинлар экиш учун фойдаланилади. Дарёдан ҳатто 20—30 километр узоқликда жойлашган қирқ икки колхоз ва совхоз, саноат корхоналари ва ташкилотларнинг ўнлаб ёрдамчи хўжаликлари ҳам бу ерда шоли, полиз экинлари, озуқабоп ўтлар, пахта экишади. Пахта майдоннинг кўп қисмидан бошқа экинларни сиқиб чиқарди. Гурлан районидаги «Коммунизм», Хонқа районининг «Победа», Охунбобоев номли колхозлари ва Ал Хоразмий номли совхози, Боғот районидаги Наримонов, Ҳазорасп районининг Жданов номли колхозлари Амударёнинг сув иҳотаси зоналарини ўзлаштириш билан зўр бериб шуғулланмоқдалар. Қорақалпоғистон АССРнинг Элликқалъа райони совхозлари бу ерда асосан пахта етиштиришади, ер ости сувлари яқин бўлгани ёки сув босиши туфайли пахта ҳосилдорлиги атиги 10 центнер ва ундан ҳам озни ташкил этяпти.

Заҳарли химикатлар ва минерал ўғитларни жуда кўп миқдорда талаб қиладиган техника экинлари майдони шундоқ соҳил бўйларида ястаниб ётибди. Кенглиги 50—150 метр келадиган ирмоқларнинг кўпчилиги дарёдан дамбалар билан ажратиб ташланган. Амударёнинг ўзани доимо ўзгариб туради, Туямўйин гидроузели қурилганидан кейин у айниқса тез-тез ўзгарадиган бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Хоразмга туташган чап соҳилнинг 20 километр жойи аслида қаровсиз бўлиб қолди.

Сувни муҳофаза қилиш зонасига бу хилда муносабатда бўлиш сира ўрнини тўлдириб бўлмайдиган иқтисодий ва экологик зарар келтиради. Жумладан, Амударё қайири региондаги қушлар ва ҳайвонларнинг энг охирги маскани бўлиб қолди. Ўзбекистон ССРнинг ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Қонунида (49-модда) шундай дейилган: «Жойлаштириш, лойиҳалаштиришда қўриқ ерларни, ботқоқлашган территориялар, соҳил бўйлари ва бутазорлар билан банд территорияларни хўжалик оборотига киритишда, ерларни мелиорация қилишда... ҳайвонларнинг яшаш жойларини ва уларнинг кўпайиш шароитларини сақлаб қолиш бўйича тадбирлар кўзда тутилиши ва амалга оширилиши керак, шунингдек ҳайвонларнинг яшаш жойи сифатида алоҳида қимматга эга бўлган участкаларнинг дахлсизлиги таъминланиши керак». Амударёга нисбатан олганда Қонуннинг ўша келтирилган талабларидан биронтаси бажарилмаяпти.

«Жайхун» экспедицияси яна шуни ҳам аниқладики, кўпчилик каналларнинг бош қисмларида ҳозирги вақтда сув чиқариш иншоотлари, сув тақсимотини ҳисобга олиш ва контрол қилишни бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари йўқ. Асосан чўл ва қумлик жойлардан ўтказилган Қорақум ва Аму-Бухоро каналларининг салкам 100 километрлик қисмига қаттиқ тўшама ётқизилмаган, натижада сувнинг анчагина миқдори бекорга исроф бўляпти. Бундан ташқари Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР территориясида дарёда сув хўжалиги органлари томонидан қайд этилмаган насослар борлиги аниқланди. Бу дарё бўйидаги хўжаликлар аслида сувни талон-торож қилаётганликларидан далолат беради.

Экспедиция дарёга оқизилаётган фойдаланилган сувларнинг ҳажми ва сифатини анализ қилди; ўшанда Туркманистон ССРнинг Хўжамбос, Чоршанга, Дарғонота районларидаги коллекторлардан дарёга тозаланмаган сув оқиб тушаёт-

ганлиги аникланди. Олинган намуналар сувдаги минерал ва тузлар микдори санитария нормасидан бир неча баравар юкори эканлигини кўрсатди.

Амударё ҳавзасида тартиб жорий этиш максадида сув хўжалиги бошкармаси (бошлиғи Уббиниёз Ашурбеков) ташкил этилган эди. Лекин бу ташкилот ҳозирча у ёки бу айрим ҳолларни кайд этиш билангина шуғулланиб турибди. Буёғи нима бўлади? Орол денгизи зонасида азбаройи тартиб ўрнатиш учун Ўрта Осиё республикалари ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат килишлари керак.

1988 йилнинг июнь ойи бошларида Аральск шаҳрида ёзувчилар ва олимлар иштирокида Орол учрашувлари бўлиб ўтди. Биз Борсакелмас оролида бўлдик, эвоҳ, аллакачонларок собик бўлган баликчилар билан танишдик. Ленининг ўлкада очликдан кийналаётганларни кўллаб-кувватлаш ҳакидаги маълум топширигини качонлардир бажо келтирган мўйсафид чол: «Мен якинда юзга кираман. Биз ўз вактида Ленининг топширигини бажаргандик, энди эса Оролни куткариб колиш учун Ленин партиясидан ўшандай мадад кутамиз. Кайта тирилган Оролни кўрмай туриб ўлгиси келмайди кишининг», — деди. СССР халк артисти, ажойиб козок хонандаси Роза Багланова кўшимча килди: «Орол ҳам мисоли бир Чернобиль. У ерда бўлганидек, биз ҳаммамиз Оролни ҳам саклаб колишимиз керак. Болаларга кулги ва кувончларини кайтаришимиз лозим. Агар одамлар ҳамжиҳатлик билан киришсалар, Орол яшайверади». Биз Аральскда шуни билдикки, Орол денгизи курий бошлаганидан кичик шаҳар территориясида 26 та шўр кўл пайдо бўлибди.

Буларнинг ҳаммаси гап экологик фалокат у билан боғлик улкан моддий зарар ҳакидагина бораётгани йўклигидан далолат беради: ҳалок бўлаётган Орол аллакачонларок «экологик» чегарадан ўсиб чикиб, социал проблемага, сиёсий проблемага айланиб колди. Ахир, денгизнинг куриб бораётгани, ичимлик сувининг яроксиз ҳолга келгани туфайли Оролбўйи аҳолиси кадрдон жойларини ташлаб кетмокдалар. Айрим масъул ўртоклар кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни амалга ошириш ўрнига ҳалол одамларнинг овозларини ўчиришга ҳаракат килмокдалар: Коракалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси А. Ешимбетова нутки худди шу нарсани эсга солди.

Бошка ҳолларда ҳужжатли фильмларни кўрсатишни такиклашди. Масалан, режиссёр Ш. Маҳбубовнинг «Орол атрофида» фильмига ўшандай муносабатда бўлишди. Мана, бизнинг олдимизда «Орол атрофида» телефильмини маслаҳатлашиш учун кўрилгандан кейинги протокол» деб ном олган ва 1983 йил 24 ноябрь санаси кўйилган ҳужжат. Ўша «кўрик»да Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раҳбар ходимларидан ташкари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Средазгипроводхлопок» вакиллари ҳам иштирок этгандилар. Лекин тўпланганларнинг аксарияти телефильмни муҳокама килиш ўрнига бу жуда зарур кинолентани яратишга дахлдор кишиларни коралашга киришиб кетдилар. Муҳокамада айтилган айрим фикрларни ўкир экансан, ўзларининг айби билан Амударё этакларида юз берган фожиали аҳволга баъзи кишиларнинг накадар улкан масъулиятсизлик билан караётганликларига ҳайрон коласан киши! Яна шу нарса хаёлингга келадики, бу фикрларнинг ҳаммаси ўша оғир йилларнинг руҳига жуда мос тушади...

Биз кирғокнинг ичкарисига чекинганлиги, денгиз юзаси сатҳининг кискарганлиги ва чукурлигининг камайганлиги, якин ўтмишда эга бўлган улкан халк хўжалик аҳамиятини йўкотганлиги ҳакидаги ракам ва фактларга ҳадеб мурожаат килавермокчи эмасмиз. Буларнинг барчаси аҳолининг кенг катламига, ҳатто экология, мелиорация ва ирригация проблемаларидан узокда турган кишиларга ҳам яхши маълумдир. Бирок бирорта ракам ва фактни келтирмай ўтишнинг ҳам иложи йўк, чунки у маълум даражада денгизнинг ҳалок бўлиш сабабларини очиб беради ва ҳалокатли окибатларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беради.

...1960 йилга кадар Ўрта Осиёнинг азим дарёлари — Амударё ва Сирдарёдан 50 кубокилометрга якин сув, яъни уларнинг йиллик окимининг ярмидан сал камроғи суғориш эҳтиёжлари учун олинар ва денгизга бунинг таъсири унчалик сезилмас эди. Ҳар ҳолда денгизнинг чукурлиги ва сув юзасининг сатҳи ўзгармай турарди. Бу регионда эса 5,2 миллион гектардан зиёдрок ер суғорилиб, бир гектар

экин майдонига йилига салкам 10 минг кубометр сув сарфланарди. Лекин кейинги чорак аср ичида регионда яна 1,7 миллион гектар ер ўзлаштирилди ва денгизга сув оқиб келиши бутунлай тўхтаб қолди. Энди суғориш учун 55 кубокилометрга яқин сув олина бошланди, лекин янгидан ўзлаштирилган бир гектар экинга сарфланадиган сув 3,5 баравар кўпайиб, йилига 35 минг куб метрни ташкил этди!

Эҳтимол, сувдан бунчалик «сахийлик» билан фойдаланиш жуда юқори самара бергандир? Асло ундай эмас! Ўрта Осиё регионн қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти аслида ўша эски даражада қолди, бунинг устига устак қатор айрим кўрсаткичлар бўйича шундай ҳам юксак бўлмаган позициялар бой берилди. Янги ерларни ўзлаштириш, мелиоратив ва гидротехника қурилишларига доимо кўп миллиардлаб сўм сарф-харажат қилинганининг пировард натижаси ана шундай бўлди.

Кўп йиллар давомида халқ маблағини беҳудага сарфлаб, Табиатга, Инсонга, мамлакат экономикасига жуда катта зарар келтирганлардан қатъиян сўраш вақти келмадимикин? Кейинги йилларда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бутун системасини қамраб олган «улкан қурилишлар жазаваси» унча эҳтиёж бўлмаган «қўлбола денгизлар» ва магистрал каналларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу «денгиз» ва каналларнинг кўпчилиги янги ва эски ерларни сув билан таъминлабгина қолмай, кўп ҳолларда ер ости сувларининг кўтарилишига сабабчи бўлди, бу эса тупроқнинг иккинчи бор анча шўрланишига олиб келди. Демак, яна шўр ювишлар ўтказиш, бебаҳо сувни сарфлаш керак бўлади, оқибатда яна... (нечанчи марта!) ер ости сувлари юқорига кўтарилади.

Олимлар, мутахассислар, пахтакорлар сунъий сув омборларидаги тиндирилган совуқ сув билан суғориш ҳар гектаридан бир неча центнердан кам пахта олиш, вегетация даврини чўзиб юбориш эканлигини яхши биладилар. Аммо ҳаммага маълум бўлган бу оддий ҳақиқатни улкан қурилишлар жазавасига тушиб кетганлар ўжарлик билан инкор қилишиб, пахтачиликда юз берган ҳақиқий аҳволни тан олмай келяптилар. Қошкийди фақат пахтачилик ёки қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари соҳасидагина шундай аянчли аҳвол вужудга келган бўлса! Ўйламай хўжалик юритиш, ирригация ва мелиорация системаларининг қониқарсиз аҳволи шунга олиб келдики, Амударё ва Сирдарё ўзларининг бутун оқимлари давомида ичимлик сув манбаи бўлиб хизмат қила олмайди, аслини олганда, улар зарарли моддалар нормадагидан анча ошиб кетган зовур сувларини тўплайдиган ўзига хос «коллектор»ларга айланиб қолган.

Худди ўша гапларни Туямўйин сув омбори ҳақида ҳам айтиш мумкин: ҳозир бу ердан Хоразм области ва Қорақалпоғистонга улкан водопроводлар тортилмоқда. Бу водопроводлар ўз манзилларига истеъмол учун бутунлай яроқсиз «ичимлик» сув олиб келмоқда. Лекин халққа жуда зарур бўлган пешона тери тўкиб топилган юзлаб миллион сўм пуллар ҳозирча ерга кўмилиб кетмоқда. Бу бемаънилик ҳам жазосиз қолиши мумкин. Қудратли министрлик фаолиятида қачонгача сохта «илмий» ва «техникавий», тўғрироғи, жонсиз-технократик ғоялар устунлик қилади?

Агар шундай бўлмаса, у ҳолда нега Ўрта Осиёнинг буюк дарёлари йўлида сувнинг Оролга етиб боришини бутунлай тўсиб қўйган кучли тўғонлар пайдо бўлди? Агар шундай бўлмаса, у ҳолда нега 1987 йилнинг тошқин сувли баҳорида сув омборларини тўлиб-тошдириб юборган ортиқча обиҳаётни Орол томон оқизиш ўрнига Арнасой, Чордара, Сариқамиш табиий чуқурликларига ташлаб юборилди? Агар шундай бўлмаса, у ҳолда нега Амударё сувининг қарийб ярмининг қумга сингиб кетишига йўл қўйилаётган ўша Қорақум каналида жуда кўплаб сувнинг исроф бўлишига тоқат қилиб келмоқдалар? Ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган мана шу оғир ва аламли «нега?», «нега?» деган саволларни қайта-қайта бериш мумкин, бироқ сув хўжалиги идоралари бу аҳволларга ҳам, Оролни асраб қолиш бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланаётганлиги ҳақида саволларга ҳам жавоб бермаётирлар.

Амударёга параллел қилиб узунлиги 1500 километрли, Оролга йилига салкам икки кубокилометр химикатларга тўла сув оқадиган икки коллектор қуриш ҳақидаги охиригача тўла-тўкис ишлаб чиқилмаган «лойиҳа»ни жиддий деб қараш мумкинми, ахир? Биринчидан, бундай оқим Оролнинг қисматини енгиллаштира олиши даргумон. Иккинчидан, ҳозирнинг ўзидаёқ денгиз биронта ҳам жонзот

яшай олмайдиган чинакам шўр конга айланган. Бир неча областларнинг бутун «химия»сини ўзига жамлаб олган дренаж суви қачонлардир наботот ва ҳайвонот дунёсига жуда бой бўлган денгизни жуда каттакон оқова сувлар чуқурлигига айлантириб юборди. Бунинг устига бу «янги қурилиш»га кўплаб яхши ва фойдали ишларга асқотиб қолиши мумкин бўлган халқнинг катта-катта маблағлари сарфланади.

Бизнинг планетамиз учун битта Ўлик денгизнинг (дарвоқе, табиатнинг ўзи яратган) ўзи етиб ортади. Шундай экан, «қўлбола» иккинчи ўшандай денгизни яратишнинг нима ҳожати бор? Наҳотки бугунги авлод кишилари фан ва техниканинг ҳозирги тараққиёти даражасида келажак авлодга яхшироқ «совға» тайёрлашга қодир бўлмаса? Эҳтимол, улкан коллекторлар қазишдан бошқа иложимиз йўқдир? Иложимиз бор, албатта. Биринчидан, саноат ишлаб чиқаришига сув айланишининг ёпиқ схемаси технологиясини жорий этиш керак, иккинчидан, суғоришнинг оқовасиз усулидан фойдаланишга эришмоқ зарур (бундай тавсиялар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти томонидан ишлаб чиқилган). Иложсиз бўлган, ишлатилгандан сўнг чиққан оқовалар эса тозаланиши ва ўз жойида ярокли ҳолга келтирилиб, мусаффо ҳолида дарёларга ва, демакки, денгизга қайтарилиши лозим.

Орол денгизи ва унга туташ регионни умуман асраб қолиш мумкинми, деган савол кўп йиллар давомида ўртага ташланиб келинмокда. Бу саволга даҳанаки эмас, балки амалий жавоб бериш вақти аллақачон келган ва буни на бирон кун, на бирон соат орқага сурмай рўёбга чиқариш зарур. Афсуски, гарчанд Оролни асраб қолиш бўйича турли фикрлар, қарашлар, таклифлар мавжуд бўлса-да, ҳанузгача илмий асосланган лойиҳа йўқ. Бироқ биронта ҳам ваколатли орган бу фикр ва таклифларнинг амалга оширилишини назорат қилмаётир, жамламаётир ва зарур йўналишга йўналтирмаётир. Ер ва сув тақдирининг хўжайинлари бўлмиш ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари ҳар қандай шаклдаги бўлса-да, стол теварагига ўтиришиб ер ва сувдан оқилона, илмий фойдаланишнинг барча туб масалалари ҳал этилмагунча, унинг ёнидан туриб кетмасликлари керак. Бас, идоравий ва бошқа манфаатлар ҳамда нафсониятлар кўндаланг турган проблемаларнинг улкан аҳамиятини тўсиб қўймаслиги лозим: ахир, нафақат денгиз, балки бутун бир геофизик ва иқтисодий регионнинг ҳаёт-мамоти (ҳа, бу сўзларни ишлатишдан чўчимаймиз), кичик бўлса-да, лекин Ватан деб тан олинган бу ўлкада яшовчи миллионлаб кишиларнинг шоду хуррамлиги омонат бўлиб турибди!

Амалий таклифларга келадиган бўлсак, биринчи галда Амударё ва Сирдарё оқимининг асоссиз равишда ва беҳуда тортиб олинаётган қисмини Оролга қайтариб бериш зарур. Сувга сероб даврларда сувларнинг табиий чуқурликларга тушириб юборилишига йўл қўймай, бу дарёлар ўзанига ортиқча обиҳаётни сўзсиз оқизилишига эришмоқ лозим. Бу йилига камида 10 кубокилометр сувни Оролга етказиб бериш имконини яратади.

Амударё ва Сирдарё ҳавзасида, айниқса унинг қуйи оқимида қишлоқ хўжалиги структурасининг ўзини зудлик билан қайта кўриб чиқиш керак. Зарар келтирадиган ва кўп сув талаб этадиган шоличилик ва пахтачиликдан воз кечиш, лоақал бу экинлар майдонини анча қисқартириш, уларнинг ўрнига бу ерлик аҳоли учун анъанавий бўлган чорвачилик ва у билан боғлиқ ем-хашак етиштиришни ривожлантириш керак. Бу йилига камида 5 кубокилометр сувни бўшатиб олиш имконини беради, қайир кўллари оқимини Орол томонга йўналтириш эса яна шунча сувни қўшади. Шундай қилиб, Оролни асраб қолишнинг биринчи боскичининг ўзидаёқ денгизга ҳар йили 20 кубокилометргача сув тушишини таъминлаш мумкин.

Бугунги кундаги мавжуд ирригация тармоғи, мелиорация системалари тубдан реконструкция қилишга, тўла янгиланишга муҳтож. Одатда хўжалик ичидаги сув тармоқлари у ёқда турсин, ҳатто магистрал каналларнинг ўзанларига ҳам бетон ёткизилмаган, зичланмаганки, бу ҳам сувнинг исроф бўлишига олиб келади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ер ости сувлари сатҳининг 2,5—3 метрга қадар пасайиб кетиши (дренажнинг яхшиланганлиги ҳисобига) фақат 3 миллион гектар майдоннинг ўзида йилига 10 кубокилометргача сув тежаш ва демак, уни Оролга қайтариш имконини беради. Бунинг устига шўрланган ерларни дам-бадам ювиб туришга ҳам эҳтиёж қолмасди, бу ҳам ҳар гектарда 5 минг кубометргача суғориш сувини тежаш имконини беради.

Ниҳоят, айрим сув омборларининг қурилиши ўринли ёки ўринсиз эканлиги ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Улар Ўрта Осиёдаги дарёларнинг табиий оқимини тартибга солиб туриш ва мавсумга қараб суғориш учун сувларни тўғри тақсимлашни таъминлайди. Уларнинг йириклари ирригация-энергетика типига киради. Умуман бу ерда (қурилаётганларини ҳам ҳисоблаганда) 50 дан ортиқ (фақат Ўзбекистоннинг ўзида салкам 35 та) сув омборлари бор. Уларнинг ялпи ҳажми 75—80, фойдали ҳажми эса 50 кубокилометрга боради.

Ишининг самарадорлигига қараб регион сув омборлари уч группага бўлинади: ўзани тоғлар орасида бўлган, ўзани текисликда бўлган дарёларда ва ўзандан нарида, текисликда қурилган суғориш сув омборлари.

Ўзани тоғларда бўлган дарёлардаги сув омборлари (Чорвоқ, Норак, Роғун, Тўхтағул ва бошқалар) ҳажмининг катталиги ва чуқурлиги, сув юзаси сатҳининг нисбатан кичиклиги (1 кубокилометрга кўпи билан 25 квадрат километр ҳавза тўғри келади), фильтрация ва буғланишга кам сув сарфланиши билан ажралиб туради.

Ўзани текисликда бўлган дарёлардаги сув омборлари турли ҳажмга (10 миллион кубометрдан тортиб 7000 миллион кубометргача) эга бўлади. Улардан энг йириклари Туямўйин, Чордара, Қайроққум, Жанубий Сурхон, Чимқўрғон, Тошкент ва бошқа сув омборларидир. Чуқурлигининг кам бўлиши, сув юзаси сатҳининг нисбатан катта бўлиши (1 кубокилометр ҳажмга 100—150 квадрат километр тўғри келади), уларнинг анча қисмининг саёз бўлиши (сувнинг 5—10 метр чуқурликка қадар илиқ бўлиши), буғланиш ва фильтрация пайтида сувнинг нобуд бўлиши ва ҳоказолар бундай сув омборларига хос хусусиятлардир.

Ўзандан нарида, текисликда қурилган суғориш сув омборлари регионда ғоят кенг тарқалган. Толлимаржон, Учқизил, Қуйимозор, Тўдакўл, Жиззах, Зеид, Ҳовузхон, Ашхобод, Кинасос, Султонсанжар ва Қўшбулоқ сув омборлари (учта охиргиси Туямўйин сув омбори таркибига киради) шулар жумласидандир. Чуқурлигининг камлиги (масалан, Зеид сув омборида ўртача 4,5 метргача), сув юзаси сатҳининг жуда катталиги (1 кубокилометр ҳажмга 200 квадрат километр тўғри келади), буғланишдан сувнинг кўп нобуд бўлиши ва ҳоказолар уларнинг ўзига хос хусусиятларидир.

Ўзани текисликда бўлган дарёлардаги сув омборларида буғланиш ҳақидаги маълумотлар алоҳида диққатга сазовордир. Чунончи, биргина ўша сабабга кўра йилига Чордара сув омбори 650—700, Қайроққум сув омбори 400—450, Туямўйин сув омбори 1000 миллион кубометргача сувидан айрилмоқда. Умуман бундай сув омборларининг ҳар квадрат километрида буғланиш ва фильтрацияга йилига 1 миллион кубометргача сув сарфланади! Шунинг учун сув сифати ёмонлашиб, шўрланиб бормоқда.

Шу ўринда, афтидан, Чордара гидроузели ва Арнасой ҳақида бутун ҳақиқатни очиқ айтиш керак бўлади.

Сув омборларини ўрганиш билан узоқ вақтдан бери шуғулланиб келаётган таниқли қозоқ олими, техника фанлари доктори, профессор Абай Турсуновнинг ҳикоя қилишича, 50-йиллар охирлари — 60-йиллар бошларида олий ҳукумат доираларида азбаройи «пахта мустақиллиги» учун Ўзбекистонни асосан пахта етиштиришга ихтисослаштиришга интилган кучлар устун келганида Сирдарёнинг сув ресурслари Фарғона водийси, Тошкент области ва Мирзачўлда пахтачиликка мўлжалланаётган ерларни суғоришга етмаслиги маълум бўлиб қолди. Ўшанда Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Қозоғистоннинг Чимкент ва бошқа областларининг сувдан фойдаланишини қисқартириш ҳисобига Ўзбекистоннинг сув улушини кўпайтириш масаласи кўндаланг бўлиб турди. Бу масалани тўғридан-тўғри ҳал этиш қийин эди.

Ўшанда сув хўжалиги ходимлари миясида навбатдаги макрли план пишиб етилди ва у муваффақиятли амалга оширилди. Ўша планга биноан дарёнинг табиий оқимига Ўзбекистоннинг суғориладиган массивларидан тўпланган оқова, коллектор-дренаж сувларини қўшиш ҳисобига Сирдарё ресурслари сунъий равишда ошириб юборилган эди. Миқдор жиҳатидан ўзгармайдиган бу «қўшимча» анчагина ҳажмни — йилига 10,85 кубокилометрни ташкил қиларди.

Кейинчалик ўша планга мувофиқ сувни шундай «тақсимлаш» керак эдики,

унга кўра Сирдарё этагидагилар бир неча марта фойдаланилган оқова сувлардан, юқори қисмидагилар эса дарёнинг янги сувидан кўпроқ фойдаланишлари керак эдилар. Амалда ҳам шундай бўлди. 1986 йили Сирдарё сунъий равишда ошириб кўрсатилган оқимидан (40,15 кубокилометр) атиги 8,8 кубокилометри (шундан 3,4 кубокилометри янги ва 5,4 кубокилометри коллектор-дренаж сувлар эди) дарёнинг қуйи оқимидаги, қолган 31,35 кубокилометри юқори оқимидаги (унинг 25,86 кубокилометри янги, 5,49 кубокилометри оқова сувлар эди) экин майдонларига етиб келди. Шундай қилиб, дарёнинг юқори қисмидагилар фойдаланишган тоза сув умумий сувнинг тахминан 82,5 процентини ташкил этганди.

Қиш даврида барча оқова сувларни тўплаб, ёзда уларни яна дарё этагидаги ерларга оқизиш учун сув омборларига эга бўлиш керак эди. Нима учун қиш пайтида сув тўплаш зарур эди? Чунки бу даврда дарёда сув жуда оз, коллектор-дренаж сувлари эса кўп бўлади.

Лойиҳачилар ўз ниятларини амалга оширишга шунчалик берилиб кетдиларки, аввалига асосий гидроузел составига тупроқ тўғонларда шарт бўлган ортиқча сувлар ташламасини киритишни унутиб қўйдилар. Фақат кейинроқ у... гидроузелдан 30 километр нарида қурилди. Шундан сўнг ортиқча сувлар Сирдарёга эмас, балки яқинроқда жойлашган Арнасой кўлига оқиб тушадиган бўлди, лекин бу кўл на ер усти, на ер ости йўллари билан дарёга туташган эмасди.

Чордарада сув омбори қурилиши натижасида Сирдарёнинг этак қисми ҳар йили оқиб келиб турадиган янги дарё сувидангина эмас, балки дарёнинг ҳар томонига ёйилиб, тўлиб-тошиб оқишидан ҳам маҳрум бўлди. Чунончи, сув сероб бўлган, дарёнинг табиий оқими 66,85 кубокилометрни ташкил этган 1969 йили Арнасой чуқурлигига ҳар хил ўлчовларга кўра 25 кубокилометрдан 35 кубокилометргача тоза дарё суви оқиб тушди! Устки майдони сув омбори юзаси сатҳининг ўзидан 4 баравар кўп бўлган улкан кўл ҳосил бўлди. Чордара сув омборининг беўхшов дардисар ҳосиласи бўлган бу кўл аллақачонлароқ шўрланиб кетганига қарамай (бу ерда сувнинг минераллашуви 1 литрга 20 граммни ташкил қиладики, у на суғориш, на баликчилик учун ярайди), сув хўжалиги ходимлари ҳамон уни сақлаб қолишга интилмоқдалар. Бунинг учун Мирзачўл ва Жиззах чўлларининг барча коллектор-зовур сувлари, шунингдек Жанубий Мирзачўл каналининг ташлама сувлари ўша кўлга оқизилмоқда.

А. Турсуновнинг тасдиқлашича, Арнасой сув ташламаси орқали сув ўғринча ўтказиб юборилар экан. Бундай фикр нимага асосланади? Биринчидан, бу сув ташламасини 1986 йили у шахсан ўзи кузатган ва маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашиб, мазкур иншоотдан ҳар йили нормал фойдаланилаётганлигига, ҳалокатли ҳолат юз берганда сув чиқариб юбориладиган «дарвоза» эса маҳкамлаб қўйилганлигига ишонч ҳосил қилди; иккинчидан, Қозоғистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги мутахассислари Чордара сув омборининг сув балансини ҳисоб-китоб қилганларида ҳар йили салкам 200 миллион кубометр сув етишмаслигини аниқладилар; учинчидан, Арнасой чуқурлигининг шимоли-ғарбий қирғоғида суғориладиган ер участкалари самолётдан аниқ кўриниб туради; қувурлар орқали у ёққа сув олиб бориш кўп қимматга тушади, шунинг учун Арнасой суви билан суғоришади. Демак, бу сув етарлича чучук, бунга сув омборидан чиқарилган сувнинг, Арнасойнинг шўр суви билан аралаштирилиши орқали эришилади.

Кўриб турибмизки, Чордара сув омбори адолатсизлик, Сирдарё сувини ноинсофлик билан тақсимлаш объектигина бўлиб қолмай, балки сув ресурсларини тўғридан-тўғри талон-торож қилиш объектига ҳам айланиб қолди.

Амударё, Сирдарё ва Орол денгизи ҳавзаларида ишлаётган ёки қурилаётган сув омборлари асосий типларининг келтирилган қисқача характеристикасидан шундай хулоса келиб чиқадики, ўзани текисликда бўлган дарёларда ва суғориладиган майдонлардан олисда қурилган сув омборлари жуда кўплаб сувларнинг бекорга исроф бўлиши манбаларидир. Умуман олганда улардан йилига салкам 5 кубокилометр сув буғланиб кетади. Ҳозирги шароитда бу исрофгарчилик эмасми? Шуни эсдан чиқармаслик кераки, қурилган ва қурилаётган сув омборларининг кўпчилиги илмий-техникавий жиҳатдан етарлича даражада асосланмасдан, юқоридан берилган кўрсатмага биноан, енгил-елпи тайёрланган хулосалар асосида, қурилиш базаларини иш ҳажми билан таъминлаш, маблағларни

ўзлаштириш ва турғунлик даври раҳбарларининг инжикликларини қаноатлантириш учун қурилганди.

Эҳтимол, бундан буён буғланиш туфайли сув кам исроф бўладиган тоғ сув омборларини қуриш ҳисобига уларнинг тармоғини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Буғланиш ва фильтрацияда жуда кам сув исроф қилиниши нуқтаи назаридан ёндашилиб, мавжуд сув омборларининг иши самарадорлигини баҳолаш ҳам керак, албатта. Агар шунга эришилса, у ҳолда уларнинг айримларини тугатиш зарур. Ўзани текисликда бўлган дарёлардаги сув омборлари ва суғорадиган сув омборларида сувни кўпайтиришга хизмат қилмайдиган, лекин буғланишдан кўплаб сув исроф бўладиган кам сувли участкалардан воз кечиш лозим.

Ўзбекистон гидротехниклари ва ирригаторларининг бошқариладиган сув омборларига айлантириш мумкин бўлган ер ости табиий сув манбалари мавжуд бўлгани ҳолда кичик-кичик сув омборлари қуришга берилиб кетишларини ўринсиз деб ҳисоблаш керак. Бу манбаларни ўзлаштиришга кўп маблағ, қуришга узоқ вақт талаб қилинмайди, фойдали ер массивлари сув остида қолиб кетмайди, буғланишдан сув исроф бўлмайди ва ҳоказо.

Бошқа мамлакатларнинг, масалан, 30-йиллардан 60-йилларга қадар фақат ер ости сувларини ўзлаштириш ҳисобига ирригация ишлари олиб борилган АҚШ тажрибасини ўрганиш зарур. Бу ерда табиий ер ости сувлари мавжуд бўлган тақдирда ер устида сув омборлари қуриш мақсадга мувофиқ эмаслиги исботлаб берилган.

* * *

...Ҳа, Антарктида устидаги «озон бўшлиғи» ҳақида биз бугунги кунда жуда кўп ва тўғри гапиряпмиз. Аммо бундай бўшлиқ фақат осмону фалакдагина эмас. Ахир Шарқнинг бошқа мамлакатларида олтин запас сифатида авайлаб-асралаётган ва мевалари буйракни даволашда бебаҳо шифобахш бўлган ўриқзорларнинг ҳар йили кесиб юборилаётганлиги «озон бўшлиғи» эмасми? Ахир Амударё сувининг тозалигини таъминлаш анча арзонга тушишига ва самарали бўлишига қарамай кўплаб маблағ сарфланиб Туямўйин сув омборидан Қорақалпоғистон томонга жадал суръатлар билан водовод олиб борилаётганлиги «озон бўшлиғи» эмасми? Дарвоқе, шуни унутмаслик кераки, Туямўйин сув омбори сувининг сифати ҳам нормадагидан анча узоқдир. Ҳозирги пайтда Сўх ва Писком сув омборлари қурилиши атрофида қарама-қарши фикрлар айтилмоқда. Аммо маълумки, уларнинг қурилиши бирон-бир экологик ҳисоб-китобларсиз олиб борилмоқда. Серҳосил ерлар сув остида қолиб кетади, аҳоли бошқа жойга кўчирилади. Бизнингча, бу проблемалар бўйича умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш ҳозирда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундай «озон бўшлиқлари» етиб ортади.

Инсон қадим-қадим замонлардан буён Ерда яшаб келаётган бўлса-да, ҳеч қачон ҳозирги вақтдагидай она заминга зид ишлар қилган эмасди. Нега ахир айни бизнинг энг «маърифатли асри»мизда, чексиз имкониятлар мавжуд бўлган асрда бундай бемаъни ишлар амалга оширилиши керак экан?

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

ЯГОНА КЎП МИЛЛАТЛИ ИТТИФОҚ ДАВЛАТИ БЎЛГАН СССРни РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАСИ

«Миллий муносабатлар, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг актуал проблемалари» курсини ўрганувчи пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Совет давлатчилигининг ташкил этилиши ва амал қилишида бу давлатчиликнинг интернационалистик моҳиятини янада тўлароқ ифодалаш зарурати СССРдаги қайта қуришнинг муҳим проблемалари жумласига киради. Советлар мамлакати яшаб келаётган давр мобайнида кўп миллатли иттифоқ давлати составида халқларнинг миллий давлатчилигини барпо этиш ва ривожлантиришнинг жуда катта тажрибаси тўпланди. Миллатлараро муносабатлар масаласини, деб қайд қилинди XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида, совет кўп миллатли давлати ривожининг ҳозирги босқичи шароитида ҳам кўриб чиқмоқ: тажрибани умумлаштириш, барча қимматли нарсалардан фойдаланиш ва айни чоқда халос бўлиб олиш лозим бўлган нарсаларни аниқлаш керак.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. Улуғ Октябрнинг ғалабаси — социал ва миллий зулмни тугатишнинг ҳал қилувчи шарти.

2. СССРнинг ташкил топиши — ленинча миллий сиёсат тантанаси.

3. Халқларнинг амалдаги нотенглигини тугатиш.

4. СССР — ягона иттифоқ давлати.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ ҒАЛАБАСИ — СОЦИАЛ ВА МИЛЛИЙ ЗУЛМНИ ТУГАТИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ШАРТИ

Пропагандист ушбу масалани баён этишга ўтишдан аввал тингловчиларга шуни эслатадики, илмий коммунизм асосчилари миллий масалани ҳал этишни буржуазия ва помешчиклар ҳокимиятини тугатиш билан чамбарчас боғлаган эдилар, чунки худди ана шу синфларнинг хукмронлиги миллий зулмнинг социал негизини ташкил этади. «Бир индивидуумни иккинчи бир индивидуум эксплуатация қилиши йўқола борган сари, — деб ёзган эдилар Қ. Маркс билан Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести»да, — бир миллатни иккинчи бир миллат эксплуатация қилиши ҳам йўқола боради.

Миллатлар ичидаги синфлар антагонизми йўқолиши билан миллатлар ўртасидаги душманлик муносабатлари ҳам тугайди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. 1-том, Т., «Ўзбекистон», 1986, 125-бет).

Октябрдан анча аввал большевиклар Россиядаги барча миллат ва элатлар меҳнаткашлари социал ва миллий озодлик йўлида биргаликда ҳаракат қилишлари учун уларни жипслаштиришга интилдилар. Партия мамлакатдаги мазлум халқлар миллий-озодлик ҳаракатини ишчи ва деҳқонларнинг самодержавие буржуазия ва помешчикларга қарши кураши умумий оқимига йўналтиришга муваффақ бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси миллий зулмнинг социал илдизларини йўқотди, миллий нифоқ ва душманликни рад этди, миллатлар ва элатларнинг озодлиги ва тенг ҳуқуқлилигини эълон қилди, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги учун заминни тозалаб берди. Советларнинг II Бутун Россия съезди тантанали тарзда, Совет ҳокимияти «Россияда яшовчи барча миллатларга чинакам ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлаб беради» деб ишонтирди (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 35-том, 11-бет).

Ана шу съездда инсоният тарихида биринчи марта ташкил этилган ишчи ва деҳқонлар ҳукумати составида Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарлиги таъсис этилдики, у Советлар мамлакатидаги миллий жараёнларни тартибга солиб туриши лозим эди. Комиссарлик зиммасига автоном республикалар ва областларнинг бюджетларини муҳокама қилиш вақтида, шунингдек қонунлар чиқариш вақтида уларнинг манфаатларини ҳимоя қи-

лиш, майда миллатлар ҳуқуқларини муҳофаза этиш, автоном республикалар ва областлар ваколатларини бирлаштириш, БМИК ва РСФСР ХКС га янги автоном бирликларни ташкил этиш ҳақидаги таклифлар ва ҳоказолар билан кириш вазифалари юклатилган эди (Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарлиги 1924 йил апрелига қадар ишлади).

1917 йил 3 (16) ноябрда Совет ҳукумати «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси»ни эълон қилди, унда Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг асосий принциплари баён этилган эди. Орадан кўп ўтмай Халқ Комиссарлари Советининг «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаати чиқди. Унда, Октябрь социалистик революцияси Россия халқларини социал ва миллий зулмдан озод қилди ва уларнинг тенг ҳуқуқлар асосида ривожланиши учун барча шароитларни яратди, деб кўрсатилди. Мурожаатда мусулмонларнинг миллий ва маданий муассасалари, урф-одатлари ва дини эркин ва дахлсиз деб эълон қилинди, уларнинг ўз ҳаётларини қуришдаги тўла озодлиги гарантияланди; улар Совет ҳокимияти теварагида мустаҳкам жипслашишга даъват этилди.

Тилга олинган ҳужжатларда халқлар ўртасидаги муносабатларда принципиал янги сиёсат — уларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги сиёсати эълон қилинди; бу ҳужжатлар Россия миллий четка ўлкалари аҳолисининг синфий ўзлигини англаши ва сиёсий активлигини оширишда, уни Совет ҳокимияти томонига жалб этишда катта роль ўйнади, контрреволюция заминини кўпорди ҳамда империализм ва мустамлакачиликка зарба берди. Ана шу ҳужжатлар ҳамда партиянинг миллий масала бўйича программ йўл-йўриқлари асосида РКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати миллий-давлат қурилиши, халқларнинг ягона кўп миллатли давлатга ихтиёрий бирлашуви бўйича ишларни авж олдириб юбордилар.

В. И. Лениннинг пролетар революцияси ғалаба қилганидан кейин кўп миллатли давлатни ташкил этиш тўғрисидаги масалага оид қарашларининг эволюциясига қисқача тўхтаб ўтиш тавсия этилади. У 1917 йилга қадар социалистик бирликни ёқлаб ва бўлғуси Россиянинг федератив қурилишига қарши чиққан эди. В. И. Лениннинг федерацияга салбий муносабатда бўлишига буржуазияга қарши курашда турли миллатлар пролетарларининг бирлигини таъминлайдиган йирик марказлашган давлатнинг жуда катта афзаллиги сабаб бўлган эди. Аммо кейинчалик Ленин империалистик уруш сабоқларини ҳамда мамлакатдаги миллий муносабатлар проблемаларининг мураккаблигини ҳисобга олиб, федерацияга йўл қўйиш мумкинлигига тобора мойил бўла борди. 1917 йил майида у «Финляндия ва Россия» мақоласида «Россия пролетар-деҳқон республикаси билан ҳар қандай бошқа миллат республикаси ўртасида» қардошларча иттифоқ барпо этиш ғоясини аниқ ва равшан қилиб баён этди. «Бошқа халқларни великоруслар билан иттифоқ тузишга зўрлик йўли билан эмас, балки... чинакам ихтиёрий, чинакам эркин битишув йўли билангина жалб қилиш керак» (Тўла асарлар тўплами, 32-том, 8-бет).

Совет кўп миллатли давлатини қуриш тажрибасини ўзлаштириш жараёнида В. И. Лениннинг федерацияга бўлган қарашлари янада ривож топди. Бунда федерациянинг асосий хусусияти шу эдики, деб таъкидлайди пропагандист, у революцион пойдевор устида, пролетариат диктатураси базасида юзага келди. В. И. Лениннинг ғоясига кўра, ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлиликка асосланган совет федерацияси мамлакат турли миллатлари ва элатларининг бутун хилма-хил турмуши, маданияти ва экономикасини қамраб олиш, уларнинг миллий манфаатлари билан умумдавлат манфаатларини уйғун тарзда қўшиб олиб бориш имконини берар эди. У федерациянинг икки типи: мустақил совет республикалари федерацияси билан автономия асосидаги федерация ҳақида ғоят муҳим хулоса чиқарди. РСФСР иккинчи типга кирар эди. «Ягона иттифоқ давлатини барпо этишда РСФСР ҳал қилувчи роль ўйнади, — деб қайд этилди КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топишининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида, — унинг теварагида барча совет республикалари жипслашдилар. Биринчи кўп миллатли совет давлати бўлган РСФСР СССР Иттифоқининг тимсоли эди».

1918 йил 10 январда очилган Советларнинг III Бутун Россия съезди «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи халқ ҳуқуқлари декларацияси»ни қабул қилдики, унда бундай деб эълон қилинган эди: «Россия Совет Республикаси эркин миллатларнинг эркин иттифоқи асосида, миллий совет республикаларининг федерацияси шаклида тузилади». В. И. Ленин РСФСР барпо этилишининг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини тавсифлаб, Советлар съезди ёпилиши олдидан сўзлаган якунловчи сўзида шундай деган эди: «Мен қатъий ишонаманки, озод миллатларнинг турли-туман айрим федерациялари революцион Россия атрофида тобора кўпроқ уюша боради. Бу федерация ёлғончиликсиз ва зўрликсиз, батамом ихтиёрий суратда ўса боради ва бу федерация енгилмайди» (ТАТ, 37-том. 319-бет).

Шу муносабат билан пропагандистга Ўрта Осиё регионидаги ўша даврдаги миллий-давлат қурилиши ҳақида тингловчиларга сўзлаб бериш тавсия этилади.

Совет ҳукумати ўлка халқларининг давлат қурилишига жуда катта эътибор берди. Ана шу мақсадда 1918 йил кўкламида В. И. Лениннинг шахсий фармойишига биноан ўлкага Совет ҳукуматининг Туркистондаги Фавқулодда комиссари П. А. Кобозев, РСФСР Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссарлиги вакиллари О. Клевлеев ва Ҳ. Ибрагимов юборилди.

Уларнинг раҳбарлигида ўлканинг совет автономиясини барпо этиш борасида катта ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борилди. 1918 йил 30 апрелида Советлар V ўлка съезди РСФСР составида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисидаги тарихий қарорни қабул қилди.

Туркистон АССР Улуғ Октябрнинг фарзанди бўлиб, ленинчи миллий сиёсатни амалда рўёбга чиқариш намунаси бўлди, кейинчалик Ўрта Осиё халқлари миллий давлатчилигини барпо этишга асос солди. Бунда шуни таъкидламоқ лозимки, Туркистон АССР РСФСРда биринчи автоном республика эди.

Худди шу даврда мамлакатда миллий-давлат қурилишининг жўшқин жараёни бошланди. 1917 йил 11 декабрда Украина ССР ташкил топди, 1919 йил 1 январида Белоруссия ССР эълон қилинди. Шу вақтга келиб Болтиқбўйида Совет ҳокимияти ўрнатилди ва Эстония, Латвия ва Литва Совет Социалистик Республикалари ташкил этилди. РСФСР Халқ Комиссарлари Совети ва БМИК ленинча миллий сиёсатга ҳамда Октябрь декретларига амал қилиб, ташкил топган Совет республикаларининг мустақиллигини тан олдилар. Бироқ, 1919 йил баҳорида Болтиқбўйи республикалари ички контрреволюциянинг, Германия ва панлар Польшасининг бирлашган кучлари зарбаси остида барҳам топди.

Юқорида келтирилган фактлар, деб якун ясайди пропагандист, Совет ҳокимияти Россияда яшайдиган миллатлар ва элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини фақат эълон қилибгина қолмай, балки амалда рўёбга чиқарганидан ҳам гувоҳлик беради.

СССРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ — ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИ

Ушбу масала баёнини шундан бошламоқ лозимки, В. И. Ленин, Коммунистик партия Совет ҳокимияти ўрнатилган биринчи кунданоқ миллатларнинг ихтиёрийлик ва тенг ҳуқуқлилик асосидаги қардошлик иттифоқини барпо этишга интилдилар. В. И. Ленин бундай деб таъкидлаган эди: «Биз, миллатларнинг **ихтиёрий** иттифоқини, — бир миллатнинг иккинчи миллатга ҳеч қандай зўравонлик қилишига йўл қўймайдиган иттифоқини истаймиз, мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрийлик асосидаги келишувга асосланган иттифоқини истаймиз. Бундай иттифоқни бирданига амалга ошириб бўлмайди: бундай иттифоқни вужудга келтиришда, ишни бузиб қўймаслик учун, ишончсизлик туғдирмаслик учун, асрларча давом қилиб келган, помешчик ва капиталистлар зулми, хусусий мулк ва уни тақсим қилиш ҳамда қайтадан тақсим қилиш устидаги жанжаллар натижасида пайдо бўлган ишончсизликни йўқ қилиб юбориш учун, жуда ҳам сабр ва эҳтиётлик билан иш кўриш лозим» (ТАТ, 40-том, 50-бет).

Мамлакат халқлари ягона кўп миллатли иттифоқ давлатини бунёд этишга бирданига эмас, балки бир қатор ўтиш поғоналари орқали етиб келдилар. 1919 йил 1 июнда БМИК совет республикаларининг ҳарбий иттифоқини тузиш ва ягона қўмондонлик ҳақида, халқ хўжалиги советларини, транспортни ва меҳнат комиссарликларини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ҳарбий-сиёсий иттифоқ Советлар мамлакатининг интервентлар ва ички контрреволюция устидан тарихий ғалабасини таъминлаган ҳал қилувчи омиллардан бири бўлди.

1920—1921 йилларда совет республикаларининг федератив алоқалари кенгайди ва мустаҳкамланди. РСФСР, Украина, Белоруссия, Закавказье совет республикалари ўртасида икки томонлама шартномалар тузилиб, бу шартномаларда сўз ҳарбий кучларни бирлаштиришдан ташқари хўжалик ҳамкорлиги ҳақида ҳам борди.

Янги тарихий вазиятда, социалистик қурилиш кенг кўламда авж олган шароитда республикалар ўртасидаги алоқаларнинг илгариги формалари энди етарлича бўлмай қолди. Уларнинг янада мустаҳкам узоқ муддатли иттифоқи даркор эди. Бу иттифоқнинг ҳаётий зарурлигини В. И. Ленин чуқур асослаб берди: биринчидан, «совет республикалари мустаҳкам иттифоқ тузмаса» капиталистик қуршов шароитида уларнинг ҳаётини ҳимоя қилиб қолиш мумкин эмас; иккинчидан, «совет республикаларининг жуда мустаҳкам иқтисодий иттифоқи бўлмаса, империализм вайрон қилган ишлаб чиқарувчи кучларни тиклаш ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини таъминлаш мумкин эмас»; учинчидан, бундай иттифоқ умумий бир план билан ривожланадиган ягона социалистик хўжаликни барпо этиш имконини беради (ТАТ, 41-том, 182-бетга қаралсин).

Давлат алоқаларининг янги формалари дарҳол ишлаб чиқилгани йўқ. Украина, Белоруссия, Закавказье Федерацияси партия ташкилотлари халқ оммаси иродасини ифодалаб, 1922 йилда ана шу республикалар ва РСФСР ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солиш зарурлиги тўғрисидаги масалани қўйдилар. 1922 йил 10 августда РКП(б) Марказий Комитети Ташкилот бюроси ушбу масалани кўриб чиқиш учун В. В. Куйбишев раислиги остида комиссия тузди. Комиссиянинг топшириғига биноан И. В. Сталин «РСФСРнинг мустақил республикалар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида»ги резолюциянинг лойиҳасини тайёрладики, унга «автономлаштириш» ғояси — бу республикаларни автоном республикалар ҳуқуқлари асосида Россия Федерацияси составига киритиш асос қилиб олинган эди.

Мазкур лойиҳа республикалар компартияларининг Марказий Комитетларида, 1922 йил 23 ва 24 сентябрда эса — комиссиянинг ўз мажлисларида муҳокама қилинди. Сталин таклифини қувватлаш ғоят нисбий бўлди. Фақат Озарбайжон ва Арманистон компартиялари Марказий Комитетларигина ҳеч қандай писандаларсиз уни ёқлаб фикр билдирдилар. Белоруссия Компартияси Марказий Комитети республикалар ўртасидаги илгариги шартнома муносабатларини сақлаб қолишни афзал кўрди, Грузия Компартияси Марказий Комитети эса кўпчилик овоз билан бу таклифни умуман рад этди; Украина КП (б) Марказий Комитети уни муҳокама қилишга улгурмади.

В. И. Ленин касаллиги туфайли лойиҳани дастлабки кўриб чиқишда иштирок этмади. Аммо ҳатто унинг соғлиғи яхшилангандан кейин ҳам Сталин у билан суҳбатлар чоғида ушбу масалани кўтармади, бунинг устига В. И. Лениннинг фаол аралашувидан аввал ушбу масала юзасидан қарор қабул қилинишини жадаллаштиришга интилди. Владимир Ильичнинг илтимосига биноан 1922 йил 25 сентябрда унга Горкига Ташкилот бюроси комиссиясининг дастлабки лойиҳасини ҳам, уни муҳокама қилиш материалларини ҳам юборишди. В. И. Ленин ўзига юборилган ҳужжатларда марказлаштиришнинг қаттиқ формаларига ва уларни қабул қилиб бўлмайдиган даражада қисқа муддатларда турмушга оширишга интилиш тенденциясини пайқади.

Сталин билан узоқ суҳбатлашгач 26 сентябрда В. И. Ленин ишнинг қизғинлиги пайтида ўз таассуротларини якунлаб, РКП (б) МК Сиёсий бюроси аъзолари учун Л. Б. Каменевга хатида бундай деб таъкидлади: «Менимча, масала ғоят муҳим. Сталин бироз шошилиброқ иш кўради. Сиз (Сиз бир вақтлар бу иш билан шуғулланиш ниятида бўлгансиз ва ҳатто бироз шуғуллангансиз ҳам) яхшилаб ўйлаб кўришингиз керак; Зиновьев ҳам» (ТАТ, 45-том, 241-бет).

В. И. Ленин «автономлаштириш» ғоясига қарши қатъиян фикр билдирди, зеро бу ғоя мустақил республикаларнинг ва уларда яшайдиган халқларнинг ҳуқуқларини камситишга олиб келар эди. Владимир Ильич принципиал бошқача ёндашувни — мустақил республикаларнинг, шу жумладан РСФСРнинг ҳам, улардан ҳар бирининг тўла тенг ҳуқуқлилигини сақлаб қолган ҳолда, янги давлат бирлиги СССРга ихтиёрий бирлашувини таклиф қилди. «Биз, — деб уқтирган эди у юқорида эсга олинган хатида, — ўзимизни Украина ССР билан ва бошқалар билан тенг ҳуқуқли деб ҳисоблаймиз ва улар билан бирга ва тенг асосларда янги иттифоққа, янги федерацияга,— Европа ва Осиё Совет Республикалари Иттифоқига кирамиз» (ТАТ, 45-том, 241-бет).

В. И. Ленин ҳаддан ошиқ марказлаштиришга қарши огоҳлантириб, халқларни жипслаштиришнинг муқаррар шарти бўлмиш ҳар бир республиканинг суверенитетини ва мустақиллик атрибутларини мустаҳкамлаш зарурлигини ёқлаб чиқди. Тўла тенг ҳуқуқлилик, самимийлик, бир-бирини ҳурматлаш, дўстлик, қардошларча ҳамкорлик ва бир-бирини тушуниш — совет кўп миллатли давлатида миллатлараро муносабатлар, унинг фикрига кўра худди ана шуларга асосланиши керак.

Ленин қоидалари асосида РКП (б) МК Ташкилот бюроси комиссияси янги лойиҳани тузди. 1922 йил 6 октябрда РКП (б) МК Пленуми уни партия Марказий Комитетининг директиваси сифатида қабул қилди. Пленум қарорлари совет республикалари компартияларининг Марказий Комитетлари томонидан якдиллик билан маъқулланди.

1922 йил 30 декабрда Советларнинг I съезди Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топганлигини эълон қилди. Съезд таъкидладики, ССР Иттифоқи «тенг ҳуқуқли халқларнинг ихтиёрий бирлигидир, ҳар бир республиканинг Иттифоқдан эркин чиқиб кетиш ҳуқуқи таъминланган, Иттифоққа кириш ҳам мавжуд бўлган, ҳам келажакда вужудга келадиган барча Социалистик Совет Республикалари учун очиқдир...»

Машғулот пайтида шуни ҳикоя қилиш маъқулки, СССР Советлари I съездида РСФСР делегацияси составида Туркистон АССРнинг вакиллари, шу жумладан 17 нафар ўзбек ҳам бор эди. Суверен Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг мухтор вакиллари меҳмонлар сифатида съездда бўлдилар. Ана шу республикалар делегацияларининг раҳбарлари Қори Йўлдош Пўлатов (БХСР) ва Каримберган Жабборберганович Сафоев (ХХСР) съездда табрик нутқи сўзладилар. РКП (б) МК Ўрта Осиё Бюроси раиси Я. Э. Рудзутак ва Туркистон МИК раиси Иноғомжон Хидиралиев СССР МИК Президиумининг Конституцияни, МИК, ХКС, Меҳнат ва Мудофаа Совети ҳамда СССР халқ комиссарликлари ҳақидаги қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича коммиссияларининг пленум мажлисларида қатнашдилар. Туркреспублика вакиллари латиш Я. Э. Рудзутак, ўзбек И. Хидиралиев ва тожик А. Раҳимбоев мамлакатнинг бошқа кўзга кўринган партия ва давлат арбоблари билан биргаликда СССРни ташкил этиш тўғрисидаги Иттифоқ шартномаси ва декларацияни имзоладилар. Туркистон делегатлари мамлакатнинг олий қонун чиқариш органи бўлмиш СССР МИК составига ҳам сайландиларки, булар: И. Хидиралиев — Президиум аъзолигига кандидат, А. Раҳимбоев, А. Серғозиев, Т. Рисқулов — МИК аъзолари, Б. Дадабоев, Н. А. Паскуцкий ва Д. И. Манжара — ССР Иттифоқи МИК аъзолигига кандидатлар бўлдилар.

СССРнинг барпо этилиши ленинча миллий сиёсатнинг — тенг ҳуқуқли халқлар дўст-

лиги ва қардошлиги сиёсатининг тантанаси бўлди. Дунё картасида пролетар интернационализми принциплари асосида курилган, мақсад ва вазифалар муштараклиги билан бирлашган суверен миллатларнинг биринчи ихтиёрий иттифоқи бўлган янги типдаги кўп миллатли давлат пайдо бўлди. ССР Иттифоқининг ташкил топиши жамиятни социалистик асосларда қайта қуриш, барча совет республикалари экономикаси ва маданиятини юксалтириш, Совет давлатининг мудофаа қудратини ва халқаро позицияларини мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб берган ҳал қилувчи факторлардан бири бўлди.

Даставвал ССР Иттифоқига тўртта мустақил совет социалистик республикалари: РСФСР, Украина ССР, Белоруссия ССР ҳамда (Озарбайжон, Арманистон ва Грузиядан иборат) Закавказье Социалистик Федератив Совет Республикаси, шунингдек ўн учта автоном республика ва ўн олтита автоном область кирди. Миллий-давлат қурилиши авж ола борган сари мамлакатда янги-янги миллий совет республикалари барпо этилиб, улар ихтиёрий равишда ССР Иттифоқига кирдилар. Буни Ўрта Осиё республикалари мисолида кўрсатиш мумкин.

Ўлкада миллий-давлат чегараланиши натижасида 1924 йил 27 октябрда Туркманистон ССР билан Ўзбекистон ССР вужудга келди. Ўзбекистон ССР Советларининг 1925 йил февралида Бухорода бўлиб ўтган I съезди «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини ташкил этиш тўғрисида декларация» дан иборат тарихий ҳужжатни қабул қилдики, бу ҳужжат ўз миллий совет республикасини барпо этиш ва унинг ихтиёрий равишда тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиш ҳуқуқлари асосида ССР Иттифоқига кириш хусусидаги ўзбек халқининг хоҳиш-иродасини ифодалади. 1925 йил майида Советларнинг III Бутуниттифоқ съезди Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССРнинг ССР Иттифоқига киришлари ҳақидаги илтимосларини қондирди.

Автоном республикадан иттифоқдош республикага айланган Тожикистон ССР 1929 йилда СССР составига кирди. 1936 йилда Қозоғистон ва Қирғизистон Совет Социалистик Республикалари (улар ҳам шунга қадар автоном республикалар эди), шунингдек Закавказье федерацияси составидаги Озарбайжон, Арманистон ва Грузия ҳам ССР Иттифоқига қабул қилинди. 1940 йилда қардош иттифоққа Молдавия, Латвия, Литва, Эстония ва Карелия-Фин Совет Социалистик Республикалари қўшилдилар (50-йиллар охирида Карелия-Фин ССР АССР қилиб қайта ташкил қилинди). Совет халқларининг ССР Иттифоқида интернационал жипслашуви социалистик жамиятни барпо этишда уларнинг кучига куч қўшди.

М. С. Горбачев КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясидаги докладида шундай деб таъкидлади: «Буюк Иттифоқимизнинг ташкил этилишида асос бўлган ғоянинг ҳаққонийлигини ҳаёт тасдиқлади: куч-ғайратларнинг қўшилиши, бирлашиши ҳар бир миллатга ва умуман жамиятга ўз ҳаракатини кескин равишда жадаллаштириш, тарихий тараққиётнинг янги марраларига чиқиб олиш имконини берди. Йўлимизда учраган барча қийинчиликларга қарамай, бугунги кунда биз бу иттифоқ вақт синовидан ўтди, деб айта оламиз. Мазкур иттифоқ ҳамма халқларимизнинг бундан буёнги ривожланиши учун ҳал қилувчи замин бўлиб қолаверади».

ХАЛҚЛАРНИНГ АМАЛДАГИ НОТЕНГЛИГИНИ ТУГАТИШ

1917 йил Октябрига келиб, деб қайд этади пропагандист, мамлакатимиз халқлари социал-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётнинг турли босқичларида эдилар. Шу боисдан В. И. Ленин, Коммунистик партия чоризмдан мерос бўлиб қолган хўжалик ва маданий соҳадаги нотенгликни тугатишни социалистик қурилишни муваффақиятли олиб боришнинг зарур шарти деб билдилар. «Шундай қилмаганда, — деб қайд этилди РКП (б) XII съездининг миллий масала юзасидан резолюциясида, — ягона иттифоқ давлати доирасида халқлар ҳамкорлигини тўғри ва мустаҳкам йўлга қўйиш мумкин деб умид қилишга асос йўқ» (КПСС резолюциялари... 2-том, 460-бет). Ушбу вазифани ҳал этиш йўллари РКП(б) X съездида белгилаб берилган, партия XII съездида конкретлаштирилган эди.

Совет Иттифоқининг вужудга келиши ва ривожланиши унга кирган халқларнинг қардошларча дўстлиги, ўзаро ёрдами ва ҳар тарафлама ҳамкорлиги туфайли мумкин бўлди. Ишлаб чиқариш воситаларининг жамоат мулки эканлиги, социалистик давлатчилик, марксча-ленинча идеология, пролетар интернационализми, социализм ва коммунизм қуриш мақсад ва манфаатларининг муштараклиги, анча кўпроқ ривожланган совет республикаларининг, биринчи навбатда РСФСРнинг тараққиётда орқада қолган миллий республикаларга беғараз қардошларча ёрдами бунинг учун объектив асос бўлиб хизмат қилди. В. И. Ленин, Коммунистик партия бу ёрдамга ғоят катта аҳамият бериб, уни пролетар интернационализми кўринишининг актив ва конкрет формаси, ўтмишдан мерос бўлиб қолган мамлакат миллий чекка ўлкаларининг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатишни ва уларнинг социализмга ўтишини таъминловчи ҳал қилувчи шартлардан бири деб ҳисобладилар. РКП(б) XII съездининг миллий масала юзасидан резолюциясида қайд этилдики, «Иттифоқнинг қолоқ халқларига, уларнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан катта муваф-

факиятларга эришмоклари учун, рус пролетариатининг узоқ вакт давомида ҳақиқий ёрдам бериб туриши натижасидагина» халқларнинг амалдаги нотенглигини бартараф этиш мумкин (КПСС резолюциялари... 2-том, 459-бет). Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Ленин кўрсатмаларига, партия X, XII ва ундан кейинги съездларининг қарорларига амал қилиб, миллий республикалар экономикасини марказий индустриал районларга қараганда анча жадалроқ суръатлар билан ривожлантириб бордилар.

Мамлакат халкларининг амалдаги нотенглигини тугатиш борасидаги иш конкрет тарзда қандай олиб борилганлиги Ўрта Осиё республикалари мисолидан кўриниб турибди. Умумиттифоқ бюджетидан уларга ўша вакт нуктаи назаридан жуда катта маблағлар юбориб турилди. Чунончи, ана шу республикалар саноатига капитал маблағлар сарфлашнинг ўсиши биринчи беш йилликда умумиттифоқ кўрсаткичидан 31 процент, иккинчи беш йилликда 51, учинчи беш йилликда 93 процент юқори бўлди.

Ўзбекистонга, жумладан, кўп миқдорда нефть маҳсулотлари, тошкўмир, чўян, пўлат, бинокорлик материаллари, станоклар, электромоторлар, озиқ-овқат ва саноат моллари, қурилаётган завод ва фабрикалар учун машина-ускуналар келиб турди. Барпо этилаётган индустрия учун республикага малакали ишчи, инженер, техник кадрлар юборилиб турди. РСФСР, Украинанинг ва саноат жиҳатдан ривож топган бошқа республикаларнинг корхоналарида ишчилар синфининг миллий кадрлари: тўқимачилар, паровоз ва тепловоз машинистлари, пўлат қуювчилар, шахтёрлар тайёргарликдан ўтдилар. Урушдан аввалги беш йилликлар мобайнида Ўзбекистонда кардош республикалар ёрдамида 530 дан зиёд саноат корхоналари қурилди.

Республикамизда колхоз тузумини ва унинг моддий-техника базасини барпо этиш ҳамда мустаҳкамлашда ВКП(б) Марказий Комитетининг кўрсатмасига биноан Москва, Ленинград, Иваново-Вознесенскдан ва мамлакатнинг бошқа саноат марказларидан келган йигирма бешмингчи ишчилар фаол қатнашдилар. РСФСРнинг кўп районлари Ўзбекистонни оталиққа олдилар, бу ерга деҳқон хўжаликларини коллективлаштиришда ва энг муҳим қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этишни амалга оширишда, тармоқни техника билан қайта қуроллантиришда ишлаб чиқариш-техника ва маданий ёрдам кўрсатиш учун бригадалар юбордилар.

Дастлабки беш йилликлар мобайнида республикамизда иқтисодий қолоқликка асосан барҳам берилди. Ўзбекистон ССРнинг моддий ишлаб чиқаришида саноатнинг салмоғи 1940 йилда 70 процентни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги техника жиҳатидан тубдан ўзгарди. Урушга қадар республикада 22 минг трактор, 1,5 минг комбайн ва кўплаб бошқа қишлоқ хўжалик техникаси бор эди.

Маданиятни қайта тиклашда Ўзбекистонга мамлакат халқлари катта ёрдам кўрсатдилар. Россия Федерациясидан, бошқа кардош республикалардан бу ерга юксак малакали ўқитувчилар, олимлар, маданий-маърифий ходимлар, санъат арбоблари келдилар, дарсликлар ҳамда мактаб ва олий ўқув юртлари учун асбоб-ускуналар юборилиб турди. Айни чоқда туб ерли миллатлар намояндалари Москва, Ленинграднинг ва СССРдаги бошқа маданий марказларнинг олий ўқув юртларида таълим олдилар.

Коммунистик партия планли тарзда ташкил этиб турган совет халқларининг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги ўзбек халқининг ва мамлакатдаги илгари қолоқ бўлган бошқа халқларнинг тарихан қисқа муддат ичида капитализмни четлаб, социализмга ўтишида жуда катта роль ўйнади. Бунинг натижасида Лениннинг «қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин» (ТАТ, 41-том, 274-бет), деган башорати амалда тасдиқланди.

Социализм қурилиши давомида мамлакатнинг илгари қолоқ бўлган миллатлари ва элатларига иқтисодий ва маданий ёрдам кўрсатишда рус халқининг, унинг қаҳрамонона ишчилар синфининг роли катта.

Халқларнинг амалдаги нотенглигини тугатиш Советлар Мамлакатининг улкан ютуқларидан бири бўлди, деб уқтирар экан, пропагандист, кейинчалик кардош халқлар тараққиёти даражаси аста-секин тенглашиб борди ва ҳозирги вақтга келиб бу вазифа асосан ҳал этилди, деб таъкидлайди.

СССР — ЯГОНА ИТТИФОҚ ДАВЛАТИ

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи,— дейилган СССР Конституциясининг 70-моддасида,— социалистик федерализм принципи асосида миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари эркин равишда белгилашлари ва тенг ҳуқуқли Совет Социалистик Республикаларининг ихтиёрий бирлашувлари натижасида тузилган кўп миллатли бир бутун иттифоқ давлатдир.

СССР совет халқи давлат бирлигининг тимсоли бўлиб, биргаликда коммунизм қуриш мақсадида барча миллатлар ва элатларни жипслаштиради».

Эндиликда СССРда 15 та иттифоқдош республика, 20 та автоном республика, 8 та

автоном область, 10 автоном округ бор. У ёки бу миллий-давлат курилмаларига эга бўлган миллатларнинг вакиллари мамлакат аҳолисининг 98 процентини ташкил этади.

Географик шароитлардаги, аҳолининг сонидаги, миллий составидаги, тарихан юзага келган миллатлараро алоқалардаги тафовутлар каби сабаблар совет миллий давлатчилигининг хилма-хил формаларини белгилаб беради. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида халкларнинг социал-иктисодий тараққиётидаги бир хил бўлмаган даражалар ва бошқа баъзи бир факторлар ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

15 та иттифокдош республиканинг ҳар бирида аҳоли сони 1 миллион 556 мингдан тортиб (Эстония ССР) 145 миллион 311 минг кишига етади (РСФСР). Аҳолисининг сони жиҳатдан Ўзбекистон ССР РСФСР ва Украина ССРдан кейин учинчи ўринни ишғол қилади (аҳолиси 19 миллиондан зиёд). Ҳар бир республика СССР Конституциясига мувофиқ бўлган ўз Конституциясига, давлат байроғи ва гимнига, давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органларига, ўз қонунлари, миллий муассасалари ва тартиботларига эга бўлиб, булар аҳоли эхтиёж-талабларини тўла-тўкис қондиришга даъват этилгандир. Улар суверен совет социалистик давлатлари бўлиб, бу ССР Иттифоқи билан гарантияланади. Айни чоқда Совет Иттифоқига СССР Конституциясининг 73-моддасида санаб кўрсатилган ва республикалар компетенциясига кирмайдиган муайян ваколатлар бериб қўйилган. СССР Конституциясининг 77-моддасига мувофиқ иттифокдош республика ССР Иттифоқи ихтиёрига бериб қўйилган масалаларни СССР Олий Советида, унинг Президиумида, СССР Ҳукуматида ва ССР Иттифоқининг бошқа органларида ҳал қилишда қатнашади; ўз территориясидаги комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлайди, ана шу территорияда ССР Иттифоқи ваколатларини амалга оширишга кўмаклашади, СССР давлат ҳокимияти олий органларининг ва бошқармаларининг қарорларини турмушга оширади. Иттифокдош республика ўз ихтиёридаги масалалар бўйича иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини мослаштириб ва контрол қилиб туради. У шунингдек хорижий давлатлар билан муносабат ўрнатиш, улар билан шартномалар тузиш ҳамда дипломат ва консул вакилларини алмашиш, халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш ҳуқуқига эга. Мамлакат Конституциясининг 72-моддасида мустаҳкамланган ССР Иттифоқидан эркин равишда чиқиш ҳуқуқи иттифокдош республикалар суверенитетининг олий белгисидир.

20 та автоном республикадан 16 таси — РСФСР составида. Уларнинг аҳолиси 289 мингдан (Тува АССР) то 3 миллион 895 минг кишигачадир (Бошкирдистон АССР). Ўзбекистон ССР га кирувчи 1 миллион 139 минг аҳолиси бўлган Қорақалпоғистон АССР ана шу кўрсаткич бўйича мамлакат автоном республикалари орасида 8-ўринни ишғол этади.

Автоном ССР — совет социалистик миллий тузилмаси бўлиб, сиёсий автономия асосларида иттифокдош республикага киради ва давлатнинг барча белгиларига эгадир. У ўз Конституциясига эга бўлиб, бу Конституция унинг хусусиятларини ҳисобга олади ҳамда СССР Конституциясига ва ўзи составида бўлган иттифокдош республика Конституциясига мувофиқдир; у ўз территориясига эга бўлиб, бу территория унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас; у шунингдек давлат ҳокимиятининг олий органлари ва бошқармаларига эга. СССРнинг ва иттифокдош республиканинг компетенцияси доирасидан ташқарида автоном ССР мустақил равишда давлат ҳокимиятини амалга ошириб, ўз территориясидаги комплекс иқтисодий ва социал ривожланишни таъминлайди.

Мамлакатда иттифокдош ва автоном республикалар билан бир қаторда автоном областлар ва автоном округлар мавжуд. Автоном областлар аҳолиси 99 мингдан (Жанубий Осетия автоном области) то 547 минг кишигача (Хакасия автоном области), автоном округлар аҳолиси 21 мингдан (Эвенкия автоном округи) то 1 миллион 47 минг (Ханти-Манси автоном округи) кишигачадир. Автоном область ва округлар ҳақидаги қонун улар қайси иттифокдош республикага кирса, шу иттифоқ республика Олий Совети томонидан қабул қилинади.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи СССР барча халклари ҳамда ҳар бир миллат ва элатлари манфаатларини кўзловчи ягона бир бутун бўлган миллий давлатчиликнинг турли формалари системасидан иборатдир. Унинг Олий Советига 63 миллат вакили, иттифокдош ва автоном республикалар Олий Советларига —78, маҳаллий Советларга — 100 дан зиёд миллат вакиллари сайланган.

СССРга кирувчи республикалар, автоном область ва округлар аҳолисининг сонидан, территориясининг ҳажми ва социал-иқтисодий потенциалидан қатъи назар СССР Олий Совети Миллатлар Советида баб-баравар вакилларга эга бўлиб, бу Совет составида иттифокдош республикалардан 480 депутат (ҳар биридан 32 депутатдан), автоном республикалардан 220 депутат (ҳар биридан 11 депутатдан), автоном областлардан 40 депутат (ҳар биридан 5 депутатдан) ва автоном округлардан 10 депутат (ҳар бир округдан 1 депутатдан) бор.

Пропагандист Совет кўп миллатли иттифоқ давлатини ривожлантиришдаги шубҳасиз чиндан ҳам тарихий ютуқларни қайд этиб, тингловчилар эътиборини ана шу соҳадаги муаммолар ва зиддиятларга қаратиши лозим. Мисол тариқасида Тоғли Қорабоғ автоном

областидаги ва мамлакат бошка регионларидаги вокеаларни келтириш мумкин. Бу ўринда, жумладан, СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 28 ноябрида бўлиб ўтган мажлиси материалларидан, айникса М. С. Горбачевнинг унда сўзлаган нуткидан, шунингдек СССР Олий Советининг 1988 йил ноябри охири — декабрь бошида бўлиб ўтган навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси материалларидан фойдаланиш маъқул. Сессияда, маълумки Тоғли Қорабоғдаги аҳвол ва унга оид масалалар ҳакида депутатларнинг бир гурпасидан сўров тушди. Бу сўровга жавоб бериш учун КПСС МК ва СССР Олий Совети Президиумининг Тоғли Қорабоғ автоном областидаги вакили депутат А. И. Вольский чикиб сўзлади (унинг сўзи ва СССР Олий Совети кабул килган тегишли карор «Известия» газетасининг 1988 йил 2 декабрь сонида эълон килинган).

Машғулот вактида шуни хам уктириш лозимки, бутун-бутун халкларни — корейслар, Поволжье немислари, крим татарлар, карачайлар, чеченлар, ингушлар, балқарлар ва баъзи бошка халкларни мажбуран бошка жойларга кўчириш ҳамда уларнинг кўпларининг миллий давлатчилигини тугатиш шахсга сиғиниш даврида миллий сиёсатнинг ленинча принципларидан жуда жиддий ва кўпол равишда чекиниш бўлди.

Пропагандист шуни алоҳида таъкидлайдики, миллатлараро муносабатлардаги муаммолар конуний, конституцион, демократик асосда, барча совет халкларининг, бутун кўп миллатли Совет давлатининг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда хал килинмоғи лозим.

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси материалларида миллатлараро муносабатларнинг аҳволи чуқур анализ килинган, уларни кайта куришга оид амалий вазифалар белгилаб берилган, совет федерациясини демократик принциплар негизида кай йўналишда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш лозимлиги айтилган. Тингловчиларнинг эътиборини шунга каратмоқ лозимки, ўн биринчи чакириқ СССР Олий Советининг ўн иккинчи сессиясида Совет федерациясининг янги концепцияси — кучли марказ, кучли республикалар, деган концепция эълон килинди. Бу — федерализм хакидаги ленинча ғоянинг мантикан ривожлантирилишидир.

Хулоса тарикасида пропагандист, 1989 йил ўрталарида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб, у мамлакатда ҳозирги шароитдаги миллатлараро муносабатлар муаммоларини махсус равишда кўриб чикади, деб уктиради.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЕТ:

Ленин В. И. **Финляндия ва Россия.**— Тўла асарлар тўплами. 32-том, 4—8-бетлар.

Ленин В. И. **Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир.** — Тўла асарлар тўплами, 45-том, 399—406-бетлар.

Ленин В. И. **СССР тузиш тўғрисида. РКП(б) МК Сиёсий бюросининг аъзолари учун Л. Б. Каменевга хат.** — Тўла асарлар тўплами, 45-том, 241—243-бетлар.

РКП(б) нинг саккизинчи съезди. Россия Коммунистик партиясининг программаси. — КПСС... резолюция ва карорлари. Т., «Ўзбекистон», 1981, 2-том, 34-бет.

РКП(б) нинг X съезди. «Миллий масала соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида» резолюция. — Ўша жойда, 254 - 264-бетлар.

РКП(б)нинг XII съезди. «Миллий масала юзасидан» резолюция.— Ўша жойда, 454—463-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари.— Т., «Ўзбекистон», 1986, 60—61, 177—178-бетлар.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюцияси. — «Ўзбекистон коммунисти», 1988, 8-сон.

Горбачев М. С. **Октябрь ва кайта куриш: революция давом этмокда.** — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, 12-сон.

Горбачев М. С. **КПСС XXVII съезди карорлари кандай бажарилаётгани ва кайта куришни чукурлаштириш вазифалари тўғрисида.** КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида 1988 йил 28 июнда килинган доклад.— «Ўзбекистон коммунисти», 1988 йил, 8-сон.

Всемерное упрочение и развитие Союза ССР как единого союзного многонационального государства. — В кн.: Актуальные проблемы развития национальных отношений, интернационального и патриотического воспитания. — М., Политиздат, 1988, с. 110—127.

Тадқиқотчи нуқтаи назаридан

Партия ва совет жамияти тарихининг чинакам илмий, ленинча концепциясини ишлаб чиқишни қайта қуриш жараёнида тарих фанимиз олдида турган кўпгина проблемалар орасида энг актуал проблема дейиш мумкин. Ўтган йилнинг 11-сонида эълон қилинган Л. Гентшкенинг «Ўзбекистон Компартияси тарихини ишлаб чиқишда догматизмни бартараф этайлик» мақоласидан бошлаб журнал редакцияси республика Компартияси тарихига доир мунозарали масалаларни ва «оқ доғ»ларни муҳокама қилишга киришди. Ҳақиқатни излаш турли нуқтаи назарларни қиёслаш йўлидан бориши лозим — журнал ана шу принципга амал қилиб, мунозарани давом эттиради. Тақдим қилинаётган мақолада автор Туркистонда бир партияли система шаклланиши жараёнини кўриб чиқадики, бу масалада ҳали республика тарихчилари ягона фикрга келмаганлар.

М. МАЛИКОВ

ТУРКИСТОНДА БИР ПАРТИЯЛИ СИСТЕМАНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

ТУРКИСТОН ЖАМИЯТИНИНГ социал ва миллий хилма-хиллиги, ўлкада нопролетар аҳолининг жудаям устун даражада бўлганлиги 1917 йил февраль революциясидан сўнг бу ерда буржуа партиялари билан бир қаторда ўнлаб майда буржуа сиёсий партия ҳамда группалари пайдо бўлишига олиб келди. Эсерлар партияси улар ичида энг нуфузлиси эди. Муваққат ҳукумат органларини қўллаб-қувватлаган ушбу партияларнинг муросасозлик сиёсати омманинг норозилигини туғдирдики, бу партияларда сўл оқимларни юзага келтирди. Туркистон большевиклари улар билан яқинлаша бошладилар. Бу тактика Тошкентдаги сентябрь воқеалари пайтида айниқса яққол намоён бўлди. 1917 йил 12 сентябрда бўлиб ўтган ишчи ва солдатларнинг кўп минг кишилик митингида ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтиши, банк ва корхоналарни национализация қилиш ва ҳоказолар хусусидаги большевистик резолюцияни сўл эсерлар, эсер-максималистлар, интернационалист меньшевиклар ва анархистлар қўллаб-қувватладилар, уларнинг намояндалари Муваққат ревком составига кирдилар. Ўша куниёқ Тошкент Советининг ижроия комитети қайтадан сайланиб, ундан реакцион депутатлар чиқарилди ҳамда Муваққат ҳукуматнинг бир қатор гумашталари ўз лавозимларидан олиб ташланди. Шаҳардаги ҳокимият икки ҳафта мобайнида амалда ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети қўлида бўлди.

Майда буржуа демократларининг изчил бўлмасада большевиклар томонида туриб майдонга чиқиши контрреволюцияни заифлаштирди ва эсерлар билан меньшевиклар ўртасидаги ихтилофни янада чуқурлаштирди. Ўша кунлари сўл эсерларнинг Тошкент ташкилоти тузилди. Тошкентда меньшевиклар сафларида ҳам ташкилий жиҳатдан ихтилоф рўй берди. Ҳамма жойда бўлганидек, Туркистон майда буржуа партияларининг сўл қаноти ҳам Совет ҳокимияти учун кураш босқичида ишчилар, солдатлар, революцион кайфиятдаги интеллигенция ва деҳқонлардан иборат эди. Меҳнаткашларнинг ушбу категорияси сиёсий партиялар моҳиятини ҳали яхши тушунмасди, уларнинг кўплари меньшевик ва эсер-

---

МАЛИКОВ Миррози Галимович, тарих фанлари кандидати, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти КПСС тарихи кафедрасининг доценти.

ларнинг сафларига тасодифан ёки майда буржуа партиялари агитаторларининг таъсирида кириб қолган эдилар.

Большевикларнинг майда буржуа-демократик партиялар билан иттифоқи айниқса Октябрь революциясини тайёрлаш ва ўтказиш даврида янада мустаҳкамланди. Тошкентдаги қуролли қўзғолонга раҳбарлик қилувчи Ҳарбий-революцион комитетга большевиклар билан бир қаторда сўл эсерлар ва эсер-максималистлар кирдилар. Бу ҳол Совет Туркистонининг ҳукуматини тузишда асосий ролни ўйнаган эди. 19 ноябрда Советларнинг III ўлка съездида сайланган Туркреспублика Совнаркомига 5 большевик, 8 сўл эсер ва 2 эсер-максималист кирди. Туркистоннинг дастлабки халқ комиссарлари ўз социал аҳволларига кўра қуйидагилардан иборат эдилар: большевиклар — 4 ишчи, 1 темир йўл техниги; сўл эсер ва эсер-максималистлар — 2 ўқитувчи, 2 врач, 2 офицер, нотариус, чизмакаш, табелчи. Ўша вақтда большевиклар ўртасида давлатни бошқаришда иш тажрибасига эга бўлган кишилар оз эди, шу сабабли улар интеллигенциянинг ташаббускор намояндаларини Совет ҳокимияти органларини тузишга доир ишга жалб этдилар, улар асосан майда буржуа партияларига эргашар эдилар.

Шу тариқа Туркистонда большевик, сўл эсер ва эсер-максималистларнинг ҳукумат блоки ташкил топди. Максималистлар кўп ўтмай эсерларга қўшилиб кетди. Туркистондаги ҳукумат блоки марказдагидан шуниси билан фарқ қилардики, у анча барвақт ташкил топиб, кўпроқ яшади. Туркистон республикаси Совнаркомининг биринчи составида ўринларнинг атиги учдан бир қисми большевикларга тегишли эди.

Аввалига сўл эсерлар умуман олганда большевиклар билан келишиб ишлардилар. Туркистон сўл эсерлари партиясининг сиёсати ва тактикасини кўп жиҳатдан унинг Тошкент ташкилоти белгилаб берардики, унинг составида ишчи ва солдатлар кўп эди, уларнинг кўплари Советларнинг ўлка органларига кирган эдилар. Эсерлар партияси Бутун Россия МКнинг 1917 йил 22 декабрда большевиклар билан ҳамкорлик қилгани учун бу ташкилотни тарқатиб юбориш хусусида қарор қабул қилганлиги бежиз эмас. Лекин тошкентлик сўл эсерлар бунга бўйсунмадилар.

Большевиклар билан иттифоқ, революцион-демократик ўзгартишларда иштирок этиш сўл эсерларнинг меҳнаткаш омма ўртасидаги обрўсини кўтарди. Туркистон Советлари сафларида сўл эсер фракцияларининг сон жиҳатдан ўсишининг бошқа бир сабаби шуки, 1918 йил баҳорида бу партияга туб ерли аҳоли вакиллари жалб этила бошлаганди. Октябрь революциясидан сўнг ўша даврда иккинчи совет партияси деб ҳисобланувчи сўл эсерлар партиясига кўпгина ишчилар ҳам аъзо бўлиб кирдилар. Бу сўл эсерларнинг Совет ҳокимияти органларидаги позициясини мустаҳкамлади. Масалан, Тошсоветга апрелда (1918 йил) бўлиб ўтган сайловда сўл эсерлар депутатлик ўринларининг ярмидан кўпини олдилар.

Большевик ва сўл эсерларнинг Туркистондаги ҳамкорлигининг яна бир хусусияти шунда эдики, Совет ҳокимияти органларидаги энг муҳим лавозимларни ана шу партиялар паритет (тенг ҳуқуқлилик) негизида ишғол этган эдилар. Ўлка миқёсидаги паритет Туркистон Советларининг V съездида (1918 йил апрель охири) шаклланди. Бунда сайланган Туркистон МИК составига 18 большевик ва сўл эсер кирди, шу жумладан, туб ерли миллат кишиларидан 5 тадан вакил. Совнаркомга ҳар бир партиядан 7 тадан вакил, шу жумладан, туб ерли аҳолидан 2 тадан вакил сайланди. ТуркМИК ва ТАССР ХКС раислари қилиб большевиклар П. А. Кобозев ва Ф. И. Колесовлар, уларга ўринбосар қилиб сўл эсерлар сайландики, бу сўл эсерларнинг Компартиянинг раҳбарлик ролини эътироф қилганликларини кўрсатади.

Сўл эсерлар РСФСР ҳукуматидан чиқиб кетган даврдаги паритетлик — бу, Туркистон большевикларининг жиддий ён бериши эди. Бу тадбир кам сонли пролетариатнинг шаҳарнинг ярим пролетар қатламлари ва деҳқонлар билан иттифоқини мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқиб кўрилганди, сўл эсерлар улар ўртасида катта таъсирга эга эди. Бундан ташқари, юқорида таъкидланганидек, Туркистонда сўл эсерлар партияси сафида ишчилар ҳам бор эди.

Сўл эсерларнинг 1918 йил июлида Москвада бўлган исёни Туркистондаги партияларнинг ўзаро муносабатларига ҳам таъсир кўрсатди. Сўл эсерлар партияси Самарқанд бўлими комитетининг аъзоси Д. Луговсков матбуот учун мўлжал-

ланган баёнотида шундай ёзганди: «ана шу телбанамо сиёсат кўпларни сўл эсерлар партиясидан чиқишга ёки сўл эсерлар МКни маъқулламасликларини очиқ айтишга мажбур қилди». Перовск (ҳозирги Қизилўрда) шаҳрининг эсер-максималистлар группаси бу авантюрани кескин қоралаб чиқди. Сўл эерларнинг Чоржўй ташкилоти Бутун Россия МКни рад этишини эълон қилди ва Туркистон сўл эсерлар партияси МКга «Москвадаги чиқишга ўз муносабатини аниқлаб олиш» хусусида мурожаат қилди. Лекин Туркистон сўл эсерлари раҳбарияти томонидан бу борада расмий баёнот берилмади.

Сўл эсер активистлар Москвадаги ўз МКлари йўл-йўриқларини бажара бориб, Қизил Армиядаги қўмондонлик лавозимларини эгаллашга интилдилар. Ҳокимият органларидаги паритетдан фойдаланиб, улар область ва уездларга ўз вакилларининг фавкулодда комиссарлар сифатида тайинланишига эришдилар, булар эса большевикларни раҳбарлик лавозимларидан четлатишни ўзларининг асосий вазифалари деб билардилар.

Шундай қилиб, революцион-демократик ўзгартишлар босқичидагина иккала партия муваффақиятли ҳамкорлик қилган эди. Социалистик революция айниқса қишлоқда чуқурлашиб борган сайин сўл эсерларнинг Совет ҳокимияти сиёсатини ўтказишдаги иккиланишлари тобора кўпайди. Улар пролетариат диктатураси қўллаётган чораларга аста-секин қаршилик кўрсата бошладилар, бу эса ушбу партиянинг ўз ичида беқарорликни юзага келтирди. 1918 йил кузига келибоқ сўл эсерларнинг Совет ҳокимияти органларига паритетлилик асосида кириши иккала партиянинг оммага таъсир кўрсатишининг реал нисбатига мувофиқ келмай қолди. Паритет ўз умрини тугатди. «Сиёсий партияларнинг тенг шарт-шароитда ҳамкорлик қилишига йўл қўйиб бўлмайди,— деб ёзди Тошсовет органи «Наша газета».— Паритет ҳокимият тепасига учинчи партияни келтириши мумкин».

Туркистон Советларининг VI ўлка съездида (1918 йил 5—14 октябрь) ваколатларнинг тенг бўлишига барҳам берилди. Съездга 380 большевик ва 174 сўл эсер сайланди. Съезд иккала партия фракциялари ўртасидаги кескин кураш шароитида ўтди. Сўл эсерлар камбағаллар комитетлари тузилишига, ялпи мажбурий меҳнатга, Ленинга суиқасд қилингандан сўнг ва гражданлар уруши кучайиши муносабати билан Туркистон МИК 14 сентябрда эълон қилган қизил террор жорий қилинишига қарши чиқдилар, халқ хўжалигини бошқаришда ортиқча марказлаштиришга йўл қўймасликни ёқлаб чиқдилар.

Сўл эсерлар фракцияси съездга майда буржуа сиёсатини тиқиштиришга уринишларда мағлубиятга учрагач, съезд қарорларига қўшилмай ўзининг республика Совнаркомидан чиқишини эълон қилди. Туркистон ҳукумати биринчи бор фақат РКП(б) вакилларидан иборат қилиб тузилди. Туркистон МИКга 49 большевик ва 24 сўл эсер кирди.

Россияда бўлганидек, бу ерда ҳам сўл эсерлар ҳукумат блокини ўз ташаббуслари билан уздилар. Туркистон МИК большевиклар фракцияси шу муносабат билан қабул қилган декларацияда кўрсатиб ўтилганидек, «сўл эсерларнинг ҳукуматдан кетиши сўл эсерларнинг марказдаги хатти-ҳаракатларининг қайтарилишидир... Сўл эсерлар партияси Туркистонга Оренбург яқинидаги оқгвардиячилар хавф солаётган, интервентлар Асхобод томонидан босқинчилик қўлини узатаётган, республиканинг ичида Фарғонада контрреволюцион исён аланга олган... ғоят оғир вақтда масъулиятни ўз зиммасига олишга ноқобил эканлигини маълум қилди». Бу эса буржуа историографиясининг большевиклар сўл эсерларни мамлакатни бошқаришдан зўрлик билан четлаштирганди деган уйдирмасини яна бир бор рад этади.

Сўл эсерларнинг ТАССР ҳукуматидан чиқиши ҳали большевиклардан батамом ажралишни билдирмас эди. Иккала партия иттифоқи заифлашди, лекин у тугатилмаганди. Сўл эсерлар Советларда ўз фракцияларига эга бўлиб қолавердилар. Советларга қарши иккиланишлар асосан юқори доираларда юз берди.

Советларнинг VI ўлка съездидаги мағлубияти учун интиқом олишга интилиб, сўл эсерлар раҳбарияти партия аъзолари сонини кўпайтириш йўлини тутди, унга хоҳлаганларнинг ҳаммасини қабул қила бошлади. ТКП II съезди (1918 йил декабрь) делегатлари ўз чиқишларида сўл эсерлар партиясига қулоклар, савдогарлар, собиқ амалдорлар, офицерлар, полициячилар, Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган ва эътиқоди туфайли эмас, балки большевикларга наф-

рат туйғуси туфайли ушбу партияга ёзилаётган ҳар хил шубҳали шахслар ва саботажчилар кираётганлигини таъкидладилар.

Ишчиларнинг сўл эсерлар партиясига кириши деярли тўхтаб қолди. Улар ТКП сафига кира бошладилар, унинг аъзолари 1918 йил иккинчи ярмида партия ташкилий жиҳатдан шакллангандан сўнг 2 минг кишидан 16—18 минг кишига етди. Лекин ҳали ишчилар салмоқли ўрин тутган сўл эсерлар ташкилотлари оз эмас эди. Бу темир йўл корхоналари учун характерли бўлиб, улар Октябрь қуролли қўзғолонигача ва ундан сўнгги дастлабки ойларда пайдо бўлган эди. Лекин меҳнаткаш омма сўл эсерлардан юз ўгира бошлади, айни вақтда большевиклар таъсири орта борди. Натижада сўл эсерлар сафида ихтилофлар кучая борди.

1918 йил ноябрида Туркистон МИК сўл эсерлар фракциясининг 8 аъзоси Коммунистик партия сафига кириш тўғрисида ариза берди. Туркистон МИК аъзоси З. Печатников ўз партиясидан чиқиши сабабларини мана бундай изоҳлади: «Контрреволюция кучларига қарши ҳаёт-мамот кураши бормоқда, шу вақтнинг ўзида партиявий баҳслар авж олмоқда, бу ҳол эса Туркистонда ҳам Самара, Боку, Сибирь, Кавказдагидек (контрреволюциянинг ғалаба қилиши) аҳволга олиб келиши мумкин, ягона қудратли мушт бўлиб бирлашишимиз керак. Мен сўл эсерлар тактикасини маъқулламайман... Ягона жипслашган партия бўлиши керак». Туркистон МИК раиси В. Вотинцев бу баёнотни табриклаб, таъкидладики: «сўл эсерлар партиясидан унинг баъзи раҳбарларининг чиқиши факти индивидуал шахслар фикрлашининг самараси эмас. Оммадаги кайфият юқори доиранинг бўлиниб кетишига олиб келди... улар ортидан муайян группаларга ажралиш юз бермоқда».

Баъзи жойларда сўл эсерларнинг бутун-бутун ташкилотлар билан Компартияга кириши бошланди. Ўз партиясидан чиқиш ҳақида матбуотда берилган баёнот ҳамда РКП(б) программаси ва тактикасини тамомила эътироф этиш, большевиклар партияси кекса аъзоларининг тавсиялари уларни қабул қилиш учун зарур шартлар ҳисобланарди. Компартияга группа ва фракциялар тарзида қабул қилиш қарор билан тақиқлаб қўйилди.

Большевиклар айни чоқда сўл эсерларнинг Советларга қарши иккиланишларига қарши курашни кучайтирдилар. ТКП II съезди «уларни сиёсий партиянинг, бундан ҳам ёмонроғи, унинг бонапартча кайфиятдаги баъзи бир намояндаларининг кўр-кўрона қуролига айлантирмаслик мақсадида» сўл эсерларни Советларга ҳамда Қизил Армиянинг қўмондонлик лавозимларига чекланган тарзда киритишни ёқлади. ТКП II съездида сўл эсерлар партиясига муносабат ҳақидаги масаланинг муҳокама қилиниши бежиз эмас эди. Туркистоннинг бир қатор жойларида сўл эсерларнинг реакцион қисми большевикларга қарши курашнинг очиқ, ҳатто қуролли методларига ўта бошлаган эди.

Сўл эсерларнинг большевикларга қарши қаратилган хатти-ҳаракати Тошкентда контрреволюцион исён тайёрлаётган яшириниб ётган душманларни руҳлантириб юборди. Сўл эсерларнинг юқори доиралари, ўз навбатида, оқгвардиячиларнинг қўзғолони етилганлигидан хабардор бўлиб, большевикларни контрреволюционерлар қўли билан ҳокимиятдан четлатишга умид қилардилар. 1919 йил январида Закаспий фронтидаги позицияни ташлаб, Тошкентга қайтган сўл эсер Колузаев қўл остидаги отрядга алоҳида умид боғлаган эди. Январь ўрталарида сўл эсерлар активи ўз партияларининг VII ўлка съездида қатнашиш учун Тошкентга тўпланди.

1919 йил 19 январга ўтар кечаси Тошкентда оқгвардиячилар исёни бошланди. Уни бостириш учун сўл эсер Панасюк бошчилигида Муваққат революцион совет ташкил этилди. Қўшинлар қўмондонлиги ва штаб бошлиғилигига ҳам сўл эсерлар — Колузаев билан Домогацкий тайинланди. Исённи энди бошланган чоғидаёқ бостириш мумкин эди, лекин сўл эсерлар қўмондонлиги ишчилар билан қизил гвардиячиларни дарров ҳужум бошлашдан тўхтатиб, кутиб туришни афзал кўрди. Шунинг учун ҳам 14 Туркистон комиссарининг исёнчилар қўлида фожиали ҳалок бўлганлиги учун масъулият сўл эсерлар раҳбариятининг муайян қисми зиммасига тушади.

Фақат 20 январдагина меҳнаткашлар сўл эсерларнинг баъзи раҳбарлари хиёнат қилаётгани ҳақида шубҳалана бошлагач, улар фош бўлишдан хавфсираб исённи бостириш хусусида буйруқ бердилар, ўша куниёқ деярли бутун шаҳар озод қилинди. Шуни таъкидлаш керакки, кўпгина сўл эсерлар большевиклар ҳамда Со-

вет хокимиятининг бошка химоячилари билан бир каторда советларга карши исённи бостиришда фидокорона курашдилар. Лекин умуман олганда сўл эсерлар партиясининг ўша кунлардаги сиёсатини унинг реакцион юкори доираси йўналтириб турган эди.

Контрреволюциянинг Тошкентдаги исёни мехнаткашларда Совет хокимиятининг такдири учун жиддий ташвиш уйғотди. Сўл эсерлар партиясининг оддий аъзолари ўз рахбарларидан большевиклар билан келишиб ишлашни борган сари катъият билан талаб кила бошладилар. Бу партияда мехнаткашларнинг каттагина катлами борлигини хисобга олган большевиклар ушбу талабларни кўллаб-кувватладилар. «Ўрта демократия, майда буржуа демократияси хамма вакт иккиланади,— деб уктирди В. И. Ленин 1918 йилнинг охирида.— Бинобарин, агар у, тебранғич сингари, биз томонга оғган бўлса, уни кувватлаш керак» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 445-бет).

Большевикларнинг сўл эсерлар билан янгидан якинлашувини Туркистондаги мураккаб харбий-сиёсий ахвол, мехнаткашларни ички контрреволюцияга ва инглиз интервентларига карши курашга сафарбар этиш зарурати такозо этган эди. Ахолининг ва хатто кўпгина большевик рахбарларнинг сўл эсерлар бир кисмининг январь вокеаларида хоинона роль ўйнаганлигидан хабардор эмаслиги хам бунга имкон берди. Бир оз муддат хатто Тошкентдаги исённинг тезлик билан тормор этилиши сўл эсерлар кўмондонлигининг махорат ва активлик билан харакат килганлигининг натижаси бўлди деган ишонч хам пайдо бўлган эди. Сўл эсерлар партияси оз вактга бўлса хам шухрат козонди. Масалан, Тошкент Советига 1919 йил февралида ўтказилган сайловда сўл эсерлар 209 мандат олди, холбуки большевиклар 161 мандатга эга бўлдилар.

Гражданлар уруши сўл эсерлар партияси оддий аъзоларининг кўпчилиги учун жиддий сиёсий мактаб бўлди. Улар бундай шароитда кўп партиялилик Совет хокимиятини заифлаштиришига ишонч хосил кила бордилар, чунки синфий мухолифлар партияларaро курашдан контрреволюцион максадларда фойдаланишга интилардилар.

1919 йил феврали ўртасида Москвада сўл эсерларнинг янги фитнаси фош этилди. Бу хакдаги хабар жамоатчиликнинг сўл эсерлар партиясини Туркистонда хам тугатиш борасидаги талабини кенг ёйиш учун бир туртки бўлди.

Темир йўлчиларнинг II ўлка съезди (1919 йил 20—28 февраль) Туркистондаги сўл эсерлар партиясининг бундан кейинги такдирини белгилашда мухим роль ўйнади.

Ўша кунлари Бош (хозирги Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи) ва Бородин (Тошкент станциясининг тепловоз депоси) темир йўл устахоналарида сўл эсерларнинг коллектив равишда Компартияга ўтиши юз берди. Бу эса баъзи тарихчиларнинг Туркистонда сўл эсерлар рахбарлари большевиклар билан кўшилишнинг ташаббусчиси бўлди деган даъволари хато эканлигини кўрсатади.

МК аъзолари иштирокида 25 февралда бўлиб ўтган сўл эсерларнинг Тошкент шахар конференцияси темир йўлчилар съездининг партияларни бирлаштириш тўғрисидаги карорини коралаб, уни «сепарат ва токат килиб бўлмайдиган харакат» деб атади. Лекин сўл эсерларнинг Компартияга коллектив равишда кириш жараёнини тўхтатишга уларнинг рахбарлари энди кодир эмас эди. Темир йўлчилар съездидан сўнг февраль охирларида Тошкентда бўлиб ўтган почта-телеграф хизматчиларининг V ўлка съезди ва кон ишчиларининг IX ўлка съездида иккала партиянинг фракциялари бирлашди. «Кўшилиш хакидаги хабар хамма жойда кувонч хис-туйғулари билан кутиб олинди, темир йўлчилар адресига хар томондан табриклар юборилмокда. 27 февраль сўл эсерлар партиясини тантана билан дафн этиш куни бўлиб колди»,— деб таъкидланди темир йўлчилар съездида.

ТКП Ўлка комитети ушбу тенденцияни кўллаб-кувватлаб, 1919 йил марти бошларида сўл эсерларни Компартияга кабул килиш тартиби тўғрисида янги карор кабул килди. Революцион элементларни янада безиён ва тезрок бирлаштириш максадида, дейилади унда, «1) барча махаллий ташкилотлар ишчи ва дехконларни битта коммунистик партияга бирлаштириш йўналишида ёзма ва оғзаки агитацияни кучайтиришлари; 2) хозиргача сўл эсерлар партиясида аъзо бўлиб турган ишчилар ва кашшок дехконлар, кизил аскарлар учун тавсиялар ва бошка расмиятчиликларсиз партия эшигини кенг очиб кўйиш; 3) ўз синфидан узилиб колган бошка элементларга нисбатан мавжуд газетада хабар бериш ва тавсиялар усули-

дан фойдаланиш; 4) қўшилиш чоғида уни ифлослантирмаслик учун барча ярамас элементларни улоқтириб ташлаш керак».

Советларнинг VII ўлка съезди ишида (1919 йил 7—31 март) бу масала катта ўрин тутди. Съезд делегатлари орасида 250 большевик ва 70 сўл эсер бор эди. Сўл эсерларнинг кўпчилиги Тошкент билан биргаликда Сирдарё областидан вакил бўлган эди. Съезд очилиши арафасида Тошкентда сўл эсерлар активининг йиғилиши бўлиб, унда МҚнинг Компартия билан қўшилиш хусусидаги доклади муҳокама қилинди. Ушбу йиғилишда эндигина Москвадан қайтган РКП(б) МҚ Алоҳида Мувақкат комиссияси ва РСФСР ХКС аъзоси, таникли большевик П. А. Кобозев сўзга чиқди. У барча эсерларни Коммунистик партия сафига ўтишга чақирди. Шу муносабат билан республика бўйлаб берилган телеграммада шундай дейилганди: «Кобозевнинг нутқидан сўнг сўл эсерларнинг кайфиятига қараганда бирлашишни ҳал қилинган иш деб ҳисоблаш мумкин. Кичик бир группани ҳисобга олмаганда сўл эсерларнинг коммунистларга қўшилиши фараз қилинмоқда». Сўл эсерлар активининг йиғилишида 181 овоз ёқлаб ва 10 овоз қарши чиққан ҳолда Компартияга қўшилишга қарор қилинди. Туркистон Советлари VII съездининг сўл эсерлар фракцияси ана шу қарорга қўшилди.

1919 йил 20 мартда Туркистон сўл эсерлар партиясининг охирги, VIII съезди очилди, унда кўпчилик овоз билан (учдан икки қисми) сўл эсерлар партиясининг Компартияга кириши ёқланди. Лекин бирлашиш шартлари ва мақсадлари хусусида якдиллик йўқ эди. Қўшилганларнинг бир қисми партия оддий аъзолари кўпчилигининг кайфиятини ифодалаб, ўз партияларининг ғоявий, сиёсий ва ташкилий жиҳатдан барбод бўлганлигини англаган ҳолда РКП(б) программаси ва тактикасини сўзсиз эътироф этди. Лекин сўл эсерлар орасида Компартияга унинг сиёсий йўлини ўзгартириш умидида кирган амалпараст, душман унсурлар ҳам оз эмас эди. Туркистон сўл эсерлар партияси МҚ собиқ аъзоси И. Нагайбаков кейинчалик шундай деб ёзган эди: «Шуни таъкидлаш кераккн, қўшилиш хусусида жонбозлик қилганлар орасида бошқаларга қараганда коммунистлар партияси сиёсатига кўпрок даражада салбий муносабатда бўлган ва қўшилишга рози бўларкан, коммунистлар оммасига қараганда миқдоран анча катта бўлган сўл эсерлар оммаси партияда тўнтариш қилишга ва ўз сиёсатини ўтказишга муваффақ бўла олади деб ишонган кишилар ҳам бор эди».

ТКП II ўлка конференцияси сўл эсер ташкилотларининг большевистик ташкилотлар билан бирлашувини якунлади. Унинг 1919 йил 24 мартда қабул қилган қарори ТКП Ўлка комитетининг собиқ сўл эсерларни Компартияга коллектив равишда қабул қилиш ҳақидаги қарорини тасдиқлади. Сўл эсерларнинг партияда бўлиш вақти умумий партия стажига қўшиб ҳисобланди. Сўл эсерларнинг аъзолик карточкасини коммунистнинг партия билетига алмаштириш учун икки ҳафталик муддат белгиланди.

Туркистонда сўл эсерлар партиясининг тугатилиши омма ўртасида катта қониқиш уйғотди. Туркистон сўл эсерларининг муттасил раҳнамолари бўлиб қолган В. Черневский ва унинг уч ўғли сўл эсерларнинг Компартияга ўтишига қаршилик кўрсатгани учун ўз лавозимларидан четлатилди. Тошкент Советининг 1919 йил 13 мартда қабул қилинган қарорида шундай деб кўрсатилди: «Черневскийлар оиласи VII сессия Тошсовет президиуми, ижрокомидан чиқарилсин ва тилга олинган органларга киритилмасин... чунки бу оила партиянинг қўшилишига қарши пропаганда олиб борди ва бутун чоралар билан қўшилишга йўл қўймасликка ҳаракат қилди, ҳолбуки қўшилишни кенг ишчилар оммасининг ўзи талаб қилганди».

Сирдарё ва Фарғона областларида, Закаспий областининг совет районлари ва Туркистоннинг Амударё бўлимида сўл эсер ташкилотларининг тугатилиши ТКП II конференцияси қарори асосида, яъни уларни Компартияга коллектив тарзда қабул қилиш йўли билан олиб борилди. Еттисув областининг тўрт уездида (Верний, Пишпак, Тўқмоқ, Пржевальск) улар тарқатиб юборилди, хохловчилар эса Компартияга умумий асосларда қабул қилинди. Шу областнинг қолган учта уездида (Копал, Жаркент, Лепса) сўл эсерлар Компартияга коллектив тарзда қабул қилинди. Самарканд областида сўл эсер ташкилотларининг большевистик ташкилотларга қўшилиши ишчи, деҳқон ва қизил аскарларни коллектив тарзда, қолганларни эса шахсан қабул қилиш йўли орқали олиб борилди.

Компартияга социал ёт унсурлар кириб олиши мумкинлигини ҳисобга олиб,

ТКП II конференцияси 1919 йил 30 мартида партияни тозалаш ҳақида қарор қабул қилди. Унга мувофиқ ва РКП(б) VIII съезди қарорлари асосида республиканинг шаҳар ва уездларида революциядан олдин партияга кирган большевиклардан иборат тозалаш ва коммунистларни қайтадан рўйхатга олиш комиссиялари тузилди. Тозалаш ўтказилаётганда партияни улуғ давлат шовинистларидан халос этишга алоҳида эътибор берилдики, улар орасида собиқ сўл эсерлар кам эмас эди.

ТКПнинг социал составини яхшилашга доир кўрилган чоралар натижасида собиқ сўл эсерларнинг каттагина қисми партиядан ташқарида қолди. 1919 йил ноябрида В. Черневский Компартияга кирмаган ҳамда ундан ҳайдалган собиқ сўл эсерларни «сўл социалист революционерлар (боротьбист-максималистлар)-нинг Туркистон партияси»га бирлаштиришга уриниб кўрди. «Пролетариат диктатурасининг салбий томонларини очиб ташлаш ва унга Советлардаги меҳнаткашлар ҳокимиятини қарама-қарши қўйиш» аввалгидек унинг сиёсий платформаси бўлиб қолиши керак эди. ТКП Ўлка комитети бу уринишга зарба берди.

Бир оз вақт Туркистонда ҳаракат қилган бошқа сиёсий партиялар тарихда сезиларли из қолдирмади. Феодал-бой ва клерикал «Уламо», «Алаш» партиялари, буржуа-миллатчи «Шўрои Исломия» партияси ашаддий контрреволюцион фаолияти учун Совет ҳокимиятининг дастлабки ойларидаёқ тақиқланган эди. Советларга қарши фаолияти учун 1919 йил июлида «Дашнакцутюн» партияси тарқатиб юборилди. Майда буржуа партияларидан ёш хиваликлар партияси 1920 йил апрелгача, ёш бухороликлар партияси 1920 йил сентябригача яшади. 1920 йил охирида Тошкентда меньшевикларнинг кичик группаси мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар бор. 1919 йил январида Тошкентда бўлган советларга қарши исён бостирилганидан сўнг исёнга дахлдор бўлган ўнг эсерлар ташкилоти тарқаб кетди. 1920 йил охирида уни тиклашга беҳуда уриниб кўрилди. Эсер-максималистлар, халқ социалистлари, анархистлар, Поалей Цион (яҳудий миллатчилик партияси), Гнчак (арман миллатчилик партияси), Бунд ва бошқа майда буржуа партиялари ҳамда группалари 1918 йилда йўқ бўлиб кетди.

Барча майда буржуа партияларидан фақат сўл эсерлар партиясигина Октябрь революциясидан сўнг Туркистон ўлкасидаги демократик ўзгартишларда муайян прогрессив роль ўйнади.

Сўл эсер ташкилотларини асосан Компартияга коллектив тарзда қабул қилиш йўли билан уларни тугатиш Туркистонда партия қурилишининг хусусиятларидан бири бўлиб қолди. У меҳнаткашларнинг ягона пролетар партиясига эга бўлиш учун интилиши туфайли юзага келган бўлиб, бу талабни эътиборга олмаслик эса мумкин эмас эди. ТКП III съезди кўрсатиб ўтганидек, «ушбу масаладан қўл силташ партиямизни оммадан ажратиб қўйган, айрим группа ва шахсларга ўз эгоистик манфаатлари йўлида фойдаланиш учун имконият берган бўлур эди». Шу сабабли Ўлка комитети «ягона партия ташкил этиш учун қўшилишдан бошқа имкониятни кўрмади».

Дарвоқе, «қўшилиш» сўзи баъзи тарихчиларда актив эътирозни туғдирди. «Правда Востока» газетаси саҳифаларида 1987 йил 14 февралда эълон қилинган «Тарих фани проблемалари» мақоласида шундай дейилади: «Гўё сўл эсерлар большевистик ташкилотлар билан бирлашдилар деган даъвони хато фикр деб эътироф этиш керак. Бу — Туркистон партия тарихини сохталаштиришдир». Бошқача фикр, танқиднинг бундай тусда бўлиши, ҳар хил ёрлиқлар ёпиштириш партия тарихи фанининг кўпгина проблемаларида камчиликлар пайдо бўлишига кўп жиҳатдан имкон берган методлар ҳамон яшовчан эканлигини кўрсатади.

Мен ўз хулосаларимни қатъий деб ҳисобламайман, чунки ҳақиқатни монополия қилиб олишни фаннинг, айниқса тарих фанининг душмани деб биламан. Ушбу проблема билан қизиқадиган тарихчининг вазифаси қўшилишми ёки бошқа нарса бўлганми деб схоластик баҳс қилиш эмас, балки сўл эсерлар ёки бошқа партиянинг инқирози сабабларини очиб бериш, мамлакатимизда бир партияли система пайдо бўлишининг социал-сиёсий сарчашмаларини кўрсатишдир.

Албатта, сўл эсерларни коллектив тарзда қабул қилиш Туркистон Компартияси социал составининг ёмонлашувига таъсир кўрсатмай қолмади. Партия ташкилотлари жанговарлигининг вақтинча сусайганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин бир партияли системанинг пайдо бўлиши меҳнаткашларни жипсламти-

ришга, ишчи ва деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашга, ўлкадаги ички сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга ижобий таъсир кўрсатди. Бу эса ғоят муҳим натижадир, чунки фронтлар ҳалқаси ичида қолган Совет Туркистонининг ҳарбий-сиёсий аҳволи 1919 йил баҳорига келиб жуда ҳам оғирлашган эди.

Сўл эсерларнинг Компартияга ўтиши стихияли тарзда эмас ва принципиал ён беришлар йўли билан эмас, балки уларнинг РКП(б) Программаси, Устави, сиёсати ва тактикасини тамомила эътироф этишлари, собиқ сўл эсерларни Компартияга қабул қилиш шартлари ва тартиби хусусида бешта циркуляр хат нашр этган ТКП Ўлка комитетининг контроли остида содир бўлди. Қўшилиш Туркистон большевиклари тактикасининг мослашувчанлигини намойиш этган ташкилий тадбир, муроса қилиш формаси бўлди.

Туркистон Компартияси бу вақтга келиб, РКП(б) МК ва шахсан В. И. Лениннинг доимий ғамхўрлиги натижасида, сиёсий етук кадрларга эга эди, катта тажриба орттирган, ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган эди. 1918 йил охирида В. И. Ленин шундай деди: «Биз ҳозир етарли даражада кучли бўлиб олдик, шунинг учун ҳам ҳеч нимадан қўрқмаймиз. Биз ҳаммаларини ҳазм қила оламиз. Улар (майда буржуа партиялари — **М. М.**) эса бизни ҳазм қилолмайдилар» (ТАТ, 37-том, 446-бет).

Туркистон Компартияга бошқа партияларнинг аъзолари коллектив тарзда қабул қилинган ягона регион эмас эди. 1918—1921 йилларда РКП(б) га сўл эсерлар партиясидан ажралиб чиққан «Народник-коммунистлар» ва «Революцион коммунистлар», интернационалист меньшевиклар, «Максималистлар союзи», Бунд, Украин сўл эсерлари (боротьбистлар) кирдилар. 1920 йили Бухоро ва Хивада халқ революциялари ғалаба қилгач ёш бухоролик ва ёш хиваликларнинг бир қисми Бухоро ва Хоразм Компартиялари сафига қўшилди.

Гражданлар уруши давомида ва демократик ҳамда социалистик ўзгартишлар натижасида меҳнаткашлар Коммунистик партия сиёсатининг ҳақлигига ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилдилар, большевизм ғояларини қабул қилдилар ва бошқа партиялардан воз кечдилар. Большевикларнинг ленинчи партияси совет жамиятининг ҳамма эътироф этган ягона йўлбошчиси бўлиб қолди, унинг кўп йиллик революцион тажрибаси нафақат ишчилар синфининг, балки меҳнаткашлар бошқа қатламларининг ҳам манфаатларини ифодалаш учун унга имкон берди.

Умуман мамлакат миқёсида бўлганидек. Туркистонда ҳам бир партияли система пайдо бўлишининг тарихи билан танишиш СССРда кўп партиялиликни тиклашнинг зарурлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги хусусида ҳозир қўйилаётган масалани ҳам ойдинлаштиришга маълум даражада ёрдам бериши мумкин. КПСС Совет жамияти сиёсий системасининг ўзагидир. Шу муносабат билан партия пролетариат синфий жиҳатдан уюшқоқлигининг олий формасидир деган ленинча қоидани эслатиб ўтиш ортиқчалик қилмайди.

Кўп партиялиликни тиклаш тарафдорлари буни КПСС фаолияти устидан контрол ўрнатиш, унинг хатоларини тўғрилаш зарурлиги билан асослайдилар. Лекин аҳолининг турли социал қатламлари ва группалари манфаатларини ҳимоя қилиш учун албатта оппозициядаги партия ташкил этиш шарт эмас — кўп сонли жамоат ташкилотлари актив иш олиб бориши билан бу манфаатларни тўлиқ қондириш мумкин. Албатта, партияда кўп салбий жиҳатлар тўпланиб қолди, лекин КПСС XXVII съездидан сўнг ва КПСС Уставига асосланган ҳолда ички партия демократияси ва ошкоралик ривожлантирилмоқда. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси жанговарликни ошириш, партия раҳбарлиги ҳамда партия турмуши нормалари ленинча принципларини тиклаш ишига катта омил бағишлади. Партия комитетларини шакллантиришда сайлаб қўйиш системаси ўзгартирилди. Партияда амалга оширилаётган қайта қуриш, покланиш, коммунистлар аттестацияси, бюрократизмга қарши кураш, танқид ва ўз-ўзини танқидни барча даражаларда ривожлантириш партиянинг жамиятдаги обрў-эътиборини оширишга даъват этилган. «Бир партияли системада ҳам,— деб таъкидлади М. С. Горбачев XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида,— бизда шундай демократия таъминланадики, уни чет элда ўзини демократия намунаси деб тақдим қиладиган ёки шундай қилишни хоҳлайдиган бирон-бир кимса тушида ҳам кўрмаган».

Т. АЗИМОВ

ХАЛҚАРО ПРОЛЕТАРИАТНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ

III, Коммунистик Интернационал тузилганлигининг 70 йиллигига

ХАЛҚАРО революцион ҳаракат солномасига ишчилар синфининг ўз сафларини жипслаштириш учун, барча мамлакатлар пролетарларининг бирлиги ва интернационал бирдамлиги учун кураши ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб ёрқин саҳифалар битилган. Пролетар интернационализми ғояси илк маротаба илмий коммунизм ижодчилари К. Маркс билан Ф. Энгельс томонидан эълон қилинган ва назарий жиҳатдан асослаб берилган. Ушбу ғоянинг моҳияти «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган даъватда ёрқин ифодаланганки, бу даъват бутун дунё меҳнаткашлар озодлик ҳаракатининг байроғи бўлиб қолди.

1864 йилда К. Маркс билан Ф. Энгельс асос солган I Интернационал ишчилар халқаро ташкилотининг, пролетариатни жаҳон миқёсида социализм ва коммунизм тантанаси учун кураш йўлида бирлаштиришнинг пойдеворини қурди. I Интернационал тарихи — бу ишчилар ҳаракатига марксистик ғояларни сингдириш, илмий коммунизмга ёт бўлган оқимларни бартараф этиш тарихидир. Икки тенденция — революцион ва оппортунистик тенденциялар кураши I Интернационал бутун фаолиятининг ғоявий мазмунини ташкил этди.

1889 йилда Ф. Энгельснинг бевосита иштирокида юзага келган II Интернационал пролетар ҳаракатининг кенгайишига ҳамда турли мамлакатлар ишчилар партияси ўртасида алоқалар ўрнатилишига кўмаклашди. Аммо Ф. Энгельс вафотидан кейин II Интернационал лидерлари тобора кўпроқ оппортунизм botқоғига бота бошладилар, ишчилар аристократияси манфаатларини ифодалаб, халқаро пролетар ҳаракатига буржуа таъсирини ўтказувчиларга айландилар. Бу, пировард натижада, II Интернационалнинг шармандаларча инқирозига олиб келди.

XIX аср охири — XX аср бошида ишчилар синфи революцион курашининг маркази Россияга кўчди, Россия ленинизм ватани бўлиб қолди. В. И. Ленин империализм шароитида марксизмни ривожлантириб, пролетар революцияси ҳақидаги таълимотни янги-янги қоидалар ва хулосалар билан бойитди. У Ф. Энгельс ўлимидан кейин биринчи бўлиб II Интернационал оппортунизмига қарши кураш байроғини кўтарди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида кўпчилик Европа мамлакатларининг социалистик партияларида оппортунистлар ҳукмронлик қилар эди. Ана шу партияларнинг раҳбарлари ва рус меньшевиклари ўз мамлакатлари ҳукуматининг тарафида бўлдилар, ҳарбий кредитлар учун овоз бердилар, ўз давлатларининг милитаристик сиёсатини маъқулладилар. Улар эълон қилган империалистик урушда «ватанни ҳимоя қилиш» шиори, синфлар тотувлигини тарғиб этиш ҳамда уруш вақтида революцион ҳаракатлардан воз кечиш социал-шовинизм сиёсати эди, марксизмдан батамом алоқани узиш, ошкора буржуазия хизматига ўтиш билан тўғридан-тўғри пролетариатга хиёнат қилиш эди. В. И. Ленин ўша вақтда бундай деб қайд этган эди: «Социал-шовинизмнинг асосий ғоявий-

АЗИМОВ Тельман Ваҳобович, тарих фанлари кандидати, Ф. Энгельс номли Тошкент чет тиллар педагогика институти илмий коммунизм кафедрасининг доценти.

сиёсий мазмуни оппортунизм асосларига тамомила мувофиқдир. Бу — **айнан бир оқимнинг ўзгинасидир»** (Тўла асарлар тўплами, 26-том, 285-бет).

1914 йил августидаёқ В. И. Ленин «Европа урушида революцион социал-демократиянинг вазифалари» деган мақола ёзиб, унда большевистик партиянинг ана шу урушдаги тактикасини белгилаб берди. В. И. Ленининг уруш ва революция масаласи бўйича асосий йўл-йўриқлари барча мамлакатлар революционерлари учун ҳам ҳаракат программаси бўлди. Шу боисдан улар бутун дунё интернационалистларини бирлаштириш платформасидан иборат эди.

Большевиклар социал-шовинистларга қарши бешафқат кураш олиб бориб, айни чоқда ишчилар ҳаракатидаги сўл элементларни жипслаштирдилар. В. И. Ленин бундан ҳам аввалроқ, II Интернационалнинг Штутгарт (1907 йил) ва Копенгаген (1910 йил) конгрессларида жаҳон ишчилар ҳаракатининг сўл элементларини бирлаштиришга бир неча бор уриниб кўрди. Бироқ урушга қадар сўлларнинг халқаро бирлашмасини барпо этишга муваффақ бўлинмади, чунки Ғарбда улар ҳали оппортунистларнинг таъсиридан қутулиб олмаган, улардан ажралишда қатъият кўрсатмаётган эдилар.

В. И. Ленин бир неча бор таъкидладики, бўлғуси, III Интернационал революцион практика билан чамбарчас боғланган марксистик назария негизидагина барпо этилиши мумкин. У назария соҳасида ҳам, практика соҳасида ҳам оппортунизмдан тозаланиб олгандан кейингина ўзининг тарихий вазифасини бажара олади.

Большевиклар Ленин раҳбарлигида 1915 йилда Коммунистик Интернационални барпо этиш йўлида бир қанча амалий қадамлар қўйдилар, Швейцария, Германия, Франция, Швеция, Норвегия, Голландия, Болгария, АҚШ сўл социалистлари билан алоқалар ўрнатдилар ҳамда изчил пролетар сиёсатини ишлаб чиқишда уларга ёрдам кўрсатиб турдилар.

1915 йилда Циммервальд деган жойда (Швейцария) халқаро социалистик конференция бўлиб, унда 11 мамлакатдан 38 делегат қатнашди. В. И. Лениннинг ташаббуси билан 8 кишидан иборат Циммервальд сўл группаси ташкил қилинди. Конференциядан кейин бу группа Ленин бошлиқ бюрони сайлади ҳамда унинг раҳбарлигида революцион ишни авж олдириб юборди. Группа немис тилида «Даракчи» журналини нашр этди, унда В. И. Лениннинг мақолалари босилиб турди. Владимир Ильич Циммервальд конференциясига бағишланган «Биринчи қадам» деган асарида, у оппортунизмдан ғоявий ва амалий алоқани узиш томон бир қадам бўлди, деб уқтирди.

Циммервальд сўл группаси III Интернационални барпо этиш учун курашда асос бўлиб қолди. Конференциядан кейин Ленин бошчилигидаги сўлларнинг иши анча кенгайиб, бунинг натижасида капиталистик дунёнинг ҳамма мамлакатларида революцион ҳаракат кучайди — стачкалар, фронтда солдатларнинг биродарлашуви оддий ҳолга айланди. Барча мамлакатлардаги сўл элементлар ташкилий жиҳатдан группалар бўлиб расмийлашдилар, бу эса, ўз навбатида, бир томондан, социал-шовинистлар ва центристлар ўртасида, иккинчи томондан, сўл элементлар ўртасида ажралиш учун шароит яратди.

В. И. Лениннинг Апрель тезислари ва РСДРП (б) нинг VII (Апрель) конференцияси қарорлари III Интернационални барпо этиш учун курашда муҳим босқич бўлди. Ленин, большевиклар III Интернационал оппортунизмдан, социал-шовинизмдан холи бўлиши керак, деб ҳисобладилар. Аммо буни фақат Октябрь ғалабасидан кейингина амалга ошириш мумкин бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бутун дунёда революцион ҳаракатнинг ривожланишига қудратли куч бахш этди. Унинг жуда катта халқаро аҳамияти шундан иборатки, у марксизмнинг тантанасини, ленинизмнинг II Интернационал реформизми устидан ғалабасини билдирди. У революцион ишчиларнинг марксизм-ленинизмга интилишини кучайтирди. Бу билан Европанинг ва бошқа қитъаларнинг кўп мамлакатларида коммунистик партияларнинг юзага келиши учун қулай шароит яратилди.

1918 йилда Финляндия, Германия, Венгрия, Польша, Австрия, Греция, Аргентинада компартиялар ташкил этилди. Дастлабки коммунистик партияларнинг тузилиши Коминтернни ташкилий жиҳатдан шакллантиришни кун тартибига қўйди. II Интернационал лидерлари, социал-шовинистлар, центристлар уни

барбод этиш ниятида Бернда Халқаро социалистик конференция чақирдилар. Аммо коммунистик партияларнинг ҳаммаси Берн конференциясида иштирок этишдан бош тортди. Оппортунистларнинг уринишлари барбод бўлди.

Коминтернинг биринчи конгресси 1919 йил 2 мартда Москвада очилди. Унда 30 мамлакатнинг, шу жумладан Совет Россияси, Германия, Австрия, Венгрия, Польша, Финляндия, Франция, Болгария, АҚШ, Хитой, Кореянинг компартиялари ва сўл социалистик ташкилотлари вакиллари ҳозир бўлдилар. Бир қанча партиялар ва ташкилотларнинг делегатлари Совет Россияси гражданлар уруши фронтлари қуршовида бўлганлиги сабабли унга кела олмадилар.

В. И. Ленинннинг «Буржуа демократияси ва пролетар диктатураси ҳақида»ги доклади конгресс кун тартибининг марказий масаласи бўлди. Владимир Ильич капиталистик тартибларни қўриқлаётган буржуа сохта демократиясининг моҳиятини очиб ташлади, принципиал бошқача демократиянинг — пролетар, социалистик демократиянинг аҳамияти ва ролини кўрсатиб берди, пролетариат диктатурасининг эксплуататор синфлар диктатурасидан тубдан фарқ қилишини таъкидлади. У К. Каутскийнинг оппортунистик қарашларини ғоявий жиҳатдан тор-мор қилди, социал-шовинистларни ва центристларни фош этди. Конгресс иштирокчилари Ленин докладини якдиллик билан маъқулладилар. Бу эса янги Интернационал марксизм-ленинизмнинг мустаҳкам пойдевори устида юзага келганлигидан далолат берди.

Конгресс раҳбар орган — Коммунистик Интернационал Ижроия Комитетини сайлади. Коминтерн I Интернационални қуришга асос қилиб олинган ва II Интернационалда оппортунистлар томонидан бузилган демократик централизм принципини тиклади. Коммунистик Интернационал Ижроия Комитетининг қарорлари Коминтернга кирган барча партиялар учун мажбурий характерга эга эди.

Коминтернинг биринчи конгресси «Бутун дунё пролетарларига» Манифестини қабул қилди. Бизнинг вазифамиз, — дейилган эди Манифестда, — ишчилар синфининг революцион тажрибасини умумлаштириш, ҳаракатни оппортунизм билан социал-ватанпарварликнинг бузувчи қоришмасидан тозалаш, жаҳон пролетариати барча чинакам революцион партияларининг куч-ғайратини бирлаштиришдан иборатдир.

III, Коммунистик Интернационалнинг буюк асосчиси В. И. Ленин ўз устозлари К. Маркс билан Ф. Энгельснинг муқаддас орзусини рўёбга чиқарди. «Мен ўйлайманки, — деб ёзган эди Ф. Энгельс, — бундан кейинги Интернационал — Маркс асарлари бир неча йиллар мобайнида ўз таъсирини кўрсатгандан сўнг — соф коммунистик Интернационал бўлади ва айнан бизнинг принципларимизни эълон қилади» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 33, с. 538). Бу доҳиёна башорат тўғри бўлиб чиқди.

Халқаро пролетариат фарзанди бўлмиш III Интернационал ишчилар ҳаракатининг ривожланиши ва бир қанча мамлакатларда компартиялар тузилиши негизида дунёга келди. Коминтернинг барпо этилиши унинг теварагида революцион ёшлар ташкилотларининг жипслашувига кўмаклашдики, улар кўп вақт ўтмай Ёшлар Коммунистик Интернационалида бирлашдилар.

В. И. Ленин бошлиқ большевиклар партиясининг тарихий хизмати шундан иборатки, у марксча назариянинг софлиги учун, улуғ революцион таълимотни ижодий ривожлантириш учун ўз қаҳрамонона кураши билан барча мамлакатлар интернационалистларини жипслаштирди. Клара Цеткин Коминтернга асос солишда В. И. Ленинннинг ролини таъкидлаб, бундай деб ёзган эди: «У барча мамлакатлар ва замонларнинг энг улуғ, энг гениал реал сиёсатчиси ва революционери эди. Биз Коминтернга асос солганлиги учун энг аввало ундан миннатдор бўлишимиз керак».

Революцион ҳаракат жўш уриб юксалиб борган вазиятда 1920 йил июль-августида Москвада Коминтернинг II конгресси тўпланди, унда 37 мамлакат вакиллари ҳозир бўлдилар. Революцион кайфиятдаги омманинг таъсири остида бир қанча центристик партиялар ўзларининг II Интернационалдан чиқишлари ва Коминтернга қўшилишлари ҳақида эълон қилдилар.

II конгресс Коминтернни оппортунистларнинг суқулиб киришидан ҳамда уларнинг таъсиридан сақлаш мақсадида жуда муҳим ҳужжатни — «Коминтерн-

га қабул қилиш шартлари»ни қабул қилдики, уни В. И. Ленин ишлаб чиққан ва у тарихда «21 шарт» номи билан машҳур эди. Ленин олдида жуда жиддий вазифа — турли мамлакатлар ёш коммунистик партияларига ўтмишдан мерос бўлиб қолган ўз хатоларини тушуниб олиш ва уларни тузатишда ёрдам бериш вазифаси турди. У ана шу мақсадда ўзининг машҳур «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асарини ёздики, бу асар барча коммунистик партиялар учун ленинизм стратегияси ва тактикаси масалалари бўйича дастуриламал бўлиб қолди.

II конгресс Коминтерн Уставини қабул қилди, унда Коммунистик Интернационалнинг асосий вазифалари баён этилган, унинг ташкилий тузилиши принциплари белгилаб берилган эди. В. И. Ленин Коминтерн II конгрессининг аҳамиятига баҳо берар экан, уқтирган эдики, «I конгрессда коммунизм байроғи эндигина кўтарилган эди», II конгрессда эса «пролетар революциясининг илғор ҳаракчиларигина эмас, балки пролетар оммаси билан боғланган, мустаҳкам ва қудратли ташкилотларнинг делегатлари жипслашдилар» (ТАТ. 41-том. 205—206-бетлар).

1921 йил июнида бўлиб ўтган Коминтерн III конгресси уқтирдики, бутун бир тарихий даврда — янги, ҳал қилувчи жангларга тайёргарлик кўриш даврида компартияларнинг асосий стратегик вазифаси ишчиларнинг кўпчилигини, меҳнаткашлар кенг оммасини коммунизм томонига оғдириб олишдир. Конгресс тактика масалаларига алоҳида эътибор берди. У таъкидладики, компартиялар оппортунизмга қарши оғишмай курашиб, касаба союзларида омма билан алоқа боғлай олган, стачка жангларида ўз тактикасини конкрет вазиятга мослаштиришга ўргана олган тақдирдагина обрўли оммавий партиялар бўлиб қолишлари мумкин.

В. И. Ленин «Россия революциясининг 5 йили ва жаҳон революциясининг истиқболлари» докладини қилган сўнгги конгресс Коминтернинг IV конгресси эди (1922 йил ноябрь). Конгресс компартиялар зиммасига меҳнаткашларнинг ўз иқтисодий манфаатлари учун курашига бошчилик қилиш вазифасини юклади.

Коминтерн III ва IV конгрессларининг қарорлари Коммунистик партиялар томонидан анархо-синдикалистик ва сектантлик сарқитларининг бартараф этилишида жуда катта роль ўйнади. Улар компартияларнинг большевиклаштирилиши учун, халқ оммасини капитализмга ҳужум қилиш сари бошлаб бора оладиган обрўли оммавий ташкилотларга айланишлари учун замин яратдилар.

Коминтерн V конгресси (1924 йил июнь — июль) — халқаро коммунистик ҳаракатни троцкизм идеологиясига қарши очиқ-ошкора жанг томон йўналтирди.

Коминтернинг 1928 йил июль — сентябрда бўлиб ўтган VI конгрессида 57 мамлакат вакиллари ҳозир бўлди. Конгресс тарихий ҳужжатни — Коминтерн программасини қабул қилдики, унда халқаро революцион ҳаракат асосий оқимларининг — Ғарб ишчилар синфининг, мустамлака Шарқнинг ва СССРдаги пролетариат диктатурасининг фаолияти ҳар тарафлама умумлаштирилди. Конгресс халқаро ишчилар синфини фашизм хавфи кучайиб бораётганлиги ҳақида огоҳлантирди. Яқинлашиб келаётган империалистик урушга қарши кураш, Хитой революциясини ҳамда мустамлакалардаги миллий-озодлик ҳаракатларини ҳимоя қилиш асосий вазифа сифатида қўйилди.

1935 йил июль — августида 65 мамлакат вакилларининг иштирокида Коминтернинг VII конгресси бўлиб ўтди, у компартиялар учун янги тактик йўлни — фашизмга ва уруш хавфига қарши ягона халқ фронтини барпо этиш учун кураш йўлини ишлаб чиқди, мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатлар коммунистлари олдига антиимпериалистик халқ фронтини тузиш вазифасини қўйди. VI ва VII конгресслар ўртасидаги даврда капиталистик мамлакатларда коммунистлар сони 445 мингдан 785 минг кишига етди.

Компартиялар ва Коминтернинг сабот билан ишлаши иккинчи жаҳон уруши озодлик урушига айланишига, антифашист характер касб этишига ва демократия кучларининг фашизм устидан ғалаба қилишига олиб келди.

Бироқ тажриба шуни кўрсатдики, Гитлерга қарши коалицияга кирган капиталистик мамлакатларда фашизмга ва реакционерларга қарши курашиш учун тараққийпарвар кучларни бирлаштириш ва оммани сафарбар этиш Коминтерн доирасидан ташқарида ҳар бир айрим мамлакатнинг коммунистик партиялари

томонидан ҳаммадан кўра яхширок амалга оширилиши мумкин экан. Шунингдек гўё коммунистик партиялар мустакил равишда эмас, ўз халклари манфаатларини кўзлаб эмас, балки ташкаридан берилган буйрук бўйича иш олиб бормокдалар, деган буржуа бўхтонини узил-кесил фош этиш ҳам зарур эди. Ана шуларнинг ҳаммасига асосланиб ва Коминтерн ўз тарихий вазифасини бажарганлигини ҳисобга олиб, Коммунистик Интернационал Ижрокоми Президиуми 1943 йил майида Коминтернни таркатиб юбориш ҳакида карор кабул килди. Карорни барча коммунистик партиялар маъкулладилар.

Коминтерн муҳим тарихий роль ўйнади. Унинг хизмати шунда эдики, у турли мамлакатлар меҳнаткашлари ўртасидаги биринчи жаҳон уруши даврида социал-шовинистлар томонидан бузилган алокаларни тиклади ва мустаҳкамлади, марксизм-ленинизмни оппортунистларнинг бузишларидан ҳимоя килиб колди, ёш коммунистик ва ишчилар партияларининг ичдан туриб жипслашувларига кўмаклашди, раҳбар революцион кадрларнинг шаклланишига ёрдам берди. Бу билан ёш коммунистик партияларни марксизм-ленинизм заминида турган жанговар оммавий ташкилотларга айлантириш учун шарт-шароит яратилган эди.

М. С. Горбачев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган докладида шундай деб кайд килди: «Коминтерн — ҳаракатимиз буюк ўтмишининг бир кисмидир. Октябрь туфайли бунёдга келган бу ҳаракат интернационализм ва революцион кардошлик мактабигина бўлиб колмай, у интернационализмни меҳнаткашлар манфаатлари йўлидаги, миллатлар ва элатларнинг социал тараккиёти йўлидаги курашнинг амалий куролига айлантирди. XX аср чинакам шункорларининг гуруҳи, бутун планетадаги миллионлаб мазлумларнинг дардига шерик бўлган, уларнинг фарёдини эшитган ҳамда уларни курашга даъват этган, ўз бурчига содик ва ҳалол, юксак инсоний фазилатларга эга бўлган ва букилмас иродали мард кишилар ана шу ҳаракат сафларидан етишиб чикдилар».

Айни чокда шуни ҳам кайд этиш лозимки, Сталин шахсига сиғинишнинг салбий окибатлари Коммунистик Интернационалга, унинг кадрларига, унинг сиёсатининг бир канча жиҳатларига ҳам таъсир кўрсатди. 1937—1938 йилларда халкаро коммунистик ҳаракатнинг баъзи бир кўзга кўринган арбоблари, бир неча мамлакатларнинг компартиялари раҳбарлари троцкизмда, империалистик давлатлар фойдасига жосуслик-иғвогарлик фаолиятида айбланиб, репрессия килиндилар. Латвия Компартиясининг раҳбарияти таркатиб юборилди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги мураккаб вазиятда Польша Компартиясига унинг раҳбарияти синфий душманлар кўлига ўтди деган тўкиб чикарилган айб кўйилди. Ана шу асосда 1938 йил августида Коммунистик Интернационал Ижроия Комитети Президиуми Польша Коммунистик партиясини таркатиб юбориш ҳакида карор кабул килди. Польша Компартиясининг таркатиб юборилиши, Коммунистик Интернационал Ижроия Комитети орадан кўп вакт ўтмай уни тиклаш бўйича ташаббускор группани, сўнгра эса Вактинча раҳбар марказини ҳам барпо этганлигига карамай, мазкур мамлакатдаги ишчилар ҳаракатига каттик зарба берди.

1956 йил февралида Совет Иттифоки Коммунистик партияси, Польша Бирлашган ишчи партияси, Италия коммунистик партияси, Болгария коммунистик партияси, Финляндия коммунистик партияси Марказий Комитетларининг имзоси билан Баёнот эълон килинди, унда Польша Коммунистик партиясининг таркатиб юборилиши асоссиз эди, деб тушунтирилди.

«Халклар доҳийси»нинг диктати, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бир канча атокли арбоблари сиёсий ва жисмоний маҳв этилишига олиб келган репрессиялар, Сталинннинг сўл социалистларни социал-фашистлар деб баҳолашга уринишлари, Германия билан иккита шартнома — ҳужум килмаслик тўғрисида пакт (1939 йил 23 август) ҳамда чегаралар ва дўстлик ҳакида шартнома (1939 йил 28 сентябрь) — имзолангандан кейин эса бир канча немис коммунистларини тўғридан-тўғри Гитлер кўлига бериш бутун ижтимоий вазиятга таъсир килмай колмади. Равшанки, Коминтернннинг амалда Сталин позициясини акс эттирган карорлари фашистларга карши курашга зарар етказди.

Шундай бўлишига карамай, халкаро коммунистик ҳаракат ривожининг ижобий натижалари, унинг томонидан янги стратегиянинг ишлаб чикилиши иккинчи

жаҳон уруши даврида яққол намоён бўлди. Коммунистлар озодлик, антифашист курашнинг авангардида бордилар, Қаршилик кўрсатиш халқ ҳаракатининг ўзагини ташкил этдилар, омма орасида фашизмга қарши содиқ ва фидойи курашчилар сифатида шон-шуҳрат қозондилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ғолибона халқ-демократик революциялари авж олган мамлакатларда компартиялар амалда шу революцияларга бошчилик қилдилар, Коминтерн башорат қилганидек, мазкур мамлакатларнинг социализмга ўтишини таъминладилар.

Совет Иттифоқи ҳал қилувчи роль ўйнагани ҳолда Гитлер Германиясининг тор-мор этилиши фақат фашизмнинг ҳалокатинигина эмас, балки бутун империализмнинг жиддий равишда заифлашганлигини ҳам билдирар эди. Дунёда кучлар нисбати социализм фойдасига ўзгара бошлади. Европа ва Осиёнинг бир қанча мамлакатлари халқ-демократик революциялар натижасида капитализмдан холи бўлиб олди. Жаҳон социализм системаси ташкил топди. Миллий-озодлик революциялари авж олиб, империализм мустамлака системасининг яшашини хавф остига қўйди.

Коминтерн тарқатилиб юборилгандан кейин компартиялар ўртасидаги алоқаларнинг заифлашуви иккинчи жаҳон уруши тугаши билан дарҳол салбий таъсир кўрсата бошлади. Коммунистик партиялар бирликнинг ўзгариб кетган вазиятга ва янги вазифаларга мос бўлган янги формаларини излай бошладилар. 1947 йилда баъзи бир компартиялар вакилларининг Информацион кенгаши бўлди. Югославия, Болгария, Руминия, Венгрия, Польша, Совет Иттифоқи, Франция, Чехословакия ва Италия қардош партиялари имзолаган ахборотда Информацион бюро тузишга қарор қилинганлиги ҳақида хабар қилинди (у 1956 йил апрелигача ишлаб турди). «Партиялар ўртасида тажриба алмашувни ташкил этиш ва зарур бўлиб қолган тақдирда, ўзаро келишув асосида улар фаолиятини мувофиқлаштириб туриш» унинг вазифаси жумласига кирар эди. Информбюро қошида матбуот органи — «За прочный мир, за народную демократию» газетаси ташкил этилди. КПСС бошқа компартиялар билан икки томонлама алоқалар йўли билан мулоқот қилиб турди.

Кейинчалик халқаро коммунистик ҳаракат коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро ва регионал Кенгашлари каби янги ташкилий формаларни ишлаб чиқдики, улар орасида — 1957 йил (Москва), 1960 йил (Москва), 1967 йил (Карлови Вари), 1969 йил (Москва), 1975 йил (Гавана), 1976 йил (Берлин), 1980 йил (Париж) кенгашлари ва бошқаларни кўрамиз. Ана шу кенгашларда халқаро коммунистик ҳаракатнинг аҳволига баҳо беришга, янги тарихий шароитда коммунистлар курашининг стратегия ва тактикаси масалаларига оид муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Эндиликда коммунистик ҳаракатга бирон-бир марказдан туриб раҳбарлик қилиш ҳақида сўз йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир партия ўз сиёсий йўлини мустақил равишда ҳамда тамомила ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда белгилайди. Аммо бу ҳол умумий душманга қарши курашда улар ҳаракатларини жуда актив тарзда мувофиқлаштириб туришни истисно этиши у ёқда турсин, балки айниқса зарур қилиб қўяди.

Коммунистик ҳаракат хилма-хилдир. Аммо бу хилма-хиллик — пароқандаликка синоним эмас, худди шунингдек бирликнинг бир хиллик билан, бир хил партияларнинг бошқа партиялар ишига аралашуви билан, бирон-бир партиянинг ҳақиқатни фақат мен айтишим мумкин деган мавқега интилиши билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Турли мамлакатлар коммунистларини бирлаштирадиган асосий нарса бу — марксча-ленинча таълимот асосида янги реалликларга дадил, ижодий ёндашиш — синфий бирдамликдир.

Коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг интернационал ўзаро алоқалари жаҳон майдонида кучлар нисбатининг энг муҳим ва салмоқли омилларидан бири бўлиб қолди. Ана шу ўзаро алоқанинг заифлашувидан синфий душман, реакцион доиралар бутун ҳаракатга қарши, энг аввало унинг ҳозирги моментда империализмга асосий зарбани беришга қаратилган бўғинларига қарши фойдаланадилар. Интернационал бирдамлик — бутун коммунистик ҳаракатнинг мулки бўлиб, ундан ҳар бир партия ўтмишда фойдаланиб келди, ҳозир фойдаланмоқда ва ҳамиша фойдаланавериши мумкин. КПССга келганда, у ҳеч қачон бу бирдам-

ликни фақат бизнинг партиямиз учун фойдали бўлган бирон нарса деб, бир томонлама тушунган эмас. Интернационал бирдамлик барча коммунистларга даркор. Ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳозирги вақтда ҳар бир қардош партиянинг муваффақияти бутун коммунистик ҳаракатнинг олға босиши билан, социализм ва бутун тинчлик кучлари позицияларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқдир.

«Халқаро коммунистик ҳаракат, — деб уктирилди М. С. Горбачевнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» деган докладида, — жаҳон тараққиётининг ўзи, уни ҳаракатга келтирувчи кучлари каби довон ошмоқда. Компартиялар асрлар чегарасидаги чуқур ўзгаришларда ўзининг янги ўрнини изламоқдалар. Уларнинг интернационал ҳаракати эса янгиланиб, ишонч, тенг ҳуқуқлилик ва самимий бирдамликнинг ҳам янгиланган нормаларига нисбатан ҳурмат билан жипслашмоқда. Бу ҳаракат бошқа ҳар қандай революцион, демократик ва тараққийпарвар кучлар билан мулоқот учун, ҳамкорлик учун, баҳамжиҳат ҳаракат ва иттифоқ учун очиқдир».

Ҳозирги шароитда уруш ва тинчлик муаммоларини ҳал этмасдан туриб умуминсоний муаммолар ҳам, синфий муаммолар ҳам ҳал этилиши мумкин эмас. Ҳозирги кунда улар бир-бири билан ғоят чирмашиб кетган.

Ядро ҳалокати хавфига қарши, инсониятнинг омон қолиши учун актив курашга аҳолининг тобора кенг табақаларини жалб этиш йўли ана шу курашни ишчилар синфининг ўз мақсад ва манфаатлари учун кураши билан қўшиш имкониятини бериши лозим. Коммунистлар тинчлик учун курашчилар ҳаракатига бой сиёсий тажриба олиб кирмоқдалар ва, ўз навбатида, бошқаларнинг тажрибасидан баҳраманд бўлмоқдалар. Коммунистик дунёқарашга қўшилмайдиган ташкилотлар, ҳаракатлар, арбоблар билан ҳам алоқа ўрнатишга интилиш, дискуссиялардан қўрқмаслик, мухолифларнинг фикрини тинглай билиш — коммунистларнинг позицияси ана шундай.

Ана шу жиҳатдан Октябрь революциясининг 70 йиллиги муносабати билан Москвадаги юбилей тантаналарида иштирок этган партиялар ва ҳаракатлар вакилларининг учрашуви диққатга сазовордир. Бу чиндан ҳам нодир анжуман бўлди. Коммунистик ва ишчилар партияларининг 100 делегацияси, революцион-демократик партиялар ва миллий-озодлик ҳаракатларининг 40 делегацияси, социалистик, социал-демократик ва лейборист партияларнинг (шу жумладан Социалистик Интернационал делегацияси) 30 делегацияси, Ҳиндистон миллий конгресси, Финляндия Марказ партияси ва бошқа баъзи бир ташкилотлар делегациялари — Учрашувда вакиллари бўлган ижтимоий ҳаракат ранго-ранг манзараси ана шулардан иборат бўлди.

Коммунистик партиялар фикр алмашувларга, барча сўл демократик ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилишга жуда шай эканликларини тасдиқладилар. Ўз навбатида, социалистик, социал-демократик, лейбористик партияларнинг кўп вакиллари ҳам ҳозирги дунёни ва ўз ҳаракатини танқидий мушоҳада этиш жараёнида эканликларини, ўз программ ва сиёсий йўл-йўриқларини янгилаётганликларини қайд этдилар.

Шундай қилиб, Учрашув ҳозирги замоннинг муҳим сиёсий жиҳатини ёритди: халқаро демократик, прогрессив ҳаракатда тинчлик ва қуролсизланишнинг энг долзарб масалалари бўйича партиялар даражасида музокараларни авж олдириш учун жуда катта истиқбол очилмоқда. Ишчилар ҳаракатининг иккита асосий оқими — коммунистлар билан социал-демократлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун қудратли туртки берилди.

Ҳозирги пайтда ҳар бир сиёсий партия тинчликни сақлаб қолиш учун, халқлар ўртасида давримиз талабларига мувофиқ бўлган янги муносабатларни шакллантириш учун масъулдир.

КПСС пролетар интернационализми принципини оғишмай ва изчиллик билан ҳимоя қилиб келмоқда. Коммунистларнинг бирлиги, ишчилар синфи билан меҳнаткашларнинг интернационал бирдамлиги социализм позицияларини янада мустаҳкамлашнинг, ялпи тинчликни ва барча халқларнинг миллий мустақиллигини таъминлашнинг, демократия ва социализм учун муваффақиятли кураш олиб боришнинг муҳим шартидир.

ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРНИ яхши уй-жой билан таъминлаш — партия социал сиёсатининг устун йўналишларидан биридир. Эндиликда, маълумки, бундай вазифа қўйилган: ҳар бир совет оиласи 2000 йилгача қулай квартирали ёки шахсий уйли бўлиши керак.

Ўзбекистон ССРда уй-жой масаласи ғоят кескин бўлиб турибди: бутун мамлакат бўйича 1 кишига ўрта ҳисобда 14,9 квадрат метр умумий уй-жой майдони тўғри келса, республикада — 11 метр тўғри келади. Кейинги уч беш йиллик мобайнида бу ерда умумий майдони салкам 80 миллион квадрат метр бўлган 1,3 миллиондан кўп квартира ва шахсий уй қурилганига қарамай, қарийб 243 минг оила уй-жой олиш учун навбатда турибди. Тағин кўрсаткич муттасил ўсиб бормоқда — 1987 йилнинг ўзида у, масалан, 1,6 минг оилага кўпайди. Бунинг боиси эса, кўп жиҳатдан аҳоли тез кўпайиб бораётганидадир, албатта: мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, республикамиз аҳолисининг миқдори шу асрнинг охирига қадар 1987 йилдагига нисбатан 7,5 миллион кишига (деярли 40 процент) кўпаяди.

Аҳоли кўпайиши, эски ва авария ҳолатидаги уй-жойлар сафдан чиқиши ҳамда бир кишини уй-жой билан таъминлаш ўртача нормаси 14,8 квадрат метр умумий майдон даражасигача оширилиши ҳисобга олинган ҳолда тузилган «Ўзбекистон ССРнинг 2000 йилгача мўлжалланган комплекс уй-жой программаси»га мувофиқ 15 йил ичида (1986 йилдан эътиборан) 2 миллион 700 минг квартира ва шахсий уй қуриш, шунинг 1 миллион 500 мингтасини шаҳарларда ва 1 миллион 200 мингтасини — қишлоқ жойларда қуриш белгиланган. Бунинг маъноси шуки, республика уй-жой фонди 210 миллион квадрат метр, яъни 2 баравардан зиёд кўпайтирилиши керак.

Шуни қайд этиш лозимки, СССР бўйича ўрта ҳисобда давлат бюджети ҳисобига қуриладиган уйларнинг улуши 72 процентни, уй-жой-қурилиши кооперативлари ва якка тартибда уй қурувчиларнинг маблағлари ҳисобига қуриладиганлари 14 процентни ташкил этади. Ўзбекистонда эса давлат маблағлари ҳисобига — уйларнинг 47 процентн, якка тартибда уй қурувчиларнинг маблағлари ҳисобига — 43 проценти қурилади (ҳозир мавжуд бўлган Ўзбекистон ССР умумий уй-жой фондининг 65 процентдан кўпроғи шахсий уй-жойлар улушига тўғри келади).

Ҳозирги хўжалик юритиш, корхоналар тўла хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиши шароитида уй-жой қурилишига давлат бюджетидан капитал маблағ ажратиш ҳажми анча қисқартирилади. Ушбу маблағлар асосан ноишлаб чиқариш соҳаси (соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳоказолар) ходимлари учун, шунингдек кам таъминланган оилалар учун уйлар қуришга ишлатилади.

Уй-жой қурилиши умумий ҳажмининг 40 процентгача бўлган қисми эндиликда корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг фойдасидан социал фондларга ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилиши керак. Бу пулни ишлаб топиш керак бўлади, ишлаб чиқариш самарадорлиги анча оширилсагина бунинг иложи бўлади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур ҳолда уй-жой шароитларини яхшилаш ҳар бир ходимнинг меҳнат ҳиссасига бевосита боғлиқ қилиб қўйилган. Қилинажак ишлар кўламини қуйидаги рақамлардан билса бўлади: 2000 йилгача давлат бюджети ва корхоналар маблағлари ҳисобидан умумий майдони 113,6 миллион квадрат метр бўлган квартиралар қуриш кўзда тутилган, бу эса кейинги учта беш йилликдагидан 2,8 баравар кўпдир. Бунга қилинадиган сарфлар 26 миллиард сўмдан ошади.

Уй-жой программасининг ярмидан кўпроғи якка тартибдаги қурилишга тўғри келади. Бундаги имкониятлар қандай? Туб иқтисодий ислоҳотни рўёбга чиқариш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқариш рентабеллиги оша борган сайин меҳнаткашларнинг даромадлари ҳам ортади. Ҳисобларга қараганда, ҳозирги кунда республикамиз аҳолисининг товарлар ва хизматларга ҳақ тўлашга қодир талаб-эҳтиёжи 16 миллиард сўм даражасида, 2000 йилда эса у 31 миллиард сўмга етади. Бироқ ҳозир ана шу ҳажмдаги маблағнинг кўпи билан 3 проценти кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилишига сарфланмоқ-

да. Бундай аҳволнинг сабаблари маълум: қурилиш материалларининг чакана нархлари баланд, ассортименти тор, тегишли савдо ташкилотлари тармоғи ривожланмаганлиги ва ушбу материалларга ажратилган фондлар камлиги туфайли уларни якка тартибда уй қурадиганлар сотиб олишда қийналади, уларнинг манзилга етказиб берилиши мушкул, маҳаллий ва арзон материаллардан фойдаланишни кўзда тутадиган ва миллий анъаналарни эътиборга оладиган уйлар лойиҳалари йўқ. 1980 йилдан 1985 йилгача бўлган даврнинг ўзида шахсий уй бир квадрат метрининг ўртача қиймати 69 сўм, ёки 74 процент ошди.

Шунга қарамай, якка тартибда уй қурувчилар ўз қўллари ва пулларидан бошқа ҳеч нималари бўлмай туриб, юқорида айтиб ўтганимиздек, республикада уй-жойларнинг 43 процентини қурмоқдалар. Гап шундаки, якка тартибда қурилган уй айникса анъанавий равишда ерда яшашни ғоят ёқтирадиган туб ерли аҳоли учун кўп жиҳатдан ғоят қулай тураржой туридир. Бундай уй оила макони бўлиб, авлодлар алоқасини мустаҳкамлайди, инсонни табиатга яқинлаштиради, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун шароит яратади, ёшларга меҳнатсеварликни сингдиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон ССРнинг уй-жой программасида кўзда тутилган якка тартибда уй қуриш ҳажмларини ошириш ушбу жараённи бошқаришни зудлик билан яхшилашни тақозо этади. Зеро ҳозирга қадар якка тартибдаги қурилиш аслида ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Зотан, республикада у билан шуғулланадиган орган ҳанузгача йўқ.

Якка тартибдаги қурилишга ер ажратиб бериш масалалари ўз вақтида ҳал қилинмаяпти. Ахборот яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида уй қурувчилар учун қонунларда кўзда тутилган имтиёзлардан арзимас даражада фойдаланилади — кўпинча уй қурувчилар ушбу имтиёзлар ҳақида билмайдилар ҳам.

Якка тартибдаги қурилишларни мувофиқлаштириб бориш ва улар устидан назорат қилиш район ижроком раисларининг ўринбосарларига юкланган. Бироқ улар, одатда мутахассислар штати бўлмаганлиги, бундай қурилиш билан боғлиқ масалалар эса ўзига хос ва хилма-хил бўлиши туфайли ушбу вазифа билан шуғулланишга қурбилари етмайди. Шу боис қишлоқ жойларда шахсий уйларни кўпинча уларни қурадиганлар ўз билганларича, маҳаллий ҳокимият органлари вакилларининг иштирокисиз ва ғамхўрлигисиз қурадилар. Бунинг устига, якка тартибда уй қурувчилар учун мавжуд бўлган лойиҳалар асосан қиммат бўлади, пахса, хом ғишт каби маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишни кўзда тутмайди.

Одамлар бюрократик сансалорликдан тинкалари қуриб, ўзбошимчалик билан ер участкаларини эгаллаб, уй қуришлари каби ҳоллар талайгинадир. Қишлоқ посёлкаларининг анча қисми қурилиш бош планларига эга эмаслиги эътиборга олинса, буларнинг ҳаммаси ердан норационал фойдаланишга олиб келиши тушунарлидир.

Уй қуриш учун участкалар кўпинча ўтказилган коммуникациялардан анчагина узоқ жойдан берилади, инженерлик шохобчалари қуриш эса лозим бўлганидек уйлар қурилишидан олдин ва ҳатто бир вақтда эмас, балки ниҳоятда кеч планлаштирилади.

Бу проблемаларнинг барчасини тез ҳал этиш зарурати етилган. Жумладан, район архитектура бўлими базасида якка тартибдаги қурилиш масалалари билан шуғулланадиган, шунингдек уни пропаганда қиладиган ва якка тартибда уй қурувчиларни уларга бериладиган имтиёзлар билан таништира борадиган орган ташкил қилиш мумкин. Бу орган уй қурувчиларнинг иморатлар нархи, уларнинг жойлаштирилиши, у ёки бу материалларнинг қўлланилиши борасидаги талаб-эҳтиёжларини эътиборга оладиган типовой кўп вариантли лойиҳа ҳужжатлари тўпламига эга бўлиши, шунингдек шахсий уйлар лойиҳаларини тайёрлашда, бутун керакли ҳужжатларни, ер участкалари ажратиб беришни расмийлаштириш билан шуғулланиш, лойиҳанинг амалга оширилиши устидан назорат қилиши ва қурилиш тугагач, уйни қабул қилиб олишда қатнашиши керак. Шу органнинг ўзи қурилиш материалларини сотиб олиш ва етказиб беришда, қурилишни керакли машиналар ва механизмлар билан таъминлашда кўмаклашиши мақсадга мувофиқдир. Уй пудрат усулида қурилса ҳам шу орган пудратчи ташкилот билан тузиладиган шартномани расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиши мумкин бўлур эди.

Ўйлаймизки, бу хизмат органи хўжалик ҳисоби асосида ишлаши керак. Санаб ўтилган масалалар билан шуғулланадиган кооперативлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистонда якка тартибдаги уй қурилишини асосан уй қураётган одамнинг ўзи, кўпинча деҳқон одам олиб боради, шу боис иморат сифати паст бўлади ва уларни қуриш узоққа чўзилади. Шу сабабли шахсий уйлар қурилишнинг пудрат ва хўжалик ҳисоби усуллари тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Пудрат усули давлат пудрат ташкилотлари ва Узагропромстрой ташкилотларини жалб этишни кўзда тутади. Кейингилари, масалан, барча ёрдамчи иморатлари, ташқи ва ички инженерлик шохобчалари бўлган, бир ойда ободонлаштириладиган яхлит уй қурадилар. Лекин қўшимча харажатлар улуши катта эканлиги уй қуриш бу усулининг кенг ёйилишига тўсқинлик қилмоқда. Чунончи, Боёвут районидаги В. И. Ленин

номли колхозда 2-Сырдарьяоблагропромстрой бирлашмаси битта уйни курганда умумий курилиш ишлари киймати 12,3 минг сўмни ташкил этади, кўшимча харажатлар ва бошка сарфлар уларнинг кийматини 19,7 минг сўмга етказади, яъни 60 процентдан зиёд оширади. Чораси — махаллий бинокорлик материалларини кенг кўлланиш, корхоналар, колхозлар кучи билан кичик-кичик ғишт заводларини барпо этишдадир. Хоразм областида шундай килиниши яхши натижалар берди.

Якка тартибда уй курадиганлар учун киймат жихатидан иккинчи усул — хўжалик усули нихоятда макбулдир, у якка тартибда уй курадиган киши ишлайдиган корхона, колхоз ёки совхоз кучларини жалб этишни кўзда тутади. Афсуски, корхоналар ва хўжаликлар ўз ходимларига шундай ёрдам кўрсатиш борасида ўзларига бериб кўйилган кенг имкониятлардан тўла фойдаланмаяптилар. Албатта, бу кўплаб кўшимча ташвишлар — кадрларни танлаш, моддий-техника ва ташкилий масалаларни хал этиш билан боғликдир. Лекин уй-жой проблемасини хал этиш корхонада кадрлар ўрнашиб колишига эришиш, баркарор мехнат коллективларини вужудга келтириш, ишлаб чикаришдаги маънавий-психологик иклимни яхшилаш экани хисобга олинса, мазкур ташвишларни зиммага олса арзийди. Масалан, Шаркий Козоғистон областидаги якка тартибда уйлар куриш тажрибаси шундан далолат бермокда. У ерда шундай уйлардан иборат посёлкалар куриш комплекс тарзда олиб борилмокда, ер участкалари аввал бошданок микрорайонларга мўлжаллаб ажратилади. Инженерлик шохобчалари, йўллар, савдо, социал-маданий-маиший объектлар курилиши пай асосида олиб борилмокда. Чунончи, Усть-Каменогорск кўрғошин-рух комбинатининг шахсий уйлар курилган «Металлург» посёлкасида тез орада иккита мактаб, 1150 ўринли бешта болалар боғча-яслилари, 300 та ўринли ошхоналар, магазинлар, почта, омонат кассаси, алока узелини ишга тушириш кўзда тутилмокда. Бу объектлар курилишини пул билан таъминлашда «Алтайсвинецстрой» тресги, уйсозлик комбинати ва бир катор бошка ташкилотлар катнашмокда. Ўн иккинчи беш йилликда кўрғошин-рух комбинати жами 143 минг квадрат метр уй-жой куради, шунинг 92 минг квадрат метри якка тартибда курилади.

Уйларнинг нихоятда кулай ва шинамлилиги, водопровод, канализация, марказий иситиш системаси, томорка хўжалиги юритиш имконияти борлиги туфайли одамлар якка тартибдаги курилишга кизикмокдалар. Ер участкалари ажратиш, ссудаларни, лойиха-смета хужжатларини расмийлаштириш, пулли хизматлар кўрсатиш, курилиш материаллари билан таъминлаш юмушларининг хаммасини корхоналар ўз зиммасига олиши хам катта роль ўйнамокда.

Областдаги курилиш майдончаларида техника ва механизмлар прокат пунктлари бор. Курилиш тажрибасини эгаллаш курслари ташкил этилган. Уй курадиганларнинг хохишига караб уларга уй куришга кулай пайтларда отпуска берилади. Ходимлари якка тартибда уй кураётган корхоналарнинг рахбарлари уй-жой курилиши хакида коллектив олдида хисобот бериши хам мухимдир.

Ўзбекистонда хам, масалан, Чирчикдаги «Промтехмонтаж» бошкармасида, Самарканддаги «Красный двигатель» заводида, Олмаликдаги В. И. Ленин номли кон-металлургия комбинатида, Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чикариш бирлашмасида хўжалик усули кўлланилмокда, лекин хали Козоғистондагичалик муваффакиятли тарзда кўлланилаётгани йўк.

Яна шуни айтиш мумкинки, хали етарлича ёйилмаган курилиш формалари дуруст натижалар бермокда. Мехнаткашларнинг шахсий жамғармаларини оборотга жалб килиш — улардан бири. Хозирдаёк давлат курилиш ташкилотларининг маиший хизмат муассасалари билан хамкорлиги тажрибаси бор: биринчилари умумий курилиш ишларини бажаради, иккинчилари эса ахолининг пул маблағларини жалб килиш асосида пардозлаш ишларини амалга оширади. Шу билан бирга уй-жойларни ишга тушириш суръати жадаллашибгина колмай, балки одамларнинг хоналарни жойлаштириш, квартираларни пардозлаш, жихозлашдаги шахсий талаб-эхтиёжлари хам хисобга олинади. Бу эса, бошка жихатларидан ташкари, курилиш материалларини тежаш имконини беради. Зеро, кўпинча одамлар янги уйга кўчиб киргач ундаги кўп нарсани ўз дидларига кўра ўзгартирадилар.

Шуни хам эслатиб ўтиш keракки, мамлакатнинг йирик шахарларида уй-жой курилиши Совет хокимиятининг дастлабки йилларидан то 40-йилларга кадар асосан кооператив негизда амалга оширилган. Дарвоке, бир катор социалистик мамлакатларда хозирги вактда хам кооперативлар ёрдамида курилган уй-жой салмоғи каттадир. Ўйлаймизки, уйлар куриш билан шуғулланадиган кооперативларни ривожлантириш, уларга ишлаб чикариш маблағлари, курилиш материаллари, конструкцияларнинг бир кисмини бериш хам Ўзбекистонда уй-жой программасини жадал хал этишга, уй курадиганлар ва курувчиларнинг манфаатларини тўларок рўёбга чикаришга кўмаклашади.

С. СКОРОБОГАТОВ,
КПСС Марказий Комитети хузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг аспиранти.

Т. САТТОРОВ

СИОНИЗМ ВА ФАЛАСТИН ТУГУНИ

ФАЛАСТИН ва фаластинликлар ҳақида сўз юритишдан аввал ўтмишга назар ташлаб, сионизмнинг тарихий илдизлари ҳақида гапириш керак бўлади. Зеро бусиз Фаластин муаммосини, сионист идеологларнинг яҳудийлар масаласи деб аталмиш «эски касаллик» атрофидаги лўттибозликлари моҳиятини, чоп этилган материалларнинг сохта илмийлигини тушуниш қийин. Бу материаллар К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларида ғоявий жиҳатдан фош этиб ташланган.

1844 йилда К. Маркс «Яҳудийлар масаласига доир» деган мақоласини эълон қилди (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 1, с. 382—413). Унда яҳудийлар эмансипацияси муаммосига тааллуқли Б. Бауэр асари (муаммо, синфдан ташқари, миллатчилик нуқтаи назаридан қараб чиқилган) танқид қилинади. Маркс Европа ва Америкадаги яҳудий аҳолиси тарихий тараққиётининг ўзига хос хусусиятини очиб берар экан, унинг қўшилиб бирлашиб кетиши (ассимиляция) жараёнини тўхтатиб қолган ижтимоий шарт-шароитлар мавжудлигини инобатга олади. Бунда у Европа мамлакатларидаги яҳудий буржуазияси олий қатламларининг ролини таъкидлаб кўрсатади ва бу қатламларни у «яҳудийлик» сифатида таърифлайди. Кескин танқид тиғи Европа ва Шимолий Америка яҳудийлар жамоасининг бой юқори табақасига қарши қаратилди. Маркс «чинакам миллийликка ўзининг хаёлий миллийлигини, ҳақиқий қонунга — ўзининг хомхаёл қонунини қарама-қарши қўяётгани, бунда тарихий ҳаракатда ҳеч бир йўсинда иштирок этмай туриб ўзини инсониятдан алоҳида ажралишга ҳақли деб ҳисоблагани, бутун инсоният истиқболи билан мутлақо умумий бўлмаган истиқболдан умидвор бўлгани, ўзини яҳудий халқининг аъзоси, яҳудий халқини эса мумтоз халқ деб ҳисоблагани учун» яҳудий буржуазиясини аёвсиз фош этади (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 1, с. 383). Маркс бу билан яҳудийларнинг алоҳидалигини кўрсатишга уринган яҳудий буржуа миллатчилигига ва иудаизмга қаттиқ зарба берди. Маркс ҳеч қанақа абадий, мавҳум яҳудий масаласи йўқ, чунки бу нарса «яҳудий қайси давлатда яшаётганлигига қараб турлича таъриф олади» деб алоҳида таъкидлайди (ўша жойда, 386-бет.).

Ф. Энгельснинг иудаизм танқидига тааллуқли асарлари ҳозирги замон учун ҳам аҳамиятга эга. У яҳудийлар ва уларнинг дини келиб чиқиши масалалари билан махсус шуғулланиб, ўзи «бадавийлар» деб атаган сомийларнинг бошқа қабилалари билан яҳудийларнинг бирлигини аниқлайди. «... Яҳудийларнинг муқаддас саналмиш китоби,— деб ёзган эди Энгельс Марксга 1853 йил 26 майда,— қадимги арабларнинг диний ва қабила анъаналари ёзувидан, яҳудийлар кўчманчи қабилалар бўлиб қолаверган қон-қариндошлари бўлмиш ўз қўшниларидан барвақт ажралиб чиққанликлари шарофати билан бирмунча кўриниши ўзгарган ёзувдан бўлак нарса эмас» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 28, с. 210). Яҳудий бўлмаган ва ярим яҳудийларнинг аралашиб кетиши ва ўзаро мулоқотда бўлиши шарофати билан вулгарлашган яҳудий дини, деб таъкидлайди Ф. Энгельс, «диний урф-одатларни писанд қилмасликкача, яҳудийларнинг илгариги

САТТОРОВ Тельман Сатторович, тарих фанлари доктори, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг Шарқ факультети декани.

миллий Ягве маъбудини «ҳаво ва ернинг яратгувчиси бўлмиш чинакам ягона худога айлантиришгача, яҳудий динига дастлаб ёт бўлган руҳнинг ўлмаслигини эътироф этишгача бориб етди» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 19, с. 308—309). Энгельснинг иудаизмнинг келиб чиқиши сабаблари ва хусусиятларини материалистик нуқтаи назардан изоҳлаб бериши Таврот ва ундаги афсоналар илоҳий эканлигини зўр бериб таъкидлаётган жоҳил руҳонийларнинг сохта назарияларига қаттиқ зарба берди ва ҳамон зарба бериб келмоқда.

В. И. Ленин изчил пролетар йўлини ўтказа бориб, яҳудийларни сунъий йўсинда алоҳида ажратиб олиш ва қолган аҳолига қарама-қарши қўйишга қаратилган сионистик догмаларнинг нотўғри эканлигини очиб ташлайди. «Яҳудий миллати» алоҳида эканлиги «назарияси»ни таърифлаб, В. И. Ленин ёзадики, «бу сионистик тушунча мутлақо сохта ва ўз моҳияти билан реакциондир» (ТАТ, 8-том, 83-бет).

Ҳозирги замон сионизми курол қилиб олган фалсафий концепциялар ўта беқарорлиги билан ажралиб туради. Уларнинг асосида иудаизмнинг яҳудийларнинг оллоҳ билан иттифоки тўғрисидаги афсона ҳамда яҳудийларнинг алоҳидалигига («тангри ярлақаганлиги»га) бўлган ишончдан иборат ғайриилмий диний ва миллатчилик догмаси ётади. Сионистлар, антисемитизм яҳудийларга нафрат оқибати холос ва у синфий кураш билан боғланмаган демоқчи бўладилар. Уларнинг фикрича, яҳудийлар бошқа миллатлардан ажралган ҳолда яшаган тақдирдагина «яҳудийлар масаласи» ҳал бўлади.

Шуни олдиндан таъкидлаб қўймоқчимизки, «сионизм фалсафаси» бу иудаизмнинг туси ўзгартирилган догмалари йиғиндисидир. Сионизм иудаизмни ўзига бўйсундиришга, ундан идеологик курашда ёрдамчи восита сифатида фойдаланишга ҳаракат қилади.

Бироқ фан-техника революцияси асрида «муқаддас диний китоб»га ишора қилиш билан бировни ишонтириш қийин. Сионистларнинг раҳнамолари олдида ўз уйдирмаларини асослаш ҳамда фалсафа, социология, тарих ёрдамида даъво қилиш вазифаси кўндаланг бўлди. Уларнинг итоатгўй «назариётчилари» бу ижтимоий буюртмани жон деб қабул қилдилар. XVIII асрдаёқ яҳудийларнинг ғоявий ва ижтимоий ҳаётида бир-бири билан рақобатлашувчи иккита асосий диний оқим пайдо бўла бошлаганди.

1897 йил августида Базелда (Швейцария) сионистларнинг биринчи халқаро съездида Умумжаҳон сионистлар ташкилоти (УСТ) тузилди. Шундан кейин орадан кўп ўтмай сионистларнинг халқаро акционерлик жамияти — Яҳудийлар мустамлака тресги юзага келди.

Уюшган сионизм ўз фаолиятини қаллобликдан бошлади. Маълум бўлдики, ташкил топган санаси унинг ўзини қониқтирмас экан. Сионистлар ва сионистпараст гуруҳлар «яҳудийлар давлатини тузишга интилаётган» сионизм шу олам сингари кўҳна, зеро «яҳудийлар минг йиллар мобайнида Фаластинга қайтиб бориш орзусн билан яшадилар», деган афсонани тарқатдилар. Сионизмнинг машҳур маддоҳи Наум Соколов айтадики, сионизм «минг йиллар мобайнида миллатимизнинг энг яхши намояндалари ишлаб, курашиб, жафо чекиб, ўзини қурбон этган идеал бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади». «Икки минг йилча муқаддам ибодатхонани бузишганидан буён Фаластинни қумсаш, соғиниш яҳудийларни ҳеч қачон тарк этмаган»,— деб уни қўллаб-қувватлайди АҚШнинг кекса сионист раҳбарларидан бир Жастис Л. Брандис.

Бу цитаталар авлоддан авлодга, тадқиқотдан тадқиқотга, энциклопедия ва академия нашрларидан нашрларга ўтаверди. Расмий ҳужжатлар ва пропагандистик фаолиятда сионистлар яҳудийларнинг Фаластинга бўлган «тарихий ватан» сифатидаги «ҳуқуқ»ларини далиллашга зўр бериб уриндилар ва ҳозир ҳам шундай қилмоқдалар. Эмишки, улар ана шу юртдан зўрлаб чиқариб юборилган, кўп асрлар ёт ўлкаларда саргардон бўлиб юришган, аммо ҳар қанақа таъқибларга қарамай у ерга қайтишни ҳамиша орзу қилиб юрган эканлар.

Аслидачи, аслида қандай бўлган? Кўчманчи яҳудий қабилалари Арабистон саҳросидан Фаластинга келган пайтда бу ерда гуллаб-яшнаётган маданиятга эга бўлган бир неча ўтроқ халқ жойлашган эди. Соҳил бўйида финикийлар, ички районларда эса хананеянлар билан филистимлянлар яшарди. Бутун ўлканинг номи ҳам ана шундан келиб чиққан бўлиб, ҳозирга қадар Фаластин номи билан юритиб келинмоқда.

Ана шу гапнинг ўзиёқ сионистлар тўқиган афсонани чиппакка чиқаради. Яҳудийлар Фаластинга милоддан аввалги XIII асрнинг иккинчи ярмида келишган ва узоқ давом этган қонли курашлардан сўнг уни забт этиб ўрнашиб олишган. Истилочиларнинг сиёсати маҳаллий аҳолини бутунлай қириб ташлашга қаратилган эди. Бироқ Фаластинни босиб олганидан кейин ҳам яҳудийлар бу ерда ҳеч қачон аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этмаган. Улар ҳатто бу ерда яшаган сўнгги дамларда мамлакатдаги уч миллион аҳолининг бор-йўғи 700 минггини ташкил этганлар.

Яҳудийлар келгунга қадар Фаластин территориясини қарийб 1900 йил мобайнида навбати билан Миср (1200 йил), гиксонлар (230 йил), яна Миср (130 йил), хеттлар (60 йил), Миср (136 йил), маҳаллий хананеян, филистимлян ва яҳудий қабилалари (134 йил), янги эрадан аввалги 1020 йилдан бошлаб, Исроил ва Яҳудий подшоҳлигини ҳам қўшиб ҳисоблаганда (милоддан аввал 166 йил ва милоддан кейин 70 йил) яҳудийлар назорат қилиб турди. Демак, сионистларнинг Фаластинга территориал тарихий даъволари асоссиздир.

Сионистлар яҳудийларнинг Фаластиндан чиқиб кетиши ва бошқа мамлакатларга тўда-тўда ёки алоҳида жамоа бўлиб жойлашуви сабаблари ва санаси тўғрисидаги масалани беҳаёларча сохталаштиришга уринадилар. Одатда улар яҳудийларнинг мамлакатдан чиқиб кетишини римликлар томонидан эрамизнинг 70-йилида Қуддус ибодатхонаси бузиб ташланиши билан боғлар эканлар, яҳудийларнинг ўз юртларидан зўрлик билан кўчириб юборилганлиги тўғрисидаги фикрни ҳар қанақасига тиқиштиришга уринадилар. Ватанимизда ва чет элларда чоп этилган илмий адабиётларда яҳудийларнинг дастлабки йирик кўчириб юборилиши одатда янги эрадан аввалги VIII асрда яҳудийлар подшоҳлиги Ассурия томонидан ва айниқса милоддан аввалги 586 йилда Вавилон томонидан забт этилиши билан изоҳланади. Ўшанда чиндан ҳам юзлаб яҳудийлар, асосан киборлар ва олий табақа эксплуататорлар намояндалари Фаластиндан ҳайдаб чиқарилди. Бироқ ҳаммасини тўғридан-тўғри зўрликка, таъқибга тақайдиган бундай нуқтаи назарни ишончли деб бўлмайди.

Яҳудий аҳолисининг кўплаб кўчиб кетиши янги эрадан аввалги VIII асрга қадар ва ундан кейин ҳам кўпинча ички сабаблар: табиий офат, қурғоқчилик ва ҳоказолар туфайли содир бўлди. Вақт ўтиши билан яҳудийлар «тузукроқ жой» қидириб Фаластиндан тобора кўпроқ чиқиб кета бошладилар. Шубҳасизки, Қуддус зодагонлари томонидан кучайиб кетган зулм бу жараённинг объектив сабабларидан биридир. Яҳудийлар ёт ўлкаларда яшаш шароити ўзлари учун яхшироқ бўлади деб мўлжаллашган ва аслида янглишмаган эдилар. Эрамизнинг бошларига келиб Шарқнинг муҳим марказлари, шу жумладан Месопотамияда, Эрон, Юнонистон, Миср, Рим империясида яҳудийлар яшайдиган алоҳида жойлар бор эди.

Маълумки, XI асрда Фаластин қаттиқ зилзиладан жуда катта зарар кўрди, кўп вайроналиклар содир бўлди. Шундан кейин маҳаллий аҳоли бошига салб юришлари янги кулфатлар келтирди. Ана шу юриш қатнашчилари 1099 йил 15 июлда Қуддусни қўлга киритиб, шаҳарда қолган аҳолини йўқ қилдилар. Шундан кейинги забтқорликлар, зилзила ва қурғоқчиликлар, эпидемиялар туфайли мамлакат баттар харобага айланди.

Ана шу сабабларга кўра амалда яҳудийларнинг ҳаммаси аста-секин Фаластинни ташлаб чиқди. Улар Қуддусда XIX асрнинг бошларидагина яна пайдо бўлиб, 15,5 минг аҳолидан саккиз минггини ташкил этганди. К. Маркс таъкидлаганидек, «бу ерда яҳудийлар туб аҳоли эмас, улар ҳар хил ва олис мамлакатларда туғилган одамлардир...» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 10, с. 172).

XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар яҳудийларнинг Фаластинга ташкилий тартибда қайтиши тўғрисида гап ҳам бўлгани йўқ. Сионистлар ибораси билан айтганда «жонидан тўйганлар»гина у ерга қайтдилар, улар бу ерда озодлик ва фаровонликка эришишни мўлжаллашган эди.

1907 йилга келиб Фаластинда деҳқончилик қилинадиган қарийб 50 минг дунам ер (1 дунам — 1000 квадрат метр) ёки жами ер фондининг уч проценти яҳудийларга тегишли эди. Унда барпо этилган ўттиз қишлоқ бутун Фаластин бўйлаб тарқалган эди. Биринчи жаҳон урушидан олдинги йилларда Фаластинда сио-

нистларнинг мустамлакачилиги кўлами анча кенгайди. 1914 йилга келиб бу ерда яҳудийларнинг 59 та қишлоқлари бўлиб, 350 минг дунамдан ортиқ майдонни эгаллаганди. Сионистлар маълумотига кўра, 1914 йил ёзида яҳудийлар 85 минг кишига етди, бу Фаластиндаги жами аҳолининг 11 процентини ташкил этарди.

Урушда Антанта мамлакатларининг ғалаба қозониши ва миллатлар лигаси томонидан 1922 йилда Фаластинга Британия мандати тасдиқланиши турли мамлакатлардаги яҳудийлар ўртасида УСТ ишини активлаштириш ҳамда Фаластинда сионистлар мустамлакачилиги кенгайишига олиб келди. Мандат маъмуриятининг бевосита ҳамкорлигида сионистлар 1920 йилдан 1939 йилгача бўлган даврда йирик араб заминдорларидан 845 минг дунам (84 минг гектардан ортиқ) ер сотиб олдилар ҳамда Британия маъмуриятидан яна 17 минг гектар ер олишди. Сионистлар мулкига айланган ерлар микдори 1919 йилда 65 минг гектар бўлган бўлса, 1939 йилга келиб 150 минг гектарга етди. Улар Фаластиндаги деҳқончиликка ярокли ерларнинг чорак қисмини эгаллаб олдилар.

Иккинчи жаҳон уруши вактида Англиянинг Фаластиндаги, қолаверса, бутун Якин Шарқдаги мавкеи анча бўшашиб қолганлигига ишонч ҳосил қилган сионистлар энди Англияга ўзларининг асосий иттифоқчиси ва раҳнамоси сифатида карамай қўйдилар. Англия Фаластин масаласини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳокамасига қўйишга мажбур бўлди. Бу масала БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил апрель-май ойларидаги фавкулодда сессиясида ва ўша йили сентябрь-ноябрь ойларида Бош Ассамблеянинг иккинчи сессиясида муҳокама этилди.

Бош Ассамблея узоқ давом этган мунозара ва муҳокамадан сўнг 1947 йил 29 ноябрда Фаластинни араб ва яҳудий давлатларига бўлиш тўғрисида қарор чикарди. 33 давлат, шу жумладан Совет Иттифоқи бу қарорни ёқлаб овоз берди, 13 давлат қарши чиқди ва 10 давлат, шу жумладан Англия бетараф қолди. Қабул қилинган резолюцияга мувофиқ яҳудийлар давлатига 499020 яҳудий ва 509780 араб истиқомат қилаётган 14,1 минг квадрат километр, яъни Фаластин территориясининг 56 проценти ажратиб берилди. Араб давлатини 11,1 минг квадрат километр майдонда, яъни мамлакат территориясининг 43 процентида барпо этиш мўлжалланган бўлиб, унда 749000 араб ва 9520 яҳудий яшарди. Қуддус билан унинг чор атрофи (105540 араб ва 99690 яҳудий яшайдиган мамлакат территориясининг бир проценти) халқаро назоратдаги махсус зонага ажратиб берилди.

Фаластин араблари мамлакатни парчалаб юборишни мутлако рад этдилар, барча араб мамлакатлари уларни қўллаб-қувватлади. Сионист раҳбарлар 1947 йил ноябридан кейиноқ мўлжалланаётган яҳудий давлати чегараларини кенгайтириш ҳаракатига тушиб қолдилар. 1947 йил декабридан бошлаб сионистлар Фаластинда «эълон қилинмаган уруш»ни авж олдириб юбордилар. Бунда арабларни бўлғуси яҳудийлар давлати территориясидан ҳам, БМТ араб давлати учун ажратиб берган районлардан ҳам оммавий тарзда қувиб чиқариш мақсад қилиб олинди. Шундан хулоса чиқариш мумкинки, фаластинлик қочоқлар муаммоси амалда Исроил давлати тузилмасдан ва 1948—1949 йиллардаги Араб-Исроил урушидан анча аввал юзага келганди.

1948 йил 14 майдан 15 майга ўтар кечаси Исроил давлат деб эълон қилинди. Орадан 5 минут ўтиши билан АҚШ уни таниганлигини эътироф этди. 1948 йил 14 майда АҚШ пойтахти Вашингтонда сионизм раҳнамолари Яҳудийлар агентлиги биноси узра Исроил давлати барпо этилганлиги рамзи сифатида олти кирали кўк юлдуз туширилган оқ байроқ кўтардилар.

Эртаси куни 15 майда Араб-Исроил уруши бошланди. Уруш натижасида Исроил БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 29 ноябрь қарори билан ажратиб берилганига нисбатан каттароқ территорияни босиб олди.

Америка томонидан мўмайгина ёрдам олган Тель-Авив кейинги йилларда ўзининг ҳарбий потенциалини оширди ҳамда 1956 йилда Англия ва Франция билан бирга Мисрга қарши агрессияга уриниб кўрди. Бироқ Миср халқи Совет Иттифоқи ва жаҳондаги барча прогрессив кучлар мадади билан мустақиллик учун курашда ғолиб чиқди. АҚШ ва Буюк Британия 1958 йил ёзида Ливан ва Иорданияга қарши ҳарбий интервенция бошлаганда Исроил уларга шерик бўлди. 1967 йил июнида Тель-Авив империализм ва халқаро сионизм кучлари ҳамкорли-

гида Миср, Сурия ва Иорданияга қарши яна уруш бошлади. Исроилликлар агрессия натижасида арабларга қарашли 60 минг квадрат километрдан ортиқ ерни оккупация қилдилар.

1973 йил октябрида АҚШ қўллаб-қувватлаб турган Тель-Авив ҳукмрон доираларининг агрессив ташқи сиёсати натижасида Яқин Шарқда тўртинчи Араб-Исроил уруши аланга олди. Шундан кейин Исроил Ливанга бостириб кирди.

1982 йил июнида Исроил аскар ва техника бобида катта талафот берди. Вашингтон иқтисодий жиҳатдан ҳам, ҳарбий йўл билан ҳам мадад беришга ошиқди. Мақсад эса ўша-ўша: Исроил кўмагида Яқин ва Ўрта Шарқда ўз позициясини мустаҳкамлаш эди. АҚШ ташаббуси билан юзага келган Кемп-Дэвид сепарат битими ҳам шу мақсадга хизмат қилди.

Эрон-Ироқ куролли можароси араблар ва бошқа халқлар эътиборини Кэмп-Дэвид сепарат битишувига қарши, Исроилнинг Сурияга қарашли Жўлан тепаликларини ўзига қўшиб олганлигига қарши, Ливанга қарши янги агрессив ҳаракатларга тайёргарлик кўраётганлигига қарши курашдан чалғитди. Айтиб қўя қолайлик: Эрон-Ироқ уруши на Ироқ, на Эрон халқига фойда келтирди, бундан Пентагон билан Исроил наф кўрди, холос.

Иордан дарёсининг Ғарбий соҳили ва Ғазо секторидаги мисли кўрилмаган воқеалар ҳаммани ҳайратга солди: бир йилдан ошдики, Исроил истилочилари зулмига қарши араб аҳолисининг оммавий чиқишлари босилмаётир. Бу аслида чинакам исёндир. Ғарбий соҳилда жойлашган шаҳарлардаги фаластинликлар университетлари, босиб олинган территориядаги қочоқлар лагерлари унинг марказларидир. Исроил сионистларининг фаластинликларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашини шафқатсиз бостираётганлиги халқаро жамоатчилик турли қатламларининг қаҳр-ғазабини уйғотмоқда.

Фаластин муаммоси араб давлатларининг энг асосий сиёсий ташвишларидан бири эди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Шу сабабли 1974 йилдаёқ Фаластин халқининг ягона қонуний вакили деб эътироф этилган Фаластин озодлик ташкилоти (ФОТ) даги аҳвол билан умуман арабларaро муносабатлар ўртасида пухта алоқа бўлиши табиийдир. ФОТдаги ички ихтилофнинг бартараф этилиши, унинг раҳбарияти тутаётган реалистик позиция бу ташкилотнинг Яқин Шарқда муҳим сиёсий омил сифатидаги ролини тиклади.

АҚШ ва Исрол-чи? Вашингтоннинг Фаластин муаммосига ёндашувида кейинги пайтда бирон-бир ижобий ўзгариш юз бергани йўқ. Оқ уй ҳамон ФОТ-ни Фаластин халқининг қонуний вакили сифатида тўғридан-тўғри инкор этмоқда. Исроил ҳукмрон доираларининг Яқин Шарқ можаросини ҳал этиш масалаларига ёндашувида ҳам янгилик кўринмаяпти.

Совет Иттифоқининг позицияси эса жуда аниқ ва изчилдир: Араб-Исроил муаммоси халқаро қонун асосида ҳал этилиши керак.

1988 йил 15 ноябрда Фаластин Миллий советининг фавкулодда сессияси Фаластин давлати тузилганлигини эълон қилди. Араблар билан Исроил ўртасида тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўли Хавфсизлик Кенгашининг 242 ва 238-резолюциялари асосида музокаралар юритиш орқали амалга оширилиши керак. Совет Иттифоқи эълон қилинган Фаластин давлатини таниди, унинг тузилиши факти бу давлат барпо этилиши жараёнини ниҳоясига етказиш, Яқин Шарқдаги аҳволни тинч йўл билан ҳал этишга эришишга олиб боради.

Шундай қилиб регионда уруш ҳолатини тўхтатиш ва чинакам тинчликни ўрнатиш Араб-Исроил можароси асосий муаммосини ҳал этишнинг пировард натижаси бўлиб қолиши керак. Совет Иттифоқи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бошқа доимий аъзолари билан бирга Яқин Шарқда тинчлик барқарор бўлиши кафили бўлиб чиқишга тайёр. БМТ раҳнамолигида барча манфаатдор томонлар иштирокида, хусусан унинг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари, энг аввало АҚШ ва СССР иштирокида халқаро тинчлик конференциясини ўтказиш Яқин Шарқ муаммосини конкрет тарзда ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқишда муҳим восита бўлиб қолиши мумкин. Ана шу йўл билангина каттиқ Фаластин тугунини ечиш, Араб-Исроил можаросининг барча асосий муаммоларини комплекс тарзда ҳал этиш мумкин бўлади.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

ПАРТИЯВИЙ ИШНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

КПСС МК апрель (1985 йил) Пленумидан бошлаб асосий эътибор партия, унинг қуйи бўғинлари фаолиятида большевизм анъаналарини тиклашга, партия ички ҳаётини демократиялаштиришга қаратилмоқда. КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, партия МК кейинги Пленумларининг қарорлари барча даражадаги партия комитетлари ишини тубдан қайта қуриш, сиёсий раҳбарлик форма ва методларини янги вазифаларга монанд шаклга келтиришда муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда кўпгина партия ташкилотлари бу йўналишда реал қадамлар қўйдилар. Тақриз этилаётган тўплам* уларнинг тажрибасини ўрганиш ҳамда умумлаштиришга бағишланган.

«Партия сафларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш» бўлимида (автори В. И. Дмитриев) бу масалалар асосан Тошкент шаҳар партия ташкилотлари мисолида қараб чиқилган. Бунда КПСС МКнинг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлигига алоҳида эътибор берилган.

Муаллиф партияга қабул қилишнинг яқин ўтмишдаги практикасини таҳлил этиб, унинг сафларини миқдор жиҳатдан асоссиз ўстиришнинг салбий оқибатларини таъкидлайди. Чунончи, кейинги йигирма йил мобайнида КПСС сафлари учдан бир ҳисса кўпайган бўлса (бизнинг фикримизча, бу оз кўрсаткич эмас), Тошкент область партия ташкилотида бундай ўсишга ўн йил ичида эришилди — партияга 33 мингдан ортиқ киши қабул қилинди (9-бетга қаралсин). Партия сафларида миқдор ва сифатнинг диалектик мувофиқлилиги бузилиши, сон кетидан қувиш табиийки, партия сафларига ғоявий ва ахлоқий жиҳатдан тутуруқсиз, баъзан эса ўз ғаразли манфаатларини жамоат манфаатларидан юқори қўядиган кишилар кириб қолишига, коммунистлар ўртасида пассивлик тарқалишига олиб келди. Бу ҳолатларнинг илдизи шундаки, партияга танлаш чоғида кўпинча кишиларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари ғаразли мақсадлар, шахсий садоқат ва қариндош-уруғчилик йўлида қурбон этилди.

Буларнинг ҳаммасидан тегишли сабоқ чиқариб олиш, партияга қабул қилиш ишини чуқур ўйлаб кўриш ва қайта қуриш жуда муҳимдир. Республиканинг қатор партия ташкилотлари бу иш билан жуда жиддий шуғуллана бошладилар. Муаллиф улардан айримларининг тажрибасини умумлаштириб, бу ташкилотлар ўзларининг миқдор составини қай тарзда тўғри бошқариб боришга муваффақ бўлганликларини, партияга чиндан ҳам муносиб кишиларни танлаб ола билганликларини ҳамда уларнинг ғоявий-сиёсий ва маънавий чиниқиш тўғрисида ғамхўрлик қилганликларини кўрсатиб бера олган. Натижада кейинги вақтларда КПССга қабул қилинувчилар миқдори бирмунча камайди, партия аъзолари орасида эса активлик анча ошди.

Бўлимда ишчилар, зиёлилар, ёшлар, хотин-қизлар орасидан партияга қабул қилиш атрофлича таҳлил этилиб, партия сафларини тўлдиришнинг интернационал составига алоҳида эътибор қилинган, шаҳар ва район партия комитетлари томонидан қабул ишини қатъий тарзда, кўр-кўрона бошқаришга барҳам берилаётганлиги таъкидланган. Партияга танлашнинг икки йиллик системаси жорий этилаётганлиги эса, ҳеч шубҳасиз, унинг сифат составини тубдан яхшилашга хизмат қилади. Ёш коммунистлар мактаблари иши қайта ташкил этилиб, эндиликда уларда фақат КПСС аъзолигига кандидатларгина шуғулланаётганлиги ҳам шунга ёрдам бермоқда. Уларда ўқув жараёни йил бўйи давом этади. Тўрт потокдан иборат ўн ойлик ёпиқ туркум жорий этилган бўлиб, ҳар бир поток кварталлардан бири доирасида тўлдирилади, унда поток-лекция методларини

* Перестройка: первичные партийные организации. Формы и методы работы. Ташкент, «Узбекистан» 1988, 206 с.

амалий ўйинлар ўтказиш, муайян вазиятдаги топширикларни таҳлил этиш билан, таълимнинг бошка актив формалари билан оптимал уйғунлаштиришга ҳаракат килинмокда. (35—36-бетларга каралсин). Бўлимда шунингдек партия сафларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларнинг жанговарлигини оширишнинг айрим жиҳатларига ҳам тўхтаб ўтилган.

Маълумки, КПСС XXVII съезди партия аъзоларининг пок ва ҳалол киёфаси учун курашни партиявий ишни кайта куришнинг йўналишларидан бири деб атади. Бу кураш партияга кабул килишга янгича ёндашув, КПСС сиёсатини амалга оширишда партия аъзоларининг активлиги ва масъулиятини ошириш билан бевосита боғликдир. Ана шу вазифаларни ҳал этиш йўлларини излаш асносида партия аъзолари ва аъзоликка кандидатлар билан иш олиб боришнинг янги формалари юзага келди. Шулардан бири коммунистларни аттестациядан ўтказишдир. Мазкур масалага бағишланган бўлимда (авторлари Е. Г. Анискин ва Р. К. Собитова) республикамизда биринчилар катори ўз сафларини текширишни бошлаган Тошкент область партия ташкилотининг тажрибаси таҳлил этилади. КПСС XIX Бутуниттифок конференцияси келгусида бутун партияда коммунистларни ижтимоий-сиёсий аттестациядан ўтказишни ёклаб чикканлиги муносабати билан бу тажрибанинг умумлаштирилиши янада муҳим аҳамият касб этади.

Муаллифлар бир канча партия ташкилотлари мисолида аттестацияни ўтказиш чоғида ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни кўтариб чикадилар, бу ишни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар берадилар. Бўлимда хусусан, аттестациялаш тадбирлари бутун системасини асосий элементлар ва боскичларга ажратган ҳолда караб чикишга уриниб кўрилган, аттестация комиссияларини тузишдаги, аттестация килинаётган коммунистларнинг шахсий фазилатлари ва амалий фаолиятларини ўрганиш ҳамда характеристика тузишдаги ҳар хил ёндашувлар кўрсатиб берилган. Унда келиштирилган мезонлар алоҳида диккатга сазовор, зеро ана шу мезонлар асосида коммунистлар фаолиятини баҳолаш мумкин (67—90-бетларга каралсин).

Бўлимда у ёки бу коммунистни ҳар тарафлама ўргана бориб, ана шу коммунист ишлайдиган цех партия ташкилоти, партия группалари фаолияти билан ҳам пухта танишиш зарурлиги тўғрисидаги масала жуда тўғри кўйилган. Дарҳакикат, бу нарса аттестациядан ўтказилаётган коммунистга холисона баҳо бериш, унинг пассивлиги ёки не боисдан ўзини кўрсата олмаётганлиги сабабларини очиб ташлаш, колаверса, ишдаги, партиядаги ўртокларига ижобий таъсир ўтказиш имконини беради. Ана шунда аттестация комиссияси, партия ташкилотининг раҳбарлари ҳар бир коммунистнинг ва умуман бутун партия коллективининг фаолияти тўғрисида аник тасаввурга эга бўладики, шунинг асосида аттестацияда аникланган камчиликлар устида келгусида иш олиб бориш лозим бўлган жиҳатларни белгилаб олиш осонрок бўлади.

Китобда аттестация жараёнида ҳал этилаётган бир-бири билан боғлик уч вазифа: ҳар бир коммунистнинг активлиги ва масъулиятини ошириш, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини кучайтириш ва партияга тасодифан кириб колган шахслардан холи бўлиш вазифалари алоҳида кўрсатиб берилган. Шу муносабат билан аттестациядан кейинги боскичнинг ҳам аҳамияти кам эмас. Муаллифлар мазкур даврда ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларни ҳам илгари сурадилар. Айни чокда бу масалада оз бўлса ҳам тўпланган тажриба етарлича очиб берилмаганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Маълумки, мамлакатимизда, шу жумладан Ўзбекистонда хўжалик раҳбарларини сайлаб кўйиш амалиётга тобора кенгрок кириб бормокда. Китобнинг Н. И. Личагина ёзган бўлимида бу ишда тўпланган тажриба умумлаштирилган.

Раҳбарларни сайлаб кўйиш ишида ҳам кадрлар билан ишлашдаги, ҳам хўжалик юритиш методларидаги, ҳам демократиялаштиришдаги янги ҳолатлар кўзга ташланади. Автор бунда ҳодисанинг диалектикасини кўради: бир томондан, демократиялаштириш жараёни иктисодий ислоҳотга суянади, меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида ва уларнинг манфаатлари оркали ҳаракат килади, бошка томондан эса экономика хўжалик юритишнинг маъмурий-буйрукбозлик методлари ўрнига келаётган янги методларини кўлланишда рағбатлантирувчи куч олади (96-бетга каралсин). Муаллиф партия ташкилотларининг хўжалик раҳбарлари сайловини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шу жумладан бу тадбирнинг ўз вактида ўтказилиши, ошкоралиги, муҳокаманинг кенглиги, меҳнат коллективи фикрини ҳисобга олиши, номзодлар билан якка тартибда иш олиб бориш, уларнинг номзодини кўрсатишни асослаш, танкид ва ўз-ўзини танкид принципини амалга ошириш, демократиянинг формалари (бевосита ёки вакиллар оркали), номзодларнинг келгуси фаолияти программаси мавжудлиги ва бошка жиҳатларни ҳам ҳисобга олиб баҳо бериш мезонларини кўрсатиб ўтади.

1987 йилнинг ўзидагина Ўзбекистонда икки ва ундан ортик номзодни муҳокама этиш йўли билан 22,5 минг раҳбар сайланди. Бўлимда бу сайловлардан конкрет мисоллар келтирилган, йўл кўйилган типик камчиликлар кўрсатиб берилган. Шу хил камчиликлар ишнинг мазкур формаси

янги эканлиги ва муқим андозалар ҳамон таъсир ўтказаётганлиги, янги тафаккур эса ҳали етарлича қарор топмаганлиги билан изоҳланади. Ана шу камчиликларни ҳисобга олиш, шунингдек муаллиф тавсия этган методика, шубҳасиз, раҳбарларни демократик асосда сайлаш иши ташкилотчиларига ёрдам беради.

Раҳбарларнинг ҳисобот бериб туришларига бағишланган материал (автори Н. Я. Ковалев) шу мавзунинг баайни давоми бўлиб, демократик асосда сайланган раҳбарлар меҳнат коллективлари олдида ўзларига билдирилган ишончни қандай оқлаётганликлари тўғрисида ҳисобот берадилар.

Хўжалик раҳбари ишлаб чиқариш ташкилотчиси бўлибгина қолмай, партия сиёсатининг актив тарғиботчиси, омма тарбиячиси ҳамдир. Шу боисдан хўжалик кадрларининг потенциал имкониятлари амалда КПССнинг программ мақсадларини амалга оширишнинг қудратли воситасига айланишига эришиш жуда муҳимдир. Партия комитетлари уларнинг куч-ғайратларини қайта қуриш вазифаларини бажаришга мумкин қадар кўпроқ сафарбар этишда янгича ёндашувларни топишга ҳаракат қилмоқдалар. Корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарлари билан бўладиган суҳбат, уларни аттестациядан ўтказиш, характеристикаларини ошкоралик йўли билан тасдиқлаш, ҳисоботларини эшитиб бориш ўзини амалиётда оқлаган формалардан ҳисобланади. Муаллиф бунда ҳаққоний таъкидлайдики, раҳбар ишини партиявий контрол қилишнинг ҳеч бир формаси аҳамияти жиҳатидан раҳбарнинг коммунистлар, ўзи аъзо бўлган коллектив олдида ҳисобот бериши билан тенг келолмайди. Бу чиндан ҳам ошкоралик, оммага тўғридан-тўғри, ростгўйлик билан чин дилдан мурожаат этишни қарор топтиришнинг, кўпчилик олдида ютуқларга тўғри баҳо беришдан ташқари хато ва камчиликларни холисона таҳлил этиш, тўғри йўл ишлаб чиқиш ва келгуси давр учун энг мақбул қарор қабул қилишнинг таъсирчан омилларидан бири, социалистик демократия, омма билан алоқани мустаҳкамлашнинг ёркин кўриниши ҳамдир (135—136-бетларга қаралсин). Раҳбар фаолиятини контрол қилишнинг ана шу формасини писанд қилмаслик турғунлик йилларида партия турмуши нормалари, совет қонунлари кўплаб бузилишига, кадрларнинг ўз коллективлари олдида масъулиятсизлигига олиб келди. Шу сабабли КПСС XXVII съезди партия Уставига ўзгариш киритди (58-параграфга қаралсин), у коммунистларнинг, шу жумладан хўжалик раҳбарларининг ҳисоботларини партком ёки партия бюроси мажлисларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, меҳнат коллективлари олдида эшитиб боришни кўзда тутади. Эндиликда ишнинг бу формаси тобора оммалашиб бормоқда.

Бўлим муаллифи корхона раҳбарлари иш услуби ва методларидаги ижобий жиҳатларни ҳам, камчиликларни ҳам тўлароқ очиб беришга, уларнинг ишлаб чиқариш ва тарбияга оид вазифаларни ҳал этишни моҳирона уйғунлаштиришларини таҳлил этишга, коллектив олдида турган мақсадларга эришишда компетентлик, омилкорлик ва ташаббус кўрсатишларига имкон яратган ана шундай ҳисоботларни тайёрлаш ва ўтказиш механизмини Тошкентдаги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти мисолида қараб чиқади. Бундай ҳисоботларнинг меҳнат коллективидаги муҳитни яхшилашдаги ролига ҳам эътибор берилган.

Бироқ уларнинг аҳамиятини ҳамма ерда ҳам тушуниб олишган, деб бўлмайди. Китобда келтирилган таҳлил шуни кўрсатадики, айрим бошланғич партия ташкилотларида ишнинг ана шу зарур формасига манфаатдорлик билан эмас, балки кампаниячилик руҳида ёндашяптилар. Шу сабабли унинг самараси ҳам катта эмас. Муаллиф бунинг сабабларини жуда ишонарли тарзда очиб берар экан, хўжалик кадрлари ҳисоботларини меҳнат коллективларининг барча кўрсаткичларини яхшилашнинг муҳим омилига айлантириш юзасидан қатор мулоҳазаларини баён этади.

Студент ёшларни ғоявий-сиёсий руҳда тарбиялашга бағишланган бўлим авторлари Г. Шерматова билан Л. М. Белявский ғоявий-сиёсий тарбия ишини ҳозирги талаблар даражасида қайта қуриш юзасидан баъзи ижобий тажрибалар тўпланган Тошкентдаги Темир йўл транспорти инженерлари, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари, Алоқа электротехника институтлари коллективларининг ишини атрофлича қараб чиқишган. Шу билан бирга муаллифлар республиканинг айрим олий ўқув юртларида ижтимоий фанлар бўйича ғоявий-назарий ва методик савия паст эканлигини, лекция ва амалий машғулотларда ақидапарастлик, қироатхонлик кучли эканлигини таъкидлайдилар, бу фанларни ўқитишни такомиллаштириш юзасидан конкрет таклифларни илгари сурадилар.

Студентларнинг социал-сиёсий активлиги ошишига олий ўқув юрти ҳаётини демократиялаштириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, ошкораликни кучайтириш ижобий таъсир ўтказмоқда. Муаллифлар муаммонинг ана шу жиҳатига эътибор қилиб, ижобий тажрибани ёритар эканлар, айни чоқда баъзи ўқув юртларида студентларнинг ўз-ўзини бошқаруви етарлича йўлга қўйилмаганлигини таъкидлаб ўтадилар.

Олий ўқув юрти партия ташкилотлари студент ёшларда илмий дунёқараш ва граждалик позициясини шакллантиришда педа-

гогика илми тавсияларига асосланган ишнинг ижодий методлари ва усулларини кенг қўллаш лозим. Ўтказилаётган тадбирлар мазмунининг ғоявий-сиёсий йўналишини педагогик таъсир самарадорлигини ошириш билан уйғунлаштириш орқалигина кутилган натижага эришиш мумкин. Мазкур бўлим мазмунидан келиб чиқадиган умумий хулоса ана шулардан иборат.

Тўплам хусусидаги танқидий мулоҳазаларга келганда шуни айтиш керакки, у асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент области саноат корхоналари ҳамда айрим олий ўқув юртларининг йирик партия ташкилотлари материаллари асосида ёзилган. Лекин республиканинг бошқа регионларида, совхоз ва колхозлар партия ташкилотларида, шу жумладан кам сонли партия ташкилотларида, шунингдек қуйи партия бўғинларида ҳам партиявий ишда эътиборга лойиқ янгиликлар, шубҳасиз, бор. Шуни инобатга олиб Ўзбекистоннинг бошқа шаҳар ва областларидаги партия ходимлари ва олий ўқув юртлари ўқитувчиларини ҳам китобни тайёрлашга жалб этиш мумкин эди.

Тўплам босилиб чиққунча XIX Бутуниттифоқ партия конфереқцияси, КПСС МКнинг бир қанча Пленумлари бўлиб ўтди. Жамиятшуносларнинг вазифаси умумпартиявий ҳужжатлар йўл-йўриқларини амалга оширишдаги туб ўзгаришларни чуқур идрок этиш ва тадқиқ қилишдир. Шу муносабат билан тақриз этилаётган китоб ношири — Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти партиявий ишдаги илғор тажрибани оператив тарзда тадқиқ этиш ва умумлаштиришни жадаллаштириш, иш натижаларини (ҳатто масаланинг бир аспектига оид материалларнинг тўпланишига қараб ҳам) чоғроқ брошюралар чиқариш йўли билан китобхонлар оммасига етказиш хусусида ўйлаб кўриши керак. Қайта қуриш сиёсатини рўёбга чиқаришнинг жўшқин даври эҳтиёжлари худди ана шуни тақозо этмоқда.

З. ТОЖИЕВ,
тарих фанлари кандидати,
Тошкент алоқа электротехника институтининг
КПСС тарихи кафедраси
доценти.

ПИРОВАРД НАТИЖАЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Мамлакатнинг хўжалик механизмида бугунги кунда ўтказилаётган туб ўзгартишлар, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг турғун бўлиб қолган форма ва методларини қайта кўриб чиқиш кўплаб иқтисодий ходисаларга янгидан баҳо беришни, меҳнат самарадорлигини ошириш муаммоларини илмий таҳлил қилиш ва шу асосда мақбул хўжалик қарорларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги СССР Қонунининг кучга киритилиши муносабати билан хўжалик ҳисоби муносабатлари сезиларли даражада активлашди, улардан фойдаланиш соҳаси, шу жумладан бригадалар даражасида ҳам кенгайди ва чуқурлашди. Тақриз қилинаётган асар* тилга олинган муаммолар бўйича шу муносабатларни амалга ошириш борасидаги назарий кўрсатмаларни ва тажрибани умумлаштиришга бағишланган.

Бригада, участка, цехга татбиқан ишлаб чиқариш пировард натижалари кўрсаткичларига баҳо бериш мезонларини аниқлаб олиш ҳозирги кунда айниқса актуал бўлиб қолди. «Ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари» тушунчасининг иқтисодий мазмунини ҳар томонлама таҳлил қилишар экан, авторлар, товар-пул муносабатлари шароитида пировард маҳсулот «мазмуни»даги принципиал янги нарса унинг жамият аъзоларининг истеъмол буюмлари, меҳнат қуроллари ва предметлари пировард формаларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш воситасига айланиши эканлигини таъкидлайдилар (35-бетга қаралсин). Бундан: шериклар олдидаги шартнома мажбуриятларига мувофиқ маҳсулот етказиб бериш планини бажариш моддий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги пировард натижаларнинг биринчи навбатдаги ва асосий мезони деган хулоса келиб чиқади. Шу билан бирга, деб таъкидланади китобда, цех, бригада ишлаб чиқаришининг пировард натижаларига баҳо беришда фойдали пировард маҳсулот ҳажмидан иборат асосий кўрсаткич сифатида бошқа кўрсаткичлардан

---

* А. А. Навоев, М. Л. Турсунходжаев. Конечные результаты: организация труда и материальное стимулирование бригад. Ташкент, «Мехнат» 1987, 118 с.

(бир маромда ишлаш, ремонт муддатлари, маҳсулот сифати, меҳнат унумдорлиги ва бошқалар) ҳам фойдаланиш мумкин (ў ш а ж о й д а). Улардан фойдаланиш нафақат мумкин, балки шартдир. Зеро, моддий рағбатлантириш объекти қандай йўл билан бўлмасин эришилган пировард натижа эмас, балки сарф-харажатлар нуқтаи назаридан энг оптимал пировард натижадир.

Авторларнинг меҳнатни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, ишлаб чиқариш технологияси билан уларнинг ички алоқаларини таҳлил қилиш, технологияни ривожлантириш тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш борасидаги ҳаракатлари ҳам маъқул. Агар ҳозир ишлаб чиқаришга жорий этилаётган янги техника ва технологиянинг ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формалари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликка турлича қараш мавжуд эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ишлаб чиқариш жараёнини техника билан жиҳозлаш (бу янгиликлар энг катта самара берадиган пайтда) шарт-шароити ва даражаси ҳақида авторларнинг позицияси ҳам эътиборга лойиқдир (45, 46, 57—59-бетларга қаралсин). Бажарилган ишнинг мураккаблиги ва сифатига қараб ихтисослашган бригадалар ёки индивидуал ижрочиларга тўланадиган ишбай ҳақларидан кўра кўпроқ ҳақ тўлаш ёки мукофотлар ҳажмини ошириш йўли билан бригадалар коллективлари меҳнатини қўшимча рағбатлантириш борасидаги таклиф ҳам амалий аҳамиятга эга (50-бетга қаралсин).

Моддий рағбатлантиришнинг, шунингдек коллектив иш ҳақини шакллантириш ва тақсимлашнинг прогрессив формаларини асослаб бериш ва ишлаб чиқиш коллектив меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришда энг яхши пировард натижаларга эришиш борасидаги чора-тадбирлар системасида алоҳида ўринда туради. Бу масала юзасидан авторларнинг асосий фикрлари қуйидагича: коллектив меҳнат қилинганда якка олинган ишчининг моддий манфаатдорлиги конкрет меҳнатнинг бутун коллектив фаолияти натижалари билан бевосита боғлиқлигини назарда тутади. Авторлар меҳнатга ишбай ва вақтбай ҳақ тўлаш ҳамда мукофотларнинг рағбатлантирувчи ролини кўрсатиб ўтишади. Шу билан бирга уларнинг «республика саноати ва унинг тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янада прогрессив системасига ўтиш асосан тугалланди» (72-бет) деган хулосалари унчалик тўғри эмас. Аслида эса Ўзбекистон саноатидаги ҳар икки бригададан биригина пировард натижага қараб ҳақ олади, хўжалик ҳисоби шароитида эса 20 процентга яқин бригадалар ишлайди. «Ҳажмларнинг ошишига автоматик тарзда хизмат қилади»ган ишбай ҳақ тўлашнинг афзаллиги (78-бет) ҳақидаги фикр ҳам ишонарли эмас. Бизнинг назаримизда қуйидаги фикр ишонарлироқ. «...Меҳнатнинг пировард натижаларига қараб ишчиларни рағбатлантириш муаммосини ҳал қилишда ишбай ҳамда вақтбай ҳақ тўлаш формалари ***ҳар хил роль*** ўйнайди (курсив бизники.— **Г. А.**). Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига қараб ишчиларни рағбатлантиришда уларнинг ҳар бирининг ўз ижобий томонлари бор» (ў ш а ж о й д а).

Китобда коллектив меҳнатни ташкил этишда мукофотлашнинг асосий вазифалари, участка, цех, бригаданинг пландаги ҳажм кўрсаткичлари билан унинг ўзаро боғлиқлиги ўзаро таъсири очиб берилган. Бунда айблор бўлинмаларга тўланмайдиган мукофотлар ҳисобига ўрнини тўлдириш йўли билан корхонада санкцияларнинг таъсирчан системасини ташкил этиш мумкин эмас деган фикрга (83-бет) асосан қўшилган ҳолда буни фақат гарантияланган иш ҳақи тўлаш умумдавлат системаси амалда бўлган шароитда бажариш қийинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Айни шунинг учун КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида айтилган: бозори касод маҳсулот ишлаб чиқарувчи меҳнатга ҳақ тўлаш керак эмас, деган ғоя хўжалик юритиш практикасига қийинчилик билан жорий этилмоқда. Бироқ, афсуски, бундай корхоналарнинг ишчи-хизматчилари иш ҳақини ҳам, мукофотларни ҳам тўла олишмоқда. Агар тақриз қилинаётган асарда КПСС МК, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1986 йил 17 сентябрдаги «Иш ҳақини ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда халқ хўжалиги ишлаб чиқариши ходимларининг янги тариф ставкалари ва лавозим окладларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ва унинг бажарилиши акс эттирилганда эди муаллифларнинг юқоридаги масалалар бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари ишончлироқ бўлар эди.

Меҳнатда иштирок этиш коэффициентининг иқтисодий аҳамияти, уни турли типдаги бригадаларда жорий этиш усуллари, коллектив иш ҳақини тақсимлаш формалари ёритилган бўлим қизиқарли. Бироқ меҳнатда иштирок этишнинг базавий коэффициентини, унинг ҳажмини (ошириш, камайтириш) белгилашни асослаб беришга тааллуқли авторлар фикрининг дангаллиги ва узил-кесиллиги эътироз уйғотади. Масалан, меҳнат ҳиссасига ҳозирги берилаётган баҳо рўй-рост субъектив характерга эга бўлиб, у МИЭКнинг янада кенг тарқалишига тўсқинлик қилмоқда, деб таъкидланади (110-бет). Бироқ шу ернинг ўзидаёқ жуфтлаб таққослашнинг эксперт методи деб аталувчи усул ёрдамида меҳнатда иштирок этиш коэффициентини ҳисоблаб чиқиш ижобий баҳоланади. Бундай коэффициентни белгилаш жараёни охир оқибатда, деб ҳисоблашади авторлар, махсус бланкани тўлдириш билан кифояланишга олиб келади (112-бет).

Бригадаларда меҳнатда иштирок этиш коэффициентини ҳисоблаб чиқишнинг кўп йиллик тажрибасини таҳлил қилиш унга унинг учун хос бўлмаган функциялар қўшиб кўрсатилишини ошкор қилади. Тажриба (айниқса Калуга турбина заводи, Ўзбекистоннинг бир қатор корхоналари тажрибаси) кўрсатишича, меҳнатда иштирок этиш коэффициенти вақтинча чора бўлиб, коллектив тўла стабиллашгандан, аъзоларининг профессионал савиялари тенглашгандан, бирбирларининг ўринларини боса оладиган бўлганларидан, меҳнат интизомини бузиш ҳоллари тўла барҳам топгандан кейин бригаданинг унга эҳтиёжи қолмайди. Чунки бундан кейин ҳақ тўлаш ишланган сменалар сонига қараб, тенглаштириш элементлари билан тўланади. Бу бригада ривожининг табиий якунидир. Унда меҳнатда иштирок этишни ҳисоблаб бориш жуда қийин ва ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ бўлавермайди.

Китобда, фикримизча, корхоналарнинг амалдаги нисбатан хўжалик мустақиллиги шароитида иқтисодий манфаатдорликнинг моҳияти, роли ва ўрни ҳақида сиёсий иқтисод нуқтаи назаридан тушуниш борасида муваффақиятли иш олиб борилган. Шу муносабат билан цех, участка ва бригада даражасида ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобининг муҳим ролини таъкидлаб ўтиш керак. Афсуски, тақриз этилаётган китобда бу масала етарлича ёритилмаган. Бундан ташқари, авторлар таклиф қилган усул — бригаданинг хўжалик ҳисоби кўрсаткичларини бажаришига меҳнатни ташкил этишнинг одатдаги формалари шароитида цех ёки участка учун планлаштирилган фойдали пировард маҳсулотлар ҳажмига қараб баҳо беришдан (33-бет) амалда фойдаланиш эҳтимолдан йироқ. Коллективлар хўжалик фаолиятидаги бундай усулни улар пудрат методига ўтганларидагина қўллаш мумкин. Буни авторларнинг ўзлари ҳам тасдиқлашади.

Ўзбекистон саноатида бригадалар сони ҳамда ўртача иш ҳақи ошиб бораётган кейинги йилларда меҳнат унумдорлиги ортмаётир. Бу муҳим масала, афсуски, китоб авторлари эътиборидан четда қолган.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларга қарамай, китобда хўжалик механизмини ислоҳ қилиш шароитида меҳнат экономикасининг бир қатор долзарб муаммоларининг тадқиқ қилиниши илмий ходимлар, олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқитувчилари, амалиётчилари учун фойдалидир.

Г. АЗБУКИН,
СССР Меҳнат давлат комитети
Меҳнат илмий-тадқиқот институти
Ўзбекистон филиалининг
меҳнатни бошқариш бўлими мудири,
иқтисод фанлари кандидати.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: маркcча-ленинча назария 32-58-65; партия ва совет жамияти тарихи — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иқтисодий проблемалар — 32-58-71; фан, маданият ва таълим 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 10.01.1989 й. Босишга рухсат этилди 16.02. 1989 й. Формати 70×108 1/16. Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар 8,75. Нашриёт ҳисоб листи 9,8

Тиражи 24869. Нашр № Б-50. Заказ № 5116. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»га

1989 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Партия ва халқнинг КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун олиб бораётган курашига, совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини қайта қуриш ва революцион янгилаш практикасини анализ қилишга бағишланган материаллар журнал саҳифаларидан марказий ўринни эгаллайди.

Журнал аввалгидек марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий меросини пропаганда қилишга, Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётининг актуал проблемаларига жиддий эътибор бериб боради, республикамиз меҳнаткашлари учун ғоят муҳим бўлган мавзулар: жамиятимизни демократиялаш ва унинг сиёсий системасини ислоҳ қилиш, социалистик ҳуқуқий давлатни бунёд этиш; партиянинг омма билан алоқаси, халқ билан унинг сиёсий авангарди бирлиги янги сифатининг шаклланиш жараёнлари; туб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, шаҳарда ва қишлоқда хўжалик юритишнинг янги методлари жорий этилиши ва уларнинг амал қилиши, Озиқ-овқат программасини ҳал этиш, жамиятни ахлоқан поклаш, социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш проблемалари хусусидаги суҳбатни давом эттиради. КПСС миллий сиёсати масалалари, совет жамиятидаги миллатлараро муносабатлар проблемалари журнал саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллайди.

Журналхонлар журналдан партия ва совет қурилиши назарияси ҳамда практикасига, идеология ишига, Советларнинг, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид мақолалар топа олади. Сиёсий ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистлари ва тингловчилари ўрганилаётган курсларнинг турли мавзуларига доир методик тавсиялар ва консультациялар оладилар.

Журналда Ватан тарихи, маданий қурилиш, фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш проблемаларига доир, шунингдек КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсий фаолияти, қардош мамлакатларда социалистик қурилиш тажрибаси, жаҳон коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатлари тўғрисидаги мақола ва материаллар, контрпропагандистик мазмундаги мақолалар мунтазам бериб борилади.

Журнал муҳим саналар ва воқеалар тўғрисидаги мақолаларни, долзарб мавзулардаги корреспонденция ва очеркларни, «давра суҳбати» материаллари, журналхонларнинг саволларига жавоблар, янги китобларга тақризлар, вақтли нашрларнинг обзорлари, библиографик материалларни бериб боради.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади. Унга обуна «Союзпечать» барча бўлимлари томонидан қабул қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ:

Тўққиз ойга — 2 сўм 25 тийин.

Олти ойга — 1 сўм 50 тийин.

Уч ойга — 75 тийин.

«Ўзбекистон коммунисти», № 2, 1—96

in 5/5

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Kup

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

3

МАРТ

1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ
ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

№ 3
МАРТ
1989 йил

1920 йил декабридан чиқа бошлаган

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

Халқимизнинг текин томоқни кутиш одати йўқ. Қайта қуришда бир четда кутиб ўтирувчилар, бегоналар ва иштирок этмайдиганлар бўлмаслиги керак. Куч-ғайратларимизни бирлаштирибгина муштарак мақсадларга эриша оламиз. Қайта қуриш бизнинг тақдиримиз, тарих бизга берган имкониятдир, бу имкониятни қўлдан бериб бўлмайди ва қўлдан берилмаслиги керак.

КПСС МКнинг КПСС МК Пленумида 1989 йил 10 январда қабул қилинган «Партияга, совет халқига» Мурожаатномасидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

УМУМИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Инсон омилини ҳар томонлама активлаштириш жамиятимизни муваффакият билан янгилашнинг туб, иктисодий ислоҳотни амалга оширишнинг энг муҳим шартидир. Бу эса меҳнаткашлар иктисодий жиҳатдан қай даражада саводли эканлигига, бутун халк хўжалигимизнинг ҳам, ўзлари меҳнат қиладиган конкрет саноат корхонаси, колхоз, совхоз, цех, бўлим, участка, бригаданинг ҳам ғоят мураккаб фаолиятидан қанчалик пухта хабардор эканликларига бевосита боғлиқдир. Лениннинг қуйидаги накази ҳозир Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидагидан кўра актуал янграяпти: «токи меҳнаткашларнинг ўзлари қай хилда ва қанча ишлаш кераклигини, қандай ва қанча дам олиш мумкинлигини секин-аста англайдиган ва биладиган бўлсинлар — ...хўжалик соҳасидаги *иш якунларини таққослаб* кўришга ҳамма ҳам қизиқадиган ва бу иш якунларини ўрганадиган бўлсин...» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 217-бет).

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси мамлакатимиз экономикасининг ҳозирги ҳолатини чуқур анализ қилиб, қайта қуришнинг уч йили мобайнида унда намоён бўлган ижобий силжишларнигина қайд этиб қолмай, балки бу силжишлар ғоят сустлик билан юз бераётганини, туб иқтисодий ислоҳотнинг барча элементлари ҳам ҳаётга кўнгилдагидек татбиқ этилмокда деб бўлмаслигини таъкидлади. Барча меҳнаткашларни юз бераётган жараёнларнинг моҳияти ва тенденцияларини илмий тушуниш билан қуроллантирмасдан, уларни сафарбар этмасдан туриб совет экономикасини янгилашнинг мавжуд ғоят бой имкониятларидан лозим даражада тўлиқ фойдаланиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди.

Хўжалик механизмини ҳар қандай қайта қуриш шаклланган андозалардан воз кечишни, янги вазифаларни очиқ-равшан тушуниб етишни талаб қилади. Узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлмиш замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг катта аҳамиятга эгалиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

«Янгича иқтисодий тафаккур» термини сиёсий лексиконимизда яқиндагина пайдо бўлди. Лекин бир неча йил ичида унинг мазмуни нақадар ўзгариб кетди! Аввалига уни даставвал меҳнаткашларнинг, барча хўжалик кадрларининг онгини ишлаб чиқаришни интенсивлашга йўналтириш, кишиларда рационал, самарали хўжалик юритиш категориялари билан фикрлай олиш маҳоратини тарбиялаш сифатида тушунилди. Бундай эҳтиёж бор эди, лекин у ишнинг ана шундай йўлга қўйилиши учун зарур бўлган ташкилий-иқтисодий шарт-шароит билан мустаҳкамланмади. Мамлакатда хўжалик механизми тубдан ўзгараётган ҳозирги пайтда эса «янгича фикрлаш» хусусидаги тасаввур ҳам ўзгариб боряпти. Асосан меҳнаткашларнинг онглилигига қаратилган даъватдан у самарали хўжалик юритишнинг замонавий воситаларини ўзлаштириш зарурлигини англаб етишгача кўтарилдики, бу воситалар раҳбарликнинг иқтисодий методларини (устун мавкеда турган маъмурий-буйруқбозлик методларини эмас), кишиларда ўз меҳнат фаолиятлари натижаларини яхшилашга бўлган қизиқишни уйғотувчи хўжалик ҳисобига асосланган усулларни (фақат идеологик усулларнигина эмас) ўз ичига олади.

1989 йили моддий ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарини хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитига ўтказиш тугалланди. Бунга аввалроқ ўтган корхоналарнинг иш практикаси кадрларни иқтисодий жиҳатдан тайёрлашда жиддий камчиликлар мавжудлигини очиб ташлади. Кўпгина хўжалик раҳбарлари ва бош-

қарув органлари ходимларида, инженерлар, мутахассис, ишчи ва колхозчиларнинг кўпчилигида иқтисодий тафаккур замонавий талаблардан анча орқада қоляпти. Уларда сиёсий иқтисод ва тармоқ экономикасининг асослари бўйича зарур билимлар заиф ёки умуман йўқ. Кишилар ўз коллективлари хўжалик фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини яхши таҳлил қила олмайдилар, мамлакат, регион, тармоқ, корхона олдида турган энг муҳим иқтисодий проблемаларни ғоят ноаниқ тасаввур қиладилар. Қолхозларда оддий меҳнаткашлар у ёқда турсин, раҳбар ходимлар, мутахассисларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалик маҳсулотини харид қилишни планлаштиришнинг ресурсли методини, ресурслар учун ҳақ тўлашни белгилаш методикасини эгаллаб олмаган. Ҳали ҳам меҳнатга ҳақ тўлашнинг эски системаси кенг қўлланилаётганлиги бежиз эмас: хўжалик бўлинмалари учун расценкалар ялпи даромадга қараб эмас, балки ялпи маҳсулотнинг 100 сўмлик қийматидан келиб чиқиб белгиланяпти, маҳсулот учун қўшимча ҳақ тўлаш (тариф ставкасининг 25 дан 50 процентига қадар) экинлар ҳосилдорлигининг эришилган даражасига, чорва моллар маҳсулдорлигига боғлиқ қилиб табақалаштирилмаяпти.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида янги иқтисодий механизмнинг оқсашига олиб келаётган сабаблар қаторида кўпгина корхоналарни янгича шароитда ишлашга кабинетдан туриб тайёрлашгани тилга олинди. Агар ислоҳот меҳнаткашларнинг шахсий манфаатларига чуқур дахлдор бўлмаса, уларнинг жонажон ишига айланмаса натижа бермаслиги таъкидланди. Бунда ҳам кишиларнинг иқтисодий тайёргарлигига жуда катта эътибор беришга тўғри келади.

ҚПСС МҚнинг 1987 йилда қабул қилинган «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини қайта қуриш тўғрисида»ги қарорида партия, хўжалик ва касаба союз органларининг кадрларнинг иқтисодий саводсизлигини тугатиш, таълимнинг замонавий формаларини жорий этиш борасидаги хатти-ҳаракатларининг конкрет программаси белгилаб берилган. Унда ушбу ишнинг асосий йўналишлари, мамлакатда умумий иқтисодий таълимни авж олдиришга доир қуйидаги тадбирлар ва унинг мақсади тасдиқланган: замонавий иқтисодий тафаккурни шакллантириш, социалистик уддабуронлик ва ишчанликни, ижтимоий мулкка жонкуяр соҳиблик туйғусини тарбиялаш, ходимлар компетентлилигини ошириш, уларни иқтисодий анализ методлари, ишлаб чиқаришни бошқариш кўникмалари, ижодий, самарали, бор кучни сарфлаб ишлаш маҳорати билан қуроллантириш.

1988 йил августда ҚПСС МҚ Ульяновск области партия органлари ушбу қарорни қандай бажараётганлиги тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Қабул қилинган ҳужжатда меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқувини қайта қуриш қандай бораётганлиги анализ қилинган, уни ташкил этишдаги камчиликлар кўрсатилган. Жумладан, оммавий иқтисодий ва ишлаб чиқариш ўқувини кўшиб олиб бориш вазифаси журъатсизлик билан ҳал этилаётганлиги таъкидланди. Хўжалик, совет ва касаба союз органлари бу ишга чинакамига киришганларича йўқ. Раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам кадрлар малакасини оширишнинг бошқарувда асосан иқтисодий методларга муваффақиятли ўтишнинг зарур шарти сифатидаги аҳамиятини англаб етганларича йўқ. Министрликлар ва идоралар, касаба союзларнинг тармоқ комитетлари ўзларининг умумий иқтисодий таълимдаги ролларини кўпинча буйруқ ва қарорлар чиқариш билан чегаралаб қўймоқдалар.

Ульяновск областида кадрларни иқтисодий жиҳатдан тайёрлашда ҚПСС МҚ томонидан очилган камчиликлар бизнинг республикамиз учун ҳам хосдир. Тўғри, бу ишда ижобий силжишларимиз ҳам бор. Энг асосийси шундан иборатки, партия комитетларининг бу ишга эътибори кучайди. Пленумларда ва партия бюроси мажлисларида иқтисодий ўқувни ташкил этиш масалалари, бошланғич партия ташкилотларининг уни қайта қуришга доир ҳисоботлари тобора тез-тез муҳокама қилина бошлади.

ҚПСС МҚнинг бу соҳага доир ҳужжатлари демократик йўналишда эканлиги партия ташкилотларининг, пропагандист, тингловчиларнинг ташаббусига кенг йўл очиб берди, бу эса ўқув тузилмаларини комплектлашда, машғулотларнинг муҳитини ўзгартиришда намоён бўлди. Ҳозир турли тилдаги мактаблар (ягона

комплекс, партия-комсомол, раҳбар кадрлар резерви мактаблари), семинарлар (ёш коммунистлар, тармоқ семинарлари), клублар (хўжалик раҳбарлари, ёшлар, мунозара клублари) ва иқтисодий ўқувнинг бошқа формалари ишлаб турибди. Масалан, Тошкент область партия ташкилотида меҳнат коллективларида машғулотлар ўтказиш учун олимларни жалб этишга доир эксперимент ўтказилмоқда, унда 300 дан ортиқ фан доктори ва фан кандидати иштирок этяпти. Ишлаб чиқариш-иқтисодий таълим системаси шаклланди. Салкам 8 мингта социалистик хўжалик юритиш мактаби, 5 мингта ишлаб чиқариш-иқтисодий семинар, 616 та техник-иқтисодий билимлар университетлари ташкил этилган ва ишлаб турибди, уларга қарийб 400 минг киши жалб этилган.

Иқтисодий таълимга тингловчиларнинг қизиқиши ошди. Кишилар машғулотларда баҳслашадиган, турли нуқтаи назарларни таққослайдиган, танқид ва ўз-ўзини танқид, амалий таклифлар билан чиқадиган бўлиб қолдилар. Иқтисодий ўқувни қайта қуриш унинг янги формаларини изланишга рағбатлантиради, меҳнаткашларнинг хабардорлигини яхшилашга имкон беради. Айни мактаб ва семинарларда кишилар гоҳо демократия ва ошкораликнинг дастлабки сабоқларини оляптилар.

Машғулотларнинг амалий йўналганлиги кучаймоқда. Улар ҳаёт билан, меҳнат коллективлари ҳал қилаётган вазифалар билан чамбарчас боғланяпти. Тингловчиларнинг таклифларини ҳисобга олиш, умумлаштириш ва рўёбга чиқариш системаси аста-секин шаклланяпти. Масалан, «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасида тингловчиларнинг иқтисодий ўқув чоғида айтган таклифлари асосида ва бирлашманинг 1987 йилдаги иш тажрибасини ҳисобга олиб, «Асосий ишлаб чиқаришларнинг хўжалик ҳисоби тўғрисида муваққат низом» ишлаб чиқилди ҳамда ишчи, хизматчи, мутахассис ва раҳбар ходимларни мукофотлашнинг улар меҳнатининг пировард натижалари — етказиб бериш бўйича ва номенклатура бўйича планларни бажариш билан жипс боғланган янги системаси жорий этилди.

Меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини профессионал ўқув билан бирлаштириш ва бу қўшилмани кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш давлат системасига киритиш таълимни қайта қуришнинг муҳим жиҳатидир. Ушбу жараён икки йўналишда ўтади: биринчидан, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг барча формаларида уларнинг иқтисодий таълимини кенгайтириш ва яхшилаш йўли билан, яъни профессионал ўқувнинг «иқтисодий омили»ни анчагина кучайтириш воситасида; иккинчидан, иқтисодий ўқувнинг барча янги формаларида ходимлар тегишли категорияларининг профессионал билимларини оператив равишда тўлдириш ва янгилаш учун айникса зарур бўлган назарий ва амалий масалаларни ўрганиш йўли билан, яъни иқтисодий таълимни «профессионаллаштириш»ни ривожлантириш ва уни меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий таълимига айлантириш орқали.

Ўқувнинг ушбу икки турини рационал тарзда қўшиб олиб бориш уларнинг тилга олинган яқинлашувида кадрларга вақти-вақти билан, кўпинча аҳён-аҳёнда ва устига устак уюшмаган ҳолда профессионал ва иқтисодий таълим беришдан уларнинг малакасини ва қайта тайёрлашни узлуксиз ошириш, улар томонидан янги иқтисодий билимларни, фан, техниканинг замонавий ютуқларини ҳамда илғор тажрибани мунтазам эгаллай бориш системасига ўтиш учун имкон беради.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети, СССР Халқ таълими давлат комитети ва ВЦСПС биргаликда тайёрлаган «Халқ хўжалиги кадрларининг узлуксиз профессионал ва иқтисодий таълими тўғрисидаги типовой низом»да ходимлар асосий категориялари ўқувини ташкил этишнинг амалий масалалари баён этилган. Министрлик ва идоралар унинг асосида касаба союз комитетлари билан биргаликда шу хилдаги тармоқ ҳужжатларини ишлаб чиқишлари керакки, корхона, бирлашма, муассаса, ташкилотларда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг турли форма ва хилларидан шу ҳужжатларга мувофиқ ҳолда фойдаланиш лозим.

Мисол учун «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида иқтисодий ва профессионал ўқувнинг амалда қўшиб олиб борилиш тажрибасини олайлик. Бу иш унинг партия, хўжалик ва касаба

союз ташкилотларидан кўпгина куч-ғайрат сарфлашни талаб қилди. Бирлашмада умумий иқтисодий таълимнинг бутун системаси қайта қурилган ҳамда бошқарувнинг янги методларини ўзлаштириш йўллари обдан ўйлаб кўрилган. Цех ва бўлимлар бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, иқтисодчилар, бошқарув ўрта бўғини раҳбарлари, катта мастерлар, мастерлар — жами 800 дан ортиқ киши хўжалик ҳисоби масалаларига доир таълимнинг назарий курсини ўтишди. Инженер ва техниклар учун учта факультетли техник-иқтисодий билимлар университети, 38 та ишлаб чиқариш-иқтисодий семинар ишлаб турибди. Ишчилар учун 89 та социалистик хўжалик юритиш мактаби ташкил этилган — уларда 1300 дан зиёд киши таълим оляпти.

Ҳозирги, 1988/89 ўқув йили, маълумки, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материалларини, экономикани ривожлантиришнинг энг асосий масалаларини ўрганишдан бошланди. Машғулотларда ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, тўлиқ хўжалик ҳисоби (шу жумладан, ички хўжалик ҳисоби); планнинг фойда олиш бўйича бажарилиши, уни тақсимлаш проблемалари; меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш йўллари; меҳнат коллективи советининг ҳуқуқлари, вазифалари, масъулият меъёри ва бошқа актуал масалалар қараб чиқиляпти. Бирлашма, цех, бригадада ишлаб чиқариш фаолиятини планлаштиришни ташкил этишга, меҳнат унумдорлигини ўстириш факторларини ҳаракатга келтиришга доир амалий машғулотларга катта ўрин ажратиляпти. Машғулотларда бригадалардаги хўжалик ҳисоби, ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш системаси тўғрисидаги низом батафсил ўрганиляпти, конкрет ишлаб чиқариш ячейкаларидаги ишлар аҳволи пухта анализ қилинмоқда ва баҳоланмоқда.

Қисқаси, меҳнаткашлар иқтисодий таълимидаги қайта қуриш аста-секин ривож топяпти. Лекин бу соҳада ишчиларнинг ўз малакасини оширишдан моддий манфаатдорлиги йўқлиги, группаларни комплектлаш мураккаблиги, моддий-техника базаси заифлиги каби ва ҳоказо проблемалар ҳали жуда кўп. Иқтисодий ўқувни ташкил этишнинг ўзи ҳам КПСС МҚнинг мазкур қарори талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бу нарса айниқса иқтисодий ва профессионал ўқувни қўшиб олиб боришга тааллуқли — баъзи корхоналарда унга ҳали чинакамига киришилгани ҳам йўқ.

Ҳозир иқтисодий саводсизлик қайта қуришни тормозлаш механизмининг муҳим таркибий қисми эканлигини инкор этадиган раҳбарни топиб бўлмаса керак. Шундай бўлсада, оммавий иқтисодий таълимдаги ўзгаришлар кўпинча юзаки характер касб этяпти. Мактаб ва семинарларнинг номлари ўзгаряпти, лекин уларнинг моҳияти амалда ўзгармай қоляпти, ўрганилаётган курсларнинг мазмуни актуалроқ бўлиб қолди, лекин машғулотлар методикаси ва сифати аввалгидек ўзгармай турибди, жамоатчилик советларининг составлари янгиланди, лекин улар ишининг натижадорлиги амалда ошмади. Сиртдан замонавий бўлган атрибутлар қайта қуришга ўхшаб кўринади, моҳиятан олганда эса КПСС МҚнинг муҳим қарорини рўёбга чиқаришга юзаки ёндашиш яққол кўзга ташланяпти. Бунда, шубҳасиз, тафаккур ва ҳаракатлардаги андозалар яшовчанлиги, юқоридан кўрсатмалар кутиш ўз таъсирини кўрсатяпти. Қисқа муддатли курс ва семинарларни, ҳатто кишилар онгида сезиларли из қолдирмайдиган бир дафъали лекцияларни ҳам умумий иқтисодий таълим деб кўрсатиш ҳоллари учрайди. Умумий иқтисодий таълимга навбатдаги кампания сифатида ҳам ёндашдилар, баъзи жойларда эса унинг тугалланганлиги ҳақида ҳисобот беришга тайёр бўлиб олишган.

Буларнинг ҳаммаси ташвишга солмай қўймайди. Бу иллатларнинг ҳаммасидан тезда қутулиш лозим. Аввало иқтисодий ўқув программасини бошқатдан қараб чиқиш керак. Улар тингловчиларга боғлиқ ҳолда табақалаштирилиши лозим. Партия ходимлари асосий эътиборни қайта қуришга сиёсий раҳбарлик қилиш методларини эгаллашга, хўжалик раҳбарлари — бошқаришнинг иқтисодий методларини билиб олишга, ўрта бўғин мутахассислари ва командирлари — демократия ва ўзини ўзи бошқариш шароитида меҳнат коллективларини бошқара олишга, ишчилар эса миришкорлик билан ишлаш кўникмаларини эгаллашга ва ишлаб чиқаришни бошқаришда реал иштирок этишга қаратишлари керак бўлади.

Бунда программалар сермазмун, аниқ бўлиши, идоравий ва маҳаллийчилик

чеклашларидан холи бўлиши лозим. СССР Халқ таълими давлат комитети программаларни ишлаб чиқишни суст координация қилаётганлиги ва бундан келиб чиқадиган барча оқибатлари билан биргаликда амалда идоралар ихтиёрига бериб қўйилганлиги туфайли бундай ҳол юзага келган. Қайта қуриш ғоялари жамланадиган умумий иқтисодий таълимнинг типовой программаларини яратиш зарурати пайдо бўлди. Бу вазифани ҳал этишда СССР Халқ таълими давлат комитети билан СССР Фанлар академиясининг экономика бўлими ўз куч-ғайратларини бирлаштириши лозим.

Ҳозир хўжалик раҳбарларини иқтисодий жиҳатдан тайёрлаш масаласи кескин бўлиб турибди. Уларнинг аксарияти техникавий маълумотга эга, жуда оз қисми — юристлар, иқтисодчилар эса улар орасида бир процентга етмайди (АҚШда улар 70 процентдан ортиқ). Бизда идоравий манфаатлар ва тармоқлараро тўсиқлар қийинчилик билан бартараф этилаётганлиги шу нарсага ҳам боғлиқ — инженерга, одатда аҳволга иқтисодчига қараганда анча «торроқ» назар билан қараш хосдир.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш ташкилотчиси олдида техника, технология, экономика, фан, психология, маданият туташувидан ҳосил бўлган проблемалар кўндаланг бўлмоқдаки, у эндиликда тегишли савияга эга бўлишга мажбур. Модомики, иқтисодий ислоҳотни рўёбга чиқариш бугунги кун талаби экан, хўжалик раҳбарларимизни, ишлаб чиқаришнинг бошқа иштирокчиларини ҳам шошилинч қайта ўқитишга тўғри келади. Бунда катталар аудиториясидаги юзакилик ва қироатхонликка, бир тусдаги лекцияларга, ҳаммага маълум ҳақиқатларни зерикарли такрорлайверишга чек қўйиш принцип жиҳатидан муҳимдир. Иқтисодий таълимнинг ҳар бир формасида ўткир проблемаларни принципиал муҳокама қилиш, «давра суҳбатлари», мунозара ва амалий ўйинлар ўтказиш, конкрет вазиятларни таҳлил қилиш, амалий топшириқларни хўжалик юритишнинг янги шароитида ишлаётган илғор корхоналарга бориш орқали бажариш нормага айланиши керак. Ҳар бир машғулот жамиятни қайта қуриш ва демократиялаш вазифалари билан ғоят яқиндан боғланиши, партиявийлик ва илмийлик принципларига асосланиши, тингловчиларни ўзлари мулоҳаза юритишлари ва мантиқий хулосалар чиқаришлари, марксизм-ленинизмнинг асл манбаларини мустақил ўрганишлари орқали қўйилган саволларга жавоб излашга йўллаши керак.

Иқтисодий ўқув системасининг мактаб ва семинарларида, практика кўрсатаётганидек, амалий ўйинларнинг айрим элементларидан фойдаланиш ёки улардан машғулотлар учун ажратилган вақтга мўлжалланганларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, конкрет коллективдаги ишлаб чиқаришни ўстириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, хом ашё ва материалларни тежаш резервларини аниқлаш учун «Агар мен цех бошлиғи (мастер, бригадир) бўлганимда...» амалий ўйини тавсия қилинади. Бу хил амалий ўйинлар тингловчиларда соҳиблик туйғусини ривожлантиришга ёрдам беради, уларнинг активлигини оширади, сиёсий ва иқтисодий ўқувга амалий йўналиш бағишлайди.

Баъзи бир пропагандистлар иқтисодий ўқув жараёнида шартли номи «Ақлий ҳужум» бўлган амалий ўйин элементларидан муваффақият билан фойдаланадилар. Тингловчилар куч-ҳаракати билан ҳаётда реал мавжуд бўлган ва уларнинг манфаатларига дахлдор муайян проблеманинг ечимини топиш унинг моҳиятини ташкил этади. Масалан, коллектив тўла хўжалик ҳисобига ўтмоқчи. Тегишли темани ўрганиш чоғида пропагандист ҳамма тингловчиларга «ақлий ҳужум»да иштирок этишни таклиф қилади: ҳар бир тингловчи цехда, участкада, бригадада хўжалик ҳисобини жорий этишга доир конкрет таклиф киритиши керак. Бунда барча, ҳатто энг мунозарали фикр-мулоҳазаларни ҳам тинглаш, айтилаётган фикрларни ҳеч қачон ўша заҳотиёқ рад этмаслик керак. Фақат шундагина биргаликдаги ижодий изланиш учун ғоят қулай муҳитни яратиш мумкин. Агар тингловчи илгари сурган таклиф ўша заҳотиёқ бўлмағурга чиқарилса, бу нарса қолганларнинг активлигига салбий таъсир кўрсатади. Тингловчиларнинг ҳаммаси ўз фикрларини айтиб бўлгач, якун чиқариш лозим. Лекин машғулотлар раҳбари ўз зиммасига танҳо ҳакамлик ролини олмаслиги керак.

Барча тингловчиларнинг, эҳтиёж туғилганда эса, мутахассисларнинг ҳам фикрини билиш мақбул бўларди. Энг асосийси, «ақлий ҳужум» иштирокчилари уларнинг фикр-мулоҳазалари эътибордан четда қолмаслигига, барча қимматли, фойдали нарсалар қўллаб-қувватланиши ва фойда келтиришига ишонч ҳосил қилишлари керак. Бундай ўйинлар мобайнида одатда энг муҳим шартга риоя этиладиган: тингловчилардан тушган таклифлар қатъий ҳисобга олинадиган, умумлаштириладиган ва рўёбга чиқариладиган жойларда коллектив ишини қайта қуришга, турли ишлаб чиқариш, социал проблемаларни ҳал қилишга йўналтирилган талай амалий фикрлар айтилади.

Оммавий иқтисодий ўқувни профессионал ўқув билан қўшиб олиб бориш ҳамда кадрлар малакасини ва қайта тайёргарлигини ошириш давлат системасига ишлаб чиқариш-иқтисодий таълимнинг янги формаларини киритиш зарурияти пропагандистлар ишида туб ўзгаришлар қилишни, уларни танлаш, тайёрлаш ва аттестациялашга янгича ёндашишни талаб этмоқда. Кўринишича, жуда яқин вақт ичидаёқ иқтисодий билимлар пропагандистлари составини тубдан янгилаш, бу ишга ўрганилаётган проблемаларни пухта эгаллаган юқори малакали мутахассисларни жалб этиш керак бўлади. Бунда жамоатчилик асосларида машғулот ўтказувчи пропагандистлар аста-секин соатбай ҳақ олиб ишловчи ўқитувчилар билан алмаштирилади. Бундай ўқитувчиларнинг сифат составини яхшилаш учун марксизм-ленинизм университетларининг ихтисослаштирилган факультетларидан, малака ошириш институтлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қошидаги курслардан, хўжалик ва касаба союз органлари ташкил этган тармоқ ва регионал курслардан, шунингдек бевосита бирлашмалар ва йирик корхоналарда пропагандистларни ўқитиш учун ташкил этилган турли формалардан активроқ фойдаланиш лозим. Тошкент олий партия мактаби, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Малака ошириш институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти, тегишли профилдаги илмий-тадқиқот институтлари ва иқтисодий факультетларга эга олий ўқув юртлари ўқитувчиларни қайта тайёрлаш учун база бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш-иқтисодий таълим системасини қайта қуришнинг чуқурлаштирилиши ана шу энг муҳим соҳага партия раҳбарлиги даражасини жиддий суратда оширишни талаб қиляпти. Бунда партия комитетларининг коллегиал органларига — бюро, пленумларга алоҳида роль ажратилган. Лекин кўп нарса биринчи секретарнинг позициясига боғлиқ. У ишга актив киришган жойда сезиларли натижалар қўлга киритилаётганлигини практика яққол кўрсатмоқда. Умумий иқтисодий таълимни ташкил этиш билан фақат сиёсий маориф уйи ёки кабинетигина шуғулланадиган жойларда эса кўнгилдагидек силжишга эришилмаяпти.

Юқори малакали мутахассислар манфаатдорлик билан иштирок этгани ҳолда партия, хўжалик ва касаба союз органларининг куч-ҳаракатларини бирлаштириб гина республика меҳнаткашларининг иқтисодий ўқувини тегишли сифат даражасига олиб чиқиш ва умумий иқтисодий таълимни муваффақият билан амалга ошириш мумкин. Ушбу соҳага бугунги кунда ғоят диққат билан ҳамда муттасил эътибор берилиши керак — зотан пировард натижада, КПСС МК да шу йилнинг 6 январида фан ва маданият арбоблари билан учрашувда М. С. Горбачев таъкидлаганидек, қайта қуришнинг тақдири меҳнат коллективлари, хўжалик кадрларининг, бутун партиямизнинг туб иқтисодий ислоҳот йўлини ўтказишга доир фаолиятига боғлиқдир. Конструктив, бунёдкорлик иши олдинги ўринга чиқмоқдаки, уни тегишли профессионал ва иқтисодий билимларсиз амалга ошириш бўлмайди.

А. АБДУҒАНИЕВ, А. МУТАЛОВ

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

ЎТГАН 1988 ЙИЛ давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун амал қилиши шароитида иш юритилган дастлабки йил, ялписига хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципига ўтиш йили бўлди. Натижалар якуни шуни кўрсатдики, шу принцип асосида ишлаган корхоналарда ишлаб чиқариш ва иктисодий кўрсаткичлар анчагина яхшиланди, ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги ошди. Чунончи, бир сўмлик маҳсулот учун сарф-харажат уларда умуман саноатда бўлганига нисбатан тезроқ пасайди, даромад илдам суръатлар билан ўсди.

1988 йилда мамлакатда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 3,9 процент, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш 3,5, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 5 процент кўпайди. Шуниси қувончлики, биринчи марта истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришга нисбатан илдамроқ ўсди. Бунинг замирида партия ва совет давлатининг структура сиёсатини қайта қуриш йўлидаги илк одим, реал натижа, тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципи асосида ишлаётган корхоналар фаолияти самараси ётади.

Корхоналар ва ташкилотларни хўжалик юритишнинг янгича шароитига ўтказишнинг сифат жиҳатидан яна бир муҳим якуни меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларидаги жонланишда кўринади. 1988 йилда меҳнат унумдорлиги 5,1 процент, шу жумладан саноатда 4,7, қишлоқ хўжалигида 3, қурилишда 7,5, темир йўл транспортида 4 процент кўтарилди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари пасайишини тўхтатиб қолиш билан бирга уни бирмунча жадаллаштиришга ҳам муваффақ бўлинди. Шунинг шарофати билан сурункасига икки йилдирки, миллий даромадни бутун ўстириш ишчи-ходимлар сонини мутлақ қисқартира борган ҳолда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланмоқда. Тўғри, исталган суръатга ҳозирча эришилгани йўқ. Бунинг устига меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари унга тўланадиган ҳақни ошириш суръатларидан ҳамон орқада қолмоқда, натижада аҳолининг ортиб бораётган пул даромадлари тўлиқ миқдорда товарлар ва хизматлар билан таъминланмаяпти. Шунинг учун ҳам хўжалик юритишнинг янги шароитида меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари тўғрисидаги масала энг долзарб муаммолардандир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳот ишлаб чиқаришнинг кўпгина мезонлари, баҳолаш кўрсаткичлари, хўжалик юритиш механизми ва омилларини алмаштириш билан бирга олиб борилмоқда. Бироқ меҳнат унумдорлиги меҳнат коллективи фаолиятини баҳолашда ҳамон энг муҳим кўрсаткич бўлиб қолмоқда. Шундай бўлиши табиий. В. И. Лениннинг меҳнат унумдорлиги

АБДУҒАНИЕВ Абдувоҳид, иқтисод фанлари доктори, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети табиий фанлар факультетларининг сиёсий иқтисод кафедраси мудири.
МУТАЛОВ Абдуазим, иқтисод фанлари кандидати, СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети Меҳнат илмий тадқиқот институти Ўзбекистон филиалининг бўлим мудири.

пировард натижада янги ижтимоий тузум ғалаба қозониши учун энг муҳим, энг асосий омилдир деган сўзларини эслаш кифоя.

Хўжалик юритиш механизмини созлаш асносида иқтисодий самарадорликнинг баъзи омиллари роли пасайиб, бошқаларининг роли кучайиб бормоқда. Меҳнат унумдорлигини ошириш концепциясининг ўзи ҳам ўзгариб бормоқдаки, бу ҳол мазкур масалани чуқурроқ ўрганишни тақозо этади. Ўзбекистон ССРда узоқ вақт мобайнида бу соҳада аҳвол муттасил ёмонлашиб борганлиги учун ҳам бизда у янада муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакат ёки алоҳида олинган регионнинг иқтисодий тараққиёти даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткич аҳоли жон бошига ҳосил қилинадиган миллий даромаддир. КПСС XXVII съезди 2000 йилгача СССРда ҳосил қилинадиган миллий даромадни икки баравар кўпайтириш вазифасини қўйди. Аҳоли жон бошига татбиқан олганда Ўзбекистонда бу борада кўрсаткич Иттифоқ бўйича ўртача даражадан анчагина орқада. Хўш, шундай аҳволда Ўзбекистон ана шу вазифани ҳал этишга қандай ҳисса қўшиши мумкин? Назаримизда, республиканинг янада кўпроқ орқада қолишига йўл қўймаслик учун, яъни аҳволни ҳозирги нисбатлар даражасида сақлаб туриш учун қолган давр мобайнида миллий даромад ишлаб чиқаришни мутлақ миқдорда СССР бўйича бўлганидек 2 баравар эмас, балки 4—5 баравар кўпайтириш лозим. Ўзбекистон ССРда аҳоли Иттифоқ бўйича ўртача даражага нисбатан 2,5 баравар тезроқ кўпайиб бораётганлиги, қолаверса, олимларнинг прогнозига кўра бу тенденция 2000 йилгача сақланиб туриши ҳам шуни тақозо этади.

Бундан ташқари партия XXVII съездида таъкидлаганидек, миллий даромадни кўпайтиришнинг мўлжалланаётган даражасига биринчи марта фақат меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиш керак. Бунинг учун эса меҳнат унумдорлигини 2,3—2,5 баравар ошириш зарур. Тобора ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасига жалб этиш лозим бўлган Ўзбекистон ССРда эса аҳоли ўсишининг юксак суръатлари туфайли, шунингдек, техника тараққиёти натижасида бўшатиб олинадиганлар ҳисобига меҳнат унумдорлигини оширишнинг миллий даромадни ўстиришдаги улуши Ўзбекистонда ижтимоий меҳнат унумдорлиги 2000 йилга бориб 4—4,5 баравар ошган тақдирда 85—90 процентлар даражасида бўлади.

Республикада меҳнат унумдорлиги даражаси ва уни ўстириш суръати пастлигининг асосий сабабларидан бири экономика структурасининг норационал эканлигидир: ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРда ҳосил этилаётган миллий даромадда саноатнинг улуши 40 процентни (СССРда учдан икки қисмни), қишлоқ хўжалиги улуши 21 (СССРда 13) процентни ташкил этади. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш жиҳатидан республикамиз мамлакатда охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Ўзбекистон экономикасини ривожлантириш суръатлари, хусусан меҳнат унумдорлигини ошириш бобида паст даражада эканлигига қарамай, яқин-яқинларгача бу кўрсаткич янада пасайиб борганлиги ташвиш уйғотади. Чунончи, IX беш йилликда Ўзбекистон ССРда жами ижтимоий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиш суръати 7,2, X беш йилликда 5,7, XI беш йилликда 3,7, XII беш йилликнинг уч йили мобайнида 2,5 процентни, шу давр ичида ишлаб топилган миллий даромад эса тегишли тартибда 6,8, 5,7, 3,3, ва 2,1 процентни ташкил этди. Агар IX беш йилликда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига республикада миллий даромадни ўстиришнинг 52 процентига (СССРда 83), X беш йилликда 44 (СССРда 78), XI беш йилликда 17 (СССРда 87) процентига эришилган бўлса, XII беш йилликнинг уч йили мобайнида бу кўрсаткич беш процентга ҳам бормади. Ҳолбуки мамлакат бўйича бу кўрсаткич ўсиб борди.

Мавжуд расмий маълумотларнинг кўрсатишича, бундай салбий динамика республика моддий ишлаб чиқаришининг барча тармоқларида кўзга ташланади (1-жадвалга қаранг).

Биринчи жадвалда қайд этилган республикамиз учун кўнгилсиз манзара ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош мезони — меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари муттасил пасайиб борганлиги самарасидир (2-жадвалга қаранг).

1-жадвал

МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲИСОБИГА ЎСТИРИШ (ПРОЦЕНТ ҲИСОБИДА)

	IX беш йиллик		X беш йиллик		XI беш йиллик	
	СССР	Ўзбекистон ССР	СССР	Ўзбекистон ССР	СССР	Ўзбекистон ССР
Саноат махсулоти	84	51	75	41	86	31
Қишлоқ хўжалиги ялпи махсулоти	100	6	100	52	100	—
Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми	77	82	94	48	87	17

2-жадвал

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ДИНАМИКАСИ (ПРОЦЕНТ ҲИСОБИДА)

	IX беш йиллик		X беш йиллик		XI беш йиллик	
	СССР	Ўзбекистон ССР	СССР	Ўзбекистон ССР	СССР	Ўзбекистон ССР
Ижтимоий меҳнатда умуман	125	120	117	114	116	103
— саноатда	134	126	117	111	117	108
— қишлоқ хўжалигида	107	101	114	116	114	87
— қурилишда	129	131	111	114	114	103

2-жадвалда келтирнлган маълумотлардан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлигини ошириш умуман мамлакат бўйича нисбатан барқарор суръатларда борган бўлса-да, республикада кейинги икки беш йиллик мобайнида моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида улар пасайиб борди, қишлоқ хўжалигида эса ўн биринчи беш йиллик бошларида эришилган даражадан 13 процентга пасайиб кетди. Бу ҳол умуман ижтимоий меҳнат уиумдорлигини ошириш суръатларига салбий таъсир этди, чунки Ўзбекистон ССР миллий даромадининг 21 процентдан ортиқроғи, юқорида айтиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалигида ҳосил қилинади.

Мавжуд аҳвол сабабларини аниқлашга уриниб кўрайлик. Улардан бирини, фикримизча, республика экономикасининг ихтисослашганлиги хусусиятидан ҳамда Ўзбекистон индустрияси йирик тармоқларида юзага келган тенденциялардан ахтармоқ керак.

Маълумки, республикамиз табиий-иқлим шароитига кўра СССРнинг асосий пахта базаси ҳисобланади: ҳозирги вақтда бутун мамлакатда ишлаб чиқарилаётган пахтанинг учдан икки қисмидан кўпроғини етказиб бермоқда. Бинобарин, Ўзбекистон экономикасида пахта комплекси асосий ўринни эгаллаб турганлиги, шу комплекс таркибига кирадиган тармоқлар — пахтачилик ҳамда унга хизмат этувчи қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, химия саноати, шунингдек, унинг маҳсулотини қайта ишловчи пахта тозалаш, енгил, озиқ-овқат саноати ва бошқа тармоқлар кўпроқ ривожланганлиги қонуний бир ҳолдир.

Айтиб ўтилган нхтисослашув асосида Ўзбекистон ССРда саноатнинг ўзига хос структураси юзага келган бўлиб, унга салкам 125 тармоқ киради. Улар орасида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини, асосан, пахта билан пиллани дастлабки тарзда қайта ишлаш билан машғул тармоқлар анча салмоқли ўрин эгаллайди.

Пахта тозалаш Ўзбекистон индустриясининг йирик тармоғи бўлиб, республика саноат маҳсулотининг бешдан бир қисмидан кўпроғини ишлаб чиқаради. Умуман саноат бўйича бу кўрсаткич динамикаси ундаги меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатига жиддий равишда боғлиқдир. Таассуфки, кейинги икки беш йиллик мобайнида мазкур тармоқда меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари пахта толаси чиқиши кўрсаткичлари ва унинг сифати ёмонлашиши оқибатида узлуксиз пасайиб борди. Натижада Ўзбекистон ССР саноатида меҳнат унумдорлигининг умумий даражаси ҳам пасайди.

Чигит асосий хом ашё бўлган ёғ-мой саноати тўғрисида ҳам шундай дейиш

мумкин. Чигитнинг ёғлиқлик даражаси пасайганлиги оқибатида кейинги йилларда умуман ёғнинг чиқиши анча камайиб кетди, тармоқда ишлаётган ҳар бир ходим ҳисобига олганда бу айниқса сезиларли бўлди.

Бироқ республикада ижтимоий меҳнат унумдорлигининг пасайиб борганлигига асосан қайта ишлашга келаётган хом ашё сифати ёмонлашганлигини рўкач қилиб кўрсатиш тўғри бўлмайди. Бунда ишлаётганларнинг ўз меҳнатларининг ҳам, бутун корхона фаолиятининг ҳам пировард натижаларига нисбатан бефарқ муносабатлари жиддий таъсир этди. Хўжалик юритишнинг жорий этилаётган механизми ана шу аҳволни ўнглашга қаратилган. Бу механизм қилинган меҳнат учун тўланадиган иш ҳақи ҳажмидаги илгариги чеклашларни йўқотди. Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари билан конкрет вақт оралиғидаги ўртача маош орасида белгилаб қўйиладиган нисбат бу борада тартибга солиб турувчи ягона реал восита бўлиб қолади.

Шундай қилиб, хўжалик юритишнинг янги механизми имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланилса, меҳнат унумдорлигини оширишнинг хусусий омилларига тааллуқли кўпгина проблемалар ҳал бўлади. Айни чоғда фан-техника тараққиёти ва меҳнатни илмий асосда ташкил этиш билан боғлиқ омиллар биринчи ўринга чиқади.

Кейинги йилларда республика корхоналарини янги техника ва илғор технология асосида техника билан қайта жиҳозлантириш масалаларини зудлик билан ҳал этиш тўғрисида турли жойларда жуда кўп марта гапирилди. Бу бежис эмас, албатта. Бинобарин, хўжалик юритишнинг янги механизми шароитида меҳнат унумдорлигини ошириш, унинг суръатларини жадаллаштириш кўп жиҳатдан фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш ҳамда фойдаланишга боғлиқ бўлади. Шунга қарамай, Ўзбекистон ССРда фан ва техникани ривожлантириш давлат плани топшириқлар миқдори жиҳатидан ҳам, ҳажм жиҳатидан ҳам муттасил бажарилмай келмоқда. Табиийки, бу соҳада белгиланган марраларга эришилмаяпти ҳам. Корхоналар ускуналари тезликда янгиланиши керак. Замонавий талабларга мос келмайдиган токарлик ва бошқа хил анъанавий ускуналар ҳамон кўп. 1988 йил охиригача бўлган маълумотларга қараганда республика саноатида ҳаммаси бўлиб 23 ротор ва ротор-конвейер линиялари мавжуд эди. Бутун 1988 йил мобайнида эса 15 тагина робот-техника комплекси жорий этилди. Кўриниб турибдики, бу борада суръат ва кўлам кутилганидан анча паст. Асосий фондлар амалда йилига бор-йўғи 1,7 процент янгиланди, бунинг устига замонавий ишлаб чиқариш воситалари тор доирадаги корхоналардагина жорий этилмоқда. Хусусан, саноат роботлари Иттифоққа бўйсунувчи машинасозлик заводларидагина татбиқ этилмоқда.

Экономикани ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари кўп жиҳатдан техника билан қайта жиҳозлаш масалаларининг самарали ҳал этилишига боғлиқ эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо XII беш йиллик планида мавжуд корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлашга жуда кам маблағ ажратилган. Шу сабабли инвестиция сиёсатини биринчи навбатда уни янада кўпайтиришга қаратиш зарур. Бундан ташқари шу жабҳада назоратни кучайтириш керак, чунки кўпинча реконструкция қилиш баҳонасида кечаги кун техникасини ўрнатадилар, бу билан техника бобидаги қолоқлик яна кўп йилларга чўзиб юборилади. Шундай ҳам бўладики, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб-эҳтиёжни ҳисобга олмай реконструкция қилинади. Ҳолбуки маҳсулот етказиб берувчига эмас, харидорга қараб иш тутиш керак.

Техника билан қайта жиҳозлаш ишлари самарадорлигининг пасайиб кетишига айрим корхоналарнинг сон кўрсаткичи кетидан қувиши ҳам сабаб бўлмоқда. Улар роботлар ҳамда рақамли программа билан бошқариладиган станоклар сотиб олишади, лекин бунда ўз корхоналарининг хусусиятини ҳамиша ҳам ҳисобга олавермайди. (Мамлакатимизда 16 та системада ишлайдиган рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг 26 та модели чиқарилмоқда.) Ускунага буюртма берганда конкрет нима кераклиги тўғрисида ўйлаб ўтиришмайди, турли системадаги станокларни олаверадилар, бу эса ускуналарга хизмат кўрсатишни мураккаблаштиради.

Робот-техника комплексларини яратиш масаласи ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. Модомики бундай комплекслар таркибига роботлардан ташқари тор ихти-

сосдаги, эскириб қолган маркадаги станоклар ҳам киритилса (Ўзбекистон ССР корхоналарида шунақаси кўп), улар мослашувчанликдан маҳрум бўлиб қолади. Оқибатда шу хилдаги комплекслардан муайян маҳсулот ишлаб чиқаришдагина фойдаланиш мумкин бўлади, қолган пайтда эса бекор туради. Бунақада самарадорлик қаёқда дейсиз!

Янги техникани қабул қилишга пухта тайёргарлик кўрилмаган жойларда ҳам «можаро» келиб чиқади. Зеро, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар, робот-техника комплекслари, электроника билан ишлайдиган бошқа ускуналарга алоҳида шароит керак: чанг-гард бўлмаслиги, муайян мўътадил ҳарорат зарур. Тажрибадан келиб чиқиб, янги мураккаб техникага буюртма берганда унда ишлайдиган кадрлар тўғрисида олдиндан ғамхўрлик қилиш кераклигини яна бир бор эслатишга мажбурмиз.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришга ҳали ҳам кам маблағ ажратилади. Ҳолбуки улар фан-техника тараққиётининг энг самарали йўналиши ҳисобланади, чунки жорий этилиши биланоқ самара бера бошлайди.

Жамиятимиз олдида турган вазифаларни ҳал этишни мумкин қадар тўлароқ таъминлайдиган асосий фондларни янгилашни жадаллаштириш билан бир қаторда унуми кам, маънавий жиҳатдан эскирган ускуналардан қатъиян воз кечиш керак. Кўпгина корхоналаримизда иш жойлари аттестациядан ўтказилмагани ва рационализация қилинмаганлиги туфайли қанақа ускуналарнинг баҳридан ўтиш керак, қайси бирларини модернизация қилиш лозим, қандай ускуналар замонавий талабларга монанд эканлиги ҳақида ҳанузга қадар аниқ тасаввур йўқлигини таъкидлаб ўтишга тўғри келади.

Техника билан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш суръатлари паст эканлиги сабабли саноатда қўл меҳнати улуши ҳамон юқорилигича қолмоқда. Ўзбекистон ССРда улар барча ишловчиларнинг қарийб 40 процентини ташкил этади. Ҳолбуки, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат унумдорлигини кўтаришни жадаллаштиришни таъминловчи тадбирлар орасида ана шу улушни қисқартириш асосий ўрин тутади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлардаги кишиларни бўшатиб олиш асосий ишлаб чиқаришдагига нисбатан икки баравар кам харажат талаб қилса-да, ҳозирги вақтда маблағларнинг 90 проценти асосий ишлаб чиқаришда механизациялаш ишларига йўлланмоқда. Ваҳоланки, ёрдамчи ишларда қўл меҳнати билан банд ходимлар сони асосий ишлаб чиқаришдагига қараганда 1,5—2 баравар кўпдир.

Халқ хўжалигида қўл меҳнати улушини камайтиришга механизация воситалари, хусусан кичик механизация воситалари етарлича ишлаб чиқарилмаётгани ҳам, уларнинг сифати яхши эмаслиги ҳам тўғоноқ бўлмоқда. Масалан, саноатнинг кўтарма транспорт машиналарининг, ускуналар, ноёб идиш ва тараларнинг энг янги турларига бўлган талаб-эҳтиёжи атиги 40—45 процентга қондирилмоқда, холос.

Шундай қилиб, ёрдамчи ишлаб чиқаришларга муносабатни ўзгартириш зарур. Зеро уларни қайта қуриш ҳозир ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш учун катта аҳамиятга эга. Шунингдек, марказий районлар тажрибаси асосида автоматлаштирилган системалар билан технология комплексларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг тармоқ программасини ишлаб чиқиш лозим. Жумладан, роботлаштириш юзасидан Москва программаси йилига 80 миллион сўм иқтисодий самара олиш ва ўн иккинчи беш йиллик мобайнида 18 минг ишчини оғир қўл меҳнатидан халос этишга мўлжаллангандир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари мавжуд машина-ускуналардан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқдир. Афсуски, кўрилаётган чораларга қарамай, бу борадаги асосий кўрсаткич — иш сменалилиги коэффициенти Ўзбекистон ССР саноатида ҳамон жуда паст; уни юқори кўтариш эса суст бормоқда: 1981 йилда у 1,38 эди, 1988 йилда 1,49 га тенг бўлди. Роботлар, рақамли программа билан бошқариладиган станоклар ҳамда уч сменада ишлатиладиган тақдирдагина ўзини яхши оқлайдиган бошқа замонавий ускуналарга нисбатан олганда бу айникса ачинарлидир.

Ҳозирги вақтда корхоналар кўп сменали иш режимига ўтказилмоқда. Бу тадбир катта иқтисодий самара бериши мумкин. Меҳнат ресурслари кўп бўлган республикамиз шароитида эса бунинг социал аҳамияти ҳам оз эмас, чунки у ҳозирча

иш билан банд бўлмаган меҳнат ресурсларининг маълум қисмини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлаш учун меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг форма ва методларини изчил такомиллаштириб бориш талаб этилади. Башарти янги техника, илғор технология эскича, эҳтимолки ўз умрини ўтаб бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари асосида фойдаланилса, шубҳасиз, мўлжалланган пировард натижаларни бера олмайди. Шу сабабли ишлаб чиқаришни бутунлай янги техника асосида интенсивлаштириш учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришга системали ёндашиш йўлларини ишлаб чиқиш ва улардан кенг фойдаланиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари одамлар фаолияти ишлаб чиқаришнинг моддий элементлари билан бирга қўшиб олиб борилгандагина жадаллашади. Бунга эса меҳнатни тўғри, илмий асосда ташкил этиш билангина эришиш мумкинки, у техника, технология ва ишлаб чиқаришнинг муттасил ривожланиб бораётган даражасига мос бўлиши керак.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш билан бир қаторда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш яхшиланмас экан, меҳнат унумдорлигини максимал ўстиришга эришиб бўлмайди. Бунда асосий оғирлик, албатта, халқ таълими системаси зиммасига тушади, бироқ бевосита корхоналарнинг ўзида ҳам тегишли ишларни кучайтириш лозим. Бу ерда гап хусусан касб танлаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш ишини план асосида изчил олиб бориш тўғрисида боряптики, бунда корхона маҳсулотларига талаб-эҳтиёжнинг ўзгариши, тармоқда фан-техника тараққиётининг бориши ва бошқа омиллар билан боғлиқ корхонани ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиш керак.

Бугунги кунда ҳаёт экономикамиз олдига тобора оғир вазифалар қўймоқда, уларни ҳал этиш ходимларнинг юқори малакали бўлишини талаб этади. Бироқ ҳозирги вақтда республикамизда ишчилар малакасининг ўртача даражаси умумиттифоқ ўртача даражасидан паст, бажараётган ишларининг ўртача разряди ҳам шундай. Буни нормативдан ортиқ миқдордаги ишчилар ҳисобига тўлдиришга тўғри келади. Ўз навбатида бу нарса меҳнат унумдорлигини оширишга салбий таъсир этади. Масалан, Ўзбекистон индустриясининг йирик тармоғи — енгил саноатда ишчиларнинг ўртача разряди 3,3, мамлакат бўйича эса бу кўрсаткич 4,8 га тенгдир. Бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра, бундай қолоқликни бартараф этиш қарийб 2 минг ишчини бўшатиб олиш ҳамда тармоқда меҳнат унумдорлигини қўшимча равишда 0,3 процент кўпайтириш имконини беради.

Республикамизда бўш меҳнат ресурслари борлигига қарамай, деярли барча корхоналарда етакчи касблар бўйича малакали ишчилар етишмайди. Бундан ташқари машина-ускуналар паркида унинг прогрессив турлари ҳиссасининг ортиб бораётганлиги инженерлик даражасида билими бўлган ходимлар ишлашини тақозо этади. Буларнинг ҳаммаси кадрлар малакасини узлуксиз ошириб, уларни янги, янада мураккаб замонавий касбларга тайёрлаб боришни зарур қилиб қўяди.

Ана шу айтилганлардан келиб чиқиб Ўзбекистон ССРда ижтимоий меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ўстириш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Асосий тадбирлардан бири — индустриал тармоқларни жадал ўстириш йўли билан уларнинг миллий даромадни ҳосил қилишдаги улушини Иттифоқ бўйича ўртача даражага етказиш, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳаси салмоғини ошириш ва қишлоқ хўжалиги улушини камайтириш асосида Ўзбекистон экономикаси структурасини такомиллаштиришдир. Республика саноатининг тармоқ структурасида электроника, приборсозлик, радиотехника ва бошқа юқори самарали прогрессив тармоқлар салмоғини қишлоқ хўжалиги хом ашёсини дастлабки тарзда қайта ишлаш билан машғул тармоқлар улушини камайтириш ҳисобига ошириш лозим.

Пахта хом ашёси ва пахта толасининг улгуржи нархларини қайта кўриб чиқиш ҳам муҳим. Уларни маҳсулотнинг ана шу турларини етиштиришга кетган керакли ижтимоий меҳнат сарф-харажатига мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида шундай қилиш зарур.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги қарор топган мақбул нисбатлар бузилишига йўл қўймаслик муҳим воситадир. (Бунда меҳ

нат унумдорлиги меҳнаткашлар иш ҳақи ҳажмини реал тарзда бошқариб борувчи восита бўлиб қолади, меҳнаткашлар эса иш ҳақи ҳар тарафлама ошишидан манфаатдордир. Худди шу нарса, маълумки, ишлаб чиқариш самарадорлигини, бинобарин, совет халқи фаровонлигини ошириш манбаи ҳисобланади.)

Хўжалик юритишнинг янги шароитида эскича намунадаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш фойдани, шу жумладан коллективни моддий рағбатлантириш фондларини кўпайтиришга салбий таъсир этишини ҳисобга олиб асосий ишлаб чиқариш фондларини меҳнат унумдорлигини кўп маротаба ошириш имконини берадиган янги техника ва энг илғор технология асосида янгилаш суръатларини кескин (6—10 марта) жадаллаштириш керак. Госплан ва республиканинг тегишли министрликлари эътиборини фан ва техникани ривожлантириш давлат планининг структурасини сифатли қилиб шакллантиришга қаратмоқ керак. Унга энг аввало энг янги техника ҳамда ресурсларни тежайдиган технологияни жорий этишга қаратилган тадбирларни киритиш, бунда ускуналарнинг янгиланиб бориш коэффициентини йилига 8—15 процентга қадар етказишни кўзда тутиш лозим.

Корхоналарни реконструкциялаш ишида ҳозирча кредитлашдан яхши фойдаланилмаяпти. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССРда 5,5 миллиард сўмдан иборат жами кредитларнинг атиги 3 проценти ана шу мақсадга сарфланмоқда. Асосий қисми эса жорий эхтиёжларга ҳамда хато ва камчиликларни тузатиш-у, хўжасизликнинг ўрнини қоплашга кетяпти. Нима учун Давлат банки кредитларни самарали харжлаш устидан реал назорат олиб бормайди? Уларнинг реконструкциядаги улуши 30—40 процентга етказилиши чорасини кўрмайди?

Яқин вақт ичида ҳамма ерда ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш ва рационализация қилишнинг биринчи босқичи ниҳоясига етказилиши учун керакли чоралар кўриш керак. Чунки унингсиз корхоналарни техника билан қайта жиҳозлашни самарали ўтказиб бўлмайди. Мамлакатимиз марказий районлари тажрибасидан ўрнак олиб, тегишли министрлик ва идораларнинг илмий-конструкторлик бўлинмаларининг ҳамкорликдаги куч-ғайрати билан қўл меҳнатини механизациялаш ва автоматлаштиришнинг автоматлаштирилган системалари билан техникавий комплексларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан тармоқ программалари ишлаб чиқилса, саноатда қўл меҳнатини жиддий равишда камайтириш мумкин бўларди.

Ишлаб чиқариш ва техникавий мақсадлардаги воситаларни фонд орқали етказиб беришдан уларнинг улгуржи савдосига ўтишга тааллуқли масалалар алоҳида эътиборни талаб қилади. Етарлича пули бўлган ҳар бир корхона амалда бемалол сотиб олиши мумкин бўлгани учун ҳам ноёб, танқис янги техника ва технология линияларини энг аввало чаққонроқ, уддабуронроқ корхоналар ёки ҳамон сўзини ўтказиш хуқуқини ўзида сақлаб қолувчи маҳсулот етказиб берувчилар билан тил топишадиганлар илиб кетиши мумкин. Ҳолбуки, бу муҳим ишда ҳаммасини ўз эркига ташлаб қўйиб бўлмайди. Шу боис вақтинча, танқис маҳсулот деган нарса йўқ бўлгунга қадар мамлакатда ягона ташкилот тузиш тўғри бўларди. Бу ташкилот янги техника ва илғор технологиялар мақсадга қанчалик мувофиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда, СССРнинг бутун территорияси бўйлаб бир текис тақсимланишини, маҳсулот етказиб беришда навбат ўрнатилиши вазифасини зиммага олади. Шунингдек, тегишли юқори ташкилот ҳузурида ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантиришнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш керак, чунки тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида дастлабки кезлари айрим корхоналар ўз маблағига янги техника сотиб олиш ҳамда хориждан техника ва технология харид этиш учун валюта ишлаб топиш имкониятига эга бўлмайди. Бундай корхоналарга юқорида айтиб ўтилган фонд ҳисобидан ёрдам берилмаса, улар хароб бўлади, чунки уларда жисмонан ва маънан ишдан чиқаёзган ускуналар кўп, бинобарин, улар йилдан-йилга кўпаяверади.

Масаланинг яна бир жиҳатига тўхтаб ўтишни истардик. Иш ҳақининг олдинги чеклашлари йўқотилгач, тўла хўжалик ҳисоби шароитида меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари билан ўртача ойлик маош ўртасида белгилаб қўйиладиган керакли нисбатларни таъминлаш мақсадида меҳнатни нормалаштириш жуда пухта қайта кўриб чиқилиши зарур. Бизнинг фикримизча, ҳамма ерда юқорида зикр этилган шартларга мувофиқ тузилган тармоқ ва тармоқлараро норма ҳамда нормативларга ўтилиши керак.

Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида меҳнатни ташкил этишнинг энг илғор формалари сифатида пудратнинг у ёки бу турларига ўтиш ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади. Энг кўп самарага эришиш учун хўжалик ҳисобининг иккинчи моделига, шароит кўтарган жойларда эса ижара пудратига ўтган маъқул. Ижара пудратида меҳнатнинг пировард натижалари унга ҳақ тўлашга янада баракалироқ таъсир этади.

Экономика самарадорлигини оширишнинг муҳим йўли харидоргир маҳсулотларнигина ишлаб чиқаришдир. Мабодо корхона бевосита буюртмалар ҳамда ўзи ва истеъмолчи учун ўзаро фойдали шартларда маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлса, у ҳолда бир йўла икки вазифа: корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш ҳамда танқис маҳсулотга бўлган талаб-эҳтиёжни қондириш вазифасини ҳал этади. Тўғри, харидорлар буюртмаси асосида ишлаб чиқариш программасини белгилаб олиш чиқарилаётган маҳсулотнинг тур ва хилларини тез-тез ўзгартириб туришни тақозо этади. Шу муносабат билан кам куч ва вақт сарф этиб ускуналарни қайта мослаштириш ва йўлга солиш имконини берадиган мослашувчан технология процессларини яратиш муҳим. Назаримизда, корхоналарда конкрет участканинг техникавий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бу масала билан алоҳида ижодий группалар шуғуллангани маъқул.

Республикамиз саноатида меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини жадаллаштиришга оид тадбирларни амалга оширишга эътиборни кучайтириш КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциялари қарорларига мувофиқ республика олдида турган программ вазифаларни муваффақиятли бажаришга ёрдам беради.

Г. ИНОМЖОНОВА

СОВЕТЛАРНИНГ ТЎЛА ҲОКИМИЯТИ ЙЎЛИДА

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида»ги резолюциясида таъкидланганидек, социалистик давлат ва ўз-ўзини бошқаришнинг негизи бўлган халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини таъминлаш — сиёсий системани ислоҳ қилишнинг ҳал қилувчи йўналишидир. Партиянинг иқтисодий, социал, миллий сиёсати энг аввало халқ ваколатли органлари орқали амалга оширилиши керак. Советларнинг қонун чиқарувчи, идора қилувчи ва контрол қилиб борувчи вазифаларини мустаҳкамлаш, ижроия органлари ва уларнинг аппаратига нисбатан сайлаб қўйиладиган органларнинг раҳбарлик мавқеини тиклаш зарурлиги таъкидланди.

Партия конференцияси қарорларини рўёбга чиқариш юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди. Фаоллик билан муҳокама қилинганидан кейин Советларнинг ролини реал тарзда ошириш учун, Советлар амалда халқнинг ўз-ўзини бошқариш органларига айланиши учун пойдевор қурган янги қонунлар қабул қилинди. Булар — мамлакат Олий Советининг навбатдан ташқари XII сессияси қабул қилган СССР Конституцияси (Асосий қонун)га киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисидаги СССР Қонуни ҳамда СССР халқ депутатлари сайловлари тўғрисидаги СССР Қонунидир.

Уларни турмушга муваффақиятли жорий этмоқ учун Лениннинг Советлар тўғрисидаги буюк меросини янги шароитларга татбиқан идрок этиш, социалистик жамиятда ҳокимият органларининг ўрнини ленинча тушуниш муҳимдир. Мамлакатда қайта қуриш кетаётган бугунги кунда Ленин тафаккури, ленинча ёндашув, унинг танланган йўлга ишончи бизга яна ва яна зарурдир. Бинобарин, социалистик давлатда Советлар мавқеини ва ролини асослаб берган Лениннинг Советларга доир назариясига, кўп қиррали, кўп аспектли, янги типдаги ҳокимият органларининг вужудга келиши ва ривожланиши қонуниятларини таърифлаб берган Ленин назариясига мурожаат қилиш қонунийдир.

Маълумки, В. И. Ленин давлатни бошқаришга меҳнаткашларни жалб қилиш Советлар фаолиятида демократик асосларни ривожлантиришнинг асосий шарти, деб кўп марта таъкидлаган эди. Владимир Ильич «Программа лойиҳасининг хомаки ёзмаси»да шундай ёзган эди: «Давлатнинг совет ташкилотини янада ривожлантириш Советнинг ҳар бир аъзосининг Совет мажлисларида қатнашиш билан бир қаторда, давлатни идора қилиш соҳасида, албатта, доимо бирон иш олиб боришидан иборат бўлиши керак; — сўнгра ҳамма аҳолини ёппасига (меҳнаткашларнинг ташкилотларига итоат қилган тақдирда) аста-секин ҳам совет ташкилотларида қатнашишга, ҳам давлат идорасида хизмат қилишга жалб этишдан иборат бўлиши керак» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 82-бет). Шуни таъкидламоқчимизки, социализмда демократиянинг моҳиятини ленинча тушуниш — мамлакатни бошқаришда омманинг тобора кенг иштирок этиши — XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларида чуқур акс эттирилди.

ИНОМЖОНОВА Гулчехра Зоидбековна, юридик фанлар кандидати, Тошкент олий партия мактаби совет давлат қурилиши ва ҳуқуқ кафедрасининг доценти.

В. И. Ленин Советларни меҳнаткашларнинг тўла ҳокимиятини рўёбга чиқарадиган давлат органлари деб ҳисобларди. Советларнинг II Бутун Росссия съездининг «Советларнинг тўла ҳокимияти тўғрисида»ги қарорида меҳнаткашлар суверенитетини гавдалантирадиган Советларнинг тўла ҳокимияти принципи алоҳида таъкидланган. Унда, бундан буён марказда ҳам, жойларда ҳам бутун ҳокимият Советларга мансуб дейилган эди. Кейинчалик Советларнинг тўла ҳокимияти принципи ўша вақтдаги қонун актларида, аввало 1918 йилги биринчи Совет Конституциясида ривож топди.

В. И. Ленин Советларнинг тўла ҳокимиятини уларнинг устунлиги билан маҳкам боғлаган эди, буни у «маҳаллий Советлар демократик централизм асосларида... ягона федерал иттифоқ билан жипслашган умумдавлат Совет ҳокимиятига эркин суратда бирлашуви»да кўрган эди (ТАТ, 36-том, 546-бет). Устунлик яна шунда ҳам намоён бўладики, «Советлар бутун меҳнаткаш аҳолининг ёппасига қонун чиқарувчилик функциясини бажаришига ва давлатни бошқаришига аста-секин ўтиш мақсадида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ва қонунларнинг бажарилишини назорат қилишнигина эмас, балки қонунларни Советларнинг барча аъзолари орқали бевосита амалга оширишни ҳам ўз қўлига олади» (ў ш а ж о й д а). Қонун чиқарувчилик функцияси билан қонунларни ижро қилишни халқ сайлаган вакиллари қўлида бирлаштириш имкониятини В. И. Ленин «демократиянинг ривожланишида олдинга қараб қўйилган шундай бир қадамдирки, у жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир», деб баҳолаган эди (ТАТ, 34-том, 357-бет).

Советлар Октябрь ғалабасининг дастлабки кунидан бошлаб ўзининг тўла ҳокимиятини рўёбга чиқара бориб, социалистик қурилишнинг ташкилотчилари ва раҳбарларига айландилар. Советларнинг барча съездларида хўжалик масалалари бирон бир тарзда қўйилиши шундан далолат беради. 1922 йилда ССР Иттифоқи ташкил этилиши билан улар Советларнинг бутуниттифоқ съездлари, СССР МИК сессиялари ва унинг Президиуми фаолиятида марказий масалаларга айланди.

Шундай қилиб, В. И. Лениннинг Советлар тўғрисидаги асосий ғоялари Советларнинг тўла ҳокимияти тўғрисидаги программ йўл-йўриқларини амалга ошириш учун назарий база бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан кейин шундай мантиқий савол туғилади: Совет ҳокимияти 70 ёшга кирганидан кейин нима учун ҳаётнинг ўзи халққа ва унинг ваколатли органлари бўлган Советларга ҳокимиятни қайтариб бериш проблемасини кўндаланг қилиб қўйди? Советларнинг ўзига қарашли территорияларни иқтисодий ва социал ривожлантириш учун роли ва масъулиятини ошириш тўғрисида ҳаммавақт гапириб келинган, бу вазифа партия ва ҳукуматнинг доимо диққат марказида турган-у. 1977 йилги Конституция маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқларини анча кенгайтирган эди. Советларга доир бир қатор жуда муҳим ҳужжатлар қабул қилинган, улар орасида КПСС МКнинг «Халқ депутатлари Советларига партиявий раҳбарликни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини ҳамда КПСС МК, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун халк депутатлари Советлари ролини янада ошириш ҳамда масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (1986 йил) алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Бироқ Советларнинг роли тубдан оширилади. Советлар расман ўз тажрибасида юқори орган ҳисобланган, жуда катта ҳуқуқларга эга бўлган ҳолда уларни амалда тўла рўёбга чиқара ҳамда регионал иқтисодий ва социал ривожланишга жиддий таъсир кўрсата олмадилар. Назария билан амалиёт ўртасида анча тафовут вужудга келди. Бунинг сабаблари XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларида чуқур таҳлил этилди. Буларнинг энг асосийси сиёсий системанинг маълум деформацияси натижасида таркиб топган бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмурий системасининг оқибати сифатида майдонга чиқмоқда. Советлар «қатнашув демократияси»дан аслида «қўллаб-қувватлаш демократияси»га айланиб қолди. Улар партия комитетининг нафақат қўшимтаси, балки ўзининг ижроия аппарати бўлиб қолдики, бу аппарат Совет учун унинг барча муҳим проблемаларини хал этар, депутатларга топшириқлар берар, улар ўрнига қарорларнинг лойиҳаларини тайёрлар эди ва ҳоказо. Шулар қаторига яна тегишли моддий базанинг йўқлигини,

депутатлар корпусининг заифлигини, министрликлар ва идораларнинг ҳар нарсага қурби етишини, Советларнинг қўл ва оёқларини тушовлаб қўювчи ҳар хил хат-ҳужжатларнинг кўплиги ва кўпгина бошқа нарсаларни қўшиш мумкин. Мана шу сабаблар Советларнинг ҳақиқий аҳволини ҳамда улар фаолиятини тубдан қайта қуриш зарурлигини тақозо этди.

Советларнинг тўла ҳокимиятини тиклашнинг йўллари қандай? Бугунги кунда бу назария соҳасидан амалиёт соҳасига ўтаётган ўзак масаладир. Баъзи бир ишлар қилинди: СССР халқ депутатлари сайловларига фаол тайёргарлик бормоқда, уларнинг съезди ўтказилади, мамлакат Олий Совети, СССР Конституцион назорат Комитети сайланади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади ва муҳокама қилинади, янги сайлов системаси асосида маҳаллий Советлар сайловларига тайёргарлик кўрила бошлайди.

Келгуси ўзгаришлар программаси улкан. Бинобарин, уни амалга ошириш ҳар бир партия ва совет ходимидан, ҳар бир депутат, ҳар бир коммунистдан, барча меҳнаткашлардан жуда катта куч-ғайрат талаб қилади.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини рўёбга чиқариш жараёнида бир қатор амалий проблемалар келиб чиқяптики, Советларни қайта қуриш тақдири уларнинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқ. Бугунги кунда Советларнинг тўла ҳокимиятини таъминлашда асосий нарса нима?

Биринчиси. Бу партия органлари билан совет органлари вазифаларини ажратиб олиш. Мана 70 йилдирки, бу масала кун тартибидан тушмай келади, бу масала юзасидан жуда муҳим партия қарорлари қабул қилинган, бироқ бу проблема ҳамон актуал бўлиб қолмоқда. Советларга партия раҳбарлигининг моҳияти узоқ вақт давомида Советлар функцияларини партия комитетлари тўғридан-тўғри бажаришидан иборат қилиб қўйилган. Сир эмаски, ҳокимият органи ҳар қандай, ҳатто иккинчи даражали масалани ҳам фақат партия комитети билан келишибгина ҳал эта олар эди; хўжалик раҳбарлари Советни писанд қилмай, ўз проблемалари билан бевосита парткомларга боришарди. Гражданлар ҳозир ҳам социал-маиший характердаги шикоятлари ва таклифлари билан кўпинча бевосита партия комитетларига мурожаат қилишади. Табиийки, Совет ижрокомларининг бўлимлари ва бошқармалари партия комитетларининг тармоқ бўлимларидан бериладиган ҳамма кўрсатмаларни ўзлари учун қонун деб ҳисоблашарди. Буларнинг бари ҳокимият органларининг ташаббусини бўғиб қўяр, улар обрўсининг анча пасайишига олиб келарди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партия ва совет органлари функцияларини аниқ чегаралаб олиш масаласини тезда ҳал қилиш зарурлигини эътироф қилиб конкрет тадбирлар белгилади. Шуларнинг энг муҳимларидан бири партия органлари аппаратини партиянинг ҳозирги шароитдаги функцияларига мувофиқ қайта ташкил этишдир. Партия аппаратида тармоқ бўлимларидан воз кечиш партия ва совет органлари функциялари ажратилишини амалда рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Лекин эндиликда партия органлари халқ хўжалиги билан мутлақо шуғулланмайди, дейиш нотўғри бўлур эди. Аксинча, территорияни ривожлантиришнинг иқтисодий ва социал масалаларига, уларнинг комплекс ҳал этилишини таъминлашга эътибор ошиб боради. Ёндашув ўзгаради — партия комитетлари ана шу масалалар билан ўзлари шуғулланиш ўрнига уларни самарали ҳал этиш учун тегишли шарт-шароит яратиш тўғрисида ғамхўрлик қиладилар, стратегик вазифалар тўғрисида бош қотирадилар, демократик асосни, ошкораликни ривожлантирадилар, идеологик ва кадрлар билан таъминлаш, ижобий тажрибани умумлаштириш ва ёйиш уларнинг зиммасида қолади.

Бошқа бир тадбир, одатда, партия комитети биринчи секретари билан Совет раиси лавозимларининг бир шахсда бирлаштирилишини кўзда тутади. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса бу янгилик турмушимизда таркиб топган реалликдан келиб чиқади, бунда функцияларнинг алмашуви шу қадар чуқурлашиб кетганки, уни оддий чоралар билан ҳал қилишнинг иложи йўқ эди. Лавозимларни бириктириш нима беради?

Биринчидан, партия раҳбари масъулияти мутлақо янги даражада бўлишини тақозо этади. Ахир эндиликда партия комитети биринчи секретарига ишонч тўғрисидаги масалани нафақат сайланиб қўйиладиган партия органи аъзоларининг нисбатан камгина состави унинг пленумида, балки

амалда депутатлар сиймосида территориянинг бутун аҳолиси ҳал этади. Энди «қўш лавозим» йўли машаққатли йўл — киши депутатликка, секретарликка, Совет раислигига — ҳамма ерда конкурс асосида ўтиши керак.

Иккинчидан, партия комитети билан Совет манфаатлари бирлашади. Энди раҳбарга унинг лавозими тақозоси билан ҳокимият органи ишини бажаришга ҳожат қолмайди.

Учинчидан, бундай раҳбар шуни эсда тутиши керакки, унинг барча хатти-ҳаракатлари ва қарорлари замирида партия комитетининг йўли турадики, энди уни депутатлар маъқуллаши керак. Акс ҳолда бу сиёсатга ва унинг раҳбарига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги масала келиб чиқиши мумкин.

Тўртинчидан, партия комитети биринчи секретарининг Совет раиси қилиб сайланиши раиснинг обрўсини мустаҳкамлайди, ижроком, унинг аппарати фаолияти устидан Совет назоратини кучайтиради.

Бирок белгиланган тадбирларнинг реал амалга оширилиши проблемани охиригача ҳал қилади деб ўйламаслик керак. Партия раҳбарларининг сиёсий маданиятини ошириш борасида улкан, машаққатли иш турибди. Партия органлари хўжалик масалалари билан жуда узоқ вақт шуғулланиб келишди ва бу билан сиёсий масалаларга путур етказишди. Бугун ҳам ҳар бир партия ходими омма орасидаги сиёсий фаолиятнинг ҳамма қирраларини аниқ тасаввур этмайди. Ана шу буюк санъатни ўрганиш, демократияни ўрганиш, партиявий ишдаги янгича ёндашувлар ва методларни ўзлаштириш — давр талабидир. Энг муҳими — Советларга партиявий раҳбарликнинг моҳияти — одамларни танлаш, ижрони текшириш, жамоатчилик фикрини диққат-эътибор билан ҳисобга олиш, Советларнинг тадбирларини идеологик жиҳатдан таъминлашда эканлиги тўғрисидаги ленинча ғояларни унутмасликдир.

Иккинчиси. Советлар ҳақиқатан ҳам ҳокимиятнинг ишлайдиган органлари бўлиши учун ижроия аппаратига нисбатан уларнинг раҳбарий мавқеини тиклаш зарур. Бу проблемани ҳал этишнинг асоси шунда топилдики, маҳаллий Советлар Президиумлари Советлар сессиялари оралиғидаги даврда доимий амал қиладиган органлар сифатида иш кўрадилар. Лекин бир қатор муҳим амалий масалалар борки, уларга ҳам Советлар тўғрисидаги бўлажак Қонунда жавоб берилиши керак. Аввало Президиум структураси қандай бўлиши қизиқтиради. Унинг составига Совет раисини, унинг ўринбосарини ҳамда доимий комиссиялар раисларини киритиш керак деган таклиф бор. Бизнинг назаримизда Президиум составига ижроком раисини киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, чунки, қарорлар ижросининг самарали бўлишини таъминламоқ учун у қарорларни ишлаб чиқиш, келишиб олиш ва қабул қилиш жараёнида иштирок этиши керак. Шунингдек Президиумда секретарь лавозими бўлиши мантиқийдир, бунда ижрокомдаги аслида кераксиз бўлиб қолган ана шундай лавозимни йўқ қилиш лозим бўлади. Доимий комиссиялар сонини йириклаштириш ҳисобига қисқартириш зарур деган хулоса туғиляпти. Бу тадбир фойдали бўлади, чунки проблемани комплекс ҳал этиш имконини беради.

Бир қатор бошқа саволлар ҳам келиб чиқади: Президиумни қандай қилиб компетентли ҳокимият органи қилиш мумкин? Президиум Советнинг ишини қилмайдими? Бу хавфнинг қандай қилиб олдини олиш мумкин? Президиумда штатли ва штатсиз лавозимлар нисбати қандай бўлиши керак? Унга қандай аппарат зарур? Ана шу долзарб саволлар маҳаллий Советлар тўғрисидаги бўлажак Қонунда акс этиши керак. Бир нарса шак-шубҳасиз — асосий иш қилинган. Советлар Президиумларининг барпо қилиниши уларга доимий амал қиладиган давлат ҳокимияти органлари сифатини бағишлайди, уларнинг назорат қилиш ваколатини анча кучайтиради. Энди на фақат ижрокомларнинг, шунингдек унинг бўлимлари ва бошқармалари фаолиятини ҳам системали контрол қилиш учун имконият кўпроқ бўладики, улар кўпинча ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Шу муносабат билан ижрокомларнинг бўлимлари ва бошқармалари чақириқ давомида камида икки марта Совет сессиясида ва ҳар йили тегишли доимий комиссиялар олдида ҳисобот бериб туришлари кераклиги тўғрисидаги қоиданинг Қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Янги структурада ижрокомнинг роли жиддий ўзгаради. Ижроком Совет функциясини бажаришдан қутулиб, бутун диққат-эътиборини давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишни оператив бошқаришга, Совет қарорларини самарали

тарзда турмушга оширишга қаратиши керак. Янги шароитда регионни ривожлантиришда ижроия комитетнинг роли анча кучаяди, ишнинг конкрет натижалари учун масъулияти ошади. Шу муносабат билан ижрокомни номенклатурага кириб қолган одамлардан эмас, балки ишни жиддий юритишга қодир билимдон, серғайрат кишилардан тузиш имконияти пайдо бўлади.

Учинчиси. Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш аввало уларга қарашли территорияни иқтисодий ва социал жиҳатдан комплекс ривожлантириш учун уларнинг масъулияти кучайишини англатади. Бугунги кунда асосий вазифа — Советни амалда хўжайин қилишдан, шундай ҳуқуқий механизмни шакллантиришдан иборатки, бунда айни Совет ушбу территориядаги барча ишларнинг дирижери ва уйғунлаштирувчиси сифатида иш кўрсин.

Бу ўринда бир қатор жуда мураккаб, зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган проблемалар келиб чиқади. Бу соҳада КПСС МКнинг 1987 йил июнь Пленуми қарорларини бажариш юзасидан қабул қилинган туб иқтисодий ислоҳот тўғрисидаги қарорларга мувофиқ анча иш қилинди. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Уч линия бўйича: 1) министрликлар ва идоралар билан, 2) юқорига бўйсунадиган корхоналар билан, 3) қарамоғидаги корхоналар ва муассасалар билан Советларнинг ўзаро муносабатлари бутун комплексини қонун даражасида аниқ, муфассал, гарантияларни кўрсатган ҳолда мустаҳкамлаш зарур. Ва ҳар бир линия учун ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар доирасини белгилаб қўйиш лозим.

Советларнинг министрликлар ва идоралар билан муносабатларини йўлга қўймоқ алоҳида аҳамиятга моликдир. Ана шу «азалий» проблемани ҳал қилмасдан Советларнинг чинакам ҳокимияти тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Уларнинг ўзаро муносабатининг моҳияти шундан иборатки, Советлар министрликлар ва идоралар ҳукми олдида ожиз эдилар, булар Совет территориясида қилинаётган ишлар тўғрисида ҳокимият органини хабардор қилишни лозим ҳам кўрмас эдилар. Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун, шунингдек туб иқтисодий ислоҳот тўғрисидаги қарорлар қабул қилиниши билан вазият бирмунча яхшиланди, лекин проблема охиригача ҳал этилгани йўқ. Бу соҳада туб тадбирий чоралар лозим. Биринчидан, иқтисодий ва социал ривожланишнинг комплекс планларини ишлаб чиқиш ва уларни таъминлашда Советлар асосий роль ўйнашлари керак. Планларда бутун маҳаллий хусусиятларни: демографик жараёнлар, меҳнат ресурслари билан табиий ресурслар нисбатини, инфраструктура мавжудлиги ва шу кабиларни ҳисобга олиш зарур. Ўлка ва область Советлари ижрокомларининг бош план-иқтисод бошқармалари ақлий ва координацион марказ, регионал планлар тайёрлашнинг иқтисодий штаби бўлиб иш кўришлари керак. Иккинчидан, комплекс планларни таъминлайдиган ресурслар министрликлар ва идораларда эмас, балки Советлар ихтиёрида бўлиши керак. Учинчидан, Советларга ўз территориясидаги корхоналар учун лоақал давлат буюртмасининг бир қисмини тузиш ҳуқуқи берилиши зарур. Корхоналар учун давлат буюртмалари ҳажми ва структураси корхона территориясида жойлашган Совет билан албатта келишиб олиниши керак. Тўртинчидан, шу территориядаги битта ҳам объект Совет билан келишиб олмасдан барпо қилинмаслиги лозим. Шу сабабли унинг алоҳида компетенцияси соҳасини кенгайтириш, рўйхатга ушбу пунктни қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бешинчидан, агар территория манфаатларига зарар етказилса Совет министрликлар ва идораларнинг қарорларини «тақиқлаш» ҳуқуқига эга бўлиши керак. Олтинчидан, корхоналар хўжалик ҳисобига ўтган ҳозирги пайтда оператив-хўжалик ва тақсимлаш функцияларини министрликлардан Советларга топшириш мақсадга мувофиқдир.

Советларнинг корхоналар билан ўзаро муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳам муҳим вазифадир. Уларнинг умумий принципларини давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун белгилаб берди. Бироқ Қонуннинг тегишли моддалари бир қадар декларатив характердадир. Шунинг учун Советларнинг юқорига бўйсунадиган корхоналар билан ҳам, шунингдек ўзига қарашли корхоналар билан ҳам ўзаро муносабатлари Советлар тўғрисидаги Қонунда ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб берилиши керак. Бунда Советларнинг корхоналар билан ўзаро муносабатлари ўзаро манфаатдорлик асосига қурилиши керак. Бундан ташқари, ҳокимият органларининг координацион-контрол функциясини кучайтириш зарур. Чунончи, Совет корхоналарнинг кимга бўйсунишидан қатъи назар уларнинг манфаатларини бирлаштириш учун гарантияланган ҳуқуққа эга бўлиши, территориал-

тармоқлараро бирлашмалар барпо қилиши, ўз буюртмаларини юқорига бўйсунувчи корхоналарга жойлаштириши, инфраструктура проблемаларини ҳал этиш учун уларнинг маблағларини жалб этмоғи керак, ва ҳоказо.

Маълумки, корхоналарнинг аксарияти, муҳими йирик корхоналарнинг кўпчилиги маҳаллий Советларга бўйсунмайди, бинобарин, уларнинг ана шу корхоналарга таъсир кўрсатиш имкониятлари ғоятда чеклангандир. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида маҳсулотлари аҳоли эхтиёжларини қондириш билан боғлиқ корхоналарни маҳаллий Советлар ихтиёрига беришни тезлаштириш зарурлиги айтилди. Паспортлаштириш асосида ишлаб чиқариш объектлари билан коммунал-маиший объектларни турли даражалардаги Советлар ўртасида пухта тақсимлаш жуда муҳимдир. Бу ерда шу нарсани ҳисобга олиш лозимки, иқтисодий ва социал ривожлантириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишга раҳбарлик қилиш ишлари асосан район ва шаҳар Советлари зиммасида бўлганлиги учун кўпчилик корхоналар, хусусан хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар районга итоат қилиши керак. Маҳаллий саноатни ҳам айни шу бўғинда жамлаш лозим. Шунинг учун, бизнинг назаримизча, район бўғинида Советлар ижрокомларининг саноат бўлимларини тузиш мақсадга мувофиқдир. Партия комитетларида саноат бўлимлари тугатилиши муносабати билан бу тадбир зарурат бўлиб қолди.

Советни ўз территориясида чинакам соҳибга айлантирмоқ учун унинг министрликлар ва корхоналар билан муносабатларини тартибга солишнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни бир қатор янги ва муҳим ҳуқуқларга эга қилиш зарур. Агар бошқа социалистик мамлакатлар тажрибасига амал қилинса Совет хизмат кўрсатиш соҳаси бўлинмаси, қурилиш корхоналари, хўжалик ҳисобидаги турли ташкилотларни (буларга территория керак бўлади) бунёд этиш, уларнинг фаолиятини йўлга солиш ва мувофиқлаштириб туриш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Советларга маҳаллий заёмлар чиқариш, социал масалаларни ҳал этмоқ учун аҳоли маблағларини жалб қилиш, турли бирлашмалар ва ассоциацияларга кириш ҳуқуқини бериш керак. Советларнинг кредит олиш ҳуқуқи ҳам анча кенгайтирилиши лозим.

Советларнинг штатлари масаласи кескин бўлиб турибди. Маълумки, улар янги талабларга жавоб бермайди. Советларнинг тўла ҳокимиятини таъминламоқ учун ягона принцип бўлиши мумкин — улар зарур штатга эга бўлишлари керак. Ижрокомларга ўз аппарати структурасини ва штатларини белгилашда тўла мустақиллик бериш лозим.

Ҳокимият органи ўз территориясини комплекс ривожлантириш масалаларини ҳал этар экан, одамларнинг муҳим эҳтиёжларига тааллуқли ҳамма масалаларни диққат марказида тутиши керак. Бу борада Советларнинг халқ олдида қарзи кўп. Уй-жой ва озиқ-овқат проблемалари, бозорни юқори сифатли молларга сероб қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш — Советлар фаолиятининг энг муҳим йўналишларидир.

Тўртинчиси. Мустаҳкам моддий база яратиш — Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлашнинг марказий вазифасидир. Бу масала ҳал этилмаса қўрилаётган тадбирлар ҳеч қандай натижа бермайди.

Биз тез-тез учратадиган маълум вазият Советларнинг моддий базаси аҳволидан далолат беради. Одатда тўла ҳуқуқли Совет территориянинг долзарб эхтиёжларини ҳал этиш ниятида «садақа» йиғиш учун «дўппи тутиб» министрликлар ва корхоналарни айланиб чиқар эди. Туб иқтисодий ислоҳот тўғрисидаги қарорлар қабул қилинганидан кейин вазият бирмунча яхшиланди, лекин бу чала-ярим тадбирдир. Бугунги кунда ҳам Совет ҳануз шерик эмас, балки тиламчидир.

Ахир маҳаллий Совет бюджети унинг барча эҳтиёжларининг озгина қисмини ҳам қондира олмаса, буни нормал ҳол деб бўладими? Қуйидаги маълумотлар шундан далолат беради: барча маҳаллий Советларнинг бюджетлари умумиттифоқ бюджетининг 17 процентдан салгина кўпроғини ташкил этади.

Советларнинг янги вазифалари ва функцияларини уларнинг моддий базасини мустаҳкамламасдан туриб рўёбга чиқариб бўлмайди. Шунинг учун XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси Советлар даромад манбаларининг, шу жумладан уларнинг территорияларида жойлашган, кимга бўйсунишидан қатъи назар, барча корхоналардан тушадиган киримларнинг узоқ муддатли нормативларига асосланган барқарор даромадларга эга бўлишлари керак, деб белгилади. Бу қоидани эндилик-

да Советлар тўғрисидаги Қонунда мустаҳкамлаб қўйиш керак. Шунинг учун ҳам бугунги кунда шундай нормативларни ишлаб чиқиш жуда муҳимки, улар илмий асосланган, етарлича мослашувчан, «иш берадиган», яъни Советлар билан корхоналарнинг ўзаро манфаатларини рағбатлантирадиган бўлсин.

Депутатлар ва Совет ходимларининг корхоналар маҳаллий Советлар бюджетига ерлар, йўллар, инфраструктура хизматларидан фойдаланганлик ва шу кабилар учун маблағлар ажратишлари кераклиги тўғрисидаги таклифлари ҳам ҳуқуқий тарзда мустаҳкамланишга муҳтождир. Кўпгина Советлар ҳозирнинг ўзидаёқ ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланганлик учун илмий асосланган тўловлар нормативларини ишлаб чиқа бошладилар. Энг муҳими шуки, Қонун белгиланган барча тўловларнинг маҳаллий бюджетга муқаррар тушиб туришини гарантиялаши керак, токи Совет, ҳозир кўпинча бўлганидек, уларни «ўлиб-тирилиб» ундирмасин.

Бундан ташқари, Советнинг ўз бюджетига ўзи тўла хўжайинлик қилиш ҳуқуқини ҳам гарантиялаш керак. У маблағларни бир моддадан иккинчи моддага қайта тақсимлаш, қиммат турадиган лойиҳалар учун маблағ тўплаш имкониятига эга бўлиши керак. Шундай ҳуқуқий механизм кераккки, у маҳаллий Советлар бюджетини Совет территориясида жойлашган корхоналар хўжалик фаолияти натижаларига бевосита боғлиқ қилиб қўйсин.

Бироқ, ҳатто бюджет масаласи кўнгилдагидек ҳал қилинганида ҳам Советлар ўз ишини шундай ташкил этиши зарурки, улар хўжалик алоқалари системасига бевосита кириша олсин. Бундай тажриба ҳозирдаёқ ўзига йўл топмоқда. Бу, бир томондан, Совет ва унинг ижрокоми билан, иккинчи томондан турли хўжалик ташкилотлари ва корхоналар ўртасида социал-иқтисодий шартномалар тузишдир. Шартнома асосидаги муносабатлар бюджетдан ташқари фондларни кўпайтириш имконини берадики, бу Советларнинг молиявий мустақиллиги кучайишига, бир қатор социал программаларни ҳал этиш учун қулай имкониятлар яратилишига, ижроком аппарати ходимлари меҳнати рағбатлантирилишига олиб келади. Шунинг учун ўзаро мажбуриятларни аниқ белгилаган ҳолда шартномалар тузиш ва уларни ижро қилиш тартибини йўлга солиб турадиган махсус ҳужжат қабул қилиб, бу ижобий тажрибани мустаҳкамлаш керак.

Бешинчиси. Шуни таъкидлаш кераккки, депутатлар пассивлиги Советлар ҳокимиятсизлигининг жиддий сабабларидан биридир. У кўп жиҳатдан буйрукбозлик-маъмуриятчилик системаси томонидан «программалаштирилган» бўлиб, бунда депутатга ҳеч нарсани ҳал этмайдиган якдиллик билан овоз бериш «муқаддас тартиби»да қатнашадиган статист роли ажратилган эди. Ўша шароитларда депутат давлат ҳокимиятининг вакили, Советда тўла ҳуқуқли соҳиб эканлигини англамас, англаши ҳам мумкин эмасди. У ўзини кўпроқ ижроком «ёрдамчиси» деб ҳис қиларди, чунки асосан унинг топшириқларини бажарарди. Кўпгина депутатлар, сайловчиларимизнинг долзарб ҳаётий масалаларини ҳал этишга ожизмиз деб куюниб гапирарди.

Янги сайлов қонуни вазиятни тубдан ўзгартириши керак. Унда аҳолининг истиқомат жойида ва бевосита жамоат ташкилотларидан депутатликка номзодлар кўрсатиши, депутат статусининг раҳбар лавозимларни эгаллаш билан сиғишмаслиги, номзодларни чекланмаган ҳолда кўрсатиш ҳуқуқи, ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқи, сайлов бюллетенига бир нечта номзоднинг киритилиши каби янги демократик тартибларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши бунинг гаровидир. Шундай қилиб, депутатлар корпусининг янги сифати аввало машъум «разнарядка»дан муносиб номзодларни танлашнинг конкурс системасига ўтилиши билан таъминланади. Бугунги кунда бошқача депутатлар — компетентли, принципиал, давлат миқёсида фикр юритадиган, ваколатли органларнинг янги имкониятларидан тўла фойдаланишга қодир депутатлар даркор.

Янгича демократик тартиботлар ҳаёт синовидан ўтиши керак. Лекин ҳозирдаёқ равшанки, бунда кўп нарса сайловчиларнинг актив позициясига, уларнинг сайловларда манфаатдорлик билан, фаол қатнашувларига боғлиқдир. Агар ёндашувлар эскича қолаверса, агар сайловчи кўрсатилган номзодларнинг қандай одам эканлигини билиб олишга ва энг муносиб кишини сайлашга астойдил уринмаса, агар у аввал бошданоқ, яъни номзодларни кўрсатишда пассив бўлса, депутатлик корпусимизнинг жиддий равишда яхшиланишига умид қилиш қийин.

Совет тўла ҳуқуқли орган бўлиши учун ҳокимиятнинг ҳуқуқий гарантиялари лозим. Ҳозирда амалда бўлган Советлар тўғрисидаги қонунлар шунинг учун «иш бермаяптики», улар асосан декларатив характерда бўлиб, ваколатли ҳуқуқларни таъминлашнинг ҳуқуқий тадбирларини белгилаб бермайди. Маҳаллий Советлар тўғрисидаги янги қонунларни ишлаб чиқишда ана шу «сабоқни» ҳисобга олиш лозим. Бу қонунлар қандай бўлади? Ҳозир лойиҳаси ишлаб чиқилаётган маҳаллий бошқарув ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги иттифоқ Қонунида XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси таърифлаб берган Советлар фаолиятининг асосларини, аввало Советларнинг тўла ҳокимияти, ўзини ўзи бошқариш, ўзини маблағ билан таъминлаш, маҳаллий манфаатларни умумдавлат манфаатлари билан уйғунлаштириш принципларини мустаҳкамлаш лозим.

Қонун Советлар билан министрликлар ва идоралар, шунингдек унинг территориясида жойлашган корхоналар билан ўзаро муносабатларининг умумий принципларини мажбурий тарзда тартибга солиши, Советлар моддий базаси манбаларини, хўжалик ташаббусининг гарантиясини кўрсатиши керак. Унда Советлар ишида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий формаларини мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Шу муносабат билан Советларнинг маҳаллий референдум ўтказиш ҳуқуқини кўзда тутиш матлубдир.

Маҳаллий Советлар тўғрисидаги иттифоқ Қонуни асосида ҳар бир иттифоқдош республикада Советларнинг ҳар бир бўғини тўғрисида қонунлар қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай қонунлар конкрет бўлиши, айни шу бўғиннинг хусусиятларини ҳисобга олиши керак.

Энг муҳими — янги қонунлар Советларнинг тўла ҳокимияти концепциясига тўла мувофиқ бўлиши керак. Шу муносабат билан экономикани тубдан қайта қуриш программасини бажариш юзасидан қабул қилинган давлат корхонаси тўғрисидаги Қонун билан, кооперация тўғрисидаги Қонун ва бошқа жуда муҳим ҳуқуқий актлар билан уни мувофиқ ҳолга келтириш зарурати туғилади.

Биз бугунги кунда асос солаётган ҳуқуқий давлат шароитида маҳаллий Советлар тўғрисидаги қонунлар тўғридан-тўғри амал қилиши, яъни идоравий актлар қабул қилиш имкониятини йўқотиш керак. Агар қандайдир ўзгаришлар киритиш зарур бўлса, янги ҳуқуқий ҳужжатлар тузиб ўтирмасдан; уларни тўғридан-тўғри Қонунга киритавериш мумкин.

Шундай қилиб, бугунги кунда Советлар кенгайиб бораётган демократия, ошкоралик, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш шароитида қандай яшаш, ишлаш, ҳаракат қилишда намуна кўрсатиши керак.

Ж. ТУЛЕНОВ

ҚАЙТА ҚУРИШ ҲАМДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ

СОВЕТ ХАЛҚИ босиб ўтган тарихий йўлга назар ташларканмиз, мамлакатимизда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида миллий масалани ҳал қилишга доир ғоят катта иш қилинганлигини таъкидламасдан иложимиз йўқ. Миллат ва элатларнинг амалдаги тенглигини таъминлашда, халқлар ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашда, меҳнаткашларнинг интернационал тарбиясида муайян ютуқлар қўлга киритилди.

Ягона иттифоқ давлатининг, кишиларнинг янги, тарихда ҳали кўрилмаган бирлиги — совет халқининг шаклланиш йўли осон кечмади. Аввалги ўн йилликлар давомида тўпланган қимматли нарсаларнинг ҳаммасини енгилтаклик билан улоқтириб ташламаслик ҳам жуда муҳимдир. Совет жамиятида юз бераётган покланиш жараёни нафақат социализм ленинча қиёфасининг бузилишларини тузатишга, балки кўп миллатли иттифоқимизни мустаҳкамловчи негизларни тиклашга ҳам йўналтирилган.

Октябрь революцияси мамлакатимиздаги миллий зулмни тугатди. Лекин эксплуататорлар асрлар давомида халқларни бир-биридан ажратиб келганлигини, миллатлар ўртасида сунъий равишда туғдириб келган ишончсизликни қисқа муддат ичида бартараф этиш мумкин эмас эди. Бунга декрет эълон қилиш йўли билан, умумий принципларни эълон қилиш билангина ҳам эришиб бўлмас эди. Ленинизм доимо миллий масаланинг характери ва уни ҳал этиш даражаси аввало мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаш табиати ва даражасига бевосита ҳамда белгиловчи даражада боғлиқ эканлигидан келиб чиққан. В. И. Ленин 1922 йил охирида шундай деб ёзган эди: «Миллатларнинг манфаатларига бирдан-бир тўғри муносабатда бўлиш — уларни максимал даражада қаноатлантириш ва ана шу заминда ихтилофлар чиқарадиган ҳар қандай имкониятларга хотима берадиган шароитларни яратиб беришдир... Турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, ҳар қандай фисқ-фасод хавфи йўқолади, шундай ишонч, айниқса турли тилларда сўзловчи ишчи ва деҳқонларда шундай ишонч туғдиради-ки, бунингсиз халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни бир қадар бўлса-да муваффақият билан ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 274—275-бетлар).

Лекин буйруқбозлик-маъмурий тазйиқ йилларида ана шу ғоят муҳим ленинча қоидалар бузилди. Айтиш мумкинки, Қозоғистон, Болтиқбўйи ва Закавказье республикаларида кейинги вақтда юз берган ихтилофли вазиятларнинг ҳаммаси кўп жиҳатдан социалистик демократия интернационалистик принципларида жиддий чекинишлар ёки уларни бузишларнинг натижаси бўлди. Демократия ва ўз-ўзини бошқариш кенгаяётган, миллий ўзлигини англаш жадал ўсиб бораётган, интернационаллаштириш жараёнлари чуқурлашаётган бугунги кунда юзага келаётган ма-

ТУЛЕНОВ Жандар, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти диалектик ва тарихий материализм кафедрасининг мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

салаларни ҳар бир миллат ва элатнинг гуллаб-яшнаши манфаатларидан келиб чиқиб ўз вақтида ва адолатли ҳал этиш алоҳида актуаллик касб этади.

Миллатлараро муносабатлар проблемаларини кўраётганимизда шахсга сиғиниш даври учун характерли бўлган тафаккурнинг кўп андозаларидан, турғунлик даври идеологияси ва психологиясидан халос бўлишимиз лозим. Хусусан, миллий масалани ҳал этишда эришилган натижаларни мутлақлаштириш ва безаб кўрсатишдан, миллатлараро муносабатлар гўё проблемалардан холи эканлиги тўғрисидаги даъволардан, айрим республикалар ва автоном тузилмаларнинг ҳам, миллий группаларнинг ҳам социал-иқтисодий, маданий ривожланишдаги эҳтиёжларини етарлича баҳоламасликдан ҳам воз кечиш керак бўлади. Қайта қуриш даври миллатлараро муносабатларнинг ҳозирги аҳволини реалистик ва ҳушёр баҳолашга, бу соҳада пайдо бўлаётган кескин проблемаларни эътибор билан қараб чиқишга мажбур этмоқдаки, ўз вақтида ҳал этилмаган бу проблемалар кўпинча қониқмасликни ва ихтилофли вазиятларни юзага келтиряпти.

Эндиликда иттифоқдош республикалар ва автоном тузилмаларнинг экономика, социал ва маданий ривожланиш, бошқарув соҳаларидаги ҳам интеграциялаш жараёнларини, ҳам мустақилликни, масъулиятни кучайтиришга доир конкрет таклифларни ишлаб чиқиш, аҳолининг барча қатламлари, хусусан ёшларнинг ватанпарварлик ва интернационал тарбиясини такомиллаштириш айниқса актуаллик касб этяпти. Конкрет-тарихий ҳолларни ҳам, юз бераётган ўзгаришлар динамикасини ҳам ҳисобга олувчи диалектик ёндашиш ҳозирги шароитда миллатлараро муносабатларни ҳал қилишнинг илмий асосланган ҳамда реалистик программасини ишлаб чиқиш учун методологик негиз бўлиб хизмат қиляпти.

Экономика соҳасида иттифоқдош республикалар ва автоном тузилмаларнинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплекси системасидаги аҳволини чуқур анализ қилиш, СССР давлат бюджети ва иттифоқдош республикалар давлат бюджетлари, маҳаллий бюджетларнинг ташкил топиши ва улардан фойдаланиш механизмини, территориал бошқарув органларининг СССР министрлик ва идоралари билан, иттифоққа бўйсунувчи корхоналар билан самарали ўзаро таъсир қилиш йўлларини белгилаш, ҳаёт илгари сураётган бошқа масалаларни ҳам анализ қилиш керак бўлади. Иттифоқдош республикалар ва автоном тузилмалар ташаббусларини марказий бошқарув билан диалектик равишда қўшиб олиб бориш мамлакат ресурсларидан, маҳаллий табиатга доир ва бошқа хусусиятлардан янада рационал фойдаланиш, ягона халқ хўжалик комплекси доирасида мамлакатнинг моддий ва маънавий потенциалини янада ўстириш имконини беради.

КПСС МК январь (1987 йил) Пленумидаги докладида М. С. Горбачев бундай деди: «Биз қилган ишларнинг ҳаммаси — умумий меҳнат билан қилинган, агар бир регионда нефть қазиб олинаётган бўлса, иккинчиси унга нон юборяпти. Пахта етиштираётганлар машиналар олмоқда. Ғалланинг ҳар тоннасида, олтиннинг мисқолида, пахта, кўмир, нефтнинг ҳар тоннасида, энг оддий машинадан тортиб то ноёб машинагача, ҳар биттасида бутун совет халқи, бутун мамлакат, бутун кўп миллатли Иттифоқимиз меҳнатининг улуши бор». Экономикани, бутун ижтимоий ҳаётни интернационаллаштириш қонуний жараён бўлиб, бу билан ҳисоблашмаслик ҳам мумкин эмас. Миллий маҳдудликка ҳар қандай интилиш фақат иқтисодий ва маънавий қашшоқланишгагина олиб келиши мумкин.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси республикалар ўртасидаги меҳнат тақсимотини изчил чуқурлаштириб боришни, хўжалик юритиш шарт-шароитини бараварлаштиришни, районларни иқтисодий жиҳатдан ўзлаштиришда актив иштирок этишни рағбатлантиришни, ишчи ва мутахассис кадрлар билан республикалараро айирбошлашни ривожлантиришни, республикаларда яшовчи миллат ва элатлар гражданларидан малакали ходимларни тайёрлашни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни тавсия қилди. Ўзбекистон учун ишчилар синфи составида туб ерли миллатлар вакилларининг ҳиссасини кўпайтириш долзарб вазифалардан бири бўлиб, уни ҳал этмасдан аҳолининг иш билан бандлиги проблемасини ҳам, республиканинг умумиттифоқ фондига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришни ҳам таъминлаш мумкин эмас.

Сиёсий системани қайта қуриш доирасида Совет Федерациясини демократик принциплар асосида мустаҳкамлашга доир тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Жумладан, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном область ва

автоном округлар ҳуқуқий статусини янада ривожлантиришни таъминлаш, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар компетенциясини аниқроқ чегаралаб олиш кўзда тутиляпти. Ҳозир бу масалалар қизғин муҳокама қилиняпти, натижада кўпгина қизиқарли таклифлар айтиляпти. Уларнинг баъзилари ҳозирданоқ ҳаётга татбиқ этила бошланди. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети қошида республика Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов бошчилигида миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича комиссия тузилган бўлиб, у актив ишлай бошлади. Қайта қуриш вазифаларига жавоб берадиган Халқ хўжалигини бошқариш бош схемаси жорий этила бошланди. Турдош вазифаларни бажарувчи иттифоқ-республика ва республика министрлик ҳамда идоралари мустаҳкамланди ва бирлаштирилди, марказий бошқарув ходимларининг миқдори эса қарийб 5 минг кишига ёки ярмига қисқартирилди.

Область бўғинида маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига республика органларидан территориялар ривожланишини комплекс планлаштиришга, меҳнат ва табиий ресурслардан янада рационал фойдаланишга доир вазифалар ўтказила бошланди. Жиззах ва Сирдарё, Самарқанд ва Навоий областлари бирлаштирилди, бу эса область бўғинида бошқарув аппарати миқдорини 30 процентга қисқартириш имконини беради.

Социалистик миллатларнинг ягона Иттифоққа бирлашиши совет халқининг нафақат моддий, балки маънавий бойлигининг ҳам қўшимча манбаларидан бири бўлиб қолди. Миллий маданиятларнинг яқинлашиши, улар ўзаро алоқаларининг мустаҳкамланиши мамлакатимиздаги ҳар бир халқ таланти билан яратилган барча қимматли нарсалардан баҳраманд бўлиш учун ғоят кенг имкониятлар очади.

Кўп миллатли маданият сифатида ривожланаётган социалистик маданият бундан кейин ҳам жамиятимиз ғоявий-маънавий жипслашувининг қудратли фактори бўлиб қолиши керак. Ишнинг янги, бугунги кун талабларига жавоб берадиган, маданиятларнинг ўзаро бойишини янада самарали қиладиган метод ва формаларини сабот билан излаш зарур.

Жамият манфаатлари йўлида ўз давлат-территориал тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки бундай тузилмаларга эга бўлмаган миллатлар вакиллари айниқса таълим, мулоқот, халқ ижоди соҳасида маданий-миллий эҳтиёжларни рўёбга чиқариш учун, шунингдек, миллий маданият ўчоқларини яратиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, диний эҳтиёжларни қондириш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак.

Ҳаёт шуни кўрсатяптики, барча миллат ва халқлар иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этиши билан бир вақтда уларнинг ўзини миллий англаш ҳисси муқаррар ўса боради. Бу — қонуний, объектив жараёндир. Лекин эришилган муваффақиятлардан табиий фахрланиш туйғуси миллий кибр-ҳаво ёки манманликка айланмаслиги, яккаланиш, бошқа миллат ва элатларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш тенденцияларини туғдирмаслиги муҳимдир. Миллатчилик ва пролетар интернационализми икки қарама-қарши сиёсат, икки қарама-қарши дунёқарашдир.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, шунингдек миллий муносабатлар проблемаларини чуқур илмий-назарий ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Бу эса илмий муассасалар ва мутахассисларга берилган масъулиятли социал заказдир. Бугунги кунда ҳаётдан ажралиб қолганликлари, билимларнинг бу соҳасидаги турғунлик учун ижтимоий фанлар адолатли равишда танқид қилинмоқда. Бунинг кўпгина ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор. Менимча, ижтимоий фанлардаги ишлар аҳволига салбий таъсир кўрсатган жиддий факторлардан бири, бу фан ва сиёсат ўзаро муносабатлари ленинча принципларининг бузилишидир.

В. И. Ленин сиёсий қарорлар улар жиддий равишда илмий ишлаб чиқилганидан сўнггина қабул қилиниши керак деб ҳисоблар эди. Афсуски, шахсга сиғиниш даврида ва турғунлик йилларида ушбу ленинча қоида жиддий деформацияга учради. Кўпинча аввал сиёсий қарорлар қабул қилинди, сўнгра эса олимлар олдига уни илмий-назарий жиҳатдан асослаш вазифаси қўйилди. Бундай вазиятда жамиятшунослар асосан «юқоридан» туширилган директив йўл-йўриқларни шарҳлаш ва пропаганда қилиш билан шуғулланишга мажбур эдилар.

Қайта қуриш фан ва сиёсат ўзаро муносабатларининг ленинча принципларини тиклаш учун қулай шарт-шароит яратмоқда. Ижтимоий фанлар, шубҳасиз, сиёсий

қарорларни пропаганда қилишлари керак, лекин жамият социал-иқтисодий ва маънавий ривожланиши йўлларини прогнозлаш, КПСС ва Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг илмий асосларини ишлаб чиқиш уларнинг асосий вазифаси бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун тафаккурнинг тарихий жиҳатдан ўтган йилларнинг, шу жумладан, миллий масалага ҳам тегишли бўлган авторитар догматик йўл-йўриқлари билан боғлиқ, ижтимоий фанлар ривожини секинлаштираётган кўпгина андозаларидан тезроқ қутулиш керак бўлади.

Мисол учун, «инсон омили»нинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ҳақидаги масалани олиб кўрайлик. К. Маркс ва Ф. Энгельс ижтимоий ишлаб чиқариш яшаш воситаларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда инсоннинг ўзини ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади деб ҳисоблаган эдилар. «Материалистик тушунишга мувофиқ, — деб ёзди Ф. Энгельс — бевосита ҳаётни ўзини бунёд этиш ва такрор бунёд этиш пировард натижада тарихда белгиловчи палла ҳисобланади. Лекин ишлаб чиқаришнинг ўзи яна икки турда бўлади. Бир томондан, яшаш учун воситаларни: озиқ-овқат предметлари, кийим, уй-жой ҳамда бунинг учун зарур воситаларни ишлаб чиқариш; бошқа томондан эса — инсоннинг ўзини бунёд этиш, авлодни давом эттириш» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 21, с. 25 26).

Лекин 30-йилларда Сталин ушбу қоидани танқид остига олди. Ўша пайтдан бери дарсликларимиз ва илмий адабиётда инсоннинг ўзини бунёд этиш ноишлаб чиқариш соҳасига киритила бошландики, бу эса сиёсий жиҳатдан технократик янглишувларга ва инсоннинг социал ривожланиши ролини етарлича баҳоламасликка олиб келди. Шу сабабли КПСС XXVII съезди социал соҳани тубдан яхшилаш ва унинг негизида инсон омилини активлаштириш проблемасини халқ хўжалигини ривожлантиришнинг устун йўналиши сифатида белгилаганлиги бежиз эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда хотин-қизларнинг жамиятимиздаги мавқеи ва ролини бир қадар бошқача баҳолаш керак бўлди. Албатта, хотин-қизлар мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив иштирок этаётганликлари ғоят эътиборга молик. Лекин агар социал соҳанинг устун мавқедалигидан келиб чиқсак, ҳар ҳолда хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги фаолияти эмас, балки унинг она сифатидаги мавқеи белгиловчи роль ўйнашини эътироф этмасдан бўлмайди. Болалар тарбияси ва таълими ишлаб чиқаришдан ташқарида бўлган, «қолдиқ соҳа» деб ҳисоблаш мумкин бўлган қандайдир иккинчи даражали соҳа эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим қисмидир.

Шундан келиб чиқиб ва республикамизда асосан хотин-қизлардан иборат меҳнатга лаёқатли салкам 500 минг нафар ортиқча киши мавжудлигини эътиборга олиб, хотин-қизлар меҳнатидан асосан болалар таълими ва тарбияси соҳасида фойдаланиш тўғри бўлар эди. Зеро, хотин-қизларнинг кўпинча моддий ишлаб чиқаришдаги оғир жисмоний меҳнатда иштирок этиши болаларининг ҳам соғлиғига зарарли таъсир кўрсатади. Ушбу проблема кўп болали оилалар кўп бўлган, социал соҳанинг ривожланиши эса барча кўрсаткичлар бўйича умумиттифоқ кўрсаткичларидан орқада қолаётган Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар учун актуал аҳамиятга эгадир.

Маълумки, СССРда миллий муносабатларнинг ривожланиши учун ўзаро боғланган икки тенденция — социалистик миллат ва элатларнинг янада гуллаб-яшнаши ҳамда яқинлашиши характерлидир. Шу сабабли уларни бир-биридан ажратиш, бир-бирига қарши қўйиш мумкин эмас. Акс ҳолда осонгина бир ёқламалилик ва субъективизмга тойиб кетиш мумкин, улар сиёсатда жиддий хатоларга ва амалиётда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Афсуски, босма ва оғзаки пропагандамизда баъзан ушбу икки тенденция бирлигида социалистик миллатларнинг яқинлашуви устун мавқеда туради деган фикрни учратиш мумкин. Бу тезисни асослаш учун одатда экономика, маданият, турмушни, бутун социалистик турмуш тарзини интернационаллаштириш факторларини кўрсатадилар. Лекин ҳар бир миллат ва элатнинг янада ривожланиши вазифаларидан ажратиб баён қилинган ушбу объектив жараёнлар ҳақиқий манзарани бузиб кўрсатади, бу соҳадаги ҳал қилинмаган проблемаларнинг кескинлигини сусайтиради.

Социалистик миллатларнинг яқинлашиш жараёни устун роль ўйнаши хусусидаги фикр қанчалик жозибали кўринмасин, менимча, у назарий жиҳатдан асоссиз-

дир, амалиётда эса айрим республика ва регионларни иқтисодий ва социал жиҳатдан интенсив ривожлантириш зарурлигига етарлича баҳо бермасликка олиб келиши мумкин. Ана шу мураккаб масалага диалектик ёндашиш социалистик миллат ва элатларнинг янада гуллаб-яшнаши ва яқинлашиши чамбарчас боғланган ва бир-бирига таъсир кўрсатувчи икки жараён эканлигини ҳисобга олишни талаб этади. Бинобарин, улардан бирининг ролини орттириб кўрсатиш муқаррар равишда бошқасининг аҳамиятини пасайтиришга олиб келади.

Ана шу иккала тенденция диалектикаси шундайки, социалистик миллатларнинг яқинлашиши нафақат ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий потенциалидан умуман мамлакатнинг ҳар томонлама тараққиёти манфаатлари йўлида фойдаланишни, балки уларнинг экономика, сиёсий ҳаёт, маънавий маданият, турмуш ва ҳоказо соҳалардаги ривожланишини бараварлаштиришни ҳам тақозо этади. Бошқа томондан эса, айрим республикалар моддий ва маънавий потенциалининг ўсиши нафақат миқдор жиҳатидан ўстиришни, балки социалистик негизларда сифат жиҳатидан ўзгартиришни ҳам англатадики, бунда айрим миллат ва халқларнинг экономика, маданият ва бошқа соҳалардаги ютуқлари умумхалқ мулкига айланади.

Шундай қилиб, миллат ва элатларнинг янада гуллаб-яшнаши уларнинг ривожланиш даражаси бўйича ҳар томонлама яқинлашувини тақозо этади. Шунга мувофиқ миллатларнинг яқинлашуви мажбурий компонент сифатида ҳар бир миллий экономика, маданият, турмушни, бутун турмуш тарзиии интенсив ривожлантириш заруратини ўз ичига олади.

Шунингдек социалистик миллат ва элатлар ҳаёти турли соҳаларининг мазмуни ва формасида, хусусан, маънавий маданият соҳасида қонуний равишда юз бераётган чуқур ўзгартишларни тўғри англаш лозим.

Совет халқининг маданияти мазмунан социалистик ва шаклан миллий эканлиги қоидаси аксиома бўлиб қолган. Шу ҳам шубҳасизки, кўп миллатли совет маданияти муттасил ривожланиб ва такомиллашиб боряпти. Ҳозирги шароитда маданиятларнинг ўзаро бойиш жараёнининг янада кучайиши, янги социал ва интернационал бирлик — ягона совет халқи маданиятининг шаклланишн юз бермоқда. Шунга асосланиб баъзи олимлар социализмнинг ҳозирги ривожланиш босқичидаги совет халқи маданияти нафақат мазмуни, балки шакли жиҳатидан ҳам социалистик маданият деб ҳисобламоқдалар.

Ўйлашимизча, бундай фикрларнинг пайдо бўлишини мазмун ва шакл категорияларининг диалектикасини билмаслик билангина изоҳлаш мумкин. Материалистик диалектика: мазмун — у ёки бу предметнинг моҳиятини белгиловчи ички белги ва хусусиятлар мажмуи; шакл эса мазмуннинг ички жиҳатдан ташкил этилиши, унинг ўз-ўзини ифодалаш усулидир деб таълим беради. Ҳар бир предметнинг мазмуни фақат унга хос бўлган ички жиҳатдан ташкил этиш шаклини талаб этади. Масалан, социалистик ижтимоий борлиқни акс эттирувчи тегишли философик, сиёсий, ахлоқий, эстетик ва шу сингари ғоялар адабиёт ва санъатнинг мазмуни, шакл эса — ўша мазмунни ифодалаш усулидир. Унга, хусусан, адабиёт жанрлари (роман, очерк, повесть), музика типи (классик, лирик музика), рақслар ва ҳоказолар киради.

Миллий маданиятларнинг ривожланиши ва яқинлашиши жараёнида уларнинг мазмуни ва шакли ўзгармасдан қолмайди, балки чуқур сифат ўзгаришларига учрайди. Турли миллат ва элатлар маънавий ҳаётини интеграциялашнинг баракатли заминида совет халқининг ягона интернационал маданияти ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда, у барча меҳнаткашларга хизмат қилади, уларнинг муштарак идеалларини ифодалайди. Бу маданият ўзига миллий маданиятларнинг ютуқлари ва ўзига хос анъаналаридаги умумий аҳамиятга молик нарсаларни қамраб олади.

Лекин совет халқи маданиятининг социалистик мазмуни ривожланишини миллий шаклни йўқотиш деб тушуниш керак эмас. Бу қоидани совет кишиларини улар маданиятининг мазмунигина бирлаштиради, шакли эса ажратади деган маънода ҳам тушунмаслик лозим. Ривожланаётган социализм практикаси руҳи ва характерига кўра интернационалистик бўлган совет маданияти мазмунан социалистик, ўз миллий шаклларига кўра хилма-хил эканлигини тасдиқламоқда. Айни шу хусусияти билан совет маданияти социалистик миллат ва элатларни ғоявий-маънавий

жиҳатдан жипслаштириш ва эстетик тарбиялашнинг буюк кучига айланди.

Миллий-рус икки тиллилигини ривожлантириш совет кишиларини маънавий бойитишда муҳим роль ўйнайди. Ўтмишда бу масалада ҳам биз ҳар хил ҳаддан ошишларга йўл қўйганмиз. Натижада миллий тилнинг ривожланиши кўп ҳолларда миллатлараро алоқа тилининг ривожланишига қарама-қарши қўйилган ёки аксинча бўлган. Бундай ёндашувнинг излари, афсуски, ҳозиргача сақланиб келмоқда. Ҳолбуки, В. И. Ленин таъкидлаганидек, «алоҳида умумийга олиб борадиган воситаларсиз яшай олмайди» (ТАТ, 29-том, 340-бет). Ана шу методологик принципдан келиб чиққан ҳолда ҳам миллий тилнинг, ҳам миллатлараро алоқа тилининг эркин ривожланиши ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатиш, бунда уларни ажратмаслик ва бир-бирига қарама-қарши қўймаслик муҳимдир. Миллий-рус икки тиллилиги ҳар бир регионнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уйғун ва табиий ривожланиши лозим.

Миллий тилларнинг давлат, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида фаол ишлаши хусусида кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиш лозим. Шу билан бир вақтда туб ерли миллат вакилларининг миллатлараро алоқанинг ғоят муҳим воситаси бўлмиш рус тилини эгаллаб олишлари учун барча шарт-шароитни яратиш зарур. Бу жараёнлар ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши керак. Бунда ҳеч қандай имтиёз ва чеклашларга,айниқса зўрлашларга йўл қўйиб бўлмайди. Ота-оналар томонидан болаларни ўқитиш тили танланишида ихтиёрийликдан воз кечиш миллий масалада демократик принципларнинг бузилишига олиб келган бўлар эди.

В. И. Ленин 1914 йили ёзилган «Мажбурий давлат тили керакми?» мақоласида рус тилини мажбурий давлат тилига айлантиришни таклиф этган либераллар ҳамда реакционерларни танқид қиларкан, таъкидлаган эдики, «у бошқа миллий группаларнинг улуғ ва қудратли рус тилини ўрганишини қийинлаштиради, ҳаммадан ҳам кўра — душманликни кучайтиради, сон-саноқсиз низолар туғдиради, ғазабланиш, бир-бирини тушунмаслик ва ҳоказоларни кучайтиради» (ТАТ, 24-том, 331-бет). Шунинг учун ҳам рус марксистлари таъкидлаган эдиларки, «мажбурий давлат тили бўлмаслиги керак, аҳолини ўқитиш ишлари барча маҳаллий тилларда олиб бориладиган мактаблар билан таъмин этилиши лозим ва конституцияга бирон миллатнинг ҳар қандай имтиёзларини ва майда миллатлар ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини бекор қиладиган асосий қонун киритилиши зарур» (ў ш а ж о й д а, 332-бет). Лениннинг ушбу сўзлари бугунги кунда ҳам жуда актуал янграмоқда!

Миллий муносабатлар диалектикасини қараб чиқишда улар ривожланишидаги муштарак тенденцияларни қайд этиш билангина чекланиб қолмаслик керак. Шунингдек айрим миллат ва элатларнинг улар тараққиёти характери, даражаси ва суръатларига таъсир кўрсатувчи конкрет тарихий ва регионал хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Маълумки, миллатлар капитализм даврида тил, территория, маданият ва экономиканинг муштараклиги негизида пайдо бўлади. Модомики Ўрта Осиё халқлари социализмга ривожланишнинг капиталистик босқичини четлаб ўтган экан, уларнинг миллат бўлиб жипслашуви Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг, янги жамият қурилиши давомида бошланди.

Ушбу объектив тарихий жараён экономиканинг характери, даражаси ва ривожланиш суръатларига, Ўрта Осиё регионы миллатларининг маданияти, тили, турмуши ва бошқа соҳаларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Феодал жамиятдан мерос бўлиб қолган урф-одатлар, анъаналар, маданий-маиший ва тил тафовутлари гарчи социалистик қурилиш жараёнида чуқур сифат ўзгаришларига учраган бўлсаларда, лекин ўзгарган шаклда аҳоли баъзи бир қисмининг психологияси ва онгига муайян даражада таъсир кўрсатиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий муносабатлар ривожланишининг умумий қонуниятлари тегишли тарзда ўзгариб, Ўрта Осиё регионы халқлари ҳаётининг специфик шароитлари орқали ўзига йўл очади. Бунда умумийлик ва алоҳидалик ўзига хос тарзда чатишиб кетади. Бу ўзаро боғлиқлик механизмини билиш миллий муносабатларни ривожлантиришга онгли раҳбарлик қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Афсуски, умумийлик ва айримлик диалектикасини ҳамма ҳам тўғри англай вермайди. Кўпинча модомики айримлик, алоҳидалик ва умумийлик категориялари ўзининг манбаига кўра объектив ҳамда мустақил аҳамиятга эга экан, демак,

улар ёрдамида ифодаланувчи муносабатлар ҳам объектив равишда, бир-бири билан ёнма-ён яшайди деган фикрни эшитиш мумкин.

Ҳолбуки реал воқеликда айримлик, алоҳидалик ва умумийлик бир-бири билан ёнма-ён эмас, балки диалектик бирликда яшайди. «Конкретлик шунинг учун конкретки, — деб ёзган эди К. Маркс, — у кўплаб таърифларнинг синтезидир, бинобарин, бу бирлик ранго-рангдир» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. т. 12, с. 727).

Диалектиканинг ушбу қоидаларидан келиб чиқиб, миллий муносабатлар ривожланишининг умумий қонуниятлари айрим миллат ва элатлар ҳаётининг ўзига хос шарт-шароити орқалигина намоён бўлади деб фара́з қилиш мантиқан тўғри бўлади. Бинобарин, ушбу қонуниятларни айрим миллатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олибгина, уларни (хусусиятларни) эса, ўз навбатида, умумий қонуниятларни ҳисобга олиш асосидагина тўғри тушуниш мумкин.

Кишиларнинг янги тарихий ва интернационал бирлиги сифатидаги совет халқи проблемасини ҳам ана шу умумийлик ва алоҳидаликнинг ўзаро боғлиқлиги позицияларидан туриб тўғри идрок этиш керак.

Совет халқи жамиятимизнинг қандайдир мустақил мавжуд социал структураси эмас, балки муштарак социалистик Ватан — СССРга, умумий иқтисодий база — социалистик хўжаликка, ягона социал-синфий структурага, ягона дунёқараш — марксизм-ленинизмга, ягона мақсад — коммунизм қуриш мақсадига эга бўлган барча миллат ва элатларнинг ягона давлат доирасида бирлашувидир. Бинобарин, совет халқи кишиларнинг янги тарихий бирлиги сифатида иқтисодий, сиёсий ҳаёт соҳаларида, социал-синфий структурада, маънавий қиёфа ва психологияда турли миллатларга хос бўлган хусусиятларнинг синтезини ташкил этади.

Мамлакатимизда кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқининг пайдо бўлиши бизнинг буюк ютуғимиздир. Биз унга мамлакатимизда рўй берган иқтисодий ва социал-сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос умумлаштирилган якуни деб қарашга ҳақлимиз. Шу сабабли ҳар бир алоҳида олинган миллат ва элатнинг ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни тўғри тушунган тақдирдагина совет халқига ва умуман унинг ривожланиш истиқболларига берилган таъриф ҳам тўлиқ бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, миллий муносабатлар ривожланишининг турли жиҳатларини ҳозирги илмий билишнинг умумий методологиясини ташкил этувчи материалистик диалектика позицияларидан туриб тадқиқ қилишгина самарали бўлиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, материалистик диалектика назариясини бундан буён ишлаб чиқишга эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Буни ҳисобга олган Ўзбекистон олимлари томонидан республика мақсадли программаси бўйича «Материалистик диалектика ва унинг инсон омилини активлаштиришдаги роли» комплекс темаси тадқиқ қилинмоқда. Ушбу тадқиқотларнинг натижалари асосида материалистик диалектиканинг дунёқараш, методологик, гносеологик, социал-синфий ва идеологик функцияларини очиб берувчи беш томлик асар тайёрланади ва нашр этилади. Бу хил асарларни тайёрлаш ва нашр этиш ижтимоий онгнинг дунёқараш асосларини шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, ҳаёт олға сураётган актуал масалаларга диалектик ёндашиш миллий муносабатлар соҳасида илмий асосланган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсий қарорлар қабул қилишнинг, қайта қуришни чуқурлаштириш ва ривожлантиришнинг зарур шартидир.

Атеистик иш ҳам дадил қайта қуришга эҳтиёж сезяпти. Ана шу мураккаб соҳада қайта қуриш қандай олиб борилиши керак? Эълон қилинаётган мақола авторлари бу хусусда ўз нуқтаи назарларини баён қилишади. Эҳтимол, унда мунозарали ўринлар ҳам бордир, лекин, бизнинг назаримизда, мақола жамоатчилик эътиборини ўзига торта олади. Барча хоҳлаган ўртоқлардан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўраймиз.

Ж. КАРИМОВ, Г. ЦОЙ

АТЕИСТИК ИШНИ ЯНГИЧА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК

ҚАЙТА ҚУРИШ ва ошкоралик атеистик тарбия соҳасидаги салбий ҳодисаларни ҳам очиб ташлади. Буларга диний ибодатхоналарнинг бузиб юборилишини ҳам (уларнинг кўплари меъморчилик дурдоналари эди), диндорлар ҳақ-ҳуқуқларининг чеклаб қўйилишини ҳам, бир қатор ҳолларда диний ҳис-туйғуларнинг ҳақорат қилинишини ҳам киритиш мумкин. Бу нарса бизнинг республикамизда ҳам юз берди. Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтининг катта илмий ходими Ф. Сулаймонова ўзининг 1988 йил 11 майда «Правда Востока» газетасида эълон қилинган «Буни оқлаш ҳақиқатга қарши боришдир» номли мақоласида ана шундай фактлардан бири ҳақида ҳикоя қилиб берди. У 30-йилларда миллий маданий бойлигимиз — қўлёзмалар қандай йўқ қилинганлигини эслатади, чунки одамлар буларни сақлаганлик учун диндорликда айбланишдан қўрқишарди.

Бу хилдаги қинғайишлар «турғунлик» йилларида ҳам содир бўлди, ҳамма нарсада диндорлик аломатларини кўришардики, бу оқибатда миллий нигилизмга олиб келди. Бу ҳақда Одил Ёқубов 1988 йил июнда «Литературная газета»да босилган мақоласида ёзди. Иш шунгача бориб етдики, деб таъкидлайди у, юксак минбарлардан туриб ўз она тилида гапириш тақиқлаб қўйилди, марҳум қариндошлари ва дўстлари хотирасини йўқлаган одамлар қораланди, бу дунёдан кўз юмган яқин одаминг уйига бориб таъзия билдириш ҳар бир виждонли кишининг бурчи эканлиги унутилди. Миллий кийимлар ва дўппи кийишнинг тақиқлаб қўйилишичи?

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бизнинг назаримизда, мана шу мисоллар атеистик позицияларнинг нима учун кенг аҳоли ўртасида кенг тарқалмаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Бундай қарашлар ва йўл-йўриқларни атеистларнинг ўзлари ҳам танқидий баҳоламоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси илмий атеизмнинг кризисига олиб келмаслиги мумкин эмасди, зеро у диндорларнинг ҳам, динга ишонмовчиларнинг ҳам ишончини йўқотиб қўйди. Таниқли олим, философия фанлари доктори Л. Н. Митрохин, муайян ижтимоий фикрни ифодалар экан, биздаги атеистик фикрнинг назарий савияси хусусида ташвишланиб гапиради. Шундай таассурот туғиладики, деб ёзади у «Вопросы философии» журналида (1987 йил, 12-сон), баъзи бир истисноларни ҳисобга олмаганда у асосан қандайдир фараҳли эсанкираш ҳолатига тушиб қолган, фақат диндорлар эмас, шунингдек мулоҳазали ўқувчилар назарида ҳам кўп жиҳатдан ўз обрў-эътиборини йўқотиб қўйди. Бундай нохушликнинг сабабларидан бири шундаки, профессионал-философик ёндашув ишлаб чиқилмаган, кўпинча қарор топган практикани танқидий умумлаштирмайдиган умумий фикр-мулоҳазалар билан алмаштирилади.

КАРИМОВ Жумақул ва ЦОЙ Геннадий Фарафонович — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг И. М. Мўминов номидаги Философия ва ҳуқуқ институти илмий атеизм секторининг илмий ходимлари.

Афсуски, аҳолининг кенг қатламлари атеизмни кўримсиз, эстетик жиҳатдан ғариб атеистик бурчаклар, танқидбозлик руҳида ёзилган юпқа брошюралар, ахлоқсизлик, миллий нигилизм билан боғлашади. Дин эса, аксинча кейинги йилларда, қандайдир порлоқ, юксак, ахлоқий маънавий тарбиянинг ягона воситаси, миллий маданиятни сақловчи бир маскан деб тасаввур этилмоқда.

Бунга инсониятнинг, шу жумладан айрим халқларнинг маданият тарихида дин ўйнаган ролга объектив баҳо берилмаслик ҳам сабаб бўлди. Бир томонга оғиш қарши ҳаракатни келтириб чиқарди. Қуйидаги фактни, яъни бутун совет халқининг ҳурмат ва эътиборини қозонган, тарихни яхши билувчи бир қатор йирик маданият арбоблари диннинг тарихдаги ролини бирмунча идеаллаштириб юборганликларини, афтидан, маълум даражада шу билан изоҳлаш мумкин. Бир нарсани таъкидлаш қизиқарли: Совет давлати ва Коммунистик партия тарихи, ҳатто Октябрь революциясининг 70 йиллиги байрам қилинаётган кунларда ҳам бутун карама-каршилиги билан очиб ташланган бир пайтда, христиан динининг Россияга киритилиши 1000 йиллиги муносабати билан православие черкови тарихи фақат ижобий томондан тақдим этилди. Бунда, шак-шубҳасиз, партиянинг холисона хоҳиш-истаги намоён бўлди, лекин шу билан бирга, афтидан, бунга атеистларнинг диндорлар олдидаги айбдорлик ҳисси ҳам сабаб бўлди. Миллион-миллион кишилар байрам тадбирларини Марказий телевидение орқали томоша қилишди, улардан бири Большой театр биносида бўлиб ўтди, унда КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзолари иштирок этишди, тантанали концертда эса кўп республикалардан совет санъатининг атоқли арбоблари қатнашди. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг кенг табақалари онгига кучли таъсир этди.

Шу муносабат билан республикамиз туб ерли аҳолисидан кўпларнинг бунга муносабати тўғрисида ҳам гапириб ўтиш керак, зеро улар яқин-яқинда ҳам атеистларнинг динни, айниқса исломни танқид қилиш бўйича жуда актив фаолиятига ҳар қадамда тўқнаш келар эдиларки, буни партия комитетлари йўналтириб тургандилар. Бу «танқид» баъзида тақиқлашнинг бемаъни формаларида, мачитларни, «муқаддас жойларни» йўқ қилиш шаклида олиб борилганди. Бундай контраст, табиийки, одамлар онгига чалкашлик, бесаранжомлик олиб кирди. Ерли аҳолининг деярли ҳамма вакиллари бир саволни кўндаланг кўярди: нега энди христианлик киритилган сана бу қадар кенг байрам қилинади, байрам тадбирларида партия ва давлат раҳбарлари қатнашишади, черковлар қурилади-ю, исломга муносабат бутунлай бошқача? Лекин иш савол билан чегараланмасди — эҳтирослар жўш урарди, ҳис-туйғулар жунбушга келардики, улар ичида энг кучлиси миллий туйғулар эди. Бу нарса шу билан изоҳланадики, у ёки бу дин конкрет миллатлар тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Христианлик, ислом, буддизм ота-боболаримизга юз йиллар давомида «ҳаёт илми» сифатида хизмат қилиб келган. Бу диний таълимотларга амал қилишган, уларга бўйсунишган. Шунинг учун ҳам уларнинг роли таърифланганда халқларнинг яқин ўтмишдаги ақл-заковати, маданияти даражасига ҳам баҳо берилгандай бўлади. Динни паст баҳолаш халқни паст баҳолаш демакдир, — афсуски, одамларнинг кўпчилиги ана шундай фикрда. Бошқа бир халқ динига ижобий баҳо берилса, бу миллий туйғуга айниқса ёмон таъсир қилади.

Тўғри, бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, диндорларнинг жуда кўп саволларига КПСС МКнинг Бош секретари М. С. Горбачевнинг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидаги докладида жавоб берилган. Унда айтилганидек, коммунистлар диний дунёқарашга номатериалистик, ғайриилмий дунёқараш сифатида муносабатда бўлишларини яширмайдилар. Лекин бу диндорларнинг руҳий оламига ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш, айниқса материалистик қарашни қарор топтириш учун ҳар қандай маъмурий йўл билан тазйиқ ўтказиш учун ҳеч ҳам асос бўлолмайди. Ҳаётнинг ўзи, тарих диндорлар билан худосизларни Советлар Мамлакати гражданлари, ватанпарварлари сифатида Улуғ Ватан урушининг синовли йилларида ҳам, социалистик жамиятимизни барпо этишда ҳам, тинчлик учун курашда ҳам бирлаштирди.

Қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар барча диндорлар СССРнинг тўла ҳуқуқли гражданларидир. Уларнинг мутлақ кўпчилиги ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда, қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда фаол иштирок этмоқда. Виждон эркинлиги тўғрисида ҳозир тайёрланаётган қонун лойиҳаси ленинча

принципларга асосланган бўлиб, ҳозирги реалликнинг ҳамма жиҳатларини ҳисобга олади.

Бу мураккаб, нозик масала юзасидан партиявий позиция ана шундай. У халқлар тарихига, уларнинг маданиятига, одамларнинг ўзаро муносабатларига кенг кўламда қарашдан келиб чиқиб, унинг замирида кўп проблемаларни тушуниш жойлашган. Чунончи, бизнинг назаримизда шу нарсани тан олиш керакки, ҳар бир халқ субъектив равишда ўз тарихини у ёки бу даражада идеаллаштиришга интилади. Одамлар психологиясининг ўзига хос хусусияти ҳам шундай — биз ота-боболаримизни, аждодларимизни аслида бўлганидан кўра янада кучлироқ ва қудратлироқ, донороқ кўришни истаймиз, бундай таъриф бизга кўпроқ ёқади.

Ҳар бир халқ ўз тарихи солномасида ҳам аламли, ҳам шонли саҳифаларни топиши мумкин. Бу дин тарихига ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун уни ё фақат қора ёки фақат оқ рангда тасвирлаш хато бўлур эди. Бу ерда объективлик, ҳалоллик керак. Афсуски, қатор йирик маданият арбоблари дин тарихидаги ижобий нарсаларни ҳаққоний ҳикоя қилганлари ҳолда айни вақтда унинг салбий томонлари тўғрисида лом-мим демайдилар. Яна шуниси ачинарлики, айни «ўз динига» нисбатан шундай қиладилар, бошқа халқлар динларига анча бошқача кўз билан қарайдилар, ўз қарашларини доим ҳам очиқ-ойдин айтмасалар ҳам, лекин ҳар ҳолда фаҳмласа бўлади. Чунончи, ўта маданиятли, биз юксак қадрлайдиган ва ҳурмат қиладиган академик Д. С. Лихачев «православие энг кувноқ христианликдир» деб таърифлаб, бу билан уни бошқа христианлик черковларидан ажратиб кўрсатади, улардан устун қўяди. Д. С. Лихачев православие билан исломни бир-бирига қарама-қарши қўяди, бу нарса унинг қуйидаги гапларида яққол кўзга ташланади: «Ботухон барча динларга баравар қарарди. Мўғул-татарлар ислом динига ўтганларидан кейин, Дмитрий Донскойнинг Мамайга қарши муқаддас уруши бошланди. Мамай юриши — бу шунчаки навбатдаги юриш эмас, бу исломнинг Русга қарши юриши эди» («Огонёк» журнали, 1988 йил, 10-сон).

Шу муносабат билан бир нарсани таъкидлаш керакки, атеистлар орасида исломга жуда реакцион дин деган қараш анча кенг тарқалган бўлиб айни вақтда христианликни, айниқса православиени улар анча ижобий баҳолашади. Бу Ўрта Осиёдаги туб ерли бўлмаган миллатлар атеист-олимлари учун айниқса характерлидир. Бундай позицияни Ўрта Осиё халқлари интеллигенциясининг кўпчилик вакиллари қабул қилишмайди. Улар тарихий қадриятларни асоссиз равишда талқин этиш ҳеч ҳам атеизмга фойда келтирмайди, аксинча тарихий ҳақиқатни ҳам бузишга олиб келиши мумкин деб ҳисоблашади.

Маданият арбоблари диннинг у ёки бу тарихий даврдаги таъсирини, шунингдек бугунги кунда қатор черковлар фаолиятининг айрим моментларини ижобий баҳолашса, бунинг ҳеч қўрқадиган ери йўқ. Атеист олимлар ҳам тарихни объектив анализ қилишдан келиб чиқиб, худди шундай йўл тутмоқдалар. Ҳозирги кунда динга турган-битгани жаҳолат деб қаровчи метафизик, бир ёқлама, догматик тасаввурлар бартараф этилмоқда. Масалан, А. Клибанов ва Л. Митрохин ўзларининг «Тарих ва дин» номли мақолаларида («Коммунист» журнали, 1987 йил, 12-сон) шундай деб ёзишади: «Кўпгина илмий концепциялар, социал-этик категориялар ва қадриятлар аввал бошда оммабоп шаклда дин тилида ифода этилган. Бу шакл инсониятнинг маънавий тарихи учун тарихан қонуний ва зарур эди». Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, у ёки бу тарихий даврларда дин ўйнаган ижобий ролни объектив равишда аниқлаган бу хилдаги илмий тадқиқотларга марксизм-ленинизмдан чекиниш деб қараш керак эмас. Чунончи, В. И. Ленин дастлабки христианликнинг «демократик-революцион руҳи» тўғрисида гапиради (Тўла асарлар тўплами, 33-том, 50-бет).

Атеистларнинг, умуман олганда республикамиздаги барча коммунистларнинг ислом дини тўғрисида объектив тасаввурга эга бўлишлари жуда муҳим. Биз исломнинг на фақат ожиз томонларини, шунингдек кучли томонларини ҳам билишимиз керак, бусиз тарбиявий ишни самарали олиб боролмаймиз.

Философия фанлари доктори Т. С. Саидбоев ислом тарихини ва унинг социал функцияларини ўрганиш юзасидан катта иш қилди. У фақат исломшуносликдагина эмас, балки бутун совет диншунослигида ҳам биринчи бўлиб диннинг социал функцияларини: интегратив, регулятив, коммуникатив функцияларини таҳлил қилиб берди. Т. С. Саидбоев қандай қилиб исломнинг шундай қисқа муддат ичида

буддизм ва христианлик сингари дунёвий динларни сиқиб чиқариб жуда катта территорияда ўз таъсирини ўтказа олганлигини тушунтириб беради. Афсуски, айрим обрўли атеист олимлар буни исломни ҳимоя қилиш деб қабул қилмоқдаларки, агар масалага холис ёндашиладиган бўлса, бу фикрга қўшилиш қийин.

У ёки бу кишининг динга муносабатига баҳо беришда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Ёшлар, зиёлилар ўртасида мутаассиб диндорлар деярли йўқ. Лекин динни юксак баҳолайдиган ва атеизмни қабул қилмайдиган одамлар оз эмас. Бу атеистлар олдида турган мураккаб проблемадир. Бу проблеманинг пайдо бўлишига кўп жиҳатдан ўзимиз айбдормиз: дин тўғрисидаги ҳақиқатни жуда узоқ вақт ва кўпинча бузиб келдик, уни бир томонлама тақдим этдик, атеизмга нисбатан ҳам шундай қилдик, унинг танқидий қисмига зўр бериб, атеизмнинг позитив, гуманистик, ижодий жиҳатларига зарар етказдик.

Биз, атеистлар ўз камчиликларимизни пайқашни истамадик,ўзимизнинг ҳар қандай диндан устунлигимизни исботсиз ҳақиқат деб билдик. Айни бир вақтда чет элдаги, айниқса мамлакатимиздаги дин арбоблари черков фармойишларининг реакцион жиҳатларидан жуда тез қутулиб, меҳнаткашлар ўртасида кенг ёйилган ер юзидаги тинчлик, дўстлик, бахт-саодат тўғрисидаги тасаввурларни фаол пропаганда қила бошладилар.

Атеистик ишни тўғри ташкил этиш учун мамлакатимиз территориясида мавжуд динларнинг Совет ҳокимияти йилларида янги ижтимоий муносабатлар, коммунистик интернационалистик идеология таъсирида жиддий ўзгарганлигини чуқур англаб олиш зарур. Энг муҳими шундаки, динлар совет гражданларининг орзу-умидларини ифода этишга уринишди. Масалан, ислом ҳозирги кунда кўп хотинлиликни, қалинни, паранжи ёпиниб юришни, «муқаддас жойларни» зиёрат қилишни қоралайди. Руҳонийлар ўз ваъзларида илмни, халқлар ўртасидаги дўстликни олқишлайди, соғлом турмуш тарзи учун курашади, эркаклар эътиборини аёлларига ёрдам беришга қаратади, ёшларни катталарни ҳурмат қилишга чақиради.

Мамлакатимизнинг турли жамоаларидаги диний ваъзхонликлар анализи шуни кўрсатдики, улар тематик жиҳатдан бутун кишилик ҳаётини, ҳамма проблемаларни қамраб олган. Ваъзхонликларнинг қуйидаги темаларини қисқача айтиб ўтиш мумкин: бурч, адолат, виждон, ҳалоллик, инсофлилик, тинчликсеварлик, садоқат, мурувват, фидойилик, мардлик, севги, дўстлик, беғаразлик, меҳнат, ижод, инсон ва коллектив, инсон ва оила, инсон ва табиат, имон ва даҳрийлик.

Ваъзхонликларнинг лекциялардан афзаллиги фақат темаларнинг кўплигида, хилма-хиллигидагина эмас, шунингдек уларнинг насиҳатомуз характерда бўлиши, дилдан ўрин ола билишида, эзгуликка, меҳр-муҳаббатга, дўстликка даъват эта билишида, обрў-эътиборли одам — оппоқ соқоли кўксига тушган, салобатли, нуроний, кўпни кўрган руҳонийнинг ваъзхонлик қилишида ҳамдир. Лекциялар эса, аксинча асосан информация характерида бўлиб, уларни яхши таниш бўлмаган одамлар ўқишади. Шунинг учун ҳам ваъзхонлик билан лекциянинг тарбиявий самарасини ҳеч ҳам бир-бирига солиштириб бўлмайди. Ваъзхонликларнинг афзаллиги улар ўтказиладиган жой билан ҳам боғлиқдир. Ибодатхонанинг гўзаллиги ва тантанаворлиги, тоат-ибодат маросими кишиларнинг ҳис-туйғуларига кучли эстетик таъсир кўрсатади. Руҳонийлар гўзалликнинг куч-қудратини қадим замонлардаёқ чуқур англашган ва ҳашаматли ибодатхоналар, диний иморатлар қуриш учун маблағни ҳеч аяшмаган. Бу билан улар халқ талантларининг ўз истеъдодларини намоён қилишлари учун ҳам имкон яратганлар.

Маълумки, Ўзбекистон архитектура ёдгорликларига бой, уларнинг кўплари жаҳон аҳамиятига эга дурдоналардир. Мачитлар, мадрасалар, мақбаралар, ҳаворанг қуббали минораларда бутун замин гўзаллиги ўз аксини топган — булар фақат ўзбек халқининг эмас, балки бутун совет халқининг ифтихоридир.

Хуллас, диннинг маданий-идеологик марказлари — архитектура дурдоналаридир, ҳолбуки илмий атеизм уйлари тўғрисида бундай деб бўлмайди. Бу мақола муаллифларидан бири республика илмий атеизм уйида уч йил ишлаган. Янги директор М. Ғ. Яҳёевнинг келиши билан бу ерда бинони ремонт қилиш ва территорияни ободонлаштириш юзасидан уч йил давомида қизғин иш олиб борилди. Очиғини айтганда, бу ишларнинг кўпини ходимларнинг ўзлари бажаришарди: қум элашар, сувоқ қилишар, тахтани арралашар, чакка ўтган тунукани алмаштиришарди. Об-

ластларда атеизм уйлари, одатда, икки-уч хонадан иборат бўлади. Агар мачитлар, черковлар, ибодатхоналарни атеизм уйлари билан солиштирадиган бўлсак (одамлар доимо солиштиришади), бу нарса атеизм фойдасига ҳал бўлмайди.

Сиёсий маориф уйлари анча салобатли кўринади, лекин оддий одам уларга бормайди, чунки улар семинарлар, конференциялар, кенгашлар учун мўлжалланган. Эстетик, бадиий жиҳатдан ҳам улар черковлар, ибодатхоналар билан рақобат қилолмайди. Бу бир жиҳатдан тўғри ҳам, чунки бу уйларнинг вазифаси — идеологларнинг ишини ташкил этишдир.

Маданият уйлари маълум маънода ибодатхоналар, черковлар билан рақобат қилишлари мумкин. Улар мулоқот, дам олиш, бадиий ижодкорлик марказлари сифатида одамларнинг кўпгина талаб ва эҳтиёжларини қондиришлари мумкин. Лекин ибодатхоналар, черковлар дам олиш, кўнгил очиш жойлари эмас, улар — идеология, тарбия, ғоявий-маънавий мулоқот марказларидир. Диндорлар бошларига ташвиш тушган вақтларда ҳам ибодатхонага боришади. Одамлар яхши гапга, холисона маслаҳатга, интим ҳаётларидаги муаммоларнинг ҳал этилишига муҳтожлик сезадилар. Яқинда Ўзбекистон телевидениеси бир кўрсатувда Жиззахда бир қизнинг ўзига ўзи ўт қўйгани тўғрисида ҳикоя қилди. Қизлик қадр-қимматини ерга урган бўҳтон уни ўз жонига қасд қилишга мажбур этди. Қиз дилидагисини ишониб гапира оладиган доно одам ёнида бўлганида уни асраб қолиш мумкин бўларди. Ҳаёт социал ва психологик ёрдам хизматини барпо этишни қатъий талаб қиляпти, бу ишнинг профессионаллари керак. Икки йил ичида 270 хотин-қизнинг ўзини ўзи ёқканлиги факти кўп нарсадан далолат беради.

Биз ибодатхоналар, черковлар билан турли идеологик муассасаларни бир-бирига қиёслаб, улар фаолиятини анализ қилиб шундай хулосага келдик: коммунистик тарбиянинг ягона маркази керак. Бунда уни ҳатто архитектура жиҳатдан гавдалантиришда ҳам бундай муассасанинг функционал хусусиятлари, унинг ғоявий, чуқур гуманистик моҳияти акс этиши керак. Уни қандай аташ керак? Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўриш лозим. Лекин муҳими иш мазмунини бинонинг ташқи қиёфаси ва интерьерида акс эттириш керак. Бу ерда ҳар бир одам халқнинг маданий меросига эзгу муносабатни ҳис этиши керак. Шу билан бирга новаторликдан, меъморчилик, қурилиш техникасининг бугунги ютуқларидан ҳам воз кечмаслик керак. Рассомлик санъати ва ҳайкалтарошлик инсониятнинг ибтидоий ваҳшийликдан буюк келажак — коммунизм сари босиб ўтган йўлини, революция босқичларини, одамларнинг диний ақидалардан қутулишини акс эттирсин, севгини, дўстликни, оналикни, кексалар донолигини, интернационализмни, ақл-идрок, илм-фан, тинчликни шарафласин. Одамлар архитектура гўзаллиги ва улуғворлиги, санъат орқали коммунизмнинг гуманистик ғояларини тезроқ ҳис қилишади ва идрок этишади.

Тавсия қилинаётган маданий-идеологик марказни биз кўп функцияли тарзда тасаввур этамиз. Бу ерга фақат лекция (унинг тематикаси хилма-хил бўлиши керак) эшитгани эмас, шунингдек таниқли шоир, музикачи, композитор билан учрашгани, фильм, спектакль кўргани, симфоник ёки енгил музикани эшитгани ҳам келсинлар. Бу ерда фарзандларга исм қўйиш, келин-куёвларни никоҳлаш маросимларини ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Марказнинг юксак эмоционал даражада ўтказиладиган барча тадбирлари одамларда виждонийлик, эзгулик туйғуларини, гражданлик активлигини уйғотиши керак.

Марказ загс, социал таъминот бўлинмалари, социал ёрдам хизмати, болалар фонди ваколатхонаси, ҳушёрлик жамияти, шафқат кўрсатиш жамияти, «Билим» жамияти, атеизм уйи сингари муассасаларни бирлаштириши керак. Биз уларнинг одатда қандай ғарибона хоналарда жойлашганини яхши биламиз. Бу ерда эса уларга нормал шароит яратиб берилади. Бундан ташқари пенсиясини олгани ва ёрдам сўраб келадиган қариялар коммунистлар ва комсомоллар, хайрия жамиятлари активистларининг назарига тушади. Шу нарса сир эмаски, кўпгина кексалар ёлғизликдан, гаплашадиган одами бўлмаганидан динга мурожаат қиладилар. Улар руҳонийлар олдига таскин, меҳр-шафқат излаб борадилар. Инвалидлар ҳам меҳр-эътиборга муҳтож, зеро мамлакатимизда улар салкам етти миллион кишидир. Улар ҳам аҳолининг ҳаёт қийинчиликлари туфайли дин таъсирига айниқса берилган маълум категориясидир.

Бу борада ҳам социал ёрдам хизматининг роли бебаҳодир. Унинг олижаноб

вазифаси — оилавий можароларни бартараф этиб, руҳий таскин топишида, ўз кучларига ишонч ҳиссини туғдиришда, ҳаётнинг асл маъносини излаб топишда одамларга психологик, амалий ёрдам беришдир. Бу ишда анонимлик ва ўзаро ишонч жуда муҳим. Одамлар бошига ташвиш тушганда истаган вақтида телефон қила олишлари учун бу хизмат телефонларининг номерларини билишлари керак. Диннинг таъсири айниқса бизнинг республикамизда диний маросимлар шаклида кучли намоён бўлмоқда. Диний бўлмаган маросимларни пропаганда қилишнинг кам самарадорлиги кўп жиҳатдан ташкилий, идеологик, эстетик базанинг заифлиги билан боғлиқдир. Ахир, загсхоналар мачиту черковлар билан ҳатто ташқи кўриниш бўйича ҳам рақобат қила оладими? Бизнингча, маданий-идеологик марказ ходимлари барча маросимларни юксак савияда ўтказган тақдирдагина диний расм-русмларни реал бартараф этиш мумкин бўлади. Халқ атеистлар, коммунистлар ҳамиша: айтайлик чақалоқ туғилган ёки янги оила бунёдга келган хурсандчилик дамларида ҳам, яқин одамидан айрилган мотамли кунларда ҳам ёнларида бўлишини ҳис этадиган бўлади.

Бундай иш учун, табиийки, кадрлар керак. Шуни ҳам таъкидлаш кераккн, партия кадрларнинг катта резервига эга: бу аввало уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсия ёшидаги олимлар. Ёшларни тарбиялаш, маросимларни ўтказиш билан асосан турмушнинг аччиқ-чучугини татиган, ҳамманинг ҳурматини қозонган кишилар шуғулланиши керак. Республикада бутун умр бўйи ҳалол яшаган юз минглаб пенсионерлар борки, маданий-идеологик марказ ходимларининг асосий қисмини айни ана шулар орасидан танлаб олиш керак. Уларнинг вазифасига мос чиройли ном ҳам топиб қўйиш керак. Ўзбек халқида олим одамга, шу жумладан атеист-олимга ҳам ҳурмат-эҳтиром билан «домла» деб мурожаат қилиш одат. Тўғри, кўплар бу сўзга қандайдир диний маънони беришади, лекин, бизнингча, ҳамма гап бу сўзга қандай мазмун жойлашда. Ветеранлар бажарадиган вазифалар бу — файласуф, донишманд, ҳаёт муаллими, маслаҳатгўйнинг ишидир. Марказнинг асосий ходимлари вазифасига муносиб ном танлаш ҳам аҳоли ўртасида коммунистик, атеистик идеология таъсирининг ошишига ёрдам беради. Марказ ҳар бир ветераннинг ўз участкаси — ўзи яшайдиган, ҳамма уни танийдиган кўчаси ёки уйи бўлиши керак. Бу унинг вазифасини енгиллаштиради.

Нега атеистларнинг кўпчилиги ўзи яшайдиган жойда катта ҳурмат-эътиборга сазовор эмас? Шунинг учунки, улар асосан динни, урф-одатларни, маросимларни танқид қилиш билан шуғулланишади. Агар ветеран асосан атеистик характердаги ижобий иш билан шуғулланса — чақалоқларга исм қўйиш, никоҳни қайд этиш, мотам маросимларини, маъракаларни ўтказса, хайрли маслаҳатлар берса, оилавий можароларни ҳал этишда ёрдам берса, бунда унга ишонч билдириб айтилган ҳамма гапларни сир тутса, унинг обрўси кун сайин ошиб, у руҳоний, пресвитер, мулла ва ҳоказолар билан бемалол рақобат қила олади.

Атеист-ветераннинг яшаш жойдаги ишини партия активи енгиллаштирадики, уни ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўчада, кўп қаватли уйларда ташкил этиш лозим. Зеро, бу ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, бу ерда унинг оила каби ячейкаси амал қилади. Коммунистлар кишиларнинг оиладаги ҳаётига, қўни-қўшниларнинг ўзаро муносабатларига кўпроқ эътибор беришлари керак. Ахир кўпгина коммунистлар ишда атеист-у, уйда диндор эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ишда диний расм-русмлар билан шуғулланадиганлар кўп эмас, оилада эса бутунлай бошқа вазият. Ҳолбуки, атеистик ишлар асосан кишиларнинг хизмат жойида ўтказилади. Турган гапки, бу ишни одамлар яшайдиган жойга кўчириш керак.

Хўжалик ҳаётини, айниқса ижара пудрати, меҳнатнинг якка тартибдаги кооператив формаси кенг миқёсда жорий этилаётган хизмат кўрсатиш соҳасини ва қишлоқ хўжалигини қайта қуриш идеология иши учун шарт-шароитни тубдан ўзгартириб юборяпти. Агар ҳозир колхозлар, совхозлар ва корхоналарда оз-моз бўлсада атеистик иш олиб борилаётган бўлса, лекцияларга одамларни тўплаш мумкин бўлса, ижарага олган даласида, оилавий чойхонасида ишлаётган одамларни бундай суҳбатларга анъанавий воситалар ёрдамида жалб этиб бўлмайди.

Практиканинг кўрсатишича, илгарилари оила пудрати (бу ишга барча оила аъзолари жалб этилганлиги ва уларнинг тиришқоқлиги туфайли каттагина даромад олинарди) кенг ёйилган жойларда одамлар турли диний маросимларда кўп-

роқ қатнашадиган бўлиб қолди, қалин миқдори ва диндорларнинг мачитларга қиладиган хайр-эҳсонлари жудаям ортиб кетди. Аҳолиси асосан якка тартибдаги меҳнат, ҳунармандчилик билан шуғулланадиган шаҳарлар, маҳаллаларда ҳам диндорликнинг ортиши кўзга ташланади. Шундай қилиб, атеистик ишнинг эски формалари якка тартибда меҳнат қилувчилар, кооператорлар, ижарачилар ўртасида самара бериши мумкин эмас. Бу ерда ишга ижодий ёндашиш керак. Бизнингча, атеистик кооператив клублар ташкил этган маъқул.

Кооператив клуб кишилар ҳаётини коммунистик, илмий-атеистик принциплар асосида ташкил этишнинг бир формаси бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Албатта, бунинг учун оилаларнинг, биринчи навбатда ёшлар оилаларининг ихтиёрий равишда розилиги керак. Кооперативга диний бўлмаган маросимларни ўтказа оладиган, оилавий ҳаётда тажрибаси катта, ахлоқий жиҳатдан пок, тажрибали атеист; соғлом турмуш тарзини пропаганда қиладиган, касалликларнинг олдини олиш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатадиган, ҳаммани физкультура машғулотларига жалб этадиган врач; болаларни тарбиялашга ва ўқитишга ёрдам берадиган педагог; агротехника бўйича малакали маслаҳат бера оладиган агроном; бозор конъюнктурасини яхши биладиган, иқтисодий билимлар асосини ўргатадиган иқтисодчи керак бўлади. Ўйлаймизки, бундай мутахассисларнинг бўлиши кооперативга ўз ишларини яхшироқ олиб боришда, биринчи галда техника, илм-фан ҳисобига янада кўпроқ даромад олишда ёрдам беради.

Клуб оилаларга диний маросимлар учун сарфланадиган турли хил харажатлардан халос бўлишда, бидъатларни енгишда ёрдам беради, болаларни яхшироқ тарбиялаш, спорт билан шуғулланиш, мароқли ва фойдали дам олиш учун имкон яратади. Маълум даромад олиб турилса кооператив клуб турли тадбирларни: тўйлар, юбилейлар, кечалар, суҳбатлар ўтказиш учун махсус бино қуриб олиши мумкин. Бу бинода болалар боғчаси, ветеранлар клуби ёш аъзоларининг кекса ота-оналари учун хоналар жойлашиши мумкин. Клубни ташкил этиш принципи шундайки, унга ходимлар оилаларининг барча аъзолари — болалар ҳам, кексалар ҳам киради. Агар кексалар орасида художўйлари бўлса, бунинг чўчийдиган ери йўқ. Уларнинг иззат-нафсига тегмаган ҳолда, ҳурматини жойига қўйиш керак, кексалар эса атеистик кооператив клуб болаларининг яхши пул топишларига, дам олишларига, невараларини тарбиялашга ёрдам бераётганини кўриб, атеистлар ҳақидаги ўз фикрларини ўзгартирадилар. Агар бу ерда сўққабош кексалар яшаса, уларни ҳам клубга аъзо қилиб олиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш керак бўлади.

Кооператив клубнинг устави бўлгани мақсадга мувофиқдир, зеро у нафақат ишлаб чиқариш ҳаётини, шунингдек оилавий ҳаётни ҳам тартибга солиб турган бўларди. Ўзаро ёрдам, катталарни ҳурмат қилиш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, болаларни атеистик руҳда тарбиялаш, маросимларни диндан холи қилиб ўтказиш, соғлом ва ҳушёр турмуш тарзи, барча оилалар аъзолари ўртасида самимий муносабатлар принциплари клубнинг ҳамма аъзолари учун қонун бўлиб қолиши керак.

Бундай клубларни қишлоқларда унча катта бўлмаган қишлоқ аҳолисини, шаҳарларда эса маҳалла, кўча аҳолисини бирлаштириб ташкил этиш қулайлик туғдиради. Бундай кооперативларни барпо этиш даврнинг долзарб талабидир, чунки фақат шундай социалистик ташкилотларгина, бизнингча, дин таъсирига самара билан қарши тура олади.

Юқорида баён қилинган фикрларни тезроқ амалга ошириш учун атеист олимлар, юристлар, иқтисодчилар, маданият арбоблари — архитекторлар, рассомлар, ёзувчилар ва бошқалардан иборат ташаббускор группани ташкил этиш керак; у Ўзбекистон Компартияси МКнинг тегишли бўлими раҳбарлигида иш олиб боради. Тажриба тариқасида, республиканинг туб ерли аҳоли кўпчиликни ташкил этган районларидан бирида ҳамда туб ерли бўлмаган миллат вакиллари кўпчилик бўлган бошқа бир районда маданий-идеологик марказлар ва кооператив клуб барпо этиш кераккки, кейинчалик эса уларнинг тажрибасидан (агар ижобий натижалар берса) кенг фойдаланиш мумкин бўларди.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ИҚТИСОДГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР ОЛДИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Республика иқтисодчи олимларининг координацион кенгашидан

КПСС совет жамиятини ҳар томонлама янгилаш жараёнларига раҳбарликни амалга ошира бориб, иқтисодий назария масалаларига алоҳида эътибор беряпти. Бу бежиз эмас. Бу соҳада кўплаб жиддий проблемалар тўпланиб қолган.

Сиёсий иқтисоднинг туб масалалари социалистик қурилишнинг ҳозирги босқичига татбиқан уни принципиал тарзда қайта кўриб чиқишни, хўжалик практикасига яқинлаштиришни талаб этяпти — ҳаёт билан ғоят яқиндан боғлангандагина иқтисод фанининг самарадорлигини ошириш мумкин.

Ана шу барча проблемаларнинг ҳал этилиши догматизмни бартараф этиш ва сиёсий иқтисодга хос тафаккурни тубдан янгилаш билан боғланган. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти 1988 йил октябрида ўтказган республика иқтисодчи олимларининг координацион кенгашида Ўзбекистондаги сиёсий иқтисодга доир тадқиқотларнинг вазифалари айни шу нуқтаи назардан қараб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг етакчи илмий ходими, иқтисод фанлари доктори, профессор И. Б. Блиндер доклад қилди. Кенгашда қарийб 70 киши иштирок этди. Журналхонлар эътиборига доклад ва нутқлар стенограммасининг ҳамда қабул қилинган қарорнинг мухтасар баёнини ҳавола қиламиз.

И. Б. БЛИНДЕР. Жамиятимиз комплекс қайта қуришдек, тафаккурни, маданиятни, ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларини янгилашдек муҳим даврни ўз бошидан кечиряпти. Тарихий жараённинг диалектикаси ҳозир шундан иборатки, ишлаб чиқаришнинг бирламчилиги ва белгиловчи роль ўйнашини, иқтисодий базисни сақлаб қолган ҳолда янгича тафаккурсиз, ахлоқий-маънавий негизларни, инсонда инсонийликни тикламасдан туриб қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди.

Қайта қуришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан партия иқтисодий сиёсатининг назарий негизи бўлмиш иқтисод фанига боғлиқдир. Бу эса барча иқтисодий фанларнинг негизи сифатида сиёсий иқтисодга алоҳида аҳамият бағишлайдики, унга методологик, назарий-билиш ва идеологик функциялар билан бир қаторда халқ хўжалик, амалий-ўзгартирувчилик функцияси ҳам хосдир. Сиёсий иқтисоднинг энг биринчи вазифаси: ҳозирги воқеликни ўрганишга диалектик-материалистик ёндашишни (сўзда эмас, балки амалда) тиклаш айни шундан келиб чиқади. Шу муносабат билан умумий, ўзига хос, айрим жиҳатларнинг диалектик ўзаро алоқадорлиги хусусидаги ғоят муҳим қоидага алоҳида эътибор берган ҳолда аввало регионал экономиканинг методологик негизлари ва хусусиятлари билан жиддий шуғулланиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг ўз теран моҳиятига кўра бутун мамлакат учун умумий бўлган конкрет формалари республикаларда баъзи бир тафовутларга эга. Ўзбекистон ССР социал-иқтисодий тараққиётининг йўлларини қайта қуриш назарий моделини ишлаб чиқиш чоғида ривожланишнинг умумий қонуниятлари билан улар ўзига хослигини шартловчи факторларни механик равишда қўшишга эмас, балки умумий, ўзига хос ва айрим жиҳатларнинг диалектик ўзаро алоқадорлигига асосланиш керак. Жумладан, қуйидагиларни албатта ҳисобга олиш зарур:

— Ўзбекистон социализмга токапиталистик муносабатлардан ўтиб келган;

— регионимизда ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд, шу сабабли аҳолининг иш билан рационал ва самарали банд бўлиши проблемаларини ҳал этмасдан туриб республиканинг социал-иқтисодий тараққиётига эришиб бўлмайди;

— пахтачилик қонуний равишда Ўзбекистон халқ хўжалигининг ғоят муҳим тармоғи ҳисобланади, лекин шаклланган пахта монокультурасини бартараф этмасдан туриб озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарали структурасини яратиш кўп жиҳатдан нореалдир.

Сиёсий иқтисодга оид тадқиқотлар (улар қандай проблемага дахлдор бўлмасин) республикадаги социал-иқтисодий қайта қуришнинг қонуниятларини, асосий йўналишлари ва перспективаларини очиб беришга бўйсундирилиши керак. Бошқача қилиб айтсак, сиёсий иқтисодга доир фундаментал тадқиқотлар амалий жиҳатларга халқ хўжалиги практикаси учун бирон бир даражада аҳамиятга эга бўлиши керак. Бошқа томондан олганда, ҳар қандай амалий ишланма сиёсий иқтисоднинг иқтисодий қонунларни очиб берадиган, ушбу иқтисодий жараённинг теран муносабатларини бошқарадиган муайян жиҳатига эга бўлиши керак.

Юзага келган қуйидаги ғайримантиқий вазиятга алоҳида эътибор берилиши керак: жамиятимиз социалистик жамият, лекин социализмнинг иқтисодий қонунлари реализация қилинмаяпти. Ишлаб чиқаришнинг умумлаштирилиши, ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги мавжуд, лекин «амалда умумлаштириш» мавжуд эмас, меҳнаткашларни ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштириш юз берди. Шу сабабли иқтисодий қонунларни рўёбга чиқариш ҳам деформацияланди. Айни шунинг учун ҳам қайта қуриш социализмни шунга ўхшаш деформациядан халос этишга қаратилган. Унинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон ССРдаги сиёсий иқтисодга доир тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, менинг фикримча, қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

— регионал иқтисодий ишланмаларда умумий ўзига хос ва айрим жиҳатларнинг ўзаро диалектик ҳамкорлиги;

— иқтисодий қонунларни рўёбга чиқариш ва хўжалик механизмини янгилаш;

— ишлаб чиқариш муносабатларининг регионал формалари, уларни такомиллаштириш ҳамда рўёбга чиқариш шартлари;

— регионда манфаатлар комплекси, манфаатлар билан ва манфаатлар орқали бошқариш социал-иқтисодий тараққиётнинг ғоят муҳим шарти эканлиги;

— социалистик мулкчиликни рўёбга чиқаришнинг регионал формалари;

— кооператив мулкни янада ривожлантиришнинг йўналиш ва формалари;

— якка тартибдаги меҳнат фаолияти; унинг негизида юзага келадиган ишлаб чиқариш ва мулк формалари;

— шахснинг ҳар томонлама ривожланиши, инсон омилининг активлаштирилиши, меҳнат ресурслари билан таъминланган регионларда турмуш даражасининг ўсиши ва турмуш тарзининг такомиллаштирилиши учун социал-иқтисодий замин яратиш;

— тақсимот муносабатларини такомиллаштириш;

— республикада ижтимоий ишлаб чиқаришни структуравий қайта қуриш, унинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив типидан интенсив, фонд ва капитал маблағни тежайдиган типига ўтишининг, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг социал-иқтисодий самарадорлигини оширишнинг сиёсий иқтисодга оид проблемалари;

— миллатлараро муносабатлар ривожланишининг, территориал хўжалик ҳисоби проблемасининг социал-иқтисодий асослари.

Шунингдек Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ва иқтисодий тафаккури тарихига доир тадқиқотларни қайтадан тиклаш, нокапиталистик ривожланишнинг иқтисодий қонуниятларини унинг барча яхши ва ёмон томонларини ҳисобга олган ҳолда ўрганишни давом эттириш ҳамда чегарадош хорижий мамлакатлар экономикасини ўрганишни бошлаш лозим.

Н. А. ХАН (иқтисод фанлари доктори, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири).

Сиёсий иқтисод фанида проблемалар жуда кўп миқдорда тўпланиб қолди. Лекин, менимча, халқ хўжалигига таъсирчан тавсиялар бериш учун уни конкрет экономика билан қандай қилиб яхшироқ боғлаш лозимлиги асосий проблема бўлса керак. Бизнинг кўпгина кулфатларимиз назариётчилар практикадан узоқлиги, конкрет соҳалардаги иқтисодчилар эса назарияни деярли тушунмаслиги билан боғлиқ.

Социализмнинг замонавий моделини ишлаб чиқиш пайтида юзага келадиган ғоялар ғоят катта эътиборни талаб қилади. Ушбу ишнинг жуда катта масъулиятлилигини унутмаслик керак. Реал социализм шароитида мулк проблемасини ўрганиш сиёсий иқтисодчилар учун кенг фаолият майдонини очади. Нима учун, хусусан, ижтимоий мулк кўпинча эгасиз мулк сифатида идрок қилинади? Эҳтимол, рағбатлантириш, манфаатларни ҳисобга олиш системасини ленинча наказга мувофиқ ҳолда қайтадан қараб чиқиш керакдир.

Қ. С. САИДОВ (иқтисод фанлари доктори, А. Навоий номли Самарқанд давлат университети сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири).

Республика сиёсий иқтисодчилари ҳақиқатан ишловчи координацион советга жуда муҳтожлик сезяптилар. Нафақат ким нима устида ишлаётганини ҳамда сиёсий иқтисодга доир қандай тадқиқотлар бугунги кунда энг зарур эканлигини аниқлаб олишгина эмас, балки ишланмаларимизнинг истеъмолчилари ва буюртмачилари ҳақидаги масалани ҳам ҳал этишимиз керак. Фақат ана шундай асосдагина ягона координациялаш планини тузиш мумкинки, унинг ёрдамида сиёсий иқтисод Ўзбекистонда ўз қиёфасига эга бўлиши керак. Зеро,

ҳозир бундай қиёфа ҳали йўқ. Қайта қуришнинг турли йўналишларига доир фанимиз прогнозлари ва тавсиялари ҳам йўқ. Кафедралардаги кўп темалиликдан халос бўлиш пайти келди. Сиёсий иқтисоддаги танқид масалаларига доир проблемали комиссия тузиш мақсадга мувофиқдир.

А. У. УЛМАСОВ (иқтисод фанлари доктори, Тошкент халқ хўжалиги институти учёт-молия ихтисосликлари сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири).

Ўтмишда сиёсий иқтисодчиларимиз специфик жиҳатларга берилиб кетиб, умумий йўналишларни эътибордан соқит қилдилар. Бугунги кунда бунга барҳам беришимиз ва сиёсий иқтисодга доир тадқиқотларимиздаги маддоҳлик характерини бартараф этишимиз лозим. Шунингдек чет эллик иқтисодчиларнинг ишларига янгича — вазминлик билан, чуқур мулоҳаза юритган ҳолда ёндашиш керак бўлади. Ишлаб чиқариш муносабатларининг миллатлараро жиҳатини ўрганиш билан шуғулланиш, иқтисодий социология методлари ва ЭҲМ (электрон-ҳисоблаш машиналари) дан фойдаланишни кенгайтириш зарур. Бундан ташқари, нарсаларга реал назар билан қараш ва уларни ўз номи билан аташ пайти келди. Хусусан, социализмдаги социал табақаланиш ва камбағаллик проблемасини ёритиш, уни регионал нуқтаи назардан қараб чиқиш пайти етди.

А. А. АБДУҒАНИЕВ (иқтисод фанлари доктори, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети табиий факультетлар сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири).

Республикада сиёсий иқтисодга доир тадқиқотларни координациялаш ва ташкил этиш масаласи ғоят долзарб масаладир. Олий ўқув юртларидаги бирорта сиёсий иқтисод кафедраси самарали илмий изланишларни бир ўзи олиб бориш учун етарлича базага эга бўлмаганлиги учун энг асосий 3—4 йўналишни белгилаш ва олимларимизнинг кучини ана шуларга жамлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Менимча, қуйидагиларни биринчи навбатдаги проблемаларга киритиш керак: Ўзбекистон экономикасини интенсивлаш йўлига ўтказиш; социализмнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги зиддиятлар; территориал хўжалик ҳисоби; республика экономикасини ихтисослаштириш даражасини оптималлаштириш. Ушбу проблемаларнинг ишланмалари тармоқ фанлари билан яқиндан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак. Бундан ташқари, экономика соҳасида маълум салбий ходисаларга олиб келган чуқур жараёнларни ҳамда бу ходисаларни бартараф этиш йўлларини ўрганиш керак. Ўзбекистонда сиёсий иқтисодчиларнинг илмий жамиятини тузиш ҳақида ўйлашда маъно бор деб биламан.

Р. Х. ШОДИЕВ (иқтисод фанлари доктори, Тошкент олий партия мактаби сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири).

Социализм сиёсий иқтисодида бир талай догматик қоидалар йиғилиб қолди. Хаёт социализм сиёсий иқтисоди фанини янада кенг талқин этиш масаласини қўйишни талаб қиляпти. Ноишлаб чиқариш соҳасига, унумли ва унумсиз меҳнатга, миллий даромадни яратишга ёндашиш қайта қараб чиқишга муҳтождир. Сиёсий иқтисодчи олимнинг нуфузи хақида ҳам ғамхўрлик кўрсатиш керак. Эҳтимол, илмий қизиқишларга қараб кафедраларни шакллантиришга уриниб кўрсакмикан?

М. Р. РАСУЛЕВ (иқтисод фанлари доктори, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети философия-иқтисод факультети сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири).

Сиёсий иқтисод партия ва ҳукуматнинг экономикага доир қарорларининг тасдиқловчиси бўлмасдан,балки уларнинг назарий негизини амалда таъминлаши керак. Республикамиз учун ҳозирги шароитда унинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексидаги ихтисосланишининг оптимал даражасини белгилашга ва «республиканинг тайёрга айёрлиги» хусусидаги гап-сўзларнинг қанчалик асослилигини объектив таҳлил қилиш мақсадида ҳосил қилинадиган миллий даромадни ҳисоблаб чиқишни такомиллаштиришга доир тадқиқотлар энг муҳим тадқиқотлар ҳисобланади.

Ш. Ш. СУЛАЙМОНОВ (иқтисод фанлари доктори, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти сиёсий иқтисод кафедрасининг профессори).

Республикада сиёсий иқтисодга доир тадқиқотларнинг методологик жиҳатларини ишлаб чиқишда, илмий изланишларнинг социализмда мулкка эгаликни, шу жумладан ерга эгаликни рўёбга чиқариш сингари нуфузли йўналишларини таъминлашда координацион советнинг роли оширилиши керак. Республика олий ўқув юртлари сиёсий иқтисод кафедраларининг базавий маълумоти бор мутахассислар билан таъминланганлиги алоҳида эътибор доирасида бўлиши керак — ҳозирча уни қониқарли дейиш мумкин эмас. Сиёсий иқтисодчилар ўз асарларини эълон қилишда ҳам катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Е. В. ДАШИН (иқтисод фанлари кандидати, В. И. Ленин номли ТошДУ философия-иқтисод факультети сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти вазифасини бажарувчи).

Ҳозирги кунда энг асосий вазифа — догмалардан воз кечиш, сиёсий иқтисоднинг эскирган қоидаларини қайта кўриб чиқиш ва социализмнинг моделини ишлаб чиқишдирки, қайта қуриш уни яратишга йўналтирилган. Бундан ташқари, республика сиёсий иқтисодчилари олдида демографик вазият ва ишга жойлаштириш, иш кучини такрор ҳосил қилиш сифати, хўжалик механизми каби бир қатор проблемалар кескин бўлиб турибди.

Сиёсий иқтисодга доир тадқиқотларнинг натижадорлигини ошириш учун улар социал буюртма характерида бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан координацион совет Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Халқ таълими министрлигига таклиф билан мурожаат қилиши керак. Кучларни муваққат илмий коллективларда жамлаш яхши самара беради.

Б. Р. ҚАРИМОВ (философия фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. М. Мўминов номли Философия ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими).

Экологик проблемалар кескинлашганлиги сабабли республикада табиатдан фойдаланиш экономикасини, унинг сиёсий иқтисодга доир жиҳатларини тадқиқ қилишни активлаштириш зарур. Ўрта Осиё регионининг меҳнат ресурслари ортиқчалиги концепциясининг ногуманистиклигига ҳам эътиборни жалб этишни истардим. Уни «иш ўринлари етарли эмаслиги» деб аташ тўғрироқ бўларди, чунки сўз аҳолининг ортиқчалиги хусусида эмас, балки улар учун иш ўринлари етарли эмаслиги хусусида бориши керак. Гап шундаки, Ўрта Осиёда «демографик портлаш» эмас, балки Октябрь революциясигача одатий бўлган ўлим кескин камайтирилганлиги билан боғлиқ демографик ўтиш юз бермоқда. Ишончим комилки, иш билан бандлик проблемасини ушбу ҳолатни албатта ҳисобга олиш билан биргаликда қараб чиқиш лозим.

Р. Қ. ҚАРИМОВ (иқтисод фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти тақсимот муносабатларини такомиллаштириш проблемалари секторининг мудири).

Бугунги кенгаш изланиш мақсадини кўзлаб иш олиб борди. Биз республикамизда сиёсий иқтисодга доир тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш йўлларини излаяпмиз. Ёш олимларнинг ижодий ўсиши учун шароит яратиш, менимча, асосий йўллардан биридир. Хусусан, уларда кенг танилган олимларнинг тазйиқини ҳис этмасдан у ёки бу проблемаларга доир ўз фикрларини бемалол баён этиш имконияти бўлиши керак. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналининг имкониятлари чекланганлиги ва олимларнинг тадқиқотлар натижаларини ўз вақтида эълон қилишга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, республикада сиёсий иқтисодчилар учун босма орган ташкил этиш ҳақида ўйлаш зарур.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори **Р. А. Убайдуллаева** кенгашга якун ясаб, докладда ва олимларнинг чиқишларида изҳор этилган асосий қоидаларни умумлаштирди, социализмнинг энг муҳим проблемаларига доир назарий тадқиқотларнинг устун йўналишларини конкретлаштирди.

Координацион кенгаш томонидан қарор ишлаб чиқилди. Унда республика сиёсий иқтисодчилари қайта қуришнинг айрим фактларини тадқиқ қилишга бир қадар ҳисса қўшганликлари қайд этилди. Кейинги йилларда социализмнинг иқтисодий қонунларига, такрор ишлаб чиқариш, нарх белгилаш, хўжалик механизмини такомиллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, аҳоли турмушининг даражаси ва турмуш тарзини оширишнинг регионал проблемаларига доир бир қатор асарлар эълон қилинди. Ўзбекистон олимлари «Фан-техника тараққиёти ва унинг истиқболдаги социал-иқтисодий оқибатлари», «Аҳоли ва унинг фаровонлиги ўсиши», «Кооперация ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш ва унинг ишлашдаги самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари» каби комплекс программаларда иштирок этмоқдалар.

Лекин республика сиёсий иқтисодчиларининг ишини қайта қуриш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда баҳолайдиган бўлсак, улар воқеалар боришидан нафақат илгарилаб кетмаганлигини, балки мамлакат иқтисодий ҳаётидаги янги реалликларни англаб етишда орқада қолаётганини ҳам тан олишга тўғри келади. Қайта қуришнинг ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектикаси, ишлаб чиқариш муносабатларини сифат жиҳатидан янгилаш, социалистик мулкнинг мазмуни ва формалари, эҳтиёж ва манфаатлар, инсон омилини активлаштириш, бошқаришнинг иқтисодий методлари, республиканинг такрор ишлаб чиқаришда экстенсив типдан интенсив типга ўтиши, сиёсий иқтисод идеологик функциясининг рўёбга чиқарилиши каби методологик, назарий ва халқ хўжалик проблемаларининг регионал аспектини ишлаб чиқишга кам эътибор берилмоқда.

Назарий тадқиқотлар ҳали ҳам амалий халқ хўжалик даражасига конкретлаштириб етказилмаяпти, олинадиган натижаларни жорий қилиш механизми созланмаган. Тадқиқотларни кооперациялаш ва координациялаш паст даражада қоляпти, такрорлаш, параллелизм, темалар саёзлиги барҳам топмаган; сиёсий иқтисодчилар, философлар, тарихчилар-

нинг биргаликдаги куч-ҳаракати билан назариянинг ғоят муҳим умумий проблемалари ишлаб чиқилмаяпти.

Кенгаш қарор қилади:

1. Республика сиёсий иқтисодчилари фаолиятини реал координация қилишни амалга ошириш учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти ва «Социализм ривожланишининг қонуниятлари» комплекс проблемаси бўйича Илмий советнинг Ўзбекистон филиали бюросига қайта қуриш регионал жиҳатининг яхлит концепциясини яратиш зарурлигини ҳисобга олган ҳамда СССР Фанлар академияси Экономика институти ишлаб чиққан фундаментал тадқиқотлар программасидан келиб чиққан ҳолда 1991—1995 йиллар учун проблемалар, бўлимлар, темалар кўрсатилган, кутиладиган натижалар, жорий этишнинг эҳтимол бўлган тармоқларига характеристика берилган ишланмаларнинг устун йўналишларини белгилаш тавсия қилинсин. Бу ишланмаларда иштирок этишга доир заявкалар ҳисобга олингач, ҳар йили бош ташкилотлар олдида ҳисоб бериб туриши керак бўлган бош институтлар (кафедралар), ижрочилар, қўшимча ижрочилар кўрсатилган координациялаш плани тузилсин. Бош ташкилотлар юборилган ишларнинг эълон қилинишини (агар улар ҳозир қўйилаётган барча талабларга жавоб берса) ҳамда жорий этилишини таъминлайдилар.

Нокапиталистик ривожланишнинг иқтисодий қонуниятларига, республикада иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий фикр тарихига, шунингдек чегарадош хорижий мамлакатлар экономикасига доир тадқиқотларни координациялаш планига киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Тадқиқотлар натижаларининг самарадорлигини ва амалий аҳамиятлилигини ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг «Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш проблемалари» бўлими ва республика олий ўқув юртларининг сиёсий иқтисод кафедраларига мақсадли комплекс программаларда, хўжалик шартномасидаги ишларда иштирок этишни активлаштириш тавсия қилинсин. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети қошидаги ихтисослаштирилган илмий совет эътибори жорий этиш группасининг ишини кучайтириш зарурлигига қаратилсин.

3. «Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш проблемалари» бўлимининг периферияддаги олий ўқув юртлари билан ижодий ҳамкорлик қилиш ҳақида шартномалар тузиш борасидаги ташаббуси тадқиқотларни кооперациялаш, кадрлар тайёрлашда илмий-методик ёрдам бериш формаларидан бири сифатида маъқуллансин.

4. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институти зиммасига аспирант ва кандидатлик даражаси толибларини сиёсий иқтисоддан кандидатлик минимумини топшириш учун тайёрлашга эътиборни кучайтириш юклатилсин.

«Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш проблемалари» бўлимига етакчи олимларни жалб этган ҳолда кандидатлик ва докторлик тадқиқотлари тематикасини ишлаб чиқиш ва сўнгра уни «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» журналида эълон қилиш топширилсин. Ҳимоя қилинган ишларга доир аннотациялар ўша журналда мунтазам бериб борилсин.

5. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми олдига аспирант ва кандидатлик даражаси толибларининг сиёсий иқтисоднинг актуал проблемаларига доир асарлари даврий тўпламларини ротапринт усулида нашр этиш масаласи қўйилсин.

6. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг «Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш проблемалари» бўлимига олий ўқув юртлари етакчи сиёсий иқтисод кафедралари иштирокида актуал йўналишлар бўйича коллектив асарларни нашр этишни йўлга қўйиш тавсия қилинсин. 1990 йил учун «Қайта қуриш: методология, назария, практика (регионал жиҳат)» коллектив асарини нашр қилиш планлаштирилиши мақсадга мувофиқдир.

7. Олий ўқув юртларининг сиёсий иқтисод кафедраларига Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг етакчи мутахассисларини сиёсий иқтисод курсидан соатбай шартлар билан дарс беришга кенгроқ жалб этиш тавсия қилинсин.

8. Иқтисодий билимлар пропагандасини кучайтириш мақсадида «Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш проблемалари» бўлимига республика «Билим» жамияти билан ҳамкорликда «Туб иқтисодий ислоҳот — халқ хўжалигини бутунлай қайта қуришнинг пойдевори» тематик сериясида илмий-оммабоп брошюралар нашр этиш планини ишлаб чиқиш топширилсин.

СОВЕТ ХАЛҚИ—КИШИЛАРНИНГ СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ СОЦИАЛ ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ БИРЛИГИ

«Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг актуал проблемалари» курсини ўрганувчи пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Мана йигирма йилдан кўпроқ вақт мобайнида партия ҳужжатларида, ижтимоий-сиёсий адабиётда мамлакатимизда «кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи шаклланди» деган илмий жиҳатдан асосланган қоида мустаҳкам қарор топди. Бизнинг бебаҳо социал ва интернационал бойлигимиз бўлган социализмнинг бу реал ютуғи СССР Конституциясида мустаҳкамланган. Шу боисдан тарихий феномени — «совет халқи» иборасини тушунтириш катта назарий ва ғоявий-тарбиявий аҳамиятга молик. Бундай тушунтириш ҳозирги шароитда яна шунинг учун ҳам алоҳида аҳамият касб этадики, кўпинча уни баъзи бир кишилар «руслаштириш», «миллатсизлаштириш» концепцияси руҳида талқин этишга уринадилар. Яқин ўтмишда совет халқи концепциясининг миллатлар яқин келажакда муқаррар равишда бирлашиб кетадилар деган маънода анча кенг кўламда талқин этилиб келинганлиги ҳам бунга кўп даражада кўмаклашдики, буни баъзи бир кишилар, айниқса зиёлиларнинг намояндалари миллийликка тажовуз, уни текислаштиришга уриниш деб идрок эта бошладилар. Бундай шошқалоқлик, ижтимоий тараққиёт босқичларидан сакраб ўтишга интилиш, равшанки, ана шу категориянинг объектив маъносини тўғри мушоҳада этишга халал беради.

Марксча-ленинча таълимот позициясидан қаралганда, кишларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқининг мазмуни асло миллий хилма-хилликнинг қандайдир унификация қилинишини англатмайди. Ленинча методологияга таянилганда янги ижтимоий тузумда миллатларнинг ўзини қўшиб юбориш ҳақида эмас, балки миллатларнинг манфаатларини қўшиб юбориш ҳақида, уларнинг тўла бирлиги, жипслиги ҳақида сўз бориши мумкин ва лозим. Миллий ва миллий-давлат тафовутларига келганда, улар ҳали социализм бутун жаҳон микёсида тўла ғалаба қилгандан кейин ҳам жуда-жуда узоқ вақтгача сақланиб қолади.

Агар «совет халқи шаклланди» деган тушунчанинг маънавий назарий ва сиёсий мазмунига ана шу позициялардан туриб қайтиладиган бўлса, унда буни, албатта, тўлиқ даражада муваффақиятли тушунча деб тан олиб бўлмайди. Ушбу таърифда метафизикликнинг сезиларли таъсири бор: зеро гап тугалланган жараён ҳақида эмас, балки ривожланиб бораётган жараён ҳақида юритилади. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюциясида анча аниқ, диалектик таъриф бор: «Янги тарихий бирлик — совет халқи реаллик бўлиб қолди. Миллий ўзлигини англаш табиий равишда ошиб бормоқда».

Айни чоқда барча совет кишиларининг биргаликдаги меҳнати ва ҳаёти жараёнидаги, социализм учун муштарак курашдаги бирлиги муайян даражага етганлигини инкор этиш ҳам чуқур хато бўлур эди. Мамлакатимизда юзага келган ва ривожланиб бораётган янги социал-сиёсий бирлик, — объектив реаллик, социалистик ижтимоий тузумнинг ноёб ютуғи бўлиб, жаҳон цивилизациясини бойитади.

Темани кўриб чиқиш вақтида тингловчилар билан суҳбатни қуйидаги план бўйича олиб бориш тавсия этилади:

1. Совет халқи — кишилар бирлигининг тарихан янги типи.

2. КПССнинг социал сиёсати — совет халқи интернационал бирлигини янада мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили.

3. Совет миллатлари ва элатларининг бирлиги ва жипслиги — қайта қуриш муваффақиятининг гарантияларидан бири.

СОВЕТ ХАЛҚИ — КИШИЛАР БИРЛИГИНИНГ ТАРИХАН ЯНГИ ТИПИ

Ушбу масалани муҳокама қилишни «совет халқи» тушунчасининг юзага келиши тарихига қисқача назар ташлаб ўтишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

«Совет кишилари», «Совет халқи» тушунчалари, равшанки, дарҳол қарор топган эмас. Масалан, «Совет кишилари» терминини биринчи марта В. И. Ленин 1919 йил 29 мартдаги граммофон пластинкасига ёзиб олинган «Қизил Армияга мурожаат» деган нуткида ишлатган. Владимир Ильич «Онгли ишчилар ва ҳақиқий **совет кишилари** (тагига биз чиздик. — **Ред.**) ўрта ҳол деҳқонга ўз ўртоқларига қарагандек қарайдилар» (Тўла асарлар тўплами, 38-том, 275-бет), деган жумлада ишлатган сўзлар яққол ифодаланган синфий-сиёсий характерга эга бўлиб, Россия ишчилар синфи ва унинг илғор авангарди — большевистик партия теварагида жипслашган турли миллатлар кишиларидан ташкил топган янги, совет тузумига мансуб бўлганларни билдирар эди.

«Совет халқи» тушунчаси 30-йиллар ўрталарига келиб Советлар Мамлакати ҳаётида мустаҳкам қарор топди. Масалан, партиямизнинг марказий органи «Правда» газетаси 1936 йилда «совет халқи ҳар қандай ҳукуматнинг орзуси бўлиб келган ва ҳозир ҳам орзуси бўлган бирликдан иборатдир» деб уқтирган эди.

«Совет халқи» сўзлари партия XVIII съезди резолюцияси текстига ва унинг ана шу съезд тасдиқлаган Устави текстига киритилди. Чунончи, ВКП(б) Уставининг кириш қисмида бундай деб қайд этилган эди: «Ишчилар синфи диктатурасини мустаҳкамлаш учун, социалистик тузумни кучайтириш ва ривожлантириш учун, коммунизмнинг ғалабаси учун курашда партия ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларга — бутун **совет халқига** раҳбарликни амалга оширади».

Кейинчалик, мамлакат ижтимоий тараққиётининг объектив жараёнини акс эттириб, КПСС XXIV съезди кишиларнинг янги тарихий бирлиги сифатида кўп миллатли совет халқи тўғрисидаги назарий қоидани таърифлаб берди. Жумладан, съезд ҳужжатларида мана бундай деб қайд этилган эди: «Социалистик қурилиш йиллари мобайнида мамлакатимизда **кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи** ташкил топди. Биргаликдаги меҳнатда, социализм учун курашда, уни ҳимоя қилиш учун олиб борилган жангларда синфлар билан социал группалар, миллатлар билан элатлар ўртасида янги, гармоник муносабатлар — дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари вужудга келди». Бу бирлик — социализмни бунёд этиш йиллари мобайнида кўп миллатли совет жамиятининг энг улкан зафарларидан бири бўлиб, совет даври давомида мамлакатимизда содир бўлган жуда катта сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий-идеологик ўзгаришларнинг умумлашган ўзига хос бир якунидан иборатдир.

Муҳими шундан иборатки, тарихда биринчи марта юзага келган кишиларнинг принципиал янги бирлиги ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги, иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ҳаётнинг бирлиги, марксча-ленинча идеология, ишчилар синфининг манфаатлари ва социал идеаллари негизида ташкил топди. Барча синфлар ва социал группаларнинг, миллатлар ва элатларнинг диалектик ўзаро боғлиқлигини, янги тарихий бирликдаги қўшилуви ва жипслашувини турли омилларнинг — объектив ва субъектив, моддий ва маънавий, миллий ва интернационал, сиёсий ва социал-иқтисодий, маданий-этик ва маънавий-психологик омилларнинг, бир томондан, янги ижтимоий тузумнинг объектив табиатини, иккинчи томондан эса — Коммунистик партиянинг совет давридаги интернационалистик сиёсати ва ғоявий-тарбиявий ишини ифодаловчи турли-туман омилларнинг амал қилиши тақозо этади.

В. И. Ленин тарихнинг бўлғуси жараёнини олдиндан кўра олиб 1914 йил ноябридаёқ ёзган эдики, социализм «инсоният ҳаётининг янги, олий формаларини ижод қиладики, бу вақтда *ҳар қандай* миллат меҳнаткаш оммасининг қонуний эҳтиёжлари ва прогрессив интилишлари, биринчи марта ўлароқ... интернационал бирликни туғдириш йўли билан қондирилади» (ТАТ, 26-том, 42-бет). Совет ҳокимиятининг тўртинчи йилида, 1921 йил январида Владимир Ильич, партия сиёсати «Россиянинг барча миллатларини буюк ва қудратли, ягона бир оила қилиб мустаҳкамлайди ҳамда бирлаштиради», бу оила «ягона буюк бир бутун»ни ташкил этади (ТАТ, 52-том, 337-бет), деб ёзган эди. Ана шу «буюк бир бутун» ягона совет халқини, яъни кишиларнинг шундай бирлигини ташкил этадики, бу бирлик, Ленин сўзлари билан айтганда, «миллий тўсиқларни йўқотиш» ҳамда мамлакат аҳолисининг социал ва миллий мансублигидан қатъи назар барча табақалари ўртасида уйғун муносабатларни қарор топтириш натижасида юзага келди.

Интернационал бирлик, равшанки, миллий бирликни бекор қилмайди ва ютиб юбормайди, миллий маданият ва тилларни текислаштирмайди, балки, миллийликни бошқа қардош халқларнинг ютуқлари билан тобора кўп бойитиб, ўзида энг аввало шундай белгиларни гавдалантирадики, бу белгилар СССРнинг барча халқларига ва алоҳида тарзда уларнинг ҳар бирига хос белгилардир. Янги бирлик миллий маҳдудлик ва биқиқликни муваффақиятли тарзда бартараф эта бориб, ҳар бир социалистик миллат ва элатда бўлган барча энг яхши, илғор нарсаларни танлаб олиш ва кенг ёйишга кўмаклашади.

Айни чоқда социалистик миллатлар ва элатлардаги миллий ва интернационал жиҳатлар бир-бири ҳисобидан эмас, балки мустаҳкам бирликда, ўзаро алоқадорлик ва таъсир кўрсатишда ривожланиб боради. Совет кишиларининг онги ва психологиясида,

турмуши ва анъаналарида интернационал жиҳат белгиловчи роль ўйнаган ҳолда миллий ва интернационал жиҳатлар уйғун тарзда қўшиб олиб борилади. СССРдаги ҳар бир халқнинг миллий ҳаётида социалистик интернационализм позицияларининг кучайиши миллий жиҳатнинг заифлашуви ёки сиқиб чиқарилиши йўли билан эмас, балки унинг гуллаб-яшнаши учун қулай шароитлар яратиш йўли билан содир бўлади, чунки миллий жиҳат интернационал жиҳатнинг яшаши ва ривожланиши негизидир.

Бошкача сўзлар билан айтганда, В. И. Лениннинг башоратига мувофиқ интеграцияловчи тенденция мамлакатнинг бутун хўжалик, сиёсий ва маънавий ҳаётининг тобора кўп интернационаллашувида намоён бўлади. Объектив интеграцион жараёнлар батамом табиий тарзда СССР миллатлари, элатлари ва миллий группаларининг ривожланишини ҳам қамраб олади, уларнинг ҳар бирининг фақат ўзаро алоқасигина эмас, балки ички ривожланиши негизида ҳам улар жипслигининг кучайишига олиб келади. Мамлакатимиздаги худди ана шу интеграцияловчи тенденция натижасида ўзининг социал параметрларига кўра янги интернационал бирлик — **совет халқи** ташкил топдики, у «хилма-хил бўлган реал бирлик» рамзидир.

Буларнинг ҳаммаси яхши маълумдек туюлади. Аммо айтилган гапларни мушоҳада этиш устида батафсилроқ тўхтаб ўтиш шунинг учун ҳам мақсадга мувофиқки, кейинги вақтларда бизнинг публицистикамизда бирлик сифатида совет халқи мавжудлигини тўғридан-тўғри инкор этиш билан бир қаторда унга мансубликни фақат гражданлик деб тушуниш тенденцияси кўзга ташланмоқда (мисол учун «Литературная газета»нинг 1988 йил, 9 март сонига; «Дружба народов»нинг 1988 йил 5-сонига қаралсин). Ваҳоланки, бундай ёндашувнинг бир ёқлама эканлиги равшан.

Совет халқи шаклланишининг хусусиятларидан бири шундан иборатки, бу жараёнда объектив интеграцияловчи омиллар билан бир қаторда интернационалистик идеология жуда муҳим аҳамиятга моликдир. Зеро инсоният жамияти кўп минг йиллик тарихи мобайнида унинг ривожининг интеграцияловчи асосининг устун бўлиши тенденцияси ижтимоий онгда худди шунга мос тарзда акс этмади. Фақат марксизмнинг юзага келиши билангина мазкур қонуниятнинг бу хилда англаб олиниши намоён бўлиб, пролетар интернационализми ғояларида ўз ифодасини топди.

Социалистик интернационализм ишчилар синфи дунёқарашининг шундай бир қисмини ифодалайдики, у ишчилар синфининг социализмда миллатлараро муносабатларни миллатлар тенг ҳуқуқлилиги, бир-бирини ҳурматлаши, бир-бирига ёрдами, ҳамкорлиги принципларига асосланган муносабатлар сифатида тушунишини характерлайди. Ана шу қоидаларнинг ҳаммаси яхши маълум, лекин агар айрим публицистлар социалистик интернационализмни шунчаки турли миллатлар меҳнаткашларининг бирдамлигидан, умуман уларнинг ўзаро муносабатларидан иборат қилиб қўйишга интилмаганларида эди, улар ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўларди. В. И. Ленин «майда буржуа миллатчилиги миллий эгоизмга қўл тегизмай сақлаб қолиб, миллатларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф қилишнинг ўзинигина (бундай эътироф қилиш қуруқ оғзаки эътироф эканлигини гапирмаганда ҳам) интернационализм деб эълон қилади...» (ТАТ, 41-том, 184-бет) деб таъкидлар экан, интернационализмнинг худди ана шундай талқин этилишини назарда тутган эди. Халқларнинг мустаҳкам бирлиги ғояси чинакам интернационализмнинг энг муҳим таркибий қисмидир. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» — интернационализмнинг асосий ғояси аввал бошданоқ ана шундай ғоят лўнда формулада ифодаланган эди.

Шу билан бир вақтда интернационализмнинг натижаларини миллий анъаналардан узоқлашишдан иборат деб билиб, уни миллий нигилизм билан айнан бир нарса қилиб кўрсатишга уринилади. Бундай уринишлар асло янги эмас. А. В. Луначарский ана шу муносабат билан асосли тарзда уқтирган эдики, гарчанд инсоният маданиятни интернационаллаштириш йўлидан бораётган бўлсада, интернационализм «умуминсоний симфонияда миллий мотивларни йўқотишни асло кўзламайди, балки уларни бой ва ўзига хос бир тарзда уйғунлаштириш»ни назарда тутади. Дарҳақиқат, интернационал жиҳат миллий формада гавдалана олади. Бунинг устига маънавий маданиятда интернационал жиҳат фақат анъналардангина иборат эмас, балки янгидан бунёд этила боради, асосан профессионал бадиий ижод натижасида бунёд этилаверади.

Сўнгра шуни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқки, янги бирлик сифатида совет халқини инсоният тарихи билган бошқа барча бирликлардан фақат ўзигагина хос бўлган принципиал белги ва аломатлар фарқ қилиб туради. Умумлаштирилган тарзда уларни қуйидагилардан иборат деб билиш мумкин.

Совет халқи — бу этник эмас, балки социал-сиёсий, синфлараро бирлик бўлиб, СССР территориясида яшайдиган барча миллатлар вакиллари бўлмиш ишчиларни ҳам, деҳқонларни ҳам, зиёлиларни ҳам ўз ичига олади. Бу социал ва интернационал бирликда — синфий ва миллий манфаатларнинг муштараклиги билан жипслашган бирликда, халқларнинг механик суммасидан эмас, балки уларнинг жамидан иборат бирликда жипслашган барча синфлар, социал группалар, миллатлар ва элатларнинг иттифоқи бўлиб, бу бирлик ўзаро

алоқаларнинг анча юксак, анча онгли даражада бўлишини тақозо этади. Баъзи бир формал ўхшашликларга (территориянинг, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг муштараклигига) асосланиб совет халқини қандайдир янги миллат ёки «ўта миллат» билан айнан бир нарса деб кўрсатиш нотўғри бўлур эди.

Янги тарихий бирлик социал алоқаларнинг теранлиги, барқарорлиги ва мустаҳкамлиги билан характерланади. У синфлараро, миллатлараро ва шахслараро муносабатларнинг коллективистик типига, совет турмуш тарзига, замини барча синфлар, миллатлар, кишилар учун ягона бўлган турмуш тарзига асосланади. «Совет халқи» тушунчаси энг аввало мамлакатимиз барча миллатлари кишиларининг совет, социалистик жамиятга мансублигини ифодалайди.

Умумсовет онгининг ривожланганлигини ҳозирча жамиятимиз барча табақаларига хос нарса деб бўлмайди, албатта. Баъзи бир кишиларга у миллий туйғуга зиддек туюлади. Ваҳоланки, шу нарса батамом табиийдирки, мамлакатимиз гражданлари ўзларини рус, украин, белорус, ўзбек, қозоқ, тожик, латиш, грузин, якут деб ҳисоблаш билан бир вақтда фахр билан «Мен совет кишисиман!» дейдилар. Интернационаллаштириш шароитида СССР халқларининг маънавий қиёфасидаги, турмуш тарзидаги миллий хусусиятлар билан бирлашиб кетган умумий белгилар мустаҳкамланади. Совет халқи — этник бирлик эмас, балки социал-сиёсий, интернационал бирликдир. У бундан буён ҳам ана шу йўналишда ривожланиб боради.

Интернационал бирликнинг моҳиятини тушуниш «бирлик» терминининг қандай маънога эга эканлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Илмий адабиётда у жипслик, муштараклик, ўзаро таъсир кўрсатиш, ўзаро алоқа ва ҳоказолар сифатида таърифланади. У ҳамкорликда гавдаланадиган ўхшаш жараёнлар ўртасидаги муносабатни ҳам англатади. Интернационал бирлик — бу турли миллатлар меҳнат аҳли ўртасидаги социал ва маънавий алоқаларнинг социалистик жамиятга хос бўлган янги типидир, деб таърифлаш мумкин. Ички социал бирлик — интернационал бирликни ривожлантиришнинг зарур шарти бўлиб, унинг синфий омиллари айни бир вақтда социал бирликни ҳам белгилаб беради. Бошқача сўзлар билан айтганда, тарихан кўп миллатли бўлиб ташкил топган жамиятимизга хос социал бирлик — бу интернационал бирликдир. Халқ оммасининг ижтимоий ҳаёт барча соҳаларини қайта қуришда, янгилашда онгли равишда иштирок этиши, КПСС социал ва миллий сиёсатини қўллаб-қувватлаши, жамият аъзолари аксар кўпчилигининг интернационализм позициясига ўтиши аслини олганда совет халқининг интернационал бирлиги мавжудлигидан далолат бериб турибди.

Бу бирлик ўзаро боғлиқ икки жиҳатни ўз ичига олади: биринчиси миллатлар туб манфаатларининг муштараклигини ифодаловчи сифатида майдонга чиқади, иккинчиси — улар ўртасидаги тафовутларнинг ифодасидир. Ўзининг биринчи жиҳати нуқтаи назаридан олинган интернационал бирлик СССРдаги 36 социалистик миллат, 40 элат, 54 миллий ва этник группаларнинг қайта қуриш асосий социал-иқтисодий вазифаларини ҳал қилиш борасидаги биргаликда ишлаш учун жипслашувидан иборатдир. У ўзининг иккинчи жиҳати билан тафовутларнинг диалектик бирлиги сифатида майдонга чиқадики, бу бирлик, ҳар қандай социал бирлик каби, нисбийдир ва ўзига хос бўлган зиддиятларнинг ҳал этилиши орқали ривожланади.

Бизнинг янги тарихий бирлигимизнинг интернационал муштарак структурасини кўриб чиқишда унинг компонентлари сифатида СССР халқлари дўстлигини; халқлар миллий ривожининг интернационал мазмунини, уларнинг умумий интернационал белгиларини; интернационализм инсон онги, ахлоқи ва психологияси, хулқ-атвори ва фаолиятининг омили эканлигини, шахслараро муносабатлар соҳасининг интернационалистик асосларини; совет кишиларининг миллий муносабатлар соҳасидаги салбий ҳолатларга қарши курашишга шайлигини; янги тарихий бирлик бўлган халқимизнинг интернационал онгини алоҳида қилиб кўрсатиш мумкин. Бинобарин, структура жиҳатидан интернационал бирлик ғоят мураккаб социал-сиёсий ва идеологик ҳодисадир.

Ғоявий-сиёсий жиҳатдан «совет халқи» категорияси янги ижтимоий тузумни бунёд этиш уфқларини кенгайтиради. Советлар Мамлакатининг ҳар бир граждани аста-секин фақат ўз миллати ҳақидагина эмас, балки барча социалистик миллатлар ва элатларнинг, миллий ва этник группаларнинг манфаатлари ҳақида ҳам ўйлай бошлайди ва, демак, ҳар қандай масалага тор миллий позициялардан эмас, балки умумдавлат, умуммиллий позициялардан туриб ёндашади. «Совет халқи» категориясининг ғоявий қуввати кишиларни бутун совет халқининг меҳнатига ва орзу-ниятларига ўзининг алоқадорлигини англашга, умумдавлат категориялари асосида фикр юрита билиш ва ҳар қандай маҳкамачилик ёки маҳаллийчилик кўринишларига барҳам бера билишга ўргатишдан иборатдир.

Назарий жиҳатдан масаланинг моҳияти шундан иборатки, совет халқи кишиларнинг янги тарихий бирлиги эканлиги ҳақидаги қоидани илгари суришдан аввал бизнинг адабиётимизда сезиларли нуқсонлар бор эди. Социалистик миллатларнинг гуркираб яшнаши ва, бинобарин, миллий маданиятларнинг, миллий ўзлигини англаш, миллий анъана-

ларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши босқичидан биз қай тариқа ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг янада интенсивроқ жараёнига, яъни узоқ истиқболда, албатта, миллатларнинг тағин ҳам интеграциялашуви, тўла бирлигини англатадиган жараёнга ўтишимиз унчалик равшан эмас эди. Аммо бу объектив қонуний жараённи сунъий равишда жадаллаштириб ҳам, сунъий равишда секинлаштириб ҳам бўлмайди. Совет халқининг янги тарихий бирлик сифатида шаклланишининг ўзини тугалланган жараён деб эмас, балки ривожланиб бораётган жараён деб, бу ривожланиш муқаррар равишда ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг янгидан-янги формаларини вужудга келтиради деб билмоқ лозим.

КПССНИНГ СОЦИАЛ СИЁСАТИ — СОВЕТ ХАЛҚИ ИНТЕРНАЦИОНАЛ БИРЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ

Теманинг ушбу бўлимини муҳокама қилишни КПСС XXVII съезди социал соҳани ривожлантиришга янгича қараш зарурлиги, партиянинг кучли социал сиёсати зарур бўлиб қолганлиги ҳақидаги муҳим қоидасини батафсил кўриб чиқишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Шуни аниқлаб олиш муҳимки, КПССнинг айнан самарали социал сиёсати пировард натижада жамият сиёсий барқарорлиги ва стабиллигининг, миллий муносабатларни янада такомиллаштиришнинг, мамлакат миллат ва элатлари қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашнинг ва, бинобарин, совет халқи интернационал бирлигини кучайтиришнинг муҳим омили бўлиб майдонга чиқади.

Социал сиёсат принциплари ва вазифалари социализмнинг моҳиятини, унинг инсонпарварлик табиатини жуда бевосита ва ҳар тарафлама ифодалаши туфайли айнан шу сиёсат социалистик жамият ҳаётининг барча бошқа соҳалари ва жиҳатларига ҳамда КПСС сиёсий фаолиятининг шулар билан алоқадор йўналишларига тааллуқли проблемаларни ҳал этишга принципиал ёндашувни шакллантиради. Коммунистик партия социал сиёсатидаги муҳим нарса — инсон ҳақида ғамхўрликдир ва шу боисдан КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида «социал сиёсат масалалари» ва «инсон ҳақида ғамхўрлик» сўзлари аслида бир маънодаги сўзлар сифатида ёнма-ён қўйилган. Партия бунда шунга таянадики, социал сиёсатнинг совет жамияти ҳаёти барча томонларига таъсири бундан буён ҳам кучайиб бораверади. КПССнинг социал сиёсати бутун ҳаётимизда «социализм кўпроқ бўлиши»га, яъни жамиятда социалистик принциплар — янги тузумнинг моҳиятини, унинг аста-секин турмушга оширилиб, реалликка айланадиган тарихий мақсадларини ифодаловчи белгилари тобора тўлароқ ва изчилроқ қарор топа боришига қаратилган.

Сўнгра социализмнинг қандай энг муҳим принциплари социал соҳада рўёбга чиқарилиши лозимлигини ва, бинобарин, КПСС социал сиёсатининг мазмунини, йўналишини ташкил этишини тушунтириб бериш тавсия этилади.

Бу — кишилар социал тенглигининг максимал мумкин бўлган (социализм тараққиёти шу тарихий босқичининг объектив шароитлари доирасида) даражасини ифодаловчи социал адолатдир.

Бу — шунингдек социал адолатни ифодаловчи социал гарантиялар, яъни жамият гарантиялаган меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳамда унга меҳнатнинг миқдори, сифати ва натижаларига мувофиқ ҳақ тўлаш, медицина хизматига ва билим олишга, уй-жойга, қариганда ва меҳнат лаёқатини йўқотган ҳолларда моддий таъминланишга бўлган эҳтиёжларни гарантияланган тарзда қондириш, болали, айниқса кўп болали оилаларга ёрдам бериш, маданий ўсиш ва дам олишга кўмаклашишдир.

Бу — жамият барча аъзоларининг моддий ва маданий турмуш даражасини ошириш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, теварак-муҳитни муҳофаза этишдир.

Бу — ишлаб чиқаришда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда, турмушда барча ижтимоий муносабатларни гуманизациялашдирки, унинг негизида бутун жамиятнинг, айрим социал табакалар ва группаларнинг, индивидларнинг манфаатларини уйғун тарзда қўшиб олиб бориш, социалистик тузумнинг ижтимоий манфаатларни коллектив ва шахсий манфаатларга зид равишда эмас, балки уларни қондириш ёрдамида рўёбга чиқаришга қодирлигидир.

Бу — жамиятнинг ва ҳар бир шахснинг бахт-саодати йўлида барча гражданларнинг социал активлигини ривожлантириш, инсоннинг бунёдкорлик қобилиятларини, унинг интеллектуал потенциалини юзага чиқариш, бойитиш ва ишга солиш, инсон ҳаётида меҳнат жараёнини коллектив хўжалик юритиш билан қўшиб, шахсий эҳтиёжларни қондиришни жамиятга хизмат қилиш билан бирлаштириш, моддий неъматларни истеъмол қилишни бой маънавий ҳаёт билан қўшиб олиб боришдир.

Бу — аҳолининг ёшлар, хотин-қизлар, кексалар каби группаларининг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг эҳтиёж ва талабларини, манфаат ва интилишларини максимал мумкин бўлган даражада қондириш, уларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилиб кетишини кучайтириш мақсадида тобора тўлиқ равишда ҳисобга олиб боришдир.

Бу — жамиятни ташкил этувчи барча синфлар ва социал группаларнинг жипслиги

уларнинг ҳар тарафлама яқинлашуви ҳамда жамият социал бир хиллигининг кучайиб, истиқболда асосан унинг синфсиз структурасига айланиши; миллий муносабатларни такомиллаштириш, миллатлар, элатлар, миллий ва этник группаларнинг янада ривож топиши, уларнинг дўстона ҳамкорлигининг кучайиши ҳамда миллатларнинг тўла бирлигига эришиш учун шарт-шароитларнинг шаклланишидир.

Синфлараро тафовутларнинг аста-секин йўқолиб бориши ва жамиятнинг синфсиз структураси қарор топиши шароитида социализмни янада такомиллаштириш йўлида КПССнинг социал сиёсати олдига янги-янги вазифалар қўйилади. Бу сиёсат тобора кўпроқ фақат синфий тафовутларнигина эмас, балки жамиятнинг синфий бўлинмалари доирасидан ташқарига чиқувчи тафовутларни ҳам бартараф этишга, жамиятимиздаги социал-демографик, социал-касбий, социал-территориал ва бошқача группаларнинг хусусиятлари ва манфаатларини ғоят зўр эътибор билан ҳисобга олишни талаб қилувчи проблемаларни ҳал этишга қаратилаверади.

Ҳозирги шароитда мамлакатнинг турли районларидаги асло бир хил бўлмаган турмуш ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ регионал ва бошқа социал-территориал тафовутларни тенглаштириш проблемаларини ҳал этиш ҳам жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Социалистик қурилиш йиллари мобайнида турли районлар ва республикалар турмуш шароитлари ва тарзидаги кескин фарқларни бартараф этиш борасида жуда катта ишлар қилинди. Шундай бўлишига қарамай, ҳозирги кунда ҳам улар ўртасида ҳали жуда муҳим тафовутлар, айниқса кишиларнинг маданий-маиший шароитларидаги (уй-жой, маданият марказлари, маиший корхоналар билан таъминланишдаги, озиқ-овқат, кенг истеъмол саноат моллари билан таъминланиш ва ҳоказолардаги) тафовутлар сақланиб келмоқда. Социал нотенгликнинг ана шу формаларини ҳам бартараф этмасдан туриб ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш у ёқда турсин, балки совет халқининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш ҳам қийин бўлади.

Юқорида айтилганларни яққол қилиб кўрсатиш учун бир қанча маълумотлар келтириш мумкинки, улар жамиятимиз учун характерли бўлган принципиал муҳим социал жараёнларда миллатлар ўртасидаги жиддий тафовутларни характерлаб беради. Чунончи, мамлакат учун жуда катта аҳамиятга молик социал тафовутлар, биринчи навбатда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар турли миллатларда асло бир хил даражада бартараф этилмаган. Бу тафовутлар «ғарбдан» «шарқ» томон тобора яққол тарзда кескинлашиб ва намоён бўлиб бормоқда.

Бу тафовутлар муайян даражада бартараф этилган совет Болтиқбўйи республикаларида шаҳар билан қишлоқ ўртасида уйғун ривожланиш принциплари қарор топмоқда, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам интенсивлик жиҳатидан бир хил бўлган социал-маданий турмушга эга агрошаҳар агломерациялари вужудга келмоқда. Ўрта Осиё республикаларидаги вазият эса бундан кескин тарзда фарқ қилади. Бу ерда қишлоқ аҳолиси сон жиҳатдан шунчаки устун бўлиб қолмай, балки нафақат қишлоқ меҳнаткашлари орасида, муайян даражада туб ерли миллатга мансуб шаҳарликлар орасида ҳам қишлоқча турмуш тарзи белгилари ҳам жуда барқарор ўрнашиб қолган. Муҳим социал тафовутлар, шартли қилиб айтганда, миллий регионлар ўртасида ҳанузгача аҳолининг синфий, социал-касбий составига таъсир этмоқда: мамлакатнинг Европа қисмида саноат ишчилари, зиёлиларнинг малакали группалари жуда устунлик қилади, ҳозирча Ўрта Осиё республикалари ҳақида бундай деб бўлмайди.

Гарчанд 70—80-йилларда қишлоқ аҳолиси сони (Тожикистон ССР истисно қилинганида) Ўрта Осиё республикаларида қисқарган бўлишига қарамай, 1986 йил 1 январигача бўлган маълумотларга кўра у: Туркманистон ССРда — 52,6 процент, Ўзбекистонда — 58,1, Қирғизистонда — 60,3, Тожикистонда — 66,6 процент бўлди. Айни чоқда Ўрта Осиёнинг барча республикаларида қишлоқ аҳолисининг абсолют сони ҳамон бетўхтов ортиб бормоқда. Бундай тенденция асосан қишлоқ туб ерли аҳолиси орасида бола жуда кўп туғилиши билан боғлиқдир. Мисол сифатида шуни кўрсатиб ўтиш кифояки, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида шаҳарларга қараганда болалар 1,5 баравар кўпроқ туғилмоқда. 1985 йилда ҳар 10 минг киши ҳисобидан аҳолининг табиий ўсиши: Тожикистонда — 329, Ўзбекистонда — 300, Туркманистонда — 279, Қирғизистонда — 239 кишини, ваҳоланки бутун СССРда — 88, РСФСРда — 52, Украинада — 29, Белоруссияда — 59, Латвияда — 21 кишини ташкил этди.

Ўрта Осиё регионини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган йўлни амалга ошириш унинг кўп районлари ва областларида аграр аҳоли ортиқчалиги билан боғлиқ бўлган бир қанча проблемаларни оптимал равишда ҳал этишни талаб қиладики, бу ҳол миллий жараёнларга ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Регионнинг ижтимоий меҳнат унумдорлигини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларида, социал соҳада, аҳоли фаровонлигини оширишда анча орқада қолганлиги Ўрта Осиёда мазкур жараёнларнинг ривожланишига жиддий таъсир

кўрсатмокда. Масалан, агар 1970—1986 йиллар мобайнида иттифоқдош республикаларда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари каби синтетик кўрсаткич олиб кўриладиган бўлса, улар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда жуда ҳам пастдир.

ИЖТИМОИЙ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ (1970 ЙИЛ — 100 ПРОЦЕНТ)

Иттифоқдош республика	1980 йил	1986 йил
РСФСР	149	183
Украина ССР	142	176
Белоруссия ССР	175	240
Ўзбекистон ССР	**138**	**140**
Қозоғистон ССР	**124**	**129**
Грузия ССР	173	199
Озарбайжон ССР	161	180
Литва ССР	139	184
Молдавия ССР	150	192
Латвия ССР	151	189
Қирғизистон ССР	**123**	**135**
Тожикистон ССР	**127**	**129**
Арманистон ССР	162	197
Туркманистон ССР	**103**	**102**
Эстония ССР	153	177

Моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ҳар бир киши ҳисобига миллий даромад Ўзбекистонда салкам 4 минг сўмни ташкил этган бўлса, Белоруссияда — 5,8, Латвияда — 6,3 минг сўм бўлди (1985 йил маълумотларига биноан). Баҳо белгилаш системаси такомиллашмаган бир шароитда ишлаб чиқарилган миллий даромадни ҳисоблашнинг тўғрилиги хусусида шубҳалар билдирилиши мумкин. Ўзбекистон ССРнинг миллий даромади унинг бир қисми республикадан ташқарида ҳосил бўлиши туфайли камайиб кетади, чунки республикадан асосан хом ашё ташқарига чиқарилади, деб ҳисоблашади. Шундай бўлса керак, бинобарин, ҳисоб-китоб методикаси такомиллаштирилишига муҳтожга ўхшайди. Аммо бусиз ҳам равшанки, миллий даромад жонли меҳнат унумдорлиги қаерда юқори бўлса, ўша ерда, у қаерда кўпроқ малакали ва яхшироқ қуролланган бўлса, ўша ерда юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги бўйича Ўрта Осиё республикалари иттифоқдаги даражадан қарийб икки баравар орқададирлар. Бу ерда кейинги уч беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсишида интенсив омилларнинг ҳиссаси (ҳосилдорликнинг ва чорва маҳсулдорлигининг ўсиши) атиги бешдан бир қисмни ташкил этди, бешдан тўрт қисми эса экстенсив омиллар ҳиссасига (экин майдонларининг кенгайтирилиши, чорва бошининг кўпайтирилиши) тўғри келди.

Ўзбекистон қишлоқ районлари аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровлар маълумотларига кўра, бу ерда, масалан, ходимларнинг тўқсон процентигачаси асосан қўл меҳнати билан банд: кўп иш жойлари махсус касбий кўникмаларни, шунга мувофиқ равишда махсус билим олишни талаб қилмайдики, кишиларда ҳам бунга интилиш йўқ. Механизация даражаси мамлакатдаги энг қуйи даражалардан биридир. Бунинг устига устак қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши мавсумийлиги, ходимларнинг меҳнат ресурслари ортиқчалиги туфайли иш билан тўла таъминланмаслик яққол кўзга ташланади. Бунинг оқибатида — иш ҳақи паст даражада, аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларини, ҳатто уларнинг сабзавот ва хўл мева каби анъанавий турларини истеъмол қилиш даражаси мамлакатдаги энг ёмон кўрсаткичлардан бирини ташкил этади.

Шуни пухта ўйлаб кўриш муҳимки, социал-иқтисодий соҳада бизда ҳали миллатлар ўртасидаги нотенглик сақланиб келмоқда. Бу реал факт, илгарилари пропагандада ундан қочишга уринилар эди. Ҳа, илгари қолоқ бўлган республикаларнинг, халқларнинг жуда ҳам тараққий этиб кетганликлари маълум. Бироқ, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш даражаси бўйича, фонд ва энергия билан қуролланиш, меҳнат унумдорлиги бўйича, кўп социал, маданий масалаларнинг ҳал этилиш даражаси бўйича, медицина хизматининг аҳволи ва бошқа баъзи бир кўрсаткичлар бўйича мамлакат республикалари, регионлари ўртасида ҳали ҳам анча-мунча жиддий тафовутлар бор.

Шунинг учун ҳам батамом табиийки, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг кўп делегатлари нутқларида республикаларнинг иқтисодий, социал ва маданий ривожланиши даражаларини бараварлаштиришга эришиш учун биз ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим бўлади деган фикр айтилди. Шу муносабат билан биз ҳозирдаёқ миллатлар ва элатларнинг

амалдаги нотенглигини бартараф этганлигимиз ҳақидаги тезис, чамаси, аниқлик киритишни талаб этади.

Ҳозирги шароитда ягона совет халқини янада жипслаштириш учун курашни мамлакатни социал-иқтисодий тараққий эттиришни жадаллаштириш, социал-маданий соҳанинг моддий базасини ривожлантиришга қолдиқ маблағлар ажратиш принципидан қатъиян воз кечиш асосида, кучли социал сиёсат асосида кўп миллатли социалистик давлат системасида совет миллатлари ва элатларининг иқтисодий, социал ва маданий ривожланиши даражаларини бараварлаштириш проблемалари комплексини ҳал этишдан ажратиб бўлмайди.

СОВЕТ МИЛЛАТЛАРИ ВА ЭЛАТЛАРИНИНГ БИРЛИГИ ВА ЖИПСЛИГИ — ҚАЙТА ҚУРИШ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ГАРАНТИЯЛАРИДАН БИРИ

Теманинг учинчи масаласини кўриб чиқиш вақтида эътиборни шунга қаратиш мақсадга мувофиқдирки, партиянинг жамиятимиз ҳаёти барча соҳаларини қайта қуришга қаратилган йўлини муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шарти совет миллатлари ва элатларининг бирлиги, жипслигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан, миллий муносабатларда марказга интилувчи ва марказдан қочувчи кучлар бўлиши табиийлигини ҳисобга олиш, уларнинг балансини таъминлаш негизида миллий муносабатлар проблемаларини конструктив ҳал этишдан иборатдир.

Шуни таъкидламоқ лозимки, социализмнинг жиддий деформацияларига олиб келган маъмурий-буйруқбозлик системаси, волюнтаризм ва турғунлик миллий муносабатлар соҳасида ҳам кўп салбий ҳолатларни вужудга келтирди. Бу муносабатларнинг иллатли бир тарзда кескинлашувига 70-йилларда — 80-йиллар бошида СССР экономикасида кризисолди вазиятининг намоён бўлиши, социал ва маънавий-ахлоқий соҳадаги нохуш ҳолатлар, социалистик адолат принципларидан чекиниш, бюрократизм, формализм ва қуруқ сафсатабозликнинг кенг ёйилиши кўмаклашди. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қайд этганидек, «кўп миллатли Советлар давлати вужудга келган дастлабки босқичга хос динамизм миллий сиёсатнинг ленинча принципларидан четга чиқилиши, шахсга сиғиниш даврида қонунчиликни бузиш ҳоллари, турғунлик идеологияси ва психологияси оқибатида бирмунча бой берилиб, путурдан кетиб қолди. Миллий масалани ҳал этишда эришилган натижалар абсолютлаштирилди, миллий муносабатларнинг муаммосизлиги тўғрисидаги тасаввурлар қарор топди. Айрим республикалар ва автоном тузилмаларнинг, шунингдек миллий группаларнинг социал-иқтисодий, маданий тараққиёти эҳтиёжлари етарли равишда ҳисобга олинмади. Миллатлар ва элатлар тараққиёти боришининг ўзи ўртага қўйган бир талай кескин масалалар ўз вақтида ҳал этилмади. Бу эса ижтимоий қаноатланмасликка олиб келиб, баъзан можароли характер тусини олди». Мисол тариқасида кейинги йилларда Олмаота, Тоғли Қорабоғ, Арманистон ва Озарбайжонда содир бўлган воқеаларни изоҳлаб ўтиш мумкин. Бу воқеалар миллий заминдаги можаролар қанчалик кескин фожиали тус олиши, ҳал этилмаган муаммоларни қанчалик қийинлаштириб қўйиши мумкинлигини яққол кўрсатди.

Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш динамизмининг бой берилганлиги, мамлакатнинг бошқа регионларига нисбатан социал-маданий инфрастуктуранинг анча орқада қолиб кетганлиги, соғлиқни сақлаш ишлари ривожининг йўл қўйиб бўлмас даражада пастлиги, идеология соҳасидаги тарихни, маданият ва тилни ўрганиш жараёнларига тўсқинлик қилувчи чала-чулпа тадбирлар, она тили ижтимоий функциясининг торайиб кетиши, миллатлараро мулоқот тили, бинобарин, СССР барча халқларининг бирлиги ва жипслиги тили бўлган рус тилининг аҳамияти ва ролига етарли баҳо берилмаслиги республикада кишиларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатади, уларда асосли тарзда ташвиш туғдиради.

Турғунлик йилларида агросаноат комплексида инвентацион сиёсатда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилди, пахта монокультураси мустаҳкам ўрнашиб қолди. Зўр бериб пахтанинг ялпи ҳосили кетидан қувиш, хўжалик юритишнинг илмий асосларини назар-писанд қилмаслик ернинг тинкасини қуритди, пахтачиликни турғунлик ва таназзул ҳолатига олиб келди, озиқ-овқат проблемасини жиддий равишда кескинлаштирди.

Орол денгизи ҳавзасида ва Орол бўйларида жуда кескин экологик вазият вужудга келди. Бу ҳол денгиз билан бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларига фақат кескин салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, балки Оролга туташ территорияда истиқомат қилувчи кишиларда катта-катта ахлоқий ва маънавий-миллий муаммоларни ҳам юзага келтирди. Гап шундаки, бу кишилар учун мазкур денгиз шунчаки табиат инъоми эмас, у маънавий-миллий, ахлоқий аҳамиятга молик, чунки уларнинг тарихи, минглаб йиллик турмуши, миллий хотираси шу денгиз билан боғланган. Шу боисдан ҳам улар Орол фожиасини миллий фожиа деб биладилар.

Ўзбекистонда ернинг унумдорлиги жадал пасайиб боряпти, ерда сув ва шамол эрозияси содир бўлмоқда, у иккинчи дафъа шўрланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигининг енгилтаклик билан химиялаштирилиши бир гектар экинзорга пестицидлар тушиши хавфсиз даражадан 40—50 баравар ошиб кетишига олиб келди.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, рашидовчилик миллатлараро муносабатларга, Ўзбекистон меҳнаткашларини интернационал тарбиялаш ишига катта зарар келтирди. Кўзбўямачилик, коррупция, порахўрлик, бир-бирининг айбини ёпиш, социалистик қонунчиликнинг қўпол тарзда бузилиши, худбинлик истеъмолчилигининг ярамас тус олиши, кадрларни юртдошлик, ошна-оғайнигарчилик белгиларига қараб танлаш, республикада яшовчи миллатлар ва элатларнинг миллий-маданий талаб-эҳтиёжларини унутиб қўйиш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш борасида қунт билан ишлаш ўрнига беҳад қуруқ сафсатабозлик, хўжакўрсинга кўз-кўз қилинадиган тадбирлар ўтказиш кишиларнинг социалистик адолатга бўлган ишончига анча путур етказди.

Партия XXVII съездидан аввал ҳам, кейин ҳам Ўзбекистонда кадрларни миллий, маҳаллий белгиларига қараб танлаш ва пастдан юқори кўтариш, турли миллатлар кишиларининг фақат сайлаб қўйиладиган органлардагина эмас, балки ижроия органларида ҳам тегишли миқдорда вакиллари бўлишини ва ҳатто партияга қабул қилишда тегишли миқдорда бўлишини таъминламаслик фактларидан анча-мунчаси очиб ташланди.

Сиёсий системани қайта қуриш, туб иқтисодийислоҳот, ижтимоий ҳаётни демократиялашнинг чуқур жараёни миллатлараро ва миллат ички муносабатлари соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун кенг майдон очиб беради. Ўз навбатида, муштарак социалистик хонадонимизни қатъиян янгилаш учун биргаликдаги курашда совет республикалари ҳамдўстлигининг сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий-идеологик негизларини мустаҳкамлаш, мамлакат барча миллатлари ва элатлари намояндаларининг куч-ғайратини бирлаштириш революцион қайта қуриш муваффақиятининг асосий гарантияларидан бирини ташкил этади.

Ана шунинг учун ҳам партия миллий сиёсатнинг ленинча нормалари ва принципларини қатъият ва изчиллик билан барқарор этмоқда ҳамда ижодий тарзда ривожлантирмоқда, уларни сунъий равишда пайдо бўлган чиркларидан ва бузилишлардан қатъиян холи этмоқда, бутун Совет кўп миллатли давлатининг ва миллий регионларнинг манфаатларини уйғунлаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқда. 1989 йил ўрталарида КПСС Марказий Комитетининг СССРда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масаласига бағишланган махсус Пленумини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сиёсий системани қайта қуриш ва туб иқтисодий ислоҳот доирасида демократик принциплар негизида совет федерациясини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида бир қатор йирик-йирик тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Гап энг аввало ССР Иттифоқи ва совет республикалари компетенцияларини чегаралаш, децентрализация, бир қанча бошқарув функцияларини жойларга топшириш, экономика соҳасида, социал ва маданий ривожланиш, табиатни ва теварак-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида республикаларнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш йўли билан иттифоқдош республикалар ва автоном тузилмаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳақида боради.

Партия мамлакатда миллий муносабатларни янада такомиллаштириш соҳасида қўяётган марказий вазифалардан бири регионларнинг кўпроқ мустақил бўлиши учун ҳар бир республика ўз фаровон ҳаётининг негизи сифатида ўз хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини яхшилашдан манфаатдор бўладиган ҳамкорлик формаларини амалга ошириш учун, совет давлатининг умумий бойлиги ва қудратини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Ана шу мақсадда миллий хўжалик комплекслари структурасида чуқур сифат ўзгаришларини амалга ошириш, ишлаб чиқарувчи кучларни янада рационалроқ жойлаштириш, ривожланиш даражаларини ва хўжалик юритиш шароитларини баравралаштириш, мамлакатнинг миллий регионлари ўртасида меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш, кадрларни миллатлараро ва республикалараро алмашиб туришни кенг ривожлантириш, республикаларнинг ўзаро алоқаларида хўжалик ҳисоби асосларини мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда.

Сўнгра шуни уқтирмоқ лозимки, КПСС МК бўлғуси Марказий Комитет Пленумига амал қилиб турган совет қонунларига миллатлараро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи ўзгартиш ва қўшимчалар, шу жумладан совет социалистик федерациясини такомллаштириш, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округларнинг ҳуқуқий статусини янада ривожлантириш; ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшаётган ёки бундай тузилмаларга эга бўлмаган совет гражданларининг миллий-маданий талаб-эҳтиёжларини рўёбга чиқаришда ҳуқуқий гарантияларни кенгайтириш каби проблемалар бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлашни зарур деб топди. СССР халқлари тилларини эркин ривожлантириш ва тенг ҳуқуқли тарзда улардан фойдаланиш тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини; СССР гражданлиги ҳақидаги Қонуннинг янги таҳририни; СССР Конституциясига, иттифоқдош ва

автоном республикалар Конституцияларига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги таклифларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган тадбирлар белгилаб чиқилди. Ўзгартишлар ва қўшимчалар СССР Олий Совети Миллатлар Советининг янги функцияларига; халқ депутатлари ҳар қандай Советларида зарур бўлиб қолган тақдирда миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича доимий комиссиялар тузиш тартибига ҳам дахлдор бўлиши лозим.

Совет Иттифоқида йил сайин аҳолининг кўп миллатлилиги, яъни социалистик миллатлар ва элатлар яқинлашувининг, ижтимоий ҳаётни интернационаллаштириш даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири ортиб бормоқда. Масалан, 20 йил (1959—1979 йиллар) ичида миллатлар сони Ўзбекистонда 112 тадан 123 га, Грузияда — 70 дан 100 га, Молдавияда — 62 дан 113 га, Қирғизистонда — 80 дан 100 га, Татаристонда — 70 тадан 109 тага етди. Ҳозирги вақтда шунингдек РСФСР, Украина, Белоруссияда, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистонда ҳам 100 дан ортиқ миллатлар яшайди. Ушбу маълумотлар асосан миграция сабабли миллатларнинг ёйилиб кетишидаги ўзгаришлардан далолат бериб турибди.

Жуда кўп кишиларнинг «ўз» иттифоқдош ёки автоном республикаларидан ташқарида яшаётганлиги ҳам кўп миллатли совет халқи ҳаётидаги муҳим жараёнлардан далолат бериб турибди. Чунончи, 1979 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра уларнинг сони 46,9 миллион кишидан ортиқ бўлиб, бу миқдор тегишли халқлар умумий сонининг 17,9 процентини ташкил этган эди. Айни чоқда иттифоқдош республикаларга эга бўлган халқлардан шу республикалар чегарасидан ташқарида улар сонининг 16,4 проценти, автоном республикаларга эга бўлганларидан — 49,7 проценти яшади.

1979 йилги аҳоли рўйхати маълумотлари шундан далолат берадики, 15 та иттифоқдош республикадан 10 тасида туб ерли аҳоли жумласига кирмайдиган миллатлар вакилларининг салмоғи шу республика аҳолисининг чорак қисмидан кўпроғини ташкил этди: Украина ССРда — 26,4 процент, Ўзбекистон ССРда — 31,3, Молдавия ССРда — 36,1, Латвия ССРда — 46,3, Қирғизистон ССРда — 52,1, Қозоғистон ССРда — 64, Тожикистон ССРда — 41,2, Туркманистон ССРда — 31,6, Эстония ССРда — 35,3 процентни ташкил этди.

Бошқа миллатлар намояндалари ўзлари яшаётган территория халқининг экономикаси, маданияти, давлатчилиги ривожига, бинобарин, бутун совет жамияти тараққиётига тобора салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Аҳолининг ҳаракатчанлиги ўсиши, транспорт воситалари ва алоқа барча турларининг ривожланиши, янги территорияларнинг ўзлаштирилиши билан аҳоли миграцияси жараёни давом этаверади ва республикалар состав жиҳатдан тобора кўп миллатлироқ бўлаверади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларда кўп миллатларнинг намояндалари биргаликда яшаётганлиги ҳеч қандай муаммолар келтириб чиқармайди, дейиш нотўғри бўлур эди, албатта. Бу муаммолар одатда, номи республикага қўйилган аҳоли билан бошқа миллатлар намояндалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш зарурати билан боғлиқдир. Гражданларнинг бир қисми муайян республикада туғилган ва узоқ вақтдан буён шу ерда яшайди, бошқалари бу ерга яқинда келган, учинчи қисми — тузукроқ ҳаёт кечириш ниятида ўтган асрдаёқ янги жойга кўчиб келган кишиларнинг авлодларидир ва ҳоказо. Уларнинг бир хиллари маҳаллий аҳоли тилини, урф-одатлари, анъаналарини яхшироқ, бошқалари ёмонроқ биладилар, учинчилари эса умуман билмайдилар. Республикаларда яшаётган барча миллатлар гражданларини тўлақонли ҳаёт, энг аввало маънавий ҳаёт кечириши учун барча шароитларни яратиш зарурлигини таъкидламоқ муҳимдир.

Жойлардаги кўп партия ва совет органлари ушбу масалаларга жуда катта аҳамият бермоқдалар. Ўзбекистонда, масалан, туб ерли бўлмаган миллатлар гражданлари ўз она тилларидаги маданий қадриятлардан фойдаланиш: она тилидаги газета, журналларга ёзилиш, китобларни ўқиш, ўз халқи санъатидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлишлари учун анча-мунча ишлар қилинмоқда. Республикада олти тилда — ўзбек, рус, тожик, қорақалпоқ, қозоқ, қрим-татар тилларида газета ва журналлар нашр этилмоқда. Қрим-татар тилида «Йылдыз» бадиий журнали чиқиб турибди. Радиоэшиттиришлар ўзбек, рус, тожик, қорақалпоқ, қрим-татар тилларида берилади, телекўрсатувлар — ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида олиб борилади, Тожикистон ва Қирғизистондан мунтазам равишда телекўрсатувлар олиб берилади.

Ўзбекистон мактабларида ўқитиш ўзбек, рус, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ тилларида олиб борилади. Бир қанча мактабларда қрим-татар, грек, корейс, турк, немис тиллари ҳам ўрганилмоқда. Турли миллат ва элатларнинг, айниқса улар ғуж бўлиб яшайдиган жойларда миллий-маданий талаб-эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга қаратилган бир қанча тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, миллатлараро маданий марказлар барпо этиш масаласи тайёрланмоқда.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш мумкинки, бизнинг кўп миллатли социалистик давлатимизнинг бутун тарихи турли миллатлар кишиларининг муштарак мақсадлари

уларнинг муштарак тақдирлари билан қон-қардош бўлиб кетишини кўрсатиб турибди. Мамлакат социалистик миллатлари ва элатларининг бирлиги ва жипслиги — совет халқи қудратининг энг кучли манбаларидан биридир, шунинг учун ҳам уларни заифлик манбаига айлантиришга бизнинг ҳаққимиз йўқ. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг «экономиканинг ва бутун ижтимоий турмушнинг интернационаллашуви — табиий жараёндир. Миллий биқиқликка ҳар қандай интилиш фақат иқтисодий ва маънавий қашшоқликка олиб боради» деган қоидаси миллати, турадиган жойи ва ишидан қатъи назар барча совет кишилари учун чуқур принципиал аҳамиятга молик.

Бинобарин, қайта қуриш муваффақияти, жамиятимизни революцион янгилаш муваффақияти кўп жиҳатдан мамлакат социалистик миллатлари ва элатлари ўртасидаги алоқа, ўзаро муносабатлар қанчалик чуқурлиги ва мустаҳкамлигига, кишиларнинг сифат жиҳатдан янги социал-сиёсий бирлиги бўлмиш совет халқининг интеграцияловчи роли бизда қанчалик тез тараққий этиб ва ўсиб бораётганлигига боғлиқдир.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЕТ

В. И. Ленин. **Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар.** — Тўла асарлар тўплами, 24-том, 131—172-бетлар.

В. И. Ленин. **Великороссларнинг миллий ифтихори ҳақида.** — Тўла асарлар тўплами, 26-том, 118—123-бетлар.

В. И. Ленин. **Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир.** — Тўла асарлар тўплами, 45-том, 399—406-бетлар.

КПСС XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986, 50—70-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материаллари. 1988 йил, 28 июнь — 1 июль. — Т., «Ўзбекистон», 1988.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1988 йил 29 июль. — Т., «Ўзбекистон», 1988.

М. С. Горбачев. **Қайта қуришнинг интеллектуал имкониятларини оширайлик.** — «Совет Ўзбекистони», 1989, 10 январь.

Р. Н. Нишонов. **Илмий ва санъаткор зиёлиларнинг ижодий кучлари қайта қуришга хизмат қилсин.** — «Совет Ўзбекистони», 1989, 3 февраль.

«Ошкоралик ва ижтимоий турмушни демократиялаш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг регионал илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 1989 йил 23—25 февраль. — «Совет Ўзбекистони», 1989, 24, 25, 26, 28 февраль.

Актуальные проблемы развития национальных отношений, интернационального и патриотического воспитания. Учебное пособие. — М., Политиздат, 1988 с. 156—211.

Нации и национальные отношения при социализме. — Научный коммунизм, 1988, №12, с. 12—32.

В. Михайлов. **Межнациональные отношения: актуальные вопросы перестройки.** «Политическое образование», 1988, № 16, с. 24—32.

А. ХУДОЙБЕРГАНОВ

ЛЕНИНГРАДДА ЁШЛАР ПРОФЕССИОНАЛ ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

ИШЧИЛАР синфи сафини тўлдириш учун ёшларни тайёрлаш Ленинград область ва шаҳар партия ташкилотлари фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Улар бу соҳада КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми, шунингдек халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съезди қарорларидан олдинок тажриба тўплай бошлаган эдилар. Биз Ленинград шаҳрида ёшларнинг профессионал тайёргарлиги соҳасида педагоглар, корхона ходимлари, бу иш ташкилотчиларининг тажрибаси ҳақида гапириб бермоқчимиз.

* * *

Қайта қуриш вужудга келтирган янги социал-иқтисодий шароит профессионал-техника таълимининг ҳозирги аҳволини чуқур ўрганишни, дадил, янги руҳдаги қарорлар қабул қилинишини, ёшларни меҳнатга тайёрлаш проблемаларига масъулият билан ёндашишни талаб қилди. Хўш, ленинградликлар қандай йўлдан бордилар?

Ленинград шаҳри ва Ленинград областида 204 ҳунар-техника билим юрти бўлиб, уларда 115 мингга яқин киши 360 хил касб бўйича таълим олмоқда. Аслида шаҳар корхоналарига келаётган ёшларнинг ҳаммаси тегишли ҳунар-техника билим юртларида касб ўрганишган. Ҳунар-техника таълими ўқув юртларида 11 минг инженер-педагог ходим, шу жумладан 9 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 31 фан кандидати ишлаётир; улардан 700 дан кўпроғи СССР ва РСФСР ҳунар-техника таълими аълочиларидир.

Кадрлар билан ишлашнинг аҳволи тамомила қаноатланарли бўлиб туюлса-да, Ленинград область партия комитети, облась ижроия комитети, халқ таълими органлари қайта қуришни ишнинг айни ана шу участкасида бошлаб ўқитувчилар ва мастерларга замонавий талабларга мувофиқ фикр юритишни ва ҳаракат қилишни ўргатишни мақсад қилиб қўйдилар. Педагогика билимлари университетларида, педагогика клубларида ва ҳоказоларда мунозаралар, семинар-практикумларда ишчилар синфининг ёш авлодига таълим ва тарбия беришнинг самарали йўллари қидириб топилмоқда, педагогика фаолиятининг янги услуби шакллантирилмоқда.

Система раҳбарларини танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор берилаётир. «Директор» деган махсус программа ишлаб чиқилиб, унда директорларни тайёрлаш кўзда тутилади. Бу ишнинг баъзи натижаларинигина кўрсатиб ўтмоқчимиз: 1987 йилнинг ўзида ҳунар-техника билим юртларининг 31 директори, улардан 80 проценти махсус тайёрланган резервдан сайланди. Сайловлар кенг ошкоралик, ҳар бир даъвогар фаолият программасини муҳокама қилиш вазиятида ўтди. Бу лавозимларга тасодифий кишилар эмас, балки тегишли фазилатларга эга бўлган кишилар сайланиши учун ҳамма ишлар қилинди.

Ҳунар-техника билим юртлари ходимларининг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш тадбирлари кўрилаётир. Бу эса ишчилар синфининг ёш ўринбосар-

ХУДОЙБЕРГАНОВ Александр Пўлатович, Бутуниттифоқ ҳунар-техника таълими илмий-тадқиқот институти Тошкент филиалининг бўлим мудири, педагогика фанлари кандидати.

ларига таълим ва тарбия беришга нақадар муҳим аҳамият берилаётганлигининг далилидир.

Хўжалик ҳисоби кадрларни тайёрлашга талабларни ўзгартирди: бригада пудрати учун ишнинг янги турларига ва ишлаб чиқаришнинг янги шароитларига тезда мослаша оладиган кенг профилдаги мутахассислар керак; ёш ишчининг янги жойга кўникиш вақти анча қисқарди.

Хўш, ленинградликлар бу йўналишда нималар қилишди? Улар кадрлар тайёрлашни қатъий планлаштиришдан воз кечишди. Илгари эса ҳар бир билим юртига таянч корхоналарнинг заявкалари ҳисобга олинмаган ҳолда ўқувчиларни қанча қабул қилиш ва қанчасини тайёрлаб етиштириш юзасидан мажбурий тартибда план белгиланар эди. Масалан, билим юртига ҳар йили 400 кишини қабул қилиш плани белгиланарди, таянч корхонага эса кенг профилли станокчилардан фақат 100 киши ва ремонтчилар ҳамда созловчилардан 50 киши керак бўларди. Натижада билим юрти қолганлар учун «автослесарь» сингари касбларни «ўйлаб топишга» мажбур бўлар, сўнгра эса уларни ишга жойлаштириш учун қанча қийинчиликларни бошидан кечирар эди. Буларнинг ҳаммаси корхона билан билим юрти ўртасида низо чиқариб, билим юртларининг обрўсига путур етказарди.

Ленинградда бу муаммони ҳал этиш йўлида бундан ўн йил илгариёқ дастлабки қадамлар қўйилган эди: билим юртлари билан корхоналар ўртасида бевосита шартномалар тузила бошланди. Уларнинг моҳияти лўнда эди: яхши мутахассис тайёрланса, ўқув-материал базасини ривожлантиришга, инженер-педагог ходимларни рағбатлантиришга маблағ ажратилар эди. Бундан ҳар иккала томон манфаатдор бўлди. Ўзаро масъулият, ҳаракатларнинг мувофиқлиги, пировард натижадан ҳар иккала томоннинг манфаатдорлиги вужудга келди. Эндиликда корхоналар билан билим юртлари ўртасидаги бевосита шартномалар улар ўртасидаги муносабатларнинг негизига айланмоқда. Ана шу шартномалар туфайли ҳунар-техника таълими фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ва ишлаб чиқаришни қайта ускуналашга, хўжаликни юритишнинг янги методларини жорий этишга қаратилган «Интенсификация — 90» Ленинград территориал-тармоқ программасининг актив ва тўла ҳуқуқли қатнашчиси бўлиб қолди.

Ана шу программа доирасида ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари зиммасига кўпгина хайрли ва керакли ишлар: станоклар ва машиналар (масалан, карам йиғиш комбайнлари) тайёрлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш вазифалари юклатилди. Хуллас, тўла ишонч билдирилган, чунки ҳамма ишлар муддатида ва сифатли бажарилади. Бундан ташқари, область ҳунар-техника таълими системаси зиммасига корхоналарнинг робот-манипуляторлар, рақамли-программали бошқариладиган станоклар, механизациялашган, автоматлаштирилган ва ротор линияларига, электрон-ҳисоблаш техникасига хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш учун малакали ишчиларга бўлган талабларини таъминлаш вазифаси юклатилган. Бу, айтиш мумкинки, мўлжалдагидан ортиқча вазифадир. Хўш, бу вазифа қандай ҳал этилаётир?

Янги техникада ишлаш учун кадрлар тайёрлашда янги муаммолар вужудга келишини олдиндан кўриб, бу ерда вазият пухта таҳлил қилинди, бу соҳада тўпланган тажрибанинг ҳар бир зарраси ўрганилди, эски мезонлар асосида иш олиб бориш мумкин эмаслиги тушунилди, янгича ёндашишлар, янгича фикр юритиш зарур: автоматлаштирилган ишлаб чиқариш хатони кечирмайди. Демак, ана шундай ишлаб чиқаришларда ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш илмий асосда, энг замонавий модификациядаги станоклар, микропроцессорлар, компьютерлар, ихтисослашган тренажёрлар ва ҳоказолардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак. Битта билим юрти ёки ҳатто йирик корхона бунинг уддасидан чиқа оладими? Уддалай олмаслиги маълум бўлди.

Бунинг йўли мослашувчан автоматлаштирилган системаларга хизмат кўрсатиш учун ишчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ўзига хос марказлари — ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмалари (СУПО) ташкил этиш орқали топилди. СУПО учун 38-билим юрти ажратилиб, унда бир неча министрликлар ва идораларнинг корхоналари учун турли профилдаги мута-

хассислар тайёрлана бошланди. Бунда қийинчиликларга ҳам дуч келинди. Уларнинг бир қисми ҳамон бартараф этилгани йўқ. Масалан, ўқув цехлари ва лабораторияларини улуш асосида ускуналаш, программали бошқариладиган станоклар ва манипуляторлардан участкалар вужудга келтириш қийин. Ўша собиқ 38-билим юртида ўқувчилар тажрибали устозлар раҳбарлигида 15 турдаги тренажёр ва ўлчов аппаратини ускуналаганларидан кейингина айрим ўқув ишлаб чиқариш цехлари ва участкалари иш бошлагач кўпгина ишонч билдирмаган кишилар бу ишнинг тўғрилигига амин бўлдилар. Бирлашмалар эндиликда кўпгина корхона ходимлари ва ҳунар-техника билим юртларининг педагоглари учун намуна бўлиб қолди.

СУПОларни ташкил этишнинг асосий омили — корхоналарда жорий этилаётган хўжалик ҳисоби ва ўз харажатларини ўзи қоплашдир. Шу муносабат билан корхоналар ишчи кадрлар тайёрлаш бўйича заявкаларини 1,5—2 баравар қисқартирдилар, тор ихтисосдаги ишчиларга заявкалар берилмайдиган бўлди. Эндиликда янги ходимлар анча кам керак бўлмоқда, корхонага келган ёшларга эса бошқача талаблар қўйилмоқда — кенг профилли бўлиш, ишлаб чиқариш топшириқларини оператив ҳал эта олиш, бутун кучини сарфлаб, интенсив меҳнат қилиш керак бўлмоқда.

Бу талабларнинг ҳаммаси тарбия иши моҳиятининг ўзида туб ўзгаришлар бўлишини тақозо қилади. Аввало бунда гап ёшларни тарбиялаш ҳақида бораётганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. «Таълим ва тарбия» деган сийқа тушунча шу пайтгача ўқувчилар ўзлаштирадиган билимлар, кўникма ва малакаларнинг аҳамиятини биринчи ўринга қўяр, тарбия иккинчи ўринга қўйиларди. Профессионал тайёргарлик соҳасида эса тарбия ишлари баъзан унутилиб қўйиларди. Эндиликда бу хато эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Тўғри, профессионал билим, малака ва кўникмалар жуда муҳим, лекин буларнинг ҳаммаси шахсни шакллантириш воситаси, холос. Шу сабабли ягона тарбия жараёнининг таркибий қисми бўлган профессионал таълим ҳунар-техника билим юртларидаги таълим ва тарбия ишларининг асоси бўлиб хизмат қилиши лозим.

Муайян таянч корхонага мустаҳкам бириктилган таълимнинг тор аспектли системаси шароитида бундай ёндошишни амалга ошириб бўлмайди. Бунга эришишнинг йўли мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқаришлар учун ёш ишчилар тайёрлаш мақсадида ҳунар-техника таълимининг ўзига хос маркази бўлган йириклаштирилган билим юртлари тузишдан иборат деб топилди. Ленинградликларга кўпгина қийинчиликларни енгишга тўғри келмоқди. Таълим учун материал-техника базани ташкил этиш, йигит ва қизларни таълим-тарбия жараёнини бошқаришга ва ташкил этишга жалб қилиш, ўқувчилар билан педагоглар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги типини (ҳамкорлик педагогикасини) шакллантириш, бригада пудрати ва тўла хўжалик ҳисоби шароитида ишлашга ҳар томонлама тайёрлаш ана шу қийинчиликлар жумласига киради.

Шу мақсадда, юқорида айтиб ўтилганидек, жумладан моддий базаси заиф бўлган бир қатор билим юртларини ёпиш ва уларнинг ҳисобига бошқаларини йириклаштириб, профессионал тайёргарлик учун тегишли шароит яратиш кўзда тутилди. Бунда ўқув юртларининг нисбати ва структураси анча ўзгаради. Масалан, Ленинград ҳунар-техника билим юртларида ўқиётганлар контингентидаги бугунги нисбат қуйидагича: 39,4 проценти машинасозлик учун, 10,6 проценти қурилиш учун, 3,6 проценти маиший хизмат учун ва 3 проценти савдо ва умумий овқатланиш учун ишчилар тайёрланмоқда. Бундай аҳвол эртанги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Маълумки, яқин йилларда машинасозлик соҳасида ишчи кадрларга талаб тахминан 3 баравар қисқаради ва маиший хизмат соҳасидаги талаб бир неча баробар ортади. Ҳозир Ленинградда яқин йилларда шаҳарнинг малакали ишчиларга талаби юзасидан прогноз тузиш ишлари олиб борилаётир.

Ленинград ҳунар-техника билим юртларида ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш соҳасидаги ишларига эътиборни алоҳида қаратмоқчиман. Бу иш янги тарбиявий вазифаларни амалга ошириш учун ғоят муҳимдир. Сир эмаски, мазкур соҳадаги кўпгина ташаббуслар амалга ошмай қолди: педагоглар

билан ўқувчилар ўртасидаги тўсиқлар жуда мустаҳкам, турғунлик даврида вужудга келган лоқайдлик кучли эди. Одесса ҳунар-техника билим юртининг педагоги И. Н. Палтишев биринчилар қаторида бу ишни олға силжита олди. Тарбия жараёнига инсонпарварлик руҳини бериш соҳасидаги унинг тажрибасидан Ленинграддаги ҳунар-техника билим юртларининг кўпгина педагоглари фойдаланмоқдалар. Масалан, шаҳардаги бир қатор билим юртларида ўқувчилар, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, таянч корхоналарининг вакилларидан иборат ўқув юрти кенгашлари тузилди. Одатда бу кенгашларга ўқитувчи ёки ишлаб чиқариш таълими мастери бошчилик қилади. Уларда ўқувчиларнинг кўпгина вакиллари бўлиб, бу нарса тарбия жараёнига оид энг муҳим масалаларни ҳал этишга таъсир кўрсатиш учун катта имконият яратмоқда. Энг муҳими — кенгашларда ўқувчилар шахсига, уларнинг фикри ва ташаббусига ҳурмат муҳити вужудга келтирилган. Муҳокама қилинаётган бирор масала уларнинг истакларини ҳисобга олмай ҳал этилмайди. Ушбу йўналишдаги иш натижалари педагоглар билан ўқувчилар манфаатларининг яқинлашаётганини кўрсатмоқда.

Ўзаро ишончни кўрсатувчи яна бир мисол. Бундан 3 йил илгари Ленинградда шаҳар қурилиш ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси — «Учпрофстрой» тузилган эди. Бу бирлашманинг биринчи объекти — Марат кўчасидаги уй-жойни пардозлаш бўлди. Илгари (ҳозир ҳам шундай ҳоллар учраб туради) йигитлар малакали ишчилар бригадасига практикага боришар ва у ерда асосан ёрдамчи операцияларда фойдаланилар эди. Эндиликда улар ўз объектларига эга бўлиб, бу ерда ўқув программасидаги темалар бўйича иш олиб борадилар. Қўйиладиган баҳогина эмас, балки иш ҳақи ҳам иш сифатига боғлиқ бўлади. Бу тажриба шуни кўрсатдики, ўқувчиларга ишонч қанчалик кўп бўлса улар шунчалик тиришиб ишлайдилар, яхшироқ натижаларга эришадилар. Катталар психологиясида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда: деярли уч юз ўқувчига Сарой майдонидаги Бош штаб арқасини таъмирлашни ишониб топширишди. Ўқувчилар орасида прогул, практикадан бўйин товлаш ҳолларига барҳам берилди, чунки уларга жуда катта ва масъулиятли иш ишониб топширилган эди. Бунда панд бериш мумкинми, ахир!

Ишлаб чиқариш таълими усталарининг роли ҳам ўзгарди. Яқин ўтмишда мастер кўпинча четдан кузатувчи бўлиб қолар: ўқувчиларни практикага бошлаб бориб, нарядларни расмийлаштирар ва овқат ташкил қилиш билангина чекланарди. Асосий вазифа — тарбия ва таълим бериш вазифаси ишчиларга топшириб қўйиларди. Ишчининг эса бу вазифаларни бажаришга вақти бўладими, ахир? Энди эса мастерларнинг профессионал ва педагогик маҳорати ишда синаб кўрилмоқда. Улар конкрет қурилишга бориб, талабалари билан бирга меҳнат қиладилар, объект учун ва айни вақтда болаларга касб ўргатиш учун жавоб беради. Мастерларнинг ҳаммаси ҳам янги шароитда ишлай олмади, айримлари кетишга мажбур бўлишди.

Новаторликни кўрсатувчи яна бир мисол: Киров проспектидаги кафе-ошхона пештоқига бундай деб ёзиб қўйилган: «141-кулинария махсус ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари сизларни корхонамизга марҳамат қилишингизни сўрайдилар». Кафе билан танишган одам йигит ва қизлар бу ерда тўла ҳуқуқли хўжайин эканликларига ишонч ҳосил қилади. Улар ўз корхоналарида ишчанлик, ижодкорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Ўқувчилар маслаҳатлашиб, тамаки маҳсулотлари сотмасликка қарор қилишди. Лекин планни ҳеч ким камайтирмади, белгиланганидан кўпроқ маҳсулот ҳам беришмади. Хўш нима қилиш керак? Биринчидан, овқатни лаззатлироқ тайёрлаб, хилини кўпайтирдилар. Иккинчидан, кафе-ошхонадаги муҳитни яхшиладилар: ҳар бир столдаги гулдонга гул ва рябина бутоқчасини қўйишди. Мазали таомлар рецептларини машинкада бостириб столлар устига қўйиб қўйишди. Бу эса ҳар бир уй бекасини қизиқтириши турган гап. Энг муҳими, ошхонада хўрандаларга хайрихоҳлик муносабати муҳити яратилди.

Яна бир ғоят муҳим жиҳат: иш ҳақи масаласи. Ўқувчилар штатли ходимлар сифатида ҳақ оладилар. Бунда маош меҳнатда иштирок коэффициентига мувофиқ тўланади, уни махсус тузилган кенгаш белгилайди. Меҳнат интизоми,

маҳсулот сифати, план топшириғининг ҳар бир киши томонидан бажарилиши ҳисобга олинади.

Демак, бу ерда ўкувчилар насиҳатгўйлик билан тарбияланмайди. Уларнинг ҳар бири шундай шароитга қўйилганки, лапашанглик иш ҳақига таъсир кўрсатибгина қолмай, жамоатчилик фикри томонидан ҳам қораланади (ўкувчиларнинг бундай корхоналарида эса жамоатчилик фикри биринчи даражали аҳамиятга эгадир). Ҳафта давомида йигит-қизлар гоҳ овқат тақсимотида ишлайдилар, гоҳ овқат тайёрлайдилар, гоҳ дастурхон йиғиштирадилар ва ҳоказо. Уларнинг ҳаммаси баравар шароитга қўйилган.

Хўш, ўқув плани ва программасичи? «Учпрофстрой»да бир ҳафта кафеда ишланади, сўнгра икки ҳафта ўқиш бўлади. Бу эса ўқув жараёнининг ҳаёт билан, унумли меҳнат билан мустаҳкам алоқасини таъминлайди.

Ҳозир Ленинградда «Учпрофторг» ўқув ишлаб чиқариш бирлашмасини тузиб, унга шаҳар ва областдаги барча савдо ва ошпазлик билим юртларини бирлаштириш режаси тузилаётир. Ленинград область ижроия комитети тегишли қарор қабул қилди. Демак тез орада бу ерда иккита қудратли ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси — «Учпрофстрой» ва «Учпрофторг» ишлай бошлайди. Шубҳа йўкки, ёш ишчиларга касб ўргатишнинг ана шу янги формалари истиқболли формалар бўлиб қолади.

Демак, ҳозирги босқичда ишчи ўринбосарларини тайёрлаш самарадорлигининг энг муҳим шарти — ҳунар-техника таълими ўқув муассасалари мустақиллигини ошириш, инженер-педагогика коллективларида ижодий изланиш муҳитини яратиш, ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига хўжалик ҳисоби элементларини жорий этишдир. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераккки, ҳунар-техника билим юртларини таянч корхоналар, министрликлар ва идораларга топшириш ҳақидаги қарор бу ишда жиддий тўсиқ бўлиб қолди. Гап шундаки, корхоналарнинг аксарияти ўз кадрлари потенциалини ривожлантиришни прогноз қилиш маҳоратига эга эмаслар. Қайта қуриш туфайли ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси ва экономикасига оид жорий муаммолар ёш ишчи ўринбосарларни тарбиялаш масалаларини кейинги ўринга суриб қўйди.

Вужудга келган вазият ҳунар-техника билим юртларини корхоналар балансига ўтказиш ҳақидаги қарорни қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Ленинград шаҳри ва областининг партия ва совет органлари худди шундай қилишди. Белоруссия Компартияси Марказий Комитети ва Белоруссия ССР Министрлар Совети ҳам ана шундай қарор қабул қилди. Бу регионларда ёш ишчиларга таълим ва тарбия бериш масалаларида ҳунар-техника таълими ўқув юртларининг мустақиллигини ошириш йўли тутилмоқда. Бунда ҳунар-техника билим юртлари ягона халқ хўжалик комплексининг бутун-бутун тармоқлар, регионлар ва айрим корхоналарнинг талабларига оператив жавоб бериши керак бўлган мустақил бўлинмаларига айланиб, айни вақтда товар-материал бойликлар, айниқса аҳолига хизмат кўрсатиш, кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш соҳасида товар-материал ишлаб чиқарувчи функциясини бажарадиган бўлади.

* * *

Ёшлар профессионал таълимини қайта қуриш муаммоси кейинги йилларда айниқса жиддий тус олди. Эндиликда ишнинг кўзини билиб қабул қилинган асосли ва синовдан ўтган қарорларсиз иш битмайдиган бўлиб қолди. Шу сабабли ўз анъаналари билангина эмас, балки дадил новаторлик ташаббуслари билан ҳам шуҳрат қозонган шаҳарнинг тажрибаси ғоят қимматлидир. Уларнинг формуласи ниҳоятда равшан: демократиялаштириш, ишонч, масъулият.

ИВАНОВО—ЎЗБЕКИСТОН: ҚАРДОШЛАРЧА ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

БЕПОЁН ВАТАНИМИЗ қардошларча бирлигининг ажралмас қисми Ўзбекистон билан Иваново области меҳнаткашларининг дўстлигидир. Бу дўстлик Советлар ҳокимиятининг тонготарида чет эл интервентлари ва ички контрреволюцияга қарши курашнинг оғир дамларида бошланган. Иваново-Вознесенск меҳнаткашлари Москва, Петроград ва Россиянинг бошқа саноат марказлари меҳнат аҳли қатори Ўрта Осиё халқларига совет тузумини мустаҳкамлашда беғараз ёрдам кўрсатдилар.

Гражданлар уруши йилларида Иваново-Вознесенск губерня партия комитети 20 мартадан ортиқ партиявий сафарбарлик ўтказиб, Қизил Армияга 8 мингдан ортиқ коммунистни йўллади; кўнгиллилар ва сафарбар этилганларнинг жами 70 минг кишидан ошиб кетди. Уларнинг аксарияти Шарқий ва Туркистон фронтларида жанг қилдилар. Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун кураш тарихи Д. А. Фурманов, А. С. Киселев, И. Е. Любимов, В. С. Калашников, В. Н. Наумов, А. И. Жугин ва кўпгина бошқа ивановолик большевиклар номи билан чамбарчас боғлиқ.

Ивановоликлар 20-йилларда Ўрта Осиё меҳнаткашларига янги пахта тозалаш заводлари қуриш ва эски заводларнинг қувватларини оширишда ёрдам кўрсатдилар, малакали ишчи ва мутахассислар юбордилар. Чунончи, 1923—1924 йилларда Иваново-Вознесенкдаги «Ивтекстиль» тўқимачилик бирлашмаси Сирдарё ҳамда Андижон пахта тозалаш заводларини реконструкция қилиш ва янги ускуналар ўрнатишга 50 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Ўзбекистон пахтакорлари ўз навбатида тўқимачилик ўлкаси корхоналарига пахта етказиб беришни йил сайин кўпайтириб бордилар.

20-йилларнинг охирларида Фарғонада Ўрта Осиёда биринчи тўқимачилик фабрикаси қурилиши бошланди. Унга кадрларнинг кўпчилиги Иваново-Вознесенск корхоналарида тайёрланди. Ивановоликлар ускуналарни монтаж қилиш ва созлашда иштирок этдилар, ишлаб чиқариш таълими инструктори бўлиб ишладилар. Шунга қарамай фабрикани ишга тушириш чўзилиб кетди. Тўқимачилик касби муайян тажриба, кўникма тақозо этарди, маҳаллий ишчиларда эса худди шу нарса етишмасди. Ана шунда Ўзбекистон зарбдорлари съезди қатнашчилари 1930 йил 1 октябрда ивановолик тўқимачиларга хат билан мурожаат этиб, фабрикани шатакка олишни сўрадилар. Ивановоликлар чақириққа лаббай деб жавоб бериб, тезда Фарғонага турли ихтисосдаги 140 нафар малакали тўқимачини жўнатдилар. Улар янги қурилаётган корхона коллективи ўпирилишдан чиқиб олишида мададкор бўлишди.

Ивановоликларнинг Ўзбекистон пахтакорлари билан ҳамдўстлиги тобора самарали формалар касб эта борди. 1929 йил апрелда «Узбекистанская правда» газетаси Иваново-Вознесенскнинг «Рабочий край» газетаси редакциясига мурожаат этди: «Ўзбекистоннинг асосий пахтакор районн — Фарғона билан Иваново-Вознесенск тўқимачилари ўртасида ишлаб чиқариш йўқламасини бошлашни таклиф этамиз. Йўқламанинг вазифаси ўзаро даъво ва эътирозларни, шунингдек пахтачилик ва тўқимачилик саноати муваффақиятли ишлашига тўсқинлик қилаётган ҳамма нарсаларни аниқлашдан иборат». Таклиф ивановоликлар томонидан тўла қувватланди.

Улуғ Октябрнинг 12 йиллиги арафасида Иваново-Вознесенск, Москва ва Ленинград шаҳарларининг 700 минг тўқимачиси Ўрта Осиё пахтакорлари билан мусобақа тўғрисида шартнома туздилар. Ишчилар беш йиллик охирига қадар ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш, деҳқонлар эса тўқимачилик саноатини ўзимизда етиштирилган пахта билан тўла таъминлаш, пахта экиладиган майдонларни икки баравар кўпайтириш ва ҳосилдорликни 40 процент кўтариш мажбуриятини олдилар.

Иваново-Вознесенск области коллективлаштириш даврида Ўрта Осиёнинг пахтакор районларини оталиққа олди. 1929 йил октябрь ойининг бошларида барча фабрика ва заводларда, муассасаларда ишчилар синфининг қишлоқ хўжалигини социалистик

тарзда қайта қуришдаги ролига, мамлакатда пахта базаси аҳволига бағишланган умумий йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишларнинг аксариятида якшанбаликлар ўтказиб, коллективлаштириш махсус фондларини яратишга қарор қилинди. Масалан, 1929 йил 25 декабрда — «Пахта куни»да область меҳнаткашлари ўзлари ишлаб топган 450 минг сўмни пахтачиликни ривожлантириш фондига ўтказдилар.

Ивановодан Ўрта Осиёга ишчилар бригадалари юборилди. Бу бригадалар колхоз тузишда, чигит экиш ва ҳосилни йиғиб-териб олишда қатнашдилар, саводсизликни тугатиш пунктлари очдилар, лекция ва докладлар ўқидилар. Қасаба союзларининг фабрика комитетларига пахтакор районларга юборишни сўраб ишчилар ёзган аризалар ёғилиб кетди. Пахтакорлар билан ёнма-ён меҳнат қилиш истагидаги кўнгиллилар сони кун сайин орта борди.

Иваново областининг тўқимачилик корхоналари Ўрта Осиёдан тобора кўпроқ «оқ олтин» ола бошладилар. 30-йилларданёқ корхоналар мамлакатимизда етиштирилган пахтани қайта ишлашга тўла ўтди.

Пахтакорлар маданиятини ошириш учун ишчилар кўп иш қилишди. Хусусан, аёллар ўртасида катта иш олиб борилди. Шунинг самараси ўлароқ талайгина ўзбек аёллари паранжи ташлаб, актив ижтимоий-сиёсий ҳаётга қадам қўйдилар, комсомол ва Коммунистик партия сафларига кирдилар.

1932 йил май ойида Тошкентда тўқимачилик комбинатининг пойдевори қўйилди, 1934 йилда эса комбинат йигирув-тўкув фабрикасининг биринчи навбати ишга тушди. Қурилиш бораётган пайтдаёқ комбинат учун Москва, Ленинград ва Иваново тўқимачилик корхоналарида кадрлар тайёрлашга киришилди. Кўпгина ўзбек тўқувчилари шаҳримиз фабрикаларида меҳнат сабоғини олдилар. Ўзбекистон ҳукуматининг илтимосига биноан, мамлакатимизнинг марказий саноат районларидан «оқ олтин» ўлкасига келган юқори малакали ишчилар Тошкент тўқимачилик комбинати коллективининг ўзагини ташкил этдилар, маҳаллий ишчиларга кўп нарса ўргатдилар. Қисқа муддат ичида Ўзбекистонда миллий тўқимачи кадрлар тайёрланди.

Ивановоликларнинг ижодий меҳнати билан яратилган ҳамма янгиликлар тез орада Ўзбекистонда ҳам қўллаб-қувватланарди. Айни чоғда ўзбекистонлик ҳамкасабаларнинг ҳар бир ютуғи уларнинг мусобақадош бўлмиш ивановоликлар мулкига айланарди. Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида Ўзбекистондан Иваново области тўқимачилик корхоналарига борадиган пахта сира тўхтаб қолмади.

Урушдан кейин Иваново области ва Ўзбекистон меҳнаткашлари халқ хўжалигини тиклашда актив қатнашдилар. Урушдан кейинги беш йилликлар вазифаларини ҳал этишда асосий омиллардан бири улар ўртасидаги социалистик мусобақа бўлди.

1966 йилда Тошкентда қаттиқ зилзила бўлганида ивановоликлар табиий офатни бартараф этиш учун дўстларга ёрдам тариқасида қурувчи бинокорларни юбордилар. Ивановолик тўқимачилар ёзги каникул даврида тошкентлик ўғил ва қизларни ўз бағриларига олдилар. Область пионер лагерларида Ўзбекистон пойтахтидан борган кўпгина болалар бутун ёз бўйи дам олдилар.

КПСС XXIV съездига тайёргарлик даврида (1971 йил) Москва, Калинин ва Иваново тўқимачилари «Минглар шартномаси»ни янада кенгроқ кўламда тиклашни таклиф этдилар. Улар Ўзбекистон пахтакорлари, пахта тозалаш саноати ходимлари, олимлари, конструкторлари, машинасозларига «Халққа — аъло сифатли маҳсулот!» деган хат билан мурожаат этдилар. Бу хат катта қизиқиш уйғотди ва кенг миқёсда қўллаб-қувватланди. «Минглар шартномаси»га биринчилар қатори мирзачўллик деҳқонлар қўшилдилар. Сўнгра Ўзбекистон саноат корхоналари коллективлари ҳам мусобақага қўшилдилар. 1972 йилги 1 Май байрами арафасида Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия тўқимачиларининг катта группаси мусобақанинг янги шартномасини тузиш учун Ўзбекистонга йўл олди. Бу шартнома тўқимачилар билан пахтакорлар, машинасозлар билан пахта тозалаш заводлари ишчилари, химиклар, тикувчилар ва бошқа кўпгина касб эгалари ўртасидаги меҳнат беллашувининг янги босқичини бошлаб берди.

Шартнома мажбуриятлари кўпгина коллективларни яқинлаштирди. Иваново меланжчилари билан Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари кўп йиллик дўстлик алоқаларидан фахрланадилар. С. И. Балашов номли фабрика ва Фарғона тўқимачилик комбинати, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнаткашлари ўртасида, Иваново ва Тошкент мебелсозлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Мусобақадош дўстлар бир-бирларидан янги, фойдали ишларни ўрганишда ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

СССР Енгил саноат министрлигининг ишга тушириш-созлаш ишлари ҳамда ишлаб чиқаришларнинг янги турларини ўзлаштириш Бутуниттифоқ трестининг штаби Ивановода бўлиб, трест ходимлари Ўзбекистон билан пухта алоқа боғлашган. Кейинги йилларда улар Андижон, Бухоро ва Фарғона ип газлама комбинатларининг филиаллари қувватларини ўзлаштиришда яқиндан ёрдам бердилар. Верхне-Волжск ишга тушириш-созлаш бошқармаси Бухоро комбинати билан тузган шартномада жумладан бу корхона учун бир группа ишчилар-

ни СССР 50 йиллиги номли Фурманов фабрикасида тайёрлаб бериш кўзда тутилган.

Иваново область партия комитетининг ташаббуси билан биринчи беш йилликлар қаҳрамонлари бўлмиш тўқимачи Евдокия ва Мария Виноградовалар номида мукофотлар таъсис этилиши мусобақани ривожлантиришнинг таъсирчан омили бўлди. Ана шу мукофот лауреатлари орасида ўзбекистонлик новаторлардан Лидия Қазанцева, Буолма Жўраева, Вера Солдатова, Дилбар Қулматова, Марзия Турсунхўжаева, Хайрихон Тиллабоева ва бошқалар бор.

Ўз навбатида тўқимачилик ўлкасининг илғор кишилари ва новаторлари Ўзбекистонда таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланмоқда. Чунончи, Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев номли мукофот Иваново меланж комбинати тўқувчиси Валентина Витальевна Сараевага берилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ноқоратупроқ зонада жойлашган Иваново области қишлоқ хўжалигини юксалтиришга баракали ҳисса қўшмоқдалар. Бу ерда зарбдор комсомол отрядлари катта ҳажмдаги қурилиш ва мелиорация ишларини бажармоқдалар. Иваново ўлкасида ўзбекистонликлар «Ўзбекистон» ва «Дружба» совхозларини барпо этдилар. Ўзбекистондан йигит ва қизлар, оилалар қишлоқ хўжалигини кўтариш учун Иваново областига кўчиб бормоқдалар.

Ўз навбатида ивановоликлар Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал этишда кўмаклашмоқдалар. Масалан, Мирзачўлда «Иваново» картошкачилик совхози барпо этилди. Иваново области мутахассислари картошка етиштиришда қимматли маслаҳатлар бердилар.

Матбуот орқали ахборотлар айирбошлаш кенгайиб бормоқда. Чунончи, Иваново область «Рабочий край» газетаси «Мусобақадош дўстларимиз ҳузурида» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР меҳнат коллективлари ҳаётидан изчил ҳикоя қилиб боради.

Етиштирилган пахтани сержило, харидоргир газламага айлантириш жаҳонга машҳур Палех усталарининг кўпгина жажжи асарлари мавзуини ташкил этади. Шарқ миниатюралари ворислари бўлмиш ўзбек халқида палехликлар санъати катта қизиқиш уйғотмоқда. Худди шу боисдан ҳам ўзбекистонлик ёш рассомлар машҳур усталардан санъат сирларини ўрганиш иштиёқини билдирдилар.

Иваново билан Ўзбекистон ССР ўртасида туризм анчагина ривожланган. «Олтин ҳалқа» ҳамда Ўрта Осиё бўйлаб саёҳатлар вақтида одамлар рус ва ўзбек халқининг анъаналари, урф-одат ва расм-русмлари, маданиятлари билан танишадилар. Бу эса кўп миллатли мамлакатимиз тарихини яхшироқ билиб олиш ва чуқуррок тушуниш имконини беради.

Ивановода Тошкент кўчаси бор. «Ўзбекистон» фирма магазини очилган. Тошкентда эса «Русский лён» магазини ишлаб турибди. Область марказидаги кўпгина уйлар ўзбек миллий нақшлари билан безатилганлигини, пахта чаноғи ва тўқув урчуғи тасвирланган расмлар осиб қўйилганлигини кўриш мумкин.

Иваново шаҳридаги 8 та олий ўқув юртида Ўзбекистон вакиллари таълим олмоқда. Ёз кезлари ўзбекистонлик студентларнинг Иваново областида ишлаши анъана бўлиб қолди. Бунёдкор студентлар «Тепличний», «Узбекистан», «Дружба» совхозларида қатор объектлар, «Ворожино» чўчқачилик комплекси, Кохма дарёси ортидаги бройлер паррандачилик фабрикасини барпо этдилар. Ўзбекистон вакиллари «Баҳор» чойхонаси қуришган. Унда хўрандалар ўзбек таомларини тановвул қилишади.

Ўзбекистон ССР ва Иваново области меҳнаткашлари фидокорона меҳнатлари билан мамлакатимиз иқтисодий потенциалини кўпайтирмоқдалар. Область корхоналарига келаётган пахтанинг 70 проценти Ўзбекистон диёрида етиштирилган бўлиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган газламанинг бешдан бир қисми шу корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Тўқимачилик ўлкаси ва серқуёш Ўзбекистон меҳнаткашлари дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб бориб, КПССнинг мамлакатни революцион янгилаш режасини амалга ошириш учун кураш йўлидаги куч-ғайратларини янада оширмоқдалар.

В. ДУДОРОВ,
тарих фанлари кандидати,
Иваново тўқимачилик институтининг
доценти.

«ҚАРАМ» ШАҲАРЛАРДАГИ АҲВОЛ ХУСУСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши янги шаҳарлар ва шаҳар типидаги посёлкаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Улар орасида ҳаёти биpop-бир иттифоқ министрлиги ёки идорасига қарашли бир-иккита корхонанинг фаолияти билан бутунлай боғлиқ бўлганлари ҳам бор. Улар жуда жадаллик билан ривожланяптилар, улардаги социал-психологик вазият эса одатдаги шаҳар ва посёлкаларда кузатиладиган вазиятдан анчагина фарқ қилади ҳамда ғоят мураккаблиги билан характерланади. Мисол учун Зарафшон билан Учқудуққа тўхталмоқчимиз.

Бу шаҳарлар уларга туташган посёлкалар (Белтов, Даугизтов, Кўкпатас, Мурунтов, Солнечний, Томди ва бошқалар) билан бирга Қизилкум чўлининг марказида жойлашган. Уларда иклим шароити оғир — ёзда ҳавонинг ҳарорати соя жойда эллик градусга етади. Ушбу ҳолат ишловчилар иш ҳақига 60 процентли коэффициент қўшишни шартлайди, уларнинг баъзи бир категориялари, масалан, геолог, шахтёр ва уларга тенглаштирилган шахслар учун эса у 110 процентга етади. Иш ҳақининг юқорилиги социал хилма-хилликка ва асосан навқирон ёшдаги аҳолининг ўсишига олиб келади.

Ана шу шаҳарларнинг «соҳиб»лари амалда кон бошқармаси ва қурилиш бошқармаси, яъни Навоий кон-металлургия комбинатининг йирик бўлинмаларидир. Масалан, Зарафшон қурилиш бошқармаси ўн еттита бўлинмадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бир йил ичида ўртача катталикдаги қурилиш тресги сарфлаганчалик маблағни ўзлаштиради. Кон бошқармаси ундан йирикроқ, чунки унга юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган заводлар, карьерлар, устахоналар ва ҳоказолар киради. Мурунтовда бундан ташқари геологик разведка экспедицияси иш олиб боряпти, у Геология министрлигининг иттифоқ-республика даражасидан умумиттифоқ министрлигига айлантирилиши муносабати билан тугатилган «Кызылкумгеология» ишлаб чиқариш геология бирлашмасининг давомчиси бўлиб, бу ҳол бир қатор геологик бўлинмаларнинг қисқартирилишига олиб келди.

Бу ерда кон бошқармаси ва қурилиш бошқармасининг иштирокисиз мактабгача тарбия муассасаларига жой ажратишдан бошлаб квартираларни тақсимлашгача бўлган биророта ҳам масала амалда ҳал қилинмайди. Нақадар ғалати туюлмасин, бу шаҳарларда партия ва совет органлари етакчи роль ўйнамаслигидек ҳолат юзага келиб қолган. Тўғри, кейинги йилларда шаҳар ижрокомларида ижтимоий ҳаётда юз бераётган жараёнларга таъсир кўрсатиш тенденцияси намоён бўла бошлади. Лекин матбуот конференциялари ва партия-хўжалик активларида ҳали ҳам меҳнат коллективлари вакилларининг аҳоли турмуши ва дам олишига дахлдор бўлган саволларига шаҳар партия ва ижроия комитетларининг ходимлари эмас, балки кон бошқармаси ва қурилиш бошқармасининг раҳбарлари жавоб бермоқдалар.

Зарафшон ва Учқудуқ тобора Ўрта Осиёнинг саноат марказлари сифатида кўпроқ эътибор қозониб келмоқда. Лекин, кейинги ўн йилликларда очиқ конларда пайдо бўлган барча шаҳарчаларда бўлганидек, «қарам» шаҳарларда ҳам инфраструктура оқсамоқда. Табиат «омбор»ларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантиришдаги катта сакраш социал соҳани юксалтиришдаги тошбақа қадам суръатлар билан муроса қилиб келяпти. Шаҳарларнинг ҳаётий фаолияти гоҳида тушунтириш қийин бўлган зиддиятлар билан тўлган. Ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги туфайли уларда эркак аҳоли кўпчиликни ташкил этади. Лекин хотин-қизлар баъзан «эркакларнинг вазифасида», яъни катта юк автомашиналари ҳайдовчилари, қурилишда мастер, прораб бўлиб ва ҳоказо ишларда меҳнат қиладилар. Уларнинг орасида шунингдек ишчилар, ҳисоблаш-бухгалтерия ва инженер-техник ходимлар ҳам, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари ҳам учрайди.

Гарчи уй-жой микрорайонлари қурилиши мунтазам олиб борилаётган бўлсада «қарам» шаҳарларда тураржой ҳануз танқис. Ҳатто ушбу шаҳарларда кўпдан бери яшаб келаётган кўп кишилар бошқа оилалар билан бир квартирада яшашга мажбур бўлишмоқда, тураржой майдонини кенгайтиришга эса ҳар учтадан битта оила муҳтожлик сезяпти. Шаҳар комсомолларининг ташаббуси билан Зарафшонда ёшлар уй-жой комплекси яратилди, у ана шу қийин проблеманинг бир қисмини ҳал этишни ўз зиммасига олди. Шу билан бирга бу ерда чорбоғ посёлкаларини қуриш иши яхшигина йўлга қўйилганини айтмасдан бўлмайди. Маъмурият бунинг учун барча зарур шароитларни яратиб, бу билан чўлни ўзлаштириш ва ободонлаштиришга имкон яратиб беряпти. Дала ҳовлиларнинг эгаларига ўзларининг шаҳар ташқарисидаги участкаларини суғориш ва кўкаламзорлаштириш учун зўр бериб ишлашга тўғри келади.

Транспорт проблемаси ҳам энг долзарб проблемалардан биридир. Шаҳарларда маршрутли такси ва автобуслар қатнаб турибди, таксопарк эса йўқ. Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида Қонунга асосан баъзи шахсий автомашиналарнинг эгалари меҳнаткашларнинг ҳожатини чиқаряпти. Лекин, мисол учун, Зарафшондан Мурунтов посёлкасига бориш учун, яъни қирқ километрдан кўпроқ масофани

босиб ўтиш учун анча уринишга тўғри келади: хусусий такси ҳайдовчиларининг ҳаммаси ҳам бунча йўлни босиб ўтишга рози бўлавермайди.

Шаҳарларнинг марказий қисмигина радиолаштирилгани, автомат-телефонлар деярли йўқлиги ҳақида ҳам айтмасдан бўлмайди. Қамдан-кам кишилардагина квартира телефонлари бор.

Кўпгина микрорайонларда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳозирча мавжуд эмас. Аҳолини саноат ва озиқ-овқат моллари билан таъминлаш асосан бир-иккита савдо маркази орқали амалга ошириладики, бу сира етарли эмас. Чунончи, Зарафшонда шаҳар атрофидаги посёлкаларни қўшганда 50 минг аҳоли яшайди, улар учун бевосита шаҳарда иккита нисбатан йирик магазин бор, бунинг устига улардан бири саноат моллари билан деярли савдо қилмайди. Бу магазинлар ўз вазифаларини етарли даражада бажара олмаслиги равшан. Учқудуқда аҳоли камроқ, шаҳарда савдо марказлари йўқ, биттагина саноат моллари магазини эса меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини қондира олмайди. Шу сабабли иккала шаҳарда савдо корхоналари жадал суръатлар билан қурилмоқда.

Дастлаб вахта шаҳри сифатида ўйланган Учқудуқ шаҳарсозларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини аллақачон «орқада қолдирди». Унда социал-маиший проблемалар шу қадар кескин бўлиб турибдики, бу ҳол маънавий носоғломлик вазиятини туғдиряпти. Бу нарса социал адолатни бузиш, ҳафсаласизлик, суиистеъмол қилиш фактларида ўз ифодасини топган. Етилган масалаларни ҳал қилишга идоравий нуқтаи назардан ёндашиш авж олган. Бу ҳол кишиларнинг норози бўлишига олиб келиши қонуний ҳол. Ўзбекистон Компартияси МҚ IX пленумида (1988 йил январь) бир группа ишчиларнинг ҳаққоний талабларини қондириш ва гражданларнинг ҳуқуқи ҳамда қонуний манфаатлари бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни жазолаш борасида ўз вақтида қатъий чоралар кўрилмаганлиги учун Зарафшонда жиддий вазият юзага келганлиги таъкидланди.

Шуни эътироф этиш керакки, шахсий фикрни изҳор этишдаги ранг-барангликка авваллари кўрилмаган даражада сабр-тоқатли бўлиб қолган ижтимоий ҳаётни демократиялашдан фойдаланиб, қайта қуришга қарши кучлар баъзан ҳамма нарсани турғунлик давридаги ҳолатда қолдириш учун ҳеч қандай воситалардан тортинмаяптилар. Партия органлари эса бундай вазиятда кўпинча ночор ва эсанкираган аҳволга тушиб қоладилар, яқин ўтмишдан мерос бўлиб қолган одатий сафсатабозлик билан шуғулланадилар. Бундай сафсатабозлик илгари ҳам таъсирсиз эди, ҳозир эса унинг бефойдалиги яққол кўриниб турибди ва у ғижинишгагина сабаб бўляпти. Раҳбарликнинг ўз умрини тугатган услуби ҳамма нарса яққол кўринадиган, кўп кишилар у ёки бу даражада бир-бири билан боғланган, бир-бирини яхши биладиган кичик шаҳарлар ҳаётига айникса аламли таъсир кўрсатяпти. Партия комитетларига бундай шароитда ҳаракат қилиш ҳам енгил, ҳам оғир. Ҳар ҳолда уларнинг фаолияти белгиланган йўлни ўтказишда изчиллиги ва принципиаллиги билан албатта ажралиб туриши керак. Лекин бу нарса амалда қандай намоён бўлмоқда?

Зарафшон шаҳар партия комитети қайта қуришга тўсқинлик қилаётганларга нисбатан муросасиз позицияда тургандек туюлади. Унинг XI пленуми шаҳар партия комитети бюросининг қайта қуришга раҳбарлик қилиш борасидаги ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб, «бюрократизмга, ҳар турли салбий ҳодисаларга қарши кураш, партиявий, хизматдаги ноинсофлик ва хўжасизликнинг ҳар қандай-кўринишларига тоқатсизлик шаҳар партия комитети бюроси, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти фаолиятининг қатъий нормаси бўлиб қолиши керак» деб қарор қилди («Зарафшанский рабочий», 1987, 19 декабрь). Лекин қарордан кейин, афсуски, конкрет ишлар қилингани йўқ.

Ҳолбуки, ҳақиқатан долзарб, кишилар учун муҳим проблемалар танқидга нишон қилиб олиниши мумкин. Чунончи, «қарам» шаҳарларга сабзавот ва мевалар давлат таъминоти йўли билан кам миқдорда келтирилади. Бу ерларда ёрдамчи хўжалик амалда мавжуд эмас. Шу сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотига бўлган талаб қондирилмаяпти. Меҳнаткашлар ўз эҳтиёжларини асосан бозор ҳисобига қондиряптилар, бозорда нарх-наво эса республикамиз бошқа шаҳарларидагига қараганда анча юқоридир.

Ҳар ҳафтада икки-уч бор бозорда ярмарка ташкил қилиниб, у ерда сабзавот ва мевалар билан бир қаторда Ўзбекистоннинг кўпгина областларидан келтирилган саноат моллари сотилади. Меҳнатсиз даромад олишга интиладиган кишилар бундан фойдаланишга уриняптилар. Уларга қарши кураш эса суст олиб бориляпти.

Бошқа «танг» жой — хизмат кўрсатиш соҳасидир. Агар Ўзбекистон ССР маиший хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича мамлакатда ўн бешинчи ўринни ишғол қилган бўлса, республикамиздаги «қарам» шаҳарлар ушбу соҳанинг ривожланиши даражаси бўйича охирги ўринлардан бирида турибди. Ҳолбуки улар аҳолиси асосан ёшлардан иборат бўлган шаҳарлардир, бундай аҳволдан ёшларнинг оилалари қандай қийинчиликларни бошдан кечираётганини тасаввур қилиш қийин эмас. Буви ва боболар, шунингдек катта ёшли ота-оналар жуда кам

Маиший хизмат билан оилаларнинг ишловчи аъзоларининг ўзлари шуғулланадилар. Агар уларнинг кўпчилиги жисмоний меҳнат билан машғуллигини ҳисобга олсак, хизмат кўрсатиш соҳасини тезроқ ривожлантириш зарурлиги тушунарли ҳолдир. Лекин бу ерда бу иш билан ким бевосита шуғулланяпти?

Болаларни мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштириш иши ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Гарчи деярли ҳар бир микрорайон болалар боғчасига эга бўлсада, уларда жой етишмаяпти. Туб ерли аҳоли ўртасида туғилиш юқори даражада. Бундай оилаларда аёллар ижтимоий ишлаб чиқаришга амалда қўшила олмайдилар, касаначилик меҳнати эса доим ҳам ўзини оқлайвермайди. Дарвоқе, бундай маҳсулотни сотиш ҳам сервиснинг ривожланмаганлигига бориб тақалади.

Бошқа бир талай социал проблемалар ҳам тўпланиб қолган. Улар ичида энг ўткирларидан бири — медицина хизмати кўрсатишдир. Бу ерда, Мурунтов посёлкасини мустасно қилганда, шаҳар касалхоналари ва поликлиникалари мавжуд эмас. Зарафшонда, масалан, кон бошқармасининг 60 ўринли медицина-санитария қисми ва унинг қошида поликлиника ишлаб турибди. Бу эса сира етарли эмас. Врачларнинг контрол комиссияси ишдан озод қилган беморлар узоқ вақт уй шароитида даволанишга мажбур бўладилар. Медицина шаҳарчасини қуриш суръатлари бугунги кун эҳтиёжларига жавоб бермайди. Ёз-куз мавсумида жазирама иссиқ ҳамда санитария ҳолатини унчалик намунали тутмаслик оқибатида вақти-вақти билан юқумли касалликларнинг тарқалиш хавфи юзага келади. Шунинг учун эпидемияга қарши шаҳар фавқулодда комиссиялари ишлаб турибди. Қасаллик турига қараб аҳолининг тегишли ёшдаги группалари эмланади. Лекин бундай мураккаб шароитда эмлашни ўз вақтида, қолаверса, юз процент қилиб таъминлаш осон иш эмас. Буларнинг ҳаммаси кичик шаҳарларда медицина хизматини ташкил этишга ёндашишни тубдан ўзгартиришни талаб этяпти. Ушбу проблемани ҳал этишда биринчи навбатда маҳаллий Советлар манфаатдор ва изчил бўлишлари керак.

«Қарам» шаҳарлар оммавий тадбирлар ўтказилиши учун ва, албатта, йигит ва қизлар орасидан разрядли спортчиларни тайёрлаш учун ярокли яхшигина спорт комплексларига эга. Улардан кенг фойдаланиш ёшлар томонидан жамиятга зарарли ножўя ишлар қилинишининг олдини олишга ҳам ёрдам берган бўлур эди.

Маданият муассасалари бундай базага эга эмас, бу эса, албатта, улар олиб борадиган тарбиявий ишнинг даражасига таъсир қилади. Масалан, атеистик фаолият жиддий кучайтиришга эҳтиёж сезяпти, чунки Зарафшон ва Учқудуққа туташган баъзи районларда диний вазият унчалик кўнгилдагидек эмас. Турли хил ғаламислар бундан баъзан ғоят усталик билан фойдаланиб қоладилар. Гарчи Зарафшон ва Учкудуқда диний муассасалар йўқ бўлсада, кишиларнинг, айниқса ёшларнинг бир қисми ўтмиш сарқитлари билан боғлиқ барча нарсага дарҳол хайрихоҳлик билдиради.

Амалда ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган идеология ишидаги камчиликлар «қарам» шаҳарларда юз берадиган турли хил фавқулодда ҳодисаларнинг ва умуман улардаги мураккаб социал вазиятнинг асосий сабабидир. Шаҳар партия комитетининг идеология бўйича секретари лавозими бир йилдан ошдики, бўш турибди. Партия комитети аппаратининг қисқартирилишини кутиб, бу лавозимни бўш қолдиришга қарор қилишган эди. Оқибатда партия фаолиятининг ғоят муҳим соҳаси етакчисиз, пухта раҳбариятсиз қолди. Ҳолбуки, ушбу соҳа бир мақсадни кўзлаган куч-ҳаракатларга, «қарам» шаҳарлар ҳаётининг хусусиятларига энг кўп даражада жавоб берадиган иш форма ва методларини изланишга ғоят муҳтожлик сезмоқда.

Албатта, бу ерда ҳам мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига хос бўлган жиҳатлар оз эмас. Бу ҳодисаларнинг баъзилари маҳаллий колорит билан тўлдирилади. Уларга арокфурушликни киритиш мумкин. Гап шундаки, самогон пишириш бу ерда баъзан уюшган характер касб этади. Масалан, Зарафшондаги 9-автобазада яширин вино заводи ташкил топган эди, 660 литр кўлбола вино мусодара қилинди.

Агар умуман олганда самогон пишириш, ичкиликбозликнинг ўзи сингари, илгари Ўрта Осиё республикалари учун характерли бўлмаган бўлса (туб ерли аҳоли спиртли ичимликларни истеъмол қилишга мойил бўлмаган), ҳозирги вақтда, айниқса тилга олинган шаҳарларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўзларининг бу соҳадаги вазифасини аранг бажаряпти. Уйда «фақат ўзи учун» вино тайёрлаш оммавий тус олди. Иш жойларида ҳам бу иш билан шуғулланишини яширмайдиган шахслар учраб туради, лекин муассасалар маъмурияти ва партия ташкилотлари бундай фактларга панжа орасидан қарайди. Бунда, бир томондан, ҳуқуқий хабарсизлик («агар ўзи учун бўлса, демак мумкин») намоён бўлади, бошқа томондан эса самогон пиширишга спиртли ичимликнинг нархи юқорилиги ҳамда унинг реализацияси чекланганлиги важ қилиб кўрсатилади.

Буларнинг ҳаммаси шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва кўргазмали агитация воситалари ёрдамида ҳуқуқий пропагандани кучайтиришни талаб этяпти. Шахсни тарбиялаш унда ҳуқуқий психологияни, ижтимоий ва шахсий манфаатларга тўғри баҳо беришни шакллантириш билан қўшган ҳолда кунт билан, яккама-якка олиб борилиши лозим.

Вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқ бузишларининг олдини олиш проблемаси ўткир бўлиб турибди. Ҳар бир микрорайонда бир нечтадан болалар майдончаси борлиги ҳисобига бу проблема қисман ҳал қилинмоқда. Лекин уларда асосан мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар шуғулланишади. Ўсмирлар ва йигитларни улар энди қизиқтирмай қўйган, қизиқишлар бўйича клублар эса деярли мавжуд эмас. Ўсмирлар кечки пайт уйларнинг подъездларида тўпланишади, биноларнинг ертўлаларида ўз «штаб»ларини ташкил этадилар, тенгдошларидан ёки катта ёшдаги вояга етмаганлардан ўзларига етакчи топадилар. Бунда илгари жиноятчи бўлган кишилар оз эмаслигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу сабабли ўсмирларнинг «штаб»ларида баъзан болаларни жиноят қилишга торта оладиган жиноий «романтика» ҳам муҳокама қилиняпти.

Кўпинча нотинч оилалардан чиққан, 14—15 ва ундан катта ёшдаги ўсмирлар «штаб»ларда етакчи бўлиб олишади, ўз атрофларига кичикроқ ёшдаги вояга етмаганларни тўплаб олиб, уларни ўзларига пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келишга мажбур қилишади, эвазига «ажойиб» кишилар билан таништиришади, биргаликда тадбирлар ўтказишни белгилашади, ўз ҳомийликларини ваъда қилишади ва ҳоказо. Албатта, «штаб»ларда юз бераётган ҳамма нарса ҳам жиноий эмас, лекин ўсмирларда аста-секин психологик айниш юз бериши кўзга ташланади. Уларнинг ҳаётий дастурларида ижтимоий ахлоқ нормаларига салбий ёки скептик муносабат устун бўла бошлайди, бу эса номатлуб оқибатларга олиб келиши мумкин.

«Қарам» шаҳарларда вояга етмаганлар
билан ишлашга доир бирорта ҳам ихти
сослаштирилган жамоат пункти мавжу
эмас. Ҳолбуки Тошкентда ана шундай таж
риба тўпланган ва ундан фойдаланиш мак
садга мувофиқдир. Албатта, биринчи нав
батда ўз ижобий тажрибаларига таяниш
зарур. Чунончи, бу ердаги маданият уйла
рида ёшларни музика санъати билан шу
ғулланишга жалб эта олган «Лаутара»
«Орзу», «Табассум» ва бошқа ансамбллар
ташкил топди. Улар ётоқхоналарда, рақс
майдончалари, хиёбон ва паркларда бера
диган концертлар кўплаб йигит ва қизлар
ни ўзига жалб этмоқда. Лекин, менинг на
заримда, бу нафақат менинг нуқтаи наза
рим, ёшларнинг ансамбллари пул учун иш
лашига йўл қўйиб бўлмайди. Манфаатпа
растлик ёшларнинг ансамблларини тубдан
ўзгартириб юборади, уларнинг составида
очиқдан-очиқ бойлик орттиришга интилувчи
кишилар пайдо бўлади. Ансамбллар баъзи
раҳбарларининг якка тартибдаги меҳнат
фаолияти тўғрисидаги Қонунни рўкач қи
лишлари асоссиздир.

Шундай қилиб, «қарам» шаҳарлардаги
аҳвол ана шу шаҳарлар жамоатчилиги
нинг, биринчи навбатда коммунистларнинг
ғоят эътибор билан муносабатда бўлишини
талаб этяпти. Ривожланаётган тенденция
ларни ҳисобга олган ҳолда улар ичидаги
салбий заряд элтувчиларнинг олдини олиб
ва, аксинча, ижобий ўзгаришлар учун қу
лай имкониятларни ярата бориб, улар ана
шу аҳоли пунктларидаги мураккаб социал-
психологик иқлимга жиддий таъсир кўрса
тишлари, уларнинг маънавий-ахлоқий қиё
фасини соғломлантиришга ёрдам беришла
ри мумкин.

Б. МИРЕНСКИЙ
юридик фанлар доктори

М. ҚЎШЖОНОВ

ЎТМИШ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Баъзан ўтмиш ҳақида ўйлаб қоласан киши. Улуғ Ватан уруши йилларидаги азобу уқубатлар. Ватан ва раҳбар номини айтиб жангга отилишлар... Урушдан кейинги тикланиш даврлари. Бу даврдаги энтузиазм, фидойилик. Яна ўша одам дилларга жо, тилларда достон. Мана бугунги шахсларга, ҳаётга, тарихга янгича қарашлар... Ёш ўтган сайин бу ўйлар кишига яна ҳам кучли таъсир этади.

Шахсга сиғиниш... Жамиятимиз ҳаётидаги бузилишлар (деформация), илгари тўғри бўлиб кўринган нарсаларнинг нотўғри бўлиб чиқиши, юксак идеалларнинг пуч бўлиб қолиши...

Кўриниб турибдики, гап Сталин шахсига сиғиниш ҳақида бораяпти. Фақат Сталинмикин? Сталин атрофидагилар, сталинчилик, бошқача қилиб айтганда, сталинчаларчи?

Хўжалик ишларида бу иллатлардан қутулиш бир оз осон бўлар, бироқ уларнинг маданиятимиз тараққиёти, хусусан бадиий ижод тараққиёти соҳасидаги зарарларидан қутулиб бўлармикин. Шу сабабдан ошкоралик, демократия бу соҳада зарурнинг зарури, муҳимнинг муҳимидир.

Ўзбек адабиётида бу социал бузилишлар 30-йиллардан бошланган. Истеъдодли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг «Сосо», «Башар куёши» сингари асарлари, Сталинга йўлланган кўпчилик бўлиб ёзилган хатлар фикримизнинг далилидир. Бу тенденция 40-йилларда Ғафур Ғулом ижоди билан янги босқичга чиқди. Унинг «Иосиф Сталин» номли одаси ўша даврнинг яхши асари ҳисобланди. Бошқа шоир ва ёзувчилар ҳам бу оқимдан четда туролмадилар. Уларда доҳий қудратли шахс, яккаю ёлғиз даҳо, замину замон қўриқчиси сифатида таърифланарди. Шоир ва ёзувчиларимиз сўзнинг энг гўзалини, ифоданинг энг маънодорини шу йўлда ишга солар эдилар. Баъзи проза асарларида Сталин номи эслатилмаса ҳам совет халқининг барча зафарлари шу одам номи билан боғлиқ эканини англаб олиш қийин эмас эди. Натижада реалликдан узоқ, ўжар табиат устидан ғалаба қозонадиган сунъий идеал ҳаёт манзаралари яратиладиган бўлди.

50-йилларда манзара бир оз ўзгарди. Қўли узун баъзи бир арбоблар ўз шон-шуҳратини яна ҳам орттириш мақсадида бадиий ижодга қўл уришди. Бунинг типик намунаси Ш. Рашидов бўлди. Шу сабабдан унинг адиб сифатида адабиётимизда тутган ўрнига батафсилроқ тўхтаб ўтишни лозим кўрдик. Ш. Рашидов катта лавозим эгаси, баъзи машқ тариқасидаги шеърлардан кейин 50-йилларнинг бошларида «Ғолиблар» повестини битди. «Ғолиблар»да ўша давр идеалига мос «муҳим» воқеа акс этарди. Оддий деҳқон қизи Ойқиз бир вақтлар кўмилиб кетган булоқ сувини очади. Қишлоқ аҳолисини сафарбар қилиб сув ҳавзасини яратади, бўз ерларни катта пахтазорга айлантиради. Адабий танқидчилик зудлик билан асар таҳлилига киришди. Ёзилганига бир йил бўлар-бўлмас Ҳ. Ёқубов қисса ҳақида катта мақола эълон қилиб Ш. Рашидовни «ўз ёзувчилик таланти ва маҳоратини кўрсата билган ёзувчи» сифатида таърифлади («Шарқ юлдузи»,1952, 2-сон). Бу Ш. Рашидовга ёзувчилик сари берилган биринчи йўлланма эди. «Ғолиблар» мавзу жиҳатдан Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романидан юқори эмас эди. Бироқ бадиий жиҳатдан бу икки роман анча фарқ қилар эди. Шунга қарамасдан

ҚЎШЖОНОВ Матёқуб, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

«Олтин водийдан шабадалар» ўша кезлари қаттиқ танқид қилинди, «Ғолиблар» кўкларга кўтариб мақталди.

Кўп ўтмасдан бошқа танқидчи ва адабиётшунослар, хусусан, Г. Владимиров «Ғолиблар» ҳақида бир қанча мақолалар бостирди. Уларда ҳам Ш. Рашидов асари асосан мавзу, ҳаёт материали нуқтаи назаридан мадҳ этилди.

Оқибат шу бўлдики, Ш. Рашидов 50-йилларнинг охирларига келиб иккинчи асари «Бўрондан кучли» романини эълон қилди. «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» туфайли Ш. Рашидов 1959 йили Москвада ўтказилган Ўзбекистон санъати ва адабиёти декадасининг асосий қаҳрамонига айланди. Декада қатнашчилари Ш. Рашидов шаънига хушомад сўзларини айтишга ҳаракат қилдилар. Бу ерда ҳам асосан мавзу, ҳаёт материали асос эди. Кейинроқ, Ҳ. Ёқубов, Г. Владимировдан ташқари, Б. Брайнина, И. Султонов, В. Абдуллаевлар мақолалар чоп эттирдилар. Бу мақолаларда ҳам Ш. Рашидов романлари асосан мавзу ва ҳаёт материали асосида мақталарди.

Академик В. Зоҳидов 1967 йилда Ш. Рашидовнинг 50 йиллиги муносабати билан «Нафосат ижодкори» номли китоб эълон қилиб, унда Ш. Рашидовнинг йирик маҳсулдор ва оташин адиб эканини баралла айтиб шундай деб ёзди: «Бу маҳсулнинг таҳлилини бир неча китобларгагина сиғдириш мумкин... Мен бу рисолада унинг баъзи асосий ҳамда принципиал, белгиловчи ва специфик томонлари, фазилатлари ҳақида дил сўзларимнигина айтмоқчиман» (В. Зоҳидов. Нафосат ижодкори. Тошкент, 1967, 4-бет).

Китобда Ш. Рашидов Алишер Навоий, Ҳамза, Абдулла Қодирийларнинг қонуний вориси сифатида таърифланади ва қуйидаги баҳо алоҳида таъкидланади: «Шароф Рашидов оқибатда ўзбек совет адабиётининггина эмас, балки кўп миллатли умумсовет адабиётининг энг кўзга кўринарли ва кўркам арбобларидан бирига айланади».

Г. Владимиров Ш. Рашидов ҳақидаги «тадқиқот»ларини давом эттириб «Ғолиблар» повести ҳақида бутун бир китобга арзигулик мақолаларини ўзбек ҳамда рус тилларида эълон қилиб борди. Г. Владимиров уларда Ш. Рашидовни эпопея яратувчи сифатида таърифлаб шундай баланд пардаларда сўзладики, уларни оддий ёзувчиларга эмас, Л. Толстой, М. Шолохов каби улуғ зотларга нисбатангина ишлатиш мумкин. Мунаққид бу билан ҳам кифояланмай, Рашидовнинг кейинги романларини ҳам шу услубда мадҳ этиб ўзбек ва рус тилларида қатор мақолалар чиқарди. Унга «Звезда Востока» журналининг бош редакторлиги жуда қўл келди.

Г. Владимиров бир мақоласида қаҳрамонлар ҳаётини чуқур ва лирик йўналишда акс эттиришда ва ҳаёт қонуниятларини, қаҳрамонларнинг ички дунёсини очиб беришда ўзбек совет ёзувчиларини санаб ўтар экан, уларни қуйидагича тартибда келтиради: Ш. Рашидов, Ҳ. Ғулом, А. Мухтор, И. Раҳим, П. Қодиров...

Гап бу ерда ёзувчиларни тўп-тўп қилиб баҳолашда эмас, гарчи бу йўл ҳам ғайриилмий ҳисобланса ҳам, балки гап кўпроқ ёзувчиларга даража белгилашда ва биринчи ўриннинг Рашидовга тегишли эканини айтишдадир. Г. Владимиров мақола ва китобларида бу хилдаги даража тақсимоти ҳар қадамда учрайди.

Турғунлик йиллари ўзбек совет адабиётининг оқсоқоли К. Яшин ҳам ёзувчилар ичида асосан Ш. Рашидовни тан оларди, уни тарғиб ва ташвиқ қиларди. 60-йилларнинг бошларида К. Яшин, Г. Владимиров сингари рўйхат бериб, унинг бошида Ш. Рашидовни тилга олади: Ш. Рашидов, А. Қаҳҳор, Уйғун, А. Мухтор, И. Раҳим... Мана унинг метин рўйхати (К. Яшин. Тўрт томлик, III том, 165-бет). Шу тартибни К. Яшин барча доклад ва мақолаларида сақлайди.

Бошқа ўринларда К. Яшин Ш. Рашидов ҳақидаги фикрларини катта умумлашмалар тарзида баён қилади, адиб асарларини дастлабки ажойиб намуна, ўзбек адабиёти тарихида новаторликнинг йирик ва типик намунаси деб кўрсатади.

«Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли» дилогияси адабиётдаги янги йўналиш ва ҳозирги замон роман шаклини излашда дастлабки ажойиб намуна бўлди» (К. Яшин, Эркин Носир. Давр даъвати, Тошкент, 1979, 14-бет). Ўша китобда К. Яшин Ш. Рашидов дилогиясини монументал прозанинг муҳим намунаси сифатида баҳолайди. «Олдин таъкидлаб ўтганимиздек, Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» деб аталган янги романининг нашр этилиши монументал прозамиз тарихида муҳим босқич бўлди».

«Дастлабки ажойиб намуна», «роман шаклининг янги кўриниши», «муҳ

босқич», «монументал асар» сингари иборалар ҳам етарли кўринмади. Ш. Рашидовнинг яна нималарда намуна-ю, нималарда биринчи эканини излайдиган бўлдик. Бу ўринда бошқа авторлар ҳам янги-янги «ихтиро»лар қилишди. Чунончи, Х. Абдусаматов ҳали сиёҳи қуриб, китоб шаклида тарқалиб улгурмаган, «Шарқ юлдузи» журналида эндигина эълон қилинган «Дил амри» қиссаси ҳақида газетанинг бутун бир бетини эгаллаган мақола эълон қилиб, қуйидаги фикрларни ёзди:

«Характерлиси шундаки, Ш. Рашидов ўзбек адиблари ичида биринчи бўлиб, катта жанрда, кенг кўламда рус мавзуини кўтариб чиқди, рус кишиларининг ранг-баранг образларини яратиб берди» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1982, 12 ноябрь).

Кўраяпсизки, Ш. Рашидов яна биринчиларнинг биринчиси.

Баҳо беришда Л. Қаюмов ўз устозларидан ҳам ўтиб кетди. У Ш. Рашидов прозасини оддий проза эмас, балки поэзия даражасида кўрди. У ёзди:

«Потому-то в многогранном творчестве Шарафа Рашидова поэзия жизни остается лейтмотивом, объединяющим все грани. Глубокое знание истории и современной жизни народа, сочетался с вдохновенным отношением к нему, породили целый ряд произведений, прозаических по форме, поэтических по сущности. Здесь мы имеем в виду еще одну грань творчества Шарафа Рашидова как писателя — публициста» (Л. Қаюмов, Современники, г. Ташкент, 1978 г. стр. 118). Бошқа бир жойда Л. Қаюмов Ш. Рашидовни адабиёт оламидаги ленинчи сифатида кўради.

«Глубоко партийное и многогранное творчество Шарафа Рашидова яркий пример вдохновенного служения бессмертному делу Ленина. Вполне закономерна в наше время его широкая популярность не только в Советском Союзе, но и за рубежом» (ўша китоб, 124-бет).

Кейинчалик Рашидов ижодига қизиқувчилар сафи янада кенгая борди. 1979 йили С. Мамажонов «Лирик олам, эпик кўлам» деган китоб эълон қилди, унинг «Халқ ва ижод» номли катта қисми Ш. Рашидовга бағишланди. У танқид ва адабиётшуносликда бор бўлган ижобий термин ва тушунчаларни сахийлик билан ишлатди. Мана, ўша баҳолар: «Бадиий сўз устаси», «у халқчиллиги, инқилобий руҳи, ижтимоий-сиёсий ўткирлиги ва реалистик кучи билан мафтун этди», «сиёсий сезгирлиги, воқеликнинг ички тараққиёт йўналишини теран тушуниши»ни кўрамиз... С. Мамажонов Ш. Рашидов қаҳрамонларини ватанпарварликда, сиёсий онгининг юксаклигида, матонатда Павел Власов, Павел Корчагинларга ўхшашлигини таъкидлайди. У ҳатто шундай деб юборади: «Ш. Рашидов ...инсонга Горькийча андоза билан, Горький мезони ва кўзи билан ёндашди».

Ш. Рашидовни ўтмиш ва замонавий классикларга қиёслаш одат тусига айланди. Бу ўринда фақат ўзбек классиклари эмас, шунингдек, кўп миллатли совет адабиётининг етук ижодкорлари жалб қилинди.

Г. Владимиров Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романидаги Пўлат ва Баҳор образларининг замонавийлиги ҳақида гапирар экан, буларнинг моҳиятини Ч. Айтматов қаҳрамонларида мавжуд бўлган нафис психологизм ва ички кечинмалар билан бараварлаштиради ва бу ҳақда узундан-узоқ фикр юритади. С. Мирвалиев эса бир қанча ўзбек романларини «ғоя ва мақсад» нуқтаи назаридан Ч. Айтматов, Н. Думбадзе асарлари билан «ҳамоҳангдир», деб баҳолайди. Буларнинг биринчиси сифатида «Ғолиблар» романини тилга олади (С. Мирвалиев. Наср ва давр қаҳрамони, 1983, 67-бет).

Бу ҳам кам кўринди. Улар XIX аср рус адабиёти ва ғарб адабиётидан намуналар изладилар. Эргаш Фозилов Ш. Рашидов ижоди ҳақида «Ҳаёт ҳақиқати ва сўз қудрати» номли мақола эълон қилиб («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1979 йил 1- ва 2- сонлар), янги бадиий воситалардан фойдаланишда Ш. Рашидовни Лев Толстойга, асарларига полифоник шакл беришда Ф. Достоевскийга қиёслайди. Тасвирда киноядан фойдаланишда уни Салтиков-Шчедриндан кам кўрмайди. Мана далил учун битта кўчирма: «Анна Каренина»да Левиннинг чуқур ўй-хаёллари моҳият эътибори билан кўпинча Лев Толстойнинг ички монологи ҳисобланганидек, «Ғолиблар»да Жўрабоев, Олимжон, Ойқизнинг энг муҳим сўзлари Ш. Рашидовнинг фикрига мос тушади».

Бу хилдаги қиёссиз қиёслар ҳатто энг катта анжуманларда, марказий матбуот саҳифаларида ҳам тортинмасдан айтиладиган бўлди. Г. Марков Бутуниттифоқ ёзувчиларининг VI съездидаги докладида Чингиз Айтматов асари таҳлилидан

кейин Ф. Абрамов, О. Гончар, Н. Думбадзе сингари кўпгина истеъдодли романнависларни тилга олди. Улар қаторида Ш. Рашидов ҳам «катта умумлашмага эришган, бадиий мукаммалликни эгаллаган» ёзувчи сифатида саналди («Шестой съезд писателей СССР», М., 1978, стр. 9). Бу фахрий рўйхатда Ш. Рашидовдан ташқари ўзбек ижодкорлари вакилларидан бирон романнавис — на О. Ёқубов, на А. Мухтор ва на П. Қодиров тилга олинади.

Қисқаси Ш. Рашидов Умумиттифоқ адабиётшунослиги объектига айланди. Бунга Г. Марковдан ташқари В. Кожевников, А. Сафронов, Н. Грибачевлар катта ҳисса қўшдилар. Москвадаги «Художественная литература» нашриётида Ш. Рашидовнинг беш томлик танланган асарларининг 150.000 нусхада босилгани «ҳурмат-эътибор»нинг чўққиси бўлди. Зеро бу ҳажмда ва тиражда бирорта ўзбек ёзувчисининг асарлари нашр қилинмаган. Бу нашрга ўша кезлари СССР Ёзувчилар союзининг секретари В. Озеров «Халқ ҳаётининг илҳомбахш қудрати» сарлавҳали сўзбоши ёзди. Мана ўша сўзбошининг илк жумласи:

«Шароф Рашидович Рашидовнинг ҳар бир сатри халқ ҳаётига туғма яқинликдан туғилган». Бу ерда Ш. Рашидовнинг илк шеърларидан энг охирги асарларигача реалистик бадииятнинг юксак намунаси сифатида баҳоланади.

Турғунлик йилларига келиб Ш. Рашидов ўзбек совет адабиётининг биринчи даражали ёзувчисига айлантирилди. У ўрта ва олий ўқув юртлари дарсликларига алоҳида сиймо сифатида киритилиб, ўрганиладиган бўлди. Академия тадқиқотларида унга фахрли ўрин ажратилди.

Ш. Рашидов шахсини улуғлашда бадиий ижод ҳам озмунча иш қилгани йўқ. Ёзувчи ва санъаткорлар йиллар давомида унинг образига мурожаат қилдилар. Машҳур рассомлар портретларини яратишга интиқ бўлдилар. Донгдор кинорежиссёрлар у ҳақда ҳужжатли фильмлар ишладилар. Шоирларимиз унга атаб шеърлар ёздилар. Баъзи романнависларимиз асарининг бир қисмини унга бағишлади. Айримлари эса прототип сифатида уни асар марказига олди. Ҳатто шундай бўлдики, истеъдодли ёзувчиларимиз ҳам замонавий мавзудаги асарларининг конфликтини Ш. Рашидов образи орқали ҳал қиладиган бўлдилар. Чунончи, Мирмуҳсиннинг «Илдизлар ва япроқлар» романидаги баъзи бобларнинг очиқдан-очик бош қаҳрамони — Ўзбекистон Компартияси МКнинг биринчи секретари. Унинг образи кўпчилик тасаввурида идеалга айланган эди.

И. Раҳим 80-йилларнинг бошлари — ўртамиёначилик энг авжига чиққан бир пайтда «Оқибат» романини ёзди. Роман республикамиздан Нокоратупроқ зонасига борган ўзбекистонлик меҳнаткашларнинг ҳаётига бағишланган. Бош қаҳрамон Розиқов образини яратишда автор Ш. Рашидов биографиясидан фойдалангани кўриниб турибди. Розиқов Ш. Рашидов сингари барча ишларнинг ташаббускори, бирор жиддий воқеа йўқки, у Розиқовнинг ихтиёрисиз рўй берса. И. Раҳим воқеалар тасвирида ҳам Ш. Рашидов таржимаи ҳолига асосланади (масалан, қабулхона, кабинет, деразадан пастда жимирлаб оқаётган анҳор, Юрий Гагарин ҳайкали, кўм-кўк дарахтлар кўринади).

И. Раҳим Розиқовнинг Новгород областидаги ноқоратупроқ зонага борганлиги, Улуғ Ватан уруши йиллари ўша ерларда жанг қилганини қайд этадики, улар Ш. Рашидовнинг «Дил амри» қиссасидаги жанг бўлган қишлоқлар манзарасининг ўзи. Ҳатто Розиқовнинг ярадор бўлган жойи ҳам Старая Русса атрофида эканлигини аниқ кўрсатади.

Бу ерда мен И. Раҳим Ш. Рашидовдан прототип сифатида фойдаланган демоқчи эмасман. Бироқ «Оқибат» романини яратишда у Ш. Рашидов ҳаётига тегишли баъзи бир деталь, эпизод ва хислатлардан фойдалангани аниқ. Яна бир гап «Оқибат» романи турғунлик даврига хос ўртамиёначиликнинг энг характерли намунасидир. Шунга қарамасдан, бу романи учун И. Раҳимга Ҳамза номидаги Давлат мукофоти берилди. У даврда Мукофот комитетининг аъзоси эдим, эсимда: комитет мажлисида бу романга қарши фикр айтмоқчи бўлганларнинг сўзлари инобатга олинмади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша пайтдаги махсус вакили келиб мажлисда қатнашди ва «Оқибат»га мукофот берилиши зарурлигини билдирди. Эндиликда мукофот асарнинг ўзига эмас, асар материалига тегишли экани маълум бўлди.

Адабиётимизда шахсга сиғиниш оқибатлари айни авжга чиққан, рашидовчилик чуқур илдиз отган бир пайтда мен ҳам бу ишга бош қўшдим. Шундай дав

келдики, адабиёт илми билан шуғуллана туриб бу ишдан тамоман четда туришнинг иложи бўлмай қолди. Бироқ бу ишни мен Ш. Рашидовнинг айрим асарларидан бадиий фазилатлар излаш йўсинида қилдим. 1973 йили прозанинг бир йиллиги хусусида доклад қилганимда Рашидовнинг «Ғолиблар» повестини романга айлантирганини маъқуллаб, муаллифнинг «асар устида узоқ ишлагани», «воқеалар чуқурлаштирилгани»ни таъкидладим.

Булар Рашидовга даража бериш эмас, балки зўрма-зўраки илмий изланишлар эди.

Ш. Рашидов ўлимидан кейин бу ишларимни йиғиб тўрт босма табоқ ҳажмидаги «Сверяя шаг с жизнью» тўпламига киритдим. 1984 йилнинг бошларида бу иш эълон қилинди. Тўпламнинг бу қисми ҳозир ҳам ўртамиёна асарнинг ўртамиёна таҳлили сифатида давр ёдгори бўлиб қолди.

Афсуски, адабиёт оламида рашидовчилик туғдирган ва вояга етказган кучларнинг илдизи ҳали тўла қирқилгани йўқ. Фақат қулай шароит керак, холос. Шундай воқеа хусусида ўйлаб кўринг:

1987 йил сентябрь ойининг охирги кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша вақтдаги биринчи секретари Усмонхўжаев ёзувчиларни йиғиб суҳбат ўтказади. У республикада олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб, Хоразмда бўлганини айтади ва у ерда ҳам гул ўсар экан маъносида Хоразмдан олиб келган гултожихўрозни кўрсатади. Бу воқеа И. Раҳимга илҳом бағишлайди. У Рамз Бобожон билан Хоразмга йўл олади. Икки ҳафта ўтар-ўтмас «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (1987 йил, 16 сентябрь) «Воҳада уч кун» сарлавҳали очерк пайдо бўлади, унда бахмалдек гултожихўроз экилган дала шийпони тасвирланади, Усмонхўжаевнинг шу муносабат билан айтган сўзлари эслатилади. Биринчи раҳбар шахсига сажда қилиш — унинг оғзидан чиққан зиғирдек гапга филдек маъно бағишлашга уриниш турғунлик давридан қолган асорат эмасми!

Кейинги пайтларда марказий матбуот саҳифаларида Ш. Рашидов асарларини ўзи ёзмагани ҳақида фикрлар айтилаяпти («Литературная газета», 1988 й. 19 июнь сонидаги Комил Икромов мақоласи ҳамда «Огонёк» журналининг 1988 йил 19-сонидаги Темур Пўлатов мақоласига қаралсин). Бу масалага аниқлик киритилса, албатта яхши бўлар эди. Бироқ бунинг учун текстологик ишларни олиб бориш керак бўлади. Шахсан мен Ш. Рашидов учун ким нима ёзиб берганини билмайман. Аммо, бир факт юзасидан фикр билдирмаслик ҳам инсофдан эмас.

1978 йили Л. Қаюмов «Современники» деган китоб эълон қилди. Китоб ўзбек ёзувчиларининг адабий портретлари йиғиндисидан иборат. Ундан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бағишланган портрет ҳам жой олган. 1979 йили Ҳамзанинг икки томлик асарлари нашр қилинди. Биринчи том Ш. Рашидовнинг «Пламенный певец революции» деган сўзбошиси билан очилади. Мазкур сўзбоши Л. Қаюмовнинг «Современники» тўпламига киритилган адабий портретнинг қисқартирилган вариантидир. Сўзбошидаги текстнинг аксарият қисмлари адабий портретдаги текстга айнан тўғри келади.

Мана биргина мисол.

«Характер дореволюционного творчества Хамзы определила историческая обстановка начала XX века. В дни первой русской революции 1905 года узбекские трудящиеся вместе с русскими рабочими принимают активное участие в забастовках и демонстрациях». (Л. Каюмов. «Современники», Т. 1978 г. стр. 8).

«Характер дореволюционного творчества Хамзы определила историческая обстановка начала XX века. В дни первой русской революции 1905 года узбекские трудящиеся вместе с русскими рабочими принимают активное участие в забастовках и демонстрациях» (Хамза. Избр. произв., 2-х томах, Т, 1979 г. 1 том, стр. 6).

Табиийки шундай савол туғилади: агар сўзбошини Ш. Рашидов ёзган бўлса, нега унинг тексти тўлалигича Л. Қаюмов ёзган портретга тўғри келади. Агар Л. Қаюмов ёзган бўлса, ўзи тузувчи ҳисобланган китобда сўзбоши нега Ш. Рашидов номига нисбат берилиши керак!

Турғунлик даврининг бош хусусиятларидан бири шунда эдики, бу даврда кўнчилик фикри билан ҳисоблашмасдан хаёлга келган ишга — ҳунарнинг энг нозиги ва нафиси — бадиий ижодга ҳам қўл ураверишимкони туғилди. Энг даҳшатлиси, бу ҳам оммавий тус олди. Катта кўламдаги битта Ш. Рашидов кичикроқ кўлам-

даги ўнлаб рашидовчиларни юзага чиқарди. Ҳар хил лавозимдаги кишилар — газета ва журнал редакторлари, нашриёт директорлари, бошқа жойдан иш тополмай нашриёт ва ёзувчилар союзлари, радио ёки телевидениега ишга кириб қолган журналистлар бора-бора бир думалаб ёзувчилик сафига ўтиб қолишди. Натижада катта ўртамиёначилар армияси пайдо бўлдики, бу армия ҳали ўз ўрнини бўшатганича йўқ.

Яна ҳам қизиқ бир жойи бор: уларнинг бирор асарини салгина танқид қилсангиз, балога қоласиз. Ҳар хил идоралар номидан танбеҳлар берилади, дўқ-пўписалар эшитасиз, «комиссиялар» тузилиб, шахсий ишингиз ўртага қўйилади. Мана биз қай даражага етдик. Ижод деб аталмиш муқаддас нарсани қай даражада оёқ ости қилдик, қадрсизлантирдик, обрўйини тўкдик. Мана буниси ҳаммасидан ҳам кўра ачинарлидир.

Қайта қуриш қийинчиликлар билан бўлса ҳам олға қараб бораётир. Ушбу гапларни ўртага ташлашнинг ўзи — улуғ ютуғимиз. Бир ёқлама ҳаракат вақти тугади. Бироқ ижодни қадрсизлантирганлар ҳамон сафда. Улар ҳали чекинганларича йўқ. Ўзбек адабиёти майдонида рашидовчилар ҳали ҳам қўлида қуроли билан от ўйнатиб юришибди. Уларнинг бири академик, яна бири халқ ёзувчиси. Уларни ўзларига лойиқ ўринларга қўйиш даврнинг биринчи галдаги вазифасидир. Иккинчи вазифамиз эса бугунги давр талабига мувофиқ ҳалол ижодкорларни тарбиялаш, уларга чинакамига халқ хизматида туришни таъмин қилиш ва уларнинг истеъдод кувватини тўла равишда янгиланиш томон буришдир. Фақат шу мақсаддагина ўтмиш иллатлари сабоқларига баъзан-баъзан назар ташлаб туриш фойдадан холи эмас.

СТАЛИН—БУХАРИН.

УЗИБ ҚУЙИЛГАН БАҲС

Елғон гапиришга ҳожат йўқ: миллионлаб совет кишилари ўн йилликлар давомида Сталиннинг «гипнози» остида бўлдилар. Бундай ҳол фақат ўз ҳаёти ёки яқин кишилар ҳаёти учун қўрқиш ҳисси туфайли юзага келмаган бўлса керак. Эҳтимол, унинг шахсида, иродасида, нутқларида унга — «буюк доҳий ва устоз»га ишонишга мажбур қиладиган, инонтира оладиган бир нарса бўлгандир. Ипидан игнасигача авра-астари ағдарилган ҳозирги вақтда ҳам унинг тарафдорлари кам эмаслиги, улар орасида унинг астойдил тарафдорлари ҳам борлиги бежиз эмас. Сталин образи бирданига шаклланганн йўқ, балки узоқ давом этган, қақшатқич, лекин муқаррар равишда «ўнглар», «сўллар», шунчаки «халқ душманлари» устидан зафар қозониши билан якунланган жангларда сайқалланди. У ленинизм ҳақида, ёркин келажак ҳақида мулоҳаза юритган ҳолда революцион жумлалардан нишабини ўзига тўғрилаб фойдаланишга устасифаранг эди, ҳолбуки, миллионлаб маҳкумлар учун ёркин келажакка борадиган йўл йўқ эди.

Уни жаллод сифатида қораладигу, узоқ вақт, афсуски, бевосита бўлмасада, билвосита унинг назариётчилик шуҳратини сақлаб келдик. Халқимизни тўғри йўлдан чалғитмоқчи бўлган турли оғишлар, гуруҳлар ва фракциялар ҳақида гўё унинг қўли билан битилган сатрлар узоқ муддат дарсликдан дарсликка кўчиб юрди. Унинг номи тилга олинмасди, лекин унинг яширин тарафдорлари аниқ билишарди: бу «унинг йўли» эди. Кутубхоналарнинг жавонларидан ўша китоблар аллақачон олиб ташланган бўлсада, унинг иши издошларининг қалблари ва асарларида ҳамон яшаб келмоқда.

Йўқ, жўн йўл билан — «асарлари»ни олиб ташлаб — сталинизмга барҳам бериб бўлмайди. Аксинча, уларни муҳайё қилиш ва, эҳтимол, ҳатто оммага етказиш керакдир. Бинобарин, хоҳлаган ҳар бир киши бу асарларни ўқисин ва: «халқлар отаси» ўзининг «халқ душманлари»га қарши «порлоқ» айбловларини тайёрлаш чоғида ана шу хулосалар пойдевор бўлган тезисларни фокусчидек эпчиллик билан қандай қилиб алмаштириб турганини кўра олсин.

Ҳозирги давримиз чўққисидан қаралганда кўп нарса кўринади, лекин ҳамма нарса ойдинлашган деб бўлмайди. Назаримизда, сталинча революцион ва философик топқирликни маълум бўлишича мамлакат ривожланишида альтернативали йўлни таклиф қилган кишининг фикрлари билан тўғридан-тўғри тўқнаштирсак, бундай топқирликнинг нималиги янада яққолроқ кўринади қолади. Биз эса ана ўша йўлдан бормаган эдик...

Албатта, И. В. Сталин МҚ Пленумида 1929 йил апрелида сўзлаган «ВКП(б)даги ўнг оғмачилик тўғрисида»ги нутқида ҳамда Н. И. Бухарин ўзининг анча олдинроқ ёзилган, афсуски, ҳозирча кам маълум бўлган «Пролетар диктатураси назарияси», «Иқтисодий сиёсатнинг янги йўли», «Социализмга йўл ва ишчи-деҳқон иттифоқи» ва бошқа асарларида ўз баҳсларини пировардигача олиб бормаган эдилар. Лекин унинг предмети тамомила равшан эди. Бу — мамлакат келажаги, сиз билан бизнинг ҳаётимиз эди.

Ана шу икки нуқтаи назарни қиёслаб ҳамда уларни ҳар томонлама шарҳлашдан воз кечиб, биз журналхон эътиборини фақат бир нарсага жалб қилишни истардик: биринчи баҳслашувчи мутаассибларча изчиллик билан ҳар қандай важдан фойдаланган ҳолда доимо синфий кураш кучайиши ҳақидаги масалага тез-тез қайтади. Иккинчи баҳслашувчи ҳатто синфий кураш ҳақида сўзлаганда ҳам «гражданча сулҳ»ни назарда тутади. Нима учун бир томонни тинглаганда биз бошқа томоннинг сўзларига қулоқ тутмадик? Бизнингча, бу масала конкрет шахслар, конкрет тақдирлар доирасидан анча четга чиқади...

Шундай қилиб, баҳс бошланиб кетди...

СТАЛИН: — Баъзи ўртоқлар партиямиздаги келишмовчиликлар тасодифий характерга эга деб ўйлайдилар. Бу нотўғри, ўртоқлар. Бу тамомила нотўғри. Партиямиздаги келишмовчиликлар кейинги вақтда юз бераётган ва ривожланишда бурилиш ясайдиган ўша синфий силжишлар заминида, синфий курашнинг ўша кескинлашиши заминида пайдо бўлди. Ўртоқ Бухарин группасининг асосий хатоси шундан иборатки, у ана шу силжишларни ва ушбу бурилишни кўрмайди, кўрмайди ва пайқашни ҳам истамайди...*

Ўртоқ Бухарининг группаси бирикувнинг янги формалари зарурлигини оғизда эътироф этишга мажбур бўлди. Лекин бу — қандайдир тўғридан-тўғри **қарама-қарши** бўлган нарсани ўтказиш учун... кўзланган **оғиздаги** эътирофдир, холос. Аслида ўртоқ Бухарин бирикувнинг янги формаларига қарши бўлмоқда. Ўртоқ Бухарин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини реконструкциялаш воситаси сифатида индустрияни жадал суръат билан ривожлантиришни эмас, балки якка деҳқон хўжалигини ривожлантиришни бошланғич пункт деб ҳисоблайди. Унинг учун биринчи ўринда бозорни «нормаллаштириш» ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида нарх-навонинг эркин ўйинига йўл бериш, аслини олганда, савдонинг тўла эркинлигига йўл бериш туради. Унинг колхозларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ана шундан келиб чиққан...

БУХАРИН: — ... Колхозлар **камбағаллар** хўжаликларини уюштиришнинг табиий формасидир. Лекин шуни айтиш зарурки, бундай хўжалик турига бевосита ўтиш ота-боболардан мерос қолган эски одатларни бағоят кенг миқёсда бартараф этишни талаб қиладики, шу сабабдан колхоз ҳаракати ўзига камбағал деҳқонларнинг **бутун** кенг оммасини қамраб олади деб ўйлаш эҳтимол мумкин бўлмаса керак. Оёққа тураётган ва борган сари кўпроқ даражада мустаҳкамланаётган ўрта деҳқон хўжаликлари, албатта, биз юқорида тилга олган учала асосий йўлнинг ҳаммаси бўйича: харид қилиш бўйича ҳам, сотиш бўйича ҳам, кредит йўли билан ҳам қишлоқ хўжалик кооперациясига, албатта, уюша бошлайдилар. Биринчи навбатда **ўрта деҳқон** деҳқонларнинг **асосий** оммаси, асосий ўзагидир. Шу сабабли кооперациянинг **асосий** формаси айни шунга мувофиқ тегишли кўринишдаги **қишлоқ хўжалик кооперацияси** бўлади. Бадавлат ва йирик деҳқонлар тенг равишда ўз кооператив ташкилотларини, шу жумладан, кредит берувчи кооперативларини ташкил этишга интиладилар ва ана шу ташкилотларни ўзларининг таянч пунктларига айлантиришга ҳаракат қиладилар. Қишлоқдаги синфий кураш фақат жуда кўп вақт ўтгачгина барҳам топа бошлаши туфайли жуда яқин келажакда биз деҳқонларнинг **табақаланиши** жараёнига, яъни, бир томондан, унинг бадавлат юқори табақалари, бошқа томондан эса — қишлоқ хўжалик пролетарлари ва ярим пролетарлари ажралиб чиқишига дуч келамизки, умумий кооператив ташкилотининг турли ячейкалари **ўртасида** ҳам, айни ўша кооперативларнинг **ичида** ҳам синфий кураш бориши тамомила равшандир: правлениени сайлаш, мансабдор шахслар сайлови, пайлар ва уларнинг миқдори, кооператив ташкилотлар устави, правление юритиши лозим бўлган сиёсат тўғрисидаги ва ҳоказо ҳамда шу сингари масалалар; ана шу алоҳида масалаларнинг ҳаммаси устида деҳқонларнинг турли қатламлари ўртасида ҳақиқий (албатта, «тинч йўл билан») жанглар кучайиб боради...

Зеро, деҳқонларнинг табақаланиш жараёнига қарамай унинг **асосий** ўзаги, яъни **айни ўрта деҳқон** сақланиб қолаверишини назарда тутиш керак, уни ўртоқ Ленин «деҳқончилигимизнинг марказий сиймоси» деб атаган эди.

СТАЛИН: — Менинг ўйлашимча, ўртоқ Бухарининг мамлакатимиздаги синфий кураш ҳақидаги масалага нотўғри, номарксистларча ёндашуви ана шу сўқирлик ва довдирашнинг назарий асоси бўлиб қолмоқда. Мен ўртоқ Бухарининг кулоқларнинг социализмга ўсиб ўтиши ҳақидаги номарксистик назариясини, пролетариат диктатураси вазиятида синфий кураш механикасини тушунмаслигини назарда тутяпман.

БУХАРИН: — Илгари биз бадавлат деҳқонлардан, кулоқлардан у ёки бу формада тортиб олиб, тортиб олинган нарсаларни камбағалларга берардик, яъни бадавлатларни анча камбағаллаштирардик, шу йўл билан, масалан, камбағаллар комитетлари бўлган даврда муайян бараварлаштиришга эришган эдик. Энди эса бошқача бўлади, яъни: ўрта ва камбағал деҳқонлар ишчилар синфининг давлат ҳокимияти томонидан алоҳида ҳомийлик, алоҳида имтиёзлар, алоҳида моддий ва бошқа ҳар қандай мадад кўрсатилишидан фойдаланувчи ўз кооператив ташкилотлари ёрдамида қашшоқликдан борган сари тезроқ чиқа бошлайдилар.

Умуман бутун халқ хўжалигимиз олға қараб қанча кўпроқ ҳаракат қилса ва давлат саноатимиз қанчалик жадалроқ ўсиб борса деҳқонларнинг ана шу қатламлари мада-

---

* Бу ўринда ва давомида И. Сталиннинг «Ленинизм масалалари» китобидан (Тўлдирилган тўққизинчи нашри. Партия нашриёти, Москва, 1933 йил) ва Н. Бухарининг «Н. И. Бухарин Танланган асарлар» (Москва, Политиздат, 1988 йил) тўпламида эълон қилинган мақолаларидан цитаталар келтирилади.

ди шунчалик қудратлироқ бўлади, улар ўз турмуш даражаси билан қишлоқдаги бадавлат юқори табақани қувиб ета бошлайди, лекин улар ҳам шу вақтнинг ўзида эксплуатация ҳисобига, бошқалар меҳнати ҳисобига эмас, балки **ўз хўжалигини юритишнинг яхшиланган усуллари ва қатор деҳқон хонадонларининг куч-ҳаракатини кооператив ташкилот орқали бирлаштириш** туфайли ўсиб борадилар, бинобарин, борган сари кўпроқ даражада хўжалик юритишнинг коллектив формасига ўта бошлайдилар. Шундай қилиб, деҳқонлар кооператив ташкилотларимизнинг асосий тармоғи кулоқлар типидаги эмас, балки **«меҳнат»** типидаги кооператив ячейкалардан, умумдавлат органларимиз системасига кирувчи ва шу йўл билан **ягона социалистик хўжалик занжирининг ҳалқаларига** айланадиган ячейкалардан иборат бўлади. Бошқа томондан, кулоқларнинг кооператив уялари айни шу йўл билан, банклар ва ҳоказолар орқали ана шу системага кира бошлайди; лекин улар маълум даражада, мисол учун, концессия корхоналари сингари ёт тана бўлиб турадилар...

Кулоқлар ва кулоқ ташкилотлари барибир ҳеч нарса қила олмайди, чунки мамлакатимизда ривожланишнинг умумий доираларини **пролетар диктатураси тузуми ва ушбу диктатура хўжалик ташкилотларининг ҳозирдаёқ анчагина ўсган қудрати олдиндан белгилаб қўйган.** Агар кулоқ хоҳласа-хоҳламаса банкларимизга пул қўйса, у истаса-истамаса хўжалик органларимиз билан муносабатларнинг бутун бир сираси орқали боғланса, у муқаррар равишда муайян чегаралар ичига киритиб қўйилади.

СТАЛИН: — **Синфларни пролетариатнинг қақшатқич синфий кураши йўли билан йўқ қилиш** — Лениннинг формуласи ана шундай.

Синфларни **синфий курашни сўндириш ва капиталистларни социализмга киритиш йўли билан йўқ қилиш** — ўртоқ Бухариннинг формуласи ана шундай.

Ана шу икки формула ўртасида қандай умумийлик бўлиши мумкин? Равшанки, улар ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

БУХАРИН: — Биз жуда яхши биламизки, синфий кураш бирданига тўхтамайди ва йўқолиб кетмайди, умуман синфларга бўлиниш абадий йўқолмагунча у жуда ва жуда узоқ вақт давом этади. Лекин биз ҳозир синфий курашнинг бош **йўли** хусусидаги масала ва ана шу курашнинг **формалари** хусусидаги масала қанчалик муқаррар тарзда ўзгараётганини кўриб турибмиз. Пролетариатнинг вазифаси ана шу жамиятни вайрон этишдан иборат бўлган капиталистик жамиятда синфий кураш ўзининг энг шиддатли формасига, яъни меҳнаткаш омманинг ҳукмрон капиталистик тартибга қарши **гражданлар уруши** ва қуролли кураши формаларига кирмагунча синфий курашни ҳар томонлама **кескинлаштириш ва алангалантириш** доимий вазифа ҳисобланади...

Ишчилар синфи деҳқонларнинг кенг қатламларига таянган ҳолда ҳокимиятни ўз қўлига олгач аҳвол тамомила ўзгаради... Ишчилар синфининг партияси бундай шароитда **гражданча сулҳ партияси** бўлиб қолади, чунки аввалги ҳукмрон синфлар, табақалар, группалардан **ишчилар синфига итоат этишни** талаб қилади; партия улардан гражданча сулҳни талаб этади ва ишчилар синфи энди ана шу гражданча сулҳни **бузувчиларнинг барчасини,** фитначилар, саботажчиларнинг ҳаммасини — хуллас, **янги жамиятни тинч йўл билан қуриш ишига халақит берадиган** барчани **жазолайди** ва таъқиб қилади...

Бу нарса синфий кураш тўхтайди деган маънони англатадими? Йўқ, ҳеч қачон. Лекин бу кураш ўз формасини жиддий ўзгартирди. Ишчилар синфи уни олиб боришни давом эттиради: ишчиларга ишни гарантиялайдиган, касаба союзлар учун маълум ҳуқуқларни таъминлайдиган, хусусий корхона эгасини страхование бадалларини тўлашга мажбур этадиган, ушбу корчалонлар доирасини ҳокимият сиёсий органларига сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этувчи ва ҳоказоларни кўзда тутган қонунчилигимиз **синфий курашнинг** янги формасидир. Тегишли тарзда кипиталистик корхоналарнинг даромадлари ва фойдаларига солинадиган солиқ солиш системаси, буржуазияга бирор мамлакатда учрамайдиган тарзда бундай солиқ солиш **синфий курашнинг** ана шундай янги формасидир. Давлат саноати, давлат савдоси, кооперация томонидан бўладиган рақобат синфий курашнинг ҳар ҳолда янги формасидир. Давлатимиз кооператив корхоналарга алоҳида имтиёз ва енгилликлар бериши, бу давлатнинг кооператив ташкилотларни алоҳида молиявий таъминлаши, яъни пул маблағлари билан қўллаб-қувватлаши, қонун йўли билан уларга катта ҳуқуқлар бериши — буларнинг ҳаммаси **синфий курашнинг** янги формасидир. Агар бозордаги рақобат жараёнида давлат саноати, савдоси, кооперация аста-секин хусусий корхона эгасини сиқиб чиқарса — ана шу нарса синфий курашдаги ғалаба бўлади, лекин у кучларни механик тарзда тўқнаштириш, қуролли муҳораба ёрдамида эмас, балки илгари бўлмаган тамомила янги қобиқда қўлга киритилган ғалаба бўлади...

СТАЛИН: — Ўртоқ Бухариннинг унинг биринчи хатосидан келиб чиқадиган иккинчи хатоси синфий курашнинг кескинлашуви, капиталистик элементларнинг Совет ҳокимиятининг социалистик сиёсатига қаршилик кўрсатиши кучайиб бориши хусусидаги масалага нотўғри, номарксистик ёндашувидан иборат... Сўз шу хусусда бормоқдаки, социализм капиталистик элементларга муваффақият билан ҳужум қилмоқда, социализм капиталистик

элементлардан **жадалроқ** ўсмоқда, бунинг натижасида капиталистик элементларнинг салмоғи **пасаймоқда,** айни капиталистик элементларнинг **салмоғи** пасайганлиги учун капиталистик элементлар ўлим хавфини ҳис этмоқдалар ва ўз қаршиликларини кучайтирмоқдалар.

БУХАРИН: — Қишлоқда ҳам синфий кураш формаси айни шу сингари **ўзгармоқда.** Тўғри, қишлоқда синфий кураш гоҳ у, гоҳ бу ерда ўзининг аввалги кўринишларида кўтарилмоқда, бундай кескинликни одатда қулоқ унсурлар пайдо қилмоқда. Масалан, қулоқлар... қишлоқ мухбирларига ўқ ота бошласа, бу — синфий курашнинг энг ўткир формада намоён бўлишидир. Лекин бундай ҳоллар одатда совет аппарати заиф бўлган жойларда юз беради. Ана шу аппарат яхшиланиб, Совет ҳокимиятининг барча қуйи ячейкалари мустаҳкамланиб, қишлоқдаги маҳаллий партия ва комсомол ташкилотлари яхшиланиб ва кучайтирилиб борган сайин бундай кўринишдаги ҳодисалар, тамомила равшанки, борган сари сийраклашиб боради ва охир-оқибатда изсиз йўқолиб кетади.

СТАЛИН: — Шундай қилиб, синфий курашнинг кескинлашуви аппарат характерига хос сабаблар, қуйи ташкилотларимизнинг яроқли ёки яроқсизлиги, заифлиги ёки кучлилиги билан изоҳланар эканда... Шахтинск районида ялпи зараркунандалик пайдо бўлгунига қадар аппаратимиз яхши бўлган, сўнг эса, ялпи зараркунандалик пайдо бўлган пайтда аппарат негадир ҳеч нимага яроқсиз бўлиб қолган... Бу тушунтириш эмас, балки тушунтириш устидан мазаҳдир. Бу илм эмас, балки азайимхонликдир.

Гап шундаки, биз Лениннинг «ким-кимни» формуласи асосида яшаяпмиз: биз уларнинг капиталистларнинг иккала курагини ерга тегизиб, Ленин айтганидек, уларга қарши сўнгги ҳал қилувчи жанг қиламиз ёки улар бизни енгадилар...

БУХАРИН: — ... Совет тузумининг мустаҳкамлиги ўсиб борган сари **оғирлик маркази борган сари эксплуататорларни ва ишчилар синфига душман ижтимоий группалар қолдиқларини бевосита ва механик тарзда бостиришдан жамиятни хўжалик жиҳатидан тубдан ўзгартириш, тинч ташкилотчилик ишига,** хусусий корхоналар билан хўжалик курашига, социалистик хўжалик формаларини (давлат корхоналари, кооперациялар ва ҳоказо) бунёд этиш ишига **ўтказила боради...**

Пролетар диктатурасининг **унинг режимига қаршилик кўрсатувчи буржуазия қатламларига** нисбатан бўлган роли ана шу қатламларни **бостиришдан** иборатдир. Агар, масалан, чет элдан бизга Россия контрреволюциясининг агентлари ўз олдига Совет ҳокимиятига қарши курашиш ва уни ағдариш мақсадини қўйган яширин ташкилот ва тўгаракларни тузиш мақсадида келсалар, бундай буржуа-помешчик қатламларга нисбатан пролетар диктатураси қирон келтирувчи қилич бўлади... Ленин иборасига кўра, **ишчилар синфи ва деҳқонлар билан «ҳамкорлик қилишга қўйиб берилган»** буржуа қатламларига нисбатан пролетар ҳокимиятимиз тамомила бошқача йўл тутади, пролетар диктатурасининг роли бутунлай ўзгача бўлади... Агар биз энди ўзимиздан пролетар диктатурасининг янги буржуазияга нисбатан асосий вазифаси нимадан иборат деб сўрайдиган бўлсак, бу саволга мухтасар жавоб бундай шаклда ифодаланиши мумкин: бу вазифа **фойдаланиш ва сиқиб чиқариш** вазифасидир...

СТАЛИН: — Бухариннинг капиталистларнинг социализмга ўсиб ўтиши назариясининг ҳамда синфий кураш кескинлашиши хусусидаги масалани бухаринча тушунишнинг зарари нимадан иборат?

Бу зарар шундан иборатки, у ишчилар синфини ғафлатда қолдиради, мамлакатимиз революцион кучларининг сафарбарликка тайёрлигини кўпоради, ишчилар синфини пароканда қилади ва капиталистик элементларнинг совет ҳокимиятига қарши ҳужумини енгиллаштиради.

БУХАРИН: — Ишнинг аслида қандайлигини тамомила равшан ва очиқ-ойдин тасаввур қила олишимиз учун икки нарса ўртасидаги: **бир томондан, жамиятдаги ҳамкорлик билан,** иккинчи томондан — **ҳокимиятдаги ҳамкорлик, яъни** ушбу ҳокимиятнинг синфлар ўртасида **тақсимланиши** ўртасидаги фарқни қатъиян белгилаб олиш зарур. **Ҳамкорлик ва ҳатто иттифоқ,** мустаҳкам ва бузилмас иттифоқ ҳали ҳокимиятни **тақсимлаш** дегани эмас. Деҳқонлар билан ишчилар синфида жамиятда тўла ҳамкорлик бор, иттифоқ муносабати бор... Лекин бу нарса ҳали бизда **ҳокимиятни тақсимлаш** бор, бизда ишчилар синфи диктатураси эмас, балки икки синф, яъни ишчилар синфи билан деҳқонларнинг диктатураси бор деган маънони билдирмайди...

Тинчлик даврига ўтилиши, мамлакатимизнинг бутун линия бўйлаб **хўжалик юксалишига** ўтиши муносабати билан **Совет ҳокимиятининг формаси ҳарбий коммунизм даври қолдиқларини тугатиш ва бартараф этиш маъносида** тамомила табиий тарзда янгидан **ўзгариши** лозим.

Революцион қонунийлик ҳатто революцион кўринишда бўлса ҳам, маъмурий ўзбошимчаликнинг барча қолдиқларини йўқотиши керак. Хўжалик фаолияти биринчи ўринда турган тинч қурилиш даврида иқтисодий ҳаёт боришига ҳар қандай системасиз, ўзбошимчалик билан, тасодифий, олдиндан ўйланмай аралашиш ана шу хўжалик ҳаётида ғоят қайғули акс этиши мумкин...

Ниҳоят, ҳозирги даврда совет органларимизнинг энг актив кишилар ўзаги

учун, яъни партиямиз аъзолари, ана шу совет органлари раҳбарлари учун **буйруқ ва фармойишлар методига барҳам бериш ҳамда ишонтириш методларига қатъиян, тўла ва сўзсиз ўтиш** зарур талаб ҳисобланади.

СТАЛИН: — Бу ерда ўртоқ Бухариннинг хатоси шундан иборатки, у янги иқтисодий сиёсатнинг икки томонламалигини кўрмайди, у НЭПнинг фақат бир томонини кўради. Биз 1921 йилда НЭПни жорий қилган пайтда унинг тиғини ҳарбий коммунизмга қарши, **ҳар қандай** савдо эркинлигини истисно этадиган режим ва тартибга қарши қаратган эдик. Биз, НЭП **маълум** савдо эркинлигини англатади деб ҳисоблаган эдик ва шундай деб ҳисоблаймиз. Ишнинг бу томонини ўртоқ Бухарин эслаб қолган. Бу эса жуда яхши. Лекин ўртоқ Бухарин ишнинг бу томони НЭПни тугаллайди деб ўйласа янглишади. Ўртоқ Бухарин НЭП яна бошқа томонга ҳам эгалигини унутиб қўймоқда. Гап шундаки, НЭП умуман олганда савдонинг тўла равишда **эркин** бўлишини, бозорда нархларнинг **эркин** ҳосил бўлишини англатмайди. НЭП **давлатнинг тартибга солувчилик ролини ҳамда унинг бозордаги ролини таъминлаган ҳолда** муайян чегарадаги, муайян доирадаги савдо эркинлигидир.

БУХАРИН: — Биз эндиликда социализмга борадиган йўлни равшан кўриб турибмиз, у биз илгари қидирган йўл эмас, тўғрироғи, деярли бутунлай бошқача йўл экан. Биз бир зарб билан бозор муносабатларини йўқ қила оламиз деб ўйлаган эдик. Маълум бўлишича, социализмга **айни** бозор муносабатлари **орқали** борар эканмиз. Айтиш мумкинки, ана шу бозор муносабатлари **ўз-ўзининг ривожланиши натижасида** барҳам топади. Қандай қилиб?..

Ҳақиқатан ҳам бизда турли хўжалик формалари, турли кўринишдаги хўжалик «корхоналари» мавжуд; бизда **давлат** корхоналари бор, бизда **кооператив** корхоналар бор, ва ниҳоят, бизда **хусусий капиталистик** корхоналар мавжуд ва ҳоказо. **Энг йирик ишлаб чиқариш пролетар давлати қўлидадир.** Хусусий капиталистик хўжалик қўлида анча майда корхоналар бор... Ана шу турли шаклдаги корхоналар ўртасида хўжалик кураши бормоқда, бу курашда сўнгги сўз харидорга тегишли бўлади. Харидор эса мол яхшироқ ва арзонроқ бўлган жойда харид қилади... Давлат корхоналари ва кооперация ўз рақибини, яъни хусусий капитални **бозордаги кураш, бозор муносабатлари, рақобат йўли билан** сиқиб чиқаради. Охир-оқибатда бозор муносабатларининг ривожланиши ўз-ўзини йўқ қилади, чунки олди-сотди, пул, кредит, биржа ва ҳоказо шу сингари омиллари билан биргаликдаги ана шу бозор муносабатлари заминида давлат саноати ва кооперация қолган барча хўжалик формаларидан устун келиши ва уларни бозор воситасида охиригача сиқиб чиқариши туфайли бозорнинг ўзи ҳам эртами-кеч барҳам топади, чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотларни давлат-кооператив йўл билан тақсимлаш ҳамма нарсанинг ўрнини эгаллайди.

СТАЛИН: — Ўнгдан бўлаётган хавф, давлатнинг бозордаги ролини йўқ қилмоқчи бўлаётган, бозорни «озодликка чиқариш» ва шу билан тўла савдо эркинлиги даврини очиб беришни хоҳлайдиган кишилар томонидан келаётган хавф янада реал ҳол бўлиб турибди... Майда буржуа стихияси айни шу йўналишда — НЭПни ўнгдан туриб барбод қилиш йўналишида ҳаракат қилаётганини унутмаслик керак... Ўртоқ Бухарин НЭПни барбод қилувчи ана шу иккинчи, ҳақиқатан реал бўлган хавфни кўрмаётганлиги факти — ана шу факт шак-шубҳасиз унинг майда буржуа стихиясининг таъсирига берилганидан дарак бермоқда.

БУХАРИН: — Шундай қилиб, социализм сари ривожланишимиз хусусидаги тасаввуримиз анчагина даражада ўзгарди; лекин бу ўзгаришлар пролетар сиёсатидан зиғирдек ҳам чекинишни ифодаламайди; аксинча, улар жуда катта революцион тажрибани ҳисобга олишни ифодалайди. Биз илк маротаба янги иқтисодий сиёсатда майда ишлаб чиқарувчининг хусусий манфаатлари билан социалистик қурилишнинг умумий иши ўртасида тўғри уйғунликни топдик. **Янги иқтисодий сиёсат пролетар йўлига хиёнат қилиш эмас, балки ягона тўғри пролетар сиёсатидир.** Энди бу нарса ғоят очиқ-ойдин бўлиб қолди.

СТАЛИН: — Маълумки, ўртоқ Бухарин фавқулодда чоралардан шайтон дуодан қандай қочса, ана шундай қочади. Маълумки, ўртоқ Бухарин ҳозирги шарт-шароитда қулоқ етарли миқдордаги ғаллани ихтиёрий, ўз хоҳиши билан топширмаслигини ҳали ҳам тушуниб етолмаяпти.

БУХАРИН: — Деҳқонларнинг харид қилишга кучи етадиган ҳолати аввало деҳқон хўжалигининг аҳволи, унинг мавқеи, ана шу хўжалик ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши билан белгиланади. Бу қодирлик **ишлаб чиқарувчилик** қодирлиги қандай ривожланишига қараб, яъни деҳқонлар ўз хўжаликларини қандай яхшилаб боришлари, борган сари кўпроқ миқдорда энг яхши иш қуролларини ишлата бошлаган, хўжалик техникасини, ишлов бериш методларини ва ҳоказоларни ошира борган ҳолда уларни олға ҳаракатлантириш қандай бўлса ана шундай даражада ривожланиб боради. Бундан барча нарса еб битириб ва беҳуда сарфланиб кетмаслиги учун, балки маблағларнинг бир қисми қишлоқ хўжалик

қуролларини ва ҳоказоларни харид қилишга кетиши учун деҳқон хўжалигида **жамғариш** зарурлиги келиб чиқиши тамомила равшандир.

Бизда ҳалигача ҳарбий-коммунистик муносабатларнинг маълум қолдиқлари сақланиб қолмоқдаки, улар бундан буёнги ўсишимизга халақит бермоқда. Деҳқонларнинг бадавлат юқори табақаси ҳамда ўзи ҳам бадавлат бўлишга интилаётган ўрта деҳқон **ҳозир жамғаришдан қўрқаётганлиги** факти шу нарса билан боғлиқдир. Шундай аҳвол юзага келтириляптики, унда деҳқон томга тунука ёпишдан қўрқади, чунки уни қулоқ деб эълон қилишларидан хавфсирайди; агар у машина сотиб оладиган бўлса, коммунистлар буни кўрмаслиги учун ҳаракат қилади. Олий техника конспиратив тус олмоқда. Шундай қилиб, бадавлат деҳқон биз унинг жамғаришига, хизматкор ёллашига халақит бераётганимиздан норози; бошқа томондан эса, аҳоли зичлашиб кетганидан азоб чекаётган қишлоқ камбағаллари, ўз навбатида, унинг ана шу ғоят бақувват деҳқонга ёлланиб ишлашига халақит бераётганимиз учун баъзан бизга қарата пўнғиллаб қўяди...

Бизда шаҳарда НЭП бор, бизда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муносабатларда НЭП бор, лекин бизда қишлоқнинг ўзида ва кустарь саноат соҳасида НЭП деярли мавжуд эмас.

Бу ерда ҳануз **хўжалик** кураши ўрнига маъмурий тазйиқ кўрсатиш методи анчагина даражада гуллаб-яшнаяпти. Олға борганимиз сайин биз иқтисодий курашда маъмурий тазйиқ исканжаси ўрнига ўсиб бораётган хўжалик қудратимиздан кўпроқ фойдалана борамиз. Хусусий савдогар ҳузурига бориш ва суд йўли билан унинг дўконини ёпиб қўйиш бошқаю, уни хўжалик курашида сиқиб чиқаришингиз бошқа.

СТАЛИН: — Хўш, барибир товар-ғалла етмай қолса нима қилиш керак? Бухарин бунга ана шундай жавоб беради: қулоқни фавқулодда чоралар билан безовта қилманг, ғаллани чет элдан ташиб келтиринг... Агар валюта индустрияга ускуналар келтириш учун зарур бўлсачи? Бухарин бунга шундай жавоб беради: ғаллани чет элдан ташиб келтиришни афзалроқ деб билиш керак, эҳтимол саноат учун ускуналар ташиб келтиришни орқа планга суриб қўйиш лозимдир...

Ўртоқ Бухариннинг плани индустриялаш суръатини **пасайтириш** ва бирикишнинг янги формаларини **қўпориш** планидир...

БУХАРИН: — Мунтазам суратда ривожланиб бораётган **мамлакатни индустриялаш** ҳақида ғамхўрлик қилиш барча планли ҳисоб-китобларимизнинг, барча хўжалик сиёсатимизнинг мағзи бўлиши керак, партия бизни ана шу йўлдан чалғитмоқчи бўлган ҳар қандай кимсага қарши курашаверади. Ҳамма нуқтаи назардан олганда (ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, социализм салмоғининг ўсиши, мамлакат ичидаги бирикишнинг мустаҳкамланиши, халқаро иқтисодий вазннинг, мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланиши, ялпи истеъмолнинг ўсиши ва ҳоказо) СССРни индустриялаш биз учун **қонундир.** Бунда бизнинг социалистик индустриялашимиз **пролетариат** томонидан, **социализм** мақсадида амалга оширилаётгани билан, у деҳқон хўжалигига бошқача, ўзгача таъсир кўрсатиши билан, у умуман қишлоқ хўжалигига **бошқача, «ўзгача** муносабатда бўлиши» билан капиталистик индустриялашдан фарқланиши кераклигини доимо назарда тутишимиз керак... Социалистик индустриялаш қишлоққа нисбатан текинхўр жараён эмас, балки уни ғоят буюк **ўзгартириш** ва **юксалтириш** воситасидир. Мамлакатни индустриялаш шу сабабли қишлоқ хўжалигини ҳам индустриялашни билдиради ва бу билан у шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршиликнинг йўқ қилинишини **тайёрлайди...**

...XV съезднинг директивасини эсда тутиш зарур: **«Маблағларни деҳқон хўжалиги соҳасидан индустрия соҳасига максимал даражада ўтказиш талабидан келиб чиқиш нотўғридир, чунки бу талаб нафақат деҳқонлар билан сиёсий узилишни, балки индустриянинг ўз хом ашё базасини қўпоришни, унинг ички бозорини қўпоришни, экспортни қўпориш ва бутун халқ хўжалик системаси мувозанатини бузишни англатарди. Бошқа томондан эса, қишлоқ маблағларини индустрия қурилишига жалб этишдан воз кечиш нотўғри бўлар эди; ҳозирги вақтда бу нарса мамлакатни индустриялашга зарар келтирган ҳолда ривожланиш суръатини сусайтириш ва мувозанатни бузишни англатган бўларди».**

СТАЛИН: — Ўртоқ Бухаринни партиямизнинг назариётчиси дейишади. У, албатта, назариётчи ва каттагина назариётчи. Лекин гап шундаки, назария борасида унинг иши ҳамиша ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу нарса ақалли у партия сиёсати масалалари бўйича хатоларнинг бутун бир уюмини қалаштириб ташлаганидан кўриниб турибди... Йўқ, бу хатолар тасодифий эмас. Улар, ўртоқ Бухариннинг ана шу хатолари унинг нотўғри йўл-йўриқларидан, унинг назариядаги нуқсонларидан келиб чиққан...

Агар ўртоқ Бухарин ўзининг ҳали у қадар баркамол назариётчи эмаслигини, маълумотини ошириш учун илм олишга муҳтожлигини, у ҳали диалектикани тамомила ўзлаштириб олмаган назариётчи эканлигини — диалектика эса марксизмнинг қалбидир — тушунганида эди, — бу нарсани тушунганида эди, у камтарроқ бўларди, партия эса бундан фақат ютарди. Лекин ёмон томони шундаки, Бухаринга камтарлик ёт нарса. Ёмон томони шундаки, у нафақат камтар эмас, балки у ҳатто устозимиз Ленинга ҳам бутун бир қатор масалалар юзасидан, аввало давлат тўғрисидаги масала юзасидан сабоқ бермоқчи бўлади.

БУХАРИН: — Янги давлат типининг хусусиятлари нималар билан белгиланади? Улар иккита сабабга боғлиқдир:

Биринчидан, пролетар давлати мамлакат кўпчилигининг озчилик устидан диктатурасидир, ҳар қандай бошқача диктатура бир ҳовуч кишиларнинг диктатурасидир; иккинчидан, аввалги ҳар қандай давлат ҳокимияти **эксплуатация қилиш жараёнини** сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни ўзи учун мақсад қилиб қўйган эди. Аксинча ҳол, яъни кўпчилик бир ҳовуч кишилар ҳисобига яшай олмаслиги ва пролетариат буржуазияни эксплуатация қила олмаслиги тамоман равшандир... Пролетариат диктатурасининг асосий маъноси айни шундан иборатки, **у иқтисодий тўнтариш воситасидир.**

Агар пролетариатнинг давлат ҳокимияти иқтисодий революциянинг воситаси экан, бунда «экономика» ва «сиёсат» бир бутун яхлит бўлиши равшан. Бундай қўшилишга молия капитали диктаруraси даврида ҳам, унинг классик тугалланган формаси, давлат капитализми формасида эга бўлган эдик. Лекин пролетариат диктатураси эски дунёнинг барча муносабатларини синдириб ташлайди, — бошқача қилиб айтганда, ишчилар синфининг **сиёсий** диктатураси муқаррар равишда унинг **иқтисодий** диктатураси ҳам бўлиши керак...

Ўртоқ Ленин ўзининг энг ажойиб брошюраларидан бирида пролетариат диктатурасининг вазифаси ҳатто ҳар бир ошпаз аёлни ҳам давлатни бошқаришга ўргатишдан иборат деб ёзган эди. Бу умуман мантиққа зид эмас эди. Қачонлардир ўз ҳокимияти ҳақида ўйлашдан ҳам қўрққан шу омма шаҳар пролетарлари ва қишлоқ камбағалларининг ташкилотлари орқали, — борган сари ҳалқ оммасининг ич-ичига чуқуррок кириб бораётган ташкилотлар орқали, — ана шу ҳокимият органлари сифатида **ишлай** бошламоқда. Ҳеч қандай давлат ҳеч қачон ва ҳеч ерда оммага бунчалик яқин бўлмаган. Совет республикаси аслида омманинг ўзининг ғоят улкан ташкилотидир.

СТАЛИН: — Қулоқ ортиқча ғалла нафақат ўзининг бойиш воситаси, балки камбағалларни асоратга солиш воситаси ҳам эканлигини билади. Ҳозирги шароитда қулоқ қўлидаги ортиқча ғалла қулоқ элементларнинг хўжалик ва сиёсий жиҳатлардан кучайиши воситасидир. Шу сабабли, қулоқлардан ана шу ортиқча ғаллани оларканмиз, бу билан биз шаҳарлар ва Қизил Армияни ғалла билан таъминлашни енгиллаштирибгина қолмай, балки қулоқларнинг хўжалик ва сиёсий жиҳатдан кучайиши воситасини ҳам қўпорган бўламиз.

Ана шу ортиқча ғаллани олиш учун нима қилиш керак? Аввало зарарли ва хавфли нарса сифатида ўзибўларчилик психологиясини барҳам топтиришимиз зарур. Ғалла тайёрлашни **ташкил этиш** керак. Камбағал ва ўрта деҳқонлар оммасини қулоқларга қарши сафарбар қилиш ва уларнинг ғалла тайёрлашни кучайтиришга доир совет ҳокимияти тадбирларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-кувватлашларини уюштириш лозим. Ғалла тайёрлашнинг ўзаро ихтиёрий солиқ принципи асосида олиб борилаётган Урал-Сибирь методининг аҳамияти айни шундан ҳам иборатки, у ғалла тайёрлашни кучайтириш йўлида қишлоқдаги меҳнаткаш қатламларни қулоқларга қарши сафарбар қилиш имконини беради... Тўғри, бу метод баъзан қулоқларга қарши фавқулодда чораларни қўлланиш билан қўшилиб кетади, бу нарса Бухарин билан Риков ўртоқларда кулгили айюҳаннос туғдиради, бунинг нимаси ёмон экан? Нима учун баъзан, муайян шароитда, синфий душманимизга қарши, қулоқларга қарши фавқулодда чораларни қўллаш мумкин эмас экан?.. Бу нарса қаердан келиб чиқди? Партиямиз қачондир **принцип жиҳатидан** қулоқларга нисбатан фавқулодда чоралар қўлланишга қарши бирор гап айтган эдими? Риков билан Бухарин ўртоқлар афтидан қулоқларга нисбатан ҳар қандай фавқулодда чоралар қўлланишига қарши **принципда** турган кўринадилар. Лекин, қадрли ўртоқлар, зотан бу марксистик сиёсат эмас, балки либерал буржуазия сиёсатидир.

БУХАРИН: — Деҳқон буржуазиясига қарши «Варфоломей туни» эълон қилишни таклиф этадиган тентаклар топилиши мумкин, улар бу нарса сиёсий йўналишга бутунлай мувофиқ келишини ва уни бемалол амалга ошириш мумкинлигини исботлаб бера оладилар. Лекин ҳамма фалокат шундаки, у ғирт аҳмоқлик бўлур эди. Биз бу ишни умуман қилмаслигимиз зарур. Биз бундан амалда ҳеч нарса ютмасдик, балки жуда кўп нарсани бой берган бўлардик. Биз буржуалашган деҳқонга ўз хўжалигини ривожлантириш учун рухсат беришни, лекин ундан ўрта деҳқонга қараганда анча кўпроқ ундиришни афзал кўрамиз. Ундан олинадиган маблағларни биз кредит формасида ўрта деҳқонлар ташкилотига ёки қандайдир бошқача формада камбағаллар ва батракларга берамиз... Кимки қишлоқдаги **жамғаришга** ижобий муносабатимизнинг **ана шу** мазмунини тушуниб етмаса, бу сиёсатни фақат «қулоққа йўл бериш» деб тушунса, у қулоқларга оғиш касалига йўлиққан. Кимки бу проблемани кўрмас экан, у қулоқларга оғади...

СТАЛИН: — Улар улғайган, бошқа экинлар орқали вазиятдан қутулиб чиқиш имконига эга бўлган ва ортиқча ғалласини яширадиган қулоқ, айни шу қулоқ ўзининг ортиқча ғалласини бизнинг тайёрлов нархларимиз бўйича ихтиёрий равишда топширади деб умид қиладилар. Улар ақлдан озганлари йўқми? Улар синфий кураш механикасини тушунмасликлари, синфлар нима эканлигини билмасликлари равшан эмасми?

БУХАРИН: — Ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқида, душманларга қарши курашда бизнинг бардош беришимизга ва мамлакатимиз хўжалигини янгитдан кўтара бош-

лашимизга имкон берган иттифоқда **раҳбарлик роли ишчилар синфига мансубдир. Мамлакатимизда ишчилар синфи меҳнаткаш аҳолининг кўпчилигини ташкил этмайди. Ушбу меҳнаткаш аҳолининг жуда катта кўпчилиги деҳқонлардан иборат. Шундай бўлсада ишчилар синфи раҳбар куч бўлиб келди ва шундай бўлиб келмоқда...**

Гап умуман ишчилар синфи албатта биринчи ўринда бўлишини «истащнда» эмас. Гап шундаки, — бу ҳақда деҳқонларнинг баъзи қатламлари қандай ўйламасинлар, — бундай раҳбарлик энг кенг деҳқонлар оммасининг манфаатлари учун ҳам зарурдир. Агар ишчилар синфи қандайдир сабаблар оқибатида деҳқонларга нисбатан бўлган раҳбарлигини йўқотса, бунда иш тамоман буржуазиянинг ғалабаси билан тугаши муқаррар.

Пролетариат томонидан раҳбарлик, шундай қилиб, ишчи-деҳқон ишининг ғалабаси учун ғоят зарур шарт ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, масала ҳозир мана бундай тарзда турибди: **кимнинг ким билан** — хусусий савдогар ва капиталистнинг деҳқонлар билан ёки пролетар саноатининг ана шу деҳқонларнинг ўзи билан бирикуви юз беради? Синфий курашнинг якуни ҳам ана шу саволнинг жавобига боғлиқдир. Бу кураш тинч формаларда бораётганининг, бу курашни маъдан қуроллар жарангисиз олиб бораётганимизнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Шунга қарамай у ғоят улкан аҳамиятга эга, у, ана шу кураш, амалда ҳамма нарсани ҳал қилади...

Давлатимиз саноати, давлатимиз савдоси, кооперациямиз бундан буён ҳам тобора ўсиб бораверади, хусусий савдогар ва хусусий даллолни борган сари сиқиб чиқараверади, пировард натижада ишчилар синфи кенг деҳқонлар оммасини **янги режимни,** янги тузумни **фаол бунёд этиш** ишига жалб эта бориб, ана шу заминда уни янада яхшироқ ва бундан ҳам яхшироқ тарзда ўз таъсири ва раҳбарлиги остига торта бошлайди. Биз одатдаги капиталистик йўлдан бормаймиз, биз тамомила мустақил йўлдан, ўзимизнинг алоҳида, социалистик йўлимиздан борамиз ва ҳозирдаёқ боряпмиз.

СТАЛИН: — Ўртоқ Бухарининг группаси ўнг оғмачиликка қарши курашдан воз кечиш ишчилар синфига **хоинлик қилиш**, революцияга **хоинлик қилиш** эканлигини тушунармикин? Ўртоқ Бухарининг группаси ўнг оғмачилик ва муросасозликни бартараф этмасдан туриб олдимизда турган қийинчиликларни енгиб бўлмаслигини, ана шу қийинчиликларни енгмасдан эса социалистик қурилишда ҳал қилувчи муваффақиятларга эришиш мумкин эмаслигини тушунармикин?..

Партия сизлардан партиямиз Марказий Комитети барча аъзолари билан бир сафда туриб ўнг оғмачилик ва муросасозликка қарши қатъиян кураш олиб боришни талаб қилмоқда... Ё сизлар партиянинг бу талабини бажарасизлар ҳамда партия ўшанда сизларни олқишлайди. Ё сизлар буни қилмайсизлар — лекин унда ўзингиздан кўринг.

* * *

«Ўзингиздан кўринг» — партияга қаратилган мудҳиш таҳдид. «Революцион қонунчилик маъмурий ўзбошимчаликнинг барча қолдиқларига барҳам бериши керак» деган сўзларга жавобан янграган дўқ. Н. И. Бухарин янглишдими? Ҳаммаси аксинча тус олди: ўзбошимчалик қонунчилик ўрнини эгаллади. Шунинг учун у ўзининг деярли башорат бўлган фикрлари учун шафқатсиз жазоланди: «Деҳқон буржуазиясига «Варфоломей туни» эълон қилишни таклиф қиладиган тентаклар пайдо бўлиши мумкин... ғирт аҳмоқлик...» Биргина «тентак» бутун халқ учун ўн йиллаб давом этган «Варфоломей туни»ни ташкил қилди.

Тарихни, таассуфки, қайтадан ёзиб бўлмайди, лекин бугунги кунда чиндан «кўз очилиши» учун унинг сабоқларини охиригача таҳлил қилиш керак. Шу жумладан ана шу икки киши баҳсининг, бизнинг назаримизда, ҳозир ҳам тугалланмаган баҳснинг сабоқларини ҳам таҳлил ҳилиш керак.

В. САМОЙЛОВ тайёрлаган.

РЕДАКЦИЯНИНГ СЎНГ СЎЗИ:

Сталин билан Бухарининг назарий дуэлини Бухарининг репрессия қилиниши ва вафоти узиб қўйди. Демак, баҳс ҳам тугалланмай қолди... «Энг туб моҳиятигача англаб етишни» истайдиган, ўша ўтиш даврида ечимларни машаққат билан изланишларга қизиқадиган журналхонларга исми узоқ вақт ноҳақ унутилиб келган, ижтимоий фанлар соҳасида йирик олим бўлган Н. И. Бухарининг асарларини ўқиб чиқишни маслаҳат берамиз.

(«КОММУНИСТ БЕЛОРУССИИ» журналининг 1989 йилги I-сони).

А. КУДИНОВ

ХИТОЙ: ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАН

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ Марказий ва Шарқий Осиёда жойлашган. Майдони 9 миллион 597 минг квадрат километр, яъни территория жиҳатидан Совет Иттифоқи ва Канададан сўнг учинчи ўринда туради. Чегараларининг умумий узунлиги 36,5 минг километр, шу жумладан 21,5 минги қуруқликдан ўтган бўлиб, унинг 7520 километри СССР билан чегарадир. Аҳолисининг сони 1,1 миллиард кишидан ошган. ХХРда 381 та шаҳар бўлиб, уларда 262 миллион киши яшайди. 25 шаҳарда аҳоли сони бир миллиондан, саккиз шаҳарда эса икки миллиондан ошади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Осиёда революцион жараённинг ривожланишига қудратли туртки берди. Хитой меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида узоқ давом этган қаттиқ кураш давомида 1949 йили ғалабага эришдилар — улкан мамлакат янги ҳаёт қуришга киришди. Босиб ўтилган йўл доим ҳам текис ва тўғри бўлмаган бўлсада, ижобий натижалар ҳаётнинг ҳамма соҳаларида яққол кўзга ташланади. Агар 60-йилларда «маданий революция» социалистик ўзгартишларнинг нормал жараёнини бузмаган ва то 1977 йилга қадар турғунлик ва орқага тисланиш даврини бошлаб бермаганида эди, бу натижалар янада салобатлироқ бўларди.

Кейинги ўн йилликда, айниқса Хитой Компартиясининг ўн биринчи чақириқ МК III пленумидан (1978 йил декабри) сўнг экономикани, сиёсий системани ривожлантиришда, социал ва маънавий соҳаларда муҳим ўзгаришлар юз берди. Коммунистик партиянинг 1987 йил охирида бўлиб ўтган XIII съездида таъкидланганидек, ўтган йиллар ичида ялпи миллий маҳсулот, давлатнинг молиявий даромадлари, шунингдек шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг моддий имкониятлари ўртача икки баравар кўпайган. Истеъмол молларининг кўп йиллар мобайнида кескин суратда етишмаслигига барҳам берилган. Аҳолининг мутлақ кўпчилиги эндиликда озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминланган. Шаҳарларда 70 миллион киши ишга ўрнашди, қишлоқ районларида эса, жуда кўп миқдорда волость ва посёлка корхоналарининг пайдо бўлиши орқасида, 80 миллион деҳқон қишлоқ хўжалик меҳнати билан банд. 1987 йили 402 миллион 410 минг тонна дон, 4 миллион 190 минг тонна пахта, 46 миллион 850 минг тонна шакарқамиш, 7 миллион 970 минг тонна қанд лавлаги, 497 минг тонна чой, 15 миллион 510 минг тонна мева, 17 миллион 800 минг тонна чўчқа гўшти, 1 миллион 410 минг тонна мол ва қўй гўшти, 3 миллион 190 минг тонна сут, 208 минг тонна жун тайёрланди.

Саноат ҳам ривожланди. 900 миллион тоннадан кўп кўмир, 133 миллион тонна нефть қазиб олинди, 500 миллиард киловатт-соат электроэнергия ҳосил қилинди. Шундай бўлсада энергетика Хитой экономикасининг энг танг жойи бўлиб қоляпти. Шунинг учун 1989 йилда 300 мегаватт қувватли Циньшань атом электростанциясини, 1991 ва 1992 йилларда Даявен АЭСнинг йилига 10 миллиард киловатт-соат электроэнергия ҳосил қилувчи иккита қурилмасини ишга тушириш

КУДИНОВ Александр Николаевич, философия фанлари кандидати, Й. Охунбобоев номли Тошкент тукимачилик ва енгил саноат институти илмий коммунизм кафедрасининг доценти.

мўлжалланяпти. Шунингдек ҳар бири 600 мегаватт қувватли яна иккита ядро реакторини қуриш кўзда тутилган. Бу лойиҳани рўёбга чиқариш чет эл инвестицияларн ёрдамида ва импорт қилинадиган ускуналар ҳамда технологиялар асосида 1993 йили тугалланади.

Миллий даромаднинг ўртача йиллик ўсиши 1987 йилда (қиёсий нархларда) 10,7 процентни, унинг умумий ҳажми эса 915,3 миллиард юанни ташкил этди. Бу рақамлар мавҳум тушунча эмас: янги заводларни, жадал ўсиб бораётган уй-жой кварталларини, магазинларнинг витриналарини кўришнинг ўзиёқ ўтказилаётган ислоҳотлар қанчалик самарадор бўлаётганини англаш учун кифоя қилади. ХХРда кўп маротаба фойдаланиладиган космик кема яратиш борасида актив иш олиб борилаётгани хусусида ҳам эслатиб ўтмасдан бўлмайди.

Амалга оширилаётган ўзгартишларнинг мазмуни ва характери қандай? Ички сиёсатда сиёсий демократияни ва иқтисодий ислоҳотни ривожлантиришга қаратилган йўл-йўриқлар ғоят муҳимдир. Ташқи сиёсатда эса устунлик тинчлик учун курашга берилган, чунки қишлоқ хўжалигини, саноатни, фан ва техникани модернизациялаш суръатлари халқаро вазиятга боғлиқ.

1982 йилги Конституцияга мувофиқ, ХХР ишчилар синфи раҳбарлик қиладиган ва унинг деҳқонлар билан иттифоқига асосланган халқ демократик диктатурасининг социалистик давлатидир. Халқ вакилларининг Бутун Хитой мажлиси (ХВБХМ) давлат ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Раис раҳбарлик қиладиган Доимий комитет унинг иш юритадиган органидир. Бош министр бошқарадиган ХХР Давлат кенгаши олий ижроия органи бўлиб, тегишли маъмурий бирликлардаги халқ ҳокимияти халқ вакиллари мажлислари ва халқ ҳукуматлари томонидан амалга оширилади. Хитойда 22 вилоят, 5 автоном район ва марказга бўйсунувчи учта шаҳар — Пекин, Шанхай ва Тяньцзинь бор. Вилоят ва автоном районлар таркибига шаҳарлар, автоном округлар, уездлар киради. Уездлар эса волостлар, посёлка ва қишлоқлардан иборат.

1921 йилда асос солинган Хитой Коммунистик партияси (ХКП) хитой жамиятининг раҳбар ва йўналтирувчи кучидир. Ҳозирги вақтда унинг сафларида 47 миллион коммунист бор, уларнинг 27,3 проценти 35 ёшгача бўлган кишилардан иборат. Тугалланган ўрта ва ундан юқори маълумотли ХКП аъзоларининг салмоғи 28,5 процент.

Коммунистик партиядан ташқари мамлакатда 8 демократик партия: Хитой гоминдани Революцион комитети, Хитой демократик лигаси, Хитой демократик миллий қурилиш ассоциацияси, Демократияни ривожлантиришга кўмаклашувчи Хитой ассоциацияси, Хитой деҳқон-ишчи партияси, Хитой адолат партияси (Чжунго гжигундан), 3 сентябрь жамияти (Цзюсань сюешэ), Тайвань демократик ўз-ўзини бошқариш лигаси иш олиб бормоқда. Улар аъзоларининг умумий миқдори 170 минг кишидан ортиқ. Ана шу партияларнинг ҳаммаси мамлакатда ХХР ташкил этилмасдан олдин ҳам мавжуд эди, улар ХХР ташкил топганлигини қутладилар ва ХКП раҳбарлигида ҳаракат қилишга розилик билдирдилар, ХКП билан улар ташкилий жиҳатдан боғланган. Улар жамоат ташкилотлари, турли миллат намояндалари — мамлакат аҳолисининг 93 процентини ташкил этадиган хитойлардан (хань) ташқари, яна 55 миллат ва элат (чжуан, уйғур, монгол, тибетлик, корейс ва бошқалар) намояндалари билан ҳамкорлик қиладилар. ХКП билан демократик партиялар ўртасидаги ҳамкорлик хитойча специфика билан социализм қурилишининг муҳим хусусиятидир.

Сиёсий система ислоҳотидаги асосий нарса, деб белгиланди ХКП XIII съездида, — партия ва давлат органлари вазифаларини аниқ чегаралаб олиш, қуйи бўғинларга катта ҳуқуқлар бериш, кадрлар системасини қайта қуриш, социалистик демократияни ривожлантириш, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлашдир. Партия сиёсий авангард ролини ўйнаши керак. Райкомларда давлат органлари фаолиятини такрорлайдиган тармоқ бўлимлари тугатилади. Пропаганда, ташкилий-партиявий иш, ягона фронт, умумий бўлимлар ва партия интизомини текшириш бўйича комиссия сақланган. Жорий ишларга раҳбарлик қилиш учун секретарь бошчилигида унинг учта ўринбосари бўлган доимий комитет сайланади, бу ўринбосарлардан бири анъанага кўра район ҳукуматини бошқаради. Эндиликда доимий комитет аъзолари маъмурий ва хўжалик иш-

ларига чалғимаган ҳолда бошланғич партия ташкилотларида иш олиб бориш учун катта имкониятга эга бўлдилар.

Раҳбарларнинг омма билан мулоқоти ҳамда консультацияларини кундалик практикага айлантириш, аҳоли турли группаларининг манфаатларини янада чуқур ўрганиш ва жамиятда пайдо бўладиган зиддиятларни ўз вақтида ҳал этиш, меҳнаткашларга ўз талаблари ва истакларини изҳор қилишда, бошлиқларга эса — омманинг овозига қулоқ солишда ёрдам берадиган янги алоқа формаларини топиш қайта қуришнинг муҳим вазифасидир.

Кадрлар билан ишлашда мусобақалашиш ва ошкораликка, жамоат тавсиялари ва очиқ конкурслар системасини жорий қилишга, раҳбар ходимларни вақти-вақти билан аттестациялашга, лавозимларни бир умрга эгаллаб олиш практикасига барҳам бериш мақсадида уларнинг ваколатларини аниқ қилиб белгилаб олишга жуда катта аҳамият берилияпти. Кўпгина лавозимларга тайинлашда синов муддати жорий қилинган. ХКП контрол органларининг вазифалари бир қадар ўзгартирилди. Уларнинг эътибор марказида партия сафларининг софлиги учун кураш, партия раҳбарлигининг услуб ва методларини такомиллаштиришда парткомларга ва қуйи ташкилотларга таъсирчан ёрдам кўрсатиш туради.

Ислоҳот социалистик халқ ҳокимиятининг потенциали юзага чиқишига имкон беради, барча даражаларда ўзини ўзи бошқаришга бўлган тенденцияни рағбатлантиради. Халқ вакиллари мажлисларининг ролини оширишга, уларнинг ижроия органлари устидан қонун чиқарувчилик ва контрол қилиш вазифаларини активлаштиришга, номзодлар миқдори мандатлар миқдоридан ошадиган, депутатларнинг социал состави эса юқоридан тартибга солинмайдиган янги сайлов тартибини жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Бу билан депутатлик фаолиятидан идоравий манфаатлар бартараф қилинади, мажлисларда, ўхшатиб айтилганидек, «учдан икки қисми бошлиқлар ва учдан бир қисми индамаслардан иборат» состав мажлис қиладиган ҳоллар йўлига тўсиқ қўйилади. Халқ вакиллари Бутун Хитой мажлиси ва маҳаллий мажлислар доимий комитетни сайлаш ҳуқуқига эга бўладилар, бу комитет ижроия органларидан мустақил равишда сессиялар орасида жорий ишни олиб боради ва депутатлар комиссияларининг фаолиятини координациялайди.

Ҳар қандай изланишда бўлганидек, амалга оширилаётган сиёсий система ислоҳоти доим ҳам ва ҳамма ишда ҳам тезкорлик билан кутилганидек самара бераётгани йўқ. У янги жиддий зиддиятларнинг пайдо бўлиши билан боғланган, кўпинча қўшимча салбий ҳодисаларга олиб келади. Буни Хитой партия ва давлат органлари кўриб турибди ва оптимал ечимларни топишга интилмоқда.

Расмий ҳужжатларда айтилганидек, «хўжалик механизмини ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг мавжуд даражаси билан мувофиқлаштириш»га уриниш экономикани ўзгартиришнинг туб моҳиятини ташкил этади. Уларни ўстирмасдан туриб, табиийки, халқнинг моддий ва маданий турмушини яхшилаш мумкин эмас. Ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги базасида «социалистик планли товар хўжалигини» ривожлантириш иқтисодий ислоҳотнинг марказий йўналиши деб эълон қилинган, бу нарса халқ хўжалигини бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик методларини аста-секин иқтисодий методлар билан алмаштиришни, қиймат қонунидан кенг фойдаланишни, товар-пул ва бозор регуляторлари таъсирини кучайтиришни кўзда тутади. Бу йўл, деб ҳисоблашади Хитойда, «социализмнинг энг бошланғич босқичида» турган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш ҳозирги босқичининг спецификасига мувофиқ келади.

Нимадан бошлаш керак? — деган савол амалий йўсинда юзага келганда ХКП МК III пленуми: қишлоқдан бошлаш керак, деб қарор қилди. Қишлоқда аҳолининг 80 проценти яшаши туфайли бу ерда тартиб ўрнатмасдан туриб бутун жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришиб бўлмайди. Ижтимоий мулк бўлиб қоладиган ерга эгалик ҳуқуқининг ердан фойдаланувчига — алоҳида деҳқон, оила, коллективга бириктириб қўйилувчи хўжалик юритиш ҳуқуқидан ажратилиши аграр ислоҳотнинг негизи бўлди. Ишлаб чиқаришнинг майда воситалари — иш ҳайвонлари, қўл билан бошқариладиган тракторлар деҳқоннинг ўз мулки ҳисобланади. 190 миллион хўжалик, ёки улар миқдори-

нинг 98 проценти оилавий пудратга ўтказилди, бу эса тақсимотдаги текисчиликка барҳам бериш ва деҳқонларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун стимул яратиш имконини берди. Деҳқон оиласи давлатга солиқ (кўпроқ пул формасида) тўлаб бўлгач қолган ҳосилдан ўзи хоҳлаганича фойдаланади: ортиқчасини контрактация тартибида давлатга сотиб, ўрнига ўғит, уруғлик материал (қатъий нархларда) олади ёки ички бозорда тегишли нархда реализация қилади. Пудрат 10 йил ва ҳатто 30—50 йил мобайнида амал қилганда деҳқонларда тегишлича ишонч ва манфаатдорлик ҳосил бўлади.

Оила пудрати асосида қишлоқда давлат томонидан рағбатлантириладиган ихтисослаштирилган йирик деҳқон хўжаликлари ривожланди. Улар ёлланма иш кучидан фойдаланадилар ва кўпинча аввало чорвачилик, паррандачилик, пиллачилик, ўрмончиликда биркитилган ҳолда маҳсулотни дастлабки қайта ишловни амалга оширяптилар.

Қишлоқда маҳаллий саноат жадал суръатлар билан ривожланяпти. Волостларда, уезд ва посёлкаларда ғишт, темир-бетон маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва сақлайдиган, инвентарь, эҳтиёт қисмлар, механизмлар ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган чоғроқ заводлар, транспорт хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатадиган корхоналар қуриляпти. Хом ашё харид қилиш ва маҳсулотни сотиш эркин бозор орқали у ерда таркиб топадиган нархлар асосида юз беради.

Қишлоқ хўжалиги ислоҳоти ҳақида у бошланганидан ўн йил ўтгач нималар дейиш мумкин? Рақамлар гувоҳлик беради: агар 1978 йилда ҳар бир деҳқонга тўғри келадиган бир йиллик соф даромад ўртача 134 юань бўлган бўлса (юз юань 16 сўм 5 тийинга тенг), 1987 йилда 447 юанни ташкил этди. Олтинчи беш йилликда (1981—1985 йиллар) дон йиғиб олиш бешинчи беш йилликдагига қараганда 23 процент кўпайди, шу билан бирга 1984 йили 407,3 миллион тонналик рекорд ҳосил олинди. Ҳозир мамлакатда ҳар бир киши ҳисобига ҳар йили ўртача 350 килограммдан ортиқ дон (ишлов берилгани), 8 килограмм овқатга ишлатиладиган ёғ, 12 килограммдан ортиқ гўшт ва 5 килограмм сувда овланган маҳсулот етиштириляпти. Еттинчи беш йиллик охиригача (1986—1990 йилларда) дон экинлари йиғимини йилига 425—450 миллион тоннага, пахтани 4,25 миллион тоннага етказиш, 23 миллион тонна гўшт етиштириш ва 9 миллион тонна сувда овланган маҳсулот олиш планлаштириляпти.

Хитойда ишланадиган ер аҳоли жон бошига 0,1 гектарни — ана шундай ўртача жаҳон кўрсаткичидан қарийб тўрт баравар камни ташкил этишини назарда тутсак, бу рақамлар айниқса катта таассурот қолдиради. Ҳолбуки аҳоли 2000 йилга келиб, прогнозларга қараганда, 1,2 миллиард кишидан ошиб кетади. Шундай қилиб, дунёдаги барча ҳайдаладиган ерларнинг атиги 7 процентига эга бўлган Хитой унинг аҳолисининг қарийб чорагини боқиши керак. Қишлоқ хўжалик ишлари аста-секин механизациялаштириляпти, химиявий ўғитлардан фойдаланиш кўпаяпти. 1978 йилдан бери деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархи тўрт маротаба ошди.

Қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар ҳам эски, ҳам янги проблемаларни ҳеч ҳам тўсиб қўймайди. Уни юритишдаги қолоқ методлар, асосан қўл меҳнати, ирригация тармоғининг ёмон аҳволдалиги, тупроқнинг ориқлаганлиги ҳалигача мамлакат экономикаси ана шу етакчи тармоғининг характерли хусусиятлари бўлиб қолмоқда. Хитой деҳқони бугунги кунда учта кишини боқади, ваҳоланки ҳинд деҳқони беш киши учун, япон деҳқони — 22, америка деҳқони 67 киши учун етадиган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирмоқда. 1985 йилда ва ундан кейинги йилларда дон, пахта, гўшт етиштириш камайди. Деҳқонлар даромадининг ўсиши тўхтаб қолди, инфляция жараёнлари пайдо бўлди, нархлар системаси ва қишлоқ хўжалигини бошқариш ислоҳотида «орқага силтаниш» кўзга ташланди. Қишлоқда деҳқонларнинг мулкий жиҳатидан табақаланиш сари бурилиши белгиланди. Аҳолининг асосий оммаси бақувват хўжаликлардан ўрганиши ва уларнинг даражасига кўтарилиши керак деб ҳисобланади. Бадавлат деҳқонлар ёлланма меҳнат хизматидан фойдаланмоқда, матбуот ҳам бунга ислоҳотнинг ишга жойлаштириш проблемаларини ҳал этишга ҳамда товар ишлаб чиқаришини ривожлантиришга имкон берувчи ижобий ҳодиса-

ларидан бири сифатида қарамоқда. Хитой Коммунистик партиясининг аъзоларига ҳам ходим ёллаш учун рухсат берилган.

Бир йиллик даромади ўн минг юандан ошадиган бадавлат хўжаликлар жуда кам бўлиб, улар ҳозирги қишлоқнинг қиёфасини белгиламайди. Ўзгаришлар асосан йирик шаҳарлар атрофидаги қишлоқларга дахлдор бўлди, «ичкарилик»ка, айниқса миллий чекка ўлкаларга кам даражада тегишли бўлди. Камбағал хўжаликлар эса 14 миллионта, ёки 70 миллион киши. Улар орасида тахминан 22 миллион деҳқон йилига 100 юандан кам, яъни ҳар бир оила учун 200 юанга баравар бўлган расмий камбағаллик даражасидан анчагина кам даромадга эга. Яна бир факт: деҳқон хўжаликларининг қарийб учдан бирида жон бошига ўртача даромад йилига 60 юандан камни ташкил этади. Ҳозир қишлоқда 370 миллиондан кўпроқ меҳнатга қобилиятли одам бўлиб, уларнинг ҳар учдан бири ортиқча ишчи кучидир. Аҳолининг табиий ўсиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши бу проблемани чуқурлаштиряпти, зотан, статистика кўрсатаётганидек, қишлоқда туғилишни чеклаш сиёсати («битта оилага — битта бола») унчалик самара келтираётгани йўқ.

Ислоҳотнинг қишлоқда бундан буёнги ривожлантирилиши унинг шаҳарларда ўтказилиши билан анчагина даражада боғлиқдир. Бу ерда у 1984 йилдан кучая бошлади. Ўтган вақт ичида саноат томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотдаги ишлаб чиқариш воситаларига бўлган давлат эгалиги 80 дан 70 процентга пасайди, кооператив эгалик 20 дан 28 процентга, якка тартибдаги ва ҳоказо эгалик 0,2 дан 2 процентга ошди. Индустрияда бир вақтнинг ўзида давлат, кооператив, хусусий ва аралаш корхоналарни ижарага, пудратга бериш ёки майда давлат фабрикаларини, устахоналарни меҳнаткашларнинг колективларига сотиш ривож топди. Корхоналарни ташкил этишнинг акционерлик формалари кенг тарқала бошлади. Йирик ва ўрта давлат заводларининг фаолияти товар-пул муносабатлари амал қилиши доирасида мустаҳкамланмоқда. Улар чинакам мустақил товар ишлаб чиқарувчиларга айланяпти. Улар ўртасида тўғридан-тўғри хўжалик алоқалари ҳам, рақобат ҳам мавжуд. Нарх белгилашнинг бозор системаси аста-секин қарор топиб боряпти. Ягона умуммиллий бозор, шу жумладан иш кучи бозори ҳам шаклланяпти.

Халқаро иқтисодий алоқалар соҳасида халқ хўжалигини ривожлантириш учун қўшимча омиллар яратишни кўзлаб ташқи факторлардан фойдаланишга қаратилган «очиқ сиёсат» ўтказиляпти. Чет эл капитали жалб этиляпти — турли типдаги 11,5 мингта қўшма корхоналарни бунёд этиш учун битимлар тузилдики, уларда хорижий монополияларнинг ҳиссадорлик иштирокининг умумий суммаси 22 миллиард доллардан иборат. Янги Хайнань вилояти ва чет эл капитал маблағларидан фойдаланиш учун алоҳида Хайнань иқтисодий райони ташкил этилди. Чет эллик корчалонлар билан кооперация асосида ишлайдиган корхоналар тўғрисида қонун қабул қилинди.

Яқинда ХХР Конституциясига ўзгартишлар киритилди, бунга кўра белгиланган чегараларда хусусий хўжаликнинг ривожланиши, шунингдек гражданларга ердан фойдаланиш учун ҳуқуқлар берилиши мумкинлиги қонунлаштирилди. Давлат чакана савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўртача давлат корхоналари бир қисмини кооперативларга бериб ёхуд айрим шахсларга ижарага бериб «яккахўжа меҳнаткашлар» доирасини кенгайтирди. Эндиликда шаҳарларда 13 миллиондан ортиқ якка тартибдаги саноатчи ва савдогарлар рўйхатга олинган. Ўн йил олдин бутун Хитойда «яккахўжа меҳнаткашлар» миқдори салкам 100 минг киши эди. Агар «хусусий мулкчи» саноатда мамлакат ялпи маҳсулотининг атиги 0,8 процентини бераётган бўлса, хизмат кўрсатиш, савдо соҳасида 70 процентдан ортиғини бермоқда.

Ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот хўжалик фаолиятини жонлантиришнинг бир талай конкрет методларини кўзда тутади. Нарх белгилаш системасини ислоҳ қилиш шулардан яна биридир. У улгуржи ва чакана нархлар даражалари ва ўзаро нисбатларидаги энг жиддий камчиликларни бартараф этишга ва нархлар механизми мослашувчанлигини оширишга йўналтирилган. Корхоналар нархларни мустақил равишда белгилайдилар, лекин улар кейин маҳаллий нарх органлари томонидан тасдиқланади. Қатъий, «ўзгарувчи» ва эркин (шартномавий) нархлар мавжуд. «Ўзгарувчи» (юқори ва қуйи лимитлар чегарасида)

ёки эркин нархли товар салмоғи қишлоқ хўжалигида товар оборотининг 65 процентига, саноат ишлаб чиқарадиган истеъмол молларида 55, ишлаб чиқариш воситаларида — 40 процентга тенг.

Меҳнат ва иш ҳақи системаси ўзгаришларга учрамоқда. Ишга марказлаштирилган тартибда юборишга барҳам берилди, меҳнат шартномаларига ўтиш амалга оширилди. Ишсизлик бўйича нафақа тўлаш ва янги пенсия системаси жорий этиляпти. Иш ҳақи корхоналар ишининг иқтисодий самарадорлиги ҳамда ишчининг ишлаб чиқаришга қўшган шахсий ҳиссаси билан чамбарчас боғланган. Корхоналар қўшимча фойдасининг бир қисми мукофот, устама ва ишбай ҳақ тўлашга сарфланади.

ХКП XIII съездида хўжалик юритишни яхшилашнинг бирорта методи ҳам марксизм-ленинизмнинг иккита энг муҳим принципига: ишлаб чиқариш воситаларига умумхалқ эгалиги устун мавқеда туриши ҳамда меҳнатга қараб тақсимлаш принципига зид келмаслиги керак деб уқтирилганини таъкидлаш лозим. Уларга амал қилинган тақдирдагина мамлакатнинг бундан буён социалистик йўлдан ривожланишига кафолат бериш мумкин.

Ислоҳотнинг дастлабки якунлари қандай? Хитой жамиятини ҳар томонлама ўзгартириш йўли стратегик характердалигини таъкидлаймиз. У — барқарор ва узоқ муддатга мўлжалланган сиёсат. ХКП XIII съездида олға сурилган «Хитойда социализмнинг бошланғич босқичи» концепциясига кўра мамлакатда социалистик туб ўзгартишлар 50-йиллар ўртасига келиб тугалланган. Шу билан бирга Хитойдаги социализм ривожланган капитализм босқичини четлаб ўтиб, «ярим мустамлака ва ярим феодал жамият ич-ичидан чиққанлиги» туфайли ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан етилмай қоляпти. Съезд ҳужжатларидан кўринадики, «социализмнинг бошланғич босқичи» салкам 100 йилга чўзилади ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси кескин ошиши кутилаётган кейинги аср ўрталарида ниҳоясига етади. Яқин 50—70 йил ичида Хитой дунёдаги ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашади. Иқтисодий планлаштиришда бундан кейин ҳам кишилар жуда катта оммасининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга устун аҳамият берилади, бу эса қишлоқ хўжалигини, енгил саноатни, уй-жой қурилишини, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга эътибор кучайтирилишини тақозо этади. Шу билан бир вақтда миллионлаб ишчи кўлни иш билан банд этиш йўлларини излашга, бинобарин, қўл меҳнатига ва энг оддий технологияга асосланувчи сермеҳнат майда ишлаб чиқаришнинг миқёсли секторини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга тўғри келади. Илғор техника билан жиҳозланган замонавий йирик корхоналар аввалгидек Хитой саноатининг юзадаги, нисбатан юпқа қобиғини ташкил этиб қолаверади. Келгуси аср ўрталарига қадар аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулотни 4 минг америка долларига етказиш планлаштирилмоқда (1980 йилда у 250 долларга тенг бўлди). Ана шундагина жамиятнинг барча аъзолари фаровон яшайдилар.

1978—1988 йиллар — ислоҳотларнинг самарадорлигига ишонч туғдирган муҳим ўн йиллик бўлди. Характерли чизги: Хитой пўлат эритиш бўйича (йилига 56 миллион тонна) фақат Совет Иттифоқи, Япония ва АҚШдан кейин бўлиб, Ғарбий Европадаги барча мамлакатлардан ўзиб кетган. Бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам у етакчи индустриал давлатлар қаторидан ўрин олган: Хитой цемент ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи, телевизор ишлаб чиқаришда — учинчи, нефть қазиб олиш ва электр энергия ҳосил қилиш бўйича бешинчи ўринни ишғол қилган.

Хитойнинг социал сиёсатдаги ютуқлари ҳам шак-шубҳасиз. «Камтарона тўкинлик» жамиятини бунёд этиш вазифасини ҳал эта бориб, мамлакат деҳқонларнинг пул даромадлари уч баравардан кўпроқ, шаҳар аҳолисиники эса 2,6 баравар ўсишини таъминлади. Тўғри, нарх-наво ҳам кўтарилди. 1988 йил биринчи кварталининг ўзидагина чакана нархлар индекси 11 процентга ошди. Йирик ва ўртача шаҳарларда айниқса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи анча ошди, масалан, сабзавотлар нархи 48,7 процент кўтарилди. Озиқ-овқат ва саноат молларини савдо тармоғига етказиб бериш кўпайганлиги ва нархлар ислоҳоти уларнинг 44 та асосий турига жорий этилган карточкаларни бекор қилиш имко-

нини берди. Энди фақат дон ва ўсимлик мойига нисбатан марказлаштирилган ҳолда нормалаш сақланиб қолди.

Аҳолининг даромадлари ошиши билан истеъмол ҳам ўсмоқда. Ҳали тўкинликнинг ўтмишдаги мезонлари — «учта айланувчи, битта гапирувчи»: велосипед, соат, тикув машинаси ҳамда радиоприёмник унутилгани йўқ. Энди улар ёнига «учта катта нарса»: телевизор, холодильник ва кир машина қўшилди. Шаҳарлик 100 оилага 87 телевизор, 77 тикув машинаси, 162 велосипед, 3 холодильник, 103 радиоприёмник ва 40 кир машина; ҳар 100 та деҳқон оиласига 7 телевизор, 42 тикув машинаси, 74 велосипед ва 61 радиоприёмник тўғри келади. Шундай бўлсада юқори сифатли ҳамда узоқ муддат фойдаланиладиган кўпгина товарларга бўлган эҳтиёж ҳозирча тўла қондирилмаган. Уларнинг чакана нархлари юқорилигига қарамай шундай бўлмоқда. Чунончи, холодильник ўртача 700 юань, кир машина — салкам 500, велосипед — 150 юань ва ундан юқори, қўлга тақиладиган электрон соатлар 20—25, диагонали 54 сантиметр бўлган экранли рангли телевизор 1000 юандан кўпроқ туради. ХХР Давлат статистика бошқармасининг ахборотига қараганда, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 1987 йили ойига 100 юандан ошган.

Кейинги йилларда уй-жой проблемасини ҳал этишни жойидан силжитишга муваффақ бўлинди. Ҳозир Хитойда, айниқса қишлоқда кўп иморат қурияпти. Пудрат туфайли қўлига пул тушган деҳқон оилалари янги уйларга кўчмоқда. Улар одатда девор ва томдан иборат оддий тураржойлар бўлиб, алоҳида қулайликларга эга эмас. Лекин якин-яқингача деҳқонларнинг аксарияти истиқомат қилган лойдевор кулба ҳамда баракларга қараганда бундай уй-жой ҳам олға қараб қўйилган жуда катта қадамдир. Тураржой билан таъминланганлик қишлоқда киши бошига 8,1 дан 15,3 квадрат метрга, шаҳарда 3,6 дан 6,1 квадрат метрга етди. 2000 йилга қадар шаҳарлик ҳар бир киши ўртача 8 квадрат метр тураржойга эга бўлиши лозим. Бундай вазифани ҳал этиш учун йилига 147 миллион квадрат метр тураржой қуриш талаб қилинади. Бу соҳада тегишли ислоҳот ўтказилиши мўлжалланяпти. Унинг биринчи босқичида давлат аввалгидек уй-жой қурилиши харажатларининг учдан бирини таъминлайди, яна учдан бирини корхона ёки муассаса ҳамда қолган учдан бирини истиқомат қиладиган кишилар тўлайди. Тўғри, ойига 150 юань иш ҳақи олувчи металлург учун икки хонали квартира қийматининг (Аньшанда у салкам 24 минг юань туради) ҳатто учдан бир қисмини тўлаш ҳам осон иш эмас.

Халқ ҳокимияти йиллари мобайнида аҳолининг умри икки баравардан зиёдроқ узайди. Эркакларда у тахминан 67 йилга, аёлларда эса 71 йилга тенг. Соғлиқни сақлашни ривожлантириш ҳамда меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлиги ошиши натижасида болалар ўлимини кескин қисқартиришга: 1949 йилдаги ҳар мингта янги туғилган болага тўғри келувчи 200 чақалоқдан ҳозирги пайтда 24 чақалоққа келтиришга муваффақ бўлинди.

Ислоҳот фан, техникани, миллий таълим системасининг барча «қават»ларини қамраб олди. Мажбурий тўққиз йиллик таълимга босқичма-босқич ўтиш эълон қилинди. Мактабда ўқиш пуллилигича қолади, шунингдек пулли олий ўқув юртлари тармоғи ҳам яратилади. Ҳозирча давлат мактабларнинг барча харажатларини ўз зиммасига олишга қодир эмас. Бир боланинг давлат бошланғич мактабида бир йил ўқитилиши ота-она учун 42 юанга, ўрта мактабнинг ҳар бир синфида эса қарийб 50 юанга тўғри келади. Ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайтириш олий мактаб ислоҳотининг ғоят муҳим элементидир. Ўқишдаги «юқори натижалар» ҳамда намунали хулқ-атвор учун «тақдирлаш стипендиялари» берила бошланади. Институтда таълим олган йилларида ўзларини мустақил таъминлай олмайдиган кишиларга паст процентлар тўлаш шарти билан банк ссудалари берилади, студентлар ишга жойлашганидан сўнг беш йил ўтгач у иш ҳақидан ундирилади. Хусусий мактаблар ва профессионал тайёргарлик кўришнинг турли курслари кенг тарқаляпти. Шахсий маблағлар асосида олий ўқув юртлари ҳам пайдо бўлди. Сиртқи ва кечки таълим кенг миқёс касб этди. Ишчи ва хизматчиларнинг 68 проценти профессионал таълимнинг турли формалари билан қамраб олинган. Олий ўқув юртларида салкам 2 миллион студент, 110 минг аспирант, ҳунар-техника билим юртлари ва техникумларда 5,2 миллиондан кўпроқ талаба таҳсил олмоқда. 1979 йилдан бошлаб

хитойлик 40 минг студент, аспирант, стажер таълим олиш учун чет элга юборилди, улардан 10 минги — «ўз ҳисобидан» (асосан чет элда истиқомат қиладиган қариндошларнинг маблағлари ҳисобидан) юборилган.

Ислоҳот йиллари мобайнида илмий ходимлар сони қарийб 4 миллион нафарга кўпайди. Ҳозир табиий фанлар билан қарийб 8 миллион киши шуғулланяпти. ХХР фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини муваффақият билан ҳал этиб боряпти. Хитой олимларининг жаҳон фанига каттагина ҳисса қўшаётганлиги ҳам маълум. Космонавтлар отряди тузилган бўлиб, учувчи томонидан бошқариладиган биринчи хитой космик парвози юз берадиган пайт узоқ эмас. Энг яхши илмий кучлар микроэлектроника, ядровий энергетика, ген инженерияси, янги материалларни яратиш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. ХХР олимлари 106 мамлакатдаги ўз ҳамкасблари билан ҳамкорлик қиляптилар.

Хитойнинг ташқи сиёсат концепцияси, деб ёзади мамлакат матбуоти, «кейинги йилларда халқаро аҳволда юз берган қувончли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳамда ХХРни социалистик модернизациялаш учун қулайлик туғдирувчи тинч халқаро вазиятни таъминлаш манфаатларидан келиб чиққан» ҳолда тузатилган. Хитой бундан кейин ҳам тинч-тотув яшашнинг бешта принципига асосланган мустақил ташқи сиёсатни юритиш, дунёдаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ниятида. Тинчлик ва тараққиёт, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядровий ва химиявий қуролларни, шунингдек ялпи оммавий қирғин қуролларининг қолган барча турларини бутунлай тақиқлаш ва батамом йўқотиш, оддий қурол-яроғларни анча қисқартириш замонамизнинг асосий проблемаси ҳисобланади. Пекин ўртача ва камроқ олислик ракеталарига доир СССР билан АҚШ ўртасидаги келишувни, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларнинг муайян даражада юмшалганини қутлади, регионал можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилишга чақирмоқда.

Бутун инсониятнинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган ана шу масалаларда Хитой тутган йўл Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг йўли билан мувофиқ келишини кўрмаслик мумкин эмас. Айниқса ядро қуроли бор бешта давлатдан бири ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аъзоси эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Хитой қуролсизланиш жараёнида янада активроқ иштирок этишнинг имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланиб бўлгани йўқ.

Совет Иттифоқида хитой халқи мамлакат олдида турган муҳим вазифаларни қандай ҳал қилаётганини эътибор ва қизиқиш билан кузатишмоқда. Хитойдаги ислоҳот тажрибасининг аҳамияти фақат миллий ўзгартишлар доирасидан ташқарига чиқади ва, шак-шубҳасиз, социализм қурилиши ва уни такомиллаштириш практикасини жиддий равишда бойитади. Хўжалик юритишнинг форма ва методларининг кўпи бошқа социалистик мамлакатларда назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган ва қисман фойдаланилган. Совет кишилари Хитой Компартияси илгари сурган: мамлакатни модернизациялаш, истиқболда буюк халққа муносиб социалистик жамият қуриш мақсадини тушуниб, ҳурмат билан қабул қилмоқдалар.

СССР доимо Хитой Халқ Республикаси билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарафдори бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимизнинг резервлари жуда катта. «Бу резервлар жуда катталигининг сабаби шуки, — деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, — бундай ҳамкорлик иккала мамлакатнинг манфаатларига мос бўлиб тушади; яна бир сабаби шуки, халқларимиз учун энг азиз бўлган социализм ва тинчлик бир-биридан ажралмасдир».

Тошкентлик журналхон И. Йўлдошев редакцияга йўллаган хатида шундай деб ёзган: «Мен газеталарда В. И. Ленин номли ТошДУ билан Кобул университети илмий ҳамда маданий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузганлиги ҳақида ўқидим. Ана шу ҳамкорлик ҳақида, Кобулдаги университет ҳақида муфассалроқ ҳикоя қилиб берсангиз». Ушбу илтимосни қондирамиз.

КОБУЛ ДОРИЛФУНУНИ

1978 ЙИЛГИ Апрель революцияси зафар қозонганидан сўнг Афғонистон халқ демократик партияси (АХДП) ва Афғонистон Республикасининг революцион ҳукумати олдида мамлакатни феодализм, кашшоқлик ва қолоқлик кишанларидан қутқариб, янги жамият қуришдек мураккаб вазифа турди. Ана шу стратегик вазифани ҳал этишда аҳоли саводсизлигини тугатишга, халқ таълимининг янги системасини жорий этишга муҳим роль ажратилмоқда.

Олий ўқув юртларига келсак, сўнгги ўн йил уларни тубдан қайта қуриш ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш даври бўлди. Бироқ юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган системасини яратиш йўлида экономиканинг заифлиги, мамлакатда таълим ва маданиятнинг умуман паст даражадалиги, малакали ўқитувчилар йўқлиги, ички ва ташқи душманларга қарши муттасил бораётган курашдан иборат катта қийинчиликлар юзага келди.

Лекин шунга қарамай Афғонистон ҳукумати юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш учун база яратишга қаратилган бир қатор муҳим конкрет чоралар кўрди. Янги олий ўқув юртлари очилиши ва мавжудларини кенгайтириш биринчи галдаги вазифа эди. Олий мактаб эҳтиёжлари учун ажратиладиган пул маблағлари анча кўпайди. Таълимнинг кам самарали эски системасини бартараф этиш ва ўқитишнинг янги методларини жорий этиш борасида кўп иш қилинмоқда.

Революциядан кейинги йиллар давомида университет, икки институт ва мамлакат вилоятларининг марказларида ўнлаб филиаллар очилди. Шундай қилиб, ҳозир Афғонистонда 7 олий ўқув юрти — АХДП МК қошидаги Ижтимоий фанлар институти, Кобул ва Нангархар университетлари, Кобул политехника ва педагогика институтлари ва бошқа институтлар мавжуд. Мамлакат пойтахтидаги олий ўқув юртларининг ўзидагина ҳозир салкам 15 минг студент билим олмоқда.

Кобул университети («Похантуни Кобул») Афғонистондаги энг йирик олий ўқув юртларидан биридир. У 1946 йили очилган эди. Революциягача университет имтиёзли ўқув юрти бўлиб, асосан гуманитар маълумот берган. Ҳамма факультетлари тўла мустақилликка эга эди. Университетдаги таълим бериш системасида жиддий камчиликлар мавжуд эди. Ўқитувчилар составининг каттагина қисмини ғарб мамлакатларидан келган мутахассислар ташкил этарди. Чунончи, 1968 йили 624 ўқитувчининг 186 нафари чет эллик бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғи педагогика факультетида ишлаган. Туб ерли миллатлар вакилларидан университет учун ўқитувчилар тайёрланмас эди. Ғарблик мутахассислар томонидан интеллигенция орасида ғарбпараст қатламни ҳосил қилиш мақсадида афғон студентларига идеологик таъсир кўрсатиларди.

Апрель революциясидан сўнг Кобул университетида янги ҳаёт бошланди. Унинг эшиклари ёш республиканинг барча гражданлари учун кенг очиб қўйилди. Турли миллат, элат ва қабилаларга мансуб минглаб студентлар замонавий техника билан жиҳозланган дарсхона ва лабораторияларни тўлдирдилар. Ҳозир университетда 15 факультет бор. Иқтисод, филология факультетининг ҳамда ижтимоий фанлар факультетининг кечки бўлимлари очилди. Барча ўқув планлари ва программалари янгиланди. Ўқув адабиётининг миқдори беш баравар кўпайди. Студентлар сони эса 8 мингдан ошди. 1986 йили очилган журналистика факультетининг ўзидагина 400 киши ўқимоқда. Ўқитувчи ва студентлар аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш кампаниясида фаол иштирок этмоқдалар. Университет ташкил топган вақтдан бери уни 23 мингдан кўпроқ киши битирдики, уларнинг 13 минги революциядан кейин битирган.

1983 йили университет қошида тайёрлов бўлими очилди. Бу ерда тингловчилар икки йил давомида жадаллаштирилган программа бўйича ўрта мактаб курсини ўтадилар, сўнг улар конкурссиз мамлакатдаги исталган олий ўқув юртига киришлари мумкин. Тингловчилар ётоқхона, бепул овқат, стипендия билан таъминланадилар. Университет қошида ишчилар факультети ҳам бўлиб, унда афғон пролетариатининг навқирон намояндалари, давлат муассасалари хизматчилари, деҳқонлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот оладилар. Мамлакатда таълим системасининг демократиялаштирилиши туфайли илгарилари университетда ўқишни орзу ҳам қилолмаган ишчи ва деҳқонларнинг болалари эндиликда бу ерда инженер ёки агроном, ўқитувчи ёки врач ихтисослигини эгаллашлари мумкин. Студентлар орасида контрреволюционерларга қарши жангларда иштирок этган ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядларининг жангчилари, АХДП, Афғонистон ёшлари демократик ташкилоти, хотин-қизлар бутун Афғонистон кенгашининг кўпгина аъзолари бор.

Афғон мутахассислари билан бирга университетда Совет Иттифоқидан келган ўқитувчилар ҳам меҳнат қилмоқдалар. Улар мутахассисларни тайёрлаш ва ўқув жараёнини ташкил этиш билангина шуғулланиб қолмай, шунингдек кўргазмали қуроллар ҳам тайёрлаяптилар, илмий конференция ва симпозиумларни ўтказишда, ижтимоий-сиёсий ва оммавий спорт тадбирларида иштирок этмоқдалар, афғон ҳамкасблари билан бирга ўқитишни такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилмоқдалар. Университет ректори доктор Асадулло Ҳабиб шундай дейди: «Эксплуататорлик тузумидан мерос бўлиб қолган шароитда саноат заиф ривожланган, қишлоқ хўжалиги ғоят оддий усулларда олиб бориладиган, ахборот воситалари етарли бўлмаган бир шароитда совет педагогларининг афғон ёшларини замонавий фан, техника, маданият ютуқларидан баҳраманд қилишдаги, уларда табиат ва жамият ҳодисаларига нисбатан материалистик қарашларни қарор топтиришдаги, актив антиимпериалистик ва ватанпарварлик онгини тарбиялашдаги роли жуда каттадир». Совет ўқитувчилари студентларда халқлар ўртасидаги бирдамлик ва дўстлик туйғусини уйғотмоқдалар ва ривожлантирмоқдалар, уларни СССРдаги қайта қуриш билан, унинг планетамиздаги тинчлик ва хавфсизлик учун, мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик учун, бутун дунёда социал тараққиёт учун олиб бораётган кураши билан таништирмоқдалар.

1985 йил 28 апрелда В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети билан Қобул университети ўртасида 5 йил муддатга илмий ва маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Уларнинг ўзаро алоқалари ушбу шартнома асосида тузилган ва ҳар 2 йилда янгиланиб турадиган протоколда ўз аксини топган. Ўтган вақт ичида Тошкент университети Қобул университетининг кутубхонасига ТошДУ педагоглари томонидан ишлаб чиқилган салкам 400 номда илмий асар ва ўқув қўлланмаларини юборди. Ҳар йили бу ерда Қобул университетининг ўқитувчилари стажировкадан ўтадилар, уларнинг бир қисми турли ихтисосликлар бўйича аспирантурада таълим олади. Ўз навбатида ТошДУ ўқитувчилари Қобулдаги университетда ишламоқдалар. Ҳозирги вақтда иккала олий ўқув юртининг олимлари илмий тадқиқотларни биргаликда ўтказишга тайёрланмоқдаларки, бундан икки томон ҳам манфаатдордир.

Мамлакатда тинчликка тезроқ эришиш Афғонистондаги олий мактабни, шу жумладан Қобул университетини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

А. АБДУЛОВ, Д. АБДУЛЛАХЎЖАЕВА,
тарих фанлари кандидатлари.

РЕВОЛЮЦИОН ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА

ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЕТГАН китобда* партиянинг МК апрель (1985 йил) Пленумидан кейин шакллана бошлаган ва КПСС XXVII съездида, КПСС МКнинг ундан кейинги Пленумларида янада ривожлантирилган ва асосланган стратегик йўли КПСС ва Ўзбекистон Компартияси ҳужжатлари асосида анализ қилинган, қайта қуришни амалга оширишга доир мамлакатда авж олдирилган катта иш таърифланган. Бунда автор ушбу жараённинг мураккаб ва зиддиятли эканлигини кўрсатишга юзаки ёндашишдан кочишга интилган: материал баёнининг ўзи ана шу масалада қарор топган андозаларни дадилроқ бартараф этиш, эски одатлардан халос бўлиш зарурлиги ҳақидаги фикрга олиб келади (12, 13-бетларга каралсин).

Китобда реал социализмнинг назарий ва сиёсий проблемалари ҳамда мамлакатнинг 80-йиллардаги ривожланиши тадқиқ қилинган. Чунончи, «КПСС XXVII съезди ва КПСС Программасини ишлаб чиқишнинг баъзи бир методологик жиҳатлари» бўлимида янги таҳрирдаги партия Программасидаги давомийлик, уни қабул қилишнинг тарихан шартланганлиги ёритилади. Автор жамиятнинг коммунизм сари олға силжишидаги сифат жиҳатидан турлича босқичларни марксча-ленинча тушунишга таянган ҳолда партия XXVII съезди коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этиш йўллари ҳамда муддатлари ҳақидаги хато тасаввурларни бартараф этганини, КПСС МК январь (1987 йил) Пленуми эса мамлакатдаги ҳозирги вазиятнинг мураккаблиги ва зиддиятлилиги сабаблари қаторида социализм ҳақидаги назарий тасаввурлар жамият бутунлай бошқача вазифаларни ҳал қилган 30—40-йиллар даражасида сақланиб қолганлигини кўрсатганини таъкидлайди. Шу сабабли турғунлик даврида социализмга ленинча қарашлар юзаки талқин қилинган, уларнинг назарий теранлиги ва аҳамиятга моликлиги кўпинча саёзлаштирилган, авторитар мулоҳазалар эса фақат шарҳлашгина мумкин бўлган шак-шубҳасиз ҳақиқатларга айланган. Натижада совет жамиятининг ривожланиши хусусидаги ўз умрини тугатган, эскирган, бир қатор ҳолларда эса хато бўлган тасаввур ва қоидаларни, хулоса ва баҳоларни бартараф этиш илм-фаннинг долзарб эҳтиёжига айланиб қолди. Шу билан бир вақтда автор совет тарихини нуқул камчилик ва умидсизликлар занжири сифатида тасвирлашга йўл қўйиб бўлмаслик ҳақида огоҳлантиради, ҳозир амалдаги КПСС Программасида, шунингдек Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган ҳужжатларда мамлакатимизда социализм шаклланиши ва ривожланишининг тарихий марраларига реалистик баҳо берилганига эътиборни қаратади.

Асарда социализмни такомиллаштиришнинг мураккаб, диалектика жиҳатидан зиддиятли жараёни очиб берилган. СССРнинг 80-йиллардаги аҳволини илмий анализ қилиш социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва қайта қуриш объектив зарурат бўлиб қолганини ишонтирарли қилиб кўрсатяпти. Китобнинг тегишли бўлимларида совет жамиятидаги турғунлик ҳодисалари ҳақида, унинг экономикаси ва социал-маънавий соҳада айниқса 70-йилларда ва 80-йиллар бошида кучли намоён бўлган нохуш тенденциялар ҳақида тўғри методологик позициялардан туриб сўз юритилади. Автор ана шу маълум фактларни қайд этиш билан чекланмай, уларни юзага келтирган сабабларни кўрсатишга ҳаракат қилган: «Социалистик қурилиш ишининг янгилиги, одатдан ташқарилиги, мислсизлиги, ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган миқёслари, илгаридан қолган бирор бир тажрибанинг йўқлиги, капитализм даврида ўзини намоён этиш учун имкониятга эга бўлмаган миллионлаб меҳнаткашларнинг актив ижтимоий фаолиятга киришуви, — буларнинг бари қийинчилик ва зиддиятларнинг жуда катта мактабини ташкил этади» (26-бет). Лекин, деб таъкидлайди автор, ривожланишнинг аввалги босқичини танқидий баҳолаш КПССга совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини қайта қуриш учун стратегик йўлни ишлаб чиқиш имконини берган халқимизнинг шак-шубҳасиз ютуқларини инкор этишни англатмайди.

Китобда Ўзбекистон Компартияси МК XVI пленуми (1984 йил июнь), унинг XXI

---

* С. И. Гитлин. На переломном этапе. Ташкент, «Узбекистан», 1988, 160 с.

съезди ва МК кейинги пленумлари қарорлари асосида республикадаги салбий жараёнларнинг сарчашмалари, партия ташкилотларининг бу ерда тартиб ўрнатиш, вазиятни соғломлаштириш борасидаги амалий фаолияти кўрсатилган.

Юз бераётган ўзгаришлар муносабати билан партия ҳозир ҳаммани ва ҳар бир кишини ҳаяжонлантираётган: қайта қуриш нима, у қандай бораяпти, нималарга эришилди, нималарга ҳозирча эришилмади каби саволларга жавоб беришга интиляпти; амалга оширилаётган ўзгартишларнинг мураккаб ва қийин эканлигини яширмаяпти, уларни жадаллаштириш имконини берадиган резервларни қидириб топяпти. Юз бераётган воқеалар диалектикасига, унинг объектив логикасига чуқур кириб бориш, мавжуд реалликларни акс эттирувчи тўғри хулосалар чиқара олиш КПССга жамият бутун ҳаётини янгиламасдан, қайта қурмасдан туриб, мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришни тасаввур қилиб ҳам бўлмаслигини англаб етиш имконини берди. Натижада ушбу бир бутун икки стратегик вазифани комплекс ҳолда ҳал этиш хусусида ягона тўғри хулоса чиқарилдики, бу нарса туб ўзгаришларни кутаётган совет халқининг .умидларига жавоб берди. Энди партия учун энг асосийси — ана шу умидларни оқлашдир. КПСС XXVII съездининг, унинг МК кейинги Пленумларининг қарорлари партия қайта қуришни чуқурлаштиришга, мамлакатда бошланган революцион ўзгартишларга муқаррар тус беришга, белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун барча ишларни қилишга интилаётганини ишонтирарли тарзда кўрсатяпти.

Новаторлик руҳидаги қайта қуриш туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни олдинги ўринга чиқарди. Автор партия ва ҳукуматнинг ушбу йўналишда олиб бораётган ишини принципиал позициядан туриб баҳоларкан, республика олдида ҳам бутун мамлакатдагидек: хўжалик юритишдаги умрини тугатган формаларга тубдан барҳам бериш, меҳнат фаолиятининг барча жабҳаларида тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, самарадорлик ва сифатни жиддий оширишга қатъиян бурилиш каби бир хил вазифалар турганлигини таъкидлайди. Китобхон кўз ўнгида мамлакатдаги иқтисодий ва социал вазият манзараси, уни ривожлантириш истиқболи намоён бўлади.

«Коммунизмнинг кўриниб турган куртаклари» билан «капитализм қолдиқлари» ўртасидаги зиддият социализмдаги асосий зиддият эканлиги хусусидаги догматик даъво практикада зўраки қарорлар чиқаришга айланиб кетди. Ана шу қолдиқларга маъмурий-бюрократик раҳбарликни «чеклайдиган» барча нарса: колхоз-кооператив мулки, шахсий ёрдамчи хўжалик, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, товар ишлаб чиқариши ва товар-пул муносабатлари, бозор, фойда, хўжалик ҳисоби ва ҳоказолар киритилган эди. Шу муносабат билан автор томонидан СССР ва АҚШдаги меҳнат унумдорлигининг ҳолати, Совет давлатининг ташқи иқтисодий фаолияти, фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, нарх белгилашнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражасига таъсири ва ҳоказолар хусусида келтирилган материаллар эътиборга лойиқдир. Шу билан биргаликда китобда мамлакатда туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдаги дастлабки натижалар кўрсатилган. «Партия ва халқнинг куч-ҳаракатлари тормозлаш механизмининг асосий бўғинларини ташкил этадиган зиддиятларни бартараф этишга ва шу билан ижтимоий ривожланишга жадаллаштиришнинг кудратли ва енгилмас кучини бахш этишга йўналтирилган», деб таъкидлайди автор (89-бет).

Асарда совет экономикасининг ривожланиши социал йўналишда эканлиги таъкидланади. Назарий умумлашмалар, социал соҳадаги зиддиятли ҳодисалар анализи давомида совет кишиларининг моддий фаровонлигини ошириш программаси очиб берилади, адолат ва тенгликни марксистик тушуниш, салбий жараёнлар, тақсимот муносабатларидаги мавжуд проблемалар ёритилади. Чунончи, қолдиқ принципининг социал соҳадаги салбий оқибатлари анча муфассал қараб чиқилади, лекин унинг ахлоқий-этик пландаги зарари ҳақида етарлича сўз юритилмайди. С. И. Гитлин партия ва ҳукуматнинг тақсимот муносабатларини тартибга солишга доир тадбирлари хусусида мулоҳаза юритаркан, уларни ахлоқий-маънавий, социалистик турмуш тарзини ва социал адолат принципларини қарор топтириш проблемалари билан боғлашга интилади. Хусусан, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, корхоналарни ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи қоплашга ўтказиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан рационал фойдаланиш борасидаги тадбирларнинг мазмуни тушунтирилади.

Партиямизнинг В. И. Ленин асос солган: ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларига, кишиларнинг миллий ҳис-туйғуларига дахлдор бўлган ҳамма нарсага алоҳида сезгир ва эҳтиёткор бўлишдек анъанаси ошкоралик, жамият ҳаётининг барча томонларини қайта қуриш ва демократиялаш шароитида тобора катта аҳамият касб этиб бораяпти. Шу сабабли КПСС XXVII съездида кўтарилган социал проблемаларнинг кенг доирасида СССРда миллий муносабатларнинг ҳолати кўзга кўринарли ўринни ишғол қилганлиги бежиз эмас. Китобнинг махсус бобида партиянинг ана шу мураккаб ва айни бир пайтда нозик соҳадаги раҳбарлигига доир бой тажрибаси умумлашти-

рилган. КПСС МК апрель (1985 йил) Пленуми, партия XXVII съезди ва унинг МК кейинги Пленумларининг карорлари миллий проблематиканинг бутун спектрига янгича караш, миллий жараёнларнинг ривожланиш йўллари хусусидаги енгил-елпи тасаввурларга бархам бериш, субъективистик ва волюнтаристик харакатлар окибатида юзага келган проблемаларнинг сарчашмаларини изланишни бошлаш учун ёрдам берди.

Бўлимда мамлакат халк хўжалик комплексини ривожлантириш, ишлаб чикаришни оптимал тарзда ихтисослаштириш, мехнат ресурсларидан фойдаланиш, мехнаткашларнинг, айникса ёшларнинг интернационал ва ватанпарварлик тарбияси, икки тилликни кенг жорий этиш, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши, марказ карорлари билан махаллий ташаббуснинг ўзаро муносабати сингари миллий муносабатлар билан бевосита боғлик масалалар хам ёритилган. «Бошка республикалар каби, Ўзбекистон мисоли хам, — деб таъкидлайди автор, — ягона иттифокда республикалар ўз моддий ва маънавий ресурсларини бир бутун килиб бирлаштирганликларини ва уларнинг хар бири бутун мамлакат халк хўжалик комплексининг жуда катта потенциалига таяниш учун ноёб имкониятга эга бўлганлигини ишонтирарли тарзда кўрсатмокда. Кучларнинг шунчаки кўшилиши эмас, балки кўп маротаба кўпайтирилиши юз берди» (139-бет).

Партия XXVII съезди ўртага кўйган вазифалар динамикада, КПСС МКнинг съезддан кейинги Пленумлари карорлари билан узвий боғликликда, конкрет практика билан хамда умумиттифок ва махаллий материалнинг ўзаро оптимал нисбатини хисобга олган холда кўрсатилганлиги монографиянинг фазилатларидан биридир.

Албатта, хажман кичик китобда караб чикилаётган теманинг барча йўналишларини камраб олиш кийин. Шундай бўлсада автор, масалан, ундаги мавжуд бой материалдан мехнаткашларни, айникса ёшларни ахлокий тарбиялаш проблемаларини очиб бериш учун тўлик фойдалана олган деб бўлмайди. Бизнингча, туб иктисодий ислохот, жамиятни демократиялаш кафолати сифатида ошкораликни ривожлантириш, социалистик тузумнинг потенциал имкониятларини рўёбга чикариш масалаларига кенгрок ёндашув макбул бўларди. Китобда Ўзбекистон партия ташкилотларининг икки тилликни ривожлантиришга доир амалий фаолияти ўз ифодасини топмаган, уларнинг эскирган анъана ва урф-одатларга, диний саркитларга карши курашини муфассал анализ килиш эса асарнинг илмий ва амалий кимматини анча оширган бўларди.

Бизнингча, ана шу камчиликлар караб чикилаётган жараёнларнинг тугалланмаганлиги, жўшкинлиги билан, юзага келган проблемаларнинг янгилиги ва уларни хал этишнинг оптимал йўлларини изланиш билан анча даражада боғлик. Китоб кайта куришни чукурлаштириш бўйича ғоят мухим хужжатларни кабул килган КПСС XIX Бутуниттифок конференциясидан олдин нашр этилганлигини хам эътиборга олиш лозим. Шу вакт ичида партия юз бераётган революцион ўзгаришларни идрок этиш, совет жамиятини янгилашга доир конкрет чоралар кўриш борасида олға караб силжиди.

Умуман олганда С. И. Гитлин КПСС XXVII съездининг тарихий карорларини пропаганда килишга доир фойдали китоб яратишга муваффак бўлган. Баъзи бир ижтимоий фанлар бўйича янги дарсликлар хозирча йўк бўлган бугунги кунда бу китоб хозирги боскичдаги партия назарияси ва сиёсати проблемалари билан кизикувчи барча кишилар учун шубхасиз керакли кўлланма бўлади.

Х. ВОХИДОВ,
философия фанлари доктори,
А. Н. Островский номли
Тошкент театр ва рассомчилик
институти марксизм-ленинизм
кафедрасининг профессори.

Ш. ЖАЛИЛОВ,
халк депутатлари
Тошкент область Совети
ижроия комитети халк таълими
бошкармасининг бошлиғи,
юридик фанлар кандидати.

ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ ВА КАПИТАЛ КУРИЛИШ САМАРАДОРЛИГИ

ФАН-ТЕХНИКА тараккиётини жадаллаштириш асосида халк хўжалигини тубдан кайта куриш хамда экономиканинг самарадорлигини ошириш кўп жихатдан капитал курилишга боғликдир. Унда улкан моддий, мехнат ва молиявий ресурсларнинг жамланганлиги ушбу тармок самарадорлигини ошириш, бутун мамлакат хамда алохида-алохида иктисодий районлар кўламида инвестиция сиёсатини яхшилаш муам-

моларининг актуаллигини яна ҳам оширади. Тақриз қилинаётган китобда* шу муаммолар таҳлил қилинади.

Тармоқдаги реал аҳволни таҳлил қилишдан аввал методологик масалалар кўриб чиқилган. Муаллиф капитал қурилиш самарадорлигининг иқтисодий моҳиятини очиб берган, унинг мезонлари ва кўрсаткичлар системасини ишлаб чиққан ва шу асосда капитал маблағлар берадиган самарани аниқ баҳолаш юзасидан конкрет ҳисоб-китоб ишларини бажарган.

Э. Ҳ. Маҳмудов фикрича, капитал қурилиш учун самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш, айтайлик, саноатдагига нисбатан анча мураккаб вазифадир. Биз бу хулосага қўшиламиз, зеро бу билан муаллиф ҳам ўз зиммасига кўп нарсаларни олган. Бироқ, капитал қурилиш самарадорлигининг «мезони» ҳамда «умумлаштирувчи кўрсаткичлари» тушунчалари (унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) етарлича таърифлаб берилмаган. Капитал қурилишда банд бўлган контингент ўртача ойлик иш ҳақининг моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ходимлар ўртача ойлик маошларига нисбатан тармоқнинг миллий даромадга қўшадиган улушини белгилаш ҳам етарлича асосланмаган (28—29-бетларга қаралсин). Қурилишдаги ишлаб чиқариш самарадорлиги иқтисодий кўрсаткичлар группасини ажратганида ҳам муаллиф, бизнинг фикримизча, ҳар бир группа бўйича уларнинг қайси биридан ҳамда қандай фойдаланиш лозимлигини кўрсатиши керак эди.

Э. Ҳ. Маҳмудов аввалига капитал қурилиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун методологик ва методик асос тайёрлаб, кейин регионал иқтисодий база яратишда капитал қурилиш самарадорлигининг ролини кўрсатишга ўтади. Китобда Ўзбекистонда бу муҳим тармоқ ҳамда унинг моддий-техник негизининг ярим асрдан ортиқроқ даврдаги, айниқса кейинги 15—20 йил мобайнидаги ривожланиш йўли муфассал таҳлил қилинади, қурилиш комплекси фаолиятининг (территориал минтақа, иқлим шароитлари, маҳаллий хом ашё базаси, зилзила жиҳатидан хавфлилик, ер чўкиши, аҳоли, демак меҳнат ресурслари ўсишининг жадал суръатлари ва бошқалар каби) ўзига хос хусусиятлари ва унинг республика ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришдаги ижобий роли очиб берилади.

Муаллиф қурилиш индустрияси хусусида алоҳида тўхталади, унинг экономикаси ва ташкил этилишига юқорида айтиб ўтилган хусусиятларнинг кўрсатадиган таъсирини таърифлайди. Бугунги кунда хусусиятларнинг бутун комплексидан меҳнат ресурсларининг ўсиши жиддий равишда ажралиб туради. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда умумиттифоқ суръатларидан жадалроқ (СССР бўйича 1 процент бўлса, Ўзбекистонда 3 процентга яқин). Ушбу регионал омилнинг қурилиш ва бутун инвестиция сиёсати билан бевосита боғлиқлиги, деб ёзади муаллиф, энг аввало, иш билан яхши таъминланган районларда намоён бўлмоқда. Бу районларда ҳозирги кунда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг экстенсив методларидан — янги корхоналар, уларнинг филиаллари ва цехларини қуришдан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, саккиз йил мобайнида республикада 122 та саноат корхоналари, асосий завод ва бирлашмаларнинг 300 дан ортиқ филиаллари ҳамда цехлари қурилди (53-бетга қаралсин). Афсуски, китобда бу жараён инвестиция сиёсати самарадорлиги ва қурилиш тажрибаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинмаган. Сир эмаски, янги корхоналар ва филиалларнинг анча қисми кейинчалик иш билан етарли таъминланмаганди ва кутилган натижани бермаганди. Бу, шубҳасиз, экономикага сезиларли зиён келтирди.

Китобда қурилиш-монтаж ишларининг ўсиш суръатларига нисбатан қурилиш моддий-техника базасининг устун даражада ривожланиши зарурлиги таъкидланади (ўртача 1,3—1,4 баравар). Муаллиф кўрсатиб ўтганидек, регионда бу талабга ҳаммавақт ҳам риоя қилинмайди, бу капитал қурилиш самарадорлигининг пасайиши ва ундаги узилишларнинг асосий сабабларидан биридир (53—65-бетларга қаралсин).

Тармоқнинг моддий-техника базаси таркибида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутади. Муаллиф бу соҳадаги қатор ҳал қилинмаган муаммолар ва камчиликларга, айрим муҳим кўрсаткичларнинг бир-бирига мос келмаслигига эътиборни тортади. Чунончи, кўп йиллар давомида меҳнат унумдорлигининг ўсиши фонд билан таъминланиш суръатларидан орқада қолаётганлиги, фонд самарадорлигининг пасайиб кетаётганлиги, чиқарилаётган 1 сўмлик маҳсулотга кетаётган сарф-харажатларнинг ошиб бораётганлиги кўрсатиб ўтилади.

Кейинги пайтда кўпайиб кетган пудрат ва лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятларига муаллиф томонидан берилган баҳо ҳам эътиборга молик. Лекин бу тенденция билан бир вақтда, деб таъкидлайди у, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Аксинча, етарли асос бўлмаган ҳолда кўплаб қурилиш ташкилотлари майдалаштириб юборилди. Натижада регионал қурилиш устидан раҳбарлик қилиш мураккаблашиб кетди. Лойиҳалаштиришда ҳам муаммолар юзага келди: кўпинча қурилишлар учун ҳужжатлар иш-

* Э. Х. Махмудов. Эффективность капитального строительства (региональный анализ, проблемы и пути решения). Ташкент, «Фан», 1987, 127 с.

лаб чиқиш муддатлари чўзиб юборилади ва ўз вақтида етказиб берилмайди, шунингдек, инвестиция практикасида хато ва камчиликларга кўп йўл қўйиляптики, бу ишлаб чиқариш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қурилишнинг техника базасидан, асосан машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш ҳам долзарб масала. Қўл меҳнатини сиқиб чиқариш, муддатларни қисқартириш ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини ошириш ана шуларга боғлиқ. Техниканинг қурилишдаги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ижобий таъсирини кўрсатар экан, автор турли хил ишларни бажаришни механизациялашдаги қолоқликка ҳали ҳам барҳам берилмаганлигини, эҳтиёт қисмлар ва асосий машиналар, айниқса кичик механизация воситаларининг зарур комплектлари йўқлигини, чиқарилаётган техника эса доим ҳам Ўрта Осиёнинг иқлим шароитларига мослаштирилмаслигини таъкидлайди. Буларнинг ҳаммаси қурилиш самарадорлигини ошириш резервларидир.

Китоб бўлимларидан бирида тармоқдаги техник тараққиётнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Бунда шу нарса таъкидланадики, техник тараққиётга асосан меҳнатни моҳирона ташкил этиш ва тақсимлаш, куч ва ресурсларни жамлаш, ички ва тармоқлараро кооперацияни яхшилаш орқали эришиш «тадқиқот — ишлаб чиқариш» циклини анча қисқартиради (67-бетга қаралсин). Бу вазифа энг аввало фандан ишлаб чиқаришга ўтиладиган — техник тараққиёт моддийлашадиган соҳа — лойиҳалаштириш соҳасида амалга оширилади. Шунинг учун лойиҳалаш ва умуман қурилиш нафақат инвестиция жараёнининг ғоят муҳим «фазаси» сифатида, шунингдек маълум даражада техник тараққиётнинг «ифодаловчиси» сифатида ҳам намоён бўлади. Лекин фан-техника тараққиёти капитал қурилишга турли-туман меҳнат предметлари ва қуроллари, технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш системаси орқали ҳам таъсир кўрсатади. Китобда бу соҳада эришилган ютуқлар, шу жумладан чет эл тажрибаси ҳам кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, фан ва техниканинг тармоқда кучайиб бораётган ролини характерлаб берувчи маълумотлар кам келтирилган.

Китобда қурилишдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг концентрациялаш, ихтисослаштириш, комбинациялаш, кооперациялаш каби формаларининг самарадорлигини ошириш масалалари фан-техника тараққиёти нуқтаи назаридан қараб чиқилади (79—87-бетларга қаралсин). Лекин муаллиф негадир ихтисослаштириш ва концентрациялаш усулларини таҳлил қилишга кўпроқ ўрин берган. Ваҳоланки, кооперациялаш ва комбинациялашда қурилиш самарадорлигини оширишнинг катта резервлари мавжуд. Масалан, уй-жой муаммосини ҳал этишда уйсозлик комбинатларининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида тўхташ керак эди.

КПСС XXVII съездининг «бошқаришда тарқоқлик ва босқичликка барҳам бериш, марказлаштириш билан иттифоқдош республикалар маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда масъулиятларини оширишни мақбул уйғунлаштириш керак» деган кўрсатмаси асосида китобда регионал қурилишни бошқаришнинг самарали системасини яратиш масаласи кўриб чиқилади. Автор ўз тадқиқотлари асосида Ўзбекистонда қурилишни бошқаришнинг ташкилий структураси ҳали ҳам умумиттифоқ структурасидан деярли фарқ қилмаслигини аниқлади. Бошқарувдаги ва хўжалик юритишдаги кўп бўғинлилик, маҳкамачилик усуллари параллелчиликка, такрорланишга олиб келди, бунинг натижасида кўплаб майда қурилиш-монтаж ташкилотлари пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ҳамда уларни бошқариш самарасини анча камайтириб юборди.

Шундай қилиб, деб таъкидланади китобда «бошқариш системаси ва хўжалик механизми умуман олганда ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширишга етарли даражада таъсир эта олмади, бунинг оқибатида республиканинг кўплаб пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотлари учун қурилиш муддатлари нормасини, смета харажатларини ҳамда қурилаётган объектлар таннархини ошириш, фойда ўрнига зиён кўриш одат тусига кириб қолди» (90—91-бетларга қаралсин). Фойда коллективларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишлари учун ҳал қилувчи манбага айланган шароитда қурилиш индустриясининг техник жиҳатдан қолоқ ва норентабел корхоналари ҳамда ташкилотлари нафақат тармоқнинг, балки бутун халқ хўжалиги экономикасининг ривожланишига тўсқинлик қилади, деган хулоса ишонарлидир (93-бетга қаралсин).

Регионда қурилишни бошқаришнинг кўп йиллар давомида юзага келган системаси самараси пастлигининг бошқа сабабларини ҳам очиб берар экан, муаллиф уни яхшилаш юзасидан таклифлар киритади. Чунончи, капитал қурилиш вазифаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ҳамда самарали инвестиция сиёсати ва қурилишдаги ишлаб чиқаришни бошқаришнинг мақбул системасини тузишда республиканинг янги ташкил этилган Госстройи ролини оширишни таклиф қилади.

Кўтарилган масалаларни омилкорлик билан таҳлил қилар экан, Э. Х. Маҳмудов регионда уларни ҳал этиш даражасини кўрсатиб беради ҳамда уларни бажариш юзасидан конкрет тавсиялар киритади. Масалан, капитал қурилиш самарадорли-

гини ошириш йўлларини қараб чиқар экан, у энг аввало тармоқдаги планлаштиришнинг илмий савиясини ошириш, капитал маблағларни ишлатиш технологияси ва такрор ишлаб чиқарувчи структурасини яхшилаш, лойиҳалаштириш ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлигини ошириш зарурлигини таъкидлайди (96—121-бетларга қаралсин).

Шу билан бирга капитал маблағлар такрор ишлаб чиқарувчи структурасини такомиллаштириш, экономикани ривожлантиришнинг жадаллаштирувчи омиллари кучайиб бораётганлиги муносабати билан энг муҳим йўналишларини танлаш, мавжуд ишлаб чиқаришни планлаштириш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш, реконструкция иштирокчилари манфаатдорлигини кучайтиришга хизмат қиладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бошқа масалаларга муфассал тўхталганда мақсадга мувофиқ бўлур эди. Республикада лойиҳалаштириш ишларини такомиллаштиришга алоқадор материалларни кенгроқ очиб, чуқурроқ асослаб бериш керак эди.

Муаллиф нафақат планлаштиришнинг аҳамиятини, шунингдек ишлаб чиқариш программалари билан мавжуд қувватлар ўртасидаги номутаносибликни, план билан уни бажариш ўртасидаги узилишларни ҳамда мувозанатни бузувчи ва инвестиция жараёнидаги изчилликка тўсқинлик қилувчи бошқа жиҳатларни ҳам кўрсатиб беришга муваффақ бўлган. Бироқ планлаштиришни такомиллаштириш юзасидан китобда аниқ тавсиялар берилмаган.

Масалан, «орқа томон»ни тафтиш қилиш юзасидан берилган таклифнинг моҳияти унчалик тушунарли эмас (97-бетга қаралсин), у нима беради, капитал қурилишни планлаштиришни асослаб беришни кучайтиришда унинг роли нимадан иборат? Қурилиш муддатлари ва смета қиймати нормаларига риоя қилишда пудрат ташкилотларининг масъулиятини ошириш юзасидан киритилган муҳим таклиф (99-бетга қаралсин) бу вазифани ҳал этишнинг конкрет йўллари билан мустаҳкамланмаган. Бундан ташқари, планлаштиришнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилиш билан бирга, уни янада такомиллаштириш имкониятларини очиб бериш ҳам ғоят катта аҳамиятга эга.

Китобда таҳрирга ва ҳисоблаш-таҳлилга оид ҳамда бошқа бир қатор камчиликлар мавжуд. Масалан, 54-бетда Ўзбекистон ССР қурилиш материаллари саноатига 1970—1985 йилларда 1,4 миллиард сўм сарфланганлиги кўрсатилади. Бундай миқдорда уларнинг ўртача йиллик ҳажми 1971—1975 йиллардаги 78 миллиард сўмдан 1981—1985 йилдаги 91 миллиард сўмгача кўпаймаган бўлур эди. 85-бетда ҳам айни шундай хатога йўл қўйилган. Унда бир йиллик иш ҳажми 18—50 миллион сўм ва ундан ҳам кўп бўлган трестлар улуши 10 процентдан сал кўпроқни ташкил этади дейилган. Ваҳоланки, 84-бетда келтирилган маълумотларга кўра бу рақам 37,4 процентни ташкил этади.

Бу хатолар тақриз қилинаётган китоб мазмунига салбий таъсир этмайди, албатта. У ҳам назарий, ҳам хўжалик практикаси нуқтаи назаридан қизиқарли ва фойдалидир.

В. СААКОВ,

иқтисод фанлари доктори,
Ўзбекистон ССР Госпланининг
илмий-техника ахбороти
ва техник-иқтисодий тадқиқот
илмий-тадқиқот институти директори.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назария — 32-58-65; партия ва совет жамиятн тарихи — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иқтисодий проблемалар — 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 9.02.1989 й. Босишга рухсат этилди 14.03.1989 й. Формати 70×108¹/₁₆.
Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар 8,6
Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 24859. Нашр № Б-51. Заказ № 246. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

Индекс 75399

ISSN 0134—2193

«Ўзбекистон коммунисти» № 3. 1—96

Uzbekiston kommunisti AFR/ME

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

4

АПРЕЛЬ

1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 4
АПРЕЛЬ
1989 йил

1920 йил декабридан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

Партия конференцияси миллий сиёсатнинг ленинча нормалари ва принципларини сабот билан қарор топтириш ва ижодий ривожлантиришни, уларни сунъий қолдиқлар ва бузишлардан қатъиян халос этишни тарихий аҳамиятга молик вазифа деб ҳисоблайди.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюциясидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1989 йил 15—16 март кунлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилди.

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида.

2. Партиянинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида.

Пленумда КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодлар ҳозир бўлдилар.

КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг раиси В. А. Коптюг биринчи масала юзасидан ахборот берди. Бу ахборот матбуотда эълон қилинди.

Сўнгра овоз беришга киришилди, унда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, шунингдек, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари ҳамда Министрлар Советларининг Раислари, министрлар, КПССнинг марказий органлари составига кирмаган, аммо сайлаб қўйиладиган бошқа партия органларининг аъзолари бўлган ҳарбий округларнинг қўмондонлари қатнашдилар.

Яширин овоз бериш натижасида номзодларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари этиб сайландилар.

Пленум КПССдан СССР халқ депутатларига наказлар тўғрисида қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партиянинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисидаги масала юзасидан доклад қилди. Ушбу масалани муҳокама қилишда қатнашиш учун Пленумга қишлоқ райкомлари секретарларидан, колхоз раисларидан, совхоз директорларидан, ижарачилар, олимлардан ҳамда агросаноат комплексининг бошқа ходимларидан бир группаси таклиф этилган.

Пленум қатнашчиларига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, КПСС XXVII съезди билан XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларидан келиб чиқиб тайёрлаган партия аграр сиёсати масалаларига доир ҳужжатларнинг лойиҳалари билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти берилди.

М. С. Горбачев доклади юзасидан музокараларда: КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари В. И. Потапов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, Украина ССРдаги Киров номли колхоз раиси Д. К. Моторний, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-М. К. Бразаускас, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, ВАСХНИЛ академиги, Украина ССР Фанлар академияси Экономика илмий тадқиқот институтининг директори И. И. Лукинов, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари Ю. И. Литвинцев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский, СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари Н. И. Мальков, Ўзбекистон Компартияси Марка-

зий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. В. Власов, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари И. С. Болдирев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Маҳкамов, Қозоғистон ССРдаги Омонгелди номли совхоз механизатори Н. В. Геллерт, «Октябрь» журналининг бош редактори А. А. Ананьев, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вяляс, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Гринцов, Ростов областидаги «Путь Ленина» колхозининг механизатори, мураббий — мастери Н. В. Переверзева, СССР минерал ўғит ишлаб чиқариш министри Н. М. Ольшанский, Иттифоқ колхозлар кенгашининг раиси, Москва областидаги Владимир Ильич номли колхоз раиси И. И. Кухарь, ВАСХНИЛ президенти А. А. Никонов сўзга чиқдилар.

Музокараларнинг охирида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенг қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари — Владимир Ильич номли Москва электр-механика заводининг йўнувчи-токари В. П. Тихомиров, Харьков шаҳридаги «Малишев номли завод» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. А. Петров, «Мосстрой» лойиҳа-қурилиш бирлашмаси комплекс бригадасининг бошлиғи В. А. Затворницкий, «Ленинград металл заводи» трубасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесарларининг бригадири В. С. Чичеров, В. И. Ленин номли Кострома зиғир тола комбинатининг тўқувчиси В. Н. Плетнева, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат — Ленинград областидаги «Детскосельский» совхозининг сабзавоткор бригадири В. Р. Паршина, КПСС Марказий Ревизия комиссияси аъзоси — Кишиневдаги «Зориле» пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси В. С. Одобеску ва бошқа ўртоқлар КПСС Марказий Комитети аъзоси Б. Н. Ельциннинг баъзи нутқ ва мақолаларини муҳокама этиб уларга баҳо бериш тўғрисидаги таклифни киритдилар. Уларнинг фикрича, ана шу нутқ ва мақолалар Марказий Комитетнинг сиёсий йўл-йўриқларига, партиявий ахлоқ-одобга ва КПССнинг Устав нормаларига зиддир.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг аъзоларидан иборат составдаги комиссияга ушбу масалани эътибор билан ўрганиб чиқишни ҳамда ўз хулосаларини КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига маълум қилишни топширишни зарур деб топди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1989 йил 15 мартдаги ҚАРОРИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСНДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИГА НАКАЗЛАР ТЎҒРНСИДА

1. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатларига берилган умумий наказ деб билинсин.
2. КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодлар билан сайловолди учрашувларида коммунистлар ва меҳнаткашлар киритган конкрет таклифлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатларига наказлар (илова қилинади) сифатида СССР Олий Советининг кўриб чиқиши учун топширилсин.
3. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетлари КПССдан СССР халқ депутатлари билан биргаликда депутатликка номзодлар билан учрашувларда коммунистлар ҳамда партия активлари айтган, меҳнат коллективларида ва матбуотда билдирилган ҳамда маҳаллий органларнинг ҳуқуқ доирасига кирадиган истаклар ва танқидий мулоҳазаларни рўёбга чиқариш чораларини кўрсинлар.

КПССДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИДА АЙТИЛГАН НАКАЗЛАР

СИЁСИЙ СИСТЕМАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетнинг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномаси қоидаларига амал қилиб, КПССнинг совет халқининг сиёсий авангарди сифатидаги обрў-эътибори муттасил оширилсин, ҳокимият олий органида партиянинг йўли қатъият билан ўтказилсин.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг партия ва давлат органлари вазифаларини аниқлашга ҳамда Советларнинг қуйидан юқоригача тўла ҳокимиятини қайта тиклашга қаратилган [illegible] йўриқлари амалда рўёбга чиқарилишига эришилсин.

Давлат ҳокимиятининг янги составдаги олий органида ишлаб чиқилаётган сиёсий, социал-иқтисодий, давлат-ҳуқуқий ва бошқа программаларни, уларни рўёбга чиқариш йўллари ва қандай амалга оширилаётганлигини муҳокама қилиш чоғида кенг ошкоралик таъминлансин. Социал адолат принципи бузилишига олиб келиши мумкин бўлган қонунлар қабул қилинишига йўл қўйилмасин. Давлат ҳокимиятининг олий органида интизом ва тартибни, гражданларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини мустаҳкамлаш масалалари янада қатъийроқ ўртага қўйилсин.

Референдум тўғрисидаги Қонун ишлаб чиқилсин. Давлатнинг энг муҳим қарорлари референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинсин.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисидаги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жадаллаштирилсин. Қонунда маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш, жумладан, уларга ер ажратиш масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини бериш кўзда тутилсин.

Ёшлар, матбуот ва ошкоралик тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жадаллаштирилсин.

Миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга, Совет давлатининг Иттифоқ ва автоном тарздаги ҳуқуқий қоидалари ва иқтисодий негизларини ишлаб чиқишга, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг статуси, ҳуқуқ ва бурчларини белгилашга давлат позицияларидан туриб кўмаклашилсин.

Кичик халқлар муаммоларини сиёсий ҳал этишга доир таклифлар киритилсин ва бу таклифларда ана шу халқларнинг қонуний манфаатлари тўла ҳисобга олинсин ҳамда улар истиқомат қиладиган районларда уларнинг анъанавий турмуш тарзи ва фаолияти сақлаб қолиниши гарантиялансин.

Сайлов практикасини такомиллаштириш давом эттирилсин.

ССР Иттифоқи бирлиги мустаҳкамлансин. Закавказьеда, Болтикбўйида ва мамлакатнинг бошқа районларида миллатлараро вазиятни нормаллаштиришга, душман, миллатчи унсурлар фаолиятининг, уларнинг кўп миллатли давлатимиз бирлигига путур етказиш йўлидаги уринишларининг пайини қирқишга қаратилган самарали чоралар кўрнлсин.

Миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, оилани мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилсин, ичкиликбозлик ва алкоголизмга, гиёҳвандликка қарши курашга эътибор кучайтирилсин.

Танқидни бўғувчиларга қарши курашда Совет органларининг фаолиятини активлаштиришга, конкрет камчиликларни аниқлашда муросасиз кишиларни ҳимоя қилишда уларнинг принципиаллиги ва активлигини оширишга эришилсин.

Расмиятчиликка қарши кураш кучайтирилсин, меҳнаткашлар кимнинг устидан шикоят қилиб хат ёзган бўлишса, хатларни ана шу кишиларнинг кўриб чиқишига йўл қўйилмасин.

Жамоат ташкилотларининг иш савиясини оширишга, уларнинг қайта қуриш ғояларини қўллаб-қувватлаш, халқ манфаатлари йўлидаги ташаббускорлигини ривожлинтиришга кўмаклашилсин.

Ташаббускор жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларини тузиш, рўйхатга олишни ва уларнинг фаолияти тартибини белгилаб берувчи қонунни қабул қилиш жадаллаштирилсин, уларнинг ҳуқуқий статуси аниқлаб берилсин. Жамоат ташкилотларида сайлаб қўйиладиган лавозимлардаги ходимлар социал жиҳатдан ҳимоя қилинсин.

Товарлар тақсимланиши устидан ишчи контроли фаолроқ жорий этилсин.

Порахўрликни таг-томири билан тугатишга қаратилган Қонун қабул қилинсин.

Маъмурий органларнинг иш сифати яхшилансин. Мамлакатда жиноятчиликка қарши кураш кучайтирилсин, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, биринчи галда милиция ходимларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши таъминлансин.

Олинган маълумот даражасига мувофиқ олий маълумотли кишиларни ишга янада тўлароқ жалб этишнинг ҳуқуқий механизми ишлаб чиқилсин.

Ота-оналарнинг болалар тарбияси учун жавобгарлиги қонун йўли билан конкретлаштириб берилсин.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Экономикани социал соҳага йўналтириш йўли қатъият билан ўтказилсин, совет кишилари учун ҳаётий муҳим масалаларни, биринчи навбатда уй-жой шароитини яхшилаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва хизматлар билан таъминлаш, саломатликни муҳофаза қилиш масалаларини амалий ҳал этишга кўпроқ эътибор берилсин. Социал соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, социал-маданий объектлар қуриш планларини бажаришга, уларни зарур материал ресурслар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилсин

Аҳоли турли категорияларининг кун кечириш учун сарфланаётган энг кам маблағи билан реал даромадлари ўртасидаги нисбат мунтазам контрол қилиб турилсин. Аҳолининг кам таъминланган табақаларига ёрдам кенгайтирилсин, даромадлари паст даражада бўлган оилаларнинг фарзандларига нафақалар кўпайтирилсин.

Пенсия таъминоти тўғрисидаги янги Қонунни қабул қилиш жадаллаштирилсин. Пенсионерлар меҳнатидан фойдаланиш ва уларнинг иш ҳақидаги чеклашларни бекор қилиш тўғрисидаги масала ҳар томонлама ўрганиб чиқилсин. Колхозчиларнинг пенсия таъминотида мавжуд нотенглик бартараф этилсин. Доимий ёрдамга муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерлар ва инвалидларнинг турмуш шароити яхшилансин, улар учун кўпроқ интернатлар қурилсин.

Меҳнаткашларнинг меҳнат ва дам олиш шароитини яхшилаш масалаларига эътибор кучайтирилсин, ишчиларнинг отпуска муддатини узайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланилсин.

Хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларни тунги сменаларда ишлашдан озод қилишга доир комплекс тадбирлар ишлаб чиқилсин, бола туғилганидан кейинги ҳақ тўланадиган отпуска муддатини узайтириш кўзда тутилсин. Хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар рўйхати кенгайтирилсин. Кўп болали оналарнинг турмуш ва иш шароитлари яхшилансин. Ҳалок бўлган жангчиларнинг ота-оналари ва беваларига кўпроқ ғамхўрлик қилинсин.

Нарх белгилаш сиёсатини ишлаб чиқишга эътибор билан ёндашилсин, бунда истеъмолчилар манфаатлари устун бўлишига амал қилинсин. Чакана нарх ислоҳоти бозорни саноат моллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла-тўкис таъминлашга боғлиқ тарзда ўтказилсин.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишга, соғлиқни сақлашнинг моддий базасини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилсин. Кичик медицина ходимлари иш ҳақини кўпайтириш тўғрисидаги масала ўртага қўйилсин. Аҳолини, айниқса, уруш ва меҳнат ветеранларини дори-дармонлар билан таъминлаш масаласи тўла ҳал этилсин.

Халқ таълимига харажатлар кўпайтирилсин. Мактабларда ўқитиш даражаси оширилсин. Педагогика олий ўқув юртларига студентларни танлаб олиш яхшилансин. Умумий таълим мактабининг устави қайта ишлаб чиқилсин.

Ҳамма жойда туб иқтисодий ислоҳот амалга оширилиши таъминлансин. Мамлакатни молиявий соғломлаштириш, давлат бюджети камомадини тугатиш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш программаси ишлаб чиқилсин. Шу мақсадларга гражданларнинг меҳнат жамғармалари жалб этилсин, корхоналарнинг бюджет билан ўзаро муносабатлари системаси такомиллаштирилсин, ижара муносабатлари ривожлантирилсин. Министрликлар ва идоралар аппаратини сақлашга харажатлар қисқартирилсин, уларнинг состави функциялари аниқлансин. Ана шу харажатлар тармоқ ишининг хўжалик ҳисоби натижаларига боғлиқ қилиб қўйилсин.

Барча регионларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожланишига қўшадиган ҳиссасини ошириш ва барча регионлардаги аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида регионал хўжалик ҳисоби масалаларини қонун йўли билан ҳал этишга эришилсин.

Кенг кўламдаги халқ хўжалик программаларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш, уларни техникавий-иқтисодий асослаш ва эксперт йўли билан баҳо бериш таъминлансин. Мамлакат машинасозлигини ривожлантириш жадаллаштирилсин, унинг устун йўналишлари жаҳон ютуқлари даражасигача етказилсин, жумладан шимолда ишлатиладиган автотранспорт, қурилиш ва йўл техникаси, кон проходка машиналарининг замонавий намуналарини ишлаб чиқиш жадаллаштирилсин.

Енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари устун даражада ривожлантирилиши, шунингдек ана шу тармоқларни техника билан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган программаларини рўёбга чиқариш таъминлансин.

Илғор фан ютуқлари асосида янги техника яратиш ва ишлаб чиқаришни жадал ўзлаштиришни таъминловчи илмий-ишлаб чиқариш структураларини вужудга келтиришга оид конкрет таклифлар киритилсин.

Ресурсларни тежашга ва иккиламчи материаллардан фойдаланишга кўпроқ эътибор қаратилсин. Пахта толасидан янада оқилона фойдаланиш тадбирлари

ишлаб чиқилсин. Технология мақсадлари учун газламалар ишлаб чиқаришда уни қўлланиш қисқартирилсин.

Агросаноат комплексида иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуришга, қишлоқда шаҳардан қолишмайдиган турмуш ва меҳнат шароитини яратишга эришилсин. Қишлоқни социал ривожлантиришга, у ерда шинам уйлар, медицина, савдо, маиший ва хизмат объектлари қуришга, ташландиқ қишлоқлар ва посёлкаларни қайта тиклашга оид тадбирлар қатъият билан амалга оширилсин.

Хўжалик масалаларини ҳал этишда, пул маблағларини тақсимлашда колхозлар ва совхозлар мустақиллигини кенгайтиришга кўмаклашилсин. Колхозлар ва совхозлар оладиган фойдадан юқори ташкилотларга пул ажратиш тартибга солинсин. Қишлоқ хўжалик техникасини улгуржи сотишга ўтиш тезлаштирилсин.

Саноатнинг қишлоқ хўжалигига етказиб берадиган техника ва минерал ўғит нархини арзонлаштириш ҳамда сифати ва истеъмол характеристикаларини оширишни рағбатлантирадиган иқтисодий механизм вужудга келтирилишига эришилсин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотига ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган моддий-техника ресурсларига, бинокорлик материалларига нарх белгилаш системаси такомиллаштирилсин.

Фан ютуқларини қишлоқ хўжалик практикасига кенг жорий этишга кўмаклашилсин.

Зарар кўриб ишлайдиган ва кам рентабелли колхоз ҳамда совхозларда қолоқликни бартараф этишга оид комплекс ташкилий, иқтисодий, техникавий тадбирларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилсин ва амалга оширилсин.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик районида маҳсулотнинг нобуд бўлишини камайтириш мақсадида уни қайта ишлайдиган ихтисослаштирилган базалар ташкил этишга эришилсин.

Ленинча принциплар — қишлоқ матлубот кооперацияси қатнашчиларининг ихтиёрийлиги, моддий манфаатдорлиги, бошқарув демократизми асосида уни қайта тиклаш программасини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш таъминлансин. Матлубот кооперацияси озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда қишлоқ аҳолисининг колхозлар, совхозлар ва агросаноат комплекси бошқа корхоналарининг манфаатдор шеригига айлантирилсин.

Ижара тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш жадаллаштирилсин. Ижарачилар ишлаши учун шарт-шароит яратишга эътибор кучайтирилсин. Уларни улгуржи савдо орқали техника билан таъминлаш тўғрисидаги, ижарачилар банки ҳисоб счетлари очиш тўғрисидаги масала ҳал этилсин.

Шаҳар ва қишлоқларнинг оталик муносабатларини иқтисодий шартномавий негизга ўтказишга кўмаклашилсин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига аниқ мақсадни кўзлаб эътибор берилсин, бу йўлда фундаментал илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришга ва зарур қонун актлари қабул қилишга фаол кўмаклашилсин, атроф-муҳитни булғатишда айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилсин. Комплекс экология программасини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш жадаллаштирилсин. Агросаноат комплекси тармоқларини экологик жиҳатдан соф маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказишга, чиқиндисиз, табиат учун зарарсиз технологияларни жорий этишга ўтказишга эришилсин. Регионал экологик вазиятларни ҳисобга олиб, деҳқончиликда химиявий воситаларни ишлатишнинг йўл қўйиш мумкин бўлган нормалари тўғрисидаги низом мамлакат микёсларида ишлаб чиқиш зарур деб топилсин, табиатдан фойдаланишнинг хўжалик ҳисоби методлари белгилансин.

МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИ ВА ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Коммунистик партия ва Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда фаол иштирок этилсин.

Афғонистондан қайтмаган совет ҳарбий асирларини озод қилиш учун СССР Олий Совети ва имкони бўлган бошқа йўллар орқали актив иш олиб бориш давом эттирилсин.

Мамлакат мудофааси тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилсин, СССР Қуролли Кучлари шахсий составининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қонунлар кодекси яратилсин.

Мудофаа мақсадларига харажатларни белгилашда оқилона етарли даражада бўлиш принципларига амал қилинсин. СССР Олий Советида мудофаа масалалари билан шуғулланувчи махсус комиссия тузилиб, унга, жумладан ҳарбий эҳтиёжлар учун маблағ сарфланиши устидан контрол ўрнатиш вазифаси топширилсин.

Мудофаа саноатини конверция қилиш программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўлга қўйилсин. Бунда бўшаб қолган ишлаб чиқариш қувватларидан биринчи навбатда қайта ишлаш индустриясини, агросаноатни, енгил саноатни техника билан қайта жиҳозлаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун фойдаланилсин.

СССР Қуролли Кучлари қисқартирилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағларнинг бир қисми қўшинларни техника билан жиҳозлашга, ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш билан бевосита боғланган офицерларни пул билан таъминлашни кўпайтиришга сарфлансин. Ҳарбий хизматчиларнинг рафиқаларига имтиёзлар кенгайтирилсин.

Ҳарбий хизматчиларнинг социал жиҳатдан ҳимоя қилиниши тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилсин. Мажбурий ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг машқ йиғинларини, сафарбарлик тадбирларига ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиб туришни такомиллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилсин.

Олий ўқув юртларининг қатнаб ўқийдиган (кундузги) бўлимлари студентларини ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш муддати кечиктирилсин.

Қурилиш ҳунар-техника билим юртларининг битирувчилари ихтисоси бўйича кўникма ҳосил қилиш учун одатдагидек, қурилиш қўшинларига хизматга юборилсин. Уларга билим юртини тамомлагандан кейин бир йил муддат билан ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имконияти берилиши кўриб чиқилсин.

КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг ахбороти

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИДАН СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ПАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1989 йил 15 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленумида КПССдан СССР халқ депутатлари сайлови бўлди.

Сайловда КПСС Марказий Комитети Пленумининг 641 қатнашчиси ёки 96,1 проценти иштирок этди.

Қуйидаги коммунистлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари этиб сайландилар:

Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми Депутатнинг лавозими, иш ва яшаш жойи	Берилган овозлар сони	
	ёқлаб	қарши
АБАЛКИН Леонид Иванович, СССР Фанлар академияси экономика институтининг директори, Москва шаҳри	609	32
АБУЛАДЗЕ Тенгиз Евгеньевич, «Грузия-фильм» киностудиясининг постановкачи-режиссери, Тбилиси шаҳри	637	4
АВЕРКИН Владимир Николаевич, 1-мактаб-интернат директори, Новгород шаҳри	641	йўқ
ОДИЛОВ Владимир Тўйчиевич, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токарлари бригадири, Тошкент шаҳри	641	йўқ
АЙТМАТОВ Чингиз, ёзувчи, Қирғизистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси, «Иностранная литература» журналининг бош редактори, Фрунзе шаҳри	626	15
АЛЕКСЕЕВА Лидия Михайловна, Курск область Дмитриев районидаги «Серп и Молот» колхози партия комитетининг секретари	641	йўқ
АФАНАСЬЕВ Виктор Григорьевич, «Правда» газетасининг бош редактори, Москва шаҳри	603	38
БАКЛАНОВ Олег Дмитриевич, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳри	639	2
БАРИШНИКОВ Иван Антонович, СССР 50 йиллиги номли Волжск автомобиль заводининг разметкачиси, Куйбишев области	641	йўқ

Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми Депутатнинг лавозими, иш ва яшаш жойи	Берилган овозлар сони	
	ёқлаб	қарши
БЕЙШЕКЕЕВА Зайна, Қирғизистон ССР Иссиккўл областидаги Жетиўғиз давлат ихтисослаштирилган хўжалигининг бош чўпони	641	йўқ
БЕЛОВ Василий Иванович ёзувчи, РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Вологда шаҳри	635	6
БИККЕНИН Наиль Бариевич, «Коммунист» журналининг бош редактори, Москва шаҳри	636	5
БОРОДИН Николай Васильевич, Чита область Шилка районидаги «Первое Мая» колхози правлениесининг раиси	641	йўқ
ВАГИН Михаил Григорьевич Горький область Ковернино районидаги В. И. Ленин номли колхоз правлениесининг раиси	639	2
ВАЛЕЕВА Зуҳра Сибгатовна, Уфа йирик панелли уйсозлик лойиҳа-қурилиш бирлашмаси 3-қурилиш бошқармаси бўёқчилари бригадири. Уфа шаҳри	641	йўқ
ВАСИЛЬЕВ Иван Афанасьевич, ёзувчи, Псков области	638	3
ВЕЛИХОВ Евгений Павлович, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Москва шаҳри	633	8
ВОРОБЬЕВ Николай Николаевич, Псков областидаги Питалов район партия комитетининг биринчи секретари	641	йўқ
ГВОЗДЕВ Владимир Матвеевич, «Южкузбассуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Распадская» шахтаси комплекс механизациялаштирилган бригадасининг бошлиғи, Кемерово области	641	йўқ
ГЕРМАН (Гранин) Даниил Александрович, ёзувчи, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Ленинград шаҳри	615	26
ГОЛУБЕВА Валентина Николаевна, Иваново ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Иваново шаҳри	637	4
ГОНЧАР Александр Николаевич, Мотоўқчи полк партия комитетининг секретари, Ленинград ҳарбий округи	640	1
ГОРБАЧЕВ Михаил Сергеевич, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси, Москва шаҳри	629	12
ГРОМОВ Виктор Иванович, В. И. Ленин номли Верхне-Салда металлургия ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари, Свердловск области	640	1
ГУЛОВА Зулайҳо Соҳибназаровна, Тожикистон ССР Орджоникидзеобод районидаги «Партия XXII съезди» колхози далачилик бригадасининг бошлиғи	641	йўқ
ЕРОХОВЕЦ Ирина Яковлевна, Минск ҳисоб техникаси ишлаб чиқариш бирлашмасининг Г. К. Орджоникидзе номли электрон ҳисоблаш машиналари заводи монтажчиси, Минск шаҳри	641	йўқ
ЗАЙКОВ Лев Николаевич, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари, Москва шаҳри	616	25
ЗИАТДИНОВ Назип Зиатдинович, Татаристон АССР Тўқаев районидаги «Гигант» совхозининг директори	641	йўқ

Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми Депутатнинг лавозими, иш ва яшаш жойи	Берилган овозлар сони	
	ёқлаб	қарши
ИБРАГИМОВ Ҳусейн Рустам ўғли, «Каспморнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Нефть тошлари» денгиз пармалаш ишлари бошқармасининг пармаловчиси, Боку шаҳри	641	йўқ
ИВАШКО Владимир Антонович, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Киев шаҳри	640	1
ИЛИЗАРОВ Гавриил Абрамович, Кургандаги Бутуниттифоқ «қайта тиклаш травматологияси ва ортопедияси» илмий марказининг бош директори, Курган шаҳри	641	йўқ
ИОВЛЕВ Дмитрий Михайлович, «Москвич» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ленин комсомоли номли автомобиль заводи слесари, Москва шаҳри	641	йўқ
ИШИН Александр Яковлевич, Ростов область Шахтинск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари	641	йўқ
ҚАБАНОВ Евгений Николаевич, «Қамчатрибпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Соколово» музлатувчи траулерининг капитан-директори, Петропавловск-Қамчатка шаҳри	641	йўқ
ҚАЛИНИН Николай Васильевич, Ҳаво-десант қўшинлари қўмондони, Москва шаҳри	641	йўқ
ҚАЛИШ Виталий Николаевич, А. Н. Кузьмин номли «Днепроспецсталь» электр металлургия заводининг пўлат қуювчиси, Украина ССР Запорожье области	641	йўқ
ҚАРПОВ Владимир Васильевич, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Москва шаҳри	634	7
ҚИРҒИЗБОЕВА Тўхтахон Бозоровна, Ўзбекистон ССР Сирдарё область Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг бригадири	640	1
ҚЛЕПИҚОВ Михаил Иванович, Краснодар ўлкаси Усть-Лабинск районидаги «Кубань» колхози комплекс бригадасининг бошлиғи	641	йўқ
ҚОЛБЕШҚИН Алексей Ефимович, Воронеж «Электроника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси асбобсоз слесарлари бригадири, Воронеж шаҳри	641	йўқ
ҚРАВЧЕНҚО Налина Васильевна, Липецк область Грязинский районидаги «Грязинский» совхози партия комитетининг секретари	641	йўқ
ҚУДРЯВЦЕВ Владимир Николаевич, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг директори, Москва шаҳри	639	2
ЛАПТЕВ Иван Дмитриевич, «Известия» газетасининг бош редактори, Москва шаҳри	630	11
ЛАРИОНОВ Владимир Петрович, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими Якутия илмий маркази президиуми раисининг ўринбосари, шимол физика-техника проблемалари институтининг директори, Якутск шаҳри	641	йўқ
ЛЕВИЦҚАС Витаутас Юозович. К. Гедрис номли Каунас мўйна ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Литва ССР	639	2
ЛИГАЧЕВ Егор Кузьмич, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, Москва шаҳри	563	78
ЛИЗИЧЕВ Алексей Дмитриевич, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, Москва шаҳри	635	6

Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми. Депутатнинг лавозими, иш ва яшаш жойи	Берилган овозлар сони	
	ёқлаб	карши
ЛУККОЕВ Юрий Прохорович, Падан комплекс ўрмон саноат хўжалиги Воломск ўрмон пунктининг машинисти, Карелия АССР	641	йўк
ЛУКЬЯНОВ Анатолий Иванович, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари, Москва шахри	633	8
ЛУНЕВ Виктор Андреевич, «Компрессор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Москвадаги «Компрессор» совутиш машинасозлиги заводи токари, Москва шахри	641	йўк
МАНЯКИН Сергей Иосифович, СССР Халқ контроли комитетининг раиси, Москва шахри	634	7
МАРЧУК Гурий Иванович, СССР Фанлар академиясининг президенти, Москва шахри	632	9
МАСЬКО Галина Игнатьевна, Слоним шахридаги 3-ўрта мактаб директорининг ўринбосари, Белоруссия ССР Гродно области	641	йўк
МЕДВЕДЕВ Вадим Андреевич, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, Москва шахри	619	22
МЕНДИБАЕВ Марат Самиевич, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Олмаота шахри	635	6
МКРТЧЯН Мисак Левонович, Арманистон Компартияси Ленинакан шахар комитетининг биринчи секретари, Ленинакан шахри	641	йўк
МОИСЕЕВ Михаил Алексеевич, СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи — СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Москва шахри	639	2
МУНТЯН Михаил Иванович, А. С. Пушкин номли Молдавия давлат академик опера ва балет театрининг солисти, Кишинев шахри	641	йўк
НАЗАРОВ Иван Александрович, Омск областидаги Русско-Полянский район партия комитетининг биринчи секретари	641	йўк
НАЙДЕНОВ Николай Андреевич, «Воркутауголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Центральная» шахтаси проходкачилари бригадири, Воркута шахри	641	йўк
НЕСТЕРЕНКО Евгений Евгеньевич, ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг солисти, П. И. Чайковский номли Москва давлат консерваториясининг профессори, Москва шахри	639	2
НИКОНОВ Виктор Петрович, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, Москва шахри	615	26
НОВОЖИЛОВ Генрих Васильевич, С. В. Ильюшин номли Москва машинасозлик заводининг бош конструктори, Москва шахри	641	йўк
НЮКША Константин Иванович, «Рига электр машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбобсоз слесари, Рига шахри	641	йўк
ОЛЕЙНИК Борис Ильич, шоир, Украина ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, Киев шахри	632	9
ОСТРОУХОВ Виктор Алексеевич, «Сибкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари, Томск шахри	641	йўк

Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми Депутатнинг лавозими, иш ва яшаш жойи	Берилган овозлар сони	
	ёқлаб	қарши
ПАРУБОК Емельян Никонович, Украина ССР Черкасси областининг Жашковский районидаги Суворов номли колхоз звено бошлиғи	641	йўқ
ПАТОН Борис Евгеньевич, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, Е. О. Патон номли электр пайванд институтининг директори «Е. О. Патон» номли электр пайванд институти» тармоқлараро илмий техника комплексининг бош директори, Қиев шаҳри	640	1
ПОСТНИКОВ Виктор Иванович, «Ставропольское» бройлер ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ставрополь шаҳри	641	йўқ
ПОХОДНЯ Григорий Семенович, Белгород область Белгород районидаги Фрунзе номли колхознинг цех бошлиги	641	йўқ
ПРИМАКОВ Евгений Максимович, СССР Фанлар академияси жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институтининг директори, Москва шаҳри	626	15
ПУГО Борис Карлович, КПСС Марказий Қомитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси, Москва шаҳри	640	1
РАЗУМОВСКИЙ Георгий Петрович, КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Қомитети секретари, КПСС Марказий Қомитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири, Москва шаҳри	623	18
РОМАЗАН Иван Харитонович, В. И. Ленин номли Магнитогорск металлургия комбинатининг директори, Магнитогорск шаҳри	641	йўқ
РОМАЗАНОВ Кабдулла Закирьянович, Қараганда металлургия комбинатининг пўлат қуювчиси, Қозоғистон ССР Темиртов шаҳри	641	йўқ
РИЖКОВ Николай Иванович, КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси, Москва шаҳри	631	10
РИЧИН Евгений Сергеевич, «Москва» агросаноат комбинатининг бош директори, Москва шаҳри	641	йўқ
РЮМИН Валерий Викторович, «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош конструкторининг ўринбосари, Москва шаҳри	641	йўқ
СААР Вяйно Александрович «Таллиннстрой» трести 4-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Эстония ССР	641	йўқ
САМОЛИЧЕНКО Иван Иванович, Механизатор, Новосибирск область, Татар районидаги «Орловский» совхози ижара коллективининг раҳбари	641	йўқ
СЕЛЕЗНЕВ Игорь Сергеевич, «Радуга» машинасозлик конструкторлик бюросининг бош конструктори, Москва области	641	йўқ
СИДОРЕЙКО Василий Ларионович, «Сургутнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сургутдаги 2-пармалаш ишлари бошқармасининг пармалаш мастери, Тюмень области	641	йўқ
СЛЮНЬКОВ Николай Никитович, КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қомитети секретари, Москва шаҳри	622	19
СМИК Николай Михайлович, прессловчи, В. И. Ленин номли Красноярск металлургия заводи комплекс бригадасининг бошлиғи, Красноярск шаҳри	641	йўқ

Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми Депутатнинг лавозими, иш ва яшаш жойи	Берилган овозлар сони	
	ёқлаб	қарши
СПАССКИЙ Игорь Дмитриевич, Ленинграддаги «Рубин» лойиҳа-монтаж бюросининг бош конструктори ва бошлиғи, Ленинград шаҳри	640	1
ТАТАРЧУК Валентин Иванович ССР Иттифоки 60 йиллиги номли Соликамск целлюлоза-қоғоз комбинатининг директори, Пермь области	641	йўқ
УЛЬЯНОВ Михаил Александрович Евг. Вахтангов номли давлат академик театрининг бадиий раҳбари, РСФСР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси, Москва шаҳри	594	47
УМАЛАТОВА Сажи Зайндиновна, Грознийдаги «Красний молот» машинасозлик заводи комплекс бригадасининг бошлиғи, Чечен-Ингушия АССР	641	йўқ
УТКИН Владимир Федорович, «Южное» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори ва бош директори, Украина ССР Днепропетровск области	640	1
ФЕДОРОВ Святослав Николаевич, «Кўз микрохирургияси» тармоклараро илмий-техника комплексининг бош директори, Москва шаҳри	630	11
ФИЛИППОВА Валентина Гавриловна, Олтой ўлкаси Третьяков районидаги «Алей» колхози правлениеси раисининг ўринбосари	641	йўқ
ХМЕЛЬ Валентина Петровна Ангара қурилиш бошкармасига қарашли 5-қурилиш-монтаж бошқармаси пардозловчилар комплекс бригадасининг бошлиғи, Иркутск области	641	йўқ
ЧЕБРИКОВ Виктор Михайлович, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, Москва шаҳри	628	13
ЧЕРНЯЕВ Анатолий Сергеевич КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси, Москва шаҳри	637	4
ШАЛИЕВ Атабалли Бапбаевич, «Туркменгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси Жанубий Туркманистон разведка мақсадида пармалаш бошқармасининг пармалаш мастери, Туркманистон ССР Мурғоб райони	640	1
ШОРОХОВ Виктор Николаевич, В. М. Рябиков номли Тула машинасозлик заводининг созловчиси, Тула шаҳри	641	йўқ
ШТЕПО Виктор Иванович, Волграддаги «Волго-Дон» ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Волгоград область Калачев райони	640	1
ШТОЙК Гарри Гвидович, «Казполиметалл» ишлаб чиқариш бирлашмаси Шарқий Қозоғистон мис-химия комбинатининг директори, Қозоғистон ССР	641	йўқ
ШУКШИН Анатолий Степанович, Узоқ Шарқ энергетика машинасозлиги заводининг шлифовкачиси, Хабаровск шаҳри	641	йўқ
ЯКОВЛЕВ Александр Николаевич, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, Москва шаҳри	582	59

КПСС МКНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҲАМДА ДЕМОКРАТИЯЛАШ, ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари Р. Н. НИШОНОВнинг «Ошкоралик ва ижтимоий турмушни демократиялаш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг регионал илмий-амалий конференциясида Тошкентда 1989 йил 23 февралда қилган доклади

Ўртоқлар!

Аввало сизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан сидқидилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Конференциямиз партия ва халқ ҳаётидаги ниҳоятда масъулиятли даврда ўтмоқда. Ҳозир мамлакатда жамиятимизни ҳар томонлама революцион ўзгартириш юзасидан ўз миқёсларига кўра жуда катта иш авж олиб кетди. Қайта қуришнинг новаторлик ғоялари ва ишлари таъсирида янгиланиш кучлари жипслашмоқда, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг куч-ғайрати барқ урмоқда.

Демократиялаш ва ошкоралик ғоявий-сиёсий ва ижтимоий вазиятни тубдан ўзгартирмоқда. Ҳақиқатнинг қарор топиши маънавий муҳитни покламоқда, актив фаолиятни рағбатлантирмоқда. Экономикани соғломлаштириш жараёни, уни одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга буриш бошланди. Маънавий ҳаёт тараққиётнинг қудратли омилига айланмоқда.

Қайта қуриш — кўп қиррали, узоқ муддат давом этадиган ва зиддиятли жараён эканлиги ҳам равшан бўлиб қолди. Миллатлараро муносабатлар партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ҳамиша диққат-эътиборини талаб этадиган ижтимоий ҳаётнинг жуда мураккаб, комплекс соҳасидир.

Партиямиз таркиб топаётган вазиятга ҳушёрлик билан баҳо бермоқда, КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган, барча халқларнинг манфаатларини қондиришни мамлакатнинг умумий манфаатлари ва эҳтиёжлари билан пайванд этадиган сиёсий йўл негизида миллий сиёсатнинг ленинча принципларини собитқадамлик билан қарор топтирмоқда ва ижодий ривожлантирмоқда. «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида» махсус резолюция қабул қилган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳозирги даврдаги миллий сиёсатни назарий ва амалий асослаб, жуда катта қадам ташлади.

Совет давлати қарор топиши ва тараққиётининг бутун тарихи миллий сиёсат, мамлакатимиздаги барча миллатлар ва халқлар интернационал жипслашувининг пойдеворини қўйган В. И. Лениннинг доҳиёна башоратини яққол тасдиқлаб турибди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин миллатлар ва элатларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлиги Ўрта Осиё халқларининг социализмга тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб ўтишида жуда катта роль ўйнади. Партия миллий зулмни парчалаб ташлаш, миллатлараро нифоққа барҳам бериш, миллий маданиятларни тиклаш ва ривожлантиришда жуда катта иш қилди. Мамлакатда совет халқлари бирлигининг моддий негизи бўлган яхлит халқ хўжалиги

комплекси таркиб топди. Қатъият билан қилинган ғоявий-тарбиявий иш натижасида миллион-миллион кишилар онгида интернационализм ғоялари мустаҳкам қарор топди, бу ғоялар оғир синовлардан ўтди ва давр суронларига бардош берди.

Булар, шубҳасиз, бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Аммо шунга қарамасдан ҳеч ким мамлакатимизда миллий масала кун тартибидан тўла ва узил-кесил олиб ташланди, деб таъкидлашга журъат қилмаса керак. Бир давлатда жуда кўп миллатлар ва элатлар яшаб ҳамкорлик қилаётгани фактининг ўзи янги муаммолар ва масалаларни келтириб чиқаради. Ўтмишда миллий муносабатларда йўл қўйилган бузилишларни ўнглаб олиш учун кўп иш қилишга тўғри келади.

Миллатлараро муносабатлардек нозик ва қалтис масаланинг ўзига хос ҳам умумиттифоқ, ҳам регионал, ҳам маҳаллий жиҳатлари борлиги равшандир. Бошқалар билан бир қаторда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари мамлакатнинг иқтисодий-социал ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб турибдилар, ягона халқ хўжалиги комплексининг таркибий қисми бўлган бу республикалар умумдавлат вазифаларини ҳал этишга ўз ҳиссаларини яна ҳам кўпайтириш учун куч-ғайрат сарфламоқдалар.

Бу ҳиссани қай йўсинда кўпайтириш, партиямизнинг «кучли марказ ва кучли республика» деган шиорини қай тахлитда амалга ошириш керак? Региондаги ҳар бир республикага хос бўлган иқтисодий, социал, экологик, демографик муаммоларни ва бошқа муаммоларни қандай йўл билан ҳал этиш керак? Насл-насабимиз, анъаналаримиз ва маросимларимиз, кўп асрли турмуш тарзимиз муштарак экан, биз биргаликда маданиятларимизнинг бундан буёнги равнақи ва бир-бирини бойитиши истиқболлари ҳақида, ушбу маданиятларимизнинг СССРдаги барча халқлар жуда бой маънавий потенциали билан узвий ҳамжиҳатлиги тўғрисида ўйлашимиз керак.

Биргаликда муҳокама қилиш зарурати етилган бошқа анчагина масалалар ҳам бор. Бу миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга, дўстлигимиз ва қардошлигимизни мустаҳкамлашга, ҳамжиҳатликни янада яхшилашга, ягона кўп миллатли Совет давлати доирасида жипслашиш ишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

МАМЛАКАТНИНГ ЯГОНА ХАЛҚ ХЎЖАЛИК КОМПЛЕКСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУТГАН РОЛИ ВА ЎРНИ

Ўртоқлар! Миллатлараро муносабатларнинг равнақи, истиқболлари ягона Иттифоқ давлатимиздаги янгиланишнинг барча жараёнлари билан чамбарчас боғлангандир. Партия ленинча миллий сиёсатнинг изчиллик билан ўтказилиши, халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш социализмни такомиллаштиришнинг таркибий қисми, кўп миллатли социалистик Ватанимизнинг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг зарур шарти эканлигига суянади.

КПСС миллий сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб берар экан, мамлакатдаги барча регионларнинг экономикаси яна ҳам самаралироқ ривожланишига, шунга мувофиқ барча миллатлар ва элатлар тараққиётининг социал-маданий шароитлари яхшиланишига, ҳар бир республиканинг ягона халқ хўжалиги комплекси равнақига қўшадиган ҳиссаси ортиб боришига, бу уларнинг ўсиб бораётган иқтисодий ва маънавий потенциалига мувофиқ бўлишига эришишга интилмоқда. «Бизнинг мамлакатимиздек кўп миллатли мамлакатда, — деб таъкидлади М. С. Горбачев Украинада бўлган чоғида, — барча республикаларнинг манфаатларини ҳисобга олиш керак, бу жуда катта, жуда масъулиятли ишдир».

Ана шу муаммонинг айрим жиҳатлари тўғрисида тўхтаб ўтишга ижозат бергайсиз. СССР халқларининг қардошлик оиласида Ўзбекистон ривожланган иқтисодий потенциалга эга бўлди. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республикамиз Иттифоқда бешинчи ўринни эгаллаб турибди, ҳаммабоп товарлардан тортиб, самолётлар ва тракторларгача, жуда турли-туман маҳсулот тайёрламоқда. Машинасозликнинг 40 га яқин тармоғи бор, бу тармоқларда 100 тадан кўпроқ йирик корхоналар ишлаб турибди.

Республика агросаноат комплексига 2 мингга яқин колхоз ва совхоз, юзлаб қайта ишлаш корхоналари киради. Умумиттифоқ ишлаб чиқаришида пахтанинг қарийб учдан икки қисми, пилланинг 60 процентдан кўпроғи, қоракўлнинг учдан биридан зиёди Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Мева, узум, сабзавот ва қовун-тарвуз етиштириш умумиттифоқ аҳамиятига эгадир.

Аммо сўнгги йилларда, айниқса, турғунлик даврида ана шу потенциалдан ниҳоятда самарасиз фойдаланилди. Ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликларда фонд самараси учдан бирга камайди, миллий даромад ҳосил қилишда Ўзбекистон ССР улуши аслида кўпаймади.

Содир бўлган аҳволнинг сабаблари нимада? Бунинг илдизлари чуқурдир. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидланганидек, кўп миллатли Совет давлати қарор топишининг дастлабки босқичига хос бўлган жўшқинлик ленинча миллий сиёсат принципларидан чекиниш, шахсга сиғиниш даврида қонунчиликнинг бузилиши, турғунлик мафкураси ва психологияси сабабли анча путурдан кетди ва барбод этилди.

Узоқ вақт мобайнида миллий муносабатлар соҳасида йўл қўйилган хатолар ҳақида гапириш жоиз эмас эди. Демократик централизм ва социалистик федерализм, централизм ва демократизм принципларининг нисбатлари, муаммолари ҳамиша ҳам оптимал ҳал этилмаганлиги социалистик миллатлар ва элатлар тараққиётига халал берди. Айрим республикалар ва автоном тузилмаларнинг ҳам, миллий группаларнинг ҳам социал-иқтисодий ва маданий тараққиёти эҳтиёжлари етарлича ҳисобга олинмади.

Булар умумий сабаблардир. Аммо ўзимизга тааллуқли сабаблар ҳам бўлди. Сўнгги ўн йилларда бутун мамлакатга хос бўлган турғунлик ҳодисалари республикада, айниқса, ўткир, бадбашара шаклда кўринди. Жуда катта ваколатларга эга бўлган ходимларнинг бир қисми айниб, ахлоқан юзтубан кетганлигини сиз биласиз. Бу республикага жуда катта зарар етказди. Рашидов ва рашидовчилар оғизда интернационализм ва тенглик ҳақида гапириб, амалда маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчиликка, ўрта аср хоқонларининг удумлари ва маросимларига йўл очдилар. Реал жараёнларнинг таҳлили ўрнини дабдабали тадбирлар ва халқлар дўстлиги шарафига қадаҳ кўтаришлар эгаллади.

Оқибатда халқ хўжалигини ривожлантириш суръатлари сусайди, замонавий машиналар ва ускуналар ишлаб чиқариш соҳасидаги қолоқликлар кучайди, анчагина иқтисодий зиддиятлар йиғилиб қолди. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ўзини кўрсатмоқда. Оғир саноатда меҳнат қилаётган туб миллатга мансуб ишчилар салмоғи камлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Шу ва шунга ўхшаш чалкашликлар ва номутаносибликлар социал муаммоларнинг ўткирлашувига таъсир қилмай қолмади. Ўзбекистонда яшаётган айрим миллий группалар — тожиклар, корейслар, уйғурлар, қрим татарлар ва бошқаларнинг маънавий эҳтиёжлари ҳисобга олинмади. Ана шундай нонормал аҳвол миллий туйғуларга таъсир этди, жамоатчилик норозилигини туғдирди, миллатлараро муносабатларни кескинлаштирди.

Ўз-ўзидан равшанки, жамиятимизда қарор топган ўз тарихига баҳо беришга талабчанлик билан танқидий ёндашиш Совет ҳокимияти йилларида қилинган зўр тарихий аҳамиятга молик ишларни асло камситмайди. Қайта қуриш миллатлараро соҳадаги салбий жиҳатларни равшанлаштирибгина қолмай, айни вақтда уларни демократия ва ошкоралик усуллари билан бартараф этиш учун шароит ҳам яратди.

Биз партия XXVII съездида, Марказий Комитетнинг 1987 йил январь Пленумида, партиянинг бошқа ҳужжатларида шаънимизга қилинган ҳаққоний танқиддан зарур хулосалар чиқариб олдик. Ўзбекистон партия ташкилоти, меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг, барча қардош республикаларнинг ёрдами билан маънавий-сиёсий вазиятни соғломлаштириш йўлида аниқ мақсадни кўзлаб қатъият билан иш олиб бормоқдалар. Партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва социал қурилишнинг барча соҳаларида кадрларнинг масъулиятини ошириш вазифалари биз учун, айниқса, муҳим бўлиб келди ва ҳозир ҳам муҳимдир. Биз меҳнат коллективларининг ташаббуси ва мададига таяниб, узоқ вақтдан буён Ўзбекистон коммунистлари ва меҳнатчиларинигина эмас, бутун пар-

тияни, бутун совет халқини ҳам ташвишга солиб келаётган муаммоларни ҳал этяпмиз.

Кейинги вақтларда КПСС Марказий Комитети бизнинг республикамиз юзасидан бир неча жуда муҳим ҳужжатларни, шу жумладан, Тошкент область партия ташкилотида партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан, пахтачиликдаги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги жиддий камчиликларни тугатиш, экологик вазиятни яхшилаш юзасидан қарорлар қабул қилди. Республикага ўз ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишда жуда катта ёрдам берилмоқда.

Кадрлар сиёсати масалаларида, айниқса, катта ғамхўрлик қилинмоқда. Бизга барча соҳаларни билимдон ходимлар билан мустаҳкамлаш, кадрлар резервини тайёрлаш, бу ишда мамлакатнинг ҳамма регионларидан фойдаланиш имконияти берилди.

Кадрлар корпусини порахўрликдан, ҳаддан ошишдан, юртдошлик ва ошнаоғайнигарчиликдан поклаш тадбирлари амалга оширилди. Талон-торож қилишларга, порахўрликка, қўшиб ёзишларга қарши шафқатсиз кураш олиб борилмоқда. Идеология ишининг, интернационал тарбиянинг форма ва методлари янгиланмоқда.

Хўжалик механизми тубдан ўзгара бошлади, ишлаб чиқаришда демократиялаш чуқурлаштирилмоқда, халқ депутатлари Советларининг иқтисодий роли ошмоқда. Натижада баъзи силжишлар бошланди. Миллий даромад 1987 йилдаги 0,8 процент ўрнига 1988 йилда 5,1 процент, саноат маҳсулоти 3,3 процент кўпайди. Уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари, медицина муассасалари қуриш миқёслари ошди.

Меҳнат коллективлари бутун мамлакатнинг ялпи бахт-саодати йўлида ишлаш — интернационализмнинг энг яхши нишонаси эканини англаб, шартномада белгиланган маҳсулотларни етказиб бериш интизомига кўпроқ эътиборни қарата бошладилар. Бизда иттифоқдош республикаларнинг буюртмалари алоҳида назорат остига олинган, шу туфайли хўжалик шартномаларининг бажарилишини яхшилашга эришилди.

1988 йилда республиканинг аграр секторида ҳам муайян силжишлар рўй берди. Бу — аввало, бошқа тармоқлар каби пахтачилик ҳам қўшиб ёзишлардан, талон-торожлардан ва бошқа салбий ҳодисалардан асосан тозаланганлигининг натижасидир. Пахта тайёрлаш ҳажмларини реал имкониятларга ва замонавий агротехникага мувофиқ ҳолга келтириш юзасидан КПСС Марказий Комитети билан мамлакат ҳукумати кўрган чора-тадбирлар жуда катта роль ўйнади. Республика партия ташкилотининг уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб олиб борган ишлари, меҳнатни ташкил қилишнинг пудрат усулларига ўтилиши, интенсив технологиялар жорий этилиши, терим конвейери пухта йўлга қўйилиши, техникадан омилкорлик билан фойдаланилиши муайян даражада ўз таъсирини ўтказди. Мана шуларнинг ҳаммаси мўл ҳосил етиштириш, уни зўриқмай энг яхши муддатларда териб олишга эришиш, асосан биринчи ва иккинчи навлардан иборат бўлган 5 миллион 360 минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрлаш имконини берди. Ҳисоб-китобларга қараганда, шунча миқдордаги хом ашёдан камида 1 миллион 700 минг тонна пахта толаси олиш мумкин. Ҳолбуки, рекордларга муккасидан кетган рашидовчилик даврида шунча пахтадан 1 миллион 600 минг тонна ва ундан ҳам камроқ тола олинар эди.

Дон, картошка, сабзавот, полиз экинлари, мева ва резавор мева, гўшт, сут ва тухум етиштириш, Умумиттифоқ фондига сабзавот, мева ва узум етказиб бериш ҳажмлари ҳам ошди. Умуман, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти салкам 800 миллион сўмлик миқдорида кўпайди.

Лекин, барибир, халқ хўжалиги ҳали ҳам ўтган йиллардаги бузғунчиликлар таъсиридан халос бўла олмаяпти. Совет ҳокимияти йилларидаги катта тараққиётга қарамай, Ўзбекистон аҳоли жон бошига миллий даромад ҳосил қилиш, меҳнат унумдорлиги, корхоналарнинг техникавий даражаси ва бошқа кўрсаткичлар жиҳатидан бошқа бир қанча республикалардан орқада қолмоқда.

Маҳкамачилик манфаатларининг зўри билан халқ хўжалиги структурасида жиддий қинғайишлар содир бўлди. Ялпи пахта ҳосилини кўпайтириш пайига тушилганлиги хўжалик юритишнинг илмий асосларини инкор этишга ва ўйламай-

нетмай химиялаштираверишга олиб келди. Бу ҳол ернинг тинкасини қуритибгина қолмай, пахтачиликнинг ўзини ҳам мушкул аҳволга солиб қўйди, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни анча ёмонлаштирди, атроф-муҳитга жиддий зарар етказди.

Демография соҳасидаги маълум тенденциялар, республика аҳолисининг меҳнат соҳаларига ва истиқомат районларига тақсимланишидаги бузилишлар, республикалар ўртасида, шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси ўртасида моддий ҳамда социал неъматларни истеъмол қилишдаги номутаносибликлар бусиз ҳам мураккаб бўлган вазиятга асоратли таъсир ўтказди.

Ўзбекистон коммунистлари, бутун халқи олдида вазиятни умумий қайта қуриш йўлида қандай қилиб тезроқ ўзгартиришдан иборат бош масала пайдо бўлди. Халқ ҳам бунга интилмоқда. Одамларнинг активлиги, уларнинг очиқ кўнгиллиги, жиддий масалани муҳокама қилиш иштиёқи жуда кучли таассурот қолдирди, деб таъкидлади М. С. Горбачев ўтган йили Тошкентда сўзлаган нутқида. Биз учун принципиал муҳим хулоса шуки, ҳозир республикадаги кайфиятга қараганда, агар халққа яхши программа таклиф этилса, у катта ишларни қилишга қодир бўлиб қолади.

Республикадаги социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мақсадида шу беш йилликнинг қолган йиллари учун ва ўн учинчи беш йиллик даври учун комплекс тадбирларни тайёрлашга ҳафсала билан киришилди. Бу ишда республиканинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини қуйидаги асосий соҳалар бўйича ҳар томонлама кўпайтиришга муҳим аҳамият берилмоқда.

Кўп меҳнат талаб қиладиган ва юксак даражада тайёр ҳолдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш билан банд бўлган тармоқларни биринчи галда жадал ривожлантириш шу жумлага киради. Келгуси беш йилликда машинасозлик маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб икки баравар кўпайтириш мумкин бўлади. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қилиш учун кўп куч-ғайрат сарфланиши керак. Бирмунча чиқим қилиниб, бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни 1995 йилгача 7—8 миллиард сўмликка етказиш мумкин.

Мамлакатнинг пахтага ва уни қайта ишлаш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш ишимизнинг марказий йўналиши бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Иттифоқ ва республика органлари пахта тайёрлаш планларини реал имкониятларга аста-секин мувофиқлаштириб олиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. 1983 йилга нисбатан ҳозир план бир миллион тонна миқдорида камайтирилган. Пахтачилик даражасининг сифатини ошириш, пахта монокультурасини тугатиш, алмашлаб экишни ва ерларнинг ҳолатини тубдан яхшилаш Озиқ-овқат программасини ҳал этишга ҳам, экологик вазиятни анча яхшилашга ҳам кўмаклашади.

Қорақалпоғистон АССРнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берила бошлади. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг Қорақалпоғистон АССР иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, бу ерда уй-жой ва социал-маиший объектлар қуриш ҳажми ортиб бормоқда.

Бутун экономикани молиявий жиҳатдан соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Паст рентабелли хўжаликларнинг ихтисослашувига аниқлик киритилмоқда, маҳсулот етиштириладиган жойнинг ўзида уни асраш ва қайта ишлаш базаси зўр бериб ривожлантирилмоқда. Банкрот бўлган баъзи совхозлар саноат корхоналарига топширилмоқда, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликларга қўшиб юборилмоқда.

Биз меҳнатни ташкил этишнинг янги хўжалик ҳисоби усулларига — пудратга, ижарага катта умид боғлаяпмиз, ишлаб чиқариш кооперативларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашяпмиз. Янги хўжалик механизми тўғри қўлланилган тақдирда молиявий кўрсаткичлар яхшиланмоқда. Шу сабабли агар ўтган йили 80 минг гектар ер ижарага берилган бўлса, бу йил 900 минг гектар топширилди, ҳозир қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадиган 500 та кооператив ишлаб турибди.

Биз идораларнинг ишга нуқул амалиётчилик билан ёндашиб, экологик асоратларини эътиборга олмай хўжалик қарорлари қабул этиб келганликларининг оқибатларини ҳам тугатиш учун кўп иш қилишимиз керак. Бу асоратлар сувнинг

етишмай қолаётганида, унинг саноат, қишлоқ хўжалик, транспорт, коммунал-маиший чиқитлар билан булғанишида, атмосферанинг ҳаддан ортиқ ифлосланишида ва мана шуларнинг оқибати сифатида аҳолининг кўплаб касалга чалинишида намоён бўлмоқда. Тупроқ унумдорлиги муттасил пасайиб бормоқда, ерлар сув ва шамол таъсирида нурамоқда, қайтадан шўр босмоқда. Ҳозир КПСС Марказий Комитети билан Иттифоқ ҳукуматининг қарорига биноан, республикада Оролни сақлаб қолиш, Орол атрофидаги эпидемиология ва санитария вазиятини яхшилаш чора-табирлари амалга оширила бошлади.

Мана шу ва бошқа социал-иқтисодий зиддиятларни ҳал этиш, аввало, ҳар бир регионнинг комплекс ривожланиши учун ҳам республика, ҳам Иттифоқ органларининг масъулиятини кучайтириш билан, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик системасини қатъиян парчалаб ташлаш билан, хўжалик механизмини ислоҳ қилиш билан боғлиқдир.

Регионал хўжалик ҳисобига, программа усулида планлаштиришга маҳаллий шароитларни эътиборга олиб, босқичма-босқич ўтиш жуда муҳим омилдир. Бизнинг назаримизда, бу соҳада ҳаддан ошиш ва меъёрдан чиқиб кетишга йўл қўймаслик муҳимдир. Айрим жойларда сезилиб қолган ўзини ўзи яккалашга интилиш, республикалар ўртасида божхона тўсиқларини вужудга келтириш йўлидаги уринишлар бизнингча асоссиздир. СССРда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг умумхалқ мулклиги негизида яхлит халқ хўжалик комплекси вужудга келтирилган, мамлакатда ягона бозор, ягона молия-кредит системаси барпо этилган бир шароитда республикаларнинг ҳеч қандай иқтисодий мустақиллиги, уларнинг фақат ўзини қондирувчи хўжалиги бўлиши мумкин эмас. Жаҳон практикаси ҳам мустақил давлатларнинг иқтисодий интеграцияга интилаётганидан далолат бериб турибди.

Регионларнинг иқтисодий мустақиллигини ошириш, иқтисодий принципларни ва уларнинг ҳаёт фаолияти воситаларини кучайтириш ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг кудратли омиллари, ишга соҳибларча муносабатдан манфаатдорлик вужудга келишига олиб бориши ҳам равшан. Мана шуларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, айни вақтда мамлакатдаги интеграция жараёнларини кучайтиришга, кучларни бирлаштиришга, ихтисослашувни ва меҳнат тақсимотини чуқурлаштиришга интилишга кўмаклашади.

Йиғилиб қолган муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун регион республикалари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эгадир. Кўп миллатли бутун мамлакатимиз каби Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳам битта катта ва аҳил оиланинг аъзолари бўлиб яшаб, бир-бирларининг қувончлари ва қайғуларига шерик бўлмоқдалар. Бироқ халқнинг бошига кулфат тушгудек бўлса, ҳамма халқлар, барча иттифоқдош республикалар унга дарҳол ёрдам қўлини узатадилар.

Ашхобод, Тошкент, Газли, Ҳисор зилзилаларидан кейин шундай бўлди. Арманистон ва Тожикистон бошига тушган мусибатга совет халқлари астойдил ачиниб, даҳшатли табиий офатдан азият чеккан кишиларнинг азоб-уқубатларини енгиллаштириш учун ҳамма ишни қилмоқдалар.

Халқларнинг дўстлиги фақат ҳаяжонли шароитлардагина намоён бўлаётгани йўқ. Ҳар бир иттифоқдош республиканинг ошиб бораётган иқтисодий, илмий ва маданий имкониятлари турмушнинг барча соҳаларида уларнинг ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш учун асос яратмоқда.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон қардош республикаларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини кучайтириш имконияти ва зарурати уларнинг табиий-географик шароитлари, хўжалик турмуши бирлиги билан, халқларнинг тарихий тақдири, маънавий ва маиший анъаналари муштараклиги билан белгиланади. Республикамизнинг куч-ғайратларини бирлаштириш, ҳамкорликнинг самарали шаклларини биргаликда излаш уларнинг социал-иқтисодий ва маданий тараққиётини жадаллаштиришга, миллатлараро муносабат соҳасидаги мавжуд муаммоларни чинакам демократик, интернационал асосда ўз вақтида ҳал этишга кўмаклашиши шубҳасиз.

Бизнинг назаримизда, қардош республикалар раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган учрашувлари, бу учрашувларда сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик масалалари, регион халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мус-

таҳкамлаш йўллари муҳокама қилинганлиги Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг хўжалик, илмий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашга кўмаклашди.

Иттифоқдош республикалардаги экономика ва социал соҳани қайта қуришнинг СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси муҳокама қилган умумий принципларини эътиборга олиб, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Совет Социалистик Республикаларининг ҳукуматлари ҳар бир республиканинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва уларнинг мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш мақсадида республикалараро регионал ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

Яқинда Душанбада қардош республикалар Министрлар Советлари ва Давлат план комитетлари раисларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ишлаб чиқариш, илм-фан, халқ таълими, экология ва соғлиқни сақлаш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, регионда яшовчи барча миллат ва элатларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис таъминлаш соҳаларида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли республикаларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бу соҳада ҳали фойдаланилмаган резервлар кўп. Масалан, 1987 йилги тармоқлараро баланс маълумотларига кўра, маҳсулот олиб чиқиш ва олиб келишнинг территориал структураси таҳлилининг кўрсатишича, бизнинг республикамиз районлараро иқтисодий ўзаро муносабатларда Тожикистон ССР билан ижобий сальдога эга бўлса, Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар ва Қозоғистон билан салбий сальдога эгадир.

Ҳамкорликнинг янги шакллари орасида корхоналар, хўжаликлар, министрликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари ўртасида кейинги йилларда кенг оммалашган бевосита дўстона алоқаларни таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Иттифоқдош республикаларнинг чегара областлари ҳар томонлама ҳамкорлик қилиши практикасини кенгайтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз, чунки бу областларда қўшни республикалар халқлари вакилларининг катта-катта группалари яшайдилар. Шу жиҳатдан олганда, Тошкент ва Сирдарё областлари партия комитетларининг Чимкент ва Ленинобод областлари билан, шунингдек Андижон ва Ўш, Тошовуз ва Хоразм областларининг ҳамда иқтисодий соҳадаги ва бошқа соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан хилма-хил иш қилаётган бошқа областларнинг тажрибаси диққатга сазовордир.

Бошқа республикаларнинг турмушига қизиқиш ошиб бораётган шароитда бундай алоқалар аҳолини ўз қўшниларининг ишлари, режалари ва муаммоларидан хабардор қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб, ўртада турган муаммоларни биргаликда ҳал этиш йўлларини топишга ёрдам бермоқда. Масалан, ҳозирги вактда муносиб аниқликни таъминлай олмаётган иқтисодий таҳлил ва нарх белгилаш методологияси масалалари зўр эътиборни ўзига тортмоқда. Иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги ва масъулиятини кенгайтириш, миллий, республика ва умумдавлат манфаатларини уйғунлаштириш, республикаларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиши эҳтимол тутилган вариантлари, улар ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириб, умумиттифоқ программаларни ҳал этишга қўшиладиган ҳиссани аниқ-равшан белгилаб қўйиш каби муаммоларни ва ҳоказоларни ўрганиш, бизнинг назаримизда, илмий ва амалий жиҳатдан ғоят қизиқарлидир.

СОВЕТ ФЕДЕРАЦИЯСИНИ ВА СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Ўртоқлар!

Партия миллий муносабатларни такомиллаштириш билан бирга, халқларнинг куч-ғайратини тенг ҳуқуқли халқлар кўп миллатли оиласининг революцион хоҳиш-иродаси ва муддаоларини ўзида мужассамлаштирган Совет Социалистик дав-

латини янада мустаҳкамлашга қаратмоқда. М. С. Горбачев фан ва маданият арбоблари билан учрашувда сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлаган эди: «Ҳозирги Совет Иттифоқи жаҳон ҳамжамиятидаги ноёб ҳодисадир, у мазкур жараён, тўпланиб қолган ва кескинлашган муаммолар нақадар мураккаб ва қийин бўлмасин, миллий масалани ҳал этишда ҳақиқатан ҳам яққол кўриниб турган ва жуда катта ютуқларга эга бўлган давлатдир».

Совет миллий-давлат системасининг самаралилигини мамлакатимиздаги социалистик қурилиш тажрибаси кўрсатди. Бироқ, ҳаёт бир жойда турмайди, қайта қуриш шароитида совет федерациясини янада ривожлантириш, иттифоқ ва автоном республикаларнинг ҳуқуқий ҳолати, республикаларнинг экономика, социал ва маданий ривожланиш, табиатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги мустақиллиги ва масъулиятини кенгайтириш масалалари пайдо бўлмоқда.

КПСС XXVII съезди белгилаган ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси чуқур ишлаб чиққан сиёсий система ислоҳотини изчиллик билан турмушга татбиқ этиш миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ишида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ислоҳот ленинча демократик централизм ва социалистик федерализм принципларини миллий-давлат қурилиши практикасида амалга ошириш учун кенг уфқ очади.

СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни билан СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги СССР Қонуни умумхалқ муҳокамасидан кейин ССР Иттифоқи Олий Советининг сессиясида қабул қилинганлиги сиёсий система ислоҳотининг биринчи босқичидаги муҳим палладир.

Шу Қонунлар асосида авж олиб кетган сайлов кампанияси чинакам демократия ва кенг ошкоралик, омманинг сиёсий юксалиши, партия билан халқнинг, мамлакатдаги барча миллат ва элат меҳнаткашларининг бирлигини амалда мустаҳкамлаш вазиятида ўтмоқда. Сиёсий тажрибани тўплаш, омма демократик маданиятини ошириш жараёни жадал давом этмоқда. Қайта қуришнинг астойдил тарафдорлари, турли миллат намояндалари СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Олий Советда масалаларни ким ҳал этиши, ҳозирги турмушимизни акс эттирадиган ва қайта қуриш жараёни кучайиб бориши учун шарт-шароит яратадиган янги қонунларни ким қабул қилиши кенг жамоатчилик доиралари учун ғоят муҳимдир.

Сиёсий система ислоҳотининг иккинчи босқичида ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқ доирасини аниқ белгилаб қўйиш, бир қанча бошқарув вазифаларини маҳаллий ҳокимият органларига топшириш ва шу каби масалалар ҳал этилади. Бу масалалар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ва СССР Олий Совети Президиумининг махсус тузилган комиссиясида муҳокама қилинди.

Шу муносабат билан ҳозирги муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаш учун СССРдаги миллий давлат тузилишининг тарихига мурожаат этиш фойдали эканини ҳам таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу фикримни конкрет мисолларда ойдинлаштириб бермоқчиман.

СССРнинг В. И. Ленин иштирокида ишлаб чиқилган 1924 йилги Конституциясида «Иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқлари тўғрисида» махсус боб бор эди. Бироқ, 1936 йилги Конституцияда ва ҳозир амалда бўлган Асосий Қонунда бундай боб йўқ. Табиийки, янги талабларни эътиборга олиб, СССР Конституциясида мазкур бобни қайтадан тиклаш, шу билан бирга унда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари хусусида тегишли моддаларни кўзда тутиш, назаримизда, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бошқа бир мисол. Республикамиз территориясида 20-йилларда айрим миллат ва элат намояндалари бир ерда яшайдиган жойларда миллий районлар ва қишлоқ Советлари тузилган эди. Бу практикани районларнинг сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий тараққиёти ҳозирги даражасини эътиборга олиб, синчиклаб ўрганса арзийди, деб ўйлаймиз. Бундай қилиш миллий группаларнинг ҳуқуқий статусини, шу жумладан уларнинг давлат органларидаги вакиллигини, она тилида ўқиш, миллий маданиятни ривожлантириш ва шу каби ҳуқуқларини янада аниқроқ белгилаб қўйиш имконини берган бўлур эди.

Тажрибага мурожаат қилиш шунчаки бир мақсад эмас, албатта. Бу ўринда гап

ўтган йилларнинг миллий давлат курилиши форма ва усулларидан механик тарзда фойдаланиш ҳақида бораётгани йўқ. Социалистик курилишнинг турли босқичларида миллий сиёсат муаммоларини ҳал этишга қандай ёндашилганлиги методологиясини ўрганиш, ўтмишнинг қимматли тажрибасидан фойдаланиб, сиёсий система тартиб-қоидаларини ривожлантириш муҳимдир, шу тартиб-қоидалар воситаси билан миллий манфаатлар аниқланиши ва мувофиқлаштирилиши лозим.

Қардош халқлар бирлигини мустаҳкамлашда социалистик демократиянинг роли ошиб бормоқда. Жамиятнинг турмуши нақадар демократикроқ бўлса, барча миллат меҳнаткашларини жипслаштирувчи куч шу қадар зўраяди. Партия ҳар бир миллатга мансуб гражданларнинг ҳокимият ва бошқарув барча бўғинлари ишидаги фаол иштирокини таъминлаш вазифасини ўртага қўйди.

Кадрлар сиёсати миллатлараро муносабатларни чинакам ленинчасига ҳал этишнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда раҳбар кадрларнинг, сайлаб қўйиладиган органларнинг состави республиканинг миллий структурасини акс эттирадиган йўл изчиллик билан ўтказилмоқда. Партия комитетларининг номенклатураси турли миллат вакилларини ўз ичига олади, ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари орасида 19, маҳаллий Советлар депутатлари орасида 50 дан ортиқ миллат ва элатнинг намояндалари бор.

Бу нарса лавозимларни миллий белгига қараб механик тарзда тақсимлашни асло билдирмайди, албатта. Миллий составни эътиборга олиб кадрлар танлашда ва сайлаб қўйиладиган органлар составини белгилашда сиёсий, амалий, маънавий ва интернационал фазилатларга, одамлар билан ишлай билиш маҳоратига устунлик берилмоқда. Бу соҳада ҳали жуда кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаб ўтиш лозим. Турғунлик даврида раҳбарлик лавозимларига одамларни юртдошлик, манфаатпарастлик мулоҳазалари билан кўтариб қўйишдек яроқсиз практика ҳукмрон эди. Республикада бундай фактларнинг сарқитларига кескин зарба берилмоқда. Биз кадрлар сиёсатини ҳамма шакл ва усулларига, бутун ишимизга интернационализм руҳи сингдириб юборилишига интиляпмиз.

Демократик жараёнлар ривожланиб, чуқурлашиб бораётганлиги, экономика ва сиёсий система тубдан қайта қурилаётганлиги одамларнинг граждан фаоллигини анча кучайтирмоқда. Бу нарса, жумладан, ўз фаолияти билан меҳнаткашларнинг, ўқувчи ёшларнинг манфаатлари кенг доирасини ифодалайдиган ҳаваскорлик уюшмалари ва ҳаракатлари тузилишида намоён бўлмоқда. Масалан, интернационалчи жангчилар уюшмалари ёш авлодни тарбиялашда фаол қатнашмоқдалар.

Бу соҳадаги ҳамма иш ҳам силлиққина ва осонгина кечаётгани йўқ. Бу мураккаб ишда тажриба ва зарур кўникмаларнинг етишмаслиги сезилиб турибди. Қайта қуришнинг қудратли тўлқинида турли-туман кўпиклар пайдо бўлди. Демократиялаш ва ошкоралик жараёнларини миллатчилик ўзанига солиб юбориш, қардошларча бирлигимизни заифлаштириш, Совет давлатининг интернационалистик таянчларини қўпориш, партияга қарама-қарши турадиган сиёсий структураларни вужудга келтиришга интилиш каби масъулиятсизларча уринишлар бўлди.

Айрим кишиларнинг, бир қанча норасмий уюшмаларнинг фаолиятида салбий тенденциялар намоён бўлмоқда. Сохта ишбошилар қайта қуришни қўллаб-қувватлаш шиорларини ниқоб қилиб олиб, ўртада турган муаммоларни ҳал этиш учун куч-ғайратларни бирлаштиришга эмас, балки партия ва совет органларини обрўсизлантиришга, миллатчиликни авж олдиришга уринмоқдалар, одамларни бедодлик ва бошбошдоқлик йўлига ундамоқдалар. Улар реал аҳволни ҳисобга олмай, иқтисодий биқиқликка даъват қилмоқдалар, тил муаммоларини бўрттириб кўрсатиб, кадрлар айирбошлашни тўхтатиш ҳақида кўп гапирмоқдалар.

Шуни рўй-рост айтиш керак: миллатчилик кайфиятидаги ва порахўрликка муккасидан кетган шахслар айрим жойларда унчалик маълумоти бўлмаган группаларни ўзларига эргаштиришга, ёшларга салбий таъсир ўтказишга муваффақ бўлмоқдалар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари кўпинча экстремизмга, кўп ҳолларда Қонун доирасидан четга чиқадиган намойишкорона ҳаракатларни уюштиришга айланиб кетмоқда. Улар ўз зиммаларига оғир масъулият олмоқдалар, уларнинг ножўя ҳаракатлари даргумон оқибатларга олиб бориши мумкин.

Республика раҳбарлари, ўзини озодлик учун курашчилар деб ҳисоблаётганлар айтаётганидек, демократиялашни, ошкораликни жиловлашга уринишни хаёлга ҳам келтираётганлари йўқ. Ўзбекистонда экономика, социал ва маданий тур-

мушнинг ҳамма соҳаларида ҳал этилмаган ўткир муаммолар кўп. Биз буни яшираётганимиз йўқ. Биз бу муаммоларни аста-секин, қадам-бақадам ҳал этишга интиляпмиз.

Тараққиётимиз камчиликлари тўғрисидаги қалбакилаштирилган фактлар ва маълумотларни шов-шув кўтариш руҳида ҳадеб такрорлайвериш эмас, балки қайта қуриш жараёнларини осойишта, амалий ва танқидий таҳлил этиш, ўткир, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг амалий йўлларини излаш ҳаммамиз учун сиёсий жиҳатдан зарурдир, буни биз партия ҳужжатларида, матбуотда рўй-рост ва ҳалол айтдик.

Партия комитетлари, барча коммунистлар экстремистларга кескин зарба беришлари, ўткир масалаларни ўртага қўйиш ва ҳал қилишда ташаббускорлик билан ёндашиш ва жанговарликни таъминлашлари, одамларнинг кучайиб бораётган фаоллигини қайта қуришга қарши буриб юбориш йўлидаги уринишларнинг ўз вақтида пайини қирқишлари лозим. Бу ишда партия органларининг қарорларига ва тегишли Қонун актларига амал қилиш керак. Одамларни демократия шароитида яшаш ва ишлашга ўргатиш лозим, демократия эса юксак сиёсий маданиятни тақозо этади, масъулиятсизлик ва бўшашувчанликка тоқат қила олмайди. Ҳозир республиканинг социал-иқтисодий тараққиётига халақит бераётган мавжуд камчиликлар, нуқсонлар, сабабларни холисона аниқлаш ва энг асосийси шу иллатларни тугатишда амалий қатнашиш жуда муҳимдир.

Бу ишда барча ғоявий таъсир воситаларининг ва айниқса оммавий ахборот воситаларининг роли ортиб бормоқда. Афсуски, матбуот саҳифаларида, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда хатоликлар, қатъий ҳукм чиқариб қўйиш руҳидаги гаплар, ҳис-ҳаяжонни авж олдириш ҳоллари учраб турибди. Қайта қуриш туфайли одамлар турмушига кириб бораётган жамики ижобий ҳодисалар кенг ёритилишини таъминлаш, камчиликларни амалий равишда танқид қилиш, воқеаларнинг бутун чуқурлиги, хилма-хиллиги, мураккаблиги ва зиддиятлилиги билан акс эттириш керак.

Партия ўз ҳаракатлари билан омманинг қайта қуришни ҳимоя қилиш йўлидаги кудратли ҳаракатини юзага келтирди. Мана шу ҳаракат бунёдкорлик ўзанидан бориши учун ҳаммамиз жавобгармиз.

МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Халқларимизнинг иқтисодий ва социал тараққиёти улар маданиятининг равнақи ҳамда бир-бирига яқинлашуви билан бир вақтда давом этмоқда. Ҳар бир миллий маданият шундай бир бебаҳо бойликки, уни ҳарчанд кўпайтира бориш керак.

Аммо маданият ўз табиатига кўра маҳдудликка тоқат қилмайди. Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам, бир томондан, миллий сиёсатнинг равнақ топиши таъминланмоқда, иккинчи томондан эса, маънавий турмушнинг интернационаллашув жараёни содир бўлмоқда. Миллий маданият муттасил янгиланиб, бошқа халқлар маданиятларининг ютуқлари билан бойиб бормоқда.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг маънавий соҳадаги ҳамкорлиги шу жараёнларни кучайтиришга кўмаклашмоқда. Регионимиздаги республикалар Телевидение ва радиоэшиттириш комитетларининг раислари Олмаотада «Дўстлик экрани» қўшма телевизион программаларининг самарадорлигини яхшилаш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Тошкентда қардош республикалар Маданият министрликлари ҳамда Давлат комитетлари ва Театр арбоблари союзлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб, унда маданиятларни ривожлантириш ва ўзаро бойитиш муаммолари юзасидан мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ижодий коллективлар ўртасидаги ҳамдўстлик мустаҳкамланмоқда. «СССР — умумий хонадонимиз» шиори остидаги дўстлик фестивали муваффақиятли ўтди. Ўзбек ҳаваскор фольклор группаларининг Ленинобод, Ўш, Тошовуз ва Чимкент областларида республика Маданият министрлиги уюштирган концертлари зўр қизиқиш уйғотди. Апрель ойида Тошкентда «Қайта қуришнинг кучи —

халқлар дўстлигида» шиори остида республикалар пойтахтларининг биринчи дўстлик фестивали ўтказилади.

Фанлар академиялари, халқ таълими, нашриётлар ва китоб савдоси йўли билан, газета ва журналларнинг редакциялари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Маданиятлар бир-бирини бойитишининг ҳозирги практикаси анъанавий алоқа формаларига ўзгартишлар киритилишини тақозо этади. Бизнинг назаримизда адабиёт ва санъат кунларини ўтказишни ҳамда маънавий мулоқотларнинг бошқа формаларини қайта кўриб чиқиш зарур. Аҳолини қўшни халқларнинг маданияти билан онда-сонда таништиришдан уларнинг маънавий қадриятларидан мунтазам баҳраманд қилишга ўтиш зарур. Бу эса ҳамкорликнинг янги формаларини излаб топишни тақозо этади.

Бизнингча, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида республикаларда маданият жабҳасида содир бўлаётган умумий жараёнлар ва хусусиятларни чуқур ўрганиш, партия, совет, хўжалик органлари ҳамда идеология муассасаларининг шу жараёнларга бир хил ёндашувларини ишлаб чиқиш, ўзларининг территориал тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки бундай тузилмаларга эга бўлмаган аҳолининг миллий-маданий эҳтиёжларини қондиришнинг самарали йўлларини излаб топиш зарур.

Кейинги вақтларда мамлакатда, шу жумладан регионимизда, республикамизда ҳам тил сиёсати масалалари айниқса ўткир тус олмоқда. Ана шу масалаларга муносабатда бизнинг маданиятимиз, ватанпарварлик ва интернационал ҳис-туйғуларимиз, яхши-ёмоннинг фарқига бора билиш, ўз халқи ва умуман давлатнинг ривожланиш истиқболларини кўра билиш маҳорати яққол намоён бўлаётир.

Маълумки, она тилини ҳам, рус тилини ҳам чуқур ўрганишга эътибор СССРда тилни ривожлантиришнинг бош йўналишидир. Афсуски, бир қанча сабабларга кўра мактабларда миллий тилларни чуқур ўрганишга қизиқишнинг пасайганлиги кўпгина йигит ва қизлар бу тилларни дуруст билмасликларига олиб келди. Ўзбекистонда ҳам аҳвол шундай. Фан-техника зиёлиларининг, партия ва совет органлари раҳбар ходимларининг бир қисми ҳам она тилида муомала қилишда қийналишмоқда, бу эса оммадан ажралиб қолишга, туб аҳоли ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг самарадорлиги пасайишига олиб келаётганлиги маълум.

Шу сабабли республика жамоатчилигининг ўзбек тилини ўрганиш ва унинг амал қилишидаги ишларнинг аҳволидан ташвишланаётгани мутлақо тушунарлидир. Партия, совет органлари, халқ таълими ва маданият муассасалари жамоатчиликка таяниб, аҳволни ўнглаб олиш учун кўп иш қилишлари лозим бўлади.

Биз ўзбек тилини, табиийки, республикада яшовчи бошқа миллатларнинг намояндалари, биринчи навбатда болалари ва ёшлар ихтиёрий равишда ўрганишларига доир ишларни тубдан қайта қуришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Республикада ўқиш рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш, уни ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш яхши йўлга қўйилмаган. Ўқув адабиётининг илмий-методик савияси паст. Биз «Ўзбек тили» тармоқ комплекс программасини ишлаб чиқиш зарурлигини сезиб турибмиз ва шундай топшириқлар берилди.

Партия, совет органларининг барча раҳбар ходимлари, халқ хўжалигининг мутахассислари туб миллат тилини аста-секин эгаллаб боришлари ҳам биз учун муҳимдир. Ходимларни танлаш ва республикага раҳбарлик лавозимларига юбориш чоғида ҳам уларнинг миллий районлардаги иш тажрибаси эътиборга олиниши матлуб деб ўйлаймиз. Шу категориядаги ходимларни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида, партия мактабларида тайёрлашни қайта кўриб чиқиш, ўқув программаларида туб аҳолининг сўзлашув тилини, маданияти, санъати, тарихини, анъаналарини ўрганишни кўзда тутиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда рус тилини ўрганиш масалалари билан амалий равишда шуғулланиш вазифаси принцип жиҳатидан муҳим бўлиб қолмоқда. Миллий мактабларни, айниқса қишлоқ мактабларини битириб чиқаётганларнинг кўпчилиги рус тилини дуруст билмаётганликлари, бу эса оқибатда уларнинг ўқишига, ишлаб чиқариш фаолиятига, ҳарбий хизматига салбий таъсир қилаётганлиги бизни жиддий ташвишлантирмоқда.

Республиканинг миллий мактабларида, айникса кишлок мактабларида рус тили ўкитувчилари нихоятда етишмаяпти. Халк таълими органлари бу борадаги камчиликларни бартараф этишга хамиша хам тегишлича масъулият билан ёндашаётганлари йўк.

Мана шу ва бошка кўпол хатолар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюросида ўз вактида мухокама килинган. «Рус тили» комплекс программаси тасдикланган эди. Ана шу программага мувофик миллатлараро муомала тилини ўкитиш жараёнини такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмокда ва у пропаганда килинмокда.

Айни вактда турли миллий тилларни баъзан бир-бирига карама-карши кўйишга уринишлар намоён бўлаётгани бизни ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Айрим жойларда ўкувчилар ва студентларни рус тили машғулотларида катнашмасликка даъват этувчи гиж-гижловчи овозлар эшитилиб турибди. Марказий Комитетга хатлар, шу жумладан коллектив хатлар уюштирилмокда, ана шу хатларда рус тилининг зўравонлиги сабабли ўзбек тили оз бўлмаса йўк бўлиб боряпти ва шунга ўхшаш бемаъни даъволар айтилмокда. Бундай миллатчилик кўринишларига тегишлича зарба берилиши керак. Чунки миллий махдудликка хар кандай интилиш иктисодий ва маънавий кашшокликка олиб боради. Бу эса халкимиз манфаатларига зиддир.

Шуни эслатиб ўтмокчиманки, регионимиз халкларининг энг яхши ўғил ва кизлари чоризмнинг мудхиш замонларидаёк рус тилига, рус маданиятига интилишган, уларни фидокорлик билан тарғиб килишган, ватандошларини шу тил ва маданиятни чукур ўзлаштиришга даъват этишган. Абай ва Ахмад Дониш, Махтумкули ва Тўктағул, Фуркат ва бошка кўпгина демократ шоирларнинг, халк маърифатчиларининг асарларида рус тилининг роли ва ахамиятига берилган талайгина ажойиб бахоларни учратиш мумкин.

Бу йил Совет Иттифоки халклари ўзбек совет адабиётининг асосчиси, революция жарчиси Хамза Хакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллигини нишонлайдилар. У, махаллий мусулмонларимиз колокликнинг энг сўнгги поғонасида колаётганликларининг асосий сабабларидан бири Россиянинг тили, урф-одатлари ва маданиятини ўрганишга эътиборсизликдандир, биз Россия халклари билан ватандошлармиз, деган эди.

Шундай килиб, хозирги вактда рус тилининг прогрессив вазифалари, аввало, шундан келиб чикадики, бу тил мамлакатимизда рус тилида сўзлашувчи ахолининг кўплиги, шунингдек, чор империясининг собик мустамлакалари территориясидаги революцион ўзгартишларда, бу ерда мехнаткаш халк хокимиятини ўрнатишда Россия пролетариатининг, Россия зиёлиларининг тарихий роли туфайли ундаги барча халклар ихтиёрий равишда танлаб олган миллатлараро муомала тилидир. Ахир, биз асосан рус тили ёрдамида экономика, фан ва техникадаги ютуклардан, социалистик Ватанимиздаги, колаверса кўп жихатдан чет мамлакатлардаги бошка халкларнинг сиёсий ва маданий турмушидан бахраманд бўлиш имкониятига эгамиз.

Ўзбек ва рус тилларини ўрганиш, ўзбек-рус икки тиллилигини ривожлантириш республикада яшовчи бошка миллат ва элатларнинг тилларини равнак топтириш билан бир вактда олиб борилмокда. Шуни рўй-рост эътироф этиш кераккি, Ўзбекистонда турғунлик йилларида бу муаммога эътибор берилмади, тожик, козок, корейс мактаблари ва бошка мактаблар турли бахоналар билан ёпиб кўйилди.

Хозир шунга ўхшаш нотўғри ишлар изчиллик билан бартараф этилмокда. Шу ўкув йили республикадаги 259 та мактабда таълим тожик тилида, 491 та мактабда козок тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 та мактабда қирғиз тилида, 12 та синфда грек тилида, 7 та синфда корейс тилида олиб борилмокда. Бир канча олий ўкув юртларининг структурасида таълим тожик, козок, крим татар тилларида олиб борилаётган факультетлар ва бўлимлари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислари, кенгашлари, пленумлари, Олий Совет сессиялари ўтказиладиган залларда республиканинг асосий тилларига синхрон таржима таъминланиши тўғрисидаги масала ишлаб чикилмокда. Профессионал таржимон кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги, олий мактабларнинг бирида махсус бўлим ташкил этиш хакида ўйлаб кўриш зарур. Бизнинг-

ча, бу тадбирлар миллатлараро алоқаларни янада мустаҳкамлашга, миллий маданиятларни ўзаро бойитишга кўмаклашади.

Хуллас, тил муаммоларини республика туб аҳолисининг ҳам, шунингдек, кўп миллатли жами аҳолисининг ҳам манфаатлари ва фикрларини эътиборга олиб, ниҳоятда чуқур ўйлаб ва эҳтиёткорлик билан ҳал қилиш лозим. Ҳозир ижодкор зиёлиларнинг айрим қисми ўзбек тилига дарҳол давлат тили статуси берилишини таклиф этаётганлиги учун шу ҳақда гапиришга тўғри келмоқда. Уларнинг бошқа бир қисми икки тилни: ўзбек ва рус тилларини давлат тили қилиш таклифини олға сурмоқда. Умуман давлат тилини белгилаш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида кўпдан-кўп таклифлар тушмоқда. Бу масалалар ҳар томонлама идрок этилиши зарур, деб ўйлаймиз. Шуни унутмаслик кераккн, ана шу масалалар шунчаки ўз доираси билан чекланиб қолмай, балки сиёсий, иқтисодий, миллатлараро масалалар билан ғоят чамбарчас боғлангандир.

Бунда жамиятшуносларнинг зиммасига катта масъулият тушади, улар тил сиёсатига доир илмий асосланган тавсияларни беришлари, турли миллат вакиллари кўпроқ яшайдиган ва тарихан таркиб топган регионларни, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини аниқлашлари, тегишли чора-тадбирларни ўйлаб кўришлари керак.

Ўз-ўзидан равшанки, миллий маданиятларни ривожлантириш масалалари фақат тил доиралари билангина чекланиб қола олмайди. Турмуш, анъаналар, халқ ижодиёти — буларнинг ҳаммаси зўр эътибор ва ғамхўрликка муносибдир. Кейинги вақтда турли миллий группаларнинг талаб-эҳтиёжларини инобатга олиб, республикада миллатлараро маданият марказларини барпо этиш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Биз республика территориясида яшовчи барча миллий группаларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Биз олий ўқув юртларида миллий ўқитувчи кадрлар тайёрлайдиган қўшимча бўлимларни очиш, республикалар ўртасида дарсликларни, бадиий адабиёт, болалар адабиёти ва бошқа адабиётни самарали айрибошлашни ташкил қилиш, китоблар босиб чиқаришни йўлга қўйиш, кўргазмали агитацияга ва аҳолини миллий группалар кўпроқ яшайдиган жойларда уларнинг тилларида ахборот билан таъминлашга эътибор бериш ниятидамиз.

Партия комитетлари ва ташкилотлари анъанавий маданият формаларини қайта тиклаш, миллий анъаналар, маросимлар ва оммавий байрамларнинг ижобий маънавий кучи, имкониятидан самарали фойдаланиш муаммосига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар.

Афсуски, сўнгги ўн йиллар мобайнида бир вақтлар Ўрта Осиё ва Қозоғистонда жуда машҳур бўлган «Гул сайли», «Ҳосил байрами», «Қовун сайли» каби ва бошқа байрамлар ҳамда маросимлар эсдан чиқарилди ёки деярли унутиб қўйилди. «Масхарабоз — қизиқчи», «қўғирчоқбозлар», «дорбоз» каби азалий халқ томошалари, мушоиралар, аскиябозликлар, миллий спорт ўйинлари ва ҳоказолар йўқолиб кетмоқда.

Шарқда қадим замонлардан нишонлаб келинган «Наврўз» байрамини сунъий равишда ўйлаб чиқарилган «Навбаҳор» тантаналари билан алмаштириш йўлидаги уринишлар эса республика аҳолисининг очиқ-ойдин ва ҳаққоний норозилигига сабаб бўлди. Чунки «Наврўз» жуда қадимий деҳқончилик маданиятига эга бўлган, ерга, табиатга нисбатан авайлаб муносабатда бўлиш, меҳнат ва маънавий тарбиянинг теран анъаналари мавжуд регионимиз халқлари учун том маънода янги меҳнат йилининг бошланишини билдиради. Шу нарса диққатга сазоворки, ўтмишда «Наврўз» байрами кунлари урушлар тўхтатилган, низолар унутилган, одамлар тинч ва яхши қўшничилик муносабатларига интилишган.

Хуллас, ҳар бир халқ миллий маданияти анъанавий формаларининг маънавий-эстетик, инсонпарварлик имкониятларидан маънавий-психологик муҳитни соғломлаштиришда, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришда, оммани интернационал руҳда тарбиялашда мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш зарур. Шу мақсадда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси хузурида революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини янада ривожлантириш, халқ байрамлари ва маросимларини тиклаш, СССР халқларини коммунистик руҳда тарбиялашда, уларнинг дўстлигини мустаҳкамлашда ана шу

байрам ва маросимларнинг ролини ошириш масалалари билан шуғулланувчи ишчи группаси тузилди.

Атеистик ишнинг пухта ўйланган стратегияси ва тактикасини, динга, диндорларга сиёсий жиҳатдан тўғри ёндашувни ишлаб чиқишнинг муҳимлигини таъкидламоқчиман. Бу борада қандай хато ва нуқсонлар бор? Биринчидан, Конституциянинг виждон эркинлиги тўғрисидаги қоидалари, дин тўғрисидаги қонунлар фақат диндорлар ва динга ишонмайдиганлар орасидагина эмас, балки партия ва совет кадрлари орасида ҳам ҳали тузук пропаганда қилинмаяпти. Иккинчидан, вужудга келаётган муаммоларни ҳал этишда кўпинча маъмуриятчилик қилинмоқда. Ҳолбуки, яқин ўтмишда атеистик пропагандани кучайтириш ниқоби остида халқ анъаналари зўрлик билан барбод этилгани, асрлар мобайнида қабул қилиб келинган маросимлар ва урф-одатлар тақиқлангани каби ҳаддан ошишлар зиёндан бошқа нарса келтирмади.

Ҳозир ана шу ҳаддан ошишлар тузатилмоқда. Диндорларнинг илтимосларига кўра, илгари ёпиб қўйилган баъзи масжидлар очилди, диний адабиётни нашр этиш масалалари ижобий ҳал қилинмоқда, руҳонийлар ва диндорлар инсонпарварлик жамоат ташкилотларида ҳамкорлик қилишга жалб этилмоқдалар.

Партия комитетлари аҳоли турли группаларининг диндорлик даражаси қандайлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари, дин масалаларига маъмурий-бюрократик ёндашувдан қатъий равишда воз кечишлари, истиқомат жойларида ишни фаоллаштиришлари, одамларнинг эҳтиёжларига, турмуш маданиятини оширишга эътиборни кучайтиришлари зарур.

Шу билан бирга коммунистлар, комсомолларнинг диний расм-русмларда бевосита қатнашганликлари учун, дунёқарашдаги иккиюзламачилиги учун уларга нисбатан талабчанликни сусайтирмаслик керак. Чунки динга нисбатан қарор топтирилаётган янгича сиёсий фикрлаш унга мафкуравий ён босишни билдирмайди.

Ўртоқлар! Социалистик, интернационалистик турмуш тарзини шакллантириш бутун партиянинг, бутун халқнинг ишидир. Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг сиёсий тажрибаси, меҳнат ахлоқи ва маънавий потенциали, уларнинг турли халқлар билан жамиятда яхши қўшниларча яшашга астойдил содиқлиги мана шу олижаноб вазифани ҳал қилишга сафарбар этилмоқда.

Бу ишда миллий ўзлигини англаш ғояларининг тарғиботчиси бўлиб, уни шакллантиришга фаол таъсир ўтказаётган зиёлилар алоҳида роль ўйнайди. Миллатлараро муносабатларнинг умумий иқлими ғоят кўп даражада зиёлиларнинг гражданлик етуклигига, уларнинг ўз халқи ва умуман жамият туб манфаатларини чуқур англашларига боғлиқдир. Республика фан ва маданият арбобларининг ғоят катта кўпчилиги интернационализм байроғини баланд кўтариб бормоқдалар. Интернационализм ғояларининг чинакам тарғиботчилари бўлиб, халқларимиз дўстлиги ҳамда қардошлигини мустаҳкамлаш ишига садоқат билан астойдил хизмат қилмоқдалар.

Афсуски, ғоявий жиҳатдан беқарорлик қилаётган, масъулиятсиз гап-сўзлари билан миллий негизда носоғлом эҳтирослар ва ҳиссиётларни авж олдираётган кимсалар ҳам бор. Қизишиб кетган ана шу кимсаларнинг ҳовуридан тушадиган, ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни тўла даражада ҳис этадиган, ўз халқи олдидаги гражданлик бурчини англаб етадиган пайт келди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, зиёлиларнинг айрим намояндалари интернационализм позицияларидан чекинганлиги партия органларининг улар билан олиб борган идеология ишидаги хатоларидан далолат беради. Биз бундан тегишли хулосалар чиқариб олдик, ижодкор зиёлилар билан алоқаларни мустаҳкамлашга интиляпмиз. Партия Марказий Комитетида фан ва маданият арбоблари билан учрашувлар мунтазам ўтказиб турилибди, бу учрашувларда қайта қуришнинг долзарб муаммолари ошкора вазиятда муҳокама қилинмоқда, зиёлиларнинг ишини кучайтириш борасида конкрет вазифалар қўйилмоқда.

Мана шу учрашувлар маънавий турмушда туб ўзгартишларга эришиш учун қанчалик кўп иш қилиш кераклигини кўрсатмоқда. Ижодий союзларда партиявий қатламни ошириш чоралари кўрилди. Биз ижодкор зиёлиларнинг бадиий сезгиси-

га, социал ҳушёрлигига кўпроқ ишонишимиз, айни вақтда турмушнинг зиддиятлари ва мураккабликларини тўлиқроқ идрок этишда уларга ёрдам беришимиз керак.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, миллий ўзлигини англаш ўсиб, маданият ва тарих муаммоларига қизиқиш кучайиб бораётган шароитда ғоявий-тарбиявий фаолиятга тузатишлар киритиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга хизмат қиладиган барча ижобий жиҳатларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаб ва ривожлантириб, миллий эҳтиросларни авж олдиришга, миллий маҳдудликка олиб борадиган нарсаларга қарши изчил курашиш зарур.

Партия ва комсомол ташкилотлари бу соҳада кўп иш қилишлари мумкин ва лозим. Улар одамларни, аввало ёш авлодни партия ва халқнинг шонли анъаналари руҳида, совет ватанпарварлигининг олижаноб туйғуси, ватанпарварлик бурчини бажариш — ҳозир жўшқин ижодий меҳнат қилиш, қайта қуришнинг барча соҳаларида куч-ғайратларимизни оширишдан иборатлигини равшан англаб етиш руҳида тарбиялашлари керак.

Омманинг интернационал онгини шакллантириш мафкуравий таъсирнинг барча мавжуд воситаларидан — сиёсий ва иқтисодий таълимдан, матбуот, радио, телевидениедан, лекция пропагандаси ва бошқа формалардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Турли ташкилотларнинг интернационал тарбия соҳасидаги ишини ягона комплекс программа асосида мувофиқлаштириш, унинг формалари, методларини хилма-хил қилиш, такрорлашни бартараф этиш имконини беради.

Партия ташкилотларининг интернационал тарбия форма ва методлари самарадорлигини ошириш соҳасида олиб бораётган ишлари тўғрисида гапирганда шуни унутмаслик кераккки, бу ишлар ишончли ахборот, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда тўғри қарорлар қабул қилиш имконини берадиган бошқа омиллар асосида олиб борилиши лозим.

Партия миллий сиёсатининг назарий асосини бойитмай туриб миллатлараро муносабатларни такомиллаштириб бўлмайди. Тадқиқотчи группаларнинг ишини аниқ мақсад йўлида мувофиқлаштириш, партия органлари олимларнинг жамият маънавий потенциалини бойитиш ишидаги амалий тавсияларини рўёбга чиқаришлари зарур. Миллатлараро муносабатларни ва интернационал тарбияни бошқариш практикасига бевосита дахлдор бўлган муаммолар комплексини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бериш керак.

ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КУРАШДА

Ўртоқлар! Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш жараёни фақат ички сиёсий характергагина эга эмаслиги ўзларингизга яхши маълум. Бу жараён совет ташқи сиёсати билан бевосита боғланган. Ҳозир биз мана шу ғоят муҳим соҳада ҳам социалистик федерация тўғрисидаги ленинча принципларнинг таъсирчанлигини қайта тиклаяпмиз. Иттифоқдош республикалар, жумладан, Ўзбекистон ҳам халқаро мулоқотга, халқаро меҳнат тақсимотига тобора активроқ қўшилмоқда. Бундай фаолиятдан мақсад КПССнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган йўлини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшишдан, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик орқали республиканинг, бинобарин эса, бутун мамлакатнинг ҳам социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдан иборатдир.

Бундай ёндашув ягона Совет давлатининг ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳар бир иттифоқдош республиканинг имкониятлари ва талаб-эҳтиёжлари билан қўшиб олиб боришнинг уйғун формаларини топиш имконини беради. Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар ва Қозоғистон каби Ўзбекистон мисолида ҳам шуни кўриш мумкинки, чет мамлакатлар билан таркиб топаётган бевосита алоқалар, икки томонлама муносабатлар жамиятга, совет кишилари бахт-саодатига тобора кўпроқ самара билан хизмат қила бошлади.

Якинда Афғонистондаги совет қўшинлари чекланган қисмларини олиб чиқиб кетиш ниҳоясига етди. Ватанимиз солдатлари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини ҳалол ва мардона адо этиб, она юртга қайтиб келдилар. Бизнинг республикамиз кўп миллатли бутун мамлакат билан бирга жанубий қўшни — афғон халқига осойишталик ва тотувлик йўлини танлаб олишда ёрдам бериш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилди ва қилмоқда. Чунки фақат шу йўлгина қон тўкилишига чек қўяди ва қадимий Афғонистон диёрида осойишталик ўрнатилишига кўмаклашади.

Афғон халқи ўзининг бундан буёнги тақдирини белгилаб олиши лозим. Аммо у қандай йўлни танлаб олмасин, халқларимизнинг яқинлиги географик жиҳатдангина эмас, балки тарихий жиҳатдан ҳам реалликдир. Биз барча республикалар билан бирга жанубий қўшнимизга бундан буён ҳам зарур ёрдам берaверамиз.

Бизнинг буюк Ҳиндистон билан ҳамкорлигимиз фаол ривожланиб бормоқда. Савдо-иқтисодий алоқалар кенгаймоқда, қўшма корхоналар барпо этиш тўғрисидаги масала ишлаб чиқилмоқда. Тошкент билан Деҳли ўртасида бевосита авиалиния очилди. Ҳиндистон компаниялари Тошкент, Самарқанд ва Бухорода замонавий меҳмонхона комплексларини қурмоқдалар. Республика пойтахтида Ҳиндистон маданият-ахборот марказининг филиали очилади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик мамлакатлар билан алоқалар биз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу алоқалар бевосита ва тўғридан-тўғри ҳамкорликнинг ҳам анъанавий, ҳам янги формаларида тобора ривожланмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг Македония Социалистик Республикаси (ЮСФР) билан алоқалари ибратлидир. Ана шу алоқалар бу йил партия ва давлат йўллари билан икки томонлама алоқалар, экономика, савдо, фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик программалари ҳолида пишиқ-пухта ҳуқуқий асосга эга бўлиб қолди.

ХХРнинг Синьцзянь — Уйғур автоном райони билан бевосита алоқалар жонланмоқда, чегарабўйи савдоси ривожланмоқда. Қўшма корхона барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг Малайзия, Бразилиянинг Сеара штати, Ғарбий Германиянинг Қуйи Саксония ўлкаси, Европа, Осиё, Африка ва Марказий Америкадаги бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигининг жуда умидбахш нишоналари намоён бўлиб қолди. Биродарлашган шаҳарлар йўли билан Тошкент — Сиэтл (АҚШ), Тошкент—Скопье (Югославия), Бухоро—Кордова (Испания) актив алоқалари ўрнатилди. Бундай шароитда республика идоралари ва ташкилотларининг ташқи иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамда бошқа халқаро алоқаларининг координаторлари сифатида республика Министрлар Совети Президиуми ташқи иқтисодий алоқалар комиссиясининг, Ташқи ишлар министрлигининг, «Ўзбекинторг» бирлашмасининг, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг роли ортиб бормоқда.

Тошкентда чет мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг сони кўпайиб бораётганлиги, республикада ажнабий фирмаларнинг ваколатхоналарини очиш тўғрисидаги илтимослар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга қизиқишни ифода этади. Италия фирмаси билан муштарак бўлган «Совпластитал» корхонаси, Совет — Болгария «Вариант» корхонаси муваффақиятли ишлаб турибди. Кооперация соҳасида хизматлар ҳажми тобора кенгаймоқда.

Кўриб турибмизки, Ўзбекистон ССРнинг чет эллар билан алоқалари янги сифат касб этиб бормоқда, бинобарин, у ички сиёсат масалалари каби Иттифоқ ва республика органлари ҳуқуқ доираларининг ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиб қайтадан идрок этилиши зарур. КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир Пленумига тайёргарлик кўриш чоғида биз халқаро фаолиятнинг ана шу муҳим соҳасини ҳам назарда тутишимиз, қайта қуриш, демократиялаш, иқтисодий ислоҳот, янгича сиёсий фикрлаш жараёнлари кенг жаҳон майдонига, ҳамжиҳатлик ва тараққиётнинг, тинчлик ва дўстликнинг катта йўлига чиқиб олиши учун янги шарт-шароитларни вужудга келтиришимиз зарур.

Ўртоқлар! Докладда бизнинг регионимизда ҳозирги босқичда миллий муносабатларни такомиллаштиришнинг баъзи масалаларигина бўлди...

Биз конференциянинг характерини эътиборга олиб, унинг ҳар бир қатнашчиси республикаларимиз ўртасидаги бевосита иқтисодий ва маънавий алоқаларнинг докладда ёритилган хилма-хил формалари миллатлараро муносабатларнинг юксак маданиятини тарбиялашга, одамларнинг интернационал онгини мустаҳкамлашга кўмаклашишини яхши тушунади, деб ўйлаймиз. Айни бир вақтда РСФСР, Украина, Белоруссия, Закавказье ва Болтиқбўйи республикалари, Молдавия халқлари билан мулоқотлар ривожланмоқда, маънавий қадриятлар баҳам кўрилмоқда. Мамлакат турли регионларидаги ўлкалар, областлар, шаҳарлар, районлар билан алоқалар ўрнатилган. Мана шуларнинг ҳаммаси турмушимизни яна ҳам сермазмун ва жўшқин қилиб, қайта қуриш вужудга келтираётган янги, илғор нарсалардан баҳраманд бўлиш имконини бермоқда.

Бизнинг ҳозирги кунимиз ва келажагимиз барча халқларни равнақ топтириш, жипслаштириш ва бирлаштиришда эканлигини тарих кўрсатди. Мамлакатдаги барча халқлар эркин ривожланиши ва гуллаб-яшнашининг асоси бўлмиш совет жамиятини жипслаштиришга, Ватанимизнинг қудратини кучайтиришга хизмат қиладиган нарсаларнинг ҳаммасини авайлаб сақлаш ва кўпайтириш — бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир.

Эътиборингиз учун раҳмат.

В. ОСМИНИН

МИЛЛАТЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ ТИПИ ҲАҚИДА

МАҚОЛА сарлавҳасида ишлатилган сўз бирикмаси — миллатлараро иқтисодий муносабатлар — биз учун одатланилган тушунча эмас. Гап шундаки, социалистик федерализм шаклланган йиллардан бошлаб то энг сўнгги вақтгача жамиятимизда миллатлар ва элатлар тўғрисидаги масала асосан улар этник формаларини, маданий-миллий автономияларини, миллий жиҳатдан бир-бирига мослигини ривожлантириш, лингвистик белгиларини сақлаб қолиш ва ҳоказолар нуқтаи назаридан қараб келинди.

Аввал бошдан умумиттифоқ манфаатлари республика манфаатларидан ташқарида мавжуд бўлмаган ва улардан устун турмаган, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга, муштарак манфаатларни бирлаштириш йўлини ишлаб чиқишга доир конструктив, аниқроғи, муросасиз ёндашув амалга оширилган. Бу эса СССР Конституциясининг: СССР — социалистик федерализм принципи асосида тузилган кўп миллатли бир бутун иттифоқ давлатдир, деб эълон қилган қоидасидан қонуний равишда келиб чиқади.

Ҳатто мамлакат иқтисодий аҳволининг анчагина ёмонлашишига, ижтимоий ишлаб чиқаришда кризисдан дарак берувчи ҳодисалар, турғунликка хос хилма-хил элементлар пайдо бўлишига қарамай миллатлараро муносабатлар катаклизм ва ихтилофли вазиятлардан холи бўлиб ривожланди. Энг сўнгги пайтларгача экономика билан миллатлараро муносабатлар ўртасида етарлича жиддий алоқа йўқ, ана шу глобал ижтимоий ҳодисалар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ўз ички қонунлари асосида ривожланмоқда деган тасаввур шаклланиб борди.

КПСС XXVII съезди материалларида иқтисодий жараёнлар билан ўзаро боғланган ҳолда миллатлараро муносабатлар тўғрисида жуда оз гапириб ўтилди. Ушбу масала илк бор XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида кенгроқ ёритилди, лекин республикалараро миллий муносабатларнинг иқтисодий жиҳати аслини олганда фақатгина белгилаб ўтилди.

Фақат эндигина айниқса 100 дан ортиқ миллат ва халқлар истиқомат қиладиган бизнинг мамлакатда миллий масала ва миллатлараро муносабатлар узвий равишда иқтисодий проблемалар билан боғланганлиги ҳамда экономиканинг территориал структураси давлат сиёсий системасининг аҳволи учун муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақида бaралла сўзлай бошладик. Зеро, ҳар бир миллат ва элат ўз конкрет эҳтиёжларига эга конкрет кишилардан иборат бўлиб, уларни қондириш даражаси жамиятнинг нафақат иқтисодий, балки сиёсий фаровонлигининг ҳам асосий индикаторларидан бири деб ҳисобланади. В. И. Ленин Коммунистик партия «миллий масалада ҳам, абстракт ва формал принципларни эмас, балки... тарихий-конкрет ва ҳаммадан аввал иқтисодий вазиятни аниқ ҳисобга олишни... энг биринчи ўринга қўйиши лозим» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 180-бет), деб бежиз уқтирмаган.

ОСМИНИН Валерий Александрович, иқтисод фанлари доктори.

Ушбу қоидани унутиш иқтисодий территориал сиёсатнинг маълум даражада бузилишига олиб келдики, бу сиёсат социализмнинг ишлаб чиқариш муносабатлари системасида эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар доирасида, аввало экономикани ривожлантиришнинг хом ашё, ресурс, технологик эҳтиёжлари нуқтаи назаридан туриб қараб чиқилган эди. Айни шундай ёндашиш оқибатида ҳалигача СССР Конституциясида социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари системасида иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ўз ифодасини топмай келяпти.

Бугунги кунда партия томонидан миллатлараро проблемаларни ҳал қилиш учун ҳуқуқий негизни асослаш, бундай иқтисодий ва социал ёндашишни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Ушбу вазифанинг аҳамияти жуда каттадир, чунки ижтимоий ҳаёт энг муҳим ҳодисаларининг бир-биридан ажралиб қолганлиги, миллатлараро муносабатларга фақат сиёсий тус берилганлиги, уларнинг социалистик воқеликнинг бошқа томонларига таъсири эътиборга олинмаганлиги миллатлараро муносабатларда нафақат чуқур зиддиятларга, балки иқтисодий характердаги жиддий қийинчиликларга ҳам олиб келди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу соҳадаги камчиликларнинг социал оқибатлари шу қадар жиддийки, бунда кўзга ташланган жараёнларни қайта қуриш оқимига йўналтириш учун куч ва маблағларни жуда катта миқёсда сафарбар қилиш талаб қилинади.

* * *

Мамлакатимизнинг ягона халқ хўжалик комплекси бунёд этилган даврга фикран қайтайлик. Ўша вақтда, суверен республикалар доирасида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш тажрибаси сингари, табиийки, аниқ-ойдин, илмий асосланган регионал иқтисодий сиёсат ҳам йўқ эди. Умумиттифоқ территориал пропорцияларининг характери энди кўзга ташланаётган бўлиб, кўп жиҳатдан ҳар бир регионнинг табиий-иқтисодий хусусиятлари ва имкониятларини ифодалар эди. Республикалар ўртасидаги, шунингдек республика ва иттифоқ бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар эндигина ҳуқуқий формалар касб этаётган эдики, бу ҳол, шубҳасиз, республикалар иқтисодий позицияларининг шаклланиш стратегияси ва тактикасига таъсир кўрсатди.

Жамиятимиз ривожланишининг бошланғич босқичидаёқ миллатлараро муносабатлар ижтимоий, социал муносабатлар системасига актив таъсир кўрсатишдан четланиб қолганлигини, бу эса кейинчалик айникса Иттифоқ марказий органлари даражасида бошқарувнинг маъмурий-зўраки принципи тантана қилишига имкон яратганлигини анча катъийлик билан таъкидлаш мумкин. Натижада социалистик давлатни федерация асосида қуриш ҳамда миллатлараро муносабатларни иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш даражаларини планли асосда бараварлаштириш қонуни объектив талаблари асосида ташкил этиш принципи амалда бошқаришнинг тармоқ структураси билан, яъни йирик министрлик ва идоралар доирасида тармоқ ишлаб чиқариш-хўжалик алоқалари системаси билан алмаштирилди. Бу ҳол, ўз навбатида, республикаларнинг умумиттифоқ ишлаб чиқариши ресурс полигонларига айланиб қолишига, ўз миллий ва, айтиш мумкинки, социал колоритларини кўп жиҳатдан йўқотишига олиб келди. Миллий биқиқлик ривожлана бошлади.

Албатта, суверен иттифоқдош республикаларнинг ташкил топган федерализми, территориал корпорацияларнинг шаклланган системаси аввал бошда миллий энтузиазмнинг ғоят жўш уришига ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати юқори бўлишига олиб келганини инкор этиб бўлмайди. Бу нарса кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг мамлакатимиз ғоят бой бўлган улкан табиий ва кишн ресурсларига асосланган экстенсив типи билан мустаҳкамланган эди. Ўша пайтларда юзага келган ўзига хос иқтисодий эйфория технологик ва ишлаб чиқариш структуралари ривожланишини тўхтатиб қўйди, фан-техника тараққиётига салбий таъсир кўрсатди.

Кейинчалик, дастлабки ресурс манбалари тугаб боргани сари, ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этишнинг қотиб қолган формаси, уларнинг муайян регионга боғланиб қолганлиги истиқболсиз бўш нарса эканлиги кўрина бошлади.

Мамлакатда бунёд этилган ягона халқ хўжалик комплекси аслида республикаларнинг узоқ вакт мобайнида икки группага бўлинишини қонунлаштирди: бир хил республикалар пировард маҳсулотлар учун ресурслар ҳосил қилади, бошқалари эса ана шу маҳсулотларни яратади.

Бундай практика натижасида юзага келган нафакат иктисодий, балки жиддий сиёсий янглишув ҳам миллатлараро муносабатларнинг аҳволига таъсир кўрсатмай қолмади. Айрим республикаларнинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги функцияси жуда бўрттириб ва унчалик тушунарли бўлмаган социал-иқтисодий кўринишда кўрсатила бошланди.

Ҳақиқатан ҳам, нимага бугунги кунда Ўзбекистондан четга чиқариладиган маҳсулотда меҳнат предметлари (хом ашё ресурслари) ҳиссаси 80 процентга етиши, олиб келинадиган маҳсулотда эса 50 процентга қадари истеъмол предметларига тўғри келиши керак? Ишлаб чиқариш ва четга мол чиқариш территориал структурасининг анализи Эстония, Тожикистон ва Молдавиядан ташқари, қолган барча иттифокдош республикалар билан биргаликда Ўзбекистон ССР ҳам районлараро ўзаро иктисодий муносабатларда манфий сальдога эга эканлигини кўрсатмокда. Бинобарин, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида ҳамма нарса ҳам аниқ ўз ифодасини топган эмас. Жумладан, агар республикамиздаги тармоқ структураси умумиттифоқ структурасига айнан мос бўлганида структура силжишлари ҳисобигагина қўшимча равишда 2 миллиард сўмлик миллий даромад (уни ишлаб чиқариш ҳажмининг 10,1 проценти) олиш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилган. Лекин бюджет перетокларини лойиҳалаштираётганда ана шу муҳим жиҳат ҳисобга олинмаяпти.

Хўжалик юритишнинг маъмурий-зўраки системасига ҳамоҳанг бўлган иктисодий структуранинг қотиб қолган характери ҳар бир республика, ҳар бир миллат ва элат иктисодий, сиёсий ва социал ҳаётининг ҳамма томонига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Амалда бутун Иттифоқ ягона андоза ўлчови билан яшай бошлади: бошқариш ва планлаштириш системалари, иш юритиш принципи, вазифалар мазмуни ва уларни ҳал этиш принциплари шу қадар бир хил шаклга келтирилганки, ҳозир у ёки бу республиканинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш, маҳаллий ташаббускорлик элементларини ривожлантириш, бирорта ўз иктисодий экспериментини амалга ошириш ва умумий марказлаштирилган жараёндан тушиб қолмаслик мушкул нарсадир.

Молиявий, моддий ресурслар ва бошқа социал неъматларнинг амалдаги ўзгармас марказлаштирилган тақсимоти асосида иктисодий ва социал структураларнинг ана шундай «вертикал» ҳолда шаклланиши республикаларнинг иктисодий ташаббуссизлигини туғдиради, территориал планлаштириш системасини чеклаб қўяди. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш масалаларини ҳал қилишдаги субъектив характер туфайли иттифокдош республикаларнинг ўз ичидаги мустақил планлаштириш функциялари бой берилди — улар маҳаллий хўжаликнинг белгиловчи дейиш ҳам мумкин бўлмаган томонларининг тор доираси билан чекланиб қолганлар.

Чунончи, ҳозирги вактда Ўзбекистон ССРда ҳосил қилинадиган ижтимоий маҳсулотнинг чорак қисми Иттифоқ органлари ихтиёридаги корхоналар ҳиссасига (бунинг устига экономика ривожланишининг айни индустриал ва техника даражаларини белгилайдиган тармоқларга қарашлиларига), қарийб 40 проценти иттифоқ-республика органлари ихтиёридаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бевосита республика ва маҳаллий органлар ихтиёридаги корхоналарнинг ҳиссаси қанчалик озлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Иттифокдош республика бўйича, яъни унинг бутун территорияси бўйича тузилган план ҳеч қачон — уни тасдиқлашгача ҳам, ундан сўнг ҳам — комплекс, бунинг устига балансланган ҳолда бўлмаганлиги бежиз эмас: иттифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари ва идоралари ўз кўрсаткичларини иттифокдош республика билан жуда кам ҳолларда келишиб олганлар. Бу эса, албатта, конкрет территорияга оид, амалий масалаларни бунинг устига у ерда яшайдиган миллат ва элатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишни анчагина қийинлаштирган.

Хўжалик юритишнинг идоравий, аникроғи, тармоқ системаси шароитида республиканинг ўз ичида ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад, аҳолининг реал даромадлари, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, харажат ва даро-

мадларнинг қиёсланиши ва ҳоказолар сингари йиғма, умумлаштирувчи иқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ўзининг ҳар қандай маъносини йўқотади. Уларнинг мақсадли ва мазмундор характери территориал планлаштиришнинг мавжуд технологиясига, республика манфаатларига мос келмайди.

Умуман олганда, агар ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган бўлсак, иттифоқдош республика шароитида иқтисодий жараёнларнинг илмий анализи умуман регионни ҳимоя қилишга эмас, балки маъмурий-зўраки манфаатга хизмат қилишга бўйсундирилган. Бунинг устига, ҳозирги вақтгача, афсуски, совет ва партия органларининг кўпгина намояндалари ҳануз территориал планлаштиришнинг мавжуд системаси доирасида умуман республика экономикасининг барча хусусиятларини ифодалаш мумкин эмаслигини тушунмайдилар. Натижада планлаштиришни амалга ошира бориб, биз бир бутун ҳолда республика территориясини; ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмолни, яъни маҳсулот ва миллий даромад ҳаракатининг барча фазаларини иқтисодий занжир бўйича бирлаштирадиган унинг такрор ишлаб чиқариш жараёни хусусиятларини кўрмаймиз. Бу нарса яхлит иқтисодий категориялар сифатидаги республикалар ҳақидаги, миллатларнинг бирлиги, уларнинг хусусиятлари ва тафовутлари тўғрисидаги тасаввурни анчагина мураккаблаштиради. У ёки бу республиканинг миллий ўзига хослигини ишлаб чиқариш ёки истеъмолнинг айрим фазаси орқали қараб чиқиш амалда ҳеч нимани кўрмаслик демакдир. Шу сабабли ҳам иттифоқдош республикалар экономикасининг ролини ошириш, улар ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш учун комплекс план ишлаб чиқишнинг реал механизмини яратиш муҳим бўлиб, унинг асосига тармоқларнинг манфаатлари эмас, балки умуман республика территориясининг социал-иқтисодий вазифалари қўйилиши керак — ана шундагина унинг экономикасини ривожлантиришда инсон омилининг роли ва ўрнини кўриш мумкин. Албатта, буни амалга ошириш қийин бўлади, лекин бундай ёндашувсиз биз мақсадли план топшириқларининг гуманистик маъносини бой берамиз.

Монокультура ишлаб чиқариши ва иқтисодий районлаштириш тўғрисидаги масалалар жуда жиддий бўлиб, улар бир-бири билан узвий боғланган ҳамда миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришга бевосита боғлиқдир.

Монокультура маъмурий-зўраки бошқарувнинг бевосита оқибати эканлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Мамлакат экономикаси шаклланган территориал структурасининг камчиликлари айни шу нарса билан изоҳланадики, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексини шакллантириш объектив иқтисодий шароитни ифодалайдиган миллатлараро иқтисодий районлар асосида эмас, балки маъмурий-территориал бирликлар базасида амалга оширилган эди. Натижада экономикани бошқаришнинг «вертикал» принциплари янада кўпроқ даражада мустаҳкамланди ва шу билан биргаликда иттифоқ марказий органларининг республика органларидан юқори турган функциялари янада юксалди. Маъмурий-территориал районлар экономикани ўстиришни етарлича ўйланмаган ҳолда жадаллаштириш ҳисобига ўзаро «мусобақалаша бошладилар», бу эса сарф-харажатлар ошишига, товар тақчиллигига олиб келди. Тор тармоқ ёки монокультура ишлаб чиқариши базасида юзага келган иқтисодий факторлар аста-секин миллатлараро муносабатларнинг кескинлашишига олиб келди.

Лениннинг, сиёсат экономиканинг концентрацияланган ифодасидир, деган машҳур қоидасини эсга олайлик. Шу сабабдан миллатлараро иқтисодий муносабатларда тўпланиб қолган проблемалар носоғлом сиёсий хатти-ҳаракатларда намоён бўлиши мумкинлиги ва ҳалитдан шундай бўлаётгани қонуний ҳолдир. Бу нарса мамлакатда миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш самарали иқтисодий чораларга асосланиши кераклиги тўғрисида қайғуришни қатъий қилиб қўймоқда. Ҳолбуки иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитни локал ҳолда эмас, балки ялпи яхшилаш лозим, чунки мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплекси доирасида ҳар бир миллат ва элат умумий иқтисодий системанинг бир қисмидир. Ушбу комплекс умумий «қозонимиз» эканлигини ҳамда ҳар ким ундан сарфлаган меҳнатига қараб ўз улушини олиши лозимлигини унутмаслик керак. Социалистик иқтисодий тенглик айни шунда намоён бўлиши лозим.

Ўзбекистон ССРда жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ҳамда хизмат кўрсатиш даражаси СССРдаги шунга ўхшаш ўртача кўрсаткичлардан анча пастдалигини нормал ҳол деб бўладими? Пахта каби муҳим стратегик маҳсулот етиштирилишини олиб кўрайлик. Ўзбекистон бир йилда етиштирадиган пахта миқдоридан 75 миллиард сўмлик ижтимоий маҳсулот ва 29 миллиард сўмлик миллий даромад олиши мумкинки, бу тегишли равишда мамлакат ижтимоий маҳсулотининг салкам 6 процентини ва миллий даромадининг 5,1 процентини ташкил этади. Шундай бўлишига қарамай, республика ўз халқ хўжалигини ривожлантириш учун иттифоқ бюджетидан тобора кўп дотация олмоқда.

Чунончи, 1986 йили унга 829 миллион сўм (Ўзбекистон ССР давлат бюджети ҳажмига нисбатан олганда 10,2 процент), 1987 йили 1 миллиард 787 миллион сўм (20,1 процент), 1988 йили 1 миллиард 884 миллион сўм (20,9 процент) ажратилди, 1989 йили 1 миллиард 957 миллион сўм (19,5 процент) ажратиш планлаштирилган. Шундай қилиб, ана шу 4 йил ичида дотациялар икки ярим баравар ошган. Шу билан бир вақтда ана шу муддат ичида уларнинг умумий суммаси мамлакатнинг пахтадан бир йилда олган миллий даромадининг атиги 22 процентини ташкил этди. Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Муайян даражада нархлар механизмининг такомиллашмаганлиги билан. Энг асосийси шундаки, биз ҳозиргача барча республикалар учун умумий бўлган ишлаб чиқариш харажати ҳамда натижаларини ҳисоблашнинг ўртача чамаланган иқтисодий негизига, яъни эквивалент товар айирбошлаш асос бўлиши керак бўлган негизга эга эмасмиз.

Проблеманинг бошқа томони ҳам бор. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон заминида интенсив боғдорчиликдан олинган даромад пахта етиштиришдан олинган даромаддан 15—16 баравар, узумчиликда эса 6 баравар ошиб кетиши мумкин. Ана шундай бўлсада республикага берилаётган дотациялар хусусида бўрттириб сўзлаш, шубҳасиз, миллатлараро муносабатлар асосларига ҳам путур етказади.

Наҳотки шундай шароитда республиканинг умумиттифоқ ишлаб чиқаришига қўшадиган объектив ҳиссаси ҳақида сўзлаш, уларнинг миллий ифтихорини камситмаган ҳолда улар ўртасида адолатли муносабатларни, соғлом савдо манфаатларини ривожлантириш мумкин бўлса? Шунинг учун ҳам СССР республикалари ўртасида ҳозирча тўғридан-тўғри иқтисодий ва савдо алоқалари йўлга қўйилган эмас. Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, миллатлараро муносабатлар социал ва иқтисодий факторлар билан узвий боғлангандир. Бу факторларнинг ривожланмаганлиги миллатлараро алоқаларнинг социализмнинг асосий ишлаб чиқариш муносабатлари системасидаги яроқлилигига салбий таъсир кўрсатади.

Шундай қонуний саволлар туғилади: бундай аҳволга нима нарса альтернатива бўла олади, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексида суверен республикалар ролини оширишнинг йўли қандай, миллат ва элатларни янада кўпроқ жипслаштиришга ва уларнинг умумий куч-ғайратларини қайта қуриш оқимига йўналтиришга қодир бўлган социал-иқтисодий шароитлар қандай?

Бугунги кунда жуда кўп сўз юритилаётган территориал хўжалик ҳисоби, менинг фикримча, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришнинг иқтисодий негизи бўла олмайди. Бунда юзага келган мушкулотларни бартараф этиш учун имкон берадиган мустақил ва кенг қамровли йўналиш сифатида баҳоланувчи территориал хўжалик ҳисоби кўзда тутиляпти.

Бундай ёндашувнинг хатолигини шунда кўряпманки, бундай ҳолда корхоналар фаолиятининг ишлаб чиқаришнинг бошланғич бўғинлари ҳамда иттифоқдош республика экономикасига хос бўлган бир бутун такрор ишлаб чиқариш системаси сифатидаги принциплар қориштириб юборилялти. Агар биринчи ҳолда ҳисоб-китобининг миқдор категорияларидан фойдаланиш мумкин бўлса, иккинчи ҳолда умуман такрор ишлаб чиқариш муносабатлари системасини қамраб оладиган сиёсий-иқтисодий тушунчалар керак бўлади. Лекин бундай ёндашиш нафақат хато, балки зарарли ҳамдир; чунки у майда буржуача, истеъмолчилик характерига эга, асосан бировлар ҳисобига ўз ҳамёнини тўлдиришга интилувчи обивателнинг манфаатларини ифодалайди.

Бугунги кунда вазифа мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплекси базасида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, иттифоқдош республикалар

иктисодий суверенитетини янада мустаҳкамлашнинг барча энг муҳим ва сифат жиҳатидан бошқача социал-сиёсий ҳамда иқтисодий шарт-шароитини ўзида мужассамлаштирган миллатлараро иқтисодий муносабатларнинг янги типини яратишдан иборатдир. Иттифокдош республикалар экономикасини актив интеграциялаш негизида ривожланаётган бутун мамлакатнинг иқтисодий потенциали барча миллат ва элатларнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳамкорлиги, уларнинг янада гуллаб-яшнаши учун тенг имкониятлар яратиши учун миллатлараро иқтисодий муносабатларнинг шунга мос келадиган типи лозим.

Улар орасидаги муносабатларни шундай асосга қуриш лозимки, у ёки бу республиканинг миқдорий ҳиссаси билан эмас, балки умуман халқ хўжалик комплексининг самарадорлигини ошириш негизида иқтисодий тенглик белгилансин. Акс ҳолда социализм давридаги товар-пул ва бозор муносабатлари билан адаштириш мумкин бўлмаган товар-пул прагматизми миллат ва элатларнинг яқинлашуви учун ўтиб бўлмас тўсиқларни юзага келтиради. Миллатлараро иқтисодий муносабатларнинг янги типи яратилиши социал-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, миллий-этик, интернационал-интеграция жараёнлари ғоят нозик жиҳатларининг катта доирасини қамраб олиши ва, пировард натижада, марказлаштирилган планлаштиришнинг бозор муносабатлари ривожланиши билан узвий бирикувини таъминлашга, социалистик бошқарувнинг иқтисодий методларига кенг йўл очиб беришга йўналтирилиши керак.

Масаланинг ана шундай принципиал қўйилишидан, аниқроғи, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш йўналишларини сиёсий-иқтисодий баҳолашдан келиб чиқиб, бир қатор мулоҳаза ҳамда таклифларимни айтмоқчиман.

Миллатлараро иқтисодий муносабатларнинг янги типини шакллантиришда сўз аввало мулкка эгалик, бошқариш ва планлаштиришнинг маъмурий ва территориал-миллий системалари янги формаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат ягона халқ хўжалик комплекси структурасининг хусусиятлари тўғрисида, иттифоқдош республикаларнинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш замонавий турларини ривожлантириш, эквивалент айирбошлаш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларининг мезонлари, ишлаб чиқариш ва республикалар ўртасида товар айирбошлашнинг муштарак меҳнат сарфига асосланган негизи ва ҳоказолар тўғрисида бориши керак. Қисқаси, аниқ регионал иқтисодий ва сиёсий программа зарур, устун проблемаларни ҳамда ушбу жараённи бошқаришнинг энг самарали ташкилий структурасини белгилаш лозим.

Иқтисодий районлаштириш хусусидаги, территориал-ишлаб чиқариш комплексларини яратиш ҳамда ана шу асосда экономикага территориал-миллий раҳбарликнинг янги бошқарув структураларини шакллантириш тўғрисидаги масала алоҳида эътиборни талаб этади. КПСС XXVII съездида йирик иқтисодий районни бошқариш имкониятини қараб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Менимча, бошқарувнинг бундай формаси ҳозирги маъмурий-территориал формага қараганда қайта қуриш манфаатларига, миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга, бошқарувнинг иқтисодий методларини жорий қилишга кўпроқ жавоб беради, чунки территорияларга раҳбарликнинг бюрократик ва шартли чегараларини емириш имконини беради.

Ўзбекистон ССР учун бугунги кунда иқтисодий районлаштириш принципи, айрим областларнинг меҳнат ресурсларига тўйиниб кетганини ҳисобга олганда, аҳолининг меҳнат активлигини кенгайтиришда муҳим шарт бўлиши мумкин эди. Ҳозирда мавжуд меҳнат ресурсларининг ишда бандлилик даражаси республика ижтимоий ишлаб чиқаришида атиги 77,1 процентни ташкил этади. Бу эса мамлакат бўйича энг паст кўрсаткичлардан биридир. 1976—1987 йилларда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли кўпайишининг ҳар 1000 кишиси ҳисобига иш ва ўқиш жойлари билан фақат 655 нафари (шу жумладан шаҳарларда — 837, қишлоқда — 453) таъминланган, бинобарин, кишиларнинг катта миқдори ижтимоий меҳнат соҳасидан ташқарида қолган.

Иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш даражаларини бараварлаштириш ҳамда уларнинг мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексига қўшадиган иқтисодий ҳиссаси — миллатлараро муносабатлар проблемаларини ҳал этиш умумий системасидаги принципиал масаладир. Бу хусусдаги

гап анчадан бери бораётган бўлсада, ҳозиргача аниқ позиция мавжуд эмас. Гап шундаки, проблеманинг моҳияти бемаънилаштирилган, у бир республиканинг иккинчисига ресурс борасида боғланишини йирик министрлик ёки идоранинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда кенгайтириш билан чекланиб қолган.

Ишлаб чиқарувчи кучларни планли ривожлантириш ва жойлаштириш иқтисодий қонуни ўрнига ишлаб чиқариш-технологик тармоқ принципи ҳукмрон бўлган, у ишлаб чиқариш, социал ва бошқача инфраструктурани шакллантирган. Бунинг натижалари яққол кўриниб турибди. Мисол учун, айниқса миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш нуқтаи назаридан олганда, ҳатто бир республика доирасининг ўзида индустриал ва социал ривожланиш даражаларида жиддий тафовутларнинг мавжудлигини нормал ҳол деб эътироф этиш мумкинми? Чунончи, Ўзбекистон ССР айрим областлари ўртасида аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши уч баравар фарқ этади. Аҳвол шундайки, республика бутун саноат потенциалининг салкам 50 проценти Тошкентда, Тошкент ва Фарғона областларида тўпланган, бошқа областлар эса, гарчи зарур ресурс ва имкониятларга эга бўлсаларда, индустриал ривожланишда, бинобарин, социал ривожланишда ҳам кескин орқада қолганлар. Ҳаёт эса район иқтисодий жиҳатдан қанчалик қаровсиз бўлса, ўша ерда миллий проблемалар ҳам шунчалик ўткир бўлишидан далолат бермоқда.

Иттифоқдош республикаларнинг умумиттифоқ ишлаб чиқаришига қўшаётган ҳиссаси уларнинг территориал меҳнат тақсимотидаги ихтисосланиши билан қанчалик мосланишини қараб чиқиш муҳимдир. Дарвоқе, Болтиқбўйи республикаларида территорияларнинг хўжалик ҳисобига ўтишини муҳокама қилишда ушбу масала асосий масалалардан бири сифатида мунозарага сабаб бўлди. Бу эса социалистик ҳамдўстликнинг, бинобарин, миллий муносабатларнинг ҳам ғоят нозик масаласидир. Гап шундаки, умумий меҳнат билан ягона иқтисодий потенциал яратилаётганда у ёки бу республика бунга қанча ҳисса қўшганлиги ҳамда қанча нарса олганлигини аниқлаш барча жиҳатлардан олганда унча одобдан эмас. Шубҳасиз, ҳар бир республиканинг сарф-харажатларини билиш керак — бу нарса амалий алоқаларнинг энг оддий принципини ҳамда яратилган даромадда иштирок этиш даражасининг мезонидир. Лекин социалистик жамиятнинг ягона халқ хўжалик комплекси шароитида ушбу масала бошқача социал-иқтисодий тагмаънога ва баҳо беришда ўзгача формага эга бўлиши лозим. Бундай мезонни ишлаб чиқишда очиқ-ойдин истеъмолчиликка устунлик берадиган бугунги камбағаллигимиз ҳамда мавжуд товар тақчиллигидан эмас, балки у ёки бу хўжалик проблемаларини ҳал этишда энг кўп қулайлик яратувчи шароитни ҳар томонлама ривожлантириш имкониятидан келиб чиқиш керак. Зотан пулли ўлчов билан, аниқроғи, даромадларни тақсимлаш билан бевосита боғланмаган бир талай иқтисодий стимуллар (эскирган фондларнинг ишдан чиқиш нормаларини кўпайтириш, маҳсулотни жаҳон бозорида реализация қилиш учун шарт-шароит яратиш ва ҳоказо) мавжуд-ку. Агар биз яратилган даромадни турли хил иқтисодий шартларга боғлиқ ҳолда тақсимлаш йўлидан борадиган бўлсак, айниқса хом ашё йўналишидаги республикалар билан тайёр маҳсулотларга эгалик қиладиган республикалар ўртасида нарх-наво пойгаси ҳамда арзон молларнинг йўқолишида шундай сунъий шов-шув пайдо бўладики, натижада умумиттифоқ миқёсида миллатлараро можаро кўтарилиши мумкин.

Иқтисодий айирбошлашнинг социалистик мезонини ишлаб чиқиш нарх белгилашнинг шаклланган системасини ҳамда бозор муносабатлари характерини ғоят чуқур ўрганишни талаб этади. Ҳозирча бунда юзага келадиган барча саволларга мукаммал жавоб бериш мушкул, лекин ҳозирнинг ўзидаёқ уларнинг баъзи бирларини ҳал қилиш зарур бўлиб қолди.

Мисол учун, ҳозирча қийматнинг бир қисми ундирувчи тармоқлардан қайта ишловчи тармоқларга оборот солиғи воситасида ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда нарх белгиланар экан, республикалар ўртасида ҳеч қандай оқилона товар айирбошлаш ва даромад тақсимоти бўлмаслиги равшан. Ҳозирги вақтда нархларнинг юзага келган структураси натижасида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қўшимча маҳсулот нормаси (зарур маҳсулотнинг ҳар бир сўмига қанча сўмлик қўшимча маҳсулот олиш мумкинлиги) атиги 21,4 процентни (шу жумладан деҳқончиликда 22 ва чорвачиликда 16,2 процентни) ташкил этяпти, шу билан бир

вақтда енгил саноатда у 430 процентга (ип газламадан маҳсулотлар ишлаб чиқаришда — 681, шойи газламаларда — 634,5, трикотаж буюмларда — 543,8 процент), озиқ-овқат саноатида 812,2 процентга (ёғ-мой саноатида — 646,5. ун-ёрма саноатида — 468,5 процент) етади. Наҳотки мавжуд нарх белгилашнинг ана шундай нормативлари республикалар ўртасидаги эквивалентли айирбошлаш ва миллатлараро муносабатларни иқтисодий уйғунлаштириш учун база бўлиб хизмат қила олиши мумкин?

Нарх белгилаш асосида Нархлар комитетининг зўраки қарори йўли билан эмас, балки товарларга бозордаги эҳтиёж ва таклифларни ҳисобга олган ҳолда ўрнатиладиган ижтимоий зарур меҳнат сарфлари ётиши керак. Айни шунинг учун социалистик бозор функцияларининг кенгайтирилиши республикалар ўртасида иқтисодий айирбошлаш мезонини шакллантириш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлиб қолиши керак. Ривожланган бозордан холи уйғунлаштирилган миллатлараро муносабатлар бўлиши мумкин эмас.

Маълумки, планли бошқариш системаси ва моддий ресурсларни иттифоқдош республикалар ўртасида тақсимлашнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги улар ўртасида савдо, биргаликдаги ишлаб чиқаришни, ижара муносабатлари ва қудратли ривожлантириш ва ҳоказолар соҳасидаги бевосита иқтисодий алоқаларни путурдан кетказди. Бундай шароитда хўжалик соҳасидаги шерикни эркин танлашга асосланган горизонтал иқтисодий алоқалар жуда мураккаблашган. Дарвоқе, 20-йилларда бундай алоқалар ҳар томонлама ривожланган эди. Жумладан, пахта етиштириш бўйича Закавказье ва Ўрта Осиё республикалари ўртасида кенг ижара муносабатлари мавжуд бўлган.

Бу ишни ривожлантиришда марказий иқтисодий идораларга, аввало СССР Госпланига катта роль ажратилган. СССР давлат планини ишлаб чиқишнинг шаклланган технологияси туфайли унда иттифоқдош республикалар уларга хос бутун социал-иқтисодий хусусиятлари билан биргаликда бир бутун иқтисодий система сифатида майдонга чиқмайдилар.

Давлат плани аввалига умумиқтисодий халқ хўжалик кўрсаткичлари тарзида шаклланади, улар сўнгра тармоқлар бўйича (министрлик ва идоралар доирасида) тақсимлаб чиқилади, шундан кейингина тармоқлар доирасида республикаларга гал келади. Мамлакатнинг давлат плани мустақил территориал кесимга эга эмас. Бундан ташқари, СССР халқ хўжалиги балансининг ҳар йили ишлаб чиқиладиган материалларида ҳам иттифоқдош республикаларга доир маълумотлар мавжуд эмас. Кўп йиллик практика СССР Госплани территориал планлаштириш бўлимининг асосий вазифаларидан бири республикалардан план лойиҳаси асосий кўрсаткичларини олгач, чуқур анализ қилиб ўтирмасдан, уларни тармоқ бўлимларига тарқатишдан иборат бўлиб қолганлиги хусусида хулоса чиқариш имконини беради.

Шундай ҳол юзага келганки, республикалар ёқлаб чиқадиган территориал пропорциялар СССР Госпланини қизиқтирмайди. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги камчиликлар, иттифоқдош республикаларнинг илмий муассасалари ишлаб чиқадиган ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг Бош схемалари ночорлиги ҳам шунга боғлиқ. Мамлакат марказий план-иқтисод органларида иттифоқдош республикаларга нисбатан қўлланиладиган қолдиқ принципи миллатлараро даъволар мазмуни ва ўткирлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шуни дадиллик билан таъкидлаш мумкинки, ҳозирги вақтда иттифоқдош республикалар кўп даражада иқтисодийдан кўра кўпроқ сиёсий бошқарув объектлари бўлиб қолмоқда.

План ишлаб чиқиш схемасини, менимча, анча ўзгартириш даркор: аввал халқ хўжалиги кўрсаткич ва пропорцияларини, сўнгра — иттифоқдош республикаларнинг ривожланиш проблемаларини чуқур анализ қилган ҳолда территориал кўрсаткич ва пропорцияларни белгилаш ва кейингина умумиттифоқ меҳнат тақсимоти вазифаларига боғлиқ ҳолда тармоқ лойиҳаларини, инвестиция сиёсати мазмунини шакллантириш керак. Бундай изчилликда ҳар бир республиканинг роли ва ўрнини тармоқ манфаатлари орқали эмас, балки тўғридан-тўғри ва бевосита аниқ қилиб ажратиш мумкин бўлади. Ана шундай ҳолдагина Иттифоқ марказий органлари республикалар билан ҳисоблашадиган, министрлик ва идо-

ралар эса территориялараро алоқани таъминлайдиган бўлади. Ўшанда миллатлараро муносабатлар ҳам реал иқтисодий негизга эга бўлади.

Бинобарин, миллатлараро иқтисодий проблемалар территориал хўжалик ҳисоби имкониятлари доирасидан анча нарига чиқади. Уларнинг мазмуни ва характери аслида ҳозирги босқичдаги социалистик қурилишнинг янги категорияларини қамраб олади. Шу сабабли миллатлараро иқтисодий муносабатларнинг социалистик такрор ишлаб чиқариш янги типига жавоб берадиган янги хилини яратиш мақсадли программаси зарур.

Менимча, масалани ана шундай қўйиш учун ҳозирданоқ асослар мавжуд. Аввало қайта қуриш жараёнлари хўжалик механизмини ўзгартиришга муайян мантиқ ва яхлитлик олиб кирди; план-бошқарув ечимларини децентрализациялаш йўли билан регионал бошқарув органларининг иқтисодий компетенциясини кенгайтириш борасида жиддий ҳаракат қилинмоқда (янги хўжалик механизми маҳаллий Советлар олаётган ҳуқуқлар уларни амалга ошириш борасида реал имкониятлар билан таъминланиши учун замин яратиши керак), маҳаллий Советлар мулки тушунчасига (мулкнинг специфик маҳаллий, коммунал, муниципал формалари сифатида) ёндашувнинг назарий ва умумметодологик принциплари белгиланмоқда, планлаштиришнинг белгиловчи ролида товар-пул муносабатларини янада ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда.

План-бошқарув фаолиятини такомиллаштиришнинг ана шу барча йўналишлари ҳозирданоқ директив ҳужжатлардан ўрин олди. Лекин миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сўнгги воқеалар экономикани қайта қуриш жараёнига ҳам, илгари қабул қилинган қарорлар характерига ҳам жиддий тузатишлар киритишга мажбур этяпти. Миллатлараро муносабатлар мавҳум тушунча ёки қотиб қолган схема эмас, балки ҳаётнинг ўзидир. Бу муносабатларнинг мамлакатимизда нормал изга тушиши учун бозор механизмидан фойдаланган ҳолда бошқарувнинг иқтисодий методларини жорий қилишда кечикмаслик муҳимдир.

Очиқ-ойдин қилиб айтганда, ҳозир қўлланилаётган планлаштириш системаси доирасида бозор муносабатларини ривожлантириш учун, бинобарин, миллатлараро алоқаларда ташаббус кўрсатиш учун ҳам кенг имконият кўзда тутилмаган. Гап шундаки, давлат буюртмаси, унга қандай форма бағишламасинлар, биздаги товар тақчиллигининг натижасидир, юзага келтирилган шароитда корхоналарнинг хўжалик фаолияти эркинлигини чеклашда унинг роли ошиб боради. Давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариш махсус секторини яратиш учун корхоналарни қайтадан профилларга ажратиш керак деб ҳисоблайман. Чунки бугунги кунда давлат буюртмалари билан эркин шартномаларни ягона корхона доирасида жойлаштириш реал нарса эмас. Биз товарлар мўл-кўллигига ва капитал маблағнинг тегишли жамғарилишига эришганимиздагина давлат буюртмаси социалистик ишлаб чиқаришимизни иқтисодий ривожлантиришнинг янги формаси бўлиб қолади.

Шу сабабли ҳозир давлат планини икки қисмга ажратиш мақсадга мувофиқ бўларди: биринчи қисми — корхоналарнинг муайян группаси бажарадиган ҳамда моддий лимитлар билан таъминланган, қатъий белгиланган давлат буюртмаси бўлиши; бошқа қисми эса ишлаб чиқариш воситалари улгуржи савдосини ҳар томонлама ривожлантириш асосида истеъмол моллари миқдорини кўпайтиришнинг директив бўлмаган, балки тавсия қилинувчи чегараларидан иборат бўлиши керак. Истеъмол бозорини ривожлантириш учун, бинобарин, миллатлараро иқтисодий муносабатларни кенгайтириш учун ҳам барча иқтисодий, социал. сиёсий шарт-шароитни яратиш лозим.

Миллатлараро муносабатлардаги маълум низолар бизни ғафлатда қолдирди. Бугунги кунда, СССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессиясида М. С. Горбачев айтганидек, «янгилик кўламлари қаршисида, юзага отилиб чиққан мулоҳаза ва ҳиссиётларнинг хилма-хиллиги қаршисида саросимага тушиб қолмаслик муҳимдир». Лекин, менинг фикримча, СССР Министрлар Советининг 1989 йил январдаги мажлисида қараб чиқилган «Иттифоқдош республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принциплари» лойиҳаси жуда шошилиб тайёрланган. Бу ҳужжат социал-сиёсийдан кўра кўпроқ умумиқтисодий характер касб этган, унда миллатлараро

иқтисодий муносабатларнинг кескинлашишига олиб келган проблемалар чуқур анализ қилинмаган. Бундан ташқари, у ғоят схематик бўлиб, аввалги даврга хос бўлган умумий директив руҳда баён қилинган.

Унда иттифоқ, республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг норматив негизи айниқса ишлаб чиқаришнинг асосий бўғинида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун иқтисодий шарт-шароит яратишдек асосий вазифани ҳал этиш нуқтаи назаридан эмас, балки «кўп-оз» принципидан келиб чиқиб белгиланган.

Ушбу ҳужжатда республикалар ўртасидаги бевосита иқтисодий алоқаларнинг роли ва ўрни, ҳисоб-китоб қилиш формалари ва принципларининг характери тўғрисидаги масала юзаки баён этилган. Марказлаштирилган план негизларини анчагина кенгайтирган тақдирда бозор муносабатлари қандай йўналишлар бўйича ривожланиши кераклиги равшан эмас.

Умуман олганда айниқса конкрет масалаларга доир умумий тавсиялар кўп берилган. Масалан, эндиликда миллий даромад кўрсаткичини иттифоқдош республикаларнинг ўзлари белгилашлари ва у планнинг йиғма бўлимида ифодаланиши, иқтисодий ва социал ривожланишни баҳолашни умумлаштирувчи кўрсаткичлар сифатида фойдаланиш хусусида. Наҳотки, ушбу ҳажмларни республикалар илгари ўзлари белгиламаган бўлсалар? Миллий даромад кўрсаткичи хўжалик масалаларини ҳал қилишда у сарфланган меҳнат бирлигидан юқори бўлган республикаларга имтиёзли ҳуқуқ бериш мақсадида республикалар иқтисодий ва социал ривожланишининг энг муҳим таққосланадиган кўрсаткичи сифатида киритилиши лозимлиги эса бошқа масаладир.

Миллатлараро иқтисодий муносабатларнинг янги типини яратиш қисқа муддатга мўлжалланган ҳаракат эмас. У кўп миллатли давлатимиз ривожланишидаги жиддий босқич бўлиб, шу сабабдан бунда қабул қилинадиган қарорларнинг руҳи илгари яратилган сиёсий-иқтисодий андозалардан қочишга имкон берувчи сифат жиҳатидан янги принцип ва тушунчаларни ифодалаши керак. Шундай қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш муҳимки, у муносабатлар янги типининг хўжалик жиҳатларини эмас, балки жамиятимизнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишини очиб берувчи кенг доирадаги сиёсий-иқтисодий шартларни ўзида ифодаласин.

РЕДАКЦИЯДАН: В. Осминин мақоласида миллатлараро муносабатларнинг иқтисодий проблемалари мунозара тартибида қараб чиқилган. Авторнинг айрим мулоҳазалари бахсталаб эканлиги шубҳасиз. Мутахассисларни уларни муҳокама қилишда иштирок этишга таклиф этамиз.

ДЕМОКРАТИЯЛАШ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

МУНОЗАРА МАДАНИЯТИНИ ЛЕНИНДАН ЎРГАНАЙЛИК

СОВЕТ ЖАМИЯТИ ҳаётининг барча томонларини революцион тарзда янгилашга асос солган КПСС МК апрель Пленумидан буён орадан тўрт йил ўтди. Бу йиллар социализмнинг ленинча қиёфасини тиклаш, ўз хатти-ҳаракатингизни Ленин билан қиёслаш, Ленинннинг ғоят бой таълимотига мурожаат қилиш, марксизмдаги энг қимматли нарса — унинг революцион диалектикасига мустаҳкам суянишнинг қанчалик муҳимлигини ишончли тарзда кўрсатди. Партия догматик, бюрократик ва волюнтаристик меросдан қатъий воз кечгани ҳолда социализмдан, халқ ғалаба қилиб эришган ва яратган нарсалардан бир қадам ҳам орқага чекинмаяпти.

Қайта қуриш чуқур илдиз отган кўпгина андозаларга янги назар билан қарашга, фақат босиб ўтилган йўлни эмас, шунингдек истиқболдаги йўлни ҳам илмий коммунизм асосчилари таърифлаб берган тараққиёт мезонлари ва янги жамиятни барпо этиш мақсадлари билан таққослашга мажбур этди. Бундай ёндашиш социалистик қурилишнинг энг долзарб ва ўткир масалаларига жавоб топишга имкон беради, Россия большевиклари 1917 йилнинг октябрида бошлаб берган ва биз бугун давом эттираётган «ҳаддан ташқари янги иш» учун йўл-йўриқ беради.

Бир догма ўрнига бошқа догма келмаслиги учун партия коммунистларни, барча совет кишиларини доимо изланишга, ҳаётнинг тобора ўзгариб бораётган талабларига амал қилишга йўналтиради. Буни эса баҳсларсиз, тортишувларсиз, турли фикр-мулоҳазалар, ёндашувларнинг очиқ тўқнашувисиз амалга ошириб бўлмайди. Айни шу мунозара бугунги кунда ҳақиқатни излашнинг ишончли ва таъсирчан воситаси, янги фикрлар манбаидир. Айни шу мунозаралар, турли фикрларнинг очиқ тўқнашуви орқали бизни тўлқинлантираётган саволларга тўғри жавобни, қўйилган мақсадларга эришишнинг энг мақбул йўлини топиш мумкин.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳужжатларида бу ҳақда очиқ-ойдин айтилган: «Фикрларнинг социалистик плюрализми, баҳс, мунозара, қарашларни таққослаш энг яхши, энг мақбул ечимларни топиш йўлидир». Сўнгра шу нарса таъкидланадики, ошкоралик ички ва халқаро сиёсатнинг ҳар қандай масалалари юзасидан фикрлар плюрализмини, турли нуқтаи назарларни эркин таққослашни, мунозарани албатта тақозо этади. Фақат шундай ёндашилгандагина у ўзининг ижтимоий ролини бажариши, халқ, социализм манфаатларига хизмат қилиши мумкин. Ошкоралик билан қарашлар монополиясига даъвогарлик бир-бирига тамомила зиддир, ошкоралик — қайта қуриш жараёнини янада чуқурлаштиришнинг, унинг қайтарилмаслигининг энг муҳим шартларидан биридир.

Шуни тўла ишонч билан таъкидлаш мумкинки, совет кишиларининг мутлақ кўпчилиги қайта қуриш тарафдори. Улар қайта қуриш ғояларини чуқур қониқиш билан қабул қилишяпти, унинг учун астойдил куйиб-пишишяпти, жамиятни янгилаш учун умумий курашда фаол қатнашиб, қайта қуришнинг барча жиҳатлари ва йўналишлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ ва кескин тарзда изҳор этишмоқда. Ҳамма ерда баҳс ва мунозаралар боряпти. Лекин мунозара қилиш маданияти ҳозирча очиқдан-очиқ етишмаяпти, «кўшилмасликни изҳор қилиш».

бошқалар нуқтаи назарини ҳурмат қилиш маданияти етишмайди. М. С. Горбачевнинг 1989 йил 6 январида КПСС МКда ўтган мамлакатнинг фан ва маданият арбоблари билан бўлган учрашувда проблеманинг бу томонига эътибор бергани бежиз эмас, у жумладан айтдики: «айрим ўртоқлар аслида фикрлар хилма-хиллигининг ўзига қарши чиқиб, бу гўё позициялар йўқлигини билдиради, одамларни чалғитади, жамиятда тартибсизлик уруғини сочади дейишаётгани менга мутлақо тушунарсиздир. Фикрлар хилма-хиллигига бундай қарашлар янглишишдан бошқа нарса эмас деб ўйлайман. Чунки фикрлар тўқнашганда, қарашлар таққосланган тақдирдагина ҳақиқатни топиш, тўғри хулосаларни таърифлаш мумкин».

Фикрлар плюрализми ҳеч ҳам бир нуқтаи назарни зўрлаб ўтказишни англатмайди. Бу кўпроқ турли фикрлар синтези бўлиб, ўша асосдагина биз ҳақиқатга яқинлашамиз. Агар мунозараларнинг бугунги аҳволи тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз кўпинча биргаликдаги, ҳамкорликдаги интеллектуал ишни, фикрлар алмашишни, биргаликда изланишга уринишни кўрмаймиз, улар кўпроқ «группа-группа бўлиб сурбетларча олишишни» эслатади. Бир қарашда гўё ҳамма демократия учун курашаётганга ўхшайдию, лекин аслида ўзлари мухолифларини зўравонлик йўли билан жазолашга чақирадилар.

Афтидан, бу кўп жиҳатдан мунозаралар маданиятининг пастлиги билан изоҳланса керак. Лекин, эҳтимол, фақат бу билан эмас. Гуруҳбозликка мойиллик ҳалиям жуда кучли. Улар кўпинча нормал ижодий мунозарага, фикрларни алмашишга халақит беради. Ҳар бир томон қарама-қарши турган нуқтаи назарда фақат қандайдир «ҳийла-найрангни», номақбул, ножоиз нарсани кўради. Ахир, бундай мунозаралар самарали бўлиши мумкинми?

Шунинг учун ҳам аввало мунозаранинг ахлоқий томонлари, ҳозирда кўпинча мунозара маданияти деб аталаётган нарса биринчи ўринга чиқяпти. Шуни очиқ эътироф этиш керакки (бу ҳақда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг бир қатор делегатлари ҳам гапирдилар), мунозараларни ошкоралик ва демократиялаш шароитида ўтказишдаги биринчи тажрибалар уларни, асосан уларнинг танқид қисмини олиб боришга тайёр эмаслигимизни кўрсатди. Мунозара давомида маданий-этика борасидаги жиддий камчиликлар: гуруҳбозлик, мухолифларни камситиш, ҳар хил ёрлиқлар ёпиштириш, даҳанаки жанг қилиш, танқид учун ўч олиш, жиззакилик, ғирромлик, чегарадан чиқиш, ҳатто очиқдан-очиқ ёлғон гапириш, туҳмат қилиш ва ҳоказолар кўзга ташланди.

Буларнинг ҳаммаси кенг омма, биринчи навбатда партия, совет, хўжалик раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олимлар, ёзувчилар орасида мунозара олиб боришнинг этик нормаларини шакллантириш зарурлигини кўрсатади. Янгиликни айнан бир хилда қабул қилишга тайёр эмаслик, фактларни қайта қуришдан аввалги энг ёмон анъаналар руҳида спекулятив равишда қайта талқин қилиш туғдирган нуқсонларга қарши кескин кураш олиб бориш зарур бўлиб қолди. Бу реаллик, биз уни четлаб ўтолмаймиз. Табиийки, агар биттаяримта ўз группасига ҳокимиятни олиб беришга, танқид учун ўч олишга, ёрлиқ ёпиштиришга, дўқ-пўписалар қилишга интилса, ҳар хил янги ибораларни қурол қилиб олиб, қайта қуриш ва демократиялашни фақат оғизда маъқуллаб, аслида ўз қора ниятини амалга оширмоқчи бўлса, унда ҳеч қандай мунозара маданияти, этикаси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Бундай шароитда кенг ижтимоий практикада мунозара асосларининг тўла ҳуқуқли статусини тиклаш жараёнининг ўзи мунозара олиб боришнинг ўзига хос умумий таълимини ташкил этишни, партия ва жамиятда қарашларни таққослаш, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг доимо амал қилувчи механизмини яратишни талаб қилади. Демократия, ошкоралик, бошқалар фикрини сабр-тоқат билан эшитишни, яъни демократик тафаккурни ишлаб чиқишнинг ана шу асосий белгиларини ўрганиш зарурати туғилади. Бу борада биз ўрганадиган, ибрат оладиган одамлар бор. Сиёсий мунозара олиб боришнинг ажойиб ленинча санъати биз учун юксак мунозара маданияти, баҳслаша олиш, мунозара ли диалог олиб бориш, «қарши фикрловчиларни» ишонтира билишнинг ўчмас намунаси бўлиб қолади.

Айни В. И. Лениннинг асарлари, доклад, нутқ ва чиқишларида мунозара олиб бориш маҳорати, демократия маданияти, «бошқалар фикрига қўшилмаслик»

маданиятининг ажойиб, ёркин намуналари мавжуд. Замондошлари — ҳам партиядаги сафдошлари, ҳам душман томон вакилларининг бир оғиздан эътироф қилишларича, Владимир Ильич юксак маҳоратли мунозарачи бўлган, сиёсий баҳслашишнинг ўткир қуролини моҳирона эгаллаган, у ҳар қандай ғоявий душман, мухолиф билан яккама-якка олишишда бўҳтону, туҳматларга, уйдирмаларга кескин зарба берибгина қолмай, шунингдек кўпинча шу ерда — залда — ҳозиргина карама-қарши позицияда турган одамларни ҳам ишонтириб, ўз томонига жалб эта олган. В. И. Ленин ҳақидаги жуда кўп хотираларда «қақшатқич кучга» эга бўлган «даҳшатли мунозарачи»; «рад қилиб бўлмайдиган мантиқ» ва «яксон қилувчи ҳақиқат» билан иш кўрувчи мунозарачи; «букилмас иродали» ва «тутган жойини қўйиб юбормайдиган», ниҳоятда зукко, ҳазил-мутойиба ва ҳажвни чуқур тушунадиган, оғзаки олишувларда улардан усталик билан фойдаланадиган мунозарачи деган эпитетлар учрайди.

В. И. Лениннинг мунозара қила билиш санъати — кадрларимизда диалектик тафаккурни шакллаштиришнинг, улар томонидан демократик хулқ-атвор кўникмалари, оммани ишонтира олиш маҳорати эгалланишининг бебаҳо мактабидир. У барча совет кишиларини ғоявий, партиявий изчилликка, муросасизликка, бугунги сиёсий, иқтисодий, социал ва бошқа масалаларни марксизм-ленинизм билан боғлашга, реал ҳаёт фактлари ва ҳодисаларини уларнинг бутун мураккабликлари ҳамда зиддиятлари билан бирга чуқур анализ қилишга ўргатади. У даврнинг долзарб муаммоларини ўз вақтида аниқлашга ва энг муҳим йўналишларни белгилашга, уларни ҳал этишнинг энг мақбул вариантларини топишга ёрдам беради, олдиндан кўра билишни, баҳолар, хулосалар ва тавсияларнинг илмий жиҳатдан аниқ бўлишини ўргатади. Ниҳоят, ленинча сиёсий мунозара санъати — бу кишининг ғоят турли-туман соҳалар: тарих, философия, сиёсий иқтисод, табиатшунослик, бадиий адабиёт, конкрет экономика, техникадан жуда яхши хабардорлиги намунасидир. У тил маданиятининг бойлиги, образлилиги ва сиёсий таърифларнинг ўткирлиги, жўшқинлиги, сўзларининг эмоционал жозибаси билан ажралиб туради.

В. И. Ленин тажрибаси ўртоқларча мунозара ҳеч қандай салбий излар қолдирмасдан фақат фойда келтириши, музокара, баҳс ва танқид ижобий ишни янада яхшилашга, фикримизни ривожлантиришга, уни аниқлаштиришга ёрдам бериши, жонли ва фаол фикрлаш, изланиш ва самарали ижод муҳитини яратиши, обрўли ва соғлом ижтимоий фикрни мустаҳкамлаши учун ўртоқларча мунозарани қандай ўтказишга ўргатади. Владимир Ильич мунозарани қўпол тарзда олиб бориш одатларига қатъий қарши чиққан, «олабўжилар»дан ва «даҳшатли» сўзлардан қочишни, ўқувчи, тингловчи эътибори ҳамда ишончини қадрлашни ўргатган эди.

Принципиал ўртоқлик баҳси қатнашчилари учун муайян бир фикрга келишга, муҳокама этилаётган масалани ижобий ишлаб чиқишга ўз ҳиссасини қўшишга интилиш табиий ҳолдир. Бирор нуқтаи назар нотўғрилигига ишонч ҳосил қилган киши бу ҳақда чайналмай, очиқ-ойдин айтиши керак, тўғри фикрни ўзи хато деб ҳисоблаган фикрга қарама-қарши қўйиши лозим. Бу мунозарани яна ҳам самарали қилади.

Табиийки, бирликсиз партия фаолияти муваффақиятли ривожлана олмайди. Бунга эса қадриятларнинг асосий системасига, асосий назарий принципларга тааллуқли масалаларда ҳамфикрликсиз эришиб бўлмайди. Лекин бу бирлик, марксча-ленинча таълимотнинг бутун руҳидан келиб чиққудек бўлсак, жонли, ҳаракатчан, доимо ўзини бунёд этадиган бирлик бўлганда, мулоҳазасиз қулоқ солиш бирлиги эмас, ижодий фикр юритиш, хилма-хиллик бирлиги бўлган тақдирдагина турғунликка олиб келмаслиги мумкин. Айниқса бизнинг давримизда, совет жамиятини революцион янгилаш, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида — сиёсий, иқтисодий, социал, маънавий соҳаларда чуқур қайта ўзгаришлар юз бераётган даврда бу нарса муҳимдир. Зеро туб қайта қуриш мақсади ва унинг конкрет мазмуни партия ҳужжатларида қисқа, лекин жуда аниқ формула билан: социализм кўпроқ, демократия ва ошкоралик кўпроқ бўлсин деган формула билан таърифланган. Ошкоралик эса — партия ва совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари ишида максимал очиқлик демакдир. Бу жамият ҳаётига оид барча масалалар хусусида ўз фикрини очиқ айтишга, ҳукм чиқаришга, муҳокама қилишга, баҳс-

лашишга имкон туғдиради. Бу — кимлигидан қатъи назар йўл қўйилган нуксон ва хатоларни танқид қилишдир. Принципиал, ўткир, конструктив танқид. Ҳамма учун очиқлик ва барчанинг фикр-мулоҳазасини ҳисобга олиш — ошкораликнинг жуда чуқур демократик моҳиятидир.

В. И. Ленин шунчаки баҳслашиш ниятидагина баҳслашишларга ҳамиша қарши бўлган. У мунозарани даставвал ихтилофлар характерини қатъий аниқлашдан, ўз принциплари ва қарашларини тўғридан-тўғри очиқ баён қилишдан, баҳслашаётган томонларнинг позицияларини аниқ белгилашдан бошларди. «Мунозара,— деб ёзган эди Владимир Ильич,— агар ихтилофлар аслида нимадан иборат эканлигини, бу ихтилофларнинг *қанчалик чуқурлигини,* бу ихтилофлар асли масала устидаги ихтилофларми ёки жузъий масалалар устидаги ихтилофларми эканлигини... очиб бергандагина фойда келтиради» (ТАТ, 4-том, 251-бет).

Бунда В. И. Ленин ҳеч қачон ўзи келиша олмаган у ёки бу қарашларни танқид қилиш билан чекланмасди. У рад этилган фикрга масаланинг позитив ҳал этилишини қарама-қарши қўярди. Инкорни шунчаки инкор этиш эмас, балки ҳақиқатни қарор топшириш учун инкор этиш мунозарани самарали қилади, уни тарбиялашнинг таъсирчан методига айлантиради. Турли сабабларга кўра инкор этиш, қўшилмаслик мумкин, лекин ҳар қандай шароитда ҳам шуни унутмаслик керакки, деб кўрсатган эди Владимир Ильич, қуруқ инкор этиш эмас, балки оқибат натижада хатти-ҳаракатнинг озми-кўпми тугалланган программасини ташкил этувчи қарашларнинг изчил системасигина яхши самара беради. «Муайян ижобий қарор билан боғлиқ бўлмаган «салбий» шиор,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— онгни ўткирлаштирмайди, балки ўтмаслаштиради, чунки бундай шиор пуч гапдир, қуруқ бақиришдир, мазмунсиз декламациядир» (ТАТ, 30-том, 149-бет).

Баҳсларда Владимир Ильич партиядаги ўртоғининг янглишиш сабаблари ва бунинг қанчалик чуқурлигини аниқ ҳисобга оларди. Бу унга ҳар бир конкрет вазиятда мунозара учун зарур йўналиш ва формани топишга имкон берарди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам баҳсда, мунозарада инсон қадр-қимматининг камситилишига йўл қўймасди.

В. И. Ленин шундай деб ҳисобларди: ўртоқларча мунозара, баҳс ҳеч кимга ичиқоралик учун сабаб бўлмаслиги учун ақалли қуйидаги принципларга амал қилиш лозим.

Биринчидан, далилларни доимо бир мақсадни кўзлаб конкрет солиштириб чиқиш, бунда партиявий принципиалликдан, проблемаларни асл революционерларнинг юксак ахлоқи ва анъаналари руҳида жиддий муҳокама қилишдан бир қадам ҳам чекинмаслик керак.

Иккинчидан, ҳар бир нарса тўғрисида рўйирост, очиқ гапириш, мунозарали масалаларни бурчак-бурчакларда гапириб юрмай, очиқ муҳокамага қўйиш керак, бунда доимо шуни эсда тутиш керакки, коммунистлар ўртасидаги сиёсий баҳс бу бир-бирлари билан курашиш эмас, балки ҳақиқатни аниқлаш воситасидир. Очиқ ва ҳалол мунозарани Владимир Ильич партиявий жиҳатдан тўғри, революцион синфга муносиб мунозара деб атаган.

Учинчидан, чиндан ҳам ишчанлик руҳида, ўртокларча баҳслашиш керак, бунда мунозаранинг бузғунчиликка олиб бормаслиги, ижобий ишга халақит бермаслиги, кучларни бўлиб юбормаслиги, даҳанаки жангга айланиб кетмаслиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Мунозаранинг «низоли» томонига ёпишиб олмаслик, мунозарада ҳақоратли сўзларга эрк бермаслик, ўқувчилар, тингловчиларни ёлғон маълумотлар, хабарлар билан чалғитмаслик керак. Мунозарага бундай ёндашишни В. И. Ленин «жиркани усул» деб атаган.

Ниҳоят, тўртинчидан, келишмовчиликни бўрттирмаслик, арзимаган ихтилофни ажралиш, ғоялар бошбошдоқлиги, кризисли ҳолат деб эълон қилмаслик, фикрларнинг тўғри келмаслиги боисидан бўлар-бўлмасга «мотам тутиб» бошқача фикрловчилар ва ишга бошқача ёндашувчиларни ўзингнинг шахсий душманингга айлантирмаслик керак.

Жамоат олдидаги ҳар қандай баҳсни В. И. Ленин фикрларнинг очиқ кураши, ғоялар ва қарашлар тўқнашуви деб баҳолаган эди. У ихтилофларни бошқача тушунишга қодир бўлмаган, мунозарани «хафа» қилинганлик учун қасос олиш, му-

холифни йўқ қилиш воситасига айлантирадиган кишиларни қаттиқ қоралаган эди. Сиёсий мунозара моҳиятини бировларнинг одобсизлиги ва бошқаларнинг саховати деб тушунадиган одам шунчаки муттаҳамдир, деб ҳисоблаган эди Владимир Ильич. Шунинг учун ҳам ўз ўртоқларининг ҳар қандай иккиланиши, шубҳаланиши, хатоларини у нормал баҳс оқимида баҳоларди.

Бу жиҳатдан олганда қуйидаги мисол характерлидир. 1917 йилнинг апрелида В. И Ленин социалистик революция йўли асослаб берилган ўзининг машҳур Апрель тезислари билан чиққанида кескин мунозара бошланиб кетди. Ленин шиорига қарши айниқса Л. Б. Каменев қаттиқ туриб курашди. РСДРП(б)нинг еттинчи (Апрель) Бутун Россия конференцияси иш бошлади — мунозара давом этди. Каменев ўз фикрида қаттиқ туриб олади. Охирги кун — МКга сайловлар куни В. И. Ленин ўзининг энг ашаддий мухолифларидан бири — Каменев номзодини МК составига кўрсатади. Делегатларнинг катта группаси Каменев номзодини қайтаради. Шунда Владимир Ильич яна сўз олиб, Каменев омма маълум қатламларининг кайфиятини ифода қилишини гапиради. Шунинг учун ҳам МК составида ўша кайфиятни ифодаловчи одамнинг бўлиши муҳим. Кейин шундай деб қўшимча қилади: «Бизнинг Каменев билан баҳсимиз фақат яхши натижалар бермоқда. Ўртоқ Каменевнинг иштирок этиши жуда муҳим, чунки у билан қилаётган мунозараларим жуда қимматли. Қанча қийинчиликлардан кейин уни ишонтиргандан сўнг, бу билан оммадаги қийинчиликларни бартараф этаётганингни тушунасан» («Правда», 1988, 26 февраль).

Каменевнинг социалистик революция ленинча шиорига қарши қилган ҳужумида В. И. Ленин партиядош ўртоғининг онгидаги заифликни кўргани йўқ. У Каменев дунёқарашини ифода қилувчи омма муайян қатламининг кайфиятини доимо ҳисобга олиш кераклигини, улар билан баҳслашиш, модомики улар реал амал қилар экан, уларни енгиб ўтиш зарурлигини жуда яхши тушунарди. Бу ерда Владимир Ильич ажойиб жангчи, мунозарачи, партия ҳаётидаги қийинчиликларни, зиддиятларни ҳисобга олувчи реалист сифатида иш кўради.

Шу нарса ҳаққоний равишда таъкидланадики, киши ўз табиатининг энг яхши томонларини мунозарада, бошқаларни танқид қилишда намоён этиши анча қийин. Бунда мунозарачининг ўз қадр-қимматини, обрўсини сақлаб қолиши, танқиднинг кишини ранжитадиган формаси мазмунидаги ранж-аламни чуқурлаштирмаслиги, ҳар қандай шароитда ҳам мухолифининг шахсиятига қаттиқ тегишдан ўзини тия олиши жуда муҳим.

Умуман кураш янгиликни туғдирувчи ҳар қандай жараёнга ҳамроҳ бўлади, бу янгилик қанчалик муҳим, аҳамиятли бўлса, кураш шунчалик қизғин кечади. Исботланган далилларни инкор қилиб бўлмаслик, илмий асосланганлик — илғор ғояларнинг одамлар идрокида, ижтимоий онгда қарор топишига мана шу нарса ёрдам беради. Катта ҳужумкор идеологик кучга эга бўлган мунозара бунга эришишнинг энг муҳим воситаларидан биридир.

«Ишчилар матбуотида ҳамма вақт бўлиб турадиган тактика ҳақидаги очиқ ва қизғин тортишувлар,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— фақат ақлсиз кишилар ёки кенг омманинг сиёсатга қатнашувидан қўрқадиган кишилар учунгина ноўрин ёки ортиқча бўлиб туюлиши мумкин. Ҳақиқатда худди ана шундай қизғин тортишувларгина шу нарсага ёрдам берадики, барча ишчилар ўз сиёсатини, ишчилар сиёсатини ҳар жиҳатдан муҳокама қилишга тортилади, ўргатилади, улар ҳаракатининг қатъий, пухта, аниқ синфий йўлини белгилаб чиқадилар» (ТАТ, 25-том, 170-бет). Шунинг учун ҳам у большевистик матбуот ходимларига қаттиқ туриб тавсия этган эди: «Мунозарадан қўрқмангиз. Ҳафтада албатта 2—3 мунозаравий мақола чиқариб турингиз» (ТАТ, 48-том, 63-бет).

В. И. Ленин матбуотдаги оммани маърифатли қилувчи ва жипслаштирувчи, уларнинг онглилигини, бардамлигини, дадиллигини, мустақиллигини юксалтирувчи, сиёсат масалаларини яхшироқ тушунишларига, барқарор дунёқарашни ишлаб чиқишларига ёрдам берувчи мунозара ва баҳсларнинг фойдалилигини ҳамиша қизғин ёқлаб келган. Айни шу мунозарада оммага назарий онгни сингдириш методини, уларни синфий-сиёсий тарбиялашнинг таъсирчан воситасини, ижтимоий фикрни шакллантириш, оммани ишонтириш ва уюштириш усулини кўрган эди. «Партиялар ва умумий тактика ҳақидаги дискуссиялар (суҳбатлар, муҳокамалар, баҳслар),— деб таъкидлаган эди Владимир Ильич,— зарурдир; бу-

ларсиз омма бўлиниб кетади; буларсиз умумий қарор *бўлиши* мумкин эмас» (ТАТ, 23-том, 466-бет). Бинобарин, дейди В. И. Ленин, ҳаракатлар бирлиги ҳам бўлмайди. У ишчиларга мунозарали масалаларни муҳокамалар, суҳбатлар, баҳслар орқали тўла аниқлаб олишни маслаҳат берган эди. Мунозара гўё омма орасига низо олиб киради, деган обивателларча нолишларга у шундай жавоб қилганди: «Бу — либерал бариннинг нуқтаи назаридир. Биз «ишчилар оммаси орасига низо-жанжаллар олиб кирилаётгани»ни *табриклаймиз,* чунки худди ана шу омма ва фақат шу омма аслида «низо-жанжалларни» ихтилофлардан *ажратиб олади,* ихтилофларни унинг *ўзи* тушуниб олади, *ўз* фикрини тайёрлайди...» (ТАТ, 25-том, 396-бет).

В. И. Ленин партиядаги айрим ўртоқларнинг пайдо бўлган келишмовчиликларни яширишга интилишларини қаттиқ қоралаган, ўша келишмовчиликлар моҳиятини очиқ фикр алмашиш ва мунозарада албатта охиригача аниқлаб олишга чақирган эди. «... Чатоқ масалаларни четлаб ўтмасдан, хаспўшламасдан, балки уларни кўндаланг қилиб қўйиш лозим»— деб ёзаркан, у принципиал келишмовчиликларни хаспўшлаш, камчиликларни ниқоблаш, уларни яширишга интилиш — буларнинг ҳаммаси оқибат натижада албатта дудмолликни, чалаликни, тушунмасликни келтириб чиқаради, деб ҳаққоний равишда ҳисоблаган эди «... Бу ихтилофлар устида,— деб таъкидлаган эди Владимир Ильич,— *очиқ* мунозара қилиш... ҳаммадан кўра маъқулроқ» (ТАТ, 41-том, 43-бет, 31-том, 148—149-бетлар). Очиқ ва ҳалол мунозара, деб ҳисоблаган эди у, «мавжуд ихтилофларнинг нечоғли чуқурлигини тушуниб олиш учун, жанжалли масалаларни ҳар тарафлама муҳокама қилиш учун, ҳаддан ошиб кетишларга қарши курашмоқ учун зарур ва матлубдир...» (ТАТ, 4-том, 383-бет).

Кўриб турибмизки, В. И. Ленин мунозара, баҳсни фақат ҳақиқатни аниқлашнинг таъсирчан воситасигина эмас, шунингдек, ишчилар иши тактикаси йўлида онгли, эътиқодли жангчиларни тарбиялашга ёрдам берувчи оммага ғоявий таъсир этишнинг муҳим омили, «жуда катта тарбиявий ва ташкилий аҳамиятга эга бўлган» самарали метод деб баҳолаган эди.

Ҳозирги шароитда Ленин фикрлари алоҳида сиёсий актуаллик касб этмоқда. Ахир, муҳим ҳаётий проблемалар бўйича бизда узоқ вақт давомида тўлақонли мунозаралар бўлмаган. 30-йилларнинг ўрталарига келиб мунозаралар партияда, мамлакатда ижодий муҳокама қилиш характерини аслида йўқотди, ҳолбуки айни шундай жараёндагина назария ва практикани ривожлантиришнинг энг оптимал йўлларини топиш мумкин эди. Партия XX съезди таъсири остида бутун ижтимоий ҳаётда вақтинчалик жонланиш юз берди, бу даврда матбуот саҳифаларида, аудиторияларда қизғин муҳокамалар бўлди, эҳтирослар қайнаб-тошди, лекин орадан кўп ўтмай узоқ муддатли турғунлик даври бошландики, бу нарса ижтимоий фикрнинг маълум даражада қотиб қолишида ҳам кўринди.

Тўғри, баҳслар, тортишувлар бўлди, турли нуқтаи назарлар билдирилди, лекин уларда жамиятни ривожлантиришнинг йирик, принципиал проблемалари кўтарилмас ёки баҳслашаётганларнинг мавқеи бир хил бўлмасди. Кўпгина ўткир, долзарб проблемалар тўғрисида гапириш тақиқлаб қўйилганди, партия ҳужжатидаги ёки партия ва давлат раҳбарларидан битта-яримтасининг нутқидаги айрим қоидалар тўғрисида ҳеч ким мунозара қилолмаслиги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Ижтимоий фикрларнинг роли аслини олганда ўша пайтда ҳамма томондан қабул қилинган назарий қоидаларни «юқоридан» айтилган ҳар бир фикрга боғлашдан иборат бўлиб қолган эди. Назарияни ривожлантириш йўлидаги ҳар қандай уриниш, цитаталарда қотиб қолган догмалардан чекиниш жуда нари борса ҳушёрлик билан қабул қилинарди, кўпинча сиёсий хато деб баҳоланардики, бу жуда катта кўнгилсизликларга сабаб бўларди.

КПСС МКнинг апрель (1985 йил) Пленуми ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларини кенг демократиялашни бошлаб берди, социализмнинг илмий концепциясини тўла-тўкис тиклашга асос солдики, В. И. Лениннинг ҳақиқатга бўлган ҳар қандай монополия фикрнинг тўхтаб қолишига олиб келиши ва бундай шароитда тараққиётнинг бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги кўрсатмаси унда муҳим ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам мунозаранинг тарбиявий ва ташкилий аҳамияти тўғрисидаги ленинча қоидалар ҳозирги кунда жуда муҳим аҳамият ва сиёсий ўткирлик касб этяпти. Биз ҳаммамиз буни ҳали чинакамига ҳис этиши-

миз ва чуқур англаб олишимиз керак бўлади. Мунозара, турли нуқтаи назарларнинг очиқ ва ошкора айтилиши охирги ҳақиқатни мана мен айтаман деб чиқувчи янги даъвогарлар томонидан бўғилмаслиги, мунозаранинг нормал бориши ва яхши тугалланишини таъминлаш учун биз ҳаммамиз биргаликда куч-ғайрат кўрсатишимиз кераклиги жуда муҳимдир.

Биз мунозара қилиш санъатини, мунозара маданиятини В. И. Лениндан ўрганишимиз мумкин ва керак, у ўз фикрини ҳеч қачон шак-шубҳасиз деб ҳисоблаган эмас, бинобарин, ўртоқлари у билан бемалол, эркин баҳслашишлари мумкин эди. У мухолифи устидан фақат далиллар воситасидагина ғалаба қилишидан бошқача йўлни тасаввур ҳам этолмасди. Владимир Ильич мунозарага, бошқаларни танқид қилишга фақат қарашлар мазмуни, иш манфаати нуқтаи назаридангина ёндашарди, шунинг учун ҳам мунозара пайтида ундан жуда қаттиқ койиш эшитган одам ҳам ҳеч қачон хафа бўлмас, кўнглида кек сақламас, бу жанжалли масалада В. И. Лениннинг ҳақлигини ахийри тан олмаслиги мумкин эмасди. Агар конгрессларда, съездларда, кенгашларда Владимир Ильич баъзида жуда кескин мунозара қилса ҳам, лекин ташқарида ҳамма билан дўстона суҳбатлашар, ҳеч ким унинг жаҳли чиққанини ёки носамимийлигини ҳеч қачон ҳис этмасди. Кек сақлаш, ўч олишлик унга мутлақо бегона эди. У кечаги «душмани»нинг олдига бориб ўртоқларча, самимий суҳбатлашарди, у билан илгаригидай очиқчасига, рўйирост гаплашарди.

Мунозара пайтида Лениннинг юксак маданияти шунда кўринардики, у доимо, ҳар қандай шароитда ҳам «шахсий элемент»ни бир четда қолдириб, асосий масала устида гапиришни бирдан-бир тўғри йўл деб ҳисобларди. Принципиал мунозарачи сифатида у ҳеч қачон ғоявий келишмовчиликлардан ташқарига чиқмасди, шахсий гапларга ўтмасди, кураш қанчалик кизимасин, ҳеч качон ҳақоратли сўз ишлатмасди. Инсон қадр-кимматини қадрлаш, ҳатто ғоявий мухолифини ҳам ҳурмат қилиш бобида В. И. Лениндек хушмуомала, эҳтиёткор бошқа бир одамни тасаввур қилиш қийин, дейди ўз хотираларида 1898 йилдан партия аъзоси П. Н. Лепешинский. Владимир Ильич душманини у ёки бу сўз билан «қоралар» экан, унинг мунозара пайтидаги сўзларида мухолифининг позицияси ёки фикрларига сиёсий баҳо бериш доирасидан четга чиқувчи шахсий ножўя хатти-ҳаракат нишонасини кўрмайсиз. Душманларига бериладиган кескин характеристикалар жанжалли масаланинг сиёсий моҳияти нуқтаи назаридан В. И. Ленин томонидан чуқур ўйланган бўларди. Шу маънода у ўзини тиёлмайдиган Мартовдангина эмас, шунингдек Плехановдан ҳам фарқ қилади.

В. И. Ленин мунозара маданиятининг яна бир характерли белгисини таъкидламасдан бўлмайди: у конкрет «душманлари»ни доимо очиқ айтарди, бундай ёндашишни принципиал баҳснинг муҳим талаби деб ҳисобларди. Владимир Ильич пардали, ниқобли мунозарага қаттиқ қаршилик кўрсатарди, чунки бунда автор тўғри зарбаларга чап бериб, қандай қарашларнинг нима учун нотўғри эканлигини аниқ гапирмайди, ўз душманларининг номини айтмайди, ҳолбуки, уларнинг гапларидан, фикридан фойдаланадики, булар унинг тилида ёки қалами остида кўпинча нотўғри, бузилган маъно касб этади. Натижада масалалар чалкашиб кетади, шаъмалар ноаниқ бўлиб қолади, тўғри жавоб беришнинг иложи бўлмайди.

В. И. Ленин мухолифларининг айбларини уларнинг юзига шартта-шартта айтарди, ўз мунозарасини уларнинг баёнотлари, аниқ цитаталар, ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар асосига қурарди. Унинг танқидий нишони аниқ белгиланган чегараларини ҳеч қачон йўқотмасди. У қуйидаги қатъий принципга ҳамиша сўзсиз амал қиларди: назарий ва сиёсий мунозарада энг муҳими унинг синфий йўналиши, танқиднинг аниқ адреси бўлиб, буни тор, яъни мухолифнинг исм-фамилиясию, тураржойи маъносида тушуниш керак эмас. Янглиш фикр, бемаъни далил, қабул қилиб бўлмайдиган ғоя, зеро уларга қарши чиқиш, ўз қарашларининг, масалани ўзингча ҳал қилишни уларга қарши қўйиш — кенг маънода олиб қаралганда адрес дегани мана шулар-да. Ғоявий адрес, ғоявий нишон бўлмаса, мунозарага ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

Владимир Ильич кўтарилган проблемаларнинг асосий моҳияти юзасидан бўладиган мунозаралардан ҳеч қандай шароитда ҳам чекинмаслик керак деб ҳисобларди. Фойдасиз тортишувлар олиб бормаслик учун туб масалани олиб, унга конкрет ёндашиш керак деб маслаҳат берарди у.

«Гапириш ва исботлаш», «Биз гапирамиз ва исбот қиламиз»— В. И. Ленин учун характерли бўлган бу сўзларда унинг танқид, мунозара, бутун пропаганданинг илмий жиҳатдан ишонарли бўлиши тўғрисидаги талаби ғоят лўнда бир формада ифодаланган.

Владимир Ильич мунозара юритишда факт ва далиллар йўқлиги туфайли мухолифлар: «шундай таассурот туғилди», «ҳар қандай ўқувчига аён», «ҳеч ким жиддий қабул қилмайди» сингари қуруқ иборалардан фойдаланадиган усулларни қатъий рад этарди. «Кимда таассурот туғилди?»— деб сўрарди у. «Ҳар ким ҳам тушунади»— жуда «кескин айтилмаяптимикин?» Сиз — «шак-шубҳасиз» дейсиз. Айни шундай эканлигини исбот қилинг-да. «Ҳеч ким жиддий ўйламаяпти?»— «Фақат ўз номингиздан гапиринг!».

Кимки ишнинг моҳиятини кўрмаса, у мунозарали масалани аниқ қилиб қўёлмайди, танқидни тўғри йўлга сололмайди, қиличини кўтарадию, лекин зарба беролмайди. Масалани четлаб ўтиш, бошқа соҳага сакраб ўтиб кетиш — буни онгли равишда қиладими ё мантиқ интизомининг етишмаслигидан қиладими — бу келишмовчилик манбаини кўрмасалар, бир-бирларининг нуқтаи назарини тушунишни истамасалар, улар турли тилда гаплашган бўладилар, натижада мунозара қилишнинг иложи қолмайди. Ишнинг моҳиятини чуқур тушунмасанг, асосий мазмунни назардан қочиришинг, чалғиб кетишинг, келишмовчилик пунктларини чалкаштириб юборишинг, жанжалли масалада чувалашиб қолиб, аниқ-равшан нарсани мунозара предмети деб қабул қилишинг ҳеч гап эмас.

Шунинг учун ҳам В. И. Ленин ўз мухолифларининг келишмовчиликнинг асосий пунктларини хаспўшлашларига, асосий масалани майда-чуйда тафсилотларга, ҳар хил ўйлаб топилган аниқлашларга, тозалаш-у тузатишларга кўмиб юборишларига йўл қўймасди. Мухолифлари гапни бошқа ёққа буриб юбормоқчи, энг муҳим ва асосий нарсани майда-чуйда нарсалар билан кўмиб юбормоқчи бўлишганларида Владимир Ильич мунозарани кўтарилган проблема моҳиятига қайтариш учун бор куч-ғайратини ишга соларди. У карама-қаршиликларнинг ўзаги нимадалигини эслатиб, кейин қўшиб қўярди: «Сиз жиддий масалани четлаб ўтиб, ўзингизга зеб бериб, бемаъни сийқа гапларни чайнаб, чакки қиласиз» (ТАТ, 21-том, 182-бет).

На ажойиб адабий услуб, на авторнинг заковати, на цитаталарни ва адабий образларни қалаштириб ташлаш В. И. Ленинни энг муҳим, асосий нарсадан — мухолифнинг нуқтаи назари, унинг асосий масалаларга берган жавобидан чалғита олмасди. Владимир Ильич РСДРПнинг V съездида буржуа партияларига муносабат тўғрисидаги баҳс моҳиятини ҳар хил ўткир ҳазил-ҳузул гаплар билан чалкаштирган Г. В. Плехановни танқид қилиб шундай деган эди: «Плеханов Роза Люксембург ҳақида гапириб, уни булут устида ўтирган Мадоннага ўхшатди. Нима ҳам деб бўларди! Кўп нозик мунозара, назокатли — ғоят таъсирчан... Лекин мен бўлсам Плехановдан ҳар ҳолда бундай деб сўрар эдим: Мадонна Мадонна-ю, лекин сиз масаланинг *моҳияти* ҳақида қандай фикрдасиз? Агар Мадонна масалани моҳият жиҳатидан текширишдан бош тортиш учун керак бўлган бўлса, бу яхши эмас-ку, ахир» (ТАТ, 15-том, 394-бет).

В. И. Ленин шунингдек ўзи «ҳарфхўр танқидчилар» деб атаган, далил-исботлар билан эмас, балки лўттивозлик билан курашишга мойил кишиларни киноя қилиб кулган, позициялари арзимас илмоқли, аччиқ гаплар айтиш, нафсониятга тегиш характерида бўлган, баёндаги кам аҳамиятли нуқсон-у камчиликларга ёпишиб олиш, тирноқ остидан кир кидириш асосига қурилган авторларнинг усуллари тўғрисида нафрат билан гапирганди.

Мухолифининг жанжалли масалаларни аниқламай, яна мақтаб туриб, алдаш пайида бўлаётганини пайқаб қолган пайтида, В. И. Ленин қатъий бир тарзда: «Бу мунозарами ёки жангми!» деб сўрарди. Мунозарада, баҳсда, деб қайта-қайта таъкидлаган эди у, доимо назарий аниқликни, дунёқарашнинг муайянлилигини талаб қилиш зарур. «Ҳаракат қилиш вақтидаги ҳеч кимга тушунарли бўлмаган, чалкаш, чигал мунозаралар» фақат фойда келтирмайдигина эмас, улар объектив олиб қаралганда зарарлидир, деб ҳисобларди Владимир Ильич. Шунинг учун ҳам мунозара маданияти ҳақида гапирилганда биринчи навбатда мана шу партиявий нуқтаи назарни эсда тутиш муҳимдир: жамият шунчаки ўтказиладиган

мунозаралардан манфаатдор эмас, кишини мунозара жараёнининг ўзи эмас, энг долзарб проблемаларни коллектив бўлиб муҳокама қилиш хурсанд этиши керак, уларни кун тартибига қўйиш ва ҳал этиш жамиятнинг олға томон муваффақиятли боришига, қайта қуришнинг ривожланишига ёрдам беради. Агар, масалан, ижтимоий фанлар хусусида гапирадиган бўлсак, бу ерда ҳам мунозара марказига бугунги кунда ижтимоий фикрни кўпроқ қизиқтираётган проблемаларни қўйиш керак, баъзида миллионлар онгига ўзининг оригиналлиги билан лол қолдирувчи, лекин аслида объективликдан узоқ бўлган, гоҳида реал фактларга зид бўлган концепция ва қарашлар сингдириладики, бунга жамиятшунослар индамай томошабин бўлиб қараб туришади, бунга сира йўл қўйиб бўлмайди.

Ниҳоят, В. И. Ленин мунозара маданиятининг яна бир элементини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардик. У мунозара давомида ҳеч қандай шахсий келишмовчиликларни алоҳида бир даражага кўтаришга имкон бермаслик тўғрисида ғамхўрлик қиларди, у бундай келишмовчиликларни муҳокама қилиш тўғрисида гапириб шундай деганди: «... ихтилофлар ҳақида ҳовлиқмасдан ва асосий масала юзасидан муҳокама юргизилсин, бу ихтилофлар ишимизга халақит бермасин, фаолиятимизни издан чиқармасин, марказий муассасаларимизнинг тўғри ишлашига тўсқинлик қилмасин» (ТАТ, 8-том, 131-бет).

Бу сўзлар, бугун, ошкоралик даврида айниқса актуалдир, ҳозир албатта шунга эришмоқ кераккй, айрим фикр-мулоҳазаларнинг ташқи ноординарлиги, кўпинча эса уларнинг қатъийлиги орқасида марксча-ленинча назарияга асос бўлган принципиал қоидаларга зарар етказиши мумкин бўлган нарсалар ўтиб кетмасин.

Шуни ҳисобга олиш кераккй, қайта қуриш туғдираётган янги нарсаларнинг социалистиклиги, табиийки, қонунлаштирилган схемаларга схоластик тарзда мос келиши билан эмас, балки ўша янгилик инсонга, меҳнаткашларга, халққа, мамлакатга, социализмга, умуминсоний тараққиётга нима бериши билан текширилади. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида таъкидлаб ўтилганидек, «совет халқи истиқболнинг равшан бўлишини истайди. Бекамі-кўст ва ҳеч сўзсиз демократияни, истисносиз қонунчиликни, катта ва кичик ҳамма ишларда ошкораликни, муносабатларда қардошлик ва ўртоқликни, меҳнатсеварлик ва истеъдод, ишга ва ижтимоий бурчга садоқат билан хизмат қилиш ҳурмат қилинишини хоҳлайди».

Давримизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, одамлар бугун қайта қуриш таклиф этаётган ҳамма нарсани, у инсондан, бутун жамиятдан нималар талаб қилаётганини яхшилаб билиб олишни истайди. Шунинг учун ҳам ишонтириш методи — ҳозир халқни жипслаштиришнинг энг асосий, энг самарали воситасидир. Ундан фойдаланиш, албатта, ходимларнинг сиёсий тарбияси юксак бўлишини, омма билан муносабатда бекамі-кўст демократизм бўлишини тақозо этади. Ишонтириш — бу одамларга иззат-ҳурмат билан муомала қилиш, буйруқбозликдан, қатъий-қўпол оҳангдан қочиш, далиллар кучига таяниш демакдир. Бу — мунозара маданиятини жиддий ўрганиш демакдир. Ўз шахсий позициянгни ҳимоя қилишни ҳар хил ёрлиқлар ёпиштириш билан, ҳақлигингни исбот қилишни декларациябозлик билан алмаштириш керак эмас. Буни ленинча мунозара мантиқи ва методларини чуқур ўрганиш ва ўзлаштириш орқалигина эгаллаш мумкин. Муҳокамаларимиз, мунозараларимиз, баҳсларимизнинг яхши натижа беришига фақат шу йўл билангина эришиш мумкин.

Проблема ҳусусида мулоҳазалар

Журнал партия аъзолари бир қисмининг пассивлигига барҳам бериш ҳақидаги суҳбатни давом эттиради. Бу муаммо партиянинг жамиятдаги раҳбарлик ролини ошириш вазифаси билан жуда ҳам боғлиқдир. Қуйида эълон қилинаётган мақола ҳам шу вазифани ҳал этишнинг муҳим жиҳатларига бағишланган.

А. ГОЛОВАНОВ

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР

БУГУНГИ кунда партия аъзолари анчагина қисмининг пассивлиги сабаблари ва уни бартараф этиш воситаларини излаш ҳақида гап юритарканмиз ўтмишимизга, коммунистлар, мамлакатимиз барча меҳнаткашларининг социал ижодиёти бой тажрибасига мурожаат қилмасдан бўлмайди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси бундай ижодга мустаҳкам асос яратди. Унинг ғалабаси натижасида омманинг тарихий жараёндаги онгли ва ҳал қилувчи иштироки йўлидаги объектив тўсиқлар тугатилди. Революция ижтимоий ҳаётнинг шундай объектив моддий, сиёсий ва маданий шарт-шароитларининг шаклланишини белгилаб бердики, улар тарихий субъектлар бўлган омманинг мустақил ва онгли фаолиятини рағбатлантиради ва ривожлантиради. М. С. Горбачев Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги докладида мазкур омилни таъкидлаб, революциядан кейинги йилларда совет кишилари мўъжизалар яратганини қайд этди. Буюк тарихий ишга киришганликлари уларни илҳомлантириб турди. Улар етарлича саводли бўлмасаларда, қандайин улкан жараёнда иштирок этаётганликларини синфий сезгирлик билан тушундилар.

Революция ижтимоий ҳаётни сиёсийлаштиришга олиб келди. Унинг таъсирида сиёсат меҳнаткашларнинг иши бўлиб қолдики, меҳнаткашлар, Ф. Энгельс сўзлари билан айтганда «ўз мамлакатининг жамоат ишлари айни бир чоқда уларнинг ўз ишлари эмас» деган гапга ҳеч қачон ишонолмайдилар (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 33, с. 328).

Дарҳақиқат, агар 1917 йил Октябрига қадар, революцион жанглар даврида меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги асосан ҳокимият учун курашда кўринган бўлса, социализмда, ҳокимият халқ ҳокимияти, Коммунистик партия эса — идора этувчи партия бўлганида омманинг, энг аввало коммунистларнинг актив ҳаракатлари энди ана шу ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга, бунёдкорлик муаммоларини ҳал этишга қаратилди. Шу муносабат билан Совет давлатининг дастлабки йилларида В. И. Ленин уқтирган эдики, эксплуататорлар қаршилигини бартараф этиш вазифаси билан бирга «ижобий коммунистик қурилиш, янги иқтисодий муносабатлар, янги жамият яратиш каби муҳим вазифа ҳам» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 14—15-бетлар) юзага келади.

Жамиятни социалистик асосларда тубдан ўзгартириш коммунистлар социал ижодининг фақат мақсадигина эмас, балки уларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат фаолиятини активлаштиришнинг муҳим омили ҳам бўлди. Бу ҳол социалистик ижтимоий муносабатлар мустаҳкамлана борган сайин тобора янги-янги формаларда ифодаланди. Коммунистлар ватан тарихи солномасига жуда кўп шонли ишларни битдилар. Бу дастлабки беш йилликларнинг меҳнат зафарлари, Улуғ Ватан урушидаги сўнмас жасоратлар, урушдан кейинги тиклаш, қайта қуриш омилкорларининг ҳозирги ишлари ҳамдир.

ГОЛОВАНОВ Александр Александрович, Тошкент олий партия мактаби партия, совет ва идеология иши тажрибасини умумлаштириш лабораториясининг мудири, тарих фанлари кандидати.

Аммо коммунистлар социал активлиги ўсишининг динамикасини тўппа-тўғри-шиддаткор жараён, узлуксиз муваффақиятлар ва ютуқлардан иборат деб тасаввур этиш нотўғри бўлур эди. Тажриба шуни кўрсатдики, ушбу активликнинг намоён бўлиш манзараси мураккаб. Бунда ўз юксалишлари ва таназзуллари, шиддаткор ҳаракатлари ва чекинишлари, ўзининг кучли тўғаноқ солиш механизми бўлди.

Тарихий билимларнинг ҳозирги даражаси позицияларидан туриб ана шу жараён зиддиятлилигини тақозо этган сабабларни аниқлар эканмиз, шуни қатъий айтиш мумкинки, уларнинг кўпчилиги сталинчилик билан боғлиқдир. Сталинчилик заминида қаттиқ централизм, буйруқбозлик-бюрократик маъмуриятчилик ва ўта волюнтаризм кучайиб, социал адолатнинг қўпол тарзда бузилишига ҳамда қонунсизлик ва ўзбошимчаликнинг авжга минишига сабаб бўлди. Социалистик қурилиш муваффақиятларига эриша борган сайин синфий кураш кескинлашади деган машъум назарияга таяниб ва казарма социализми биносини қуришга интилиб, Сталин ва унинг яқин теварагидаги кишилар айниқса 30—40-йилларда партия ва жамиятдаги илғор ғояларга ва ақл-заковатли кишиларга қарши кенг ҳужумга ўтдилар. Бунинг оқибатида мамлакатда бебошлик, душманлик, оммавий репрессиялар муҳити қарор топди. Ҳадиксираш-қўрқиш васвасаси шубҳаланиш вазиятини юзага келтирдики, бу вазиятда кўп лавозимли шахслар — давлат ва партия ҳокимиятининг олий даражадаги вакиллари ҳеч нарсадан тап тортмай хоҳлаганларича ўзбошимчалик қилавердилар. Айни чоқда репрессиялар кўлами, уларнинг бешафқатлиги кишилар иродасини фалаж қилиб қўйди, кўпларни маънавий таназзулга мубтало қилди. Раҳбарларнинг аксар кўпчилиги кадрларни «тарбиялаш»нинг сталинча системаси мактабини кўргач мустақил қарор қабул қилиш қобилиятларини йўқотдилар. Улар фақат «юқоридагилар»га қараб иш тутдилар. Буларнинг ҳаммаси партия обрў-эътибори ва қиёфасига таъсир қилмай қолмади. Партия тубдан ўзгара, ленинча, большевистик партияга хос муҳим белгиларини аста-секин қўлдан бой бера борди ҳамда «халқлар доҳийси»нинг хоҳиш-иродасига биноан кўп жиҳатдан халқ эҳтиёжларидан ажралиб қолган итоатгўй ташкилотга айланди.

Тўғри, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, В. И. Ленин вафотидан кейин партия тарихида ривожланишнинг икки йўли юзага келди, гарчанд улар бир-бирига чатишсада, лекин қўшилиб кетмади. Ленинча маънавий асосларга тўғридан-тўғри хиёнат қилишдан иборат Сталин йўли билан бир қаторда партияда ҳамиша ленинизмга, эзгу инсоний асосларга содиқ йўл ҳам амал қиларди. Ҳатто энг мудҳиш репрессия замонларида ҳам Коммунистик партияда авторитар ҳокимият режимига қарши очиқ-ошкора курашган кучлар бўлди. Дарвоқе, булар айрим саботли шахсларгина эмас эди. Ижтимоий ҳодиса бўлган сталинчиликка қарши курашга юзлаб, минглаб кишилар қўшилдилар. Ҳозирги кунда биз ҳали уларнинг ҳаммаларининг ҳам номларини билмаймиз. Лекин худди ана шу кишилар аввал бошданоқ партия замирида бўлган маънавий, ахлоқий потенциални асраб қолиб, партиянинг меҳнаткашлар орасидаги обрў-эътиборини белгилаб келди ва ҳозир ҳам белгиламоқда.

Сталинчилик ҳозир ҳам алами сезилиб турган яра ва чандиқлар қолдирди. У кўп кишилар хотирасига қўрқув, ташаббус кўрсатишни истамаслик, бошлиқлар фикрига зид бирон нарса айтишдан қўрқиш уруғини сепиб кетган.

Сталин шахсига сиғинишни очиқ-ошкора фош этишда, социализмга унга хос гуманистик қиёфани бахш этишга, маълумки дастлаб, «Хрушчевнинг файзли» замонида уриниб кўрилган эди. Бу жараёнда КПСС XX съезди алоҳида роль ўйнади. У жамиятимизнинг ривожланишига тўғаноқ бўлаётган нарсаларнинг бир қисмини очиб ташлади, якка шахс ҳокимияти режимининг батамом ҳалокатли эканлигини кўрсатди.

XX съезднинг раҳбарликнинг умри тугаган формаларини қатъиян бартараф этиш, ижтимоий ҳаётни демократиялашга қаратилган йўли омманинг сиёсий ўзлигини англашини кучайтирди. Меҳнаткашларнинг партияга интилиши кучайди, унинг обрў-эътибори ортди.

Афсуски, 50-йилларда жамиятда туб ўзгартишларни амалга оширишга муваффақ бўлинмади. Ўшандан олдинги даврда вужудга келган раҳбарлик ва бошқариш системаси ислоҳотларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Қайта қуриш

стратегиясини белгилашга волюнтаристик ёндашиш ўзини кўрсатди. Партия ва мамлакатнинг ўша йиллардаги раҳбарлари, энг аввало Н. С. Хрушчев, маъмуриятчилик миқёслари чеклаб қўйилиши, ана шу системадан Сталин шахсига сиғинишнинг йўқотилиши, унинг баъзи бир иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар билан тўлдирилиши ҳамоно ҳамма муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин бўларди, деб қаттиқ ишонар эдилар.

50-йиллардаги қайта қуриш илмий ёндашишга таянмади. У синаб кўришлар ва хатолар йўлидан борди. Бунинг устига-устак янгиланиш борасидаги барча тадбирлар доимо дабдабали, волюнтаристик шиорлар билан жадаллаштирилиб турди. Кўп раҳбарлар тезда муваффақиятга эришиш ниятида социал сароблар кетидан қувдилар. Натижада 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб жамиятнинг реал етуклигига мувофиқ бўлмаган муносабатлар кенг кўламда ўрнатила бошлади. Бу ҳол ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши жараёнига тўсқинлик қилди, меҳнаткашлар кенг оммасининг, шу жумладан оддий коммунистлар каттагина қисмининг ўй-ният ва кайфиятларига салбий таъсир кўрсатди.

Турғунлик йиллари Коммунистик партия обрў-эътиборига, унинг аъзоларининг активлигига ғоят ёмон таъсир кўрсатди. Л. И. Брежнев ва унинг теварагидаги кишилар партия ва мамлакатга раҳбар бўлиб олиб, аслида юмшоқ формада бўлсада, шахсга сиғинишни қайта тикладилар. Улар ижтимоий ҳаётни демократиялаш жараёнини тўхтатиб қўйдилар, Сталин маъмурият системасининг моғор босган анча-мунча тартиботларини қайта тикладилар. Брежнев раҳбарлик қилган даврда марказлашган бошқарув мустаҳкамланди, бюрократлар позициялари кучайди, кўп коммунистларнинг гражданлик активлиги кўрсатиш йўлидаги уринишлари поймол этилди, лавозимли шахсларнинг сал-пал танқид қилиниши ҳам қатъий бўғиб қўйилди.

Брежневчилик қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, сўз билан ишнинг узилиши каби иллатларнинг жуда авж олишига кўмаклашди. У социал паразитизм, тайёрга айёрлик уруғини сепди. Кишилар бошдан-оёқ шиорлардан иборат ҳаётга ишонмай қўйдилар. Коммунистларнинг асосий кўпчилиги аппаратда ишловчилардан, маъмурият қатламидан жуда йироқлаша бошлади.

Ўзбекистонда бу ҳол рашидовчиликнинг кенг қулоч ёйиши билан чуқурлашди. Унинг ўзига хос белгилари: бир-бирининг айбини ёпиш; қавм-қариндошлик, группавий манфаатларни устун қўйиш; кадрлар билан ишлашнинг жиддий равишда бузилиши; тилёғламалик, хушомадгўйлик; миллий анъаналарни сақлаш баҳонасида патриархал муносабатлар таъсирининг кучайиши, формализм, ортиқча тадбиркорлик; лавозим ва хўжаликка оид жиноятлар; порахўрликдир.

Рашидовчилик иллатларининг авж олиши маънавий қашшоқликка олиб келди. Унинг таъсирида кўп оддий коммунистлар адолат, социал тенглик идеалларига, революцион зафар тантанасига бўлган ишончини йўқотдилар. Социал умидсизлик кучайди, бефарқлик илдиз отди.

Партия Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленумидан эътиборан бутун жамият ҳаётида социализмнинг янги қиёфаси томон чуқур бурилиш бошланди. Пленум йўли КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ конференциясида мустаҳкамланди. Бу анжуманлар жамиятнинг программ мақсадларини айнан шу партия рўёбга чиқаришини, у мамлакатни янгиланиш йўлидан бошлаб бора оладиган сиёсий куч эканлигини яққол кўрсатди.

Қайта қуришнинг асосланган программаси, партия бошчилигида раҳбарликнинг эскириб қолган форма ва методларига қарши кураш, ҳамма ерда демократия ва ошкораликни ривожлантириш, социал адолатнинг ленинча принципларини тиклаш борасида у кўраётган тадбирлар, КПССнинг турғунлик ҳолатлари сабабларини мардона очиб ташлаб, вужудга келган аҳвол учун жавобгарликни ўз зиммасига олганлиги, жамоатчиликнинг танқид тиғини онгли равишда ўзига қаратганлиги — ана шуларнинг ҳаммаси унинг обрў-эътиборини оширди.

Республикалар партия ташкилотларида революцион туб ўзгартишлар кучая борган сайин партиянинг нуфузи орта борди. Ўзбекистонда республика Компартияси Марказий Комитетининг XVI (1984 йил июнь) пленуми ва унинг XXI съезди авж олиб кетган покланиш жараёнида муҳим марралар бўлди. Бу анжуманлар қарорларида салбий ҳолатларга батафсил баҳо беришга, маънавий-психологик вазиятни соғломлаштириш чораларини белгилаб олишга уринилди. Ана шу тад-

бирларнинг амалга оширилиши муайян ижобий натижалар берди. Аммо, кейинги практика шуни кўрсатдики, мазкур тадбирларни амалга ошириш борасидаги иш кўпинча декларатив характерда бўлди. Янгиланиш программаси чала-юлуқ жорий этила борди. Бу тушунарли, албатта. Зеро, республика партия ташкилотининг раҳбарлик ишларида ўтмишга, рашидовчилик оламига минглаб ришталар билан боғланган кишилар ҳали ҳам ишлардилар. Бинобарин, уларни қатъий четлатиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига янги раҳбарларнинг келишигина покизалаш ишини КПСС Марказий Комитетининг апрель йўли руҳида олиб боришга кўмаклашди. Бу фаолият Ўзбекистон Компартияси МК IX пленуми (1988 йил январь) ва КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясидан кейин айниқса яққол сезилди.

Янгиланиш сари тутилган йўл, Коммунистик партиянинг қайта қуришни таъминлашдаги авангардлик роли коммунистлар кўп миллионли армиясининг ижтимоий ва меҳнат активлигини авж олдириб юборди. Уларнинг кўплари ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқдилар, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш ҳаракатларининг кашшофлари бўлдилар. Чунончи, Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Москва» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати Тамбой Хўжамуротов, КПСС XXVII съездининг делегати, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. А. Губина ўзларини қайта қуришнинг ҳақиқий омилкорлари эканликларини кўрсатдилар. Коммунистлардан В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. Т. Одиловнинг, Андижондаги «Ферганaнефтихиммашмонтаж» тресги монтаж бошқармасининг монтажчилар бригадири В. А. Курочкиннинг ишларидан бутун халқ миннатдор бўлди.

Бироқ коммунистлар катта кўпчилигининг социал ижодиёти даражасига холисона баҳо берар эканмиз, унинг қайта қуриш талабларига тўла-тўкис жавоб бермаётганини тан оламиз. Яқинда бўлиб ўтган область партия конференциялари ҳали партия аъзоларининг анчагина қисми пассивлигини кўрсатди. Уларнинг кўплари ҳали ҳам ташаббус кўрсатишдан, жамиятни сифат жиҳатдан янгилаш учун курашнинг авангардида бўлишдан чўчийдилар.

Бу қадар зиддиятли ҳодисанинг сабаблари нимада? Ана шу саволга жавоб беришга уриниб, Тошкент олий партия мактабининг партия ва совет иши тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш лабораторияси бир қанча тадқиқотлар ўтказди. Бу тадқиқотлар Хоразм, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент областлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон АССР ва бошқа баъзи бир партия ташкилотларини қамраб олди.

Сўровлар якунининг анализи шуни кўрсатдики, пассивлик сабабларининг илдизи жуда чуқур бўлиб, улар ҳам шахсга сиғиниш ва турғунлик замонларининг диққинафас муҳити, ҳам ҳозирги кун практикаси билан боғлиқдир. Қайта қуришнинг фожиали парадокси шундаки, ҳозир кўпдан-кўп эски муаммолар худди қуруқ шох-шабба сингари алангаланиб кетди, давр талайгина катта-катта масалаларни намоён этди. Ўтмиш ёки ҳозирги нуқсонларга қўшилиб, кўпинча революционлик ниқобидаги жуда хавфли ярамас социал ҳолатларларни келтириб чиқармоқда.

Ташаббуссизликдан иборат хулқ-атворнинг кенг ёйилган мотивларидан бири эскидан мавжуд қўрқувдир. Шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида кишилар ҳамма нарсага аралашавериш хавфли, «индамасанг ютасан», «ҳақиқат эса юқорида ҳам йўқ» деган нарсани яхши ўзлаштириб олганлар. Бошқача сўзлар билан айтганда, ўликлар тирикларнинг ёқасидан олиб турибди. Лекин гап фақат шундагина эмас. Баъзи бировлар ҳозирги кундаёқ, жамият демократия ва ошкораликни ривожлантириш йўлида, буйруқбозлик-маъмуриятчилик методларини бартараф этишда қатъий одимлар ташлаётган революцион янгиланиш шароитида ҳам панд едилар. Қайта қуриш уларнинг тилини ечиб юборди, гражданлик жасоратининг кучайишига сабаб бўлди, катта-катта умидлар бахш этди. Аммо улар, бошқа ҳар қандай янгилик каби, қайта қуриш ҳам эскиликка қарши курашда қарор топа боришини ҳисобга олмадилар. Қайта қуриш консерватив, қайта қуришга душман кишиларнинг қаттиқ қаршилигига учрамоқда. Ҳозир ҳам анча-мунча шундай раҳбарлар борки, омманинг итоатгўйлик билан чурқ этмаслиги уларга қўл келади, бинобарин, улар қўлларидан келган

ҳамма воситалар билан уни сақлаб қолишга уринмоқдалар. Коммунистларнинг саботли бўлмаган қисми эса уларнинг қаршилигига дуч келиб ва ҳамма муаммоларни бир уринишдаёқ ҳал эта олмай, нима қилишларини билолмай қолдилар. Баъзи бирларининг эса қайта қуришдан ҳафсаласи пир бўлди.

Ана шу ҳолатларга қарши энг яхши малҳам — демократия, чинакам танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, янги ҳуқуқий давлатни қуриш борасида белгилаган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширишдир.

Эскича фикрлашнинг қотиб қолган андозаларини революцион асосда синдириш вазифаси ҳозирги кунда актуал аҳамият касб этди. Бу вазифани бажаришнинг қийинчилиги шундаки, фикр ва ҳаракатлар догматизми ҳозирча кўп кишиларга: оддий коммунистларга, сайлаб қўйиладиган актив вакилларига хос хусусиятдир. Партиянинг кўп аъзоларида сиёсий маданият паст, ҳуқуқий ва тарихий онг етарли эмас, социал инфантилизм кўзга ташланади. Бунинг сабаблари сиёсий ва иқтисодий ўқув системасининг катта камчиликлари, кўп йиллар мобайнида тарихий ҳақиқатнинг бузиб кўрсатилиши, унинг ҳақида чурқ этмаслик, жиддий назарий нуқсонлар билан боғлиқдир. Дўқ-пўписалар билан буйруқлар бериш, ишлар аҳволини қоғозда бўяб кўрсатишга интилиш, жонли иш ўрнига қотиб қолган схемаларни қўлланиш, бошланғич партия ташкилотлари ташаббусларини муттасил бўғиш, эътиборни раҳбарликнинг сиёсий методларига эмас, балки хўжалик методларига қаратиш ўша эскича фикрлаш андозалари муҳсулидир.

Баъзи бир коммунистлар ўтмиш догмаларидан қочишга интилиб, уларни янги негизда тикламоқдалар. Улар худди аввалларидагидек, «якдил фикр», «якдил маъқуллаш» калтагини ўйнатиб, уларни қайта қуриш терминологияси ёрдамида беришга уринадилар.

Коммунистлар социал активлигини ривожлантириш, партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш вазифаларини ҳал қилишда ижтимоий ҳаётни демократиялашнинг умумий жараёнларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда партия ички демократиясини чуқурлаштириш, ошкораликни, партия аъзоларининг умумпартия ва давлат турмуши барча муҳим йўналишлари бўйича хабардорлигини кенгайтириш масалалари алоҳида ўрин тутади. Шахсга сиғиниш, волюнтаризм ва турғунлик йилларида бу борада анча-мунча муаммолар тўпланиб қолди. Партия турмуши демократизмининг сайлаб қўйиш каби ҳал қилувчи кўрсаткичи амалда оддий расмиятчиликка айланди. Партия комитетларининг иши қатъиян махфий тутилар эди. Партия ишида жамоатчилик асослари йўққа чиқарилди, оддий коммунистларнинг район, шаҳар, область партия комитетлари штатли аппаратининг ишларидаги иштироки қисқартирилиб юборилган эди.

Апрелдан кейинги янгиланиш давомида ошкораликни кенгайтириш, сайлаб қўйишнинг ленинча принципларини барқарор этиш, партия ички танқидининг эркинлигини таъминлаш борасида ижобий ишлар қилинди. Партия ташкилотларида маънавий соғломлаштириш жараёни кучайиб бораётганлиги яққол кўзга ташланмоқда, демократик асослар мустаҳкамланмоқда, гарчанд қийинчиликлар билан бўлсада, салбий ҳолатлар бартараф этилмоқда. Масалан, бошланғич партия ташкилоти секретарларини бир неча номзодлар қўйилган ҳолда яширин овоз бериш йўли билан сайлаш практикаси кенг ёйилганлиги бундан далолат бериб турибди.

Аввалларидагидек кўп коммунистлар учун ўзлари учётда турган район партия комитетининг иши кўп жиҳатдан сирлигича қолмоқда. Ҳеч қандай сири бўлмаган маълумотлар амалда махфий тутилмоқда. Партия қарорларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг Сталин жорий этган тартиб-қоидалари бартараф этилмаганки, ўша пайтда бюро ва аппаратнинг роли мутлақ ҳисобланиб, сайлаб қўйиладиган раҳбар органлар бошқа аъзоларининг роли эса формал бўларди, баъзан ҳеч қандай роль ўйнамасди. Партия ишида ҳозирча жамоатчилик асослари заиф.

Етилган муаммоларни ҳал этмоқ учун партия ички демократиясини янада авж олдириш йўлларини кўпроқ излаш, коммунистларнинг асосий норматив ҳужжати бўлмиш КПСС Уставини такомиллаштириш ҳақида таклифларни ўйлаб чиқиш зарур.

Коммунистларнинг социал активлигини кучайтиришга қаратилган қайта қу-

риш тадбирлари системасида КПССнинг ҳозирги кадрлар сиёсати, уни бутун чоралар билан демократиялаштириш ҳал қилувчи бўғин бўлиб қолмоғи лозим. Партия XXVII съезди, КПСС МҚ 1987 йил январь Пленуми, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларида бу борада йўл қўйилган хато ва жиддий нуқсонлар қораланди. Хусусан, қайд этилдики, раҳбар кадрларни, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам танлаш кўпинча хуфиёна тарзда, хизмат кабинетлари ичида амалга оширилди, бунда партия Уставида, съездлар ҳужжатларида эълон қилинган демократиянинг барча формалари амалда эътиборга олинмади.

Ҳозирги кунда сайловларни демократик асосларда ўтказиш, илғор ишчилар ва колхозчилар, ўзини яхши жиҳатдан кўрсатган фан, маданият ходимлари, ижодий ташкилотлар вакиллари орасидан раҳбарликка кўтариш, ишчан резерв тайёрлаш кадрлар сиёсатини янгилашда асосий восита бўлиб қолди.

Қадрлар билан ишлашни қайта қуришга қаратилган йўл революцион янгилаш сиёсатини, тарихий бунёдкорлик жараёнига меҳнаткашлар жуда кенг оммасини жалб этиш сиёсатини таъминлашда ижобий натижалар бермоқда. Аммо бунда ҳам анча-мунча ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Улардан бири шуки, йиллар давомида қарор топган кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга формал-номенклатура, анкета бўйича ёндашиш ҳали ҳам тугатилгани йўқ. Кўп партия ходимлари ҳанузгача раҳбарликнинг замонавий методларини етарлича эгаллаб олмаганлар, бошланғич партия ташкилотларига таянмасдан эскичасига ишламоқдалар. Идеология соҳасида ҳам, иқтисодий соҳада ҳам раҳбар кадрларнинг назарий тайёргарлиги заифлиги, жамиятимиз ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида социал адолатни барқарор этиш конкрет йўллари ва формаларини билмаслиги айниқса катта ташвиш туғдирмоқда.

Баъзан группавий, кўпинча тор худбинлик манфаатлари билан ижтимоий манфаатлар ўртасида юзага келадиган низолар эндиликда жиддий муаммога айланмоқда. Бирон-бир лавозимга ёки сайлаб қўйиладиган совет, партия органига бошқа одам қўйиш учун сайловлар ташкил этиш пайтида бу низолар айниқса яққол намоён бўлмоқда. Муқим демократик анъаналарнинг йўқлиги, сайловчи кишиларнинг нокомпетентлиги, кўрқитишлар ва бошқа психологик тазйиқ ўтказиш методларини ишлатиш туфайли кўпинча раҳбар лавозимларга жамоат манфаатларини эмас, балки бир гуруҳ кишиларнинг ғаразли ниятларини ифодаловчи шахслар сайлаб қўйилади. 1988 йил декабрида Бухоро область партия конференциясида келтирилган фактлар юқорида айтилганларга далил бўла олади. Шу областда қайта қуриш бораётган кейинги уч йил мобайнида ўғрилик, порахўрлик, лавозим жиноятлари қилганликлари учун 650 дан кўпроқ киши КПСС сафларидан чиқарилган. Шулар орасида область ва район миқёсларидаги юзга яқин раҳбарлар, 17 та партия ходими (шулардан 12 таси район партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари) бор. Область партия комитетининг кўпчилик ходимлари алмаштирилган. Собиқ биринчи секретарь А. Каримов пора олганлиги учун узоқ муддат қамоққа ҳукм қилинди. Унинг ўрнига келган И. Жабборов ҳам ўзини ўзи бадном қилди ҳамда яқинда вазифасидан бўшатилди, КПСС МҚ аъзолигига кандидатлар составидан чиқарилди, партиядан ўчирилди ва ҳибсга олинди.

Юқорида тилга олинган муаммо бошқа бир кескин масалани ҳал этишни зарур қилиб қўйди. Сўнгги йиллардаги социал практика шуни кўрсатдики, омманинг активлиги, шу жумладан коммунистлар муайян қисмининг активлиги баъзан социалистик турмуш тарзига мос бўлмаган ишларда кўринмоқда. Мисол учун, кишиларнинг миллатчилик негизида бирлашуви ҳоллари, бир-бирининг айбини ёпиш фактлари ҳақида, кўпгина меҳнат коллективларининг фаолиятидаги арзон ва аҳоли учун жуда зарур маҳсулотни эмас, балки қиммат ва ўзлари учунгина фойдали маҳсулотни ишлаб чиқариш тенденцияси ҳақида айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Демагоглар, шу жумладан чўнтагида партия билети бўлган демагоглар ижтимоий ҳаётни қайта қуриш ва демократиялаш жараёнларидан ўз мақсадларини кўзлаб фойдаланишга зўр бериб уринмоқдалар. Кўпинча камчиликларни соғлом тарзда танқид қилиш ўрнига ғаразгўйлик билан ҳар хил уйдирмалар тўқилади. Баҳона бўлса-бўлмаса кишиларни антисоциалистик шиорлар билан митинглар, намойишлар ўтказишга даъват этадиган «лидерлар» пайдо бўлиб қолди.

Экстремал вазиятлар кўп коммунистларнинг суҳбатлашишга, очиқ-ошкора баҳслашишга қобил эмасликларини яққол кўрсатди.

Ана шуларнинг бари идеология ишини кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда ҳар бир партия аъзосида принципиалликни, идеалларимизни ҳимоя қилишда собитқадамликни, сиёсий баҳслар олиб бориш кўникмаларини шакллантириш муҳимдир.

Иқтисодий ислоҳот коммунистлар социал активлигини ўстириш учун қулай шарт-шароитлар яратмоқда: ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллаштирилмоқда, хўжалик юритишнинг янги принциплари қарор топмоқда. Меҳнат аҳли ўзини корхона, ернинг, ишлаб чиқариш воситаларининг хўжайини деб тобора реал ҳис этмоқда.

Айни чоқда, ижобий ўзгаришларга қарамай, қайта қуриш суст бормоқда. Кўп корхоналарда планлар ҳамон асосан энтузиазм негизидагина бажариляпти. Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар кўпинча шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнатдаги шон-шавкати билан хаспўшланмоқда. Социалистик мусобақада ҳали ҳам расмиятчилик кучли.

Шуни алоҳида уқтирмоқ лозимки, ҳалол меҳнатни моддий рағбатлантириш системасидан ҳам тўла фойдаланилаётгани йўқ. Бунда гап фақат кўп корхоналарда бундай системага маъмурий тақиқлаб қўйишлар, текислаштириш практикаси билан тўсқинлик қилинаётганлиги ҳақида бораётгани йўқ. Моддий стимуллар уларни рўёбга чиқаришнинг зарур иқтисодий шарт-шароитлари билан қўллаб-қувватланмаётганлиги ҳам катта тўғаноқ бўлмоқда. Аҳволнинг мураккаблиги бозорнинг товарлар билан яхши тўлатилмаганлигидан иборат. Ишлаб чиқарувчи топган пулига кўпинча ҳеч нарса сотиб ололмайди. Бунинг оқибатида пуллар товар оборотига кирмасдан, сандиқларда қолиб кетмоқда. Улар ўз қийматини йўқотмоқда. Бу ҳол ходимнинг юксак унумли меҳнат қилишга интилишини сусайтиради.

Тажриба шу нарсани кўрсатмоқдаки, моддий рағбатлантириш системасидан тўла-тўкис фойдаланмоқ учун, инсон ҳақиқатан ҳам ҳалол самарали меҳнати билан яхши пул топишни исташи учун халқ хўжалигининг истеъмолчи секторида вазиятни жонлантирмоқ, бозорни молларга мўл қилмоқ, кишиларга танлаб олиш имконини бермоқ зарурдир. Иқтисодий мусобақани ташкил қилиш бунга кўмаклашиши мумкин. Унинг мақсади — истеъмолчининг манфаатларини биринчи ўринга қўйишдир. Бундай тадбирлар аҳолини ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларини кам сарф-харажатлар билан юқори сифатли қилиб чиқарилган маҳсулот билан қондирмоқ учун корхоналар ва бирлашмаларнинг иқтисодий беллашувини кучайтиришни кўзда тутади. Мусобақанинг бу формаси социализм принципларига ғоят мосдир. Ғолиблар сезиларли иқтисодий фойда олишлари кераки, бу фойда ишлаб чиқаришни қайта қуроллантиришни жадаллаштиришга ҳам, коллективнинг социал муаммоларини тезроқ ҳал қилишга ҳам имкон беради.

Қайта қуриш ва мусобақа бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Вазифа эса битта, у ҳам бўлса — ишлаб чиқариш жараёни ва хўжаликни бошқаришнинг барча иштирокчиларининг ишга муносабатини тубдан ўзгартиришдир. Аммо бу мусобақани ташкил этувчиларнинг ўзлари, биринчи навбатда партия ташкилотлари ишида чуқур ўзгаришлар қилишни талаб этади. Уларнинг таъсир кўрсатиш кучи ижтимоий онгда катта бурилиш ясашга ҳамда меҳнат самарадорлиги ва сифатини оширишга, кенг оммада, шу жумладан коммунистларда янгиликни ҳис этиш туйғусини, масъулият ва манфаатдорликни шакллантиришга, ижодий изланиш вазиятини яратишга қаратилмоғи лозим.

Давр партия олдига тарихий вазифани қўйди. Партиянинг ватан ва социализм тақдири учун жавобгарлиги улкан. Аммо унга миллион-миллион коммунистларнинг қўллаб-қувватлаши ишонч ва куч бахш этади. Партия қайта қуришда бош-қош бўлар экан, ўзининг барча аъзоларини революцион янгилаш жараёнига актив аралашишга, ҳаётимизга кириб келаётган барча янгиликлар учун астойдил курашишга даъват этмоқда. Биз бораётган йўл мураккаб ва машаққатли йўлдир, аммо қимирлаган қир ошади.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

ЯГОНА ХАЛҚ ХЎЖАЛИК КОМПЛЕКСИ — МИЛЛАТЛАР РИВОЖИ ВА ЯҚИНЛАШУВИНИНГ, СОВЕТ ЖАМИЯТИ ИНТЕРНАЦИОНАЛ БИРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МОДДИЙ НЕГИЗИ

«Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг актуал проблемалари» курсини ўрганувчи пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Миллий муносабатларни янада такомиллаштиришда уларнинг иктисодий негизини мустаҳкамлаш биринчи даражали роль ўйнайди. Мамлакатимизда Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг биргаликда қилган меҳнати билан ягона халқ хўжалик комплекси бунёд этилган бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг ҳамма бўғинларини, СССР территориясидаги тақсимот ва айирбошлашни қамрайди ҳамда барча республикаларнинг хўжаликларини ўз ичига олади. Унинг ташкил топиши ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг юксак даражада умумлашганини, ишлаб чиқарувчи кучлар интернационаллашганини, улар тараққиётининг янги даражасини ҳамда социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг етуклигини акс эттиради. Унда СССРдаги барча синф ва социал группалар, миллат ва элатларнинг иқтисодий мақсадлари, умумиттифоқ ва республикалар манфаатлари узвий тарзда уйғунлашади. Бундай комплекснинг мавжудлиги мамлакатимиз халқларининг интенсив алоқалари йўлидаги социал-иктисодий ғовларни олиб ташлайди, социализм, социалистик хўжалик юритиш, совет турмуш тарзининг афзалликларини англаб етишга ёрдам беради.

Коммунистик партия иттифоқдош республикалар қардошларча муносабатларининг моддий асосларини доимо мустаҳкамлаб боради. Ягона халқ хўжалик комплексини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш эндиликда КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси томонидан қўйилган барча стратегик вазифалар муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Машғулотда қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш тавсия этилади:

1. СССР экономикаси — ягона халқ хўжалик комплекси.

2. Ҳар бир республика моддий потенциалини ошириб бориш ва унинг умумиттифоқ экономикасига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш.

СССР ЭКОНОМИКАСИ — ЯГОНА ХАЛҚ ХЎЖАЛИК КОМПЛЕКСИ

Аввал бошда пропагандист мамлакатимиз экономикасининг ягона хўжалик организмига айланиши — Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет халқининг фидокорона меҳнати натижаси, ленинча миллий сиёсатнинг жонли тимсоли эканини таъкидлайди. Унинг бунёд этилиши, шубҳасиз, СССРда социалистик қурилишнинг асосий якунларидан биридир.

Умумхалқ (давлат) мулки етакчи роль ўйнаган ҳолда ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулклигининг танҳо ҳукмронлиги қарор топгани ягона халқ хўжалик комплекси шаклланишининг ҳал қилувчи шарт-шароити бўлди. Илмий коммунизм асосчилари таъкидлаганларидек, йирик капиталистик ишлаб чиқариш шароитида «илгариги эски маҳаллий ва миллий биқиқлик ўрнига, ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳисобига яшаш ўрнига миллатларнинг бир-бирлари билан ҳар тарафлама алоқаси ва бир-бирларига ҳар жиҳатдан боғланиши вужудга келмоқда» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. «Ўзбекистон», 1-том, 111-бет). Мамлакатимизда ижтимоий мулкнинг қарор топиши, сўнгра эса ягона халқ хўжалик комплексининг шаклланиши билан ана шу алоқа ва боғлиқлик уларга хос бўлган ўтмишдаги антагонизмлардан бутунлай холи бўлади, бевосита ижтимоий характер касб этади ва СССР иқтисодий системаси бутунлигини мустаҳкамлашга тобора кўпроқ кўмаклашади. Бу яхлитлик эса шунда кўринадики, ҳар бир республика экономикаси умумиттифоқ экономикасининг узвий қисми бўлиб майдонга чиқади, у билан ажралмас бирликда бўлади.

Сўнгра пропагандист шуни уқтирадики, СССРнинг ягона халқ хўжалик комплекси

ишлаб чиқаришнинг 400 дан зиёд тармоғини, мустақил балансдаги 46 мингдан кўпроқ бирлашма ва корхоналарни, 26 минг колхоз, 21 мингдан зиёд совхозни ўз ичига олади. Унинг учун бутун жамият миқёсида келишиб олинган барча корхоналар, тармоқлар ва мамлакат регионларини қамраб олган давлат планлаштириши асосида хўжалик юритиш характерлидир. У КПСС иқтисодий сиёсатини рўёбга чиқаришнинг асосий воситаси бўлиб, ягона халқ хўжалик комплекси муваффақиятли амал қилишининг ташкилий негизидир. Тармоқ ва территориал формаларда меҳнатнинг тақсимланиши, меҳнат кооперацияси, ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштирилиши, концентрация қилиниши ва комбинациялаштирилиши, фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлантирилиши ва унинг ютуқларининг социализм афзалликлари билан бирлаштирилиши марказлаштиришнинг юксак даражада бўлиши, барча асосий ресурсларнинг давлат қўлида жамланиши билан биргаликда ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг кенг кўлами, йирик вазифаларини ҳал этиш ҳамда унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун объектив шарт-шароитлар яратади. Ягона фан-техника сиёсати, ягона давлат бюджети, ягона кредит-пул системаси, ягона чакана нарх-наво сиёсати ҳам кўп даражада шунга кўмаклашади.

Ягона халқ хўжалик комплексининг мустаҳкамланиши барча миллат ва элатлар умумий куч-ғайратларининг натижаси бўлиб, экономикани интернационаллаштиришни жадаллаштиришга, мамлакат иқтисодий куч-қудратини ўстиришга актив таъсир қилади. Ҳар қайси республиканинг табиий ва меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланиш, уларнинг иқлим хусусиятларини тўла ҳисобга олиш, республика потенциалини умумиттифоқ потенциалига қўшиш бутун давлат манфаатлари билан тенг равишда ҳар бир регионнинг, ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларига мос келади. Бинобарин, шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир республика ягона халқ хўжалик комплекси доирасида СССР Конституциясида белгиланган иқтисодий ва социал ривожланишга доир ҳамма масалаларни мустақил ҳал қилади. Мамлакат индустрияси маҳсулотининг умумий миқдоридан қарийб ярми иттифоқдош республикалар саноати ҳиссасига тўғри келади. КПСС марказлаштирилган раҳбарликни бутун мамлакат манфаатларига жавоб берадиган жойлардаги ташаббус билан қўшиш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Пропагандист қуйидаги ҳолатга тингловчилар эътиборини тортади. Хўжалик тараққиётига доир умумий масалаларнинг бир қисми марказ томонидан ҳал этилади ва унинг компетенциясига киради. Республикалар ўзларининг ҳамда умумдавлат манфаатларини кўзлаб ўз ҳуқуқларининг шундай қисман чекланишига рози бўладилар. Айни ҳолда тенг ҳуқуқлилик принципига қаттиқ риоя қилинади, чунки ҳуқуқлар беришда ҳам, уларни чеклашда ҳам бирорта республика имтиёзли мавқега эга бўлмайди. Ҳар бир республика экономикасининг ривожи нафақат бутун халқ хўжалиги тараққиётидан ажралмас, балки унинг томонидан белгиланади. Шунинг учун умумдавлат вазифаларини бажариш биринчи ўринга қўйилган тақдирда ҳам бундан ҳар бир республика ютади. Бинобарин, барча иқтисодий проблемаларни биринчи навбатда умумдавлат позицияларидан туриб ҳал этиш, маҳаллийчиликнинг, миллий маҳдудликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш, бунда, табиийки миллат ва элатларнинг ўзига хос манфаатларини камситишга йўл қўймаслик керак.

Партиямиз томонидан умумиттифоқ иқтисодий проблемаларининг биринчи ўринга чиқарилиши ва ҳал қилиниши республикалар манфаатларини камситишни англатмайди асло, чунки улар хўжалик имкониятлари ва ресурсларининг тобора кўпроқ қўшилиб бориши улардан ҳар бирининг — каттасининг ҳам, кичигининг ҳам ривожланишини жадаллаштиради. СССР иқтисодий, илмий-техникавий потенциали ўсиб борган сайин кишилар қаерда яшашидан қатъи назар уларнинг эҳтиёжларини қондириш учун энг яхши шарт-шароитлар ҳам яратилади. Ўз навбатида, ана шу потенциалнинг кўпайишига, ягона халқ хўжалиги комплексининг мустаҳкамланишига эриша бориб КПСС ҳар қайси республиканинг янада равнақ топишидан барча миллат ва элатлар манфаатдорлигини ошириш учун янги имкониятлар очади.

Ўтган машғулотларда социализмга миллий муносабатлар ривожида иккита ўзаро боғлиқ тенденция: миллат ва элатларнинг янада равнақ топиши ҳамда ихтиёрийлик, тенглик, қардошларча ҳамкорлиги негизида уларнинг бир-бири билан муттасил яқинлашиб бориш тенденцияси хос эканлиги аниқланди. Иқтисодий соҳада ана шу тенденциялар аввало совет республикалари орасида социалистик ижтимоий меҳнат тақсимотида намоён бўлади. К. Маркс билан Ф. Энгельс шундай таъкидлашган эди: «Турли миллатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бу миллатларнинг ҳар бири ўз ишлаб чиқарувчи кучларини, меҳнат тақсимотини ва ички алоқасини қанчалик ривожлантирганлигига боғлиқ. Бу ҳамма эътироф этган қоидадир. Лекин бир миллатнинг бошқа миллатларга муносабатигина эмас, балки миллатнинг ўзининг бутун ички тузилиши ҳам ундаги ишлаб чиқаришнинг, унинг ички ва ташқи алоқаларининг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Миллатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари қай даражада тараққий этганлиги бу миллатда меҳнат тақсимоти қанчалик ривожланганлигида ҳаммадан аниқ кўринади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. 1-том, 9-бет).

Совет экономикаси шароитида меҳнат тақсимотининг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир республикада унинг табиий ва иқтисодий шароитини, шунингдек меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда биринчи навбатда саноат ва қишлоқ хўжалигининг шундай тармоқлари ривожлантириладики, улар жуда қисқа муддат ичида нисбатан кам меҳнат ва маблағ сарфлаб бутун мамлакат учун энг кўп фойда келтириши мумкин.

Бу ўринда тарихга бир назар ташлаш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимиз халқлари чоризм ва капитализмдан бемаъни, бир ёклама меҳнат тақсимотини, кўпгина миллий районларнинг ниҳоятда қолоқлигини, миллатларнинг ривожланиш даражасида ер билан осмонча фарқни мерос қилиб олганлари,маълумки, аввалги машғулотларда шу тўғрида ҳам сўз борган эди. 1923 йилда бўлиб ўтган РКП(б) XII съезди ўз қарорларида шундай ёзган эди: «Ана шу нотенгликни қисқа муддатда бартараф этиш, бу меросни бир-икки йил ичида йўқ қилишнинг иложи йўқ... Лекин уни бартараф этиш албатта керак» (КПСС съездлар, конференциялар ва МК Пленумларининг резолюция ва қарорларида. 3-том, М. Политиздат, 1984, 84-бет). Бинобарин, Совет давлатининг муҳим белгиларидан бири шу бўлдики, социалистик қурилиш давомида унда халқларнинг гуркираб ўсиш ҳамда иқтисодий ривожланиш даражасининг бараварлашиш жараёни юз берди. Ривожланиш суръатларида илгариги қолоқ миллий чекка ўлкалар устун бўлган тақдирдагина тенгликка эришиш мумкин эди. Ана шу устунликни таъминлаш учун мамлакатнинг марказий районларидан чекка ўлкаларга бутун-бутун корхоналар кўчириб келинди, малакали ишчи, инженер-техник кадрлар, илмий ходимлар ва хўжалик ходимлари юборилди. Мамлакат марказидаги ўқув юртларида ана шу чекка ўлкалар ёшларининг кўп сонли вакиллари имтиёзли шароитда таълим олишди. СССР бюджетидан йирик дотациялар ажратилдики, булар иттифоқдош республикалар бюджетида катта улушни ташкил этар эди.

Олинган дотациялар қайтариб берилмасди. Гарчанд барча совет миллатлари бир-бирларига ёрдам бериб турган бўлсада, хийла ривожланган миллатларнинг беғараз систематик, катта ёрдами устунлик қиларди. Бу шунинг учун мумкин бўлдики, каттами-кичикми ҳамма миллатлар ягона интернационал совет Ватани паноҳида ривожланишди. Шу муносабат билан В. И. Лениннинг Советларнинг IX Бутун Россия съездида айтган қуйидаги гапини эслаш жоиздир: «Бир оз ақл югуртириб ва ўйлаб, сиёсатчи каби муҳокама қиладиган киши, Россияда Совет ҳукуматидан бошқа, ўз давлати ичидаги миллатларга ҳам, шунингдек Россия империясига келган миллатларга нисбатан ҳам шундай ён босадиган ва шундай қурбонлар берадиган ҳукумат бўлган эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб айтади» (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 336-бет).

Барча миллат меҳнаткашларининг қаҳрамонона куч-ғайрати, хийла ривожланган халқларнинг қолоқ халқларга ёрдами, уларнинг бир-бирига ёрдами шарофати билан ҳар бир республиканинг экономикаси индустриал комплексга айландики, у юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги билан индустрияни, ундирма ва ишлама саноатни ўз ичига олади; собиқ қолоқ районларда тегишли инфраструктура барпо қилинди, у замонавий индустриянинг асосий заминларидан бири,— транспорт тармоғи, энергетика базаси, алоқа системасидан иборат. Эндиликда барча республикаларда саноатнинг фан-техника революцияси вужудга келтирган замонавий тармоқлари мавжуд.

Шундай қилиб, бир томондан, республикаларнинг айни Совет Иттифоқи таркибида бўлиши улар тараққиётининг юксак суръатларини таъминлади. Бошқа томондан, миллатлар тараққиётининг даражаси қанчалик кўп бараварлашса, интернационал муштараклик шунчалик мустаҳкамроқ бўлади, совет экономикаси ягона организм хусусиятларини шунчалик кўпроқ касб эта боради.

Шу муносабат билан машғулотда республикалар иқтисодий ривожланиш даражасини бараварлашга эришмоқ учун ҳали кўп иш қилиш кераклигини таъкидлаш тавсия этилади. Гарчанд улар улкан тараққиётга эришган бўлсаларда, бироқ аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича, меҳнатнинг фонд ва энергия билан қуролланиши, унинг унумдорлиги ва экономика тараққиётининг баъзи бошқа кўрсаткичлари бўйича республикалар ўртасида катта тафовутлар мавжуд. Масалан, 1970—1986 йилларда Белоруссияда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари Қозоғистон билан Тожикистондагига нисбатан қарийб 5 баравар юқори ва Ўзбекистондагига нисбатан 3,5 баравар юқори бўлди. Сифати юқори категорияли маҳсулот салмоғи бўйича баъзи иттифоқдош республикалар орасидаги тафовут тўрт баравардан зиёдроқдир.

Шу билан бирга тингловчиларга шуни тушунтириш муҳимки, республикалар иқтисодий тараққиёти даражасини бараварлаштиришнинг улар хўжалик потенциалини тенглаштиришга ҳеч қандай алоқаси йўқ. У СССРнинг бутун территорияси бўйлаб ишлаб чиқаришни ва истеъмол фондлари «баб-баравар» тақсимланишини англатмайди. Даражаларнинг бараварлаштирилиши совет республикаларининг бир хилдаги хўжалик комплексларига айланишига олиб келмайди. Бу иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмай, уни амалга ошириб бўлмайди, чунки ҳар бир республиканинг хўжалик тараққиёти табиий ва иқлим шароитларига, унинг тарихий ва миллий хусусиятларига, табиий ва меҳнат ресурсларига, аҳолининг зичлигига, ихтисослашиш ва кооперативлашиш эҳтиёжлари, ижтимоий ишлаб чиқариш-

нинг турли соҳаларидаги фан-техника тараққиёти суръатларидаги тафовутлар туғдирган ишлаб чиқариш структурасига боғлиқдир. Тилга олинган омилларнинг амал қилиши ижтимоий ишлаб чиқариш ривожининг бир хилда бўлмаслигини шарт қилиб қўяди. Ф. Энгельс шу ҳолатни уқтирган эди: «Айрим мамлакатлар, областлар ва ҳатто жойлар ўртасида турмуш шароитларида ҳамиша *маълум* нотенглик мавжуд бўладики, уни минимумга келтириш мумкин, лекин ҳеч қачон бутунлай бартараф этиб бўлмайди. Альпда яшовчилар текисликдаги аҳолига қараганда бошқача турмуш шароитларига эга бўлишади» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 19, с. 5—6).

Ишлаб чиқаришнинг ва истеъмол фондларининг «баб-баравар» тақсимланиши миллат ва элатлар, бутун совет халқининг умумий манфаатларига зарар етказган бўлур эди. Шу боисдан республикалар иқтисодий тараққиёти даражасини бараварлаштиришнинг асосий шарти ва мезони иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, иқтисодий самарадорлик, СССР барча халқлари туб манфаатлари ифодаланадиган умумиттифоқ манфаатларидир.

Партия аввалгидек республикалар ва мамлакатларимиз районларининг иқтисодий тараққиёт даражасини бир-бирига яқинлаштиришга эришиб бормоқда. Лекин ҳозир ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ҳамда капитал солиш сиёсати, табиийки, у ёки бу республикалар ёки районларнинг хўжалик жиҳатдан қолоқлигини бартараф этиш талаблари билан эмас — бу вазифа аллазамон ва муваффақиятли ҳал этилган,— балки аввало умуман мамлакатимизнинг уни ташкил этган республикаларнинг бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш негизида жадал иқтисодий тараққиёти билан белгиланади.

Партиянинг ягона халқ хўжалик комплекси доирасида барча иттифоқдош республикалар экономикасини янада ихтисослаштириш, мутаносиб равишда ривожлантириш йўли перспектив планларда акс этади. Масалан, Белоруссия тракторлар, юк автомобиллари, металл қирқувчи станоклар, калийли ўғитлар ишлаб чиқаришга, Ўзбекистон — пахта толаси, пахтачилик учун машиналар чиқаришга ва тўқимачилик саноатига, табиий газ қазиб чиқаришга, Қозоғистон рангли металларнинг кўпгина турларини ишлаб чиқариш, кўмир қазиб чиқаришга, Латвия — радиотехника, пассажир вагонлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда ва ҳоказо. Ихтисослаштириш қишлоқ хўжалик соҳасида айниқса яққол кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базасидир (бироқ бу республиканинг монокультура районига айланишига олиб келмаслиги керак). Шунингдек Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон ҳам пахта етиштиришга ихтисослаштирилмоқда; Грузия — чой, цитрус, узумга, Белоруссия — зиғир ва картошкага, Молдавия — мева ва сабзавотга ихтисослаштирилган ва ҳоказо.

Табиийки, буларнинг бари енгил ва озиқ-овқат саноати билан бир қаторда оғир саноатнинг у ёки бу тармоқлари мавжуд бўлган республикалар халқ хўжалигининг комплекс ривожланишини истисно этмайди, балки буни тақозо этади. Масалан, Ўзбекистонда машинасозлик, электр техникаси, химия, газ саноати; Туркманистонда — нефть, газ, химия, цемент саноати; Молдавияда — электр техникаси, приборсозлик ривожланмоқда ва ҳоказо.

Республикалар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг ҳамда улар халқ хўжалигини ихтисослаштиришнинг ривожланиши ва чуқурлашуви билан ана шу республикалар экономикасининг ўзаро алоқалари ва бир-бирига боғлиқлиги кучайиб боради. Улардан ҳар бирининг иқтисодий мавқеи нафақат унинг нима ишлаб чиқаришига, балки қолган барча республикаларда нима ишлаб чиқарилишига ҳам боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон экономикасининг ривожланиши нафақат республикамиздаги пахта ҳосилига, нафақат ундаги мавжуд халқ хўжалик тармоқларининг ишига, балки шу билан бирга Ленинград ва Урал машинасозлари, Кузбасс шахтерлари, Қозоғистон ғаллакорлари, Белоруссиянинг электрон-ҳисоблаш машиналари ясовчилари меҳнатининг натижаларига ҳам боғлиқ ва ҳоказо. Ёки бошқа республикаларни олайлик. Айтайлик, Украина ССР Совет Иттифоқининг йирик металлургия, машинасозлик ва ёқилғи-энергетика базаларидан бири, улкан химия ва юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалик республикаси бўлиб, мамлакатга прокатнинг учдан бирдан кўпроқ қисмини, металлургия асбоб-ускуналарининг салкам ярмини, темир рудасининг 50 процентдан кўпроғини, бошқа маҳсулотларнинг кўпгина муҳим турларини бериш билан бир вақтда нефть маҳсулотлари ва ёғоч-тахтага бўлган эҳтиёжнинг ярмидан кўпроғини, рангли металларга бўлган эҳтиёжининг салкам 50 процентини, химия маҳсулотининг 20 процентдан кўпроғини ва енгил саноат маҳсулотининг қарийб 25 процентини қардош республикалардан етказиб бериш ҳисобига қондиради. Белоруссия ССР қардош республикаларга металл қирқувчи станоклар, автомобиллар, трансформаторлар, химиявий тола, минерал ўғитлар, картошка ва бошқалар етказиб бериш билан бирга РСФСР билан Болтиқбўйи республикаларидан — машиналар ва электр ускуналари, Урал билан Украинадан — металл, Кузбасс билан Қарағандадан — кўмир, Сибирь билан Озарбайжондан — нефть, РСФСР билан Украинадан — ғалла, Ўзбекистондан — пахта олиб туради. Латвия ССР экономикаси РСФСРнинг шимоли-ғарбий ва марказий районлари билан, Украина, Белоруссия, Поволжье, Урал ва бошқалар билан маҳкам боғлиқ бўлиб, ўша ерлардан унга асосий хомашё, ёқилғи, баъзи бир озиқ-овқат моллари келиб туради, бунинг эвазига Латвияда ишлаб

чиқариладиган саноат маҳсулотининг анча қисми ўша ерларга олиб кетилади. Барча бошқа республикаларда ҳам аҳвол шундай.

Ҳозирги замон фан-техника революцияси ишлаб чиқарувчи кучларнинг интернационаллашувини чуқурлаштиради, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперативлашуви кучайишига, территориал меҳнат тақсимоти тобора кўпроқ ривожланишига олиб боради. Юқорида айтилганидек ягона халқ хўжалик комплекси 400 дан зиёд тармоқни ўз ичига олади, лекин бирорта ҳам республикада уларнинг ҳаммаси мавжуд эмас: РСФСРда 300 дан ортиқ тармоқ, Украина ССРда —200, Ўзбекистон ССРда —100 тармоқ мавжуд ва ҳоказо. Республикаларнинг яқин иқтисодий ҳамкорлиги ва унинг жуда катта миқёсларининг объектив зарурлигининг боиси шу.

Турли республикалар ишлаб чиқариш коллективларининг ўзига хос ягона технологик «конвейери», умумий, ўзаро боғлиқ фаолияти замонавий саноат ишлаб чиқаришининг характерли хусусиятидир. Халқ хўжалик комплексида республикалар нафақат тармоқларнинг тайёр маҳсулотини ишлаб чиқаришга, балки бир тармоқнинг у ёки бу маҳсулотининг айрим қисмларини ясашга ҳам ихтисослашадилар. Бу эса республикани ижтимоий ишлаб чиқаришда янада чуқурроқ боғлайди, пировард маҳсулот, одатда, кўпгина республикалар ишчиларининг умумий, жами меҳнати натижаси бўлишига олиб боради. Бундай шароитда ҳар бир республиканинг кооператив асосда етказиб бериш юзасидан планлар ва социалистик мажбуриятларининг тўла ва ўз вақтида бажарилиши учун жавобгарлиги ошади, бу эса унинг меҳнаткашлари учун энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчдир, чунки ана шу етказиб беришнинг барбод бўлиши бошқа республикалар ва умуман мамлакат халқ хўжалигининг ривожланишига жуда жиддий таъсир кўрсатади.

Энг йирик корхоналар, энергетика, гидротехника, ирригация иншоотлари, транспорт ва бошқа объектларни биргаликда қуриш республикалар иқтисодий бирлигининг ёрқин далолатидир. Масалан, Волга ва Кама автозаводлари, Норак, Тўхтағул, Қайроққум ва Учқўрғон гидроэлектростанциялари, Қорақум канали, Бухоро — Урал ва Ўрта Осиё — Марказ газ қувурлари, Байкал-Амур магистрали ва кўпгина бошқа иншоотлар шулар жумласидандир. Барча республикалар, мамлакатдаги ўнлаб миллат ва элатлар вакиллари уларни қуришда у ёки бу даражада қатнашдилар ёки қатнашмоқдалар. Бинобарин, бу объектларнинг қурилиши маҳаллий эмас, балки республикалараро, умумиттифоқ аҳамиятига молик вазифаларни ҳал этади. Масалан, Норак ва Тўхтағул ГЭС каби энергетика гигантларининг бунёд этилиши улар территориясида қурилган Тожикистон билан Қирғизистонни ривожлантириш эҳтиёжларидан анча ташқарига чиқадики,— уларнинг энергияси нафақат шу республикаларнинг, балки бутун Ўрта Осиё ва ҳатто ташқаридаги ишлаб чиқарувчи кучларни ҳам ҳаракатга келтиради.

Мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплекси ишлашининг самарадорлиги, бинобарин, иттифоқдош республикалар экономикасининг янада юксалиши Сибирь, Узоқ Шарқ ва Шимол районлари, БАМ зонаси ёқилғи-энергетика ва хом ашё бойликларини ўзлаштириш, Нокоратупроқни ривожлантириш каби вазифаларни рўёбга чиқариш билан ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Мисол сифатида РСФСРнинг Нокоратупроқ зонасини ўзлаштиришнинг кенг комплекс программасини ҳал этишни далил келтириш мумкин, бунга 23 область ва 6 автоном республика, уларнинг 52 миллион гектар ер-суви киради. Бу ерда қишлоқ қурилишини индустриялаш, қишлоқда қурилиш ва мелиоратив ташкилотларнинг мустаҳкам ишлаб чиқариш базасини бунёд қилиш биринчи навбатдаги вазифадир. Халқларнинг қардошларча ҳамкорлиги, аввало айни ана шу ишларда кўринади. Ўзбекистондан борган қурилиш-монтаж поездлари Новгород ва Иваново областларида, Литва ССРники — Смоленск областида, арман қурувчилари — Мари АССРда, Белоруссияники — Псков областида, молдаванларники — Удмуртияда, қирғизларники — Ярославль областида объектлар қурмоқда ва ҳоказо. 50-йилларнинг ўртасида Қозоғистоннинг қўриқ ерларида «Красная Пресня», «Харьков», «Чуваш» ва бошқа совхозлар қад кўтарганидек эндиликда Новгород областининг мелиорация қилинган ерларида «Тошкент», Иваново областида — «Ўзбекистон», Ярославль областида — «Қирғизистон», Псков областида — «Белоруссия» совхозлари пайдо бўлдики, улар мамлакат ягона экономикасини ривожлантиришда совет халқларининг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлигини ифода этади. Рус халқининг беғараз ёрдами билан қолоқ миллий чекка ўлкалардан иқтисодий ривожланган регионларга айланган республикалар бугунги кунда Нокоратупроқни юксалтиришга ёрдамлашмоқдалар.

Машғулотда шу нарсани таъкидлаш маъқулки, ўзаро ривожланиш даражаси билан миллатлар ва элатларнинг умумий ишга тегишли ҳиссаси ўртасидаги юксак даражадаги ўзаро алоқадорлик, улар ҳамкорлигининг аҳволи ечимини кутаётган муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.

Чунончи бир қатор республикаларда яқин ўтмишда хўжалик ўсиши суръатларининг секинлашиши, экономиканинг баъзи тармоқларида аҳволнинг ёмонлашиши, давлат, план, меҳнат интизомининг бузилгани республикалараро хўжалик алоқаларига таъсир қилмай қолмади. Баъзи ерларда маҳаллийчилик кайфиятлари намоён бўлди, шартнома интизоми засайиб кетди. (Шу муносабат билан пропагандист ва тингловчиларга журналнинг шу со-

нида босилаётган В. Осмининнинг «Миллатлараро иктисодий муносабатларнинг янги типи ҳакида» маколасида кўтарилган проблемалар билан танишиш кизиқарли бўлади).

Йирик территориал-ишлаб чиқариш комплекслари (ТИК)нинг шаклланиши ва ривожланиши совет кишиларининг иктисодий муносабатларида, улар хўжалик ҳаётининг интернационаллашувида янги боскични бошлаб беради. Улар муайян территорияда бунёд этиладиган технологик ва иктисодий жиҳатдан ўзаро боғлик корхоналарнинг группалари бўлиб, улар бир-бирини тўлдирадиган ва бир-бирига хизмат киладиган, улар учун ишлаб чиқариш ва социал инфраструктураси (транспорт тармоғи, курилиш базаси, уй-жой-коммунал хўжалиги, маданий-маиший объектлари ва ҳоказо) умумий бўлган корхоналардир. ТИКнинг самарадорлигига куйидагилар ҳисобига эришилади: а) ишлаб чиқаришни бирлаштириш, бунда бир турдаги хом ашёдан турли хил маҳсулот олинади, б) нисбатан чекланган территорияда ишлаб чиқаришни кооперациялаш, в) турли корхоналарнинг умумий инфраструктурадан биргаликда фойдаланиш, бу унинг объектлари кувватини йириклаштириш имконини беради, г) ТИКда бирлашадиган ишлаб чиқаришлар характери ҳар тарафлама бўлгани туфайли меҳнат ресурсларидан тўларок фойдаланиш. Ҳозирги вактда БАМ зонасидаги жанубий Якутистон комплекси, Тиман-Печорск, Саян, Канск-Ачинск, Павлодар-Экибастуз, Жанубий-Тожик ва бошка комплекслар кучи ортиб бормокда.

ССР Иттифокининг янада мустаҳкамланишида республикалар ўртасидаги, мамлакатнинг турли районларидаги меҳнат коллективлари ўртасидаги социалистик мусобака алоҳида аҳамиятга молик. У, бир томондан, беллашув характерига, бошка томондан эса ўртокларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, бир-бирининг муваффакиятларидан ўзаро манфаатдорлик характерига эга. Мисол сифатида мамлакатнинг пахтакор республикалари пахтакорларининг, Тошкент ва Иваново тўкимачиларининг мусобакасини айтиш мумкин ва ҳоказо.

КПСС меҳнат соҳасидаги беллашувнинг самарадорлигига эриша бориб, ҳар бир халк куч-ғайратини унинг кардош миллат ва элатлар олдидаги бурчини бажаришга йўналтирмокда; интернационализм мактаби сифатида мусобака анъаналарини бойитиб бормокда. Бирок ана шу муҳим ишда ҳали расмиятчилик, дабдабабозлик,хўжакўрсинчилик барҳам топмаган, муҳими эса илғор тажриба суст ёйилмокда. Бу ўринда кенг ошкоралик, натижаларнинг таккосланиши, тажрибани бошкача шароитларда такрорлаш имконияти зарур. Факат шундагина социалистик мусобака миллат ва элатларни бир-бирига якинлаштирувчи омилга айланади.

Пропагандист айтилганларга якун ясаб шу нарсани таъкидлайдики, мамлакат экономикасининг ягона комплексга айланиши совет жамиятининг социал-сиёсий бирлигини, СССР халклари дўстлигини янада мустаҳкамлашнинг моддий негизидир.

ҲАР БИР РЕСПУБЛИКА МОДДИЙ ПОТЕНЦИАЛИНИ ОШИРИБ БОРИШ ВА УНИНГ УМУМИТТИФОҚ ЭКОНОМИКАСИГА ҚЎШАДИГАН ҲИССАСИНИ КЎПАЙТИРИШ

Теманинг аввалги масаласини кўриб чиқишдан равшан бўлдики, деб таъкидлайди пропагандист, кўп миллатли давлатимиз халкларининг нафакат тарихий такдири бир, максадлари умумий, шунингдек биргаликдаги меҳнат билан бунёд этилган моддий база, ягона халк хўжалик комплекси ҳам умумийдир. КПСС XXVII съезди томонидан илгари сурилган мамлакатнинг социал-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш вазифаси унинг доирасида ҳал этилмокда.

Бу вазифанинг амалга оширилиши барча республикалар, умуман СССР моддий потенциалини максимал даражада ошириб боришни такозо этадики, бунга нафакат Совет Иттифоки халкларининг умумий куч-ғайратлари билангина эришиш мумкин. XXVII съезд таъкидлаган эдики, ўз экономикасини ҳар тарафлама ривожлантириш ва шу асосда улардан ҳар бирининг мамлакат ягона халк хўжалик комплексини мустаҳкамлашга кўшадиган ҳиссасини кўпайтириб бориш ҳар бир республиканинг интернационал бурчидир. Сўз мавжуд ишлаб чиқариш, илмий-техника имкониятлари, меҳнат ресурслари ва табиий-иклим шароитларидан самарали фойдаланиш тўғрисида бормокда. Машғулотда Ўзбекистон экономикасининг ривожланишини шу нуктаи назардан кўриб чиқиш тавсия этилади.

Мамлакатимиздаги барча халклар, аввало рус халкининг кардошларча ёрдами билан Ўзбекистонда ривожланган иктисодий потенциал бунёд килинди. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича республикамиз СССРда бешинчи ўринни ишғол килади, у кенг истеъмол молларидан тортиб трактор ва самолётларгача энг хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Факат машинасозликнинг ўзи карийб 40 тармокни ўз ичига оладики, уларга 100 дан зиёд йирик корхоналар киради. Пахтачилик ва пахта саноати учун машиналар ҳамда асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда, табиий газ казиб олишда, йигириш машиналари, кўприксимон кранлар, лифтлар ва маҳсулотнинг кўпгина бошка турларини ишлаб чиқаришда Ўзбекистоннинг ягона халк хўжалик комплексига кўшадиган ҳиссаси катта.

Ўзбекистон ССРнинг агросаноат комплексида салкам 2 минг колхоз ва совхоз, юзлаб қайта ишловчи корхоналар бор. Умумиттифоқ ишлаб чиқаришида пахта хом ашёсининг қарийб 2/3 қисми, пилланинг 60 процентдан кўпроғи, қоракўл терининг учдан бир қисмидан ортиғи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Мева, узум, сабзавот, полиз экинлари етиштириш умумиттифоқ аҳамиятига эга.

Ўзбекистон ССР ҳар йили қардош республикаларга 1,5 миллион тонна пахта толаси, 1,6 миллион дона қоракўл териси, 2 миллион тоннадан зиёд минерал ўғитлар, 4 миллиард сўмлик енгил саноат маҳсулоти юборади. Айни вақтда Ўзбекистонга 3 миллиард сўмлик машинасозлик ускуналари ва маҳсулотлари, 4,3 миллион тонна қора металлар, 3,7 миллион тонна ғалла, 140 минг тонна гўшт, 700 минг тонна сут маҳсулотлари олиб келинади.

Бироқ республикадаги мавжуд имкониятлардан, хусусан турғунлик даврида ниҳоятда унумсиз фойдаланилди. Масалан, ўн биринчи беш йилликда фонд самарадорлиги учдан бирга пасайиб кетди, миллий даромад амалда кўпаймади. Ўзбекистон ССР 3 миллиард кубометр газ, 300 минг тонна минерал ўғитлар, 23 миллион метр ип газламани мамлакатга кам берди, корхоналарнинг учдан бири планни бажармади. (Ўзбекистон иқтисодий потенциалидан унумсиз фойдаланиш сабаблари, экономикада вужудга келган аҳволни тузатиш учун республика Компартияси ва ҳукумати томонидан кўрилаётган тадбирлар февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган регионал илмий-амалий конференцияда Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари Р. Н. Нишоновнинг журналнинг ушбу сонида эълон қилинаётган докладининг «Мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексида Ўзбекистоннинг тутган роли ва ўрни» бўлимида баён қилинган).

Ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон экономикасини ривожлантиришда баъзи ижобий силжишлар кўзга ташланди. 3 йил ичида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 12,9 процент, меҳнат унумдорлиги —6,5 процет ўсди, зеро маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпроғи меҳнат унумдорлиги ҳисобига таъминланди. Нефть ва газ қазиб олиш, электр энергияси ҳосил қилиш, экскаваторлар, лифтлар ва кўпгина бошқа буюмлар ишлаб чиқариш юзасидан топшириқлар ошириб бажарилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 22,3 процент кўпайди; бу ишга «А» группасининг 160 корхонаси қўшимча жалб қилинди.

Кейинги бир неча йиллар мобайнида биринчи марта 1988 йилда пахта плани тўла ва ошириб бажарилди —5 миллион 360 минг тонна пахта тайёрланди. Беш йилликнинг 3 йили ичида гўшт харид қилиш миқдори 29 процент, сут —27, тухум —36, картошка —26, сабзавот ва полиз экинлари —22 процент кўпайди.

Ўзбекистонда социал-иқтисодий проблемалар ҳам бошқа республикалар ва регионлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўли билан ҳал этилмоқда. Масалан, Тошкент областининг Эстония ва Олтой ўлкаси билан, Хоразм областининг сибирликлар билан бевосита шартномалари катта самара бермоқда. У ерларга Ўзбекистон ССРдан сабзавот ва мевалар жўнатилади, у ердан эса картошка, гўшт, саноат буюмлари келиб туради. Андижон областида алмашув операциялари ҳисобига ёғоч-тахта билан таъминлаш проблемаси тўла ҳал этилди.

Бироқ, деб таъкидлайди пропагандист, республикамиз экономикасидаги ана шу ва баъзи бошқа ижобий силжишлар ўз кўлами ва суръатларига кўра эхтиёжларга ҳам, шунингдек ундаги мавжуд имкониятларга ҳам жавоб бермайди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад бўйича Ўзбекистон мамлакатда охирги ўринлардан бирида туради. Республиканинг 1989 йилги бюджетига умумиттифоқ фондидан бериладиган дотация салкам 2 миллиард сўмни ташкил қилади. Ўтган йили ҳар тўрт корхонанинг бири ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириб юборди, 170 та саноат корхонаси шартномалар бўйича етказиб бериш планларини барбод қилди, етказиб берилмаган маҳсулот 250 миллион сўмдан ошади. Ишлаб чиқилган «Гўшт», «Сут», «Озуқа», «Балиқ» программалари ҳозирча лозимича самара бермаётир. Қурилиш комплексида танглик сақланиб қолмоқда, унда «чала қурилишлар» ҳажми камаймаётир, социал соҳа объектларини қуришда катта қолоқликка йўл қўйилди. Халқ хўжалигининг барча бўғинларини техникавий реконструкция қилиш ниҳоятда секин бормоқда. Ишлаб чиқаришнинг фан-техника тараққиётини қабул қилиши тубдан оширилгани йўқ. Паст сифатли маҳсулот улуши ҳали жуда катта. Агросаноат комплекси республика шаҳар ва қишлоқлари аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга муваффақ бўлгани йўқ. Зарар кўриб ишлайдиган корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар 720 тадан зиёд бўлиб, улар иқтисодий жиҳатдан ортиқча юкдир.

Туб иқтисодий ислоҳот хўжалик проблемаларини ҳал қилишнинг асосий йўлидир. Ислоҳот нафақат ҳар бир меҳнатчи, бригада, корхонанинг, балки республиканинг ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан, уларнинг бутун совет халқи бисотига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришдан бевосита манфаатдорлигини кучайтиришга даъват этилган.

Туб иқтисодий ислоҳот ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш негизида иттифоқдош республикаларда иқтисодий ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришга йўл очади. Ахир ҳозир амал қилаётган иқтисодий механизм регионал омилларни ҳисобга олмасдан қурилган. Бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмурий усулларининг устунлиги,

моддий ва маънавий ресурсларнинг марказий идоралар ихтиёрида ҳаддан ташқари жамлангани, Совет ҳокимияти республика ва маҳаллий органлари иқтисодий базасининг кичрайтирилиб қўйилиши территориал мутаносибликнинг бузилишига олиб келади, жиддий регионал проблемаларни туғдиради, социал-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда республикалар мустақиллигини бўғиб қўяди, жойларда ҳал қилиниши лозим бўлган кўпгина масалаларни марказга оширишга интилишни келтириб чиқаради.

Ҳаёт республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини жиддий кенгайтириш, бир қатор функциялар ва ҳуқуқларни уларга бериш зарурлигини тақозо этмоқда. Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун эса республикаларда мустаҳкам моддий база яратиш керак. Республикаларнинг харажатларини уларнинг молиявий ресурслари билан боғлаш лозим, уларнинг ҳажми, ўз навбатида, уларнинг территориясида жойлашган барча корхоналар ишининг самарадорлиги ва пировард натижаларига боғлиқ бўлиши керак.

Мана шунинг учун ҳам барча корхона ва бирлашмаларни тўла хўжалик ҳисобига ҳамда ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, уларнинг республика ва маҳаллий бюджетлар билан иқтисодий асосланган муносабатларини қарор топтириш кўзда тутилмоқда, токи республика бюджети ўз даромад манбаларига эга бўлсин. Бундан мақсад, деб таъкидлади М. С. Горбачев шу йил 23 февралда Киевда меҳнаткашлар билан учрашувда,— республикаларга кўпроқ ҳуқуқ бериш ва шу билан бирга иш сифатини ошириш, хўжаликни комплекс ривожлантириш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш йўли билан аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари яхшироқ таъминланиши учун уларнинг масъулиятини кучайтиришдан иборатдир. Бундай қайта қуриш табиийки, биқиқликка, натура хўжалигига олиб бормаслиги керак, чунки у жамиятга нафдан кўра кўпроқ зиён етказади.

Шунга ўхшаш масалалар комплекс ва адолатли тарзда ҳал этишни талаб қилади, токи бунда кимнингдир манфаатлари камситилишига йўл қўйилмасин. Сўз Иттифоқ билан республикалар ҳуқуқлари орасида умумий принцип: кучли марказ ва кучли республикалар принципи асосидаги оптимал нисбатни топиш тўғрисида бормоқда.

Бу соҳада ҳозирдаёқ катта қадам қўйилди — СССР Министрлар Совети томонидан иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, мамлакатнинг илмий муассасалари иштирокида «Иттифоқдош республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принциплари» тайёрланди. ССР Иттифоқининг «Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий хўжалик тўғрисида» Қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Шу лойиҳалардан биринчиси босилиб чиқди ва кенг муҳокама қилинмоқда.

«Умумий принциплар»даги мавжуд таклифлар халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг бутун системасини демократиялашга, республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги ва масъулиятини жиддий кенгайтиришга ҳамда умумиттифоқ манфаатлари билан регионал манфаатларни узвий тарзда бирга қўшишга қаратилган. Иқтисодий тараққиёт билан аҳоли фаровонлиги даражасини ошириш ўртасида, ҳар бир республика эга бўлган ресурслар билан унинг хўжалик фаолиятининг пировард натижалари, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссаси ўртасида қатъий боғлиқлик ўрнатиш мўлжалланади. Лойиҳада ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикалар компетенциясини чегаралаб олиш, жойларда бошқарув форма ва методларини такомиллаштириш, республикаларнинг фаолиятнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларига катта ўрин ажратилган.

Пропагандист юқорида айтилганларни якунлаб шуни таъкидлайдики, территориал бошқаришни, марказий ва республика органлари ўзаро муносабатларининг иқтисодий муносабатларини қайта қуриш, регионларнинг иқтисодий муносабатларини кенгайтириш ягона халқ хўжалик комплексининг янада мустаҳкамланиши, кўп миллатли давлатимиз, барча республикалар ва СССР халқлари манфаатларини кўзлаб территориал меҳнат тақсимотининг афзалликларини тўлароқ рўёбга чиқаришга ёрдам бериши керак. Бу бизнинг мамлакатимиз учун айниқса муҳимдир, чунки унинг табиий-географик ва социал-иқтисодий шароитлари жуда хилма-хилдир.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюциясида регионлар билан марказ ўртасидаги, шунингдек республикалар орасидаги янгича, адолатлироқ муносабатлар учун бундай истиқболлар кўзда тутилган. Унда жумладан шундай дейилади: «Туб иқтисодий ислоҳот, демократиялаш жараёни миллий-давлат тузилмаларининг ҳам, бутун мамлакатнинг ҳам манфаатларини энг мақбул тарзда бирга қўшиш учун кенг имконият очиб беради. Иш шундай йўлга қўйилиши кераккки, меҳнаткашлар республика ёки область қанча маҳсулот ишлаб чиқараётганини, у мамлакат экономикасига қанча ҳисса қўшаётганини ва қанча олаётганини билиб турадиган бўлсинлар. Республикалар ва регионларни хўжалик ҳисоби принципларига ўтказиб, уларнинг умумиттифоқ программаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини аниқ белгилаб қўйиш ғояси эътиборга сазовордир».

Табиийки, бундай хўжалик ҳисоби ҳар қайси регионни бой қилибгина қолмай, шунингдек ягона халқ хўжалик комплексини ҳам мустаҳкамлаши керак, чунки, деб эслатади про-

пагандист, ҳар бир республика экономикаси унга боғлиқдир. Бинобарин, бу концепцияда регионал худбинликка ўрин бўлмаслиги керак.

Лекин, машғулотда шуни таъкидлаш лозимки, бундай хўжалик ҳисоби бир хил маънода талқин қилинмайди. Баъзан бошқалардан ажралиб яшашга интилиш, республика экономикасининг мамлакат ягона халқ хўжалик комплекси билан алоқасига етарлича баҳо бермаслик кўзга ташланмоқда. Шундай фактлар борки, унда республика бойликлари, аввало табиий бойликларидан туб ерли миллатлар манфаатларини кўзлаб фойдаланиш тўғрисидаги талаблар қўйиляпти. Ахир мамлакатимизда ҳозир салкам 55 миллион киши ўз миллий территориясида яшамайди. Уларнинг ҳоли нима кечади? Бордию ҳар бир халқ фақат ўз «миллий хонадони» тўғрисида ўйлайдиган бўлса, нефть, газ, ёғоч-тахта, металл масаласи нима бўлади. Республикалар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик, эквивалент алмашув тўғрисидаги масала бошқа гап. Шу сабабли XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси кўрсатмаси принципиал аҳамиятга молик: «Экономиканинг ва бутун ижтимоий қурилишнинг интернационаллашуви — табиий жараёндир. Миллий маҳдудликка ҳар қандай интилиш фақат иқтисодий ва маънавий қашшоқликка олиб боради»

Қуйидаги ҳолатга тингловчилар эътиборини тортиш тавсия этилади. Иттифоқдош республикаларда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш муносабатларидаги турғунликни бартараф этиш фақат етилган социал-маданий проблемаларни ҳал этиш учун моддий базани мустаҳкамлашгагина эмас, шунингдек, ижтимоий муҳитни яхшилашга ҳам ёрдам беради. Ахир кўпинча у ёки бу жойнинг аҳолиси ўз меҳнат ва турмуш шароитини оммавий ахборот воситалари хабар қиладиган намуналар билан таққослаганда, бошқа республикалар, бошқа миллат кишилари тўғрисида сўз борганида миллий ҳасад, хафачилик туйғуси келиб чиқиши мумкин. Албатта давлат ёрдамига, республикаларнинг ўзаро ёрдамига умид қилиш ўз кучини саклаб қолади, лекин жойлардаги меҳнат коллективлари ташаббуси, хўжалик соҳасидаги мустақиллиги ва омилкорлиги, аҳолининг, территория бошқариш органлари ташаббуси ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бундай омилкорлик социал проблемаларни актив ҳал этиш ва ишлаб чиқаришни замонавий мезонларга мувофиқ ривожлантиришни талаб қилади. Миллий ифтихорни, миллий кадр-қимматни уйғотишнинг негизи шундадир. Ҳар бир миллатнинг ватанпарварлик туйғуси меҳнаткашларни, ҳар бир кишини ўз республикасидаги жадаллаштириш резервларидан бутун мамлакат манфаатлари йўлида тўла фойдаланишга даъват этиши керак. Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг юксак даражасига эришиш, социал проблемаларни жадал ҳал этиш, маданиятни ривожлантириш ҳамда маънавий ҳаётни бойитиш, қайта қуришнинг муваффақияти ва демократиялаш, партиянинг «социализм кўпроқ бўлсин!» деган даъватини амалга ошириш миллий ифтихор мазмуни ва маъносини ташкил этиши керак.

Сўнгра пропагандист шуни таъкидлайдики, КПСС XXVII съезди тасдиқлаган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да ягона халқ хўжалик комплекси доирасида меҳнатни рационал тарзда территориал тақсимлаш барча иттифоқдош республикаларни янада ривожлантиришга ёндашиш умумдавлат позицияларидан туриб белгиланган. Улардан ҳар бири мамлакат иқтисодий куч-қудратини оширишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиши керак.

Тингловчилар эътиборини шунга қаратиш лозимки, XII беш йилликка мўлжалланган планда иттифоқдош республикалар тараққиёт даражасини янада бараварлаштириш мақсадларида улар экономикасини ўстиришнинг турли суръатлари кўзда тутилган. масалан, агар саноат ишлаб чиқариши СССР бўйича ўрта ҳисобда 23 процент кўпайса, Қирғизистонда —24, Тожикистон билан Қозоғистонда —26, Ўзбекистонда —28 процент кўпаяди. Қишлоқ хўжалиги хусусида ҳам шуни айтиш мумкин. Машғулотда ўн иккинчи беш йилликни бажаришда, умумиттифоқ экономикасини мустаҳкамлашда республика қўшадиган ҳиссани умумий тусда бўлсада, таърифлаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Россия Федерациясида машинасозлик, газ ва химия саноати жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Мамлакатда нефть қазиб чиқаришнинг 90 процентдан кўпроғи, тахминан газ ва электр энергияси ҳосил қилишнинг 2/3 қисми, кўмир қазиб чиқаришнинг ярмидан кўпроғи РСФСРга тўғри келади. Айниқса Ноқоратупроқ зонасида агросаноат комплекси маҳсулотини ишлаб чиқариш анча ошади.

Украинада машинасозлик, аввало оғир ва энергетика, приборсозлик, станоксозлик илдам ривожланяпти, қора металлургияни модернизация қилиш ва Донбасс шахталарини реконструкция қилиш амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалигида йирик силжишлар белгиланган.

Белоруссияда машинасозлик, хусусан станоксозлик, приборсозлик, радиоэлектроника, электр техникаси маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш чуқурлаштирилади. Қишлоқ хўжалик машиналарининг, биринчи навбатда чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар чиқариш юксалади. Колхоз ва совхозлар маҳсулотини юксак суръатлар билан ўстириш белгиланган.

Молдавияда машинасозлик ва металлургияни янада юксалтириш билан бир қаторда

агросаноат комплексига, аввало мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади. Болтиқбўйи республикаларида радиоэлектроника, приборсозлик, станоксозлик, вагонсозлик, алоқа воситалари ишлаб чиқариш, химия саноати устун даражада ривожлантирилади. Закавказье республикаларида машинасозлик ва электр энергетикаси, шунингдек мева ва сабзавотлардан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга мўлжалланган озиқ-овқат саноати илдам суръатлар билан ривожлантирилмоқда; бу регионни гўшт, сут чорвачилигига ихтисослаштириш чуқурлаштирилади.

Қозоғистонда рангли ва қора металлургиянинг хом ашё базаси мустаҳкамланяпти, йирик вольфрам-молибден корхоналари қурилмоқда. Электр энергетика, газ қазиб чиқариш, химия ва нефть химияси саноати, машинасозлик жадал ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалик соҳасида асосий вазифа — умумиттифоқ миқёсида ғалла етиштиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш вазифаси ҳал этилади.

Ўрта Осиё республикаларида машинасозлик, электротехника, приборсозлик, электрон, енгил саноат ривожлантирилмоқда, меҳнатга қобилиятли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида кичик-кичик корхоналар ҳамда йирик корхоналар филиалларини бунёд этиш давом эттириляпти, пахтачиликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда химия, электр техника, енгил саноат, приборсозлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, электр энергетика янада юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Ўзбекистон, илгаридагидек, Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлиб қолишлигини ҳисобга олган ҳолда ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мева ва сабзавот-полиз экинлари етиштиришга катта эътибор беріляпти. Қарши ва Жиззах чўлларини комплекс ўзлаштириш давом этмоқда.

Пировардида пропагандист шуни яна бир карра таъкидлайдики, модомики совет экономикаси яхлит бир организм экан, унинг ривожланиши мамлакатдаги барча республикалар социал-иқтисодий тараққиётининг умумий натижасини акс эттиради. Бинобарин, ҳар бир меҳнаткаш шуни яхши англаши керакки, унинг меҳнати билан фақат ўз республикаси эмас, шунингдек бутун кўп миллатли давлатимиз куч-қудрати ҳам ортади, у шунга яраша меҳнат қилиши керак. Ахир, барча совет республикалари меҳнаткашларининг умумиттифоқ экономикасига қўшадиган ҳиссаси қанчалик кўпайиб борса, уларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлигининг моддий базаси кенгайибгина қолмай, шунингдек бутун совет халқи эришган зафарларга дахлдорлик туйғуси ҳам мустаҳкамланади, социалистик интернационал қардошлик манфаатлари йўлида янги муваффақиятларга эришиш учун ижодий куч-ғайрати ошади.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЕТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистон», 1986, 53, 122—123, 178, 280, 356—367-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюциялари. 1988 йил, 28 июнь —1 июль. Т., «Ўзбекистон», 1988.

М. С. Горбачев. **КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида.** КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида қилинган доклад. 1988 йил 28 июнь. Т., «Ўзбекистон», 1988, 62—66-бетлар.

Иттифоқдош республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принциплари (лойиҳа). «Совет Ўзбекистони» 1989 йил 15 март.

Целостный народнохозяйственный комплекс — материальный фундамент единства народов СССР. В кн. Актуальные проблемы развития национальных отношений, интернационального и патриотического воспитания масс. Учебное пособие. — М., Политиздат, 1988. с. 134—155.

Единый народнохозяйственный комплекс — материальная основа развития и сближения наций и народностей СССР. В кн. Развитие национальных отношений в СССР. Для самостоятельно изучающих марксистко-ленинскую теорию и политику КПСС. — М., Политиздат, 1986, с. 81—98.

Ю. КОВАЛЁВ

МАСЪУЛИЯТ ДАРАЖАСИ

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми ва партия XXVII съездидан бизни саноқли йиллар ажратиб турса, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси бўлиб ўтганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин шу вақт ичида ҳаётимизга, қалбимизга орзиқиб кутилган нақадар кўп янгиликлар, ўзгаришлар кириб келди! Улар инсон онги ва ижтимоий онгга сингиб борар экан, ишимиз, режаларимиз, фикрлашимиз ва хатти-ҳаракатларимиз, қарашларимиз ва мезонларимизга шунчалик тузатишлар киритдики, яқин ўтмишда бу ҳақда ҳатто гапириш ва ўйлаш ҳам мумкин эмасди. Агар кимки бу ҳақда оғиз очса, у «шаккоклик»да, давлатимиз ва жамиятимизнинг негизига «тил теккизиш»да айбланар эди. Ҳақиқий ошкоралик ва демократия бўлмаган, экономика ва жамиятни бошқаришда ягона — маъмурий бюрократик услуб ҳукм сурган, сўз билан амалий иш ўртасида ниҳоятда катта фарқ мавжуд бўлган социал шароитда қандай қилиб яшаш ва ишлаш, келажак ҳақида орзу қилиш ва шу келажакни қуриш мумкин эди? Совет кишилари ҳали-ҳамон ўзларига шу саволларни беришади.

Дағдаға ва «қатъий» кўрсатмалар ўрнини хайрихоҳлик билан берилган маслаҳат ва кенг доирада муҳокама қилиш, вазминлик билан фикрлашиш, ҳаққоний, ҳақиқатан ҳам кўпчилик томонидан ҳар томонлама чуқур ўйланиб қабул қилинган тавсиялар ва амалий таклифлар эгаллаганида яшаш нақадар гаштли, катта ва кичик муаммоларни ҳал этиш қанчалар енгил бўлар экан! Ҳа, сийқа андозалардан, «ёдлаб олинган» фикрлардан, ўзгалар иродаси ва ҳукмига бўйсунишдан воз кечсак, ўз фикрларимизни ҳайиқмасдан айтишни, умум манфаатини кўзлаб ишлашни ўргансак инсон, мамлакат ва жамиятимиз фаровонлиги учун зарур қанчадан-қанча ишларни амалга оширган бўлар эдик.

Мавжуд мандатларга қараганда анча кўп номзодлар орасидан катта ёки кичикроқ меҳнат коллективлари, совет, партия, жамоат ташкилотлари раҳбарларини сайлаш одат тусига кириб қолди. Газета ва журналлар саҳифаларида меҳнаткашларнинг яқин-яқингача «босиш мумкин эмас» категориясига киритилиб келинган хатлари эълон қилинмоқда. Юпқа ва қалин журналлар, марказий ва маҳаллий матбуот қандайдир мўъжиза туфайли омон қолган ёки адиб архивида хуфия сақланган проза ва поэзия асарларига ўз саҳифаларидан кенг ўрин бермоқдалар. Қачонлардир унутилишга «маҳкум» этилган бадиий ва ҳужжатли фильмлар турли катта-кичик экранларда кенг намойиш қилинмоқда. Пастернак прозаси ва Гумилев шеърлари, Тарковский ва Герман фильмлари бизга яна етиб келди, Шагал ва Филонов расмлари, Платонов ва Ахматова, Зощенко ва Цветаевалар ҳаётга иккинчи бор қайтдилар, демак, умрбоқий бўлиб қолдилар... Лекин шахсга сиғиниш ва турғунлик даври бизнинг орамиздан юлиб олган, қайта қуриш эса яна қайтариб берганлар шу билан тугамайди, ахир?

Кўриб турибмизки, давлат ва жамиятимиз «негизлари»га ҳеч вақо бўлгани йўқ. Лениннинг барҳаёт ғоялари миллионлаб совет кишиларининг онгида ва қалбида яшамоқда ва яшаяжак! Бугун уларнинг қадди ва қалби расоланмоқда, қадамлари шахдамланиб, нигоҳлари ўткирлашмоқда, овозлари ва сўзлари бурро бўлиб бормоқда, одатдаги ишлари янги мазмун билан бойимоқда ва ниҳоят совет

КОВАЛЁВ Юрий Алексеевич, ёзувчи.

кишиси Ватани, ҳаёти ва тақдирининг ҳақиқий хўжайини деб ҳис этмоқда ўзини. Жонажон заминимизда рўй бераётган ёки рўй бериши мумкин бўлган барча нарсаларга ўзининг шахсий масъулиятини ҳам чуқур сезмоқда.

Қайта қуриш танқид қилиниши тақиқ этилган барча «ёпиқ» зоналарга барҳам берди, ҳаётимизнинг барча томонларини ошкоралик зиёси билан нурафшон этди, фикрлаш ва баҳо беришда плюрализмни қайта тиклади, чинакам демократия инсонга ва жамиятга нималар беришга қодир эканлигини кўрсатди ва исботлади. Яшириб нима қиламиз, биз ҳақиқатга, мамлакатда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги ҳақиқатга, объектив ва тўла ахборотга зор эдик. Шунинг учун ҳам газета ва журналларга, телевидение ва радиоэшиттиришларга қизиқиш ниҳоятда кучайди. Зеро, улар кейинги уч-тўрт йил ичида ҳаётимизга кириб келган барча янгиликларнинг ҳақиқий, ошкора минбари бўлиб қолишди.

Бироқ узоқ вақт давомида пинҳон сақланган, лекин кишиларга жуда ҳам зарур бўлган ахборот оқими баъзиларнинг ғашига тегмоқда, ҳатто пинҳоний қаҳр-ғазабини уйғотмоқда. Улар қайта қуришга қарши турган шундай кучларки, энди уларнинг йўли халқ йўли билан бир эмас, улар шахсга сиғиниш ва турғунлик даври «тартиблари»ни дахлсиз сақлаб қолиш, шу билан ўзларининг анча-мунча имтиёзларини қўлдан бермаслик учун барча воситаларни ишга солмоқдалар. Ошкоралик, демократияни ҳар томонлама ривожлантиришга салбий муносабатларини изоҳлаш учун улар, риёкорлик билан: «ҳақиқат жуда ҳам кўпайиб кетди!» деган «важ» топмоқдалар.

Тўғри, ҳақиқат оғир, дилни оғритадиган, аччиқ бўлиши мумкин. Лекин у ҳеч қачон, ҳеч бир шароитда ортиқча бўлмайди! У инсон учун ҳамиша ҳаётий заруратдир. Ҳақиқат бўлмаса, айрим кишилар ўртасида ҳам, давлатлар ўртасида ҳам ҳалол, мустаҳкам, самарали ўзаро муносабатлар ўрнатиб бўлмайди.

«Қайта қуриш», «демократия», «ошкоралик», «кўпроқ социализм бўлсин» каби ажойиб тушунчаларда яққол ифодалаб берилган ва бугунги кунда намоён бўлаётган ҳақиқатга, совет кишилари қалбида шу кунларда пайдо бўлган ҳис-туйғуларга муносабатга келсак — бу тамомила бошқа масала. Агар аксарият кўпчилигимиз чин қалбдан, фикру зикримиз ва ишимиз билан қайта қуриш, турмушимизнинг барча моддий ва маънавий соҳаларини тубдан янгилаш тарафдори бўлсак, шундай кишилар ҳам борки, улар унчалик кам эмас, совет жамиятидаги буюк ўзгаришларга муносабатлари билан бизда нафақат сергакланиш, шу билан бирга қонуний ташвишланиш ҳиссини ҳам уйғотмоқда.

Йўқ, қайта қуришнинг дадил одимини тўхтатиш ёки ҳатто секинлаштиришга ҳам уларнинг қурби етмайди, албатта, лекин улар баъзан ошкора, баъзида пинҳона унга қаршилик кўрсатишга, бу йўлда бор имкониятларини ишга солишга зўр бериб ҳаракат қилишади. Ёқутистон ва Олмаотада, Болтиқбўйи ва Тоғли Қорабоғда, Сумгаит ва Алапаевскда бўлиб ўтган ва совет кишилари қалбига дард-алам етказган воқеалар айни шундан далолат беради. Умумий кулфатимизнинг кўпи аҳолининг, айниқса ёшларнинг бир қисми жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги қайта қуришни, Октябрдан кейинги етмиш йил давомида совет кишилари эришган барча ютуқларни, ҳурмат-эътиборга молик ҳамма нарсаларни негадир «инкор этишга даъват» сифатида тушунаётганларидан иборатдир. Бу борада «кутилмаган янгиликлар»ни нақадар кўп эшитиш ва ўқишга тўғри келяпти!

Ҳамма соҳада бўлар-бўлмасга «биз» ва «улар» таққосланаверилишичи? Нима ҳам дердик, баъзи ҳолларда, ишларимизни яхшилаш учун ишлаб чиқариш, технология ва шу каби соҳаларда бундай таққослаш керакдир. Халқ хўжалиги ва ҳар бир кишига моддий ва маънавий фойда келтирадиган барча яхши нарсаларни ўрганиш ва ўзлаштириш ножўя иш эмас. Лекин шу каби «факт ва далиллар»дан кўзланган мақсад фақат воқелигимизга мағзава сепиш, камчилик ва хатоларимиз устидан кулиш бўлса, бундай сўзамоллик виждонли кишиларда нафратдан бошқа ҳис-туйғу уйғотмайди.

Ҳа, 1917 йил Октябридан сўнг Советлар Мамлакати босиб ўтган йўл ҳар доим ҳам асло тантанавор, силлиққина бўлган эмас. Инсониятнинг кўп асрлик тарихида биринчи бўлиб социализм сари йўл очар экан, совет халқи, Коммунистик партия ҳамма нарсани биринчи бўлиб бажаришига тўғри келди. Биринчи бўлиш эса доим қийин экани ҳаммага маълум. Сира ҳам оқлаб бўлмайдиган хатолар, моҳиятига

кўра мислсиз фожиали воқеалар бўлдики, уларнинг асорати ҳали ҳам ишимизда сезилмоқда, улар қалбимизда ўчмас ғам-андуҳ қолдирди.

Ҳа, ҳаммаси шундай. Лекин кўрилган барча моддий зарарлар, соф инсоний қурбонларга қарамай партия, совет кишиларининг аксарият кўпчилиги Ленин ғояларига, доҳий васиятларига, революция идеалларига содиқ қолганлигига андак бўлсада шубҳа қилиш мумкинми?

Кейинги пайтда шунчалик кўп гапирилаётган ва ёзилаётган бир қатор объектив ва субъектив сабаблар бўлмаганда социализм қурилишидаги муваффақиятларимиз янада салмоқли, талафотларимиз эса камроқ бўлиши мумкинлиги шубҳасиз. Ҳозир бу сабаблар ошкор қилинмоқда. Бундан мақсад яқин тарихимиздаги номаълум ёки кам маълум бўлган зулматли саҳифаларни ёритишгина эмас, шу билан бирга улар бошқа қайтарилмаслиги учун чинакам умумхалқ қалқони яратиш ҳамдир. Ҳеч шубҳасиз, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида рўй берган фожиаларни оқлаш ҳам, кечириш ҳам, эсдан чиқариш ҳам асло мумкин эмас! Лекин яшашимиз ва бунёдкорлик фаолиятимизга тўсиқ бўлган барча эскилик сарқитлари, умри тугаган нуқсонларни ҳеч иккиланмасдан кескин қўпориб ташлаган, ҳамма нарсани, ҳатто унчалик катта бўлмаган тарихимизнинг энг аянчли ва фожиали томонларини ҳам ўз номи билан атаган халқнинг маънавий қудратига, партиянинг ақл-заковати, мардлиги, ва қатъиятига тан бермай бўладими!

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясига тайёргарлик кўришнинг ўзиёқ мамлакатнинг маънавий ҳаётини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди, илгариги хато ва жиноятлар, ҳозирги нуқсон ва камчиликлар, кечиктириб бўлмайдиган иш ва планлар ҳақида кескинлиги, принципиаллиги, кўламдорлиги, қизғинлиги жиҳатидан мисли кўрилмаган мунозарага, ҳаяжонга тўла ва юз-хотир қилинмайдиган мусоҳабага сабаб бўлди. Конференция ўтган бир неча кун давомида нафақат совет кишиларининг, амалда сайёрамизнинг барча аҳолиси нигоҳи Кремлнинг съездлар Саройига қаратилди. Зеро ўша кезларда Москвада одатдан ташқари, орзиқиб кутилган, чин революцион руҳ билан йўғрилган, мамлакат ва партия, бутун халқ ва ҳар бир совет кишиси, жаҳон озодлик ҳаракати, умуман бутун дунё ва инсоният тақдири учун бағоят муҳим бўлган долзарб муаммолар ҳақида гап борди.

Социал-иқтисодий ва маънавий ҳаётимизни қайта қуриш юзасидан КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида бошланган жиддий ва ўта масъулиятли гап «норасмий жойларда», оилада ва дўстлар даврасида, ҳамкасблар билан суҳбатларда давом этди. Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади. Бу мунозара, масалан, шахсга сиғиниш даврининг бевосита оқибати бўлган турғунлик йиллари экономика ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўпирилишлар тўғрисидаги фикр алмашишлар қандай нуқтаи назардан ва нимани кўзлаб олиб борилганлиги бошқа масала. Бу мунозаралар оғир ва тузатиб бўлмайдиган талафотлар ҳақида, Ватан ва инсон тақдири тўғрисида қайғуришми ёки бошдан кечирган кулфатларимизга бадхоҳлик билан қараш, улардан завқланишми? Уларда турли салбий ҳолатларга барҳам бериш юзасидан амалий таклифлар киритиляптими ёки «минбарга чиқиб олиб» ёхуд бурчак-бурчакда «давринг келди, гапириб қол» қабилида иш тутишми?

Қайта қуриш, ошкоралик, демократия, фикрлар плюрализми — сўз ва хатти-ҳаракатлардаги масъулиятсизлик ва кўнглига келганини қилиш, очиқдан-очиқ анархиянинг ўзи, деган фикр қаердан пайдо бўлди? Ҳаётимизга анча қийинчилик билан кириб келаётган буюк янгиланиш жараёни фақат ҳуқуқлардан иборат, қайта қуриш, жамият, охир-оқибатда инсон ва гражданн виждони олдида ҳеч қандай масъулият юкламайди, деган ишонч қандай шаклланди? Мамлакатда, республикада рўй бераётган жараёнларга нисбатан очиқ-ойдин мешчанларча, таъмагирлик муносабати, «қаймоғини сузиб олиш», қийинчиликлардан, ошкоралик шароитида бораётган курашдан фойдаланиб қолишга андиша қилмай интилиш қаердан келиб чиқди?

Ҳа, қайта қуриш ўз тарафдорларининг куч-қуввати ва ҳамжиҳатлигини, жамият ҳаётининг барча томонларини янгилашдек муқаддас ишни охирига етказишга азму қарор қилганини кўрсатиш билан бирга ҳамма нарсанинг эскича қолишига ошкора ёки пинҳона уринаётганларни, ёхуд кўкракларига уриб, сафсатабозлик қилаётганларни, сиёсий ўйин ишқибозларини ҳам аниқлаб берди. Лекин айни

шу ҳақиқат учун янги «курашчилар» республикада ҳукм сурган турғунлик ва ўзбошимчалик даврида бурчак-бурчакларда биқиниб ўтиришмасмиди? Мослашувга устаси фаранглар ҳам шулар эмасми?

...Ёзувчи Темур Пўлатовнинг «ёмонликка қарши актив ҳужумга ўтмай, уни ҳамманинг кўзи ўнгида саваламай туриб ҳам, ёмонлик билан ҳамкорлик қилмаслик позициясида туриб кўп нарсага эришиш, бардош бериш ва охир-оқибатда зафар қучиш мумкин» («Огонёк» журнали, 1988, 29-сон) деган фикрига қўшилиш қийин. Бу сўзларда менинг фикримча, гражданлик, қолаверса ёзувчи «позицияси» ифодаланган эмас. Аксинча, бу сўзлар уни айтган кишида бирон бир позиция умуман йўқлигидан, бошқалар енг шимариб курашаётган ушбу нотинч вақтни тўрт девор ичида ўтказиш истагидан, яхши замонлар келгач эса, ўзини узоқдан туриб кузатган шу «ўзбошимчалик» қурбони қилиб кўрсатиш хоҳишидан далолат беради.

Зотан, ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. «Ёмонликка қаршилик кўрсатмаслик» тарафдорлари яна минбарга чиқиб, шунчалар кеч уйғонган муросасизликлари ва принципиалликлари, сухандонликларини бир-бирларига кўз-кўз қилмаяптиларми? Янги-янги «ғоя» ва «ғоячалар» қаердан топилгани номаълум, лекин ҳаётнинг турли ҳолатларига мўлжалланган «рецепт» ва «рецептчалар» яна қаердан олиняпти экан?!

Совет халқи ўз бошидан кечираётган ҳозирги мураккаб ва масъулиятли даврда катта ва кичик муаммоларни ҳал этишга чуқур ўйлаб жиддий ёндашиш айниқса муҳимдир. Уларнинг ҳар бири, шу жумладан кескин, ҳаётий, долзарб, кечиктириб бўлмайдиган муаммолар ҳам бирдан-бир тўғри ва самарали ечим топилиши учун чуқур ва пухта ўрганилиши, ҳар томонлама ишлаб чиқилиши, барча фикрлар салмоқлаб кўрилиши даркор. Шошмашошарлик билан, чуқур ўйланмай қабул қилинган қарорлар зарардан бошқа нарса келтирмаслиги ҳақида узоқ ва яқин тарихимиздан кўплаб мисол келтириш мумкин.

Сафсатабозлик, охирини ўйламай «ғоя» ташлаш асло қайта қуриш эмас, ҳатто қайта қуриш «тиргаги» ҳам эмаски, баъзилар унинг ёрдамида ишларини «ўнглаб» олишга ҳаракат қилмоқда. Бу қайта қуришга зимдан зарба беришдир! Тоғли Қорабоғ, Сумгаит, Боку, Ереванда бўлиб ўтган фожеалар миллионлаб совет кишиларининг қалбини ларзага солди. Бу қандай рўй берди? Жамиятимизга бу қаердан кириб келди? У кимнинг тегирмонига сув қуйди? Наҳотки бу муаммоларни бошқа йўл ва бошқа воситалар билан ҳал қилишнинг иложи йўқ эди? Ҳозир ҳамма ўзига беихтиёр шу саволларни бермоқда. Ёки Болтиқбўйи, Москвадаги Пушкин майдонида ўтказилган «оммавий тадбирлар» қанчадан-қанча таажжубли ва аччиқ саволлар туғдирди! Ўролдаги Алапаевскдаги «сармаст бебошликлар» ортида нима ва ким турибди? Яқин келажак бу саволларга муфассал жавоб беради.

Мамлакатнинг бошқа регионларида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни масъулиятсизлик билан баҳоловчи кишилар орамизда топилиши даҳшатли бир ҳолдир. Таниқли ўзбек шоири, республика Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг делегати Абдулла Ориповнинг «Правда Востока» газетасига берган интервьюсида (1988 йил 12 июнь) «Сумгаитдаги воқеалар баъзиларни қувонтирди(?)» деган сўзларини ўқиб ҳанг-манг бўлиб ёқамни ушлаб қолдим.

Биродарлар бир-бирига тош ёки тиғ кўтарганидан, ишчилар шаҳри кўчаларида қон тўкилганидан, ўнлаб уйларга бехосдан кириб келган ва кўп йиллар давомида уни тарк этмайдиган ғам-аламдан «қувонган» нусхалар наҳотки топилса? Қандай бағритошлик, шафқатсизлик, шаккоклик!

Мамлакатнинг миллатлараро муносабатларда фавқулодда, экстремал вазият вужудга келган бир қатор регионларида ваҳшиёна ҳис-туйғулар устидан оқилона онг ғалаба қилиши, катта ва кичик муаммоларни ҳал этишда қаҳру ғазаб ёмон маслаҳатчи ва кўмакдош эканлигини кишилар қайтадан англаб олиши учун қандайдир вақт керакдир, эҳтимол. Лекин, таассуфки, қанчалик ажабланарли бўлмасин, бироқ Тошкентдаги адабиётчилар уйида янграган «гапларни қўйиб, кўчага чиқайлик» деган даъватга нима деса бўлади? Эҳтимол қачондир, нима сабабдандир шундай зарурат туғилар. Аммо юзага келган муаммоларни бўлар-бўлмасга «кўча-

да» ҳал қилишга даъват этиш шартми? Коллективда юзага келган ихтилофларни «иш ташлаш» йўли билан ҳал этишга уриниш эса умуман соғлом ақлга сиғмайди! Зеро, бу тушунчанинг ўзи аллақачонлар одатдан чиққан. Лекин Чирчиқ автобазасида «иш ташлаш» бўлдику! Корхона раҳбари ёки у қабул қилган қарор ёқмаса, дарвозаларни беркитиб машиналарни тўхтатиб қўявериш керакми? Автомобилчиларнинг маънавий-психологик муҳитидаги камчиликлар азобини шаҳарликлар тортишлари керак эканда?

Хулоса битта — ҳар қандай масала, ҳар қандай муаммо, қайтараман, ўта жиддий, пухта, чуқур ўйлаб ёндашишни талаб этади. «Кескин масалаларни» «ўтмас воситалар» билан хаспўшлашга ўрин йўқ. Руҳий, маънавий-этик, ахлоқ-одоб соҳасидаги хатолар, камчиликлар ва нуқсонлар оқибатини тугатишдан кўра уларнинг олдини олиш осонроқ эканлигини унутмаслик керак. Чунки, улар инсон қалбини чуқур яралайди.

Буни, энг аввало, жамоатчилик онгини шакллантиришда бевосита иштирок этадиганлар — ёзувчи ва журналистлар, рассом ва кинематографчилар, саҳна ходимлари ва архитекторлар асло унутмасликлари даркор. Зеро, қайта қуриш шароитида уларнинг роли беқиёс даражада ошиб кетди. Кўплаб ёзувчилар тугалланмаган қисса ва романларини бир четга қўйиб, публицистикага — ушбу жанговар, оператив ва серсамара жанрга мурожаат қилаётганлари бежиз эмас.

Афсус-надоматлар бўлсинки, баъзида бунинг тамоман аксига дуч келаяпмиз. Масалан, Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган партия йиғилишларининг бирида унинг иштирокчиларидан бир группаси ўта ғалати моддалар қаторида «Орол ҳалокатининг асосий сабабчиси деб монокультура ҳисоблансин...», деган модда ҳам киритилган «ҳужжат»ни қабул этишни таклиф қилиб чиқишди. Коммунистлар принципиаллик кўрсатишмадию «овоз бериш машинаси» ишга тушиб, ушбу таклиф қабул қилинди дейлик. Жафокаш Орол ва Оролбўйига бу таклиф нима берган бўлур эди? Амалда ҳеч нарса.

Йўқ, ушбу сатрлар муаллифи «монокультурани» қандайдир даражада бўлса ҳам оқлашдан йироқ. Аксинча, Ўзбекистонда пахтага сиғиниш бемаънилик даражасига бориб етди, дегувчиларнинг фикрига тўла-тўкис қўшиламан. Умуман олганда ҳар қандай монокультура ҳам доим ва ҳамма жойда ер учун, ҳосилдорлик учун, деҳқон учун ёвузлик тимсолидир. Лекин, ҳамма бало шундаки, фақат бу «йўл»ни бартараф қилишнинг ўзи билангина Орол ва Оролбўйи муаммосини ҳал этиб бўлмайди; бу офатнинг республикамиз компетенцияси доирасидан четга чиқувчи ғоят муҳим жиҳатлари ҳам бор. Дарвоқе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг Орол денгизи районидаги экологик вазиятни тубдан яхшилаш бўйича СССР Министрлар Советининг таклифи кўриб чиқилган мажлисларидан бирида бу нарса таъкидлаб ўтилди. Орол ва Оролбўйи муаммоси фақат умумдавлат кўламида, Ўрта Осиёнинг барча республикалари ва Қозоғистоннинг сўзсиз иштирокида ҳал этилиши мумкин. Бошқача йўл топишга уриниш, ўзгача восита ва усулларни тарғиб қилиш жамоатчилик фикрини онгли равишда четга тортишдан бошқа нарса эмас.

Мунозара, баҳс, мусоҳаба юритиш маданияти хусусида алоҳида тўхталмоқчиман. Айрим адабиётчиларимиз ҳали ҳам тақиқланган усуллардан воз кечганларича йўқ. Баъзи «баҳсчилар» аввалига яққол кўриниб турган нотўғри далил-исботлар келтиришадида, сўнг шуҳрат кетидан қувишга, «томошабин учун ўйин кўрсатиш»га, яъни ўзларининг «далил-исботлари»ни куйиб-пишиб қоралашга, айюҳаннос солишга тушадилар.

Ҳозирги пайтда зўр бериб биринчи планга олиб чиқишга уринилаётган демография, оила аъзолари сони, қанча бола туғиш масалаларини олиб кўрайлик. Айрим қизиққон «баҳсчилар» кўп болалилик «тақиқлангани»ни тилдан қўймайдилар. Нега, деган савол туғилади. Оила таркибини унинг аъзолари белгилаши наҳотки уларга маълум бўлмаса? «Болалик уй — бозор, боласиз уй — мозор» дейди ўзбек халқи. Таниш-билишлар учрашиб қолганда, уйдагиларнинг, энг аввало бола-чақанинг соғлиғини сўрашлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Тамоман бошқа нарсалар ҳақида: она ва болалар саломатлиги ҳамон хавф остида қолаётгани, бу соҳадаги аҳволни зудлик билан тўғрилаш учун кечиктирмасдан зарур чора-тадбирлар кўриш тўғрисида гапирмоқ керак.

Бошқа томондан қараганда болалик ва оналикни, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, демография масалаларини фақат «монокультура» билан чегаралаб қўйиш тўғрими? Салбий таъсири жуда катта бўлган бошқа ташқи омиллар ҳам бор-ку. Лекин улардан ташқари тез-тез, деярли ҳар йили туғиш, медицина хизматининг қониқарсиз аҳволда эканлиги, турмуш маданиятининг пастлиги, яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар, оналарнинг ишлаб чиқаришда ва уй-рўзғор ишларида тиним билмасликлари каби ҳоллар ҳам бу муаммога ўз улушини қўшмоқда. Мана шуларнинг барчаси ҳақида гапириш, бир тугун қилиб боғланган ана шу барча соҳаларда тинмай ишлаш вақти келди. Лекин жиддий, чуқур масъулият билан гапириш ва ишлаш керак. Айрим ёзувчиларимиз эса жонли ишни ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилиш билан алмаштирмоқчи бўлишади.

Бунинг учун, фикримча, ҳар бир адиб қайта қуриш жараёнида республикамизда рўй бераётган ҳамма нарсалар учун ўзининг масъулият даражасини чуқур англаб олиши, ушбу муқаддас мақсад йўлида барча ижодий кучларни бирлаштириш зарур. Ҳозирча эса бундай бирлашув ва ҳамжиҳатликка анча борга ўхшайди. Чунки, ижодий союзларнинг бирлашган пленумлари кейинги йилларда дабдабали характер касб этиб, «тадбир» ўтказилганлиги ҳақида белгидан бошқа ҳеч қандай из қолдирмас эди. Ваҳоланки, санъаткор зиёлилар вакиллари ўртасидаги доимий, амалий, мустаҳкам алоқалар сув билан ҳаводай зарур.

Ижодий ходимлар билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги алоқани қайта тиклаш ҳам ҳозирги кун талабидир. Бундай алоқаларсиз янгиланиш ишида озми-кўпми муваффақиятга эришишга умид қилиб бўлмайди. Бунинг учун, эҳтимол, айрим газета ва журналлар, нашриётларнинг ўз хизмат мавқеидан ўч олиш ёки «хеш-ақраболари»га мақбул шарт-шароит яратиб бериш мақсадида фойдаланаётган ходимларини алмаштиришга тўғри келар.

Бетиним ва бесамара вайсашлар даври ўтиб кетди. Орзиқиб кутилган сўз ва иш бирлиги, эзгу ишлар қилиш, улкан ва амалий фаолият кўрсатиш пайти келди! Энди ҳар бир киши ҳақида, у хоҳ ишчи, хоҳ ёзувчи, хоҳ пахтакор, хоҳ фазони забт этувчи фазогир бўлсин, нима деяётгани, нимага даъват этаётганига қараб эмас, балки қайта қуриш барҳаёт қолиши ва кенгайиши учун шахсан ўзи нима қилганига қараб баҳо берилади.

Масъулият ҳисси, масъулият даражаси — қайта қуриш муқаддас ишига ҳар биримизнинг қўшган улушимиз ана шу мезонлар билан ўлчанади. Шу жумладан ёзувчи меҳнати ҳам!

Б. ЭРГАШЕВ

В. И. ЛЕНИН ВА БУХОРО АМИРЛИГИ ХАЛҚЛАРИНИНГ ОЗОДЛИККА ЧИҚИШИ

РЕВОЛЮЦИОН янгиланиш даври совет халқида ўз ўтмишига нисбатан жуда катта қизиқишни юзага келтирди. Тарих мавзуси матбуот саҳифаларидан, радиоэшиттиришлар ва телевидение кўрсатувларидан доимий ўрин олмоқда. Баҳс ва мунозараларнинг ғоят қизғин бориши тарих проблемаларига доир баҳо ва мулоҳазаларнинг бир хилда эмаслигини ифодаламоқда.

Тарихий ҳақиқатни тиклашга интилиш бизни муқаррар равишда В. И. Ленинга мурожаат қилишга олиб келмоқда, зеро совет кишилари социализмнинг ҳақиқий қиёфаси хусусидаги ўз тасаввурларини унинг ғоялари билан боғлайдилар. Партия бугунги кунда Совет давлати ривожланишининг Ленин даврини янгича мушоҳада этиш, Владимир Ильичнинг кишилик жамиятини революцион қайта қуриш йўлига қарашининг теран маъносини чуқур англаб етиш вазифасини қўйди.

Бухоро революциясининг кўпгина саҳифалари ҳам В. И. Ленин номи билан боғланган. Ўша йиллар воқеалари узоқ йиллар мобайнида унутилди, онгли равишда тилга олинмай келинди. Буйруқбозлик-маъмурий ўзбошимчалик тазйиқи остида қолган тарих фанида ёш бухороликлар ҳаракати салбий баҳо олди, буржуа-либерал хомхаёллардан воз кечганликларига қарамай, бу ҳаракат намояндалари (Ф. Хўжаев, М. Саиджонов, А. Қодирий, А. Ҳамдий ва бошқалар) 30-йиллар охирида «халқ душманлари» деб эълон қилинган эди. Ҳолбуки Бухоро амирлиги халқ оммасининг миллий-озодлик курашидаги ана шу оқимга диалектик ёндашиш конкрет-тарихий вазиятни ҳар томонлама ҳисобга олишни, ушбу нопролетар ҳаракатнинг революцион потенциалидан максимал фойдаланишни, ёш бухороликларнинг энг яхши намояндаларига илмий социализм позицияларига ўтиш учун имконият беришни талаб этарди. В. И. Лениннинг Бухоро амирлигидаги революцион воқеалар ривожланишига бўлган муносабати айни шундай бўлган эди.

В. И. Ленин асарларида Бухорога оид дастлабки эслатишни унинг 1899 йил марти охирларида нашр этилган «Россияда капитализмнинг тараққийси» асарида учратамиз. Народниклар таълимотини узил-кесил тор-мор қилишга йўналтирилган ва Россия социал-демократиясининг вазифаларини белгилаб берган бу асарда, жумладан у шундай деб ёзган эди: «Агар Ўрта Осиё ички бозор бўлиб, Эрон — ташқи бозор бўлса, Хева билан Бухорони қаёққа киритиш керак?» (Тўла асарлар тўплами, 3-том, 674-бет). Гарчи В. И. Ленин қўйилган саволга дарҳол жавоб қайтаришни лозим кўрмаган бўлсада, унинг учун бу нарса Россияда синфий зиддиятлар етилганлиги хусусидаги хулосани тасдиқловчи жуда катта фактик материалнинг зарурий зарраси бўлиб қолди.

Ленин «Бухоро» сўзига кейинги сафар орадан ўн етти йил ўтгач қайта мурожаат этди. 1916 йили ёзилган, капитализм юқори босқичининг иқтисодий ва сиёсий моҳияти илмий анализ қилинган «Империализмга доир дафтарлар»да

ЭРГАШЕВ Баходир Хожиқурбонович, философия фанлари кандидати, Бухоро озик-овкат ва енгил саноат технология институти философия кафедрасининг катта ўқитувчиси.

В. И. Ленин бир неча марта амирликнинг территорияси ва аҳолисига оид кўчирмалар келтиради.

1916 йил ёзида В. И. Ленин социал-шовинизм, каутскийчилик ва «империалистик экономизм»га қарши актив кураш олиб борди. Ана шу кураш контекстида у миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига бўлган ҳуқуқи масаласида изчил позицияда турмаган поляк тилидаги «Газета роботнича»нинг позициясини ҳам қараб чиқди. Чунончи, поляк социал-демократларининг қарашларини баён этаркан, В. И. Ленин истеҳзо билан шундай деб ёзади: «Рус социалистлари: «Туркистондан, Хевадан, Бухородан ва бошқа ерлардан йўқолинг» деб талаб қилишлари лозим, лекин, агар улар Польша, Финляндия, Украина ва бошқалар учун ҳам шундай ажралиб чиқиш эркини талаб қилсалар, «утопизмга», «ғайриилмий», «сентименталликка» ва шу сингариларга гирифтор бўлар эмишлар» (ТАТ, 30-том, 41-бет). Поляк газетасининг позициясини В. И. Ленин хато деб билди, чунки Европадагидек Осиёдаги миллий-озодлик ҳаракатлари ҳам пролетарларнинг капитализм билан курашида қозонадиган ғалабасини яқинлаштирди деб ҳақли равишда ҳисоблаган эди.

Бир оз муддат ўтгач В. И. Ленин Бухоро амирлигини бошқача — Россияда амалга оширилган Февраль буржуа-демократик революцияси нуқтаи назаридан қараб чиқа бошлади. Маълумки, В. И. Ленин бу вақтда Россия ишчилар синфининг куч-ғайратини буржуазия устидан ҳамма жабҳада — ички, миллий-мустамлакачилик, умумий империалистик фронтларда ғалабага эришиш учун борган сари кучлироқ рағбатлантираётган эди. 1917 йил ўрталарида эълон қилинган машҳур «Империализм — капитализмнинг юқори босқичи» асаридаги сўзбошида у мустамлакачилик хусусидаги ўз хулосаларига шундай ғоят муҳим изоҳ берди: «Ҳушёр ўқувчи Япония ўрнига Россияни, Корея ўрнига Финляндия, Польша, Курляндия, Украина, Хева, Бухорони... қўйиб ўқий беради» (ТАТ, 27-том, 350-бет). Бундай позиция сиёсий ҳокимиятни эгаллагач миллий зулмни фақат чуқурлаштирадиган буржуазиянинг йирткич табиатини теран тушунишга асосланган эди.

Россия Муваққат ҳукуматининг ўз мустамлакаларига нисбатан сиёсати хусусида В. И. Ленин кейинроқ янада аниқроқ қилиб ёзган эди: «...Николай ўрнига рус кадетлари, рус капиталистлари келгани билан Хева, Бухоро, Арманистон, Финляндия, Украина ва ҳоказолар аннексияси аннексияликдан чиқиб қолмайди» (ТАТ, 32-том, 17-бет). Тайёрланаётган пролетар революциясининг йўлбошчиси, шундай қилиб, капитал томонидан эзилаётган миллатларнинг Россиядан ажралиш эркини ҳимоя қилиш, барча озод бўлган халқларнинг улуғ рус халқи билан ихтиёрий иттифоқи учун курашиш зарурлигини тушунган эди.

Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг I Бутун Россия съездида сўзга чиқаркан, В. И. Ленин яна Бухоро проблемаларига қайтиб, шундай деб таъкидлади: «Россиянинг қўлида Хева билан Бухоро бор, булар ҳам мустамлакага ўхшаган бир нарсадир» (ТАТ, 32-том, 312-бет). Ушбу хулоса мустамлаканинг давлат ва сиёсий статусининг ўзини ва мустамлакачилик зулмидан халос бўлиш проблемаларини тушуниб етиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, мустамлакалар муштарак хусусиятларга эгаликдан ташқари бир қатор белгилар бўйича табақалашган ҳам эди. Шу сабабли В. И. Ленин буржуа давлатларининг барча миллий чекка ўлкаларини ягона яхлит деб билмайди, балки уларни мустақил бирликлар сифатида қараб чиқади, «мустамлакалар» ва «мустамлакага ўхшаган нарсалар»га ажратади.

Шундай қилиб, миллий чекка ўлкаларнинг, шу жумладан Бухоро амирлигининг озод бўлиши масалаларига ленинча муносабат учун чуқур тарихийлик, муфассал тадқиқ қилиш, табақалаштирилган ҳолда ёндашиш, методологик пухталик ва, ниҳоят, ана шу чекка ўлкалар меҳнаткашларининг эҳтиёж ҳамда мусибатларига ғоят ҳамдардлик хос эди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди. Жаҳондаги биринчи ишчи-деҳқон ҳукумати В. И. Ленин ва большевиклар партияси эълон қилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланган ҳолда 1917 йил 29 ноябрида (12 декабрида) Бухоро амирлигининг мустақиллигини тан олди. Шу муносабат билан амир номига юборилган расмий телеграммада унинг Совет ҳукуматига лоял муносабатда бўлишига ишонч билдирилди, Совет ҳукумати

эса ўз томонидан амирлик билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш борасида барча чораларни кўриш мажбуриятини олди.

Октябрь революциясидан сўнгги дастлабки кунларда Бухоронинг ўзида воқеалар ғоят тезкорлик билан ривожланиб борди. Оддий меҳнаткашларнинг жуда катта оммаси мазлум аҳволда яшашни тобора хоҳламай қўйди. Шафқатсиз эксплуатация машинасини синдириб ташлашнинг реал хавфи юзага келди. Асрлар мобайнида ҳукм сурган режим дарз кетди.

Аҳолининг мутлақ кўпчилиги деҳқонлардан иборат бўлган ва пролетар идеологияси билан куролланган сиёсий партия мавжуд бўлмаган шароитда буржуа демократлари — ёш бухороликлар амирликдаги озодлик ҳаракатини бошқардилар. Бунда ҳам ҳеч қандай зиддият йўқ эди, чунки, В. И. Ленин таъкидлаганидек, қолоқ ва қарам мамлакатларда деҳқонлар «буржуа-капиталистик муносабатларнинг намояндалари» (ТАТ, 41-том, 271-бет) бўлганлиги сабабли бундай ҳодисалар юз берар эди.

Ёш бухороликларнинг талаблари чекланган эди: улар амирнинг олий ҳокимиятни сақлаб қолган ҳолда ҳукуматни тарқатиб юбориш ҳамда мамлакатни бошқариш ишини ёш бухороликлар Ижроия комитети қўлига топширишни, баъзи бир капиталистик ва демократик ислоҳотлар ўтказилишини талаб қилдилар. Лекин ана шу конституцион-монархистик талаблар ўша пайтда чириган амирлик режими фаолиятига қарши ягона реал альтернатива эди.

Зулм остида эзилган деҳқонлар оммасида таянчи бўлмаган ёш бухороликлар 1917 йил охирида ёрдам сўраб Совет Туркистони ҳукуматига мурожаат қилдилар. Ёрдам тезда берилди. Туркистон республикасининг Ф. И. Колесов бошчилигидаги Совнаркоми ёш бухороликларга қуролли ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қилдики, бунда аввало амирнинг Туркистондаги Совет ҳокимиятига қарши контрреволюцион хуружларидан хавфсирашдан, шунингдек қўшни Бухорони демократик ва гуллаб-яшнаётган ҳолда кўришдек табиий хоҳишдан келиб чиқилган эди.

Ёш бухороликларнинг ультиматив талаблари амир томонидан рад этилди. Шундан сўнг, 1918 йилнинг 2 мартида туркистонлик қизил аскарлар ва ёш бухороликларнинг Бухорога юриши уюштирилди. Кучлар тенг эмаслиги сабабли бу юриш мағлубият билан якунланди. Амир ёш бухороликларнинг асосий қисмини ва уларга хайрихоҳларнинг кўпчилигини йўқ қилди. Ёш бухороликларга ёрдамга келган қизил аскарлар отрядлари ўзларининг асосий қисмларидан узилиб қолди ва уруш ҳаракатлари тўхтатилгач улар ватанга қайтишга мажбур бўлди.

В. И. Ленин тарихга «Колесов юриши» тарзида кирган муваффақиятсиз юриш ҳақида РСФСР ХКС Матбуот бюросининг материалларидан хабардор бўлди. Ана шу ва бошқа материалларни ўрганиш унга бегона мамлакатнинг мазлум халқига қуролли ёрдам кўрсатиш хусусида ғоят муҳим хулоса чиқариш имконини берди: «Лекин ўзгариш батамом етилган ҳолдагина буни қилиш мумкин. Биз тезлатишимиз лозим бўлган пролетариатнинг табақаланиш жараёни бизнинг аралашувимиз билан тўхталиб қолмаслиги учун буни қилишда эҳтиёт бўлиш керак» (ТАТ, 38-том, 186-бет). Ёш бухороликларнинг абсолютизмга қарши қўзғолонига Ленин берган баҳо 1919 йил охирида Туркистон коммунистларига етказилди. Туркистон Компартиясининг ўша вақтда бўлиб ўтган IV съездида ёш бухороликларнинг антифеодал ҳаракатини қўллаб-қувватларкан, коммунистлар «зўравонлик билан революцион ўзгариш»ни амалга оширишга интилмасликлари кераклиги махсус уқтирилди. Большевикларнинг ушбу масаладаги позицияси революцияни экспорт қилиш марксизмга ёт эканлигини амалда исботлади.

«Колесов юриши»дан сўнг кўп ўтмай ёш бухороликлар сафларида ажралиш юз берди. Уларнинг бир қисми революцион ҳаракатга қўшилди, бошқа қисми иккиланган ҳолда ҳақиқатни излашда машаққатли йўлдан борди, учинчи қисм эса амир билан келишиб олиш умидидан воз кечмади.

1918 йил кузида ёш бухороликлар группаси Бухоро амирлиги халқларини озод қилиш ишида В. И. Лениндан, большевиклардан ёрдам сўраш мақсадида Москвага йўл олди. Ёш бухороликларнинг бу группасига Совет Россияси пойтахтида катта ишонч билдирилди — РКП(б) МҚ қошидаги Шарқ халқлари коммунистик ташкилотлари Марказий бюросининг ёш бухороликлар Туркистон секцияси, шунингдек Туркистон АССРнинг РСФСР Совнаркоми қошидаги мухтор

вакиллигининг ёш бухоролик революционер (демократ)лар комитети ташкил этилди. Секцияга БХСР Ревкомининг бўлажак Раиси ва Совет Тожикистони Совнаркомининг биринчи Раиси Абдуқодир Муҳиддинов (1892—1934), комитетга БХСР Халқ Нозирлар Советининг бўлажак Раиси ва Совет Ўзбекистони Совнаркомининг биринчи Раиси Файзулла Хўжаев (1896—1938) раҳбарлик қилди. В. И. Ленин бу иккала ташкилотнинг фаолиятидан яхши хабардор эди.

Ёш бухороликлар Москвада самарали иш олиб бордилар: амирликдаги аҳвол хусусида зарур ахборотни тўплаб бордилар, вақтли матбуотда мақолалар билан чиқдилар, революцион варақа ва мурожаатномалар ёзиб, уни кейин ватанда тарқатишда иштирок этдилар.

Ёш бухороликлар раҳбарларининг 1919 йил охирида Тошкентга қайтиши бу ерда Туркистон ишлари бўйича комиссия тузилганлиги билан боғлиқ бўлди. Бухоро амирлигининг курашаётган халқига энди В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Я. Э. Рудзутак, Ш. З. Элиава сингари большевистик партиянинг таниқли арбоблари раҳбарлигида ёрдам кўрсатила бошланди. Лекин кўҳна Бухоро диёрига яқинлашаётган озод бўлиш айёмига В. И. Ленин раҳнамо бўлиб қола берди.

1919 йил 22 ноябрида Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутун Россия съезди ўз ишини бошлади. Унинг очилиш кунида делегатлар олдида В. И. Ленин доклад қилди. Съездда Бухоро революционерларининг делегатлари ҳам қатнашди. Улар — С. Муҳаммадиев ва юқорида тилга олинган А. Муҳиддиновлар эди.

В. И. Лениннинг съезддаги доклади бўлажак Бухоро революцияси учун. Шарқдаги бутун озодлик ҳаракати учун ҳам бўлганидек, тарихий аҳамиятга эга бўлди. Биринчидан, Владимир Ильич революционерлар амалга оширган ишларга якун ясади, ундаги муваффақият ва муваффақиятсизликлар сабабини очиб берди. Иккинчидан В. И. Ленин қарам ва қолоқ мамлакатлардаги революцион вазият етилганлигини тушуниш учун амалда йўл кўрсатди: «Шарқ халқларининг озод бўлиши... ҳозирги вақтда мутлақо амалга ошадиган ишдир» (ТАТ, 39-том, 370-бет). Учинчидан, В. И. Ленин РСФСР ишчилар синфининг эзилган халқларга ёрдамга келишга тайёр эканлигини тасдиқлади: «Энди бизнинг Совет республикамиз Шарқдаги барча уйғониб келаётган халқларни ўз атрофига уюштириб, бу халқлар билан биргаликда халқаро империализмга қарши кураш олиб бормоғи керак» (ў ш а ж о й д а, 380-бет). Тўртинчидан, большевиклар партиясининг доҳийси пировард мақсад — халқларни қулликдан озод этишга эришиш учун халқаро реакция кучларига қарши актив кураш олиб бориш вазифасини қўйди. Ва, бешинчидан, В. И. Ленин Шарқ коммунистларининг нопролетар партияларга муносабатига доир тактикасини таърифлаб берди.

1919 йил охирида Бухоро коммунистик партиясининг узил-кесил шаклланиши ҳам юз берди. 1918 йил ёзида пайдо бўлган партия бир оз муддат «ёш бухоролик коммунист (большевик)лар партияси» деб аталдики, бу ҳол унга ёш бухороликларнинг аввалги либерал хомхаёллари муайян таъсир кўрсатганидан дарак берар эди.

1920 йил ёзига келиб Бухоро амирлигидаги ички аҳвол янада кескинлашди. РСФСР ташқи ишлар халқ комиссари ўринбосари Л. М. Қарахан бу ҳақда В. И. Ленинга хабар қиларкан, шундай деб ёзган эди: «Ҳозирда Бухоро реакциянинг ва мусулмонлар ўртасидаги советларга қарши фаолиятнинг маркази бўлиб қолди. У бутунлай Англиянинг таъсиридадир, Эрондаги рус оқгвардиячиларидан мадад олиб турибди ва улар билан катта алоқаси бор, Афғонистон билан шубҳали ўйин олиб боряпти ва Қобулда бизга қарши бўлган ҳар қандай ҳаракатни қўллаб-қувватлаяпти, бундан ташқари, Бухоро шоша-пиша урушга ҳозирлик кўряпти, сафарбарлик боряпти, қурол-яроғ олиб келиняпти ва ҳоказо. Бошқа томондан, Бухородаги режим жуда шафқатсиз, ҳаддан ташқари солиқлар ва доимий сафарбарликдан силласи қуриган деҳқонларгина эмас, балки майда ва ўрта амалдорлар ҳам мавжуд ҳукуматга қаршидир». РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси Л. М. Қараханнинг докладномасини ўрганиб, амирликда революцион воқеалар етилганлиги хусусидаги хулосага қўшилди ва Бухорода демократик республика ўрнатиш фикрини маъқуллади.

Шу вақтнинг ўзида революцион лагернинг ўзида ҳам муҳим воқеалар юз берди. Ёш бухороликлар сафида буржуа-либерал хом хаёллардан узил-кесил қутула бошлаганларга ва амирнинг «эзгу хоҳиши»дан умидини узмаганларга ажралиш давом этди.

Файзулла Хўжаев биринчи гуруҳга кирар эди. Унинг учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган 1918—1919 йилларда Москвада бўлганидан сўнг у 1920 йил бошларида ўзи тузган ёш бухоролик революционерлар Туркистон марказий бюросининг программасини ёзиб чиқди. Бу программада қуйидаги вазифалар қўйилган эди: монархияни революцион йўл билан ағдариш, халқ республикасини ташкил этиш, амир ерларини мусодара қилиб, уларни ерсиз деҳқонлар ўртасида тақсимлаш, халқ томонидан сайланадиган судни ташкил этиш ва ҳоказо. Шундай қилиб, бу программа унинг тузувчиси аҳолининг ғоят кенг қатламлари манфаатларини ҳимоя қилганидан далолат берарди.

1920 йил ёзида Ф. Хўжаев ўз ташкилотининг программасини РКП(б) МКга тақдим этди ва ёш бухоролик революционерларни большевистик партия сафига қабул қилишни сўради. Қабул масаласи МК Ташкилот бюросининг ўша йил 29 июлдаги мажлисида қараб чиқилди. Бу ташкилотнинг программаси «социализм идеалларига зид келиши» сабабли ёш бухоролик революционерларнинг илтижоси рад этилди. Лекин Ленин партияси штаби монархияга қарши курашда ёш бухоролик революционерларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларни бухоролик коммунистлар билан ягона иттифоққа жалб этиш хусусида қарор қабул қилди. РКП(б) МК Ташкилот бюросининг ана шу мажлиси протоколи билан В. И. Ленин ўша куниёқ танишиб чиқди.

Ленин партияси, шундай қилиб, ёш бухороликлар идеологиясининг заиф жиҳатларини кўрсатди ва ушбу нопролетар ҳаракатнинг энг яхши вакиллари илмий социализм позициясига ўтишини жадаллаштириш учун уриниб кўрди. Ф. Хўжаев ва унинг энг яқин сафдошларининг кейинги сиёсий ўсиши ана шу сиёсатнинг самарали натижаларидан бири бўлди.

Москвада бўлиб ўтган Коминтерн II конгрессининг миллий ва мустамлака масалаларига доир Комиссияси мажлисида (1920 йил 26 июль) В. И. Ленин доклад қилди. У, жумладан, бутун жаҳон давлатлар системаси империалистик миллатлар кичик бир группасининг Совет Россияси раҳбарлик қилаётган совет ҳаракати ва совет давлатларига қарши кураши билан белгиланиши ҳақида хулосага келди. «Агар биз ана шу нарсани назарга олмасак,— деди В. И. Ленин,— у вақтда... бирорта миллий ёки мустамлака масаласини тўғри қўя олмаймиз» (ТАТ, 41-том, 270-бет). Ана шу ленинча хулоса ёш бухороликларнинг жаҳондаги икки қарама-қарши ижтимоий-сиёсий кучга нейтрал муносабатда бўлиш мумкинлиги ҳақидаги фикрда бўлган ва Бухоро амирлигининг мазлум халқи учун Совет Россиясидан ёрдам олиш мақсадга мувофиқлиги хусусида шубҳа қилган қисми учун айниқса ибратли бўлди.

В. И. Ленин ёш бухороликлар ҳам мансуб бўлган буржуа-демократик ҳаракатларга табақалаштириб ёндашишга чақирди, «агар бу ҳаракатлар ҳақиқатан революцион ҳаракат бўлса, агар бу ҳаракатларнинг намояндалари деҳқонларни ва эксплуатация қилинувчи кенг оммани революцион руҳда тарбиялашимиз ва уюштиришимизга тўсқинлик қилмасалар» (ў ш а ж о й д а, 271—272-бетлар), ана шундай ҳолда бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

1920 йил 1 августида В. И. Ленин М. В. Фрунзенинг телеграммасини олди, унда Совет Россиясининг Бухорога нисбатан сиёсати ҳақида сўз борарди. Туркфронт қўмондони амирликда революцион жараён ривожланиши учун икки йўл бор деб ҳисоблаган эди: биринчи — бутунлай ривожланишнинг ички манбаларига асосланган секин йўл; иккинчи — Совет Россиясининг музаффар пролетариати ёрдамини ўз ичига олувчи анча тезроқ йўл. Телеграмма билан танишган В. И. Ленин унга «Бухоро» деб ёзиб, ёнига сўроқ белгиси қўйди ва уни квадрат билан ўрайди. Ленинни Совет Россияси билан қўшни давлатда революцион вазиятнинг ривожланиш даражаси яқиндан қизиқтиргани шак-шубҳасиз.

8 ва 10 август оралиғида Владимир Ильич М. В. Фрунзенинг Бухородаги аҳвол хусусида Реввоенсовет дала штаби бошлиғи В. П. Лебедев билан бевосита линия орқали қилган суҳбатининг ёзуви билан, сўнгра эса Туркфронт Реввоенсо-

вети номига РКП(б) МК секретари Н. Н. Крестинский томонидан ёзилган МК директиваси лойиҳаси билан танишади.

Н. Н. Крестинский лойиҳасида, жумладан, амир қўшинлари билан Қизил Армия қисмларининг кутилмаганда тўқнашиш имконияти сақланиб қолаётганлиги ва бундай шароитда туб ерли аҳоли орасида агрессив қўшнининг, Бухорода тўпланган инглиз агентлари ва у ерга қочган рус оқгвардиячиларининг реакцион сиёсатини тушунтириш ишини авж олдириш муҳимлиги ҳақида сўз юритилган. Лойиҳада бухоролик муҳожирлардан кўнгилли қисмлар тузишга, «Бухоро территориясида ҳам, Туркистоннинг Бухоро билан чегарадош жойларида ҳам рус аҳолисини ҳимоя қилишга доир барча чораларни кўришга» даъват этилган эди. Ҳужжатда «ўз зиммасига Бухоро территориясига ва Бухоро ҳарбий қисмларига ҳужум қилиш ташаббусини олмаслик» зарурлиги алоҳида таъкидланган эди.

26 августдан кечикмай В. И. Ленин РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарлиги Шарқ бўлимининг бюллетенини қараб чиқади, унда Бухоро билан Россия муносабатлари ҳақида хабар қилинган эди. Ўша кунлари у Туркомиссиянинг Бухоро билан ўзаро муносабатлари ҳақида ахборот берилган, В. В. Куйбишев ва Г. И. Бокий имзо чеккан телеграммаси билан танишиб чиқади.

1920 йил 2 сентябрда Бухоро амириннинг мустабид режими қулади. Уч кундан сўнг В. И. Ленин М. В. Фрунзенинг бухороликлар учун энг ардоқли ҳужжат бўлиб қолган телеграммасини олади. Унда шундай деб хабар қилинган эди: «Бугун Бухоро қисмлари билан бизнинг қисмларимиз бирлашган кучлари штурм билан Эски Бухоро қалъасини ишғол этдилар. Бухоро жаҳолатпарастлари ва қорагуруҳчиларининг сўнгги таянчи қулади. Регистон узра жаҳон революциясининг Қизил Байроғи ҳилпирамоқда. Амир қолган-қутган аъёнлари билан қочди, уни тутиш учун чоралар кўрилди. Бутун марказий ва шимолий Бухорода революцион тузум ўрнатиб бўлинди. Россия ва Бухоро Қизил Армияси қўшинлари Туркистон ҳамда бутун Россиянинг ишчи ва деҳқонларини шодиёна хабар билан қутлайди».

В. И. Ленинни революциядан кейинги воқеалар ҳам қизғин қизиқтирди. Олтинчи октябрдан кечикмай у Туркфронт янги қўмондони Г. Я. Сокольников ва Туркомиссия аъзоси Г. И. Сафаровларнинг Бухоро озод қилинганидан сўнгги аҳвол хусусида Тошкентдан юборган мактубини ўқиб чиқади. 1920 йил 22–29 декабрда бўлиб ўтган Советларнинг VIII Бутун Россия съезди минбарида туриб В. И. Ленин шундай деди: «...Шарқда бизнинг сиёсатимиз шу йил ичида жуда катта ютуқларга эга бўлди. Биз Бухоро, Озарбайжон ва Арманистон Совет республикаларининг тузилганлиги ва мустаҳкамланганлигини ва бу республикалар ўз мустақиллигини тўла тиклаш билан чекланиб қолмасдан, шу билан бирга ишчи ва деҳқонлар уларда ҳокимиятни ўз қўлларига олганлигини ҳам табриклашимиз лозим. Бу республикалар Совет ҳокимияти ғоялари ва принциплари фақат саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатлардагина эмас, фақат пролетариат сингари социал таянчи бўлган мамлакатлардагина эмас, балки шу билан бирга деҳқонлар сингари асоси бўлган мамлакатларда ҳам тушунарли ва тезлик билан амалга оширилиши мумкин эканлигини кўрсатадиган ва тасдиқлаб берадиган далилдир. Деҳқон Советлари ғояси енгиб чиқди. Ҳокимиятнинг деҳқонлар қўлига ўтиши таъминланди: ер, ишлаб чиқариш воситалари шу деҳқонлар қўлида. сиёсатимизнинг амалий натижалари деҳқон-совет республикаларининг Россия социалистик республикаси билан дўстона муносабатларини ҳозирдаёқ мустаҳкамлади» (ТАТ, 42-том, 154—155-бетлар).

Бухоронинг озодликка чиққан халқи тақдири яна уч йил Владимир Ильич Ленининг номи билан боғлиқ бўлди. Ана шу боғлиқлик Бухоро Халқ Совет Республикаси меҳнаткашларининг социализм қуриш, СССР халқлари билан дўстлик риштaларини мустаҳкамлашдек эзгу мақсад сари муваффақиятли боришларида асосий кафолат бўлди.

В. ЗОТОВ

МИЛЛИЙ МАСАЛА: ЎТМИШ ДЕФОРМАЦИЯСИ

Сталиннинг вафот этганига ҳам ўттиз беш йилдан ошиб кетди. Лекин марҳумлар тирикларни ўз ҳолига қўймаяпти. «Бу ҳолнинг сабаби нимада?»— «Правда»нинг Еревандаги воқеаларга бағишланиб, 1988 йил 2 апрелда эълон қилинган мақоласида шундай савол бор. Нимага шундай бўлди?— Сумгаитдаги погромлардан ларзага келиб ўзимизга шундай савол берардик. Тоғли Қорабоғда нима юз берди? Кўп миллатли Ватанимизнинг бошқа регионларида миллатлараро муносабатлар кескинлашганлигининг сабаблари нимада? Энг умумий жавоб қуйидагидан иборат: бунда сталинизмнинг деформациялари, сўнгра эса миллий ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги турғунлик даври ўз таъсирини кўрсатяпти.

Бу аҳволни тузатишнинг иложи борми? Ленин айтганидек, миллий масалани ҳал қилишнинг ягона йўли бор, у ҳам бўлса — изчил демократизмдир. XIX партия конференциясининг СССРда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир резолюцияси айни шунга қаратилган.

Узоқ ўн йилликлар мобайнида миллионлаб кишилар онгига Сталиннинг миллий масалада партиянинг асосий, ҳаттоки гениал назариётчиси, Совет кўп миллатли давлатини қуриш ва мустаҳкамлашда Лениннинг энг яқин сафдоши, сўнгра эса унинг ишининг содиқ давомчиси бўлганлиги хусусидаги афсона сингдириб келинди. Бунда «Сталин бугунги куннинг Ленинидир» деган машҳур ибора «ленинча-сталинча» миллий сиёсат хусусидаги формулага айлантирилди. Бу формулада, албатта, муайян маъно бор эди — айни Ленин принциплари Сталиннинг розилиги ва ташаббуси билан бузилганлиги маълум.

Сталиннинг 1913 йилда ёзилган «Марксизм ва миллий масала» мақоласи айниқса кўкларга кўтариб юборилди. У большевизмнинг миллий масалага доир назарияси ва программ йўл-йўриқларини асослаб берувчи классик асар статусини олди. Тўғри, Ленин бу мақолага ижобий баҳо берган (Тўла асарлар тўплами, 48-том, 192-бетга қаралсин). Лекин шу нарсани эътиборга олиш лозимки, мақолани тайёрлаш ва ёзиш жараёнида Сталин Ленин билан бевосита мулоқотда бўлиш, унинг бу соҳадаги маслаҳат ва билимларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган эди. Айни ўша пайтда Лениннинг ўзи миллий масалани чуқур ишлаб чиқаётган бўлиб, бу ишга таниқли партия арбобларини жалб этган. Сталиннинг мақоласи босилган ўша «Просвещение» журналида П. И. Стучканинг (Ветеран тахаллуси билан) «Миллий масала ва латиш пролетариати» номли мақоласи эълон қилинган. Ленин билан хат ёзишиб турган С. Г. Шаумян буржуа миллатчилигига қарши қаратилган катта мақола билан чиқди. Шундай қилиб Сталиннинг мақоласи ҳеч қандай истисно ҳол эмас эди.

Октябрь революциясигача бўлган даврда большевизмнинг миллий масала бўйича халқаро саҳнадаги энг йирик чиқишлари Ленин қаламига мансубдир. Унинг томонидан «Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар» (1913), «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқи тўғрисида» (1914), «Социалистик революция ва миллатларнинг ўз тақдирларини ўзи белгилаш ҳуқуқи (Тезислар)» (1916), «Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги мунозаранинг якунлари» (1916) ва бошқа фундаментал асарлар яратилди.

Октябрь ғалабасидан сўнг Ленин томонидан тузилган биринчи Совет ҳукуматида Сталин миллатлар иши бўйича халқ комиссари лавозимига тайин-

ЗОТОВ Виктор Дмитриевич, философия фанлари доктори, КПСС МК қошидаги Ижтимоий фанлар академиясининг профессори.

ланиб, у 1923 йилгача шу вазифада ишлади. Мамлакатимиз халқлари тенглиги ва суверенлиги принципларини, уларнинг ажралиб чиқиш ва мустақил давлат ташкил этишгача ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилган «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси» ҳамда «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаати миллатлар иши бўйича халқ комиссари сифатида И. Жугашвили — Сталин ва Халқ Комиссарлари Совети Раиси сифатида В. Ульянов (Ленин) томонидан имзоланган эди.

Лекин бу нарса ҳатто ушбу даврга татбиқан олганда ҳам, Ленин ва Сталиннинг умуман миллий масалага доир, хусусан миллий давлат қурилиши проблемаларига доир қарашлари бир хил бўлганлиги хусусида сўзлаш учун ҳеч қандай асос бермайди. Сталин Коминтерн Ижрокомининг (ИККИ) VII кенгайтирилган пленумида 1926 йил декабрида: «Миллий масалада мен билан партия ёки Ленин ўртасида ҳеч қачон ҳеч қандай ихтилоф бўлган эмас» (*И. В. Сталин.* Асарлар, 9-том, 73-бет) деб даъво қилганида самимий бўлмаган дейиш мумкин.

Мамлакатимизда халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи сиёсий ҳаётнинг реал ҳодисасига айланган Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида миллий чекка ўлкаларнинг буржуа доиралари ана шу ҳуқуқдан ўзларининг эгоистик синфий манфаатлари йўлида фойдаланишлари мумкин деган хавфсирашлар пайдо бўлди. Ўртага шундай бир савол қўйилди: кимнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тан олиниши керак — умуман миллатнинг, яъни буржуазия, пролетариат, меҳнаткашларнинг биргаликдаги жаминингми ёки фақат пролетариатнинг, фақат меҳнаткашларнингми? Нима учун пролетариат, Совет ҳокимияти қандайдир «манфур» буржуазиянинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олиши керак?

Советларнинг 1918 йил январда бўлган III Бутун Россия съездида сўзга чиққан Сталин «ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини муайян миллат буржуазиясининг эмас, балки меҳнаткаш оммасининг ҳуқуқи сифатида шарҳлаш зарурлиги»ни ёқлаб чиқди. Бухарин партия VIII съездида (1919 йил март) умуман миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи шиорини рад этди. У шундай деди: «Мен комиссияда ўрток Сталин Советларнинг III съездида изҳор қилган баёнотга асосланиб, шундай таърифни таклиф қиламан: ҳар бир миллатнинг меҳнаткаш синфлари ўз тақдирини ўзи белгиласин»[1]

Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашини меҳнаткашларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши билан алмаштириш таклифига қатъиян қарши чиқиб, буни «принципиал жиҳатдан қабул қилиб» бўлмаслигини кўрсатди (ТАТ, 38-том, 191-бет). Пролетариат ўз манфаатларининг буржуазия манфаатларига қарама-қарши эканлигини англаб, ундан «фарқланган» тақдирдагина меҳнаткашларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши хусусида сўз юритиш мумкин. Бу эса, Россиядан ташқари, бирорта ҳам мамлакатда — энг илғор, капиталистик ривожланган мамлакатларда ҳам, инчунин, феодал тартиблар ҳукмрон бўлган қолоқ мамлакатларда ҳам мавжуд эмас. «Ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини олиши лозим ва бу нарса меҳнаткашларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашига ёрдам беради», (ў ш а ж о й д а , 189-бет), яъни аввало миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, ундан кейин эса меҳнаткашларнинг ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаши, меҳнаткашларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун аввало миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши — ушбу масаланинг чуқур реалистик, хаёлпарастликдан ва «революцион» сафсатабозликдан холи ва шу билан бирга қатъиян синфий асосда ленинча қўйилиши ана шундай эди.

---

[1] РКП(б) VIII съездининг 1959 йилда нашр этилган протоколларига берилган изоҳларда шу муносабат билан бундай дейилган: «И. В. Сталиннинг Советларнинг III Бутун Россия съездидаги баёноти Бухарин томонидан нотўғри баён қилинган». Изоҳнинг бундай таърифланиши ортиқ даражада қатъий туюлади. Гап шундаки, Сталиннинг позициясида аниқлик йўқ эди: бир томондан, у миллатларнинг Россиядан тўла ажралиб чиқишигача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципининг ўзига қарши чиқмаган, бошқа томондан эса — аслини олганда бу принципни инкор этган Бухарин каби хулосага келган. Бухариннинг «Ҳар бир миллатнинг меҳнаткаш синфлари ўз тақдирини ўзи белгиласин» таърифи билан Сталиннинг «муайян миллатнинг меҳнаткаш оммаси ўз тақдирини ўзи белгиласин» таърифини қиёслаш кифоя қилади. Сталиннинг ўзи музокараларда иштирок этмаганлиги, съездда Бухариннинг унга қаратилган мурожаатига ҳеч қандай муносабат билдирмаганлиги эътиборга лойиқдир

В. И. Ленин МҚнинг сиёсий фаолияти ҳақида ҳисобот берган, развёрсткани натура солиғи билан алмаштириш, партия бирлиги ва анархо-синдикалистик оғмачилик хусусида докладлар ва шунингдек касаба союзлари ва ёқилғи масаласига доир нутқлар билан чиққан РКП(б)нинг 1921 йилдаги тарихий Х съездида Сталин партиянинг миллий масалага доир навбатдаги вазифалари тўғрисида доклад қилди. Доклад тезислари съезд очилишидан бир ой аввал «Правда»да эълон қилинди. Бевосита съезд олдидан «Правда»нинг учта сонида (6, 8 ва 9 март) мунозара тартибида Г. В. Чичериннинг «Ўрток Сталиннинг тезисларига қарши» мақоласи эълон қилинди. Съезднинг ўзида ҳам тезислар ҳаддан ташқари умумий, мавҳум характерда бўлгани учун танқидга учради. Уларда тажриба ҳисобга олинмаган, мамлакатнинг миллий чекка ўлкаларида совет қурилиши формалари, синфий структура ва синфий ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари белгиланмаган эди. Украина К(б) П МҚ аъзоси В. П. Затонский музокараларда сўзга чиқиб, Сталиннинг тезислари «гўё даврдан ва макондан ташқари ёзилгандек», бундай тезисларни Октябрь революциясигача ҳам, ундан кейинги турли йилларда ҳам ёзиш мумкин эди, деган эди. Украинадан делегат бўлган Н. А. Скрипник ҳам тезисларда миллий масала «ҳеч қандай зиғирдек даражада ҳам ҳал қилинмаган» деб луқма ташлади. Сталин уни танқид қилганларнинг эътирозларини рад этди, лекин, ўттизинчи йиллар кўрсатганидек, уларни эслаб қолди. Сталиннинг тезислари асос сифатида қабул қилинган бўлсада, съезднинг миллий масалага доир қарорини Ленин раҳбарлигидаги комиссия ишлаб чиқди.

Ленин ва Сталиннинг миллий-давлат қурилиши ва миллатлараро муносабатлар проблемаларига ёндашувларидаги принципиал тафовутлар СССРни ташкил этишга тайёргарлик кўриш давомида ва, хусусан, «Грузиядаги можаро»га баҳо беришда яққол намоён бўлди. Ўтган йили бу ҳақда етарлича муфассал, тарихимизни катта ва кичик бузишлардан тозалаш руҳида «Правда»нинг иккита «жумалик» саҳифасидаги (8 июль ва 12 август) қизиқарли материалларда, шунингдек, тарих фанлари доктори Г. К. Жваниянинг Грузия республика газетаси «Заря Востока»да (26 июнь) эълон қилинган, шу сабабли, афсуски, эҳтимол, кенг газетхонлар оммасига кам маълум бўлган «Ҳақиқат йўлида. «Миллатчи-оғмачилар» хусусидаги масалага доир» деган мазмундор мақоласида ҳикоя қилинди.

Фақат шуни таъкидламоқчимизки, П. Мдивани, Ф. Махарадзе ва бошқа ўртоқлар етакчилигида Грузия К(б)П МҚнинг сталинча «автономлаштириш» лойиҳасига (унга кўра Россия Федерацияси ягона иттифоқ совет давлати бўлиши, қолган миллий республикалар эса унга автономия ҳуқуқи билан киришлари керак эди) қарши чиққанлиги, Грузиянинг ташкил этилаётган ССР Иттифоқига Закавказье Федерациясини четлаб ўтиб мустақил ҳолда киришини ёқлаши совет республикаларини бирлаштириш сиёсатига зид эмас эди. Бу чиқишни кўп миллатли давлатда демократик централизмни ленинча тушуниш доирасида мустақиллик атрибутларини мустаҳкамлашга интилиш тақозо этган эди. Ленин Мдивани ва унинг группасини тушунди ва қўллаб-қувватлади.

1921 йили Тбилисига келган Сталин эса коммунистларни «миллатчилик сарқитларини тугатишга, уларни илдизи билан қуритишга», Грузия ва Закавказьедаги «миллатчилик гидрасини янчиб ташлашга» чақирди, кейинчалик бу қусурларни Грузия КП МҚ раҳбариятига юклаб, унинг позициясини «миллатчи-оғмачилик» тарзида баҳолади.

Барча материаллар билан танишиб чиққан ва кўпгина ўртоқларнинг фикрларини эшитган Ленин «автономлаштириш» ғояси тубдан нотўғри бўлган деган хулосага келади. У масаланинг бошқача ечимини — РСФСРни ҳам киритган ҳолда барча совет республикаларининг уларнинг тўла *тенг ҳуқуқлилиги* ва *суверенлиги* асосида янги кўп миллатли давлат тузилмасига — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига *ихтиёрий* бирлаштирилишини таклиф қилди. Ленин Сиёсий бюро аъзоларига шундай деб ёзди: «... Биз ўзимизни Украина ССР билан ва бошқалар билан тенг ҳуқуқли деб ҳисоблаймиз ва улар билан бирга ва тенг асосларда янги иттифоққа, янги федерацияга... кирамиз... Муҳими... уларнинг *мустақиллигини* барбод қилмаслигимиз, балки яна *бир янги қават, тенг ҳуқуқли* республикалар федерациясини тузишдир» (ТАТ, 45-том, 241—242-бетлар).

Сталин ўз фикридан дарҳол қайтгани йўқ. «Правда»нинг тилга олинган

материалларидан бирида янги ҳужжат — Сиёсий бюронинг Ленин қатнашмаган 1922 йилнинг 27 сентябридаги мажлисида Қаменев билан Сталин ўзаро айирбошлаган ёзишма келтирилади.

«Қаменев: Ильич мустақилликни ҳимоя қилиб жангга отланди. Менга грузинлар билан учрашишни таклиф қиляпти. Ҳатто кечаги тузатишлардан воз кечяпти. М. И. (Мария Ильинична — *Авт.*) қўнғироқ қилди.

Сталин: Менимча, Ильичга қарши қатъият билан туриш керак. Агар бир жуфт грузин меньшевиклари грузин коммунистларига, улар эса Ильичга таъсир кўрсатган бўлса, бундай ҳолда «мустақиллик»нинг қандай алоқаси бор?».

Барибир Сталиннинг «автономлаштириш» плани ўтмади. Лениннинг позициясини «миллий либерализм» деб баҳоларкан, Сталин шундай бўлсада ўз нуктаи назарини ўтказишга журъат қилмади ва бутун лойиҳани СССРни ташкил этишнинг ленинча тушунилишига мувофиқлаштириб қайта ишлади, лекин, аслини олганда, ўз позициясини ўзгартиргани йўқ. Мдивани РКП(б) МКнинг 1922 йил 6 октябрда бўлган, бу масалани уч соат давомида муҳокама этган Пленуми арафасида ва унинг ўзида Ленин ва Сталиннинг бир-бирига қарши турганини мана бундай баҳолаган эди (соғлиғи ёмонлашгани туфайли Ленин Пленумда қатнашмаган, лекин Л. Б. Қаменев ва баъзи бир бошқа партия раҳбарлари билан хат орқали алоқа қилиб турган): «Аввалига (Ленин аралашмаган пайтда) бизни держимордачасига саваладилар, мазах қилдилар, Ленин аралашганидан, у билан учрашиб ва батафсил ахборот берганимиздан сўнг иш коммунистик ақл-идрок томонига бурилди... Ўзаро муносабатлар тўғрисидаги масала бўйича тенг ҳуқуқлиликка асосланган ихтиёрий иттифоқ қабул қилинди ва булар ҳаммасининг натижасида бизга қарши қаратилган димиқтирадиган муҳит тарқай бошлади: аксинча, МК Пленумида улуғ давлатчилар ҳужумга учради — Бухарин, Зиновьев, Қаменев ва бошқалар ҳам ана шундай гапирдилар. Лойиҳа, албатта, Ленинга тегишли эди, лекин у дарров фронтни ўзгартирган Сталин, Оржоникидзе ва бошқалар номидан киритилган эди... Бу гуруҳ шундай тарсаки едики, уни Ленин ҳайдаб киритган уядан яқин вақт ичида бошини чиқаришга журъат қилмаса керак... Ҳа, муҳит бир оз равшанлашди, лекин у қайтадан қуюқлашиши мумкин» («Заря Востока», 1988 йил 26 июнь сонига қаралсин).

Закавказье ўлка партия комитетига бошчилик қилган, грузин «мустақилчи»ларининг позициясига кескин салбий муносабатда бўлган Г. Қ. Оржоникидзе ўзини тутолмаганлиги ва уни сўз билан ҳақорат қилган «мустақилчи»ни урганлиги «Грузиядаги можаро»ни чуқурлаштириб юборган (шуни айтиш лозимки, иккала томон бунда бир-биридан қолишмаган: Оржоникидзе Мдиванини «чайқовчи, майхона хўжайини», Л. Думбадзени «аҳмоқ ва иғвогар» деб атади, ЧҚ раиси Қ. Окуджавага отиб ташлаш билан таҳдид қилди; бунга жавобан А. Қабахидзе Оржоникидзени «Сталиннинг эшаги» деб атади). 1922 йил ноябрида РКП(б) МК Сиёсий бюроси юзага келган вазиятни ошиғич кўриб чиқиш учун Ф. Э. Дзержинский бошчилигида махсус комиссия юборишга қарор қилди. Бир оз кейинроқ Ленин «Грузиядаги можаро»ни текширишда комиссия етарлича беғаразлик кўрсатмаганлиги хусусида ўз фикрини айтган эди.

Мана бундай мулоҳаза юритиш мумкин эди: Закавказьедаги икки партия комитетининг можароси албатта, ёмон, ҳатто жуда ҳам ёмон. Лекин у маҳаллий, локал характерга эга бўлиб, умумиттифоқ ишига ҳеч қандай хавф туғдира олмайди. Мушт ўқталиш фактига келсак, у ножўя, номуносиб, ниҳоят ғайриахлоқий ҳол. Лекин умуман олганда у арзимаган нарса. Қизишганда, бунинг устига жанубга хос қайноқ қонли эркаклар ўртасида нималар бўлмайди дейсиз. Агар ярашиб бўлмаса, ана шу кўнгилсиз воқеани, кейинчалик Сталин айтганидек. «арзимас» инцидентни тезроқ унутиб юбориш керак.

Лениннинг реакцияси бутунлай бошқача бўлди. У аччиқланади, дарғазаб бўлади, Оржоникидзени «ибрат бўладиган қилиб жазолаш»ни талаб этади (ўзини шахсан унинг дўстлари қаторига киритганлиги учун буни ғоят афсуслик билан изҳор қилади). Ленин Оржоникидзенинг Закавказьедаги бошқа ҳамма гражданларга нисбатан ҳокимият кучига эга бўлгани ҳолда уларнинг кўз ўнгида марказий ҳокимиятнинг тимсоли эканлигини ҳам эътиборда тутиб, Оржоникидзенинг *грузинча* эмас, балки *буюк давлатчиликка* хос мушт ўқталиши ҳақида сўз юритганлигини таъкидлаш диққатга сазовордир.

Ленин айтиб туриб ёздирган охирги ҳужжат 1923 йилнинг 6 мартига тааллукли. Ленин Мдивани ва Махарадзега шундай деб ёзган: «Ҳурматли ўртоқлар! Сизларнинг ишингизни бутун борлиғим билан кузатмоқдаман. Орджоникидзенинг кўполлигидан ва Сталин билан Дзержинскийнинг бундай кўполликка йўл қўйиб бераётганлигидан аччиғим чиқди. Сизларга атаб хатлар ва нутқ тайёрлаяпман. Ҳурмат билан *Ленин*». Лекин хатлар ҳам, нутқ ҳам қолиб кетди. Ленин таъкидлаб ўтганидек, Сталин ўзининг шошма-шошарлиги, маъмуриятчиликка берилиб кетиши, бадном «социал-национализм»га қарши дарғазаб бўлиши билан бошвоғини ечиб олди. Лениннинг сўнгги хати руҳига зид ўлароқ Сталин 1926 йил декабрида Мдивани сингари «оғмачилар» ўзларига нисбатан янада қаттиқ муносабатга лойиқ эди, улар «энг очиқ оппортунизмнинг айниб бораётган фракцияси» бўлиб қолдилар деб айтган эди (*И. В. Сталин.* Асарлар, 9-том, 73-бет). Кейинроқ Берия эса ўзининг «Закавказьедаги большевистик ташкилотлар тарихи ҳақидаги масалага доир» деган китобчасида 1927—1935 йиллар мобайнида грузин «миллатчи-оғмачилиги» «фашизмнинг ёлланма агентурасига ўсиб етишди, жосус, зараркунанда, кўпорувчи, айғоқчи ва қотилларнинг принципсиз ва ғоядан маҳрум бандасига айланди», деб ёзиб, бу соҳада янада илгарилаб кетди. Сталин ўқиган лаънат бир неча ўн йилликлар давомида республиканинг бутун партия ташкилотини эзиб ётди.

Келинг, қуйидаги саволни бериб кўрайлик: нима учун Ленин ўша кунлари, унинг учун соатлар тугул, минутлар ҳам саноқли бўлган (врачлар диктовка қилиш учун унга аввал кунига фақат 5—10 минутга, сўнгра эса кўпи билан 30—40 минутга рухсат берган эдилар), Лениннинг мияси гавданинг заифлигини писанд қилмай партия ва халқка социалистик қурилишнинг энг муҳим, асосий, стратегик масалалари хусусида сиёсий васиятнома қолдириш учун бутқул ишлаётган 1922 йилнинг 30 ва 31 декабрларида, нима учун айни шу кунларда Ленин машъум «Грузиядаги можаро» билан боғлиқ ўз мулоҳазаларини *уч бўлиб*(!) диктовка қилган?

Чунки Ленин бунда СССРдаги социалистик қурилиш бутун ишини, турли халқлар ва мамлакатлар меҳнаткашларининг интернационал жипслашишини хавф остига қўя олишга қодир нарсани кўрган эди. Моҳият пайдо бўлади, ҳодиса моҳиятлидир — диалектика ана шундай. «Грузиядаги можаро»дан эътиборини тортиб, Ленин: интернационализм ва миллатчиликни қандай тушуниш керак, бу иккала ҳолнинг масалани умуман, абстракт қилиб қўйишда эмас, «бу нарса ҳеч нимага арзимайди», балки катта эзувчи (ёки яқингача эзиб келган) миллат ва кичик эзилувчи (ёки яқингача эзилиб келган) миллатга татбиқан қўйилишида қандай намоён бўлаётганидан жуда катта тарихий муҳим проблемани кўра олди.

Катта миллатнинг чинакам интернационализми, Ленинга кўра, миллатларнинг расман тенглигига риоя қилишдагина эмас, балки анчагина катта нарсада зарурат туғилганда унинг «ғайритабаа»га ён беришга қодирлигида кўриниши керак. Фақат шундай қилибгина миллий заминда юзага келадиган ишонмаслик, ранж-алам, адолатсизликка барҳам бериш мумкин. Ленин огоҳлантирган эди: мамлакатимизда миллий масалага ҳақиқатан пролетарча муносабатда бўлиш жаҳон тарихининг эртанги куни учун, хусусан Шарқда, империализм томонидан эзилган халқлар бутунлай уйғонадиган ва уларнинг озод бўлиши учун ҳал қилувчи узоқ ва оғир жанг бошланадиган пайтда жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

«Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир» хатлар Лениннинг миллий масалага доир васияти, унинг сиёсий васиятининг ажралмас таркибий қисмидир.

1924 йил январида Ленин вафот этди. Сталин ўзининг машҳур қасамини ичди. Мамлакатимиз миллатлари меҳнаткашларининг иттифоқини «Советлар Республикасининг иккинчи ўзаги» (биринчи ўзак — пролетариат диктатураси) деб атаб, у шундай деди: «Руслар ва украинлар, бошқирдлар ва белоруслар, грузинлар ва озарбайжонлар, арманлар ва доғистонликлар, татарлар ва қирғизлар, ўзбеклар ва туркманлар — буларнинг ҳаммалари пролетариат диктатурасининг мустаҳкам бўлишидан бир хилда манфаатдордирлар. Пролетариат диктатураси бу халқларни кишан ва зулмдан қутқазгани каби, бу халқлар ҳам Советлар Рес-

публикасига фидокорона содиқ бўлишлари, бу республика учун жон фидо қилишга тайёр туришлари орқасида Советлар Республикамизни ишчилар синфи душманларининг ҳийла ва ҳужумларидан қутқазмоқдалар. Шунинг учун ҳам ўрток Ленин бизга мамлакатимиздаги халқларнинг ихтиёрий иттифоқи зарурлигини, Республикалар Иттифоқи доирасида уларнинг бир-бирларига қардошларча ҳамкор бўлишлари зарурлигини доимо айтиб келган эди.

Ўрток Ленин орамиздан кетатуриб, Республикалар Иттифоқини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни васият қилди. Ўрток Ленин, сенга қасамёд қилиб айтамизки, биз сенинг бу васиятингни ҳам шараф билан бажарамиз!» (И. В. Сталин. Асарлар, 6-том, 63-бет).

Ўтмишни ҳозирги кун позицияларидан туриб, ошкоралик мулкига айланган тарихий фактлар (булар эса уларнинг атиги жуда оз қисми бўлса керак) асосида мушоҳада қила бориб, Сталин жуда тез фурсатда Ленин васиятини ҳам, ўзининг қасамёдини ҳам унутиб юборди деб таъкидлаш мумкин. *Ленинча-сталинча миллий сиёсат бўлмаган.* Миллий, миллатлараро муносабатлар проблемаларига ёндашишда ғоят назокатлилик, эҳтиёткорлик, ён босувчанлик билан, миллий заминдаги андаккина бўлсада адолатсизликка тоқатсизлик билан ажралиб турувчи *ленинча* миллий сиёсат, чинакам интернационализм ва гуманизм билан йўғрилган сиёсат бор эди. Унинг ўрнига бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик методлари, зўраки қарорлари, турли миллатларга мансуб кишиларга ишонмаслиги, улардан шубҳаланиши ва шафқатсизлиги, бутун-бутун халқларга нисбатан тийиқсиз ўзбошимчалиги билан биргаликда *сталинча* миллий сиёсат келди.

30-йиллар иккинчи ярмида туғилган «ленинча-сталинча миллий сиёсат» термини тарихий ўтмишга кўчирилди ва ҳар қанақасига бўлсада у ерда мустаҳкамланди. Сталин «Қисқача таржимаи ҳол»ининг тузувчилари Октябрь революциясининг «икки доҳийси» назариясини тарғиб қиларканлар, ҳатто партиямиз фаолиятининг февралдан (1917 йил) бошлаб Октябргача бўлган даврини характерлашда «ленинча-сталинча миллий сиёсат» терминини қўлланишдан тортинмадилар («Иосиф Виссарионович Сталин. Қисқача таржимаи ҳол». Т., 1948. 62-бетга қаралсин). Бунда тарихий ҳақиқатнинг биргина зарраси ҳам мавжуд эмас.

Шу нарса ибратлики, совет-партия мактаблари учун 1931/3 2 ўқув йилига мўлжалланган «Миллий компартиялар тарихи» курси программасида (ушбу қизиқарли ва мазмундор курс ўшанда илк бор киритилган бўлиб, Сталиннинг диктовкаси ва бевосита иштирокида ёзилган партия тарихининг сохталаштирилган «Қисқача курси» давридан олдинроқ ўтилган эди): «ленинча миллий сиёсат», «ленинча йўл», миллий сиёсатда «ленинча принциплар», «партиянинг миллий сиёсати» каби турли таърифлар мавжуд эди, лекин бир неча ҳолда Ленин номи билан бир қаторда Сталиннинг номи пайдо бўлган бўлсада, «ленинча-сталинча» миллий сиёсат ҳақида сўз юритилмаган эди.

1930 йили Харьковда республика партия ташкилотининг раҳбари С. В. Косиорнинг «Ленинча миллий сиёсат учун» (Украина К(б)П МКнинг Бутун Украина XI партия съездига сиёсий ҳисоботидан) брошюраси нашр этилди. Унда Сталиннинг номи ҳатто эслатиб ҳам ўтилмаган! Атиги беш йил ўтди. Украина К(б)П МК секретари П. П. Постишевнинг нутқ ва чиқишлари тўплами энди бошқача аталди: «Партиянинг ленинча-сталинча миллий сиёсати учун курашда» (Киев. Украина К(б)П МК партия нашриёти, 1935). Ундан энди «буюк устоз, доҳий ва раҳбар» сифатида Сталинга кўп сонли ҳаволалар ўрин олган эди. Раҳбар партия кадрлари шунчалик тез «шахсга сиғиниш» мадҳиябозлигига мубтало бўлдилар, ўзлари истасалар-истамасалар ҳам буни тарғиб қилдилар.

Улар кейинчалик бир-бирларини кўришга ҳамда бу борада бирор нарса айтишга муваффақ бўлдиларми-йўқми, буниси бизга номаълум. Бир нарса маълум: ВКП(б) МК Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари С. В. Қосиор ҳамда ВКП(б) МК Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Украинадан Қуйбишев область партия комитети биринчи секретарлигига ўтказилган П. П. Постишев бир кунда — 1939 йилнинг 26 февралида отиб ташланган.

Сталин томонидан ленинча миллий сиёсатнинг бузилиши социализм деформа-

циясининг умумий оқимида амалга оширилди, лекин шунга қарамай ўз фожиали тарихига эга эди.

Сталин 1924 йил апрель-майга оид «Ленинизм асослари тўғрисида»ги лекциялар туркумида миллий масалани ҳам қараб чиқди. Унда умумий ва тўғри қоидалар билан бир қаторда «реакцион халқлар» тўғрисида мулоҳазалар ҳам бор (*И. В. Сталин.* Асарлар, 6-том, 169—170-бетларга қаралсин). Бунинг устига бунда марксизм асосчиларидан парчалар келтирилган.

Ҳақиқатан ҳам марксизм асосчилари (масалан, Ф. Энгельс «Демократик панславизм» мақоласида — *К. Маркс и Ф. Энгельс.* Соч, т. 6. стр. 293, 294) баъзан «контрреволюцион» халқ терминини ишлатганлар, лекин уларда сўз умуман халқ тўғрисида эмас, балки ушбу халқ ҳукмрон реакцион синфларининг бошқа халқлар революцион-озодлик, демократик ҳаракатига нисбатан тутган позицияси хусусида борган. Шуни айтиш керакки, Энгельснинг чехлар, жанубий славянлар каби халқлар ўз революцион потенцияларини 1848 йилда гўё ишлатиб бўлдилар ва Австрия империяси составида туриб янада йирик ва ҳаётий қобилиятли миллатлар томонидан ютиб юборилишига маҳкум бўлган «контрреволюцион» халқлар бўлиб қолди деган фикри кейинги тарихий ривожланиш давомида тасдиқланмади. Сталин буларнинг ҳаммасини билмасдан иложи йўқ эди, шундай бўлсада, ҳеч қандай шарҳларсиз «реакцион» халқлар ҳақида мулоҳаза юритди. Эҳтимол, бунда нуқул «назарий» мулоҳазалардан келиб чиқиб эмас, балки кейинги практикани мўлжаллаб иш тутилгандир?

1929 йили Сталин «Миллий масала ва ленинизм» асарини эълон қилди. Унга хат билан мурожаат қилган бир қатор ўртоқларга жавоб бераркан, у ўз қоидаларини тасдиқлаш учун миллий масалага доир Лениннинг асарларидан кўра кўпроқ ўзининг асарларига мурожаат қилди. Бу асарда Сталин миллатга: одамларга тил бирлиги, территория бирлиги, иқтисодий турмуш бирлиги заминида ва маданият бирлигида кўринадиган психик тузилиш бирлиги заминида вужудга келиб тарихан таркиб топган мустаҳкам бирлигидир, деб таъриф берилган ўзининг 1913 йилга оид «Марксизм ва миллий масала» мақоласидаги таърифни қайтаради (*И. В. Сталин.* Асарлар. 11-том, 381-бетга қаралсин). Ҳозиргача миллатнинг «сталинча» таърифи хусусида сўзланади. Бу масалада махсус тўхтаб ўтирмасдан, фақат шуни таъкидламоқчимизки, миллатнинг Сталин томонидан кўрсатилган белгилари В. И. Лениннинг анча олдин ёзилган асарларида мавжуд (ТАТ, 1-том, 165—166-бетлар; 2-том, 238-бет; 8-том, 83—84-бетлар; 24-том 149-бетларга қаралсин). Бунинг устига миллат белгиларига Ленин Сталинга қараганда анча пухтароқ, диалектик, схематизмсиз ва ўта соддалаштирмай ёндашган. Бизнингча, эндиликда, мамлакатдаги янгича тафаккур ва янгича социал-сиёсий вазият позициясидан туриб миллат таърифига ўзгаришлар киритилиши мумкин, кўринишича, киритилади ҳам. В. И. Ленин меросини «қайтадан мутолаа қилиш» ҳам бунга ёрдам беради.

Сталин СССРда эски миллат ва элатлар ўрнида янги, социалистик миллатлар туғилганлигини қайд этаркан, умуман Ленинга ҳеч қандай мурожаат қилмаганлиги эътиборни ўзига жалб этадики, аслида марксизмга «социалистик миллат» тушунчасини биринчи бўлиб Ленин олиб кирган эди (ТАТ, 30-том, 43-бет). Сталин «пролетариатнинг бутун жаҳон диктатураси даврининг иккинчи босқичида» миллатларнинг йўқ бўлиш ва ягона умуминсоний тилнинг шаклланиш жараёнлари ҳақидаги ўз мулоҳазаларини муфассал ва, сезилиб турганидек, анча иштиёқ билан изҳор этган.

Назариядаги, олис тарихий истиқболдаги манзара ана шундай эди. 1929 йил практикасига келадиган бўлсак, у — қишлоқда «буюк бурилиш» йили бўлди. Тарихан зарур бўлган қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш «сталинчасига» — нуқул маъмурий, кўпинча эса шунчаки зўрлаш методлари ёрдамида олиб борилди. Қулоқларга қарши курашнинг ўзича тўғри бўлган йўли шунчалик кенг талқин қилиндики, натижада ўртаҳол деҳқонларнинг анчагина қисми ҳам қамраб олинди. Ахир, ўша вақтда айни ўртаҳол деҳқон қишлоқда асосий фигура бўлиб қолган эди.

Кимни қулоқ, кимни ўртаҳол, камбағал деб ҳисоблаш хусусидаги ғоят муҳим масала илмий муҳокамадан четда қолди. Масалан, Ўрта Осиёда бой (қулоқ) хўжалигининг белгиларини аниқлашдаги чалкашликлар туфайли «партиянинг ўртаҳол деҳқонга ва ҳатто камбағалларнинг баъзи бир қисмига нисбатан тутган

йўлини оммавий равишда бир қатор бузишларга йўл қўйилди» («Революция и национальности», 1931, № 7, стр. 25). Миллионлаб «кулоқ қилинганлар» Шимолга, Сибирь ва бошқа овлоқ, аҳолиси йўқ районларга бадарға қилинди.

«Сталин ва қишлоқ» темасининг миллий масалага бевосита алоқаси бор. Сталин бир вақтлар қишлоқни «миллатни сақлаб турадиган жой» (*И. В. Сталин.* Асарлар. 5-том, 54-бет) деб атаган эди. 1923 йили партиянинг XII съездида партия ва давлат қурилишидаги миллий моментлар ҳақида доклад билан чиқиб, у совет ривожланиши шароитида миллий масаланинг синфий моҳиятини илгариги ҳоким миллат пролетариати билан илгари эзилган миллатларнинг деҳқонлари, аксариятни ташкил қилган деҳқонлар ўртасида тўғри муносабат ўрнатиш сифатида белгилади (ў ш а ж о й д а, 276-бет). Олти-етти йил ўтгач ана шу қишлоққа — рус, украин, белорус, Дон ва Кавказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиё қишлоқларига, «миллатни сақлаб турадиган» ушбу жойга сталинча маъмурий-буйруқбозлик системаси шундай даҳшатли куч билан зарба бердики, очарчилик ва қишлоқларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган 1933 йилдан буён унинг оқибатларини ҳалигача ҳис этамиз.

Бунинг устига Сталин ўзи «маҳаллий миллатчилик» деб таърифлаган барча нарсага қарши илгари кўрилмаган миқёсда кураш бошлаб юборди. Партия XVII съездида, 1934 йили, у қандай оғмачилик — великорус миллатчилигими ёки маҳаллий миллатчиликми — асосий хавф туғдиради деган риторик савол қўйиб, ўзи шундай деб жавоб берди: «қайси оғмачиликка қарши кураш тўхтатилиб, бунинг орқасида унинг давлатга хавф соладиган даражагача ўсишига имкон берилган бўлса, ана шу оғмачилик асосий хавфдир» (*И. В. Сталин.* Асарлар, 13-том, 401-бет). Шу ернинг ўзидаёқ Скрипник ва унинг группаси «гуноҳи» юз берган Украинада украин миллатчилиги асосий хавф солаётганини кўрсатди. Таниқли партия-давлат арбоби бўлмиш Н. А. Скрипник асоссиз равишда миллатчиликда айбланди. Ноҳақ айблашларга бардош беролмаган Скрипник ўзини ўзи ҳалок этди. Вафотидан сўнг у янада оғир гуноҳларда ҳам айбланди: гўё у нафақат Украина К(б)Пдаги миллатчилик оғмачилигини бошқарган, балки жосус ва контрреволюцион элементларга, фашизм агентларига ҳомийлик қилган ҳамда улар билан алоқа боғлаган эмиш. Натижада Скрипник «халқ душмани» деб эълон қилинди. Республика партия ташкилоти раҳбариятидаги бошқа ленинчи кадрларнинг кўпчилиги, шу жумладан В. П. Затонский, бир оз кейинроқ 1937—1938 йилларда Сталин репрессияларининг қурбони бўлди.

Сталин бошқа миллий республикаларда ҳам ана шундай ҳолни «кузатган эди».

Партия МҚнинг 1937 йил февраль-март Пленумида Сталин нутқининг лейтмотиви сифатида янграган социалистик жамиятда синфий курашнинг кескинлашиши ҳақидаги тезис миллий республикалар шароитида «маҳаллий», «буржуа» миллатчилигини элтувчи барча кишиларга қарши қаратилган репрессияларга айланиб кетди.

Бу репрессияларнинг *оммавий* характерда бўлганига эътиборни қаратмоқчимиз, бу нарса Сталиннинг аввалги расмий баёнотларига зид келади. Чунончи, 1929 йилда мамлакатимизнинг илгари эзилган, эндиликда жонланган миллатларига социалистик қурилишда ҳар томонлама ёрдам бериш хусусида сўзлаб, у тадбирлар қаторида «партиянинг ана шундай сиёсатига тўсқинлик қилмоқчи бўлган элементларнинг ҳаммасини — *гарчи булар унча кўп бўлмаса ҳам* (курсив меники — *В. З.*) — тизгинлашда ёрдам бериш»ни ҳам таъкидлаб ўтди (*И. В. Сталин.* Асарлар. 11-том, 390-бет). ВКП(б) XVII съездида Сталин «миллатчи-оғмачи группалар тор-мор қилинди ва тўзғитиб юборилди» (13-том, 384-бет) деб яна бир бор тасдиқлади.

Агар шундай бўлса, миллий республикалардаги 1937—1938 йилларнинг оммавий репрессиялари кимларга қарши қаратилган эди?

Ўрта Осиёда революциядан кейинги даврда — ғоят қийинчилик билан! — шаклланган маҳаллий партия-совет кадрлари ва интеллигенция қирғин қилинди. *Ўзбекистонда* партия МҚ III пленумида (1937 йил сентябрь) Сталин билан Молотовнинг махсус хати ўқиб эшиттирилди, унда Ўзбекистон К(б)П МҚ биринчи секретари А. Икромов буржуа миллатчиларига нисбатан сиёсий кўрликда, Бухарин ва бошқа «халқ душманлари» билан алоқада айбланган эди. Икромов билан бирга

ликда партия МКК раиси Д. Тўрабеков, республика комсомоли МК секретари И. Ортиқов, область партия комитетларининг секретарлари Д. Ризаев, Н. Исроилов ва бошқалар сохта айбларнинг қурбони бўлди. *Туркманистон ССРда* К(б)П МК секретари Анна Муҳамедов, Совнарком раиси Қ. Отабоев, МИК раиси Н. Айтоқов, таникли партия, давлат ва жамоат арбоблари Ч. Веллеков, Х. Саҳатмуродов, О. Тошназаров, Д. Мамедов ва бошқалар репрессия қилинди. *Тожикистонда* ёлғон айблар билан партия МК секретарлари Ў. Ашуров ва А. Фролов, ХКС раиси А. Раҳимбоев, МИК раиси Ш. Шотемор қамоққа олинди. Ялпи гумонсираш ва ишонмаслик муҳитида партия аъзолари устидан чақув уюштириш нормага айланиб қолди. Натижада баъзи район партия ташкилотлари амалда йўқолиб кетди. Чунончи, Комсомолобод район партия ташкилотида ўчётда атиги битта партия аъзоси ва уч кандидат, Шулмакда — битта партия аъзоси ва беш кандидат, Ванчда — учта партия аъзоси ва 10 кандидат, Норак ва Роҳатидан 4 тадан ВКП(б) аъзоси қолган эди. Қирғизистон ССРда 1937 йил июндаги I съездда сайланган партия МК аъзоларининг кўплари 1938 йил ўртасига келиб туҳматга учраган ва репрессия қилинган эди.

1936 йил декабрида автоном республикадан иттифокдош республикага айлантирилган *Қозоғистон* чўлларини ҳам репрессияларнинг мудҳиш араваси пайҳон қилди. МК секретарлари Л. И. Мирзоян ва С. Нурпеисов раҳбарлигида Қозоғистон К(б)П МК бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг ҳаммаси, Совнарком раиси У. Д. Исаев, МК кўпгина аъзолари, область партия комитетлари секретарлари ва область ижрокомлари раислари, шаҳар ва район партия комитетларининг деярли барча секретарлари унинг ғилдираклари остида қолди. Жафо чекканлар орасида Қозоғистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун актив курашчилардан Ў. К. Жондўсов, Ю. Бабаев, М. Ма Сан-чи, А. Рўзибоқиев, А. М. Асилбеков ва бошқалар бор эди. Таникли жамоат арбоблари, ёзувчилар, шу жумладан И. Жонсуғуров, Б. Майлин, С. Сайфуллин ва бошқалар репрессия қилинди...

«Халклар отаси» ва унинг яқин аъёнлари — ҳокимиятнинг энг юқори қатламидаги муридлар (Молотов, Ворошилов, Каганович, Жданов, Маленков), ҳуқуқни ҳуқуқсизликка бўйсундирган олий давлат юристлари (Вишинский, Ульрих), жаллодлар (Ежов, Берия) ва ҳоказолар — турли миллатларга мансуб, ҳеч қандай гуноҳи йўқ юз минглаб кишиларни социализмнинг «душмани» сифатида лагерларга ташладилар. Ҳатто фашизмдан қочиб СССРда бошпана топган кўплаб хорижий арбоблар-интернационалистлар ҳам репрессия қилинди.

Халққа қарши қаратилган ана шу мудҳиш жиноятларнинг ҳаммаси мамлакатимизда эксплуататорлик синфлари тугатилганидан, Сталин Конституцияси деб ном олган 1936 йилги СССР Конституциясида социализм асосларининг ғалабаси мустаҳкамланганидан сўнг юз берди[1]. Бошқаришнинг бюрократик буйруқбозлик-маъмурий системаси шаклланиши ва ривожланиши иттифокдош республикалар ҳуқуқларининг чекланишига олиб келди. ССР Иттифоқининг олий органлари 1924 йилги СССР Конституциясига биноан иттифокдош республикалар ихтиёрига берилган масалаларга доир қонун характеридаги ҳужжатлар чиқариш миқдорини аста-секин, йилдан-йилга кўпайтириб бордилар. 1936 йилги Конституцияга кўра суд тузилиши ва суд процессига оид қонунчилик бутунлай ССР Иттифоқи ихтиёрига берилган эди[2].

---

[1] Янги конституцияни тайёрлаган Конституция комиссияси 30 аъзосидан 16 нафари 1937—1940 йиллар орасида отилган, улар орасида: Конституция асосий лойиҳасининг авторлари Н. И. Бухарин ва К. Радек, партия МК Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ХКС Раиси ўринбосари, кўп йиллар давомида Украинада ишлаган В. Я Чубарь, СССР МИК Президиуми секретари (1935 йилгача) А. С. Енукидзе, СССР МИК Иттифоқ Совети секретари И. С. Уншлихт, РСФСР ХКС Раиси Д. Е. Сулимов, Белоруссия ХКС Раиси Н. М. Голодед, Закавказье Федерацияси ХКС Раиси (1936 йилгача) Г. Мусабеков ва бошқа таникли партия-давлат арбоблари бор эди. Икки киши ўзини ўзи ўлдирди, улардан Украина ХКС Раиси П. П. Любченко азоб ва қийноқлардан халос қилиш учун аввал ўз хотинини отган.

[2] 1957 йили ушбу жиҳатдан 1924 йилги СССР Конституциясида кайд этилган принципни тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан СССР Олий Совети 1957 йил 11 февралда «Иттифокдош республикалар суд тузилиши, гражданликка қабул қилиш тўғрисидаги қонунчиликни, жиноий ва процессуал кодексларни иттифокдош республикалар ихтиёрига ўтказиш тўғрисида» Қонун қабул қилди.

Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия, шунингдек ўзларида Совет ҳокимиятини тиклаган Латвия, Литва ва Эстония республикалари ўз халқларининг хоҳиш-иродаси билан уруш арафасида, 1939—1940 йилларда СССР составига қўшилди. Урушдан олдин бу ерда социалистик ўзгартишлар даври қанчалик қисқа бўлмасин, лекин бу ерда ҳам сталинчиликнинг репрессия машинаси ўзининг мудҳиш изларини қолдиришга улгурди ва ўз «ишини» урушдан кейин, 1949—1950 йилларда давом эттирди.

Улуғ Ватан уруши Совет кўп миллатли давлати мустаҳкамлигининг ғоят оғир синови бўлди. У Октябрнинг қудратли импульси туфайли, социализм туфайли бардош берди. Ўша пайтларда Сталин шундай деган эди: «Совет Иттифоқининг барча халқлари ҳақли равишда ҳозирги Ватан урушини ҳамма миллат ва динга мансуб бўлган барча меҳнаткашларнинг умумий иши деб ҳисоблаб, ўз Ватанини ҳимоя қилишга бир жон-бир тан бўлиб отландилар» (*И. В. Сталин.* Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши тўғрисида. Т., Ўздавнашр, 1951. 239-бет). Лекин уруш охирига келибоқ унинг ёвуз иродаси билан, бутун-бутун халқлар — чеченлар, ингушлар, қалмоқлар, қорачойлар, кавказлик турклар, курдлар, Қрим татарлари — ўзлари туғилиб ўсган жойлардан мажбуран ҳайдалди ва бошқа районларга кўчирилди. Улар гражданлик ҳуқуқларидан ва бошқа жойга кўчиш эркидан маҳрум қилинди.

Улар орасида немислар билан ҳамкорлик қилган хоинлар кўп бўлган дейишди. Ҳа, хоинлар бўлган, лекин фашистларга қарши курашган қаҳрамонлар ҳам бўлган эди. Лекин А. Первенцев 1949 йили Сталин мукофотига сазовор бўлган «Номусни ёшликдан асрамоқ керак» номли романида қарийб барча Қрим татарларини босқинчиларнинг ҳамтовоғи қилиб тасвирлаган. Бундай айблаш ғайриахлоқий ва шовинистикдир. «Реакцион халқлар» йўқлиги ва бўлиши мумкин эмаслиги сингари «ёмон» этнослар ҳам йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Дарвоқе, ўша пайтдаги душманга нисбатан Сталин адолатлироқ эди, у тарих тажрибасидан мисол келтириб, «Гитлерлар келиб кетаверади, немис халқи, немис давлати эса — қолади» деган эди.

Сталиннинг миллий давлат сиёсати ленинча принципларидан чекиниши жаҳон социализм системасининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида ҳам оғир асорат қолдирди. Тито раҳбарлигида Югославия раҳбарияти социализм қуриш форма ва методлари хусусидаги тасаввурларда Сталин диктатига бўйсунмаган эдики, Югославия Компартияси «жосус ва қотиллар қўлига» тушиб қолди, мамлакат эса социализм системасидан узиб қўйилди. Чехословакия, Польша ва бошқа баъзи мамлакатларнинг кўплаб таниқли партия-давлат раҳбарлари ғайриқонуний ва асосланмаган репрессияларга дучор қилинди. Сталин на ўз мамлакатида, на хорижда бошқача фикрловчи ва бунинг устига бошқача ҳаракат қилувчиларга тоқат қила олмас эди.

Сталинизмдан бошланган, догматизмга, вариантли тафаккурдан воз кечишга, ўз умрини тугатган назарий тасаввурларни, экономикани ташкил этиш ва бошқариш принципларини, сиёсий раҳбарлик форма ва методларини консервациялашга асосланган авторитаризм 70-йилларда ва 80-йиллар бошида қайтадан тикланди, совет жамиятидаги турғунликнинг асосий сабабчиси бўлди.

Бизлар ҳали социализмнинг ўтмишда қолган деформациялари, шу жумладан назария соҳасидаги бузилишлар оқибатларини узил-кесил бартараф этишимиз керак бўлади.

Қайта қуришнинг ғоят муҳим, ҳақиқатан ҳам туб вазифаси — жамиятимизни революцион янгилаш, унинг принципиал жиҳатдан янги сифат ҳолатига эришиш мақсадида ленинча социализм концепциясини назарий ва амалий томондан тўлалигича тиклаш — Сталин шахсига сиғиниш ва турғунлик даврида жиддий бузилган миллий сиёсатнинг ленинча прицципларини ҳам тиклашни тақозо этади. «Ленинча миллий сиёсатни изчил амалга оширишгина, — деб таъкидланди XIX партия конференциясида, — бундан буён ҳам тараққиётимизнинг бирдан-бир соғлом негизи бўлиши мумкин».

(«КОММУНИСТ» журналининг 1989 йилги 3-сони).

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Журналхонларимиздан тошкентлик А. Эрматова бизга мана бу мактубни йўллабди: «Бир неча йилдирки, Ҳиндистоннинг Панжоб штатида тартибсизлик, террорчилик ҳаракатлари давом этмоқда, ўнлаб ва юзлаб кишилар ҳалок бўлмоқда. Панжобдаги воқеалар ҳиндистонликларнигина эмас, балки совет кишиларини ҳам ташвишга солмоқда. Панжоб сепаратчилари ҳаракатининг манбалари, мақсад ва сабаблари тўғрисида, шунингдек Панжобдаги қонли воқеаларнинг олдини олиш юзасидан Ҳиндистон ҳукумати кўраётган тадбирлар тўғрисида муфассалроқ билишни истардик».

СЕПАРАТЧИЛАРНИНГ ПАНЖОБДАГИ ҲАРАКАТИ

БУГУНГИ Панжобни ҳиндистонликлар «мамлакат танасидаги қони оқиб ётган яра» деб атамоқдалар. Неча йилдирки, бу ерда сепаратчиларнинг қонли ёвузликлари тўхтамаяпти, улар бу штатни Ҳиндистондан ажратиб олиш ва унинг территориясида «мустақил Холистон давлати» тузишни талаб этмоқдалар. Панжоб аҳолисининг 52 процентини сикҳлар ташкил этади, қолганлари эса ҳиндулардир.

Диний арбоблар, шунингдек сикҳларнинг Акали дал деб аталмиш сиёсий партияси пешволари қурол қилиб олган сикҳизмнинг ғоявий-назарий манбалари ва социал-иқтисодий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Сикҳлар мазҳабининг асосчиси ва унинг дастлабки гуруси — маънавий доҳийси Нанак (1463—1539 йиллар) эди. Сикҳизм ўзида ҳиндуизм ва исломнинг кўпгина тариқатларини уйғунлаштиради. У қайси табақага мансублиги ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар барча одамларнинг худо олдида тенг эканлигини эълон қилиб, мураккаб расм-русм ва зоҳидликни рад этади. Сикҳизм бошқа динлардан мустаҳкам ташкилоти, қаттиқ интизоми, мазҳаб аъзоларининг ўз бошлиқларига сўзсиз бўйсуниши билан ажралиб туради.

Олтинчи гуру Говинда (1606—1638 йиллар) пайтида сикҳизм мустақил дин сифатида шакл топди. Говинда сикҳларнинг бутун ташкилотини ҳарбийлаштирди. Унинг муридлари деҳқонлар, паст табақа кишилари, турли касбдаги ҳунармандлар орасидан ёлланар эди. У бундан буён гуру ҳокимлиги бутун сикҳлар жамоасига ёйилади деб эълон қилди.

Сикҳлар учун бир қанча ташқи белгилар ҳамда юриш-туришда алоҳида қоидалар белгилаб қўйилди. Уларда ҳамиша ханжар, тароқ, билакузук бўлиши керак. Соч-соқолни олдириш ман этилади. Сикҳлар жамоаси — ҳальсга кирувчи киши ўз табақасидан воз кечади, унинг исмига «Сингх» («шер») деган унвон қўшилади. Ҳар бир сикҳ зиммасига ҳамиша қуролли бўлиш ва урашга тайёр туриш вазифаси юкланади.

Сикҳларнинг миллий онги асрлар мобайнида жуда секин ривожланиб борди, қатор миллий характер хусусиятларига қарамай, улар барибир алоҳида миллат бўла олмадилар, шаклланаётган панжобликлар миллати таркибига қўшилиб кетдилар.

Сикҳларнинг ҳозирги ҳаракати — бу халқнинг бирлик учун олиб бораётган миллий-озодлик кураши эмас, балки империализм кучлари томонидан ташкил этилиб қўллаб-қувватлаб турилган ҳамда Ҳиндистонни парчалаб юборишга қаратилган миллатчилик ҳаракатидир. Террорчиларнинг мақсади аниқ — улар мамлакатни бўлиб юборишга ва сикҳларнинг «Холистон давлати»ни барпо этишга уриниб ётибдилар. Бунда улар жамоалараро тартибсизликлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар, сикҳ аҳолиси орасидаги диний туйғуларига қаттиқ теккан консерватив унсурларга кўпроқ орқа қилмоқдалар.

Экстремистик кайфиятдаги сикҳ раҳбарлари омма онгига «сикҳизм хавф-хатар остида турибди» деган фикрни сингдиришга ҳаракат қилиб, сикҳизм ва ҳиндуизм бир-бирига қарама-қарши эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари суриб, сикҳлар билан ҳиндуларни ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам бир-бирига гиж-гижламоқдалар, «сикҳларнинг «Панжобини «ҳиндуларнинг» Деҳлисидан ажратиб олишни талаб қилмоқдалар. Ҳиндистон ҳукуматининг «Оқ китоби»да таъкидланганидек, Ҳиндистон бирлигига асосий хавф-хатар эндиликда четдан жуда катта мадад олиб турган диний мутаассиблик, сепаратизм ва бошқа нифоқ солувчи кучлардан чиқмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатдаги экстремист кучлар ҳам, Ғарб давлатлари ҳам Панжобни Ҳиндистондан ажратиб олиш учун роса елиб-югурмоқдалар. Маълумки, Панжоб Ҳиндистон экономикасида муҳим ўрин тутади. Бу штат ялпи буғдой ҳосилининг бешдан бир қисмидан кўпроғини ва шолининг анча қисмини беради. Панжоб пахта ва шакарқамиш етказиб беришда ҳам олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Панжобнинг Ҳиндистондан ажралиб чиқиши мамлакат саноатини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳозирги кунда Панжоб автотранспорт воситалари, сунъий тола ишлаб чиқариш, электр энергияси ҳосил қилишда бошқа штатлар ўртасида биринчи ўринни эгаллаб турибди.

У Ҳиндистоннинг ташқи савдосида ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу ердан машинасозлик маҳсулотлари, электр асбоблар, жун ва трикотаж буюмлари, спорт товарлари экспорт қилинмоқда.

Халқ хўжалиги ва мамлакат қуролли кучларида сикҳларнинг роли салмоқлидир. Ҳиндистондаги шофёрлар, граждан авиацияси ва ҳарбий-ҳаво флоти учувчилари, танкчиларнинг кўпчилиги панжоблик сикҳлардир. Панжобдан чиққан фан ва техника мутахассислари хусусий ҳамда давлат компаниялари ва муассасаларида юқори лавозимларни эгаллаб турибдилар.

«Холистон» деган атама 80-йиллардан бошлаб Ҳиндистон ва чет эллардаги газеталар саҳифаларида тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. «Холистон»ни тузиш ғояси муҳожирликда яшаётган сикҳлар ўртасида туғилди. Асли ҳиндистонлик бўлган Америка гражданн Г. С. Дхиллон сикҳлар ўртасида маориф масалаларига бағишлаб 1981 йил мартида Чандигарҳда бўлиб ўтган конференцияда илк бор ана шу нарсага даъват этди. Сўнгра эса АҚШ, Канада, ГФРда, Ғарбдаги бошқа мамлакатларда, шунингдек Покистонда қарийб айни бир вақтда йиғинлар ўтказилди. Уларда Ҳиндистонни парчалаб юбориш, унинг раҳбарларини йўқ қилиш даъватлари янгради. Панжобда жуда кўп террорчилар гуруҳлари пайдо бўлди.

АҚШ, Канада, Буюк Британия ва бошқа баъзи Ғарб мамлакатларидаги сикх муҳожирларидан иборат муайян ташқи кучлар ёвуз ишлар учун мос гумашталарни диндор мутаассиблар орасидан қидириб топдилар. Бунда таг-тугида йўқ, хаёлий «Холистон давлати» президенти Жаг-жит Сингх Чаухан, шунингдек унинг сафдошлари Ғарбда — Сингх Дхиллон ва Ҳиндистоннинг ўзида — Сингх Бхиндранвале асосий роль ўйнадилар. «Холистон давлати» учун сариқ рангли байроқ ўйлаб топилди, пул зарб қилинди, паспортлар чиқарилди ҳамда Лондон, Нью-Йорк, Торонто, Осло ва бошқа баъзи Ғарб шаҳарларида консулхоналар очилди.

«Холистонликлар» ғарблик раҳнамолари билан алоқаларини яширмайдилар. Масалан, Чаухан бир сафар журналистларга шундай деди: «Қўшма Штатларда дўстларим жуда кўп ва менга кўрсатилган ёрдам учун Рейган маъмуриятидан беҳад миннатдорман».

АҚШ ўз территориясида Панжобга юбориладиган террорчиларнинг юздан ортиқ мактабини таъминлаб турибди. «Холистон» тузиш ҳаракати асосан Канада, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа Ғарб мамлакатларидаги сикх мухожирлари ўртасида актив тарафдорларига эга. Ҳиндистоннинг ўзида сепаратчилар Канадага кўчиб ўтишни истаётган ва муҳожирлик тўғрисидаги Канаданинг қаттиқ қонунларини четлаб ўтиш учун ўзларини «сиёсий қочоқлар» деб эълон қилишга ҳам розилик билдирган бир неча минг сикҳни ҳаракатга жалб этдилар.

Ҳиндистон раҳбарлари мустақиллик ва тараққиёт гарови сифатида ўз мамлакатлари мустақиллигини ҳамиша асраб-авайлаб келдилар, барча диний ва миллий жамоаларнинг тенг ҳуқуқлилигини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Индира Гандидан журналистлар бир сафар: «Сиз учун энг катта бахтсизлик нима?» — деб сўраганида: «Ҳиндистон мустақиллиги ва яхлитлигига таҳдид солаётган ҳамма нарса», — деб жавоб берган эди.

80-йилларнинг бошларида оммавий ҳаракат ва террорчиликнинг кучайиши Панжобда ниҳоятда мураккаб вазиятни юзага келтирди. Ҳиндистон ҳукумати сўнгги чораларни кўришга мажбур бўлди. 1984 йилнинг июнь-октябрь ойларидаги воқеалар Панжоб танглигининг энг юқори чўққиси бўлди. Ўшанда сикҳларнинг экстремист гуруҳлари «ўз динларини сақлаб қолиш», Ҳиндистондан ажралиб чиқиш ва «Холистон давлати»ни барпо этиш шиорини илгари суриб, сикҳларнинг асосий муқаддас қадамжолари — Амритсардаги Олтин ибодатхонани босиб олдилар. Ўша ердан туриб уларнинг бошлиғи Бхиндранвале мамлакатни бўлиб юбориш, ўзга диндагиларни ҳамда «Холистон» тузилишини ёқлаб чиқмаётган сикҳларни ўлдиришга даъват этди.

Ўша кезлари штатни идора қилишни ўз қўлига олган Ҳиндистоннинг марказий ҳукумати Олтин ибодатхонани ҳужум билан қўлга киритишга қарор қилди. Ҳужум вақтида Бхиндранвале ҳалок бўлди. Олтин ибодатхонага аскар кириши, ибодатхонадаги айрим иморатларга шикаст етиб, бир неча юз кишининг ҳалок бўлиши Ҳиндистонга қарши жуда кўп ташкилотлар қутқу солиб, гиж-гижлаб турган сикҳлар ўртасида салбий реакция уйғотди. Штатдаги вазият ниҳоятда қалтис бўлиб қолди.

Сикҳ экстремистлари раҳбарлари ёвуз ният ўйлаб қўйдилар. Улар бош министр Индира Гандига суиқасд тайёрламоқда эдилар. Америка маъмуриятига И. Гандининг антиимпериалистик ташқи сиёсати ёқмасди. «И. Гандини ўлдириш режаси Нью-Йоркда очиқчасига муҳокама этилди», деб ёзганди «Пэтриот» газетаси. «Холистон давлати» тузиш учун кураш ташкилоти тўдасидаги АҚШда паноҳ топган сикҳлар И. Гандини жисмонан йўқ қилиш вариантларини муҳокама этдилар. 31 октябрь тонгда Индира Ганди фитначилар қўлида ҳалок бўлди.

Ҳукуматнинг янги бошлиғи Ражив Ганди 1985 йил июль ойининг охирида Панжоб танглигини бартараф этиш тўғрисида сикҳларнинг Акали дал партияси раиси Х. Лонговал билан битим тузишга муваффақ бўлди. Битим муросасозлик йўсинида эди. Бироқ Лонговал тез орада штатдаги, қола-

верса бутун Ҳиндистондаги вазият нормаллашувига олиб келадиган имконият очилганлигидан норози сикҳ террорчилари томонидан ўлдирилди.

Битимда кўзда тутилган сентябрь (1985 йил) сайловларидан кейин Панжобда Акали далнинг С. Барнала бошчилигидаги бир партияли ҳукумати ҳокимият тепасига келди. Экстремистик кайфиятдаги сепаратчилар янги ҳукуматнинг қатъиятсизлигидан фойдаланиб, 1986 йил январида яна Олтин ибодатхона комплексини босиб олдилар. Яна жиноятчиликнинг янги тўлқини кўтарилди. Ғарблик ҳомийлар томонидан рағбатлантирилиб турилган сикҳ сепаратчилар панжобликларнигина эмас, балки Ҳиндистоннинг бошқа районлари аҳолисини ҳам ўлдириб, талай бошладилар, террорчилик ҳаракатини авжига чиқардилар.

Ҳиндистонга қарши қаратилган сиёсатда Ғарб Покистондан ҳам фойдаланмоқда. Сикҳ сепаратчилар Покистон ҳокимларидан маънавий, моддий ва ҳарбий мадад олиб туришибди. Панжоб билан каттагина территорияда чегарадош бўлган Покистонда сикҳлардан террорчилар тайёрланадиган лагерлар кўп. Улар АҚШнинг Покистонга ҳарбий ёрдами ҳисобидан таъминланиб туради.

Вашингтоннинг панжоблик сепаратчилар ҳақида бунчалик «ғамхўрлик» қилиши бежиз эмас. АҚШнинг сикҳларга хайрихоҳлиги региондаги аҳвол, Афғонистондаги вазият ва Эрондаги Америкага қарши режим мавжудлиги туфайлидир. Вашингтон ана шу мураккаб вазиятда Покистон билан бирга «мустақил Холистон»ни бу мамлакатларга қарши қўйишни истайди.

Расмий Исломободнинг ошкора йўл қўйиб бериши туфайли сикҳ экстремистлари Покистон территориясида вақти-вақти билан Ҳиндистонга қарши йиғинлар ўтказиб турадилар. Бундай йиғинларда сикҳларнинг океан ортидаги сепаратчи ташкилотлари раҳбари Г. С. Дхиллон жуда авжига чиқиб кетади.

АҚШнинг махсус хизмат бўлинмалари сикх сепаратчилари орқали Ҳиндистонда тартибсизликлар келтириб чиқармоқдалар. Ёлланма террорчилар одамларни ўлдирмоқдалар, поездларни портлатмоқдалар, полиция участкаларига ҳужум қилмоқдалар, автобусларни ёндириб юбормоқдалар. Панжоб экстремистлари Ҳиндистон Бош министри Ражив Гандига ҳам суиқасд қилмоқчи бўлишди, Ҳиндистон авиация компаниясига қарашли Боинг «Канишка» самолётини портлатиб юборишни мўлжаллаб қўйишди.

Сикҳ сепаратчилари Ҳиндистондагина эмас, балки чет элларда ҳам террорчилик ҳаракатлари уюштирмоқдалар. Муҳожир сикҳлар орасидаги ватанпарварлик кайфиятидаги кишиларни қўрқитиш жуда кенг тус олди. Сикҳларнинг сепаратчилик ҳаракати тор миллатчилик ҳаракатидан халқаро террорчилик ҳаракатига айланди.

Ҳозирги вақтда таг-тугида йўқ «Холистон давлати»нинг сохта президенти Ж. С. Чаухан АҚШ, Англия ва Канада бўйлаб бемалол сафар қилиб юрибди, бу давлатлар ҳукуматларининг индамаётганлигидан фойдаланиб Ҳиндистонга қарши намойиш ва қўпол иғвогарлик уюштирмоқда, ғаламисона нутқлар сўзламоқда, «Холистон» солдатлари»ни Ҳиндистон Республикасига қарши қуролли курашга чақирмоқда. Индира Гандини йўқ қилишга ошкора даъват этган, унинг ўлимидан сўнг Ражив Гандини «галдаги нишон» деб атаган бу жиноятчи Лондонда бемалол айшини суриб юрибди.

Сепаратчиларнинг мамлакат ичкарисидаги террорчилик хуружлари Панжоб билан чекланиб қолмаяпти, улар бошқа штатларга ҳам ўтмоқдалар, Ҳиндистон пойтахти ҳам холи қолмаяпти. Бу хуружлар кўлами шунчаликка етдики, марказий ҳукумат энг сўнгги маъмурий ва ҳарбий чораларни кўришга мажбур бўлди.

Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг секретари Н. К. Кришнан 1986 йил мартида Патна шаҳрида Компартиянинг XIII съезди очилишида сўзлаган нутқида мамлакатдаги ички сиёсий вазиятни таҳлил этиб шундай деди: «Кейинги вақтларда АҚШ империализми Ҳиндистондаги вазиятни издан чиқариш учун ўз ҳаракатларини активлаштирди, шу мақсадда ҳинду коммуналистларидан, мусулмон фундаменталистларидан, мамлакатдаги табақа, сепаратчи ва бошқа нифоқ солувчи кучлардан фойдаланмоқда. Улар ўзларининг иғвогарлик фаолиятларини кучайтириб Панжоб, Жамму ва Кашмирда, шимоли-шарқий регионда ва Ҳиндистоннинг бутун шимолида вазиятни жуда кескинлаштириб юбордилар... Ана шу хуруж натижасида республиканинг миллий бирлиги ва территориал яхлитлиги таҳдид остида қолди».

1987 йил октябрида тўртта сўл партия — Ҳиндистон Коммунистик партияси, Ҳиндистон Коммунистик (марксчи) партияси, Революцион-социалистик партия ва Форвард блок партияси ташаббуси билан сепаратизмга қарши миллий конференция ўтказилди. Унда республикани демократик конституцион асосларда мустаҳкамлаш, унинг территориал бирлигини сақлаб қолишни ёқлаб чиқаётган бошқа бир қанча партия ва сиёсий гуруҳларнинг намояндалари ҳам қатнашдилар.

Ҳиндистон Коммунистик партияси Панжобдаги вазиятдан чуқур ташвишда эканлигини изҳор этди, сепаратчилар билан ва уларни илҳомлантирувчиларнинг ғайримиллий фаолиятини қоралади, сикҳлар билан ҳиндулар ўртасига нифоқ солишга қаратилган диний-жамоа пропагандасига қарши ягона, демократик, иқтисодий тараққий этган Ҳиндистон учун курашни ёқлаб чиқди.

Н. ТЎЛАГАНОВА.

ЎЗБЕКИСТОН НАШРИЁТИНИНГ ЯНГИ КИТОБ ВА БРОШЮРАЛАРИ

Маркс К., Энгельс Ф. **Коммунистик партия манифести.** 1988, 64 бет.

Маркс К., Энгельс Ф. **Коммунистлар Союзига Марказий Комитетнинг мурожаати.** Коммунистлар Союзининг тарихига доир. 1988, 70 бет.

Маркс К. **Ёлланма меҳнат ва капитал.** 1988, 47 бет.

Маркс К. **Францияда гражданлар уруши.** 1988, 116 бет.

Маркс К., Энгельс Ф., Ленин В. И. **Социализм ва коммунизм тўғрисида.** 1988, 379 бет.

Ленин В. И. **Сўнгги хатлар ва мақолалар.** 1988, 72 бет.

Ленин В. И. **Коммунизмда болаларча «сўллик» касали.** 1988, 120 бет.

Ленин В. И. **Марксизм тарихий тараққиётининг баъзи хусусиятлари ҳақида.** Карл Маркс таълимотининг тарихий тақдири. Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми. Карл Маркс (қисқача биографик очерк, марксизмнинг изоҳи билан). 1988, 74 бет.

Ленин В. И. **Мусобақани қандай ташкил қилмоқ керак? Буюк почин.** (Ишчиларнинг мамлакат ичкарисидаги жасоратлари тўғрисида. «Коммунистик шанбаликлар» муносабати билан). 1988, 40 бет.

Ленин В. И. **Пролетариат диктатураси даврида экономика ва сиёсат.** 1988, 14 бет.

Ленин В. И. **Давлат тўғрисида.** 1988, 24 бет.

Ленин В. И. **Бир қадам олға, икки қадам орқага.** 1988, 236 бет.

Ленин В. И. **Ўн томлик танланган асарлар.** 5-том, 2-қисм, 710 бет.

КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари. 13-том. 1988, 671 бет.

Китоб партиянинг 1978—1980 йиллардаги энг муҳим ҳужжатларини қамраб олган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави. Совға нашри. 1988. 162 бет.

Горбачев М. С. **Танланган нутқлар ва мақолалар.** 3-том, 1988, 566 бет.

Горбачев М. С. **Кооперация имкониятлари қайта қуриш ишига хизмат қилсин.** Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездида сўзланган нутқ. 1988 йил 23 март. 1988, 46 бет.

Горбачев М. С. **Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси.** КПСС МК Пленумида сўзланган нутқ. 1988 йил 18 февраль. КПСС МК Пленуми қарори. 1988, 54 бет.

Горбачев М. С. **Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун.** 1988, 317 бет.

Горбачев М. С. **КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида.** КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида қилинган доклад. 1988 йил 28 июнь. 1988, 96 бет.

Қайта қуриш муваффақияти — халқ қўлида. М. С. Горбачевнинг Ўзбекистонга қилган сафари ҳақидаги материаллар тўплами. 1988 йил 6—8 апрель. 1988, 38 бет.

Демократиялаш — қайта қуришнинг моҳияти, социализмнинг моҳиятидир. КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситаларининг, идеология муассасалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан ўтказилган учрашув. 1988 йил 8 январь. 1988, 62 бет.

Коммунистическая партия Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК., т. 3. 1988, 668 с.

КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти филиали — Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти томонидан тайёрланган тўпламга республика партия ташкилотининг 1960—1975 йиллардаги фаолиятига доир энг муҳим ҳужжатлар киритилган. Том материаллари хронологик тартибда жойлаштирилган. Тўпламда изоҳлар берилган, баъзи ҳужжатлардан эса парчалар келтирилган.

Луначарский А. В. **Революция илхомчиси.** 1988, 45 бет.

Цеткин К. **Ленин ва омма.** 1988, 96 бет.

Вопросы и ответы по резолюциям XIX Всесоюзной партийной конференции (материалы в помощь лекторам, агитаторам и пропагандистам). 1988, 54 с.

Брошюрада Бутуниттифок XIX партия конференциясининг қарорларини кенг муҳокама қилиш жараёнида Тошкент шаҳрининг коммунистлари ва партиясизлари изҳор эттан энг муҳим ва типик саволлар изоҳлаб берилади, сиёсий системани, хўжалик механизми, социал сиёсат, ҳуқуқий муносабатларни қайта қуришнинг баъзи асосий проблемалари кўриб чиқилади.

Абутолипов Ч. **Ленинское искусство политической полемики.** 1988, 56 бет.

Брошюрада В. И. Ленин асарларига ва унинг оғзаки чиқишларига асосланган ҳолда ленинча сиёсий баҳснинг принциплари, мантиқи ва методлари ҳамда уларнинг партия ҳаётида, қайта қуриш, ҳозирги шароитда демократиялашни чуқурлаштириш ва ошкораликни кенгайтириш йўлларидаги совет жамияти тутган аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилинади.

За социальную справедливость. Пресс-сборник. Составитель Л. В. Шистер. 1988, 368 с.

Иттифок ва республика журналлари ва газеталари материалларидан тузилган матбуот тўпламига таникли олим ва журналистларнинг социал адолат учун курашга, унинг принципларини тажрибада амалга оширишга бағишланган ёркин мақолалари кирган.

Китоб социалистик жамиятни ривожлантиришнинг актуал проблемалари билан қизиққан ўқувчиларга мўлжалланган.

Обновление. Пресс-сборник. Составитель И. Л. Устименко. 1988, 271 с.

Китобдан олим ва журналистларнинг марказий ва республика матбуотида эълон қилинган мақолалари ўрин олган. Кўтарилган масалалари, конструктив ва чуқур анализ килиши жиҳатидан турлича бўлган уларни умумий бир мақсад — қайта қуриш мақсади бирлаштирган. Китобнинг ўзи ҳам қайта қуриш тажрибасига қўшилган ўзига хос камтарин ҳиссадир. У олдимизда турган қийин, аммо руҳлантирувчи масалаларнинг энг яхши ечимларини топишга чақиради.

Перестройка: первичные партийные организации. Формы и методы. 1988, 206 с.

Тўпламда КПСС XXVII съезди қарорлари асосида баъзи партия ташкилотлари, республиканинг сайлаб қўйиладиган партия органларининг сиёсий, ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий иш форма ва методларини қайта қуришга доир фаолияти умумлаштирилган, бу ишда мавжуд бўлган муаммолар ва камчиликлар анализ қилинган, бир қатор амалий маслаҳатлар берилган.

Первые шаги. Пресс-сборник. Составитель А. Саидов. 1988. 174 с.

Китобга КПСС МК январь (1987 йил) Пленумидан сўнг марказий ва республика матбуотида эълон қилинган ҳамда жамиятимиз барча соҳаларидаги революцион янгиланишнинг турли жиҳатларига бағишланган назарий ва пропагандистик мақолалар киритилган.

Лизичев А. Д. **Ватанни ҳимоя қилиш: инсон омили.** 1988, 158 бет.

Китобда КПСС XXVII съезди талаблари асосида армия ва флотда партиявий-сиёсий ишларни янада такомиллаштириш масалалари, қисмлар ва кемалар жанговар тайёргарлигини ошириш, интизом ва уюшқокликни мустаҳкамлаш вазифалари тўғрисида ҳикоя қилинади. Шахсий составнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги масалаларини ҳал этишда инсон омилини активлаштириш лозимлигига алоҳида аҳамият берилган.

Арипов М. К. **Социальный идеал ислама: мифы и реальность.** 1988, 117 с.

Китобда анъанавий ислом доктриналарининг замонавий диний жамоатчилик фикри шаклланишига таъсири кузатилади, унинг ҳозирги концепцияларининг хаёлийлиги кўрсатиб берилади, ўрта аср давридаги исломда ғоявий кураш, унинг илк диний дунёқарашга оид ғоявий оқимларда — мусулмон бидъатларида акс этиши кўриб чиқилади. Автор мусулмон илоҳиётчиларининг илк исломда гўё «синфий тотувлик ва уйғунлик, унда кейинрок «унутилган» ва «бузилган» социалистик негизлар мавжуд бўлганлиги хусусидаги даъволарини танқид қилади.

Каракетов Ю. **Нетрудовые доходы и юридическая ответственность.** Вопросы и ответы. 1989, 126 с.

Кишиларнинг матбуот ва лекцияларда тез-тез учраб турадиган саволларини умумлаштириш асосида китобда хавфли социал офат бўлган меҳнатсиз даромадлар олишга нисбатан юридик жавобгарликка тортиш тўғрисида сўз юритилган.

Каримов И. **Атеизм ва шахснинг социал активлиги.** 1988, 48 бет.

Брошюрада меҳнаткашларнинг активлигини оширишда илмий дунёқарашнинг роли ва аҳамияти очиб берилган. Янги инсонни, қайта қуришни амалга ошириш учун, совет жамиятини янгилаш учун курашчини тарбиялаш масаласига алоҳида аҳамият берилган.

Кейзеров Н. М., Ножин Е. А. **Идеологик кураш: саволлар ва жавоблар.** 1988, 303 бет.

Китоб авторлари — КПСС МК ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг олимлари саволларга жавоблар формасида халқаро майдондаги ҳозирги идеологик курашнинг хусусиятларини очиб берадилар ва унинг асосий йўналишларини кўрсатадилар. Идеологик курашнинг назария ва практикаси, унинг усул ва методлари ёри-

тилади, партия органларининг ижобий тажрибаси умумлаштирилади. Империалистик давлатларнинг пропагандистик кампаниялари ва идеологик диверсиялари фош қилинади.

Қисқача иқтисодий луғат. 1988, 334 бет. Китобда партиянинг мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга, экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказишга, халқ хўжалигини фан-техника тараққиёти асосида техникавий реконструкциялашга йўналтирилган стратегик йўлини рўёбга чиқариш билан боғлиқ иқтисодий термин ва тушунчаларнинг мазмуни очиб берилган.

Микульский В. И., Роговин В. З, Шиталин С. С. **КПССнинг социал сиёсати.** 1988, 390 бет.

Авторлар партия XXVII съезди томонидан ишлаб чиқилган КПСС социал сиёсатининг асосий йўналишларини, бу сиёсатнинг инсон омилини активлаштиришга, экономиканинг самарадорлигини оширишга бўлган таъсирини кўриб чиқадилар, совет жамиятининг социал ривожланишини жадаллаштириш бўйича тўпланган тажрибани анализ қиладилар.

Рахимов С. **Национальная политика КПСС и вымысли «советологов».** 1988, 126 с. Автор экономика ва маданият соҳасида социалистик миллатлар ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг актикоммунизм томонидан бузиб кўрсатилиши усул ва методларини кўрсатиб беради, миллий тил масалалари юзасидан антисоветизмни танқид қилади, Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатни ҳаётга татбиқ этишда КПССнинг ролини талқин қиладиган антикоммунистик историографиядаги асосий оқимларни ажратиб кўрсатади, сохталаштирувчиларнинг асосий «мактабларини» характерлаб беради.

Розенберг Д. И. **К. Маркс «Капитал»нга шарҳлар.** 1989, 792 бет.

Усмонов М. **Қайта қуриш даврида халқ контроли.** 1988, 134 бет.

Автор ҳозирги шароитда халқ контроли органларининг ишини кўрсатиб беради, уларнинг фаолиятини яхшилашга доир таклиф ва тавсиялар беради.

Ҳайдаров У. **Табиётда марксча-ленинча диалектика.** 1988, 119 бет.

Китобда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин кўрсатган табиий фанларнинг турли соҳаларида диалектик методни қўллашнинг беқиёс мисоли тўғрисида ҳикоя қилинади. Автор ҳозирги табиатшунослик тараққиётида диалектика ғояларининг роли, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг алоҳида масалалари тўғрисида фикр юритади.

Хўжалик ҳисоби ва меҳнат коллективининг ўзини ўзи бошқариши. Саноат ва халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ишчилари учун ўқув қўлланмаси. 1988, 310 бет.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03; 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назария — 32-58-65; партия ва совет жамияти тарихи — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; иқтисодий ва социал сиёсат — 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70

Корректорлар **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор: **Э. А. Кушварь**

Теришга берилди 10.03.1989 й. Босишга рухсат этилди 12.04.1989 й. Формати 70×108 1/16.
Китоб-журнал коғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар 8,6.
Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 24289. Нашр № Б-52. Заказ № 481. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ISSN 0134-2193 «Ўзбекистон коммунисти» № 4. 1—96



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

5

МАЙ

1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 5
МАЙ
1989 йил

1920 йил декабридан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ
ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта
ўзбек ва рус
тилларида чиқади

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми замонавий аграр сиёсатни амалга ошириш, озиқ-овқат масаласини ҳал этиш — мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуришнинг энг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлайди. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, округ, район партия комитетлари ўзларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини шундай ташкил этсинларки, мана шу биринчи галдаги вазифаларни рўёбга чиқаришга партиянинг барча кучлари, кенг меҳнаткашлар оммаси фаол киришсин.

КПСС МК Пленумининг 1989 йил 16 мартдаги «КПССнинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида»ги қароридан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ
Тошкент

МУНДАРИЖА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1989 ЙИЛ 16 МАРТДАГИ ҚАРОРИ

КПССНИНГ ҲОЗИРГИ ШАРОИТДАГИ АГРАР СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми шуни қайд этадики, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзилиб кетганлиги, мамлакат агросаноат комплексини ривожлантириш, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитлари ҳозирги замон талабларидан жиддий равишда орқада қолаётганлиги КПССнинг аграр сиёсатида туб ўзгартишлар қилинишини тақозо этмоқда.

Пленум КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «КПССнинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, партиянинг янги аграр сиёсатини баён этиб берган докладнинг сиёсий хулосалари принципиал муҳим эканлигини таъкидлайди. Қишлоқда социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини қайта қуриш шу сиёсатда марказий ўрин тутади, бу сиёсат маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан ва унинг сифатини оширишдан манфаатдор бўлган деҳқонни соҳиб сифатида ерга қайтаради.

Иқтисодий муносабатларда туб ўзгартишларни фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш билан қўшиб олиб бориш асосида яқин вақт ичида озиқ-овқат муаммоси ўткирлигига барҳам бериш, ўн учинчи беш йилликда эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлаш учун етарли миқдорда етиштирилишини таъминлаш имконияти яратилади.

КПСС Марказий Комитети шунга асосланадики, янги аграр сиёсатни рўёбга чиқариш совет кишиларининг фаровонлигини юксалтиришга, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар иттифоқини мустаҳкамлашга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги каттагина тафовутларни бартараф этиш йўлида муҳим қадам қўйишга имкон беради.

2. Пленум М. С. Горбачевнинг докладида мамлакат тараққиётининг турли босқичларида аграр сиёсатга берилган баҳоларни ва улар асосида чиқариб олинган сабоқларни маъқуллайди. Улар шундан далолат берадики, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги кўпгина эски муаммолар илдизи 30-йилларда қишлоқни қайта қуриш даврида йўл қўйилган катта хатолар ва нуқсонларга, кооперациянинг ленинча принциплари бузилишига, НЭП даврида кооперацияни ривожлантиришнинг ибратли тажрибасини писанд қилмасликка, зўравонликдан иборат, фавқулодда чоралар қўлланиб, коллективлаштиришни асоссиз равишда жадаллаштиришга бориб тақалади. Мана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг кейинги босқичларига салбий таъсир қилди, колхоз-совхоз тузумининг жуда катта потенциал имкониятлари намоён бўлишига йўл қўймади, раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари кучайишига олиб келди. Деҳқонларнинг ташаббуси ва омилкорлигини бўғиш, пул ва моддий ресурсларнинг талайгина қисмини асоссиз равишда олиб қўйиш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги айирбошлашда мутаносибликнинг бузилиши қишлоқ хўжалигида кенг такрор ишлаб чиқариш асосларига путур етказди, қишлоқ меҳнаткашларининг ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлашишига олиб келди.

Қишлоқ хўжалиги тараққиётини таҳлил қилиш шундай хулоса чиқариш имконини берадики, ўтмиш йилларда аграр сиёсат ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, хўжалик юритиш натижаларидан деҳқоннинг шахсий манфаатдорлигини ривожлантириш зарурлигини эътиборга олмай шакллантирилганлиги ва рўёбга чиқарилганлиги учун у тегишли натижани бермади. Аграр сиёсатни ўзгартириш, раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик система-

сидан воз кечиш, қишлоқ меҳнатчиларининг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш йўлидаги уринишлар тўлиқ ва изчил бўлмай, фақат вақтинча самара берар эди, холос. Агросаноат комплексига ажратилаётган маблағ ортиб бораётганига, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганлигига қарамай, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бурилиш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашда зарур яхшиланиш рўй бермади.

3. КПСС Марказий Комитети Пленуми қишлоқда иқтисодий муносабатларни ўзгартириш, колхозлар, совхозларни ва агросаноат комплексининг бошқа корхоналарини хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципларига изчиллик билан ўтказишни: социалистик муносабатларнинг формаси сифатида гражданларнинг, меҳнат коллективларининг ва умуман жамиятнинг манфаатларини уйғунлаштириш талабларига жуда тўлиқ мос бўлиб тушадиган ижарани қўлланишни ана шу муносабатларга асос қилиб олиш зарур деб ҳисоблайди.

Колхоз ва совхозлар, бошқа агросаноат корхоналари, уларнинг структуравий бўлинмалари, шунингдек айрим гражданлар фаолиятида ижара муносабатларини ривожлантириш меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини кескин оширишни амалда таъминлашга қодирдир. Социалистик мулкчилик ижара орқали узоқ муддатли, қатъиян ихтиёрий асосда рўёбга чиқарилиши лозим.

Ҳозирги аграр сиёсат социалистик мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ҳамда хўжалик юритиш турлари — колхозлар, совхозлар, агросаноат комбинатлари ва агрофирмалар, қайта ишловчи ва бошқа корхоналар, ижара коллективлари ва ижарачилар, деҳқон хўжаликлари ва уларнинг кооперативлари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари асосида агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга қатъиян ўтишни таъминлаши керак. Улар учун баб-баравар иқтисодий шарт-шароитларни, хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш, ишда мустақиллик ва ташаббускорликни авж олдириш учун зарур бўлган тегишли ташкилий заминни яратиш муҳимдир. Колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш потенциалидан янада фойдаланиш, уларни кооператорлар ва ижарачиларнинг кооперативлари сифатида ривожлантириш чораларини кўриш зарур.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга, уларни колхозлар, совхозлар, матлубот кооперацияси билан тузиладиган шартномалар асосида ижтимоий ишлаб чиқариш билан интеграциялашга доимий эътибор бериш лозим. Истовчиларга томорқа участкалари, боғдорчилик ва полизчилик участкалари беришда асоссиз чеклашларни олиб ташлаш, маҳсулот етиштириш ва сотишда гражданларга ёрдам берувчи кооперативларни ташкил этишда бутун чоралар билан кўмаклашиш керак.

Халқ депутатлари Советлари хўжалик юритишнинг барча формалари бирбирини тўлдиришига ҳамда мамлакат озиқ-овқат ресурсларини жадал кўпайтириш мақсадида қалин баҳамжиҳат ҳаракат қилишга кўмаклашишлари шарт.

4. КПСС Марказий Комитети Пленуми аграр соҳадаги ишлаб чиқариш, бошқариш ва планлаштиришнинг барча даражаларида хўжалик юритиш янги механизмини ўзлаштиришга доир узил-кесил чоралар кўрилиши зарур, деб ҳисоблайди. Планларни тузиш тартибини янада демократиялаш мақсадида колхозлар, совхозларга, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ишлаб чиқариш структурасини, сотиладиган маҳсулот ҳажмини, бошқа ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичларни пудрат ҳамда ижара коллективларининг таклифларини эътиборга олиб мустақил белгилаш, шунингдек етиштирилган маҳсулот билан хўжалик ҳисоби даромадини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқи берилиши керак.

КПСС Марказий Комитети Пленуми шуни таъкидлайдики, колхоз ва совхозларга, деҳқон хўжаликларига мустақиллик бериш, ижара муносабатларини кенг ривожлантириш келгусида шартнома асосида давлат озиқ-овқат фондини яратиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулоти турларини айни ўша зарур ҳажмларда харид қилиш имкониятини вужудга келтиради. Ҳозирги вазият ва янги иқтисодий механизм тўла куч билан ишлай бошлайдиган вақт ўртасида ўтиш даври муқаррарлигини эътиборга олиб, унинг доирасида маҳсулотни марказлаштирилган фондларга, жумладан давлат буюртмаси билан жалб қилишнинг турли формаларидан фойдаланилиши лозим. Давлат буюртмасини беш йиллик учун ўзгармас нормативлар асосида белгилаш, маҳсулот тайёрлашнинг тазйиқ ўтказиш усулларига йўл қўймаслик керак. Харид интизоми маҳсулот етиштирувчиларнинг

ҳам, уни тайёрловчиларнинг ҳам иқтисодий жавобгарлиги асосида ўзаро шартномавий мажбуриятларни бажариш билан чамбарчас боғланиши лозим.

Маҳсулот етиштирувчи шартномага мувофиқ мажбуриятлар бажарилгандан кейин маҳсулотнинг қолган қисмини ўз хоҳишига кўра ўша тайёрлаш ёки савдо ташкилотларига, қайта ишлаш корхоналарига, матлубот кооперациясига, маҳаллий таъминотни яхшилаш учун колхоз бозорида, умумий овқатланиш корхонасида реализация қилади.

Агросаноат комплекси маҳсулотига нархларнинг ўзаро боғланган системасини яратиш янги хўжалик механизмининг энг асосий масаласи бўлиб қолиши керак, бу система унинг барча бўғинларини юксак пировард натижаларга йўналтириб, қишлоқ хўжалик корхоналари билан қайта ишловчи корхоналарнинг хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принциплари асосида ишлаши учун шарт-шароит яратади. Нарх белгилашда марказлаштирилган асослар билан бу соҳада маҳаллий органлар ва корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, шартнома асосида ва мустақил белгиланадиган нархлардан кенгроқ фойдаланиш яна ҳам мақбул тарзда қўшиб олиб борилиши таъминланиши лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари асосий турларининг сифатини эътиборга олиб, уларнинг беш йилликка мўлжалланган ягона қатъий харид нархларини белгилаш зарур деб ҳисоблансин. Айни вақтда мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштириш ҳамда реализация қилишнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ана шу маҳсулотларга шартнома асосида нарх белгилаш мақсадга мувофиқ деб топилсин. Маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини сақлаб қолиб, зарур ҳолларда ана шу маҳсулотларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори чакана нархлари белгилансин.

Янги нарх сиёсатини ўтказиш чоғида саноат маҳсулоти билан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўртасида нарх мувозанати таъминлансин, уни сақлаб туриш механизми яратилсин. Аграр соҳа хўжаликлари ва корхоналарининг бюджет билан ўзаро муносабатлари узоқ муддатли норматив асосда қурилиши ҳамда кенг такрор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашиши керак.

Агросаноат комплекси корхоналари ва ташкилотларининг молиявий аҳволини соғломлаштириш, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган колхозлар, совхозлар, қайта ишловчи корхоналар ва бошқа корхоналарнинг экономикасини мустаҳкамлаш, яқин 2 йил ичида уларнинг зарар кўрмай ишлашига эришиш мақсадида тўлов интизомини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш зарур деб ҳисоблансин. Бунинг учун уларнинг ҳар бирига тааллуқли конкрет ривожланиш программаси бўлиши зарур. Кўрилаётган чора-тадбирлар зарар кўраётган хўжаликларнинг рентабелли ишлашини таъминламайдиган ҳолларда бундай хўжаликлар белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёки ер участкалари бошқа колхозлар, совхозлар, саноат корхоналарига, ижара коллективларининг кооперативларига ва деҳқон хўжаликларига топширилиб тугатилиши мумкин.

5. Марказий Комитет Пленуми серунум машиналар системасини вужудга келтириш, қишлоққа юборилаётган техника ва ускуналар, барча ишлаб чиқариш воситалари сифатини яхшилаш асосида агросаноат комплексининг моддий-техника базасини бундан буён ҳам бутун чоралар билан мустаҳкамлашни муҳим деб ҳисоблайди. Деҳқон хўжаликлари, ижара коллективлари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ва боғ-полиз ширкатларининг механизация воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида уларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилсин.

Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳамда маҳсулотни қайта ишлаш соҳаларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг белгиланган суръатларини таъминлайдиган ҳажмда материал ва молиявий ресурслар ажратиш зарур. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишни кўзлаб, маҳсулотни қайта ишлашга, қишлоқни социал ривожлантиришга ва йўл қурилишига капитал маблағ сарфлашни анча кўпайтириб, инвестиция структурасини ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

6. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми агросаноат комплексида бошқарувни тубдан қайта ташкил этиш, раҳбарликнинг буйруқбозлик-маъмурий метод-

ларига, юқоридан хўжалик фаолиятига аралашувга батамом барҳам бериш тўғрисида жойлардан билдирилаётган таклифларни қўллаб-қувватлайди. Асосий ишлаб чиқариш бўғинини бошқарув органлари қатъиян ихтиёрий асосда ишлаб чиқариш муносабатларини ва ўз-ўзини бошқарувни кенг демократиялашни ҳисобга олган ҳолда хўжалик юритишнинг хилма-хил формаларини ривожлантириш ва мулкчиликнинг турли формаларини мақбул тарзда қўшиб олиб бориш заруриятидан келиб чиқадиган принциплар асосида тузилиши лозим. Районлар, областлар, ўлкалар ва автоном республикаларда меҳнат коллективлари сайлаб қўйган ва кооператив асосда ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишни таъминлаши лозим бўлган кенгашлар, иттифоқлар, уюшмалар ва бирлашмаларга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Иттифоқдош республикаларда агросаноат комплексини бошқаришнинг маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ўстиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва маҳсулотни қайта ишлаш саноати корхоналарини материал-техника билан таъминлаш учун зарур функцияларга эга бўлган органлари тузилсин.

Агросаноат ишлаб чиқаришининг вазифалари иттифоқдош республикаларга топширилиши муносабати билан иттифоқ даражасида агросаноат комплексини бошқарув системасини тубдан қайта қуриш — СССР Давлат агросаноат комитети тугатилиб, СССР ҳукуматининг доимий органи сифатида СССР Министрлар Советининг озиқ-овқат ва харид ишлари билан шуғулланувчи давлат комиссиясини ташкил этиш зарур деб ҳисоблансин.

7. 1989—1995 йилларда регионлар экономикасининг шаҳар ва қишлоқ, саноат ва қишлоқ хўжалиги қатъиян мувофиқлаштирилган асосда ўзаро боғлиқ ҳолда тараққий этадиган комплекс ривожланишини назарда тутиб, қишлоқни социал қайта қуришнинг тармоқ программасини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Уй-жой, йўл қурилиши, қишлоқни комплекс қуришга оид ишлар кучайтирилсин. Қишлоқдаги ҳар бир оилага алоҳида шинам квартира ёки уй-жойга эга бўлиш имконияти таъминлансин. Уй-жой фонди ва маданий-маиший муассасаларни зарур инженерлик коммуникациялари билан жиҳозлаш анча яхшилансин. Қишлоқ жойларида меҳнат сарфланадиган соҳани кенгайтириш учун ёрдамчи хўжаликлар ва ҳунармандчилик корхоналарини ривожлантиришдан кенг фойдаланилсин.

8. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми мамлакат агросаноат комплексида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга оид барча ишларни такомиллаштиришга коммунистлар, партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик коллективларининг эътиборини жалб этишни зарур деб ҳисоблайди. Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулоти етиштиришни сифат жиҳатидан янги технология даражасига кўтариш таъминлансин.

Тегишли министрлик ва идораларнинг раҳбарларидан шу беш йилликнинг охиригача ишларнинг аҳволини анча яхшилаш, ўн учинчи беш йилликда эса озиқ-овқат индустрияси корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавий ускуналар билан таъминлашни асосан тугаллаш талаб этилсин. Маҳсулотни қайта ишлайдиган ва сақлайдиган йирик корхоналар билан бир қаторда ўртача ва кам қувватли корхоналар ташкил этилсин ҳамда улар қишлоқ хўжалик хом ашёси манбаларига яқин жойлаштирилсин.

Деҳқончилик, мелиорация ва химиялашда фан ва илғор тажрибанинг энг янги ютуқлари, зона хусусиятларини ҳисобга олиш асосида тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқни эрозиядан ҳимоя қилиш таъминлансин.

Энг аввало озуқа базасини мустаҳкамлаш ва оқсил муаммосини ҳал этиш, селекция ва наслчилик ишини тубдан яхшилаш ҳисобига чорвачилик маҳсулоти етиштиришнинг интенсив методларини кенг ўзлаштириш чоралари кўрилсин.

Мамлакат эҳтиёжларини озиқ-овқат ва хом ашё билан таъминлашнинг конкрет вазифаларини ҳал этиш учун фундаментал ва амалий тадқиқотлар, агросаноат комплексининг бутун илмий таъминланиш даражаси оширилсин, илмий ишлаб чиқариш системалари, бирлашмалари ва комплекслари бутун чоралар билан ривожлантирилсин, экономика, биотехнология, қишлоқ хўжалик генетикаси, электронлаштириш, экология соҳасида тадқиқотлар ўтказиш жадаллаштирилсин

ва илмий ишланмалар самарадорлиги оширилсин. Илмий муассасаларни хўжалик ҳисобига ўтказиш тугаллансин.

9. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми замонавий аграр сиёсатни амалга ошириш, озиқ-овқат масаласини ҳал этиш — мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуришнинг энг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлайди. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, округ, район партия комитетлари ўзларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини шундай ташкил этсинларки, мана шу биринчи галдаги вазифаларни рўёбга чиқаришга партиянинг барча кучлари, кенг меҳнаткашлар оммаси фаол киришсин.

Аграр соҳанинг меҳнат коллективларини техника билан қайта қуроллантириш ва социал жиҳатдан таъминланиш учун саноат ва интеллектуал потенциални янада тўлароқ ҳаракатга келтириш муҳимдир.

Агросаноат комплекси корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш соҳасини демократиялашга, асосий ишлаб чиқариш бўғинларининг хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи пул билан таъминлаш ва ўз-ўзини бошқариш принципларига фаол ўтишига кўмаклашишлари шарт. Бунда қишлоқ район партия комитетларининг роли каттадир. Улар учун энг муҳими — буйруқбозлик усулига қатъиян барҳам бериш, сиёсий раҳбарлик методларини тўла даражада эгаллаш, одамларга яқинроқ бўлиш, хўжалик юритишнинг янги шароитларида ўз имкониятларини намоён этишда уларга ёрдам беришдан иборат.

Мамлакат агросаноат комплексининг кадрларида, раҳбарлар ва мутахассисларда ҳозирги шароитда партиянинг аграр сиёсатини самарали рўёбга чиқариш учун зарур бўлган янгича тафаккурни шакллантиришга партия, совет ва хўжалик органлари доимий эътибор бериб, ғамхўрлик қилишлари лозим. Кадрлар сайлаб қўйилишига таяниб, уларнинг состави барқарор бўлишига ва масъулияти оширилишига эришилсин, ижарачилар, кооператорлар — совет деҳқонларининг янги авлоди ўқитилиши ва қайта тайёрланиши йўлга қўйилсин. Бутун мамлакат манфаатларини кўзлаб қишлоққа кўчиб боришга ва унинг вазифаларини ҳал этишга тайёр турган шаҳар аҳолисининг муддаоси рағбатлантирилсин. Улар учун зарур моддий-маиший шарт-шароит яратилсин.

Пленум аграр сиёсатни амалга оширишда халқ депутатлари Советларининг роли ошиб бориши зарур, деб ҳисоблайди. Халқ депутатлари Советлари сиёсий ислоҳот давомида реал ҳокимиятга эга бўлар эканлар янгича ишлашлари учун ўз ҳуқуқ доирасига кирувчи барча масалалар, яъни аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этишлари зарур. Қишлоқларнинг социал инфраструктурасини ривожлантиришга, ободонлаштиришга ва маданиятини оширишга, қулай меҳнат ва турмуш шароитини яратишга, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини изчил амалга оширишга алоҳида эътибор берилсин.

Касаба союзлари, комсомол ва мамлакатнинг барча жамоат ташкилотлари агросаноат комплексини ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини бажаришда фаол роль ўйнашлари лозим.

10. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг КПССнинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсатини амалга оширишга қаратилган агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлигини юксалтириш асосида иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш, қишлоқни социал ўзгартириш, ижарани ривожлантириш мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш ҳақида СССР Министрлар Советининг қарорларини қабул қилиш зарурлиги тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми коммунистларни, барча меҳнат коллективларини партия аграр сиёсатини амалга оширишга фаол киришишга даъват этади. Қишлоқда янги иқтисодий муносабатларни қарор топтириш, социал турмуш шароитларини тубдан ўзгартириш, экономиканинг ана шу ҳаётий муҳим соҳасида фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг кўламда ўзлаштириш, демократияни ва халқнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантириш қисқа муддатларда агросаноат комплексини тараққиётнинг сифат жиҳатдан янги босқичига олиб чиқишга кўмаклашади.

ЧИНАКАМ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ САРИ

ҲАЛИГИНА ўтган йилнинг октябрида СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилаётган эдик, шу йилнинг мартига келиб эса мамлакат Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси томонидан тасдиқланган қонунга асосланиб, ўзимиз энг муносиб деб ҳисоблаган кишиларни танлаб ҳам бўлдик. Ижтимоий ўзгаришларнинг бундай суръатлари ҳам, кишиларнинг қайта қуриш чинакам курашчиларини кўрсатишдан қизғин манфаатдорлиги ҳам биз кечираётган даврни тўлиқ даражада характерлайди. Вақт кутиб турмайди, халқ яхшилик томон туб бурилиш қилишга жон-дили билан интиляпти, сайловлар кўрсатганидек, ўз позициясини қатъият ва муросасизлик билан ҳимоя қилишга доимо шай турибди. Ўтган сайлов кампаниясида совет халқи ўзини қудратли сиёсий куч, ижтимоий жараённинг актив ва онгли иштирокчиси сифатида намоён этди десак муболаға бўлмайди, бундай ҳолатни Маркс ва Энгельс орзу қилган ва башорат этган, шу йўлда Ленин ва у бунёд этган партия ғоят улкан ўзгартирувчилик ишини амалга оширган эди.

26 мартда овоз беришда иштирок этганларнинг миқдориёқ — сайловчиларнинг салкам 90 проценти — катта таассурот қолдиради. Бу гал ҳеч ким кишиларни ўз гражданлик бурчини бажаришга кўндиришга уринмади ва, очиғини айтиш керак, улкан давлатимизнинг турли бурчакларида вазият ҳар хил бўлган шароитда ана шундай бўлди, дарвоқе, бу вазият айрим республикаларга татбиқан олинган шу рақамда ўз ифодасини топди. Чунончи, Грузия ССР ва Қирғизистон ССРда овоз беришда сайловчиларнинг 97 проценти иштирок этган бўлса, бу миқдор Озарбайжон ССРда ҳатто 98,5 процентга етган (энг катта кўрсаткич), у Латвия ССРда 86,9, Эстония ССРда 87,1, Арманистон ССРда 71,9 процентни ташкил этди. Республикамиз аҳолиси юксак активлик намунасини кўрсатди — сайловчиларнинг 95,8 проценти бюллетенларни овоз бериш қутиларига ташлади.

Шуни таъкидлаш кераккки, ҳатто гражданлар сайловда қатнашмасликни афзал кўрган ҳоллар ҳам, марказий матбуот ва телевидение хабар қилганидек, пассивликнинг эмас, балки муайян позициянинг ифодаланиши бўлганди. Масалан, 29 мартда «Известия» газетаси Ереванда овоз беришда сайловчиларнинг 53 процентга яқини иштирок этгани ҳақида хабар қилди. Бошқа сабаблар билан биргаликда шундай сабаб ҳам кўрсатилди — шаҳар аҳолисининг бир қисми республиканинг депутатликка номзод баъзи бир раҳбар ходимлари рақобатчи номзодларсиз кўрсатилганлиги фактига қарши норозилик сифатида сайлов участкаларига келишдан воз кечган.

Афсуски, ҳатто рақобатчи номзодсиз ҳолларда ҳам сайловчиларнинг қўллабқувватлашига сазовор бўлмаганлар орасида обкомларнинг биринчи секретарлари ҳам борлигини қайд этишга тўғри келди. Бунда мағлубиятни ачинарли тасодиф, вазиятнинг бемаъни зайли ва ҳоказолар сифатида баҳолаш ўринли бўлмаса керак. Бундай вазият нафақат депутатликка собиқ номзоднинг ўзининг, балки умуман партия комитетининг ҳам ўз-ўзини танқид қилишга асосланган анализини ва жиддий фикр-мулоҳаза юритишини тақозо этади. Йирик партия ходими фақат ўзи учунгина жавоб бермайди, у бошқараётган партия органи унинг учун масъулиятлидир.

Барча даражалардаги партия комитетлари бўлиб ўтган сайлов натижаларини синчиклаб ўрганишлари, уларни корхона, район, шаҳар, областда ўтказаётган сиёсатлари билан боғлашлари, ўз фаолиятларининг услуб ва методларини виждонан, объектив анализ қилишлари, улар чиндан ҳам кишиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олаётирми-йўқми, халқ бугунги кунда қандай яшаётганини яхши биладими-йўқми, текшириш лозим бўлади.

Албатта, сайловчилар овоз беришда иштирок этишдан воз кечган ёки бир депутатлик мандати учун кўрсатилган ягона номзодни ўчириб ташлаган ҳолларнинг барчасини бир хил талқин қилиб бўлмайди. Бунинг сабаблари ғоят хилма-хил бўлиши мумкин. Лекин уларни билиш зарур. Кишиларга депутатликка номзодлар ҳақида у ёки бу тарзда гапириб бериш хусусида ғамхўрлик қилинмаган, умуман агитация иши олиб борилмаган, ҳатто номзодлар билан учрашувлар ҳақида хабар қилинмаган сайлов участкалари, наҳотки, бизда кам бўлган бўлса? Ёки партия комитетининг тазйиқи билан бир неча номзоддан атиги биттаси учунгина ҳар томонлама кучли ташвиқот ишлари олиб борилгани, натижада аҳоли ўртасида ўз-ўзидан норозилик пайдо бўлиб, муносиб кишилар ҳам ўтмай қолган ҳоллар-чи? Хуллас, махсус органлар ҳам, бутун жамоатчилик ҳам сайлов кампанияси даврида унинг қандай якунланишига таъсир кўрсатувчи кайфиятлар, ҳолатлар, ҳар хил факторларнинг бутун мажмуини анализ қилиши керак бўлади. Акс ҳолда биз муқаррар равишда бошқатдан овоз беришга ва қайта сайлов заруралигига тўқнаш келамиз. 199 сайлов округида номзодларни кўрсатиш ва сайлашнинг бутун босқичи бошқатдан ўтилиши, 76 округда эса қайта сайлов ўтказилгани факт-ку, ахир. Албатта, бу бизнинг дастлабки тажрибамиз, у синчиклаб ўрганишни талаб этади.

Шуни таъкидлаш керакки, сайлов халқнинг қайта қуриш ишини пировардигача олиб боришга қодир шахсларни излашга интилишини яққол кўрсатди. Кишилар мамлакат тақдирини ҳар томонлама мушоҳада қиладиган, революцион янгиланиш ғояларига содиқ, муҳими эса — бундай садоқатини ўз хатти-ҳаракатлари ва конкрет ҳиссаси билан исботлаган кишиларга топширишни хоҳлайдилар. Натижада мусобақалашиш мавжудлигига ҳам, **танлаш** имкониятига ҳам талаб шу қадар кучли бўлди. Бу нарса сайлов кампаниясининг муҳим сабоқларидан биридир. Лекин у номзодларнинг ҳаддан ташқари катта миқдори хилма-хилликка олиб келишини, зарур бўлган ягона номзодни танлаш имконини бермаслигини ҳам кўрсатди. Бу нарса номзодларни меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотлари умумиттифоқ органлари пленумларида муҳокама қилиш ва уларга овоз бериш босқичидаёқ равшан бўлиб қолди. СССР Фанлар академиясида номзодларни кўрсатиш ва қайта сайлов билан биргаликда уларга овоз бериш қандай жўшқин, қандай мураккаб тусда ўтганлигини эсга олайлик. Бу ерда олдинига 30 мандатга (улардан 10 таси кейинроқ илмий жамият ва уюшмаларга берилди) кўрсатилган 121 номзоддан иборат рўйхат муҳокама қилинган. Бу тажрибани ҳам ҳисобга олса зарар қилмайди, депутатликка номзодларни округ сайловолди йиғилишларида муҳокама қилиш ва уларни территориал ва миллий-территориал округлар бўйича рўйхатга олиш вақтида у қисман ҳисобга олинди.

Сайлов кампаниясининг бутун бориши, шунингдек халқ нафақат шунчаки эркин, ғайратли, принципиал, қайта қуриш ишини олға қараб силжитишга қодир кишиларни сайлабгина қолмай, балки вазиятни синчиклаб ўрганганлиги, жамиятда юз бераётган жараёнларни, партия ва давлат органлари фаолиятини анализ қилишни ўрганганлиги (буни ғоят муваффақиятли ҳолда амалга оширди!), шу жумладан меҳнат коллективлари ҳаётидаги кўпгина камчиликларни ҳам кўрсатганлиги хусусида хулоса чиқариш имконини ҳам беряпти. Айтиш мумкинки, жамиятнинг ушбу муҳим даврдаги бутун фаолияти халқнинг очиқ-ойдин назорати остида бўлди.

Қашқадарё областининг Янги Нишон шаҳрида кишилар ҳатто сайлов куни сайлов участкасини тарк этишга шошилмасдан, депутатликка номзодлар учун берилган наказларга қўшилган долзарб муаммоларни муҳокама қилишни давом эттирдилар. Бу ерда чўлқуварлар яшайди, уларни эса янги совхозларнинг келажаги, хўжалик ходимлари ва совет органларининг ерга бўлган муносабати, озиқ-овқат проблемаси қандай йўллар билан ҳал қилиниши ҳаяжонлантиради. Уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилиши, одамлар соғлиғини муҳофаза қилиш син-

гари социал масалалар ҳам кескин бўлиб турибди. Улар ўз умидларини ўз вакиллари ҳам бориб қўшиладиган ҳокимиятнинг янги олий органи — СССР халқ депутатлари съезди фаолияти билан боғламоқдалар.

Сайлов кампанияси даврида Бухоро аҳолиси қанчадан-қанча муҳим масалаларни кўтариб чиқди! Улар орасида — миллатлараро мулоқот, рус ва ўзбек тиллари ўзаро нисбати, мамлакатимиз барча халқларининг тили ва маданиятини сақлаб қолиш проблемалари бор. Буларнинг ҳаммаси қайта қуриш жараёни оқимида мавжуд. Ўзбекистон шаҳарлари аҳолиси эса кўп миллатли бўлиб (масалан, Бухорода кичик элатлар вакилларининг ўзигина тўрт минг кишидан ортиқ), уларнинг бундай проблемаларга эътиборини бемалол тушунса бўлади. Бу ерларда этнографик миллий марказларни бунёд этишга катта қизиқиш билан қараётганликлари, она тилини ривожлантириш, маданий анъаналарни бойитиш, ўз тарихларини янада чуқурроқ ўрганиш йўллари ҳамда воситаларини излаётганликлари бежиз эмас.

Экология программасини рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалалар муҳокамаси ҳам анча кескинлик касб этди. Улар депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан сайловолди учрашувлари даврида кўп маротаба тилга олинди.

Бундай учрашувларда, айтиш мумкинки, СССР халқ депутатлари съезди ва мамлакат Олий Советининг фаолият программаси ишлаб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, сайловчиларнинг ўз номзодларига берган наказлари нималардан иборат бўлди? Уларда халқнинг жуда катта тажрибаси умумлаштирилди, миллионлаб кишиларнинг орзу-умидлари ўз ифодасини топди. КПСС МҚ март (1989 йил) Пленуми махсус қарор билан қабул қилган «КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодларнинг сайловолди учрашувларида айтилган наказлар» деган ҳужжатга мурожаат қилайлик. «Наказлар»нинг ҳар бир моддаси қайта қуришда қўлга киритилган позицияларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга, социал адолат принципини қарор топтиришга, бюрократизмга ва у юзага келтирган ҳодисаларга барҳам беришга йўналтирилган. Ўз наказлари билан коммунистлар ленинча тушуниладиган чинакам халқ ҳокимиятини амалга оширишга халакит берадиган барча нарсаларга «йўқ!» деб айтдилар. Ҳужжатда жуда кўп нарса умумлаштирилганки, унда ҳеч нима эсдан чиқарилмагандек таассурот туғилади. Юқорида Бухорода кичик элатларнинг анчагина вакиллари яшаши ҳақида сўзланган эди. КПСС «Наказлар»ида уларнинг манфаатлари ҳам ҳисобга олинган: «Кичик халқлар муаммоларини сиёсий ҳал этишга доир таклифлар киритилсин ва бу таклифларда ана шу халқларнинг қонуний манфаатлари тўла ҳисобга олинсин ҳамда улар истиқомат қиладиган районларда уларнинг анъанавий турмуш тарзи ва фаолияти сақлаб қолиниши гарантиялансин».

Мисол учун, умумий характер касб этувчи «КПССнинг совет халқининг авангарди сифатидаги обрў-эътибори муттасил оширилсин» сингари қоидалар билан бир қаторда «Наказлар»да барча гражданларнинг ёки улар бирор-бир группасининг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ғоят конкрет истаклар ҳам мавжуд. Чунончи, депутатлар танқидни бўғувчиларга қарши курашда Совет органларининг фаолиятини активлаштиришлари; бюрократизмга қарши курашни кучайтиришлари, меҳнаткашлар кимнинг устидан шикоят қилиб хат ёзган бўлишса, хатларини ана шу кишиларнинг кўриб чиқишига йўл қўймасликлари; ташаббускор жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларини тузиш, рўйхатга олишни ва уларнинг фаолияти тажрибасини белгилаб берувчи қонунни қабул қилишни жадаллаштиришлари, уларнинг ҳуқуқий статусини аниқлаб беришлари; жамоат ташкилотларида сайлаб қўйиладиган лавозимлардаги ходимларни социал жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлашлари; товарлар тақсимланиши устидан ишчи контролини фаолроқ жорий этишлари; порахўрликни таг-томири билан тугатишга қаратилган Қонун қабул қилишлари керак бўлади.

Ана шу қисқача санаб ўтилганларнинг ўзиданоқ халқ ўз депутатлари олдига қўйган вазифалар нақадар масъулиятли ва мураккаблиги, улар зиммасидаги топшириқ нақадар юксаклиги кўриниб турибди.

Агар 1989 йил 26 мартда сайланган халқ депутатларининг умумий миқдорида КПСС аъзолари ҳамда аъзоликка кандидатлар 87,6 процентни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу программани амалга ошириш учун асосий курашни коммунистлар ва улар сиймосида бутун партия олиб боришига тўғри келади.

Наказларнинг ҳар бир моддасини ўрганиш чоғида бутун сайлов кампанияси бошланган кундан то якунланган кунгача нимага бунчалик қизғин ўтганлиги тушунарли бўлади. Халқ ўз тақдирини дуч келган ҳар қандай одамга топшириб қўя қолишни истамади. У сайлов қайта қуришнинг энг муҳим марраси эканлигини англаб етди, чунки ҳокимият масаласи ҳар қандай жамиятда асосий масала ҳисобланади. Эски система емирилиб, янги сиёсий система шаклланаётган чинакам революцион даврни ўз бошидан кечираётган давлатимиз учун эса бу масала ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Биз гарчи ҳозир уни ислоҳ қилишнинг биринчи босқичидагина турган бўлсак-да, айни у бутун келажагимизга ҳал қилувчи тарзда таъсир кўрсатади. Бу нарса биринчи босқичнинг Советлар структурасини, ҳокимият олий органларини тузиш ва уларнинг фаолияти тартибини, сайлов системасини янгилашдан иборат вазифалари мазмунидан келиб чиқади.

Бу йўлда биз ҳозирдаёқ кўпгина нарса қилдик: иккита ғоят муҳим қонун, шу жумладан СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонун муҳокама қилиниб ва қабул қилинибгина қолмасдан, бу қонунга мувофиқ ҳолда дастлабки сайлов кампанияси ўтказилиб, ҳокимият олий органининг состави тузилди ҳам. Сиёсий система ислоҳотини бундан буён амалга ошира бориш, яъни: ССР Иттифоқи билан унинг составига кирадиган республикалар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш (бу хусусдаги қонун лойиҳаси март ойида умумхалқ муҳокамасига қўйилди) ва жойлардаги ҳокимиятни қайтадан тузиш кўп жиҳатдан унинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Кўриб турибмизки, улар мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим бўлган проблемалардир.

Суд-ҳуқуқ системасини чуқур қайта қуриш, социалистик ҳуқуқий давлатни шакллантириш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш ҳам сиёсий ислоҳот доирасида олиб борилади.

СССР халқ депутатлари қонун чиқариш соҳасида жуда катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари лозим бўлади. Уларнинг ҳар бири қайта қуриш вазифаларини, мамлакат тақдирини ҳал қилишга чиндан давлат микёсида, доноларча ёндаша олиши лозимлигидан ташқари, улар албатта шунчаки қуюнчак бўлмасдан, балки ўзининг бор кучи, билими ва тажрибасини социалистик Ватаннинг устиворлиги ҳамда гуллаб-яшнашига бағишлашга шай Граждан бўлишлари керак. Шу сабабли биз бугунги кунда СССР халқ депутатлари корпусини ташкил этаётган кишиларнинг исм-фамилиялари, касб-корларига катта умид ва куюнчаклик билан (тўғри танладикмикан?) қараяпмиз. Уларнинг баъзилари фаолиятини бир неча йилдан бери катта эътибор билан кузатиб келяпмиз, уларнинг қайта қуришга қўшаётган ҳиссаларини, улар давлат ва жамоат фаолиятининг ҳамма қирраларини ипидан-игнасигача биламиз. Бу кишилар кўз ўнгимизда ишлайди, шак-шубҳасиз партия етакчиларимиз бундан буён ҳам Октябрь қадриятларини тиклаш учун курашадилар, кўп миллатли маданиятимиз, фанимизнинг Т. Е. Абуладзе, Ч. Айтматов, Е. П. Велихов, Б. Е. Патон, В. Г. Распутин, М. А. Ульянов, О. Ёқубов сингари арбоблари эса жамиятимизни маънавий жиҳатдан янгилаш, биз яшайдиган ва нафас оладиган муҳитнинг маънавий ва экологик мусаффо бўлиши кераклиги ғояларидан воз кечмайдилар. Коммунистик партиядан СССР халқ депутати, Сирдарё районидаги «Малик» совхози бригадири Тўхтахон Бозоровна Қирғизбоева гарчи унча юқори мансабда бўлмасада, фидокорона меҳнати, юксак даражада принципиаллиги, инсонийлиги, меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида кураша олиши билан республикамиз аҳолисига яхши таниш. Эътиқоди ҳамда ишларига кўра интернационалчи бўлган В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токарлари бригадири Владимир Тўйчиевич Одиловни ҳам, халқимиз юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиши учун актив ҳаракат қилаётган Қўқон ёғ-мой комбинати директори Юсуфжон Раимжонович Ёқубовни ҳам Ўзбекистонда яхши билишади. Бундай депутатларнинг номларини яна кўплаб келтириш мумкин. Лекин депутатлар орасида ўзларининг қайта қуриш ғояларига садоқатини эндигина исботлашлари лозим бўлган кишилар ҳам бор.

26 мартда сайланган СССР халқ депутатлари рўйхати бошқача мулоҳазаларга ҳам йўллайди. Унда хотин-қизлар нега жуда кам — атиги 17,1 процент, ёшлар 5,8, ва ниҳоят, ишчилар бор-йўғи 18,6 процент? Охирги рақам, шубҳасиз, ишчилар синфининг сиёсий обрўси пасайганидан далолат беради. Ҳозир бунинг те-

ран сабабларини мушоҳада қилишга ҳаракат қилиняпти. Бир томондан, баъзилар яқин ўтмишда ишчи ва деҳқонлар номидан баъзан қонунсизликлар ҳам амалга оширилганидек очиқ-ойдин фактни кўрсатяптилар, лекин ишчиларнинг қайси вакили ҳокимият олий органи минбаридан туриб бунга қарши чиққан? Бошқа томондан эса, ҳатто демократизм ва ошкоралик руҳида ўтган бўлсада, ушбу сайлов кампаниясида бир қатор, айтиш мумкин, ўткир тилли ишчиларга сайловда қатнашишга йўл ҳам берилмади. Маъмурий доиралар бунда ишчи ва деҳқонлардан (улар ҳам халқ депутатлари ўртасида жуда оз — атиги 11,2 процент) активроқ ва саботлироқ бўлиб чиқишди.

Бутун жамиятимиз, аввало партия, анъанага кўра илғор бўлган синф революционлигининг пасайганлигидан ташвиш чекиши керак. Зеро, ишчилар синфи ўзининг энг қимматли сифатини муайян даражада йўқотганлигининг сабаби кўп даражада бюрократияга бориб тақаладики, у ижтимоий истеъмол фондларини тақсимлашда ишчиларнинг қатъиятсиз қисмини хилма-хил «неъматлар» билан ўзига оғдириб олиб, ишчилар синфини ишлаб чиқаришни, қолаверса, бутун мамлакатни бошқаришда чинакам иштирок этишдан четлатиб қўйган эди.

Шундай қилиб, сайлов якунлари жамиятимизга унинг структура ўзгаришлари нуқтаи назаридан кўз ташлаш, халқ ҳокимияти асосларининг ўзига етказилган чуқур зарарни кўришга ҳам, зимдан юз бераётган номатлуб жараёнларга қарши чора-тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқишга ҳам имкон беради. Бу эса ҳар бир СССР халқ депутатининг алоҳида масъулиятли бўлишини тақозо этадиган яна бир муҳим жиҳатдир. Уларнинг ҳаммаси авваллари бўлганидек қонун чиқаришда расмиятчилик учунгина иштирок этиш, қабул қилинаётган қарорларни ҳаётга татбиқ этишга бўшгина таъсир этиш энди мумкин эмаслигини ич-ичларидан англаб етишлари керак. Зотан, улар сайланишига асос бўлган СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг асосий мақсади — халқ ҳокимиятини мустаҳкамлашдир. Бу ҳужжат бир қадар шошилинч муҳокама қилинган ва қабул этилган бўлсада, унинг муҳокамасида миллионлаб кишилар қизғин иштирок этган, 300 мингдан ортиқ мулоҳаза ва таклифлар билдирилган. Улар асосида қонун лойиҳасидаги 62 моддадан 32 таси аниқлаштирилган.

Ушбу Қонун ва СССР Конституциясига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун амалда буйруқбозлик-бюрократик системанинг бўғинларига айланиб қолган Советлар вазифаси ва фаолиятини бемаънилаштириш йўлига қўйилган ҳақиқий ғов бўлди. Бу ҳужжатлар қуйидан юқоригача халқ ҳокимиятининг ваколатли органлари сифатида Советлар бутун системаси бирлиги принципини тиклаш йўлидаги дастлабки ва дадил қадам бўлди.

Шуни эсдан чиқармаслик кераккки, Совет давлатининг негизига Советлар барча бўғинларининг ўз территориясида тўла ҳокимиятга эгалиги ғояси сингдирилган эди, бунда Совет олий ҳокимиятнинг бир қисми бўлиб майдонга чиқади, чунки фақат шу йўлгина чинакам халқ ҳокимияти сари олиб боради, Советларнинг ҳам давлат органлари, ҳам бир вақтда аҳолининг оммавий ташкилоти сифатидаги икки томонлама табиатини очиб боради. Халқ депутатлари съездлари ҳам умумиттифоқ, ҳам республика даражаларида бутун вакиллик системасининг бир бутунлигини мустаҳкамлашга ёрдам беришга даъват этилган. Советларнинг икки томонлама табиати бундай шароитда уларга меҳнаткашлар билан доимий жонли алоқада бўлиш, жамоатчилик фикрининг бутун хилма-хиллигини акс эттириш, социал активликни жамғариш, давлатчилик ғоясини халқнинг ўз-ўзини бошқариш ғояси билан қўшиш имконини беради. Шу сабабли ҳозирги сайловнинг натижаларини — эҳтимол, жуда тез орада — улар устидан энди давлат аппарати ва идоралар ҳукм юритмайдиган янгиланган Советлар қиёфасида кўрамиз, десак муболаға бўлмайди. Депутатлик қонун чиқариш, бошқариш, назорат қилиш борасидаги доимий иш бўлиб қолади. Сайлаган вакилларимиз қонунлар тайёрлашни барча босқичларда ўз қўлларига оладилар — албатта бу мутахассислар, илмий ва бошқа муассасалар жалб этилган, кенг жамоатчилик, яъни сиз билан бизнинг фикрларимиз ҳисобга олинган ҳолда бўлади. Барча энг муҳим давлат проблемалари фақат коллегиал равишда — СССР халқ депутатлари съездида, доимо ишловчи мамлакат Олий Советида ҳал қилинади. Давлат механизми бирон-бир бўғинининг халқ ва унинг вакиллари назоратидан четда қолиши эҳтимоли истисно

этилади. Наҳотки сайлов кампанияси кунларида айни шунинг учун юксак ва ҳатто жўшқин активлик кўрсатсак арзимас эдими?

Ҳокимиятнинг халқ назорати остида бўлиши масаласига алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. СССР халқ депутатлари съезди назорат қилувчи олий инстанция бўлади. Аввало барча олий мансабдор шахсларни — СССР Олий Совети Раиси, ҳукумат бошлиқлари ва ҳоказоларни сайлаш ёки тасдиқлаш унинг ихтиёрида бўлиб, бунда агар улар ўз вазифаларининг бажарилишини таъминламаган бўлса, ана шу сайланган ёки тайинланган арбобларни чақириб олиш ҳуқуқи ҳам берилади. СССР Олий Совети ваколатлари орасида — бюджетни назорат қилиш, министрлик ва идоралар ишини текшириш, депутатларнинг сўров ҳуқуқи, Президиум Фармонлари ва қарорларини, Олий Совет Раисининг фармойишларини бекор қилиш ҳуқуқи бор. Ҳукумат Олий Совет олдида ҳар йили камида бир маротаба ҳисобот бериб туриши керак. Қонунларни уларга нисбатан ҳар қандай тажовузлардан муҳофаза қилишга даъват этилган Конституцион назорат комитети ташкил этилади. Халқ контроли комитетининг обрўси мустаҳкамланади, унга қонун чиқаришда ташаббускорлик ҳуқуқи, шунингдек, Олий Совет ва унинг палаталари қараб чиқиши учун масалалар киритиш ҳуқуқи берилади.

Хуллас, 1988 йил ноябрда қабул қилинган қонунлар дастлабки синовдан ўтди. СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонуннинг энг муҳим хусусияти — битта депутатлик мандатига, ўз номзодини таклиф қилганларни ҳам қўшганда, исталган миқдорда номзодларни кўрсатиш ва сайловда қатнашиш мумкин бўлган ҳолда танлаб олиш имконияти берилганлиги бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланди. Тўғри, ҳозир, сайловдан сўнг, албатта беллашувчанлик — бир мандатга камида икки номзод бўлишини кўзда тутувчи тузатишни Қонунга киритиш зарурлиги тўғрисида фикр пайдо бўлди.

СССР халқ депутатларининг учдан бирини жамоат ташкилотларидан сайлашга доир бошқа бир янгилик ҳам ҳар хил кутиб олинди. Баъзилар ҳали ҳам бу нарса сайлов системасининг умумдемократик негизларидан чекинишдан бошқа нарса эмас деган позицияда туришни давом эттирмоқда. Янгилик тарафдорлари эса, аксинча, бу нарса анъанавий демократик формаларни бойитади, территориал ва миллий жамоалар ваколатчилиги билан бир қаторда халқ ҳокимияти сари яна бир янги йўл очиб беради, жамиятимиз барча синфлари ва социал қатламларининг конкрет манфаатлари, орзу ва талабларини янада тўлароқ қондиришга имкон беради, бу ҳол социалистик фикрлар хилма-хиллигининг амалда намоён бўлишидир, деб ҳисоблайдилар. Бундан ташқари, сайлов давомида ҳокимият олий органида ваколатга эга бўлинганлиги туфайли жамоат ташкилотлари сиёсий система бўғинлари сифатида ўз ишларини активлаштирдилар, янги кучлар келиб қўшилишига эришдилар, бунинг ўзи ҳам ғоят муҳимдир деган нуқтаи назар ҳам ўз тасдиғини топди. Уларнинг умумиттифоқ органлари пленумларида 750 депутатлик мандатига кўрсатилган 2049 номзод муҳокама қилинганини эслатиб ўтиш ўринли бўлади.

Сайловлар бўлиб ўтган ҳозирги кунда нафақат вакилларимизнинг, балки барча совет кишиларининг ҳам фикр-ёди СССР халқ депутатларининг биринчи съезди қандай ўтиши, унда биринчи навбатда қандай масалалар кўрилиши хусусидаги масала билан банд. Кўпгина депутатлар ҳозирданоқ ўз фикрларини ўртоқлашмоқдалар. Баъзилари аввало ёшларнинг проблемаларини ҳал этишга киришиш лозим деб, бошқа бирлари эса кексалик кутиб турмайди, шу сабабли пенсия таъминоти масаласини тезроқ муҳокама этиш зарур деб ҳисобламоқдалар. Фикрлар хилма-хил бўлсада, сайлаган вакилларимиз бир нарсада — инсон ва унинг эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш масаласида якдилдирлар. Уларнинг ҳаммаси давлатимизнинг гуллаб-яшнашини таъминлаш учун ғоят дадил қадам қўйишга тайёрлар. Демак, биз уларни сайлаб янглишганимиз йўқ.

А. ЯКОВЛЕВ

ЖАВОБИ—ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

СОВЕТ МАМЛАКАТИ 1985 йил апрелидан бошлаб тадрижий ривожланишдаги революцияни амалга ошира бориб, ноёб вазиятда яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Бугунги кунда жамиятимиз ва партия авторитарлик ва турғунлик даврларини кескин танқид қилмоқда. Қанча нарса бой берилганини алам билан тан олмоқдамиз. Равшанки, жадалроқ ҳаракат қилишимиз, беғуборроқ ва ҳалолроқ яшашимиз, яхшироқ меҳнат қилишимиз мумкин эди. Ўзимизга бино қўйганлигимиз, бенуқсонлигимизга бўлган ишонч халақит берди. Бир гал йўл қўйилган, сўнгра эса сиёсий ва хўжалик структурасида, кишиларнинг психологияси ва одатларида, ижтимоий онг ва фанда кучайиб кетган деформациялар халақит берди.

Ҳалигача, эҳтимол, деярли ҳар бир кишининг онгида мавжуд бўлган консерватив негиз биз узоқ вақт тасаввур қилиб ва ишониб келганимиздек совет жамияти амалда ғоят мукаммал, ғоят бенуқсон жамият бўлмай қолганлиги хусусидаги фикрга қаршилик кўрсатиб келмоқда. Илгариги ботиний маънавий бекаму кўстликни қумсаш қайта қуришнинг мақсад ва миқёсларини, унинг гуманистик мазмунини ҳалигача тўлиқ даражада англаш имконини бермаяпти.

Гап нимада ўзи? Юксак сифатли ҳаёт кечириш учун барча зарур нарсалар, ҳатто кўпгина бошқа мамлакатларга қараганда кўпроқ нарсалар мавжуддек туюлсада, совет кишиси учун яшаш шарт-шароитининг муносиб моддий ва маънавий даражасини таъминлашга нима халақит беради?

Қайта қуриш ана шундай саволлардан бошланди. Унга жавобларни ўзимиздан, ўз одатларимиздан, ўз консерватизмимиздан, ўз интизомсизлигимиз ва масъулиятсизлигимиздан излашимиз кераккн, қайта қуриш ҳам бундай фикрни тасдиқлаяпти. Жавобни ўз ҳаётимизни қандай ташкил этишдан, жамиятдаги муносабатларни қандай қуришимиздан, теварак оламни қандай қабул қилишимиздан излаш лозим. Қайта қуришнинг революционлиги даставвал айни шундан иборатки, партия ўз ҳаётининг ҳамма томонларини қайтадан ташкил этишга жиддий ва чуқур киришиб, бу қайта ташкил этишни совет кишиси яхшироқ ишлаши ва яшаши керак деган аниқ пировард мақсадга бўйсундирди.

Ҳа, кўп нарса бизга боғлиқ. Лекин ўзимиз узоқ ва яқин ўтмишдан мерос бўлиб қолган социал шарт-шароитнинг тутқуни ҳамдирмиз. Агар кўлгина раҳбарларни алмаштириш мақбул самарага олиб келмаётган бўлса, агар, бундан ҳам ёмонроғи, софдил кишилар тайинлансаю, улар кўпинча бутунлай ўзгариб кетсалар, — демак, ижтимоий ҳаётни ташкил этишда нимадир ниҳоятда нотўғри қўйилган.

Айни нима нарса? Диагноз қўймасдан туриб муваффақият билан даволашни кўзлаш ҳам қийин. Эндиликда ойдинлашди ҳам — социалистик жамиятнинг ривожланиши биргина маънога эга эмас ва бир маромда бормайди. У кўп вариантли бўлиб, биргина формация доирасида ғоят кўп конкрет бурилишлар, формалар, деталлар, бўлишига йўл қўяди. Ўтмишда ушбу кўп вариантлилик рад этилган, ҳатто баъзан жиддий оқибатларга сабаб бўлган ҳолда жазолаб келинган. Ҳолбу-

---

ЯКОВЛЕВ Александр Николаевич, КПСС МК Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС МК секретари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Мақола 1988 йил 16 декабрда Пермь область партия ташкилотининг XXII конференцияси делегатлари олдида сўзланган нутққа асосланиб ёзилган.

ки, 20 ва 30-йиллар маррасида совет жамиятининг ривожланишида деформациялар юзага келдики, улар ҳозир ҳам жамиятнинг тараққиётини тўхтатиб турибди, фикр ва ҳаракатни бўғиб турибди.

Ҳаммаси ва ҳамма нарса давлат қўлига ўтказилди. Ҳокимият ва ресурслар марказдан четдаги жойларнинг зарарига ҳаддан ташқари ортиқча даражада марказда тўпланди. Буйруқбозлик-маъмурий система ва услуб шаклланди. Ана шу заминда ҳаётнинг барча томонлари расмиятчилик тусини олди ва бюрократлаштирилди, ундан ташаббуслар, ташаббускорлик сиқиб чиқарилди. Халқ ҳокимияти, халқнинг ўзини ўзи бошқариши принциплари унутилди. Жиноятқорона репрессиялар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишлар юз берди.

Ҳозир эса қайта қуришда туғилаётган нарсалар социалистикми деган ғоят муҳим назарий ва сиёсий масала тез-тез кўтарилмоқда. Бу масалани тушуниб олиш зарур, чунки у ривожланишнинг моҳиятини тушуниб етиш учун ҳам, қайта қуриш мақсадларига эришишда бирликни таъминлаш учун ҳам муҳимдир.

Демократия, ошкоралик, кооперация, ижара, хўжалик ҳисоби, товар-пул муносабатлари, социалистик бозор, ўз-ўзини бошқариш, халқ ҳокимияти, фикрлар хилма-хиллиги — буларнинг ҳаммаси ҳаётга дадиллик билан кириб келди, уни ҳаяжонга соляпти, баъзан уйқуни қочиряпти ва истироҳатдан маҳрум этяпти, эҳтиросларни, ўткир ҳиссий кечинмаларни, лекин реал зиддиятларни ҳам юзага келтиряпти.

Янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш бошланди, лекин улар ҳозирча эски структурада, яшовчан буйруқбозлик системасида, консерватизмда бўғилмоқда. Хўжасизлик мамлакатнинг ҳақиқий офатидир. Камбағалроқ бўлганимизда, эҳтимол, уюшқоқроқ бўлармидик. Табиатимиз бой эканлиги кўпларни талтайтириб юборди, дангасалик ва масъулиятсизликни туғдиряпти. Айни шу сабабдан табиатга ҳам рационал, хўжалик ҳисобига асосланган муносабатлар асосида ёндашмоқ керак.

Сиёсий туб ўзгартишлар бошланди, лекин ҳануз баъзилар ўзлари одатланган эскича ҳокимиятпарастликдан ғоят қийинчилик билан воз кечяптилар. Улар чинакам халқ ҳокимияти хийла мустаҳкамроқ ва барқарорроқ ва, албатта, **масъулиятлироқ** бўлишини ҳалигача ҳеч тушуниб етмаяптилар. Гўё ҳар бир киши ҳар доим фақат ўзи билан келишиб яшаётгандек ва доимо қулай андозалар асосида ўйлаётгандек, баъзиларни демократия, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги ҳалигача чўчитмоқда. Агар киши ўз фикрига эга бўлмаса, фикрнинг имманент (ички) эркинлигини ҳис этмаса, у ўзини инсон деб атай олиши мумкинми? Демократиянинг баъзан реал бўлмиш нуқсонлари хавотирга солади, лекин ахир бирор киши абадий ҳақиқатни биладими?

Жамиятнинг маънавий уйғониши ва ахлоқан покланиши юз беряпти, лекин ишчилар синфи ва деҳқонларда, ёшлар ва интеллигенция ўртасида бораётган эҳтирослар курашига ҳали ғоят шубҳа билан қаровчилар ҳам ҳозирча оз эмас. Ҳануз социализм ижод эркинлиги жамияти эканлигини, у — фан ва маданият равнақи, у — инсоннинг улуғланиши, у — маънавий беморни ахлоқ ва маданият воситасида даволаш эканлигини доим ҳам англаб етмаяптилар.

Қачонлардир милтиқли кишидан қўрқиш керак эмас деган барқанот ибора бор эди. Революцион қайта қуриш: мияли ва қалам тутган кишидан қўрқмаслик керак, — демоқда.

Қайта қуриш юзага келтирган зиддиятлар табиий, нормал зиддиятлардир. Улар мамлакат ўз бошидан кечираётган ўтиш даври учун муқаррардир. Бунинг устига ўтмиш ҳам ҳалигача бизга ўз оғирлигини солиб турибди.

Марксизм-ленинизм классиклари янги ижтимоий тузумнинг хусусиятларини таърифлаганда кўпроқ «рационаллик», «фаровонлик», «шахс», «бахт-саодат» тушунчаларидан фойдаланганлар. Улар социалистикликни даставвал ижтимоий муносабатларни барча ғайритабиий, индивид ва жамият учун зарарли бўлган яхшилик ва ёвузлик, ахлоқлилик ва адолат хусусидаги нормал инсоний тасаввурларга мос келмайдиган барча нарсалардан холи бўлишда деб билганлар.

Нафақат инсонда, балки жамиятда ҳам ўз болалиги, ёшлиги, ўз дорилфунунлари бўлади. Социализм жаҳоншумул ҳодиса сифатида ёшлик даври билан хайрлашиб, эндигина ўз етуклиги сари қадам қўймоқда. Бизнинг дорилфунунларимиз машаққатли ва шиддатли бўлган эди. Лекин бугунги кунда партия, жамият ёшлик-

нинг муқаррар хатоларини кўра оладиган, унинг тажрибасизлигини, дангаллигини, соддалаштирилган жавобларга ва мувофиқлаштирилган тасаввурларга мойиллигини тўғри баҳолай оладиган даражада донишманддир. Совет жамияти, социализм ҳозир алоҳида турдаги ривожланиш кризисидан ўтяпти.

Социализм мустаҳкам оёққа турди, салмоқли бошланғич потенциални жамғарди, унинг ишлаб чиқарувчи кучлари жамиятда янги муносабатларни талаб қилиши учун ўз ривожланишида етарлича олға қараб силжиди. Буни англаш кечикди, практика эса янада кўпроқ кечикди. Натижада социал-иқтисодий ривожланишнинг тормозланиши юз берди. Ривожланишнинг турғунлик формасини қабул қилган кризиси айни шудир.

Социализм идеал ва принципларни шундоққина декларация қилишдан иборат эмас: унинг кўпгина иделлари инсоният томонидан минглаб йиллар олдин таърифланган эди. Социализмнинг моҳияти чиройли социал схемада эмас: тарих ғоят кўп миқдордаги утопияларни билади.

Қайта қуриш янги формула ва ечимларга шунчаки мурожаат қилиш эмас, балки улар меҳнаткаш инсонга, халққа, мамлакатга, социализмга нима беради деган савол билан мурожаат қилишдир. Улар нафақат бугунги бойликни ўстириш планида, балки табиатни асраб қолиш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш, бинобарин, инсоннинг ўзини ҳам камолотга етказиш планида ҳам нимани билдирадилар? Чунки хўжалик ҳаётидаги бемаъниликлар, салбий социал ҳодисалар, хароб бўлаётган табиат фонида ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаш мумкин деб ўйлашнинг ўзи ғалати.

Қайта қуриш — аввало жамиятдаги бутун иқтисодий муносабатларни чуқур қайта ташкил этиш заруратидир. Бунда нималарни тузатиш ва қайтадан ишлаш керак бўлади?

Ҳаётимиздаги барча номувофиқликларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг негизида албатта ҳеч бўлмаганда иккита жиддий камчилик ётган бўлади. Уларнинг бири — киши, коллектив, республика, область ташаббусини, мустақиллигини, уддабуронлигини тўсиб қўйишнинг у ёки бу механизмларидир. Бошқаси — қарор ва ижронинг эгаси йўқлиги ва масъулиятдан холилиги. Натижада ижод қилиш, индивидуал негиз тормозланади, эркин ички танлаш сунъий чегаралар билан чеклаб қўйилади, инсон ва умуман ҳаёт бегоналаштирилади, моддий ва маънавий жиҳатларда қашшоқлашади.

Иқтисодий ислоҳот боряпти, лекин у бир жойда туриб қолди, унинг ҳаракатлантиргичлари ғичирлаяпти, истеъмол товарлари ва хизматлари бозоридаги, шунингдек молиявий соҳадаги ҳам вазият ҳозирча енгиллашгани йўқ. Ташқи ва ички ғанимларимиз яраларимизга туз сепиш, мавжуд қийинчиликларни чуқурлаштириш, қайта қуришга, социалистик йўлни танлаш тўғрилигига бўлган ишончни кўпориш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланяптилар.

Албатта, ҳар бир реалистик фикрлайдиган киши учун жамият ҳозирча ўтмишдан қолган қарзларни тўлаётгани равшан, бу эса ғоят оғир иш бўлиб чиқди.

Ўз квартираси йўқ кишилар учун, майли, озгина тассали бўла қолсину, лекин уй-жой билан боғлиқ вазиятни бир ёки икки йил ичида принципиал жиҳатдан ўзгартириб бўлмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларига келсак, ерда хўжалик юритишнинг қарор топган принциплари озиқ-овқат проблемасини ҳал қилмади, бу билан ўзларини ўзлари тугатдилар. Демак, қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни ўзгартириш, инвестиция сиёсатига принципиал тузатишлар киритиш лозим. Ерда реал соҳиб бўлса, нон ҳам, гўшт ҳам, сут ҳам етарли бўлади. Пул массаси ҳануз товар массасидан ошиқ, бунинг устига анча ошиқ бўладиган бўлса, магазинларнинг токчалари шип-шийдамлигича қолаверади. Шу сабабли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш ҳажмини бутун куч билан ўстириш керак, бўлмаса пул массасининг баднафслиги бундан кейин ҳам ўсиб бораверади, пул эса мол ортидан янада жон-жаҳди билан қуваверади.

Нима учун ғоят яққол кўриниб тургандек туюлувчи, ҳаёт тақозо этаётган ташаббуслар ҳаддан ташқари қийинчиликлар билан ўзига йўл очмоқда? Конкрет ишга айланиш учун янги ҳуқуқ ва принципларга, тубдан ўзгартирилган устунликларга нима нарса халақит беради? Ҳамма нарса, кўринишича, кишиларга, ёки аниқроғи кадрларга бориб тақаляпти.

Ҳаётга очиқ кўз билан қараш керак. Ҳаммага маълум, кўп маротаба танқид

қилинган ва қораланган деформациялар ҳамда бузиб кўрсатишлар кейинги ярим аср ичида табиат ва идрокка зўравонлик қиладиган, халқ бойликларини хонавайрон қиладиган, лекин ўзларининг яшашини оқлагани учун идораларга фойдали бўлган «экономика учун экономика»ни зўр бериб бунёд этишга олиб келди.

Умумиқтисодий ривожланиш суръатларини чиқимдор, бозорсиз координаталарда ошириш аслини олганда Сизифнинг бир тошини бошқа, янада оғирроқ тош билан алмаштиришдир. Сизиф меҳнатини такомиллаштириш қайта қуриш йўли эмас, балки уни боши берк кўчага олиб кирадиган йўлдир.

Яна бунинг устига бемаъни вазиятлар билан муроса қилишга ҳам тўғри келади. Мисол учун, экономикани янгича қайта қуриш билан эскичасига тузиб чиқилган беш йиллик планни айнан қилиб бажаришдек икки ишни бир вақтда қилиб бўлмаслиги аён. Ҳозир анъанавий чиқимдор беш йиллик план тормозлаш механизмининг олд томондаги зирҳи бўлиб қолди. Қайта қуришнинг энг тажрибали мухолифлари айни унинг орқасида жон сақлаб қолишни кўзламоқдалар.

Барча писандаларни эътиборга олган ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, социалистик бозорни четлаб ёки унга хилоф ҳолда иш тутиб СССРдаги нормал иқтисодий фаолиятни тиклаш мумкин эмас. Планда эҳтиёж ва дидларнинг бутун хилма-хиллигини, илмий, техникавий ва эстетик ривожланишнинг барча тенденцияларини ҳисобга олиб бўлмаганидек, олдиндан истеъмол эҳтиёжини ҳисоблаб чиқиш ёки ҳатто карточкалар расман пул кўринишини олган тақдирда уни мол ва хизматлар тақсимотининг карточкали системасига тортишга уриниш бундан ҳам кам даражада мумкиндир.

Лениннинг «савдо қилишни ўрганиш» хусусидаги чақириғи, шундай қилиб, қайтадан майдонга чиқяпти. Сўз тор ва кенг маънода хўжалик юритишни ўргатиш тўғрисида боряпти. Социалистик бозорда кўплаб қондирилган эҳтиёжлар социал ишонч мандатига қўйилади, жамият пойдеворига зарур сейсмик барқарорлик бағишлайди.

Бозордаги ҳозирги кўнгилсизликлар ташвишланиш учун жиддий огоҳлантиришдир. Ҳар куни кишиларнинг кайфиятини бузадиган, корхоналарнинг ҳалол раҳбарларининг эса соғлиғини кемирадиган бу нарсани оддийгина ноқулайлик деб бўлмайди. Давлат савдоси ҳозирги кўринишида давлат-феодал интендантлиги нуқсонларидан ясалган гулдастани, фақат ўзига бўйсунадиган қонунлар бўйича фаолият кўрсатадиган системани эслатади. Пештахта ортидаги меҳнатчининг шахсан манфаатдорлиги билан эмас, балки аллақачон буйруқбозлик системасининг қони ва танига мустаҳкам айланиб бўлган план туфайли маҳсулот товарга айланяпти. План ҳар қандай йўл билан, лекин аввало давлатнинг абсолют монополияси уни амалда мутлақо ҳимоячисиз қилиб қўяётган истеъмолчининг ҳисобидан бажариляпти. Магазин, дўкончага тақсимлаб чиқилган план буйруқ бериш учунгина кераклиги бугунга келиб аён бўлиб қолди. Ҳозирги кўриниш ва ҳажмдаги планлаштириш чиқимдор маъмурий-буйруқбозлик системасининг тўғридан-тўғри ва тескари алоқасининг ўзидир. Манфаатдорлик амалда, лекин у конкрет меҳнатдан ва унинг ижтимоий-фойдали натижаларидан узилган ғаразли манфаатдорликдир.

Ялпи давлатчиликка асос солган Петр I ислоҳотларидан сўнг давлатдан ўмариш кўп кишилар учун — крепостнойдан тортиб — губернаторгача шон-шавкат иши бўлиб қолди. Ҳозирги давлатчиликни Марксга эмас, балки Петрга асосланиб қура бориб, Сталин халқни устомонлик қилишга доимий равишда мажбур қилиб келган. Бегоналар ҳисобига ташналикни қондириш ҳунар ва санъатга айланди. Турғунлик даврининг охирига келиб ўғирликни илм ва касбга айлантирдилар. Ўғирлик менеджерлари, хазина ўғрилари пайдо бўлди, мамлакатни жиноятқорона таъсир доираларига тақсимлаган уруғ-аймоқлар шаклланди. Нафақат «икки ёқлама экономика», балки «икки ёқлама сиёсат» ҳам юзага келди.

«Воқеаларнинг тарихий занжиридаги, ...» социалистик қурилишимизнинг ўтиш формаларидаги, ... бизнинг, пролетар давлат ҳокимиятининг, бизнинг, раҳбар коммунистик партиянинг *«маҳкам ушлаб олиши»* лозим бўлган «ҳалқа», — деб ёзган эди В. И. Ленин, — савдодир. Агар биз *ҳозир* бу ҳалқани етарли даражада маҳкам «ушлаб олсак», биз яқин келгусида *бутун* занжирни албатта эгаллаб оламиз. Акс ҳолда биз бутун занжирни эгаллай олмаймиз, социалистик ижти-

моий-иқтисодий муносабатлар пойдеворини қура олмаймиз» (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 257-бет.)

Кенг тушунишдаги савдо хўжалик юритишимизнинг асосий ва бугунги кунда ҳам энг заиф ҳалқасидир, қайта қуришнинг энг қийин масаласидир. Ушбу ҳалқанинг заифлиги нафақат моддий инфраструктуранинг ғоятда қаровсиз қолганлигига, балки умуман савдонинг социалистик жамиятдаги ўрни ва ролини назарий жиҳатдан тушуниб етишга, унинг мазмунини шарҳлашга, унинг ижтимоий функцияларини англашга ҳам бориб тақалади. Бунда сталинизмнинг бозорга қарши кайфиятлар сингари метастази тўла куч билан ҳаракат қилишда давом этди.

Агар организмда моддалар алмашиниши нотўғри кечаётган бўлса, таомдан қандай наф бўлиши мумкин? Сиёсатда ҳам шахматдагидек юриш йўлларини чалкаштириш ярамайди. Ишлаб чиқаришнинг ўзигина камлик қилади, уни қайта ишлашни, сақлашни, кишиларга нест-нобуд қилмай, бутунлигича етказишни ўрганмоқ керак. Аммо хўжалик ходимлари ва сиёсатчилар ҳозиргача маҳсулот етиштиришга муккадан кетганлар. Ҳануз маҳсулотни сақлаганлик учун мукофотлаш тўғрисида бирорта ҳам фармон бўлган эмас, уни етиштирганлик учун эса миллионлаб орденлар берилган. Ҳолбуки, ҳар қандай киши ҳам ҳосилнинг қадри далада эмас, балки дастурхонга қўйилгани билан белгиланишини яхши тушунади.

Қайта қуриш социалистик ривожланишнинг бутун тажрибасини, унинг барча саҳифа ва томонларини анализ қилишга ғоят муҳтождир. Бундай анализда, бизнингча, «ҳарбий коммунизм» проблемаси, ана шу йўлни эълон қилишни илҳомлантирган ва у ўз навбатида дунёга келтирган практик жиҳатлари билан ҳам, назарий қоидалари нуқтаи назаридан олганда ҳам алоҳида ўрин эгаллаши керак. Революциямиз тарихидаги энг принципиал масалалардан бири бўлган ушбу масала атрофида ҳам чеки йўқдек туюлувчи ривоятлар зич бўлиб йиғилмоқда.

Бозори чаққон донолик: «ҳарбий коммунизм» гражданлар уруши бошланишида мамлакат ва революция тушиб қолган ички ва ташқи фавқулодда ҳолатларга берилган фавқулодда жавоб эди, — деб ҳисоблайди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати аввал бошдан иқтисодий аҳвол нормаллашиши биланоқ бекор қилиш кўзда тутилган вақтинчалик чора сифатида ўйланганлиги ва жорий қилинганлиги маълум.

Объектив шароитларнинг ғоят қаттиқ тазйиқини инкор этишга тўғри келмайди. Лекин ҳамма нарса унчалик ҳам оддий эмас эди. Революциянинг сиёсий-назарий арсеналида аниқ ифодаланган иккита йўналиш жуда эрта белгиланди. Уларни у ёки бу номлар билан боғлаш нотўғри бўлур эди. Бир хил кишилар ўз ижодларида янги нарсани яратишда муқаррар ҳамроҳ бўладиган барча азият ва шубҳалар орқали ўтдилар. Улардан қолишмаган даражада ҳалол ва самимий, революцияга садоқатли, лекин янада дангалроқ фикрловчи ва ҳаракат қилувчи бўлган бошқалари ўзларини тегишли йўл билан айнан бир деб билдилар. Албатта, ҳар қандай бошланмада муқаррар бўлган манфаатпарастлар ҳам бор эди, лекин аввалига йўналишни улар бошқармаган эдилар.

Назария ва ҳаракатдаги икки йўналиш моҳияти энг умумий хусусиятларда қуйидагига бориб тақаларди. Биринчи йўналиш тарафдорлари К. Маркс ва Ф. Энгельснинг уларга маълум бўлган, шу жумладан, жамиятнинг бўлажак коммунистик ташкил этилишини анализ қилишга (масалан, улар томонидан ишлаб чиқаришнинг нотовар, бозорсиз усули модели яратилганлигига) тааллуқли қоидаларини айнан қабул қилдилар, уларни ўша вақтдаги Россия жамиятида бевосита қўллашга, дарҳол ёки ғоят қисқа муддатларда ҳаётга татбиқ этишга уриндилар.

Иккинчи йўналиш намояндалари яқиндагина капиталистик ривожланиш йўлига кирган, иккита уруш даҳшатларидан ўтган мамлакатдаги реал аҳвол билан коммунизм идеаллари ўртасида жуда катта масофа ётганлигини англар эдилар. Улар кўплаб ўтиш ҳолатлари орқали, бир мақсадга қаратилган сиёсат, ностандарт ечимлар ва қизғин меҳнат йўли билан бу масофани босиб ўтиш мумкин деб ҳисоблардилар. Ушбу йўналиш тарафдорлари зарур ёндашув ва ечимларни изладилар, ижтимоий ҳаётнинг, социалистик ўзгартишларнинг ғоят мураккаб диалектикасини кўрдилар. Революцияда тинч бунёдкорлик борасида атиги жуда оз тажриба бўлганлиги, фикран равшанлашишлар доим ҳам керакли лаҳзада намоён бўлавермаганлиги, ниҳоят, бу кишилар алалхусус аҳолисининг деярли

80 проценти саводсиз бўлган мамлакатда раҳбарликда гоҳида кўпчиликни ташкил этмагани учун уларга таъна қилиш ўринсиздир.

«Ҳарбий коммунизм» босқичлардан сакраб ўтиб коммунизмга лоп этиб киришга интилишидан илҳомланарди. В. И. Ленин бу гипотеза ҳаёт синовидан ўтмаганлигини, «ҳарбий коммунизм» мажбурий товарсиз утопиянинг оқибати бўлганлигини ўз вақтида кўрди ва англаб етди. Лекин кейинроқ шахсий ҳокимият режимини ҳамда унинг таянчи — жазоловчи, буйруқбозлик-бюрократик системасини қурган, мустаҳкамлаган кишилар «ҳарбий коммунизм» практикаси, стратегияси, тартиботларида ўз стратегияларининг куртакларини, ўз группавий даъволарини асослаш имкониятларини кўрдилар. Шундай қилиб, бозорга қарши қаратилган афсоналар билан биргаликда унинг кўпгина афсоналари авлодларнинг онгига сингдириб борилди, яққол кўриниб тургандек туюлган экономика сабоқларига зид ўлароқ бизнинг кунларгача дахлсиз ҳолда етиб келди.

Озиқ-овқат развёрсткасини бекор қилишда Тамбов ва Кронштадт исёнлари, моҳияти «меҳнатига қараб» деб тантана билан эълон қиласизлару, амалда қашшоқликда тенгмиз деган сўзлардан иборат бўлган деҳқонларнинг хатлари каттагина роль ўйнади. Жадаллик билан гражданлар сулҳига ўтиш керак эди. Меҳнат эквивалентларининг нормал бозор айирбошлашини ўрнатиш, ҳаётни катъиян демилитаризациялаш, қамал қилинган қалъа режимини тубдан юмшатиш, шаҳар билан қишлоқни туташтириш, савдони ва ташқи дунё билан айирбошлаш бошқа формаларини йўлга солиш, капиталистлардан ўрганиш, маданият даражасини ҳосил қилишдек табиий йўл керак эди. Ленин ана шундай деб ҳисобларди. «Савдо эркинлиги α) деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун β) майда саноатни ривожлантириш учун γ) бюрократизмга қарши курашиш учун» (ТАТ, 43-том, 438-бет).

В. И. Ленин қарашларининг 1921 йилдан кейинги эволюцияси ҳамма вақт социализм — товар ишлаб чиқариш, бозор, конкуренция, валюта, демократия ва ҳоказолари бўлган жамият эканлигини аста-секин эътироф этиш сари ривожланиб борди. Ленин ўзининг «Кооперация тўғрисида» деган асарида ёзган эди: «Эски кооператорларнинг орзуларида хаёлпарастлик кўп... эски кооператорларнинг орзуларидаги хаёлий, ҳатто романтик, ҳатто сохта нарсаларнинг кўпи ҳозир чин ҳақиқатга айланаётир» (ТАТ, 45-том, 414-бет).

Айни кооперация координатларнинг шундай системасини берадики, унда шахсий манфаатни коллектив манфаати билан, коллектив манфаатини давлат манфаати билан, давлат манфаатини ижтимоий манфаат билан энг кўп самарали қилиб қўшиб олиб бориш, уйғунлаштириш мумкин бўлади. Ва, ниҳоят, кооперация асосий вазифани ҳал қилиш — ҳалокатли текисчиликка барҳам бериш ва меҳнатга қараб ҳақ тўлашга эришиш имконини беради. Бунингсиз социализм қуриш хомхаёлдир, бунингсиз мулк ва ҳокимиятдан бегоналаштирилган жамият, инсон муқаррар равишда давлатнинг қўшимтаси бўлиб қолади, бошқа нарса бўлмайди.

70 йилдан кўпроқ давом этган социалистик қурилиш хусусий мулкчилик жамиятидаги социал қарама-қаршиликларга барҳам бериш, ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий эгалик, уларнинг давлат томонидан планли тақсимоти ва тасарруфи жамиятдаги мавжуд бир талай иқтисодий манфаатларни тугатишга олиб келмаслигини исботлаяпти. У ҳатто бу манфаатларни баробарлаштирмайди, ягона қандайдир андозага солмайди ҳам.

Бир бутун ягона диалектик жараён яққол кўзга ташланиб турибди. Социализм кўпроқ, демократия кўпроқ бўлсин — социализмнинг, янги жамият бутун турмуш тарзи соғлом ривожланишининг негизи ана шунда. Бир томондан, жамиятнинг, унинг аксарият аъзоларининг, коллективларнинг манфаатлари асосий ва бош жиҳатда: социалистик қурилиш маъноси, мазмунида туташади. Бошқа томондан — бу бирлик меҳнат коллективлари, территориал ва тармоқ бирлашмалари, ижтимоий ташкилот бошқа формаларининг, шунингдек айрим кишиларнинг конкрет иқтисодий, бошқа манфаат ва эҳтиёжларининг жуда катта, хилма-хиллигига зид ҳолда эмас, балки унинг негизида мавжуддир. Гўё социализм ривожланиб борган сайин бу хилма-хиллик бир қолипга тушиб боради деб фараз қилишга сира ҳам асос йўқ. Тажриба бундай ҳол юз бермайди ва юз бериши мумкин ҳам эмас деб далолат беряпти. Сунъий равишда бир хилликни ўрнатишга уринишлар эса баробарлаштириш ва текислаштириш орқали турғунликка олиб боради. Олға

караб фақат хилма-хиллик негизидагина ҳаракат қилиш, ривожланиш мумкин, бошқа ҳеч қандай йўл йўқ.

Ғоят хилма-хил манфаат ва эҳтиёжларни қандай қилиб бозордан ташқарида қондиришни таъминлаш мумкин? Қандай компьютерлар уни ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобга олиш, ишлаб чиқарувчига хабар қилиш имконини беради? Ана шу кўплаб эҳтиёжлар ва конкрет ишлаб чиқариш топшириқларини қандай параметрлар юборади, уларни тармоқ ва корхона учун фойдали қилади, тармоқ, территориал, умуммиллий балансларда акс эттиради? Ҳисоб корхоналарда юз минглаб, маҳсулот турлари бўйича — миллионлаб, истеъмолчиларда эса — юз миллионлаб миқдорда бораётган халқ хўжалигида айирбошлаш ва тақсимотни қайси системалар бехато амалга оширади? Ниҳоят, ана шу фантастик механизмни ташқи бозорлар билан, юксалиш ва таназзулликларни бошидан кечирадиган, плансиз негизга асосланган жаҳон хўжалиги билан ким ва қандай қилиб «туташтиради»?

Бюрократик аппарат — социализм билан бозорнинг бир-бирига зидлиги афсонасининг маҳсули — аллақачондан бери кўп жиҳатдан ўзининг яшашини таъминлаш билан банд бўлиб қолган, кўпгина ички томондан ҳал қилиб бўлмайдиган масалалар юки остида бўғилиб қолди.

Биргина илож бор: социалистик давлат ихтиёрида мамлакат иқтисодий ва валюта-молия организмининг энг муҳим кўрсаткичлари ва саломатлик факторлари устидан контрол қилишнигина қолдириб, ана шу ғоят мураккаб проблемаларни ҳал этишни ижтимоий ўзини ўзи тартибга солиш механизмларига, шу жумладан, бозорга топшириш керак.

Бу масалада жамоатчилик онги бир қисмининг ғоят чекланиб қолганлиги ҳайратга солади. Коммунизмга яқинлаша борган сари давлат ўз функцияларини бевосита жамиятга бера бориши кераклиги ва бера бориши, ўзи йўқола бориши кенг эътироф этилган, сиёсий иқтисод ва сиёсий савод дарсликларининг ҳаммасига кирган. Шу билан бир вақтда экономикада бизни турғунлик, тақчилликлар, инфляциянинг боши берк кўчасига олиб кирадиган тўғридан-тўғри қарама-қарши жараёнлар ўн йиллар давомида тиқиштириб келинмоқда. Кишилар ва коллективларнинг ҳалол ва унумли меҳнатдан, фан ва техника ютуқларидан актив фойдаланишдан манфаатдорлигига путур етяпти.

Бозор на капитализмнинг, на унинг система ҳосил қилувчи сифатининг кашфиёти. У капитализмдан анча олдин пайдо бўлган, у товар хўжалигининг қарор топиши учун кўп нарса қилиб берган. Бозор цивилизация, жамиятнинг, унинг ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши ва ташкил этилиши ҳозирги даражасида айирбошлаш ва тақсимотни амалга ошириш технологиясидан бошқа нарса эмас. Бундай технологиянинг фарқловчи хусусияти бозорга чиқадиган асосий манфаатлар ортида субъект ҳуқуқларини, яъни мустақиллик, танлаш эркинлигини, ўз қарорларида маълум суверенлиликни тан олишдан иборатдир. Ёки, бошқача қилиб айтганда, демократизмни тан олишдан иборат. Устқурмадаги демократия ва базисдаги маъмурий-буйруқбозлик системаси — нонсенс, қарама-қарши нарсалардир, чунки базис муқаррар равишда устқурмани ўз ортидан эргаштирадики, НЭПдан воз кечилгандан сўнг ҳақиқатда ана шундай бўлган эди.

Албатта, бозор барча кулфатлардан қутқарадиган восита ҳам, бундан буён экономика билан ҳар куни шуғулланиш, буни малакали олиб бориш заруратидан халос этадиган сеҳрли таёқча ҳам эмас. Бозор нормал ривожланаётган, соғлом, ва юксалаётган социалистик экономиканинг шартларидан бири, омилларидан бири, холос. У бошқаларга, ўз синфига тажовуз қилмасдан, лекин айни ҳал этиш учун бошқа ишончли ва оддий, оптимал воситалар ҳали яратилмаган вазифаларни ҳал этади. Бу воситаларни на социализм, на бошқа бирортаси яратган.

Ўзининг яшаши учун моддий шарт-шароитни таъминлашга йўналтирилган инсон фаолияти ишлаб чиқариш — айирбошлаш — тақсимот учлигини ташкил этади. Функционал нуқтаи назардан олганда у «реал ҳаётни такрор ҳосил қилиш» (К. Маркс) технологиясидан бошқа нарса эмас, лекин ушбу технологиянинг ўзи йўқ эмас, балки ҳаётни конкрет тўлдиришгина ижтимоий жараёнларнинг социал, синфий мазмунини таъминлайди. Лениннинг ушбу фикри ибратлидир: «Агар капиталистлар кризисларнинг олдини ола билганларида эди, капитализм абадий бўлган бўлур эди» (ТАТ, 42-том, 144-бет). Бозорнинг шундай ҳолати эмас.

балки унинг хусусий мулкчилик формаси шароитидаги фаолиятининг камчилик ва нуқсонлари, бу формациянинг социал антагонизмлари — айни шу нарсалар ишчилар ҳаракати, социалистик фикр ва этика томонидан капитализмни танқид қилиш ва рад этишга сабаб бўлган эди ва сабаб бўляпти.

Хеч қандай бозор сотувчи ва харидорнинг ўзича мустақиллигисиз яшай олмайди. Бири ўз эҳтиёжларини билади ва уларни қондиришга интилади, бошқаси товар, хизмат, ғояларни таклиф этиб бозорга чиқади. Бозордаги биргаликдаги ҳаракат социалистик жамият қонунлари ва принципларига асосланишини, қонуний, асосли манфаатларни қондириш ва меҳнатга қараб адолатли тақдирлаш орқали уни мустаҳкамлашига олиб келишини таъминлаш социалистик давлатнинг бурчи ва ғамхўрлигини ташкил этади. Бундан кам ҳам, лекин ортиқ ҳам эмас.

Давлат доимо жамият ҳисобига яшаганлиги сабабли рационал савдо қилишга унинг қурби етмайди. Шу билан бирга давлат савдонинг маданиятли прокурори, молия оқимларини тартибга солувчи, меҳнатга қараб ҳақ тўлашни назорат қилувчи бўлиши мумкин. Давлатнинг ўзи эса меҳнатга қараб ҳақ тўлашни ҳам амалга ошира олмайди, бу — турган-битгани хомхаёл. Фақат ривожланган социалистик бозоргина шундай қилиши мумкин. Бозор бўлмаганда бундан буён ҳам лимитлар, тақчилликлар, чеклашлар, тақиқлар, циркулярлар ҳукмронлик қилаверадики, тормозлаш машинасининг ўзи айни шу нарсаларга таянади.

Қайта қуриш жараёнида жамиятда учта норма қонун бўлиб қолиши керак: а) меҳнат эквивалентларининг нормал айирбошланиши, у фақат бозорда мумкин ва у бемаъни сарф-харажатларни реал равишда тугата олади; б) информациянинг нормал айирбошланиши, у демократия ва ошкоралик шароитидагина мумкин. Информацион автаркия, информация оқимларини догмалар билан тўлдириб юбориш ва муроса қилиш, уларнинг авторитар структурада бўлиши социализмни муқаррар равишда сталинизмга олиб келади; в) тескари алоқаларнинг нормал системаси, қонун устун мавқеда бўлганида у нуфузлиликни сўндиради, чунки жамиятни фақат қонунлар адолат билан бошқара олиши мумкин.

Жамият ҳаётини бошқаришнинг барча қаватлари ва даражаларида зарурий тескари алоқалар кўп ҳолларда узилганлиги, яна кўп ҳолларда эса умуман мавжуд эмаслиги қайта қуришнинг унга мерос бўлиб ўтган зиддиятидир. Сиёсий муносабатларни қайта қуришга эҳтиёж ана шундан келиб чиқди. Сиёсий ислоҳотнинг бош йўналиши демократиялаш, ошкоралик, қонунга асосланиш ва масъулиятлиликдан иборат эканлиги хусусида анча-мунча гапирилди ҳам. Ана шуларнинг жами айни халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини англатади.

Биз ҳозир Советларнинг янги ҳаёти бошланадиган марра олдида турибмиз. Бунда учта масала алоҳида, муҳим аҳамият касб этади: омманинг ишончи, у билан ҳар кунги алоқаларнинг характери, Советларнинг реал имкониятлари ва ишлари. Лекин ишонч фақат амалий ишлар негизидагина қўлга киритилади. Совет зарурат туғилганда идоравий манфаатларга қарши ҳам бора олиши кераккй, бунда партия органлари ва ташкилотларининг мададига қатъиян кўз тута олсин. Советда пухта моддий таянчлар бўлиши керак. Ҳозирча улар йўқ.

Сиёсий ислоҳотнинг ҳозирги босқичида шахсан етакчи бўлишдек проблемани ҳам кўра билиш зарур. Бу ҳақда XIX партия конференциясида сўз юритилди. Қайта қуриш шахсга, етакчининг хислатларига, уни танлаб олиш тартибларига янгича талабларни олға суряпти. Агар кишиларга етакчилик қилиш ҳуқуқи мансаб билан боғлиқ бўлмаса ёки мерос бўлиб ўтмаган бўлса, агар бу ҳуқуқни раҳбарга кишиларнинг ўзлари топширсалар — ана шу нарса демократиядир, ҳокимиятнинг обрўсидир, партиянинг обрўсидир. Бунинг устига тер тўкиб олинган обрўдир. Меҳнаткашлар билан ишлаш мобайнида ана шундай етакчиларни излаб топадиган, улар билан амалий алоқалар ўрнатишга интиладиган, албатта, принципиал жиҳатлардан воз кечмай, лекин қарама-қарши курашга, обрўталабликка тойиб кетмасдан барча ишда уларга таянадиган партия раҳбарлари ҳақлидир.

Ҳамма нарсада кишиларнинг манфаатларини кўзлаш қайта қуришнинг сиёсий ва ахлоқий мезонидир. Бунингсиз на озиқ-овқат, на уй-жой, на экология проблемаларини, на кўпгина бошқа муаммоларни ҳал этиб бўлади. Қандайдир конкрет ишни бошқараётган кишиларга, танқидни эшитганда ёки ўқиганда бир сапчиб тушадиган, лекин керак пайтда, ўзлари масъул бўлган соҳадаги бемазагарчиликларни кўриб-кўрмасликка оладиган мансабдор шахсларга нисбатан талабчанлик-

ни кучайтириш лозим. Бу — қайта қуришнинг муҳим масаласи. Ахлоқ социал шароитлардан, турмуш муҳитидан, жамият хулқ-атворидан ва унинг билим ва маданиятни оширишга муносабатидан ажралмасдир. Бу соҳадаги проблемалар кескин даражага яқинлашиб бормоқда.

Мана шу ерда партиявий иш учун асосий майдон бор. Аппаратни — ҳам партиявий, ҳам давлат аппаратини — қайта қуриш айни шунга йўналтирилган. Қайта қуриш зиддиятлари, ҳал қилинмаган масалалар, ҳануз амалга ошмаган орзу-умидлар ҳақида сўзланган пайтда идора қилувчи партия аъзолари аввало ўзларига талаб қўйишга мажбурдирлар. Муваффақиятсизликлар учун айбни ҳаммага — ёшлар ёки интеллигенцияга, газеталар ёки норасмий ташкилотларга, жаҳон буржуазияси ёки ўз шухратпарастлигини қондирувчи сиёсий демагог ва сафсатабозларга тўнкаш ҳам ғайриахлоқий, ҳам сиёсий жиҳатдан хато ишдир.

Фақат коммунистларнинг активлиги, қайта қуриш, демократия, ижтимоий ўзгартишлар йўлидан фақат олға ҳаракат қилиш, партиянинг танқид ва ўз-ўзини танқид қила билиши, баҳо беришда реализм ва ҳушёрлик, камтаринлик ва хомхаёлларга учмаслик, халққа астойдил хизмат қилишгина партиянинг авангардлик ролини таъминлаши мумкин. Халқ воқеаларга самимийлик ва ҳаққонийлик, инсофлилик ва софдиллик, виждон ўлчовлари билан, кишиларнинг дарди, ташвиш ва умидлари билан яшай олиш қобилиятига қараб баҳо беради. Партия ўзига ўзи белгилаган тарихий имтиҳондан ўта олади.

Халқаро масалалардаги қайта қуриш ҳам сифат жиҳатидан янги киррага ўтяпти. Бу масалалар КПСС XXVII съездида диққат-эътибор билан таҳлил қилинди. М. С. Горбачевнинг кўпгина нутқлари, шу жумладан, яқиндагина БМТ Бош Ассамблеяси делегатлари олдида сўзлаган нутқи ҳам ана шуларга бағишланган. Биз бу саволларга берадиган жавоб янгича сиёсий тафаккурдан иборатдир. Унинг асосий фазилатлари ва фарқловчи хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчидан, ҳозирги дунёни фарқлаб турган, унинг қайтарилмаслигини ҳамда унинг ривожланишидаги энг эҳтимол бўлган тенденцияларни белгилайдиган барча янги, истиқболли нарсаларга мурожаат қилиш зарурдир. Иккинчидан, янгича сиёсий тафаккур ўз эътибори марказига тўғридан-тўғри ва бевосита форманинг ўзида ривожланиш ғоясини қўяди. Учинчидан, янгича сиёсий тафаккур куч сиёсатининг барча анъаналарини қайтадан чуқур мушоҳада қилиш, унинг чегараларидан олисга чиқишдир. Бугунги кунда бутун инсоният миқёсларидаги социал кучларнинг ўзаро нисбати шундайки, у мамлакатлар ва халқлар ҳаётидаги ҳарбий, зўрлик формаларини илдизи билан қуритиш, уларни зиддият ва можароларни сиёсий, ҳуқуқий тарзда ҳал қилиш формалари билан алмаштиришни соф амалий вазифа қилиб қўйиш имкониятини беряпти.

Умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар проблемасини фақат омон қолиш вазифаларига тақаб қўйиш принципиал жиҳатдан нотўғри бўлур эди. Унинг ортидан янада мураккаброқ: халқаро ҳаётни адолатли, оқилона, рационал негизларда ташкил этиш, ўз проблемаларини тинч йўл билан ва барча манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишни ўрганиши керак бўлган ядросиз дунёни ташкил этиш вазифалари юзага келади. Дунё нафақат халқлар ўртасидаги муносабатларда, балки уларнинг ички сиёсий ҳаётида, у ёки бу жиҳатнинг қанчалик ўзаро боғлиқлигида ҳам манфаатлар плюрализмидек қийин илмни эгаллаб олиши керак.

Омон қолган, ядросиз дунё группавий манфаатлар, худбинликнинг сунъий ғовлари билан бутунлай бўлиб ташланадими? Ёхуд ҳар бир мамлакат ва халқнинг ўз «мен»ини, уларнинг танлашга бўлган дахлсиз ҳуқуқини бошқалар билан ҳисоблаша олиш, умумий тил топиш маҳорати билан бирлаштиришнинг самарали йўллари топиладими? Лекин бундай ҳолда бу нарса тарихдаги умуминсоний негизни рўёбга чиқариш ҳам бўлар эди.

Бугунги кунда, соф конкрет маънода умуминсоний негиз тушунчаси нимани англатади? У ядро урушига йўл қўймасликни, табиатнинг хавфли таназзулини тўхтатишни, реакция қўлидан халқларни бир-бири билан уриштириб қўйиш имкониятидек воситани тортиб олишни англатади. Очларни тўйдириш, касалларни даволаш, саводсизларни ўқитиш, миллионлаб оддий кишилар азоб чекадиган кризис кулфатларига йўл қўймаслик керак. Социал-иқтисодий ривожланишни.

қолоқликка барҳам беришни, фан ва маданият тараққиётини, чинакам маънавий қадриятлар айирбошланишини таъминлаш, инсониятнинг ахлоқий-маънавий соҳасини ифлосланиш ва заҳарлашдан ҳимоя қилиш керак. Бугунги кунда умуминсоний манфаатларнинг реал мазмуни ана шундай. Уларнинг бирортаси ҳам социализм идеаллари ва мақсадларига, ишчилар синфининг манфаатларига, мамлакатимиз, жаҳон социализми манфаатларига зид келмайди. Аксинча, ҳозирги дунёда ана шу умуминсоний манфаатларнинг исталгани ёки уларнинг ҳаммаси биргаликда яхшироқ, тўлароқ, ишончлироқ таъминланса, мамлакатимизнинг позициялари ҳам шунчалик мустаҳкамроқ бўлади.

Иқтисодий, сиёсий муносабатларни қайта қуришга, ахлоқий-маънавий масалаларни ҳал қилишга ҳаётдан ва кишиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда соғлом, ҳушёр ёндашишда орзулар воқеликка айланишининг воситаси мавжуддир. Соғломлаштириш жараёнлари мураккаб бўлиб, улар нотекис, кескин сакраш ва чекиниш билан бирга бориши мумкин, лекин янгича муносабатларни бунёд этибгина шу йўл билан жамиятнинг соғлом ривожланиши учун база ҳам яратиш мумкин. Бунёд этмасак, қайта қуриш давомида қандайдир қийинчиликлар олдида чекинсак, иқтисодий ва маънавий-сиёсий соҳадаги емирувчи тенденциялар айни шунда қандайдир тузатиб бўлмас хусусиятлар касб этиши мумкин. Ўшанда шунчаки аввалги, турғун онг ҳукм сурган даврларга қайтишгина эмас, балки ўз ғалабасидан масрур агрессив ва интиқом олувчи консерватизм хавф солиши мумкин. Буни кўра билиш керак. Буни буюк партиянинг коммунистлари англашлари керак.

(«ВОПРОСЫ ЭКОНОМИКИ» журналининг 1989 йилги 2-сони).

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Долзарб мавзуда суҳбат

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ОЗИҚ-ОВҚАТ

Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги қийинчиликларни, Орол бўйидаги экологик тангликни кўпинча пахта билан боғлайдилар. Аслида шундайми? Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Нишонов «Правда» мухбирлари саволларига жавоб беради.

— Рафиқ Нишонович, Сиз бу мавзуни КПСС Марказий Комитети Пленумида ҳам тилга олиб ўтдингиз. Сизнинг Пленум қарорларига муносабатингиз қандай?

— Қайта қуришни тўхтатиб бўлмайди. Ерга номигагина эмас, чинакамига хўжайин кераклиги тўғрисидаги фикр Пленумнинг асосий хулосасидир. Юксак пировард натижалардан манфаатдор конкрет инсон ерга соҳиблик қилмоғи лозим.

— Маълумки, Ўзбекистон кейинги беш йил ичида ўтган йили биринчи марта пахта тайёрлаш планини бажардигина эмас, ҳатто ортиғи билан адо этди. Хўш, бу нима — республика етакчи тармоғини соғломлаштириш бошланганлигининг самарасими ёки об-ҳаво шароитларининг қулай келганлигими?

— Об-ҳаво ҳам қулай келди. Лекин, энг асосийси — юксак уюшқоқликда, интизомдадир. Биз, меҳнатнинг пудрат шаклларига ўтдик. Интенсив технологияларни жорий қилмоқдамиз. Йиғим-терим конвейерини йўлга қўймоқдамиз. Бу юқори ҳосил етиштириш, асосан биринчи ва иккинчи нав пахтадан 5.360 минг тоннадан зиёд хирмон кўтариш имконини берди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, ундан камида 1.720 минг тонна тола олиш мумкин. Рашидовчиликнинг сохта рекордпарастлиги энг авжига чиққан илгариги йилларда 1.600 минг тоннадан ортиқ тола ишлаб чиқарилмасди.

Шунингдек, дон, картошка, сабзавот, полиз экинлари, ҳўл мева, гўшт, сут, тухум етиштириш ҳам кўпайди. Умуман олганда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш салкам саккиз юз миллион сўмликка ўсди.

Албатта, қўлга киритилган ютуқлар соғломлаштириш сари бурилишнинг бошланиши, холос.

— Республикада кўплаб боғ-роғларни, токзорларни, полизларни қисиб чиқарган пахта зўравонлиги тўғрисидаги мунозаралар тўхтамаяпти. Пахта учун шунчалик кўп сув керак бўлиб бўлиб қолдики, охир оқибатда Орол денгизи ҳалокат ёқасига келиб қолди. Бозорларда нарх-наво кўтарилмоқда. Яшаш муҳити ёмонлашмоқда. Пахта керакми ёки озиқ-овқат, деган муаммо кўпгина баҳсларнинг моҳияти бўлиб қолди.

— Бу қийин савол. Мен халқ хўжалигининг қарор топган структурасини, республикаларнинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ўрнини назарда тутиш керак, деб ҳисоблайман. Ўрта Осиё ва Озарбайжондан ташқари яна қаерда пахта етиштириш мумкин? Ялпи маҳсулот кетидан қувиб, қуруқ шон-шуҳратга берилиб, пахта майдонлари тўхтовсиз кенгайтирилганлиги, одамларнинг ҳаётий манфаатлари инкор этилганлиги эса бошқа масала. Тупроқ унумдорлиги пасайиб

кетди. Экологик вазият мураккаблашди. Бу — хўжалик юритишнинг қалтис, хатарли усулининг, маъмурий кўпол зўравонликнинг натижаси эди. Монокультура худди саккизоёқ каби қишлоқ хўжалигини ўраб олди. Мен бу тўғрида Марказий Комитет Пленуми минбаридан туриб айтдим. Бизда пахтага берилиб кетиб, бошқа соҳалар ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

— Пленумда кейинги йигирма йил мобайнида Ўзбекистонда 1,6 миллион гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилганлиги, қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари олти баравар кўпайганлиги, ялпи маҳсулот эса 78 процент ошганлиги таъкидлаб ўтилди...

— Аслида ҳам шундай. Афсуски, ҳозирча хўжаликни дурустроқ юрита олмаяпмиз. Йўл қўйилган бузилишларни тўғрилаб олишга, ердан ва сувдан фойдаланиш амалиётини қайта қуришга интилмоқдамиз.

— Бу мураккаб иш...

— Муаммолар йиллар давомида тўпланиб қолган. Энг аввало, озиқ-овқат тармоқлари самарадорлигини жадал суръатлар билан ривожлантириш керак. Аҳоли тез суръатлар билан кўпаяётган ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш ҳажмлари ниҳоятда кам. Республикада аҳоли жон бошига истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари амалда ошмаяпти. Гўшт-сут турлари бўйича эса биз мамлакатда энг охирги ўриндамиз.

— Мухбирлик пунктига мутахассислардан кўплаб хатлар келмоқдаки, уларнинг муаллифлари республика учун тўрт миллион тонна пахта тайёрлаш энг мақбул ҳажм деб ҳисобламоқдалар. Агар ўзини ўзи маҳсулотлар билан тўла таъминлашга ўтиладиган бўлинса, у ҳолда пахта учун майдон деярли қолмайди.

— Кўпчилик табиатда ҳам, экономикада ҳам мўъжиза рўй бермаслигини унутиб қўймоқда. Айрим кишилар пахта майдонларини кескин камайтириб, деҳқончиликни ўша заҳоти озиқ-овқат экинларига, асосан мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга қайта йўналтиришни таклиф этишмоқда. Қисқа муддат ичида бундай маневр қилиш умуман мумкин эмас, деб ўйлайман. Боз устига у иқтисодий жиҳатдан ҳам ўзини оқлаши қийин. Одамларни нима билан боқиш керак, деган муаммо ёнига яна биттаси — уларни нима билан кийинтириш керак муаммоси ҳам қўшилди. Пахта хом ашёси толадан ташқари ҳар йили қарийб 500 минг тонна ўсимлик мойи, миллион тоннадан кўпроқ кунжара, чорвачилик учун зарур кўплаб миқдордаги бошқа оқсил озуқаларини беради.

Муаммоларни ҳал этишнинг калити — экин майдонлари структурасини шошиб-пишиб бир варакайига қайта қуриш эмас (албатта, бу ўринда жиддий ўзгаришлар ясаш зарур), ерларни тўғри мелиорациялаш, сифатли қилиб яхшилаш, ҳар бир суғорма гектардан моҳирлик билан фойдаланишдадир. Ҳозирча эса қишлоқ меҳнатининг самараси ниҳоятда паст, маҳсулотлар жуда кўплаб нобуд бўлмоқда.

— Шундай бўлса-да, экинларни оқилона бир-бирига уйғунлаштириб жойлаштириш зарурлиги шубҳасиздир.

— Бу йўналишда ишлар олиб борилмоқда. Агар шов-шув кўтаришлар даврида суғориладиган майдонларнинг умумий ҳажмида пахта майдонлари улуши 75 процентни, баъзи жойларда эса ундан ҳам ортиқ миқдорни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 69 процентга тушди. Деҳқончиликни ривожлантиришнинг илмий концепциясини ишлаб чиқмоқдамиз. Майдонларни пахтадан бўшатиб олишда янада давом этамиз. Биринчи навбатда кам ҳосил берадиган ҳамда ниҳоятда шўрланган жойларда, шунингдек тик қояли тоғ этакларида пахта экишга чек қўйилади. Чунки, илгариги амалиёт ўзини оқламади.

— Ўзбекистон учун пахта тайёрлаш плани 1983 йилдагига нисбатан 750 минг тоннага камайтирилди. Бундан буён ҳам харид ҳажмларини қисқартириш зарурати борми?

— Муаммо охиригача ҳал этилмаган. Умуман олганда пландан ҳеч қачон етиштирилмаган, оддий қилиб айтганда, қўшиб ёзилган ҳажмлар олиб ташланди.

Планни реал камайтириш талаб қилинмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, экин майдонларини 200 минг гектарга камайтириш, хом ашё етиштириш ҳажмларини яна 300—350 минг тоннага қисқартириш даркор. Бу — йиллик ялпи пахта ҳосилини беш миллион тоннага келтириш учун зарурдир. Партия Марказий Комитети ва мамлакат ҳукумати бу масала юзасидан бизнинг хоҳиш-истакларимизни тушунишмоқда ва қўллаб-қувватлашмоқда. Уни ижобий ҳал этиш пахтачилик даражасини сифат жиҳатидан юксалтириш, алмашлаб экишни ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради.

— Орол бўйидаги танг аҳвол суғориш учун янги ерларни ўзлаштиришга масъулиятсизларча ёндашув натижаси бўлди чоғи. Унинг салбий оқибатлари тўғрисида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмади.

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг маълум қарорида Орол районидаги аҳволни яхшилаш учун қилинадиган ишларнинг катта программаси белгилаб берилди. Бизда Орол бўйича махсус депутатлик группаси тузилган. У коллектор-зовур системалари қурилишини, эскидан деҳқончилик қилиб келинган ерларни комплекс реконструкциялашни ўз назорати остига олди. Сувни тежаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Агар денгизга 1987 йилда 10 кубокилометр сув тушган бўлса, ўтган йили 23 кубокилометр оби-ҳаёт ташланди. Бироқ бу кўрсаткич Орол сатҳидан буғланаётган миқдордаги сувдан анча камдир. Демак, мураккаблик, масаланинг ўткирлиги сақланиб турибди.

— Ишларнинг аҳволини холисона таҳлил этиш пахтачиликнинг мутлақ даромадли тармоқ эканлиги тўғрисидаги афсонани пучга чиқарди. Бир қатор хўжаликлар зарар келтирмоқда. Хўжаликларнинг учдан биридан кўпроғида рентабеллик 15 процентдан ошмайди. 72 хўжалик эса умуман синди. Хўш бундан қутулишнинг йўли қандай?

— Ҳеч қандай афсона бўлмаган. Пахтачилик даромадли тармоқ. Энг ноқулай келган 1987 йилда ҳам унинг рентабеллиги 30 процентдан ошди. Рентабеллик ўтган йил якунларига кўра, янада кўтарилди. Зарар келтираётганларга келсак, улар асосан пахтачилик эмас, асосан ғаллачилик-чорвачилик ва боғдорчилик-узумчилик хўжаликларидир. Ҳозир бутун экономикани молиявий соғломлаштириш ишлари бормоқда. Синган айрим совхозларни саноат корхоналарига берамиз, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликларга қўшиб юборамиз.

Асосий эътиборни меҳнатни ташкил этишнинг хўжалик ҳисобидаги шаклларига — пудратга, ижарага қаратамиз. Ишлаб чиқариш кооперативларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашамиз. Ижара деҳқонларнинг ердан узоклашишига барҳам беради, уни ернинг хўжайинига айлантиради. Дарвоке, Қашқадарё областидаги «Партия XXVI съезди» совхозидан Л. Ким бошлиқ хўжалик ҳисобидаги коллектив тажрибаси ҳам унинг тўғрилигига ишонч уйғотмоқда. Яқинда биз Лев Николаевич билан учрашган эдик. У қўлга киритилаётган муваффақиятларнинг омили мустақилликда, ижара асосидаги пудратда эканлигини ишонч билан ҳикоя қилиб берди.

Бригадада ортиқча техника ҳам, идора хизматчилари ҳам йўқ. Ўтган йили пахта ҳосилдорлиги 27 центнердан ошиб кетди. Ҳа, қўриқда шундай ҳосил олинди. Хом ашёнинг ҳаммаси машинада терилди. Бундан ташқари бригада беда, сабзавот, картошка етиштиради. Ҳар бир ходим 21 минг сўмликдан ялпи маҳсулот ишлаб чиқарди. Унинг ўртача ойлик иш ҳақи 667 сўмга айланди. Мен Андижон областидаги «Победа» колхозининг Ф. Иброҳимов етакчилик қилаётган бригадасида ҳам пахтадан, озуқа экинларидан ва бедадан юқори ҳосил етиштириш бўйича орттирилган қизиқарли тажриба билан танишдим.

Агар ўтган йили ижарачиларга 80 минг гектар ер берилган бўлса, бу йил 900 минг гектар майдон ажратилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи беш юзта кооператив ишлаб турибди.

— Ижарачиларнинг ҳам анчагина муаммолари бор...

— Бу муаммолар орасида биринчиси пахтанинг нархидир. У кейинги йилларда айниқса ўткирлашди. Чунки қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасидаги айирбошлашдаги тенг қимматлилик бузилган эди. Негаки, олинаётган даромадлар билан сарф-харажатларни қоплаш қийин. Шу сабабли харид нархларини қайта кўриб чиқиш, деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш жуда муҳимдир. Биз бу масалани ҳал этмас эканмиз, пахтачиликда нормал иқтисодий муносабатларни

яратиш мумкин эмас. Биз ўз таклифларимизни тегишли Иттифоқ органларига юбордик. Уларнинг кўриб чиқилишини кутмоқдамиз. Республика учун иқтисодий рағбатлантириш сифатида Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасини қайта ишловчи мамлакат корхоналарига солинадиган оборот солиғининг бир қисмини бюджетимизга ўтказиш тўғрисидаги таклифимиз ҳам ҳал этилиши керак.

— Кейинги уч йилда пахтачиликда икки томонлама ҳисоб-китоб деб аталмиш шакл мавжуддир. Яъни, ялпи маҳсулот бўйича алоҳида ва тола бўйича алоҳида ҳисобот берилади. У ўзини қанчалик оқлади?

— Хом ашёга толанинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлашга ўтиш ижобий роль ўйнади. Ўртача тола чиқиш кўпайди. Хўжаликлар планга қўшимча тола ишлаб чиқариш ҳисобигагина ҳар йили 170—200 миллион сўмдан пул олишмоқда. Тажриба тариқасида колхоз ва совхозларга тайёрлов пунктлари берилмоқда. Энди навбатдаги қадамни ташлаш керак. Маҳсулотни фақат толага қараб қабул қилиш ва шунга яраша ҳисоботга ўтиш қолди, холос.

Бошқа тармоқларда бўлгани каби пахтачиликда хўжалик юритиш механизмини қайта қуриш туб иқтисодий ислоҳот принциплари асосида амалга оширилиши лозим. Пахта толаси учун қатъий давлат буюртмасини кўзда тутиш зарур деб ўйлаймиз. Маҳсулотларнинг муайян қисмини хўжаликлар ихтиёрида қолдириш керак. Хўжаликлар уни шартнома асосида реализация қилсинлар. Ана шундай шароитларда пахтакорлар халқаро бозорга чиқа олишлари мумкин. Хўжалик ишларини янада омилкорлик билан олиб бориш ҳисобига асосий экин ҳосилдорлигини ошириш ҳамда айни пайтда озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга қўшиладиган ҳиссани кўпайтириш мумкин бўлади.

— Статистика кейинги икки йил ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги ўсиш Ўзбекистон аҳолиси табиий кўпайишини зўр-базўр қоплайди, деб тасдиқламоқда. Бозорлардаги қимматчилик сабаби шундан эмасмикин? Айни пайтда кўплаб маҳсулот сақлаш ва қайта ишлаш базасининг заифлиги оқибатида нобуд бўлмоқда. Область партия конференцияларининг делегатлари шу ҳақда гапирган эдилар. Мазкур масала Марказий Комитет Пленумида ҳам ўткир қилиб қўйилди.

— Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Лекин истеъмол бўйича аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ўсиш сезиларли бўлмади. Ҳўл мева, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш эса ҳатто камайди. Бизда маҳсулотларни қайта ишлайдиган жойлар йўқ ҳисоби. Шу сабабли хўжаликлар ўз маҳсулотларини Умумиттифоқ фондига кўпроқ етказиб берадиган бўлиб қолдилар. Маҳсулотларнинг ортиқчасини узоқ регионларда сотишга интилмоқдалар. Маҳаллий бозорлардаги нарх-наволарнинг қимматлиги ана шундандир. Аҳволни тузатиб олиш учун мева-сабзавот экиладиган майдонларни жиддий равишда кенгайтирмоқдамиз. Пахта туфайли чорвачиликда ҳам анчагина муаммолар тўпланиб қолган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари тўкинлигини ҳосил нобудгарчилигига қарши кескин кураш олиб бормай туриб ҳал этиб бўлмайди. Исрофгарчилик эса ҳозирча бизда юқори. Маҳсулотларни ортиб жўнатиш колхоз ва совхозлар учун энг оғир юк ҳисобланади. Транспорт кўпинча кечикиб келади. Маҳсулотларни темир йўл бўйлаб етказиб бериш муддатлари бузилиши орқали ҳосил нобуд бўлаётганлигига беҳисоб мисоллар келтириш мумкин. Колхоз ва совхозлар бундан жуда катта зарар кўрмоқдалар. Харидор эса кўпинча ҳеч вақосиз қолмоқда. Омборхоналар ниҳоятда қониқарсиз аҳволда. Уларнинг кўпи холодильниклар билан жиҳозланмаган. Шу сабабли жуда кўплаб исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш базаларини тубдан қайта қуриш керак. Бу борада муайян бурилиш сезилмоқда. Маҳсулотларни сақлаш кувватлари беш йиллик бошлангандан бери анчагина ошди. У 1991 йилга бориб икки баравар ортади. Йирик фирмалар ва агрокомбинатлар ташкил этамиз. Ҳозир мева-сабзавотлар етиштирувчи, тайёрловчи, қайта ишловчи ва савдо қилувчи «Ўзбекистон» республика хўжалик ҳисобидаги кооператив бирлашмаси иш бошлаб юборган. Бундай бирлашмалар барча областларда вужудга келтирилади. Биз, шунингдек, озиқ-овқат муаммоларини ҳал этишда воситачи — савдо кооперативлари мададига ҳам умид қиламиз. Мева-сабзавотларни қайта ишлаш линияларини ўз кучларимиз билан тайёрлаймиз. Бироқ бундай ускуналарни мамлакатнинг ихти-

сослаштирилган корхоналарида зудлик билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш даркор, деб ўйлайман.

Республикада 2000 йилгача озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини етиштиришни кам деганда икки бараварга кўпайтиришга қарор қилинган. Бу четдан сут ташиб келтиришдан бутунлай воз кечиш имконини беради. Лекин ўзимизда гўшт етиштиришни кўпайтиришдан ташқари барибир Умумиттифоқ фондидан гўшт маҳсулотларини ажратишни кўпайтиришга тўғри келади. Бунда ҳаммаси қонуний бўлади, деб ўйлайман. Негаки, тармоқларни оқилона ихтисослаштириш ва республикалараро меҳнат тақсимотининг бутун моҳияти ҳам ана шундадир.

— Хўп, шундай бўлса-да, пахтами ёки озиқ-овқатми, деган саволга қандай жавоб берасиз?

— Жавоб битта: ҳам пахта, ҳам озиқ-овқат етиштирамиз. Ўзбекистон ССР улкан мамлакатнинг ажралмас қисми эканлигини унутмайлик. Шу сабабли биз хўжаликни шундай юритайлик-ки, ундан ўзимиз ҳам, бошқалар ҳам манфаат кўрсин.

Суҳбатни
В. АРТЕМЕНКО.
А. ҚАЙИПБЕРГАНОВ олиб бордилар.

Тошкент шаҳри.
(«Правда», 1989 йил 30 март).

«Ўзбекистон коммунисти» журналининг 4-сонида В. Осмининнинг «Миллатлараро иктисодий муносабатларнинг янги типи ҳакида» сарлавҳали маколаси босилган ва редакция журналхонларга унда кўтарилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришни таклиф этган эди. Ундаги айрим масалаларга СССР Министрлар Советининг умумхалк муҳокамасига ҳавола этилган «Иттифокдош республикаларда уларнинг суверен ҳукукларини кенгайтириш, ўз-ўзини бошкариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарликни кайта куришнинг умумий принциплари» лойиҳасида жавоб бор. Лойиҳа муҳокамаси давом этмокда. Республиканинг хўжалик ҳисобига оид муаммолари хусусида иктисодчи олимлардан О. Ҳикматов ва М. Шарифхўжаев ўз маколаларида катор фикр ва мулоҳазаларини билдиришган. Редакция суҳбатга бошка мутахассислар ҳам кўшиладилар деб умид килади.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ

РЕСПУБЛИКА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ: УНИНГ ЗАРУРЛИГИ, МОҲИЯТИ ВА МУАММОЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ. Бу проблема КПСС XIX Бутуниттифок конференциясида, партиямиз МКнинг Пленумларида кизғин муҳокама килинди, жамоатчиликнинг энг кенг доиралари, оммавий ахборот воситалари унга муттасил эътибор бермокдалар. Кишилар ана шу нисбатан янги иктисодий тушунча моҳиятининг тагига етишга, унинг партия миллий сиёсати билан, ишлаб чикарувчи кучлар ва ишлаб чикариш муносабатларининг ривожланиш жараёнлари билан алокасини идрок этишга интилмокдалар.

Совет жамиятининг мавжуд ишлаб чикариш, илмий-техника, социал-иктисодий ва маънавий потенциалидан фойдаланиш, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, ленинча миллий сиёсат принципларини рўёбга чикариш учун регионал хўжалик ҳисобининг аҳамияти СССР Министрлар Советининг «Иттифокдош республикаларда уларнинг суверен ҳукукларини кенгайтириш, ўз-ўзини бошкариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарликни кайта куришнинг умумий принциплари» Лойиҳасида таъкидланади. Ана шу принципиал муҳим ҳужжатнинг мукаддимасида уктириладики, «ижтимоий ишлаб чикаришнинг асосий бўғинида иктисодийислоҳотнинг бош йўналиши сифатида хўжалик ҳисоби муносабатларини ривожлантириб ва чукурлаштириб, ана шу принципларни карор топтиришда навбатдаги кадамни ташлаш — бу принципларни территориал хўжалик юритиш соҳасида ҳам жорий этиш, республикаларнинг иктисодий жиҳатдан мустакиллигини кенгайтириш, иттифок, республика ва маҳаллий органлар ўртасида ваколатларнинг окилона таксимланишини таъминлаш ҳамда регионлар манфаатларини ҳимоя килишнинг ҳукукий механизмини ишлаб чикиш лозим бўлади».

Республика хўжалик ҳисобининг моҳияти нимада, у нима учун зарур, унинг асосий белгилари ва хусусиятлари, социалистик ишлаб чикариш муносабатларини такомиллаштириш, кайта куриш билан алокаси кандай? Ушбу саволларга жавоб бермасдан хўжалик юритишнинг ана шу илғор формасидан кандай фойдаланишни пухта аниклаб олиш, бошкаришнинг тармок ва территориал принципларини макбул тарзда уйғунлаштиришга эришиш, товар-пул муносабатларини, давлат бюджети, баҳо, кредит, фойда ва ҳоказо сингари иктисодий омилларни самарали татбик этиш мумкин эмас.

ШАРИФХЎЖАЕВ Мурод, иктисод фанлари доктори, Беруний номидаги Тошкент политехника институти «саноатни бошкариш» кафедрасининг мудири.

Республика хўжалик ҳисобини республика территориясида жойлашган корхоналар, бирлашмаларнинг шунчаки арифметик қўшилишидан иборат қилиб қўйиш тўғри бўлмас эди. Бу ўринда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтишининг диалектик жараёни юз беради. Албатта, меҳнат натижаларини унинг харажатлари билан пухта қиёсламасдан, меҳнат коллективларини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирмасдан ва ҳуқуқларини кенгайтирмасдан туриб социалистик экономиканинг асосий бўғинидаги хўжалик ҳисоби муносабатлари бутун системаси билан боғлиқ бўлмаган республика хўжалик ҳисоби тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бу нарса областлар, шаҳарлар ва районлар хўжалик ҳисобига тўла тааллуқлидир.

Бошқа томондан олганда, республика хўжалик ҳисоби сифат жиҳатдан янги тузилма бўлиб, у иттифоқдош республикалар орасидаги муносабатлар системасини, улар ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражасини, экологик, демографик ва миллий-маданий факторларни ҳисобга олган ҳолда иқтисодий потенциалини ўз ичига олади. У иттифоқдош республикалар ўртасида меҳнатни, шунингдек умумиттифоқ ва республика органлари ўртасида функцияларни аниқ тақсимлаш, республика органларининг ўз территорияларини социал-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишдаги роли ва масъулиятини ошириш негизида вужудга келади, мустаҳкамланади ва ривожланади.

Республика хўжалик ҳисобига ўтишга тайёргарлик кенг кўламда олиб борилаётган бугунги кунда социал-иқтисодий соҳада содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиш, регионал ва миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибани, мамлакат ва иттифоқдош республика халқ хўжалигини бошқариш методлари ҳамда системасини ҳар тарафлама принципиал анализ қилиш айниқса муҳимдир. Ўзбекистон ССР хўжалик ҳисобига ўтишнинг, фикримча, энг муҳим проблемаларини ана шу позициядан туриб таҳлил этишни, ана шу комплекс — сиёсий, иқтисодий ва социал — вазифани муваффақиятли ҳал этмоқ учун қандай амалий тадбирлар амалга оширилиши кераклигини кўриб чиқишни таклиф қиламан.

Ўзбекистон экономикасини ривожлантиришнинг реал манзараси — бу фақат миллатлараро муносабатларнинг ижобий натижалари, республикада тўпланган ишлаб чиқариш, илмий-техника ва меҳнат потенциалидан самарали фойдаланишнинг ўзи эмаслигидан кўз юммайлик. Турғунлик йилларида ленинча миллий сиёсат принципларидан чекиниш, совет жамияти ҳаётининг турли соҳаларида социализмнинг деформация бўлгани, экономиканинг ўткир масалаларини хаспўшлашга уринишлар, волюнтаристик қарорлар ва шу сингарилар иқтисодий ўсиш суръатларига ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигига жиддий таъсир қилди, миллий масалада қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмурий услубининг узоқ вақт давомидаги тазйиқи экономика ривожига таъсир кўрсатишнинг иқтисодий методларидан суст фойдаланишга сабаб бўлди. Масалан, республикамиздаги корхоналар 100 дан ортиқ министрликлар ва идораларнинг ихтиёрида бўлиб, уларнинг аксарияти иттифоқ ва иттифоқ-республика министрликлари ва идораларидир. Улар учун эса охирги вақтларгача ҳамма нарсани ўз қўлларида жамлашга интилиш, область ва район хўжаликларини ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга доир масалаларни ҳал этишда майда-чуйда нарсаларга ҳам аралашавериш характерли эди. Бундай шароитда республика бошқариш органларининг, маҳаллий Советларнинг ресурслардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан мустақил қарор қабул қилиш имкониятлари чекланган эди. Қолаверса, иттифоқ министрликларининг ўз амрини ўтказиши капитал маблағларни қайси соҳага қанча ажратишни белгилашда конкрет территория манфаатларини эътиборга олмасликка олиб келди, кўпинча бу регионнинг табиий-иқлим шароитини, моддий-хом ашё, шунингдек меҳнат ресурсларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилди.

Иттифоқ министрликлари ўртасида, шунингдек тармоқ ва регионал бошқарув ўртасидаги келишмовчилик экономикада норационал структуравий силжишларга, халқ хўжалигининг ўзаро боғлиқ йирик комплекслари тараққиётининг орқада қолишига, капитал қурилишлар муддатларининг ва янги ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватлари ўзлаштирилишининг чўзилиб кетишига, асосий

фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига олиб келди. Буларнинг бари ишлаб чиқаришнинг материал сарфи ўсиши, моддий-техника таъминотининг бузилиши, шартнома асосида етказиб бериш муддатларига риоя қилмаслик, норационал, ҳаддан ташқари олис жойларга юк ташишлар билан бир вақтда юз бердики, улар корхоналар фаолиятининг пировард натижаларини ёмонлаштирмаслиги мумкин эмас эди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётидаги ана шу ва бошқа салбий ҳолатлар, албатта, республика меҳнаткашлари турмуш даражаси ошишига тўсқинлик қилди. Иттифоққа қарашли корхоналарнинг кўпида социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондлари моддий-техника ресурслари билан суст таъминланган бўлиб, ходимларнинг маиший-турмуш шароитини яхшилаш, уларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлаш, кўп болалик оилаларга ёрдам бериш тўғрисида кам қайғурганлар. Бозорни озиқ-овқат ва саноат молларининг кенг ассортименти билан тўлдириш масалалари суст ҳал қилиб келинган.

Бунинг натижалари қуйидагича: Ўзбекистон ССР аҳолисининг уй-жой билан ўртача таъминланиши ўртача иттифоқ даражасининг атиги 65 процентини, болаларни бир сменада ўқитиш учун мактаб бинолари билан таъминлаш — 72 процентни, доимий мактабгача тарбия муассасалари билан эса — 34,5 процентни ташкил қилади. Ўзбекистон аҳолиси киши бошига энг муҳим озиқ-овқат моллари истеъмол қилишида ҳам жиддий тафовут мавжуд: гўшт — умумиттифоқ даражасига нисбатан 50 процентдан камроқ, сут — 53, тухум — 41, мева ва резаворлар — 61 процент.

Савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, маиший хизмат турли формаларининг ривожланишида ҳам табақаланиш катта. Ўзбекистон ССРда аҳоли жон бошига чакана товар обороти — умумиттифоқ даражасининг тахминан 65 процентини, пулли хизматларнинг — 50 процентини ташкил қилади, республика меҳнаткашларининг маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан таъминланишида жиддий қолоқликка йўл қўйилди.

Шу нарсани таъкидлашни зарур деб биламанки, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва социал соҳаларида юз берган аҳвол — нафақат иттифоқ органлари томонидан унинг эҳтиёжлари дуруст ҳисобга олинмаётгани, меҳнат коллективлари ҳуқуқ ва имкониятларининг чекланганлиги, тармоқ ва территориал планлаштиришнинг оптимал нисбатининг йўқлиги, хўжалик алоқаларининг миллатлараро ва регионлараро интеграцияси бузилишининг натижаси. Бу бутун мамлакат экономикаси ривожидаги нохуш тенденцияларнинг, жумладан, меҳнаткашлар социал эҳтиёжларига маблағлар ажратишдаги «қолдиқ принципи» таъсирининг оқибати ҳамдир.

Мамлакат тараққиётининг миқдор ва сифат кўрсаткичларидан республиканинг анча орқада қолганлигининг энг муҳим сабабларидан бири консерватизм, коррупция, қўшиб ёзишлар, раҳбар хўжалик ва партия кадрлари бир қисмининг ахлоқий айниши ва бузилиши бўлди. Лекин бу марказий раҳбар органларнинг Ўзбекистон меҳнаткашлари эҳтиёжларига эътиборсиз қараб, кўпинча эса масъулиятсиз муносабатда бўлиб салбий роль ўйнаганликларини камайтирмайди.

Ҳозирги вазиятда республика хўжалик ҳисоби проблемаси ғоятда долзарб бўлиб қолди, алоҳида кескинлик касб этди. У мамлакатдаги революцион қайта қуриш жараёнлари, унинг энг муҳим вазифалари — совет жамиятини янада демократиялаш ва туб иқтисодий ислоҳотга тўла мувофиқ келади. Республика хўжалик ҳисобининг объектив характери мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг бутун жараёни, бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмурий усуллари узоқ вақт давомида ҳукм суриб келганлиги, регионлар мустақиллигининг чекланганни, уларнинг хўжалик ва социал жараёнларга кучли таъсир этиш имкониятига эга эмаслиги билан боғлиқдир.

Шу билан бирга фақат жамиятда революцион туб ўзгартишлар қилиш, экономикани турғунлик, кризисолди ҳолатидан чиқариш зарурияти, социал соҳадаги ҳал этилмаган проблемалар регионал хўжалик ҳисобини объектив равишда зарур қилиб қўйди, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Бу муаммонинг бир томони. Бунинг бошқа, муҳим томони шундаки, республикаларнинг ўзлари ҳозир ССР Иттифоқи ташкил топган пайтдагига нисбатан тараққиётнинг принципиал жиҳатдан бошқача даражасида бўлиб, ўз регионлари, шунингдек умуман мамлакат халқ хўжалигини юксалтиришнинг сифат жиҳатдан бошқача вазифаларини

ҳал этишга қодирдирлар. Ҳозирги фан-техника революциясининг талаблари, экономикани интенсивлаш изига кўчириш, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани ривожлантириш, инсон омилидан самарали фойдаланиш, сиёсий, иқтисодий ва социал турмушнинг ҳамма соҳаларида туб қайта қуришнинг, миллатлараро муносабатларда янги марраларга чиқишнинг зарурлиги, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик комплекси самарадорлигини ошириш регионал хўжалик ҳисобини тақозо этмоқда. Бу, юқорида таъкидланганидек, янги иқтисодий категория бўлиб, бошқача даражадаги ишлаб чиқариш муносабатларини, юксакроқ босқичдаги миллатлараро тараққиётни, иттифоқдош республика халқ хўжалик комплексини бошқариш форма ва методларини ўз ичига олади. У ижтимоий меҳнат тақсимоти жараёнининг чуқурлашуви, унинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви, республикалараро ҳамкорликнинг кучаюви билан узвий боғлиқдир. Бу категориянинг моҳияти нафақат корхона ва бирлашмаларнинг тўла хўжалик ҳисоби, уларнинг ўзини ўзи пул билан таъминлашидан, балки шу билан бирга иттифоқдош республиканинг иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлаш, тармоқ бошқаруви билан территориал бошқарувни оқилона қўшиш, планлаштириш, ишлаб чиқариш, тақсимлашнинг ўзаро алоқаси, миллий даромад ва давлат бюджетидан фойдаланиш, уларнинг балансланган бўлишига эришишдан ҳам иборатдир. Республика хўжалик ҳисоби билан тормозлаш механизмини бартараф этиш, қайта қуриш вазифалари, совет жамиятининг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги революцион туб ўзгартиришлар ўртасидаги диалектик алоқа ана шундай.

Республика даражасидаги хўжалик ҳисоби — кўп миллатли Совет давлати иқтисодий ривожининг қонуний босқичи, совет жамияти ҳаётининг барча томонларини янгилашнинг таъсирчан омилидир. Афсуски, иттифоқдош республикаларда экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг умумий принциплари лойиҳасида, гарчанд тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш тўғрисида қайта-қайта гапирилсада, республика хўжалик ҳисобининг аниқ таърифи йўқ. Ҳолбуки ана шу категория тўғрисидаги аниқ, илмий тасаввур муҳим назарий ва методологик аҳамиятга молик бўлиб, унинг одатдаги, кўпинча кундалик ҳаётдаги юзаки тушунишдан холи бўлишга ёрдам беради.

Биз республика хўжалик ҳисобига иттифоқ ва республика органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар системаси сифатида, ишлаб чиқариш, тақсимот, ижтимоий маҳсулотни ва миллий даромадни алмашув ва истеъмол қилиш шароитида вужудга келадиган регионал ва умумдавлат манфаатларининг қўшилуви деб қарай оламиз. Бундай хўжалик ҳисоби бир қатор принциплар билан характерланадики, уларнинг энг муҳимлари, менинг назаримда, қуйидагилардир.

1. Демократик централизм, ягона кўп миллатли давлат доирасида иттифоқдош республиканинг табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, айни регионнинг миллий, демографик ва бошқа хусусиятларини максимал ҳисобга олиш асосида унинг ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ривожлантириш проблемаларини ҳал қилишда иқтисодий мустақиллик даражасини ошириш принципи. Бу мустақиллик айниқса янги капитал қурилишнинг илмий асосланган йўналишларини танлашда, ишлаб чиқаришнинг территориал структурасини такомиллаштириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўла банд бўлишига эришиш, республика меҳнаткашлари фаровонлиги ўсишини таъминловчи актив социал сиёсатни амалга оширишда намоён бўлиши керак.

Ҳозирги шароитда иттифоқ ва маҳаллий бошқарув органларининг ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани ривожлантириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасидаги алоқаларининг янги формалари расм бўлмоқда; иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари тегишли республика ва иттифоқ бошқарув органлари фикрларини ҳисобга олган ҳолда социал соҳа объектлари қурилиши планларини мустақил равишда тузиб чиқмоқдалар.

Республика бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг бошқа бир мақсадли йўли — иқтисодий ва социал проблемаларни ҳал этишда энг муҳим томонларни белгилаш, ўзига қарашли территориядаги барча корхона ва бирлашмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, хилма-хил тармоқлараро ва хўжаликлараро бирлашмаларни бунёд этишда улар таъсирини кучайтиришдан иборат.

2. Бошқарув ва планлаштиришнинг иқтисодий методлари ролини кучайтириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминловчи самарали хўжалик механизмини яратиш, илғор тажриба ютуқларини, тўла хўжалик ҳисобини ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни жорий этиш. Буларнинг бари ишлаб чиқаришни территориал ташкил этишни такомиллаштириш, иттифоқ ихтисослашуви тармоқларини, маҳаллий органларга қарашли корхоналарни ривожлантириш, уларни ривожлантириш планларини аввало аҳолининг талаби, савдо буюртмалари, турли республика ва регионлардаги корхона ва бирлашмалар ўртасидаги шартномавий муносабатлар асосида тузиш учун фойдаланилади. Давлат буюртмаси асосида маҳсулотни, моддий ресурсларни марказлашган тартибда тақсимлаш фақат умумдавлат эҳтиёжларини қондириш, мамлакат мудофаа қобилиятини таъминлаш, йирик ишлаб чиқариш программаларини амалга ошириш учунгина сақланиб қолади.

3. Миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш асосида умумиттифоқ ва республика манфаатларининг бирлигига, умуман мамлакат ва конкрет регион эҳтиёжларини қондирадиган ишлаб чиқариш тармоқларининг энг мақбул нисбатига эришиш, фан-техника тараққиёти, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари асосида меҳнат унумдорлигини ўстириш учун маҳаллий ресурслар ва резервлардан самарали фойдаланишдан ҳар бир меҳнат коллективининг манфаатдорлигини ошириш, меҳнаткашларнинг маданий-техникавий ва иқтисодий савиясини юксалтириб бориш.

Республика хўжалик ҳисоби шахснинг, меҳнат коллективи микёсида хўжалик ҳисобининг иқтисодий манфаатлари билан умумхалқ манфаатлари бирлигини таъминлаши керак. Бунга социал адолат принципини амалга ошириш, моддий ва молиявий ресурсларни бир текисда тақсимлашни бартараф этиш негизида эришилади. Нафақат ҳар бир иттифоқдош республиканинг халқ хўжалик фаолиятининг пировард натижалари учун масъулиятини ошириш йўли билан, балки унинг даромадлари ва харажатларини тартибга солиш орқали ҳам ана шу манфаатларни мувофиқлаштириш принципиал жиҳатдан муҳимдир.

Ўн учинчи беш йилликдан бошлаб иттифоқдош республикалар иқтисодий ривожланишини баҳолашда ҳосил қилинган миллий даромад кўрсаткичидан фойдаланилади. Территориал планларни реализация қилишга ажратиладиган молиявий ресурслар билан ҳосил қилинган миллий даромад ўртасидаги боғлиқликни белгилайдиган нормативлар жорий этилади. Ҳосил қилинган миллий даромадга доир планли ва ҳисобот рақамларини белгилаш, унинг асосида иттифоқдош республиканинг иқтисодий потенциал ривожининг умумлаштирувчи кўрсаткичларига суяниш ва, бинобарин, унинг умумиттифоқ натижаларига қўшадиган реал ҳиссасини, унинг ягона халқ хўжалик комплексидаги ўрнини аниқроқ белгилаш бошқа регионлар билан ўзаро фойдали алмашувини рағбатлантириш, турли иттифоқ программаларида активроқ қатнашиши имконини беради.

Кейинги вақтда жамиятимизнинг турли қатламларида, илмий ишларда, кундалик матбуотда у ёки бу республика иттифоқ фондидан қанча маблағ олаётгани масаласи муҳокама қилинмоқда. Умумдавлат даромадларидан гўё жуда катта ажратмалар олаётган, бошқалар ҳисобига кун кўраётганлар пайдо бўлди, деган фикр юради. Бунда айниқса Ўрта Осиё республикаларининг «омади келмаяпти», чунки улар Қозоғистон билан биргаликда 1989 йилда иттифоқ бюджетидан 5,9 миллиард сўм дотация олишлари керак. Масаланинг бу хилда қўйилиши ана шу регион аҳолисининг аксар қисми: наҳотки улар шу қадар ёмон, шу қадар паст самара билан ишлайдиларки, ўзларини боқа олмайдилар ва харажатларини ўз даромадлари ҳисобига қоплай олмайдилар? деб ҳайрон бўлишяпти. Бу муаммога мен яна тўхталаман, бу ўринда эса шу нарсани таъкидламоқчиманки, шахс, коллектив ва давлат манфаатларининг бирлиги принципи Иттифоқдош республика манфаатларини ҳам тақозо этади, корхоналар ва тармоқларнинг ўз харажатларини ўзи қоплаши ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принципи эса кенгроқ ёйилиши ва шу республика территориясини қамраб олиши керак.

4. Республика иқтисодий ва социал тараққиётининг ҳамма томонларини ўз ичига оладиган узоқ вақтга мўлжалланган ва барқарор нормативларнинг қўлланилишини республика хўжалик ҳисобига ўтишнинг энг муҳим шарти ва айни вақтда унинг принципи деб ҳисоблайман. Норматив принципдан фойдаланиш бошқа-

ришнинг буйруқбозлик-маъмурий методларидан иқтисодий методларига ўтишда, регионни ривожлантириш масалаларини ҳал этишда республика маҳаллий органлари мустақиллигини кенгайтиришда алоҳида муҳим роль ўйнайди. Нормативлар молия-кредит сиёсатини республика халқ хўжалиги даромадларини тўла ҳисобга олиш, унинг давлат бюджети ҳажми ва структурасини шакллантириш томон қайта қуриш имконини беради, экономиканинг самарадорлигини оширишга, ресурс ва резервлардан оқилона фойдаланишга рағбат уйғотади, республика ҳуқуқини унинг ривожланиши натижалари учун масъулияти билан бир бутун қилиб қўшади.

Регионал хўжалик ҳисоби шароитида илмий асосланган нормативларни қўлланиш республика даромадларини у билан давлат ўртасида тўғри тақсимлаш, у ёки бу регионга зарур моддий ва молиявий ресурсларни ажратиш, улар билан ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлаш имконини беради. Фойдани мамлакат билан республика бюджети ўртасида тақсимлаш, иттифоқ ва иттифоқ-республика министрликларига қарашли корхоналар фойдаларининг бир қисмини, оборот солиғидан қайд этилган киримларни чегириб қолиш каби иқтисодий нормативлар самарали регионал хўжалик механизмини шакллантириш, ягона кўп миллатли давлат доирасида халқ хўжалигини ривожлантириш ва социал-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашда натура-ашёвий мутаносибликларни такомиллаштиришда биринчи даражали аҳамиятга молик бўлади.

Менинг фикримча, меҳнат ва табиий ресурслар учун, жумладан ер, сув ва ҳаво ҳавзасидан, фойдали қазилмалардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш нормативларини қўлланиш республика хўжалик ҳисобини жорий этишнинг зарур шартидир. Бу алоҳида табиий-иқлим шароитлари туфайли регионда вужудга келадиган даромадни унинг ўзига бериш имконини туғдиради ва улардан оқилона фойдаланишга, шунингдек инфраструктурани ривожлантириш харажатларининг кўп даражада ўрнини тўлдиришга кўмаклашади.

Республика хўжалик ҳисобининг юқорида келтирилган жуда муҳим принциплари жамиятимизнинг энг йирик сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий проблемаларини, ленинча миллий сиёсат масалаларини, бутун совет халқи, уни ташкил этган ҳамма миллат ва элатларнинг манфаатларини кўзловчи социалистик федерализм ва демократик централизм афзалликларини акс эттиради. Ана шу принципларни турмушга оширмоқ учун зарур объектив ва субъектив шарт-шароитларни яратиш, қайта қуриш вазифаларини ҳал этишда регионал хўжаликнинг ўрни ва ролини идрок этишда меҳнаткашларга ёрдам бериш учун олимлар, партия ва хўжалик ходимларининг куч-ҳаракатларини бирлаштириш керак. Бунда иқтисод фанининг роли айникса ортиб боради, у регионал хўжалик ҳисоби ва унинг айрим элементлари назарияси ва амалиётининг кўпдан-кўп жиҳатларини тадқиқ этишга, республика миқёсида ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш масалаларини ҳар тарафлама ва малакали таҳлил этишга, республика халқ хўжалиги комплекси хўжалик механизмини шакллантиришга даъват этилгандир.

Ҳозир ана шу барча масалалар СССР Министрлар Советининг эслатиб ўтилган лойиҳасини муҳокама қилиш йўсинида кўриб чиқилмоқда. Унинг биринчи бўлими ягона халқ хўжалик комплексида иттифоқдош республикалар ва регионларни социал-иқтисодий ривожлантиришни бошқаришни қайта қуриш принциплари ва йўналишларига бағишланган. Бироқ барча баён территориал бошқаришни қайта ташкил этиш вазифаларини санаб ўтиш, иттифоқдош республикалар билан ягона халқ хўжалик комплекси манфаатларини уйғунлаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашни жорий этиш зарурлигини уқтириш билан чекланиб қолган. Ҳолбуки, фикримча, ҳозирги шароитда мақолада санаб ўтилган принциплар — демократик централизм, бошқаришнинг иқтисодий методлари роли кучайиши, мамлакат ва ҳар бир регион манфаатларининг бирлигига эришиш ва бошқалар биринчи ўринга чиқмоқдаки, булар Лойиҳада етарлича акс эттирилиши керак.

КПСС XXVII съезди қарорларида ёзилганки, «жамиятшунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг марказига жамиятимиз тараққиётини тезлаштиришдан, уни сифат жиҳатдан янги ҳолатга эриштиришдан иборат туб вазифалар қўйилиши

зарур. Ҳаёт талабларига ижтимоий фанларнинг дарҳол жавоб бериши, практика учун асослаб берилган прогнозлар ва конструктив тавсиялар ишлаб чиқиш таъминлансин». СССР Министрлар Совети Лойиҳасининг қоидаларига шу позициядан ёндашиб, қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайман:

1) иттифоқдош республика суверенитетининг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мамлакатнинг бошқа регионлари ва хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни амалга ошириш соҳасида у мустақил ҳал эта оладиган масалалар доирасини белгилаш. Бунда территориал бошқарув органларининг умумиттифоқ ва регионал манфаатларни, интизом ва ташаббусни, ҳуқуқлар ва масъулиятни уйғун равишда қўшиш асосида иттифоқ министрликлари ва идоралари билан ҳамжиҳат ҳаракат қилишининг хўжалик механизмига муттасил эътибор бериш талаб қилинади (фан-техника тараққиётининг йирик проблемаларини ҳал этиш, структуравий ҳамда инвестицион сиёсатни амалга ошириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш ва меҳнаткашлар фаровонлигини ўстириш жараёнида директива бериш ва мустақиллик бирбирини тўлдириши мақсадини кўзловчи бошқарувнинг демократик методларини кенгайтириш ана шу механизмда марказий бўғин бўлиб қолмоғи лозим);

2) планлаштиришни қайта қуриш тармоқ ва территориал планлаштиришнинг бир-бири билан қўшилиши, планларда регионал табиий, иқтисодий, демографик хусусиятларни ҳисобга олиш, территориал планлаштириш комплексига эришиш, халқ хўжалигида структуравий силжишларни амалга ошириш ҳамда корхоналарнинг қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш проблемаларини фундаментал тарзда ўрганиш. Бунда социал тараққиёт, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари алоҳида ўринни эгаллаши лозим. Шунингдек ҳосил қилинган миллий даромад юзасидан планли ва ҳисоб кўрсаткичлари системасини ишлаб чиқмасдан илож йўқ, шулар асосида республика микёсида иқтисодий ўсиш суръатлари, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг материал сарфини камайтириш, фонд самарадорлигини юксалтириш, реал даромадларни ўстириш бўйича иқтисодий ва социал ривожланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларини белгилаш мумкин;

3) молиявий-кредит системасини, нарх белгилашни такомиллаштириш, улгуржи савдога ўтишни амалга ошириш. Назаримда, ҳозир энг муҳим нарса илмий методология асосида иттифоқдош республика миллий даромадининг мазмунини, уни ишлаб чиқариш омилларини, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва фойдаланиш хусусиятларини белгилашдир. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси материалларида ёзиб қўйилганидек, бу ишни шундай йўлга қўйиш имконини берадики, натижада меҳнаткашлар республика ёки область қанча маҳсулот ишлаб чиқараётганини, у мамлакат экономикасига қанча ҳисса қўшаётганини ва қанча олаётганини билиб турадиган бўлсинлар. Республика иқтисодий суверенитетининг маҳсулот ва хизматларни реализация қилиш жараёнлари, республика ишлаб чиқариши соф даромадининг бир қисми бўлган пул жамғармалари билан ўзаро боғлиқлигини очиб бериш муҳимдир.

Бу миллий даромаднинг анча қисмини қишлоқ хўжалик тармоқлари яратадиган, маҳсулотлари бошқа республикаларда истеъмол қилинадиган Ўзбекистон учун ғоятда муҳимдир. Чунончи, республика молия министри Й. И. Маматисаев кўрсатиб ўтдики, Ўзбекистонда бир йилда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг атиги 7 процентигина бу ерда газлама тайёрлаш учун ишлатилади, улар реализация қилингач, оборот солиғи тарзида 120 миллион сўм бюджетга келиб тушади. Агар ана шу кўрсаткични мамлакат микёсида олиб кўрилса, Ўзбекистоннинг бир йилда ҳосил қилинган пахта толасидан ишланган газламалар реализация қилинганидан кейин оборот солиғи тарзидаги даромад салкам 3,9 миллиард сўмга етади («Ўзбекистон коммунисти»нинг 1988 йилги 10-сонининг 52-бетига қаралсин). Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига мувофиқ республикада ишлаб чиқарилган жами ижтимоий маҳсулотда, фақат пахтанинг ўзидан тахминан 65 миллиард сўм, миллий даромадда эса — 25 миллиард сўм ҳисобга олинмайди. Равшанки, бундай ҳолда Ўзбекистон экономикаси ривожининг реал жараёнлари

ва унинг иттифоқ бюджетидан дотация олмай яшашга қодирлигини аниқлаш қийин.

Нарх белгилашдаги чалкашлик туфайли республиканинг миллий даромадини, хусусан, оборот солиғини ҳисоблаб чиқиш анча қийинлашмоқда. Нотўғри нарх белгилаш, уларнинг реал ижтимоий зарурий харажатларга мувофиқ эмаслиги товар-пул муносабатлари қонунларига зид келади ва республика ютуқларини бузиб кўрсатади. Бу пахтанинг харид нархларига ва кўпгина бошқа хом ашё ресурсларига айниқса тааллуқлидир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик машиналари, ўғитларнинг нархи анча ошганлиги, шунингдек унумдорлиги паст ерлар салмоғи кўпайганлиги сабабли бундай маҳсулотнинг таннархи ошганлигига қарамай харид нархлари пастлигича қолмоқда. Ҳолбуки бу ҳол нафақат ҳосил қилинган миллий даромадни ва республиканинг умумиттифоқ фондига қўшаётган реал ҳиссасини белгилашда жиддий тўсиқ яратади, шунингдек меҳнаткашлар турмуш даражасига салбий таъсир қилади ҳам. Агар умуман мамлакат бўйича оила ҳар бир аъзоси ҳисобига унинг ойлик даромади 98,1 сўмни ташкил қилган бўлса, республикада — 58,8 сўмни ташкил этадики, бу 75 сўм деб белгиланган тирикчилик минимумидан 22 процент пастдир. Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан бу қадар орқада қолиш шароитида республика меҳнаткашларининг ўз муҳим моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш имконияти қандайлигини тушуниш қийин эмас.

Нарх системаси меҳнат сарфи ва хўжалик фаолияти натижаларининг объектив ўлчови, халқ хўжалигини ривожлантиришда прогрессив мутаносибликларни шакллантиришнинг, аҳолининг тўлашга қодир талаби структураси ҳамда унинг реал даромадлари ўсишининг муҳим омили бўлишини таъминлаш шунинг учун ҳам зарурдир. Бу эса мустаҳкам назарий база мавжуд бўлгандагина мумкин. Нарх белгилашнинг қайта қуриш талабларига жавоб берадиган янги концепциясини ишлаб чиқишнинг аҳамияти шундандир: нархлар меҳнатнинг ижтимоий-зарурий харажатларини, мамлакат, иттифоқдош республикалар халқ хўжалигидаги сифат ўзгаришларини акс эттириши ҳамда меҳнаткашлар турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиши керак.

4) Иттифоқ ва республикалар бюджетларига, халқ депутатлари маҳаллий Советлари бюджетларига чегирмаларнинг узоқ муддатга мўлжалланган муҳим нормативларини илмий тарзда ишлаб чиқиш, шунингдек корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг фойдаларини энг мақбул тарзда тақсимлаш.

Регионал хўжалик ҳисоби муаммоларини тадқиқ этиш эндигина бошланди. У фақат марксча-ленинча методология, қайта қуриш назарияси ва практикасини чуқур мушоҳада этиш, иқтисодий ҳолатлар ва жараёнларни билишнинг илмий методлари негизида муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

О. ҲИКМАТОВ

РЕГИОНАЛ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

ИТТИФОҚДОШ республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуриш умумий принципларининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган ва умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган лойиҳасида таъкидланадики, совет федерациясининг, давлат турмуши барча соҳаларида реал суверенитетга эга бўлган республикалар иттифоқининг дастлабки принципларини тиклаш уларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Мазкур ҳужжат асосида муҳокама этиладиган жуда кўп масалалар қаторида регионал хусусиятларни ҳам албатта ҳисобга олган ҳолда инвестиция сиёсатини қайта қуриш, иттифоқдош республикаларни хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш масалалари бор.

Регионал хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқарувнинг эстониялик олимлар таклиф этаётган вариант ўз моҳиятига кўра актуалдир. Бироқ унда бу ишни амалга ошириш методлари, иттифоқдош республикаларнинг регионал хусусиятларини ҳисобга олиш, бирламчи базис (нимага асосланиш керак) тўғрисидаги, шунингдек бошқа қатор масалалар акс этмаган. Назаримда, мамлакатимизда ягона халқ хўжалик комплекси барпо этилганлиги ва ҳар бир республика унинг самарадорлигини таъминлашга ўз улушини қўшаётганлигини асосий бирламчи позиция деб ҳисоблаш керак. Бошқача қилиб айтганда, барча иттифоқдош республикалар ва иқтисодий регионлар хўжалик жиҳатдан бир-бирига боғлиқлиги ва бир-бирини тўлдириб боришидан келиб чиқиб иш тутиш керак. Ўзбекистонга, масалан, ҳар йили бошқа иттифоқдош республикалардан тахминан 12 миллиард сўмлик турли хом ашё ва маҳсулот келтирилади, саккиз миллиард сўмлик маҳсулот ва хом ашё — асосан пахта толаси, пилла, қоракўл ва бошқалар чиқарилади. Бу маҳсулот ва хом ашё истеъмол этиладиган районларда уларни қайта ишлаш катта даромад беради, мазкур даромад эса ўша ернинг ўзида қолади.

Совет халқлари дўстлигининг моддий асоси бўлмиш мамлакат ягона халқ хўжалик комплекси мавжудлиги шак-шубҳасиз факт эканлиги инобатга олинадиган бўлса, у ҳолда хом ашёни истеъмол этувчи республикалар намояндаларининг яна шу хом ашёни етиштирувчи республикаларни боқаётганликлари тўғрисидаги гаплари, даъволарини қоралаш керак. Бундай ҳолларда, менимча, В. И. Ленининг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир: «...Экономистлар, адиблар, статистиклар умуман план ҳақида сафсата сотмасдан, планларимизнинг бажарилишини, амалий ишимизда юз берган хатоларни, бу хатоларни тузатиш усулларини бирма-бир ўрганишлари лозим. Бундай ўрганиш бўлмаса, биз кўр-кўрона ишлаймиз» (ТАТ, 42-том, 406-бет).

Умумиттифоқ меҳнат тақсимотига кўра, хом ашё (хоҳ у пахта толаси бўлсин, хоҳ пилла ёки ёғоч-тахта) етиштирувчи республикалар бу хом ашёдан фойдаланаётганларга нисбатан ютқазар эканлар, бундан кўз юмиб бўладими, ахир?

Матбуот маълумотларига қараганда, регионал хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини

ҲИКМАТОВ Омон Ҳикматович, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

бошкарувнинг эстонияликлар таклиф этаётган моделининг биттагина варианти икки йилдан ортиқ вакт ичида ишланибди. Менимча, у қайта қуришнинг мантиқий жараёни илгари сураётган демократик принципларга зиддир. Бинобарин, бунақада халқда танлаш имконияти бўлмайди. Бундан ташқари, бошқа иттифокдош республикалар хом ашёларидан фойдаланиш ҳисобига Эстония ССР олаётган иқтисодий самара мазкур вариантда инобатга олинганми, йўқми, аниқ эмас. Алоҳида пул зарб этиш, танқис товарларни мамлакатнинг бошқа регионларига жўнатишни чеклаш ва бошқа қатор баҳсли масалалар хусусига келганда шуни айтиш кераккки, улар ягона мезон — барча совет халкларининг умумий манфаатлари ҳамда уларнинг дўстлик ва ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш асосидагина ҳал этилиши лозим.

Ўзбекистонга татбиқан олганда, фикримча, биринчидан, республикани хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқарувга ўтказиш концепциясининг камида учта вариантини ишлаб чиқиш керак. Иккинчидан, умумхалқ муҳокамасидан кейин энг мақбул деб топилган вариант республика Олий Советида муҳокама этилмоғи зарур, шундан кейингина Ўзбекистон ССРни хўжалик ҳисобига ўтказишнинг узил-кесил йўллари ва методларини ишлаб чиқиб тасдиқлаш мумкин.

Бу муҳим ишда шошқалоқлик панд бериши мумкинлигини унутмаслик зарур. Ҳар қалай республикани хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказишдан аввал қатор актуал проблемаларни ҳал этиш йўлларини аниқлаб олиш зарур. Жумладан, Ўзбекистонда халқаро бозорда сотиш учун ёки товар алмашиниш учун етиштириладиган ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга бўлган талаб-эхтиёж, баҳо атрофлича таҳлил этилиши керак. Бу ишнинг мушкуллиги шундаки, ана шу маҳсулотларга талаб-эҳтиёж, шунингдек халқаро бозорнинг турли жойларида баҳолар ва нарх-наво қалқиб туриши тўғрисидаги маълумотлардан республика ҳамиша ҳам хабардор бўлавермайди. Бунинг устига Ўзбекистонда халқаро бозор бўйича ихтисослашган олимлар ҳамда халқаро иқтисод билан шуғулланувчи мутахассислар йўқ. ГФР бозори бўйича биттагина мутахассисимиз бор, Украинада, масалан, бунақа мутахассислар эллик кишидан ортиқдир. Афтидан, ташқи иқтисодий алоқалар ва халқаро иқтисодчилар тайёрлаш билан шуғулланувчи тегишли марказий муассасалар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг пишиб етилган талаб-эхтиёжларига ҳам эътибор бериб, республика хўжалик ҳисобига ўтиш билан бевосита боғлиқ вазифаларни ҳал этишда уларга актив ёрдам берадиган фурсат келди.

КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков Кемерово область партия-хўжалик активи ҳузурида сўзга чиқиб таъкидлаб айтдики, «янги регионал сиёсат территориялараро самарали ўзаро ҳамкорликни ташкил этишни ҳам тақозо этади. Энг самарали маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва уларни алмашиниш, олис регионларни ихтисослаштириш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Иқлим шароити ва бошқа объектив шароитларга боғлиқ афзалликларни рад этиш бемаъниликдир. Бунда энг асосийси территорияларнинг реал тарздаги ўз-ўзини бошқаруви ва ўзини ўзи пул билан таъминлашини таъминлаш, уларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини ишончли иқтисодий негиз асосига қўйишдан иборатдир». СССР Министрлар Советининг муҳокама этилаётган ҳужжатида ана шундай негизни юзага келтириш мақсадида жумладан, ягона умумиттифоқ социалистик бозорни шакллантириш, республикаларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини чуқурлаштириш, экспорт потенциалини кучайтириш, валюта ишлаб топиш учун маҳаллий имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш кўзда тутилган.

СССР ички бозорини тартибга келтириш зарурлигига тўхталиб ўтмоқчиман. Маълумки, ҳозирги вақтда, айтайлик, Москва, Ленинград шаҳарлари ва мамлакатнинг бир қанча районлари Венгрия, Болгария ва бошқа хорижий давлатларда етиштирилаётган сабзавот ва мева билан таъминланмоқда. Ҳолбуки Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон худди шундай турдаги, юқори сифатли ва айни чоғда анчагина арзон махсулотларни тобора кўпроқ миқдорда етказиб бера олади. Бунинг учун мазкур регионларда пахта монокультурасидан қутулиш керак. Ана шунинг учун ҳам регионал хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқарув концепцияси вариантларига пахта етиштиришнинг турли ҳажмлари асос қилиб олиниши керак. Дарвоке, бу республикалар узум, туршак, қовун ва бошқа харидорги

мева-сабзавот маҳсулотларини бошқа мамлакатларга экспорт қилиш ҳисобига талайгина валюта маблағлари ишлаб топишлари мумкин эди.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонни регионал хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқарувга тайёрлаш ҳамда ўтказишнинг жуда аниқ ифода этиладиган ихтисослашуви борки, бу нарса назаримда, ягона орган тузилишини тақозо этади. Бу орган уларнинг иқтисодий манфаатларини умумиттифоқ даражасида билимдонлик билан ҳимоя этиши керак. Шу мақсадда 1965 йили тугатиб юборилган Ўрта Осиё план комиссиясини (СССР Госпланига қарашли Ўрта Осиё давлат план комиссиясини) тиклаш жўяли кўринади, унинг зиммасига муҳим объектлар қурилишини келишиб олиш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, мамлакатнинг бошқа регионлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш сингари масалаларни ҳал этиш вазифалари юкланади.

Маълумки, ишбилармон одам катта режани амалга оширишдан аввал ўзида қанча маблағ борлигини чамалаб кўради. Ишлаб чиқариш аппаратининг миқдоригина эмас, балки сифати ҳам регионал хўжалик ҳисоби самарадорлигининг муҳим мезони эканлигини суҳбатимиз мавзуига татбиқан тўғри деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда экономикамизни соғломлаштириш учун инвестиция сиёсатини зудлик билан қайта қуриш ва шу асосда вақтдан ютиб, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш керак. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида 1985 йил июнь ойида ўтказилган кенгашда айтилганидек, ишлаб чиқариш фондларини ялпи инвентаризациядан ўтказиш, ҳар бир корхона, ҳар бир тармоқни реконструкция қилишнинг перспектив программасини белгилаб олиш, яқин вақт ичида эскириб қолган асосий фондларни, хусусан уларнинг актив қисмини чиқариб ташлаш улушини икки карра кўпайтириш лозим. Бироқ ана шу ҳар тарафлама асосланган қарор умуман мамлакат бўйича ҳам, хусусан республикаларда ҳам ҳозирча бажарилмаганлигини қайд этишга тўғри келади.

Шу маънода СССР аҳолисини 1989 йилги ялпи рўйхатга олиш чоғида мамлакат меҳнат ресурсларининг меҳнат қуроллари билан сифат ва сон жиҳатдан қандай таъминланганлиги тўғрисидаги масалалар аниқланмай қолганлигига таассуф билдиришга тўғри келади. Бу маълумотлар ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш учун зарур, шундай маълумотлар бўлганида борми, аҳолини рўйхатга олиш билан ишлаб чиқариш аппаратини инвентаризациядан ўтказиш бир-бирини янада яхшироқ тўлдирган бўлур эди.

Ўзбекистон ССРдаги ишларнинг аҳволига қайтайлик. Эндиликда унинг асосий ишлаб чиқариш фондлари салкам 60 миллиард сўмни ташкил этади, 1972 йилги охирги инвентаризациядан буён улар уч мартадан ҳам ортиқ кўпайган. Бироқ сифати ва моддий буюм структураси жиҳатидан бу фондларнинг ярми ҳозирги талабларга жавоб бермайди.

Маълумки, асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш коэффициенти фан-техника тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Унинг республикамиздаги миқёси инвестиция сиёсати етарлича самарали эмаслигидан далолат беради. Чунончи, 1970 йилда Ўзбекистон саноатида асосий фондларни янгилаш коэффициенти 11,6 процентни ташкил этган бўлса, 1985 йилда бу кўрсаткич 8,7 процентга тушиб қолди, бундай фондларни чиқариб ташлаш эса 1970 йилда 2,1, 1985 йилда 1,2 процентдан ошмади. Мабодо ҳозирги суръатлар сақланиб қолгудек бўлса, республикадаги мавжуд саноат ишлаб чиқариш фондларини янгилаш учун камида 85 йил керак бўлади. (Маълумот учун: ривожланган капиталистик мамлакатларда ишлаб турган техника авлодини ҳозир уч-тўрт йилда алмаштирадилар, таназзулга юз тутаёзган илғор технологияларни беш-олти йилда алмаштирмоқдалар.)

Республикамиз саноатида ишлатилаётган асосий фондларнинг қарийб 40 проценти жисмонан эскириб ишдан чиққан бўлиб, Улуғ Ватан уруши даврида ўлкамизга кўчириб келинган, шоша-пиша танланган биноларга жойлаштирилган 200 дан ортиқ корхона ва цехларнинг ускуналаридан ҳанузга қадар фойдаланиб келинмоқда. Айтайлик, Тошкент қоғоз комбинати ускуналари ичида 1907 йилдан буён ишлатиб келинаётганлари бор.

Бундай аҳвол план ва статистика ҳисоб-китобларида кенг кўламда қўлланиб келинаётган ўлчамларда миллий даромаднинг фонд сарфи, фонд, техника билан

таъминланганлик, фондларни янгилаш коэффициенти ва бошқа кўрсатмалар бузиб кўрсатилмаслиги мумкин эмас.

Аҳолининг ноишлаб чиқариш объектлари (уй-жой, соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар боғча ва яслилари ва ҳ. к.) билан таъминланиш даражасини акс эттирувчи кўрсаткичларнинг амалдаги системаси ҳам реал аҳволни акс эттирмайди. Бу экстенсив ривожланиш даврида кўпинча ноқулай бинолар шоша-пиша қайта жиҳозланиб мактаб, касалхона, болалар боғчалари ўрнида фойдаланишга топширила берганлиги билан изоҳланади. Бундай муассасалар бошқа республикаларда бўлганидек типовой лойиҳа асосида барпо этилмагани устига тегишли ускуналар билан тўлиқ таъминланмасди ҳам. Устига-устак турғунлик йилларида бундай объектлар қурилиши тўғрисидаги статистика маълумотларида ҳавойи рақамлар кўп бўларди. Бироқ эндиликда уларнинг ҳаммаси балансга киритилган бўлиб, аҳолининг ноишлаб чиқариш объектлари билан таъминланганлигини аниқлашда ҳисобга олинади.

Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра ҳозирги кунда биздаги инвестиция сиёсати етарлича асосли эмас ҳамда республикани социал-иқтисодий ривожлантириш планларини амалга ошириш учун керакли моддий базани яратиш талабларига жавоб бермайди. Шунга қарамай, нотўғри кўрсатилган бирламчи маълумотлар асосида ҳар хил комплекс программалар ишлаб чиқиш давом этмоқда.

Асосий фондларни инвентаризациядан ўтказиш уларнинг ҳозирги ҳолатини, экономикани ривожлантиришнинг истиқболи ва резервларини холисона баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга бу иш фонд самарадорлиги пасайиб кетганлигининг сабабларини аниқлаш, асосий фондларни янгилашнинг ва улар самарадорлигини оширишнинг оқилона йўлларини белгилаш, республика ишлаб чиқариш аппаратининг техникавий ҳолатини холис баҳолаш ва шу асосда халқ хўжалиги тармоқларини реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш юзасидан узоқ муддатли сиёсат ишлаб чиқиш, мавжуд ускуналарни модернизациялашнинг рационал ҳажмларини аниқлаб олиш имконини беради.

Асосий фондларни инвентаризациядан ўтказиш уларнинг моддий-буюм, ёш ва тармоқ структурасининг иқтисодий самарадорлигини, фондларнинг қанчалик ишдан чиққанлиги ҳамда замонавий фан-техника тараққиёти талабларига қанчалик мос келишини аниқлаб олиш, асосий фондлар таркибида автомат ва ярим автомат ускуналар, ҳисоблаш техникасининг ҳақиқий улушини билиш, ҳар бир корхонада ишнинг мақбул режими ва иш сменалилигининг керакли коэффициентини асослаш имконини ҳам беради.

Асосий фондларни инвентаризациядан ўтказиш натижалари:

— республикани хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқарувга ўтказиш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишда;

— экономиканинг турли йўналишлари бўйича комплекс программалар доирасида ҳал этиладиган вазифалар рўйхатини қараб чиқиш ва аниқлаб олишда,

— ўн учинчи беш йилликда корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш кўламларини аниқ тасаввур этишда;

— республика аҳолиси ноишлаб чиқариш соҳаси объектлари билан ҳақиқатда қандай таъминланганлигини аниқлаш ва бу борада иттифоқ бўйича ўртача даражага эришиш юзасидан асосли таклифлар ишлаб чиқишда;

— корхона ва ташкилотларда илмий асосланган амортизация сиёсатини ўтказиш ҳамда улардаги ортиқча ускуналарни республика ичкарисида қайта тақсимлашда;

— капитал маблағларнинг территориал, тармоқ, технологик, қайта ҳосил этиладиган структурасини кескин яхшилаш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишда;

— фонд самарадорлиги, фонд таъминоти, фонд сарфи, техника билан жиҳозлаш ҳажмларини ва ўлчамларини ҳисоблаб чиқишга янгича, янада асосли равишда ёндашишда;

— корхоналарни тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ялпи ўтказиш шароитида фонд учун тўланадиган ҳақнинг реал ҳажмларини белгилаб олишда;

— қўл меҳнатини қисқартириш юзасидан (йириклаштирилган ҳисоб-китоб-

ларга қараганда, ҳозирги кунда республикада қарийб 1,5 миллион киши қўл меҳнати билан банд) илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишда;

— СССР Госпланида ҳимоя этиладиган республика планларининг асосланганлиги ва реаллиги даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ишни қайта-қайта қилишдан чўчимаслик керак. Зеро В. И. Ленин бир неча марта огоҳлантириб шундай деган эди: «Ҳали биз бошлаган ишни кўп марталаб охирига етказишимизга, қайтадан қилишимизга, қайтадан бошлашимизга тўғри келади. Ишлаб чиқарувчи кучларни ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ҳар бир муваффақиятли қадамимиз ва юқори поғонага кўтарилишимиз совет системамизни камолотга етказиш ва қайтадан ишлаш билан бирга бориши керак, ҳолбуки биз хўжалик ишларида ва маданий жиҳатдан жуда паст даражадамиз. Ҳали кўп нарсалар қайтадан ишланади, бинобарин, бундан «қўрқиш» ўтакетган бемаънилик (агар бемаъниликдан ҳам ёмонроқ бўлмаса) бўлар эди» (ТАТ, 44-том, 256-бет).

Турғунлик даврида капитал маблағлардан фойдаланишда йўл қўйилган катта нуқсонларни ҳисобга олиб, асосий фондларни инвентаризациядан ўтказишни инвестиция сиёсатини қайта қуришнинг туб масаласигина эмас, балки жиддий регионал муаммо ҳам деб ҳисоблайман. Бундай инвентаризацияни зудлик билан ўтказишга қарши чиқаётган кишилар бу жуда катта меҳнат талаб қилади, деган баҳонани рўкач қилиб унга тайёргарликни 1990 йилда бошлашни таклиф қилмоқдалар. Бироқ бу ҳолда экономикани ривожлантиришнинг ўн учинчи беш йилликка мўлжалланаётган планларининг ва тузилаётган кўпгина комплекс программаларнинг асоси объектив бўлишини қай хилда таъминламоқчилар? Инвентаризацияга 1 миллион сўм сарфлаб, шу асосда мавжуд асосий фондларнинг ҳақиқий миқдорини аниқ билиб олиш фойдалими, ёки ана шу бир миллион сўмни тежаб қолиб, пировард натижада ҳар қанақа олижаноб мақсадни чиппакка чиқарадиган ҳавойи рақамларга қараб иш тутган фойдалими? Аҳолининг ноишлаб чиқариш объектлари билан таъминланганлиги даражасини турғунлик йиллари «меваси» бўлган ўша рақамларга суяниб аниқлаш бошқаю, бу даражани экономика чекига тушаётган социал юк кўп карра ошиб кетган шароитни ҳисобга олган ҳолда холисона аниқлаш бошқа нарса.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти ходимлари ўз ташаббуси билан анчагина содда, жўнроқ схема асосида Тошкентнинг бир қанча корхоналаридаги асосий фондларни инвентаризациядан ўтказдилар. Маълум бўлдики, йилига «Узбекхлопкомаш»даги асосий ишлаб чиқариш фондларининг 2,2,«Средазкабель»да 3, Тошкент экскаватор заводида 4, грампластинкалар заводида 1 проценти янгиланмоқда экан. Бунақа суръат билан мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш аппаратини тўла янгилаш учун тегишли равишда 45, 33, 25 ва 100 йил керак.

Шу муносабат билан КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 1988 йил 8 апрелда сўзлаган нутқида республикада вужудга келтирилган потенциал зарур самара бермаётганлигини таъкидлаб, шундай маслаҳат берган эди: «Ҳозир янги йирик корхоналар қуришга ружу қилманг, модернизация ўтказиш керак. Актив фондларни янгилаш орқали катта корхоналар имкониятларини рўёбга чиқарса бўлади».

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Экономика институтида ишлаб чиқилган методика асосида Тошкент шаҳар ижрокомига қарашли қатор хўжаликларда ҳам асосий фондлар инвентаризациядан ўтказилди. Ҳозирги кунда Тошкентнинг бутун уй-жой фонди 25 миллион квадрат метрни ташкил этади, шундан 7,2 миллион квадрат метри хусусий уй-жойлардир. Гражданларга қарашли уй-жой иморатларининг 45 процентдан ортиғи 21—80 процент ҳажмида ишдан чиққанлиги маълум бўлди. Шаҳар коммунал хўжалиги тармоқларидаги асосий фондларнинг ишдан чиққанлиги даражаси қарийб 44 процентдир. Инвентаризация Ўзбекистон пойтахтида ҳозирги кунда баланс қиймати 81,7 миллион сўм бўлган 171 даволаш-профилактика муассасаси борлигини кўрсатди. Улардан 123 таси (71,9 процент) на қурилиш норма ва қоидаларига, на санитария-гигиена талабларига жавоб беради, 15 процентида канализация йўқ. Улардаги мавжуд машина ва ускуналарнинг 51 проценти ишга яроқли. Касалхона муассасалари жуда

тикилиб кетган: битта ўринга 3,2 квадрат метр тўғри келади, норма бўйича эса 7 квадрат метр бўлиши керак.

Бу соҳада қарор қабул қилишга дохил бўлганларнинг ҳаммаси инвентаризация илм-фаннинг таклиф ва тавсиялари сифатини яхшилашгагина эмас, балки энг муҳими халқ хўжалигини планлаштиришга ҳам жуда зарур эканлигини тушуниб олишлари керак.

Инвестиция сиёсатини қайта қуриш самарадорлиги кўп жиҳатдан капитал маблағлар ва асосий фондлар структурасига боғлиқ эканлигига эътиборни қаратиш ҳам жуда муҳим деб ҳисоблайман. Республикадаги асосий ишлаб чиқариш фондлари ва саноатнинг ҳозирги тармоқ структурасини рационал деб бўлмайди, чунки жуда катта хом ашё ресурслари бўлгани ҳолда енгил ва озиқ-овқат саноатининг умумий ишлаб чиқариш фондларидаги улуши кам. Шунга қарамай, 1986 йилда бу тармоқларга умуман саноат учун ажратилган капитал маблағларнинг атиги 18,6 проценти берилган, холос. Фонд самарадорлиги муттасил паст бўлиб келаётганлигининг жиддий сабабларидан бири худди ана шунда.

«Правда Востока» газетасининг Ўзбекистон КП МҚ бюросида республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1989 йилги плани лойиҳаси муҳокамаси якунларига бағишланган 1988 йил 2 апрелдаги «Истиқболга назар» сарлавҳали бош мақоласида адолатли равишда таъкидланади: «Биз нимага интиляпмиз? Бу саволга жавоб беришдан аввал олға томон бориш учун ишни нимадан бошлаш кераклигини, қандай потенциал тўпланганлигини аниқ билиш керак».

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг тузилаётган планлари ҳамда республикани хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини бошқарувга ўтказиш концепцияси чиндан ҳам илмий асосланган бўлиши учун улар объектив бирламчи ахборот негизига асосланмоғи керак. Назаримда, бунинг учун:

1) СССР Статистика давлат комитети республикамизнинг иқтисодий йўналишдаги илмий-тадқиқот институтларини жалб этиб, Ўзбекистон ССРнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини инвентаризациядан ўтказишнинг соддалаштирилган методикасини ишлаб чиқиши ва 1989 йил охиригача амалга ошириш лозим;

2) СССР Госплани ўтказилган инвентаризация якунлари асосида маҳсулотнинг фонд таъминоти, фонд сарфи, уй-жой ва бошқа ноишлаб чиқариш объектлари билан таъминланганлик сингари капитал маблағлар билан моддий ресурслар ажратишда бирламчи асос бўлиб хизмат этувчи кўрсаткичларга тегишли тузатишлар киритиши; Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг иқтисодий муассасаларини жалб этиб, мазкур республикаларда етиштирилаётган сабзавот ва мева маҳсулотлари билан Москва, Ленинград шаҳарлари ва мамлакатнинг айрим шимолий районларини таъминлаш масаласини 1989 йил охиригача ўрганиб чиқиши ва пахта монокультураси залворини енгиллатиб, сабзавот ва мева маҳсулотларини хориждан олиб келишдан воз кечиши лозим;

3) ташқи савдо билан шуғулланувчи марказий министрлик ва идоралар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг Госпланлари ва тегишли иқтисодий йўналишдаги илмий-тадқиқот институтларини жалб этиб, мазкур республикаларда ишлаб чиқарилаётган ва етиштирилаётган маҳсулот ҳамда хом ашёга жаҳон бозоридаги талаб-эҳтиёж ва конъюнктурани ҳар тарафлама ўрганишлари ҳамда улардан ташқи бозорда фойдаланишни яхшилаш юзасидан конкрет таклифлар тайёрламоқлари лозим;

4) СССР Халқ таълими давлат комитети ва СССР Фанлар академияси халқаро экономика бўйича мутахассислар тайёрловчи марказий ўқув юртлари ва аспирантурада Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон намояндалари учун имтиёзли асосларда ўринлар ажратиб беришлари зарур.

Шуни эътироф этиш керакки, конкрет экономика билан шуғулланувчи олимларнинг турғунлик йилларида самарадорлик проблемаларини атрофлича тадқиқ этмаганликлари, бюрократик-буйруқбозлик бошқаруви шароитидаги мураккаб иқтисодий вазиятга уларнинг юзаки баҳо берганлиги инвестиция комплексини чуқур иқтисодий тангликка солди. Қурилиш-монтаж ишларига ажратилаётган молиявий-моддий ресурслар қарийб тўлиқ равишда харжланганига қарамай, кейинги йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга тушириш планлари бирон марта ҳам бажарилмади. Натижада катта-катта маблағлар йил сайин тугалланмаган, чала қурилиш ҳажмида ҳаракатсиз мулк-

амлок сифатида тўплана борди. Ҳамонки халқ хўжалиги қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини вақтида ололмадими, бу нарса структура сиёсатигагина эмас, балки бутун экономика самарадорлигига ҳам таъсир этарди.

Лойиҳа-смета ишига ёрдамчи бўғин роли ажратилганлиги, унга халқнинг миллий бойлиги жамғарма фонди самарадорлигини оширишнинг асоси деб қаралмагани вазиятни янада чигаллаштирди. Натижада нарх-наво белгилашнинг қурилаётган объект жойлашган жойнинг регионал шарт-шароитини ҳисобга олмайдиган омиллари, нормалари ва бошқа йўл-йўриқларини асоссиз равишда қўллана бериш мумкин бўлди. Турғунлик йилларида йирик ва майда қурилиш объектларининг қиймати уларни қуриб битказиш арафасида дастлабки смета қийматидан икки, уч ва ундан ҳам кўпроқ марта ошиб кетганлиги сир эмас.

Инвестиция сиёсатини амалга оширишдаги яна бир салбий ҳолат капитал маблағ, моддий ва меҳнат ресурсларини жуда кўп объектларга сочиб юборишдир. Чунончи 1986 йилда Ўзбекистонда 25 мингга яқин қурилиш бўлиб, уларнинг қарийб ярми энди бошланган эди. Мамлакат бўйича ҳам, айрим регионларда ҳам шунга ўхшаш вазият юзага келди.

Шу боис бюджетдаги танқисликни ҳисобга олиб инвестиция сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида асосий фондларни инвентаризациядан ўтказишни қурилаётган объектларни инвентаризациядан ўтказиш билан қўшиб олиб бориш керак. Ана шундай ёндашувгина, менимча, инвестиция сиёсатини қайта қуриш руҳида амалга ошириш юзасидан илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиш имконини беради. Пировард натижада бу нарса ишни тўхтатиб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлган қурилиш объектларини аниқлаш, бўшатиб олинган материал ҳамда меҳнат ресурсларини белгиланган социал программаларни рўёбга чиқаришга йўллаш имконини беради. Биз бамаъни инвестиция сиёсати шарофати билан бюджетдаги танқисликни қанчага камайтира олиш мумкинлигини билишимиз ҳам катта аҳамиятга эга.

Таклиф этилаётган тадбирларни амалга ошириш учун иттифоқ ҳукумати миқёсида ҳам, республика ҳукумати миқёсида ҳам махсус ихтисослаштирилган комиссиялар тузиш керак. Бу ишга Статистика давлат комитети, лойиҳа, қурилиш-монтаж ташкилотлари, молия органлари ва, албатта, иқтисодчи олимлар кенг жалб этилиши керак. Мақолада кўтарилаётган проблемаларни ҳал этиш жиддий эътиборни талаб этади. Регионал хўжалик ҳисоби шароитида инвестиция сиёсатини қайта қуриш совет халқлари интернационал дўстлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлганлиги учун бу муаммолар тезликда ҳал этилиши керак.

КПСС МКНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

И. МАҚАТОВ

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШНИНГ ЎСИШИ: УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ барча регионларида, шу жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистонда совет миллатлари, халқ ва элатларининг моддий ҳамда маънавий ҳаётини интернационаллаштириш қонуний ва прогрессив жараёндир. Унда совет кишиларининг ўзлигини англашда интернационал ва миллий жиҳатлар ўзаро нисбатининг диалектикаси ёркин тарзда очилади. Социалистик интернационал мазмун миллий формалар билан, миллий формалар эса умуминсоний, умуммиллий қадриятлар билан бойиб боряпти. Шундай қилиб, совет халқлари ҳаётини янада интернационаллаштириш уларнинг миллий ўзлигини англаши бир вақтда ўсиши билан бирга юз беряпти. Шу сабабли совет кишиларининг миллий ўзлигини англашини интернационал негизда тўғри шакллантириш миллатлараро ва ички миллий муносабатларни қайта қуриш ҳамда янгилашнинг энг муҳим проблемаларидан бири бўлиб қоляпти.

Шу билан бирга равшанки, совет миллатлари, халқ ва элатларининг ижтимоий муносабатларини интернационаллаштиришнинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари, миллий ўзлигини англашнинг ўсиши силлиқ ҳамда ихтилофларсиз бормаяпти. Уларнинг уйғун бирикиши меъёри кўпинча бузиляпти. Мураккаблик ва зиддиятлар ҳар қандай ривожланишнинг хусусиятлари бўлиб, улар ушбу жараёнда ҳам намоён бўляпти. Мен миллий ўзлигини англашни шакллантиришни бошқаришдаги жиддий камчиликни ажратиб кўрсатиш мақсадида унинг динамикасидаги бу хусусиятни атайлаб таъкидлаяпман. Бошқа республикаларда бўлганидек, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ҳам на бирорта ташкилот, на бирорта муассаса миллий ўзлигини англашни тарбиялаш масалаларини ишлаб чиқиш билан жиддий равишда шуғулланмаяпти. Бунинг устига кўплар бунга зарурат борлигини кўрмаяптилар. Гўё моддий ва маънавий ҳаётни интернационаллаштириш жараёни ўз ҳолича совет кишиларининг ижтимоий онгини интернационаллаштиришга ҳам, бунинг натижаси сифатида эса, миллий тафовутларнинг заифлашиши ва йўқолиб кетишига ҳам олиб келар эмиш. Лекин аслида эса қандайдир тескари ҳол юз беряпти.

Халқларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятларини интернационаллаштириш кишиларнинг ўз миллий спецификасига бўлган қизиқиши заифлашишига олиб келмаётганини этнографлар «замонанинг этник парадокси» деб ҳисоблайдилар. Аксинча, уларнинг ўз этник феноменларини, унинг хусусиятлари ҳамда бошқа миллий тузилмалар ўртасидаги ўрнини яхшироқ билишга, англашга бўлган интилиши кучайди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир миллий бирлик, группанинг ўз тарихига, маданиятига нисбатан қизиқиши ошди.

Ўзбек ва тожик халқларида туғилишдан то ўлимгача, ҳатто ундан сўнг ҳам тарихан шаклланган анъана, урф-одат, расм-русм, удум ва маросимларнинг пухта ишланган системаси ҳамроҳ бўлади. Агар маҳаллада яшайдиган оилани

МАҚАТОВ Иршод Агарзаевич, философия фанлари доктори.

олиб кўрсак, у ҳар йили исломга тааллуқли 14 расм-русмни ва бунга қўшимча равишда исломдан озми-кўпми даражада мустақил бўлган 23 миллий-аралаш, этноконфессионал расм-русм ва удумни бажариши керак бўлади.

Бундай муҳит узоқ муддат давомида тартибга солиш ва бошқаришнинг шундай системасини ишлаб чиқдики, у диндор ва худога ишонмайдиганларнинг турмушдаги соф оилавий, индивидуал соҳаларга қадар бўлган барча алоқа ҳамда муносабатларининг энг майда деталларигача қамраб олади. Аслини олганда кишиларнинг туғилишдан бошлаб миллий хусусиятига, психологияси ва одатига айланган бундай турмуш тарзини декларатив, пала-партиш чоралар ёрдамида бекор қилиш, бошқа нарсалар билан алмаштириш мумкин эмас. Ҳатто баъзи бир янги расм-русм ва удумлар яратилган ҳамда жорий этилган чоғда ҳам улар мусулмон расм-русмлари билан ёнма-ён туришини ёки анъанавий шакллланган расм-русмлар билан қўшиб олиб борилишини, лекин ҳеч ҳам буларни бартараф эта олмаслигини амалиёт кўрсатди. Бунга мисол — никоҳ Бахт уйида тантанали вазиятда гражданча қайд этилгани билан у сўнгра диний расм-русм асосида қайтадан қайд этилади. Дафн маросимларида ҳам шундай ҳолни кўрамиз, маросимнинг бир қисми гражданча бўлади, бошқа қисми эса, бунинг устига, асосий қисми диний қонун-қоидалар бўйича ўтказилади. Бинобарин, турмуш, оила ва шахслараро муносабатлар соҳасида шундоқ ҳам ҳаддан ташқари тўлдириб юборилган янгича расм-русмларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишдан кўра эски расм-русмларни диндан холи қилиш, уларга социалистик миллий, интернационал мазмун бағишлаш вазифасини қўйиш ва ҳал этиш зарурати юзага келади.

Кўп сонли ёки кам сонли эканлигидан қатъи назар, ҳар бир миллат, элат, миллий группа ўзига хос бўлган инсоний қадриятларга, бой маданий меросга, ўз тарихига, ўз хотирасига эгадир. Ҳар бир киши ўз халқининг тарихи, маданий мероси ва анъаналари билан фахрланиши табиий ҳол. Шу сабабли миллатлараро муносабатлар соҳасида замондан ҳамда табиий жараёнлардан ўзиб кетишга — совет кишисининг онгини тезроқ интернационаллаштиришга интилиш жиддий хатодир. Яқинда Тошкент олий партия мактабида баъзи ўқитувчи ва тингловчилардан улар учун миллатлар билан миллий белгилар ўртасида тафовут йўқлигини, айни шунда улар ҳақиқий интернационализмни кўришлари хусусидаги мулоҳазаларни эшитишга тўғри келди. Уларнинг фикрича, ягона идеология, ижтимоий маданият, социал ривожланишнинг муштарак мақсадлари барча миллатларни ўхшаш, бир хил қилади, миллий белгилар ўртасидаги тафовут эса фақат расмий характер касб этади.

Гарчи кўпинча англаб етилмаган тарзда бўлса-да «интернационализм»ни бу хил тушуниш амалда бунга тамомила қарама-қарши нарсага айланади, кишиларда этноцентристик кайфиятларни юзага келтиради. Совет халқлари ва элатлари ҳаётини интернационаллаштиришни жадаллаштиришга бўлган тенденциялар, воқеликнинг кўрсатишича, нафақат миллий омилни камситишга, чеклашга, балки миллий ўзлигини англаш фактининг ўзини ҳамда унинг энг муҳим социал-психологик компоненти бўлган миллий ифтихорни эътиборга олмасликка ҳам олиб келган. Баъзи жойларда сунъий равишда миллий ўзлигини англашни шакллантиришда бўшлиқ ҳосил этилганлиги шунинг оқибати бўлдики, бу бўшлиқ кўпинча идеологик мухолифларимиз пухта уюштирган чалғитишлар билан тўлдириляпти. Ўз навбатида, миллий ўзлигини англашни шакллантиришнинг омилларига, предмет ва ижобий жиҳатларига етарлича баҳо бермаслик амалда ана шу жўшкин ривожланаётган жараённинг қарама-қарши баҳо ва натижаларига олиб келади. Гарчи узоқ йиллар давомида туб ерли миллий бирликларнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш истисно қилинган ёхуд тарихни ғоят қисқартириб, уни Октябрь революциясидан, энг мақбул ҳолда эса «уларнинг ихтиёрий равишда Россияга кирган, қўшилган» давридан бошлаб келинган бўлса-да, бир томондан, аҳолининг, айниқса ёшларнинг ўз қадрдон ўлкаси тарихига, тарихий воқеалар, ёдгорликлар, шахсларга бўлган табиий қизиқишлари баъзан миллатчилик ҳодисалари сифатида қараб келинмоқда. Бошқа томондан эса, барча қўл етарли воситалар билан, баъзан шубҳали манбалардан ҳам фойдаланиб билимдаги ана шу қонуний «тарих соҳасидаги зориқиш»ни қондиришга уринишлар кўпинча революциягача бўлган ўтмишни идеаллаштиришга, унда исломга алоҳида роль ажратилишига олиб келади.

Бунда миллий ифтихор туйғуларини уйғотадиган ўтмиш предметлари, воқеалари, сиймоларига берган баҳоларимиз бир маъноли хулосаларга, ўтакетган қарама-қаршиликларга — тарихий воқеаларнинг, ўз регионн сиймоларининг фақат ижобий жиҳатларини, масалан, шуҳратли томонларини ёритишга ёки тарихнинг, сиймолар таржимаи ҳолининг регрессив, реакцион саҳифаларини бўрттиришга, абсолютлаштиришга олиб келмаслиги ғоят муҳимдир.

«Шоир Бобурнинг сиймоси ўз феодал синфининг барча нуқсонларига эга бўлган истилочи Бобурни тўсиб қўймаслиги керак» деб ёзган таниқли олим Г. Ҳидоятовнинг фикрига тўла қўшилиш мумкин. Лекин шунингдек, менимча, «Темурнинг ўзбекларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. У мансуб бўлган барлос уруғи Забайкальеда муқим яшаган ва мўғуллардан келиб чиққан»лиги («Правда Востока», 1988. 11 ноябрь) учунгина ўрта осиёлик бошқа истилочи — Темурдан воз кечишга уринишларни оқлаб бўлмайди. Гўё этногенетик сарчашма ва белгилар социал, синфий сарчашма ва белгиларни белгилайдигандек бўлиб чиқади, аксинча эмас.

Хўш, унда қуйидаги тарихий фактларга қандай муносабатда бўлиш керак бўлади: Темур ҳукмронлиги даврида бадиий ва меъморий санъатнинг шоҳ асарлари, масалан, Шаҳрисабзда Оқсарой, ҳозир Бибихоним номи билан танилган Самарқанд жоме масжиди ва ўтмишда яшаган буюк меъморларнинг бошқа асарлари бунёд этилган. Ҳозир улар давлат аҳамиятидаги бебаҳо обидалар деб эълон қилинган. Ёки бошқа бир мисол. Темур шиддатли жангларда XIV аср охирида турк султонларининг Ўрта Осиёни истило қилишга бўлган уринишларини барбод қилган. У бирорта муҳорабада енгилмаган. Шундай қилиб, тарихнинг ўзи унинг юксак ҳарбий истеъдод соҳиби эканлигидан далолат беряпти. Зотан, гарчи ғалабалари доим ҳам халқларни озод қилиш билан боғлиқ бўлмасада, Суворовнинг саркардалик талантини ҳурматлаймиз-ку. Темур сиймосида ҳам у яшаган даврнинг ҳам фожиали, ҳам ижобий хусусиятлари ана шундай ўз ифодасини топган.

Тарихий арбобларнинг роли ва ишларини анализ қилганда қарор топган андозалардан — уларни фақат замонамиз позицияларидан туриб баҳолашдан воз кечиш лозим. Тарихий шахслар фаолиятини конкрет-тарихий контекстни, тарих ўз вақтида уларга рўкач қилган оғир шарт-шароитни ва қаттиқ чекловларни ҳар томонлама ҳисобга олмасдан туриб тўғри баҳолаб бўлмайди. Тарихий шахслар тақдирининг зиддиятли, мураккаб характери, бинобарин, улар фаолиятида фақат ижобий ёки салбий томонларни излаш беҳудалиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

Шу сабабли ўтмиш маданий меросини, у ёки бу воқеаларни, сиймоларни анализ қилиш ва баҳо беришда марксча-ленинча методология принципига қатъиян амал қилиш халқларнинг тарихи ва маданиятига объектив ёндашишни талаб қилади. Бунда тарихий ўтмишни истисно қилишга ҳам, кўпиртиришга ҳам, бузиб кўрсатишга ҳам, идеаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Миллий ўзлигини англаш халқларнинг этник бирлигини ҳамда унинг бошқа миллий тузилмалардан тафовутини англаш демакдир. Унинг орқали умумий ва индивидуал баҳо бериш, социал позиция, кишиларнинг ўз социал-этник бирлигига ҳам, бошқа бирликларга нисбатан ҳам актив муносабати ҳосил қилинади. Қолаверса, бундай баҳо бериш ҳамда позиция анчагина даражада миллий ўзлигини англашнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шу сабабли ўз миллий бирлигининг табиатини, унинг бошқа бирликлардан тафовутини, шунингдек улар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тушуниб етиш, одатда, у ёки бу миллатга, халққа, этник группага мансуб кишиларнинг дунёқараш ориентацияларига боғлиқ бўлади.

Миллий ўзлигини англашда шунингдек ўз халқини, миллий группасини билишга қизиқиш ҳам мавжуд. Бундай қизиқиш миллий ўзлигини англашни янада ривожлантиришни рағбатлантирибгина қолмай, кишиларнинг ўз миллий бирлигининг ҳозирги аҳволини чуқуррок билиб олишга, уни янада ривожлантиришни прогнозлашга бўлган интилишини интеграциялайди ҳам.

Лекин миллатлар, элатлар ўртасидаги иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий тенгсизлик, айниқса миллий группаларнинг тенг ҳуқуқли бўлмаган аҳволи фонида миллий ўзлигини англашнинг ўсиши ўзида фақат ижобий жиҳатлар элтади деб ҳисоблаш жиддий янглишиш бўлур эди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, миллий ўзлигини англашнинг структурали

элементлари мураккаб тарзда бириккан, уни шакллантириш ва фаолият кўрсатишида ўз аҳамиятига кўра бир хил бўлмаган роль ўйнайди. Улар орасида барқарор характерга эга бўлган ва социал-сиёсий ўзгаришларга камроқ учраган элементлар бор, лекин кўпроқ ҳаракатчан бўлган ҳамда уни ифодаловчиларнинг социал-сиёсий роли ва ўрнига боғлиқ ҳолда шаклланадиганлари ҳам бор.

Кишининг ўз этник келиб чиқишини англаб етиши миллий ўзлигини англашнинг барқарор элементларидан бири ҳисобланади. Бунинг устига муайян этносга мансублик ўз мазмунига кўра объектив бўлиб, инсон дунёга келган кундан бошлаб фактик жиҳатдан расмийлаштириб қўйилади. Ҳар бир киши ўз миллати тўғрисидаги саволга жавоб бераркан, табиийки, ўз этник, миллий келиб чиқишига мурожаат қилади.

Миллий ўзлигини англашнинг бошқа структуравий элементлари — жонажон ўлкага, ўз халқининг тарихи ва маданиятига, унинг қаҳрамонлари ва атоқли арбобларига меҳр-муҳаббат ва эҳтиром, миллий анъаналар, урф-одат, расм-русм ва одоб-ахлоқ қоидаларини ҳурмат қилиш, она тилига садоқат ва шу сингари шакллантирувчи ва тўлдирувчи миллий туйғу ҳамда белгилар — ўзгариши ва бошқа шаклларга кириши, баъзилари эса умуман йўқ бўлиши мумкин. Лекин муайян этносга мансублик хусусида англанган ва туйғуларда мустаҳкамланган фикр кишига бутун умри давомида ҳамроҳ бўлади.

Ҳозирги ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркманларда, бошқа ҳар қандай миллий бирлик намояндасида бўлганидек, миллий ўзлигини шакллантириш ва ривожлантириш: биринчидан, ижтимоий турмуш миллий формалари, қарор топган анъана ва урф-одатлар, маданият ва турмушнинг миллий хусусиятлари базасида; иккинчидан, агар диндорларни ва қисман динга ишонмайдиганларни оладиган бўлсак, мусулмон дини, шунингдек авлоддан авлодга ўтадиган уруғ-қабилачилик, этноконфессионал тасаввурлар таъсирида амалга ошади. Шу сабабли диндорлар ва кўплаб динга ишонмайдиганларнинг кундалик онгида хилма-хил қараш, тасаввур, туйғу, кайфият ва одатларнинг шундай мураккаб тугуни пайдо бўлмоқдаки, унда мусулмон дини, архаик уруғ-қабилачилик йўл-йўриқлари ҳамда этноконфессионал хурофот ва сиғинишлар аралашиб кетган.

Инсон ўзининг миллий хусусиятларини бошқа миллат, халқ ва элатлар намояндаларининг хусусиятларини таққослаш орқали англаб етади. Фақат шундай ҳолдагина унда ўзининг ва бошқа миллий тузилмаларнинг қадриятларига нисбатан тегишли баҳо ва актив муносабат ҳосил бўлади. Лекин таққослашда «биз ва улар», «бизда ва уларда» ва шу сингари қиёслаб кўриш хавфи ҳам мавжуд. Агар дунёқараш жиҳатидан англаб етилмаган бўлса, миллий, этник тафовутлар албатта қарама-қарши қўйишга, ўзининг миллий алоҳидалигини бўрттиришга, бошқача қилиб айтсак, миллатчиликка олиб боради.

Ҳаёт ҳодисалари, воқеаларидаги барча эски ва янги жиҳатлар ҳамда улар ўртасидаги алоқалар онгда унинг айрим қисмлари тарзида эмас, балки инсон психикасининг бутун мавжуд ансамбли сифатида акс этади ва такрор ҳосил бўлади. Унда барча элементлар ўзаро боғланган бўлиб, бир-бирига таъсир кўрсатади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини кучайтиради. Бунинг маъноси шуки, ўз мазмунига кўра турлича бўлган тушунча, ғоя, тасаввур, туйғу ва кайфиятлар бу ансамблда шундай интеграцияланадики, натижада бир кечинма ўз ортидан муқаррар равишда бошқаси пайдо бўлишига олиб келади. Сақланиб қолган, кўпларида ислом дини ўз таъсирини озми-кўпми даражада қолдирган анъана, урф-одат, расм-русм ва одатларда миллий ўзлигини англашнинг ижобий ва салбий элементларини чегаралашнинг инсон томонидан ажратиб олиниши мураккаблигининг сабаби ҳам шунда.

Нафақат диндорларнинг, балки динга ишонмайдиган кишилар катта қисмининг ҳам ўзлигини англашда миллий ва диний жиҳатларнинг бундай синтези, аралашиб кетганлиги диний белги, хусусиятлар кўпинча миллий белги, хусусиятлар деб, миллий белгилар эса диний белгилар деб кўрсатилишига олиб келади. Бундай тенденция баъзи жойларда хулқ-атворда миллий формалар ҳисобига диний формаларнинг жонланишига, руҳонийларнинг халққа таъсири кучайишига олиб келяпти.

Халқ турмушида, айниқса оилавий-маиший соҳада ўтмишда яшаган ота-боболардан мерос қолган бирорта расм-русм, байрам, удум ва анъана йўққи, улар-

га у ёки бу даражада, у ёки бу ўзаро нисбатда миллий ва диний элементлар аралашиб кетмаган бўлсин. Ғоят оз истисноларни ҳисобга олмаганда, айтайлик, ўзбекларда сақланиб қолган барча расм-русм ва анъаналарда диний, миллий-этник ва этноконфессионал жиҳатлар бир вақтнинг ўзида туташиб кетган ҳолда намоён бўлади. Шу сабабли уларга амал қиладиган кишиларнинг онги ва хулқ-атворида булар турмуш тарзининг миллий формаларидан ажралмасдир. Айтилганлардан биз мисол учун исломни, унинг маросим ва расм-русмларини танқид қилган, «фош этган» пайтимизда кишилардаги нафақат миллий ва диний туйғуларни, шу билан бирга тарихан шаклланган, жумладан уруғ-қабила тузумидан қолган белгилар билан боғлиқ бўлган туйғуларга ҳам у ёки бу даражада тегиб кетамиз деган хулоса келиб чиқади.

Ҳозиргача кишиларнинг ўзлигини англаши ва хулқ-атворидаги миллий ва диний жиҳатларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш борасидаги ёндашувимизда ягона, дастлаб қараганда тўла асосланган ҳолат — кишилар амал қилаётган расм-русм, удум ўзининг келиб чиқиши ва вазифасига кўра қандай эканлиги мезон сифатида ҳукм суриб келган ва ҳозир ҳам у мавжуд бўлиб турибди. Биз ана шу кўрсаткичдан келиб чиққан ҳолда кишиларнинг диндорлик даражаси, ислом ва бошқа динлар тарқалишининг кўламдорлиги хусусида хулосага келдик ҳамда муҳокама қилдик. Ҳозирги ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркманларнинг ҳаёти муайян миллий-этник муҳит бирликлари сифатида шунчалик мураккаб ва кўп қирралики, бундай ёндашиш шаклланган ҳаётий реалликларга жавоб бермайди.

Бизнингча, миллий ва диний жиҳатларнинг ўзаро нисбатини расм-русмнинг дастлабки мақсадидан эмас, балки унга амал қилувчи киши расм-русмга бағишлайдиган маънодан, шунингдек уни бажаришнинг конкрет мотивидан келтириб чиқариш тўғри бўларди. Яъни, муайян расм-русм, удум нимага, қандай қилиб ва нимaнинг шарафига амал қила бошлаган деган саволга жавоб топиш лозим.

Агар, бирор киши, мисол учун, Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган кунига атаб эмас, балки ўз ўғлининг Совет Армияси сафларидан қайтиб келиши ёки уй-жой қуришни битказганлиги шарафига мавлудни режалаштирса ва ўтказса (бундай фактлар оз эмас) ва ушбу миллий муҳитда қабул қилинганидек, ўз қувончини баҳам кўриб, қуни-қўшни ва таниш-билишларига яхшилаб дастурхон ёзса, буни диндорликнинг намоён бўлиши деб ҳисоблаш тўғри бўлармикин? Тўғри, бундай маросимларда кўпинча руҳоний шахс ҳам иштирок этади, лекин ишнинг моҳияти бу билан ўзгариб қолмайди. Бу расм-русм ўз диний мазмунини йўқотган ва ана шу ҳолатда миллий урф-одатга айланган. Бунда миллий жиҳат диний жиҳатни сиқиб чиқаргани ва алмаштиргани яққол кўринади.

Қарор топган одатлар, анъаналар борасида бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. 1987 йил апрелида Тошкентда бўлиб ўтган партия ходимларининг регионал семинарида Бошқирдистон АССРдан келган З. Балдина сўзга чиқди. Ташқи аломатларига қараганда уни бошқирд деб қабул қилиш мушкул эди. Унинг сўзга чиқиши эълон қилиниши биланоқ залдан: «У ўзимизники, мусулмонлардан!», — деган овозлар эшитилди. Ўтирганларнинг ҳаммаси бунга алоҳида аҳамият бермаган ҳолда шунчаки кулиб қўйишди. Лекин бундай мисоллар оз эмас, «мусулмон», «муслима», «мусулмонлар» терминларини нотаниш вазиятларда, туб ерли миллатлар вакиллари билан учрашувларда тез-тез эшитиб қолиш мумкин. Албатта, уларнинг диний келиб чиқиши хусусида ҳеч кимда шубҳа уйғонмаса керак. Лекин динга ишонмайдиган кишиларнинг кўпчилиги томонидан улар исломга анъанавий эътиқод қўйган халқлар маданияти ва психологиясининг тарихан таркиб топган муштарак хусусиятларини ифодалаш учун фойдаланилади. «Мусулмон» термини бундай сифатда миллий ўзлигини англашда этнонимика, яъни исломга эътиқод қиладиган халқлар номининг мажмуи тарзида майдонга чиқади ҳамда унга диний маъно бермаган ҳолда бу халқларнинг ҳозирги намояндаларига осонгина кўчириб қўйилади.

Тадқиқотларимиз кўпгина динга ишонмайдиган кишиларда ана шу кўрсаткич айни анъанавий шаклланган миллий бирликларга мансублик сингари изчилликда қаралишини кўрсатяпти. Шуниси қизиқки, бундай тушунишни баъзилар ҳисоблаётгандек фақат одат кучи билан изоҳлаб бўлмайди, у халқлар ҳаётининг тарихий илдизлари, уклади ва турмуш тарзи билан асосланган.

Бир куни Нукус давлат университети студентларига шундай савол берилган

эди: «Баъзан қорақалпоқ, қозоқ, ўзбек, қирғизларни мусулмон деб айтишади. Ушбу таърифга Сиз қандай қарайсиз?». Жавоблар хилма-хил бўлди: сўралганларнинг 22 проценти: «Буни исломга мансубликнинг белгиси деб ҳисоблайман», деб, 46 проценти эса: «Уни исломга ва миллатга мансубликнинг белгиси деб ҳисоблайман» ёки «Бу таърифни тўғри деб ҳисоблайман», деб жавоб берган. Шуни қайд қилмоқчиманки, бу савол-жавоб учун танлаб олинган 3000 студентнинг кўпчилиги диндор эмас эди.

Бундай вазиятда, ўйлашимча, биз сўралган кишининг бу таърифга жойлаётган маъносидан бехабар ҳолда беихтиёр, сабабсиз равишда уни миллий белгини диний белги билан алмаштиришда айблашни қайта кўриб чиқиш керак. Аслида эса ҳамма нарса аксинча — диний маъно миллий маъно томонидан сиқиб чиқарилябти. Бунинг устига бундай жараённи биз нафақат аҳолининг диндор бўлмаган қисми, балки қисман диндорлик даражаси юқори бўлмаган диндорларнинг ўзлигини англашида ҳам кузатамиз. Социологик тадқиқотларимиз бундай тенденциянинг миллий ўзлигини англашда шаклланишининг социал-психологик сабабини аниқлади. Бу — шахсни интернационаллаштириш бўлиб, ҳозир кишининг баҳо бериш ва хулқ-атвор мотиви унинг атрофидаги миллий муҳит кайфиятлари, талаблари билан ҳисоблашиш истаги билан олдиндан белгиланганлигини ифодалаш учун шу терминдан фойдаланиляпти. Миллий бирлик, группа қанчалик кам сонли бўлса, унинг бошқа миллатлар томонидан ассимиляция қилиниш эҳтимоли шунчалик кўпроқ юзага келади, унда ўз этник феноменини сақлаб қолишга бўлган интилиш янада кучлироқ ҳамда кишилардаги ўз элати тақдири учун, ҳатто дин билан боғлиқ анъанавий расм-русм, белги, нормативларни ҳам истисно этмаган ҳолда у билан боғланган барча нарсалар учун кечинмалар шунчалик ўткирроқ бўлади.

Ҳар қандай халқ маданияти моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражаси билан, шу жумладан тил, санъат, ахлоқ соҳасида тўпланган моддий ва маънавий-ижодий қадриятлар билан характерланади. Шу сабабли маданият ва унинг ривожланишини кишиларнинг яратувчилик, ижодий фаолиятисиз, ён-атрофдаги ҳаёт ҳақидаги ҳар томонлама билимларсиз ва, ниҳоят, ўз халқининг ҳам, бошқа халқларнинг ҳам прогрессив ютукларини айирбошлашсиз, такрор ҳосил қилиш ва улардан фойдаланишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳар қандай дин табиат ва жамиятнинг кишилар онгидаги нотўғри инъикоси сифатида аввало моддий ишлаб чиқаришнинг ҳолати билан шартланади. Онг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ушбу типини акс эттираркан, диний-фантастик онгга айланарди. Айни диннинг «ёлғон дунёқараши», К. Маркс таъкидлаганидек, «ёлғон дунё» туфайли юзага келган.

Лекин диний дунёқарашнинг ёлғонлиги уни халқларнинг моддий ва маънавий маданияти тарихидан чиқариб ташлаш учун асос бермайди. Диннинг, шу жумладан, исломнинг кўп асрлик ҳукмронлиги маданият ва санъатнинг барча турларида: ёзув, рассомчилик, архитектура, музика, ашулалар, рақслар, удумлар, урф-одат ва ҳоказоларда сезиларли из қолдирди. Бу из ислом анъанавий тарқалган республикалар, областлардаги нафақат диндорлар, балки динга ишонмайдиган аҳолининг анчагина қисми орасида ҳам кўзга ташланади. Шу сабабли, совет кишиларининг миллий ўзлигини англаши ўсиши ўтмишга қизиқиш мунтазам ўсиб бориши билан йўғрилганлиги табиий ҳолдир. Бу қизиқишни қондириш чоғида миллий маданият ва исломнинг ёки христиан дини, ёки иудаизм ва ҳоказоларнинг ўзаро нисбати масаласини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Бунда дин ва атеизм хусусидаги билимларни бундан буён пропаганда қилишни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Диннинг тарихий ролини, унинг нималиги, қандай бўлиб келганлиги ва ҳозир қандай бўлиб қолганлиги аниқ қилиб, ҳаддидан ошиш ҳамда тайёр стандарт писандаларсиз, объектив ҳаққоний ва партиявий позициялардан туриб тушунтирилиши зарур.

Шу билан бирга атеистик ва интернационал тарбия Совет Шарқи халқлари тарихи ва маънавий маданиятининг ҳурфикрлилик, стихияли атеизм ва антиклерикализм, ўз даври заковатли мутафаккирларининг исломга ва унинг маддоҳларига қарши олиб борган онгли кураши сингари қудратли қатламига таяниши керак. Шундай базани яратиш учун ушбу проблематикага бағишланган монография ҳамда оммабоп асарларни планлаштириш ва яқин йиллар ичида нашр этиш

зарур. Бутун Ўрта Осиё регионида миллий муносабатлар, атеизм масалаларини ёритадиган махсус журнал ёки бошқача оммавий ахборот органи йўқлиги сабабли республиканинг асосий даврий нашрларида шартли равишда «Миллат, маданият, дин, атеизм» ёки «Тарихда ва ҳозирги замонда миллий, диний, атеистик жиҳатлар» деб номланган доимий рубрика таъсис этиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бунингсиз миллий ўзлигини англашни шакллантириш ва тарбиялашнинг мантиқий ва фактик занжирида жиддий узилишга, бунинг устига нафақат таъсир кўрсатишда, шу билан бирга таъсир кўрсатиш кучлари ва воситаларининг ўзини тушунишда ҳам узилишга йўл қўямиз. Сақланиб қолган миллий анъаналар, урф-одат, расм-русмларга ҳам ана шундай позициядан туриб ёндашиш керак.

Шу муносабат билан янгича расм-русм, анъаналарни жорий этишда волюнтаристик, мажбурлаш-зўрлаш формаларидан воз кечиш лозим. Уларни тарғиб қилиш миллий жиҳатлар, миллий психология давомийлигига амал қилган, социалистик турмуш тарзи эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ахборот бериш-тавсия қилиш характери касб этиши керак.

Халқларнинг анъанавий маросим маданиятини тиклаш, уларнинг ижобий маънавий потенциалидан миллий ўзлигини англашни тарбиялашда, миллатлараро мулоқотни кучайтиришда фойдаланиш керак. «Афсуски, — деб таъкидлади Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари Р. Н. Нишонов Тошкентда бўлиб ўтган регионал илмий-амалий конференцияда, — сўнгги ўн йиллар мобайнида бир вақтлар Ўрта Осиё ва Қозоғистонда жуда машҳур бўлган «Гул сайли», «Ҳосил байрами», «Қовун сайли» каби ва бошқа байрамлар ҳамда маросимлар эсдан чиқарилди ёки деярли унутиб қўйилди. «Масхарабоз-қизиқчи», «қўғирчоқбозлар», «дорбоз» каби азалий халқ томошалари, мушоиралар, аскиябозликлар, миллий спорт ўйинлари ва ҳоказолар йўқолиб кетмоқда.

Шарқда қадим замонлардан нишонлаб келинган «Наврўз» байрамини сунъий равишда ўйлаб чиқарилган «Навбаҳор» тантаналари билан алмаштириш йўлидаги уринишлар эса республика аҳолисининг очиқ-ойдин ва ҳаққоний норозилигига сабаб бўлди» («Совет Ўзбекистони», 1989, 24 февраль).

Бу маросим, байрамларга уларнинг азалий гўзаллиги ва символикасини қайтарибгина қолмай, балки умумхалқ, интернационал тус бериш ҳам керак бўлади.

Ўрта Осиё регионн аҳолисининг аксарияти учун баъзи бир маросим, удум ва урф-одатлар, масалан, суннат-хатна, никоҳ, маъракалар диний асосларини йўқотганлиги ҳамда улар турмушнинг миллий-ахлоқий нормаларига айланиб қолганлигини ҳисобга олиб, уларни баҳолашда фақат улардаги мавжуд диний элементлар хусусида, уларни инкор этиш ҳақидагина сўз юритиш керак бўлади. Шу билан биргаликда туб ерли халқларнинг ижобий анъаналари, урф-одат, маросимларини тарғиб қилиш ва ривожлантириш мамлакатимиз бошқа халқларининг ана шундай ижобий хислатларини, уларнинг умуминсоний, умумсовет, интернационал моҳиятини тарғиб қилиш билан қўшиб олиб борилиши керак, бошқача қилиб айтганда, СССРдаги барча миллат ва элатлар тарихи ҳамда маданиятидаги нафақат фарқловчи, балки муштарак жиҳатларни ҳам ажратиб кўрсатиш лозим.

Ишнинг айни шундай йўналишида бир халқнинг анъана ва урф-одатларидаги, бутун миллий укладидаги яхши жиҳатлар бошқа халқларнинг мулки бўлиб қолишига имконият яратилади. Натижада миллий маданиятларнинг айниқса анъанавий-маиший соҳаларда яқинлашиши ва бир-бирини бойитишигина юз бериб қолмай, балки уларнинг миллий хилма-хиллиги интернационал мазмун билан тўлдириладики, у инсонни объектив равишда ҳаётдаги барча номатлуб жиҳатларни рад этишга олиб келади.

Лекин СССР миллатлари ва элатлари ўртасида ахборот айирбошлаш системасининг йўқ эканлиги қозоқ ёзувчиси Ўлжас Сулаймонов ҳикоя қилиб берган фактларни келтириб чиқаради. Киевдаги «Эврика» мунозаралар ўтказиш клубида у шундай синов ўтказиб кўрган. У ўтирганлардан бирор республикани тилга олишни ва унинг халқи ўтмишда ва ҳозир етиштириб чиқарган ҳукмдорлар, шоирлар, спортчи, олим ва ҳоказолар исмини санаб чиқишни илтимос қилган. Ўзбекистон тилга олинган — «Залдан овозлар янгради — Рашидов... Одилов... Бошқа ҳеч кимни эслашмади. Ёки билмас эдилар. Зеро, исмлардан халқ сиймо-

си ҳосил бўлади. Ёкимсиз шахсларни кўзда тутиб буюк шоирлар, математиклар ва философлар томонидан, деҳқонларнинг минглаб авлодлари ҳайратомуз меҳнатсеварлиги билан бунёд этилган ғоят қадимий маданиятга эга бўлган халқ тўғрисида ҳукм чиқаряптилар» («Правда», 1989, 27 январь). Бундай синовни бошқа республикаларга нисбатан ҳам ўтказиб кўриш мумкин, бу ҳолда ҳам натижаларда катта тафовут бўлмаслиги эҳтимол.

«Ҳар бир халқнинг қадр-қиммати, шон-шарафи, маданияти, тили ва тарихи чуқур ҳурмат қилинган, улар ўртасида кенг мулоқотда бўлинган тақдирдагина, — деб таъкидлади М. С. Горбачев КПСС МКнинг февраль (1988 йил) Пленумида, — чинакам интернационализм, халқларнинг чинакам дўстлиги бўлиши мумкин. Биз миллий маданиятлар мулоқотини янада кенгайтиришга, улар бир-бирларини бойитишига, миллий маданиятларни ривожлантириш ва гуллаб-яшнатишга ҳар томонлама кўмаклашишимиз лозим». Шу билан бирга ўз сарчашмаларини билмасдан туриб бошқа миллат ва элатларнинг сарчашмаларини тушуниш ва баҳолаш мумкин эмас. Бинобарин, интернационализм ва интернационал онг миллий турмуш ва ўзлигини англашдан бошланади.

Лекин Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида миллий ўзлигини англашни тарбиялашнинг на системаси, на методикаси бор. Бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Бизда интернационал тарбия халқлар дўстлигига бағишланган тантанали учрашувлар, кечалар, байрамлар ва ҳоказолар каби расмий-қатъий белгиланган формаларда олиб борилади. Бундай тадбирлар нафақат аҳён-аҳёнда ўтказилиб, баъзан расмий, зерикарли, бир хил, декларатив бўлиб қолмай, балки асосан миллий ўзлигини англаш, миллатлараро мулоқотда ёқтириш ва ёқтирмаслик шаклланадиган ишлаб чиқаришдан ташқари соҳалардан четда ҳам туради. Шу сабабли интернационал онгни шакллантиришни миллий ўзлигини англашни тарбиялашдан бошламоқ керак. Уни айни болаликдан, одатий онг ва одатий психология даражасида бошлаш керак. Миллий ўзлигини англашни тарбиялаш болаларнинг билишга бўлган эҳтиёжларини активлаштиради, миллий ифтихор асосларига пойдевор қўяди, бу эса, ўз навбатида, уларнинг бошқача миллий ва миллатлараро жиҳатларга соғлом қизиқишини рағбатлантиради.

Интернационал тарбия концептуал характер касб этиши, чинакам миллий маданий-маънавий қадриятлардаги умуминсоний интернационал жиҳатларни ажратиб ва пропаганда қилиб, совет миллатлари, элатларини бирлаштирадиган, яқинлаштирадиган нарсаларга урғу бериб бу қадриятларни ҳимоя қилиши керак. Ҳар бир халқнинг эркин ривожланиши СССР барча халқлари гуллаб-яшнашининг шартидир — демократия, совет жамиятини гуманизациялаш шароитида миллат ва элатларнинг ривожланишидаги алоҳида, миллий ва умумий, интернационал жиҳатлар ўзаро нисбатининг диалектикаси ана шундай.

Ш. ЎРАЗАЕВ

МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДАВЛАТ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли вужудга келган совет давлати мураккаб, ишончсизлик ва душманликка тўлиқ, зиддиятли ва чигал миллатлараро муносабатларни мерос қилиб олдики, бу чоризм билан буржуа помешчиклар тузумининг шафқатсиз зулми оқибати эди. Советларнинг Бутун Россия иккинчи съезди ўша заҳотиёқ Совет ҳокимияти «Россияда яшовчи барча миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилашнинг чинакам ҳуқуқи билан таъминлайди», деб эълон қилди, орадан кўп ўтмай қабул қилинган «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси» қуйидаги принципларни ўзгармас принциплар деб эълон қилди: Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги; уларнинг то ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузишгача бўлган ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилаш ҳуқуқи; барча ва ҳар қандай миллий, миллий-диний имтиёзлар ва чеклашларни бекор қилиш; Россия территориясидаги майда миллатлар ва этнографик группаларнинг эркин ривожланиши. Бу миллий масалани принципиал жиҳатдан янгича, революцион асосда ҳал этиш эди. Илгарилари «ягона» ва «бўлинмас» деб ҳисобланиб келган Россия давлати ўрнига халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлигини таъминловчи ва уларнинг келгусида ихтиёрий равишда иттифоққа бирлашувига йўл очиб берадиган программа таклиф этилди.

Айни бир вақтда шундай савол ҳам кўтарилган эди: қарор топган кўп миллатли давлат тарқалиб кетадими ёки адолатли принциплар асосида янги ҳаёт касб этадими? В. И. Ленин иқтисодий тараққиёт ва омма манфаатлари нуқтаи назаридан олганда йирик давлатнинг шак-шубҳасиз фойдали бўлишини яхши тушунган эди. Шунга қарамай партия халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳатто ажралиб чиқишгача бўлган ҳуқуқини дадил туриб ҳимоя қилди. Зеро, миллатлар эркинлиги ва уларнинг тенг ҳуқуқлиги ҳамма нарсадан устун туради.

Миллий масала бўйича ҳужжатлар меҳнаткашлар ҳаётидаги энг мураккаб ва энг чигал масалалардан бири — миллий масалани демократик асосда ҳал этиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Улуғ Октябрь халқларга давлат-ҳуқуқий яшаш формасини: мустақил ривожланиш ёки федератив иттифоқ формасидан бирини танлаш ҳуқуқини тақдим этди. Улар бирлашишга интилишди. В. И. Лениннинг давлатнинг демократик тузуми ажралиб чиқиш учун тўла эркинликка қанчалик яқин бўлса, практикада ажралиб чиқишга интилиш шунчалик кам ва заиф бўлиши тўғрисидаги фикри тасдиқланди.

Совет кўп миллатли федератив давлатининг вужудга келиши бошланди. Бунда совет республикаларининг ўзлари ташаббус кўрсатдилар. Совет Россияси, унинг ҳар қандай зулмга қарши матонатли ва муросасиз курашчи сифатида мазлум халқлар ўртасида шуҳрат қозонган ишчилар синфи миллатларни бирлаштирувчи, жипслаштирувчи куч бўлди. Интервентлар ва ички контрреволюцияга қарши курашнинг энг оғир кунларида ҳам пролетарча бирдамлик байроғига содиқ қолган рус ишчи ва деҳқонлари синфий душманларини тор-мор этишда мазлум қардошларига ёрдам бериш, совет миллий давлатчилигини қуришда, улар экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда кўмаклашиш учун ўзларида куч-қувват

ЎРАЗАЕВ Шавкат Закариевич, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети юридик факультети давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедрасининг мудири.

топа олдилар. В. И. Ленин шундай деб ёзганди: «Эзувчи ёки «улуғ» миллат... деб аталувчи миллатнинг интернационализми фақат миллатларнинг расмий тенглигига риоя қилишдангина иборат бўлмай, балки шу билан бирга ҳаётда ҳақиқатан юз берадиган тенгсизликнинг ўрни эзувчи миллат, катта миллат томонидан қопланадиган тенгсизликдан ҳам иборат бўлмоғи лозим. Буни тушунмаган киши миллий масалага ҳақиқатан пролетарча муносабатда бўлишни тушунмайди, ундай киши аслида майда буржуа нуқтаи назарида қолган бўлади ва шунинг учун минут сайин буржуа нуқтаи назарига тойиб кетмасдан қололмайди» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 402-бет).

Собиқ мазлум миллатлар орасида ишлаётган «илгариги ҳукмрон миллат коммунистлари» қандай роль ўйнашлари керак, улар ўша миллатларга нисбатан ўқитувчилик ва энагалик ролини бажаришлари керакми деган саволга Владимир Ильич: «Ўқитувчилик ва энагалик» эмас, балки ёрдамчилик» ролини бажаришлари керак деб жавоб берганди (ТАТ, 53-том, 51-бет). Ленин ана шундай таълим берган эди, рус коммунистлари ўзларини ана шундай тутдилар. Катта миллат вакиллари сифатида улар олижаноблиги, муомаладаги соддалиги, кеккаймаслиги, камтарлиги, очиқ кўнгиллилиги, ўз тажрибаси, билимини рус бўлмаган миллатларнинг коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари билан бажонидил баҳам кўришлиги билан ажралиб турарди.

В. И. Ленин, Коммунистик партия миллатчилик ва шовинизм кўринишларини, анча кучли миллатларнинг кучсиз миллатларга нисбатан менсимаслик муносабатларини каттиқ қоралаган эди. Чунончи, РКП(б) XII съезди миллий масала юзасидан қабул қилган резолюциясида арманларга, осетинларга, ожарларга ва абхазларга қарши қаратилган грузин шовинизмини (Грузияда), арманларга қарши қаратилган озарбайжон шовинизмини (Озарбайжонда), туркманларга ва қирғизларга қарши қаратилган ўзбек шовинизмини (Бухоро ва Хоразмда), арманлар шовинизмини ва бошқаларни қоралади (КПСС съездлари, конференциялари ва МК Пленумларининг резолюция ва қарорлари. 2-том, «Ўзбекистон», 1981, 460-бетга қаралсин).

М. И. Калинин Ўзбекистон Коммунистик партиясининг биринчи таъсис съездида қилган докладида шу нарсага эътиборни қаратдики, нисбатан катта маданий куч ва моддий имкониятларга, кўп сонли аҳолига эга бўлган республиканинг Ўрта Осиёда катта роль ўйнашга ҳаққи бор. Лекин бунга зўр меҳнат, катта саховат ва қўшни республикалар фойдасига бўладиган фидойилик туфайлигина эришиш мумкин. Куч ва қудрат бу республикаларга нисбатан катта ён босишни ҳам тақозо этади. (Қаранг: М. И. Калинин в Узбекистане. Сб. документов. Узгосиздат, Ташкент, 1961, с. 78). Фақат умумий куч-ғайрат, халқларнинг дўстлиги ва ўзаро ёрдами билангина социализм қуриш мумкин.

Миллий-давлат қурилиши жараёни муваффақиятли давом этди ва у совет миллий давлатчилиги формаларининг гуркираб ривожланганлиги билан характерланади. Бу йўлда ЗСФСР ва СССРнинг ташкил топиши, Ўрта Осиёнинг миллий-давлат чегараланиши ҳамда Ўзбекистон ва Туркманистон ССРлар, бошқа совет республикаларининг барпо этилиши, автоном областларнинг автоном республикалар, автоном республикаларнинг иттифоқдош республикалар бўлиб қайта ташкил этилиши, СССР составига янги республикаларнинг кириши, миллий (ҳозирги автоном) округларнинг ташкил этилиши юз берди. Айни бир вақтда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий куч-қудрати ўсиб, мустаҳкамланиб борди. Улар ўртасида тажриба, ютуқларни ўзаро айирбошлаш кенгайди, юзага келган қийинчиликлар биргаликда бартараф этилди. Миллий ўзлигини англаш туйғуси ривожланди. Миллатлар ўзларини тобора тўла ҳуқуқли, эркин, суверен ҳис этдилар. Эришилган ютуқлар — ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик натижаси эканлигини тушуниш халқларни яқинлаштирди, дўстлик, интернационализм ғоясининг ўзи эса жамиятнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи, Совет давлати куч-қудратининг манбаи бўлиб қолди.

Республикалар ҳам ана шу омиллар таъсири остида ривожланди. Бунда фақат миллий манфаатлар эмас, шунингдек бутун халқларнинг қардошларча ҳамкорлиги манфаатлари биринчи ўринга қўйилди. СССРда биронта ҳам республика йўкки, у ерда ўша республикага номини берган миллатнинг бир ўзи яшаётган бўлса. Мамлакатимиз барча регионларининг ривожланиш диалекти-

каси шундайки, кадрларни айирбошлаш, миграция, йирик иқтисодий ва илмий-техник проблемаларни биргаликда ҳал этиш тенденцияси кучайиб бормоқда, аҳоли янада ҳаракатчан, республикаларнинг миллий состави янада хилма-хил бўлиб бормоқда. СССРда ҳар йили 20 миллионга яқин киши ўз яшаш жойини ўзгартиради.

М. С. Горбачев 1988 йилнинг апрелида Ўзбекистоннинг раҳбар ходимлари билан бўлган учрашувда ҳамма республикаларнинг бир-бирлари билан мустаҳкам боғланганлигини таъкидлаб ўтди. Аслини олганда, улар ҳозир бир-бирларидан ажралган ҳолда яшай олмайдилар. Бу ягона комплекс, ягона ижтимоий организм. Қаердадир, қачондир бирор кўнгилсиз ҳодиса юз берса, бу бутун организмнинг умумий ҳолатига таъсир этмай қолмайди.

В. И. Ленин миллатлар ўртасидаги муносабатларда одоблилик, назокатлилик, хушмуомалаликни талаб этарди. «Агар великорус коммунисти, — деб ёзган эди Владимир Ильич, — Украинанинг Россия билан тамомила қўшилишини қаттиқ ҳимоя қилса, украинлар ундан, бу сиёсатни у капиталга қарши курашда пролетарларни бирлаштириш нуқтаи назарини кўзлаб эмас, балки эски великорус миллатчилиги, империализми хурофотлари натижасида ҳимоя қилаётир, деб дарҳол шубҳаланадилар...

Агар украин коммунисти Украинанинг мутлақ давлат мустақиллигини ҳимоя қилса, бу сиёсатни у... майда буржуа, майда хўжайинчалар миллатчилиги хурофотларининг таъсири билан ҳимоя қилаётир деб шубҳаланиш мумкин...» (ТАТ, 40-том, 52-бет).

В. И. Лениннинг бу фикрлари жуда катта методологик аҳамиятга эга бўлиб, миллий сиёсатни ўтказишда партиянинг стратегияси ва тактикасини олдиндан белгилаб беради. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ленинча анъаналар руҳига мос равишда «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюциясида «аввало «ўз» миллатчилиги ва шовинизмига қарши курашиш керак, бу ишни аввало тегишли миллатнинг намояндалари қилишлари лозим» деб кўрсатиб ўтди.

Миллий муносабатларда айтилган гапнинг фақат мазмуни эмас, шунингдек бу гапнинг қаерда ким томонидан айтилгани ҳам аҳамиятга эга. Ҳатто тўғри фикрлар ҳам, агар уларда урғу нотўғри қўйилса, кишиларда кўнгилсиз ҳислар уйғотиши, уларни ранжитиши мумкин. Матбуотда тамомила тўғри таъкидлаб ўтилганидек, баъзида ўтмишдаги ёки ҳозирги вақтдаги номатлуб ҳодисалар тўғрисида сўз борганида буни айбдорларнинг қайси миллатга мансублиги билан боғлашадики, бу нарса миллатлар учун ҳақорат бўлиб, интернационализм руҳига зиддир. Бундай салбий хислатларга эга бўлган одамлар ҳар қандай миллатда учрайди ва уларга қараб умуман бутун миллат ҳақида ҳукм чиқариш ярамайди, Грузия Компартияси МҚ ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори Д. Стуруа айрим газеталарда эълон қилинган, «Жугашвили, Берия ва кавказлик чайқовчиларнинг миллати» хусусида сўз борган меҳнаткашларнинг хатлари тўғрисида қаҳр-ғазаб билан ёзди. Ўзбек совет ёзувчиси Темур Пўлатов ҳам таъкидлаганидек, москваликлар орасида шундайлари борки, улардан ўзбеклар тўғрисида нималарни биласиз деб сўрасангиз: «Бозорда грузинлар билан ёнма-ён туриб, нарх-навони бир неча баравар ошираётган одамларда», деб дангал жавоб қилишади.

Бошқа республикаларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам социалистик мулкни йирик миқдорда ўғирлашлар, қўшиб ёзишлар, коррупция фактлари очилди. Бу жиноятлар сабаблари марказий ва маҳаллий матбуотда кенг ва атрофлича тадқиқ этилди. Шуни айтиш кераккки, аҳолининг бу фактларни турлича қабул қилиши кўзга ташланмоқда. Шундай одамлар борки, улар кишиларнинг миллий ҳис-туйғуларини қитиқлашни, эҳтиросларни жунбушга келтиришни яхши кўришади. Кўнгилсиз ҳодисалар тўғрисида матбуотда ёзишлар уларга матбуот республикамизни бутун дунё олдида шарманда қиляпти деган миш-мишларни тарқатишлари учун бир баҳона бўлди. Турган гапки, ҳеч қандай «ўзбеклар иши» йўқ. Шунчаки, Ўзбекистонда бундай кўнгилсиз ишлар бўлган. Бир тўда жиноятчиларни республиканинг меҳнатсевар кўп миллионли аҳолиси билан ҳеч ҳам тенглаштириб бўлмайди, бу тўғрида М. С. Горбачев 1988 йилнинг апрелида Ўзбекистон меҳнаткашлари билан учрашув пайтида аниқ қилиб шундай деди: «... На Москвада, на бизнинг халқимизда Ўзбекистонга нисбатан, ҳатто унинг учун оғир дамларда ҳам ҳурматсизлик муносабати намоён бўлмаган. Халқ айбдор эмаслигини биламиз.

ўтмишда кишиларнинг маълум бир группаси айбдор бўлган. Бунинг учун ана ўшалар жавоб берсин».

Ахборот кераклигини, ошкоралик ҳаётимизнинг ҳамма томонларини очиб ташлашга даъват этилганини таъкидлар эканмиз, айникса миллий муносабатларга оид масалаларда меъёрни билиш, чегарадан чиқмаслик тўғрисида ҳам айтиб ўтиш керак. Бу ҳақдаги ахборотлардан лаззатланиш, уларни ўз фойдасига ишлатиш, бир материалнинг ўзини ҳамма газета ва журналларда кетма-кет эълон қилиш ярамайди. Шу муносабат билан В. И. Лениннинг қуйидаги жозибали сўзларини эслатишни истардим: «... «Ранжитилган» миллат кишилари ҳеч нимага, бу тенглик ҳиссига ва бу тенгликни бузишга бўлганидек, сезгир бўлмайдилар. Улар, гарчи ҳатто эҳтиётсизлик қилиб бўлса ҳам, гарчи ҳатто ҳазил тариқасида бўлса ҳам, ўз пролетар ўртоқлари томонидан бу тенгликнинг бузилишига жуда сезгир бўладилар» (ТАТ, 45-том, 402-бет).

СССРда миллий зулм ва тенгсизлик абадий йўқолди, ҳаётнинг барча томонларини интернационаллаштириш жараёни интенсив бормоқда. Миллий масаланинг давлат-ҳуқуқий планда ҳал этилиши ленинча миллий сиёсатнинг энг йирик ютуқларидан биридир.

Миллат ва элатлар ўз совет республикаларини, автоном областлари ва округларини барпо этдилар, миллатидан қатъи назар гражданларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ҳаёт қонуни бўлиб қолди. СССР Конституциясининг 36-моддасида шундай дейилган: «Турли ирқ ва миллатларга мансуб СССР гражданлари тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши СССРдаги барча миллатлар ва элатларни ҳар томонлама камол топтириш ва яқинлаштириш сиёсати билан, гражданларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш билан, она тилидан ва СССРдаги бошқа халқларнинг тилларидан фойдаланишга имкон берилиши билан таъминланади.

Ҳуқуқларни ҳар қандай бўлмасин тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан чеклаш, ирқий ва миллий белгиларга қараб гражданларга тўғридан-тўғри ёки бошқа йўллар билан имтиёзлар бериш, шунингдек ирқий ёки миллий мумтозликни, адоватни ёки камситишни ҳар қандай тарғиб қилиш Қонунга мувофиқ жазоланади».

Ирқидан ва миллатидан қатъи назар гражданларнинг ҳуқуқлари бошқа совет қонунлари томонидан ҳам ҳимоя қилинади. Чунончи, республикаларнинг Жиноят кодекслари миллий ва ирқий тенг ҳуқуқлиликни бузишга шахсга қарши жиноят эмас, балки давлат жинояти деб қарайдики, бу билан жиноий ишнинг оғирлигини яна ҳам кучайтиради.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, ошкоралик ва демократия тобора кенгаяётган бир шароитда миллатчилик руҳидаги фикрлар ҳам билдириляптики, бу нарса миллатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам бермайди. КПСС МК июль (1988 йил) Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, баъзи жойларда қайта қуришга қарши кучлар ҳатто табиий миллий туйғуларни миллатчилик руҳидаги зарарли оқимга солишга муваффақ бўлдилар.

КПСС МК Сиёсий бюроси мамлакатимизнинг бир қатор регионларидаги миллатлараро муносабатларнинг мураккаблашиши сабабларини анализ қилиб, бунда миллат ва элатларнинг ўзига хос социал-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларига узоқ йиллар давомида эътибор берилмаганлиги, омманинг раҳбар кадрлар фаолиятини самарали контрол қилмаганлиги, амалпараст гуруҳларнинг қайта қуришга актив қаршилик кўрсатиши катта роль ўйнаганлигини таъкидлади. Қайта қуришга қарши кучлар миллатлараро низоларни авж олдириб, жамоатчилик диққат-эътиборини қайта қуриш вазифаларидан чалғитишга ва турғунлик йилларида қилган жиноий ишлари учун жазодан қутулиб қолишга уринмоқдалар. Яқинда Қонунга киритилган тузатишлар туфайли миллий адоватни авж олдирганлик, ирқий ёки миллий мумтозликни тарғиб қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Бундай хатти-ҳаракатлар катта ижтимоий хавф-хатар туғдириши шак-шубҳасиз, чунки миллий туйғулар энг нозик, энг қалтис, салга жунбушга келадиган туйғулардир. Бу соҳадаги қонунларимиз амал қилиши, ишлаши керак. СССР Олий судининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаган СССР Олий Советининг 1988 йил майида бўлиб ўтган сессиясида, миллий муносабатларга оид қонунлардан фойдаланиш масалалари аслида унинг назаридан четда қолаётганлиги таъкидлаб

ўтилди. Бу иттифокдош республикалар судлари фаолиятига ҳам тааллуклидир.

Совет Иттифоки 15 суверен совет социалистик республикасини бирлаштирган. Унинг составида 20 автоном республика, 8 автоном область, 10 автоном округ бор.

Халкларнинг сўнмас жанговар ва меҳнатдаги ҳамкорлигини кўрсатувчи фактларни совет республикалари ва бутун Иттифок тарихидан жуда кўплаб келтириш мумкин. Ўзбекистон Компартияси МК, Тошкент ва бошка область партия комитетларининг 1988 йилда бўлиб ўтган пленумлари интернационализм ҳаётимизда чукур илдиз отганлигини, улар биринчи навбатда социализм ва унинг кадриятлари учун олиб борилган жангларда мустаҳкамланганлигини таъкидлади. Ха, ҳозир ҳам мамлакатни ўпирилишдан олиб чикиш учун СССРда яшовчи барча миллат ва элатларнинг биргаликда, ҳамкорликда куч-ғайрат кўрсатиши талаб килинади.

Лекин миллатлараро муносабатларда, шу жумладан, бизнинг республикамизда ҳам ҳали ҳал этилмаган проблемалар бор. Маълум бўлдики, маҳаллийчилик, миллий худбинлик, миллий такаббурлик, миллий бикиклик анча яшовчан бўлиб, ўз позицияларини ҳимоя килишда ғоят эпчиллик кўрсатади. Баъзи бировлар республиканинг социал-иктисодий ривожланишидаги мураккабликлар, кийинчиликлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмокчи бўладилар, КПССнинг ҳозирги миллий сиёсатининг тўғрилигига шубҳа туғдиришга уринадилар. Чунончи, Тошкент область партия комитетининг X пленумида (1988 йил, апрель) миллатчилик иллати олий ўкув юртларига ҳам таркала бошлагани таъкидлаб ўтилди. Олий ўкув юртларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига кўйишда ҳам кингайишлар бор. Бундай аҳволнинг сабабларидан бири — интернационализм ва ватанпарварлик фактларининг жуда катта тарбиявий потенциалидан етарлича фойдаланмасликдир, ҳолбуки республикалар ва бутун Иттифок ҳаёти бундай фактларга жуда бойдир. Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1988 йил январда бўлиб ўтган IX пленумида матбуотдаги чикишларда тарихий вокеалар ёки шахсларни, уларни конкрет-тарихий ва социал-синфий шароитлардан келиб чикиб тадкик этмасдан, у ёки бу томонини бўрттириб кўрсатишга уринишлар бўлаётганлиги тўғрисида гапирилди. Партия, давлат ва ҳукукни муҳофаза килиш органлари, фан ва маданият муассасалари аппаратини шакллантиришда, партияга кабул килишларда, давлат мукофотларига таклим этишларда миллий кинғайишларга йўл кўймаслик кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Мазкур пленумда интернационал тарбия проблемалари, майда миллатлар билан иш олиб бориш республикамиз учун айникса актуал эканлиги таъкидлаб ўтилди. Уларнинг ичида энг муҳимларидан бири — икки тиллилик проблемасидир. Мамлакатимизда рус тилини миллатлараро алока воситаси сифатида ўрганиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи такозо этди. Бу жаҳон маданияти ва фани хазинасини билишнинг ўзига хос калити бўлиб, инсоният ютукларидан баҳраманд бўлиш учун имкониятлар очади.

Рус бўлмаган халкларнинг рус ва ўз она тилини ўрганишларини бир-бирига карама-карши кўйишга уриниш партиянинг миллий сиёсатига ёт, марксча-ленинча идеологияга зиддир. Бу ерда сўз халкларнинг маънавий ривожланиши тўғрисида боряпти, зеро улар ўз миллий тиллари, миллий тарихи, миллий манфаатлари доирасида чекланиб колишлари мумкин эмас. Рус тилини билиш рус бўлмаган халкларга теварак оламни янада чукуррок, янада кенгрок, ҳакконий ўрганишга имкон беради, чунки тил — маънавий бойишнинг битмас-туганмас имконияти, айни вактда халкларни бир-бирига боғлаб турувчи жонли риштадир. Лекин жамият у ёки бу иттифокдош ёхуд автоном республика территориясида яшовчи гражданларнинг туб ерли миллат тилини билишидан ҳам манфаатдордир.

СССР Конституциясида, ССР Иттифоки ва иттифокдош республикаларнинг халк таълими тўғрисидаги конунлари Асосларида таълим бериш тилини эркин танлаш халк таълимининг асосий принципи сифатида берилган. Амалда шундай бўлдики, кўпгина регионларда маҳаллий аҳолининг она тилидаги мактаблар ёпилди, бу ҳакконий равишда норозилик туғдирди. Вазифа мана шу деформацияни тузатишдан иборат.

Матбуотда тил хакидаги конунни такомиллаштиришга боғлик кўпгина таклифлар пайдо бўляпти. Улар орасида «давлат тили» тўғрисида, «республиканинг миллий тили» тўғрисида, «конкрет миллат ёки элатнинг миллий тили»

тўғрисида, «миллатлараро алоқа тили» тўғрисида, давлат органларининг иш юритиш тили тўғрисида ва ҳоказолар бор. Бу кўпинча шу билан боғлиқки, қонунларимизга асос бўлган ғоялар маҳаллий органларнинг волюнтаризми ва субъективизми, айрим амалдорларнинг тазйиқи, мансабдор шахсларнинг буйруқвозлиги ва ўзбошимчалиги туфайли узоқ вақт давомида бузилиб келган. Тил соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларга доимо ҳам, ҳамма жойда ҳам амал қилинмаган. Чунончи, матбуотдаги хабарлардан Белоруссияда ўқиш белорус, Украинада украин тилида олиб борилган мактабларнинг ёпилганини, бошқа регионларда бир қатор миллий тилларнинг ишлатилиши сунъий равишда чегаралаб қўйилганлигини, айтайлик Ўзбекистонда тожик, қозоқ мактабларининг камайтирилганлигини биламиз. Республикаларда миллий тилларнинг камситилиши деярли ҳамма жойда туб ерли аҳоли тилини давлат тили қилиш талабини келтириб чиқарди. Шу билан бирга практиканинг кўрсатишича, фақат қонунларга умид боғлаш, «ҳуқуқий эйфорияга» берилиш ярамайди. Ёзувчи В. Ивановнинг ҳаққоний таъкидлашича, бу борада қарор қабул қилишнинг ўзи билан тилни оммабоп, ҳаммага тушунарли ва ҳаммага таниш қилиб бўлмайди («Дружба народов» журнали, 1988, 6-сон, 253-бетга қаралсин).

Ҳар қандай халқнинг тилига, урф-одатлари ва маданиятига ҳурматсизлик билан қўпол муносабатда бўлиш такаббурлик, манманлик деб қабул қилинади. Конституциядаги бурчни — «бошқа гражданларнинг миллий қадр-қимматини ҳурматлаш, кўп миллатли Совет давлати миллатларининг ва элатларининг дўстлигини мустаҳкамлаш» (64-модда) бурчини доимо эсда тутиш керак. Давлат, идеологик, ҳуқуқий ва бошқа органлар ўзларининг тарбиявий ишларида шуни унутмасликлари керакки, миллий муносабатлардаги кўпчилик қийинчиликларнинг сабаби айрим гражданларда интернационалистик этикоднинг йўқлиги, миллатлараро алоқа маданиятининг етарли даражада эмаслиги билан боғлиқдир.

* * *

Миллий муносабатларнинг давлат-ҳуқуқий жиҳатлари ҳар куни эътибор беришни талаб қилади. Мамлакатимиз аҳолисининг кўп миллатли состави, миллий туйғуларнинг нозиклиги, қалтислиги, федерация билан унинг таркибий қисмлари манфаатлари ўртасида уйғунликни таъминлаш зарурати, совет республикалари ва областлари ривожланишини прогнозлашга бўлган қатъий талаб СССР Олий Совети Миллатлар Совети қошида миллий муносабатлар институтини барпо этишнинг мақсадга мувофиқлигини тақозо қиляпти. У бу соҳадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, миллий масалани ҳал этишдаги жуда катта тажрибани умумлаштириш, миллий муносабатлардаги «оғриқ жойларни» аниқлаш ва «даволаш», 100 дан ортиқ миллат ҳамда элатларни бирлаштирган ягона кўп миллатли давлатимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича ноёб бир илмий лаборатория бўлиб қолиши мумкин. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида сиёсий система барча тартиботларини активлаштириш масаласи жуда ҳаққоний қўйилдики, ўшалар орқали миллий манфаатлар аниқланиши ва мувофиқлаштирилиши мумкин. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бўлганидек, миллатлар иши бўйича министрлик ёки Давлат комитетини ташкил этиш таклиф қилинди.

Лекин бу ерда шуни назарда тутиш керакки, биринчидан, миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги иш кўрганида Олий Советнинг Миллатлар Советига ўхшаш органи бўлган эмас, иккинчидан, миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги барпо этилганида миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш жараёни қизғин давом этарди ва халқларга ўз республикалари ҳамда автоном областларини ташкил этишда ёрдам бериш талаб этиларди. Бугунги кунда бу вазифалар аллақачон ҳал этилган. Яна такрор айтаманки, СССР Олий Советининг Миллатлар Совети қошида миллий муносабатлар институтини барпо этиш жуда ҳам муҳим бўлиб қолди. Бу ғояни XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳам қўллаб-қувватлади. Бу масалани умумдавлат даражасида ҳал этиш миллатлараро ва республикалараро ҳар жабҳа проблемаларни қараб чиқишда субъективизм ва маъмуриятчиликни истисно қилишда кўмаклашган бўларди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси республика ёки областнинг қанча маҳсулот ишлаб чиқариши, унинг мамлакат экономикасига қўшаётган ҳиссаси ва

у қанча нарса олиши тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилиб туриш вазифасини қўйди. Иттифоқдош республикалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйишни ва қарор топган алоқаларни ривожлантиришни ҳуқуқий жиҳатдан регламентга солиш ҳам зарур бўлиб қолди. Иттифоқ фонди олдидаги мажбуриятларини бажарганидан кейин республикаларнинг ўз эҳтиёжлари учун ишлаб чиқаришни оширишдан манфаатдорлигини рағбатлантириш вазифаларини ҳам давлат-ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш, автоном округлар, автоном областлар, автоном ва иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқ ҳамда вазифаларини қонунда янада тўлароқ акс эттириш, миллатлараро муносабатларни ҳам умумиттифоқ, ҳам республика ва маҳаллий даражада ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш талаб этилади. Марказлаштирилган раҳбарликни республикалар ҳуқуқини янада кенгайтириш билан қўшиб олиб бориш принципига тааллуқли бошқа жиҳатлар ҳам батафсил ва ҳар томонлама асослаб берилиши керак.

Совет миллий давлатчилиги федерация составида жўшқин ривожланяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина проблемаларни сезиб турибмиз, ҳаёт ҳар куни янги-янги пробемаларни келтириб чиқаради. Совет миллий давлатчилиги формаларини янада такомиллаштириш вазифаларини, автономия ва давлатчиликнинг бир формасини бошқа формага ўзгартириш шарт-шароитларига тегишли назарий проблемаларни, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном область ва автоном округларнинг СССР Олий Совети Миллатлар Советига вакиллик принциплари ҳамда нормалари тўғрисидаги масалаларни актуал вазифалар деб эътироф этиш керак.

Ҳозир мамлакатимиз катта ўзгаришларни ўз бошидан кечиряпти. Демократия ва ошкоралик — цивилизацияли жамият учун мажбурий бўлган бу белгилар — бугунги ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Улар ғоявийлик ва партиявийлик тушунчалари билан табиий равишда қўшилиб кетяпти. В. И. Ленининг «социалистик идеологияни камситишнинг *ҳар қандайи,* у идеологиядан четланишнинг *ҳар қандайи* буржуа идеологиясини кучайтириш демакдир» (ТАТ, 6-том, 46-бет) деган сўзлари бугун ҳам жуда долзарб аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам КПСС МКнинг «Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш тўғрисида»ги Пленумига тайёргарлик ҳақидаги масалани кўриб чиққан КПСС МК қарорида (1988 йил ноябрь) таъкидлаб ўтилганидек, «жамиятда совет халқларининг интернационал бирлиги, дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган маънавий муҳитни яратишга алоҳида эътибор» бериш керак.

Совет халқларининг дўстлиги, социалистик интернационализм — энг муқаддас нарса, бизнинг фахримиз, буюк ғалабамиз, Совет кўп миллатли давлати куч-қудратининг манбаи, социалистик тузум бирлиги, кучи ва мустаҳкамлигининг метин пойдеворидир. Бу масалада ғоявий позицияларимизни ҳимоя қилиш принципиал аҳамиятга эга бўлиб, бунда чекиниш мумкин эмас. Чуқур ўйлаб, ҳар бир нарсани тарозига солиб кўриш — мана шундай ёндашиш миллий муносабатларнинг давлат-ҳуқуқий жиҳатларини кўриб чиқишда ҳам бирдан-бир тўғри йўлдир.

С. ЗИНИН

МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТИЛНИНГ РОЛИ

ЖАМИЯТИМИЗНИ сифат жиҳатидан янгилашнинг олға қараб интилаётган жараёни яқин ўтмишда кенг муҳокама қилиш учун «ёпиқ» темалар деб ҳисобланган доирага тушиб қолгани сабабли тилга олинмаган ёки жамоатчиликка узил-кесил ҳал этилган деб тақдим этилган кўпгина муҳим проблемаларни илмий жиҳатдан асосланилган ҳолда мушоҳада қилишни талаб қилди. Матбуотимизда узоқ вақт фақат тантанавор шиорлар позициясидан турибгина ёритилган миллатлараро муносабатлар проблемалари ҳам шулар жумласига киради. Ушбу проблемалардан баъзиларининг кескинлашганини ривожланиб бораётган қайта қуриш жараёнининг оқибати деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ошкоралик, демократиялаш уларни бартараф этиш учун қулай шарт-шароит ярата бориб, мавжуд зиддиятлар ҳақида очиқ-ойдин ва дадил сўзлаш имконини берди.

Бугунги кунда миллий тилларнинг амал қилиши масалаларига қизиқиш ошганлиги айниқса сезиляпти. Буни тушунса бўлади, чунки у бевосита ҳар бир совет кишисига дахлдордир. Тилнинг вазифаси нафақат кишилар мулоқоти функциясини бажаришдан иборат,балки у энг сир тутилган, шахсиятга доир жиҳатларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Айни тил инсонга ўз маънавий дунёсини намоён этиш учун имкон беради, унинг маданий даражасини характерлайди, ва бундан ташқари, тўпланган билимларни қайд этиш ва сақлашнинг, уларни авлоддан авлодга узатишнинг воситаси ҳамдир.

Ҳар қандай шахснинг шаклланиши миллатнинг ўз ривожланиши билан яқиндан ўзаро алоқадорликда юз беради. Мутахассислар миллат маънавий қиёфаси структурасининг энг муҳим элементлари орасида кишининг муайян миллатга мансублигини ифодаловчи миллий ўзлигини англашни ажратиб кўрсатадилар. Миллатни таърифлашда уни ташкил этувчи этник территория, миллий тил, миллий маданият, анъаналар, урф-одатлар, маросимлар каби компонентларга эътибор бериш расм бўлган. Бу, албатта, тўғри. Лекин умуман олганда шуни эътироф этиш зарурки, санаб ўтилган компонентлар миллий шахс ривожланадиган миллий ижтимоий муҳит шаклланиши учун база бўлибгина хизмат қилади.

Бундай муҳитни бунёд этишни социал, ижтимоий ҳодиса деб қарамоқ лозим. Шу муносабат билан философия фанлари доктори М. Жунусов ёзган эдики, «инсон рус, инглиз, француз, итальян бўлиб туғилмайди. Инсон ўзини қуршаб турган тил, турмуш, маданий, психологик муҳит таъсирида ана шундай бўлади. Бунда ҳеч қандай «насл даъвати», «аждодлар овози» мавжуд эмас. Ҳар бир шахс миллатга хос ана шу белгиларнинг индивидуал субъекти (ифодаловчиси) ҳисобланади». Шундай қилиб, ҳар қандай шахс социал-синфий ва миллий белгининг ифодаловчиси бўлиб майдонга чиқади. Қ. Маркс ёзганидек, шахснинг моҳиятини «унинг соқоли ҳам, унинг зоти қандайлиги ҳам, унинг абстракт физик табиати ҳам эмас, балки унинг **социал сифати»** ташкил этади (Қ. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т, 1, с. 242).

Тилнинг инсон ҳаётидаги тарбияловчилик ва шакллантирувчилик роли

ЗИНИН Сергей Иванович, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг рус тили бўлими мудири, филология фанлари кандидати.

шак-шубҳасиздир. Лекин шуни эътиборда тутиш лозимки, сўз умуман тил ҳақида эмас, балки конкрет миллий тил ҳақида боряпти. Буларнинг ҳаммаси миллий шахсни шакллантиришда миллий тил ўйнайдиган катта роль ҳақида сўзлаш ҳуқуқини беради. Одатда бундай ҳолларда миллий тил она тили, шахсни миллий белги бўйича ажратишнинг муҳим компоненти сифатида тушунилади.

«Она тили» тушунчаси ягона изоҳга эга эмаслигини эътироф этиш лозим. Баъзи ҳолларда у боланинг жуда ёшлигида ўз атрофидагиларининг, кўпинча ўз ота-онасининг сўзлашув муомаласига тақлид қилиш йўли билан ўзлаштирган тили сифатида тушунилади. Бошқа ҳолларда киши дастлаб ўрганган тил она тили деб ҳисобланади. Лекин она-отанинг ёки асосий этник массанинг тили эмас, балки муайян шахс турли сабабларга кўра мойиллик сезадиган бошқа халқ тили она тили деб аталган ҳоллар маълум.

Бу нарса «она тили» ва «миллий она тили» тушунчалари ўртасида муайян номувофиқлик бўлишига олиб келади. Миллатлараро никоҳларда она тилини белгилашда айниқса катта қийинчиликлар пайдо бўлади. Масалан, ота миллати бўйича татар, она — тожик, оила эса Россиянинг марказида муқим бўлиб яшайди, шу сабабли оиладан ташқарида ҳам, оила доирасидаги мулоқотда ҳам рус тилидан фойдаланилади. Бундай оилада болалар ота ёки онанинг миллатини танлашлари мумкин, лекин бунга ўхшаш ҳолларда одатда она тили деб рус тили айтилади. Бу нарса «миллий она тили» тушунчасига зид келсада, шунга ўхшаш вазиятлар ҳар қандай тил муҳитида юз бериши мумкин.

Мамлакатимизда бундай ҳолат кенг тарқалган. 1979 йилда, масалан, 66,3 миллион оиладан 9,8 миллиони (яъни 14,9 проценти) аралаш никоҳга асосланган эди. Бошқа иттифоқдош республикаларда бўлганидек, Ўзбекистон ССРда ҳам, сўнгги аҳоли рўйхатларининг маълумотлари кўрсатганидек, туб ерли миллат тилини ёки рус тилини она тили деб атаган турли миллат намояндаларининг миқдори ўсиши кўзга ташланяпти. Чунончи, агар 1959 йили республикамизда яшовчи турли миллатларга мансуб 73,8 минг киши ўзбек тилини она тили деб ҳисоблаган, рус бўлмаган 224,2 минг киши эса рус тилини она тили деб атаган бўлса, орадан йигирма йил ўтгач, 1979 йилга келиб ўзбек бўлмаган 133,6 минг киши учун ўзбек тили, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи рус бўлмаган 399,3 минг киши учун эса рус тили она тили бўлиб қолган. Ушбу жараён мамлакатимиздаги социалистик турмушнинг объектив юридик, этик, гражданлик шарт-шароити билан шартланади. Шу билан бир вақтда бу аҳволга салбий баҳо бериш ҳам кўзга ташланмоқда.

Бунда икки позицияни ажратиб кўрсатиш мумкин. Агар киши ўз миллатининг тили бўлмаган тилни она тили деб танлаган бўлса ва у ўз тили муҳитидан ташқарида яшаётган бўлса, бунда тил характерида зиддиятлар амалда юзага келмайди. Масалан, узоқ вақт (туғилганидан бошлаб) Москвада, Ленинградда яшайдиган ўзбек, грузин ва ҳоказолар рус тилини она тили деб атайди — бундай вазият тил соҳасидаги табиий ассимиляциянинг якуни тарзида қабул этилади. Лекин ўз ватанида, ўз этник муҳитида яшовчи ўзбек, грузин ва ҳоказолар ўз миллати тилидан бошқа ҳар қандай тилни она тили деб атаса, унга нисбатан атрофидагиларда салбий муносабат ҳам юзага келиши мумкин: «она тилинг бўлган ўзбек (грузин, татар, корейс, арман, рус ва ҳоказо) тилини билмасанг, сени ўзбек (грузин, татар, корейс, арман, рус ва ҳоказо) деб бўладими?». Бошқа тил фойдасига миллий она тилидан воз кечиш бошқа миллий қадриятлардан воз кечиш билан баробардир деган хулосалар ҳам чиқарилади. Кейинги вақтда кўпгина иттифоқдош ва автоном республикаларда шунга ўхшаш хавотирланиш изҳор этила бошланди.

Ана шу мураккаб этник-тил жараёнини нотўғри тушуниш кўпинча айрим шахслар учун фожиавий тус олиши мумкин. Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романида ўз халқидан, унинг анъаналаридан, миллий тилдан, урф-одатлардан маҳрум этилган «манқурт»нинг фожиаси кўрсатилган. Албатта, санъаткор ўз асарида проблемани кескинлаштиришга эътибор берган, лекин реал воқеликда ҳам халқлар йўқолиб кетиши, бошқа этник муҳитга қўшилиши ҳоллари маълум.

Мамлакатимизда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатларида қайд этилган халқлар миқдорининг камайиши кўрсаткичи бу соҳадан йироқ кишини нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Уни синчиклаб анализ қилиш эса кишиларнинг кейинчалик асосий миллатга қўшилиб кетган кичик этник-уруғ ва қабила бирлаш-

малари алоҳида халқ сифатида қабул қилинган ҳоллар оз бўлмаганлигини кўрсатади. Масалан, 1926 йили Ўзбекистон ССР территориясида 50 мингдан ортиқ курама яшаган бўлиб, улар 1959 йилги рўйхатда ўзларини ўзбек деб атаганлар. 1926 йили Фарғона водийсида 33,5 минг қипчоқ рўйхатга олинган, 1959 йили эса салкам 100 киши, асосан кексалар ўзини қипчоқ деб атаган. Қурама, қипчоқлар учун ўзбек тилига ўтиш беозор кечган, чунки ўзбек тили тилга олинган этник группаларга хос бўлган маҳаллий шева, диалектларни ўзига бўйсундира бошлаган.

Айниқса республикалар чегараларини белгилашда ва гражданларни конкрет миллатга ажратишда ҳаддидан ошишлар ҳам бўлган. Зеро, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари территориясида яшовчи турли миллатлар намояндалари ўзларини бухоролик, хоразмлик деб атаганлар. Ўлканинг қадимий аҳолиси бўлмиш тожикларга ўзларининг миллий жиҳатдан алоҳидалигини исботлаш учун узоқ вақт даркор бўлди, чунки Туркистон АССРда «туб ерли миллатлар» деб ўзбек, қирғиз ва туркманлар тан олинган эди. 20—30-йилларда Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда яшаган тожиклар ўз миллатини ўзбек деб ёздиришга мажбур бўлгандилар, чунки ўзини тожик деб ёздирганлар янгидан ташкил этилган Тожикистон АССРга кўчирилади деган миш-мишлар юрган эди. Бу мисолларнинг ҳаммаси мамлакатимизда этник-тил жараёни айрим халқлар учун беозор ўтмаганлиги ҳақида сўзлайди.

Ана шу мураккаб, зиддиятли жараёнда шахснинг миллий ўзлигини англаши ҳам шаклланди. Мисол учун, миллий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилаган чоғда ўз миллий тилини сақлаб қолган тожиклар билан тожик тилидан актив фойдаланувчи, лекин миллати ўзбек деб ёзилган тожиклар бир хил авлодми? Албатта, бундай вазиятларда ўзбек ва тожикларнинг мустаҳкам илдизларга эга бўлган кўп асрлик этник-маданий алоқаларини ҳисобга олиш, ўйлаб чиқарилган важлар бўйича конкрет шахсга тазйиқ кўрсатишга йўл қўймаган ҳолда тарихий фактларни объектив баҳолаш лозим бўлади. Бунда ҳар бир конкрет ҳолда четга чиқишлар шахс ҳуқуқларини чекламаган ҳолда қонун ва ахлоқ талабларига мувофиқ ҳолда бартараф этилиши керак.

Шундай қилиб, айниқса миллий она тилини белгиловчи ҳолларда фақат тил асосида миллий мансубликни аниқлаш мумкин эмас. Ҳаётда она тили билан миллий тил мувофиқ келишига мисоллар оз эмас. Бир миллатли ва бир тилли коллективдаги доимий мулоқотда миллат номи билан миллий тилнинг ўзаро алоқадорлигига жуда кам одам эътибор беради. Лекин бошқа миллатли муҳитга, кўп миллатли коллективга тушиб қолиш биланоқ миллий мансублик билан миллий тил алоқадорлиги шу тилда сўзлашувчилар томонидан яққол ҳис қилинади.

Немис социал-демократиясининг XIX аср охири — XX аср бошларидаги арбобларидан бири бўлган К. Каутский тилни миллатни ташкил этувчи асосий белги деб ҳисоблаган эди: «Инглиз бошқа бирорта тилга қараганда инглиз тилида яхшироқ сўзлаша оладиган пайтгача инглиз бўлиб қолади. Лекин агар у узоқ вақт Берлинда яшаса ва инглизлар билан ҳеч қандай мулоқотда бўлмаса, бундай ҳолда у инглиз тилини унутади ва немис тилини бошқаларга қараганда кўпроқ эгаллаб оладики, тилни бундай ўзгартириш натижасида у, албатта, немисга айланади». Бундай хулосанинг хатолиги шундан иборатки, К. Каутский шахснинг конкрет миллатга мансублигини белгилайдиган бошқа параметрларни «унутган». Француз тилини ипидан-игнасигача эгаллаган ва узоқ вақт француз тили муҳитида яшаган рус ёзувчиси И. С. Тургенев нима учун унда нафақат ўзини французлар сафига қўша олмаган, бутун умри давомида рус миллий ёзувчиси бўлиб қолгани ҳолда француз тилида бирорта ҳам бадиий асар ёзмаган?

У ёки бу халққа мансублик асосан унинг маданий меросни билиш даражаси билан белгиланади. «Тамомила бир хил маданиятга эга бўлган иккита халқ йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Агар халқ ўзининг маданий спецификасини йўқотса, у алоҳида мустақил этнос сифатида яшашдан тўхтайди» — тадқиқотчиларнинг хулосаси ана шундай. Бу қоиданинг ўзини конкрет шахснинг миллий мансублигини белгилашга ҳам қўлласа бўлади. Бошқа миллат тилини актив тарзда эгаллаш, миллий она тилига қараганда мулоқотнинг бир қатор соҳаларида ундан кўпроқ фойдаланиш, лекин бунда ўз миллий маданияти, ўз халқи билан алоқаларини ҳеч қачон узмаслик мумкин. Зотан, ўз миллий маданияти доирасидан қониқмаслик кўпинча у ёки бу шахсни бошқа миллий маданиятга

қўшилишга ундайдики, бу нарса она тили сифатидаги миллий тилни алмаштириш билан ҳам биргаликда боради. Бунда сўз бир тил муҳитидан бошкасига шундоккина ўтиш тўғрисида бораётгани йўқ. Ушбу жараён миллат бутун социал ҳаётининг янада чуқур ўзгаришларига ҳамроҳ бўлади.

Ўзбекистонда яшайдиган корейсларда урушдан олдинги йилларда бундан буён факат ўз она тилларига таянган ҳолда яшаш борасида қийинчиликлар юзага келган эди. Улар томонидан мактабларда ўқитиш тили сифатида рус тили танлаб олиндики, уни биринчи босқичда корейслар иккинчи тил сифатида кабул қилган эдилар. Лекин йиллар ўтди, авлодлар ўзгарди. Қишлоқ аҳолиси ўртасида корейс тили функциясини рус тили анчагина сиқиб чиқарди, шаҳарлик корейсларда эса у она тили бўлиб қолди. Корейсларнинг бир қисми нафақат рус тилида сўзлашга ўтибгина қолмай, балки рус миллий маданиятига қўшилган бўлсада, республикада корейс халқи йўқолиб кетди деб бўлмайди. Корейс миллий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари сакланиб қолган, лекин ўзига янада эътибор билан караш ҳамда авайлаб муносабатда бўлишни талаб қиляпти. Барча корейслар қисқа муддат ичида ҳамма жойда корейс тилини тиклашларини тасаввур қилиш қийин, лекин миллий маданиятни сақлаб қолиш зарур.

Дунёда турли миллатлар миллий ўзига хосликни саклаб қолганлари ҳолда ягона тилдан фойдаланишларига мисоллар кўп. Гарчи она тиллари ягона араб тили бўлсада, тунисликни суданликдан, ироқликни ливияликдан фарқлаш мумкин. Миллий тил эмас, балки маданий қиёфанинг ўзига хослиги халқларни фарқловчи белги бўлган Африка, Осиё ва Америкадаги инглиз, француз, испан тилларида сўзлашадиган мамлакатларда шунга ўхшаш вазиятни кўрамиз.

Миллий маданиятнинг мазмунини очиб беришда миллий тилнинг роли айниқса каттадир. Унинг имкониятлари миллий маданиятни бутун бойликлари билан кўрсатиш, унга бошқа халқларнинг қизиқишларини уйғотиш имконини берган ҳолларда ҳам миллий тилда сўзлашувларда унга нисбатан меҳр ва ҳурмат янада активроқ намоён бўлади. Бу нарса очиқ-ойдин шовинизм ёки миллатчиликни характерлайди деган хато фикр пайдо бўлган.

Биз баъзан В. И. Лениннинг сўзларини унутиб қўямиз: «Бизларга, онгли великорус пролетарларига миллий ифтихор ҳисси ётми? Албатта, ёт эмас! Биз ўз тилимизни ва ўз ватанимизни севамиз...» (Тўла асарлар тўплами, 26-том, 119-бет). Лекин, зотан, Лениннинг бу таърифи нафақат руслар ва рус тилига тааллуқли, балки бошқа ҳар қандай миллий тилга ҳам дахлдор-ку. Миллий ифтихор туйғуси миллий кибр-ҳаво билан, интернационал алоқалар намоён бўлиши эса миллий чекланганлик, маҳдудлик билан алмаштирилиши эса бошқа нарса. Шунингдек миллий тилнинг монолит улуғворлигини фақат ана шундай йўл билан саклаб қолиш мумкин деб ҳисоблаб, она тилига меҳр-муҳаббатни ҳар қандай зўраки методлар ёрдамида сингдиришдан воз кечиш лозим. Одоб ва эхтиёткорликка риоя қилган ҳолда ҳар бир шахсда нафақат ўз она тилига, балки бошқа кичик ва катта халқларнинг тилларига меҳр-муҳаббат ва ҳурматни ҳам тарбияламоқ зарур.

Тил проблемаларига доир мунозаралардан бирида шундай мисол келтирилди. МДУ профессори Эстонияда дам олган. Санаторийда у овқатланиш пайтида учта эстон аёли билан ёнма-ён ўтириб қолган, аёллардан иккитаси умуман русча гаплашмаган, учунчиси эса русчани жуда суст билган. Бунинг устига меню эстон тилида бўлган. Русчани биладиган эстон аёли москваликнинг таажжубига жавобан шундай деган: «Бизнинг юртга келган экансиз, эстон тилини билишингиз шарт». Ундай бўлса, Кавказда дам олган кишиларнинг бари кавказ тилларини, Ўрта Осиёга борган киши туркий тилларни билиши керак бўлади. Ёки ҳеч каерга бормаслик кераккки, буни ҳозирги хаётда тасаввур қилиб бўлмайди.

Энг қадим замонлардан бери халқларда ўзларининг яқин ва олисдаги қўшнилари ҳаёти, турмуши ва маданиятини билишга интилиш намоён бўлиб келган. Илмий ва бадиий адабиётни она тилига таржима қилиш ёки бошқа халқларнинг тилларини эгаллаш йўли билан буни амалга ошириш мумкин эди. Иккинчи ёндашув динамикроқ. Ўзбек мақолида: «Тил — дилга йўл очади», — дейилади. Шундай килиб, миллатлараро муносабатлар моҳиятининг ўзида икки тиллилик ва кўп тиллиликни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга бўлган интилиш мавжуд. Бу

жараён мураккабдир, лекин ўтмишда у стихияли тарзда амалга оширилган бўлса, ҳозир уни оқилона тартибга солиш учун барча шарт-шароит бор.

Икки тиллилик она тилига зарар етказади деган ноилмий тезисни рад этиш лозим. Икки тиллиликни, менимча, ҳар бир шахс миллий она тилини яхши эгаллаган бўлиши керак, иккинчи, учинчи ва ҳоказо тилларни билиш эса маънавий маданиятни бойитиш, шахснинг фикр доирасини кенгайтириш жараёни сифатида қаралиши керак деган қоида билан асослаш зарур. «Менинг фикримча, — деб ёзади профессор Ю. М. Лотман, — ҳар бир тил — бошқа маданиятга очилган эшик, нафақат уни, балки ўзининг маданиятини ҳам билишнинг энг муҳим воситаларидан бири. Бугунги кунда кўпгина европаликлар икки ёки бир неча тилда эркин сўзлаша олади. Бу борада икки хил фикр бўлиши, менимча, мумкин эмас ҳам: ҳар бир киши, хоҳ туб ерли аҳоли, хоҳ бошқа республикадан келган киши бўлсин, она тилидан ташқари яна бир тилни билганда тақдир уни учраштирган халқнинг маданий қадриятлари, тафаккур ва маънавияти хазиналари сари йўл топади» («Коммунист», 1988, № 6, 108-бет).

Мамлакатимизда миллий-рус икки тиллилиги кенг тарқалган, ҳар бир республикада икки тиллилик ва кўп тиллилик намоён бўлишининг бошқа формалари ҳам мавжуд. Масалан, Ўзбекистонда ўзбек-тожик, ўзбек-қозоқ, ўзбек-туркман ва бошқа икки тиллиликлар бор. Ҳозирги икки тиллиликнинг хусусияти сифатида унинг оммавийлигини ҳамда муҳим хўжалик ва маданий-тарбиявий вазифаларни амалга ошириш учун зарурлигини кўрсатиш керак.

Мамлакатимизда миллий тиллар юридик жиҳатдан тенг ҳуқуқлидир. Лекин бу нарса улар тенг даражада барча ижтимоий функцияларни таъминлай олишлари мумкин деган маънони умуман англатмайди. Оилавий-маиший муносабатлар соҳасида миллий тиллар функционал жиҳатдан тенг ҳуқуқлидир, лекин уларнинг барчаси, масалан, фан, иш юритиш, оммавий коммуникация ва ҳоказолар соҳасини тўла ҳажмда таъминлай олиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Ана шу объектив сабаблар натижасида Ўзбекистонда аста-секин миллий тиллар ўртасидаги ижтимоий функцияларни қайтадан тақсимлаш юз берди. Ана шу функцияларнинг кўпчилигини бажаришни ўз зиммасига олган етакчи тиллар сифатида ўзбек ва рус тиллари майдонга чиқди, уларга Қорақалпоғистон АССР территориясида қорақалпоқ тили ҳам қўшилди. Бундай тақсимланиш, республикада икки тиллилик шаклланиши жараёнига принципиал таъсир кўрсатди, бу ҳол шахснинг шаклланишида ҳам бевосита ўз ифодасини топди. Ўзбекистонда яшовчи миллатларнинг барча намояндалари томонидан мактабда рус ва ўзбек тилларининг иккинчи тил сифатида ўрганилишини республика доирасида ҳам, ундан ташқарида ҳам воситачи тил ёрдамида эркин мулоқотни таъминлаш зарурати тақозо этган.

Икки тиллиликнинг қарор топишидаги маълум муваффақиятлар билан бирга шахснинг шаклланишига ҳам таъсир кўрсатувчи кўпгина ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Илк болалик чоғидан икки тиллиликни шакллантиришга интилиш муайян баҳсларга сабаб бўляпти. Бундай ҳолда она тили билан иккинчи тилни параллел ўрганиш салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин деган хавотирланиш бор. Кейинчалик миллий маданият қадриятларини эркин билиб бориши учун бола она тилини тўлиқ ўзлаштириб олиши керак. Бу даврда, менимча, улар томонидан миллатлараро алоқа тили ўрганилиши учун куч-ҳаракатни ишга солиш лозим, уни билиш ҳам шахснинг умумий камолоти учун зарурдир.

Ўтган йилларда рус тилини ҳар қандай миллатнинг иккинчи она тили деб эълон қилган шиор тарзида олиб борилган сиёсат тил ўрганишнинг пухта ишлаб чиқилган методикаси билан ҳам, педагог кадрлар билан етарлича таъминланиш билан ҳам, таълим жараёнининг тегишли моддий-техника жиҳатидан жиҳозланиши билан ҳам, икки тиллилик шаклланишининг психолингвистик жиҳатларини ўрганиш билан ҳам мустаҳкамланмаган эди. Уйғун ривожланган шахсни тарбиялаш вазифаси расмият учун бажарилиши кенг жамоатчиликни ташвишлантира бошлаган оқибатларга олиб келди. Кўпинча талабчанлик даражасини пасайтириш йўли танланди. Айниқса қишлоқ жойлардаги умумий таълим мактабларини битирувчилар рус тилини тегишли даражада ўзлаштира олмас эдилар. Она тилини билиш эса бир қатор ҳолларда ҳозирги тил маданияти талабларидан узоқ эди. Мактаб амалда шундай шахсни шакллантира бошладики, у расман, етуклик аттестатидаги баҳоларига кўра икки тилни эгаллаган бўларди, лекин аслида

бундай эмас эди. Бундай ёндашув умумдавлат манфаатларида акс этди. Масалан, Қуролли Кучларда кадр сиёсатини таъминлашда мураккаб вазият юзага келди, чунки армияда мажбурий бўлган рус тилини билмаслик рус бўлмаган миллатларга мансуб шахслардан мамлакат ҳимоячиларини тайёрлаш йўлидаги тўсиклардан бири эди. Ҳозирги саноат ишлаб чиқаришининг илмий-техника даражаси анчагина юксалдики, уни ўзлаштириш ҳам миллатлараро алоқа тилини пухта билишни тақозо этади.

Миллий-рус икки тиллилигини шакллантириш узоқ вақт бир томонга йўналганлик билан характерланиб келди. Иккинчи она тили деб эълон қилинган рус тилини ўрганишга катта куч-ҳаракат сарфланди. «Иккинчи она тили» термини публицистик контекстда эътироз туғдирмайди, лекин иккита она тилини чиндан эътироф этиш масаласи кўтарилганда уни ҳал этиш миллий ўзлигини англаш манфаатларига дахл этади. Рус тилини миллатлараро алоқа тили, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги кўпгина муҳим социал-иқтисодий фунцияларни таъминлаш учун амалда зарур бўлган тил сифатида ўрганиш кўпроқ ўзини оқлайди. Тилнинг бундай ролини В. И. Ленин жуда аниқ қилиб белгилаб берган эди: «Бирор мамлакатнинг тилини... кўпчиликнинг билиши *фойдали* бўлган тилни иқтисодий оборот эхтиёжларининг ўзлари *белгилаб берадилар*. Турли миллат аҳолиси бу қоидани қанчалик ихтиёрий равишда қабул қилса, у шунчалик мустаҳкам бўлади, демократизм қанчалик изчил бўлса... бу қоида шунчалик тезроқ ва кенгроқ амалга оширилади» (ТАТ, 23-том, 475—476-бетлар)

Икки тиллиликни ривожлантириш икки томонлама характерда бўлиши ва муайян иттифоқдош республикада яшовчи барча аҳолини қамраб олиши керак. Лекин бугунги кунда рус тилида сўзлашувчи аҳолининг республикага ўз номини берган халқнинг тилини ўрганишда оқсаётгани айниқса сезиларли бўляпти. 1979 йили, мисол учун, Ўзбекистонда яшайдиган русларнинг 5,8 проценти, яҳудийларнинг 4,8, украинларнинг 3,3, корейсларнинг 3,1, арманларнинг 2,7 проценти ўзбек тилида эркин сўзлаша олган. Ўзбек тилини ўрганишдаги бундай аҳволни шовинистик руҳдаги турли сабаблар билан изоҳлашга уринишлар, менимча, тўғри эмас. Жамоатчилик эътибори узоқ вақт бу масалага умуман жалб этилмади. Республика, область ва район газеталарида мутахассислар, раҳбарлар, журналистлар рус тилида таълим берувчи мактабларда ўзбек тилини ўрганиш проблемасига эътибор бермай келдилар. Бу проблема эса жуда катта социал аҳамиятга эга. Унинг муваффақиятли ҳал этилиши, мисол учун, қайта қуришга доир миллий-маданий проблемаларни ҳал қилиш борасида ўзбек халқини хаяжонлантираётган кўпгина масалаларни рус тилида сўзлашадиган аҳоли тушунмаслигига барҳам беришга ёрдам берган бўлур эди.

Болтикбўйидаги воқеалар турли тилларда сўзлашувчи кишилар айнан бир хил вазифаларни ҳал қилишга уринган бўлсаларда айни тил заминида кўпинча қарши курашиш шаклланишини кўрсатди. Литва ССРда авж олган қайта қуришга ёрдам бериш ҳаракати ҳаммага маълум. Йиғилиш ва митингларда умумий ва айрим шиорлар кўпинча бошқа тилларга таржима қилинмасдан литва тилида илгари сурилган. Литва тилини билмаганлиги учун литвалик бўлмаган бошқа халқларга мансуб аҳоли бу ҳаракатни соф миллатчилик ҳаракати деб қабул қилган. Шу муносабат билан «Известия» газетаси шундай деб ёзди (1988 йил 13 ноябрь): «Литванинг туб ерли бўлмаган аҳолиси ана шу кескин ўзгарган вазиятда ўзини қандай ҳис этиши кераклигини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Литва тилини ҳам, тарихини ҳам билмайдиган, «Совет Иттифоқи» ва «Россия» сўзларини синоним деб қабул қиладиган, биргина рус тили ёрдамида Қирғизистонда ҳам, ёқут тундрасида ҳам, Литвада ҳам бахузур яшаш мумкинлигига одатланган бундай кишиларга улар кунлардан бир куни чегара ортида уйғониб қолганларидек туюлиши мумкин».

Икки тиллиликни ривожлантириш проблемаси барча сўзлашувчилар томонидан унинг социал аҳамиятга моликлиги тўлиқ англаб етилгандагина ҳал қилиниши мумкин. Зўраки қарорлар билан бунда муваффақиятга эришиб бўлайди, — иттифоқдош ва автоном республикаларда рус тилини ўрганиш ҳолати бундан далолат беряпти. Тил сиёсатини одоб-андиша билан, ҳар бир совет кишисининг миллий қадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш керак. Биз баъзан СССР Конституциясининг 64-моддасидаги сўзларни унутиб қўямиз: «Бошқа гражданларнинг миллий қадр-қимматини ҳурматлаш, кўп миллатли совет давлати

миллатларининг ва элатларининг дўстлигини мустаҳкамлаш — ҳар бир СССР гражданининг бурчидир».

Миллатлараро мулоқот маданияти миллий тилларга, ҳар бир сўзлашувчига меҳрибонлик қилишни талаб этади. Бундай маданиятнинг етишмаслиги кўпинча шахслараро муносабатларнинг кескинлашувига олиб келади. Мисол тариқасида йиғилиш, кенгаш, конференцияларда ошкора чиқишларнинг шаклланган практикасини келтириш мумкин. Ана шу жамоат анжуманларида ҳамма нарса айтилган гаплар тингловчилар томонидан тушунилишига қаратилиши керак. Агар йиғилишда олдиндан қайси тилда иш олиб бориш белгиланмаган бўлса, ҳар бир нотиқ она тилида сўзлаш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин она тилида сўзловчи нотиқ залда уни ҳамма ҳам тушуна олмаслигини билган тақдирда ўз олдига қўйган мақсадини ҳаммага етказа оладими? Пухта билмаган ҳолларда ҳам кўп нотиқлар миллатлараро алоқа тилида сўзлашга интилиши ажабланарли эмас. Улар бунда ўз нутқларига эътиборлироқ қулоқ солинишини биладилар, чунки бу тилни кўпчилик билади. Лекин нотиқ ўз фикрини рус тилида керакли формада ифодалай олмаса, буни она тилида изҳор этмоғи лозим. Йиғилиш ташкилотчилари нутқнинг миллатлараро алоқа тилидаги синхрон таржимасинигина таъминлашлари ёки унинг моҳиятини қисқагина қилиб баён этиб боришлари керак бўлади. Лекин бу нарса кўпинча қилинмайди. Йиғилишда қатнашган ва нотиқнинг улар учун нотаниш тилдаги чиқишининг мазмунини тушунмаган кишилар бу нутқдан қониқмаганликларини изҳор этган, нотиқнинг ўзи ҳам ўз сўзларининг таъсирсизлигини ҳис этган ҳоллар ҳам оз эмас.

Биз мураккаб даврда яшаяпмиз. Лекин миллатлараро муносабатларнинг мураккаблигига қарамай, миллий маданиятларнинг потенциал имкониятларини очиб беришга ва маданиятни интернационаллаштиришга, миллий тилларни ривожлантиришга ва миллатлараро алоқа тили сифатида рус тилининг функцияларини кенгайтиришга қаратилган ечимларни сабот билан излаш лозим. Бошқа халқларнинг миллий қадр-қимматини ҳурмат қила оладиган шахсни шакллантириш орқалигина буни рўёбга чиқариш мумкин.

Ж. ТУЛЕНОВ

ИЖОДИЙ МАРКСИЗМ НАМУНАСИ

В. И. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм» китоби нашр этилганлигининг 80 йиллигига

В. И. Лениннинг философик меросида «Материализм ва эмпириокритицизм. Бир реакцион философия тўғрисида танқидий мулоҳазалар» асари алоҳида ўринни ишғол этади. Унда ижтимоий практика эҳтиёжлари ва фаннинг ривожланиши илгари сурган мураккаб методологик проблемаларга жавоб берилган. В. И. Ленин эмпириокритицизм философиясини ҳар томонлама ва чуқур танқид қилиб, бу асарда табииётнинг энг янги ютуқларини материалистик умумлаштирган ҳолда диалектик ва тарихий материализмни ҳимоя қилди ҳамда янада ривожлантирди, ишчилар синфини ва унинг сиёсий авангардини билиш ва воқеликни революцион тарзда ўзгартириш методологияси билан қуроллантирди.

* * *

Маълумки, 1905—1907 йиллардаги биринчи Россия революцияси мағлубиятга учраганидан сўнг синфий курашнинг барча жабҳаларида реакцион кучларнинг ҳужуми кучайди. Идеология жабҳасида айниқса ўткир синфий жанглар авж олиб кетди. Философия соҳасида марксизмни «танқид» қилишга, ревизия қилишга бўлган уринишлар кучайди, «илмий» далиллар билан ниқобланган хилма-хил диний оқимлар пайдо бўлди. Марксизмни танқид қилиш расм бўлиб қолди.

Либерал буржуазия ўзидан халқ бахт-саодати жонбозлари ниқобини улоқтириб, очиқдан-очиқ чоризм томонига ўтиб олди. Унинг 1909 йили «Вехи» («Боскичлар») тўпламини чиқарган энг атоқли адиблари бу китобда «ҳозирча бизни (либерал буржуазияни — **Ж. Т.**) ўз найзалари ва қамоқхоналари ёрдамида халқ ғазабидан ҳимоя қилаётган ана шу ҳокимиятга шукрона айтиш» лозим деб баён қилдилар. «Вехи»чилар XIX асрда яшаган революцион демократларнинг материалистик ва атеистик анъаналарини бутунлай унутган ҳолда ўз тўпламлари саҳифаларида материализмга, илм-фанга қарши юришни авж олдирдилар, идеализм, мистика, динни тарғиб қилдилар. Улар реал ижтимоий ҳаётни қўйиб, охират орзулари, хомхаёллар соҳаси сари юз тутишга зўр бериб даъват эта бошладилар, бу билан меҳнаткашлар эътиборини социал зулмнинг ҳақиқий сабабларидан четга тортдилар.

Буржуа идеологларининг марксизмга қарши қаратилган ана шу юришига рус ревизионистлари, аввало меньшевиклар, ва яна шу нарса айниқса хавфли эдики, баъзи бир социал-демократлар қўшилдилар. Улар орасида Богданов, Базаров, Луначарский (учаласи 1906 йили большевикларга қўшилган), Юшкевич, Валентинов (иккаласи меньшевик) каби адиблар бор эди. Улар «марксизмнинг асосий позицияларини ҳимоя қилиш» байроғи остида марксизмнинг философик-назарий ва илмий-тарихий негизлари танқидини ниқобланган суратда авж олдириб юбордилар. «Марксизм ҳимоячилари» қанчалик активроқ ҳаракат қилсалар, бундай танқид партия учун шунчалик хавфлироқ бўлиб борди, чунки у реакциянинг партияга қарши, революцияга қарши умумий ҳужуми билан борган сари яқинроқ туташа борди.

ТУЛЕНОВ Жандар, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти диалектик ва тарихий материализм кафедрасининг мудири.

Богданов тарафдорлари, мисол учун, гўё марксизмнинг бир қатор қоидалари «эскирди» ва «табиий фанларнинг маълумотларига зид келади», марксизм эса «бир ёқлама» бўлиб қолмоқда, шунинг учун уни фаннинг энг янги маълумотлари билан тўлдириш лозим, деб уқтирдилар. Ана шу мақсадда улар субъектив-идеалистик қарашларни тарғиб қилувчи Мах, Авенариус, Пирсон, Оствальд ва бошқа буржуа олимларининг кўп сонли философик китобларини рус тилига таржима қилиш ва қайта нашр этиш соҳасидаги ишни кучайтириб юбордилар. Шу билан бирга уларнинг ўзлари ярим йилдан камроқ вақт ичида мазмуни асосан диалектик материализм танқидидан иборат бўлган тўртта китоб ёздилар. Бу ҳол, аслини олганда, марксизмни ревизия қилиш, марксизмни махизм билан алмаштиришга уриниш эди.

Бу даврда марксистлар олдида пролетар партиясининг назарий негизларини сақлаб қолишдек долзарб вазифа кўндаланг бўлиб қолган эди. Плеханов ва унинг ўзларини «марксизмнинг таниқли назариётчилари» деб ҳисоблайдиган меньшевик дўстлари ушбу вазифани бажаришни ўз зиммаларига оладилар деб фараз қилиш мумкин эди. Лекин улар фельетоннамо танқид характеридаги бир жуфт аҳамияти кам мақолалар ёзиш билан кифояланишни афзал кўрдилар.

Бу вазифани В. И. Ленин 1909 йил май ойида нашр этилган «Материализм ва эмпириокритицизм» китоби билан бажарди.

Тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати масаласи, ёки, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, нима нарса нимадан: руҳ табиатдан ёки табиат руҳдан олдин бўлганлиги хусусидаги масала, маълумки, ҳар қандай философиянинг асосий масаласидир. Ҳеч қандай философик таълимот бу масалани четлаб ўта олмайди, чунки философиянинг бошқа барча масалаларининг ҳал қилиниши пировард натижада унинг ҳал қилинишига боғлиқ.

Мах, мисол учун, «нарсалар ёки жисмлар сезгилар комплексидир», «олам фақат сезгилардан иборат», деб ҳисоблаган эди. «Сезги, — деб ёзган эди Мах «Механика» деган асарида (1883 йил), — «нарсаларнинг рамзлари» эмас. Тўғрироғи, «нарса нисбатан барқарорликка эга бўлган сезгилар комплекси учун хаёлий рамздир. Нарсалар (жисмлар) эмас, балки ранглар, товушлар, босимлар, маконлар; вақтлар (биз одатда сезгилар деб атайдиган нарсалар) оламнинг ҳақиқий элементларидир». Бу фикрлардан кўриниб турибдики, Мах сезгиларимизни бирламчи деб олиб, нарсалар, жисмларни унинг ҳосилалари деб ҳисоблаган. Шунингдек, XVIII аср бошларида яшаган англиялик епископ Д. Беркли материя, табиатнинг объектив мавжудлигини инкор этиб, онг бирламчи, борлиқ, табиат, моддий дунё эса онг фаолиятининг маҳсули, улар фикр ва сезгиларимизнинг комбинацияларидан бошқа нарса эмас, деб даъво қилганлиги маълум.

Мах билан Берклининг мулоҳазалари икки томчи сувдек бир-бирига жуда ўхшайди. Униси ҳам, буниси ҳам сезгиларимизнинг бирламчилигидан, онгнинг бирламчилигидан келиб чиқадилар. Фарқ фақат шундаки, Беркли ўзининг идеалистик қарашларини очиқ-ойдин тарғиб қилган, Мах эса айни шундай нуқтаи назарни «дунё элементлари», «фикрни тежаш», «сезгилар комплекслари» ва ҳоказо сингари илмий терминлар билан пардалаб турган ҳолда ўтказган.

Махизмнинг бошқа бир вакили бўлмиш Авенариус ҳам «мавжуд нарса сезгига эга бўлган субстанциядир; субстанция йўқолади... сезги қолади: шунинг учун бор нарсани сезги деб ўйламоқ керак, бунинг негизида сезгидан бўлак бошқа ҳеч бир нарса йўқдир» деб даъво қилган эди. Кейинроқ Авенариус субъект билан объектнинг мустаҳкам алоқаси хусусидаги, марказий аъзо (онг) билан муқобил аъзо (ташқи дунё)нинг «принципиал координацияси» хусусидаги «назария»ни олға сурган. Ушбу назарияга кўра субъектсиз объект мавжуд эмас. Онг мавжуд бўлгани учунгина ташқи дунё мавжуд. Агар шундай экан, демак, онг бирламчи, табиат, борлиқ эса иккиламчидир.

В. И. Ленин эмпириокритикларнинг сафсаталарини фош этаркан, улар олдига содда, лекин эътирозга ўрин қолдирмайдиган саволлар қўйди: инсондан бурун табиат бўлганми? Инсон мия ёрдами билан фикрлайдими? Табиийётнинг маълумотлари ерда инсон ҳам, умуман ҳеч қандай жонли мавжудотлар ҳам бўлмаган пайтда ҳам у мавжуд бўлганлигини кўрсатяпти. Органик материя кейинроқ юз берган ҳодисадир, узоқ давом этган тараққиёт самарасидир.

Авенариус табииёт маълумотлари билан ҳисоблашмай туриб, гўё ерда ҳеч қандай ҳаёт бўлмаган пайтда ҳам биз уни албатта «онг билан мустаҳкам алоқада», унга ўзимизни фикран ҳозирлаб ёки «марказий аъзо»ни, яъни потенциал мавжуд бўлган онгни тақдим этган ҳолда фикрлашимиз керак, деб даъво этган. Бу назариянинг сафсаталиги равшан. Агар ўзимизни фикран потенциал мавжуд деб фикрлаганимизда ҳам, бундан ҳозирлигимиз ҳақиқатга айланиб қолмайди. В. И. Ленин: ҳақиқатда, инсон, масалан, ернинг чўғ ҳолатини томоша қилувчи бўла олмас эди, шунинг учун инсоннинг ўшанда ҳозир бўлишини «фикрга келтириш» обскурантизмдир, деб таъкидлайди.

Махистлар инсон мия ёрдами билан фикрлайдими, деган иккинчи саволга ҳам тўғри жавоб бера олмаган эдилар. Авенариус фикр миянинг функцияси эмас деб ҳисоблаган.

В. И. Ленин Авенариуснинг ушбу назарияси моҳиятини характерларкан, шундай деб ёзади: «Интроекция тўғрисидаги таълимот идеалистик сафсатани тарғиб қиладиган ва табиийётга зид келадиган чалкашликдир, чунки табиийёт, фикр миянинг функциясидир, сезгилар, *яъни ташқи оламнинг* образлари *бизда* мавжуд бўлиб, улар нарсаларнинг сезги органларимизга таъсири натижасида юзага келади, деган асосда қаттиқ туриб олган. «Руҳ билан жисм дуализмини» материалистик йўсинда бартараф қилиш (яъни материалистик монизм) шундан иборатки, руҳ жисмга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд эмас, руҳ иккиламчидир, миянинг функциясидир, ташқи оламнинг инъикосидир» (Тўла асарлар тўплами, 18-том, 97-бет, бундан кейин ушбу томга ҳавола қилинганда унинг саҳифаларигина кўрсатилади). В. И. Ленин тафаккурнинг борлиққа, руҳнинг табиатга муносабати хусусида сўз юритилган ҳамма жойда махистлар ўзларини субъектив идеалистлар тарзида, Беркли, Фихтенинг олимона сўзлар билан ўзини хаспўшловчи издошлари тарзида тутишларини кўрсатади.

Богданов, Базаров, Юшкевич, Валентинов ва бошқалар буржуа олимларининг бундай усулларини фандаги новаторлик, материализм билан идеализм «бир ёкламалиги»ни дадил бартараф этиш, деб кўрсата бошладилар. Богданов, масалан, эмпириокритиклар изидан бориб, ўзининг «эмпириомонизм» философияси билан чиқдики, бунда сезгилар бирламчилигидан келиб чиққан, ундан психик тажрибага, психик тажрибадан физик тажрибага ва унинг орқали билишга ўтади.

В. И. Ленин бу субъектив-идеалистик концепцияни фош этаркан, шундай деб таъкидлайди: инсонсиз сезгилар (инсон сезгилари) бўлмайди. Демак, биринчи поғона ўлик идеалистик абстракциядир. Биринчи поғона чиппакка чиқди. Иккинчи поғона ҳам чиппакка чиқади, чунки физик нарсадан бурунги психик нарсани (Богданов иккинчи поғонани учинчи поғонадан аввал қўйган) ҳеч бир киши билмайди, бундай нарсани табиийёт ҳам билмайди. Физик олам органик материя олий формаларининг олий маҳсули бўлмиш психик нарса пайдо бўлмасдан илгари мавжуд бўлган. Шундай қилиб, Богдановнинг иккинчи поғонаси ҳам ўлик абстракциядир, миясиз фикрдир, инсондан ажратилган инсон ақлидир.

Бу дастлабки икки босқични тамом чиппакка чиққан ҳисобласак, у ҳолда ва фақат у ҳолдагина биз табиийётга ва материализмга ҳақиқатан мувофиқ бўлган оламни тасаввур қиламиз. Яъни: 1) физик олам инсон онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир ва инсондан анча илгари, «кишилар тажрибасининг» ҳар қандайидан илгари мавжуд бўлиб келган; 2) психик нарса, онг ва шу кабилар материянинг (яъни физик нарсанинг) олий маҳсулидир, инсон мияси деб аталадиган жуда мураккаб материя парчасининг функциясидир (267-бетга қаралсин).

В. И. Ленин онгга нисбатан материянинг бирламчилигини кўрсатаркан, материя, борлиқ ва онгнинг, тафаккурнинг мутлақ қарама-қаршилиги «асосий гносеологик масала» доирасида чекланганлигини, «бу доирадан ташқарида мазкур қарама-қаршиликнинг нисбийлиги шубҳасиз» (168-бет) эканлигини таъкидлаган. Бу жуда жиддий мулоҳазадир. Гап шундаки, юксак даражада ташкил топган материя — инсон миясининг хусусияти бўлган онг нафақат дунёни акс эттиради, балки уни яратади ҳам. Онгнинг активлиги, унинг нисбий мустақиллиги ана шунда намоён бўлади.

Махистлар билан Берклининг материя хусусидаги қарашлари ўзаро чамбарчас алоқадорлигини фош этиб, В. И. Ленин материя тушунчасига бўлган муносабат философияда масала: ёки материализм, ёки идеализм, — учинчиси мавжуд

эмас тарзидагина кўйилиши мумкинлиги фактини яна бир карра тасдиқлайди деб кўрсатди. Ёки сиз, деб таъкидлайди В. И. Ленин, ҳар қандай онгдан ташқарида ва ундан мустақил ҳолда мавжуд бўлган объектив реалликни инкор этасиз, унда сиз идеалист, солипсистсиз, ёхуд сиз барча сезгиларимиз, тасаввурларимиз ва ҳоказоларимиз манбаи сифатида шундай объектив реалликни эътироф этмоғингиз керакки, бунда унинг учун философик тушунча даркор бўлади — бу тушунча эса айни материянинг ўзидир.

В. И. Ленин материяга классик таъриф беради. «Материя объектив реалликни ифодалайдиган философик категория бўлиб, бу объектив реалликни инсон ўз сезгилари билан идрок қилади, бу объектив реаллик бизнинг сезгиларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир, бизнинг сезгиларимиз ундан копия олади, сурат олади ва уни акс эттиради» (146-бет). Бу таърифда барча предмет ва ҳодисалар учун муштарак бўлган хусусиятлар ифодаланган, яъни: 1) барча нарсалар, ҳодисалар объектив, яъни инсон онгидан мустақил ҳолда мавжуддир; 2) улар инсон онгидан мустақил мавжуд бўлгани ҳолда сезги аъзоларимизга таъсир қилади, бизда тегишли ҳис-туйғуларни уйғотади, билинади.

Материалистлар нафақат материя, борлиқ, балки сабабий алоқалар, нарсалар ўртасидаги муносабат, моддий дунё ривожланишининг қонуниятлари ҳам объектив, онгдан мустақил ҳолда мавжуд эканлигидан келиб чиқадилар, махистлар эса бутунлай идеализм позицияларида турадилар. Улар табиат ва жамиятдаги сабабият, зарурият, қонуниятнинг объектив характерини инкор этиб, уларни идрок этишнинг соф субъектив формаларига боғлайдилар. «Логик заруриятдан ташқари, қандайдир бошқача, мисол учун, физик зарурият мавжуд эмас», — деган эди Мах. «Биз бир ҳодиса бошқаси ортидан юз бераётганини кузатишгагина қодирмиз. Сабабият, табиий алоқа ва ҳоказо тушунчаларга келсак — буларни онгнинг ўзиёқ табиатга олиб киради», — деб давом эттирган уни Авенариус.

Богданов ўз устозларининг қарашларини такрорлаб, шундай деб ёзган: «қонунлар асло тажриба доирасига кирмайди, ... улар тажрибанинг ўзида бўлмасдан, уларни тажрибани уюштирувчи, тажрибани мунтазам бирликка уйғун равишда мослаштирувчи восита бўлган тафаккур яратади». «Қонунлар, — деб давом эттиради Богданов, — билиш абстракцияларидан иборат; психологик қонунларда психик хоссалар йўқ даражада бўлгани сингари, физик қонунларда ҳам физик хоссалар йўқ даражададир».

В. И. Ленин Богданов ҳамда унинг ҳамфикрлари изҳор этган бошқа, ана шундай очиқ-ойдин идеалистик фикрларни келтираркан, шундай деб ёзди: «Бу нотўғри. Билиш умумий формалар «яратиб бериши», дастлабки бетартиблик ўрнига тартиб жорий қилиши ва шу сингари ишларни қилиши мумкин, деган ғоя идеалистик философия ғоясидир. Олам — материянинг қонуний ҳаракати бўлиб, табиатнинг олий маҳсули бўлган билишимиз эса бу қонуниятни фақат *акс эттиради*, холос» (195-бет). Материянинг ҳамда унинг ривожланиши қонуниятларининг объектив характердалигини инкор этиш махистларни муқаррар равишда макон ва вақтнинг объектив характерини инкор қилишга олиб келган. Мах, мисол учун, шундай деб ёзади: «Макон ва вақт сезги қаторларининг тартибга солинган (ёки уйғунлаштирилган) системаларидир». Махнинг идеалистик йўлини Базаров давом эттиради: «Энгельснинг кўпгина айрим қарашлари, чунончи, унинг «соф» макон ва вақт ҳақидаги тасаввури энди эскириб қолди».

В. И. Ленин бундай даъволарнинг асоссизлигини фош қиларкан, макон ва вақт объектив характерда эканлигини таъкидлайди. Инсонда на макон ва на вақт мавжуд, балки инсон ўзининг сезгилари билан макон ва вақтда мавжуддир. Диний ақидалар вақт ва макондан ташқарида ўйлаб чиқарган ҳамда инсониятнинг нодонликда ва жаҳолатда қолдирилган оммаси хаёлоти билан қувватланаётган мавжудотлар эса зарарли фантазиядир, идеализм философиясининг найрангларидир, ярамас ижтимоий тузумнинг ярамас маҳсулидир.

В. И. Ленин шунингдек макон ва вақт хусусидаги табиий-илмий тасаввурларимиз ўзгариши, равшанланиб бориши мумкинлигини, лекин материя мавжудлигининг объектив формалари сифатида макон ва вақт ҳеч қачон йўқолмаслигини, материянинг ўзи сингари абадий мавжуд бўлишини ҳам кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам, А. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси инсоннинг макон-вақт хусусидаги тасаввурлари моддий объектларнинг ҳаракат тезлиги ва зичлигига бевосита боғлиқ бўлиши-

ни аниқлади. Шу муносабат билан классик физикадаги абсолют макон ва вақт билан бир қаторда фанда нисбий макон ва вақт тушунчаси пайдо бўлди. Ҳозир баъзи олимлар томонидан нисбий макон ва вақт тушунчаси, ўз навбатида янада конкретлаштиришга муҳтож деган фикр изҳор этилмоқда, чунки унинг ҳақидаги аввалги тасаввурлар квант вазиятларига мос бўлиб тушмаяпти.

Махистлар дунёни билиш мумкинлиги хусусидаги масалани ҳам тўғри ҳал қилишга қодир эмасликлари кўринди. Марксистик философия билан махизмнинг ушбу масаладаги тамомила қарама-қаршилигининг моҳияти қуйидагидан иборат: марксизм амалий тажрибадан келиб чиққан ҳолда сезгилар, тасаввурлар, тушунчалар ташқи дунёнинг образлари, копиялари, нусхалари, нарсаларнинг суратларидир, улар бизга адекват, яъни нарсаларнинг ўзига айнан тегишли тасаввур беради, деб уқтиради, махистлар эса, аксинча, инъикос ҳақида билишни ҳам истамайдилар, улар назарида сезгилар онг билан борлиқ ўртасидаги жарлик, ягона бор нарсадир.

Ижтимоий ҳаётнинг, кишилар практикасининг ўзи агностицизм ва махизмни қатъиян рад этмоқда. В. И. Ленин китобда кишилар фан ва практика ёрдамида қандай қилиб ҳақиқий, фактик билимларга эга бўлаётганлиги, табиат ва жамият қонунларини билиб олгач, улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётганлиги хусусида ўнлаб мисоллар келтиради. В. И. Ленин ҳис-туйғу, сезги аъзоларимиз ўз табиатига кўра бизга реал воқеликнинг аниқ инъикосини беришга қодир эканлигини ва буни бераётганини, дунёни билиш мумкинлиги: кеча билиб олинмаган нарсалар фан ва практиканинг ривожланиши туфайли бугунги кунда билиб олинаётганини кўрсатади.

В. И. Ленин «Материализм ва эмпириокритицизм» китобида объектив, абсолют ва нисбий ҳақиқат хусусидаги масалага катта ўрин ажратган. Махистлар инсон билимлари ўз табиатига кўра бизга объектив ҳақиқат беришга қодир эмас, деб кўрсатган эдилар. «Менингча, — деб даъво қилди Богданов, — марксизм ҳар қандай ҳақиқатнинг шубҳасиз объективлигини инкор қилишдан, ҳар қандай абадий ҳақиқатларни инкор қилишдан иборат».

В. И. Ленин махистнинг бу сўзларида икки масала аралаштириб юборилганини кўрсатади. Биринчидан: объектив ҳақиқат борми, яъни инсон тасаввурларида субъектга боғлиқ бўлмаган, инсонга ҳам, инсониятга ҳам боғлиқ бўлмаган мазмун бўлиши мумкинми? Ва иккинчидан: агар мумкин бўлса, у вақтда объектив ҳақиқатни ифода этадиган инсон тасаввурлари бу ҳақиқатни бирданига, тўла-тўкис, батамом, абсолют равишда ифода эта оладими, ёки тахминий, нисбий суратда ифода эта оладими? Иккинчи масала абсолют ҳақиқат билан нисбий ҳақиқат ўртасидаги нисбат масаласидир.

Объектив ҳақиқат борми, деган биринчи саволга жавоб берар экан, В. И. Ленин марксизм объектив ҳақиқат мавжудлигини тан олади, деб уқтиради. Бунда сезги ва тасаввурларимизда айрим кишига ҳам, умуман инсониятга ҳам боғлиқ бўлмаган мазмун тушунилади. Объектив ҳақиқатни билиш философик материализмнинг асосий негизини ташкил этади.

Махистлар объектив ҳақиқат мавжудлигини инкор этдилар. Масалан, Богданов ҳақиқат инсон тажрибасининг идеологик, ёки ташкил этувчи формасидир деб даъво қилди. Лекин, агар шундай бўлса, унда англаб етувчи субъектга боғлиқ бўлмаган объектив ҳақиқатнинг бўлиши мумкин эмас. Богдановнинг ушбу даъвоси реакцион даъводир, чунки у нафақат объектив ҳақиқатни инкор этишга, балки динчиликни оқлашга, фидеизмга ҳам олиб боради. Зеро, деб таъкидлайди В. И. Ленин, католиклар таълимоти ҳам инсон тажрибасини ташкил этувчи кучдир.

Солипсизм тўрларидан чиқиб олиш учун Богданов умум аҳамиятлилик «назарияси»ни ўйлаб топдики, нафақат биттагина инсон учун, балки бошқа инсонлар учун ҳам бир хил, муҳим аҳамиятга эга бўлган нарсаларнигина объектив деб аташ унинг моҳиятини ташкил этади. Объектив ҳақиқатнинг богдановча таърифига, шундай қилиб, диний таълимотлар баҳузур жойлашади, чунки улар ҳатто замонавий фанга қараганда ҳам катта даражада умум аҳамиятлидир: халқ оммасининг катта қисми эксплуататорлик тузуми шароитида ҳозир ҳам у ёки бу диний таълимотга амал қилмоқда. Шундай қилиб, Богдановнинг умум аҳамиятлилик «назария»си фидеизмга бемалол мос тушади.

В. И. Ленин махистларнинг ана шундай даъволарининг ҳақиқий мазмунини фош этаркан, объектив ҳақиқат борасидаги саволга махизм ва диалектик материализм берадиган муросага келмайдиган даражадаги қарама-қарши жавобларни улар философиясининг негизидан кидириш лозим деб кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, материализм нуқтаи назарида туриб, биздан ташқарида онгдан мустақил бўлган, онгда акс этадиган, нусха кўчирадиган, намоён бўладиган моддий дунё мавжуд деб ҳисоблайдиган бўлсак, бу ҳолда онгга боғлиқ бўлмаган, балки унга акс этадиган асл нусха томонидан тиқиштириладиган билишнинг объектив мазмунини эътироф этмаслик мумкин эмас. Агар, аксинча, онгдан мустақил бўлган ва унинг инъикоси бўлмиш моддий воқеликни инкор этсак, сезгилар, тасаввурлар, тушунчаларни эса, махистлар қилаётганидек, субъектив кечинмаларнинг комплекслари сифатидагина талқин қилсак, бундай ҳолда улар томонидан объектив ҳақиқат, билишнинг объектив мезони инкор этилиши ҳам муқаррардир.

В. И. Ленин ташқи дунёнинг инсон билимидаги инъикосини алоҳида тарихий жараён сифатида характерларкан, нисбий ва абсолют ҳақиқатларнинг ўзаро нисбатини мукаммал анализ қилиб берди. У инсоннинг тарихан ривожланувчи билими объектив ҳақиқатни очиб беришини кўрсатди. Лекин, объектив ҳақиқатни эътироф этиб, бу билан у ёки бу даражада абсолют ҳақиқатни эътироф этамиз, дейди Ленин.

Абсолют ҳақиқатнинг ўзи нима? У шундай бир ҳақиқатки, уни ҳозирги вақтда ҳам, келажакда ҳам рад этиб бўлмайди. Нисбий ҳақиқат эса абсолют ҳақиқатни билиш палласи ёки босқичидир. Алоҳида нарса умумий нарсага, қисм бутунга қандай муносабатда бўлса, у ҳам абсолют ҳақиқатга ана шундай тааллуқлидир. Инсон билими нисбий ҳақиқатдан абсолют ҳақиқатга қараб ҳаракат қилади ва ривожлана боради.

Инсон ўз билимида бутун воқеликни бирданига акс эттира олмайди. Борлиқ, материя, объектив дунё фақат қисмлар асосида, тахминан, нисбий тарзда билиб борилади.

Лекин бундан релятивистлар, хусусан, махистлар даъво қилганидек, барча билимларимиз нисбий, улар субъектив, уларда объектив мазмун йўқ деган хулоса чиқариш керак эмас. Ушбу билимлар абсолют ҳақиқатга яқинлашуви тарихан шартлилиги маъносида барча билимларимиз нисбийдир. Лекин ҳар қандай илмий ҳақиқатда, унинг нисбий эканлигига қарамай, абсолют ҳақиқат элементлари мавжуд бўлади, чунки улар суммасидан ривожланиш давомида абсолют ҳақиқат шаклланиб борадиган нисбий ҳақиқатлар ҳам инсониятдан мустақил ҳолда мавжуд абсолют табиатнинг нисбатан тўғри инъикосларидир. Шундай қилиб, диалектик материализм абсолют ва нисбий ҳақиқатларни қарама-қарши қўймайди, балки уларни чамбарчас алоқада, бирликда қараб чиқади.

В. И. Ленин абсолют ва нисбий ҳақиқатларнинг ўзаро нисбати масаласини батафсил қараб чиқиб, онгимиз бизни ўраб турган воқелик хусусида қанчалик тўғри тасаввур беришининг мезони практика эканлигини кўрсатади. Махистлар унинг ҳақиқатни билиш жараёнидаги ролини инкор этиб, ҳақиқийлик мезонини «фикрни тежаш принципи», тасаввурларнинг «умум аҳамиятлилиги», «умум қабул қилганлиги»дан қидирадилар.

«Фикрни тежаш» назариясига биноан объектив воқеликка мувофиқ келган нарсалар эмас, балки фикрлаш учун осон бўлган нарсалар ҳақиқат ҳисобланади. Фикрлар системаси сезгиларни тавсифлаш учун қанчалик қулай бўлса, уни билиш учун қанчалик оз куч сарфлаш керак бўлса, у шунчалик ҳақиқат бўлиб боради. Богданов учун, масалан, «умум қабул қилган», «умум аҳамиятли» нарсалар ҳақиқат ҳисобланади. У шундай деб уқтиради: «Ўз фикрларингни бошқа кишиларнинг фикрлари билан солиштир, бунда умум қабул қилган нуқтаи назарга мос тушган, умум аҳамиятли нарсалар бўлса, айни ўшалар ҳақиқатдир».

Идеализмга қарама-қарши ўлароқ диалектик материализм ҳақиқат мезони деб практикани ҳисоблайди. В. И. Ленин шундай деб ёзган эди: «Ҳаёт, практика нуқтаи назари билиш назариясининг биринчи ва асосий нуқтаи назари бўлмоғи керак. Бу нуқтаи назар профессорона схоластиканинг сон-саноқсиз уйдирмаларини улоқтириб ташлаб, муқаррар суратда материализмга олиб келади. Албатта, шунисини ҳам унутмаслик керакки, практика критерийси моҳият-эътибори билан ҳеч бир вақт инсоннинг қандай бўлмасин бирон тасаввурини *тўлиқ суратда* тасдиқ-

лаб ёки рад қилиб бера олмайди. Бу критерий ҳам инсон билимларининг «абсолют»га айланиб кетишига имкон бермайдиган даражада «номуайян» бўлиши билан бирга, идеализм ва агностицизмнинг барча турларига қарши шафқатсиз кураш олиб борарлик даражада муайяндир. Агар практикамиз тасдиқлаб берадиган нарса ягона, сўнгги, объектив ҳақиқат бўлса, у вақтда шунга биноан, бу ҳақиқатга борадиган ягона йўл материализм нуқтаи назарида турган илм-фан йўлидир, деб эътироф қилиш лозим бўлади» (162—163-бетлар). В. И. Лениннинг философик асарида буржуа табииёти кризисининг моҳияти ва илдизлари масаласига катта ўрин ажратилган. Умуман табииёт сингари, физика ҳам доимо стихияли тарзда материализм позицияларида бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Табииёт табиатнинг объектив мавжудлиги борасида ҳеч қандай шубҳага ўрин ҳам қолдирмаган ҳолда XVII—XIX асрлар давомида оламнинг етарлича бир бутун бўлган табиий-илмий манзарасини яратиб бердики, унга энергиянинг сақланиши ва бошқа нарсага айланиши қонуни негиз қилиб олинган эди. Химиявий элементлар атоми дунёни бино этишда ишлатилган дастлабки ғишт сифатида тасаввур қилинди. Физиклар ўртасида материя массага эга, у — моддадир деган қатъий ишонч ҳукмрон эди.

Лекин XIX аср охирига келиб физикадаги аҳвол кескин ўзгарди. Рентген нурлари (1895 йил), уран тузларининг радиоактивлиги (1896 йил), радий (1898 йил) кашф этилиши, шунингдек, атомнинг парчаланиши ва бутун бир қатор шунга ўхшаш кашфиётлар материя фақат муайян ҳолдагина масса, модда кўринишида намоён бўлишини кўрсатди. Янада чуқур тадқиқотлар у электромагнит нурланиш кўринишида ҳам намоён бўла олиши мумкинлигини кўрсатди. Лекин буни анализ қилишдаги ғоят катта муваффақиятлар физиклар томонидан гносеологик мушоҳада қилинмади. Физикларнинг кўплари саросимага тушиб қолишди. Электромагнит нурланишни буржуа физиклари «материянинг йўқолиши», қандайдир «нomaтериал» ва шу билан бир вақтда узлуксиз ҳаракатда бўлаётган нарса деб шарҳладилар.

Аслида табииётда, шу жумладан физикада ҳам, асосий материалистик тасаввурларнинг ҳеч қандай кризиси юз бермаган эди. Физикларнинг атом ҳақидаги, масса ҳақидаги, модда ва ҳаракат ҳақидаги эскирган метафизик тушунчаларигина инқирозга учраган эди. Физикадаги энг янги кашфиётлар материя ва ҳаракат ҳақидаги билимларимизни чуқурлаштирди, модда ва ҳаракатнинг янги, бунгача номаълум бўлган хоссаларини очиб берди.

В. И. Ленин материя философик тушунчасини кишиларнинг унинг тузилиши хусусидаги табиий-илмий тасаввурлари билан чалкаштирмаслик кераклигини уқтирди. Фан билан практика маълумотлари ривожланиши билан бу тасаввурлар ўзгариб, равшанлашиб боради. «Материя йўқ бўлаётир» деган гапнинг маъноси, — деб ёзади В. И. Ленин, — материянинг биз ҳозирга қадар билган чегараси йўқ бўлаётир ва бизнинг билимимиз чуқурлаша бораётир демакдир; материянинг илгари мутлақ ўзгармас, азалий бўлиб кўринган хоссалари (сингдирмаслик, инерция, масса ва шу кабилар) йўқ бўлмоқда ва энди бу хоссаларнинг материянинг фақат айрим ҳолларигина хос бўлган нисбий хоссалар эканлиги маълум бўлмоқда. Чунки материянинг философик материализм эътироф қиладиган ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган *бирдан-бир* «хоссаси» унинг *объектив реаллик бўлиш* онгимиздан ташқарида мавжуд бўлиш хоссасидир» (308—309-бетлар). В. И. Ленин материалистик диалектикадан келиб чиқиб, материянинг битмас-туганмаслиги — беноҳоялиги хусусидаги қоидани илгари сурди. «Атом сингари, электрон ҳам, — деб ёзди у, — *беноҳоядир,* табиат чексиздир...» (311-бет). Лениннинг ушбу теран фикрини табиётнинг кейинги ривожланиши тасдиқлади.

В. И. Ленин, Оствальд қилганидек, материяни ҳаракатдан ажратиб олишга бўлган уринишга ҳам зарба беради. Йирик химик, аммо майдакаш философ бўлган у, деб кўрсатади В. И. Ленин, табиатнинг барча ҳодисаларини энергиянинг ўзи билан боғлашга уринади. Унинг сўзларига қараганда, табиатнинг барча ташқи ҳодисаларини энергиялар ўртасидаги жараёнлар сифатида тасвирлаш мумкин. Ҳаракатни материядан ажратиш пировард натижада объектив дунёдаги барча нарсалар ва жараёнларнинг негизи сифатида материяни инкор этишга, яъни идеализмга олиб келади.

Идеализмга қарама-қарши ўлароқ диалектик материализм материя билан ҳа-

ракат бир-биридан ажралмасдир деб ҳисоблайди. Ҳаракат материясиз бўлмаганидек, материяни ҳам ҳаракатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Шу сабабдан, — деб таъкидлайди В. И. Ленин, — ҳаракатни материядан ажратиш — тафаккурни объектив реалликдан ажратиш билан, менинг сезгиларимни ташқи оламдан ажратиш билан, яъни идеализм томонига ўтиш билан баравардир» (317-бет).

В. И. Ленин физикадаги кризиснинг моҳияти ва сабабларини чуқур очиб ташлади, ундан чиқиш йўлларини кўрсатди. Ушбу масалаларга оид Ленин фикрлари ҳозирги фан учун ҳам муҳим методологик аҳамиятга эга.

«Материализм ва эмпириокритицизм» асарида махистлар социологиясини фош этишга катта ўрин ажратилган. Махистлар, хусусан, Блей, Петцольдт, турли терминологик найранглардан фойдаланиб, Маркс тарихий материализмининг асосларини идеологик социология билан алмаштиришга уриндилар. Улар Маркснинг тарихий назарияси гўё «метафизик», «нобиологик» назариядир, у «шахс»ни аҳамияти йўқ миқдор деб билади, бу назария партиявий назария, бинобарин, тарафкашлик назариясидир ва ҳоказо деб кўрсатадилар.

Ана шу айбловларнинг ҳақиқий мазмунини очиб беришга қодир бўлмаган рус махистлари, ўз навбатида, Маркснинг тарихий материализми бир ёқлама ҳамда тегишли тузатишларга муҳтож деб даъво қила бошладилар. Масалан, Богданов шундай дейди: «Тарихий монизмнинг эски формулировкаси асос эътибори билан тўғри бўлиб қолаверса-да энди бизни тўла-тўкис қаноатлантирмайди». Маркснинг тарихий материализмига «тузатиш» сифатида Богданов ижтимоий онг билан ижтимоий турмуш айнан бирдай нарсалиги, ижтимоий ҳаёт негизлари психикага, онгга боғлиқлиги хусусидаги негизни олға сурди.

В. И. Ленин Богдановнинг идеализмига тарихий материализмнинг ижтимоий онг ижтимоий турмушни *акс эттиради* деган ўзгармас қоидасини қарама-қарши қўйди. Инъикос акс эттирувчининг тахминан тўғри копияси бўлиши мумкин, лекин бунда уларни айнан бирдай нарсалар деб бўлмайди. Диалектик ва тарихий материализмнинг чамбарчас бирлиги марксизм философиясининг характерли хусусиятидир. Рус ва чет эллик ревизионистларнинг тарихий материализмни махизм билан бирга «қўшиш»га уринишлари, деб таъкидлади Ленин, нафақат Маркс иқтисодий, тарихий назариясининг философик негизларини инкор этишни, балки тарихий материализмнинг марксизм философияси системасидаги ҳақиқий роли ҳамда аҳамиятини тушунмасликни ҳам англатади.

Махистлар ўз таълимотларини «эмпириокритицизм» деб номлаб, уларнинг философияси материализм ва идеализм устида турадиган, шу сабабли ҳам у ўрталик философияси, ёки «нейтрал» философия эканлиги хусусидаги фикрни уқтиришга уриндилар. В. И. Ленин философиянинг «нейтраллиги» ва «партиясизлиги» ғояси марксизм билан ҳеч қандай муштаракликка эга бўлмаган соф буржуа, реакцион ғоя эканлигини кўрсатди. Сохта партиясизлик ғояси буржуа идеалистик философиясининг алоҳида партиявийлигини, муайян синфий йўналганлигини ниқоблайди, холос.

Китоб хотимасида В. И. Ленин махистларнинг философияси бошидан охиригача идеализмнинг ва агностицизмнинг эски хатоларини найрангли сўзлар ва макрҳийлалар билан пардалаб келаётган реакцион философия эканлигини таъкидлайди. Эмпириокритицизм гносеологик схоластикаси замирида философиядаги партиялар курашини, пировард натижада ҳозирги жамиятдаги бир-бирига душман бўлган синфларнинг тенденциялари ва идеологиясини ифодалайдиган курашни кўрмаслик мумкин эмас. Бундан икки минг йил аввалги философия сингари энг янги философия ҳам партиявийдир.

В. И. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм» асари ижодий марксизм асари бўлиб, ўзида марксистик философия ривожланишида янги, олий босқични ифода этди. Унда В. И. Ленин партиямизнинг назарий негизи бўлмиш диалектик ва тарихий материализмни жуда муваффақиятли тарзда ҳимоя қилди ва янада ривожлантирди.

В. И. Ленин асари олимларни табиийётдаги «физик», «физиологик» ва шунга ўхшаш идеализмга қарши қуроллантира, янги фактларни, материя хоссаларини назарий мушоҳада қилиш йўлида учрайдиган қийинчиликларни бартараф этиш учун табиатшуносларга йўл ва методларни кўрсата бориб, илғор фан учун ўзининг боқий аҳамиятини сақлаб келмоқда.

* * *

В. И. Лениннинг «Материализм ва эмпириокритицизм»да баён этилган философик ғоялари мамлакатимизда амалга оширилаётган қайта қуришнинг дунёқарашга доир негизини ташкил этади. Улар фан ва ижтимоий практикани табиат ҳамда жамиятнинг қонуниятларини уларнинг зиддиятли, диалектик ҳаракати ва ривожланишида чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга йўллаб, совет жамияти турмушининг ҳамма томонларини сифат жиҳатидан янгилашнинг энг муҳим методологик ориентирлари сифатида майдонга чиқяптилар.

Бугунги кунда ҳар бир совет кишисининг ҳозирги вазифалар характерини чуқур англаб етишини шакллантириш, фикрлашда ижодий услубни, ишга масъулият билан муносабатда бўлишни тарбиялаш, онг етуклигини оғишмай ошириб бориш, маънавий дунёни бойитиш айниқса муҳимдир. Ҳаракатчан, диалектик мослашувчан тафаккур ҳам илмий, ҳам амалий ходимлар учун ғоятда зарурдир, чунки унингсиз фанни тўғри ва жадаллик билан ривожлантириш, қолаверса, социал практикани англаш ва ўзгартириш мумкин эмас. «Ҳаммамиз эгаллашимиз керак бўлган янгича тафаккур, — деб таъкидлади М. С. Горбачев, бу — диалектик тафаккурдир».

Ҳаётимизни қайта қуриш, уни янгилаш давомида ғоялар, психологик йўлйўриқлар, тафаккур ва хулқ-атвор услубларининг ўткир, доим ҳам очиқ бўлмасада, лекин муросасиз кураши бораётганлигини ҳозирги практика кўрсатиб турибди. Эскилик жангсиз таслим бўлмайди, у хилма-хил схоластик ҳийла-найранглар воситасида ҳаёт динамикасига мослашишнинг янги формаларини излаб топмоқда. Айни шунинг учун КПСС бугунги кунда ғояларни илгари суришда дадиллик, ташаббускорлик зарурлигини алоҳида куч билан таъкидлаяпти, ҳақиқат «палласи» ҳақидаги, ҳақиқатни ҳаётда ва уни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда юзага келаётган проблемаларнинг ҳушёр ва самарали ечимларини топишга даъват этилган фанда қарор топтириш ҳақидаги масалани кескин қилиб қўйяпти. Ҳозирги ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини чуқур илмий таҳлил қилишни, унинг ривожланиш қонуниятларини очиб беришни, ана шу негизда меҳнаткаш омма манфаатларига жавоб берадиган амалий ҳаракат йўлини ишлаб чиқишни ўргатадиган марксча-ленинча философик методологияга суянган ҳолдагина буни амалга ошириш мумкин.

Н. КАРИМОВ

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИДАГИ ЁРҚИН ВА УЛУҒВОР СИЙМО

Ў ЗБЕК СОВЕТ адабиётининг пойдеворига асос солган XX аср ўзбек ёзувчиларининг шавкатли силсиласида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий алоҳида ўринни эгаллайди. У ғурур билан «Менинг революциям!» деб хитоб қилган Маяковский сингари, Улуғ Октябрь инқилобини шод-хуррамлик билан кутиб олди ва унинг куйчиси бўлди. Ҳамза, Уйғониш даврининг титанлари каби серқирра, истеъдод соҳиби эди. Инқилоб ундаги ана шу сеҳрли машъални ёқиб юборди. Санъат ва адабиётдаги муракқаб йўлини шоир сифатида бошлаган Ҳамза тез орада драматург, режиссёр, композитор, педагог сифатида ҳам танилди. Ҳамза ижодий фаолиятининг географияси эса бундан ҳам кенг — Қўқон ва Фарғона, Бухоро ва Самарқанд, Андижон ва Наманган, Хоразм ва Қорақалпоғистон, унинг қўшиғи узилган, халқ бахтсаодати йўлига бахшида умрининг сўнгги маскани — Шоҳимардон... Ҳамза ҳаётининг бу охирги, фожиёна кунида эндигина қирқ ёш тўлган эди. Тақдир унга ажратган муҳлат ачинарли даражада оз, аммо бу муҳлат Ҳамза номининг халқ хотирасида қолиши учун етарли бўлди.

Инсон омили — бу бугун пайдо бўлган ибора эмас. Ҳамма замонларда, айниқса жамият ҳаётининг бурилиш нуқталарида тарих йўлини ўзгартиришни ўзларининг бирдан-бир мақсадлари деб билган кишилар туғилиб, униб ва ўсиб келганлар. Ғайрат ва шижоат билан туташган ана шу истак ҳатто кўҳна тарих фонида ҳам сезиларли самаралар келтирган. Ҳамза ўз курашида яккаю ёлғиз эмас эди. Бугун биз ошкоралик туфайли ўзбек совет адабиётининг бешигини тебратган ёзувчилар номини айтиш имкониятига эгамиз. Бу — 1926 йилда Ҳамза билан бир пайтда эндигина таъсис этилган «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига мушарраф бўлган Муҳаммадшариф Сўфизода, атоқли маърифатпарвар шоир Абдулла Авлоний, ўзбек реалистик романининг асосчиси Абдулла Қодирий, қудраткор ёзувчи ва олим Фитрат, нозик лирик, ўзбек шеъриятининг қалби Чўлпон... Бу ажойиб адиблар «оркестри» Ҳамза овозини сўндириб қўймади. Аксинча, унинг ишчилар, янги дунё меъморларига қаратилган шеърлари бонг ўлароқ янграб, анъанавий Шарқ классикасидан тафовут этган, сифат эътибори билан янги ўзбек адабиётининг пайдо бўлганидан дарак берди.

Ҳой, ишчилар,
Эзилган меҳнатчилар!
Битсин золим бойлар!
Эркингни қўлдан берма,
Яша, хизматчилар!

1917 йилда ёзилган бу мисралар янги турмуш учун кураш ғоялари билан йўғрилган ўзбек шеъриятининг вужудга келганидан дарак берди. Нафақат Фарғона водийси, балки бутун Туркистон бўйлаб акс-садо янглиғ таралган чинакам инқилобий қўшиқда ҳамма нарса — оҳанг ҳам, қофия ҳам, ишчи образи ҳам янги эди.

КАРИМОВ Наим Фотихович, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти ўзбек совет адабиёти бўлимининг етакчи илмий ходими, филология фанлари кандидати.

Ўзбек шоирлари, хусусан Ҳамзанинг инқилобга қадар бўлган ижодида ҳам бундай ошкора революцион пафос билан суғорилган шеърлар йўқ эди. Шунинг учун ҳам Ойбек: «Улуғ Октябрь социалистик инқилоби шоирни янги турмуш тўлқинига олиб чиқди. Ҳамза инқилобни асрлар мобайнида қулликда яшаган халқининг гўзал ва порлоқ тарихининг дебочаси сифатида қаршилади. Ватанпарвар шоир Октябрни ўт-олов ва инқилобий руҳга тўла янги қўшиқлар билан кутиб олди. Бу қўшиқлар — ўша улуғ кунлар бўрони билан нафас олган ўзбек совет шеъриятининг дастлабки асарларидир», деганида ҳақ эди (О й б е к. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. XIX жилд. Тошкент, 1982, 262-бет).

«Ўша улуғ кунлар бўрони»дан илҳом олган Ҳамза «Ҳой, ишчилар!», «Биз ишчибиз», «Уйғон»!», «Ҳой, ҳой, отамиз!», «Ишчи бобо», «Берма эркингни қўлдан» сингари озодлик курашининг юксак гражданлик патетикаси билан суғорилган шеърлар яратди. Шундай қилиб, ўзбек адабиётига Октябрь бўронлари бонгини ва Блокнинг «Инқилобий ташланг одим!» деган шиорини биринчи бўлиб олиб кирган Ҳамза туфайли инқилобий шеърият шаклланди. Шоирнинг сўнмас хизмати, инқилоб, халқ ва Ватан ишига бағишланган истеъдодининг кучи худди шундадир.

Аммо Ҳамзани фақат Октябрь куйчиси сифатида тақдим этиш унинг қиёфасини чала ва эҳтимол нотўғри тасаввур этиш хавфини туғдиради. Афсуски, ўзбек адабиётшунослигида бундай уринишлар оз эмас. Оқибатда мазкур таъриф ва тасвир билан ҳамоҳанг бўлмаган шоир асарлари ҳамзашунослар эътиборидан четда қолиб келди. Бундай асарлар нашри Ҳамза ҳақидаги расмий тасаввурларга шикаст етказиши мумкинлиги сабабли унинг бой адабий меросининг аксар қисми қарийб эллик йил мобайнида эълон қилинмай келди. Жамиятимиздаги турғунлик даври ҳамзашуносликни ҳам четлаб ўтмади.

Кенг истеъмолда юрган ғайритарихий маълумотга кўра, ўзбек халқи инқилобга қадар ёппасига саводсиз бўлган. Айрим сиёсатдон шоввозлар Октябрь инқилобининг ўзбек халқи тарихий тақдиридаги улуғвор аҳамиятини ана шу йўл билан ҳам оширмоқчи бўлдилар. Аммо ҳанузга қадар баъзи бир маърузаларда келтирилаётган ерли аҳолининг саводхонлигини кўрсатувчи процент аслида 1913 йилда рус-тузем мактабларида таҳсил кўрган аҳолининг кичик бир заррасинигина ўз ичига олади. Эски мактабларда ўқиб, араб ва форс тилларини мукаммал билган, китоб ўқиган, ёзган ва кўчирган (хаттот деб аталган олижаноб касб эгалари ҳам бўлган) кишилар эса статистика берган маълумотлардан кўра кўпроқ бўлган. Бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Қадимий ва бой маданиятни яратган халқнинг ўз тараққиётида тўхтаб қолиши мумкин эмас-ку, ахир!

Ҳамзанинг отаси Ибн Ямин Ниёз ўғли машҳур табиб эди. Форс ва араб тилларининг билимдони бўлган ота Шарқ тиббиётининг Ибн Сино сингари даҳоларига мансуб китоблардан хабардор бўлибгина қолмай, ўзбек ва форс-тожик адабиёти намуналаридан ҳам баҳраманд эди. Дастлабки маълумотини отаси ёрдамида олган ва ўзи эътироф этганидек, «том саводли бўлган» Ҳамза мадрасада ўқишни давом эттирди. Шу йилларда унда музика ва шеъриятга ҳам ихлос пайдо бўлди.

Ҳамзанинг ўзи дастлабки шеърлари 1899—1900 йилларга оидлигидан гувоҳлик берсада, бу асарларни топиш имкони бўлмади. Фақат 1948 йилга келибгина шоирнинг 1906—1914 йилларда ёзилган ғазаллари, маснавийлари, мураббалари, мухаммаслари ва мусаддасларидан ташкил топган қўлёзма «Девон»и қўлга киритилди. Бу «Девон»ни ташкил этган шеърларнинг сўнгги байтида «яширин», «пинҳон», «сирли» маъноларини англатувчи Ниҳоний тахаллуси учрайди. Шубҳасиз, ёш шоир бир неча йиллардан кейин бутун ўзбек халқи куйлаяжак шеърларнинг, янги ўзбек адабиётининг пайдо бўлганидан хабар берган шеърларнинг маълум ва машҳур муаллифи бўлишлигини ўша пайтда тасаввур ҳам эта билмаган.

Аммо ҳозирча, «Девон»га қараганда, Ҳамза ўз ижодини буюк ўзбек классикларининг халафи сифатида бошлаб, уларнинг поэтик анъаналарини давом эттирди. Унинг ғазалларини ўқир экансиз, ўзбек шеъриятининг тароватини сезмаслигингиз мумкин эмас: ўша романтик руҳ, ёш қалбдаги ўша ишқ ва муҳаббат мавжлари, шеърнинг ўша мафтункор музикаси:

Мани Мажнун қилиб ул нозанинни чашми Лайлоси,
Латофат авжида маҳваш этиб оламни шайдоси...
На мумкин изламоқ сизга ани куйин топарман, деб
Ниҳонийга эрур ул мартаба ёрни таманноси.

Шарқ боғ-роғларининг хушбўй нафаси ва ошиқ қалбнинг таманноси билан тўла шеъриятнинг бу жўшқин жилғаси қаердан, қайси тоғ этакларидан оқиб келаётганини билиш қийин эмас. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шеъриятдаги фожиавий даражада қисқа, аммо ёрқин йўли шундай шаклланди.

Классиклардан ўқиш ва ўрганиш — ўзига хос, мароқли жараён. Ҳамза, юзлаб қаламкаш ҳамкасблари сингари, очиқдан-очиқ тақлид ҳам қилди ва бунга Шарқ шеъриятида ижозат берилади. Унинг баъзи бир ғазалларида у тақлид қилган, уни шеъриятга етаклаган, унга мураббий бўлган классикнинг асарларидаги музикани, поэтик образни, тасвир ускуналарини, баъзан эса ҳатто қофияларни ҳам топиш мушкул эмас. Қушлар учишга ўрганганидек, Ҳамза ҳам бўлажак парвозга шундай ҳозирлик кўрди.

Аммо давр — сир эмас, — ўзгариб туради.

1914 йил — «Девон»нинг китобат этилган санаси — ўн тўққизинчи асрдан кўра, 1917 йилга яқинроқ эди. Ҳамза замоннинг ўтиш маромини сезди. У фақатгина ошиқ ва маъшуқалар дарди билан яшаган шоирлар даври ўтаётганини тушунди. Бўсағада биринчи жаҳон уруши турарди. Феодал ва мустамлака зулми исканжасида эзилган она халқнинг аҳволига чидаш мумкин эмасди. Қамбағаллик, нормал ҳаёт тебратиш учун оддий шарт-шароитларнинг ҳам йўқлиги сабаб халқнинг сабр косаси тўлган эди. Ана шундай тарихий шароитда Ҳамза шундай шоирлик йўлини топишга аҳд қилдики, бу йўл уни эзгу мақсад сари — халққа наф келтириш, унинг қисматини енгиллаштириш, уни уйғотиш сари олиб келиши лозим эди.

Ҳамза 1910 йилда Тошкентда қисқа бир муддат яшар экан, Қашқар дарвоза маҳалласида янги усулдаги мактабни очади. Орадан бир йил ўтгач, шундай мактаб Қўқонда ҳам ташкил этилади. Ҳамза томонидан ташкил этилган мактаблар сони йилдан-йилга ошиб боради. У 1914—1915 йилларда педагоглик ва маърифатпарварлик фаолиятида муайян тажриба орттиргач, «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» сингари ўқув қўлланмаларини яратади ҳамда бу китобларда болаларга бағишланган дидактик шеърлари ва масалларни эълон қилади. Бу асарларнинг асосий руҳи китобни, мактабни, билимни тарғиб қилишдир. Шоир, жумладан, бундай ёзади:

Ҳама гулшан уза ёмғур ёғуб чун сабзавор этса,
Тараққий гулшани обод ўлур анҳор мактабдан...
Ҳама илму маориф ганжини деворидир мактаб,
Ҳама ҳикмат чиқар бу маҳзани асрор мактабдан.

Бу сатрларда шоир мактабга қасида ўқиб, ёшларни илм олишга чорлайди. Бундай демократик кайфият, маърифатнинг бундай тарғиботи ўзбек классик шеъриятида учрамаган эди.

Юқорида зикр этилган «Девон» саҳифаларидаёқ халқ қисматидан ташвиш чеккан, аммо унинг ҳаётини қандай ўзгартириш йўлларини билмаган шоир сиймоси гавдаланган эди. 1914 йилда Ҳамза маърифатпарвар жадидлар ҳаракати таъсирида халқ илм-урфондан узоқ экан, социал қабоҳат яшайверади; у савод чиқариб, илм-фан ва маданиятни эгаллаган тақдирдагина унинг онги ўсиб, фаровонликка эришади, деган хулосага келади. Жадидизмнинг бу ғоялари Ҳамзанинг Октябрга қадар бўлган ижодида ўзининг яққол ифодасини топади.

Ҳамза 1915 йилда дастлабки йирик насрий асари — «Янги саодат» қиссаси ва «Заҳарли ҳаёт» пьесасини яратди. Бу ҳар иккала асар асосида икки ёшнинг — Маҳмуджон ва Марямхоннинг тақдири ётади. Улар муҳаббати билан боғлиқ воқеалар бу ҳар иккала асарда бир йўналишда ривожланиб боради. Аммо қизнинг ўлими пьеса хотимасида ўзгача жарангга эга. Ҳамза ўз қаҳрамонлари ҳаётини заҳарловчи зулм салтанатини дадил фош этди. Ҳамза бу асарларда халқни нажот ва бахт-саодат соҳилига олиб чиқиши мумкин бўлган йўлни ахтарди.

Ҳамза ижодида «Оқ гул», «Қизил гул», «Яшил гул», «Сариқ гул», «Пушти гул» (1916), «Сафсар гул» (1917), «Атир гул» (1919) шеърий мажмуалари муҳим аҳамиятга молик. Бу туркумнинг қалдирғочи бўлган «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» (1915)да шоир «миллий табаррук ашулаларимизнинг ўрни йўқолмасун учун баъзи қабиҳ шеърлар ўрнига миллий шеърлар тартиб бериб, ҳамма оҳанг ва куйларимизни топуб, бир неча бўлимна нашр этмак нияти-

да» эканлигини ёзган. Дарҳақиқат, Ҳамза XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё музофотида кенг тарқалган ўттиздан зиёд ўзбек, уйғур, озарбайжон, татар, рус қўшиқларини тўплаб, улар оҳангида янги шеърлар ёзди. Бироқ улар шунчаки анъанавий «қўшиқбоп» мазмунга эга бўлиб қолмай, ўзбек халқининг қалби ва онгига ларза солишга қодир бўлган кучни жамлаган ҳам эди. Ҳамзанинг ўзбек ва бошқа халқлар музикавий фольклори намуналарини йўқолиб кетишдан сақлаб қолганлигининг ўзи ажойиб фактдир. Биз бугун Ҳамза туфайли боболаримиз икки аср оралиғида қандай қўшиқларни куйлаганлари ва қандай маданий савияга эга бўлганларини биламиз. Аммо биз учун шу нарса яна ҳам муҳим ва қимматлики, у навқирон шоирлик кезларида ўзбек халқ қўшиқларини ислоҳ қилиб, уларга бой ижтимоий мундарижа олиб кириш ҳамда ватандошларининг ақл-идроклари ва қалбларига таъсир кўрсатишга эришди. Масалан, қадимги ашула оҳангида ёзилган қуйидаги шеърда шоир Туркистон халқининг фожиавий аҳволини тасвир этиб, ёзди:

Маърифатдан ҳар миллат солди турфа гулистон,
Жаҳолатдан қутқазуб қилди донишин бўстон,
Илм ўлгач мусаххар олам ўлди сайристон,
Маърифатсиз Туркистон қолди бўлуб жаҳлистон!
Зулмат тоши ёғилса-да, кўзи очулмаз,
Руҳсиз тандур, ханжар урса, қони сочулмаз.

Сўнгги икки сатр бутун шеър давомида нақорат ўлароқ такрорланиб, ўқувчининг юрак-бағрини титратиб юборади. Ҳамза бу шеърда реал ҳаётдан олис бўлган Шарқ классик шеъриятининг асосий нуқсонини бартараф этиб, реалистик шеъриятнинг виқорли чўққилари сари кўтарилади. Унинг сўзи ижтимоий онгга таъсир кўрсата олувчи қудрат касб этади. Айни шу йилларда Ҳамза ижодида улкан ўзгариш юз бериб, бу уни ўзбек совет адабиётининг асосчилари сафига олиб кирди.

Аммо Ҳамзанинг шоир сифатида босиб ўтган йўлини гуллар билан бурканган, деб бўлмайди. У табиатан таъсирчан, ёш бўлгани учун мамлакатда, айниқса 1914—1916 йилларда рўй берган воқеалар моҳиятини ҳар доим ҳам ўз вақтида тушуниб ета билмади. Агар у «Оқ гул» тўпламига «Подшо ҳазратларини дуо» деб номланган шеърини киритишни жойиз деб билган бўлса, «Сариқ гул» тўпламининг дебоча шеърида император Николай II, Муваққат ҳукуматнинг бўлажак премьер-министри А. Ф. Керенский, Туркистоннинг генерал-губернатори А. Н. Куропаткинни шарафловчи сатрлар бўлган. Маҳаллий аҳолини Марказий Россияга мардикорликка олиш ҳақидаги Туркистон ўлкасини ларзага келтирган хабарни Ҳамза қанчалик ғалати туюлмасин, қувонч билан кутиб олди ва ҳатто ватандошларини «оқ подшо»га сидқидилдан хизмат қилишга чорловчи шеър билан мурожаат қилди. 1916 йилда бошланган кўзғолон Ҳамзанинг чоризмга бўлган муносабатини қайта кўришга, мавжуд сиёсий тузум асоратидаги халққа озодлик ва фаровонлик беришга қодир эмаслигини тушунишга мажбур этди. Шунинг учун ҳам у энди ўз эътиборини пролетариатга қаратиб, унда дунёни ўзгартиришга қодир бўлган кучни кўрди. Ҳамзанинг 1917 йилда ишчилар синфига бағишланган ва уни инқилобий ҳаракатларга чорлаган шеърлар ёзгани тасодифий эмас.

Ҳамзанинг Улуғ Октябрь социалистик инқилобидан кейинги ҳаёти ва ижоди воқеаларга шу қадар бойки, улар ҳақидаги мухтасар сўз ҳам кўп жойни эгаллаши мумкин. Октябрь катта парвоз учун шоирга қанот бағишлади, унинг граждан санъаткор сифатидаги, курашчи санъаткор сифатидаги истеъдоди янги қирралари билан порлади. Ҳамза педагогик фаолиятини вақтинча тўхтатиб, маданий-оқартув ишларига бош-қош бўлди. Унинг 1918 йилда Фарғонада ташкил этган театр труппаси Закаспий фронтига бориб, босмачиларга қарши курашаётган қизил аскарлар учун томошалар намойиш этди. Ҳамза ўз театрида режиссёр, артист, суфлёр, созанда, бастакор, шоир ва драматург вазифаларини бажарди. Унинг халқ оммаси инқилобий онгининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган 1918—1920 йилларга оид аксар инқилобий қўшиқлари ва драматик асарлари республикадаги ана шу дастлабки профессионал театр коллективи учун ёзилган эди. Турли шахсий фондларда сақланиб қолган афишалар шундан шаҳодат берадики, стационар шароитда намойиш этилган томошалар кўпинча уч ё тўртта бир пардали спектакллардан ташкил топган ва Ҳамзанинг хор ижросидаги қўшиқлари билан якунланган.

«Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 19 сентябрь сонида қуйидаги эълон берилган. «Аскарларга махсус кеча. 1919 йил 19 сентябрь, жума куни гарнизон театрида. Шўро ҳукуматининг ҳақ йўлина чин итоатни тухфа этиб келган оқтубалик мусулмон аскар ўртоқлар! Сизнинг бу оқ кўнгул ва қаҳрамонона қисмингизнинг шарафина Ўлка мусулмон сиёсий труппаси тарафиндан кеча ясалиб, кечага қўюладирган «Бой ила хизматчи» унвонинда бир асар бўлиб, ёзувчиси Ҳамза Ҳакимзода». «Ким тўғри?», «Қармоқ», «Ишчилар ҳаётидан» номли бир пардали спектаклларни реклама қилувчи афишада эса халққа қаратилган сўзларни ўқиймиз: «Ҳақиқат майдонининг қаҳрамонлари! Энди дунёда чин турмуш ва хўжалик сизнингдур!! Яшасун меҳнаткашлар ва деҳқонлар! Битсун киши кучи билан ёшовчилар!!!»

Ҳамза ва унинг театр труппаси халқда янги турмуш соҳиби, инқилобий ўзгаришларнинг фаол қатнашчиси, эски урф-одатларга қарши курашчи туйғусини уйғотишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. Бу муҳим социал вазифани бажаришда Ҳамза ўзида мавжуд бўлган барча ташвиқотчилик ва тарғиботчилик имкониятларини ишга солди:

Шўро ҳокимияти кўп яшасун!
Қўлу оёқ асоратдан бўшасун!
Чин маорифнинг эшиги очилди,
Ишчи ўғли ҳам маданий яшасун!
　　Уйғон уйғонмоқ даврида, Туркистон,
　　Яша, Туркистон, омон, омон, омон!

«Уйғон уйғонмоқ даврида...» — асрий зулм ва уқубатларда эзилган халққа қаратилган ана шу даъват Ҳамзанинг нафақат шеърияти, балки драматургиясининг ҳам лейтмотивини ташкил этади.

Ҳамзанинг ўзбек адабиёти учун янги жанрдаги дастлабки тажрибалари 1915—1916 йилларга оиддир. Унинг 1908—1925 йилларда яратган асарлари рўйхатида инқилобга қадар ёзилган «Заҳарли ҳаёт», «Очлик қурбонлари», «Мулла Норматнинг куфр хатоси» деган учта пьесаси мавжуд. Сўнгги икки пьеса Октябрга қадар яратилган қатор асарлари сингари гарчанд бизга етиб келмаган бўлса-да, уларнинг социал йўналиши тўғрисида аниқ-тайин фикр юритишимиз мумкин. Ҳамза — драматург ўз ижодида ҳамиша ижтимоий масалаларга мойиллик билдирган. Ҳамзага замондош бўлган жамиятнинг жароҳатли жойлари унинг диққат марказида турган. У шеъриятда бўлганидек, драматургияда ҳам халқ қалбига, халқ дардига қулоқ солган.

Анъанавий ўзбек халқ театри кишиларни реал ҳаёт машаққатлари ва азобуқубатларидан чалғитиб, овутиб, юпантириб келди. Ҳамза эса илк пьесалари биланоқ халқ оммасининг фикр-зикрини, кайфияти ва интилишларини оддий меҳнат аҳлига кулиб боқмаган бу нобоп дунёни ўзгартириш лозимлигига йўналтиришга уринди. Ҳамза драматургиясининг новаторлик моҳиятини унинг асарларидаги янги қаҳрамон — батраклар, ишчилар, инқилобчиларгина белгилаб бермайди. Унинг драматургияси эски ижтимоий тузумни кишилар онги ва қалбидаги барча пинҳона томирлари билан ағдариб ташлаш, на золимлар, на мазлумлар, на бойлик, на камбағаллик бўлмаган янги дунёни барпо этиш ғояси билан суғорилган. Туркистон ўлкасининг Октябрь арафасидаги ҳаёти манзараларини кенг акс эттирган Ҳамза драматургиясининг бизгача асл нусхада етиб келмаган шоҳ асари — «Бой ила хизматчи» пьесаси, «Фарғона фожиаси» тетралогияси, «Лошмон фожиаси» трилогияси ва бошқа асарлар халқни социал жиҳатдан уйғотиш зарурлигини кўрсатди ҳамда уни инқилоб самараларини ҳимоя қилиш учун курашга озми-кўпми тайёрлади.

Ҳамза ўзбек адабиёти тарихидаги шу қадар ёркин ва улуғвор сиймоки, у «юпитер»ларнинг ортиқча нурига муҳтож эмас. У шоир, драматург, жамоат арбоби сифатида ўзбек халқининг миллий маданиятида ўчмас из қолдирган. Шунга қарамай, Ҳамза ижодининг айрим тадқиқотчилари унга қарийб олтмишга яқин драматик асарнинг авторлик ҳуқуқини бермоқчи бўладилар. Асл нусхаси қолмагани сабабли К. Яшин томонидан қайтадан ёзилган «Бой ила хизматчи» пьесаси тўғрисида сўз борганда драматург Ҳамзанинг маҳорати тўғрисида ошириб-тошириб гапириш ўринли бўлмаса керак. Айни пайтда опера ва драма театрлари саҳналарини безаб келаётган «Майсаранинг иши» каби ўзбек драматургиясининг ажойиб асари, шунингдек «Паранжи сирлари» пьесаси, назаримизда, етарли даражада ба-

ҳоланган ва тадқиқ қилинган эмас. Бу ҳол узоқ йиллар мобайнида адабиётни бадиий қадриятлар системаси сифатида кўришга халал берган вульгар социологизмга узил-кесил барҳам берилмаганлиги билан изоҳланади. Ҳолбуки, адабиёт кишиларнинг руҳий дунёси, ўзаро муносабатлари, инсон билан табиат ва жамият ўртасидаги алоқани ичдан туриб ёритувчи ёнар сўз санъатидир.

Ҳамзанинг драматургик ижоди икки даврдан иборат бўлиб, 1915—1920 ҳамда 1926—1928 йилларни ўз бағрига олади. Агар Ҳамза биринчи даврда янги жанр имкониятларини ўрганмай турибоқ ижодий жараёнга берилган ҳамда кетма-кет драма ва комедияларни (юқорида тилга олинган асарлардан ташқари, «Рабочий», «Шўрои ислом», «Бой ва ишчи», «Кўкнори», «Қизил қон ичида ёш гўдаклар», «Ёш хотин», «Эшонликда хиёнат», «Қора панжаларда оқ бўғизлар», «Туҳматчилар жазоси») ёзган бўлса, иккинчи даврда унинг ижоди сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиб, асарларининг бадиий савияси юксала борди. Бу даврда у характерларни моҳирона яратувчи ўткир нигоҳли, заковатли санъаткор даражасига эришди.

Ҳамза пьесаларидаги жанрлар бойлиги ҳам ҳайратомиздир. Улар орасида маиший драма ҳам («Қозининг сирлари»), тарғибий саҳналар ҳам («Сайлов олдида», «Бир эшон ўпкасига жавоб», «Эл кузғунлари»), гулгун комедия ҳам («Майсаранинг иши»), психологик драма ҳам («Паранжи сирлари») мавжуд. Шак-шубҳасиз, тилга олинган барча пьесалар бир хил бадиий қимматга эга эмас. Аммо Ҳамза «Майсаранинг иши» ва «Паранжи сирлари»да маҳорат чўққисига эришди. Бундан олтмиш йил муқаддам ёзилган бу асарлар характерларнинг теранлиги, тилнинг, бошқа бадиий компонентларнинг бойлиги ва ширадорлиги билан бизни ҳамон мафтун этади.

1921—1925 йилларда педагогик ва маданий ташвиқотчилик фаолияти Ҳамза учун энг муҳим иш бўлиб қолди. У шу даврда Бухоро ва хоразмда театр коллективларига раҳбарлик қилди, интернат мудири бўлиб ишлади. Ҳамзанинг тасодиф бўлиб, сақланиб қолган шу йилларга оид хат ва аризалари шундан дарак берадики, у интернат болалари очлик ва муҳтожлик шароитида омон қолишлари ва маданий кишилар бўлиб вояга етишлари учун кўп меҳнат қилган. Афтидан, худди шу шароит — болалар тарбияси билан узлуксиз банд бўлгани сабабли у ўша йилларда фаол ижод билан шуғуллана олмаган.

Ҳамза шу даврдаги сафарлари тўғрисида гапириб, Бухоро ва Самарқандга «санойи нафиса материаллари тўпламоқ учун» борганини ёзади. Бироқ, афсуски, биз йўқолган «Хоразм инқилоби» пьесасидан бошқа шоир сўзларини тасдиқловчи бирор маълумотга эга эмасмиз. Эҳтимол, у ўзи тўплаган материаллардан фойдалана олмаган: унинг ҳаёт йўли кутилмаганда узилган.

* * *

Ҳамза оддий халқ билан бир тан ва бир жон эди; унинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, тилини пухта биларди. У меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун нафақат истеъдоди, балки ҳаётини ҳам аямади. Шунинг учун ҳам Ҳамза абадий барҳаётдир. Шунинг учун ҳам унинг оташин ҳаёти халққа хизмат қилишнинг ажойиб бир тимсоли бўлиб қолади.

Инқилоб куйчисига бағишланган достонида Ойбек ёзган эди:

... Она тупроқда шоир ётибди.
                    Баланд —
Бир-биридан чўққидор тоғлар давраси.
Таъзимкор қуршабди эрк ва нур куйчисин
Тоғлардек юксак, маҳкам халқ хотираси!
Қалбимиз тўла севгинг, кучоқларда гул,
О, Ҳамза, биз бош эгдик қабринг олдида.
Бир қабрки, ҳамиша ҳурматга лойиқ,
Наслларнинг ҳамиша хотирасида,
Қонинг билан кир доғин ювдинг ҳаётдан,
Кураш ўғли, зулматнинг ботир душмани!..

Ҳа, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эски турмуш доғларини ўз қони билан ювиб, Ойбек айтмоқчи, қўшиқ қанотида куёш сари парвоз қилди.

СССРда СОЦИАЛИСТИК МИЛЛАТЛАР СОЦИАЛ-СИНФИЙ СТРУКТУРАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

«Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг актуал проблемалари» курсини ўрганувчи пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Жамиятимизнинг хилма-хил манфаатларга эга бўлган ва турли тарихий ролларни бажараётган барча синфлари ва социал группалари ўзаро муносабатларининг жамини объектив тарзда ҳисобга олиш КПСС сиёсатининг илмий асосидир. Бунда Коммунистик партия социал структурани анализ қилмасдан туриб «ижтимоий фаолиятнинг ҳеч бир соҳасида бирон иш қилиб бўлмайди» (Тўла асарлар тўплами, 20-том, 213-бет), деган ленинча қоидага таянади. КПСС барча синфлар, социал группалар ва табақалар манфаатларининг муштараклиги ва ўзига хослигини ўз сиёсатида пухта ҳисобга олган тақдирдагина социалистик қурилишнинг энг муҳим социал вазифаларини ҳал этишни таъминлаши мумкин.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. Кўп миллатли социалистик жамиятда социал-синфий структуранинг моҳияти.

2. Синфлар ва зиёлиларнинг ривожланиши, уларнинг яқинлашувининг асосий йўллари.

3. Ўрта Осиё регионида социал-синфий структурани шакллантириш проблемалари (Ўзбекистон ССР мисолида).

4. КПССнинг СССРда миллатлар ва элатларнинг социал структурасини ривожлантириш соҳасидаги сиёсати.

КЎП МИЛЛАТЛИ СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТДА СОЦИАЛ-СИНФИЙ СТРУКТУРАНИНГ МОҲИЯТИ

Пропагандист ушбу бўлимни баён этишдан аввал тингловчиларга жамиятимизнинг «социал структураси», «социал-синфий структураси», «миллий структураси» деган ва ҳоказо тушунчалар мазмунини эслатиб ўтади. Социал структура — бу кишиларнинг хилма-хил уюшмалари, синфлар, группалар, табақалар системаси бўлиб, булар алоҳида типдаги ижтимоий муносабатлар билан боғлангандир. Жумладан, социал структурага социал-демографик, социал-профессионал, социал-территориал, миллий, социал-этник ва шулар каби группалар, синфлар, системалар киради.

Социал-синфий муносабатлар социал структуранинг ўзагини ташкил этади. Социал-синфий структура — бу муайян жамиятга хос синфлар ва бошқа катта социал группалар, кишилар уюшмаларининг жами бўлиб, уларни унинг иқтисодий тузуми (базиси) вужудга келтиради ва улар социал муносабатлар системаси билан ўзаро боғлиқдирлар.

Бизнинг мамлакатимизда социал-синфий структура социалистик революция ғалабасидан кейин тарихан ташкил топган синфлар, социал группалар ва табақалар жами бўлиб, улар ўртасида ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик негизида муносабатлар юзага келган. У социализмга ўтиш даврида мураккаб ва серҳаракат, ғоят зиддиятлидир, чунки у давом этиб турган синфий кураш шароитида ривожландики, бу кураш гражданлар уруши, пролетариат диктатураси ва ҳоказо формаларда бўлди.

Ўз табиатига кўра миллатлар ва элатларнинг социал-синфий структураси социализм шароитида доимий ҳажм эмас. У синфларнинг ўзгариши, уларнинг яқинлашуви, социал жиҳатдан бир хил жамият қарор топиши жараёнида ўзгариб боради. Аммо бир хиллик структурасизлик деган маънони билдирмайди. Совет жамияти ҳали узоқ вақт сақланиб қоладиган миллий-этник тафовутларни ўз ичига олиб, специфик структурани сақлаб қолади.

Миллатлар ва элатларнинг социал-синфий структураси жамиятни иқтисодий, сиёсий, маданий ривожлантиришнинг кўп проблемаларини ҳал этишга жиддий таъсир кўрсатади. Бу батамом равшан, чунки СССР, бир томондан, реал социализмнинг юксак даражада ривожланган индустриал давлатидир. Иккинчи томондан, гап кўп миллатли социалистик жамият ҳақида борадики, бу жамият ҳар жиҳатдан, турли-турли миллий структура билан характерланади. Шуни айтиш кифояки, 1979 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш

маълумотларига кўра, СССРда карийб 130 миллат, элат, миллий ва этник группалар яшаган. Айни чокда ҳамма учун бир типдаги социал-синфий структура карор топганки, у уларнинг иктисодий, социал-сиёсий ва маънавий ҳаётининг, туб манфаатлари ва максадларининг бирлиги негизида мустаҳкамланган.

Пропагандист шуни тушунтирадики, синфий ва миллий жиҳатлар ўзаро боғлик, аммо бир типда эмас. Миллатнинг миллий яхлитлиги, иктисодий ҳаётининг, территориясининг, тили, психик тузилишининг муштараклиги (булар миллий маданиятнинг муштараклигида ифодаланади) — бу шунчаки «ўзига хослик» эмас, балки яхлит муштаракликдир. Иккинчи томондан, миллий жиҳат умуман, сўзнинг кенг маъносида интернационал жиҳат билан, барча миллатлар ва элатлар ривожининг умумсовет, синфий мазмуни билан боғликдир. Шундай килиб, синфий ўзаро муносабатлар миллатлар ва элатлар ривожи проблемаси моҳиятига дахлдордир. Миллий муносабатлар ҳеч качон ва ҳеч каерда соф ҳолда алоҳида мавжуд бўлмаган, балки ҳамма вакт муайян тарихий шароитда халкларнинг ўзаро алокаларини белгилаб берувчи иктисодий, социал-синфий, маънавий, маданий муносабатлар мажмуини ўз ичига олиб келган.

Синфий ўзаро муносабатларни кайта куриш, совет жамиятининг социал-синфий структурасини ривожлантириш, миллий муносабатлар нисбатан мустакил мазмунга эга бўлишига карамай, шу муносабатларда ҳам чукур ўзгаришларга олиб келади. Миллий муносабатларнинг социал моҳиятини ҳар кандай жонсизлаштиришни, назар-писанд килмасликни, миллий асосни бўрттириб кўрсатишни истисно этиш учун уларни синфий ёндашув ва анализ асосида кўриб чикмок лозим.

В. И. Ленин синфий тафовутларнинг энг муҳим белгилари жумласига куйидагиларни киритди: тарихан ташкил топган ишлаб чикариш усулида ушбу группанинг ўрни, ишлаб чикариш воситаларига муносабат, меҳнатни ижтимоий ташкил этишдаги роли, ўз эгалигидаги ижтимоий бойликни олиш усуллари ва шу бойликдаги ҳиссанинг ҳажми (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 17-бетга каралсин). Асосий белгилардан ташкари, деб кайд килади пропагандист, бошка, биринчисидан ҳосил бўладиган «иккиламчи» аломатлар ҳам мавжуддир (турмуш тарзининг ўзига хос белгилари, давлат ҳокимиятига ва бошкарувга муносабат, идеология, психологиянинг хусусиятлари, билим ва маданият даражаси ва ҳоказолар).

Синфнинг яхлит характеристикаси асосий ва ҳосила белгиларнинг диалектик бирлигига таянади. Тажриба шундан далолат берадики, революцион туб ўзгартишлар натижасида жамиятда у социализмга ўтаётган вактда эски, антагонистик социал-синфий структуранинг тугатилиши ҳамда янги, социалистик типдаги социал-синфий структуранинг карор топиши содир бўлади.

Революциядан кейин ишчилар синфи жамият ҳаётини ташкил этувчи бўлиб колади. У давлат киёфасида асосий ишлаб чикариш воситаларининг эгасига айланади ҳамда революцион анъналар ва интернационал манфаатларнинг асосий ифодачиси сифатида майдонга чикади. Халк хўжалиги индустриялаштирилиб борилган сайин, ишчилар синфи микдор жиҳатдан ҳам асосий синф бўлиб колади: деҳконлар, майда буржуазия, амалдорлар ва бошка табакаларнинг анчагина кисмини ўз ичига олади. Шу боисдан у социалистик жамиятда социал-психологик жиҳатдан узок вактгача бир хил бўлмаган группалигича колади.

Унинг энг ривож топган кисми — юксак профессионал маданиятга эга бўлган индустриал ишчилар синфидир. Худди ана шу синф, одатда, айникса социализм курилишининг дастлабки боскичларида социалистик кадриятларнинг ҳомили бўлади. Бунда уюшкоклик ва интизомнинг, биргаликда ҳаракат килишнинг, ҳар кандай ишда мукаррар юзага келадиган низоларни ҳал этишнинг энг кўп тажрибаси тўпланади. Ишчилик касби ва ишчилар коллективи равшан фикрловчи, ресурсларни сезгирлик билан ҳисоб-китоб килиш ва ҳаётга соғлом караш одатига эга бўлган шахснинг яхлит типини шакллантиради. Ўз кадр-кимматини ва мустакиллигини ҳис этиш ишчи кишининг муҳим белгиси бўлиб, буларни унинг касбининг социал салмоғи такозо этади.

Жамият эски структурасининг бузиб ташланиши ва социалистик структурасининг шаклланиши жараёнида деҳконлар синфида ҳам янги белгилар пайдо бўлади. Коллективлаштириш туфайли у социалистик ривожланиш йўлига ўтади, шунга мувофик кадриятлар системасини ўзлаштиради. Деҳконлар орасида майда мулкчилик одат ва кўникмаларига карши курашда коллективчилик онгининг карор топишидан иборат мураккаб жараён кечади. Аммо аграр сиёсатдаги хатолар баъзан шунга олиб келдики, коллективизм хўжасизлик билан айнан бир нарса деб тушунилди: ҳамманики бўлган ер ва мулк ҳеч кимники деб идрок этила бошланди. КПСС МК 1989 йил март Пленумида деҳконларда ерга, кишлок хўжалиги, меҳнатга меҳр уйғотиш учун, яъни кишлокнинг синфсизлашиши жараёнини тўхтатиш учун кенг микёсдаги чора-тадбирлар белгилаб чикилди. Пропагандистнинг ана шу Пленумда ишлаб чикилган карорларни таҳлил этиб бериши тавсия килинади.

Социализмда, деб кайд килади пропагандист, зиёлилар орасида ҳам катта ўзгаришлар бўладики, улар салмокли социал группага айланадилар. Аклий меҳнатга оид касблар то-

бора оммалашиб боради. Булар — инженер-техник кадрлар, бошқарув, халқ маорифи, соғликни сақлаш ходимлари ва бошқалардир. Бу группалар ўзаро социал функциялари, жамиятда бажараётган социал функциялари, профессионал-малакага оид белгилари бўйича бир-бирларидан фарқ қиладилар. Зиёлиларнинг социал моҳияти — бошқа группаларнинг, хусусан ишчи ва деҳқонлар манфаатларини ифода эта билишдир. Айнан зиёлилар бутун жамиятнинг интеллектуал потенциалини белгилайдилар.

Табиийки, янги шароитда «синф» тушунчаси унга антагонистик жамиятда хос бўлган ўз маъносини йўқотади, бу жамиятда эса аҳолининг ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган кам қисми кўпчилик меҳнатини эксплуатация қилади. Аммо бундай шароитда «синф» тушунчасидан социалистик жамиятнинг социал структурасини анализ қилишга татбиқан фойдаланиш лозимми? Бу саволга ижобий жавоб бермоқ лозим.

Социалистик воқелик кўрсатиб турганидек, жамиятнинг синфсиз структурасига эришмоқ учун барча социал жамоалар намояндаларининг шунчаки ходимларга айланиши ҳали кифоя қилмайди. Ҳозирги шароитда ҳам «ходимлар» категорияси ўзининг социал-синфий характеристикасини йўқотмас экан. Ҳозирги вақтда синфлар ўртасидаги тафовутларни йўқотишни атайлаб жадаллаштириш ва айниқса бу тафовутларни узил-кесил тугатиш муддатларини белгилаш нотўғри бўлур эди.

Партия XXVII съезди ҳужжатларида совет жамиятини социал-синфий дифференциялаш проблемасига реал ёндашилган. Уларда, жумладан, таъкидланадики, кооператив мулк «социалистик ишлаб чиқаришда, одамларнинг эҳтиёжларини яхшироқ қондиришда ўз имкониятларини ҳали тўла ишга солиб бўлгани йўқ». Бундай ёндашув мулкнинг кооператив формаси замиридаги барча имкониятлардан максимал даражада фойдаланишга эътиборни қаратади. Ўтмишда уларни рўёбга чиқаришга давлат томонидан кооперативларни бошқаришда ҳаддан ташқари чеклаб қўйишлар, демократик асосларнинг бўғиб қўйилганлиги халал берар эди. Бу деҳқонлар, меҳнаткаш-кооператорлар аҳволига салбий таъсир кўрсатди. Эндиликда мулкнинг ушбу формасидан маиший хизмат, савдо, умумий овқатланиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳам тобора кўп фойдаланилмоқда. Шундай қилиб, жамиятнинг социал-синфий структурасида кооперациялашган меҳнатчилар аҳамияти ортиб бормоқда.

Социалистик жамият макроструктураси элементларининг миқдорий характеристикалари ҳақида қуйидаги статистик маълумотлар бўйича муҳокама юритиш мумкин. 80-йилларнинг иккинчи ярмида СССР аҳолисининг 61,8 процентини (оилалари билан биргаликда) ишчилар, 12 процентини — колхозчилар ва деҳқон кооперативлари аъзолари, 26,2 процентини — хизматчилар ташкил этади (қаранг: Народное хозяйство СССР за 70 лет. М., 1987, с. 11).

В. И. Ленин «синфларни батамом йўқ қилиш» вазифасини қўяр экан (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 17-бет), ҳам ишлаб чиқариш воситаларига эгаликни тубдан ўзгартиришга, ҳам эски меҳнат тақсимотини бартараф этишга тааллуқли проблемалар комплексига эътиборни қаратган эди. У, синфларни тугатиш «социализмнинг пировард мақсади», деб ёзган эди (ў ш а ж о й д а). Бинобарин, Лениннинг фикрича, социалистик жамият фақат «охири»да, яъни коммунизмга ўсиб ўта бориб барча социал-синфий тафовутларни, шу жумладан эски меҳнат тақсимоти билан боғлиқ тафовутларни ҳам бартараф этади. Бу Коммунистик партиянинг социал сиёсати учун жуда муҳим ориентирдир.

Ҳозирги шароитда социал структурани такомиллаштириш негизида бир-бири билан боғлиқ учта процесс ётади: янада урбанизациялаш, фан-техника революцияси ва аҳоли маданиятининг ўсиши. Агар фан-техника революцияси юқори малакали янги касбдаги кадрларга талабни юзага келтирса, билим ва маданиятнинг ўсиши шу талабни қондириш учун имкониятлар яратади. Ўз навбатида, фан-техника революцияси ва маданиятнинг ривожланиши урбанизация билан боғлиқ (урбанизация деганда фақат шаҳарларнинг ўсишигина эмас, балки қишлоқ шароитларининг ўзгариши, турмуш тарзи шаҳар стандартларининг қишлоққа ёйилиши ҳам тушунилади). Бу ҳақда гапирар экан, пропагандист уқтирадики, КПСС ўз социал сиёсатида совет жамиятининг кўп миллатли характерини ҳар тарафлама ҳисобга олади. Бизнинг мамлакатимизда бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган шаклдаги миллий масала муваффақиятли тарзда ҳал этилди. Айни чоқда, КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, «бизнинг муваффақиятларимиз миллий процессларда проблемалар йўқ деган тасаввур пайдо қилмаслиги лозим». Зиддиятлар ҳар қандай жамиятга хосдир, бинобарин, муҳими — уларнинг ривожланиш диалектикасини доимо кўра билиш, реал воқелик ўртага қўяётган саволларга ўз вақтида жавоб беришдир.

Мамлакатимиз миллатлари ва элатларининг биргаликдаги меҳнати ва ҳаёти жараёнида миллий муносабатлар соҳасида социал сиёсатнинг бошқа вазифалари билан ўзаро боғланган янги-янги вазифалар қонуний тарзда юзага келиб туради. Бу ўзаро боғлиқликни энг аввало миллатлар ва элатлар социал составидаги тафовутлар белгилаб беради. Ана шу тафовутларнинг баъзи бирларини республикалар ўртасидаги барқарор меҳнат тақсимоти тақозо этади ва уларни табиий-иқлимий хусусиятлар келтириб чиқарган. Тарихий ўтмиш

билан боғлиқ бўлган бошқа тафовутлар ўткинчи характерга эга бўлиб, аниқ мақсадни кўзлаган социал сиёсатни амалга ошириш негизида бартараф этилади.

СИНФЛАР ВА ЗИЁЛИЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, УЛАРНИНГ ЯҚИНЛАШУВИНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

Социализмни муваффақиятли тарзда такомиллаштириш учун, деб уқтиради пропагандист, ишчилар синфининг прогрессив ривожланиши биринчи даражали аҳамиятга молик. Социалистик ишлаб чиқариш системасидаги ўз мавқеи, сиёсий тажрибаси, юксак онглилиги ва уюшқоқлиги, меҳнат ва сиёсат борасидаги активлиги туфайли у жамиятимизни жипслаштиради, уни социалистик негизда янгилаб боришда етакчи роль ўйнайди.

Ишчилар синфи социал ривожланишининг объектив тенденцияларини энг аввало иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёт белгилаб беради. Индустрияланининг асосан тугалланиши, фан ва техниканинг ҳозирги замон ютуқларини тобора муваффақият билан эгаллаб бориш, экономикани интенсивлаштириш ва бошқа омиллар ишчилар синфи сонининг, айниқса саноатда пасайишига олиб келди. Шу муносабат билан ишчилар синфининг сифат жиҳатдан ўсиши билан боғлиқ проблемаларни ҳал этиш КПССнинг социал сиёсати учун алоҳида аҳамият касб этади. Бунда жамиятни ривожлантиришнинг конкрет шароитлари билан боғлиқ бўлган ўзига хос проблемаларни ҳал қилишга тўғри келади.

Масалан, СССРда қўл билан бажариладиган, мароқсиз, кам унумли ва оғир жисмоний меҳнатни тугатиш вазифаси асосий вазифадир. Бу соҳада шундай вазият юзага келдики, 70-йиллар — 80-йиллар бошида қўл меҳнати билан, гарчанд умуман унинг ҳиссаси камайиб борган бўлсада, банд бўлган ишчилар сони камайиши у ёқда турсин, ҳатто бирмунча ўсди. Ўн иккинчи беш йилликка келиб саноатда юк ортиш-тушириш операцияларида ва қўл меҳнати устун бўлган бошқа баъзи бир операцияларда барча ишчиларнинг 15 процентдан кўпроғи банд бўлган эди. Ёрдамчи ишлар даражаси асосий ишларга нисбатан анча пастдир. Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ўртасида юзага келган номутаносиблик одатда ўрта маълумоти бўлган ёшларни жалб этиш жуда қийин бўлган иш жойларининг обрўсини тушириб юборди.

Қўлда бажариладиган малакасиз меҳнатни тугатишнинг комплекс мақсадли программалари, шунингдек замонавий техника ва илғор технология негизида ҳар бир тармоқда ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан ривожлантириш ва янгилаш комплекс программалари бу хилдаги зиддиятларни бартараф этишга қаратилган. Уларни рўёбга чиқариш иш жойларини тубдан ўзгартириши, меҳнатни кўпроқ мароқли ижодий меҳнатга айлантириши лозим.

Фан-техника тараққиёти ишчилар синфининг маълумоти ва профессионал тайёргарлиги олдига оширилган талаблар қўяди. СССР саноат ишчиларининг 4 дан 3 қисми — юқори ва ўрта малакали ходимлардир (уларнинг тахминан 25 проценти юқори малака кўрсаткичларига эришди). Бироқ, ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, ишлаб чиқариш фан-техника революцияси ютуқларига асосланган жойда иш жойларининг 80—90 проценти ҳунар-техника билими олган мутахассислар, шу жумладан 50—55 проценти — ўрта махсус билим даражасига эга бўлган мутахассислар томонидан банд қилиниши лозим. Ҳозирча ишчиларнинг анча кам қисми ана шундай тайёргарликка эга, бинобарин, юқори малакали ишчи кадрлар тайёрлаш кўламининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, янги техника ва технологияни ўзлаштиришга мос бўлишини таъминлаш ғоят муҳимдир.

Шу боисдан, деб таъкидлайди пропагандист, партиянинг иш кучларини ҳунар-техника таълими давлат системаси орқали тайёрлашга қаратилган йўлининг оғишмай амалга оширилишига эришмоқ зарур.

Истиқболли йўналишлардан бири — мураккаб ва интеграциялаштирилган касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлашга қодир ихтисослаштирилган билим юртларини барпо этишдир. Бу тадбирлар социалистик жамиятда ишчилар синфининг авангардлик ролини оширишга кўмаклашади.

Сўнгра пропагандистнинг совет деҳқонлари ҳаётидаги ўзгаришлар устида тўхталиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Узоқ вақт давомида деҳқонларимиз бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси измида бўлдилар. Деҳқонлар қадр-қимматини камситиш мислсиз фалокатга: деҳқонликдан чиқиб қолиш, ердан бегоналаштириш, асрий деҳқончилик анъаналарини йўқотишга олиб келди. Қайта қуриш бундай салбий жараёнларга барҳам беради, деҳқонларга узоқ вақт кутилган ишонч қайтади, уларнинг имкониятлари кенгаяди ва улар Советлар Мамлакатини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади деган умид бахш этди.

Энг аввало қишлоқ хўжалигидаги фан-техника тараққиёти таъсирида деҳқонлар сонининг камайиши улардаги ўзгаришларнинг умумий белгисидир. Механизациялаш ва автоматлаштириш, ихтисослаштириш ва агросаноат интеграциясини ривожлантириш бу тармоқда меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳамда ходимларни бўшатиб олишга кўмаклашади. Бундан ташқари, СССРда деҳқонлар бир қисмининг социал аҳволи колхозларнинг совхоз-

ларга айлантирилиши оқибатида ўзгарди (маълумки, колхоз-кооператив мулки имкониятларига етарлича баҳо бермаслик ана шунда ўз ифодасини топди). Қишлоқдан шаҳарга стихияли тарзда кўчишнинг салбий оқибатлари ҳам деҳқонлар сонининг камайишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Меҳнат мазмуни ва характерининг ўзгариши колхозчи деҳқонлар ички синфий структурасига таъсир қилади. Бу аввало шунда ифодаланадики, улар орасида меҳнати машиналар ва механизмлар билан бевосита боғлиқ бўлган ходимлар — кенг профилли механизаторлар, тракторчилар, шофёрлар, комбайн ҳайдовчилар, электриклар, механизациялаштирилган агрегатлар созловчилари, машина билан соғиш усталари ва ҳоказоларнинг сони кўпайиб бормоқда. Меҳнатнинг мураккаб турлари билан банд бўлган деҳқонлар социал табақаси ўсиб бораётганлиги ана шу синф ривожланишидаги тараққиётни кўрсатади.

Аммо проблема шундан иборатки, ҳали колхозчиларнинг каттагина қисми муайян касбга эга эмас, малакасиз меҳнат билан банд. Колхоз секторида механизатор кадрлар тайёрлаш суръатлари ҳозирча объектив эхтиёжларга жавоб бермайди. 1970 йилдан 1986 йилга қадар, масалан, уларнинг колхозлардаги сони атиги 265 минг кишига (совхозларда — 823 минг кишига) кўпайди. Қишлоқ ҳунар-техника билим юрти шохобчалари секин кенгаймоқда, уларнинг иши етарлича яхшиланаётгани йўқ. Ваҳоланки, гап шунчаки профессионал тайёргарлик проблемалари ҳақида эмас, балки колхозчилар ёш авлодларининг маданий савияси, социал етуклиги ҳақида ҳам бормоқда.

Деҳқонлар турмушини қайта қуриш масалаларида ҳозирги кунда эътибор нималарга қаратилмоқда? Энг аввало ҳамма ерда ижара ва пудратнинг хилма-хил формаларини жорий этишга, мавжуд хўжаликлар доирасида ҳам, кооперация тўғрисидаги СССР Қонунининг руҳига мувофиқ тарзда экономиканинг бошқа корхоналари ва тармоқлари билан ўзаро алоқаларда ҳам кооперативларнинг кенг шохобчасини барпо этишга қаратилмоқда. Колхозларга буйруқ қилиш хўжалик юритишнинг янги принциплари билан асло сиғишмайди. Колхозлар ўз фаолиятига оид масалаларни мустақил ҳал этишга, хўжаликлараро алоқалар формаларини белгилашга қодирдирлар. Асосий социал ҳуқуқлар жиҳатидан деҳқонлар шаҳар аҳолиси билан тенглаштирилиши лозим. Қайта қуришни қатъият билан амалга ошириб боришгина колхозчилар турмуши ва меҳнатини яхшилашга, деҳқон меҳнати обрў-эътиборини кўтаришга ёрдам беради.

Зиёлилар жамият ҳаётида тобора катта роль ўйнайди. Маданият, фан ва техникани ҳар тарафлама тараққий эттирмасдан, олимлар ва инженер кадрларнинг фан ва техникага қўшадиган ҳиссасини кўпайтирмасдан, уларнинг обрў-эътиборини оширмасдан ва меҳнат шароитларини яхшиламасдан туриб социализм қуриб бўлмайди.

Мамлакатимизда 1985 йилда олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг ўзи 33,6 миллион, ёки 1980 йилдагига нисбатан 5 миллион кўп эди. 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб иттифоқдош республикаларда, шу жумладан зиёлилар деярли мутлақо бўлмаган республикаларда халқ хўжалигида банд бўлган ходимларнинг тахминан 5 тадан биттаси олий ёки ўрта махсус маълумотли мутахассис эди.

Жамиятимизни қайта қуриш зиёлилар ғоят социал сезгир эканлигини кўрсатди. Улар партия берган ҳақиқат сабоқларини қизғин қувватладилар, ўз интеллектуал кучларини бутунлай қайта қуриш ишига бағишлаш ҳақидаги даъватга лаббай деб жавоб бердилар. Ҳеч қачон зиёлилар билан партия, мамлакат раҳбарлари бир-бирларини ҳозирги даврдагидек чуқур тушунмаган эдилар. Эндиликда зиёлилар ижодий имкониятидан тўлароқ фойдаланиш айниқса муҳимдир. Бу борада ҳам анча-мунча проблемалар тўпланиб қолди. Сўнгги вақтлардаги партия ҳужжатларида мутахассислар меҳнатидан фойдаланишдаги катта камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Чунончи, олий маълумотли ҳар икки мутахассисдан биттаси саноатда олган малакаси талаб қилинмайдиган лавозимда ишлайди. Қишлоқ хўжалик профилидаги кадрлар, ўқитувчилар ва бошқа мутахассислардан ҳам оқилона фойдаланилаётгани йўқ. Бунинг кўпчилик сабаблари шундаки, мутахассислар тайёрлаш планлари халқ хўжалигининг ҳақиқий эхтиёжларини акс эттирмайди. Ҳақиқий эхтиёжлар тартибга солинмаган, кўпинча бузилган штат рўйхатлари, министрликлар ва ташкилотларнинг асосланмаган заявкалари негизида шакллантирилади, бунинг учун улар ҳеч қандай масъулият сезишмайди.

Инженерлардан фойдаланиш борасида айниқса ташвишли аҳвол кўзга ташланмоқда. Кўп ҳолларда улар иш вақтларининг атиги учдан бир қисминигина конструкторлик-технология, тадқиқотчилик ва аналитик ишга сарфлайдилар. Кўпинча техникавий билим талаб қилинмайдиган, техниклар лавозимларининг улуши штат жадвалларида очиқ-ошкора камайтириб кўрсатилган жойларда инженерлик лавозимлари жорий этилади.

Ақлий меҳнат ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш масаласи ҳали ҳам жуда кескин бўлиб турибди. 70-йиллар ўрталаридан 80-йиллар ўрталарига қадар саноатда инженер-техник ходимлар иш ҳақининг ўсиш суръатлари ишчиларникига қараганда тахминан икки баравар камроқ бўлди. Бу хол тилга олинган ходимлар категорияларининг меҳнати мазмуни ва характеридаги жиддий тафовутларга асло жавоб бермас эди, инженер меҳнатининг обрўси тушишига олиб келди. Эндиликда аҳволни ўзгартириш чоралари кўрилмоқда. Масалан, ўн иккинчи беш йилликда ставкалар ва окладларни ўрта ҳисобда

25—30 процент, шу жумладан инженер-техник ходимларникини 30—35 процент ошириш планлаштирилмокда. Шу боисдан ишлаб чикаришда ва олий мактабда инженерлик касблари обрўсини ошириш, мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш йўли тутилди. Ҳар бир кишидан жамият олдида юксак масъулият, ғоявий етуклик талаб қилинаётган ҳозирги шароитда мутахассисларни иктисос жиҳатдан тайёрлаш уларнинг ғоявий-сиёсий билим доирасини кенгайтириш, дунёга гуманистик қарай билиш билан узвий боғлаш ғоят муҳимдир.

Шундай қилиб, Коммунистик партия синфлар ва зиёлиларни янада камол топтириш жараёнларига раҳбарлик қилар экан, ҳаёт ва фаолиятнинг ҳар бир соҳасида уларга хос бўлган прогрессив имкониятларни рўёбга чиқариш, уларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини кучайтириш йўлини олиб бормокда.

Сўнгра пропагандист ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг яқинлашуви, улар ўртасидаги муҳим тафовутларнинг йўқолиши жараёнининг асосий йўналишлари хусусида тўхталади. Бу жараён барча синфлар ва социал группалар вакилларининг ишлаб чиқаришнинг чинакам соҳиблари сифатидаги мавкеини мустаҳкамлаш, иктисодий муносабатлар системасида уларнинг ролини ошириб бориш орқали ривожланади. Бунда социалистик мулк икки формасининг механик тарзда яқинлашуви ёки умумлашган меҳнат даражасининг ошиши эмас, шунингдек, экономиканинг умумхалк ва колхоз-кооператив секторларини ривожлантириш кўзда тутиладики, бу меҳнаткашларнинг мулкдан, ўз меҳнатлари натижаларидан бегоналашувини бартараф этишга кўмаклашади.

Шу жиҳатдан кооперация, хўжалик ҳисоби, пудрат, ижаранинг турли формаларини, қишлоқ меҳнатчиларига ердан бегоналашувига чек қўйиш имконини берадиган формаларини колхозларда кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга моликдир. Умумхалк секторида корхоналарнинг хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиши уларнинг коллективларига ҳам чинакамига соҳиб бўлиб олиш, тайёрга-айёрликка, текислаштиришга барҳам бериш, чинакам коллективчилик муносабатларини ривожлантириш имкониятини яратади.

Фан-техника революцияси таъсири остида меҳнат характери ва мазмунида содир бўлаётган ўзгаришлар синфлар ва социал группалар ўртасидаги тафовутларни йўқотиш жараёнига жуда катта таъсир кўрсатади. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш — ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни аста-секин бартараф этишнинг, аграр меҳнатни индустриал меҳнатнинг бир турига айлантиришнинг ишончли гарантиясидир.

Айни чоқда ушбу тенденцияларга баҳо беришда реал ҳаётдан келиб чиқиш муҳимдир. Турғунлик йилларида қишлоқнинг социал ривожланишига тегишлича эътибор берилмади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланган ресурслар кутилган самарани бермади, чунки асбоб-ускуналар ва техника қимматини ошириб бориш билан бирга қишлоқликларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида жон куйдирилмади.

Ҳозирги босқичда аграр сиёсатнинг моҳияти қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришдан иборат. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иктисодий мувозанатни тиклаш, пудратнинг турли хил формаларини ривожлантириш орқали колхоз ва совхозлар имкониятларини очиш, қишлоқ меҳнатчисининг турмуш шароитларини тубдан ўзгартириш зарур.

Пропагандист теманинг ушбу бўлимини кўриб чиқишни тугатар экан, қайд қиладики, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг яқинлашуви — социалистик жамият социал структураси ривожланишининг муҳим қонуниятидир. Унда социализмдаги социал-синфий дифференциялашнинг ноантагонистик ва тарихан ўткинчи характери, унинг муқаррар равишда коммунистик жамиятнинг тўла социал бир хиллиги билан алмаштирилиши намоён бўлади. Бунда аҳоли барча табақалари даромадларини автоматик равишда бараварлаштиришни социал бир хиллик томон ҳаракат деб вульгар тарзда талкин этишга асло йўл қўйиб бўлмайди, зеро бу социалистик социал адолатга зиддир. Меҳнатни рағбатлантирмоқ, буни «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган социализм принципига мувофиқ ходимлар категориялари бўйича дифференциялаштирилган ҳолда амалга оширмоқ лозим.

ЎРТА ОСИЁ РЕГИОНИДА СОЦИАЛ-СИНФИЙ СТРУКТУРАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ССР МИСОЛИДА)

Ҳозирги шароитда мамлакат турли регионлари аҳолисининг социал-территориал специфкасини ҳисобга олишни талаб этувчи проблемалар тобора катта аҳамият касб этмокда. Кишиларнинг ўхшаш социал муҳитда биргаликда яшаши муштарак манфаатларнинг, муҳим ички алоқаларнинг, ўзаро боғлиқликнинг юзага келиши учун объектив асос яратади. Шу боисдан яхлитлик, комплекслилик регионга хос бўлади. Бинобарин, муайян регион аҳолисининг социал проблемаларини ҳал этишга комплекс ёндашиш керак.

Пропагандист тингловчилар эътиборини шунга қаратадики, у ёки бу регион тараққиётини таъминловчи социал ва иктисодий сиёсатда қуйидаги ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал

этиш кўзда тутилиши лозим: иктисодий ва географик аҳволнинг табиий ресурсларидан, нафлари ва хусусиятларидан окилона фойдаланиш; меҳнат ресурсларининг маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга лаёқатли кишиларни ишлаб чиқаришга тўла жалб этиш; кишилар манфаатдорлигининг самарали системаси; регионнинг оптимал ишлаб чиқариш структурасини шакллантириш, саноат ва агросаноат комплексларини барпо этиш; социал инфраструктура тармокларини моддий ишлаб чиқаришга нисбатан баб-баравар ёки илдамрок ривожлантириш.

Мамлакатимизда социализм қурилиши давомида кўп миллатлар амалда фақат деҳқонлардан иборат бўлганлиги, айни бир чоқда кўпрок ривожланган бошқа миллатларда ўз ишчилар синфи ҳам, ўз зиёлилари ҳам бўлганлиги каби аҳвол асосан бартараф этилди. Чунончи, 1939 йилда ишчилар ва хизматчилар: Ўзбекистонда —16,5 процентни, шу жумладан ишчилар —11,1 процентни, Тожикистон ССРда — тегишли тартибда 14,4 ва 8,7; Туркманистон ССРда —17,7 ва 11,7; Қирғизистон ССРда —12,1 ва 7,5 процентни, бутун мамлакат бўйича эса —50,2 ва 32,5 процентни ташкил этди.

Ўрта Осиё республикаларининг ишчилар синфи ва зиёлилари ўз структураларига кўра кўп миллатли сифатида ташкил топди ва ривожланиб борди, интернационал негизда шаклланди. Экономика ва маданиятни юксалтиришда қардошларча ёрдам кўрсатиш учун бу республикаларга бошқа халклар вакиллари махсус равишда юборилиб турди. Туб ерли миллатга мансуб кўплаб минг кишилар мамлакатнинг марказий районларидаги ўқув юртларида таълим олдилар, корхоналарда мутахассисликни эгалладилар.

1959 йилга келиб ишчилар салмоғи Ўзбекистон ва Қирғизистонда —25 процентга, Тожикистон ва Туркманистонда —20 процентга етди. Ўшандан кейинги йилларда Ўзбекистон аҳолисининг социал составида содир бўлган ўзгаришларни 1-жадвал маълумотлари кўрсатиб турибди (минг киши).

1-жадвал

	1970 йил	1980 йил	1987 йил
Бутун аҳоли	11 799	15 391	19 569
шу жумладан:			
шаҳар аҳолиси	4322	6348	8232
қишлоқ аҳолиси	7477	9043	11337
Ишчи, хизматчи ва колхозчилар	3635,4	5129,3	6014,6
шу жумладан:			
ишчи ва хизматчилар	2641,5	4168,7	5009,6
шулардан ишчилар	1829,7	2865,1	3396,6
Колхозларнинг жамоат хўжалигида ишловчи колхозчилар	993,9	960,6	1005,0
Мутахассислар сони	531,1	1080,9	1460,3
шу жумладан:			
олий маълумотли	252,5	530,0	710,1
ўрта махсус маълумотли	278,6	550,9	750,2

Республикамиз халқ хўжалигида аҳолининг иш билан бандлиги манзараси тармоклар бўйича қуйидагичадир (2-жадвал, процент ҳисобида).

2-жадвал

	1970 йил	1980 йил	1987 йил
Халк хўжалигида банд бўлган кишиларнинг жами	100	100	100
саноат ва қурилишда	23,7	23,1	24,4
қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (шу жумладан шахсий ёрдамчи қишлоқ хўжалигида)	42,1	38,5	36,8
транспортда ва алоқада	6,1	6,9	6,8
савдода ва умумий овқатланишда	6,6	7,1	6,6
соғликни саклаш, социал таъминот, халқ таълими, фанда ва илмий хизмат кўрсатишда	16,2	18,7	19,7
бошқарув органлари аппаратида	2,1	2,2	1,8
бошқа тармоқларда	3,2	3,5	3,9

Ушбу маълумотларнинг таҳлилидан чиқадиган хулоса шуки, Ўзбекистон ССР олдида социал-синфий структурани шакллантириш соҳасида бир қатор мураккаб проблемалар турибди.

Амалда шундай бўлдики, 1939 йилдан 1988 йилгача 50 йил мобайнида республика аҳолиси орасида ишчилар салмоғи ўсмади, балки 15,6 процент даражасида қолиб келмоқда. Айни бир чоқда қишлоқда бутун аҳолининг 58 проценти яшайди, лекин қишлоқ ва ўрмон хўжаликларида фақат 36,8 процент аҳоли ишлайди. Яна бунинг устига республика заводларида иш кучлари танқис, малакали мутахассислар етишмайди, мавжуд қувватлар тўла ишлатилмайди, корхоналар асосан бир сменада ишлайди. Юқорида, ҳозирги босқичда фан-техника тараққиёти жамият социал структурасини такомиллаштиришнинг омилларидан биридир, деб айтилган эди. Ҳар бир республикада уни фан ва технологиянинг юксак даражада ривожланишига олиб чиқишга қодир тегишли кадрларни тайёрлаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқ лозим. Ўзбекистондаги вазият эса бутунлай бошқача. 1-жадвалдан кўриниб турибдики, республикамизда мутахассисларнинг атиги 7,4 проценти олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Ҳозирги кунда олий ўқув юртларида 300,3 минг киши, ўрта махсус ўқув юртларида 292 минг киши таълим олмоқда. Кутаётган имкониятларимиз ана шунинг ўзи холос. Дарвоқе, статистика шундан далолат берадики, 1985 йилда олий ўқув юртларини деярли 49 минг киши, 1987 йилда эса —39 минг киши битириб чиққан. Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар орасида атиги салкам 40 проценти — техника ва қишлоқ хўжалик ихтисосига, яъни фан-техника тараққиёти билан бевосита боғлиқ ихтисосларга алоқадор касбга эга.

Сўнгра, агар қишлоқ хўжалиги олинадиган бўлса, сўраб чиқишлар маълумотларига кўра Ўзбекистоннинг бир қанча районларида ходимларнинг 90 процентигача асосан қўл меҳнати билан банд. Кўпчилик иш жойлари махсус касб кўникмаларини, шунга мувофиқ равишда кишиларда махсус маълумот олишга бўлган рағбатни талаб қилмайди.

Юзага келган аҳволдан чиқиб олиш йўллари Ўзбекистонни янада индустриялаштиришдан, шу жумладан қишлоқ хўжалигини индустриялаштиришдан, янги қурилишларга сарфланадиган капитал маблағлар нисбатини ўзгартириш ва эскидан ҳайдалиб келган ерларни шу ерлар нафини кўзлаб яхшилашдан, ердан оқилона фойдаланишдан, экономикани тўғри ташкил этиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасини ўзгартириш, пахта комплексини қайта қуришдан иборат деб биламиз.

Юқорида келтирилган материалдан кўринадики, мамлакатимизда миллатлар яқинлашувининг умумий тенденцияси билан бирга республикалар социал структурасида уларнинг ўз хусусиятлари ва проблемалари сақланиб қолмоқда.

КПССНИНГ СССР МИЛЛАТЛАРИ ВА ЭЛАТЛАРИ СОЦИАЛ СТРУКТУРАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ

Пропагандист уктирадики, СССР миллатлари ва элатларининг социал структурасини ривожлантириш проблемалари муттасил партиямизнинг диққат марказида турибди. «Синфлар, ижтимоий группаларнинг ўзаро муносабатлари проблемаларини таҳлил қилиш, — деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, — марксча-ленинча партия учун ҳаётий муҳим аҳамиятга молик. Коммунистик партия ўз сиёсатида улар манфаатларининг муштараклигини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини пухта ҳисобга олиб, жамиятнинг мустаҳкам бирлигини, унинг энг муҳим ва мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал этишни таъминламоқда».

Социал-синфий муносабатлар проблемаларини муваффақиятли ҳал этиш мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, янги инсонни шакллантиришнинг, жамият сиёсий барқарорлигининг қудратли воситасидир. «Биз ҳозир ўртага қўяётган иқтисодий ва социал вазифаларни жадал ҳал қилиш учун кучларни жамлаш имкониятларимиз айни шунга асосланади», — деб қайд этилди КПСС XXVII съездида.

Партия Программасининг янги таҳририда социал сиёсатнинг асосий вазифалари каторида қуйидагилар тилга олинди: синфлар, социал группалар ва табақаларнинг яқинлашуви, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф этиш. Партия ўз сиёсатида синфлар ва социал группалар манфаатлари хусусиятларини пухта ҳисобга олишни биринчи даражали муҳим аҳамиятга эга иш деб ҳисоблайди, деган программ қоида улкан методологик аҳамиятга молик. У совет жамиятининг ҳозирги ривожланиши босқичида социал-синфий дифференциялаш характерини тўғри тушунишга, социал-синфий тафовутларни бартараф этиш давомида шошиб илгарилаб кетишга йўл қўймасликка кўмаклашади.

КПСС XXVII съезди материалларида «такомиллаштириш» тушунчаси социал-синфий муносабатларга татбиқан ишлатилган. Бу шуни кўрсатадики, партия синфлар, социал группалар ва табақаларни ривожлантириш, уларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантириш жараёнларини аниқ мақсадни кўзлаб тартибга солиб туришга интилмоқда. У ҳар қандай

иктисодий ечимга социал-синфий структуранинг ривожланишига у қандай таъсир кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда ёндашишга ҳаракат қилмоқда. Табиийки, социал-синфий структурани такомиллаштириш шу соҳада ҳам қайта қуришни амалга оширишни, энг аввало умри ўтган андозалар ва тасаввурлардан воз кечишни кўзда тутади.

КПСС МК 1987 йил январь Пленумида қайд этилдики, кейинги ўн йилликларда жамиятни ташкил этишнинг практикада юзага келган формаларини абсолютлаштиришга йўл қўйилди. Социал структура схематик тарзда, турли группалар ва табақаларнинг хилма-хил манфаатлари зиддиятлари ва динамизмидан маҳрум ҳолда тасвирлаб келинди. Экономикадаги қинғайишлар баъзан социал адолат принциплари ва ахлоқ нормаларининг поймол этилиши, кўшиб ёзишлар, мансабпарастлик, сўз билан ишнинг бир эмаслиги социал масалаларга нисбатан ўзига хос бир карлик — социал емирилишнинг ана шу ва бошқа шунга ўхшаш барча ҳолатлари социал-синфий структуранинг ривожланишига тўғаноқ солди. Социал-синфий муносабатлар соҳасини тўскинлик қилувчи омиллардан халос этиш, барча социалистик синфлар ва ижтимоий группаларнинг такомиллашуви, уларнинг янада яқинлашуви ва жамият бирлигининг кучайиши учун оптимал шароитларни таъминлаш — долзарб масалалар ана шулардир.

Қайта қуриш шароитида, КПСС МК 1987 йил июнь Пленумида қайд қилинганидек, кишилар манфаатларини уйғунлаштириш вазифаси ҳам янгича қўйилмоқда. «Гап жамиятнинг жадал ривожланишини таъминлаш учун манфаатларнинг бутун комплексини — шахс, коллектив, синфлар, миллатлар, элатлар, социал ва профессионал группалар манфаатларини, уларнинг ўзаро муносабатларининг мураккаб диалектикасини ҳисобга олиш ҳақида бормоқда», — деб кўрсатиб ўтилди Пленумда. Бундай ёндашиш барча социал группалар манфаатларини тўлароқ ҳисобга олиш, бинобарин, омма ижодий потенциалини ривожлантириш ва ундан амалда фойдаланиш жараёнларини конкретроқ тасаввур этиш имконини беради.

Партия XXVII съездининг, КПСС МКнинг съезддан кейинги Пленумларининг назарий хулосалари ва қоидалари социал-синфий муносабатларга, уларни ривожлантириш истиқболларига оид долзарб проблемаларни ишлаб чиқиш учун ижодий куч бахш этади. Партия жамиятшунослик олдига масъулиятли вазифалар — ҳаёт талабларига тезроқ жавоб бериш, объектив жараёнларни чуқурроқ анализ қилиш, амалий ҳаракатларни тўғри йўлга солувчи илмий асосланган прогнозларни ишлаб чиқиш, қайта қуриш ҳамда совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатга эришуви проблемаларини тадқиқотларнинг диққат марказида тутиш вазифаларини қўймоқда.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ушбу проблемани ҳал этишга методологик ёндашувни янада чуқурлаштирди. Конференцияда «жамиятнинг фан, маориф, бутун маданиятдаги интеллектуал, маънавий потенциалини ҳар тарафлама активлаштирмасдан туриб қайта қуришни, социализмни янгилашни тасаввур этиб бўлмайди», деб таъкидланди. Бироқ буни қайд қилишнинг ўзи кифоя эмас. Мамлакатимизда ва ҳар бир республикада юзага келган аҳволни ҳисобга олиб амалий иш қилиш лозим. Бутун дунёда жуда катта куч-ғайрат худди ана шу йўналишга қаратилмоқда, худди ана шунга капитал маблағ тобора кўп ажратилмоқда.

Пропагандист машғулот охирида 1989 йил июнида КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларни ривожлантиришга бағишланган махсус Пленум белгиланганлиги ҳақида тингловчиларга эслатиб ўтади.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

Л е н и н В. И. **РКП (б) Программасининг лойиҳаси.** — Тўла асарлар тўплами, 38-том. III, 132-бетлар.

Л е н и н В. И. **Партия программаси тўғрисида доклад.** — Тўла асарлар тўплами, 38-том, 186—191, 215—217-бетлар.

Л е н и н В. И. **Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир.** — Тўла асарлар тўплами, 45-том, 399—406-бетлар.

РКП (б)нинг 10-съезди. «Миллий масала соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида резолюция. — КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорлари. «Ўзбекистон», 1981, 2-том, 254—264-бетлар.

РКП(б)нинг XII съезди. «Миллий масала юзасидан» резолюция. —КПСС... Резолюция ва қарорлари, 2-том, 454—463-бетлар.

КПСС XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986, 54-61, 171—177, 356—367-бетлар.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1988.

Г о р б а ч е в М. С. **Қайта қуриш ва янгича фикрлаш мамлакатимиз ва бутун дунё учун.** — Т., «Ўзбекистон», 1988, 136—139-бетлар.

Актуальные проблемы развития национальных отношений, интернационального и патриотического воспитания. Учебное пособие. — М., Политиздат, 1988, с. 163.

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

КПСС ТОМОНИДАН ишлаб чиқилган жамиятимизни янгилаш йўли изчил амалга оширилаётган шароитда иттифоқдош республиканинг халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуришда тўпланган тажрибасини ёритиш катта роль ўйнайди. Тақриз қилинаётган китоб* шу мақсадга хизмат қилади, унда ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш масалаларининг кенг доираси караб чиқилган ҳамда планлаштиришни, тармоқлараро регионал комплексларни бошқаришни ташкил этишни яхшилашга доир чора-тадбирларга алоҳида эътибор берилган.

Автор проблемали масалаларни ўртага қўйишни уларни Ўзбекистон ССР ва бошқа иттифоқдош республикаларда ҳал этиш тажрибаси билан узвий боғлаб, регионларнинг илмий-техника ва иқтисодий потенциалини янада динамик ўстиришга, ҳар бир республиканинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга, партиянинг актив социал сиёсатини ҳаётга жорий қилишга имкон яратадиган раҳбарлик системасига ўтиш мақсадини кўзлаган ҳолда барча органлар ишини тубдан қайта қуриш зарурлигини асослаб беради. Х. Муродова китобнинг бошланишидаёқ иттифоқдош республиканинг комплекс социал-иқтисодий ривожланишини бошқаришнинг моҳиятини очиб берганлиги шу муносабат билан жуда ўринли бўлган. Автор бошқарув ушбу бўғинининг ижтимоий ишлаб чиқаришда катта роль ўйнашини кўрсатиб, унинг кўпгина тармоқлараро ва идоралараро проблемалар билан алоқадорлигини ҳаққоний равишда таъкидлайди. У ижтимоий бошқарув системасининг узвий қисми сифатида майдонга чиқсада, бир вақтнинг ўзида ўз хусусиятларига, ўз объекти ва предметига, ишлаб чиқаришни планли ривожлантириш ва самарадорлигини ўстиришга таъсир кўрсатишда ўзининг специфик восита ҳамда усулларига эгадир (10—21-бетларга қаралсин). Бундан шундай муҳим хулоса келиб чиқади: иттифоқдош республикалар хўжалигининг энг рационал тарзда ташкил этилишини ишлаб чиқариш соҳасидаги ихтисосланишнинг, хизмат кўрсатувчи тармоқлар, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктуранинг оптимал пропорционаллигини таъминловчи уларни комплекс ривожлантириш белгилайди.

Республика халқ хўжалик комплексини шакллантиришнинг негизи сифатида китобда СССРнинг миллий-давлат тузуми, социалистик мулкчилик, ўзаги — давлат планлаштириши, республикаларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш даражаларини бараварлаштириш, шунингдек меҳнатнинг улар ўртасида планли территориал тақсимлашдан иборат бўлган мамлакат экономикасини марказлаштирилган ҳолда бошқариш ҳақли равишда ажратиб кўрсатилади. Объектив шартланган алоқа ҳамда муносабатларнинг яхлит системаси сифатидаги интеграция иттифоқдош республикалар ва ягона халқ хўжалик комплекси экономикасининг динамик ва самарали тараққий этиши учун зарур асос деб эътироф этилади. Бу фикрлар китобда конкрет мисоллар билан мустаҳкамланган (28—29-бетларга қаралсин). Автор территориал проблемаларни уларнинг бутун мураккаблиги билан ўрганишнинг умумий назарий-методологик негизидан келиб чиқиб, республика комплексини бошқаришни ҳам ягона система сифатида қараб чиқишга ҳаракат қилган.

Тақриз қилинаётган асарда халқ хўжалик комплексини, иттифоқдош республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни бошқариш объектининг структураси батафсил қараб чиқилади, ушбу фаолиятни амалга оширувчи субъектлар классификация қилинади. Энг муҳим объектлар қаторида такрор ишлаб чиқариш жараёни билан биргаликда, функционал роли ва социал-иқтисодий мазмунига боғлиқ ҳолда маъмурий-хўжалик ва ишлаб чиқариш-иқтисодий объектлар (ички иқтисодий районлар, территориал-саноат комплекслари ва саноат узеллари) ажратиб кўрсатилган.

Китобнинг махсус бўлими республика халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемасини ишлаб чиқишга бағишланган бўлиб, унда бошқарув аппаратидаги ортиқча бўғинларни тугатиш ва аппаратнинг ўзига маблағларни камайтиришга, хўжалик проблемаларини ҳал этишда идоравий тарқоқликни бартараф этишга доир таклифларни

---

* Х. Мурадова. Управление республиканским народнохозяйственным комплексом (на примере Узбекской ССР). Ташкент, «Узбекистан», 1988, 170 с.

киритиш кўзда тутилган. Ушбу схемани ишлаб чиқиш методикасини яхшилашнинг муҳим йўли сифатида автор бу схема таркибида регионлараро ишлаб чиқариш тармоқларини, ноишлаб чиқариш соҳасини, область халқ хўжалик комплексини бошқаришдек учта йирик бўлим-схемани ўринли равишда ажратиб кўрсатади (46-бетга қаралсин). Шу билан бир қаторда Бош схемани тузиш ва унга аниқликлар киритиш тартиби тўғрисида методик (типовой) йўл-йўриқ ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланади.

Халқ хўжалигини комплекс планлаштириш методологиясини ва унинг ташкил этилишини такомиллаштириш иттифоқдош республикада экономикани тубдан қайта қуришнинг ғоят муҳим омилидир. Автор буни қараб чиқаркан, биринчидан, тармоқлараро регионал комплекслар ривожланишининг асосий йўналишлари республика даражасида тасдиқланиши керак бўлган шаҳарлар сонининг кўпайиши сингари ўзаро боғланган тармоқларни ажратиб кўрсатиш, иккинчидан, планлаштириш уфқини кенгайтириш зарурлигини таъкидлайди. Иттифоқдош республика халқ хўжалигини ривожлантириш планининг асосланилганлигида прогнозлар катта роль ўйнаши муносабати билан китобда уларнинг фан-техника тараққиёти, табиий ресурсларни ўзлаштириш, атроф муҳитни ўзгартириш, демографик, социал ва иқтисодий проблемаларни ҳал қилиш соҳаларидаги характеристикаси берилган.

Программ-мақсадли методдан кенг фойдаланиш бошқаришнинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Шу сабабли китоб бўлимларидан бирида Ўзбекистон ССР регионал мақсадли программалари таърифланганлиги ҳамда шунингдек типовой комплекс программани ишлаб чиқиш методикасини яратиш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлангани бежиз эмас. Шу муносабат билан Х. Муродованинг иттифоқдош республикани социал-иқтисодий ривожлантириш комплекс планига бошқарув системаларини такомиллаштиришни кўзда тутувчи янги бўлим киритиш зарурлиги хусусидаги таклифи эътиборга лойиқ. Ҳозирча, деб таъкидланади китобда, бошқарувнинг илмий савияси хўжалик механизмини қайта қуриш, бу ишда яхлит ва мослашувчан система яратиш вазифаларига жавоб бермайди (102—104-бетларга қаралсин).

Йирик тармоқлараро регионал комплексларни (саноат, агросаноат, қурилиш комплексларини) ҳамда ишлаб чиқариш инфраструктурасини бошқаришни ташкил этишга бағишланган бобда автор ҳақли равишда бошқаришнинг тармоқ принципи доим ҳам территориал манфаатларни ҳисобга олмаслигини таъкидлайди. Тармоқлараро характер касб этган ва табиий-иқтисодий ресурслардан комплекс фойдаланиш, турли идораларга қарашли бирлашма, корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини координациялаш билан боғланган кўпгина масалалар қониқарсиз ҳал қилиняпти. Бизнингча, бу ерда умумий, функционал ва тармоқ раҳбарлигидаги объектлар ўртасида саноат комплексининг комплекс ва координацияланган ривожланиши учун масъулиятни далил-исботли тақсимлаш хусусидаги масала ўринли қўйилган. Китобда республика органларининг ёрдамчи ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ваколатларини кенгайтириш зарурлиги ҳам асослаб берилган. Саноат комплексини бошқаришни ташкил этишнинг самарали формалари сифатида бирлашмалар билан бир қаторда саноат узели, корхоналарнинг филиаллари, қишлоқда индустрияни ривожлантириш қараб чиқилади.

Асарда агросаноат комплексини бошқаришни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан қайта қуришга катта эътибор берилган. Авторнинг фикрича, экономиканинг аграр секторида пировард маҳсулот олиш бутун жараёнини қуйидагича бевосита комплекс бошқариш зарур: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш — улардан фойдаланиш — тармоқ маҳсулотини қайта ишлаш — сўнгра унинг реализацияси.

Китобда иттифоқдош республика хўжалигини комплекс ривожлантириш йўлларидан бири сифатида ишлаб чиқариш инфраструктурасини планлаштиришнинг мустақил объекти сифатида ажратиш таклиф қилинади. Бунинг учун унинг фаолият кўрсатиш кўрсаткичлари системасини ишлаб чиқиш, унинг ривожланишини маблағ билан таъминлашга доир масалаларни ҳал этиш талаб қилинади (167-бетга қаралсин).

Ҳар ҳолда қараб чиқилаётган проблеманинг моҳиятини тўла очиб бериш учун тақриз қилинаётган асарда иттифоқдош республикалар халқ хўжалик комплексларининг характерли хусусиятларини ажратиб кўрсатиш, фанни ишлаб чиқариш, социал инфраструктура, истеъмол соҳасини бошқариш билан қўшишнинг ташкилий формаларини анализ қилиш лозим эди. Бошқаришни демократиялаш ҳамда ўз олдиларида турган вазифаларни рўёбга чиқаришда республика меҳнат коллективларининг ролини ошириш масалаларини эътибордан четда қолдириш ҳам керак эмас эди.

М. ТУРСУНХЎЖАЕВ,

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги Раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш республика институтининг директори, иқтисод фанлари доктори.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ЮТУҚЛАРИНИНГ ҲИМОЯСИГА БОШЧИЛИК ҚИЛИБ

ПАРТИЯМИЗНИНГ, шу жумладан, Ўрта Осиёнинг ўзига хос шароитларида Октябрь революцияси ютукларини ички контрреволюция ва чет эл ҳарбий интервенциясидан ҳимоя килишни ташкил этиш борасидаги тарихий тажрибасини ўрганиш меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Ушбу тажриба озодликка чиққан мамлакатларнинг халкларига ҳам фойдали бўлиши мумкинки, улар империализмнинг мустамлака ҳукмронлигини тиклаш учун, социалистик йўналишдаги йўлга ўтиб олишларига йўл қўймаслик учун уринаётганлигига карамай, сиёсий мустакилликни саклаб колиш максадида кураш олиб бормокдалар. Шу нуктаи назардан олганда такриз килинаётган китоб* муайян даражада кизикиш уйғотади.

Жаҳондаги биринчи ишчи ва деҳконлар давлати куролли кучларининг пайдо бўлиши ички ва ташки реакцион кучлар тазйиқига зарба бериш, социалистик Ватанни ҳимоя килиш, социализм куриш учун кулай шарт-шароит яратиш заруратидан келиб чиккан эди. Мунтазам Ишчи-Деҳкон Қизил Армияси (РККА) революция душманларига карши куролли кураш жараёнида ва ниҳоятда киска фурсат ичида шаклланди. Большевиклар партияси бундай вазифани Туркистонда ҳам хал этишга катта эътибор берган эди. РСФСР ХКСнинг Ишчи-Деҳкон Қизил Армиясини таъсис этиш тўғрисидаги 1918 йил 15 январдаги Декретига В. И. Ленин имзо чеккан куннинг эртасигаёк Туркистон Халк Комиссарлари Совети ўлкада унинг кисмларини вужудга келтириш ҳакидаги масалани муҳокама килди (10-бетга қаралсин).

Китобда 1918 йил февралида Туркреспубликада кай тарика Қизил Армия штаби ташкил этилгани, май ойида эса маҳаллий Советларнинг ҳарбий бўлимлари ҳарбий комиссарликларга айлантирилгани кўрсатиб берилган. РККА сафларига рус ишчи ва деҳконлари билан бир каторда туб ерли миллатлар меҳнаткашларининг намояндалари ҳам кира бошладилар. Кўпгина шаҳарларда ҳарбий кисмлар ташкил этилар, бунда контингентнинг социал ва миллий составига алоҳида эътибор берила" эди. Автор Туркистон Компартиясининг, интернационалист коммунистларнинг халк оммасини Қизил Армияга жалб этиш, унинг максад ва вазифаларини тушунтириш, жангчиларга ғоявий-сиёсий таъсирни кучайтириш, ҳарбий кисмларда яккабошчилик ва революцион интизомни мустаҳкамлашдаги ролини очиб берган. ТКП III съезди (1919 йил июнь), кўрилган тадбирларнинг натижаларини таъкидлаб, «Қизил Армия дунёда мисли кўрилмаган интизомни вужудга келтирди», деб кайд этган эди (16-бет).

Туркреспубликанинг кизил аскарлар матбуоти («Красноармеец», «Горнист», «Набат революции», «Правда», «Пролетарская мысль» газеталари, «Военная мысль» журнали ва ҳоказолар) солдат ва командирларни сиёсий ва жанговар руҳда тарбиялаш, уларни революция душманларига карши курашга сафарбар этишнинг ғоят муҳим воситаси бўлди. Китобда РКП(б) МҚ, БМИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг, айникса унинг аъзолари — М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишевнинг, фронт Революцион-ҳарбий советининг кўшинлар жанговар кобилиятини оширишдаги РКП(б)нинг армияда тутаётган йўлини тушунтиришдаги катта роли кўрсатиб берилган. Чунончи, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда 1919 йил охири ва 1920 йил бошида бевосита М. В. Фрунзе ва В. В. Куйбишев бошчилигида Туркистон куролли кучларини кайта тузиш амалга оширилган эди.

Қизил Армияга партиявий раҳбарлик ўша даврда улкан аҳамиятга эга бўлган эди. Бирок автор Туркомиссиянинг, РКП(б) МК Туркбюроси, РКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг регион республикаларидаги ҳарбий курилишда ўйнаган ролини етарлича кўрсатиб бермаган. Ваҳоланки, ушбу партиявий вакилликларнинг Қизил Армияни мустаҳкамлаш ҳамда унинг окгвардиячилар ва босмачиларга карши курашини ташкил этиш, ҳарбий-ватанпарварлик характеридаги масалаларни ишлаб чикиш ва ҳоказолар борасидаги фаолияти ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган эди.

Масалан, Туркистонда ҳарбий бошкарув системаси ташкил этилганлиги кизикиш уйғотади, у аввалига ўлка Совнаркоми кошида эди. Марказий Россияда бўлгани каби, Туркреспублика ХКС 1918 йил 14 майда Ҳарбий ишлар бўйича комиссарлик ташкил этди, тез орада эса ТуркМИК «Туркистон республикаси Ишчи-Деҳкон Қизил Армияси тўғрисида мувакқат низом»ни тасдиклади. Ҳарбий совет, 1919 йил апрелида эса Революцион-ҳарбий совет ва Ишчи-деҳкон мудофаа совети ташкил этилди.

Туркреспубликадаги ҳарбий курилишда мавжуд бўлган камчиликлар (сепаратизм, командирларнинг сайланиши, Қизил гвардиянинг сакланиши ва ҳоказолар) ҳам

---

* С. Н. Климов. Военно-организаторская деятельность Коммунистической партии в Средней Азии (1917—1924 гг.). Ташкент. «Узбекистан», 1987, 127 с.

уларни бартараф этиш юзасидан РКП(б) VIII съезди карорларига мувофиқ қурилган тадбирлар ҳам авторнинг эътиборидан соқит бўлмаган. Китобхон ушбу китобдан Туркфронт Революцион-Ҳарбий Советининг РККАни мустаҳкамлашда, округ ҳарбий комиссарлигини, Туркфронт штабини ташкил этишда ва ҳоказоларда катта роль ўйнаганлигидан далолат берувчи яққол мисолларни ҳам топа олади.

Туркистонлик большевикларнинг ҳарбий қурилишдаги тажрибаси, деб таъкидлайди автор, шуни кўрсатиб турибдики, у партия директивалари асосида ва янги типдаги армияни бунёд этишнинг асосий принциплари бўлиб қолган бевосита унинг раҳбарлиги ва назорати остида олиб борилган, бу эса Совет Туркистонини қурол билан ҳимоя қилишни таъминлаган эди (38-бетга қаралсин). Афсуски, асарда юқорида санаб ўтилган тадбирлар зарурлигини келтириб чиқарган сабаблар очиб берилмаган. Масалан, барча қўшинлар Туркистон фронти қўмондони ихтиёрига берилганлигининг боиси нимада эди? Туркфронт умуман қачон ташкил этилганлиги, унинг қўмондонлиги ва Революцион-Ҳарбий Совет партия ва совет органлари билан биргаликда ҳарбий қурилишни координациялаш, ҳарбий-оператив вазифаларни сиёсий-тарбиявий вазифалар билан мувофиқлаштириб бориш ва ҳоказолар борасида ўлкада қандай иш олиб борганликлари тушунарли бўлмай қолган.

Мамлакат ягона ҳарбий лагерининг таркибий қисми бўлган Туркистон гражданлар уруши қуршовида қолганида, китобда яхши кўрсатиб берилганидек, ТКП революцияни ҳимоя қилиш учун шошилинч тадбирлар кўради: партиянинг, меҳнаткашларнинг барча кучларини фронтга сафарбар этади, мажбурий ҳарбий ўқувни жорий этади, партия дружиналарини ташкил қилади. Туркистон Компартияси ўлка комитетининг ташаббусига биноан Туркреспубликани мудофаа қилиш бўйича фавқулодда органлар ташкил этилади, Қизил Армияни ўқ-дори, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш қатъий назорат остига олинади, мудофаа ва фронтга ёрдам ҳафталиклари ва ҳоказолар ўтказилади (48—55-бетларга қаралсин). Айни пайтда автор жангчиларнинг ҳарбий камални ёриб ўтиш ва Туркреспубликанинг Марказий Россия билан қўшилувидаги қаҳрамонликлари негизини, совет республикаларининг, айникса ТАССРнинг бошқа қардош республикалар билан ҳарбий-сиёсий иттифоқи аҳамиятини кўрсатиб беришга муваффақ бўлмаган. РСФСРнинг Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари билан ҳамкорлиги мутлақо тилга олинмаган, ушбу ҳамкорлик 1920 йил 13 сентябрь ва 1921 йил 4 мартда улар ўртасида тузилган иттифоқ шартномаларидан бошланган эди. Ҳарбий-сиёсий характердаги бир қатор битимлар билан тўлдирилган ушбу шартномаларда ўзаро ёрдам, шу жумладан, ҳарбий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган эди.

Туркистон Компартияси 1918—1920 йилларда туб ерли миллатларга мансуб меҳнаткашларни, шу жумладан, коммунистларни турли ҳарбий тузилмаларда, партия дружиналарида, алоҳида вазифа бажарадиган қисмларда социалистик революция ютуқларини ҳимоя қилишга жалб этганлиги, мусулмонлар энг онгли намояндаларининг Қизил Армиядаги интернационал бўлинмаларда ва кўнгилли милиция отрядларида қатнашганлиги Қизил Армиянинг миллий қисмларини ташкил этиш учун шарт-шароитларни тайёрлаган эди (60—68-бетларга қаралсин). Туркистоннинг туб ерли халқларини Қизил Армияга жалб этишда 1920 йил 10 майдаги Ленин декрети ниҳоятда катта роль ўйнаган эди. Ўша йилнинг кузидаёқ Туркфронт қўшинлари маҳаллий аҳолини чақириш ҳисобига 30 минг кишига кўпайган эди.

Авторнинг фикрича, миллий чекка ўлкалар мустақиллиги, миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг, улар тенглигининг исботи бўлиб қолган миллий қисмлар тузилиши ўлка меҳнаткашларининг рус халқига ишончи мустаҳкамланишига кўмаклашган (70—71-бетларга қаралсин). Ушбу қисмларни ташкил этишда Туркистон Компартияси, РКП(б)нинг Туркистондаги Мусулмонлар бюроси, Шарқ коммунистларининг РКП(б) МК қошидаги Марказий бюроси, Турккомиссия, РКП(б) МК Туркбюроси ва шу кабилар муҳим ташкилотчилик ролини ўйнаган эдилар.

Китобда армияни миллий эмас, балки диний белгига қараб тузишни ва албатта алоҳида штаби бўлишини талаб қилган миллатчи-оғмачилар ва шовинистларнинг туб ерли аҳолини РККА сафларига жалб этишга ва унинг намояндаларидан миллий қисмларни вужудга келтиришга тўсқинлик қилишга уринишлари беҳуда бўлганлиги кўрсатиб берилади (70—76-бетларга қаралсин). Ушбу ғоялар Қизил Армияни тузишнинг интернационал принципига зид ғоя сифатида Туркистон Компартияси ва РКП(б) МК Турккомиссияси томонидан зарбага учраган эди.

Автор Қизил Армиянинг миллий қисмларини тузиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни: жангчилар барча зарур нарсалар билан тўла таъминланмагани, аҳоли ўртасида сиёсий-тушунтириш ишлари паст савияда олиб борилгани, маҳаллий шароитлар суст ҳисобга олингани ва ҳоказоларни тўғри таъкидлаган (77-бетга қаралсин). Туркистон Компартияси раҳбарлигида ушбу камчиликлар тез орада бартараф этилган, миллий қисмлар жангчиларидан командирлар, сиёсий ходимлар тайёрлашга катта эътибор берила бошланган эди. Бу ҳол туб ерли миллатга мансуб кўп минглаб меҳнаткашларнинг социалистик революция ютуқларини ҳимоя қилишда актив қатнашувини таъминлаган, Қизил Армиянинг миллий қисмлари эса контрреволюцияни тор-мор келтиришга

сезиларли ҳисса қўшган эдилар (84—85-бетларга қаралсин).

Китобда Хива ва Бухоро халқларига уларнинг феодал-мустабид тузумлар зулмидан халос бўлишларида, ўз революцияларини ҳимоя қилиш ва ривожлантиришларида РСФСР ва ТАССР томонидан ҳарбий ёрдам кўрсатилишини ташкил этишдаги партиянинг раҳбарлик роли ёритилган. Жумладан, бу ерда шунингдек революцион миллий армиялар ташкил этилган эди. Республикаларнинг коммунистик партиялари маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда РСФСР-нинг тажрибасини қўлладилар, юқорида тилга олинган шартномаларга мувофиқ равишда унинг кўрсатган сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ёрдами ўлкада миллий давлатчилик, регион халқларининг ўз қуролли кучлари қарор топишида, мустақиллик ва озодликларини ҳимоя қилишларида муҳим роль ўйнаган эди. Ана шуларнинг ҳаммаси совет халқлари тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, улар яқинлашуви учун, рус халқига аввалги ишонмаслик бартараф қилиниши учун шарт-шароитлар тайёрлашда муҳим восита бўлган эди, улар рус халқининг бахтли келажак учун курашда содиқ дўст эканлигини кўрган эдилар.

Тилга олиб ўтилган камчиликларга қарамай, тақриз қилинаётган асар Улуғ Октябрь ютуқларини қуролли ҳимоя қилиш тажрибасини ёритиш борасида тарихий-партиявий фандаги камчилик ўрнини муайян даражада тўлдиради.

А. АКРОМОВ,
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация
ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
инженерлари институти илмий
коммунизм кафедрасининг профессори.

М. НАЗАРОВ,
тарих фанлари доктори,
Беруний номли Тошкент политехника институти
КПСС тарихи кафедрасининг профессори.

КОЛХОЗ ҚУРИЛИШИНИНГ МУҲИМ СОЦИАЛ ЖИҲАТИ

ТАҚРИЗ ҚИЛИНАЁТГАН китоб* китобхонларда муайян қизиқиш уйғотади, деб ўйлайман. Биринчидан, хронология бўйича тадқиқот мамлакат ҳаётининг ғоят мураккаб, кўп жиҳатдан фожиали даврларидан бирини — янги иқтисодий сиёсатга барҳам берилган, ленинча кооперация плани бузилган, оммавий репрессиялар, Сталин шахсига сиғиниш ҳамма ерда қарор топаётган ва шунга ўхшаш бошқа кўп нарсалар авж олган даврни қамраб олган. Иккинчидан, муаллиф Ўзбекистон қишлоқларида саводсизликни тугатиш, уларда оммавий-сиёсий ишларни олиб боришнинг ўзига хослиги, хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, қишлоқ учун раҳбар ходимлар ва оммавий ихтисослардаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг мукаммал системаси яратилиши, шунингдек, агротехника билимларининг кенг тарқалиши натижасида деҳқонларнинг маданий-техника савияси ошиши билан боғлиқ муаммоларнинг кенг доирасини очиб беришга ҳаракат қилади. Қўрилаётган муаммо бўйича адабиётларнинг, шу жумладан турғунлик даврида чиққан адабиётларнинг ҳам таҳлили анча сермазмун. Лекин, муаллиф бу ўринда турғунлик ҳолатлари нафақат иқтисодда, балки маънавий ҳаётда ҳам, чунончи, жамиятшуносликда ривожланганини эътиборга олмаган.

М. Жўраев Ўзбекистонда саводсизликни тугатиш бўйича партия ва Совет давлати фаолиятининг энг муҳим йўналишларини кўрсатиб беришга муваффақ бўлган. У келтирган маълумотлар бу ишнинг микёси ва изчиллигини ишонарли тарзда акс эттиради: агар 1924/25 ўқув йилида республикада 908 та мактаб бўлиб, уларда 75500 киши таълим олган бўлса, 1927/28 ўқув йилида 1933 мактабда 138800 киши таълим ола бошлаган (16-бетга қаралсин). Таълим соҳасидаги миқдорий кўрсаткичлар жадаллик билан ошиб борганидан далолат берувчи бундай маълумотлар китобда кўп келтирилади. ВКП(б) МК ва Совет ҳукуматининг бу соҳага кўрсатган ёрдами ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилинган.

Муаллиф ўша даврдаги республика қишлоқлари учун кадрлар тайёрлаш системасининг ўзига хос ташкилий структураларига эътибор беради. Чунончи, звено бошлиқлари ва бригадирларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш уларнинг маълумот даражасига қараб табақалаштирилган эди; улар кўп вақтларини энг яхши хўжаликларда ўтказишиб, илғор иш усуллари билан танишар эдилар.

* М. Жураев. Повышение культурно-технического уровня колхозного крестьянства Узбекистана в период победы и упрочения социализма. Ташкент, «Фан», 1987, 118 с.

Ўкитиш программаси бундан ташқари арифметика, ер ўлчаш иши, ҳисобчилик каби фанларни, колхоз ҳаракатига доир партия ва ҳукумат ҳужжатларини ўрганишни ҳам ўз ичига оларди. Курсларда она тилини билиш, ёзиш ва ўқиш кўникмаларини такомиллаштиришга ва бошқа кўп нарсаларга жиддий қаралганлиги ҳам эътиборга моликдир (86-бетга қаралсин). Ўрта бўғин раҳбарларини тайёрлаш борасидаги бу тажрибадан, замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини қўллаган ҳолда, бугунги кунда ҳам фойдаланиш мумкин деб биламан. Машина-трактор станцияларида район колхоз мактабларида қишлоқ хўжалиги ва техникага оид оммавий касб-корлар мутахассисларини ўқитиш тажрибаси ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, унинг туфайли 1940 йилга келибоқ колхоз раислари, уларнинг ўринбосарлари ва ҳосилот кенгашлари раисларининг кўпчилиги ўз билимларини жиддий бойитдилар (68-бетга қаралсин).

Лекин ўша даврда туб ерли миллатлар вакилларини техникага доир ўрта махсус ва олий ўқув юртларига жалб этиш маълум қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Бу ҳақда тақриз қилинаётган китобда ҳам кўрсатиб ўтилган. Бунинг сабаби ўзбек тилини биладиган малакали ўқитувчилар етишмаслиги билангина боғлиқ бўлмай, балки бу тилда дарслик ва ўқув қўлланмаларининг йўқлигида ҳам эди (техника фанларига оид кўпгина машғулотлар рус тилида ўтилар, бу эса туб ерли миллатга мансуб ёшларга таълим беришда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарган эди). Бундай шароитда ўрта махсус ўқув юртлари қошида олти ойлик тайёрлов бўлимларининг очилиши ўзини оқлади. Дарслик ва ўқув қўлланмаларини таржима қилиш ҳамда уларни ўзбек тилида яратиш ушбу муаммони ҳал этишда муҳим принципиал йўналиш бўлди. Афсуски, муаллиф бу муҳим ишга муносиб ҳисса қўшган миллий интеллигенция вакилларининг номларини кўрсатмаган.

Тадқиқотда ўзбек ёзувининг араб графикасидан лотин графикасига ўтиши ижобий баҳоланганки, бу нарса тарихга «яналиф (янги алифбо) ҳаракати» номи билан кирган. Янги ёзувга ўтиш республика аҳолисининг маданий-техника ва профессионал даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган бир қатор вазифаларни ҳал этишни анча жадаллаштириш имконини берди.

Муаллиф тадқиқ қилаётган даврда кишилар онгида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берган эди. Социалистик қурилиш юзага келтирган оммавий меҳнат жонбозлиги кўплаб ихтисосликларни эгаллашга бўлган қизиқишни кучайтириб юборди. Чунончи, республика колхозларидан бирида 1933 йили ўтказилган анкета сўровида қатнашган 20 нафар ёшнинг бештаси ўзларида агрономияни ўрганиш, учтаси тракторчи, бештаси чорвадор, учтаси шофёр, иккитаси учувчи бўлиш хоҳиши борлигини билдиришган. Уларнинг атиги иккитасигина ўқишга қизиқмаган. 16—20 ёшли 42 қиздан 37 нафари ўқишни жуда ҳам хоҳлар экан (95—96-бетларга қаралсин). Бу маълумотлар ўша давр ёшлари билим олишга нақадар чанқоқ эканликларини яққол кўрсатади.

Бироқ, автор Ўзбекистонда 30-йиллардаёқ ўқувчи ва студентларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш одат тусига кира бошлаганлигига эътибор ажратмаган. Бу нарса, шубҳасиз, уларни ўқитиш сифатига таъсир этди: машғулот планлари ноўрин тўғриланар, дарслар миқдори камайтирилар эди ва ҳоказо. Республика социал-иқтисодий ҳаётида ҳозир ҳам кескин бўлиб турган бошқа реал зиддият ҳам айни ўша пайтларда шаклланa бошлаган эди. Бунда пахта мустақиллиги учун мамлакат оғир кураш олиб борган ўша пайтда Ўзбекистон далаларида пахтанинг монопол ўрин тутганлиги кўзда тутиладики, бу аҳвол кейинчалик ҳам шундайлигича қолаверди. Масалан, 1932 йилда пахта айрим жойларда экин майдонининг 93 процентгача қисмини ишғол қилган эди. Бу дон ва сабзавот етиштиришни қисқартириши, пахта ҳосилдорлигини пасайтириши билан бирга бошқа аграр тармоқлар учун мутахассислар тайёрлашга ҳам таъсир этди.

Китобда кишиларнинг ижтимоий фанларни ўрганишга бўлган қизиқишларидан далолат берувчи маълумотлар келтирилган. Масалан, Фарғона областида «ВКП(б) тарихининг қисқа курси»ни ўрганувчиларнинг қарийб учдан икки қисми бу иш билан мустақил шуғулланишни афзал кўрган, бу эса «тўгараклар тармоғини қисқартириш имконини берган» (116-бет). Бу ҳамда муаллиф томонидан келтирилган бошқа баъзи маълумотлар ўша даврда совет жамиятида қарор топган Ленин назарий меросини догмага айлантириш, шахсга сиғиниш кишиларнинг жамиятшуносликка бўлган қизиқишларига ўзига хос таъсир қилганлиги хусусидаги фикрни маълум даражада тасдиқлайди. М. Жўраев келтирган фактлар қўшимча ўрганилиши керак, албатта. Лекин, колхозчи деҳқонларнинг маданий-техника даражасини ошириш бўйича 30-йилларда олиб борилган ишнинг сифат параметрларини таҳлил қилиш, шубҳасиз, китобни анча бойитган бўлур эди. Лекин, мавжуд камчиликларига қарамай, ушбу асар республикамизда социалистик қурилишнинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тўғрисидаги билимларимизни янада чуқурлаштиришда фойда келтиради.

М. ҲАСАНОВ,
тарих фанлари кандидати,
Беруний номли Тошкент политехника институти
илмий коммунизм кафедрасининг доценти.

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИНИНГ ЯНГИ КИТОБ ВА БРОШЮРАЛАРИ

В. И. Ленин. **Асарлар тўплами.** 1989, 480 бет.

Ўрта мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун мўлжалланган тўплам ўқув программаларига мувофиқ тузилган. Китобга СССР тарихи, янги ва энг янги тарих, жамиятшунослик, адабиёт, рус тили, география, физика, химия фанларини ўрганиш жараёнида ўқувчилар танишадиган В. И. Лениннинг «Карл Маркс», «Фридрих Энгельс», «Нимадан бошламоқ керак?», «Социализм ва дин», «Лев Толстой — рус революциясининг кўзгуси», «Герцен хотираси», «Оз бўлсину соз бўлсин» ва бошқа асарларидан парчалар киритилган.

М. Х. Ғаниева. **В. И. Лениннинг «Буюк почин» асарини ўрганиш.** 1989, 29 бет.

Олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва студентлари, илмий коммунизм фанини ўрганаётган марксизм-ленинизм университетларининг тингловчилари бу қўлланмадан В. И. Лениннинг ушбу асари ёзилган пайтдаги тарихий вазиятни, унинг томонидан пролетариат диктатураси назарияси социализм қуриш қуроли сифатида ривожлантирилгани, ишчилар синфининг етакчилик роли, социалистик жамиятнинг синфсиз структураси тўғрисида, коммунистик шанбаликларнинг аҳамияти тўғрисида кўп нарсаларни билиб оладилар.

Р. Қурбонгалиева, А. Машарипов. **Ўрта асрлар тарихини ўрганишда марксизм-ленинизм классиклари асарларидан фойдаланиш.** 1989, 199 бет.

Университетлар, педагогика институтларининг тарих факультетлари студентлари ва ўрта мактаблар тарих ўқитувчилари учун мўлжалланган қўлланмада «К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин — марксистик историография асосчилари», «К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларида феодализмнинг пайдо бўлиши, ривожланиши масалалари» ва бошқа мавзулар очиб берилган. Китоб ўрта асрлар тарихи курсини мустақил ўрганиш жараёнида материални ўзлаштиришни енгиллаштиришга хизмат қилади.

А. Муқсимов, И. Хўжамуродов. **В. И. Лениннинг атеистик меросини ўрганиш.** 1989, 80 бет.

В. И. Лениннинг дин ва атеизм тўғрисидаги асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш меҳнаткашларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиришга доир ишнинг самарадорлигини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Қўлланмада бу масалаларга доир В. И. Лениннинг асосий асарларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида КПСС ва Совет давлатининг динга, диндорларга, диний ташкилотларга муносабати, атеистик тарбиянинг мақсад ва вазифалари кўрсатиб берилади. Қўлланма олий ўқув юртлари студентлари учун мўлжалланган, кенг ўқувчилар оммасига ҳам фойдали бўла олади.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01; 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул котиб — 32-58-03; 33-60-42; масъул котиб ўринбосари 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: маркcча-ленинча назария — 32-58-65; партия ва совет жамияти тарихи — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68 социал-иқтисодий проблемалар — 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; танқид ва библиография 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир **Э. А. Кушнарь**

Теришга берилди 10.04.1989 й. Босишга рухсат этилди 11.05.1989 й. Формати 70×108[1]/16.
Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар 8,6
Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 24859. Нашр. № Б–53. Заказ № 633. Баҳоси 25 тийин

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ISSN 0134-2193 «Ўзбекистон коммунисти», 5, 1—96



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

6
ИЮНЬ
1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 6
ИЮНЬ
1989 йил

1920 йил декабридан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

Партия мамлакатни ривожлантиришнинг революцион йўлини таклиф этиб, қайта қуришнинг биринчи босқичида жуда катта обрў-эътибор қозонди. Ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир коммунистнинг амалий ишларида қайта қуриш сиёсатини турмушга татбиқ этиш — ҳозир партия фаолиятининг бош маъносидир.

М. С. Горбачевнинг КПСС МК 1989 йил апрель Пленумидаги якунловчи нутқидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ
Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1989 йил 25 апрель куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум КПСС Марказий Комитети фаолиятининг баъзи ташкилий масалаларини кўриб чиқди. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Ўртоқ М. С. Горбачев ҳозир пенсияда бўлган КПСС Марказий Комитети аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоларидан бир группаси партиянинг сайлаб қўйилган марказий органларидаги ўз ваколатларини соқит қилиш тўғрисидаги илтимос билан КПСС Марказий Комитетига ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясига мурожаат этишганини маълум қилди (Мурожаатнома матбуотда эълон қилинди).

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва Марказий Ревизия комиссияси ўз ваколатларини соқит этиш тўғрисида мурожаатнома ёзган КПСС Марказий Комитети аъзолари, Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар, Марказий Ревизия комиссияси аъзоларининг илтимосини қондирди. Ўртоқ М. С. Горбачев шу ўртоқларнинг партия сайлаб қўйилган органларидаги иши учун уларга катта миннатдорчилик изҳор этди ва эзгу ниятлар билдирди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер С. А. Афанасьев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер А. П. Ночевкин, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, шахсий пенсионер Г. А. Жуков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер А. П. Ляшко, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Владимир область комитетининг биринчи секретари Р. С. Бобовиков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер Е. Ф. Муравьев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, Иркутск область Коршуновск кон-бойитиш комбинатининг экскаватор машинисти А. П. Мясников, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Фанлар академияси Президиумининг маслаҳатчиси П. Н. Федосеев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, шахсий пенсионер Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институтининг фахрий директори А. П. Александров, КПСС Марказий Комитети аъзоси, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. Т. Сайкин, КПСС Марказий Комитети аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари В. И. Калашников, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси А. Н. Аксенов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Кемерево область комитетининг биринчи секретари

А. Г. Мельников, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. Қ. Месяц, КПСС Коми область комитетининг биринчи секретари В. И. Мельников сўзга чиқдилар.

Пленум КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари В. Г. Афонин, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. А. Бабенко, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, Белоруссия Компартияси Витебск область комитетининг биринчи секретари В. В. Григорьев, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. А. Ивашко, Тула шаҳридаги «Арсенал» заводи радиомонтажчиси В. А. Қосимова, СССРнинг Германия Федератив Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. А. Квицинский, Ўзбекистон ССРдаги «Малик» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи Т. Б. Қирғизбоева, «Красноярскуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Назаровский» разрези экскаватор машинисти С. В. Клейко, Воронеждаги «Электроника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси асбобсоз слесарлари бригадири А. Е. Колбешкин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси В. А. Коптюг, Удмуртия АССРдаги Д. Ф. Устинов номли «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Ю. И. Лобов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари П. Қ. Лучинский, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, Владивостокдаги уйсозлик комбинати сувоқчи-бўёқчилар бригадири Г. В. Меркулова, В. И. Ленин номидаги Тбилиси электровозсозлик заводи электр монтажчилари бригадири Г. А. Метонидзе, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, генерал-полковник В. В. Осипов, Ленинград область «Детскосельский» совхози сабзавоткорлар бригадири В. Р. Паршина, Орёл областидаги Партия XVII съезди номли давлат наслчилик заводининг директори И. А. Пентюхов, СССР Фанлар академияси Жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институти директори Е. М. Примаков, В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинатининг бош директори И. Х. Ромазан, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлимининг мудири В. М. Фалин, СССР Фанлар академияси вице-президенти Қ. В. Фролов ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан аъзоликка ўтказди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини якунлади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1989 йил 22 май куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум СССР халқ депутатларининг съездини ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқди.

Шу масалалар юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Пленумда КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, КПСС Липецк область комитетининг биринчи секретари Ю. А. Манаенков, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари Я. П. Погребияк, КПСС Шимолий Осетия область комитетининг биринчи секретари А. С. Дзасохов, СССР Давлат қурилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари — СССР министри Б. Н. Ельцин, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори А. А. Логунов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-Р. Х. Везиров, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари В. И. Потапов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Маҳкамов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозков, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А.-М. К. Бразаускас, СССР Радио саноати министрлиги радиоприборсозлик илмий-тадқиқот институтининг бош конструктори А. Г. Басистов, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлимининг мудири В. М. Фалин, Белоруссия Компартияси Минск область комитетининг биринчи секретари А. А. Малофеев, СССРнинг Буюк Британиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Л. М. Замятин, КПСС Ульяновск область комитетининг биринчи секретари Ю. Г. Самсонов, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари Е. Д. Похитайло, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг аъзоси А. П. Думачев, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Прокопьев, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси В. А. Коптюг, СССР Қора металлургия министри С. В. Колпаков, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институтининг директори Е. П. Велихов, СССР газ саноати министри В. С. Черномирдин, СССР кўмир саноати министри М. И. Шчадов, СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш давлат комитетининг раиси Ю. А. Израэль, СССРнинг Руминия Социалистик Республикасидаги элчихонаси иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси В. Г. Бойко сўзга чиқдилар.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевн СССР Олий Советининг Раиси лавозимига сайлашни тавсия этди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабу қилди.

Пленум якунида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Гор бачев нутқ сўзлади.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказ Комитет секретари Е. К. Лигачевнинг аризаси эълон қилинди (ариза ма буотда эълон қилинади), Пленум Е. К. Лигачевнинг аризасида ўртага қўйилга масалалар СССР Прокуратураси томонидан кўриб чиқилаётганини инобатга олд унинг натижалари маълум қилинади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугаллад

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1989 йил 19 май куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIII пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов «Қайта қуришни кучайтирайлик, ишда ташаббускор бўлайлик» мавзусида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов, Ўзбекистон ССР халқ таълими министри М. А. Зоидов, Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Қунназаров, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, Самарқанддаги «КПСС XXV съезди» химия заводининг лаборанти В. И. Черноштан, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. Худойберганова, Сариосиё район партия комитетининг биринчи секретари В. П. Хомяк, Қаршидаги СССР 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчимотористи Р. Н. Иванушкина, Янгиқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Х. Умурзоқов сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. (Доклад ва музокаралардаги нутқлар матбуотда эълон қилинади).

Пленум ўртоқ Н. И. Попов республикадан жўнаб кетганлиги ҳамда бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет аъзоси вазифаларидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари Р. Ашуралиев, А. И. Барулин, Ю. П. Гудков, Х. Р. Қуйбоқаров, В. П. Куксенко, Ю. В. Курочкин,И. Қўчқоров, У. Р. Мўминов, С. М. Нестеренко, Г. А. Стефановский, Ж. Ҳасанов ўртоқларнинг, шунингдек Марказий Комитет аъзолигига кандидатлар Р. Жўраева, К. И. Лапкин, А. Раҳимов, Р. Р. Сафаров, Тен Хай-Гюн, Б. Т. Турик ўртоқларнинг республика партия ташкилоти сайлаб қўйиладиган органларидаги ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисидаги илтимосларини қондирди. Ўртоқ Р. Н. Нишонов республика Компартияси Марказий Комитети составида бўлиб, амалга оширган ишлари учун ўртоқларга миннатдорчилик изҳор этиб, уларга эзгу тилаклар билдирди.

Пленум «Узглавживпром» Каттақўрғон саноат комплексининг директори Р. Д. Агабабян, Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри Б. И. Бугров, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг директори А. И. Глушенкова, Риштон районидаги «Сўх» совхозининг бригадири И. Жўраев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Ў. О. Зокиров, Хоразм область ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Р. Иброҳимова, Комсомолобод районидаги «Партия XX съезди» совхози партия комитетининг секретари Ф. Исроилова, Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари А. В. Козирь, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Н. И. Кучерский, Вобкент районидаги Калинин номли колхоз раиси М. Наврўзова, Бўка район партия комитетининг биринчи секретари Х. А. Пирнапа-

сов, Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг директори С. Н. Раҳмонова, Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси В. И. Сускин, рассом Ж. Ю. Умарбеков, Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ районидаги «Амударё» колхозининг балиқчиси У. Ўтегенов, Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз сут соғувчиси Ф. Ҳамидова, Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз бригадири Р. Д. Шодиева ўртоқларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Пленум ўртоқ П. Ҳабибуллаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ М. И. Иброҳимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди. Ўртоқ А. Ҳ. Тошкенбоев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Аграр бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

Пленум ўртоқ П. Ҳабибуллаевни Марказий Комитетнинг Ҳуқуқий масалалар комиссияси раиси вазифасидан озод қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ М. И. Иброҳимовни шу комиссиянинг раиси этиб тасдиқлади.

Партия турмуши нормаларини бузганлиги, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги ва порахўрлиги учун пленум Марказий Комитет аъзоси Ҳ. Умаровни КПСС сафидан чиқарди.

Пленум XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг демократия ва ошкораликни ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб ҳамда кадрлар билан ишлашни демократиялашга алоҳида аҳамият бериб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кадрлар резерви составини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети сектор мудирининг ўринбосари ўртоқ Г. А. Шипилов қатнашди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК XIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1989 ЙИЛ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети 1989 йил апрель Пленуми партия ташкилотларининг ҳозирги мураккаб босқичдаги иши учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлиб. партия ўз фаолиятига ўз-ўзини танқид назари билан қараётганини яна бир бор тасдиқлади. Пленум партиянинг барча бўғинларини ўртада турган вазифаларни ҳал этишнинг амалий йўлларини ҳалол ва ошкора таҳлил этиш ва белгилаб олишга, барча соҳалардаги ташкилотчилик ва сиёсий ишни зўр ғайрат билан авж олдиришга чақирди.

Бутун мамлакатда бўлгани каби республикада ҳам сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар демократиялаш жараёнларини ҳаракатга келтирди, оммани кенг миқёсда сиёсатга жалб этди, ижтимоий ўзлигини англаш тез ўсиб бормоқда. Бу нарса қайта қуришни ва партия сиёсатини қўллаб-қувватлаш референдумига айланган СССР халқ депутатлари сайловига тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида, айниқса, яққол намоён бўлди. Шу билан бирга, сайловолди йиғилишларида одамларнинг

социал соҳадаги, экологиядаги, миллатлараро муносабатлардаги етилган муаммолар суст ҳал этилаётганлигидан қониқмаётганликлари рўй-рост айтилди, баъзи масъулиятсиз унсурлар вазиятни кескинлаштириш, ўз манфаатларига эришиб олиш учун мана шулардан фойдаланишга уриндилар. Бундай шароитда айрим партия комитетлари вазиятни ҳамиша ҳам тўла-тўкис қўлга ола билмадилар, воқеалардан орқада қолдилар, баъзан аҳоли кенг табақаларини қўллаб-қувватлаш учун курашишга уқувсиз эканликларини намоён этдилар.

2. Баъзи бир ижобий силжишларга қарамай, аҳвол мураккаблигича қолаётган экономика ва социал соҳани юксалтириш вазифалари республика партия ташкилотлари олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги структура номутаносибликлари, қайта ишлаш тармоқларининг қолоқлиги, пахтанинг танҳо ҳукмронлиги, социал мақсадларга ва табиатни муҳофаза қилишга қолган-қутган маблағни ажратиш принципи салбий таъсир қилмоқда. Молиявий аҳвол ва пул муомаласидаги кескинлик кучайди, хўжасизлик ва интизомни бузиш ҳоллари катта зиён етказмоқда. Натижада озиқ-овқат ва товар етказиб беришда, уй-жой билан таъминлашда туб яхшиланиш рўй бермаяпти. Меҳнаткашлар навбат кутиб туришларга, сунъий танқчиллик келтириб чиқаришга, савдо ва хизмат соҳасининг, шаҳар транспортининг иши қониқарсиз ташкил этилганлигига, санитария ва экология ҳолати ўз ҳолига ташлаб қўйилганига ўзининг салбий муносабатини дангал билдириб, конкрет шаҳар, район, областлар, умуман республика партия, совет, хўжалик органларининг ишидаги камчиликлар сабабли шу аҳволга тушиб қолинаётганини ҳақли равишда айтмоқдалар.

Пленум партия комитетлари, совет органлари, министрликлар ва идоралар, хўжаликларнинг раҳбарлари ўзларининг амалий фаолиятини беш йиллик охиригача экономиканинг молиявий аҳволини соғломлаштиришни ниҳоясига етказишга, регионал хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш концепцияси асосида халқ хўжалигини бошқаришнинг мунтазам системасини шакллантиришга қаратишлари принципиал муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ялпи муҳокама натижаларини эътиборга олиб, республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг 1995 йилгача бўлган даврга мўлжалланган программаси лойиҳасини қўшимча равишда ишлаб чиқиб, уни шу йил июнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг қўшма мажлиси муҳокамасига киритиш таклиф қилинсин.

КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленуми ишлаб чиққан аграр сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш асосида яқин вақт ичида озиқ-овқат билан таъминлашда бурилишга эришилсин. Шу мақсадда қишлоқдаги янги иқтисодий муносабатлар, ижара мустаҳкамлансин, шахсий ҳовли ва боғ участкалари учун ер ажратишнинг қўшимча имкониятлари қидириб топилсин, республика районларининг мамлакат саноат марказлари ва бошқа регионлари билан ўзаро манфаатли асосдаги бевосита алоқалари ривожлантирилсин. Иқтисодий омиллар ва раҳбар коммунистларнинг масъулиятини ошириш орқали халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмларини кескин кўпайтириш таъминлансин. Министрлар Совети область ижроия комитетлари билан биргаликда ярим йилликнинг охиригача Уй-жой программасини амалга оширишдаги қолоқлик, қурилиш ташкилотларининг қониқарсиз ишлаши сабабларини аниқ-равшан ўрганиб чиқсин, камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрсин, шу жумладан социал соҳани ривожлантириш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш қурилишини янада қисқартирсин ҳамда бундан бўшаб қолган қувватлар ва ресурсларни уй-жой ва маданий-маиший объектлар қурилишига сарфласин. Экологик жиҳатдан зарарли ишлаб чиқаришларни ишлатишни тўхтатиш ва профилини ўзгартиришгача бўлган чораларни кўриб, экологик вазиятни соғломлаштириш билан конкрет равишда шуғулланилсин.

Область, шаҳар, район партия комитетларидан шу йилнинг май-июнь ойларида хўжасизлик ва интизомни бузиш фактлари юзасидан узил-кесил чоралар кўриш талаб қилинсин, айбдорлар қандай жавобгарликка тортилганлиги ва тартиб ўрнатиш учун нималар қилинганлиги кенг миқёсда ошкор этилсин. Хўжасизликка қарши кураш ишини мувофиқлаштириб туриш республика Халқ контроли комите-

тининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Парти контроли комиссиясининг зиммасига юклатилсин. Кооператив ҳаракатни ривож лантириш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи ҳеч кечиктирмай кўриб чиқилсин, ма жуд фактларга сиёсий баҳо берилсин ҳамда меҳнатсиз даромадлар ундириб олиш бойлик орттириш мақсадида кооперативлар тузилишининг ва мансабни суиисте мол қилишнинг пайи қирқилсин.

3. Пленум шуни таъкидлайдики, вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий вазия да мафкуравий ишдаги юзакичилик ва реалликдан ажралиб қолиш, партия кад лари ва активларининг бир қисми бу ишни одатдаги усулларда олиб боришдан в кечмаётганлиги тобора тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолга айланиб бормоқда.

Область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлар омма билан амалий алоқани мустаҳкамлашни, жамият турли қатламларини тў қинлантираётган муаммолар юзасидан улар билан бевосита мулоқот ўрнатишн одамларнинг фикр-ўйлари ва кайфиятларини ўрганишни асосий вазифа, де ҳисобласинлар. Шу билан бирга, ҳар бир коммунист, биринчи галда сайлаб қўйи. ган органларнинг аъзолари ва партия аппаратининг ходимлари бўлган коммунис лар ташвиқотчи ва тарғиботчи бўлиши, одамларни ҳақиқат билан, далил-исботла мантиқи билан, партиявийлик билан, социализмга содиқлик билан ишонтира ол. диган бўлишига асосланиб иш тутилсин. Республикада социал-иқтисодий тарa қиётни жадаллаштириш, маданият ва миллатлараро муносабат соҳасида йиғили қолган муаммоларни ҳал этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг моҳи ти ишонарли қилиб тушунтириб берилсин, одамларнинг аҳоли барча группалар ва қатламларини жипслаштириш асосидагина бу вазифаларни рўёбга чиқари мумкинлигини тушунишига эришилсин. Шу мақсадда матбуот, радио, телевидени бошқа оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланилси

Пленум партия комитетлари ва ташкилотларининг диққат-эътиборини таша бускор жамоат тузилмаларига эътиборни кучайтириш, уларнинг фаолиятида бунёдкорлик негизларини мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорлик шаклларини ке гайтириш, ўртада турган муаммоларни ҳал этиш соҳасидаги амалий ишга уларн жалб қилиш зарурлигига қаратади. Айни вақтда айрим масъулиятсиз унсурла нинг вазиятни издан чиқариш, ҳис-ҳаяжонни авж олдириш йўлидаги уринишлар ни янада қатъият билан фош қилиш ва пайини қирқиш, шу мақсадда ишонтири ишлари билан бирга, қонун кучидан омилкорлик билан фойдаланиш лозим.

Барча соғлом ижтимоий кучларни ҳуқуқбузарликка ва жиноятчиликка қарш курашга отлантирайлик, ҳамма жойдаги прокуратура, суд, милиция органлар қонунга тўла мувофиқ равишда қатъият ва билимдонлик билан ҳаракат қилиш ларига эришайлик. Уларнинг кадрлар составини мустаҳкамлаш иши давом этти рилсин.

4. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил апрель Пленумида таъкидланган дек, ҳозирги шароитда партия комитетлари эски сийқа усуллардан ва одат бўли қолган кабинет иш формаларидан қатъият билан воз кечишлари зарур. Уларнин кўплари ишни янгичасига ташкил эта олмаяптилар, улар ҳамиша ҳам ташаббус қўлга олмаяптилар, бошланғич партия ташкилотларининг имконият ларига қаттиқ таянмаяптилар. Кадрлар ишида анкета-номенклатура қараб ёндашиш, масалаларни тор доирада ҳал этиш услуби бутунлай тугатилга эмас. Бағритошлик, одамларга эътиборсизлик фактларига, раҳбарларнинг қабу. га келувчиларга номақбул бир нарса деб қараш фактларига кўпинча партияви баҳо берилмаяпти.

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари демократиялаш в ошкораликка асосланган сиёсий иш усуллари ва услубини активроқ ўзлаштири олишлари, ўз фаолиятларини одамлар билан алоқа ва маслаҳат орқали таққосла олиб боришлари лозим. Партия комитетларининг тузилган комиссиялари амали ишга солиб юборилсин, коллектив раҳбарлик, талабчанлик, сўз билан ишнинг бир лиги вазияти вужудга келтирилсин, сайлаб қўйилган органлар аъзоларинин конкрет соҳа учун, партия қарорларининг бажарилиши учун шахсий масъулият оширилсин.

Ташкилотчилик иши қатъият билан бошланғич партия ташкилотларига в меҳнат коллективларига кўчирилсин, уларнинг турмуши ва муаммолари яхш билиб турилсин, конкрет вазифаларни ҳал этишда амалий ёрдам берилсин. Қуй.

партия бўғинларининг жанговарлик қобилиятини оширишда ички партиявий ишнинг ўзини оқлаган шакллари ва усулларидан, илғор тажрибадан тўлиқроқ фойдаланилсин. Ҳар бир коммунист қайта қуришдаги ўз ўрнини топиб олишига, партия йўлини принципиал ўтказишига эришилсин, сифатли танлаб олиш орқали партия сафларига янги кучларнинг келиб туриши таъминлансин. Кадрларга оид ишларни янада демократиялаш, раҳбарларни мусобақа, конкурс асосида сайлаб қўйиш таъминлансин, ходимнинг типига қараб кадрлар резервини ошкора шакллантириш тажрибаси орттирилсин, уларнинг сиёсий ва касб-кор жиҳатдан ўсишига ёрдам берилсин. Раҳбар коммунистларга топширилган иш учун, коллективлардаги соғлом маънавий-руҳий муҳит учун, инсонга эътибор билан қаралиши, одамларни қайта қуриш вазифалари теварагида жипслаштириш маҳорати учун кўпроқ талабчанлик билан ёндашилсин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК XIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КАДРЛАР РЕЗЕРВИ ТЎҒРИСИДА

1. Раҳбар партия ва совет ишларига кўтариш учун кадрлар резервининг шахсий состави асосан маъқуллансин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси пленум қатнашчилари билдирган мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олиб, таклиф этилган кадрлар резерви составини қўшимча равишда ишлаб чиқсин.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси, Марказий Комитет бўлимлари, область партия комитетлари XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларига, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорларига мувофиқ бутун кадрлар сиёсатини демократиялаш, ошкоралик, асосий эътиборни резервлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, уларни ўсиш истиқболларини назарда тутиб тарбиялаш, раҳбар партия, совет, идеология ишларининг энг муҳим соҳаларини мустаҳкамлаш асосида резерв билан ишлашни қайта қуришга оид амалий тадбирларни рўёбга чиқарсинлар.

Кадрлар резерви билан иш олиб боришда, улар ўқуви ва стажировкадан ўтишини йўлга қўйишда Марказий Комитет, партия комитетлари комиссияларининг ва бошланғич партия ташкилотларининг роли оширилсин. Резервдаги кадрларнинг партия комитетлари пленумларида, бюро мажлисларида, ўз номзодларини кўрсатган коммунистлар ва меҳнат коллективлари ҳузурида мунтазам ҳисобот беришлари йўлга қўйилсин.

Кадрлар резерви билан олиб бориладиган бутун ишни уларда юксак сиёсий ва ишчанлик фазилатларини, билимдонликни, марксизм-ленинизм таълимотини, омма орасида ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик иш методларини муттасил эгаллашни тарбиялашга қаратилсин. Кадрлар ошкоралик маданиятига демократия шароитида мубоҳаса, ўртоқларча мунозара юрита билишга ўрганишлари, амалда коммунистлар ва меҳнаткашларнинг эътироф этилган етакчилари бўла олишлари, ишлаб чиқариш ва жамоат турмушининг конкрет соҳасида қайта қуриш вазифалари ҳал этилишини таъминлай билишлари муҳимдир.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Э. МАҲМУДОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚУРИЛИШ КОМПЛЕКСИ: САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИНИНГ ҳамма соҳаларида қайта қуриш жараёни авж олиб, экономикани ва социал соҳанинг ривожланишини жадаллаштириш, социал адолат принципларини қарор топтириш, демократия шароитида меҳнаткашлар ижодий активлигини янада қулф урдириш учун партия ва мамлакатдаги барча тараққийпарвар кучлар олиб бораётган кураш кучайиб бормоқда. СССР халқ депутатлари съездида ёрқин намоён бўлганидек, одамлар ўз масъулиятларини сеза бошладилар, қайта қуришга ишониб, олға ва фақат олға муттасил ҳаракат қилишни талаб этмоқдалар.

Ўзбекистон бинокорларининг кўп минг кишилик отряди ҳам туб иқтисодий ва социал ўзгаришларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшаётир. Тармоқнинг хўжаликни юритиш янги методларига — хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқаришга ўтказилиши регион экономикасини янада мустаҳкамлашга ва умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ролининг ошишига ёрдам бермоқда. Аммо, неча ўн йилликлар давомида тўпланиб қолган камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар бу жараён йўлида тўғаноқ бўлмоқда. Мавжуд ютуқлар эса аввало давлатнинг ва ўзи ишлаб топган маблағнинг ҳар бир тийинини тежаётган илғор ишлаб чиқариш коллективлари самарали ишининг натижасидир. Ҳозирги кунда худди ана шу коллективлар хўжалик соҳасидаги бутун қайта қуриш «юкини» ўз зиммаларига олиб, орқада қолаётган «шериклари»ни (ўз манфаатлари ҳисобидан) қўллаб-қувватламоқдалар ва натижада ўртача тармоқ кўрсаткичлари пасайиб кетишига йўл қўймаётирлар.

Аммо бундай аҳволни адолатли деб бўлмайди, бу ҳол давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунига ва қайта қуриш мақсадларига мувофиқ келмайди. Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқаришда тайёрга айёрликка қатъий тўсиқ қўйиш пайти келди: зарар, нобудгарчилик ва брак учун ана шу нуқсонларга йўл қўйган киши жавоб бериши керак. Ишлаб чиқариш коллективлари ютуқларини кўпайтиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган ташаббус, омилкорлик, новаторлик ва бошқа қимматли ҳаракатлар ҳар томонлама рағбатлантирилиши лозим. Ишнинг ана шу тахлитда йўлга қўйилиши иқтисодий ва социал адолат талабларига жавоб берган бўлур эди. Аммо бу нарса ҳаётда ҳали қатъий қарор топгани йўқ, чунки ҳаракатга қараганда кўпроқ чақириқларга шиорларга зўр берилаётир. Кўпгина тармоқларда, шу жумладан қурилишда капитал маблағлар самарадорлигининг оширилишини таъминлайдиган иқтисодий механизм ишлаб чиқилмаганлигига, бу соҳада ресурсларни тежаш ҳал қилувчи омилга айланмаганлигига, материал ҳаддан ташқари кўп ишлатилаётганлигига шу нарса сабаб бўлмаётганмикин?

Шуниси ажабланарлики, қурилиш кўламлари ва географиясида, қурилиш жараёни технологиясида, ишлатилаётган меҳнат предметлари ва қуролларида

МАҲМУДОВ Эркин Ҳамзаевич, иқтисод фанлари кандидати, Тошкент халқ хўжалиги институти саноат экономикаси кафедрасининг мудири.

кадрлар сони ва малакасида ғоят катта ўзгаришлар бўлганига қарамай, тармоқда қўл меҳнатининг улуши ҳамон жуда кўп, объектларни топшириш муддатлари бузилмоқда, уларнинг смета қиймати бир неча бор ошиб кетмоқда. Кўпгина ҳолларда қурилиш сифати танқиддан тубан бўлмоқда. Объект топшириладиган пайтгача объектлар, уларнинг айрим қисмлари ёки иш турларида кўпинча жиддий нуқсонлар ва камчиликлар бўлади, бу эса истеъмолчилар (буюртмачиларнинг) адолатли норозиликларини келтириб чиқаради, қурувчилар меҳнатини обрўсизлантиради ва айни вақтда ижтимоий маблағларнинг қўшимча сарфланишига, қурилиш комплекси самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Фактларга мурожаат қилайлик. Статистика маълумотларига кўра, 1988 йилнинг биринчи ярмида республика қурилиш комплекси пудрат ташкилотларининг чорак қисмидан кўпроғи қурилиш-монтаж ишлари планини, тахминан шунчаси меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқни бажармади, корхоналар ва пудрат ташкилотларининг анчагина қисми меҳнат унумдорлигини ошириш суръатига қараганда иш ҳақи ўсишининг суръати устун бўлишига йўл қўйди. Ишга тушириладиган объектларга доимо алоҳида эътибор бериб турилганига қарамай, уларда пудрат ишларининг бажарилиш даражаси умуман қурилишдагига қараганда пастроқ бўлди ва 95 процентдан сал кўпроқни ташкил қилди.

Комплексда молиявий аҳвол беқарор бўлиб қолмоқда — юқорида айтилган давр ичида пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотларининг ҳар бештасидан биттаси молиявий натижалар бўйича планни бажармади. Ўзбекистон ССРда зарар келтириши планда кўзда тутилган ва давлат бюджетидан йилига тахминан 150 миллион сўм олиб турадиган пудратчи ташкилотлар борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қурилиш комплексида молиявий (ва бошқа турдаги) талафотлар нақадар катта бўлаётганлигини англаб олиш қийин эмас.

Маълумки, фойда ва рентабеллик — корхоналар ва ташкилотларни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказишнинг асосий шартидир. Коллектив зарур маблағларни ишлаб топмаса, ўз ишлаб чиқариш ва социал фаолиятини маблағ билан таъминлай олмайди, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлай олмайди. Бундан буён, илгари бўлганидек, «юқоридан» доимий ёрдам, турли дотациялар тарзидаги мададни кутиб ўтиришнинг иложи йўқ. Шу сабабли ҳозирги кунда молиявий натижалар бўйича планни бажариш, айтайлик, асосий фондларнинг ва ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишини таъминлашдек муҳимдир. Ваҳоланки, қурилиш ишлаб чиқаришининг ана шу энг муҳим кўрсаткичлари соҳасидаги ишнинг аҳволи кўнгилдагидек эмас. 1986—1987 йилларнинг ўзида республикада ишлаб чиқариш қувватлари ўз вақтида фойдаланишга топширилмаганлиги оқибатида мўлжалдагидан ярим миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот кам олинди. Бу эса ўз навбатида миллий даромад шаклланишига таъсир кўрсатди, шу давр ичида миллий даромад 10,7 процент ўрнига фақат 1,4 процент ошди. Афсуски, 1988 йилнинг якунлари бўйича республикамиз тағин асосий фондларни ишга тушириш планини бажара олмади.

Қурилиш комплексининг хўжалик механизмини такомиллаштириш соҳасида рўй бераётган аҳвол ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Умуман бу жараён кўпгина ишлаб чиқариш ва социал муаммоларни ҳал этишга, меҳнат коллективларидаги вазиятга ижобий таъсир кўрсата бошлади. Аммо, таҳлил шуни кўрсатдики, янги хўжалик механизмининг афзалликлари тўла-тўкис рўёбга чиқарилмаётир. Давлат буюртмасини шакллантиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилди, бу буюртма амалда ҳамма жойда ишлаб чиқаришнинг бутун ҳажмини қамраб олди. Аммо менинг фикримча, энг муҳими шуки, давлат буюртмаси планлаштиришнинг ролини янги даражага кўтармади, корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик соҳасидаги мустақиллиги учун шароит яратмади. Иқтисодий нормативлар ҳам ҳозирги талабларга жавоб бермаётир, улар ҳамон «заиф» корхоналар ва ташкилотларнинг «бақувват» корхона ва ташкилотлар ҳисобига бемалол яшашларига имкон бераётир. «Ўзгалар» фойдасини хоҳлаганларича тасарруф қилаётган министрликлар ва бошқармалар ҳам ҳозирги талаблар даражасида бўлишмади.

Қурилиш комплекси корхоналари ва пудратчи ташкилотларининг кўплари хўжаликни юритишнинг янги шароитида ишлашга тайёр эмасликлари аҳволни янада мураккаблаштирмоқда. Мавжуд маълумотларга кўра, хўжалик ҳисобининг

иккинчи моделига — ялпи даромадни нормативлар бўйича тақсимлашга асослана диган ва ишлаб чиқариш коллективи зиммасига тўла куч билан ишлаш мажбу риятини юклайдиган коллектив пудрат моделига ўтишга ҳозирча республика қури лиш-монтаж трестларининг 5 процентигина қарор қилди.

Кўриниб турибдики, қурилиш комплексида ҳал этилмаган муаммолар ҳа этилганларига қараганда кўпроқдир. Шу муносабат билан КПСС XXVII съезди қўйилган қуйидаги вазифа алоҳида аҳамиятга эга: «Бутун қурилиш комплекс янги индустриал ва ташкилий даражага кўтарилсин, корхоналарни реконструкци қилишда ҳам, янги объектлар қурилишида ҳам инвестиция цикли камида икк баравар қисқартирилсин». Қурувчилар ана шу умумдавлат вазифасини ту иқтисоий ислоҳотни амалга ошириш ва хўжалик юритишнинг янги методлари ўтиш билан бир вақтда ҳал этишлари кераккки, бу нарса ниҳоят қурилиш комплек сини муттасил қолоқликдан олиб чиқиш ҳамда унга сарфланаётган маблағла самарадорлигини ошириш, унинг фан-техника тараққиёти ва социал тараққиётн жадаллаштиришдаги ролини кучайтириш имконини берсин.

Тўғри, қурилиш тармоғи пудратчи ташкилотлари ва корхоналарининг, хусу сан, йиллик ва перспектив планлардан келиб чиқадиган, ташкилий-техника тад бирлари билан, илғор тажрибани айирбошлаш ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлга бошқа ўзларига хос вазифалари ҳам бор. Ўзбекистон ССР Олий Совети Прези диумининг «Ўзбекистон ССР давлат бошқарув органлари системасидаги ўзгариш лар тўғрисида» 1988 йил 27 июль Фармони қабул қилинганидан кейин уларда янг ташвишлар вужудга келди. Бундай шароитда майда-чуйда масалалар билан ўра лашиб қолмаслик, асосий вазифаларни иккинчи даражадаги вазифалардан кечиктириб бўлмайдиган биринчи навбатдаги вазифаларни бемалол «кейинг қолдирса бўладиган» вазифалардан тўғри ва ўз вақтида фарқ қила билиш ғоя муҳимдир.

Қуйи пудратчи ташкилотларга ҳам, бутун қурилиш комплексига ҳам ўз эко номикасини тубдан соғломлаштиришни ва партия қўйган вазифаларни муваффа қиятли бажаришни таъминлаш имконини берадиган стратегия нимага асосланиш мумкин? Тўғри, тармоқда зарур тартибни бир лаҳзада ўрната оладиган, барч кўрсаткичларни ўнглаб олиш имконини берадиган сеҳрли таёқча йўқ, албатта Қурилиш ишлаб чиқаришининг характерини — иш жойининг муқим эмаслиги қурилаётган объектлар обод марказлардан йироқда бўлиши, табиий муҳитнин бевосита таъсирини ҳамда тармоқнинг ютуқларини кўпайтиришга ҳамиша ҳа ёрдам бермайдиган бошқа шароитларни назарда тутиш керак. Унумсиз харажат лар қурилиш конвейерининг бир меъёрда ишламаслигида ва унинг самара пасайишида катта роль ўйнайди. Масалан, 1987 йилда Ўзбекистон қурилиш ташкилотларининг талафотлари ва унумсиз харажатлари 155 миллион сўмда кўп бўлди. Прогуллар, бекор туриб қолишлар, маъмурият рухсати билан иш келмаслик қурилиш-монтаж ишларида ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларда 280 мин киши-кундан кўпроқ вақтнинг беҳуда кетишига сабаб бўлди.

Бу ўринда изоҳнинг ҳожати йўқ. Қурилишда вақтнинг беҳуда кетиши айнии са қимматга тушаётир, чунки бу нарса шу тармоқнинггина эмас, балки бутун ха хўжалигининг ривожланиш суръатларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ш сабабли қурилиш комплекси самарадорлигини ошириш резервларини аввало жа миятнинг бебаҳо ва ўрнини тўлдириб бўлмайдиган бойлиги — иш вақтининг беҳу да кетишига қарши курашдан излаш керак. К. Маркснинг қуйидаги сўзларин эсга олайлик: «Айрим шахс учун ҳам, жамият учун ҳам унинг ҳар томонлам ривожланган бўлиши, унинг истеъмоли ва унинг фаолияти вақтни тежашга боғ лиқ... Демак, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари бўйича иш вақтини планл тақсимлаш сингари вақтни тежаш ҳам коллектив ишлаб чиқариш асосида биринч иқтисодий қонун бўлиб қолади» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 46, ч. I с. 116—117).

Илгари бошқа тармоқларда бўлганидек, қурилишда ҳам иш вақтининг зо кетишини тугатиш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш резервларини аниқлаш мақсадида иш куни фотографияси, технология процессларининг хронометраж ўтказилар эди. Ҳозир бу иш билан асосан статистика органлари, илмий-тадқиқо ва ихтисослашган муассасалар, шунингдек алоҳида тадқиқотчилар шуғулланмоқ далар. Аксарият қурилиш ташкилотлари эса буни «унутиб қўйишган». Одатда

иш жойларида, қурилиш майдончаларида меҳнат интизоми бўшашиб кетган бўлса, қурилиш материалларини сақлаш ва улардан фойдаланишга эгаларча муносабат бўлмайди, талабчанлик вазияти вужудга келтирилмаган бўлади. Бу жиҳатдан чет эллардаги қурилиш тажрибаси диққатга сазовордир, у ерларда нобудгарчилик ва бекор туриб қолишлар учун албатта бирор кишидан жавоб талаб қилинади. Масалан, техниканинг иш билан тўла таъминланмаслиги, қурилиш майдончасидан автотранспортнинг бўш кетиши ёки унинг бекор туриб қолиши дарҳол эътиборга олинади ва албатта нормага риоя қилмаган ходимнинг иш ҳақига таъсир қилади. Яъни одамлар ой охирида мастер ёки прораб томонидан бажарилган ишлар ҳақидаги хотиралар асосида ёпиладиган наряд бўйича эмас, балки ишларига қараб ҳақ оладилар. Шуни тан олиш кераккки, мамлакатда хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг энг яхши формаси деб топилган меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг коллектив формаси қурилиш ишлаб чиқаришида нобудгарчиликнинг тамомила йўқ қилинишини таъминламади. Коллектив қатнашчилари ўртасида талабчанлик муносабатларини кучайтирган ҳолда ижроия интизоми қатъият билан оширилсагина аҳволни тузатиб олиш мумкин. Брак, пала-партишликнинг, иш жойида бекор ўтиришнинг олди дарҳол олиниши ва бу иллатлар албатта иш ҳақига таъсир кўрсатиши керак. Давр ҳам, экономиканинг ҳозирги аҳволи ҳам шуни тақозо қилади.

Аммо, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни шу тарзда ташкил этиш учун менинг фикримча, аввало қуйи бўғин ходимлари — мастерлар, бригадирлар, прораблар ва участка бошлиқларининг ролини анча ошириш керак, чунки, қурилишдаги иш мароми ва унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан шуларнинг фаолиятига боғлиқ. Чунончи, тармоқдаги экономиканинг мусбат ва манфий томонлари текшириб кўрилган эмас, улар айни шу қурилиш майдончаларида, ана шу ходимлар кўз ўнгида рўй беради. Шу сабабли қурилиш ишлаб чиқаришининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ана шу ходимларга боғлиқ. Уларнинг роли ва масъулиятининг оширилиши айни вақтда моддий рағбатлантириш системаси билан мустаҳкамланиши керак. Бу система эса СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС 1985 йил декабрда қабул қилган «Саноат бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларидаги мастерлар, участка ва цех бошлиқларининг ролини янада ошириш ҳамда улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган.

Аммо, қурилиш комплексидаги барча муаммоларни ҳал этишда қуйи бўғин ходимларининг кучигагина ишониб ўтириш гўллик бўлур эди. Ҳозирги кунда деярли ҳар бир бинокор қурилиш комплексидаги нуқсонларнинг сабаблари орасида лойиҳаларда йўл қўйилган камчиликлар ва хатоларни, бу лойиҳалар фан-техника тараққиётига унча асосланмаётганлигини кўрсатди. Ҳар қандай объект лойиҳадан бошланишини назарда тутар эканмиз, бу ишда ижобий силжиш бўлмай туриб, қурилиш экономикасида ҳам, техникасида ҳам кўпгина масалаларни муваффақиятли ҳал этишга, тармоқнинг илғор марраларига чиқиб олишига умид боғлаш қийин.

Ватанимиз қурилиш индустриясидаги яна бир муҳим ва ҳал этилиши қийин бўлган масалалардан бири — таъминотдир. Айрим жойларда ўтказилган тадқиқотлар ва таҳлил шуни кўрсатадики, республика қурилишларида бекор туриб қолишларнинг тахминан чорак қисми қурилишлар моддий таъминоти системасининг пухта эмаслиги, у ёки бу ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқдир. Масалан, 1987 йилда Ўзбекистон бинокорлари мўлжалдагидан 245 минг кубометр иморатбоп ёғоч, 150 тоннадан кўпроқ цемент, кўпгина миқдорда тахта, қора металл прокатини кам олишди. Темир-бетон ва бетон конструкциялар, сантехника буюмлари кўпинча комплекс тарзда ва сифатли бўлмайди, қум-шағал талабларга ва техника шартларига мос келмайди. Бу камчиликлар, афсуски, бартараф этилмаётир ва қурилиш комплексининг самарали ишлашига жиддий халақит бермоқда.

Лойиҳаларсиз ҳам, моддий ресурсларсиз ҳам қурилиш ишларини олиб бориб бўлмайди — бу ҳаммага маълум ҳақиқат. Материаллар билан таъминланган қурилишгина белгиланган муддатларда битказилиши ва халқ хўжалигига тегишли самара келтириши мумкин. Бинобарин, бинокорлик материаллари индустрияси корхоналарининг самарали ишини йўлга қўйиш, бунинг учун эса уларга тегишли мадад кўрсатиш, уларнинг кўпларини реконструкция қилиш ва техника билан

қайта қуроллантириш керак. «Бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш қувват ларини оширишнинг 1988—2000 йилларга мўлжалланган комплекс программаси ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилаётганлиги мазкур проблемага республика раҳбарияти эътибор бераётганлигининг далилидир. Энди гап бу программанинг изчиллик билан амалга оширилишидадир.

Халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб инвестиция сиёсатида ҳам муайян ўзгаришлар кўзда тутилган. Хусусан, бунда гап маблағларга қараб қуриш, айни вақтда қурилаётган объектлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик, капитал маблағлар сарфланадиган асосий йўналишларни пухта ўйлаш ҳақида бормоқда. Қурилиш практикаси шуни кўрсатадики, узоқ вақт давомида «ялпи кўрсаткич» кетидан қувиб, кўпинча одамларга зарур бўлган объектлар қурилмай қоларди. Қурилишда ишлаб чиқариш объектларига зўр бериш ишлаб чиқариш ва фонд самарадорлигининг пасайишига олиб келди. Реконструкция ва техника билан қайта қуроллантириш ниқоби остида кўпинча янги қурилиш бошлаб юборилардн ва бу жараён узоқ йилларга чўзилиб кетарди. Планлаштиришдаги маъмурий методлар кўпинча қурилиш ташкилотлари қувватларининг қурилиш программаси билан балансли бўлмаслигига олиб келар, натижада бутун қурилиш комплекси ишидаги маълум камчиликларга сабаб бўларди.

Давлат планини пеш қилиб, инвестицияларга идоравий ёндашишни фақат директив пландан воз кечиш орқалигина бартараф этиш мумкин, бугунги кунда бу тобора равшан бўлиб қолмоқда, шу сабабли иқтисодий, шу жумладан, жойлардаги қурилишда инвестицион ҳокимиятни территорияларга, меҳнат коллективларига бериш адолатли бўлади, чунки улар ўз эҳтиёжларини пойтахтлардаги планчилардан ёки министрликларнинг раҳбарларидан яхшироқ билишади. Лекин бу, биринчидан, қуйи бўғинларга реал мустақиллик берилса, иккинчидан, уларни маблағига қараб иш тутишга ундайдиган иқтисодий механизм вужудга келтирилса, ва учинчидан, ҳақиқатан ҳам зарур объект қуриладиган бўлсагина самара келтириши мумкин.

Қурилиш комплекси самарадорлигини оширишнинг капитал қурилишни бошқариш системасини такомиллаштириш сингари муҳим жиҳати устида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Бошқаришнинг ташкилий структураси ва методлари қанча мукаммал бўлса, иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари — меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иш сифатини ҳар томонлама яхшилаш омиллари шу қадар тўлароқ ишга солинишини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. КПСС XXVII съезди бошқариш ва хўжалик юритиш системасини комплекс ривожлантириб, планлаштириш, иқтисодий омиллар ва стимуллар, бошқаришнинг ташкилий структураларининг узвий бирлигини ва самарали ҳамжиҳатлигини таъминлаш; бу система эътиборини ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив омилларидан фойдаланишга қатъий ўтишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ижтимоий талабларни тўла қондиришга қаратиш вазифасини қўйганлиги бежиз эмас.

Қайта қуриш давригача таркиб топган қурилиш комплексини бошқариш структураси бугунги кун талабларига жавоб бермай, ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлида муайян тўсиқ бўлиб қолди. Баҳайбат ва кўп идорали бошқариш тарқоқ ва кам самарали эди. Ҳаддан ташқари кенгайиб кетган бошқариш аппарати вужудга келган вазифаларни оператив ҳал қилишга ёрдам беришга қараганда кўпроқ халақит бера бошлади. Республика областлари ва шаҳарларида параллел ишлаётган ҳамда турли министрликлар ва идораларга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар бўлиб, уларнинг структураси ва бажарадиган ишларининг состави кўпинча тахминан бир хил эди.

Буларнинг ҳаммаси, табиийки, самарадорликка ва капитал қурилишнинг бошқа кўрсаткичларига таъсир ўтказмай қолмади. 1980 йилга нисбатан республика бўйича битта қурилиш-монтаж трестининг нагрузкаси ўрта ҳисобда қарийб 1 миллион сўм, бошланғич пудрат ташкилоти (қурилиш бошқармаси, қурилиш-монтаж бошқармаси, механизациялашган кўчма колонна ва ҳоказо) нагрузкаси 0,3 миллион сўм камайди. Халқ хўжалиги тармоқлари оладиган фойда структурасида қурилишнинг улуши сезиларли даражада камайиб кетди.

Афсуски, бундай аҳвол Ўзбекистондан бошқа жойларда ҳам вужудга келди

Партия ва ҳукумат 1986 йил сентябрида бутун мамлакат миқёсида қурилиш комплексини бошқаришни такомиллаштириш ҳақида қарор қабул қилганлиги бунинг далилидир. Қурилишни бошқариш системасининг пухта бўлишини таъминлаш, параллелизм, бир ишни такрорлаш ва кўп бўғинликни тугатиш, қурилиш-монтаж ташкилотларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига шартнома мажбуриятларининг бажарилиши натижаларига қараб, ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларининг ишга туширилишига қараб баҳо бериш, фойда ва меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириқларининг бажарилишига, технология босқичлари ва ишга тушириладиган комплекслар бўйича пудрат ишлари ҳажмига қараб баҳо бериш вазифаси қўйилди. Умуман, капитал қурилишни бошқаришнинг территориал-тармоқ принципини кучайтириш йўли белгиланди.

Республикамизда қурилишни бошқариш системасини тартибга солиш тадбирлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг тегишли қарорида, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг юқорида эслатилган 1988 йил 27 июль Фармонида ўз аксини топди. Ана шу ҳужжатларга биноан бир қатор қурилиш министрликлари ва идоралари ўрнига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг доимий органи — Давлат қурилиш комитети (Госстрой) тузилди, маҳаллий Советлар составидаги тегишли органлар қайта қўриб чиқилаётир. Республикада территориал ва ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмалари ва трестлари қурилиш комплексини бошқаришнинг асосий бўғини бўлиб қолиши лозим. Лойиҳалаш-қидирув фаолияти системаси марказлашган тус олмоқда, унинг фан-техника тараққиётига эътибори кучаймоқда.

Аммо, қурилишни бошқаришнинг янги системаси механизми узил-кесил ишлаб чиқилди ва ҳамма даражаларда тўла куч билан ишлаётир дейишга вақт эрта. Қурилишда ишлаб чиқариш бирлашмаларини тузиш масалалари ҳозирча ғоят журъатсизлик билан ҳал этилаётир. Маълум министрликлар ва идораларни тугатишда оперативлик кўрсатилдию, лекин бирлашмалар тузилишида сусткашлик қилинаётир. Бунда гап қандайдир шошмашошарлик ҳақида бораётгани йўқ, шошмашошарлик зарар келтириши мумкин. Корхона ёки муассасани тузиш ёки тугатиш пайтида пухта ўйлаш ва асослаш зарур. Аммо сансалорликка, масалан, Главташкентстрой масаласини ҳал этиш пайтидаги имиллашга йўл қўйиб бўлмайди, албатта.

Шуни яна бир карра таъкидламоқчиманки, қайта қуриш шароитида қурилиш комплекси самарадорлигини ошириш учун унинг бошланғич бўғинлари — ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмалари ва трестлари ролини ва мустақиллигини кескин кучайтириш лозим. Бусиз қурилишни бошқаришнинг янги системаси ҳам кутилган самарани бермайди. Комплекснинг ҳар бир бўғини ўрни ва вазифаларини, ҳисоб-китоб параметрларини, ишлаб чиқариш алоқаларини ва қурилишни ташкил этишнинг бошқа жиҳатларини аниқ белгилаб берадиган қурилишни бошқаришнинг яхлит системасини вужудга келтириш пайтида шу нарсалар ҳисобга олиниши керак.

Проблема хусусида мулоҳазалар

Қуйида эълон қилинаётган мақола муаллифи партия аъзолари бир қисмининг пассивлигини бартараф этиш зарурлиги хусусида журналимизда бошланган суҳбатни (1989 йил № 2) давом эттириб, Лениннинг ғоявий меросига мурожаат қилган ҳолда бугунги куннинг асосий масаласини — партия ва қайта қуриш масаласини қараб чиқади.

В. АРДАТОВ

ЛЕНИННИ ЎРГАНАЙЛИК, ЛЕНИНЧАСИГА ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК!

ПАРТИЯ ва қайта қуриш бугунги кунда энг долзарб мавзу бўлса ажаб эмас Буни тушунса бўлади. Ишчилар синфининг революцион партияси зарурлиги марксизмнинг асосий ҳужжати — «Коммунистик партия манифести»да эълон қилинганидан бери революцион авангард проблемаси атрофида бетўхтов идеологик кураш бормоқда. У айниқса ўзгариш ясайдиган тарихий воқеалар пайтларида кескинлашяпти, олдинги ўринга чиқяпти. Партияга, унинг характери ва ролига муносабат ишчилар ҳаракатидаги чинакам революционликнинг имтиҳони бўлиб қолишда давом этяпти.

Эски баҳслар, авангард партия учун ўз вақтида Маркс, Энгельс, Ленин ва уларнинг сафдошлари олиб борган ғоявий кураш ҳеч ҳам тарих мулки бўлиб қолгани йўқ, алалхусус, ўз вақтида марксистлар томонидан тор-мор этилган ривожланган капитализм билан биргаликда авангарднинг роли хусусидаги майда буржуа тасаввурларининг тикланиши учун социал замин, афсуски, йўқолаётгани йўқ. Ҳозир ҳам жуда кўпларни ҳаяжонлантираётган ушбу мавзуни муҳокама қилиш оддий суҳбатларда ҳам, расмий мажлисларда ҳам, матбуотда ҳам состави бўйича ғоят хилма-хил бўлган аудиторияларда ҳам бормоқда. Айтиш керакки, эҳтирослар жўш уряпти. Бир томондан, шахсга сиғиниш ва турғунликнинг узоқ давом этган давридан сўнг, бу давр мобайнида қандайдир даражада ушбу системалар таянчи бўлиб хизмат қилишга мажбур бўлган партия ўз хатоларини тан олиш учун ўзида куч топганлиги ва шу билан, айтганларидек, ўтни ўзига қаратганлиги учун шундай бўляпти. Бошқа томондан, тилга олинган системалар ҳақиқатан ҳам партия ташкилотларининг жанговарлигини сусайтириб, уларнинг партиясиз оммага таъсирини жиддий равишда заифлаштирган, ошкоралик давригача сукут сақлаган эдилар, ҳозир эса ғоят очиқ-ойдин ва юз-хотир қилмасдан тилга кирдилар.

Бундай вазиятда қайта-қайта Ленинга мурожаат қиламиз. У айни партияни халқнинг йўлбошчиси деб тушунган эди. Партия раҳбарлари у билан биргаликда сиёсатни ишлаб чиқадилар, партия ҳам сиёсатни халқ билан биргаликда ишлаб чиқади. Фақат ана шундай йўл билангина ленинча партия концепциясини тиклаб бориш мумкин. Шу сабабли Владимир Ильичнинг ушбу сўзлари ғоят долзарб янграмоқда: «...Биз халқнинг кўнглидагини тўғри ифода қилсаккина идора қила биламиз» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 131-бет).

Лекин ишлаб чиқилган сиёсат, қабул қилинган қарор ишнинг бошланишигина, холос. Улар ортидан омма ўртасидаги ташкилотчилик иши изма-из бориши керак, чунки ҳаётда мужассамланмаган директива эзгу истаккина бўлиб қолади

АРДАТОВ Владислав Дмитриевич, Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг (Тошкент шаҳри) биринчи секретари.

Фақат партия ҳамда унинг раҳбар муассасаларининг коллектив ғайратигина белгиланган йўлни миллионларнинг амалий ишларига айлантиришга қодир.

Ҳозир биз демократик централизмни, ички партия демократиясини амалга оширишда ленинча услуб, ленинча ёндашишнинг, партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлигини, партия оммаси активлиги ва мустақиллигини ривожлантиришни ленинча тушунишнинг тикланиши хусусида кўп сўзлаяпмиз ва ёзяпмиз. Хўш, ишларимизга жиддийроқ назар ташласакчи? Кўп нарсалардан ҳозирча воз кечганимиз йўқ. Бизларда волюнтаризм ва турғунлик йилларида шаклланган, фаолиятсизлик ва «ёмонликка қаршилик кўрсатмаслик»нинг ўз ҳолича қулай бўлган позицияси мавжуд эдики, у ҳанузгача яшаб келаётган «Менинг бир ўзим нима ҳам қила оламан?» деган важ билан хаспўшланиб келади. Унинг билан каторасига ҳамма нарса — дангасалик, иродасизлик, лоқайдлик, саводсизлик ҳам, улар билан бирга бераҳмлик, суиистеъмоллар, жиноятлар ҳам хаспўшлаб келинган эди.

Мана энди ушбу позиция емирила бошлади. Партия ва жамият ҳар бир кишига аниқ-равшан қилиб: сен хўжайинсан, умум фаровонлиги йўлида қандай амалий ва йўналтирилган ишни ўйлаган бўлсанг, барчасини амалга оширишинг мумкин, деб айтди. Баъзилар чиндан ҳам ишга киришдилар. Қолганлар-чи? Афсуски, улар ўз йўлларида машаққатли курашда ишлаб чиқилган ва ҳимоя қилинган партия турмуши нормалари ва раҳбарлик принципларини, ҳатто социалистик турмушнинг энг оддий нормаларини ҳам йўққа чиқара бориб, айни ишлашга хоҳишлари йўқлигини яшириш учун янги қулай позицияни зўр бериб излашга киришдилар.

Янгиланиш жараёнида эмоционал ҳаддидан ошишлар бўлмасдан иложи йўққа ўхшайди. В. И. Ленин ўз вақтида таъкидлаган эдики, «кишиларнинг ҳис-туйғулари»сиз ҳеч маҳал кишиларда ҳақиқат *қидириш* бўлмаган, бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас» (ТАТ, 25-том, 129-бет). Лекин бугунги кунда бошқача тартибдаги ҳаддан ошишлар — биринчидан, партия илгари сурган позитив программалар «қаймоғини олиш» учун, иккинчидан, унинг авторлигини тўғридан-тўғри камситиш, тилга олмаслик учун бир қатор «янги сиёсатчилар»нинг сабот билан, манфаат кўзлаб интилишлари борган сари кўзга ташланмоқда. Зотан ҳар қандай, ҳатто энг яхши доктринани ҳам демагогия денгизига ғарқ этиш мумкин. Бунда ҳам, демагогларнинг бу борадаги хуружларини олдиндан кўрган Владимир Ильичнинг сўзларига яна бир бор мурожаат қилмасдан бўлмайди: «Шундай, шундай! Менинг мунозара қилиш «усулимнинг ўртоқларча бўлмаганлиги» тўғрисида дод-вой солишга ошиқмангиз! Сизнинг ниятларингиз софлигига шубҳаланиш менинг хаёлимда ҳам йўқ, мен юқорида, фақат бир сиёсий гўллик орқасида ҳам демагог бўлиб қолиш мумкин, дедим. Лекин мен сизнинг демагоглик даражасига тушиб қолганлигингизни кўрсатдим. Шунинг учун мен демагоглар ишчилар синфининг энг ёмон душманларидир, деган сўзимни такрорлашдан ҳеч қачон чарчамайман. Улар худди шунинг учун энг ёмон душманлардирки, улар авом халқнинг ярамас инстинктларини қўзғатадилар, қолоқ ишчилар бу душманларни, яъни ишчиларнинг дўсти бўлиб сўзловчи ва баъзан чин кўнгилдан сўзловчи бу душманларни топиб ололмайдилар. Шунинг учун улар энг ёмон душманлардирки, пароканадалик ва бекарорлик даврида, ҳаракатимиз эндигина шаклланиб келаётган бир даврда авом халқни демагогия йўли билан қизиқтириб олиб кетишдан осон иш йўқ, лекин уни кейинчалик фақат энг қаттиқ синовлардагина ўз хатосига ишонтира олиши мумкин» (ТАТ, 6-том, 143-бет).

Ошкоралик — демократиянинг қудратли қўнғироғи. Бугунги кунда ҳар биримиз уни чала оламиз. Масала шундаки, бунда «Нима учун?» ёки В. И. Ленин маслаҳат берганидек, «Кимга фойда?» (ТАТ, 23-том, 67-бет) деган саволларга жавоб бериш лозим бўлади.

Бу қўнғироқни нафақат қайта қуриш жангчилари чалмаётганини, балки ижтимоий фаровонликдан олис мақсадларни кўзловчи, қайта қуришга мослашиб олган «қўнғироқчилар» ҳам жон-жаҳдлари билан бонг ураётганлигини сезмасликка ҳаққимиз йўқ. Ана шу туганмас даранг-дурунглар кишиларни бошбошдоқ қилади, гангитади, йўлдан уради. Маълумки, қурувчилар умумий тилни йўқотгани учун Бобил минорасини охиригача қуриб битказишга муваффақ бўлишмаган. Ҳозир қайта қуриш биноси ҳам ана шундай хавф остида турибди. Ленинга муро-

жаат қилиш ана шу саволга ҳам жавоб топиш имконини беради: партиянинг со-циалистик жамиятдаги раҳбарлик ролини заифлаштиришга бўлган ҳар қанда уринишлар антисоциалистик стихия авж олишига олиб келади, биз ўзимизн ҳозир бунга ўхшаш ҳеч нарсани кузатмаяпмиз дегандек тутишимиз кера эмас. Баъзилар партия учун ҳаётий зарур бўлган озчиликнинг кўпчиликк бўйсунишини демократияга зид бўлган тазйиқ деб, қуйи органларнинг юқор органлар қарорларини бажариш вазифасини юқорининг ўз амрини ўтказиш фактларни бузганлик ва сохталаштирганлик учун жавобгарликка тортишн ошкоралик учун таъқиб қилиш деб атай бошладилар, қолаверса, ошкораликда баъзан фақат бир томонлама фойдаланмоқчи бўладилар: мен ўзим ўйлаётга ҳамма нарсани сенга айта оламан, сен эса айта олмайсан, мен хоҳлаган нарса-ни қилишинг керак. Лекин ҳар бир партия аъзоси ихтиёрий равишда қабул этга КПСС Устави қайда қолди? Бугунги воқеликнинг мураккаб, бир тусда бўлмага ҳолатида коммунист биринчи навбатда нималарга асосланиши керак? Мослашув чанлик яхшику-я, лекин ягона ўзак ҳам бўлиши лозим. Наҳотки ленинча прин-ципларга асосланган КПСС Устави қоидалари партиянинг бирлиги, унинг куч уюштирувчилик негизини асословчи ана шу ўзак эканлигини инкор этиб бўлса Йўқ, ақл-идрокдаги бесаранжомлик қайта қуришга ёрдам бермайди. У эса, очи айтиш кераккки, нафақат Совет ҳокимиятини маънавий жиҳатдан қабул қилмаё-ганлардагина мавжуд эмас, балки революцион таълимотнинг ҳаққонийлигиг ҳеч қачон шубҳа қилмаган кишиларда ҳам пайдо бўлди.

Бунга сабаб, менимча, Ленинни яхши билмаслигимизда, уни биз ҳаддан таш қари узоқ вақт унинг томонидан ишлаб чиқилган принциплардан ажралга ҳолда қабул қилиб келдик. Тарих Ленин жасорат билан маневр қилишга, кеча-гина ўзгармас туюлган таърифларни қайтадан кўриб чиқишга қодир бўлганлиги хатоларни тан ола билгани ва эскирган методлардан қатъият билан воз кеч олгани хусусида ишонарли мисолларга эга. Ғоя унда иродага айланади, ирод эса кишиларни етаклар, воқеаларнинг муайян формаларига солар, «тарих яратар ди». Ленин меросининг хазиналари ҳозир ҳам музейбоп улуғворлиги билан эма балки тўлақонлилиги, ғояларининг актуаллиги, марксистик диалектиканинг та сирчанлиги ва ҳаётбахш кучи билан бизни ўзига жалб этмоқда.

Лекин, агар фактларга мурожаат қилсак, гоҳида ғаройиб нарсаларга дu келамиз. Олий маълумотли коммунист баъзан В. И. Ленининг «Нима қилмо керак?», «Бир қадам олдинга, икки қадам орқага», «Коммунизмда болалар «сўллик» касали» каби йирик асарлари қачон ва нима муносабат билан ёзи-ганлигини билмайди. Улар билан партиянинг жамиятдаги ўрни ва роли хусусид қандай қилиб фикр алмашиш мумкин? Агар партия фаолияти қуриладиган прин-ципларни демагогларнинг хужумларидан ҳимоя қилиш тўғри келганида унинг ўз қандай қилиб сиёсий жангчи сифатида иш тутиши мумкин?

В. И. Ленин Маркс таълимоти «тўғри бўлганлиги учун ғоят кучли таълимо-дир» (ТАТ, 23-том, 46-бет) деб ёзган ва бутун умри давомида «муросасиз маркси-тик партия» (9-том, 306-бет) тузиш учун курашиб келди. Бизга эса, шу жумладан айрим коммунистлар томонидан ҳам гўё битта сиёсий платформадаги кўп партия-лилик ғояси тиқиштириляпти. Лекин ҳар бир партиянинг конкрет назарияга асосланувчи ўз сиёсий программаси бўлиши керак. Владимир Ильичнинг сўзла-рини эсга олайлик: *«Илғор назарияга амал қилувчи партиягина илғор кураш-ч ролини бажара олади»* (ТАТ, 6-том, 29-бет). Агар бугун бизга ноленинча, «муро-сасиз марксистик» партия таклиф этилаётган бўлса, у қандай бўлар экан? Унг қандай илғор назария бўлиши мумкин? Агар ҳар ҳолда марксистик бўлса, кемти ёки ревизия қилинган назария бўлиб чиқиши эҳтимол, чунки битта сиёсий пла-формаси ва ягона программ мақсади бўлган иккита параллел маркса-ленинч партия тузишда қандай маъно бўлиши мумкин? Агар, албатта, бу — партиян Ленин қарши туриб келган ажралишга даъват этишдан бошқа нарса эмаслиги-ни сўзламасак.

Менимча, «назариётчилар» идеологик ён беришлари ва ғоявий принципси-зликлари туфайли социал-демократик партиялар айниб кетишининг оғир сабоқла-рини ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Маркса-ленинча назариянинг садоқа-ли издошлари доимо революцион таълимот ҳужумлардан, партиянинг ғояви асослари кўпоришга уринишлардан ҳимоя қилинмаса мустаҳкам партияни

бўлиши мумкин эмас деб тўла асос билан ҳисоблаб келганлар. В. И. Ленин муросасиз танқидга жавобан ревизионистлар гўё «биз социалистик партияни «догма»дан қайтгани учун, ҳар қандай мустақил фикр баён қилгани ва ҳоказолар учун «еретиклар»ни таъқиб қилувчи «диндорлар» ташкилотига айлантиришни истайдилар» деб айблаб шовқин кўтаришларини билсада, уларнинг ҳаммасини «на заррача ҳақиқат ва на бир қатра маъно бор» аччиқ гаплар деб атаган эди (ТАТ, 4-том, 213—214-бетларга қаралсин).

Ҳозир аччиқ гаплар модага кираётгандек туюлади. Улар кўпчилигининг вазифаси, бизнинг назаримизда, революцион назарияни қандайдир ғоят нисбий нарса деб кўрсатишдан, бу назария аниқлаган ижтимоий ривожланиш қонунлари узоқ вақт амалда бўлишига ишончни кўпоришдан иборат. Баҳо беришлар «хилма-хиллигига», партия доирасидаги идеологик плюрализмга даъватлар ана шунга боғлиқ. Аслини олганда, ревизионистлар оз-моз бўлсада яхлит назариядан «озод бўлиш» учун жонбозлик қиларканлар, ҳар бир масала бўйича марксча-ленинча таълимот хулосаларидан бирор тарзда бўлсада фарқланиб турувчи ўз фикри бўлишини мустақилликнинг олий белгиси деб ҳисобловчиларнинг ўзини ҳаммадан юқори қўйиши ва шуҳратпарастлигига тилёғламалик қиладилар.

Лекин бу таълимот ҳаракат учун қўлланмадир, демак, қайта қуриш учун киришган ва ленинча социализм концепциясини тиклашни унинг мақсади деб эълон қилган бизлар партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлигини кўпорадиган ревизионистик, анархистик кайфиятларга ҳам қарши муросасиз кураш олиб боришимиз керак бўлади.

Сўз билан ифодаланган ниятларнинг ҳақиқий эканлигини фақат иш, ҳаракат аниқлаб бериши мумкин. Бу ҳақда партия ўзининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларида ҳам, бошқа ҳужжатларида ҳам тамомила аниқ-равшан баён қилди: «Амалий ҳаракатлар қилиш даври келди!». Ҳозир айни шу нуқтаи назардан туриб ўзимизга ҳам, партиядош ўртоқларимизга ҳам назар ташласак, яхши бўлар эди. Кўрамизки, баъзилар ҳақиқатан ҳам амалий ишга киришиб кетганлар, баъзи бирлар эса... Кимдир танлаган йўлининг тўғрилигига шубҳаланади, кимдир кимнинг орқасидан боришни билмай иккиланади («бир балоси чиқмаса эди»), кимдир кутиб туриш ёки, аксинча, томоғи қирилгунча бақириш учун важ ахтаради. Партия аъзоси бўлган (тўғрироғи, рўйхатда бор) ва, бинобарин, унинг Программаси ва Уставини расман тан олган ҳолда айрим кишилар баъзан кимларнингдир, ҳатто «хорижий давлат намояндаларининг» ҳам оғзига термуладилар. Буларнинг ҳаммаси КПСС Программасининг партияга мансублик ҳеч қандай имтиёзлар бермайди, балки мамлакатда қилинаётган барча ишлар учун янада юксак масъулиятнигина англатади, коммунистлар авангардлик ролининг нечоғлик тўлиқ намоён бўлиши кўп жиҳатдан партиянинг омма билан мустаҳкам алоқаларига, унинг халқ ўртасидаги обрў-эътиборига боғлиқ дейилган қоидаларига жуда ҳам мувофиқ келмайди. Бу ўринда партия ҳар бир коммунистдан ўз бурчига, партия аъзосининг ҳалол ва пок қиёфасига нисбатан талабчанликни муттасил ошираверади, унга иши ва хатти-ҳаракатига қараб баҳо беради деган сўзлар ҳам мавжуд. Партия ишини қайта қуришнинг моҳияти ҳам айни шундадир. Лекин, кўринишича, талабнинг бундай кучайишини кимлардир истамайди, ундан қочмоқда ҳам. Бунда ҳам В. И. Лениннинг сўзларини келтириш мумкин: «Майли, катта кўча! Партия аъзолари сонининг *бундай* камайиши партиянинг куч ва салмоғининг *жуда ҳам ортиши* демакдир» (ТАТ, 39-том, 32-бет). Бу бир томондан.

Бошқа томондан олганда, коммунистларнинг пассив қисми доим ҳам шундай эсонлик билан ўзини намоён этавермайди. Улар орасида гўё фаол кўринсада, лекин аслини олганда ўз умрини тугатган методларни, эскирган ғояларни олиб кирувчи ва шу билан қайта қуришни тормозловчи кишилар ҳам бор. «Пассив» қисм сафларида ўзгаришларга ишонмайдиган ва уларга ёрдам беришни истамайдиган очиқдан-очиқ пессимистлар ҳам бор. Масала шундаки, партиянинг актив қисми унинг сафларидаги бундай аъзолик билан муроса қилиши керакми. Зотан, объектив қараганда, «пассив» қисм партия бирлигига ишончни барбод этади, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган куч-ҳаракатларни заифлаштиради ва амалда белгиланган мақсадларга эришишни орқага суради. Менинг назаримда, бунда биз нотўғри тушунилган партиядош ўртоқлик туйғусига амал

қилмаслигимиз керак. Владимир Ильич коммунистлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳеч қандай шахсан қарамликни тан олмас эди. Аввало, партия манфаатларини кўзламоқ керак!

Қайта қуриш жамиятимиз ҳаётидаги кескин ўзгариш бўлиб, шу сабабдан қарашлар, позициялар, баҳо беришлар тўқнашувисиз бориши мумкин эмас. Экономика ва социал ҳаётнинг баъзи бир соҳаларида кризисолди ҳодисалари шунчалик чуқур илдиз отдики, уларни бартараф этиш учун бутун халқнинг, партиянинг, жамоат ташкилотларининг ижоди, ғайрати зарур. Шу муносабат билан партия оммасининг активлиги ва мустақиллигини ривожлантириш тўғрисидаги партиянинг ҳамма ишларини «партиянинг ҳамма аъзолари тенг ҳуқуқ асосида ва ҳеч қандай истисносиз бевосита ёки вакиллар орқали» (ТАТ, 14-том, 280-бет) олиб боришлари хусусидаги масала алоҳида аҳамият касб этади. Владимир Ильич партия ўзининг мансабдор шахслари устидан контролни амалга оширишга мажбур деб уқтирган эди.

Амалда эса нима бўляпти? Келинг, ҳамма нарсани очиқчасига айтайлик — коммунистларнинг тенг ярми ҳеч қандай партиявий топшириқни бажармайди, партия йиғилишлари ишида (ҳозир бўлиш эмас, айни иш назарда тутиляпти) иштирок этмайди, муҳокама қилинаётган масалалар бўйича ҳеч қандай мулоҳаза билдирмайди, алалхусус ҳеч қандай конструктив таклиф киритмайди. Партия аъзосининг ўзи унга бирор бир партиявий ишни бириктиб қўйишни сўраган ҳоллар ғоят сийрак учрайди. Лекин партия ташкилотларининг секретарлари қарздор деб ҳисобланмаслиги учун айрим коммунистлар номидан ҳатто партия взносларини тўлаб юбориш ҳоллари тез-тез учрайди. Агар «активлик» ва «мустақиллик» тушунчаларини коммунистларнинг сиёсий ўқуви системасидаги ишлар аҳволи билан солиштирадиган бўлсак, нохуш манзара пайдо бўлади — кўплар, ҳатто машғулотларда қатнашаётганлар ҳам аллақачондан бери ўқиётгани йўқ ҳамда ўқишга киришмаяптилар, баъзан ҳатто: мен китоб ўқишим эмас, ишлашим керак деб кеккаядилар. Бунинг натижасида эса партия Программаси ва Уставини, КПСС съездлари ва унинг МК Пленумлари ҳужжатларини, партия турмушининг ленинча нормалари ва партия раҳбарлигининг ленинча принципларини билмаслик юзага келади. Оқибатда эса... Келинглар, ўйлаб кўрайлик. Зотан, биз ўзимизнинг, айтиш мумкин, партиявий ҳатти-ҳаракатимиз «бирлиги»да йиғилиш ва конференцияларда ягона ўртоқлик хорида, магнитофонсиз ҳатто гимнни, ўз партия гимнимиз «Интернационал»ни, бир бор янграши биланоқ коммунизм душманлари кишиларни турмаларга қамаган, каторгага юборган, байроғи остида социал адолатни, коммунистик идеалларни қарор топтириш учун кураш борган ва унинг ўзи партия ҳатти-ҳаракатининг бирлигини ифодалайдиган ўша гимнни куйлашни унутиб қўйдик.

В. И. Ленин асосий саволларга жавоб беришдан, ижтимоий ривожланиш ўз бошидан кечираётган босқичга, кучларнинг ўзаро нисбатига баҳо беришдан қочган ҳолда амалий сиёсатда бир қадам ҳам олға босиб бўлмаслигини бир неча бор эслатган эди. Ўз ҳатти-ҳаракатини онда-сонда бир белгилаб қўйиш, кундалик воқеаларга, сиёсий жиҳатдан арзимас воқеаларга мослашиш, пролетариатнинг туб манфаатларини унутиш ва бу туб манфаатларни бир минутлик ҳақиқий ёки хаёлий фойдаларга қурбон қилиш ревизионистик сиёсатнинг моҳиятидир (В. И. Ленин. ТАТ, 17-том, 25-бетга қаралсин). Воқеалардан «таълим олишга» даъват этиш ревизионистларнинг севимли усули, тор амалиётчилар практикаси эса прагматизмнинг санамидир.

Оппортунистларга қарши курашаркан, марксчи-ленинчилар назарий масалалар кун тартибидан олинмаслиги, бутун партиявий практика эса вазифаларни назарий ёритиш юксаклигига кўтарилиши учун ҳаракат қилдилар. Воқеаларнинг бутун боришини тушуниш, группаларнинг сиёсатини белгиловчи улар ўртасидаги асосий ўзаро нисбатларни фарқлай олиш керак. Ревизионистлар эса айни шу нарсадан ўзларини олиб қочадилар. Доимо марксизм-ленинизмни яхшилаш байроғи остида чиқиб, улар жорий воқеалар таъсири остида унинг принципларини енгиллик билан улоқтириб ташлашга тайёр турадилар, партияни унинг идеологик негизидан маҳрум қилган ҳолда бир-бирини истисно этадиган позицияларга ярашттиришга шошиладилар. Шу сабабли коммунистлар ўнг ревизионизм

амалда марксчи-ленинчи партияни тугатишга олиб келадиган ликвидаторлик деб ҳисоблайдилар.

Аммо назариядан халос бўлиш нияти нафақат ўнгдан келади, балки у сохта сўлликка ҳам хосдир, унинг учун охири йўқ самарасиз баҳс ва тортишувлар ҳам, хилма-хил, кўпинча бутунлай қарама-қарши концепцияларнинг ёнма-ён яшаши ҳам характерлидир. Революцион назарияни менсимаслик «сўл»ларда турли формаларда намоён бўлади, лекин моҳияти битта — ҳис-туйғуларга амал қилишдир. Охири йўқ тортишув ва баҳслар билан улар назарияни алмаштирмоқчи ёки уни «йўл-йўлакай» ишлаб чиқмоқчи бўладилар. Кўп сонли стихияли митинг ва йиғилишларга интилиш, ўйлаб-нетмай қарорлар қабул қилиш, шошқалоқлик билан хулоса қилиш ва баҳо бериш ва ҳоказоларнинг сабаби ҳам шунда. Сохта радикализм кескин социал тўқнашувлар пайтларида жозибали бўлиб кўриниши мумкин (афсуски, шундай туюлади ҳам).

Лекин софдил кишилар ўз тажрибаларида назариянинг йўқлиги ишончдан маҳрум қилишига, сиёсий конъюнктура ўзгаришига боғлиқ ҳолда елиб-югуришни туғдиришига қайта-қайта ишонч ҳосил қилганлар. Бу ҳолатни Бернард Шоу пьесасидаги бир персонажнинг қуйидагича безовталиги билан тахминан қиёслаш мумкин: «Наҳотки белгиланган портга сузаётган кема билан оқим бўйлаб кетаётган хода ўртасида фарқ бўлмаса?»

Партиямиз қайта қуриш кемаси сузиб борадиган портни белгилаб қўйди ҳамда унинг елканларини ўзгаришларнинг янги-янги шамоллари тўлдириши учун ҳамма ишни қилмоқда. Шу сабабли биз учун бугунги кунда бу масала ҳеч ҳам риторик аҳамият касб этмаган, сохта сўлликнинг жўн схемаси эса бу нарсадан фойда кўрадиганларга ёки ҳозирги палладан узоқроқни кўришга интилмайдиганларга жозибали бўлиб туюлиши мумкин.

Шарт-шароит ўзгариши билан кескинлиги сусаймайдиган, ҳатто кучайиб бориши ҳам мумкин бўлган масалалар орасида ташкилот масаласи ҳам бор. Революционликни даъво қиладиган бирорта сиёсий оқим ҳам ўз ғояларини ҳаракатга, ҳаётга татбиқ этиш учун қандай уюшиш керак деган муаммодан ўзини четга торта олмайди. Марксизм-ленинизм ташкилий негиздан сиёсий негизни устун қўйгани ҳолда уларни бир-бирига қарама-қарши қўймайди, балки чамбарчас бирликда қараб чиқади. Бирлашишни унинг ғоявий негизидан ажратиб бўлмайди. Революцион назария билан революцион практика бирлигининг бевосита намоён бўлиш шаклларидан бири сифатида сиёсий ва ташкилий негизларнинг бирлиги марксчи-ленинчилар ҳозир ҳам олиб бораётган ғоявий курашда ташкилий проблемаларга доимий тарзда ажратилаётган катта ролни изоҳлаб беради. Марксизм-ленинизмнинг асосий ғояларига бирор нарсани қарама-қарши қўйишдан ожиз бўлган кўпгина ревизионистик оқимлар унинг ташкилий принципларига ҳужум қилишлари, ташкилий негиз деформацияси орқали ғоявий негизни бузишга интилишлари деярли қоида тусига кириб қолдики, бунда улар олис ўтмишда анархистлар, рус меньшевиклари, ғарб социал-демократлари ва ҳоказоларнинг ўзларига мувофиқ келадиган важларнинг ғоят бир хиллиги билан лол қолдирадилар.

Ҳар қандай ташкилот меҳнат тақсимоти ҳамда раҳбарлик вазифаларини марказлаштиришдан бошланади. Ана шу объектив жараён доимо айни тескари ҳолатдан — ташкилот мавжудлигидан эмас, балки унинг йўқлигидан манфаатдор бўлган кучлар томонидан норозиликка сабаб бўлиб келган. Демократик централизм ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга имкон берувчи барқарор принцип сифатида қараладиган партиявий ва бошқа ҳужжатлардан далил келтириб ўтирмайман. Наҳотки, «четдан келган» киши унга қандай қараши қизиқарли бўлмаса? Мен америкалик таниқли иқтисодчи, Нобель мукофоти лауреати В. В. Леонтьевни назарда тутяпман. 1989 йил 27 февралда «Правда» газетаси эълон қилган у билан суҳбатда Леонтьев шундай дейди: ишлар яхши бориши учун шамол, елкан ва руль керак бўлади. Манфаатдорликни елканни шиширадиган шамолга қиёс қилиш мумкин. Давлат томонидан бошқаришни эса руль дейиш мумкин. Ҳозир Совет Иттифоқида шамол елканни шиширмаяпти, бундай ҳолда эса рулнинг ҳам фойдаси тегмайди. Японлар тўғри иш қилишяпти. Уларда шахсий ташаббускорлик мавжуд, лекин давлат ҳам

экономикани энг яхши йўналишда ривожлантиришга таъсир кўрсатган холда к
та роль ўйнамокда.

Фикр етарлича аник-равшан айтилган. Лекин булар — экономика хусуси
Ижтимоий фаолиятда эса равшан ташкилий негизларга карши хуружлар кўп
ча кандайдир янги хамда энг янги сўз тарикасида такдим этилади. Бунинг усти
ташкилий негизга карши каратилган хозирги концепцияларнинг ижодчила
хакида шуни айтиш мумкинки, улар ўтмишни бутунлай унутибгина колм
умуман уни билмасликка интиляптилар хам. Бунда хам анархия ишкивозла
борасида В. И. Ленин нима деганлигини эслатиш ўринли бўларди: «Унга парт
ташкилоти бахайбат «фабрика» бўлиб кўринади, бўлакнинг бутунга ва озчил
нинг кўпчиликка бўйсуниши унга «крепостнойлик» бўлиб кўринади,... мар
рахбарлиги остида иш таксимлаш, унинг одамларни «чарх ва парракка» айл
тирдингиз, деб хам фожиали, хам кулгили дод-вой солишига сабаб бўла
(ТАТ, 8-том, 433-бет).

Хозирги анархистлар ўз аждодлари килганидек, «мустакил» кишини ўшан
тиришкоклик билан аниклаб олмокдалар, уларнинг ўз хохишига мувофик х
дагина харакат килиш талаблари фонида эса Лениннинг: «Факат пастдан»
ган принцип — *анархистлар* принципидир» (ТАТ, 10-том, 266-бет) деган таъри
дархол тушунарли бўлиб колади. Владимир Ильичнинг революцион макса
мувофиклик расмий демократизмдан юкори туришига (ТАТ, 42-том, 290-бе
каралсин) хамда «озчилик кўпчиликка бўйсунмаса, ишчилар партияси де
номга сал бўлса-да арзийдиган партиянинг бўлиши мумкин эмаслигига» (Т
9-том, 8-бет) ишончи хам ана шундан келиб чикади. Унинг асосий хулос
эса шундай: «Биз... партия ички демократиясини хамма вакт химоя киламиз.
кин биз партияни марказлаштиришга хеч качон карши чикмаймиз. Биз демок
тик централизм тарафдоримиз» (ТАТ, 27-том, 80-бет).

Албатта, уюшкокликни бутунлай инкор этиш позицияларига ёпишиб о
хам мумкин эмас. Бунда ёрдамга ўзаро келишув етиб келади.

Нимага бугунги кунда айни демократик централизм принципини янги
мушохада этиш зарурати пайдо бўляпти? Шунинг учунки, биз уни хам Ленин
сўнг узок йиллар давомида амалий фаолиятдан ажратиб олинган тушунча си
тида кабул килиб келдик. Аслини олганда у бизга керак эмас эди хам. Чунки С
лин шахсига сиғиниш даврида хамма нарса шундок хам шахсга сиғинишнинг ў
да марказлаштирилган эди, турғунлик даврида эса, маълумки, ёппасига якдил
хукмрон эди.

Ленинча демократик централизм принципини демократия билан цент
лизмни бир-биридан ажратмаган холда факат бир бутунликда караб чик
мумкин. Бунда хам, менинг назаримда, плюрализм хусусида, яъни фикрл
карашлар ва хоказолар хилма-хиллиги тўғрисида мулохаза юритиш фойда
бўлади.

Революцион кайта куриш социалистик плюрализм тушунчасини олға с
лики, у борган сари жамиятимизнинг хакикий мулкига айланиб боряпти. Ле
шуни ёдда тутиш зарурки, фикрлар хилма-хиллигидан ташкари бу позиция ул
га оппонентлар, коллективлар ва бутун жамият томонидан чукур эхтиро
муносабатни хам, шунингдек, ана шу хилма-хилликдан шундай позицияни тан
олишни кўзда тутадики, у конкрет шахс, коллектив, жамиятнинг эхтиёжлар
белгиловчи конкрет вазиятга оптимал холда мувофик келади. Карашлар хил
хиллиги умуман олганда доимо мавжуд бўлганлиги фактини инкор этмаймиз,
кин у тилга олинмас ёки битта фикрга бўйсундириларди. Хўш, позициялар
аниклашга бошкача ёндашилаётган хозирги пайтдачи? Айни шунда социалис
демократизм маданиятининг такчиллигини бутун кескинлиги билан хис этяпм
Турлича фикрларнинг халол курашини, далил, ғоя, концепцияларнинг исбо
таккосланишини баъзилар ўзаро айблашлар, ўзаро айтишишлар, ўч олишлар
лан алмаштирмокдалар. Лекин фикрлар плюрализми масъулиятдан ва энг од
сиёсий, ахлокий маданиятга амал килишдан асло халос этмайди. Биз бунёд эта
ган жамиятда демократия ва масъулият, хукук ва бурчлар бир-биридан ажр
масдир.

Фикрлар канчалик кўп бўлмасин, хакикат биттадир. Оптимал позици
танлаш чоғида факат угина воситачи ва мўътабар нарса бўлиши мумкин. Ле

очиқ-ойдин ҳақиқат сийрак учрайди. Одатда уни излаш, белгилаш ва, пировардида, қарор топтириш ҳамда буни қандайдир муайян метод ва кучлар ёрдамида бажариш, конкрет формаларга жойлаштириш керак бўлади. Хўш, социалистик фикрлар плюрализми чоғида охирги инстанцияда ҳақиқатни қарор топтириш ҳуқуқи берилган ким ва нима воситачи бўлиб майдонга чиқа олади? Айни Владимир Ильич муросасизлик билан ёқлаган тушунишдагина коллегиаллик ва демократик централизмнинг ленинча принциплари. Қайта қуришнинг моҳияти ленинча принципларни тиклаш экан, бутун амалий партия ишимизнинг мағзига, партия демократияси, партиявий мунозара, партия қарори, партия интизоми, партия бирлиги ҳамда партиявий хатти-ҳаракат бирлиги сингари асосий тушунчаларни ленинчасига қараб чиқайлик.

Бугунги кунда демократик централизмни таъминламаслик мумкин эмас, чунки мавжуд аҳволда албатта демократия билан централизм ўртасида қарама-қарши кураш юз беради: демократия энди уни бостиришларига тоқат қила олмайди ва қилмайди ҳам, централизм эса бундан буён бебошлик, интизомсизлик, тарқоқлик, фаолиятсизлик ва масъулиятсизлик билан келишишни истамайди. Лекин охирги нуқтага келган ҳатто барча эзгу ва фойдали нарсалар ҳам ўзининг қарама-қаршисига айланади. Бундай бўлмасликнинг иложи борми? Жавоб излаб яна Ленинга мурожаат қиламиз. В. И. Ленин партиямиз шаклланиши чоғида «Искра» редакциясига ёзган хатида ажралишга йўл қўймаслик учун: кўпроқ ёруғлик керак, партия ҳамма нарсадан хабардор бўлсин. Ҳамма ва ҳар қандай ихтилофларга, ревизионизмга қайтишга, интизомдан четга чиқишга ва воқеаларга баҳо бериш учун партияга ҳамма, мутлақо ҳамма материал етказиб берилсин деган қатъий шиор зарур, деб таъкидлаган эди. Партия ходимлари бутун оммасининг мустақил фикр қилувига кўпроқ ишонч билдирмоқ керак. Нима қилмаслик керак? Аввало, ажралишга олиб келадиган сабабларнинг пайдо бўлиши ва ўсиб бораётганини партиядан яширмаслик керак, баҳоналардан иборат бўлган ҳоллар ва воқеаларнинг бирортасини ҳам яширмаслик керак. Ажралишларга йўл қўймасликнинг энг тўғри ва ягона ишончли воситаси кенг ошкоралиқдир. Узоқни кўра билган, ҳодисаларнинг туб моҳиятини билишга интилган В. И. Ленин бу ўринда ҳам ўз фикрига содиқ қолган. У уюшган ишчилар воқеаларни бутун партия ва умуман олганда ҳаракат нуқтаи назаридан туриб баҳолашни ўрганишлари кераклиги хусусида сўзлайди. Партия ўзининг у ёки бу раҳбарининг ҳар бир, майли қисман бўлсин, «мағлубият»ини доимо кўриши керак. Фақат кенг ошкор қилишгина барча тўппа-тўғри, бир ёқлама, ўжар оғишларни бир изга тўғрилаб, фақат очиқ-ойдин муҳокамалар қаторидангина бизларда раҳбарларнинг ҳақиқатан ҳам аҳил коллегияси ҳосил бўлиши мумкин, фақат ана шундай шароитдагина ишчилар бизни тушунишдан тўхташлари мумкин эмас (ТАТ, том, 107—111-бетларга қаралсин).

Ҳақиқий ленинчи партия ўртоқлигигина буни рўёбга чиқаришда бизларга ёрдам бериши мумкин. Кекса большевикларнинг эсдаликларида «партиядош ўртоғим» ибораси тез-тез учраб туради. У маслакдош, курашда сафдош, маънавий жиҳатдан биродар, опа-сингил, идеалларимиз муштарак ва онтимиз муштаҳкамлигини англатади. Бугунги кунда жамият ва унинг сиёсий авангарди — КПССни революцион янгилаш даврида партиявий ўртоқлик ғоят муҳим роль касб этяпти. Барча партия ташкилотларида бу ҳақда ғамхўрлик кўрсатиляптими, ғамхўрлик кўрсатиш зарур деб ҳисобланяптими?

Меҳнат коллективида партия аъзолари раҳбардан то оддий ходимгача бўлган вазифаларда ишлашади. Улар ўртасидаги хизматга доир кундалик муносабатлар ягона раҳбарлик, бўйсуниш, интизом принципларига қурилади. Лекин шундай вазиятлар бўладики, уларда барча коммунистлар тенгдир. Аввало ўз йиғилишларида, принципиал сиёсий, давлат аҳамиятига эга масалалар муҳокама предмети бўладиган исталган ҳолда ҳам. Айни шу ерда биз ўзимизни ўртоқ, партия иши учун масъул деб ҳис этишга мажбурмиз, мансаб бунда роль ўйнамай-

Қарашлар плюрализми айни плюрализм бўлиши керак, яъни ҳар бир киши фикрини айтиш, унга кўпчиликнинг баҳо бериши ҳуқуқига эгадир, кўпчилик қайси фикрни афзал кўришни белгилаб беради. Гарчи сен рози бўлмаган тақдирда ҳам кўпчиликнинг қарори билан энди келишмасдан бошқа илож йўқ (бун-

дай ҳолда ҳам ҳар бир кишида, партия Уставида ёзилганидек, кўпчиликка бў сунган ҳолда кўпчиликда қарор топган фикрни қайтадан кўриб чиқишига эриши борасида Уставдаги ҳамда ўртоқлик ҳуқуқи сақланиб қолади). Ҳа, албатта шу дай бўлиши керак. Лекин, мисол учун, раҳбар коммунист партиядош ўртоқлар олдида ҳисобот бериш учун партком мажлисига келмайди, буни нимагадир унин ўзи учун жоиз деб ҳисоблайди; бошқа бир коммунист эса ўзи кўтариб чикка масала бўйича мунозарага бардош бера олмай, кўпчиликнинг қарорини кути ўтирмасдан йиғилишни ташлаб кетади, буни давр руҳига мос келади деб ҳисоб лайди ҳам. Баъзилар эса проблемани партиядош ўртоқлари билан муҳокама қи лишдан кўра бошқача нуқтаи назарларни қатъиян қабул қилмаган ҳолда сўза моллик қилишга мойил. Бунда баъзан иш муросага келмаган кишининг шахсин ҳақорат қилишгача боради. Агар партиядош ўртоқлар шаънига (хоҳ ноҳақ бў син, хоҳ ҳатто нимададир айбдор бўлсин, улар барибир ўртоқлардир) қўшилма ган бир томондан «экстремист» типидаги ёрлиқлар, иккинчи томондан эса «муха лифлар йиғини» ёки бундан ёмонроқ ёрлиқлар янграса, чинакам партиявий ўр тоқлик тўғрисида сўзлаш қийин.

Партиядаги муҳокама эркинлиги, қарорлар қабул қилишда коллегиал м тод, танқид ва ўз-ўзини танқид интизом билан чамбарчас боғланган. Тўғр фикрлар тўқнашуви, қарашлар очиқлиги, етилган масалаларни виждонан муҳо кама қилиш кишида шахсни шакллантириши хусусида ҳозир партия матбуоти айтилаётган фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Албатта, бизда ўн йилла давомида йиғилиб қолган нарсалардан бирданига покланиб олиш мумкин бў маса керак. Ахлоқ-одоб тарбияланишга қараганда тезроқ бузилади деган на бор. Достоевский айтганидек, «инсон бўлиб етилмоқ» керак. Қайта қуриш биз ана шу имконни беради. Биз ундан қандай фойдаланамиз: одат кучи таъсири бир четда кузатамизми ё эълон қилинган адолат, ҳақиқат, ҳалоллик ва масъули идеалларини амалда қарор топтиришни бошлаб юборамизми? Бунда ҳамма нар ўзимизга, нимани танлаганимизга боғлиқ. Бугунги кунда хатти-ҳаракат ва ан позиция талаб қилиняпти, ҳақиқий партия аъзоси эса, «Правда»да босилга материаллардан бирида айтилганидек, ҳужжатга эмас, балки ўз ишлари, руҳи виждонига қараб яққол билиниб туриши керак. Бунга: масъулиятлилик, бата тиблик, Коммунистик партия турмушга татбиқ этишни кўзлаётган идеаллар ҳимоя қилишга тайёрлигига қараб ҳам, деб қўшимча қилмоқчиман. Шунинг учу партиядаги интизом ҳам бурч ва виждонга, чин эътиқодга асосан чуқур англанга бўлиши керак. Келинглар, бунда ҳам революциямиз йўлбошчисига тенглашайли

Ленин мероси — революцион практика натижаларига асосланган ғояла фикрлар, кузатишлар, ижодий изланиш ва хулосаларнинг бутун бир Оламиди Ленин нафақат сиёсат ва экономикада, балки этикада, кишиларнинг хулқ-атв рида, уларнинг бир-бирлари билан муносабатлари, онг ва туйғуларида ҳа коммунизм қуришга халақит бераётган барча нарсаларга қарши курашда биз б лан бирга бориши керак. У аввалгидек инсон бунёдкорлик фаолиятининг ҳам соҳаларида ижодий изланишларга душман бўлган догматик схоластикани ҳар қандай кўринишларига қарши қандай курашишни ўргатмоқда. У бюрокр тизмни ишга ва инсонга амалдорларга хос лоқайдлиги, барча янги, прогресс ғайриоддий нарсалардан қўрқиши билан биргаликда ёмон кўради ва ундан на ратланади. Ленин такаббурона жангари нодонлик устидан, маданий мерос менсимай муносабатда бўлиш, коммунизмни ҳар қандай бузишлар устид заҳархандалик билан кулади. Манман амалпараст ва бошбошдоқсиз безори порахўр ва текинхўрда Ленин революция ишининг душманларини кўрарди риёкорликка, фикран тўмтоқлик ва сурбетликка, малайлик ва лаганбардорли ка, улуғ давлат шовинизми ва миллий адоватга, меҳнаткашларни ажратадиг ва маънавий жиҳатдан бузадиган ҳамма нарсага муросасиз бўлган. У гражда ларча сиёсий мардликка, ҳалоллик ва тўғриликка, фикран мустақилликка чақ ради. У коммунизм ишига сўзда эмас, балки амалда хизмат қилишга ўргата

Шу сабабли, келинглар, ҳам ақл-идрок билан, ҳам қалбимиз билан ўзими қайта-қайта шундай деяйлик: «Бизга Ленин керак. Бизга Ленин ҳар вақтда дан кўра ғоятда зарур. Бизга унинг жасорати, навқиронлигидан бошлаб буту лай инсонларга бахшида этилган унинг ўша бутун борлиғи керак!».

С. РИЗАЕВ

ПАРТИЯ ХОДИМИНИНГ АХЛОҚИЙ НАМУНАСИ

ПАРТИЯ КАДРЛАРИГА ҳар доим жуда юксак талаблар қўйилган. Бу нарса ıафақат партиянинг ўзига мансублик билан, балки уларнинг ўз профессионал 5урчлари моҳияти, ўз олдига дунёни коммунистик қайта қуриш вазифаларини ıмалга ошириш учун оммани, коллективларни, айрим кишиларни жипслаштириш ıа сафарбар қилиш мақсадини қўйган, назарий, сиёсий ва ташкилотчилик харак-ˈеридаги жамоат фаолиятининг алоҳида тури бўлган партиявий ишнинг ўз спе-ıификаси билан ҳам изоҳланади. Бинобарин, партия ходими сиёсий, амалий ва хлоқий хислатларнинг бутун бир комплексига эга бўлиши лозим. Уларсиз омма-инг сиёсий етакчиси, уюштирувчиси ва тарбиячиси ролини бажариб бўлмайди.

Кишилар партия комитетининг секретари, ходимига қараб партия ҳақида, нинг сиёсий, кадр ва ахлоқий-маънавий потенциали ҳақида фикр юритадилар. Камиятда партия аъзосининг ахлоқий қиёфаси билан боғлиқ нарсаларнинг ҳам-аси айниқса ўткир қабул қилинади. КПСС XXVII съезди партия аъзосининг окиза ва ҳалол қиёфасини тиклаш зарурлигини таъкидлаганлиги бежиз эмас. у биринчи навбатда бир қатор айниб кетганларнинг жиноятлари соя ташлаган эммунист раҳбарнинг шаънига тааллуқлидир. Партия съездида ҳам, МҚнинг ейинги Пленумларида ҳам кадрларни танлаш ва тарбиялашда энг муҳим талаб ıфатида ахлоқ мезони, ҳалоллик, сотилмаслик, камтарлик сингари инсоний ıслатларни шакллантириш зарурлиги олға сурилганлиги қонуний ҳолдир.

Партия ходимининг ахлоқий намунаси жуда катта аҳамиятга эга. Зеро, у оимо омманинг кўз ўнгида бўлиб, унинг лавозими қанчалик юқори бўлса, зим-асидаги масъулият ҳам шунчалик катта бўлади. Партиявий ишнинг қанчалик зчил ва ғайрат билан қайта қурилиши кўп жиҳатдан унинг позициясига, ҳара-ат тарзи ва хулқ-атворига боғлиқ бўлади.

Маълумки, ахлоқий маданият ҳар қандай киши маънавий қиёфасининг узвий исмидир. Риоя қилиниши давлат органлари томонидан таъминланадиган ва зорат қилинадиган ҳуқуқий нормалардан фарқ қилиб, ахлоқ жамоатчилик икрига, кишиларнинг этикоди, анъана ва одатларига таянади. У ҳар бир ки-ининг хатти-ҳаракатида, унинг жамиятга, оилага, коллективга, меҳнатга бўлган уносабатида ўз ифодасини топади.

Коммунистик ахлоқ инсоният маънавий тараққиётининг олий босқичи ҳисоб-ıнади. «Коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш, — деб ган эди В. И. Ленин, — коммунистик ахлоқнинг асосидир» (Тўла асарлар тўп-ıми, 41-том, 350-бет). Кўриб турибмизки, бу таъриф шунчаки коммунистик ıеалларга эга бўлмаган, балки уларни амалга ошириш учун сабот билан кура-адиган шахснинг актив ҳаётий позициясини тақозо этади. Шу сабабли, партия димига татбиқан ахлоқий маданият ҳақида сўзларканмиз, биз юқорида тилга инган хислатлар билан бир қаторда меҳнатга, фикрга, соғлом маънога, масъу-ıятга этикодни, яъни одатда сиёсий маданият тушунчасига киритиладиган

РИЗАЕВ Саидакбар Ризаевич, техника фанлари кандидати, Тошкент олий партия мактаби партия рилиши кафедрасининг доценти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комис-ıсининг аъзоси.

нарсаларни қарор топтиришни ҳам англаймиз. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги шароитда партйя кадрлари учун ташаббуссизлик, паст даражадаги профессионализм, ишчанликнинг йўқлиги, топширилган участкада ишни яхши томонга ўзгартира олмаслик ғайриахлоқий ҳолга айланяпти.

Ҳар бир партия ходими партия ва халққа садоқатини, кишиларни ўз ортидан эргаштиришга бўлган маънавий ҳуқуқини шахсий намунаси, амалий фаолияти билан исботлаши керак. Кейинги йилларга оид кўпгина партия ҳужжатларида ана шу фикр таъкидланади. Раҳбарларнинг кўпчилиги ушбу талабларга жавоб беришга интиляпти ҳам. Район партия комитетларининг биринчи секретарлари В. Г. Гришчук (Чиноз), Х. А. Ҳакимов (Янгиарик), шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Х. Н. Мусабеков (Қўқон) ва бошқалар фаолияти учун янгиликни ҳис этиш, одамларга яқинлик, оммадан ўрганиш, уларнинг кайфиятини ҳисобга ола билиш маҳорати хосдир. Улар ташаббускорлик билан ва ижодий ишлаяптилар, ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг, мураккаб социал проблемаларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини излаяптилар ва топяптилар, кишиларнинг чуқур ҳурматига сазовор бўлганлар.

Хоразм областида область партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаган Ю. П. Гудковни бу ерда ҳануз алоҳида илиқлик билан эслашади. У КПСС Марказий Комитетининг йўлланмаси билан келиб, ўзининг ишбилармонлиги демократизми, кишиларнинг эҳтиёжларини чуқур тушуниши билан партия активи оддий коммунистлар, партиясизлар ўртасида обрў қозонди. У ўзбек тилини тез ўзлаштириб олди, халқ анъаналарини қизиқиш билан ўрганди, доим кишилар орасида бўлди, уларнинг фикрларини тинглашда ва кайфиятларига таъсир кўрсатишда маҳорат касб этди. Чорвачиликни яхши билган Ю. П. Гудков тез-тез фермаларда бўларди, уни чўпон ва сут соғувчилар яхши танир, у ҳам уларнинг ҳар бири ҳақида кўп нарса билиб олган эди. Қисқа муддат ичида областда ана шу тармоққа, чорвадорнинг оғир меҳнатига бўлган муносабат ўзгарганлигида обком секретарининг хизмати катта. РСФСР Министрлар Советида ишлаётган ҳозирги пайтда ҳам Ю. П. Гудков Хоразмга тез-тез телефон қилиб туради, ўртоқларининг ишлари билан қизиқади. Халқ ҳам уни яхши сўз билан эслаб туради. «У ҳақиқий партия ходими эди», — дейди у билан мулоқотда бўлганларнинг барчаси.

* * *

Шу билан бир вақтда илгарилари раҳбар шахсларга нисбатан ишонч тақчиллиги ҳеч қачон бунчалик юқори бўлмаган эди — бунга сабаб аввало шундаки улар кўпинча мансаб синовига бардош бера олмаганлар, сўз билан иш ўртасида узилиш бўлишига йўл қўйганлар. Тошкент олий партия мактабининг партия ва совет ишини умумлаштириш лабораторияси область, шаҳар ва район партия комитетлари аппаратининг 381 ходими ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг 1370 секретари ўртасида ўтказган анкета сўрови сўралганларнинг 74,2 проценти номзодларни раҳбарлик вазифасига кўтаришда ҳалолликни, 66,6 проценти принципиалликни афзал кўришини кўрсатди. Бу рақамлар ҳам тилга олинган сифатларнинг тақчил эканлигидан далолат беради. Ўзимиз ҳам эндиликда турли суиистеъмолликлари учун жиноий жавобгарликка тортилган собиқ раҳбарларнинг — Ўзбекистон Компартияси МК, область, шаҳар ва район комитетлари секретарларининг каттагина миқдори ахлоқан ночорлигига гувоҳ бўлдик-ку.

Кўп сонли фактлар қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги бепарволик, социалистик мулкни талон-торож қилиш, порахўрлик, тамагирлик, хизмат мавқеидан ғаразгўйлик мақсадларида фойдаланиш яқиндагина бир қатор регионларда оммавий тус олганидан далолат беряпти. Ҳозир ҳам ана шунга ўхшаш бузилишлар ва жиноятлар рўй бериб турибди. Матбуотда хабар қилинишича, Жиззах областида 1987 йилги пахта ҳосили борасидаги қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликлар оқибатида давлатга 20 миллион сўмлик зарар етказилган («Правда Востока», 1988 йил октябрь). Областнинг партия раҳбарлари ана шу бузишлардан хабардор бўлмасликлари мумкинми? Ишониш қийин. Улар раҳбарлик лавозимларига нопок ва қўли эгри кишиларни тавсия қилганликлари учун маънавий масъулиятдан четда қола олмайдилар.

Шуни айтиш кераккки, ҳамма жойда партия ходимининг шаъни тушунчасини қарор топтиришга эҳтиёж сезиляпти. Афсуски, гарчи унинг мавжудлиги англа

сада, партия комитетларида у деярли эсга олинмайди. Албатта, ҳар бир киши ўз ишининг шаънини ҳимоя қилишга, унга гард юқтирмасликка мажбур. Лекин, барибир, кишиларнинг ақл-идроки ва қалбига бевосита таъсир кўрсатувчи кишиларнинг, яъни биринчи навбатда партия кадрларининг зиммасига алоҳида масъулият юкланади. Шу сабабли уларнинг профессионал шаънига қўйиладиган талаблар «умуман жамият бўйича ўртача» мезондан юқори бўлиши, уларнинг номи ҳар қандай турдаги курашлардан мустаҳкам ҳимоя қилиниши керак.

Партия ходими учун мутлақ инсофлилик, кишиларга меҳр, ишбилармонлик, сўзининг устидан чиқиш каби сифатлар мажбурий бўлиши керак. Этик нормалар бузилган тақдирда партия ходими ўз ихтиёри билан дарҳол истеъфо бериши керак. Агар у ўзининг эгаллаган вазифасига номувофиқлигини ҳис этган ҳолда унга ишдан кетишини таклиф этишларини кутиб ўтириши керак эмас. Ҳозирча эса истеъфога чиқиш фактлари ғоят сийрак учрайди.

Бугунги кунда партия ходимининг кишиларга муносабати унинг профессионал лойиқлигини аниқлашнинг жуда муҳим мезони эканлиги юқорида айтиб ўтилди. Лениннинг ушбу талаби ҳозир ҳар қачонгидан актуалроқ янграяпти: «*Омма билан алоқа. Омма* ичида яшамоқ. *Кайфиятни* билмоқ. *Ҳамма нарсани* билмоқ. Оммани тушунмоқ. Ёндаша билмоқ. Уни **мутлақо** ишончини қозонмоқ. Раҳбарлар ўзлари раҳбарлик қилаётган оммадан ажралмасликлари, авангард бутун меҳнат армиясидан ажралмаслиги керак» (ТАТ, 44-том, 556—557-бетлар).

Ана шу талаб сабот билан бажарилаётган жойларда соғлом ахлоқий-психологик иқлим қарор топади, партия комитетлари кишиларни қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун сафарбар қилишга муваффақ бўладилар. Шу билан бир вақтда партия комитетларининг, кадрларнинг реал ҳаётдан узилиб қолиши салбий ҳодисаларнинг сабабчиларидан бири бўлиб келган эди ва ҳозир ҳам бир қатор жойларда шундай бўлиб қоляпти. Баъзилар партиянинг оддий коммунистлар, меҳнаткашлар билан доимо мулоқотда бўлишдек анъанасига амал қилмаяпти, бу эса партиявий-сиёсий ишнинг туб моҳиятига путур етказади. Республика область, шаҳар, район партия комитетлари секретарларининг кўплари ягона сиёсий кунларда мажбуран иштирок этишдан ташқари суҳбатлашиш, фикр алмашиниш, энг кенг доирадаги масалалар бўйича маслаҳатлашиш мақсадида ишхона ва истиқомат жойларида кишилар билан жуда кам учрашадилар. Натижада улар жойлардаги ишларнинг аҳволи ҳақида фақат справкалардан, сўраб олинаётган ахборотлардан хабар топадилар, профессионал хусусиятларини йўқотадилар, кишилар билан очиқ-ойдин мулоқотда бўла олмайдилар, уларни ишонтира олмайдилар.

Сўнгги ҳисобот-сайлов кампанияси вақтида партия комитетлари секретарлари ва аппарат ходимлари жойларда бўлмасликлари, ёки «ревизорлик» сафарлари билан чекланиб қолишлари, ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатмай у ёки бу тадбирда иштирок этишлари учун кескин танқид қилиндилар. Бу ҳақда, жумладан, «Бустонводстрой» тресги, Самарқанд область матлубот союзи савдо базаси коммунистларининг йиғилишларида, Фарғона областидаги Олтиариқ район партия комитети пленумида ва бошқа жойларда сўзланди.

Омма билан яқиндан боғланган, халқнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини кўзлайдиган, у билан турмушдаги барча мураккаб проблемаларни баҳам кўрадиган раҳбар — бугунги кунда масъулиятли партия ишида айни шундай киши керак. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳукуматга қарашли чорбоғларни, поликлиника ва санаторийларни, шаҳар ва район партия комитетларининг бўшатиб олинган биноларини соғлиқни сақлаш муассасаларига бериш, Тошкент ва баъзи бир бошқа область партия комитетлари биноларига пропускасиз кириш ҳақидаги қарорни кишилар қониқиш билан кутиб олдилар.

Жамият ҳаётини демократиялаш шароитида партия кадрларидан илгаригига қараганда беқиёс катта даражада ишонтириш, мунозара юритиш, жамоат фикрини нафақат ҳисобга олиш, балки шакллантириш маҳорати керак бўлади. Лекин демократия маданияти, буни апрель Пленумидан кейинги ўзгартишлар тажрибаси ҳам тасдиқлади, — мураккаб илм, у кадрларимиздан ўқиш-ўрганишга шайликни ва бунга бўлган маҳоратни талаб қилади. Бу илмни эгаллаб олгачгина омма билан конструктив суҳбат олиб бориш, у ёки бу коллективлар, аҳоли группаларининг реал кайфиятлари билан ҳисоблашиш, ана шу кайфиятларга таъсир кўрса-

тишнинг самарали ва, албатта, демократик усулларини топиш мумкин бўлади
Ҳаётий муҳим масалаларнинг коллектив муҳокамасини ташкил этишга ҳаддан ташқари берилиб кетилган ўн йилликлар мобайнида партия ходимлари ҳақиқатни ўртоқларча баҳс, мунозарада, фикрларнинг тўқнашувида излашни унутиб қўйдилар. КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида таъкидланганидек, яқин ўтмишда кадрларни танлашда кўпинча уларнинг ишлаб чиқариш, фан ва техника у ёки бу тармоғининг специфкасидан хабардорлиги, ирода хислатлари биринчи ўринга қўйилган, сиёсий ва назарий тайёргарлигига, ғоявий-ахлоқий чиниқишига етарлича баҳо бермасликка йўл қўйилган. Ҳозир эса тушунтира олиш, ишонтира олиш, ҳар қандай чиқишга адекват муносабатда бўла олиш, демагогик даъволарга зарба бера билиш маҳорати биринчи ўринга қўйиляпти. Бу эса партия ходимининг революцион таълимотни чуқур билишини, ўзининг назарий билимларини амалда қўллай олишини тақозо этади.

Мунозараларни демократиялаш, жамоат фикрини шакллантириш ва ифодалаш маълум миқдорда хато фикр-мулоҳазаларни намоён этмай қўймайди. Улар билан очиқ тўқнашишга тайёр бўлиб туриш лозим. Бунинг учун танқидимизнинг профессионал, интеллектуал, ғоявий-назарий даражасини оғишмай оширишимиз, баҳслашиш маҳоратини ўткирлаштиришимиз ижтимоий ҳаётнинг ўткир масалаларига доир оммавий мунозараларни кузатиб бораётган барча кишилар учун нотўғри нуқтаи назарларга қарши далилларни ишонтирарли ва аниқ-равшан баён этишимиз зарур. Сиёсий принципларимизнинг обрўси ва таъсирини барча чоралар билан ошириш, совет кишиларининг сиёсий маданиятини тарбиялашни кучайтириш лозим.

Ўз ғоявий-назарий савиясини тинмай ошириб бориш энг яхши партия ходимларининг характерли хусусияти бўлиб қолди. Улар марксизм-ленинизм классиклари асарларига, партия ҳужжатларига тез-тез мурожаат қиладилар, сиёсий нашрлардаги материалларни эътибор билан кузатиб борадилар. Шу билан бир вақтда ушбу соҳада кадрларнинг бир қисми анчагина фаолиятсиз бўлиб қоляпти. Чунончи, КПСС МК қошидаги Ижтимоий фанлар академияси илмий-тадқиқот институти тадқиқотларининг кўрсатишича, партия ходимлари доимо ҳам ўз иш тартибларини оқилона ташкил этиш ва мустақил билим олишга етарлича вақт ажратишга (ўртача олганда бунга кунига 30—40 минутгина ажратилади) қодир эмас. Оқибатда замонавий талаблардан орқада қолишади, истиқболни кўриш қобилиятидан маҳрум бўлинади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида (1988 йил январь) кўпгина раҳбар кадрларнинг, шу жумладан ол бўғин раҳбарларининг назарий саводсизлигини тугатиш вазифаси қўйилди. Пленумда қилинган докладда таъкидландики, республикамиздаги маълум салбий ҳодисалар муайян даражада дунёқарашдаги бефарқликда қулай замин топганлиги, кадрларнинг сиёсий таълими ўрнини расмиятчилик ва хўжакўрсинчилик олганлиги сабаб бўлган эди. Кўпгина партия комитетлари ошкоралик ва демократизмни нафақат эгаллаб олмади, балки турғунлик йилларида кабинетда ишлаш услубига кўникиб қолганлиги учун ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришнинг ана шу асосий воситаларидан ўзларини четга торта бошладилар ҳам.

КПСС МК кадрларнинг маркача-ленинча назарий тайёргарлигини, ғоявий маънавий чиниқишини кучайтиришни, уларда партиянинг жадаллаштириш йўлининг моҳиятини чуқур тушунишни ва ҳар бир жабҳада программавий мақсадларни кундалик ташкилотчилик, хўжалик ва тарбиявий иш билан яқиндан боғлаш маҳоратини шакллантиришни принципиал муҳим вазифа деб ҳисоблайди. КПСС МКнинг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқув системасини қайта қуриш тўғрисида»ги қарорида (1987 йил) барча партия кадрлари шахсий намунасининг, уларнинг идеология фаолиятида иштирок этишининг роли алоҳида таъкидланган.

* * *

Партия ишнинг кўзини билиш зарурлигини қайта-қайта уқтиряпти. Бу принципиал масала. Айтилган сўз билан қилинган иш ўртасидаги ҳар қандай номувофиқлик партия сиёсатининг обрўсига зарар келтиради. Ўтмиш сабоқлари ана шундан далолат беряпти. Ўз фаолиятларида кўпроқ анализ, кўпроқ хара

бўлиб, умумий мулохазалар ҳамда объектив ҳолатларни рўкач қилиш камроқ бўлганда партия комитетлари, партия ташкилотлари ўз олдиларига қўйилган мақсадларга яхшироқ эриша оладилар. Халқ ва партия ҳар бир раҳбардан, ҳар бир коммунистдан онт ичиш ва ваъда беришни эмас, балки реал ишларни кутяпти. Ҳолбуки, ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси даврида партия кадрлари шаънига уларнинг ишчан эмасликлари, қабул қилинадиган қарорларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ишнинг сустлиги хусусида кўп танқидий фикрлар айтилди.

Маълумки, танқид ва ўз-ўзини танқид ўз умрини тугатган нарсаларни инкор қилиш ва шу билан бир вақтда ижобий нарсаларни сақлаб қолиш, янги нарсаларни қарор топтириш методи ҳисобланади. Уларга муносабат ҳамда улардан камчиликларни бартараф этишда, ишдаги хатоларга барҳам беришда таъсирчан восита сифатида фойдаланиш кадрлар сиёсий етуклигининг кўрсаткичидир. Демократия ва ошкоралик сари қатъий йўлни олға юришимизга халақит бераётган нарсаларнинг танқидисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Партияда, унинг барча ташкилотларида камчиликларга, ишдаги турғунликка, дабдаба ва сафсатабозликка қарши тоқатсизлик муҳити қарор топмас экан, ҳеч қандай қайта қуриш юз бермайди. Бизга аниқ адресли, камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини очиб бераиган, уларни бартараф этиш усулларини таклиф этадиган принципиал танқид, езовталик, эришилган ютуқлардан соғлом қониқмаслик руҳини қўллаб-қувватайдиган танқид керак.

Умуман олганда ички партия ҳаётида, йиғилиш, пленумларда, матбуот саҳифаларида танқид ва ўз-ўзини танқид оз эмас. Масалан, Ўзбекистон партия комитетларининг қайта қуришга раҳбарлик қилиш борасидаги иш хусусида ҳисобот ерилган пленумлари вақтида шаҳар ва район партия комитетлари секретарлари шаънига 964 танқидий мулоҳаза ва таклиф айтилди.

Лекин гарчи доклад ва нутқларда зоҳиран қараганда танқид ва ўз-ўзини анқид етарли кўринсада, кўпинча улар аввалгидек нуқсонларга қарши қаратилн бўлиб, умуман олганда конкрет айбдорларни четлаб ўтади. Бундай танқидга з кўникилади, ишни яхшилашга доир амалий чоралар деярли кўрилмайди. Қоакалпоғистон шаҳар ва район партия комитетларининг 1987 йил охирида бўлиб ган тўққизта пленумида секретарлар шаънига атиги 4 танқидий мулоҳаза айтил, шаҳар партия комитетларидан бирининг биринчи секретари эса ўз нутқида итто обком биринчи секретарининг кўп ишлашига йўл қўяётгани, унинг соғлини аямаётгани учун обком бюроси шаънига норозилик изҳор қилди.

Кўпгина партия ходимлари ўзларидан қуйидаги хўжалик, совет ходимларинг камчиликларини дадиллик билан кўрсатдилар, лекин ўзларидан юқоридаги ҳбарлар шаънига улар томонидан ўз вақтида танқид айтилиши жуда сийрак райди. Номатлуб сабабларга кўра ўз вазифасидан озод этилган область, шаҳар, йон партия комитетларининг кўпгина секретарлари илгари ҳеч қачон ўртоқлари, йидаги партия ходимлари томонидан танқидий мулоҳазалар эшитмаган. Раҳрнинг хатосини ўз вақтида кўрсатишни, унинг нотўғри хатти-ҳаракати хусусида охлантиришни, хато тасаввурлардан халос бўлишда унга ёрдам беришни бундай тамаслик аслини олганда маънавий порадир. Пировард натижада раҳбар учун м, унинг қўл остидагилар учун ҳам қайғули оқибатларга сабаб бўлиши билан у ят хавфлидир. Принципиаллик, дадиллик, бошқа большевистик сифатлар астакин камайиб боради. Шу билан бирга партия ходимлари ўз вазифасидан озод илган раҳбар ортидан ўткир танқид ўқларини отадиган, унинг шахсий «сеҳрлаб» йганини важ қилиб кўрсатадиган ҳодисалар оз эмас. Энг ёмони шундаки, собиқ хбар буларнинг барчасига жавоб қайтариш, мунозарага киришиш имкониятин маҳрум бўлган вақтдагина баъзан унинг шаънига ошкора танқид, фош этишр янграб қолади. Бундай позицияни асло ахлоқий деб айтиш мумкин эмас. Агар рор кишига ўз вақтида ўз фикрини очиқ-ойдин изҳор қилиш, принципиаллик рсатиш учун мардлик ва дадиллик етишмаган экан, у ҳеч бўлмаганда кўзи кеч илганини, сохта принципиаллигини ошкора намоён этмаслиги керак.

Коммунистлар тенглиги принципининг бузилаётганлиги, ҳануз амалга сиғиш, раҳбарнинг лавозимдаги мавқеига сажда қилиш бартараф этилмаганлиги, лаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг, партия аппарати ходимининг роли кўпинча камситилиши тилга олинган камчиликларнинг сабабидир. ъзи жойларда бўлаётганидек, танқид учун таъқиб қилишлардан чўчиш иккинчи

бир сабабдир. Шу сабабли ҳар бир коллективда эркин фикр алмашиниш учу шарт-шароит яратиш, мунозара маданиятини тарбиялаш зарур. Қиши дадил так лифи учун номини бадном қилишларидан ёки танқидий сўзи учун кўнгилсизлик ларга йўлиқишидан қўрқмаслиги керак.

Бошқа томондан эса, лавозимни, ҳалол меҳнат билан топилган бўлсада ҳузур ҳаловатни қўлдан бой беришдан қўрқув принципсизликка тўғри олиб борадига йўлдир. Қайта қуриш бораётган, унинг ҳар бир иштирокчисига сиёсий мардли ғоят зарур бўлган бугунги кунда буни оқлаб бўлмайди. Биз фақат танқид ва ў ўзини танқидни ривожлантиришга даъват этишимиздан, бу нарса нафсоният в ўзига бино қўйишни, манманлик ва волюнтаризмни даволашга қандай ёрдам бе ришини сўзлашимиздан фойда оз. Ишимизнинг услубини ўзгартиришимиз, бунда ҳодисалар пайдо бўладиган шарт-шароитга барҳам бериш хусусида ғамхўрли кўрсатишимиз лозим.

Хусусан, бир кишининг (мисол учун, партия комитети секретарининг) субъе тив фикри кўпинча партия аппарати ходимининг тақдирини ҳал қиладиган, ноҳақ жазоланиши ва ҳатто эгаллаб турган вазифасидан озод этилиши мумки бўлган мавжуд тартибни тезроқ ўзгартириш зарур. Унинг социал ҳимоясизли яққол кўриниб турибди, чунки бундай қарорга норозилик билдиришга амал имкон бўлмайди.

КПСС XXVII съезди партия ташкилотларида партиявий ўртоқлик, больш викча очиқ-ойдинлик вазиятини яратишни талаб этди. Айни шу нарса кадрлар мизда юксак ахлоқий маданиятни ҳосил қилишнинг муҳим шартларидан бириди Съезднинг бу талаби биринчи навбатда сайлаб қўйиладиган раҳбар органлар партия комитетларига, уларнинг бюроларига, шунингдек, партия комитетла аппаратининг бошланғич ташкилотларига тааллуқли.

Партиявий ўртоқлик тўғрисида сўзлаганда, бу — муштарак ишга берилга ягона юксак мақсад, ўзаро талабчанлик ва ҳурмат бирлаштирган, бир-бири эътиборли сафдошларнинг буюк ўртоқлиги эканини таъкидламоқчимиз. Шу бил бирга турғунлик йилларида, маъмурий-буйруқбозлик методлари, мансабга сиғ ниш ҳукмронлик қилган даврда кўпгина партия комитетлари ходимлари ўртас даги ахлоқий-психологик иқлим ўзгарди. Ҳанузгача улар ўзларидан юқорида раҳбарнинг ноҳақ кўрсатмасига қарши чиқишга журъат эта олмайдиган, при ципиал масалаларда ўз фикрини изҳор этмайдиган, партиявий виждонга қарш борадиган ҳоллар оз эмас. Масалан, Ангрен шаҳар партия комитети секрета устидан ёзилган имзосиз туҳмат хат 20 кун область партия комитетида ётган секретарь курортга кетгандан сўнггина уни бевосита Ангреннинг ўзида текшири га киришганлар. Бунда партия этикасини қўпол равишда бузишларга йўл қўйи ган. Бу воқеа Ўзбекистон Компартияси МҚ бюросида қараб чиқилди. Ёки парт ходимини бадном қилувчи имзосиз ариза унинг ўртоғи томонидан юзаки ва ма касиз равишда текширилган бошқа воқеани олайлик. Ходим хатдаги айблаш моҳияти билан таништирилмаган, у билан суҳбатлашишни лозим кўришмага Шунга қарамай уни эгаллаб турган лавозимида фойдаланиш мумкин эмасли хусусида хулоса тайёрлаб қўйилган. Анча кейинроқ бу ходим ана шу хатдан хаба дор бўлган ва туҳматдан иборат айбловни рад этган.

* * *

Сифат жиҳатидан янги вазифаларни ҳал қилиш зарурати туғиладиган парт ва халқ ҳаётининг бурилиш даврларида партия кадрларига қўйиладиган талаб объектив равишда ошади. КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленумида партия давлатнинг раҳбар органлари мамлакатда юзага келган кризисолди вазияти уч жавобгардир деб таъкидланди. Партия жамиятни қайта қуриш, соғломлаштир сари йўл тутди, ахлоқ масаласи эса бошланган янгиланишнинг туб масаласид Зеро сўз ленинча тушунишдаги социализмни — юксак ахлоқли жамиятни тикла хусусида боряпти. Қайта қуришга доир ғоят мураккаб ва кўп қиррали ишда па тиянинг ўзи, партия органлари ва партия кадрлари намуна бўлишлари кер

Ўзбекистон партия комитетлари ушбу йўналишда сабот билан, бир мақса кўзлаб ишлашлари керак бўлади. Шаклланган стереотип ва андозалардан қат ян воз кечиш, партия кадрлари фаолиятига доир энг яхши тажрибани топиш ёйиш, очиқ-ойдинлик, ошкоралик, инсонийлик, чинакам партиявий ўртоқлик

хитини қарор топтириш лозим. Айни шундай иш, сиёсий раҳбарларнинг ахлоқий жиҳатдан бекам-кўстлигини таъминлаш партиянинг обрўсини тиклашга, унинг омма билан алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Партия ходимининг бурч ва ҳуқуқлари диалектикасини тадқиқ қилиш илмий жиҳатдан олганда муҳимдир, чунки бу нарсаларни тартибга соладиган ҳужжат аслида мавжуд эмас, бу эса уларнинг бирлигини амалда таъминлаш имконини бермайди. Партия ходимларининг юқори раҳбарлар билан ҳамда ўз қўл остидагилар, арз билан келувчилар, дўст ва танишлар билан ўзаро муносабатининг ахлоқий жиҳатлари, оилада ўзини тутиши, қизиқиш ва майллар доираси тадқиқ этилиши лозим.

Бизнингча, республика матбуоти, телевидение ва радиосининг эътиборини ушбу проблемага жалб этиш лозим. Ҳозирча эса партия ҳаётининг ахлоқий-этик масалалари улар томонидан ғоят қониқарсиз ёритиляпти. Бундай материалларга, бундай кўрсатув ва эшиттиришларга бўлган эҳтиёж эса жуда катта.

Республика партия комитетлари аппаратининг ўқув планларида партия ходимининг этикаси масалалари жуда оз ўрин олган, бу эса бундай машғулотларни олиб бориши мумкин бўлган мутахассисларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Кўринишича, Тошкент олий партия мактабининг ўқув программаларида партия раҳбарлигининг этик-психологик проблемаларини янада кенгроқ қараб чиқиш учун зарурат бор. Бунда КПСС МК қошидаги Ижтимоий фанлар академияси амалий социология ва социал психология кафедрасининг тажрибасидан фойдаланиш мумкин, бу кафедрада «Партия ходимларини профессионал жиҳатдан тайёрлашнинг этик-психологик проблемалари» деб номланган махсус курс ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, Тошкент олий партия мактабининг партия қурилиши кафедраси шунингдек олий ўқув юртлари ўқитувчилари орасидан жойларда «Партия ишининг этик-ахлоқий жиҳатлари» проблемаси бўйича машғулотлар ўтказадиган лекторлар тайёрлашда область партия комитетларига ёрдам бериши мумкин бўларди.

КПСС МКНИНГ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

Қуйида эълон қилинаётган мақола журналимизнинг 4-сонида бошлан-ган республика хўжалик ҳисоби проблемаларига доир мунозарани давом эттиради.

В. РАДЧЕНКО

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ВА РЕГИОНАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШ

Иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини изчиллик била кенгайтириш, уларнинг келгусида ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳам да ўз-ўзини бошқаришга ўтиши туб иқтисодий ислоҳотнинг мантиқий давоми бў либ, уни чуқурлаштиришга қаратилган партия йўлини конкретлаштиришдир Планлаштириш ва бошқаришда территориал ёндашишни кучайтиришдек қайт қуришнинг муҳим томони ҳақидаги масала умумхалқ муҳокамасига қўйилдики КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида бундай ёндашишнин аҳамияти таъкидлаб кўрсатилган эди.

Бугунги кунда мамлакат жамоатчилиги, хўжалик ходимлари ва олимлари нинг диққат-эътибори иттифоқдош республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқла рини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асоси да экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг Умумий принцип лари лойиҳасига қаратиляпти. Уларнинг яшашга қобиллиги ва ишончли экан ли гини социалистик жамиятда регионал экономикани шакллантириш ва ривожла тиришнинг хусусиятлари ҳамда қонуниятлари ҳақидаги ленинча таълимот била қиёслаган ҳолда лойиҳанинг энг муҳим қоидаларини пухта таҳлил қилиш кера бўлади. Бунда В. И. Лениннинг: «кичкина бўлса ҳам, лекин «бир бутун», фақа «бир бутун» хўжаликни, яъни айрим бир хўжаликни ва хўжаликнинг айрим би соҳасини, бир корхонани эмас, балки, *бутун* хўжалик муносабатлари *жамини*, гар чи кичкина бир жойда бўлса-да, *бутун* хўжалик оборотининг *жамини* намуна йўлга қўйиш билан ёрдам берилиши» (ТАТ, 43-том, 265—266-бетлар) лозимлиг хусусидаги хулосасини асос қилиб олиш мумкин.

Территориал планлаштиришни ва бошқаришни такомиллаштириш иттифо дош республика экономикасининг даражаси ва динамикасини реал ҳамда жидди тарзда юксалтиришга, унинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини муста камлашдаги ҳиссасини кўпайтиришга доир қабул қилинаётган қарорларнинг са марадорлигини оширишга қодир бўлган хўжалик муносабатлари механизми яратишни талаб этади. Шу муносабат билан нафақат тилга олинган Умумий прин циплар лойиҳасидаги бир қатор қоидаларни, балки ушбу мавзуга бағишланга баъзи бир эълон қилинган материалларни ҳам таҳлил қилиб чиқишга ҳарак қилиб кўраман.

Аввало шу нарса эътиборни ўзига жалб этадики, лойиҳа муҳокамаси уни р ёбга чиқаришнинг тарафдорлари ҳам, мухолифлари ҳам борлигини намоён қилд Бунинг устига иккала гуруҳ ҳам республика хўжалик ҳисоби ғояларининг акту а лиги ва мавриди келганлиги, уни турмушда мужассамлаштиришга ёндашиш хусусида етарлича салмоқли, хилма-хил далил-исботлардан фойдаланмоқда. Б

РАДЧЕНКО Виктор Михайлович, иқтисод фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар ака мияси Экономика институти иқтисодий потенциалдан фойдаланиш проблемалари бўлимининг му

ринчи гуруҳнинг вакили бўлганим учун, масалан, «Ўзбекистон коммунисти» журналида (1989 йил № 4) «Миллатлараро иқтисодий муносабатларнинг янги типи ҳақида» мақоласи билан чиққан В. Осмининнинг «территориал хўжалик ҳисоби... миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштиришнинг иқтисодий негизи бўла олмайди» деган даъвосига қўшила олмайман.

В. Осминин корхоналар билан бир бутун такрор ишлаб чиқарувчи система фаолияти принципларидаги тафовутни территориал хўжалик ҳисоби ғояларини рўёбга чиқаришдаги асосий ғовлардан бири деб ҳисоблайдики, иттифоқдош республиканинг экономикаси ана шундай бир бутун системадир. Тўғри, чиндан ҳам агар иттифоқдош республика экономикасининг узвий яхлитлигини унинг корхоналари йиғиндиси сифатидагина қарайдиган бўлсак, ёхуд асосан ишлаб чиқариш бўғинидаги хўжалик ҳисоби муносабатларининг хусусият ва функцияларини уларнинг ўз-ўзини ривожлантириш имкониятларидан чалғиган ҳолда, регионал даражага юзаки ҳолда ўтказишга уринилган тақдирда бундай ғов каттагина бўлади. Лекин, М. Шарифхўжаевнинг «Республика хўжалик ҳисоби: унинг зарурлиги, моҳияти ва муаммолари» («Ўзбекистон коммунисти», 1989 йил № 5) мақоласида тўғри таъкидланганидек, «республика хўжалик ҳисобини республика территориясида жойлашган корхоналар, бирлашмаларнинг шунчаки арифметик қўшилишидан иборат қилиб қўйиш тўғри бўлмас эди».

Корхоналар учун, деб ҳисоблайди В. Осминин, ҳисобнинг миқдорий категориялари, умуман республика учун эса — сиёсий-иқтисодий тушунчалар зарур. Бундай қарама-қарши қўйишнинг тафсилотлари ва асос-далилларига (қараб чиқилаётган вазиятга татбиқан) тўхтаб ўтирмай, масалани бундай қўйишнинг ғайриқонунийлигини таъкидламоқчиман, чунки ҳам биринчи, ҳам иккинчи ҳолларда сиёсий-иқтисодий тушунчалар зарурдир, бир бутун такрор ишлаб чиқарувчи системанинг даражаси билан динамикасига баҳо беришда эса ҳисоб-китобнинг миқдорий категорияларисиз бирор иш қилиб бўлмайди.

В. Осминин мулоҳазалари мазмунидан иттифоқдош республикаларнинг территориал хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини бошқариш принциплари асосида иқтисодий мустақилликка интилиши билан обивателнинг бировлар ҳисобига ўз ҳамёнини қаппайтиришга интилиши ўртасида тенглик белгиси келиб чиқиши янада кўпроқ таажжублантиради. Умуман олганда регионал хўжалик ҳисоби, аниқроғи, уни қўллаш В. Осминин томонидан: хато, бунинг устига майда буржуа характеридаги ёндашиш, деб эълон қилинади.

Бундай хулосалар бизни регионал ўзини ўзи маблағ билан таъминлашнинг моҳиятини тушуниб етишга, мағзини чақишимизни чуқурлаштиришга, шу асосда республикамиз экономикасини юксалтиришнинг конкрет йўлларини ишлаб чиқишга яқинлаштириши даргумон. Бунга эҳтиёж эса ғоят жиддий бўлиб турибди.

Шу муносабат билан В. Осмининнинг қараб чиқилаётган позицияси ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг ҳозирги тенденцияларига жавоб бермайди деб ҳисоблайман. Унинг регионлар иқтисодий мустақиллигини енгайтириш натижасида централизмга путур етказилиши борасидаги хавфсирашлари ишлаб чиқаришни умумлаштиришнинг дастлабки шарти сифатида централизмни кучайтиришнинг фойдасига хизмат этган маълум исбот-далилларга бориб тақалади. Шубҳасиз, ҳозирда шаклланаётган хўжалик механизми централизмсиз тескари тартибдаги ҳолларга — иқтисодий жиҳатдан ўз эрки бўйича ҳаракат қилиш, бошбошдоқлик, нарх белгилашдаги ўзбошимчаликка олиб келиши мумкин. Лекин бугунги кунда: централизм ва мустақилликнинг ўзаро оптимал нисбатини топиш, жойлардаги иқтисодий ташаббусларни барбод этувчи ҳамда ўзи бошбошдоқликдан қолишмайдиган кенг қамровли маъмурий-буйруқбозлик машинасини бутунлай синдириш учун централизмнинг аниқ-равшан чегараларини белгилаш вазифаси қўйилган. Бошқача айтганда, территориал хўжалик ҳисоби жорий этилиши демократик централизм принципи мавжуд бўлишига барҳам беришга олиб келади деган маъно келиб чиқмайди.

Шу нуқтаи назардан олганда масаланинг Ленин томонидан қандай қўйилганлигига мурожаат этсак. Ишлаб чиқаришни умумлаштиришнинг территориал формаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, В. И. Лениннинг фикрича, — регионларнинг социал-иқтисодий ривожланиши комплекслилигини кучайтириш, табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан рационал фойдаланиш, коопе-

рация ва территориал меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш мақсадида хўжалик соҳасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш демакдир, «чин демократик маънода тушунилган централизм ёлғиз маҳаллий хусусиятларнигина эмас, балки жойларда бошланган починни, жойларда кўрсатилган ташаббусни ҳам тўла-тўкис ва ҳеч монеликсиз ривожлантириш борасида тарих биринчи марта яратиб берган имкониятни, умумий мақсадга олиб борадиган йўллар, усуллар ва воситаларнинг хар хил бўлишини назарда тутади» (ТАТ, 36-том, 172-бет).

Регионларнинг бир томондан марказ билан, иккинчи томондан корхоналар билан ҳам нормативли ўзаро иқтисодий муносабатлари механизми орқали хўжалик мустақиллигининг давлат планини реализация қилишга бўлган таъсирини кучайтириш Умумий принциплар лойиҳасининг асосий ғояларидан бирини ташкил этади. Бундай механизм республикалар, регионлар манфаатларига ҳам, умуман олганда мамлакат халқ хўжалик комплексининг манфаатларига ҳам зид келмайди. Бошқача айтганда, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани иттифоқдош республикалар, кичикроқ миқёсдаги регионлар планлари орқали муваффақият билан рўёбга чиқарилиши мумкин.

В. Осминин билан сиртқи мунозарамни туғаллар эканман, жойларда ташаббусни кенгайтириш, иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий суверенитетини қарор топтириш регионал халқ хўжалик комплексларини интеграциялаш жараёнларига хавф солмаслигини таъкидлашни истардим. Бундай суверенитет ҳукумат қарорларидагина эълон қилинмай, балки унга регионал ишлаб чиқариш самарадорлигини ва аҳолининг турмуш даражасини узлуксиз ошириш йўли билан, юксак сифатли маҳсулот бозорларини эгаллаш, иқтисодий тафаккур маданиятини ривожлантириш орқали эришилса, бошқа гап.

Умумий принциплар лойиҳасида иттифоқдош республикалар табиий, меҳнат ва ишлаб чиқариш потенциалларидан янада тўлароқ фойдаланишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари мавжуд. Бу эса бир вақтнинг ўзида корхоналар, территориал бошқарув органларининг барча ресурслардан фойдаланганлик учун хўжалик ҳисобига асосланган молиявий масъулиятини, шунингдек регионал халқ хўжалик комплекслари самарадорлигини оғишмай ўстиришдан манфаатдорлигини янги, янада юқори даражага кўтариш учун ҳам шарт-шароит яратади.

Ишлаб чиқариш бўғинлари фойдасидан чегирмалар нормативларининг регионал хўжалик юритиш практикасига киритилиши, марказ билан иттифоқдош республикалар, территориал бошқарув органлари билан корхоналар иқтисодий муносабатларининг норматив асосга қурилиши хўжалик ҳисоби ва практикасини ривожлантиришда, мамлакат ва унинг регионлари экономикасига раҳбарликни илмий асослашни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди. Бу билан умумдавлат даражасидаги социал-иқтисодий жараёнларни бошқаришдаги централизм билан иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий турмуш формалари ҳамда уларни амалга ошириш усулларини танлашдаги мустақиллиги, масъулияти, ҳуқуқ ва бурчлари ўртасидаги диалектик ўзаро боғлиқликни рўёбга чиқариш имконияти юзага келади.

В. И. Ленин таъкидлаганидек, «демократик централизм автономия билан федерацияни ҳеч бир истисно қилмаганидек, бу демократик централизм давлатдаги ҳар хил ерлар ва ҳатто ҳар хил жамоалар ўз давлат ҳаётининг ҳам, ўз ижтимоий ҳаётининг ва ўз иқтисодий ҳаётининг ҳам турли хил шаклларини ишлаб чиқишда батамом эркин бўлишини инкор қилмайди, балки, аксинча, тақозо қилади» (ТАТ, 36-том, 172-бет). Айни бугунги кунда демократик централизм принципини шиор қилиб, декларатив эътироф этишдан уни ҳаётда реал мужассамлантиришга аввалгидек томонлардан бирини (кўриб чиқилаётган ҳолда — регионал томонни) камситишдек нотўғри негизда эмас, балки умуман олганда принципни кучайтирувчи, уларни (регионлар ва марказни) ўзаро тўлдирувчи, ўзаро шартловчи ривожлантириш базасида татбиқ қилишга ўтиш учун шарт-шароит яратилмоқда. Бинобарин, Ф. Энгельс сўзлари билан айтганда, «улардан бирини бошқаси ҳисобига бир ёқлама кўкларга кўтариб юбориш ўрнига ҳар бирини ўз ўрнида қўлланишга ҳаракат қилиш керак, бунга эса уларнинг ўртасидаги алоқадорликни эътибордан соқит қилмаслик, уларнинг бир-бирини ўзаро тўлдириш ҳолатидагина эришса бўлади» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 2[?], с. 542—543).

Корхоналар фойдасидан маҳаллий ва республика бюджетларига ва улардан иттифоқ бюджетига чегирмалар нормативларининг оптимал даражасини, яъни умумиттифоқ бошқарув органлари билан иттифоқдош республикаларнинг хўжалик ҳисобига асосланган муносабатлари оптимумини жорий қилишга келсак, эълон қилинган Лойиҳа уни қатъиян белгилаб қўя олмаслиги, балки унинг умумий принципларини ўрнатиши тамомила табиий ҳолдир. Бундай оптимумни реал тарзда белгилаш ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш. Умумий принциплар таъсирининг бўлажак таҳлили чоғида мумкин бўлади. Бошқача айтганда, хўжалик ҳисобининг муваққат ва маконий муносабатлари оптимумини ҳали ишлаб чиқишга тўғри келади.

Шундай қилиб, Умумий принциплар энг муҳим жиҳатлардан олганда мамлакатда иқтисодий муносабатларни принципиал такомиллаштириш сари йўл очиб беради ва у умумдавлат манфаатлари билан республикалар манфаатларини оқилона бирлаштиришга энг самарали уринишлардан бири ҳисобланади. Умумий принципларнинг практикада амалга оширилиши социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини регионал хусусиятларни, территориал меҳнат тақсимоти перспективаларини янада тўлиқроқ ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш асосида ривожлантиришнинг реал йўли сифатида қараб чиқилиши керак.

Хўжалик ҳисоби муносабатларини «территориал» ривожлантириш регионал ишлаб чиқаришни умумлаштиришнинг даражаси оширилиши, иттифоқдош республикалар ишлаб чиқарувчи кучларини узлуксиз ўстириш билан объектив тарзда шартланган. Бу эса ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши даражаси ва характерига мувофиқлиги қонунини рўёбга чиқаришнинг формаларидан бирини ташкил этади — ишлаб чиқаришни умумлаштириш даражаси қанча юқори бўлса, территориал жиҳатдан олганда бундай мувофиқликни таъминлаш шарти сифатида регионларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш зарурати шунча қатъий бўлади. Объектив қонуният ана шундай. Шу сабабли ривожланаётган ишлаб чиқариш (хусусан, хўжалик ҳисобига асосланилган) муносабатларини регионларнинг ўзгараётган, ўсиб бораётган ишлаб чиқарувчи кучларига, ишлаб чиқариш бўғинларининг ишлаш шароитларига мувофиқ ҳолга келтиришнинг ҳуқуқий шарт-шароити ва кафолатларини унёд этиш муҳимдир. Умумий принципларнинг аҳамиятга моликлиги ҳам айни шундаки, уларда янада юқори босқичга кўтарилган иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий, норматив расмийлаштириш зарурлиги ўз ифодасини топган.

Регионал хўжалик ҳисоби маъмурий-территориал тузилманинг унинг иқтисодий мустақиллигини, суверенитети ва ишлаб чиқариш территориал резервларидан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш борасидаги ишлаб чиқариш муносабатларини ифодаловчи сиёсий-иқтисодий категория сифатида ҳам, такрор ишлаб чиқариш формаси сифатида ҳам қараб чиқилиши мумкин. нда:

— муайян регионнинг конкрет шарт-шароит ҳамда ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқаришнинг пландаги ва амалда юзага келадиган нисбатлари белгиланади;

— регион учун энг оптимал комбинацияларда ресурсларни, шу жумладан молия ресурсларини ҳосил қилиш, тақсимлаш, фойдаланиш ва кўпайтириш амалга оширилади;

— территорияда жойлашган корхоналар меҳнат коллективларининг план топшириқлари ва шартномавий мажбуриятларини бажариш учун масъулият ва манфаатдорлик меъёри ўрнатилади;

— регионлар билан умумиттифоқ бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар шерикчилик муносабатлари сифатида қурилади;

— регион, иттифоқдош республика хўжалик юритишининг пировард натижалари билан социал инфраструктуранинг ривожланиш даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик ўрнатилади;

— кенгайтирилган регионлар такрор ишлаб чиқаришнинг барча даврлари — ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол — ҳаракати регион аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, унинг умумиттифоқ халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга, умумдавлат ва регионал манфаатларни рўёбга чиқаришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш вазифаларига бўйсундирилган.

Умумий принциплар лойиҳаси хўжалик ҳисобига асосланган муносабатларни сифат жиҳатдан янги ҳамда янада юксак даражага ўтказишнинг асосий йўналишларинигина ифодалайди, қатъиян айтадиган бўлсак, у ёки бу республика экономикасини янгилаш учун тайёр рецептлар бермайди. Умумий принциплар ҳақиқатан ишга туширилиши учун, «Ўзбекистон коммунисти» саҳифаларида О. Ҳикматов тўғри таклиф қилганидек (1989 йил № 5), нафақат республика хўжалик ҳисобининг кўп вариантли концепцияси зарур, балки конкрет республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг конкрет ҳисоб-китобли вариантларини батафсил ишлаб чиқиш ҳам даркор.

Менимча, республика хўжалик ҳисоби концепциясини учта вариант бўйича ишлаб чиқиш мумкин. Улардан бири энг мураккаб, шу билан бирга, фикримча, энг истиқболли вариант ҳам бўлиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари иқтисодий категориясини кучайтиришнинг ўсиб бораётган объектив заруратидан келиб чиқади. Бунинг учун шарт-шароит оз эмас — бу тарихий, географик, табиий-иқлимий ва этник-маданий бирлик, республикалараро иқтисодий алоқаларнинг ва, асосийси, ишлаб чиқаришни кооперациялаш даражасининг ўсганлигидан иборат. Бу ҳолда нафақат республикалар халқ хўжалик планларини координациялашга доир, балки концепциянинг ушбу вариантини ҳар томонлама асослашга ҳамда уни рўёбга чиқаришнинг социал-иқтисодий натижаларини прогнозлашга доир муфассал иш олиб бориш талаб қилинади.

Концепциянинг бошқа варианти иқтисодий яхлит бирлик сифатида бевосита иттифоқдош республикани ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини бошқаришга ўтказишга йўналтирилиши мумкин.

Учинчи вариантга батафсилроқ тўхталмоқчиман. Унда регионал хўжалик ҳисоби элементлари унинг кичик миқёсдаги регионлардан — шаҳар, район, область — республика даражасига «юксалиши» йўли орқали изчиллик билан ишланади. Зарур тажриба тўплаш ва уни умумлаштириш, иқтисодий талафотларнинг оз миқдорда бўлиши ва кенгаймаслиги, уларнинг кейинчалик регионал такрор ишлаб чиқаришнинг бутун цикли бўйича чиқариб ташланиши мумкинлиги унинг юқорида тилга олинган икки вариантдан афзаллигини кўрсатади.

Истиқболда республика хўжалик ҳисоби ғоясини рўёбга чиқаришнинг шак-шубҳасиз ва объектив зарурлигини эътироф этган ҳолда концепциянинг ушбу вариантини ёқларканман, у аниқ-равшан илмий фараз асосида ана шу категорияни англаб етиш, регионал ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича зарур тавсияларни ишлаб чиқиш ва такрор ишлаб чиқариш формаси сифатида территориал хўжалик ҳисобини рўёбга чиқариш социал-иқтисодий натижаларини баҳолашга доир кўп томонлама назарий иш олиб бориш учун вақт ютиш имконини беришини қўшимча қилишни муҳим деб ҳисоблайман. Шу нарсани ҳам ҳисобга олиш керакки, бугунги кунда иттифоқдош республикаларнинг бошлаш шарт-шароитлари, уларнинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги роли ҳамда хўжалик ҳисобига ўтишдаги илмий ва амалий жиҳатдан тайёргарлиги ғоят хилма-хилдир, бунинг устига республика даражаси учун унинг тажрибаси ҳам мавжуд эмас. Бунинг устига ҳозирча нарх белгилашдаги қийинчиликлар жиддийдир.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, менинг назаримда, Умумий принципларни шундай қоида билан тўлдириш кераккки, унга мувофиқ равишда иттифоқдош республикаларга регионал хўжалик ҳисобини рўёбга чиқаришга ёндашишлар, босқич ва формаларни танлашда, уни тўла ўзлаштириш изчиллиги ва муваққат доираларида муайян мустақиллик берилиши керак. Иттифоқдош республикалар сингари қудратли маъмурий-территориал ва миллий тузилмаларнинг «биринчи январдан» регионал хўжалик ҳисобига ўтиши, эҳтимол реал бўлмаса керак. Мамлакат саноат корхоналарининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитига ўтказиш тажрибаси ҳам ана шундан далолат беряпти. Бундай ҳуқуқнинг берилиши иқтисодий танлашда эълон қилинган эркинликни эмас, балки реал эркинликни англатмоғи керак. Лекин, республика хўжалик ҳисобининг концепцияси асосий варианти тарзида қайси бир вариант қабул қилинмасин, унда, менимча қуйидаги жиҳатлар ўз ифодасини топиши лозим:

— социал-иқтисодий ривожланишни территориал бошқаришнинг янги системасини бунёд этиш;

— маъмурий-территориал районларни паспортлаштириш, ишлаб чиқариш ва ресурс потенциалларига сифат характеристикаси бериш;

— территориянинг социал-иқтисодий ривожланиши устун жиҳатларини белгилаш, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктура балансланганлиги бўйича чора-тадбирларни асослаш, умуман олганда территориал такрор ишлаб чиқариш пропорцияларини илмий асослаш;

— озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг республика бозори учун йўлланишини кучайтириш;

— умуман принципларда баён қилинган экономикани ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш механизмини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг территориал резервларини аниқлаш воситалари ҳамда стимуллари билан тўлдириш;

— солиқ сиёсатини ўтказиш асослари ва принциплари;

— ишлаб чиқаришнинг регионал сарф-харажатларини камайтиришга ҳамда регионнинг умумиттифоқ халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга доир тадбир-чораларни белгилаш.

Умуман принциплар лойиҳасида баён этилган ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш концепциясида, жумладан, иттифоқ қарамоғидаги корхоналар фойдасидан тўланадиган тўловларнинг салмоғи иттифоқдош республикалар бюджетлари даромадларининг умумий суммасида ҳозирги 2 процентдан 20 процентга кўтарилиши кўзда тутиляпти (III модда, 3-банд). Кўринишича, бунда иттифоқдош республикалардаги социалистик кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш моддалари тафовутлари ҳам, у ёки бу республика территориясидаги кўрсатилган корхоналар миқдори, тармоққа мансублиги ва республика экономикасидаги салмоғи ҳам, ушбу хусусият билан боғлиқ регионал халқ хўжалик комплекси ишлаши шарт-шароити ҳамда турли тармоқларни жойлаштириш ва ривожлантириш бир текисда эмаслиги (бирор бир конъюнктура мулоҳазалари таъсирида шаклланган қонуний ва планли ёки стихияли) характери ҳам, уларнинг реал иқтисодий самарадорлиги, бинобарин, фойда келтириш даражаси ҳам ҳисобга олинмаган.

Бу эса, мисол учун, ўз территориясидаги иттифоқ қарамоғидаги корхоналарнинг кўпчилиги саноатнинг ундирма тармоқларига мансуб бўлган, асосан планда зарар кўриши кўзда тутилган, дотация олувчи корхоналар бўлган республика ўз бюджетига тушадиган тегишли молия киримлари жиддий равишда кўпайишига умид боғлаши даргумонлигини англатади. Шу билан бир пайтда қарама-қарши тусда жойлаштириш вазиятига эга бўлган, яъни ишлаб чиқариш рентабеллиги юқори бўлган иттифоқ қарамоғидаги корхоналар устун турган иттифоқдош республикалар ушбу моддага доир республика бюджетининг кўп маротаба реал ўсишига эришадилар.

Жойлашган ўрни, кон-геология шароити, территориянинг биоиқлим потенциали ва бошқа регионал-иқтисодий параметрларни ҳисобга олувчи дифференциал рента билан республика ҳамда иттифоқ бюджетлари киримлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни илмий асослаш зарурлиги ҳақидаги масалани ҳозирча бир чеккага қўя турган ҳолда Умумий принципларда ва ундан сўнг қабул қилинадиган СССР Қонунида кўрсатилган тафовутларни бартараф этиш, шу жиҳатдан олганда иттифоқдош республикаларга тенг шароит бериш иқтисодий механизмини ифода этишни зарур деб ҳисоблайман. Менимча, иттифоқ қарамоғидаги корхоналарнинг рентабеллиги, хом ашё ундириш ва қайта ишлаш, маҳаллий манбалардан материал ишлаш ва ёқилғи олиш комплекслилиги даражасига боғлиқ равишда республика бюджети учун тўловларни табақалаштириш, эскирган ва экология жиҳатдан зарарли технологиядан фойдаланадиган корхоналарга нисбатан иқтисодий жазолар қўллаш соҳасида республикаларга ҳуқуқлар бериш ва уларни кенгайтириш талаб қилинади.

Иттифоқдош республикаларнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш концепцияси социалистик хўжалик юритиш практикасининг ҳақиқий эҳтиёжларига берилган жавоб бўлди. У иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий суверенитетини ишлаб чиқариш бўғинлари, маҳаллий Советлар, иттифоқдош республикалар ва умуман мамлакат бюджетлари ўртасидаги норматив муносабатлар системасини бунёд этиш асосида мустаҳкамлашга даъват этилган. Шу билан биргаликда Умумий принциплар хўжалик бўғинлари ҳамда маъму-

рий-территориал тузилмалар ўзаро таъсирининг асосий йўлларинигина белгилаб беради. Муҳокама қилинаётган Лойиҳа иттифоқдош республикаларнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга янги туртки беришга қодир бўлган иқтисодий-ҳуқуқий восита ҳисобланади. Лекин бу нарса регионал микёсда ишлаб чиқаришни бошқаришни, унинг социал-иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларини илмий жиҳатдан асослаш масалаларини кун тартибидан олмайди. Республика ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш концепциясини рўёбга чиқариши билан республикаларни иқтисодий ривожлантиришга доир проблемалар йўқолиб кетади деб ўйлаш нотўғри бўлур эди.

Менимча, рўёбга чиқариш истиқболлари нуқтаи назаридан олганда умумий принципларни тугаллаш ва чуқурлаштириш мақсадида:

— бир қатор кўрсаткичларнинг, шу жумладан миқдорини қисқартирган ҳолда контрол рақамларга доир кўрсаткичларнинг (бу билан маъмурий-зўраки директивачилик соҳасидан тўла воз кечишгача бўлган тарзда бу соҳани торайтирган ҳолда) марказ томонидан индикатив (тавсия берув) планлаштиришга ҳуқуқий мақом берилиши;

— ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш принципларига ўтаётган иттифоқдош республикаларга зарур ҳолларда чет эл фирмаларининг маблағларини жалб этган ҳолда эркин иқтисодий зоналарни бунёд этиш ҳуқуқи берилиши;

— республика экономикаси системасида, регионал хўжалик ҳисоби механизмида давлат буюртмасини қўлланиш ўрни, роли, вазифалари ва соҳасини, хусусан, уни устун микёсда бажариш стимуллари ҳамда моддий-техника имкониятларини аниқ белгилаб олиш;

— регионлараро меҳнат тақсимотининг юзага келган характерини ҳам, республикалар (масалан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари) халқ хўжалик комплексларини интеграциялаш мумкинлигини ҳам ҳисобга оладиган республикалараро ўзаро шерикчилик муносабатлари принциплари қурилишини тартибга солувчи бўлимни ишлаб чиқиш;

— бундан буён территориал хўжалик ҳисобида асосий бўғинни — район, шаҳар, область, республикани — ажратиш проблемасини ҳал этишни кўзда тутиш;

— нарх белгилаш соҳасида иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш зарур.

«Ўзбекистон коммунисти» журнали саҳифаларида олиб борилаётган мунозарани мақсадга мувофиқ ва ўз вақтида бўлаётир деб ҳисоблайман. Унинг бундан буёнги боришини Ўзбекистон экономикасини ривожлантириш истиқболларини, унинг ресурс ва ишлаб чиқариш потенциали самарадорлигини конструктивлик ва демократиклик руҳида ошириш проблемаларини баҳолаш оқимига йўналтиришни таклиф қиламан. Бу борадаги баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман

Менинг назаримда, Ўзбекистон ССРда территориал хўжалик ҳисобини тўла микёсда жорий этиш бир вақтда АСК ва умуман саноат структураси ҳамда ихтисосланишини қараб чиқиш ва тартибга солиш билан биргаликда унинг экономикасини ривожлантиришнинг устун жиҳатларини илмий асослашни тақозо этади. Бунда қайта ишловчи, сермеҳнат тармоқларни, тўпланган илмий потенциални ҳисобга олган ҳолда эса — фанни кўпроқ талаб этувчи ва информацион ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга бўлган урғулар ўрнини алмаштиришни кўзда тутяпман. Бу нарса республика аҳолисининг иш билан бандлигини рационаллаштиришга, унинг экономикаси самарадорлигини оширишга, жаҳон бозорини ўзлаштириш ва мамлакат халқ хўжалигига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга имкон яратади. Шунингдек социал инфраструктура ва умуман регионал такрор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажмини ана шу мақсадлар учун корхоналар фойдасидан чегирмалар етарлилиги нуқтаи назаридан туриб қайтадан қараб чиқиш зарур.

Иттифоқдош республикалар иқтисодий мустақиллигининг потенциали ғоят улкан. Уни иложи борича тўлароқ юзага чиқариш ҳамда ундан қайта қуришни янада чуқурлаштириш мақсадларида актив фойдалана билиш ғоятда муҳим вазифадир.

Б. МУСАЕВ

МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР МАДАНИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Социологик тадқиқотлар тажрибасидан

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ меҳнат соҳасидаги ва жанговар ишлари солномаси ҳозирги ва келажак авлодлар учун дўстлик ва интернационализм қонунларига асосланган кишилар муносабатлари юксак ахлоқий чўққиларга эришишини кўрсатувчи намуналарни сақлаб қолган. Қайта қуриш ғояларининг хайрли таъсири остида мамлакатимиз халқларининг маънавий ҳаёти тобора хилма-хиллик ва жўшқинлик касб этаётган бугунги кунда ҳам Лениннинг қуйидаги сўзларининг актуаллиги айниқса яққол сезилмоқда. «Биз — миллий душманликнинг, миллий низонинг, миллий айриликнинг душманимиз. Биз — халқарочилар, интернационалистлармиз» (Тўла асарлар тўплами, 40-том, 49-бет).

Ҳозирги амалиётнинг реаллиги шундайки, миллий нотўғри фикрлар ва сийқа андозалар, аҳоли баъзи категориялари онги ва хулқ-атворида интернационал қадриятларнинг қадрсизланиши намоён бўлмоқда. Буларнинг бари миллатлараро алоқалар маданияти жуда танқислиги каби ҳодисада ўз аксини топмоқда.

Марказдаги, шунингдек жойлардаги оммавий ахборот воситалари, социологик тадқиқотлар натижалари шундан далолат бермоқдаки, ишлаб чиқаришда ва турмушда миллатлараро алоқалар маданиятини, хулқ-атвор этикасини тарбиялаш миллатлараро муносабатларни соғломлаштириш учун бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, бу ўринда, ўйлаймизки, миллатлараро алоқалар реалияларини, маданият даражасини баҳолашда социал-сиёсий урғуларни тўғри қўйиш кераккки, бу ўзига хос барометр бўлиб, у, бир томондан, миллатлараро муносабатларнинг реал ҳолатини, бошқа томондан эса — таркиб топган ва амал қилаётган интернационал тарбия системасининг идеология ишининг ҳозирги талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлигини анча аниқ қайд этади.

Философия ва ҳуқуқ институти социология секторининг партия органлари билан биргаликда 1986—1987 йилларда ва 1988 йилда республиканинг бир қатор областларида ҳамда ҚҚАССРда аҳолининг ҳаётий ориентацияси, унинг сиёсий ва идеологик дастурларини ўрганиш борасида ўтказган тадқиқотлари миллий муносабатлар соҳасида жуда кўп муаммолар йиғилиб қолганлигини кўрсатди.

Ана шу социологик тадқиқотларнинг атиги баъзи бир натижаларинигина келтириб ўтамиз. Самарқанд областидаги умумий таълим мактабларини битириб чиққанлар (589 киши) анкетанинг: «Турмушда ҳали ҳам учраб турадиган салбий ҳолатларнинг қайсилари билан биринчи навбатда курашмоқ зарур?» деган саволига ўзбекларнинг 23,2 проценти турли миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги нопоб муносабатларни кўрсатганлар. Тошкентда бир қатор саноат корхоналаридаги ишчилар ўртасида (жами 500 дан зиёд кишидан сўраб чиқилган) ўтказилган тадқиқотлар ҳам мулоҳазалар юритишга ахборот беради. Масалан, «Сизнинг халқингиз, тилингиз, урф-одатларингиз, анъаналарингиз тўғрисида ҳурматсизлик билан гапирган одамга дуч келганмисиз? деган саволга сўраб чиқилган ўзбек ишчиларининг жавоблари қуйидагича тақсимланган: «анча тез-тез» — 24,6

МУСАЕВ Баходир Фахриддинович, Социал-иқтисодий проблемалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганувчи Бутуниттифоқ маркази Ўзбекистон бўлимининг I категорияли социологи, философия фанлари кандидати.

процент, «гоҳо» — 25,0, «жуда кам» — 20,7, «ҳеч қачон тўғри келмаган» — 28,3 процент. Рус миллатига мансуб ишчилар жавобларининг қиёсий таҳлили шунга ўхшаш вазиятни аниқлади. Рус халқи вакиллари, унинг урф-одатлари, анъаналари шаънига ҳурматсиз гаплар айтилишига сўраб чиқилганларнинг ҳар бештасидан бири «анча тез-тез» (21,6 процент), 41 проценти «гоҳо», 13,7 проценти — «жуда кам» дуч келган, 21,6 проценти — «ҳеч қачон дуч келмаган».

Ушбу фактлар меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашнинг умумий аҳволи яхши эмаслигидан далолат беради деб ўйлаймиз. Дарҳақиқат, агар ҳалол ва тўғри гапирадиган бўлсак, қуйидаги принципиал ҳолатни тан олиш керак: бошқа миллатларга, ёнма-ён ишлайдиган ва яшайдиган миллатларнинг вакилларига нисбатан ҳурматсизлик бор жойда маънавий муштараклик бўлиши мумкин эмас.

Шу муносабат билан миллий алоҳидаликка мойиллик кўзга ташланаётган ишлаб чиқаришдаги вазият ташвиш туғдиради. Бу айниқса яқиндагина қишлоқ жойлардан келган ёки ҳозирги вақтда ўша ерда яшаб халқ хўжалигининг саноат тармоқларида ишлаётган малакали ишчилар категориясига тааллуқлидир. Улар кўпинча ўз фикр-мулоҳазаларида рус тилида сўзлашувчи аҳолига нисбатан олдиндан салбий фикрда бўладилар. Чунончи суҳбатлар давомида ёш ўзбек ишчиларидан айримлари мамлакатнинг бошқа регионларидан мутахассисларнинг келишини маъқулламасликларини айтмоқдалар.

Илмий, партия-хўжалик ходимлари, адабиёт, санъат, халқ таълими системаси вакилларининг бир қисми ҳам маҳаллийчилик кайфиятларига берилганлар. Ўзбекистон аҳолиси ана шу категориясини экспертлар сифатида сўраб чиқиш шуни кўрсатдики, зиёлилар баъзи қисмининг миллий ўзлигини англаши ўсиши билан бирга, уларда салбий кўринишлар ҳам юз бермоқда. Масалан, «Республикамизга мамлакатнинг бошқа районларидан мутахассислар келишига Сиз қандай қарайсиз?» деган саволга берилган жавоблардан шундай тасаввур ҳосил бўлади. Сўраб чиқилган ҳар икки ўзбекнинг биттаси «маъқулламайман» деб жавоб берган. «Республикамизнинг туб ерли миллат ёшларининг ишчи мутахассис бўлиш учун республикамиздан ташқарига юборилишига Сиз қандай қарайсиз?» деган саволга сўралганларнинг ҳар бештасидан бири (19,9 процент) шу хилда жавоб берган. Ҳолбуки, шу нарса равшандек кўринадики, ишчилар синфи миллий кадрларини шакллантириш — Ўзбекистон ва умуман регион учун, аввало социал-иқтисодий жиҳатдан фавқулодда муҳим проблема бўлиб, уни бир республика кучи билан ҳал этишнинг иложи йўқ.

Қуйидаги фактлар ҳам миллий биқиқлик тенденцияларининг мавжудлигини кўрсатди. «Сиз қандай коллективда ишлашни (ўқишни) афзал кўрасиз?» деган саволга Самарқанд областида яшовчи ёш ўзбек ишчиларининг ҳар тўрттасидан қарийб биттаси (23,8 процент) ўз миллати кишилари меҳнат қилаётган коллективда ишлашни афзал кўришлигини айтган. Рус миллати ишчиларининг атиги 4,3 процентигина шундай жавоб қилган. Ўзбекистоннинг уч областида (Тошкент, Фарғона ва Самарқанд) ва Қорақалпоғистон АССРда ўтган йилнинг декабрида ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар орасида ўтказилган тадқиқотлар ҳам (жами 2607 кишидан сўраб чиқилган) юқорида айтилган тенденцияни тасдиқлайди. Масалан, «Сизнинг фикрингизча, қандай коллективда ишлаш ҳаммадан яхши?» деган саволга сўраб чиқилган 1141 нафар ўзбекнинг ҳар бештасидан қарийб бири (19,7 процент) ўз миллати кишилари орасида ишлашни афзал кўришлигини айтган. Айни вақтда сўраб чиқилган рус миллатига мансуб кишиларнинг атиги 12,8 проценти шундай истак билдирган.

Сўраб чиқиш усули билан аниқланган турли миллатларга мансуб кишиларнинг кайфиятлари интернационаллаштириш жараёнларини жўн тушунишни бартараф этишни зарур қилиб қўяди. Миллий маданиятни бир бутунлик сифатида тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлларини бугун қуюнчаклик билан муҳокама қилаётган публицистика шу жиҳатдан жуда ҳақлидир.

Афтидан, миллатлараро соҳадаги ижтимоий муносабатларни ривожлантириш муаммоларининг бутун мураккаблиги яна шундаки, интернационаллаштириш жараёнларининг кучаюви ҳозирги «этник парадокс» деб аталган ходиса билан бир вақтда юз беради. Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги ҳозирги

вазият ижтимоий тараққиётнинг табақалашаётган ҳамда интергрvärldлашаётган тенденциялари орасидаги фундаментал зиддиятларнинг ривожланиши билан кўп даражада боғлиқ деб ўйлаймиз.

Ҳозирги фан-техника тараққиёти, сиёсий ва иқтисодий тафаккур янги типининг шаклланиши реал факторлар бўлиб, улар таъсирида социал, шу жумладан миллий жараёнлар ҳам дунёвий аҳамият касб этади. Экономика, маданиятда давлат ичидаги ва давлатлараро алоқалар кучайиб бормоқдаки, бу ҳол турли этник, социал жиҳатлар жамининг ягона социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий организмга айланиши ва ташкил этилишига кўмаклашади. Натижада, бу жараён, бир томондан, миллий маданиятларнинг бутун бойлигини ва хилма-хиллигини «кориштиради» ва гўё текислагандай бўлиб, этник, социал-сиёсий ва маданий қадриятларни умумий бир нарсага айлантиради. Бошқа томондан, ана шу «умумийликда» тўғридан-тўғри қарама-қарши ҳолда ўзини сақлаб қолиш, индивидлашув ва миллий алоҳидалик тенденцияси ўзига хос ички бир зарурат тарзида намоён бўлади.

Шундай қилиб, ушбу жараён этник, миллий группаларнинг ўз тарихий ўтмишини ва ҳозирги мавқеини, ўз манфаатларини англаши объектив равишда кучаювига олиб боради. Айни ана шу ҳолатлар туфайли партия ташкилотлари, илмий интеллигенция ва барча идеология ходимларидан пировард натижада интернационализм, миллатлараро алоқалар маданияти бўшликда эмас, балки конкрет вазиятда, конкрет миллатларга мансуб кишилар онги ва хулқ-атворида, бошқа бир регионал-этник, маданий-идеологик, иқтисодий вазиятда эмас, балки айни шу вазиятда шаклланиши фактини англаш талаб қилинади.

Хуллас, интернационал тарбия жараёни ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида кишиларнинг тўлақонли алоқаларига кўмаклашувчи ёки тўсқинлик қилувчи конкрет шарт-шароитлар ва омилларни аниқлашни талаб қилади. Шу муносабат билан муаммолар вужудга келтирадиган омилларни аниқлаш алоҳида қизиқиш туғдиради. Социологик тадқиқотлар турмушимиз реалликларини теран идрок этиш, миллатлараро алоқалар соҳасида вужудга келадиган конкрет вазиятларни ҳалол ва ҳаққоний тасвирлаш зарур эканини тасдиқлайди. Социологик тадқиқотлар маълумотларига фақат шундай ёндашувгина кескинлик манбаини ўз вақтида йўқотишга, бу соҳадаги оғишлар ва зиддиятларни бартараф этишга ёрдам беришга қодирдир.

Миллий муносабатлар соҳасида турмушнинг турли жиҳатларига доир бир қатор саволларга ишчилар, колхозчилар ва хизматчилар жавоб берганларида, масалан, баъзи муаммолар яққол юзага чиқиб қолди. Жумладан, «Турли миллатлар кишиларининг алоқасини, Сизнингча, нима қийинлаштиради?» деган саволга сўраб чиқилганларнинг ҳар иккисидан бири (50,4 процент) бошқа халқнинг тилини билмаслик деб кўрсатган; сўраб чиқилганларнинг тахминан ҳар тўртидан бири — (27,2 процент) тўлақонли миллий алоқа қилишга миллий такаббурлик ва миллий худбинлик тўсқинлик қилади, деган; ҳар тўрт кишидан бири (25,1 процент) ўз халқининг анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилмасликдан нолиган. Афтидан, бошқа халқнинг тарихи ва маданий қадриятларини билмаслик, бир қатор ҳолларда эса уларни ёқтирмаслик шундан бўлса керак.

Социал-иқтисодий, шу жумладан миллий жараёнларни бошқаришнинг зўравонлик методлари сўнгги вақтларга қадар кўпгина миллий тузилмалар, этник группаларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига эътиборсиз қараб келди. Ижтимоий жараёнларни бошқаришдаги уқувсизлик, аслини олганда волюнтаристик методи Ўзбекистонда ҳам мавжуд эди. Бу ерда авлодлар маънавий алоқаси механизми бузилиши, давомийлиги, ўзбек халқи миллий маданияти бутунлигининг сақланиб қолиши ва янада ривожланишининг реал хавфи мавжуд эди.

Илгариги йилларда идеология ишида асрий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимларининг ижобий аҳамияти камситилишига йўл қўйиб келинди. Шундай ишнинг натижалари, бизнинг фикримизча, қандайдир даражада нигилизм билан миллий негативизмнинг бугунги кундаги ташландиқларини келтириб чиқарадики, булар ўтмишда йўл қўйилган бузилишларга миллий ўзлигини англашнинг ўзига хос ҳимояловчи реакцияси дир. Ҳозирги шароитда миллий маданиятлар, урф-одатлар ва анъаналар статусларини тиклашнинг оҳиста жараёни бормоқда.

Лекин буларнинг бари ҳеч ҳам СССР халқлари интернационал бирлигини мустаҳкамлаш, ўзига хос миллий маданиятларнинг ўзаро муносабатлари ва бир-бирини бойитиши проблемаларини иккинчи ўринга суриб қўймаслиги керак. Бунда миллатлараро муомала воситаси бўлган рус тили бебаҳо роль ўйнаши керак.

Равшанки, мамлакат миқёсида кооперациянинг кенгайиб, чуқурлашиб бориши, принципиал жиҳатдан янги технология ва мураккаб техниканинг ўзлаштирилиши, барча республикаларда тўпланган тажрибани алмашув кучайиши шароитида рус тилини яхши билмаслик кўпдан-кўп кишилар оммасини иқтисодий, техникавий ва ижтимоий тафаккурнинг илғор ютуқларидан сунъий равишда ажратиб қўяди, маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёнига ва бу билан тўлақонли миллатлараро алоқага тўсқинлик қилади. Ташвишларимиз бежиз эмас. Масалан, Қашқадарё ва Андижон областларидаги чақириқ ёшидаги ёшлардан (782 киши) сўраб чиқиш шуни кўрсатдики, улар рус тилини ўзлаштириш зарурлигини англаган ҳолда, 1979 йилдаги рўйхатга олиш натижаларидан фарқ этиб, уни билишни ўз-ўзини танқид руҳида баҳолайдилар, ўша вақтда ўзбекларнинг ярмига яқини рус тилини иккинчи она тили тарзида кўрсатгандек бўлишган эди. Ёшларнинг ўзлари буни шундай баҳолайди: «Қашқадарё областида сўраб чиқилганларнинг тахминан ҳар учтасидан бири (35,1 процент): «Рус тилини дурустгина билмайман» — деб тан олган. Андижон областида сўраб чиқилган ёшларнинг деярли ҳар иккисидан бири (41,5 процент) шу хилда жавоб берган.

Бироқ вазиятнинг жиддийлиги шундаки, республикамизда туб ерли бўлмаган аҳоли томонидан ҳам турли миллатларга мансуб кишиларнинг бир-бири билан яқинлашувида бошқа халқ тилини билишнинг аҳамиятига паст баҳо берилиши кўзга ташланади. Қуйидаги маълумотлар шундан далолат беради. Кишиларнинг бир-бири билан яқинлашувининг таъсирчан воситаси сифатида бошқа тилни билиш тўғрисидаги саволга сўраб чиқилган рус миллатига мансуб ишчи, хизматчи ва колхозчиларнинг атиги 8,3 процентигина ижобий фикр айтган, ваҳоланки сўраб чиқилган Ўрта Осиё халқлари вакилларининг шу хилдаги саволга жавоб берганларнинг улуши анча юқори. Сўраб чиқилган ўзбекларнинг ҳар учтасидан бирининг фикрича турли миллат кишиларини бошқа халқ тилини билиш ҳаммадан кўпроқ яқинлаштиради. Шу тарзда жавоб берган қорақалпоқларнинг улуши — 22,6 процентни, тожикларнинг — 42,4, қозоқларнинг улуши — 26 процентни ташкил қилган.

Буларнинг бари шунинг оқибатидирки, Ўзбекистонда республиканинг номи берилган миллат тили амалда рус тилида сўзлашувчи аҳоли турмуш тарзида иккинчи тил бўлиб қолмаган. Шуни айтиш кифояки, ўзбек тилида бемалол гаплашишни сўраб чиқилган русларнинг жуда озгина қисми — 2,9 процентигина эътироф этади. Лекин бу ҳол ана шу аҳоли оғзаки гаплашувини бир хилда салбий баҳолашга асло имкон бермайди. Дарҳақиқат сўраб чиқилганларнинг ярмидан кўпроғи ўзбек тилини ўрганишга истак билдирадилар. Сўраб чиқилганларнинг фақат 3,5 процентигина ўзбек тили турмушда менга ҳеч қачон даркор бўлмайди, деган фикрдадир.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида миллатлар ўзаро муносабатларининг жуда муҳим омили сифатида миллий-рус икки тиллигини таъминлашнинг социал-сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳамияти тўғрисида батафсил мулоҳазалар юритишга зарурат йўқ деб ўйлаймизки, бунинг натижасида бошқа миллатни ва унинг ўзига хос бутун хусусиятларини тушуниш, кишиларнинг социал ва миллий ўзлигини англашда интернационал қадриятларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг негизи кенгайиб боради. Миллий-рус икки тиллиги ҳали ҳам мавжуд бўлган миллий группаларнинг ўзича яккаланиб қолиш элементлари йўқолишига ҳамда улар алоқалари ва ўзаро таъсири усулларини интенсив излашга кўмаклашади. Шу муносабат билан Лениннинг қуйидаги сўзларини эсга олиш ўринлидир: «Биз улуғ ва қудратли рус тилини ҳеч бир кишининг *калтак остида* ўрганиши учун ҳожат йўқ, деб ўйлаймиз... Ўзининг ҳаёт ва иш шароитлари жиҳатидан рус тилини ўрганишга эҳтиёжи бўлган кишилар бу тилни калтаксиз ҳам ўрганиб оладилар» (Тўла асарлар тўплами, 24-том, 331-бет).

Бугунги кунда турғунлик даврининг сийқаси чиққан идеологик қолипларидан ва миллий жараёнлар концепцияларининг схематизмидан воз кечишга ҳаётнинг ўзи, реал амалиёт мажбур қилмоқда. Шубҳа йўкки, миллатлараро алоқаларнинг гуманизациялашиши кўп жиҳатдан интернационал тарбия ҳамда интернационал этиқодни шакллантириш борасидаги ишнинг тубдан яхшиланиши билан белгиланади. Бироқ шаҳарлараро алоқалар проблемаларини миллий даражада ҳал этиш бутунлай фақат тарбиявий омилга боғлик деб ўйлаш хато бўлур эди. Жамиятимиз интернационал тарбиянинг ахлоқий-маърифий характердаги аччиқ тажрибасига эгаки, бугунги кунда ҳам у ўз асоратини кўрсатиб турибди.

Социологик тадқиқотлар миллатлараро муносабатларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисидаги тасаввурлар билан расмий идеология даражаси орасидаги узилишни яққол кўрсатмоқда. Шуларнинг бари турмушда юз бераётган жараёнларни илмий идрок этишни бугунги кунда кескин қилиб қўйяпти. Шу нарса сир эмаски, бизнинг жамиятшунослигимиз, аввалги йилларда маъмурий тақиқлар «исканжасида» қолиб, кўпгина салбий тенденцияларни «кўздан қочирди». Ахир «ҳақиқий ижобий фан, кишиларнинг амалий фаолиятини, амалий ривожланиш жараёнини тасвирлаш», деб таъкидлаган эди К. Маркс, фақат олим «ҳақиқий ҳаёт каршисига» қўйилган жойдагина бошланади. Фақат шу ҳолдагина онг тўғрисидаги гаплар тўхтатилиб уларнинг ўрнини ҳақиқий билим эгаллайди. (*К. Маркс ва Ф. Энгельс.* Уч томлик танланган асарлар. «Ўзбекистон», 1-том, 15-бет).

Ўзбекистонда турғунлик даврининг оқибатлари жуда жиддий. Шунинг учун ҳам масала жуда кескин қилиб қўйилган: ўша даврдаги ҳодисалар одамларимиз онгига қанчалик чуқур сингиб кетганлигини тўла тасавур эта оламизми-йўқми? Бу ўринда моддий-маънавий, маданий-мафкуравий шарт-шароитларни билиш муҳимдир, улар салбий ҳаётий ориентацияларни ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасида аҳоли барча қатламлари дастурларини озиқлантириб ва қайта такрорлаб туради. Ахир паст умумий маданият ҳам, миллий биқиқлик ва миллий негативизмнинг бошқа элементлари ҳам нохуш социал-иқтисодий «заминда» ўсиб унади.

Турли миллат кишиларининг шахслараро алоқаси тўғрисида ғамхўрлик қилиш — муҳим социал, маданий ва идеологик проблемадир. Бу соҳада майда-чуйда нарсалар бўлиши мумкин эмас. Биринчи қарашда ҳатто кичик бўлиб кўринган проблемаларга эътибор бермаслик муайян ҳолатларда миллий ўзлигини англашни жиддий равишда деформация қилиши, жиддий низоли вазиятга айланиб кетиши мумкин.

Шу муносабат билан мамлакатда вужудга келган халқ хўжалик алоқалари комплексида республикалар экономикаси тармоқлари ўртасидаги алмашувнинг адолатлилиги тўғрисидаги мунозарани далил қилиб келтириш мумкин. Бу масалада жуда кўп тортишувлар, мунозаралар бўляпти. Чунончи, бир томон, батафсил таҳлил қилиб ўтирмай ўз манфаатларининг камситилишидан нолийди, бошка томон тегишлича асосланмасдан ва ишончли маълумотлар келтирмай Ўзбекистоннинг бошқалар қарамоғида эканлиги ҳақида гап сотадилар. Лекин, нима бўлганда ҳам, бу ҳаётий муҳим масалалар бизнингча академиклар даврасида эмас, балки кенг омма орасида муҳокама қилиниши керак, бунинг учун халқ иқтисодий маълумотлар, алмашув ва таксимотга асос қилиб олинадиган нормативлардан тўла хабардор бўлиши лозим.

Анкетанинг: «Гоҳо Ўзбекистон иттифоқдош республикалардан берганидан кўра кўпроқ олади деган фикр айтилади. Сиз шу фикрга қўшиласизми?» ва «Гоҳо республика аҳолисининг турмуш даражаси, моддий фаровонлиги мамлакатнинг бошқа регионларидагидан кўра пастлиги тўғрисида фикр айтилади. Сиз шу фикрга қўшиласизми?» деган саволларига ишчилар, колхозчилар ва хизматчиларнинг берган жавоблари жамоатчилик фикрининг шаклланиши ва миллий муносабатлар баҳосининг ўзига хос кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сўраб чиқилганларнинг анчагина қисми (25,6 процент) зарур ахборотларга эга эмаслигини айтиб, ана шу саволларга жавоб бермаган. Сўраб чиқилганларнинг келтирган важи ишонарли ва қонунийдир, чунки ҳатто олимлар орасида ҳам республикалар ва умуман иттифоқ ўртасида иқтисодий алмашув масаласи эквивалентлилиги (ёки, аксинча, ноэквивалентлилиги) юзасидан илмий асосланган нуқтаи назар ҳали йўқ. Ҳолбуки, бундай ҳисоб-китоб зарур, чунки экономиканинг реал

жараёнларини омма турлича қабул қиляптики, бунинг аҳолининг социал аҳволи ва кайфиятига таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Бунда шу нарсани таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон туб ерли аҳолисининг анча қисми республиканинг ҳозирги иқтисодий аҳволига танқидий қарайди.

Республика турмушининг социал-иқтисодий соҳасидаги мавжуд аҳвол тубдан ўзгартирилмаса, Ўзбекистон халқлари миллий ўзлигини англашини янада юксалтириш жараёнида социал кескинлик манбалари вужудга келиши муқаррардирки, булар миллий муносабатларда акс этиши мумкин. Жамоатчилик фикри, аҳолининг социал фаолияти республика экономикасининг соғломлашуви, етилган социал-иқтисодий проблемаларнинг ҳал этилиши, аҳоли турмуш даражасининг ошиши билан чамбарчас боғлиқдир.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюциясида таъкидланганидек, регионларнинг кўпроқ мустақиллиги учун шароит яратиш, ҳар бир республика ўз хўжалик фаолияти пировард натижаларини яхшилашдан манфаатдор бўладиган ҳамкорлик шаклларини амалга ошириш — марказий вазифалардан биридир. Ҳар бир миллий регионда иқтисодий ва социал тараққиёт миллатлар ва элатларнинг маданий ўзига хослигига таянувчи маънавий тараққиёт билан қўшиб олиб борилиши муҳимдир. Социалистик маданият кўп миллатли маданият тарзида ривожлана бориб, бундан буён ҳам жамиятимиз ғоявий-маънавий жипслигининг қудратли омили бўлиб қолиши керак.

ИЛМИЙ АТЕИЗМ: НАЗАРИЯ ВА ПРАКТИКА

Ж. Каримов ва Г. Цойларнинг журналимизда берилган (1989 йил № 3) «Атеистик ишни янгича ташкил этайлик» мақоласига журналхонлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Қуйида улардан бирини эълон қиляпмиз.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

ЖАМИЯТИМИЗ ҳаётининг барча жабҳаларида рўй бераётган теран революцион ўзгаришлар, табиийки, атеистик ишни ҳам давр талаблари ва руҳига мос равишда янгилашни тақозо этади. Мақолада тўғри кўрсатиб ўтилганидек, бу борада узоқ вақт мобайнида салбий ва турғунлик ҳодисалари тўпланиб бордики, улар мамлакат экономикаси ва ижтимоий ҳаётининг кризисолди аҳволи билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу вақт ичида диндорлар билан муомала қила билиш зарурлиги негадир иккинчи ўринга ўтиб, унутиб қўйилди, туб ерли аҳолининг асрлар давомида шаклланган турмуш хусусиятлари, расм-русмлари, диний дунёқарашнинг миллий психология ва маданият билан боғлиқлиги ҳисобга олинмади. Турғунлик йилларида иқтисодий, ижтимоий ва маданий муаммолар секинлик билан ҳал этилганлиги, кўплаб раҳбарларнинг ғоявий-маънавий бузилиши, кишилар талаб-эҳтиёжларининг қондирилмаслиги, бинобарин, турмуш даражасининг шунга яраша бўлганлиги динга мурожаат қилувчи кишилар сони кўпайиб боришининг бош сабаби эканлигига ҳам эътибор берилмади.

Тажриба шуни кўрсатадики, дин асоратига кўпинча ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлмаган кишилар, энг аввало аёллар тушиб қолишади. Косиблар, ҳунармандлар, омади юришмаган кишиларнинг бир қисми, шунингдек қамалиб чиққан кишиларнинг баъзилари ҳам дин таъсирига тез бериладилар.

Яқинда мен жума намозини ўқиш учун масжидлардан бирига тўпланган диндорларни кузатдим. Уларнинг деярли ҳаммаси пенсия ёшидаги кишилар бўлиб, назаримда косиб, ҳунарманд, шофёр, қоровуллардан иборат эди. Бундан аҳолининг айни мана шу категорияси орасида иш (профессионал байрамларни ҳисобга олган ҳолда) олиб бориш керак, деган хулосага келдим.

Ж. Каримов билан Г. Цой ўз мақолаларида тўғри таъкидлаганларидек, республика аҳолиси дин ҳақида, шу жумладан ислом дини тўғрисида объектив тасаввурга эга бўлишлари жуда муҳим. Шу муносабат билан, гражданлар томонидан дин тарихини, унинг социал функцияларини ва инсоният тараққиётидаги ролини мустақил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу борада мен, энг аввало диний китоблар, жумладан, қуръон, дин тўғрисидаги справка ва илмий-оммабоп адабиётларни етарли нусхаларда нашр этишни назарда тутаяпман. Истаган киши уларни ўргансин. Ахир, ўзинг билмаган нарса тўғрисида қандай қилиб баҳслашиш мумкин? Минг афсуски, биз ҳозирга қадар шундай йўл тутдик: муқаддас китобларни ўқимасдан туриб, уларни «юқори»дан туширилган стереотип иборалар билан ҳақоратладик, биз улар инсоният ақл-заковати кўп асрлик ривожининг меваси эканлигини, улар халқлар турмуш тарзини ифода этишини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмадик, бу билан илмий атеизм обрўсини жуда тушириб юбордик, унинг моҳиятини буздик. Шу муносабат билан Политиздат ўтган йили «Ислам. Словарь атеиста» китобини нашр этиб, жуда яхши иш қилди деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон тарихи ва маданиятида ислом динининг ролига объектив илмий баҳо бериш, назаримда, бугунги кун тартибида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Фикримча, бу масалада ҳам кескин усуллардан: динни фақат ёмонлаб, унинг реакционлиги тўғрисида гапириш ёки, аксинча, уни кўкларга кўтариб мақташдан воз кечиш пайти келди. Устига-устак ислом дини фақат салбий баҳо «олиб келди». Кўпинча бир дин иккинчисидан юқори қўйилди. Нима учун? Биз, идеология ишининг активистлари, ўқитувчилар бу саволга жавоб бера олмасдик, қўрқардик, уни четлаб ўтардик, ҳазилга айлантирардик... Бахтимизга ҳозир соғлом ақл ғалаба қилмоқда. Халқ эса бу ижобий ўзгаришларни сезгирлик билан пайқамоқда, айни пайтда: христиан динининг Россияга киритилиши 1000 йиллигининг кенг байрам қилиниши ва унга бағишланган турли йиғилишларни бу дин анъанавий тарқалиш зонаси бўлмаган республика матбуотида бу қадар муфассал ёритилиши тўғрими? деб сўрашмоқда. Демак, марксча-ленинча фан турли динларга бир хил муносабатда бўлмас эканда? Булар оддий савол-

лар эмас. Шундай бўлса ҳам уларга жуда асосли жавоб берилиши керак. Турли динга мансуб кишилар ўртасидаги ҳақиқий ўртоқлик, ҳамкорлик муносабатлари уларнинг динига бўлган бирдай ҳурмат-эътибор асосида ривожланиши ва мустаҳкамланишини унутмаслик даркор. Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масаласи кескин турган ҳозирги кунда биз бу фактни эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Агар кишиларнинг диний ва миллий ҳистуйғулари чатишиб кетишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу яна ҳам муҳимдир.

Бугунги кунда диндорларга муносабат чиндан ҳам ўзгармоқда. Уларнинг кўпчилиги қайта қуриш вазифаларини амалга оширишда актив иштирок этишмоқда. Бу шароитда динга қарши аёвсиз курашиш ўрнига, биз, ҳамкорлик қилишнинг фойдали томонларини топишга ўрганмоғимиз керак.

Масалан, 120 дан ортиқ мамлакатда ўз жамоаларига эга бўлган ислом дини ер юзида тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ва бир-бирларини тушуниш ғояларини илгари сурмоқда. СССРдаги мусулмон диний ташкилотлари ҳам бу йўналишда катта иш қилишмоқда. Улар 80 та мамлакатнинг диний ташкилотлари билан алоқа ўрнатишган. Ҳар йили СССРга кўплаб чет эллик мусулмон арбоблари келишади. Мамлакатимизнинг ислом дини вакиллари ҳам уларнинг меҳмони бўлишади. Ҳа, ҳамкорлик қилишга интилаётганлар учун дин тўсиқ эмас. Масалан, афғонистонлик диндор космонавт фазога ўзи билан Қуръонини олиб кетди. Бу учишнинг умумий программасини бажаришга ҳеч ҳам халақит бергани йўқ.

Ислом дини томонидан қотиллик, ўз жонига қасд этиш, ўғирлик, қиморбозлик, спиртли ичимликлар истеъмол қилишнинг тақиқланиши ва бошқа қоидалари умуминсоний характерга эга бўлиб, коммунистик ахлоқ нормаларига ҳам мосдир. Ёки кишиларга яхшилик қилиш, етимесирлар ҳақида қайғуриш каби ахлоқ нормаларини олиб қўрайлик. В. И. Ленин номли Болалар фонди, инвалидлар, меҳршафқат ва бошқа ташкилотлар ўз олдига қўйган мақсадларда ҳам улар ўз аксини топмаяптими?

Агар диний ташкилотлар ва муассаса-лар билан муносабатлар идеологик зи-диятлар асосида эмас, балки, реал ша-роитдан келиб чиқиб, ҳамкорлик негизид қурилса, фикримча, давлатимиз тарак қиёти учун ҳам катта фойда келтирга бўлур эди. Қайтариб айтаманки, ҳамкор ликда ишлашимиз учун имкониятлар кў Ҳар қандай дин ҳам қоралайдиган алко голизм, гиёвандлик, фоҳишабозлик, пора хўрлик, кўзбўямачилик, кўшиб ёзишла ва жамиятимизда мавжуд бошқа ярама иллатларга қарши кураш шулар жумла сидандир.

Маълумки, СССР Министрлар Совет қошида диний ишлар бўйича кенгаш и олиб боради, иттифоқдош республикала Министрлар Советлари қошида эса дини ишлар бўйича вакил бор. Давлат ва дини муассасалар ўртасидаги муносабатла ҳам бугунги кунда қайта қуриш ва ви дон эркинлиги талабларига мос равишд такомиллаштирилмоғи керак. Мен, ма салан, уларнинг қўшма комиссияларин тузиш тарафдориман. Ахлоқ-одоб, дини расм-русмларни бажариш, инсон ҳуку лари ва бошқа масалалар бу комиссия ларда биргаликда ҳал этилиши мумки Улар мақола муаллифлари таклиф этга маданий-идеологик марказларни ташки этиши ва уларнинг ишини йўналтири туриши мумкин.

Модомики, дин инсон онгининг би қисми экан, демак, у билан курашни ма мурий-бюрократик йўллар билан эма балки илмий жиҳатдан асосланган т шунтириш ва ишонтириш усуллари била олиб бориш керак. Инсонни материали тик дунёқараш асосида тарбиялаш вази фаси бу ишда биринчи ўринга қўйилиш зарур. Атеистик ишни яхшилаш учу фикримча, ҳаёт ўртага ташлаётган муам моларни ўз вақтида англаш ва ҳал эти ғоят муҳим аҳамиятга эга. Фақат шу й билангина бу ишнинг обрўси ва самара дорлигини ошириш мумкин.

Н. УСМОНО

иқтисод фанлари кандидат
Тошкент халқ хўжали
институти доцент

«Ўзбекистон коммунисти» журнали (1989, № 2)да Оролни асраб қолиш комитетининг раиси П. Шермуҳамедовнинг «Озон бўшлиғи» қаердан ўтади? Ёки табиатнинг асл соҳиби ва дўсти қачон келади?» сарлавҳали мунозарали мақоласи эълон қилинганди.

Бу мақолага дастлабки жавоб САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В. А. Духовнийдан келди. Журналхон Орол денгизи ва Оролбўйи атрофида вужудга келган экологик вазиятни баҳолашдаги қарама-қаршиликларнинг моҳияти ва характери хусусида ўз фикрларига эга бўлишлари учун биз мақолани қисқартирмай тўлалигича, муаллиф услубини, мунозара оҳангини, далил-изоҳларни сақлаган ҳолда босмоқдамиз.

Журналхонларни Орол ва Оролбўйи проблемалари ҳақидаги мунозарани давом эттиришга таклиф қиламиз.

«ОЗОН БЎШЛИҒИ» ВА ПУБЛИЦИСТИК «ТУМАН»ЛАР

ПАРТИЯВИЙ матбуотдаги плюрализм социалистик жамиятнинг ягона ва-ифаларини ҳал этишнинг реал йўлларини объектив ва асосли равишда изланишни ақозо этади. Ҳа, айнан объектив ва асосли изланиш бўлиши керак, чунки танқид-озлик, тан олмаслик ва «орзудаги гўзал истиқбол»ни амалга ошириб бўладиган еб тушуниш агар реалликларга асосланмаган бўлса, хомхаёл маниловчилик би-ан Собакевич қаҳр-ғазабининг омухтасига айланиб кетади. Шунинг учун фикр-ар плюрализмда аниқ факт ва маълумотларга асосланиш ва ахборотлар ҳамда ашорат (прогноз)ларни тўғри баҳолаб, чинакам мақсад ва йўлларни белгилаб лиш муҳим аҳамиятга эгадир, акс ҳолда, «Броун ҳаракати»нинг зимистон йўл-арида урилиб-сурилиб юриб жарга тушиб кетиш ҳеч гапмас. Афсуски, филология анлари докторининг (П. Шермуҳамедов — **Ред.**) ахборот базасида камчиликлар ўп. Бир халтанинг ичида ҳақиқат ва чалкашликлар ҳам, чин гап ва ёлғон ҳам, ілмий таҳлил натижалари ва бунинг устига улар ахборотнинг турли маҳаллий, ит-ифоқ ва ҳатто жаҳоншумул даражасидаги соҳаларига дахлдор ҳар хил миш-миш-лр ҳам топилади. Авторнинг Ўзбекистонда мавжуд 4 миллион гектар суғорила-іган ернинг 2,8 миллион гектари чигит экишга ажратилган, деган фикридан бош-ілик. ЦСУ (ҳозир Статистика давлат комитети — **Ред.**) ҳисоботини очиб кў-ійлик: — 1987 йили аслида 2107,7 минг гектарга чигит экилган — бу аввалгига ораганда 700 минг гектар камдир.

Агар пахта экилмаса ёки унинг ялпи ҳажми 4 миллион тоннага туширилса, бун-і сув тежалган бўлармиди? Ахир суғориладиган ерлар майдонини қисқартириш ке-ік эмас, улардан фойдаланиш зарур, пахта экилмаган тақдирда ҳам бу ерларга ібзавот, чорва озуқаси, полиз ва бошқа экинлар экиш лозим. Лекин маккажўхо-ідан бошқа бу экинларнинг ҳаммаси кўп сув талаб қилади. Ҳисоб-китобларнинг 'рсатишича, чигит экишдан воз кечилиб, чорва озуқаси ва сабзавот экинлари ишга ўтилган тақдирда ҳам ўша майдонларни суғоришга 15—20 процент кўп сув, ни гектарига 10,5—11 минг куб метр эмас, балки 12—12,7 минг куб метр сув ке-ік бўлади. Шунинг учун ҳар бир зона учун энг мақбул экинларни танлаганда эҳтиёжларини қондириш билан бирга биринчи галда пировард маҳсулот бир-ги учун энг кам сув талаб қилинадиган экинларни кўзда тутиш лозим. Бунда, энг шиси, боғ-роғлар ташкил этиш, сабзавот, ўриб-янчиб олинадиган экинлар экиш ъқулдир. Бироқ бу ишга ҳам ҳисоб-китоб қилиб киришиш керак. Маълумки, бекистон ҳукумати топшириғи бўйича Ўзбекистон ССР Фанлар академияси би-н республика Госплани шу иш билан шуғулланмоқда.

Яна ўша саҳифада: «инсоният сув ва шамол эрозияси ҳамда тупроқнинг шўрланиши туфайли салкам икки миллиард гектар унумдор ердан ажралди. Ҳар йили 5 миллиондан 7 миллион гектаргача ер чўлу биёбонга айланяпти» (51-бетга қаранг. — **Ред.**). ЮНЕП (БМТнинг экология программаси. — **Ред.**) нинг чўлу биёбонларга айланиш проблемалари бўйича 1977 йили қилинган докладида ҳақиқатан ҳам ҳар йили 5—7 миллион гектар ер даштга айланиб бораётганлиги ҳақида **«Антропоген жараёнлар** (автор кўрсатган сабаблардан ташқари, урбанизациялашув, чорва моллари боқиш учун аёвсиз фойдаланиш, техноген жараёнлар дастидан ҳам — **В. Д.)** туфайли юзага келган чўлларнинг умумий майдони 9,12 миллион квадрат километрни ташкил этади» (бу 912 миллион гектарни ташкил этадики, автор яна катта хатога йўл қўйган — **В. Д.).** Сўнгра 54-бетда шундай ёзилган:

«... 1960 йилга қадар ... Амударё ва Сирдарёдан 50 куб километрга яқин сув олинарди... Регионда эса 5,2 миллион гектардан зиёдроқ ер суғориларди». П. Шермуҳамедовнинг фикрича, яна 1,7 миллион гектар ернинг ўзлаштирилиши сув сарфланишининг 55 куб километрига ўсишига олиб келган.

Аслида Орол денгизига оқиб тушадиган Амударё ва Сирдарё хавзаларида суғориладиган ерлар майдони 3,7 миллион гектарни ташкил этиб, уни суғоришга 58,2 куб километр сув сарфланарди. 1987 йили бу дарёлардан 6,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 89,1 куб километр сув олинди. Шундай қилиб, суғоришга олинадиган сув миқдори 2 баравар кўпаймасдан, ҳар гектар учун 15,7 минг куб метрдан 13,7 минг куб метргача камайди. Тўғри, сув бемаъниларча исроф қилинган давр (1979—1981 йиллар) ҳам бўлди. Биз бу ҳақда ўз вақтида ёзган эдик. Ўшанда сув омборлари қурилишининг тугалланиши ва сув сероб келган йиллар сув ресурсларининг битмас-туганмаслиги тўғрисида нотўғри тасаввур туғдирган. «Сув — ҳосил демакдир» деган хато формула эса сувдан аёвсиз фойдаланишга олиб келган эди. Худди ўша йиллари 1 гектарни суғоришга сарфланадиган сув миқдори 18,5 минг куб метрга, айрим зоналар — Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Тошовуз областларида эса 28—30 минг куб метрга етган эди! Лекин сувга қаттиқ лимит белгиланган 1982 йилдан бошлаб суғориш учун фойдаланиладиган сувни доим камайтириб борилдики, натижада ҳар гектарни суғоришга сарфланадиган сув 5 минг куб метрга, Хоразм ва Қорақалпоғистонда эса 10 минг куб метрдан кўпроққа камайди. Қишлоқ хўжалигидан бошқа эхтиёжлар учун бу дарёлардан сув олинганлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак — саноат, маиший турмуш ва ичиш, балиқ хўжалиги ҳамда бошқа эхтиёжлар учун умуман фойдаланиладиган сувнинг 15 процентi сарфланарди.

Бугунги кунда сувдан фойдаланишда резервлар борми? Ҳа, бор. 1974, 1975 1978 ва кейинги йилларда биз бу ҳақда матбуотда, жумладан, «Ўзбекистон коммунисти» саҳифаларида 1977 ва 1985 йилларда ёзган эдик. Сувнинг беш асосий резерви — ҳавзаларда сувни бошқаришни яхшилаш, хўжаликлар ичидаги ва хўжаликлараро сув системаларидан фойдаланишни яхшилаш, суғориладиган ерлардаги дренажларни такомиллаштириш, суғориш системалари ва техникаси самарадорлигини ошириш — бир гектарга сарфланадиган сув миқдорини 10,5—11 минг куб метрга камайтириш имконини беради. Ана шу тадбирлардан қийинчилик билан бўлса-да биринчиси амалга оширилмоқда: Сирдарё ва Амударё ҳавзавий сув хўжалик бирлашмалари (ҲСХБ) тузилган. Биз «Сирдарё ҲСХБи учун 1-навбатдаги ҳавзаларни автоматик бошқарув системасини ишлаб чиқдик ва келгуси йили уни фойдаланишга топширамиз; афсуски, маҳаллийчилик тенденциялари уларнинг ишлашини нормал ташкил этишга халақит бермоқда.

Иккинчи йўналиш бўйича кўп ишлар қилишга тўғри келади. Бунда хўжалик ҳисоби, сув ва ер учун ҳақ тўлаш асосий дастак бўлиши керак, лекин уларни амалга ошириш анча қийин бўляпти. Ўтган йили Бекобод районида эксперимент ўтказилганди, бу йил у яна 17 районда амалга ошириладi. 1991 йилдан бошлаб эса бутун республикада жорий этилади. Дренаж бўйича ишлар яхши кетяпти. бунда Ўзбекистонда яратилган қувватлар (дренаж ётқизувчи машиналар ва дренаж қувурлар) туфайли 1991—1992 йилларда ерларнинг мелиоратив жиҳатдан носозлигидан қутулиш имкони бор. Такомиллашган суғориш техникасини жорий этиш суръатлари ҳам тезлашиб бормоқда — биргина илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида қувватлар йилига 150 минг гектарга етказилди, Ўзбекистон ССР Сув қурилиши давлат комитетида 80 минг гектарга етказилди, лекин хўжа-

ликларда маблағнинг йўқлиги бу ерда ўсишни тўхтатиб турибди. Капитал маблағлар, цемент ва металл танқислигидан каналларга бетон ётқизиш, комплекс реконструкция қилиш йўли билан каналларда сув исроф бўлишининг олдини олиш бўйича ишлар секин бормоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси умуман регион бўйича дарёлардан сув олинишини 15—16 куб километрга камайтиради, лекин сув ресурсларига атиги 10 куб километргина оби ҳаёт қўшилади.

Лекин П. Шермуҳамедовнинг ҳисоб-китоблари бошқача. Унинг фикрича, 10 куб километр эмас, балки 10 ва яна 20, яна 10 ва яна 5 — жами 45 куб километр сув тежаш мумкин. Хўш, нима бўляпти ўзи... Агар 6,5 миллион гектарга 87—89 куб километр ўрнига 77—79 эмас, балки атиги 42—44 куб километр сув берилса, бу ҳар гектар учун бор-йўғи 6,6 минг куб метр сув олиниши кераклигини англатмайдими? Ҳолбуки, системаларнинг фойдали иш коэффициенти 0,8 бўлган тақдирда ҳам ҳар гектар далага атиги 5,2 минг куб метр сув тушади. Гарчанд ҳозир мелиоратор ва сув хўжалиги ходимларига ҳамманинг ақл ўргатиши одат бўлиб қолсада, ҳар ҳолда ҳар йили 10 куб километр сувнинг тежаб қолинишини ёдда тутиш кераккa ўхшайди, бу СССР Фанлар академияси билан ВАСХНИЛнинг комиссияси қарорларида ҳам, Министрлар Советининг Орол проблемалари бўйича комиссияси материалларида ҳам акс этган.

Бу «қўшимча» сувни биринчи галда Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш учун эҳтиёж билан саноат, маданий-маиший, хўжалик-ичимлик сув эҳтиёжлари ўртасида тақсимлаш керак. Энг кичик ҳисоб-китоблар бўйича, 2000 йилга бориб саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўсиб бораётган меҳнат ресурсларининг банд бўлиб қолишини таъминлаш, шунингдек марказлаштирилган сув таъминотида унга эҳтиёж фақат такрорланмас ҳисоб-китобнинг ўзида йилига 7—8 куб километрни ташкил этади. Ахир ўша йилгача республика аҳолиси 20 миллион кишидан кўпайиб кетади!

Энди экологик ва социал вазиятга жиддий баҳо бермоқ керак. Ҳозирги пайтда объективлик жуда муҳимдир, чунки жамиятимизнинг ҳозиргача ўтган барча тарихига нисбатан биз ўз қарашларимизни кескин ўзгартирдик. Инсоният омон қолиши учун курашда ўзига янгидан назар ташлай бошлади. Бу совет воқелигига, нинг социал-иқтисодий, экологик ва маънавий соҳаларига ҳам тааллуқлидир; биз зоқ вақт социал-иқтисодий жиҳатларга кўп эътибор бериб келдик, экологик вазиятга нописандлик билан қарадик, маънавий соҳада эса «темир» ахлоқ-одобимиз бор деб мақтаниб юрдик, сўнгра биз иқтисодий ва социал жиҳатдан пастлаб кета бошладик, зеро идеаллар ва маънавий асослар йўқола бошлаши билан экология масалаларида ҳам жуда ортда қолдик. Социализм негизи бўлган электрлаштириш Чернобиль фожиасига ва миллионлаб гектар ерларнинг сув билан босилишига либ келди; «Плюс мамлакатни химиялаштириш» шиори эса тупроқ, сувнинг ифлосланишига ва ҳатто одамлар соғлигининг ёмонлашишига сабаб бўлди. Бироқ тмишда экологияга эътиборсизлик билан қарашга асосланиб, у ҳамма нарсадан стун деган хулосага келиш керак эмас. Табиий муҳитга, айниқса арид зонаси шароитида унга аралашмасдан инсон эҳтиёжларини қондириш мумкин эмас. Шунинг чун одамларнинг келажаги, уларнинг сув билан таъминланиши, иш билан банд ўлиши, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши билан Оролни дастлабки олида асраб қолиш ўртасини танлаш керак. Худди шу ўринда юз берган вазиятга на бир бор жиддий баҳо бермоқ керак, бунинг учун эса зарарни ҳисоблаб чиқиш озим.

П. Шермуҳамедов мени экологик вазиятни қўпол бузиб кўрсатишда айблайди. елинг, ҳис-ҳаяжонга эмас, илмий далилларга мурожаат қилайлик. Бизнинг журалда чиққан «Даштларни ўзлаштириш проблемалари» (1984 йил, 6-сон) мақолаизда Оролбўйини кузатувларимиз натижалари батафсил ёзилган ва бу зонада зшту чўлга айланиб бориш ҳамда табиат комплексларининг таназзулга юз туш кўламлари кўрсатиб берилган. Жумладан, салбий жараёнлар денгиз бўйлаб)0—400 километрлик зонани қамраб олганлиги, айниқса 60—100 километрлик енгликдаги ерлар жуда кучли зарарланганлиги қайд этилган.

Юз бераётган жараёнлар кўламини баён қилишда ўта демагогияга берилиб тилади — минглаб гектар ўрнига миллионлаб гектар; йилига 6—10 миллион нна ўрнига миллиардлаб тонна чанг-тўзон; таъсир қилиш зонаси 300—400 км лгани ҳолда бўрттирилиб минглаб километр дейилади, масалан, денгиздан энг

кўпи билан ҳар гектарига 1 тоннадан туз учиб келяпти, дарё суви билан эса камида 9—10 тонна оқиб келяпти!

Оролбўйида юзага келган экологик ва социал вазият бу денгиз сатҳининг пасайиши оқибатигина бўлиб қолмай, кўпроқ регионда, биринчи галда Қорақалпоғистон АССР ва Қозоғистон ССРнинг Қизил Ўрда областида халқ хўжалигининг барча тармоқларига раҳбарлик қилишдаги қолоқлик, саводсизлик, масъулиятсизликнинг натижаси ҳамдир. Бунда бюрократизмга ҳақли равишда айб қўйилади, ваҳоланки бу масалаларга тармоқ фани ҳам, республика фани ҳам, Академия фани ҳам 15 йил давомида доимо эътибор қаратиб келган. Лекин ўша вақтларда асосий диққат марказида бошқа нарсалар турганлиги учун Оролбўйининг экологик ва социал томонлари унутиб қўйилганди. Ҳолбуки КПСС Марказий Комитетининг бизга маълум қарорига киритилган ўша комплекс масалалар бундан 15 йил муқаддам амалга оширилганда эди, улкан экологик зарар ҳам юз бермаган бўларди, ҳозир талаб қилинаётган миллиард-миллиард сўмлик ишларга ҳожат бўлмас эди.

Дарвоке, бундан 1000—1500 йил муқаддам Орол ҳозирги кўламларда эмас эди, деган гап «ашаддий бюрократизм»нинг қайта туғилиши эмас, балки илмий далиллардир, холос. Филология фанлари доктори П. Шермуҳамедовни Геродотнинг «География»сига, А. М. Коншиннинг обзорига (1893 йил), геолог И. В. Рубановнинг геоморфологик маълумотларига, ниҳоят, тарих фанлари доктори Г. Ҳидоятовнинг «Правда Востока» газетасининг 1989 йил 21 февраль сонидаги мақоласига мурожаат этишни илтимос қилишга журъат этаман. Уларда келтирилган далиллар эрамизнинг VI—VII асрларида денгиз сатҳи энг катта бўлган вақтдагига қараганда 5—6 баравар кичик бўлганлигидан, сувнинг минераллашиш даражаси эса 1 литрга 100 граммни ташкил этганлигидан далолат беради. Маълумки, Жанубий Хоразмдаги Гавҳар давлати худди ўша даврда жуда равнақ топган эди. Ҳақиқат қайда-ю, демагогия қайда?

Орол ва Оролбўйи проблемаларини ҳал этишнинг яна бир йўли қуйидагичадир: суғориладиган деҳқончиликда суғоришга ишлатиладиган сув сарфини икки марта камайтириш имконини берадиган резервлар тезда қидириб топиладиган бўлса, Орол денгизининг ҳозиргидай 40-белги чегарасида сақланиб қолиши, Оролда камайган миқдордаги сувни сақлаб қолиш учун зарур бўлган сувларни бўшатиб олиш учун чора-тадбирлар комплексини бирин-кетин (2010 йилгача) амалга ошириш керак бўлади, натижада денгиз дастлаб 30-белгигача пасайиб боради, сўнгра 20 йил давомида аста-секин 40-белгигача тиклана боради; КПСС Марказий Комитетининг зикр этилган қарорининг сўзсиз бажарилиши: Орол денгизи Оролбўйи қирғоқлари яқинида кичрайган ҳолда сақланиб қолади, суғориладиган деҳқончилик эса такомиллашиб борган сайин бўшаган тоза ва коллектор-дренаж сувларини ўша кичрайган сув омборига йўналтиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, Орол денгизи қуриб бориши натижасида Оролбўйига келтирилган бевосита зарар 200 миллион сўмни ташкил этди, регионда ерларни суғоришдан олинаётган фойда эса 1960 йилдан бошлаб 8,6 миллиард сўмга, яъни 2,5 баравардан кўпроқ бўлди, саноат ишлаб чиқарган ҳамма маҳсулотни ҳисобга олганда ялпи маҳсулотнинг умумий ўсиши 21,5 миллиард сўмни ташкил этди. Суғоришнинг ўсиши натижасида 3 миллион киши иш билан таъминланди, агросаноат комплекси соҳасига ҳар беш йилликда 350 мингга қадар киши жалб этилиб борди.

Табиийки, биринчи альтернатива амалга оширилганда бу 20 миллиард сўмлик ялпи миллий маҳсулот (ҳозирги нархларда эса бу 30 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этади), тегишли миқдорда миллий даромад (12—15 миллиард сўм атрофида) бой берилиши ва унингсиз ҳам аҳоли жон бошига тўғри келадиган оз миқдордаги миллий даромад қарийб 2 баравар камайиши мумкин. Шу билан бирга Оролбўйида ҳар йили келтирилаётган 200 миллион сўмлик зарарни ўша сарф-харажатлар билан ҳам қоплай олмаймиз.

Иккинчи вариантни фараз қилиб кўриш мумкин, лекин у Оролбўйига етказиладиган зарарни камайтирмайди, чунки денгиз 2010 йилга бориб ўзининг ҳар қандай халқ хўжалик аҳамиятини йўқотади, сув сатҳининг 40-белгида сақланиши эса уни тиклай олмайди. У регионга бир вақтнинг ўзида жуда катта қийинчиликлар келтиради, регион эса аста-секин бўлса-да ўзини кам сув билан яшашга кўниктира

бориши лозим бўлади, зеро 60 миллиондан ортиқ кишининг истеъмол қилиши учун атиги 60 куб километр сувнинг бўлиши регионни бир кишига йилига истеъмол қилиш учун 1 минг куб метрдан сув тўғри келадиган Қувайт, Яман Халқ Демократик республикаси ва бошқа мамлакатлар, БМТнинг таърифича «ўта сувсиз» давлатлар аҳволига солиб қўйиши мумкин.

КПСС Марказий Комитетининг Орол бўйича қарорида таклиф этилган 3-вариантнинг таъсир кучи шу билан белгиланадики, у қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ тармоқларнинг ривожланишига оз миқдорда бўлса ҳам келтириладиган зарарни денгиздаги сув сатҳининг пасайишидан юз берадиган салбий таъсирни имкони борича камайтириш билан оқилона қўшиб олиб боришга қаратилган. Ғоя шундан иборатки, дарёлар оқимидаги сувни тежалган қисми ва коллектор-дренаж сувлари резервлари бирон ёққа, Оролнинг қуриб бораётган қисмига эмас, балки бевосита Оролбўйига ва биологик фаолият кўрсатаётган унга туташ экологик сув ҳавзасига, Амударё ва Сирдарё дельталарининг гидроморфли режимини тиклаш учун йўналтирилади. Буларнинг ҳаммаси секинлик билан бўлса-да, Орол денгизи ҳавзасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш имконини беради, айни бир вақтда бу ерда хўжаликнинг инқирозга учраган айрим соҳаларини тиклаш, саёзланиш ва шўрланиш туфайли йилига кўрилаётган зарарни лоақал 2 баравар камайтиришга ёрдамлашади.

Кўриниб турибдики, денгизнинг қуриб бораётганлиги тўғрисидаги баландпарвоз сўзлар ва қайғули чақириқлару-аламларга қарамай Орол денгизини ҳатто ҳозирги чегараларда ҳам сақлаб қолиш мутлақо реал вазифа эмас. Жамият кишиларнинг фаровонлиги ва ишлаб чиқариш потенциалини қисқартириш ҳисобига Оролда ва Оролбўйида аввалги экологик аҳволни тиклашнинг амалга ошириб бўлмайдиган вазифани бажариш учун улкан сарф-харажатлар қила олмайди.

Тўғри, пахта майдонларини қисқартириш ва унинг ўрнига сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, полизчиликни ривожлантириш региондаги социал аҳволни чиндан ҳам яхшилаган бўлур эди, чунки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бу тармоқлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда мамлакатга жуда керакдир ва айни бир вақтда аҳолининг иш билан таъминланишини яхшилаган бўларди. Лекин, бу масала Иттифоқ ҳукумати пахтага давлат заказини камайтиришни хоҳламаётганлиги туфайли ҳамон ҳал қилинмай келяпти.

Демак, барча вариантлар ичида фақат энг охиргисигина реал бўлиб чиқмоқда. Бундан денгиз сатҳини қайси даражада сақлаб қолиш лозимлигини аниқлаб олиш вазифаси келиб чиқади.

Устюрт ёқаси бўйлаб денгизнинг чуқур қисмини сақлаб қолиш ёки шунингдек денгизнинг чуқур қисмини ажратиб олиб, анча саёз қисмида уни сақлаб қолиш учун Оролбўйидан тўсиб «ажратиб олиш» вариантлари таклиф қилинаётган эди. Бу икки вариантдан бирини амалга ошириш шунга олиб келадики, денгизнинг кичрайган сатҳи Амударё дельтасидан 60—100 километр нарида бўлади, сувнинг минераллашуви бир литрга 35 граммдан кўпроқни, барқарорлашгандан кейин эса ундан ҳам кўпроқни (1 литрга 40 граммдан 50 граммгача) ташкил этадики, бу биологик активлиги жиҳатидан Қора, Болтиқ ва бошқа шунга ўхшаш денгизлар (1 литрга 33—35 грамм)га қараганда кўпроқ Ўлик денгизга (1 литрга 100 грамм) тенглашиб қолади. Бу «денгиз қолдиқлари» Орол денгизида сув сатҳининг пасайиши билан боғлиқ салбий ҳодисаларнинг камайишига бир оз бўлса-да ёрдам бера олмаслигига ишонч ҳосил қилиши қийин эмас. Биз тўсиқ дамбалар қуриш йўли билан денгизнинг қолган сувини Амударё ва Сирдарё дельталарига яқинлаштиришни таклиф этдикки, натижада қуйидаги вазифаларни бажариш мумкин бўлади: дарёларнинг ёйилиб кетган дельталарини 48-белгига қадар қисиб келиб, биз уларда гидроморф режимни, бинобарин, фаунаси, флораси, мўйначилик ва ҳоказоларни тиклашимиз мумкин; денгизнинг тўсиб олинган қисмига оқиб туша бошлаган чучук дарё суви (1 литрга 0,8—1,2 грамм) ва ўртача минераллашган коллектор-дренаж сувлари (1 литрга 3,5 — 8 грамм) ҳисобига бу ерда балиқчилик хўжалигини ва балиқларнинг йўқолиб кетган зотларини тиклаш мумкин бўлади; денгизнинг қирғоқбўйи қисмида ҳавонинг дастлабки нам ҳолати таъминланади ҳамда Мўйноқ ва Аральскда иқлим шароитлари яхшиланади ва ҳоказо; денгиз акваториясининг муайян кўламида ва сувли ҳамда намли полосанинг эни 40—60 километр бўлган тақдирда туз-чанг тўзитиб тарқатиладиган майдонларнинг асосий

қисмини денгиз тагида қолдириш имкони туғилади. Айни бир вақтда дамба била тўсиб олинган қисмидан қуйироқда сизиб ўтган намлик эвазига денгизнинг қур бораётган тубида муҳофаза этувчи бутазорлар барпо этиш, фитомелиоратив к чатлар экиб ўстириш учун шароит яратилади.

Авандельтанинг акваториясига жанубдан ерларни ёғин сувлар билан бост риб суғориш зонаси туташиб келади, бу усул Судочье атрофида икки йил мобайн да мавжуд шароитларда ўзининг фойдали эканлигини кўрсатди. Судочьеда к мишзорлар тикланди ва яна шундай ерларда ҚҚАССР, Хоразм ва Бухоро облас лари яйловлар ташкил этишиб, чорвачиликни жадал ривожлантирмоқда.

Бир-бирига туташган муҳофаза этувчи буғланиб турувчи минтақа 800 ми гектарли авандельтадаги ва ерлар ёғин сувлари билан бостириб суғориладиг 200 минг гектардан иборат майдонга эга бўлиб, йилига жами 9 куб километр с талаб қилинади. Авандельтани тўлдиришга 24 куб километр сув керак бўла: Шундай қилиб, 3 — 4 йил давомида сув оқиб турса ёки 1988 йилдаги сингари би гина серсув йилда авандельтани тўлдириш мумкин.

Биз таклиф этган вариантда авандельта орқали ҳар йили камида 2—3 к километр сув ўтказиш ҳисобига сувнинг оқиб туриши таъминланибгина қолма оқимларни тартибга солиш ҳисобига акваториядаги сувнинг сифатини яхшила ҳам мумкин бўлади. Айни бир вақтда сувларнинг оқиб ўтиши, шунингдек оқиз юборилаётган ортиқча сувлар денгизнинг тўсилган қисмида тузларнинг ас секин тўпланиб боришига кўмаклашади.

Энди сув омборлари ҳақида икки оғиз гап. Шубҳасиз, уларнинг орасида қу маса ҳам бўладиганлари бор эди. Олимлар бу омборларнинг қурилишига қар чиқишса-да уларнинг гапига доим ҳам қулоқ солишавермасди. Бизнинг Зеид с омбори қурилишига қарши даъволаримизни Иттифоқ органлари қабул қилишм ди. Лекин, республика ҳукумати Сўх сув омбори қурилишига қарши эътироз римизни қўллаб-қувватлади. Бироқ паст текисликларда қурилган сув омборла жумладан Туямўйин, Қуйибозор, Толимаржон, Ҳовузхон, Қайроққум ва бошқа с омборларининг умуман фойдаси йўқ ва уларнинг бахридан кечиш керак дейи ҳар ҳолда шошмашошарлик бўларди, албатта. Умумий ҳажми 25 куб киломе бўлган бу сув омборлари дарёларнинг сувидан деҳқонларга керак бўлган вақт фойдаланиш имконини яратиб беради. Агар айрим олимлар таклиф этишаётга дек, сув омборларидан воз кечиб, уларни сувсиз қуруқ қолдирсак, у ҳолда бу «та бир» деҳқончиликда, энергетикада ва улар билан туташ тармоқларда йилл 15—16 миллиард сўмлик нобудгарчиликка ва 1,5 миллиард сўмдан кўпроқ зарар ришга олиб келади, 1 миллиондан ортиқ кишини иш билан таъминлаш учун қўши ча равишда 20 миллиард сўм пул сарфлаш зарур бўлади.

Дарвоке, АҚШдаги сув омборлари хусусида бир оғиз гап. С. П. Залигин кейин бу «эртак»ни биздаги «дилетантлар» ҳам кўп қайтаришмоқда. Ҳолбу АҚШда йилига 480 куб километр сув оқимини тартибга солиб турадиган 7 ми дан ортиқ сув омбори бор.

Сув омборларида исрофгарчиликни камайтириш, уларнинг режимини яхш лаш, автоматик бошқарув системасини жорий этиш ҳақида гапирганида П. Ш муҳамедов ҳақлидир.

Орол муаммоси ва регионни сув билан таъминлаш проблемаси жуда мур кабдир. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Қорақалпоғистон область партия митети Иттифоқ ҳукумати диққатини бу масалага қаратиш учун жуда кўп иш қи ди. Бу ишда ёзувчилар ҳам, олимлар ҳам қатнашдилар. Ҳозир КПСС Марказ Комитети махсус қарор қабул қилди, у барча биринчи даражали ишлар учун п грамма бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Компартияси МК секрета В. П. Анишчев бошчилигида депутатлар группаси ишлаяпти, у мазкур рорнинг бажарилишини доимо назорат қилиб боради. КПСС Марказий Коми ти ҳузуридаги Партия комитети контроли комиссияси ва махсус прокур лар группаси ҳам ўша йўналишда ишламоқда. Норасмий ташкилотларни бош раётган коммунистлар танқид қилиш билан шуғулланмасдан бу қизғин ишда ўринларини эгалласалар яхши бўларди. Буни қаранг, 10 йиллар давомида бар экологик қийинчиликларни сезмаган ва индамай келган одамлар орасида к очилган кўплаб кишилар топилиб, улар энди табиат учун жон-жаҳдлари билан рашмоқдалар. Экология байроғини қўлига ушлаб олишгач, улар ўзларини кўз-

қилиш учун ўша байроқни зўр бериб силкитмоқдалар. Айниқса Ўрта Осиёда бир-гина табиатни ўзи билан қоринни тўйдириб бўлмайди.

Биз ҳамма муаммолар муваффақиятли ҳал этилган ва Оролбўйи ҳамда сув таъминоти бўйича программани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш учун асос йўқ деб ҳисобламаймиз. Аммо тавсиялар берилаётганда, бирор нарса баҳоланаётганда реал ёндашиш, ҳақиқат ва масъулиятни унутмаслик керак. Ўрта Осиё региони мураккаб муаммоларини ҳал қилиш учун барча республикалар ва областлар, барча тармоқлар, барча фанлар ва жамоатчиликнинг биргаликдаги ҳаракати талаб қилинади.

Бу фикримизни тасдиқлаш учун бизнинг келажагимизни анча аниқ тасаввур қила оладиган америкалик олим, профессор Миклиннинг мақоласидан парча келтирмоқчиман:

«Совет Иттифоқи Ўрта Осиёдаги сув ресурсларининг умидсиз аҳволига дуч келиб қолди. Аҳолиси тез ўсиб бораётган (1988 йили 40 миллион кишига яқин эди) регионнинг асосий қисмини чўлу биёбонлар эгаллайди, унинг иқтисодиёти эса суғориладиган деҳқончиликка боғлиқдир. Бироқ сувдан жуда кўп ҳажмда бир каррагина фойдаланиш маҳаллий сув ресурсларини қуритиб юборди. Орол денгизининг, жуда улкан шўр кўлнинг антропоген таъсирлар остида сув оқими деярли тўхтаб қолиши оқибатида тез суръатлар билан қурий бориши ҳам мавжуд аҳволни янада ёмонлаштирди. Бу ҳодисанинг салбий экологик оқибатлари жуда кўп ва жиддийдир. Регионда сувни бекордан-бекор сарфлашга чек қўйишга уринишлар бўляпти. Бироқ сувни тежаш учун кўрилаётган энг пухта-пишиқ чора-тадбирлар ҳам региондаги сув ресурслари келажакдаги иқтисодий ва социал эҳтиёжларни қондириш, шунингдек Орол денгизини асраб қолиш учун етарли бўлиши жуда шубҳалидир. Дарё сувларини оқизиш лойиҳасини жорий этиш тўхтатилгандан кейин жим қолган Ўрта Осиёлик сув хўжалиги мутахассислари яна регионни ҳалокатдан сақлаб қолиш учун Сибирь лойиҳасини амалга ошириш мутлақо зарур деб таъкидладилар. Шундай қилиб, Совет ҳукумати нафақат сув хўжалиги эҳтиёжларига кўра, балки сиёсий ва социал сабабларга кўра ҳам эҳтимол 90-йилларда лойиҳага қайтишга мажбур бўлар». («Мелиорация и водное хозяйство», 1989, № 2)

Афтидан, ҳаммамизнинг ҳам лоақал чет эллик мутахассислар даражасида ўзимиз очилиши керакка ўхшайди.

В. ДУХОВНИЙ.

«Ўрта Осиё ирригация илмий текшириш институти» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

СОВЕТ КИШИЛАРИ СОЦИАЛИСТИК ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ИНТЕРНАЦИОНАЛЛАШУВИ

«Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг актуал проблемалари» курсини ўрганувчи пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Совет турмуш тарзининг интернационаллашуви — совет жамиятининг энг муҳим нуниятларидан бири, унинг социал-иктисодий ривожланишини жадаллаштиришнинг қилувчи омилларидан биридир.

Ленинизм шунга асосланадики, социалистик миллатлар ва элатларнинг тарихий т рибаси, ижодий потенциали замирида социал-маданий тараққиётнинг анча-мунча резе лари мавжуд. Социализм СССРнинг кўп миллатли составини давлатнинг заифл манбаидан унинг кучи, стабиллиги ва динамизми манбаига айлантирди. Кўп миллатли вет Иттифоқи яхлит организм бўлиб, ленинча федерализм ва демократик централизм пр циплари асосида ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Ана шундай шароитда социа тик негизда кечаётган миллий жараёнларда марказдан қочувчи тенденциялар эмас, ба марказга интилувчи бир-бирига тортилувчи, яқинлашувчи ва интеграциялашувчи тенден лар амал қилмоқда. Янги ижтимоий тузумнинг энг характерли, чинакам тарихий афзал ларидан бири ана шулардан иборат.

Социалистик жамиятни қайта қуриш ва демократиялаш совет миллатлари ва э лари ривожланишининг тенденциялари ва қонуниятлари амал қилишининг иқтисодий социал-сиёсий механизмини тўлароқ аниқлаш, уларнинг ички бирлиги ва ўзаро боғлик гини чуқурроқ очиб ташлаш вазифасини илгари сурмоқда.

Машғулотларни ўтказишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. **Социалистик турмуш тарзидаги интернационал ва миллий жиҳатлар диалектика**
2. **СССР халқларининг бирлиги ва дўстлигини янада мустаҳкамлаш—совет кишил социалистик турмуш тарзи интернационаллашувини чуқурлаштиришнинг муҳим оми**
3. **Миллатлараро алоқа маданияти ва уни такомиллаштириш борасидаги вазифал**

СОЦИАЛИСТИК ТУРМУШ ТАРЗИДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛ ВА МИЛЛИЙ ЖИҲАТЛАР ДИАЛЕКТИКАСИ

Ушбу бўлимни баён этишга киришишдан аввал тингловчиларга «турмуш тарзи» туш часининг мазмунини тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир. Турмуш тарзининг ях концепцияси берилган марксизм-ленинизм классикларининг асарлари бунинг учун ме дологик калит бўлиб хизмат қилади.

Кишилар ҳаёт ва фаолиятининг усули бўлмиш турмуш тарзи моддий неъматларни и лаб чиқаришнинг ҳукмрон усули билан белгиланади ҳамда ҳаёт ва фаолият шароитлари формаларининг мураккаб иерархия системасидан, умумий, алоҳида ва якканинг ажр мас бирлигидан иборатдир. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Немис идеологияси» асарид мана бу қоида турмуш тарзининг моҳиятини тушунишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга: «Од лар ўзлари учун зарур бўлган тирикчилик воситаларини ишлаб чиқариш билан ўзларин моддий ҳаётларини ҳам бавосита ишлаб чиқарадилар. Бу ишлаб чиқариш усулини ка чиқаётганда унинг индивидларнинг жисмоний мавжудлигини такрор ишлаб чиқариш иборат бўлган томони билан чекланмаслик керак. Бу яна ҳам кўпроқ даражада мазкур дивидлар фаолиятининг муайян усулидир, улар фаолиятининг муайян туридир, уларн муайян *турмуш тарзидир*. Индивидларнинг фаолияти қандай бўлса, уларнинг ўзлари шундай» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. 1-том. Т., « бекистон», 1980, 8—9-бетлар). Бошқача сўзлар билан айтганда, моддий шароитлар ва гишли ижтимоий муносабатлар кишиларнинг дунёқараши, ҳис-туйғулари, фикрлаш тар хулк-атворининг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Илмий социализм ас

чиларининг ана шу умумий методологик қоидаси социалистик турмуш тарзи моҳиятини, унинг ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучларини тадқиқ этишга, турмуш тарзи билан моддий шароитлар нисбати тўғрисидаги масалани тўғри ҳал қилишга бевосита алоқадордир.

Совет социалистик турмуш тарзи Коммунистик партия раҳбарлик қилган кенг меҳнаткашлар оммасининг революцион-туб ўзгартирувчилик фаолияти натижасида юзага келди. У ўз моҳияти жиҳатдан ҳам, унинг ҳомили бўлмиш совет халқининг моҳияти жиҳатдан ҳам принципиал янги воқеа сифатида ташкил топди. Совет социалистик турмуш тарзини тўғри тавсифлаб бермоқ учун тингловчиларга унинг жами субъектини — совет халқини фарқлаб турган белгиларни эслатиш тавсия этиладики, «Совет халқи — сифат жиҳатдан янги социал ва интернационал кишилар бирлиги» темасини ўрганиш пайтида шулар ҳақида сўз борган эди («Ўзбекистон коммунисти», 1989, 3-сонга қаралсин).

Бунда шуни кўрсатиб бермоқ муҳимки, социалистик турмуш тарзи тайёр ҳаётий формаларнинг мукаммал системаси сифатида дарҳол юзага келмайди. Унинг айрим элементлари моддий турмуш шароитларининг ўзгаришига, социалистик ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг етуклик даражасига ҳамда жамиятнинг синфий ва социал структурасининг ўзгаришига яраша аста-секин ташкил топа ва ривожлана боради. Биз социалистик турмуш тарзини ҳолат сифатида эмас, ҳаёт-фаолият ва вазиятлар турларининг комплекси сифатида эмас, балки жамият ҳаётидаги янги, социалистик сифатни ифодаловчи элементларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишининг жўшқин жараёни сифатида тушунганимиздагина тўғри илмий тасаввурлар ҳосил қилиш мумкинки, бу элементларнинг ҳажми ва стабиллигини ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир айрим босқичида ўрганмоқ ва тадқиқ этмоқ лозим.

Социалистик турмуш тарзининг тарихий ривожланишида муқаррар равишда иккита асосий тенденция зоҳир бўлади. Биринчиси шундан иборатки, социалистик турмуш тарзининг элементлари, ҳаётий кўринишларнинг янги сифати ва социалистик ҳаёт қадриятлари ҳаётнинг буржуа жамиятида шаклланган илгариги формаларига, қарашлар ва стереотипларга қарши курашда ижтимоий ҳаётнинг айрим соҳаларида кенг ёйилади ва мустаҳкамланади.

Бунинг маъноси шуки, социалистик жамият ҳаётий формаларининг янги сифатини аниқлаш билан бир вақтда жамият ҳаётидаги тарихан айнан бўлмаган элементларни аниқлаш ва классификациялаш, уларнинг илдизларини, шунингдек уларнинг янги авлодларга қайта тикланиши ва сақланиши сабабларини излаш зарурдир. Сўнгра, бундан шу нарса келиб чиқадики, ушбу масалаларни ўрганишни жамиятимиз тараққиётининг тарихий шароитлари билан, «ўтмишни инкор этиш» проблематикаси билангина чеклаб қўйиш ярамайди. Ҳозирги замон буржуа жамияти турмуш тарзининг бизнинг кишиларимиз онги ва хулқ-атворига таъсирининг сабабларини тадқиқ этиш ҳамда уларни бартараф қилиш воситаларини топиш зарурдир.

Социалистик турмуш тарзи ривожланиши жараёнининг иккинчи тенденцияси — пироворд қадриятларга нисбатан тарихий нисбийликнинг намоён бўлишидир. Гарчанд социализм капитализмга нисбатан олганда ҳаётий формалар системасини янги тарихий сифат тарикасида (ижтимоий тирикчилик формасини) бунёд этсада, у алоҳида босқич, коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация тараққиётининг қуйи формаси сифатидагина майдонга чиқади. Социализм турмуш тарзининг модели сифатида ана шу ҳаётий формалар системасини «консервация қилиш»ни эмас, балки унинг прогрессив динамикага эга бўлган элементларнинг ривожланишини таъминлашни ва айни чоқда коммунистик жамият турмуш тарзи пироворд қадриятларига яқинлашишнинг шарт-шароитларини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шундан кейин совет жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида социалистик турмуш тарзининг асосий белгиларини характерлаш мақсадга мувофиқдир. Улар ҳақида умумий тарзда қуйидагиларни айтиш мумкин.

Бизда меҳнат эксплуатациядан холи ҳамда бирлашган ишлаб чиқарувчилар ҳамда ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирига ёрдам муносабатлари билан боғланган бошқа меҳнаткашлар фаолияти сифатида умумлашгандир. У инсон ижтимоий мавқеининг кўрсаткичи ва асосий мезони бўлиб қолди.

Совет жамиятида синфий антагонизмлар ва кескин социал тафовутлар бартараф этилди, синфлар ва социал группаларнинг яқинлашуви жараёни давом этмоқда, гражданлар тенг ҳуқуқлидирлар ҳамда камситилмайдилар. Тирикчиликнинг моддий шарт-шароитларини бойитишга ҳамда аҳоли турмуш даражасини, шу жумладан қишлоқ районларида ўсишига муттасил интилиш ҳамда шаҳар билан қишлоқнинг турмуш тарзи ўртасидаги тафовутларни камайтириш жамиятимизнинг турмуш тарзи учун типикдир.

Жамиятимиз кишилар ҳаётига тасодифий ва стихияли таъсир кўрсатишни чеклаб қўйи. Иқтисодий ва социал жараёнларни планли бошқариш негизида кишилар турмуш шароитларининг стабиллиги мустаҳкамланади. Шу билан бирга планли бошқарув ҳаётнинг ҳамма соҳаларида шахснинг ҳар тарафлама камол топишини таъминлашга қаратилган.

Совет жамиятининг турмуш тарзи социал гарантиялар системаси билан характерлан дики, бу гарантиялар қобилиятига яраша меҳнат қилиш ва меҳнат ҳиссасига яраша х олищ ҳуқуқи билан белгилаб қўйилади, шунингдек қарилиги ва меҳнатга лаёқатсизли бўйича социал таъминотни, сиҳат-саломатликни муҳофаза этишни ва оилага моддий ё дамни ўз ичига олади. Ана шу мақсадларга қилинадиган харажатларни социалистик давл ўз зиммасига олади ва улар гражданларнинг ўзларининг моддий имкониятларига боғл эмас.

Барча гражданлар тенг ҳуқуқлилигининг ифодаси сифатида таълимга ва мадан қадриятларга кенг демократик ёндашув жамиятимиз ҳозирги турмуш тарзининг муҳим б гисидир.

Совет жамиятининг социалистик турмуш тарзи, шунингдек демократик сиёсий сис манинг амал қилиши — жамоат ишларини бошқаришда ишчилар синфининг етакчи р ўйнаши, бутун аҳолининг фаол иштирок этиши, демократиянинг муттасил кенгайтирили ва чуқурлаштирилиши билан характерланади.

Социалистик ҳаётий қадриятларнинг ифодаси сифатида ахлоқ нормаларининг сис маси ташкил топдики, у муттасил мустаҳкамланиб ва бойиб бормоқда. Энг аввало меҳна онгли.муносабат, коллективизм ва гуманизм, жамият эҳтиёжлари ва манфаатларга ижоб муносабат, интернационализм, социал-сиёсий активлик, жамоат бойлигини сақлаш ва пайтириб бориш ҳақида ғамхўрлик ва ҳоказолар мазкур қадриятлар жумласига кира

Ниҳоят, ҳозирги босқичда қадриятларни кўзлашнинг икки даражаси — интернацио ва миллий жиҳатлар диалектикаси совет кишиларининг турмуш тарзига хосдир. Бошқ сўзлар билан айтганда, бизда инсон яшашнинг «соф миллий» доирасидан ташқар чиқди ҳамда совет халқидан иборат кишиларнинг сифат жиҳатдан янги ва анча кенг соц бирлигига ўзининг мансуб эканлигини сезиб турибди.

Совет кишисининг, унинг турмуш тарзининг хусусияти шундан иборатки, у айни вақтда ҳам миллий, ҳам умумсовет ўзлигини англовчи инсондир. Айни чоқда шахснинг қ риятларни кўзлашида умумсовет ўзлигини англашнинг роли муттасил ошиб бормоқ Тингловчилар шуни яхши тушуниб олишлари лозимки, совет кишиларининг миллий ху сиятларига нисбатан олганда уларни бирлаштирувчи умумий жиҳатнинг аҳамияти ва ун ўсиши ижтимоий ҳаётни интернационаллаштиришнинг, интернационализмни совет жам тининг дунёқараш позициясига ва социал практикасига айлантиришнинг энг муҳим к саткичини ташкил этади.

Сўнгра шуни кўрсатиб ўтиш муҳимки, юқорида айтилганлар мамлакатимиз социал тик миллатлари ва элатлари миллий ўзлигини англашларини бой берганликларини а билдирмайди: ҳозирги рус, украин, белорус, ўзбек, қозоқ, грузин, литвалик, тожикни бошқа ҳар қандай совет миллати ёки элати вакилининг турмуш тарзида уларн миллий психологияси хусусиятлари, маданияти, турмуши анъаналари намоён бўлмоқ Аммо совет кишисининг индивидуал турмуши ва ўзлигини англашини булар белгиламай Бунда социалистик — совет — бирликка мансублик ҳал қилувчи роль ўйнайдики, бу бир прогрессив миллий анъаналарнинг ривожланиши учун ҳамда меҳнаткашларда умуммил совет ифтихори, умумсовет ўзлигини англаш туйғусининг, совет ватанпарварлиги ва со алистик интернационализм туйғусининг шаклланиши учун баракали заминдир.

Шуни қайд қилмоқ лозимки, интернационалистик онг миллий онгга нисбатан а юксак даража бўлиб, сифат жиҳатдан юқорироқ ҳолатдир, унинг структурасида социал тик, синфий, интернационал ва миллий элементлар мавжуддир. Умуммилий, умумсо ўзлигини англаш унинг асосий таркибий қисмидир. К. Маркс билан Ф. Энгельс уқтир ларидек, «онг... ҳеч вақт англанган борлиқдан... бошқа нарса бўлиши мумкин эмас, ки ларнинг борлиғи эса улар ҳаётининг реал жараёнидир» (Уч томлик танланган асар 1-том, 14-бет).

Социалистик турмуш тарзидаги интернационал ва миллий жиҳатлар диалектика умумсовет ўзлигини англаш — СССР миллатлари ва элатлари интернационал бирлигин энг муҳим элементлари бўлиб, уларнинг интернационал бирлигининг янги босқичини н далайди. Айни чоқда умумсовет ўзлигини англаш аслини олганда ҳар бир миллат, элат м лий онгидаги жами умумий жиҳатнинг жамулжам ифодасидир. Бу социалистик интерна онализмга асосланган шунчаки оддий ижтимоий онг эмас. У миллий онг билан диалек бирликда майдонга чиқади.

Шахснинг ягона кўп миллатли совет халқига ўзининг мансублигини англаши; ун муштарак манфаатлар, идеалларни, муштарак тарихий тақдирни англаши; умумсовет со ал қадриятлардан: социалистик маданият, умумий территориядан, миллатлараро алоқа ли бўлмиш рус тилидан баҳрамандлиги; совет кўп миллатли давлатининг бирлиги англаши; совет кишисининг умуммиллий ифтихори ва ҳоказо ва ҳоказолар каби бош элементлар «умумсовет ўзлигини англаш» тушунчасининг таркибига киритилиши мумк

Мазкур омиллар туфайли шахс бир вақтнинг ўзида икки бирликка — социалистик м латга ва совет халқига мансубдир. Ҳар бир киши миллий ва умумсовет ўзлигини англ ҳомилидир, қадриятларни кўзлашида икки даражага эгадир. Шу билан бирга умумсо

социал қадриятлар социалистик шахснинг турмуш тарзида, хулқ-атвори ва фаолиятининг мотивациясида, унинг воқелигимиз у ёки бу омилларини идрок этишида ҳал қилувчидир.

Шахснинг ўзини у ёки бу миллатга мансуб деб билиши, унинг дунёга «ўзимники» ва «ўзганики» формалари орқали ажратиб қараши, ана шу формалар доирасида бошқа миллатларнинг энг аввало инкор этиш, салбий қараш орқали таърифланиши зарур шарт-шароит бўлмай қолди. Бошқа миллатлар дунёси ўзича олганда ҳар бир миллий онг учун қадриятга айланади — у барча миллатлар учун муштарак сифатида ҳам, у ёки бу халқнинг маданият хазинасига қўшган алоҳида ҳиссаси бўлганлиги учун ҳам қадриятдир.

Сўнгра шуни таъкидламоқ муҳимки, гарчанд умумсовет ўзлигини англаш етакчи томон сифатида миллий ўзлигини англаш билан узвий бирликда майдонга чиқсада, лекин структура жиҳатдан улар бир бутун ва жузъий деб қаралиши қийин, чунки миллий ўзлигини англашнинг ҳамма элементлари ҳам умумсовет ўзлигини англашга тўла-тўкис киравермайди ва унга бўйсунган эмас; яна муайян ва нисбатан мустақил соҳа ҳам бор.

Ана шу нисбатнинг механизмини чуқурроқ очиб ташламоқ учун интернационал ва миллий жиҳатларнинг намоён бўлиш даражаларининг аниқ фарқ қилиниши зарурдир. Пропагандист уктирадики, бу фарқ миллатлар ва элатларда бир хил эмас. Шахс даражасида ва турмуш тарзининг турли соҳаларида интернационал ва миллий омиллар турлича намоён бўлади.

Чунончи, меҳнат фаолиятида, ижтимоий-сиёсий ва идеологик ҳаётда миллий ва интернационал жиҳатлар жамият ва шахс даражасида амалда бир-бирига мосдир. Айни чоқда интернационал жиҳат айниқса кучли ва яққол, миллий жиҳат эса — кам даражада намоён бўлади.

Маданият, анъаналар ва турмуш соҳасида эса, айниқса миллий онг ва миллий психологиянинг кўринишларида миллий жиҳат анча катта ўринни ишғол этади. Бунда миллий ва интернационал жиҳатларнинг объектив мазмуни ўртасида, уларнинг жамият, миллат ва шахс даражасидаги нисбатлари ўртасида анча-мунча тафовутлар бўлиши ҳам мумкин. Буларнинг барининг сабаби шундаки, ижтимоий ҳаётнинг интернационаллашуви жараёнида миллий жиҳат, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, сиқиб чиқарилмайди, муте иккинчи даража ҳолатига тушириб қўйилмайди. У бойиб боради, интернационал қадриятлар билан йғиланади, ўзининг бутун хилма-хиллигида янги миллийликка айланади.

Машғулотлар пайтида шуни уктирмоқ лозимки, ҳозирги вақтда совет кишилари миллий онгининг ўсиб бориши, кучайиши интенсив жараёни содир бўлмоқда. Шу муносабат билан таъкидламоқ мақсадга мувофиқки, умуман олганда бундай тўғри хулоса конкретлаштириш ва аниқлашни талаб этади: миллий онг умуман эмас, балки асосан бутун миллийликдаги позитивликнинг аҳамиятини кучайтириш маъносида, ана шу позитивликда эса — социализм шароитида миллат, элат яратган нарсани ва унинг тараққиётини жадаллаштириш учун кучайтириш маъносида ўсиб боради.

Миллий муносабатларнинг ҳозирги практикаси устида фикр юритганда улар қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги тасаввурларни ҳамда ана шу муносабатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этишида реал хулқ-атвор, реал структурани фарқ қилмоқ ҳам муҳимдир. Зеро, бизнинг турмуш тарзимизда умумсовет, интернационал ва миллий жиҳатларни диалектик қўшиб олиб бориш қаттиқ, механик тарзда мустаҳкамлаб қўйилган нарса эмас. Баъзи бир салбий омиллар (этнопсихологик хурофотлар, сиёсий ғўрлик, миллий сиёсатни амалга оширишдаги хатолар ва бузишлар, буржуа-миллатчилик пропагандаси ва бошқалар) таъсири натижасида томонларнинг ана шундай қўшиб олиб борилиши, уларнинг субординацияси бузилиши мумкин, улар ўртасидаги зиддиятлар кескинлашиши мумкин, бунинг оқибатида шахснинг фақат миллий ниятлари даражасидаги ботқоқликка тойиши, унинг социал уфқининг торайиши, сўнгра эса ватанпарварлик онгининг айни миллатчиликка айланиши ҳам содир бўлиши мумкин. Юқорида айтилганларни яққол кўрсатиш учун пропагандистга кейинги вақтларда мамлакатнинг турли районларида бўлган бир қатор воқеаларни изоҳлаб бериш тавсия этиладики, бу воқеалар миллий заминда юзага келувчи низолар нечоғлик фожиали эҳтирослар хуружига олиб келиши мумкинлигини, ва афсуски, олиб келаётганини кўрсатди.

Ушбу бўлимга якун ясаганда шуни таъкидламоқ маъқулки, мамлакатимизда чинакам ватанпарвар ва интернационалист ўзини ўз миллати, элатининг вакили деб ва айни чоқда бутун совет халқининг бир заррачаси деб ҳис этади, лекин ана шу кейинги туйғуни асло миллий туйғудан маҳрум этмайди. Мамлакатимиздаги ҳар қандай миллатнинг меҳнаткашлари айни чоқда ягона совет оиласининг аъзоларидир. Бу оилада эса унинг таркибидаги қисмлар муштарак манфаатлари миллий тафовутлардан устунлик қилади. Бошқача сўзлар билан айтганда, янги тарихий бирлик шароитида социалистик интернационализм совет кишилари фаолиятининг принципи, бизнинг турмуш тарзимизнинг жуда муҳим қирраси бўлиб қолди.

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ БИРЛИГИ ВА ДЎСТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ — СОВЕТ КИШИЛАРИ СОЦИАЛИСТИК ТУРМУШ ТАРЗИ ИНТЕРНАЦИОНАЛЛАШУВИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини революцион қайта қуриш мамлакати мизда миллатларни ва миллий муносабатларни ривожлантиришдаги, совет кишилари социалистик турмуш тарзини интернационаллаштиришдаги янги босқичдир. «Экономикани ва бутун ижтимоий ҳаётни интернационаллаштириш, — деб таъкидланади КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюция сида, — қонуний жараёндир. Миллий биқиқликка ҳар қандай интилиш фақат иқтисодий в маънавий қашшоқлашувгагина олиб келиши мумкин».

Пропагандист таъкидлайдики, совет миллатлари ва элатлари турмушининг ҳозир шароитида ҳар бир миллат ва элат яқинлашув орқали ривожланади (гуллаб-яшнайди гуллаб-яшнаш орқали яқинлашади, деган формула белгиловчи формула бўлиб қолмоқ Лекин шуни ҳам қайд этиш лозимки, ана шу диалектикада етакчилик роли яқинлашув билан белгиланган тақдирдагина келгусида тўла бирликка эришиш мумкин.

КПСС Программасида миллий муносабатларни янада такомиллаштириш, социалистик турмуш тарзини интернационаллаштириш вазифалари конкретлаштириб берилган. Унда бу соҳадаги асосий вазифаларнинг учта группаси алоҳида қилиб кўрсатилган.

Биринчи группа совет кўп миллатли давлатини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга оид проблематикани ва вазифалар комплексини ўз ичига олади. КПСС бундан буён ҳам ССР Иттифоқини мустаҳкамлайверади, маҳаллийчилик ва миллий чекланганликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши изчил курашаверади ва айни чоқда умумхалқ вазифаларини ҳал этишда республикалар, автоном областлар ва автоном округларнинг ролини янада ошириш ҳақида, барча миллатлар меҳнаткашларининг ҳокимият ва бошқарув органлари ишида фаол иштирок этиши ҳақида муттасил ғамхўрлик қилади. Социалистик федерализм ва демократик централизм ленинча принципларини, «кучли марказ, кучли республикалар» принципини ижодий қўллаш негизида бутун совет халқининг ҳамда ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларини кўзлаб миллатлараро муносабатларнинг формалари бойитилиб боради.

Вазифаларнинг бошқа группаси миллий республикаларнинг мустақиллигини, миллатлар ва элатлар ўртасидаги иқтисодий ва социал муносабатларни кенгайтириш соҳасини қамраб олади ҳамда уларнинг моддий ва маънавий потенциалини ягона халқ хўжалик комплекси доирасида ошириб боришга, республикалар ўртасида меҳнат тақсимотини изчил чуқурлаштиришга, жойларда табиий ва бошқа ресурслардан фойдаланишда маҳаллий ташаббусни экология муҳитига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш билан қўшиб олиб боришга, хўжалик юритиш шарт-шароитларини умумлаштиришга, янги районларни иқтисодий ўзлаштиришда фаол қатнашишни рағбатлантиришга, республикалар ўртасида иш ва мутахассис кадрларни алмашинишни ривожлантиришга, республикаларда яшовчи барча миллатлар ва элатлар гражданларидан малакали ходимлар тайёрлашни кенгайтириш ва яхшилашга қаратилгандир.

Вазифаларнинг учинчи группаси маданият соҳасини ўз ичига олади: СССР халқларининг энг яхши муваффақиятлари ва ўзига хос прогрессив анъаналари негизида совет халқининг мазмунан социалистик, миллий формалари жиҳатдан хилма-хил ва руҳига кўра интернационал ягона маданиятини ривожлантиришни, миллий маданиятларни ўстириш ва яқинлаштиришни, уларнинг ўзаро алоқаларини, бир-бирини бойитишини мустаҳкамлашни, мамлакатимиздаги халқларнинг ҳар бирининг истеъдоди бунёд этган барча қимматли нарсалардан баҳрамандликни, турли тилларнинг эркин ривожланиши ва улардан барча гражданларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида фойдаланишини, ўз миллати тили билан бир қаторда миллатлараро муомала воситаси бўлмиш рус тилини билиб олиш имкониятини, фан, техниканинг, ватан ва жаҳон маданиятининг ютуқларидан фойдалана олиш имкониятини кенгайтиришни ўз ичига олади.

Сўнгра шуни таъкидламоқ муҳимки, совет турмуш тарзининг характерли белгиси бўлмиш мамлакатимиз халқларининг дўстлиги асло мавҳум бир ҳодиса эмас, балки анъанавий турмуш нормасидир. «Бизнинг дунё дўстликка асосланган», дейишади халқимизда. Бу ҳақиқат совет кишиларининг кўпчилигига яқин ва тушунарлидир. Фақат ўзи ҳақингда эмас, «ўз» миллатинг ҳақида эмас, балки социалистик Ватан ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиш, шахсий манфаатларга нисбатан ижтимоий манфаатларни, миллий манфаатларга нисбатан интернационал манфаатларни, маҳаллий манфаатларга нисбатан умумдавлат манфаатларини анча юқори қўя билиш каби инсон моҳиятига хос белгилар уларнинг характерида тарихан таркиб топди. Ана шу социал-сиёсий ва маънавий-ахлоқий хислатлар шахсий худбинликдан тортиб то миллий худбинликка қадар турли кўринишлардаги худбинликни бартараф этиш, гражданлик, чинакам интернационализм идеалларини барқарор этиш имкониятини беради.

Бизнинг республикамизда интернационал бирликни мустаҳкамлашга оид кўп масала

ıар амалий ишлар окимига солиб юборилмокда. Пропагандист кайд этиши мумкинки, асалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси халк айрамлари ва удумлари масалалари бўйича, тил муаммолари бўйича ишчи группалари ззди. Турли миллатлар ва элатларнинг, айникса улар ғуж бўлиб яшайдиган жойларда иллий-маданий талаб-эхтиёжларини тўларок кондиришга каратилган бир катор чора-тадирлар белгиланмокда. Жумладан, миллатлараро маданий марказлар барпо этиш масалаи ишлаб чикилмокда.

ССР Иттифокининг кардош республикалари билан, энг аввало кўшни республикалар илан иктисодий, сиёсий ва маданий алокалар мустахкамланмокда. Кейинги вактларда збекистон, Козоғистон, Киргизистон, Тожикистон, Туркманистон партия ва совет органари рахбарларининг учрашувлари бўлиб ўтди, улар давомида хаммалари манфаатдор ўлган мухим масалалар мухокама килинди, шу хилдаги алокаларни кенгайтирувчи а чукурлаштирувчи таклифлар ишлаб чикилди.

Тошкент ва Сирдарё областлари Козоғистоннинг Чимкент области ва Тожикистоннинг Ленинобод области билан якин алокалар ўрнатдилар, Фарғона водийси областлари иргизистоннинг Ўш области алока килиб турибдилар. Тошовуз ва Хоразм, Чоржўй а Бухоро областлари кишлок хўжалигини юритиш тажрибаси билан бир-бирларини ойитмокдалар. Ўзбекистон ва Тожикистон маданият министрликлари ўртасида хамкорик хакида шартнома тузилган, региондаги беш республика телевидение ва радиоэшитириш комитетлари ўртасида битим имзоланган. Бир-бирлариникига бориб спектакллар ўйиш практикаси кенгаймокда, Болтикбўйи, Закавказье, РСФСР ва Украина республикалари билан энг яхши ижодий коллективларнинг ўзаро гастроллар ташкил этиб ришлари планли характер касб этмокда. Хозирги кунда жамиятимиз хаётининг барча охаларини интернационаллаштириш уни ривожлантиришнинг объектив конунияти бўлиб олди, у социалистик миллатлар ва элатларнинг янада якинлашувига, улар ўртасида ўстлик ва хамкорликни мустахкамлашга шароит яратмокда. Жўшкин ривожланиб боётган ягона халк хўжалик комплекси бўлган СССР экономикаси интернационаллашриш жараёнининг иктисодий асоси бўлиб, у мамлакатимиз территориясида ижтимоий ллаб чикариш, таксимлаш ва алмашувнинг барча бўғинларини ўз ичига олади.

Халкларнинг кардошларча хамкорлиги кенгайиб ва чукурлашиб бориши натижаси иттифокдош республикаларнинг кўп миллатлилиги муттасил ўсмокда. 1979 йилги Бутунтифок ахолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра рус бўлмаган ахоли РСФСРда ,4 процентни, ўзбек бўлмаган ахоли Ўзбекистонда 31,3 процентни, козок бўлмаган оли Козоғистонда — 64, грузин бўлмаганлар Грузияда — 31,2, латиш бўлмаганлар твияда — 46,3, киргиз бўлмаганлар Киргизистонда — 31,2, тожик бўлмаганлар Тожистонда — 41,2 процентни ташкил этган.

Иттифокдош республикалар кўп миллатлилигининг ўсишига шунингдек ишлаб чикавчи кучлар ривожи билан боғлик миграция жараёнлари хам сабаб бўлган. Ю. В. Бромй хакконий тарзда таъкидлаганидек, «ахолининг кенг кўламда жой алмашинуви этник уппалараро якинлашув учун мухим ахамиятга эга бўлиб, бу мамлакатнинг кўп регионрида полиэтниклик, кўп миллатлилик аста-секин ўсиб боришига олиб келади. Чунончи, ар 1959 йилда ўз миллатларига кўра иттифокдош ва автоном республикаларни яратган лкларга мансуб бўлган, лекин мазкур республикалардан ташкарида яшайдиган кишир сони салкам 36,5 миллионни, яъни мамлакат ахолисининг 17,5 процентини ташкил ган бўлса, 1979 йилда улар энди салкам 49 миллион кишига, яъни бутун СССР ахолининг 18,7 процентига етди» (Бромлей Ю. В. Этносоциальные процессы в СССР. , 1986, с. 29).

Мехнат ресурсларининг хозир содир бўлиб турган эркин кайта таксимланиши мехт коллективларининг интернационал характерини шартлайди, интернационализм гоярини чукур ўзлаштиришга кўмаклашувчи социал-ахлокий мухитни яратади. Шу муносаг билан СССР халкларининг интернационал бирлигини янада мустахкамлашнинг мум йўналишлари: республикалар ўртасида ишчилар ва мутахассисларни алмашишни вожлантириш; республикаларда яшаётган барча миллат ва элатлар намояндаларидан лакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш ва яхшилаш; мехнаткашларнинг хокимият ва ıкарув органлари ишида фаол катнашишини, туб ерли бўлмаган миллатлар вакилэнинг айникса тил, маданият, турмуш сохасидаги ўзига хос талаб-эхтиёжларини диккат лан хисобга олиш ва ўз вактида кондиришдан иборатдир.

Совет давлатини ташкил этиш, ривожлантиришда ва унинг фаолиятида миллий ва ернационал жихатларнинг принципиал бирлиги айни чокда, албатта, социализмда ллий манфаатларни келишиб олиш силликкина, ўз-ўзидан содир бўлаверади, деган ьнони билдирмайди. Мисол учун, мамлакатимиз территориясида ишлаб чикарувчи ларни жойлаштириш проблемасини олиб кўрайлик. Мутлако равшанки, у ёки бу республиканинг умумиттифок фондидан катта-катта капитал маблағлар, материаллар, асбобуналар ва хоказоларни олиб туриши бошка шароитлар тенг бўлган такдирда унинг исодий ўсиш суръатлари ошишига, муайян бир лахзалик республика миллий эхтиёж-

ларини бевосита қондиришга хизмат қилади. Иқтисодий ҳаёт практикасида республик ларнинг маблағлар бутун мамлакатни ривожлантириш манфаатлари йўлида қай тарик қандай самара билан ишлатилиши мумкинлигини ҳисобга олмасдан, уларни ижтимо бюджетдан кўпроқ олишга тез-тез уриниб туришлари шу боисдан тасодифий эма Тўғри тушунилган тақдирда социализм шароитида айни чоқда чинакам миллий манфаа лар ҳам бўлган интернационал, умумиттифоқ манфаатлари планлаштириш органлар нинг умумиттифоқ манфаатларини кўзлаб, мавжуд капитал маблағларнинг жуда к харажат қилган ҳолда ғоят қисқа муддатда жуда катта самарани қаерда ва қачон бер диган бўлса, шу ерда ишлатилишини таъминлашлари талаб этилади.

Миллий, республика манфаатлари олдида интернационал, умумиттифоқ манфаатл рининг бирламчилигини тан олишнинг миллий нигилизм билан мазкур манфаатлар камситиш ва айниқса назар-писанд қилмаслик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Милл республикаларнинг ўзига хос манфаатларини ҳисобга олмасдан туриб, СССР халқларини интернационал бирлигини мустаҳкамлаб бўлмайди. КПСС ленинча анъаналарга ам қилиб миллий сиёсатга тааллуқли, ҳар бир миллат манфаатларига, кишиларнинг милл туйғуларига дахлдор ҳамма нарсаларда ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш кўрмоқ. Мамлакат территориясида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш проблемалари ҳал этишда ҳозирги кунда миллий моментларнинг салмоғи ва роли ўтмишдагидан бошқа дир. Миллий масала ҳал этилаётган ва халқларнинг амалдаги нотенглигини тугатиш зифаси диққат марказида бўлган вақтда Совет давлати онгли равишда, халқлар дўст гини мустаҳкамлаш мақсадида иттифоқдош республикаларда саноатни, агар ҳатто ун ривожланиши максимал иқтисодий наф келтирмасада, жадал суръатлар билан ривожл тириш чораларини кўрар эди. Ҳозир эса, миллий республикаларнинг амалдаги ноте лигини тугатишда анча-мунча муваффақиятларга эришилган бир пайтда ишлаб чиқар чи кучларни жойлаштиришда энг аввало умумиттифоқ манфаатларини кўзлаш, албат ҳар бир республика манфаатларини ҳам ҳисобга олиш мумкин ва лозимдир. Ана шул нинг бари мамлакат экономикасини ривожлантиришга марказлаштирилган планли р барликнинг, бутун мамлакат манфаатларининг устунлиги позициясидан туриб умумитти ва республика манфаатларини диққат билан ҳисобга олиш ва уйғун қўшиб олиб бор нинг роли ва аҳамиятини оширмоқда.

Иттифоқдош республикаларнинг кооперациялашган алоқалари ҳақида ҳам худди ларни айтиш мумкин. Социалистик меҳнат тақсимоти тобора чуқурлашиб бораёт шароитда республикалараро негизда кооперациялашган тартибда маҳсулот етказиб бер ҳажми қонуний тарзда кенгаймоқда, ягона халқ хўжалиги комплекси доирасида респ ликалар экономикаси ривожланишининг ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқл кучаймоқда. Шу боисдан кооперациялашган маҳсулот етказиб беришни бузиш, у ёки республика томонидан план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажар маслиги бошқа республикалар экономикасининг, кўпинча эса бутун мамлакат экономика нинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кундаги ва айниқса истиқболдаги вазифа барча республикаларнинг ўзла нинг ўсиб кетган иқтисодий ва маънавий потенциалларига мувофиқ равишда ягона х хўжалик комплексини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаларини оширишни таъминла дан иборат. Уни муваффақиятли ҳал этиш — ҳар бир совет республикасининг, ба миллатлар ва элатлар меҳнаткашларининг олий ватанпарварлик ва интернационал бур дир.

Жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида интернационал ва миллий манфаатла синчиклаб ҳисобга олишни ва уйғун тарзда қўшиб олиб боришни таъминлашда циалистик федерализм ва демократик централизм ленинча принципларини изчил ама ошириш муҳим роль ўйнайди. Республикалар ташаббусларини марказлаштирилган раҳб лик билан қўшиб олиб бориш мамлакат ресурсларидан, маҳаллий табиий ва бошқа х сиятлардан рационалроқ фойдаланиш имконини беради.

Ваҳоланки, айрим министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қайта қура бил лик ёки буни истамаслик туфайли кўпинча эскича йўл тутиб, иқтисодий раҳбарлик мет лари ўрнига маъмурий методлардан фойдаланадилар, фақат ишлаб чиқариш бирлаш лари ва корхоналарнинггина эмас, балки республика ва маҳаллий органларнинг мустақиллигини бузадилар, тармоқ ва территориал ривожланишни оптимал қўшиб о боришни назар-писанд қилмайдилар ёки унга етарлича эътибор бермайдилар, умумитти аҳамиятига молик ўз тармоқларининг стратегик масалаларини суст ҳал қиладил Бошқа томондан, республикаларнинг кўп раҳбарлари республикаларнинг кенг ҳуқуқла дан фойдаланишда етарлича ташаббус ва активлик кўрсатмайдилар, баъзан эса мил маҳдудликка, маҳаллийчиликка, тайёрга аёрлик кайфиятларига берилиб кетадилар. Бу нинг ҳаммаси шуни кўрсатиб турибдики, давлат қурилишида демократик централизм социалистик федерализм ленинча принципларини изчиллик билан татбиқ этиш ҳози кунда аниқ мақсадни кўзлаб янада катта куч-ғайрат сарфлашни талаб этади.

Партия миллатлар ва элатларни ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини янада

вожлантиришни, совет халқининг бирлигини мустаҳкамлашни халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини авж олдириш, социал ва маданий қурилишнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этиш негизида социалистик демократияни, бутун ижтимоий-сиёсий системани такомиллаштиришдан иборат умумий вазифанинг таркибий қисми деб билади.

МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Пропагандист тингловчилар эътиборини шунга қаратадики, миллий бирликларнинг мавжуд бўлиши, уларнинг ривожланиши ва бетўхтов яқинлашуви кишилар моддий ва маънавий ишлаб чиқаришни амалга оширар эканлар, биргаликда иш тутишлари сабаблигина мумкиндир. Бинобарин, «умуман» ватанпарварлик, «умуман» интернационализм, «умуман» халқлар дўстлиги йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Булар конкрет шахсларнинг дунёқарашида, қадриятларни кўзлашларида намоён бўлади ҳамда уларнинг конкрет ҳаракатларида, кундалик ишларида ўз ифодасини топади.

Миллий муносабатларни такомиллаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш интернационалистик онгни шакллантириш борасидаги тадбирларни ўз ичига олади. КПСС шунга асосланадики, унинг миллий сиёсати муваффақиятининг ҳал қилувчи шарти — барча меҳнаткашларни, аввало ҳамма ёшларни халқлар ўртасида дўстлик руҳида тарбиялаш, уларда ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, идеологик, маданий, ахлоқий-психологик, маиший ва бошқа соҳаларида ифодаланадиган миллатлараро муносабатларнинг юксак маданиятини шакллантиришдир. Бундай тарбиялаш оммани сиёсий маърифатли қилиш билан, шахс маънавий дунёсини ривожлантириш, бойитиш билан, унинг ички ахлоқий хислатларини такомиллаштириш билан чекланиб қололмайди. Совет кишиларининг ягона социалистик Ватанга, янги социал ва интернационал бирликка мансублигини англаши шахслараро муносабатларнинг дўстона характерида, турли миллатлар кишиларининг аҳил ишлашида ўз ифодасини топади.

Ҳозирги куннинг ажойиб социал ва ижтимоий-сиёсий ҳодисаси бўлмиш кўп миллатли коллективлар интернационализм ва халқлар дўстлиги юксак идеаллари, ленинча миллий сиёсат принциплари турмушга ошадиган бевосита муҳитдир. Социалистик коллектив учун характерли бўлган маънавий қардошлик, ишонч ва ўзаро ғамхўрлик муносабатлари, манфаатлар ва мақсадларнинг, ирода ва ҳаракатларнинг бузилмас бирлиги миллатлараро алоқа маданияти қарор топадиган негиз бўлиб хизмат қиладики, у ўз навбатида СССР халқларининг интернационалистик руҳини тарбиялаш, қардошлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш омилига айланади.

В. И. Ленин бундай деб уқтирган эди: «... Фақат маданият, ҳаёт ва одатга кирган нарсаларнигина қўлга киритилган ютуқ деб ҳисобламоқ керак» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 435-бет). Тарбиялаш вазифаси ишлаб чиқариш ҳаёти ва турмушда миллий ва интернационал жиҳатларни тўғри қўшиб олиб боришга, уйғун тарзда мувофиқлаштиришга эришишдан иборат. Унинг самарадорлиги миллатлараро алоқа маданиятининг эришилган даражаси билан белгиланади ва унда ифодаланади.

Интернационализмни тарбиялаш социал-иқтисодий сиёсатнинг мустаҳкам пойдеворига таянган тақдирдагина ўз мақсадларига эришади. Равшанки, ақлли ва ҳаққоний сўз ғоят катта таъсир кучига эга. «Аммо ғояларнинг ўзи ҳар қанча жозибали бўлмасин, — деб айтилган эди КПСС XXVII съездида, — омманинг социал-сиёсий тажрибаси билан қўшилиб кетмаса, ўз-ўзидан яхлит ва актив дунёқарашни шакллантира олмайди. **Илғор ғоялар ва янги жамият қуриш практикасининг ўзаро боғланишидан социалистик идеология куч-қувват олади ва амалий натижага эришади».**

Социалистик жамиятда миллатлараро алоқа маданиятининг моҳияти нимадан иборат? Унинг асосий талаби, унинг устунлик қилувчи нормаси, деб таъкидлайди пропагандист, ҳар бир совет кишисининг ўзини ягона социал бирлик — совет халқининг аъзоси деб англашидир. Миллатлараро алоқа жараёнида турли миллат кишилари ўзларининг маънавий қардошликларини, ягона бир бутунга мансубликларини, ўз мазмуни ва йўналишига кўра ягона бўлмиш совет маданиятига дахлдорликларини англаган тақдирлардагина миллатлараро алоқанинг социал маданияти ҳақида гап юритиш мумкин.

Жамиятимизнинг ижтимоий онгига принципиал янги белги — умуммиллий ўзлигини англаш ва умуммиллий ифтихор хосдир. СССРнинг ҳар бир граждани совет кишиси бўлгани ҳолда, равшанки, рус, украин, грузин, ўзбек ва ҳоказо бўлишдан чиқиб қолмайди. Интернационал онг асло миллатсизлик эмас. Миллатлараро алоқа маданияти ҳар бир миллат ва элат психологиясида бутун совет халқига хос бўлган, барча миллат ва элатлар учун ягона совет турмуш тарзидан иборат муштарак, интернационалистик белгиларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Миллатлараро алоқа маданиятининг ана шу энг муҳим хусусиятидан бошқалари ҳам: каттаю-кичик ҳар бир совет миллати ва элатининг тилига, анъаналари, одатлари, маданиятига чуқур ҳурмат билан қараш хусусиятлари келиб чиқади. Гап, албатта,

демократик, прогрессив анъаналар, одат ва расм-русмлар ҳақида боради. Шунинг учу ҳам миллий анъаналардаги барча қимматли жиҳатларни қувватлаш ҳамда эскири қолган, социалистик турмуш тарзи нормаларига зид бўлган ҳамма нарсадан қутули миллатлараро алоқанинг вазифасидир.

Миллатлараро алоқа юксак маданияти инсонда фақат ўз халқининг эмас, балк бошқа халқларнинг ҳам маънавий меросини кўпроқ ва чуқурроқ билишга бўлган узви эҳтиёжни тақозо этади. Аммо биз баъзан ҳаётда шундай ҳолларга дуч келиб турамизки ҳатто ўзини самимий тарзда интернационалист деб билувчи киши бошқа халқларнин маданияти, анъаналари ва урф-одатларига бефарқлик билан қарайди. Бу миллатлараро алоқа маданиятининг паст даражада эканлигидан далолат беради.

Бунда бизнинг мамлакатимиз каби кўп миллатли давлат хусусиятларига хос зи диятларга дуч келамиз. Маълумки, СССРда 100 дан зиёд миллат ва элатлар яшайд ва меҳнат қилади. Ўз-ўзидан равшанки, ана шу халқларнинг ҳар бири маданиятинин асосий белгиларини ўзлаштириш учун ҳам ҳатто инсон умри етмайди. Хўш, бу зидд қандай қилиб бартараф этилади. Асосий йўл совет халқининг умумиттифоқ маданиятин ўзлаштиришдан иборат. Бу маданият миллий маданиятлардан «ташқарида», «уларнин устида» турган қандайдир бир нарса эмас. У СССР барча миллатлари ва элатлари нинг миллий маданиятларида бунёд бўлган барча энг яхши нарсаларни қамраб ола Бу умумсовет маданиятига фақат катта миллатларгина эмас, балки кичик, илгари қол бўлган халқлар ҳам ҳисса қўшиб турадилар. Масалан, Шимол майда халқлари вак лари Юван Шесталов ва Юрий Ритхэунинг номлари бутун мамлакатда машҳур.

Ҳар бир гражданин бутун совет халқи маданиятини эгаллаб мамлакат барча милла ларининг миллий маданияти чўққиларидан баҳраманд бўлади. Албатта, бунда у авва ривожлана борган сари умуминсоний мазмун билан тобора кўпроқ бойиб борадиган ў миллий маданиятини чуқур ва ҳар тарафлама ўзлаштириши лозим. Шундай қил совет маданиятида миллий жиҳат умумхалқ, интернационал жиҳатлар намоён бўлиш нинг ўзига хос формасидир, интернационал жиҳат эса, ўз навбатида, ҳозирча умум миллат ва элатлар мавжуд экан, миллий формада майдонга чиқмоқда ва чиқавера

Милатлараро алоқа маданияти ҳар бир кишига меҳнатига қараб, унинг реал хи матларига қараб, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, инсоний хислатлари қараб баҳо беришни талаб этади. Бошқача сўзлар билан айтганда, у барча миллат в элатлар кишиларининг социал тенглигини формал тан олишни эмас, балки ана шу констит цион принципни амалда турмушга оширишни кўзда тутади. Социалистик турмуш тарзи чуқур зид бўлган ҳолат сифатида протекционизм айнан шундан иборатки, унда кад ларни танлаш кишининг реал ишчанлик хислатларига қараб эмас, балки қариндошли юртдошлик, қайси миллатга мансублиги принципи бўйича амалга оширилади. Парти муайян республикада яшайдиган барча миллатлар партия ва совет органларида, хўжал ва социал-маданий бошқарув турли бўғинларида тегишлича ўз вакиллари бўлишига изч равишда эриша бориш вазифасини қўймоқда.

Турли миллатлар кишилари ўртасидаги алоқа ҳамма учун тушунарли тил мавж бўлишини зарур қилиб қўяди. У биронта ҳам мамлакатда декрет йўли билан мажбур тиқиштирилиши мумкин эмас. Омма ана шундай тилга бўлган эҳтиёжни англаши кера ва миллатлараро алоқа қанчалик интенсив бўлса, унинг формалари қанчалик хилма-х бўлса, ана шундай эҳтиёж шунчалик кескин ҳис этилади.

Бизнинг мамлакатимизда қонуний равишда рус тили миллатлараро муомала ти бўлиб қолди. 1970 йилдан 1979 йилга қадар рус тилини эркин биладиган ёки уни ўз о тили деб ҳисоблайдиган кишиларнинг умумий сони мамлакатимизда 183 миллион 214 миллионга етди, яъни мамлакат бутун аҳолисининг 76 процентидан 81,9 процен даражасига кўтарилган. Айни чоқда уни 1979 йилда 137,2 миллион руслар (1970 йилда - 128,8 миллион) ва 16,3 миллион бошқа миллатлар кишилари (1970 йилда — 13 миллио она тилим деб; 61,3 миллион киши (1970 йилда — 41,9 миллион) иккинчи тил деб ҳисо лаганлар. 1970 йилда рус бўлмаган аҳолининг қарийб ярми (48,7 проценти) рус тил бемалол гаплашган бўлсалар, 1979 йилда бундай группа мамлакат аҳолисининг салк учдан икки қисмини ташкил этган (қаралсин: Население СССР. М., 1981, с. 26—2

Шу билан бирга республикаларда яшаётган рус ва бошқа миллат кишилари республика туб ерли аҳолиси тилини билиб олиши вазифаси сақланиб қолмоқда. Зе бу муаммо халқ маданиятига ҳурмат билан қарашгина эмас, балки турли миллатл кишиларининг меҳнатда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзаро алоқаларини такомилла тириш муаммоси ҳамдир. Аммо бундай кишилар сони ҳозирча ғоят суст кўпайиб бор да. 1970 йилда бутун рус аҳолисидан атиги 3 проценти СССР халқлари тилларини би олган, 1979 йилда эса — 3,5 проценти билган.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси уқтирдики, СССР барча гражданлари т монидан она тилларининг ривожлантирилиши ва тенг ҳуқуқлилик асосида ишлатилиш совет кишилари миллатлараро муомала воситаси сифатида ихтиёрий равишда қаб қилган рус тилининг билиб олиниши бизнинг кўп миллатли давлатимизнинг энг му

принципидир. Айни чоқда конференция давлат, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида миллий тилларнинг фаол амал қилиши ҳақида кўпроқ жон куйдириш, республикага номи берилган халқнинг тили унинг территориясида яшовчи бошқа миллатлар гражданлари, биринчи навбатда болалар ва ёшлар томонидан ўрганилишини рағбатлантириш зарур деб кўрсатди.

Ноишлаб чиқариш соҳаси билан, кишиларнинг ўз бўш вақтларидан фойдаланишлари форма ва усуллари билан боғлиқ бўлган маиший ҳаёт ва фаолият совет турмуш тарзининг узвий таркибий қисмидир. Маънавий соҳа — аввало маданий эҳтиёжларни қондириш, муайян анъаналар, удум, расм-русм ва ҳоказоларга риоя қилишдир. Прогрессив миллий анъаналар, шунингдек янги юзага келган умумсовет анъаналари ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, социалистик турмуш тарзини такомиллаштиришга кўмаклашади.

Айни чоқда шу нарса ҳам маълумки, интернационаллаштириш турмуш тарзининг бошқа жиҳатларига қараганда анча суст амалга оширилади, чунки унинг амал қилишини кўп жиҳатдан авлоддан-авлодга ўтиб борадиган психологик омиллар, миллий туйғулар, стереотиплар ва тасаввурлар таъсири шартлайди. Жамият томонидан тартибга солиш ва контрол қилиб туриш анча қийин бўлган худди шу турмуш соҳасида қолоқ, кўпинча зарарли анъаналар сақланиб қоладики, улар миллатларнинг янада яқинлашуви ҳамда улар ўртасида дўстона муносабатларнинг такомиллашуви йўлида қўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Ана шу нуқтаи назардан шахснинг миллий анъаналар ва урф-одатларга муносабати миллатлараро алоқа маданиятини у қанчалик эгаллаганлигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар, айтайлик, инсоннинг ўзи янги, совет маросимларини қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда совет гражданининг иззат-нафсини камситувчи эски, реакцион бўлиб қолган анъаналарга қарши кураш олиб борса, унда бундай киши, шубҳасиз, миллатлараро алоқа маданиятини етарли даражада эгаллаган бўлади.

Пировардида пропагандист уқтирадики, миллатлараро алоқа маданияти — бу амалдаги интернационализмдир, унинг совет кишиларининг реал, кундалик ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришдан ташқари алоқасидаги кўринишидир. У муқаррар равишда ленинча миллий сиёсатни ўтказишда фаол ҳаётий позицияда туришни тақозо этади. Миллатлараро алоқа маданияти ватанпарвар ва интернационалистни шакллантиришда иштирок этар экан, СССР халқлари дўстлигининг янада мустаҳкамланишига, социалистик миллатлар ва элатларнинг равнақи ва яқинлашувига кўмаклашади (Ушбу масала бўйича қўшимча материални журналнинг шу сонида эълон қилинган Б. Мусаевнинг «Миллатлараро алоқалар маданияти тўғрисида»ги мақоласидан топиш мумкин).

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

Маркс К., Энгельс Ф. **Немис идеологияси.** — Уч томлик танланган асарлар, -том, Т., 14-бет.

Ленин В. И. **Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида.** — Тўла асарлар тўплами, 25-том, 293—367-бетлар.

Ленин В. И. **Миллатлар тўғрисидаги ёки «автономлаштириш» тўғрисидаги масалага доир.** — Тўла асарлар тўплами, 45-том, 399—406-бетлар.

КПСС XXVII съездининг материаллари. — Т., Ўзбекистон, 1986, 53—54, 107-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материаллари. 1988 йил, 28 июнь — 1 июль. — Т., Ўзбекистон, 1988.

Горбачев М. С. **Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда.** — Т., Ўзбекистон, 1987, 36—37-бетлар.

Нишонов Р. Н. **Илмий ва санъаткор зиёлиларнинг ижодий кучлари қайта қуришга хизмат қилсин.** — Совет Ўзбекистони, 1989, 3 февраль.

«Ошкоралик ва ижтимоий турмушни демократиялаш шароитида миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 1989 йил, 23—25 февраль. — Совет Ўзбекистони, 1989, 24, 25, 26, 28 февраль, 1, 2 март.

Актуальные проблемы развития национальных отношений, интернационального и патриотического воспитания. Учебное пособие. — М., Политиздат, 1988, с. 288—311.

А. АҲМАДИЕВ тайёрлаган.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА УЙ-ЖОЙ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РОЛИ

ДЕҲҚОНЧИЛИК ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш халқ турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари сирасига киради. В. И. Ленин айтганидек, хўжаликнинг ҳақиқий асоси озиқ-овқат фондидир, бундай фонд бўлмаса давлат ҳокимияти ҳеч нарсага арзимайди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бу фонд қандай аҳволда эканлиги ҳам сир эмас. СССР халқ депутатлари съездида озиқ-овқат таъминотини жиддий тарзда яхшилаш ва шунга боғлиқ ҳолда қишлоқда турмушни тубдан қайта қуриш зарурлиги тўғрисидаги сўзлар баралла янграганлиги бежиз эмас. Ана шу ғоят муҳим социал-сиёсий масалаларнинг ҳал этилиши ниҳоятда турлича тусда эканлигига съездда ишонарли мисоллар келтирилди. Натижада баъзи бир регионларда савдога гўшт, сут, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етказиб беришда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда, бошқаларда эса бу нарса содир бўлмаяпти.

Таассуфки, Ўзбекистон ана шу кейинги регионлар жумласига киради. Ўзбекистон Компартияси МК XI пленумида (1988 йил август) таъкидланганидек, «илгари йўл қўйилган ҳаддан ошиш ва бузилишлар шу қадар катта бўлган эдики, бир қанча тармоқларда ва биринчи галда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда аҳвол ҳамон ниҳоятда кескин бўлиб қолмоқда. Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини жон бошига истеъмол қилиш кўпайиши у ёқда турсин, балки бир қанча кўрсаткичлар бўйича пасайиб ҳам кетди. Биз кўп йиллар мобайнида аҳоли жон бошига атиги 16 килограмм картошка, 138 килограмм сабзавот, 45 килограмм полиз маҳсулоти, 75 килограмм мева ва узум, 21 килограмм гўшт, 135 литр сут, 110 дона тухум етиштиряпмиз. Гўшт истеъмол қилиш жиҳатидан республика умумиттифоқ даражасидан қарийб 2,2 баравар, сут бўйича — деярли 2 баравар, тухум бўйича — 2,5 баравар орқада қолмоқда».

Асосан пахтачиликка ихтисослашган, ер-сув ресурслари, табиий яйловлари чекланган, аҳолиси эса юксак суръатлар билан кўпайиб бораётган республикамиз бугунги кунда ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни жадал кўпайтиришда жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда. Шу сабабли ўн учинчи беш йилликда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилишни 40—45 килограммга, сутни 250 литрга етказиш вазифаси қўйилмоқда. Бунга эришишнинг реал имкониятлари қандай? Кейинги икки йил ичида бизда бу маҳсулотларни етиштириш йилига бор-йўғи 3,5—4 процентга кўпайди. Планда белгиланганидек уларни истеъмол этиш даражасини 2 марта ва ундан ҳам кўпроқ кўпайтириш учун қанча вақт керак? Бунинг устига айрим маҳсулотлар етиштиришдаги аҳвол яхшиланиш ўрнига мураккаблашиб ҳам бормоқда. 1988 йилда, масалан, сабзавот ва полиз маҳсулотлари истеъмоли 107 килограммдан 93 килограммга тушиб қолди.

Энг чигал муаммо бўлиб қолган озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга ҳозир жуда жиддий эътибор берилаётганлиги тушунарли. Шу йил январь ойида Ўзбекистон Компартияси МКда кенгаш бўлиб, унда партия ва совет ходимлари, олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, ёзувчи ва журналистлар бу муҳим жабҳадаги иш аҳволи ҳамда истиқбол режаларини атрофлича таҳлил этдилар. КПСС МК март (1989 йил) Пленуми ишлаб чиққан тадбирлар вазиятни тубдан ўзгартириб, олға томон янада илдамроқ бориш имконини беради. Қишлоқда янгича иқтисодий муносабатларни жадалроқ ривожлантириш, агросаноат комплексидаги инвестиция сиёсатида йўл қўйилган хатоларни тузатиш, экин майдонлари структурасини энг мақбул тарзга келтириш, жамоат секторининг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш, барча резервларни ишга солиш чораларини кўриш республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кескин кўтаришга олиб келади.

Ҳамонки масала шу йўсинда қўйилаётган экан, назаримизда, шахсий ёрдамчи хўжаликлар ролига ҳам янада эътиборлироқ муносабатда бўлиш керак. Бугунги кунда Ўзбекистонда етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотининг қарийб ярми ва са

завот-полиз маҳсулотларининг 40 процентдан ортиғи уларнинг улушига тўғри келади. Бироқ озиқ-овқат фондини тўлдиришнинг ана шу манбаига муносабат бир хил эмас, кўпинча унга менсимайроқ қарашади. Ҳолбуки, КПСС МК июнь (1987 йил) Пленумида шундай деб таъкидланган эди: «Яқин икки-уч йил ичида аҳолининг боғ ва томорқа участкаларига эҳтиёжи қондирилиши лозим. Ер етишмаётганлигини рўкач этишни бас қилиш керак. Бу ҳақиқатга зиддир. Ер етарли. Бўш ётган ерлар чиндан ҳам кам бўлган жойларда эса, колхозларга, совхозларга, корхоналарга тегишли ерларнинг бир қисмини ажратиш ҳам мумкин». Меҳнаткашлар эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, бу ишдаги ўринсиз чеклашлар ва тўсиқларни бартараф этиш зарурлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилди. Амалда нималар бўлаётганлигини қуйида бир таҳлил этиб кўрайлик-чи.

Маълумки, колхозчиларнинг Бутуниттифоқ учинчи съездида 1969 йил ноябрида қабул этилган колхозларнинг намунавий Уставида колхозчилар хонадонида қанча сигир, чўчқа, қўй-эчки, асалари оиласи, парранда, қуён боқиш мумкинлиги нормалари белгилаб қўйилган. Колхоз аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра колхозчи оиласига, шунингдек полиз, боғ қилиш ва бошқа эҳтиёжлар учун сатҳи ярим гектаргача, суғориладиган жойларда эса 0,2 гектаргача томорқа участкаси ажратиб берилиши керак (иморат солинадиган жой ҳам шу ҳисобга киради). Ўзбекистонда бу имкониятдан фойдаланилмаганлигини статистика маълумотларидан билиб олса бўлади. Масалан, 1986 йилда колхозчилар, ишчи ва хизматчиларнинг томорқа участкаси банд этган ерлар 1970 йилга нисбатан 3 процент кўп бўлди. Бироқ шу давр ичида қишлоқ аҳолиси сони 41 процентдан ҳам кўпроқ ортди. Ҳозирги вақтда колхозчи, қишлоқдаги ишчи ва хизматчилар томорқасининг майдони ҳамма жойда қишлоқ хўжалиги учун яроқли 0,12 гектардан ошмайди.

У ҳолда нима учун ишда керакли суръатларга эришиш қийин бўляпти? Зотан, шахсий ёрдамчи хўжалик озиқ-овқат фондини шакллантиришда яхшигина кўмакчи-ку, ахир. Бундай хўжаликда меҳнат ишлаб чиқарувчилик характерида бўлиб, ялпи маҳсулот ва миллий даромаднинг муайян қисмини ҳосил этиш манбаи бўлиб майдонга чиқади. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар тасарруфидаги ерларда унумдорлик колхоз ва совхозлардагига нисбатан анча юқори эканлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, ҳозирда томорқа участкалари салмоғи Ўзбекистондаги жами экинзор, боғ ва токзорларнинг бор-йўғи 4,2 процентини ташкил этади, уларда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши эса 9 процентга боради. Шахсий ёрдамчи хўжаликларда ҳар гектар экинзор ҳисобига колхозлар ҳамда давлат қишлоқ хўжалиги корхоналаридагига нисбатан 6 баравардан ҳам кўпроқ маҳсулот олинмоқда. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар илдам ривожланиб бораётганлиги билан ҳам ажралиб туради. Уларда 1971—1987 йилларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши 69 процентни ташкил этди, ҳолбуки республика қишлоқ хўжалиги жамоат секторида эса у 43 процент бўлди.

Ўзбекистон деҳқончилигининг асосий тармоқлари — пахтачилик билан ғаллачиликда томорқа хўжалиги йўқ деса ҳам бўлади. Аммо мева ва сабзавот, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда улар дурустгина мавқени эгаллаб турибди. Масалан, 1986 йилда етиштирилган жами полиз маҳсулотларининг 44, сабзавот маҳсулотларининг 47, гўштнинг 48 ва сутнинг 64 проценти шахсий хўжаликлар улушига тўғри келди. Тўғри, натура йўналиши устун бўлгани учун ҳам бундай хўжаликнинг товар маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги мавқеи ялпи маҳсулот етиштиришга қараганда бирмунча камтарроқдир: 1986 йилда республика қишлоқ хўжалиги бутун товар маҳсулотида унинг улуши 10,7 процентни ташкил этди. Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг энг катта салмоғи жун (63 процент), қоракўл, сабзавот-полиз маҳсулотлари (35—36 процент) ва гўшт (18 процент) етиштиришга тўғри келади.

Томорқа участкалари сатҳини колхозларнинг намунавий Уставида кўзда тутилган, юқорида зикр этиб ўтилган норма даражасида кўпайтириш учун қўшимча равишда 160—170 минг гектар экинзор ер ажратилиши керак. Ана шу миқдордаги майдондан қўшимча равишда тахминан 1,5—1,7 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиш мумкин.

1988 йил май ойидан эътиборан кучга кирган «СССРда кооперация тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилишича, ер участкаларининг сатҳи, гражданларнинг шахсий қарамоғидаги мол ва паррандалар нормаси халқ депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари, кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан белгилаб берилади. Ўзбекистонда оила аъзоларининг ўртача сони умуман СССР бўйича бўлган кўрсаткичдан 1,6 баравар кўп эканлигини инобатга олиб, бу ерда томорқа участкаси майдонини 0,3 гектар суғориладиган экинзор ерга етказишни ўринли деб ҳисоблаймиз. Шундай бўлган тақдирда қўшимча равишда яна 340—360 минг гектар ер ажратишга тўғри келади, бу колхоз ва совхозлардаги мавжуд экинзорларнинг 8 процентидан камроғини ташкил этади. Бироқ бунда қўшимча тарзда 3,3—3,5 миллиард сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиниши мумкин. Бошқача қилиб айтганда ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик ишлаб чиқаришга нисбатан 34 процентча ва ўн иккинчи беш

йиллик учун мўлжалланган ўсиш суръатидан 2 баравар кўп қўшимча маҳсулот олиш мумкин бўлар эди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларда маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш унинг товар қисмини ҳам кўпайтириш имконини беради. Колхозчилар, совхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчи ва хизматчилари хўжалик билан шартнома тузиб, белгиланган нормадан ортиқча ажратилган 0,1 гектар ер учун 120 сўм ҳисобидан гўшт ва сутни харид нархларида сотишга имкон берадиган тартибнинг жорий этилиши бунга ёрдам берган бўлур эди. Бошқача айтганда, қўшимча 0,1 гектар экинзор олмоқчи экансан, хўжаликка 24—26 килограмм мол гўшти (тирик вазнда) ва 130—150 килограмм сут сотишга тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси қатъиян ихтиёрий асосда бўлади, албатта. Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларининг манфаатларига мос ана шу таклиф этилаётган тартиб республикамиз озиқ-овқат фондига баракали улуш бўлиб қўшилиши мумкин.

Томорқа участкалари сатҳини кўпайтириш уй-жой муаммосини ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳам жуда муҳим ҳолдир. Зеро, бу муаммо кескинлиги жиҳатидан озиқ-овқат муаммосидан сира қолишмайди. Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари бўйича уй-жой қуриш суръати Ўзбекистонда унча юқори эмас. Хусусан, аҳоли маблағлари ҳисобига олиб бориладиган қурилиш ишларида қолоқлик кучли.

Якка тартибдаги уй-жойларни асраш ва ремонт қилишга давлат уй-жой фондига нисбатан анчагина кўп (5—6 баравар) сарф-харажат қилиниши ҳам бунда муҳим роль ўйнайди. Ҳолбуки, Ўзбекистон ССР-нинг қишлоқ жойларидаги тураржойларнинг 80 процентидан ортиғи шахсий мулк ҳисобланади. Бунинг устига 1986 йилда республика колхозчиларининг меҳнатига тўланадиган ойлик ўртача ҳақ 130 сўмга тўғри келди, ваҳоланки ишчи-хизматчиларда эса у 169 сўмга борди. Уй-жой шароити жиҳатидангина эмас, даромад ва сарф-харажатлар бобида ҳам аҳоли асоссиз равишда табақалашиб қолганлиги шунданоқ яққол кўриниб турибди.

Аҳоли турли гуруҳлари даромадларидаги мавжуд фарқни камайтиришда қишлоқ аҳлининг, хусусан колхозчиларнинг даромадларини ҳосил қилишнинг муҳим манбаи бўлмиш шахсий ёрдамчи хўжалик мададга келади. Бу даромадларга меҳнат туфайли эришилишининг аҳамияти катта.

Энди шахсий ёрдамчи хўжаликнинг товар маҳсулоти давлатга зонал харид нархларида, матлубот кооперациясининг комиссион савдосини ташкил этиш йўли билан, қолаверса колхоз бозорида реализация қилинишига эътибор берайлик.

Колхоз бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилиши оборотини ҳисоблаш (бунга матлубот кооперациясининг комиссион савдоси кирмайди) анча мураккаб иш, чунки Ўзбекистон ССР статистика тўпламларида бундай кўрсаткичлар йўқ. СССР бўйича 1986 йил учун ўртача ҳисобот маълумотларидан фойдаланиб, шундай хулосага келдикки, мазкур оборот республикамизда тахминан 618 миллион сўмни ташкил этади. Бундан ташқари давлатга сотилган ҳамда савдо ташкилотларига етказиб берилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти учун аҳолига 786 миллион сўм тўланган. Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳолиси 1986 йилда шахсий ёрдамчи хўжаликдан кўрган даромад пулга чақилса, жами, бизнинг мўлжалимизда, 1 миллиард 404 миллион сўмни ташкил этади. Колхозчилар оилалари шахсий даромадларининг мажмуида шахсий ёрдамчи хўжалик улуши тўғрисида қўлимизда аниқ маълумотлар йўқ эканлиги учун ана шу маблағнинг кўп ёки кам эканлиги ҳақида бир нарса дейиш қийин. Аммо томорқа участкалари сатҳи 0,2 гектаргача кўпайиши билан колхозчиларнинг, қишлоқ хўжалик корхоналари ишчи ва хизматчиларининг ўша ерда етиштирилган маҳсулотни реализация қилишдан кўрган даромади 950—1000 миллион сўмга кўпайиб, йилига 2,4 миллиард сўмга бориши мумкинлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Томорқа участкалари ҳажмини 0,3 гектаргача кўпайтирганда эса қишлоқ аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари реализациясидан оладиган пул даромади 2,5 баробар ошиб, йилига 3,5 миллиард сўмга боради ёки қишлоқда аҳоли жон бошига ойига 27 сўмни ташкил этади.

Бунда колхоз ва совхозларнинг суғориладиган экин майдонлари қисқариб, жамоат секторидаги ялпи маҳсулот ҳажми ҳам бирмунча камаяди. Аммо барча тоифадаги хўжаликларда ялпи маҳсулот ҳажми 16—34 процент кўпаяди. Бой берилганлар ўрни тўлиши билан бирга колхозчилар, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчи ва хизматчилари шахсий томорқа участкаларида етиштирилган гўшт ва сутни шартнома асосида хўжаликларга сотадиган бўлганлиги учун ҳам маҳсулот тайёрлаш анчагина ошади.

Суғориладиган экинзорларининг маълум қисмини шахсий ёрдамчи хўжаликларга бергач, колхоз ва совхозларнинг даромади ҳам бирмунча қисқаради. Ана шунинг ўрнини тўлдириш ҳажмларини белгилаб қўйиш керак, албатта. Бу ҳажмни аниқлашнинг бир вариантини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1987 йил 1 ноябргача республика колхозларида умум фойдаланишдаги қишлоқ хўжалик ер-суви 2 миллион 900 минг гектар бўлиб, шундан 1 миллион 603 минг гектари экинзор эди. Экинзорларнинг 1 миллион 515 минг гектари суғориладиган ерлардан

иборат. 1985—1987 йилларда колхозларнинг соф даромади (фойдаси) бир гектар суғориладиган экинзор ҳисобига қарийб 500 сўмни ташкил этди. Демак, томорқа участкасини кенгайтириш учун нормадан ташқари ажратиладиган 0,1 гектар учун ҳақ (тўланадиган товон) йилига 50 сўмни ташкил этади. Шу тахлит умуман колхоз ва совхозлар бўйича товон тўлови ҳажми 90—100 миллион сўмга боради, бу колхозчилар, совхозларнинг ишчи ва хизматчилари томорқа участкалари 0,3 гектаргача кенгайтирилгандан кейин оладиган қўшимча пул даромадининг 5 процентдан ҳам озроғини ташкил этади.

Шундай қилиб томорқа участкаларини кенгайтириш эвазига олинадиган қўшимча даромад анча салмоқли бўлиб, колхозчилар, совхозларнинг ишчи ва хизматчилари ундан ўзларининг уй-жой шароитларини яхшилаб олишда фойдаланишлари мумкин. Башарти бу даромаднинг, масалан, 50 проценти уй-жой қурилишига сарфланса ҳам, ҳар йили умумий фойдали саҳни 6,2—6,4 миллион квадрат метр бўлган шахсий уй-жой барпо этиш мумкин. Бордию бу рақамни 2000 йилгача қолган йилларга кўпайтирадиган бўлсак, тахминан 70 миллион квадрат метр уй-жой ҳосил бўлади. Бу эса Ўзбекистонда уй-жой муаммосини ҳал этишга муносиб улуш бўлиб қўшилган бўлур эди. Тўғри, бу ғояни амалга ошириш учун аҳоли пул даромадларини кўпайтиришнинг ўзи кифоя эмас. Айни чоғда бинокорлик материаллари мўл бўлиши, машаққат билан ишлаб топилган ҳалол пулга уларни бемалол сотиб олиш имкониятини яратиб қўйиш керак бўлади.

Биз таклиф этаётган тадбирларни муҳокама этиш чоғида албатта томорқа участкалари сатҳини кўпайтириш хусусий мулкчилик тикланишига олиб келмасмикан деган савол туғилади. Бунга қуйидаги қатор далиллар билан рад жавоби бериш мумкин:

гражданларнинг ёрдамчи хўжалик юритиши уларнинг шахсий меҳнатига асосланган бўлиб, СССР Конституциясига биноан ёлланма меҳнатдан фойдаланишни истисно этади;

бундай хўжаликларда меҳнат фаолияти одатда иккиламчи бандлик принциплари асосида амалга оширилади, чунки бундай хўжалик юритиш билан машғул шахслар ижтимоий ишлаб чиқариш билан бевосита алоқани сақлаб қоладилар;

томорқа участкалари эгаларининг колхоз ва совхозлар билан шартнома муносабатлари ривожланиб боришига шахсий ёрдамчи хўжаликларни умумлаштиришнинг муайян босқичи сифатида қараш керак.

Шахсий ёрдамчи хўжалик соҳасида хусусий мулкчилик қайта тикланишидан хавфсираш, назаримизда, ўринсиздир. Тўғри, бу соҳани ривожлантириш осон иш эмас, иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий, тарбиявий йўсиндаги пухта ўйланган тадбирларни тақозо этади. Бунда кооперация тўғрисидаги СССР Қонунига монанд ердан социалистик асосда фойдаланиш тартиби ҳақида Қонун қабул қилинниши яхшигина омил бўлиб қолиши керак.

Бундан ташқари, таклиф қилинаётган тадбирларни амалга ошириш аҳоли реал даромадларидаги яширин иқтисодий тенгсизликни қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча эканлиги билан боғлиқ масалани қисман ҳал этиш имконини беради. КПСС МК Пленумида 1989 йил 25 апрелдаги якунловчи нутқида М. С. Горбачев жуда тўғри таъкидлаганидек, эҳтимолки бирор киши умид боғлаган бошқа ҳеч қандай мўъжизакор тадбирлар йўқ. Халқ иштироки билан ишлаб чиқилган конкрет планлар ҳамда меҳнат коллективлари, партия ташкилотлари, хўжалик кадрларининг катта иши зарур. Ишончимиз комилки, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш хусусидаги ғамхўрлик қишлоқда серунум меҳнатни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмида муҳим бўғин ҳамда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш омилларидан бири бўлиб қолади.

Н. ГОРЕЛКИН,
иқтисод фанлари кандидати;

Т. АҲМЕДОВ,
Жиззах шаҳри.

Ш. ЗИЁМОВ

ТУРКИСТОНДАГИ ПАРТИЯ ҚУРИЛИШИДА УМУМИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР

КПСС ИШЧИЛАР синфининг авангарди, меҳнаткашларнинг жамиятни революцион тарзда қайта қуриш учун курашида раҳбар ва йўналтирувчи кучдир. «Марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган партия бўлмаса, — деб таъкидлади М. С. Горбачев Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида, — социалистик революция ғалаба қозона олмаган бўлур эди. Янги жамият барпо этишни ўрганиб олган партия бўлмаса, социализм бўлмас эди, бизнинг буюк давлатимиз ҳам бўлмасди».

«КПСС тарихи очерклари»ни тайёрлаш юзасидан КПСС МК комиссиясининг 1988 йил 14 октябрда бўлиб ўтган мажлисида ҳам раҳбар органларнинг, ҳам бутун партиянинг социалистик қурилиш жараёнидаги фаолиятини ҳар томонлама таҳлил этиш, атоқли партия арбоблари ва маҳаллий партия ташкилотларига характеристика бериш зарурлиги, турли босқичларда тўпланган тажрибани умумлаштириш, ҳозирги дунё ривожи, социализмни янгилаш ва тараққий эттириш талаблари кун тартибига қўяётган вазифаларни ҳал этиш учун сабоқ олиш кераклиги таъкидланди. Шу муносабат билан Туркистондаги партия қурилиши тажрибасини очиб бериш тарихий аҳамиятга молик муҳим вазифалардан бири бўлиб қоляпти.

* * *

Туркистонда биринчи социал-демократик тўгараклар ва группалар 1903—1904 йилларда пайдо бўлди. Уларни ўлкага XIX асрдаёқ сиёсий сургун қилинган кишилар тузган эди.

1905—1907 йиллардаёқ Тошкент, Янги Марғилон, Самарқанд, Қазалинск, Ашхобод, Қизил Арвот, Чоржўй, Марвда мустақил социал-демократик ташкилотлар иш кўра бошлаган эди. Уларнинг составига ишчилар, ҳунармандлар, деҳқонлар кирган бўлиб, уларни чоризмга, маҳаллий эксплуататор синфларга қарши кураш бирлаштирган эди. Улар илғор ишчилар билан, ишчилар орқали меҳнаткаш аҳолининг барча қатламлари билан алоқани мустаҳкамлаб, революцион ғояларни тарғиб қилардилар, варақалар, яширин марксистик адабиётлар тарқатишарди. Буларнинг ҳаммаси Туркистон ўлкасининг маънавий ҳаётида тарихий воқеа бўлиб, Туркистон Коммунистик партиясини ташкил этиш учун шарт-шароитнинг етилишига асос солган эди.

1905—1907 йиллардаги революция даврида социал-демократик ташкилотларнинг ичида большевистик группалар шаклланa ва жипслаша бошлаган эди, улар меньшевизм ва бошқа майда буржуа оқимларига қарши курашда ленинча позицияни ҳимоя қилдилар. Айни шу ленинчи-большевиклар 1917 йилнинг октябрь кунларида ишчи ва солдатларнинг революцион отрядларини, шаҳар ва қишлоқ камбағалларини эксплуататорлик тузумини штурм қилишга бошладилар. «Большевиклар партияси турли манфаатларнинг мураккаб мажмуаси орасидан энг муҳимини топа олди, турли-туман тенденциялар ва муддаоларни бирлаштириб

ЗИЁМОВ Шаҳобиддин Сирожович, тарих фанлари доктори.

уларни революциянинг асосий масаласи — жамият тўғрисидаги масалани ҳал этишга қарата олди» (М. С. Горбачев. Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда. «Ўзбекистон коммунисти», 1987 йил 12-сон, 6-бет).

Улуғ Октябрь ғалабаси ва Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ўлкада социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширишнинг, илгариги қолоқ бўлган халқларнинг капитализмни четлаб, социализмга ўтиши тўғрисидаги марксча-ленинча ғояларнинг ҳаётга татбиқ этилишининг асосий сиёсий шарт-шароитлари бўлди. Советлар Бутун Россия II съездининг сулҳ ва ер ҳақидаги тарихий декретлари, «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси», ер ва миллий масалаларни ҳал этишнинг марксча-ленинча принципларини эълон қилган ёш Совет республикаси ҳукуматининг «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаати Шарқда революцион ҳаракатни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар очиб берди.

Большевикларнинг социализм қуриш борасидаги тактик ҳаракатларини белгилаш учун ўлкадаги мустақил большевистик ташкилотлар ва группаларни ягона партияга бирлаштириш зарур эди. Улардан энг йириги — Тошкент ташкилотининг ташаббуси билан, катта қийинчиликларга қарамай, 1918 йилнинг июнида Туркистон Коммунистик партиясининг I съезди бўлиб ўтди.

Ўлкада *партия* қурилиши социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг ўзига хос шароитларида амалга оширилди. Бу ерда В. И. Лениннинг саноат пролетариати кам сонли бўлган ёки умуман бўлмаган аграр деҳқончилик мамлакатларида коммунистик ташкилотлар ишини ташкил этиш ва улар фаолият кўрсатиши мумкинлиги тўғрисидаги кўрсатмасини ижодий қўлланиш айниқса муҳим эди. Жумладан Владимир Ильич Шарқда коммунистик ташкилотларни барпо этиш ва давлатни бошқаришга маҳаллий миллат меҳнаткашларини жалб этиш жараёнида уларнинг раҳбарлик ролини таъминлаш масаласига тўхталиб, «совет муассасалари ҳам, коммунистик партия ҳам (унинг состави, унинг махсус вазифалари) Шарқдаги мустамлака қилинган, *деҳқончилик* билан шуғулланувчи мамлакатлар даражасига *мослаштирилсин»* деб таъкидлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 514-бет).

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ишчилар синфининг кам сонлилиги, большевистик кадрларнинг назарий ва амалий жиҳатдан бўшлиги, туб ерли аҳолидан коммунистларнинг деярли йўқлиги, рус большевикларининг маҳаллий миллатлар тилини яхши билмаслиги, бу тилларда марксистик адабиётнинг йўқлиги ва бошқа факторлар миллий чекка ўлкаларда коммунистик ташкилотларни шакллантириш ва ривожлантириш йўлида жиддий тўсиқ бўлди. Большевикларнинг вазифалари, шунингдек революцион ҳаракатни ўз таъсири остига олишга, уни контрреволюция йўлига солишга уринган феодал-клерикал ва миллатчилик ташкилотларига қарши кескин кураш олиб бориш зарурлиги билан мураккаблашарди. Бундай шароитда партия қурилиши масалалари миллий масала билан чатишиб кетган эди. Шунинг учун ҳам миллий областларда партиявий ишни ҳар бир миллатнинг синфий тузилиши, маданияти, турмуши, тарихий ўтмишини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий тилларда олиб бориш керак эди.

Ўзига хос шарт-шароитлар коммунистик ташкилотларнинг социал составига ҳам таъсир этганди. Мамлакатнинг марказий районларидан фарқли ўлароқ бу ерда туб ерли аҳоли асосан деҳқонлардан иборат эди. Бинобарин, Туркистон Коммунистик партиясининг асосий базасини деҳқонлар ташкил этган эди. Собиқ мустамлака ўлкаларнинг ўзига хос шарт-шароитлари яна шуни ҳам белгилаб бергандики, партия ташкилотлари ташкил топган пайтда ва ўз ривожининг дастлабки босқичида меҳнаткашларнинг энг қолоқ қатламларига ҳам тушунарли ва яқин бўлган умумдемократик характердаги вазифаларни ҳал қиларди.

Туркистон Компартиясининг сон жиҳатдан тез ўсганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Агар ташкилий шаклланиш даврида унинг сафларида 1500 дан ортиқ киши бўлган бўлса, 1918 йилнинг охирига келибоқ, яъни атиги ярим йил ичида унинг сони 13 минг кишига етди. Бу, биринчидан, Коммунистик партия обрў-эътиборининг ўсганлигидан далолат берса, иккинчидан, ишчилар, деҳқонлар ва батраклар Советларнинг ташкил этилишида бечора ва эзилган омма ҳокимияти ифодасининг сиёсий формасини кўришди. Уларнинг кўплари коммунистик онглилиги юқори бўлгани учун эмас, балки ўз синфий туйғулари ва партия идеаллари халқ манфаат-

ларини ифода этишига чуқур ишончлари туфайли Компартия ортидан эргашдилар.

Туркистон Компартиясида маҳаллий миллатлар коммунистларининг сони муттасил ўсиб борди. Агар унинг ташкил этилиши даврида уларнинг сони 60 дан сал ошган бўлса, 1922 йилнинг 1 августига келиб, РКП(б)ни Бутунроссия бўйлаб рўйхатга олиш маълумотларига қараганда, уларнинг сони 7796 кишига етган, бунинг устига ўша йилнинг бошида Туркистон Компартияси сафларида 29,2 процент ишчи ва 42,6 процент деҳқонлар бор эди. Бу шу билан изоҳланардики, маҳаллий миллатлар меҳнаткашларини партияга жалб этиш мақсадида қабул қилишда улар учун имтиёзлар белгиланди. Турган гапки, бу ҳол Туркистон Компартиясининг синфий моҳиятини ўзгартирмади. В. И. Ленин Коминтернинг II Конгрессида таъкидлаганидек, «партия ҳақиқатан ишчиларнинг сиёсий партияси бўлиш-бўлмаслиги фақат унинг ишчилардан иборат эканлигигагина боғлиқ бўлмай, шу билан бирга унга кимлар раҳбарлик қилаётганлигига ҳамда унинг ишларининг ва сиёсий тактикасининг мазмуни қандай эканлигига ҳам боғлиқдир. Бу партия ҳақиқатан пролетариатнинг сиёсий партияси эканлиги ёки ундай эмаслигини фақат ана шу сўнгги ҳолат белгилаб беради» (ТАТ, 41-том, 292-бет).

Партияга қабул якка тартибда саралаб олиш принципи асосида амалга оширилди, кандидатлик стажи, партиявий тавсиялар ва ишнинг РКП(б) фаолиятида синаб кўрилган бошқа форма ва методлари практикага жорий этилди. Шу билан бирга бузилишлар ҳам бўлди, масалан, партияга бутун-бутун қишлоқлар аҳолиси кирди, бир томондан, бу меҳнаткаш омманинг ўз тақдирини Коммунистик партия тақдири билан боғлашга қанчалик интилганини кўрсатса, иккинчи томондан, партия сафларида синфий жиҳатдан ёт, тасодифий кишиларнинг кўпайиб кетишига олиб келарди, партиянинг ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланиш жараёнини секинлаштирарди. 1919 йилнинг охирида коммунистлар қайтадан рўйхатдан ўтказилганидан кейин ТКПда 33 мингдан ортиқ киши бор эди. Партия сафларининг бу қадар шишиб кетиши Туркистон Компартиясининг майда буржуа оммаси орасида кўринмай кетиши, синфий йўлдан чекиниши ва революция ғалабаларини қўлдай бой бериши хавфини туғдирарди.

ТКП составини унда диндорлар анча процентни ташкил этиши билан характерланарди. 1922 йилда, масалан, улар 45 процент бўлиб, асосий қисми қишлоқ партия ташкилотларига тўғри келар эди. Бундай аҳвол ТКП олдига жиддий вазифани — партиянинг барча маданий кучларини коммунистларнинг ялпи ва сиёсий саводсизлигини тугатишга сафарбар этиш, уларда материалистик дунёқарашни шакллантириш бўйича ишни кучайтириш вазифасини қўйган эди. Бу тегишли мактабларнинг кенг шохобчасини яратишни ва туб миллат вакилларидан партия қурилиши масалалари ўрганиладиган махсус курслар орқали ходимлар тайёрлашни тақозо этарди.

Туркистон Коммунистик партияси ўз аъзоларининг социал состави, маълумот ва маданий даражасини ҳисобга олиб РКП(б) МК раҳбарлиги ва ёрдамида партия сафларини илғор ишчилар ҳисобига тўлдириш, коммунистларнинг марксча-ленинча дунёқарашини шакллантириш, уларнинг партия тарихи ва сиёсатини ўрганишлари борасида катта ишларни амалга оширди. Бу уларнинг меҳнатдаги ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга, партия ташкилотларининг халқ оммаси орасидаги роли ва таъсирини кучайтиришга кўмаклашди.

Партия сафларини ғоявий-ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уни душман ва тасодифий одамлардан халос этиш мақсадида РКП(б)нинг X съезди мамлакатнинг барча партия ташкилотларида тозалаш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. РКП(б) МК Туркистон бюросининг қарорига мувофиқ Туркистон Компартияси МКнинг Ижроия бюроси 1921 йилнинг августида партияни тозалаш бўйича республика комиссиясини тузди; область, уезд, район комиссиялари ташкил этилди. Маҳаллий партия ташкилотлари коммунистлар ва партиясизлар орасида катта сиёсий иш олиб бордилар, бўлажак кампаниянинг мақсади, вазифалари ва методларини тушунтирдилар.

Туркистонда тозалаш ўтказилишини нисбатан ёш Компартия иш тажрибасининг етишмаслиги ва ўлкадаги қатор ўзига хос шарт-шароитлар — партия аъзоларининг айримларида мустамлакачилик одатларининг сақланиб қолганлиги, бой ва қулоқ элементларининг партия сафларига кириб олганлиги, маҳаллий миллатлар коммунистларининг маданий жиҳатдан қолоқлиги, натижада уларнинг кучли дин

таъсирида бўлиши анча қийинлаштирди. Буларнинг ҳаммаси тозалаш ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларини тақозо этарди: комиссиялар составига ҳатто икки йиллик партия стажига эга бўлган коммунистлар ҳам киритилди (ҳолбуки, марказда — камида 5 йил), комиссия марказий районларда бўлганидек 3 коммунистдан эмас, балки 5 коммунистдан иборат бўлди.

Тозалашни ўтказиш тартиби қуйидагича бўлди: аввалига партиясизлар иштирокида партия ячейкаларининг информацион мажлислари ўтказиларди, уларда тозалашнинг вазифалари ва аҳамияти тўғрисида докладлар тингланарди. Ҳар бир коммунистнинг муҳокамасини пухта тайёрлаш мақсадида ҳамманинг хабардор бўлиши учун партия аъзоларининг рўйхатлари осиб қўйиларди, уларда у ёки бу одамни характерловчи маълумотларни партия ячейкасига маълум қилиш сўралганди. Келиб тушган материаллар ўрганиб чиқилгандан кейин ячейканинг умумий мажлиси ўтказилиб, унда партиясиз меҳнаткашларнинг ҳам иштирокида ҳамма коммунистлар партиянинг ҳар бир аъзосини муҳокама қилишар ва тегишли қарорлар қабул қилишарди. Бунда партия аъзолари партия мажлиси қарори устидан икки кун ичида юқори партия ташкилотлари ва текшириш комиссиясига шикоят қилиш ҳуқуқига эга эдилар. Тозалаш натижасида 10.936 киши партиядан ўчирилди, ТКП сафларида 22.296 киши қолди.

1919 йилда тузилган Мусулмонлар бюроси Туркистондаги партия қурилишининг ўтиш формаларидан бири бўлди. У мустақил ташкилот бўлмай, балки ТКП Ўлка комитетининг таркибий қисми ҳисобланиб, унинг раҳбарлигида ишларди. РКП(б) МҚ ва ТКП Ўлка комитети бунда В. И. Лениннинг миллий чекка ўлка коммунистлари мамлакатнинг марказий районларида қўлланилган тактикани кўр-кўрона кўчирмасдан, балки «уни бир-биридан фарқ қиладиган конкрет шароитларга мувофиқ суратда яхши ўйлаб ўзгартириш зарур эканлигини тушуниб» олишлари керак (ТАТ, 43-том, 223-бет) деган кўрсатмасидан келиб чиқиб иш тутдилар.

ТКП Ўлка комитетида беш бўлим — нашриётчилик, интизом, ташкилий, агитация ва молия бўлимлари бор эди. Мусбюро олтинчи бўлим бўлиб у партиявий адабиётни маҳаллий халқлар тилларида нашр этиш, оммавий агитация тадбирлари, туб ерли аҳоли вакилларидан партия ходимларини тайёрлаш ва уларни тақсимлаш сингари ишлар билан шуғулланарди. Унинг уезд-шаҳар ва область бўғинлари ҳам маҳаллий миллатлар меҳнаткашларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва меҳнаткашларнинг илғор табақалари вакилларини партияга жалб этиш борасида катта ишларни амалга оширдилар.

Лекин вақт ўтиши билан Мусбюро умумий ташкилий принципларни бузгани ҳолда партия қурилиши масалаларини мустақил ҳал қила бошлади, кўпинча уларни ТКП Ўлка комитети билан келишиб ўтирмасди. Ўлка мусулмонлар бюроси ва Туркистон МИКнинг раиси Т. Р. Рисқулов мусулмон коммунистларининг Ўлка конференциясида Туркистон Коммунистик партиясини туркий халқларнинг Коммунистик партияси деб аташ ва Турк республикасини барпо этиш ғоясини кўтариб чиқди. Турккомиссия аъзоси Я. Э. Рудзутак бу таклифларга кескин қарши чиқди. «Ташкил топган биринчи давриданоқ, — деди у, — РСДРП (б) меҳнаткашлар оммасини миллий белгиларига эмас, балки синфий белгиларига қараб бирлаштириш учун курашмоқда. Бу ленинча принципдан жиндек чекиниш ҳам кучларимизни бўшаштиради, партияни ажралишга олиб боради. Турк республикасини барпо этиш тўғрисидаги қарорга қўшилмайман. У миллатчиларнинг таъсири остида қабул қилинган. Ахир ҳеч қандай ягона турк халқи йўғ-у. Туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар бор».

Турккомиссия Ленин кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ўлка коммунистларининг миллатчи-оғмачиларга қарши курашига бошчилик қилди. Туркистон Компартияси сафлари бирлигини пролетар интернационализми принциплари асосида таъминлаш зарур эди. Ўлка партия конференцияси (1920 йилнинг 20—25 январи) мустақил яшаган барча коммунистик партия ташкилотларини РКП(б) МКга бўйсунадиган ягона Ўлка комитети бошчилигидаги Туркистоннинг ягона Коммунистик партиясига бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Лекин юқорида айтилганлар Ўлка мусулмонлар бюросининг умуман ижобий фаолиятини ва унинг барпо бўлишининг объектив характерини ҳеч ҳам камситмайди. Мусбюронинг иши маҳаллий миллатлар меҳнаткашларининг сиёсий онги ўсишига, улар илғор қисмини партия сафига жалб этишга, коммунистик ячейка-

лар, Советлар ва бошқа оммавий ташкилотлар шохобчаларининг кенгайишига, қишлоқда синфий табақаланиш жараёнининг кучайишига, ишчилар синфи билан меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

В. И. Ленин кўрсатмалари ва РКП(б) X съезди қарорларига амал қилиб Туркистон Компартияси ўзининг асосий зарбасини буюк давлатчилик шовинизми кўринишларига қарши қаратди, зеро республиканинг айрим партия, совет ходимлари, оддий коммунистлари ана шу иллат билан заҳарланган эди. Бу оғмачилик тарафдорлари партия, хўжалик, маданий қурилишда маҳаллий миллатлар меҳнаткашларининг ролини камситардилар, туб ерли аҳолидан кадрларни раҳбарлик ишига кўтаришга тўсқинлик қилардилар.

Туркистон Компартияси буржуа миллатчилигига қарши ҳам қаттиқ кураш олиб борди. Бу оғмачилик тарафдорлари партия, давлат, хўжалик ва маданий қурилишда миллий ўзига хос хусусиятларни бўрттириб кўрсатишарди, туб ерли аҳоли орасидан чиққан синфий душманларнинг кирдикорларига муросасозлик билан муносабатда бўлишарди, партия, совет аппаратини комплектлашда, хўжалик-сиёсий вазифаларини ҳал қилишда синфийлик принципини бузишарди.

РКП(б) МҚ Туркбюроси ва ТКП МҚ Туркистон партия ташкилотини мустаҳкамлаш мақсадида ҳам буюк давлатчилик шовинизми томонга, ҳам маҳаллий буржуа миллатчилиги томонга оғган ашаддий оғмачиларга таъсир этиш тадбирларини кўрдилар. Бу тадбирлар партиявий жазо бериш, эгаллаб турган вазифасидан бўшатиш, маълум муддатга ёки бутунлай раҳбар партия ва давлат лавозимларида ишлашни тақиқлаш, партия сафидан ўчиришларда ўз ифодасини топди. Ўрта Осиёнинг миллий-давлат чегараланиши ўтказилгандан сўнг, Туркистон, Бухоро, Хоразм Коммунистик партиялари қайта ташкил этилганидан, улар асосида РКП(б)нинг таркибий қисми сифатида Ўзбекистон, Туркманистон Компартиялари ва қатор область партия ташкилотлари ташкил қилинганидан кейин партия сафларини шакллантириш иши анча яхшиланди.

Туркистонда партия ва совет ходимларини тайёрлаш проблемаси жуда кескин бўлиб турарди. Кечагина шафқатсизларча эзилиб келган юзлаб ва минглаб ишчи ҳамда деҳқонларни тайёрлаш ва раҳбарий ишларга кўтариш керак эди. Бу проблемани ҳал этиш Туркистон АССР учун қатор қийинчиликлар: ўлканинг иқтисодий қолоқлиги, ишчилар синфининг кам сонлилиги, туб ерли аҳолининг ёппасига саводсизлиги, унинг революцион жиҳатдан чиниқмаганлиги, партия ташкилотларининг ёшлиги ва бошқа маҳаллий хусусиятлар билан боғлиқ эди.

Биринчи навбатда партия ва совет ходимларининг раҳбар кадрларини тайёрлаш керак эди. РКП(б) ва Совет ҳукуматининг қардошларча ёрдами бу ишда муҳим роль ўйнади. Тажрибали партия ва давлат ходимларининг Туркистонга юборилиши ана шундай ёрдам формаларидан бири бўлди. Улар орасида Коммунистик партиянинг атоқли арбоблари — М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, Ш. З. Элиава, Ф. И. Голошчекин ва бошқалар бор эди, улар партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллий миллатлар вакилларини партия ва давлат қурилишига жалб этиш, уларни Туркистонда раҳбар лавозимларга кўтариш борасида жуда катта иш қилдилар. Тажрибали кадрлар билан жуда катта ёрдам берилди. Чунончи, фақат 1921 йилнинг биринчи ярмида РКП(б) МҚ Турккомиссия ва Туркбюро ихтиёрига 354 коммунистни юборди, улардан 70 киши революциядан аввал партияга кирган кишилар эди.

Лекин шунга қарамай, Туркистонда кадрларнинг етишмаслиги қаттиқ сезилarди. Айни вақтда Туркистон Компартияси Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларига кадрлар билан ёрдам берди. Бу ёрдам Бухоро ва Хоразм Компартиялари РКП(б) составига кирганидан кейин анча кучайди.

Кадрлар проблемасини фақат Россиянинг марказий районларидан ходимларни Ўрта Осиёга юбориш ҳисобига ҳал қилиб бўлмасди. Туркистон Коммунистик партияси ленинча миллий сиёсатдан келиб чиқиб (миллий кадрларни тайёрлаш ана шу сиёсатнинг таркибий қисми эди) РКП(б) МҚ ёрдамида уларни шакллантириш юзасидан тадбирлар комплексини амалга оширди.

Турли курсларда, партия мактабларида раҳбар кадрларни кенг кўламда тайёрлаш ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Оғир иқтисодий аҳвол ва мамлакатда аланга олган гражданлар уруши туфайли юзага келган қийинчиликларга карамай

Туркистонда партия ўқув юртлари ташкил этилади. Чунончи, В. И. Ленин кўрсатмаларини бажара бориб 1918 йилнинг ноябрида Тошкентда ТАССРнинг Миллатлар халқ комиссариати қошида Ташкилий-агитация курслари барпо этилди. Улар олдида партия ва Совет аппаратлари учун инструкторлар, агитаторлар, пропагандистлар тайёрлаш вазифаси турарди. Курслар тўрт ойлик бўлиб, 100 кишига мўлжалланган эди. Уларга ёшлари 18дан кичик бўлмаган партия аъзолари ҳам, партиясизлар ҳам қабул қилинарди. 1919 йилда курсларни уч группа — 99 киши битириб чиқди. Уларнинг ярмидан кўпи маҳаллий миллатлар кишилари — ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар ва қозоқлар эди, улар кейинчалик Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг турли районларига ишга юборилди.

1919 йилда курслар базасида Ўлка мусулмонлар бюроси қошида партия ва совет ходимларининг Турк марказий мактаби ташкил этилди. Ўша йилнинг ўзида партия ва совет ходимларининг Европа марказий мактаби ҳам очилди. Унда В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, П. Н. Лепешинский, Ф. И. Голошчекин ва бошқалар дарс беришди.

Бу икки партия ўқув юртининг аҳамияти бебаҳодир. Улар ўзлари мавжуд бўлган давр ичида (1919 йилдан 1921 йилгача) Туркистон АССРнинг партия, совет ва хўжалик органлари учун 832 ходим тайёрлаб берди. 1920 йилда ТКП III съездининг қарори билан республиканинг бир қатор областларида ҳам партия мактаблари очилди.

РКП(б) X съезди иқтисодий ва маданий қурилиш соҳаларида қўйган янги вазифалар, партия ва совет миллий кадрларининг назарий тайёргарлигини кучайтириш зарурати муносабати билан 1921 йил августда партия ва совет ходимларининг Турк марказий мактаби базасида Ишчи-деҳқон коммунистик университети барпо этилди, шу йилнинг сентябрида эса Европа марказий мактаби ҳам Ишчи-деҳқон коммунистик университети қилиб қайтадан ташкил этилди. Уларни битирганлар область, уезд ва қуйи партия ва совет органларига ишга юбориларди.

Партия ва совет ходимларини тайёрлаш самарадорлигини ошириш, ўқитувчи кадрлардан рационал фойдаланиш мақсадида ТКП МКнинг қарори билан 1922 йилнинг февралида иккала Ишчи-деҳқон коммунистик университетлари бирлаштирилди ва улар асосида В. И. Ленин номида Туркистон Ишчи-деҳқон коммунистик университети барпо этилди. У икки бўлим — турк ва европа бўлимларига эга эди. С. Д. Муравейский 1922 йилнинг августида унга ректор қилиб тайинланди. Малакаси жиҳатдан совет-партия мактабини битириб чиққанларникидан паст бўлмаган тингловчиларга мўлжалланган бу университет ўлка ва область партия, совет ва касаба союз ташкилотлари учун ишчилар ҳамда деҳқонлардан етишиб чиққан амалиётчи ходимларнинг ғоявий-назарий тайёргарлигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Бундан ташқари, Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетининг 1922 йилда барпо этилган бўлими Тошкентда жойлашган эди.

РКП(б) МК Ташкилот бюроси қарори билан Туркистон Ишчи-деҳқон коммунистик университети 1923 йилнинг августида уч йиллик ўқиш муддатилик Ўрта Осиё коммунистик университетига (САКУ) айлантирилди, бу Ўрта Осиёдаги биринчи партия олий ўқув юрти эди. Университет марксизм-ленинизм билан қуролланган партия ва совет кадрларининг ўчоғига айланди.

Ишчи ва деҳқонларнинг Москва ва Марказий Россиянинг бошқа шаҳарларидаги партия ўқув юртларига, жумладан Я. М. Свердлов номидаги Коммунистик университет, Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университети, Қизил профессура институти ва бошқаларга ўқишга юборилиши маҳаллий миллатлар вакилларидан партия ва давлат ходимларини тайёрлашнинг бошқа бир формаси эди.

Шундай қилиб, Туркистон Компартияси партия ўқув юртларини ташкил этиш ва такомиллаштириш юзасидан катта ишларни амалга оширди. Бу нафақат партия ва совет иши барча бўғинлари учун кадрлар етиштиришни кучайтиришга, балки уларнинг ғоявий-назарий ва сиёсий даражасини оширишга, Совет Туркистони шароитларига мувофиқ уларни амалий фаолият кўникмалари билан қуроллантиришга ҳам имкон берди.

РКП(б) МК 1919 йилнинг июлида ТКП Ўлка комитети ва ТуркМИКга кўрсатма юбориб, унда ўлканинг меҳнаткаш туб ерли аҳолисини давлат ишига кенг жалб қилиш зарурлиги, «бунда уларнинг партия аъзоси бўлишлари шарт эмаслиги,

номзодларнинг мусулмон ишчи ташкилотлари томонидан қўйилганлиги била қаноатланиш» кераклиги таъкидланганди. МҚнинг ленинча миллий сиёсатда келиб чиқувчи бу принципиал йўли Туркистон меҳнаткашларини давлат ва жамоа ишларига жалб этишга, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳ камлашга ёрдам берди.

Шуни таъкидлаш керакки, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида киши ларни раҳбарлик вазифаларига кўтариш кенг тарқалди, лекин бу нарса жидди қийинчиликлар билан ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг энг асосийлари активистларнин назарий жиҳатдан тайёргарлиги етарли даражада эмаслиги ва омма орасид сиёсий иш олиб бориш бўйича тажриба йўқлиги эди. Шунга қарамасдан юқор вазифаларга кўтарилганлар орасидан А. Икромов, Ф. Хўжаев, Н. Тўрақулов Д. Устабоев, А. Раҳимбоев, Н. Айтоқов ва бошқа кўплаб атоқли партия ҳамд давлат арбоблари етишиб чиқдики, улар РКП(б) МК, Ленин юборган одамла ёрдамида партия ва совет органларидаги амалий иш жараёнида марксча-ленинч назарияни эгалладилар.

Миллий республикалар ва областларнинг масъул ходимлари иштирокид 1923 йилда бўлиб ўтган РКП(б) МҚнинг IV кенгаши қарорлари кадрлар тайёрлаш ишини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади. Унда, жумладан, ш нарса кўрсатиб ўтилдики, партиянинг навбатдаги вазифаси «республикалар в областларда маҳаллий кишилардан, айниқса пролетар ва ярим пролетар элемен лардан чинакам интернационалист коммунист кадрларни тарбиялаб етиштириш дир, маҳаллий интеллигенциянинг сал-пал бўлсада лоял элементларининг ҳамм сини совет ишига жалб этиш учун улар етарли даражада тадбиркор, меньшеви тик-буржуа миллатчилик оқимларига бардош беришлари учун матонатли бўли лари керак...»

Туркистон Компартиясининг партия ва совет кадрларини раҳбарлик вазиф ларига кўтариш ва тайёрлаш бўйича ишни планли равишда амалга оширганли туфайли 1924 йилда МК, область ва уезд партия комитетларининг ижроия бюро аъзолари орасида 128 киши туб ерли аҳоли вакиллари, ТуркМИК ва облас ижроия комитетларида маҳаллий миллатлар вакиллари ўша комитетлар аъзолар умумий сонининг 60 процентдан кўпроғини ташкил этарди.

Партия раҳбар кадрларни шакллантириш масаласига синфий позиция интернационализм позициясидан туриб ёндашарди. Мисол тариқасида ТК VIII съездидан кейин (1924 йил, май) сайланган Туркистон Компартияси МК Иж роия бюроси составини келтириш мумкин: литвалик Иосиф Михайлович Варей (ТКП МК масъул секретари), тожик Абдулло Раҳимбоев (ТКП МК секретар туркман Недирбой Айтоқов (ТуркМИК раиси), ўзбек Рустам Исломов (ТАС ХКС раиси), қозоқ Султонбек Хўжанов (ТАССР маориф халқ комиссари), қоз Санжар Асфендиёров (ТАССР ер ишлари халқ комиссари), рус Дмитрий Иван вич Манжара (ТКП МКК раиси), тожик Чинор Имомов (ТКП МКК аъзоси рус Ирадион Георгиевич Липатов (Тошкент шаҳридаги Янги шаҳар район парти комитети секретари).

Шундай қилиб, Туркистондаги партия қурилишининг умумий ва ўзига х жиҳатлари партия турмуши ленинча принциплари ва нормаларининг тўғрили ҳамда ҳаётийлигидан, партиянинг ривожланишнинг капиталистик йўлини четла феодализмдан социализмга ўтиш шароитларида бу принципларни амалга оши ришга ижодий, илмий ёндашганидан далолат беради. Туркистон Компартиясини ўз фаолиятида ленинча принципларни изчил амалга ошириши унга янги ҳаёт қуришда меҳнаткашлар оммасининг сиёсий раҳбари ва ташкилотчиси бўли учун имкон берди.

Қ. ХЎЖАМИЁРОВ

ЎИЁК АЪЗОСИ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ҲАМКОРЛИГИНИНГ УСТУН ЙЎНАЛИШЛАРИ

ЕВРОПАДАГИ кўпчилик социалистик мамлакатлар ривожланишининг ҳозирги босқичини илгари устун даражада турган хўжаликни экстенсив юритишдан интенсив типдаги замонавий экономикага ўтиш сифатида характерлаш мумкин. Бундай ўтиш анчагина мураккабдир. 70-йилларда нафақат арзон энергия ва хом ашё асри тугалланиб қолмай, балки қўшимча иш кучи оқиб келиши ҳам кескин қисқарганлигини эсга олиш кифоядир. Сарф-харажатларнинг кескин равишда ошганлиги бугунги кунда ёқилғи ва хом ашё ундиришни ўстириш у ёқда турсин, уларни ундириш даражасини сақлаб туришни тақозо этяпти. Ер юзи аҳолисининг 10 проценти яшайдиган ЎИЕК мамлакатларида эса жаҳон микёсида электр энергия, нефть, табиий газ, тошкўмир, пўлатнинг 30 процентга қадар қисми ҳосил қилиняпти.

Ушбу мамлакатларда умуман ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмига эришилганки, бунда олға қараб ҳаракат қилиш учун қувватларни кенгайтиришдан кўра уларни янгилаш лозим бўлади. Лекин саноатнинг ўсиб борган ишлаб чиқариш аппаратини модернизациялаш, фанни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини индустриал негизга ўтказиш — буларнинг ҳаммаси илгарига қараганда бекиёс катта сарф-харажатлар билан боғлиқдир. Бугунги кунда иқтисодий ўсиш меҳнат унумдорлигини ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бутунлай боғлиқ бўлиб қолганлиги ажабланарли ҳол эмас. Социалистик экономика ҳам инерция кучини енга бориб, ана шу янги босқичга қадам қўйди.

Бундай шароитда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш базасида ишлаб чиқаришни интенсивлаш социалистик мамлакатлар олдида турган бир талай вазифалар орасида энг муҳими ҳисобланади. Айни шу сабабли ЎИЕК аъзоси бўлган давлатларнинг 1984 йил июнда Москвада ўтган олий даражадаги иқтисодий кенгаши ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг 2000 йилгача мўлжалланган Комплекс программасини ишлаб чиқиш хусусида қарор қабул қилди. Программа ЎИЕК сессиясининг 1985 йил декабрида бўлган 41-(навбатдан ташқари) мажлисида қабул қилинди.

Унда олим ва мутахассисларнинг куч-ҳаракатларини қуйидаги бешта устун йўналишда концентрациялаш мақсадини кўзлаган ҳолда ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатларнинг яқиндан ҳамкорлигини ташкил этиш кўзда тутилган: бу йўналишлар электронлаштириш, комплекс автоматлаштириш, атом энергетикасини жадал ривожлантириш, янги материалларни ҳамда уларни олиш ва қайта ишлаш технологияларини яратиш, биотехнологиядан иборат. Ана шулар танланганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки фан, техника ва ишлаб чиқаришдаги ҳозирги революцион силжишлар асосида айни шу йўналишлар ётади. Ана шу йўналишларда энг юқори техника даражасига эришиш ЎИЕК мамлакатлари экономикасининг бутун моддий-техника базасини сифат жиҳатдан қайта қуриш, XXI аср талабларига мувофиқ келадиган ишлаб чиқарувчи кучларни бунёд этиш имконини беради.

ХЎЖАМИЕРОВ Қодир Қуддусович, иқтисод фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

Ҳозирги босқичдаги вазифа саноат ишлаб чиқаришини ва унинг ўзаги бўлган машинасозликни энг илғор техника базасида тубдан ўзгартиришдан иборатдир. Сўз айрим янги маҳсулот ва технологияларни эмас, балки энг янги маҳсулотнинг бутун-бутун авлодларини ва бир-бири билан боғланган технологик жараён ва операцияларни, тугалланган технологик комплексларни бунёд этиш хусусида боряпти.

Шу жиҳатдан олганда **электронлаштириш** кўп даражада базавий йўналиш ҳисобланади. Электрон-ахборот техникаси маълум даражада бўлажак экономиканинг рамзи бўлиб боряпти. Ана шу техника асосида мослашувчан ишлаб чиқариш системалари ва робототехника, автоматлаштирилган ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш ривожланяпти, ресурс ҳамда энергия тежовчи технологиялар яратилиши, биотехнология ва янги конструкциядаги материаллар ишлаб чиқарилишини ривожлантириш таъминланяпти.

Жадал ишлаш электрон-ҳисоблаш машиналарининг (ЭҲМ) энг муҳим параметрларидан биридир, чунки қайта ишланадиган маълумотлар ҳажми оғишмай ўсиб боряпти. Айрим проблемаларни ўрганиш учун жуда кўп миқдордаги операцияларни бажариш керак. Шу сабабли ЭҲМларни такомиллаштириш ғоят жадал ишлайдиган машиналарнинг янги авлодини (секундига 10 миллиардлаб кўп операцияни бажарувчи) яратиш йўлидан боради. Бундай машиналар ёрдамида тиббий ёки техник диагнозлар қўйиш, шикастланган ва бузилган жойларни аниқлаш ҳамда эвристик принциплар негизида ечимлар чиқариш мумкин бўлади. Шунингдек экономиканинг турли тармоқларида, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларида фойдаланиш учун программа билан бошқариладиган шахсий ЭҲМларни оммавий ишлаб чиқаришни таъминлаш, таълим ва турмуш соҳасида компьютерлаштириш проблемасини ҳал этиш белгиланган.

Биринчи навбатдаги вазифалар орасида ахборотни рақамлар ёрдамида етказиш воситаларининг, алоқа ва телевизион кўрсатувнинг сунъий йўлдошли системаларининг юксак сифатли рақамли телевидение ва стереофоник радиоэшиттиришнинг, рақамли видео ва овоз ёзув воситаларининг ягона системасини яратиш ҳам бор.

Электронлаштириш комплекс автоматлаштириш билан чамбарчас боғланган, чунки ЭҲМ ва микропроцессорлар унинг асосий элементи ҳисобланади. ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар биргаликдаги куч-ҳаракатлар билан бир қатор саноат роботлари конструкцияларини, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни бошқариш системалари, мослашувчан ишлаб чиқариш системалари ва ҳоказоларни ишлаб чиқдилар ва ишлаб чиқаришга жорий этдилар.

Ишлаб чиқариш жараёнлари ва ускуналарга техника хизмати кўрсатиш, тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва технология ишларини комплекс автоматлаштириш кўзда тутиляпти. Мутахассисларнинг фаразига кўра, ЎИЕК мамлакатларида 1990 йилга бориб салкам 200 мингта саноат роботи ишга туширилади. 1990—2000 йилларда эса ичига микропроцессорлар ўрнатилган замонавий техника миқдори 6 баравардан кўпроқ ошади.

Атом энергетикасини жадал ривожлантириш соҳасидаги биргаликда олиб бориладиган ишлар электр энергия ва иссиқлик ҳосил қилишнинг мавжуд структурасини қайта қуришга, ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар экономикасининг ишончли энергетика базасини яратишга йўналтирилган. Ёқилғи-энергетика балансидан нефть, мазут, кейинчалик эса газ сингари ёқилғининг нодир турларини аста-секин сиқиб чиқариш белгиланган. Нефть ва газдан аввало химия саноатида ва бошқа тармоқларда хом ашё сифатида фойдаланиш имконияти юзага келтирилади.

ЎИЕК мамлакатлари қатор йиллар давомида атом электростанцияларини қуриш соҳасида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқдалар, уларнинг қуввати ҳозирнинг ўзидаёқ 35 миллион киловаттдан ошиб кетди. Яқин ўн йил ичида атом электростанцияларининг умумий қуввати 100 миллион киловаттга етади, 1990 йилнинг охирига бориб эса уларда БХРда ҳосил қилинадиган электр энергиянинг 40 процентдан кўпроғи, ЧССРда — 30, РСРда — 20 ва СССРда 20 процентдан кўпроғи олинадиган бўлади. Программада атом энергиясидан нафақат электр энергия ҳосил қилиш, балки саноат ва маиший мақсадлар учун иссиқлик

олиш мақсадида ҳам кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Бунда АЭСлар қурилиши ва эксплуатацияси жараёнида хавфсизликка катта эътибор берилади.

Ядро ёқилғисининг ишлаши жараёнида такрор ҳосил бўладиган тезкор нейтронларда реакторлар учун энг янги техникани яратиш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар истиқболли соҳадир. Ва, ниҳоят, ушбу йўналиш доирасида биргаликдаги илмий фаолият давомида энергиянинг амалда битмас-туганмас манбаини бошқариладиган термоядро реакцияси базасида ўзлаштириб олиш проблемасини ҳал қилиш учун асос яратилади.

Халқ хўжалигини интенсивлаш шароитида **янги материалларни ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва қайта ишлаш технологияларини яратиш ва ўзлаштириш** жуда муҳим аҳамият касб этади. Кукунли металлургия, пайвандлаш, металлни қайта ишлаш ва термообработка учун лазерлардан фойдаланиш сингари истиқболли методларни жорий этиш, турли мақсадларда плазмали, вакуумли ва детонацион технологиялардан фойдаланиш, портлаш энергияси ёрдамида ўта қаттиқ материалларни синтезлаш, шунингдек юқори чидамли, коррозияга бардошли ва иссиққа чидамли композицион ва керамик материалларнинг янги авлодини, янги пластик массаларни яратиш белгиланган. Буларнинг ҳаммаси машинасозлик, металлургия, электроника, электротехника, химия саноатида ҳамда ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар халқ хўжалигининг бошқа энг муҳим тармоқларида ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражасини тубдан ошириш имконини беради.

Кейинги йилларда **биотехнология** ишлаб чиқаришнинг қудратли тармоқларидан бирига айланди. Унинг ривожланиши генетик аппаратни мақсадли конструкциялашни кенг қўлланиш, жонли материя хоссаларини ўзгартириш, белгиланган миқдор параметрлари билан оқсил олиш, самарадор биологик катализаторлар ҳосил қилиш имконини беради. Вазифа микробиологик синтез, генетик ва ҳужайра инженерияси каби соҳаларда, ЎИЕК мамлакатлари халқ хўжалигида қўлга киритилган натижаларни жорий қилишга эришишдан ва ушбу мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг янги биотехнологик тармоқларини яратишдан иборат.

Аграр сектор учун қишлоқ хўжалик экинларининг янги юксак ҳосилдор ҳамда ноқулай шароитларга чидамли навларини яратиш, уларни касалланишлардан ҳимоя қилишнинг микробиологик воситаларини ва ўсиш регуляторларини, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун озуқа қўшимчаларини ишлаб чиқиш белгиланган. Саноатда фойдали қазилмаларни ундиришнинг бактериал геотехнологияси (рудали конларга ишлов бериш, нефть олишни ошириш), органик моддаларни микробиологик ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Анализ тез вақт ичидаёқ биологик методлар ёрдамида турли типдаги органик хом ашё умумий ҳажмининг 10—12 процентини олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида улар ёрдамида турли чиқиндилардан фойдаланиш, оқова сувлар ва ҳаводаги газ чиқиндиларини юқори сифатли ўғит ва биогаз олиш учун ишлатиш кўзланяпти. Биотехнология турли оғир касалликларга эрта диагноз қўйишга ҳамда уларнинг олдини олишга имкон беради. Органик молекулалар базасида микроэлементлар ҳосил қилиниши био-ЭҲМларга ўтишда жуда муҳим роль ўйнайдики, улар оддий интеграл схемалардаги моделларга қараганда эслаб қолувчи қурилмаларнинг миллиард маротаба катта ҳажмига эга бўлади, жадал ишлаши эса 100 миллион маротаба юқори бўлади.

Программанинг бешта устун йўналиши асосий мазмунини ана шундай қисқача баён этишнинг ўзиёқ у ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатларнинг халқ хўжалигига кўрсатаётган ҳақиқатан революцион таъсирини баҳолашга имкон беради. Уни рёбга чиқариш Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятининг даражасини унинг аъзоларининг ишлаб чиқариш ва фан соҳасида ҳамкорлик қилиши прогрессив формаларини кенг қўлланиш асосида ошириш билан чамбарчас боғланган.

Кейинги 10 йил мобайнида ҳамкорликдаги тадқиқотлар 5—6 баравар ўсди. Ҳозир бундай фаолиятда 3 мингта илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилоти ҳамда олий ўқув юрти, шу жумладан миллий фанлар академияларининг салкам 200 та муассасаси иштирок этяпти. Ҳозирги вақтга келиб ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатларнинг олимлари ҳамкорликда қарийб 20 мингта назарий ва

амалий иши бажардилар, жумладан машина, механизм, приборларнинг 2 мингдан зиёд янги конструкциясини яратдилар. ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатларнинг илмий ва илмий-техника алоқалари ҳамкорликда ишловчи коллективлар, лабораториялар, институтлар, координациялаш марказлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этишни; кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини оширишни; халқаро ахборот системаси ишлаб чиқишни; ихтирочилик ва патент-лицензия фаолиятидаги куч-ҳаракатни бирлаштиришни; стандартлаштириш ва унификациялашни, стандартлар ягона системасини бунёд этишни тақозо этувчи яхлит системани ташкил этмоқда.

Мамлакатлар совет ташкилотлари етакчилик функцияларини бажариши хусусида келишиб олганлар. Ана шу мақсад учун СССРдаги энг обрўли илмий-тадқиқот, лойиҳалаш-конструкторлик ва илмий-ишлаб чиқариш коллективлари жалб этилган. Бош ташкилотлар сифатида принципиал жиҳатдан янги типдаги бирлашмалар — тармоқлараро илмий-техника комплекслари белгиланган. Улар орасида, мисол учун, Е. О. Патон номли Электр ёрдамида пайвандлаш институти, Металл кесувчи станоклар экспериментал илмий-ишлаб чиқариш институти, СССР Фанлар академияси Умумий генетика институти базасида бунёд этилган комплекслар ва ҳоказолар бор.

ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг 2000 йилгача мўлжалланган Комплекс программасининг асосий мақсади социализмнинг афзалликларини фан-техника революциясининг замонавий ютуқлари билан бирлаштиришдан иборат. Юқорида таъкидланганидек, сўз социалистик мамлакатларда халқ хўжалигининг аллақачон бунёд этилган, етарлича қудратли бўлган ҳамда ўз имкониятларини намоён этган моддий-техника базасини сифат жиҳатидан қайта қуриш хусусида боряпти. Бу нарса программада қўйилган вазифани ҳал қилиш учун, яъни 2000 йилга бориб меҳнат унумдорлигини анча ошириш ва миллий даромад бирлигига сарфланадиган ресурсларни қисқартириш учун зарурдир. Лекин бу бирдан-бир мақсад эмас, балки қардош мамлакатлар гражданларининг моддий ва маънавий маданиятини юксалтириш, социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш учун шарт-шароит яратиш воситасидир. ЎИЕКнинг барча ҳужжатларида бўлганидек, программанинг ҳам диққат марказида инсон турадики, бу нарса уни буржуа мамлакатларида ишлаб чиқилаётган фан-техника тараққиёти программаларидан (масалан, Ғарбий Европанинг «Эврика» программасидан) фарқлаб турувчи асосий хусусиятдир. ЎИЕК мамлакатлари программасининг фақат тинчлик сари йўналтирилганлиги ҳам эътиборни ўзига жалб этади.

Программада таъкидланганидек, фан, техника ва технологиянинг ҳозирги ютуқлари илгаригига қараганда ҳозир кўп даражада жамоат контролига эҳтиёж сезмоқда. Физика, химия, биологиядаги энг янги ютуқлардан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга уринишлар, аввало ядро қуроли соҳасида қуролланиш пойгаси, космосни милитарлаштириш бутун инсоният учун айниқса оғир ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Қосмосдаги қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва уни Ер юзида тўхтатиш, қуролсизланишга эришиш, фан, техника ва технологиядаги революцион силжишлардан фақат тинчлик йўлида фойдаланиш мақсадида кенг халқаро ҳамкорликни амалга ошириш — ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатларнинг принципиал позицияси ана шундай.

Программада социалистик мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги меҳнат тақсимоти ҳамда илмий-техника ҳамкорлигида актив иштирок этишга бўлган нияти ўз ифодасини топган. Фан-техника тараққиёти техника ва технология соҳасида АҚШ ва бир қатор бошқа капиталистик давлатларнинг империалистик доиралари ўтказаётган дискриминация сиёсати билан мутлақо мос келмайди деб ҳисоблаб, ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар ушбу соҳадаги ҳар қандай сунъий тўсиқларга барҳам бериш, халқаро илмий-техника муносабатларининг бутун системасини адолатли ва демократик негизда қайта қуриш ва жаҳонда янги иқтисодий тартиб ўрнатиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг 2000 йилгача мўлжалланган Комплекс программаси энг юксак гуманизм ғояси билан йўғрилган ҳужжатдир. У пировард натижада бутун инсониятнинг энг муҳим манфаатларига жавоб беради.

Биринчидан, уни рўёбга чиқариш ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга доир имкониятларни анча кенгайтиради. Ҳамкорлик объектларида материал, юксак унумдор машина ва ускуналарнинг янги авлодларини, ҳозирда мавжудларидан сифат жиҳатидан юксакроқ даражадаги технологияларни қўлланиш объектларини лойиҳалаш ва сақлашдаги сарфларни, фойдаланиш пайтидаги энергетика ва транспорт чиқимларини камайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини беради. Бу эса ривожланаётган мамлакатларнинг фан-техника тараққиёти ютуқларига йўл топишини осонлаштиради, натижада уларнинг миллий экономикаси юксалади ва иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланади.

Иккинчидан, ЎИЕҚ аъзоси бўлган мамлакатларнинг бошқа мамлакатлар билан программаларни, жумладан улар томонидан қабул қилинадиган илмий-техника ҳамкорлигининг давлатлараро программалари доирасида амалга оширишга доир хатти-ҳаракатларини координациялаш мумкин.

Учинчидан, ЎИЕҚ аъзоси бўлган мамлакатлар глобал проблемаларни ҳал этишнинг инсониятнинг интернационал бирлиги ғоясига, турли социал системалар мавжудлиги шароитида жаҳон ривожланиши объективлигини тушунишга таянувчи ягона стратегиясига амал қиладилар. Шу муносабат билан ЎИЕҚ мамлакатлари халқаро илмий-техника ҳамкорлигига глобал характер бағишлаш зарурлигига ишонч ҳосил қилганлар ҳамда илмий-техника тараққиётининг ягона глобал программасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшишга тайёрлар. Бу программа ривожланишнинг жаҳон миқёсидаги янги, глобал стратегияси таркибий қисмига айланиши мумкин, уни инсоният бунёд эта олади ҳамда уни яратиши ва ҳаётга татбиқ этиши керак.

Юқорида таъкидланганидек, кейинги йилларда ЎИЕҚ аъзоси бўлган мамлакатлар экономикасида ҳам, улар ҳамкорлиги соҳасида ҳам ҳал қилинмаган проблемалар тўплана бошлади, турғунлик белгилари пайдо бўлди. Экстенсив ўсиш имкониятлари тугади ҳамда аввалги йилларда кенг қулоч ёзган тармоқлараро меҳнат тақсимоти системаси интеграция ривожланишини таъминлай олмай қолди. ЎИЕҚ аъзоси бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг Комплекс программаси қабул қилинганидан сўнг ўтган уч йил интеграциялаш механизмини тубдан қайта қурмасдан туриб қўйилган вазифаларни бажариб бўлмаслигини кўрсатди. Ҳамкорликнинг шаклланган форма ва методлари мамлакатларимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга мос келмаслиги ортиб бораётганлиги маълум бўлди.

Социализм мамлакатлари кўпчилигининг халқ хўжалиги ҳозирги вақтда анча нохуш даврни ўз бошидан кечирмоқда. Агар бунинг асосий сабаблари ҳақида сўзлайдиган бўлсак, Европадаги иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган социалистик давлатларда аввало интенсивлаш кечикди, қолган мамлакатларда эса хўжаликдаги қолоқликни бартараф этишнинг оптимал йўллари пухта ишлаб чиқилмади. Лекин ушбу проблемаларни ҳал этиш таъминлаш унча осон бўлмаган каттагина ресурсларни талаб қилиб қолмасдан, балки улардан оптимал фойдаланишни ҳам тақозо этадики, иқтисодий сиёсатни тўғри танламасдан, тегишли хўжалик механизмисиз бунга эришиб бўлмайди.

1988 йилда керакли йўналишга олиб борувчи йўлларни излаш давом этди, муайян муваффақиятларга эришилди. Лекин олинган натижалар қардош мамлакатлар халқ хўжалигининг чуқур қатламларига нисбатан кам даражада дахлдор бўлди, бинобарин, улар олдида турган муҳим проблемаларни ҳал қилишга арзимаган даражада имкон яратмоқда.

Бунда эришилган натижаларга баҳо бериш баъзан жуда мураккаб вазифага айланади. Масалан, 1987 йилда ЎИЕҚ мамлакатларининг ялпи саноат маҳсулоти умуман олганда тахминан 3,7 процентга ўсган. Бу кўпми ёки озми? Агар 1986 йили у 4,7 процент кўпайганлиги, 1987 йил планларида эса 4 процентдан кўпроқ ўсиши кўзда тутилганини ҳисобга олсак, ушбу натижа унча кўп эмас. Аммо агар уни ривожланган капиталистик давлатлардаги (1,7 процент) ва инчунин ЕИУга кирувчи мамлакатлардаги (салкам 1 процент) ўша йилга оид ўхшаш кўрсаткичлар билан қиёсласак, унча оз эмаслигини кўрамиз.

Лекин ЎИЕҚ аъзоси бўлган мамлакатларда саноат структураси ғоят сусткашлик билан такомиллаштирилаётганини, унда ҳали ҳам ишлаб чиқарилиши кам

самарали ёки умуман зарар келтирувчи маҳсулотнинг, техника даражаси юқори бўлмаган, ташқи бозорда рақобатга дош бермайдиган маҳсулотнинг ҳиссаси салмоқли эканини эътиборга олсак, ўтган йили эришилган натижа, қанчалик ғайритабиий туюлмасин, ҳатто жуда юқоридир. Норентабел ишлаб чиқаришларни кескин қисқартирган, эскирган буюмлар ишлаб чиқаришни камайтирган тақдирда у паст бўлса, яхшироқ бўлмасмиди?

Аҳоли истеъмолининг (бинобарин, турмуш даражаси ошишининг ҳам), жамғаришнинг (бинобарин, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳам), қарзларни тўлашнинг (бинобарин, ташқи мувозанатни тиклашнинг ҳам) манбаи бўлган миллий даромаднинг аҳволи қандай? ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар 1987 йили миллий даромаднинг планда ги 4,2 ўрнига 2,8 процент умумий ўсишига эришилганлигини фақат муваффақият деб қабул қилиб бўлмайди, чунки бу нарса иқтисодий ва социал тараққиётнинг имкониятларини чеклаган. Энг кўп қолоқлик Кубада ва Руминияда рўй берди. Бундай вазият ЎИЕК аъзоси бўлмаган социалистик давлатлар орасида Югославияда кўзга ташланяпти. План топшириқларига энг яқин бўлган натижалар Болгария ва ГДРда олинди (уларда миллий даромад ўсиши 1987 йили тегишли тартибда 5 ва 4 процентга тенг бўлди).

Халқ хўжалигининг структурасини ўзгартириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг зарур шарти сифатида селектив ривожланиш деб номланган ривожланишни таъминлаш социалистик давлатларнинг марказий вазифаси ҳисобланади. Кўпгина қардош мамлакатларда шунга мувофиқ равишда 1988 йилда ҳам биринчи навбатдаги ички эҳтиёжларни қондириш ва экспорт имкониятларини кўпайтириш нуқтаи назаридан олганда улар учун ҳозирги босқичда нуфузли бўлган тармоқларда қувватларни илдам ўстириш давом этди. Норентабел ишлаб чиқаришларни қисқартириш ёки ҳатто ёпиб қўйиш, сурункасига зарар келтираётган корхоналарни тугатиш ушбу жараённинг бошқа, шунингдек муқаррар томонидир. Айни шунда реал силжишлар анча оз, бу нарса биринчи навбатда бу хил ечимларнинг мураккаблиги ва носоғлиги билан изоҳланади, лекин айнан улардан воз кечиш экономиканинг олға қараб ҳаракат қилишини тормозлайди.

Ишлаб чиқариш соҳасида барча турдаги солиштирма сарф-харажатларни камайтириш ҳам кун тартибида экономикани интенсивлаш турган мамлакатнинг энг муҳим вазифалари қаторидан ўрин олган. Бу йўналишда муайян силжиш бўлмади деб бўлмайди. Чунончи, 1987 йили социалистик ҳамдўстлик: ҳосил қилинган миллий даромадда умумий энергия сарфи тахминан 1 процентга, металл сарфи эса 3 процентдан кўпроқ қисқарди. Саноатда меҳнат унумдорлигининг бир йил ичида 3,5 процентга ошиши бир вақтнинг ўзида маҳсулот бирлигига кетган меҳнат сарфининг пасайишини англатади. Лекин, аслини олганда ҳамма жойда сарф-харажатга қарши механизм ҳалигача йўлга қўйилмаганлигини таъкидлаш лозим.

Социалистик давлатларда фан-техника тараққиётини ўзида элтувчи ишлаб чиқаришлар кенг ўрин олишига катта аҳамият бериляпти. Чунончи, 1987 йили ГДРда электроника билан жиҳозланган 45 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди: янада такомиллашган шахсий компьютерлар ва ҳисоблаш қурилмалари ишлаб чиқарила бошланди; электрон техниканинг бир қатор ғоят мураккаб турларини ишлаб чиқиш бир ярим баравар ва ундан кўпроқ ошди. Шундай бўлсада, ҳатто ГДР ва шу жиҳатдан олганда энг илғор ҳисобланувчи социалистик мамлакатлар кўпгина ғоят муҳим соҳаларда ҳали жаҳондаги энг юксак техника ва технология даражасидан узоқдадир.

ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг 2000 йилга қадар мўлжалланган Комплекс программасини рўёбга чиқаришга келсак, мавжуд ишланмаларнинг амалий самараси етарли эмаслиги, айрим устун йўналишлар бўйича белгиланган марралардан орқада қолиш ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас. ЎИЕК кўпгина иштирокчиларининг фикрича, баъзи жойларда иш фронтини чеклаш ва куч-ҳаракатларни ҳал қилиниши ишлаб чиқаришни айни революционлаштириш имконини берадиган муҳим проблемаларга жамлаш керак.

Тадқиқотлардан ва ишланмалардан бошлаб ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотни сотишгача бўлган бутун циклни ўз ичига оладиган йирик миқёсли илмий-ишлаб чиқариш ва технология лойиҳаларини тайёрлашни жадаллаштириш зарур.

Мисол учун, жаҳондаги юксак даражага мос машинасозликнинг унификация қилинган узел, деталь, агрегат ва тайёр маҳсулотларни оммавий ишлаб чиқарувчи завод-автоматлар бунёд этиш; ягона унификацияланган электрон техника базасида маҳсулот ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда юксак даражада пишиқ-пухта ва ғоят миниатюралаштирилган ўта катта ва ўта тезкор интеграл схемаларнинг янги авлодини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; оммавий равишда қўлланиладиган ҳисоблаш техникасини, хусусан шахсий ЭҲМлар, шунингдек янги авлодга мансуб супер-ЭҲМлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак бўлади. Ниҳоят, биотехнология учун ускуналар ишлаб чиқариш ва янги конструкцион материалларни ўзлаштириш устун вазифаларга киритилган.

Ҳозир матбуотимиз ва қардош мамлакатлар матбуоти саҳифаларида ЎИЕК шаънига айтилган кўпгина танқидий мулоҳазаларни учратиш мумкин. Унга мослашувчанлик йўқлиги хусусида таъна билдирадилар, ҳамкорлик механизми давр талабларига жавоб беролмай қолди демоқдалар. Ҳақиқатан, танқид адолатли эканлигини эътироф этиш лозим. ЎИЕК аъзоси бўлган кўпгина мамлакатларда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли ўзаро алоқалар, кооперация ва меҳнат тақсимотида очилган янги имкониятлардан фойдаланишга ЎИЕК умуман тайёр эмаслиги, унинг механизми бунга мослашмаганлиги кўриниб қолди. ЎИЕКнинг Прагада ўтган 44-сессиясида шу ҳақда сўз борди ва ғоят танқидий мулоҳазалар айтилди.

Ушбу сессияда стратегик характердаги бир қатор ҳужжатлар келишиб олинди. Улар бўлғуси уч беш йилликдаги ҳамкорликнинг бош йўналишини белгилаб берди. Сўз аввало халқаро социалистик меҳнат тақсимотининг 1991—2005 йилларга мўлжалланган коллектив Концепцияси хусусида боряпти. У маблағ ва куч-ҳаракатни иқтисодий ва социал ривожланишнинг асосий йўналишларига, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини келишиб туриб янгилашга жамлаш учун узоқ муддатли ориентирдир. Экономикаларимизнинг бир-бирини тўлдириши ўсиб бораётган, шериклардан бирида техника ва технологиянинг эскириши барча иштирокчиларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шароитда ишлаб чиқариш асосий воситаларини келишиб туриб модернизациялаш принципиал аҳамиятга эгадир.

Лекин сўз фақат технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тўғрисидагина бораётгани йўқ. Аслини олганда меҳнат тақсимотининг янги моделига ўтиш мўлжалланяпти. Товар оборотининг кўпайиши ёқилғи ва хом ашёни тайёр маҳсулотларга айирбошлаш ўсиши йўли билан эмас, балки тармоқлараро кооперация ва ихтисослаштиришни кенгайтириш орқали юз беради.

Ҳамкорликнинг конкрет программаси социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига хўжалик соҳасида инвестиция сиёсатидаги ўзгаришлар билан боғлиқ кенг миқёсли манёвр ўтказишда ёрдам бериши ҳам аҳамиятга моликдир. Уларнинг бозорни ривожлантириш имкониятлари ва тенденцияларини ҳисобга олишга асосланган экспортга доир ихтисослашувининг аниқ ориентацияга эгалиги товар оборотининг ўсишига хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш потенциалини янгилаш, модернизациялаш, структура ўзгаришлари — буларнинг ҳаммаси ЎИЕК аъзоси бўлган мамлакатлар фан-техника тараққиётининг 2000 йилгача мўлжалланган Комплекс программасини муваффақият билан рўёбга чиқариш имконини беради.

МАТБУОТ ВА АТЕИЗМ ПРОПАГАНДАСИ

Область газеталарида атеистик тарбия масалалари қандай ёритилаётгани ҳақида мулоҳазалар

ЖАМИЯТИМИЗДА ЮЗ БЕРАЁТГАН қайта қуриш, ошкоралик муҳити турли проблемаларга доир мунозараларни жонлантириб юборди. Атеизм назарияси ва практикаси масалалари хусусида ҳам ана шундай мунозаралар боряпти. Атеизмни такомиллаштиришдан тортиб ундан бутунлай воз кечишгача хилма-хил таклифлар билдириляпти.

Ижтимоий ҳаётни демократиялаш, шубҳасиз, ўз идеологиясини, ахлоқий таълимотини тарғиб қилиш борасида диний ташкилотларнинг, руҳонийларнинг имкониятларини кенгайтирди. Диндорларнинг, дин арбобларининг овози бугунги кунда фақатгина черков, мачит, синагога, костёлда янграётгани йўқ. Уни радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларда ҳам эшитиш мумкин, диний ташкилотларнинг фаолияти ҳақида газета ва журналлар саҳифаларида ўқиш мумкин. Русьга христианлик киритилганлигининг 1000 йиллигига тайёргарлик ва унинг байрам қилиниши бунга мисол бўла олади. Бу воқеа оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди. У, шубҳасиз, жамиятнинг маънавий ҳаётида, давлат-черков муносабатларини ривожлантиришда, атеистик тарбияни қайта қуришда алоҳида ўрин ишғол этди.

Яқинда Марказий телевидение орқали Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойи қандай ўтганлиги, Ўзбекистон ССР ҳукумати томонидан исломнинг муқаддас китоби — Халифа Усмон қуръони диндорларга топширилганлиги кўрсатилди. Бу воқеа ҳақидаги хабарлар республикамиз газеталарида ҳам босилди. Бундан ташқари, «Правда Востока» Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний назорати бошқармаси ҳайъатининг раиси Муҳаммадсодиқ Мамаюсупов билан (23 март), Тошкент ва Ўрта Осиё епископи Лев билан (25 март) суҳбатларни эълон қилди, улар ўз диний ташкилотларининг фаолияти ҳақида, жамиятимизда давлат билан черковнинг ўзаро муносабатлари характерида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиб бердилар. Диндорлар, деб фикр юритади епископ, ўз мамлакатларининг граждапнлари бўлиб, умумий хонадонимиз фаровонлиги ҳақида бошқалардан кам ғамхўрлик қилмайдилар. У умумий тинчлик тўғрисида[...] ғамхўрликдан бошланади. Тарихан шунда[...] бўлдики, дейди дин арбоби, Ўзбекисто[...] христианлик билан ислом ўзаро туташга[...] жойга айланган. Олис даврларга мансуб ҳужжатлар иккала дин вакиллари тинч-то[...] тув яшаганлигидан далолат беради. Тур[...] маданиятларга мансуб кишилар қардо[...] бўлиб яшаганлар. Уруш арафасида ва уру[...] даврида бу ўлкада яшовчи халқларнин[...] шафқатпарварлиги яна бир бор намо[...] бўлди.

Шу йилнинг 10 мартида «Бухоро ҳақиқа[...]ти» газетасида мухбир Я. Ваҳобовнинг вра[...] Т. Болтаев ва Мираpаб мадрасаси дире[...]тори Л. Нодиров билан қилган суҳба[...] эълон қилинди. Диндорлар ихтиёрига Ма[...]жиди Калон, Олимхон мадрасаси, шиий[...] мачити, бошқа тарихий обидалар бериб [...] йилган.

Бугунги кунда газеталаримизда ана шу[...]га ўхшаш мақолаларни ўқиш мумкин. Ула[...]нинг ҳаммаси пропагандада черков ҳақи[...] ўз табиатига кўра тузумимизга фақат д[...]ман бўлган «жоҳил, реакцион» куч эканли[...] хусусида авваллари шаклланган андоз[...]ларни чиппакка чиқаради. Сир эмаски, [...] мавзуи матбуотимизда ё узоқ вақт ти[...] олинмай келди, ё нуқул номатлуб кўрини[...]да ҳал этилди. Ижобий ахборот фақат «[...]спорт учун» ишлатиларди...

Ҳар ҳолда дин ва диний ташкилотлар[...] нисбатан ҳозирги қизиқишни нима би[...] изоҳлаш мумкин? Эҳтимол, кишилар у[...] инсоний қадриятлар моҳиятини, атеизм [...] дин ўзаро муносабатларининг мураккаб [...]рихида ленинча виждон эркинлиги принц[...]лари бузилганлиги сабабларини рўйирос[...] англаб етишни, бу ерда тўла ҳақиқатни ти[...]лашни хоҳлашлари биландир. Кишилар ҳо[...]зирги мураккаб дунёда дин ва черковнинг ҳақиқий ролини тушуниб етишга интиляп[...]тилар. Улар динни ғоят жўн, вульгар танқ[...] қилиш билан ортиқ муроса қилишни иста[...]майдилар, бундай танқид, табиийки, ди[...]дорларнинг ҳам, динга ишонмайдиган киши[...]ларнинг ҳам актив ва асосли норозилиг[...] сабаб бўляпти. Биз динга қарши олиб бо[...]рилган ҳар қандай уруш унинг фойдасига хизмат қилади деган идеологиямиз класси[...]ларининг ҳақлигига яна бир карра ишон[...] ҳосил қиламиз.

Бинобарин, энди сўз Ғарбда исботлашга уринилаётгандек мамлакатимизда бораётган «диний ренессанс» ҳақида эмас, балки ошкоралик самараси ва очик-ойдинлик руҳи ишга тушган, мамлакатнинг ҳозири ва ўтмишини рўйирост қайтадан мушоҳада қилишга интилиш намоён бўлаётган, келажак манзараларини кўришга уриниб кўрилаётган қайта қуриш шароитида атеистик тарбияни такомиллаштириш хусусида боряпти.

Албатта, динга ялтоқлик қилиш ҳолларини ҳам сезмасдан бўлмайди: баъзи бир журналистлар ибодатхона ва мачитлар ҳақида, дин арбобларининг фидокорона фаолияти, уларнинг саховати ва меҳр-шафқати ҳақида «чиройли» мақолалар ёзмоқда. Бошқа бирлари эса «тўмтоқ», «ахлоқсиз», «қаҳри қаттиқ» атеизм сингари терминларни суиистеъмол қила бошладилар. Хулоса оддий: ошкоралик нури баъзиларга проблемаларни яхширок кўриш, уларни шижоат билан ҳал этишда ёрдам беряпти, баъзиларининг,аксинча, кўзини хиралаштириб, ҳақикатни кўришларига халақит беряпти.

Ҳақиқат даставвал шундаки, қайта қуриш турмушимиздаги адолатсизлик ва камкўстларни бартараф этишга йўналтирилди. У ҳаётимизнинг марказига инсонни қўймоқда, бинобарин, диндорликнинг заминдаги илдизларига болта урмоқда. Буни сезмаслик мумкинми? Нимага атеистик мавзуларда ёзувчи журналистлар ҳам ўз ижодларида эски қолипдан ҳеч ташқарига чиқмайдилар? Нима сабабдан улар давр руҳига монанд қайта қурилишга ошиқмаяптилар, ҳали ҳам андозалар ичида ўралашиб қоляптилар? Нимага улар одатланилган, «бехавотир» схемалар асосида битиладиган мақолаларни афзал кўрадилар? Шундай қилинса осондир, балки?

Албатта, «косиб» учун тайёр маълумот ёки философ олимнинг чиқишини олиш, далил-исбот ва фактларни керакли изчилликда жойлаштириш, бир неча одатий «пардоз» чизгиларини ишлатиш, услуб устида оз-моз ишлаш ҳаммасидан осон — мақолани бостирса бўлаверади. Унга тихирлик қилиб ҳам бўлмайди: материал енгил ўқилади — ҳаммаси тўғри, классиклардан тегишли кўчирмалар ўринли танланган, урғулар тўғри қўйилган. Лекин у охиригача ўқиб чиқиладими, кишиларни ҳаяжонга соладими? Даргумон, чунки зукко газетхон ана шундай «тўғри» ва расмий дангалликдан тоқати тоқ бўлган. У инсонларнинг енгил бўлмаган тақдири, кўзнинг очилиши, эзгулик ва зиё сари машаққатли йўллар ҳақида ҳаққоний, самимий мулоҳаза-мақолаларни ўқишни хоҳлайди. Анъанавий сюжетли ва маълум директив-насиҳатомуз сўнгги сўзлардан иборат сохта материаллар бугунги кунда барчанинг ғашини келтирмоқда.

«Ҳар бир киши жавобгар» — область ижрокоми маданият бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Савченконинг «Наманганская правда» газетасининг 1988 йил 13 май сонида босилган мақоласи шундай деб номланган. Анчагина катта материал. Лекин, балки, буни мақоланинг мазмундор эканлиги оқлар — автор атеистик пропагандага бирор янги, қизиқарли нарса олиб кирган-дир? Йўқ, умидларимиз беҳуда. Мақоланинг бошланишиёқ газетхонни чўчитиб қўяди: «... Қизиқарли ташкил этилган, андозадан холи этилган тадбирлар аҳолининг эътиборини ўзига жалб этмай қолмайди. Бундай тадбирларда қатнашиш, бир томондан, кишиларнинг умумий савиясини кенгайтириш имконини беради, бошқа томондан эса — авваллари, эҳтимол, у ёки бу диний маросимларни ўташ билан банд бўлинган вақтни тўлдиради».

Наманган областининг маданият ходимлари ҳақиқатан ҳам «андозадан холи этилган, ташкил қилинадиган тадбирларни қизиқарли ўтказа бошладилар» дейлик. Бундай ҳолда «Наманганская правда» журналистлари ҳам бундай тадбирларни ёритиш чоғида шундай руҳда ҳаракат қилишлари, сийқа йўлдан воз кечишлари лозим эди. Мисол учун, таҳлил қилинаётган мақолада атеистик тарбиядаги камчиликлар ҳақида шундай дейилади: «Шу билан бирга аҳолининг атеистик билимлари даражаси ҳали ҳам яхшиланишга муҳтожлик сезади. Буни кўп жиҳатдан активистларнинг ўзлари атеистик ишни олиб боришга етарлича тайёр эмаслиги билан изоҳлаш мумкин. Дининг зарари ҳақида хрестоматиялардан териб олинган жумлалар билан иш қилиш мумкин эмас, фактлар ёрдамида жиддий, ишонтирарли қилиб исботлаш зарур».

Айни шундай! Лекин мақоланинг ўзида далиллашни учратмайсиз. Баёнчилик услуби, расмий тил, қайта қуришни идеологик таъминлашнинг ушбу участкасида юз бераётган воқеаларнинг ҳаммасига авторнинг таҳлилсиз ёндашуви мақолани фойдасиз нарсага айлантирган. Хулосада эса шундай дейилади: «Шундай қилиб, атеистик иш умумий куч-ҳаракатларни, бинобарин, ҳар биримизнинг куч-ҳаракатимизни талаб қилиши яна бир бор яққол намоён бўляпти. Пировардида ҳамма жиҳатдан маълумотли, саводи бор, хурофотлардан холи инсонни тарбиялашдан бутун жамият манфаатдор, бундай кишилар қанчалик кўп қўшила борса жамият шунчалик кучли ва ўзига ишонадиган бўлиб боради». Қисқаси, кўп маротаба эшитиш ва ўқишга тўғри келинган ҳаммага маълум, андоза бўлиб қолган жумлалар йиғиндиси. Бунга қандай қилиб эришиш мумкинлиги хусусида конкрет тушунтириш йўқ.

Хўш, атеистик мавзуда ёзувчи журналистлар учун ҳозир нима нарса муҳим? Кўпгина материаллар, афсуски, аналитик, тавсия бериш характерида бўлмаганлиги учун улардан бу саволга жавоб топиш қийин. Зеро,

жамиятшунослик фанлари намояндалари сингари оммавий ахборот воситалари ходимларининг вазифаси ҳам бугунги кунда аҳоли ўртасида диний қарашларнинг яшовчанлигини, айрим ҳолларда эса жонланганлигини ҳаққоний мушоҳада қилишдан иборатдир. Ўйлашимизча, бу ўринда Карл Маркснинг: дин мавжудлиги нобаркамоллик мавжудлигидир, деган сўзларини келтириш ортиқчалик қилмайди. Социал адолат принципининг бузилиши, экономикадаги стагнацион жараёнлар, биз турғунлик даврининг негативлари деб атайдиган нарсалар маънавий ҳаётда ўз изини қолдирди, кишилар ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатди. Лекин область газеталарининг журналистлари бу проблемаларни четлаб ўтмоқдалар. Ана шу ҳақда сўз юритиб, бир неча конкрет мисоллар келтирмоқчимиз.

«Атеистик тарбияга — ғамхўрлик ва эътибор» — автоном республика идеология ходимлари активининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг атеистик тарбиясини кучайтиришга доир вазифалар муҳокама қилинган йиғилиш тўғрисидаги муфассал (саҳифанинг учдан икки қисмида) ҳисобот ана шундай сарлавҳа остида «Советская Каракалпакия» газетасининг 1986 йил 24 май сонида эълон қилинган. Унда диний вазият анчагина мураккаб бўлиб қолаётган Қорақалпоғистондаги мавжуд барча асосий проблемалар аниқ-равшан баён этилган.

Бу проблемалар нималардан иборат? Автоном республиканинг бир қатор районларида руҳонийларнинг фаолияти ва бу билан боғлиқ ҳолда диний маросим ҳамда расм-русмларга амал қилиш жонланганлиги кўзга ташланади. Кўпинча ғайрирасмий руҳонийлар диний эътиқод хусусидаги мавжуд қонун-қоидаларни бузиб, мозор ва қабристонларда фонд материалларидан фойдаланган ҳолда ҳашаматли даҳмалар, ибодат уйлари қурадилар ва уларни зиёратгоҳларга айлантирадилар, зиёратгоҳларга дафн этилган «авлиё» шахслар ҳақидаги турли афсоналарни диндорлар ўртасида тарқатадилар.

Материалистик дунёқарашнинг шаклланишига рўза, қурбон ҳайит, дарвешона, диний никоҳ, шунингдек дафн, «муқаддас» жойларни зиёрат қилиш билан боғлиқ диний байрам ва маросимлар катта зарар келтиради. Улар диний пропаганда учун, баъзи шахсларнинг меҳнатсиз даромад орттириши учун кенг йўл очиб беради.

Меҳнат коллективларида ва истиқомат жойларида профилактика ишини ташкил этишда маҳаллий Советлар ижроқомлари қошидаги диний эътиқодлар тўғрисидаги қонунларга амал қилинишини назорат этишга кўмаклашувчи комиссияларнинг имкониятларидан суст фойдаланиляпти. Атеист лекторлар катта қисмининг билим даражаси паст. Илмий атеизм пропагандаси, одатда, диндорлар ўртасида эмас, балки динга ишонмайдиганлар ўртасида олиб бориладиь.

Буларнинг ҳаммасини яхши билган автоном республика журналистлари янада жонли, хилма-хил, аниқ мақсадни кўзлаб ҳаракат қилишлари керакдек эди. Лекин, ушбу камчиликларни очиб ташлаган идеология ходимлари активининг йиғилишига уч йил бўлганига қарамай, атеистик мавзуни ёритишда алоҳида ўзгартишлар юз бергани йўқ.

Журналистлар мақола авторига фактларни тўғри жойлаштиришда, материал композициясида уюшқоқсизликни бартараф этишда, уни қизиқарли маълумотлар, диалоглар билан «бойитиш»да ёрдам бермаганлигига мисол тариқасида «Наманганская правда»ни тилга олиб ўтган эдик. Автор куч-ҳаракати редакция ходимининг материалга «сайқал бериш», ғализликларни бартараф эти[ш], ортиқча сўзларни олиб ташлаш, сюжетни чиройли қилиш, урғуларни тўғри қўйишга бўлган хоҳиши билан қўшилганда бутунлай бошқача самара олинади.

Шу газетанинг 1988 йил 20 май сонида босилган «Нуқта қўйишга ҳали эрта!» мақоласи ана шундай тайёрланган. Унинг автори Қ. Ҳусниддинов бундан деярли икки ой илгари бошлаган жонли ҳамда принципиал суҳбатини давом эттирган. Ўшанда у «Партия билети билан Қуръон бир-бирига зид» мақоласида кейинги йилларда атеистик ишда кишиларнинг, айниқса ёшларнинг онгида ҳушёрлик занфлашгани, дин зиёнсиз бўлиб қолди, ўзининг реакцион моҳиятини йўқотди деган хомхаёл пайдо бўлгани хусусида ишонтирарли ҳамда жўшқинлик билан ёзган эди. Мақолада КПСС Устави норма ва принципларини бузаётган коммунистлар ҳақида сўз юритилган эди.

Икки ой ўтгач, мақолага жавоб тариқасида редакцияга кўплаб мактублар келган. Қ. Ҳусниддинов кишиларнинг диний эътиқоди дини танқид қилиб нотўғри иш қилди деб уни уялтирмоқчи ёхуд айбламоқчи бўлган кишилар билан принципиал суҳбат олиб борди. СССР Конституциясида ҳар бир гражданга хоҳлаган динига эътиқод қилиш, диний расм-русмларни бажариш ҳуқуқи берилган деб даъво қилишди хат муаллифлари.

Қ. Хусниддинов эса қандай далилларни келтиради? У одоб-андиша билан мақола умуман диндорлар ва дин ҳақида эмас, балки КПСС Устави норма ва принципларини бузаётган коммунистлар ҳақида сўз борганлигини эслатиб ўтади. Тўғри, Конституциямизда виждон эркинлиги гарантияланган. Лекин, шу нарса ҳам яхши маълумки, партия аъзоларининг хулқ-атвор нормалари бурчлари КПСС Уставида ҳам белгилаб қўйилган, унда, жумладан, коммунист «диний хурофотларга қарши ва социалистик турмуш тарзига ёт бўлган бошқа қарашлар ва хулқ-атворларга қарши» қатъий кур[аш]

либ бориши керак деб кўрсатилган. У партияга кираркан, ўз зиммасига ана шу вазифани олади. Шундай экан, коммунист диндор бўлиши мумкинми? Мақолада айни шу саволга жавоб берилган.

Ўтган йилнинг 9 июлида «Андижанская правда»да «Паранжи ёпинган... келин» мақоласи эълон қилинди. Унинг автори — Л. Азизова ҳис-ҳаяжонга тўлиқ муқаддима билан газетхоннинг эътиборини ўзига жалб этиб олади:

«Бу тўй менга қаттиқ таъсир қилди. Бунга ўхшаш нарсани охирги бор кўп йиллар олдин кўрганим учун бўлса керак, уни ҳеч унута олмаяпман...

Лекин вақт бир жойда тўхтаб турмайди. Ҳаёт ўзгаради, унинг қонунлари ўзгаради. Ҳали кечагина абадий ҳисобланган нарса бугун бутунлай ўтмишга улоқтирилмоқда. Лекин ҳамма жойда ҳам эмас.

Мен меҳмон бўлган тўй айни ўша ўтмишдан қолган эди».

Автор ўзи гувоҳ бўлган фактни тасвирлайди: муаллима турмушга чиққан, тўй тантанасига эса... паранжида келган. Ҳамма нарса диний расм-русмга тўла мувофиқ ҳолда олиб борилган. Тўй маросимининг бутун икир-чикирларигача тасвирлаган автор шу ерда бўлган қишлоқ активистларининг хатти-ҳаракатига (тўғрироғи, фаолиятсизлигига) баҳо бермайди. Тўй қаерда бўлганлиги ҳам айтилмаган. Келин ва куёв, уларнинг қариндошлари исмлари ҳам атайлаб келтирилмаган. Мақолада айтилишича, бу нарса ё ота-онаси раъйига қараб паранжи ёпинган келиннинг келажагини қора қилмаслик учун қилинган эмиш.

Бундай номсизлик ўзини оқлаганми? Бу саволга бир хил жавоб бериш қийин. Лекин «Андижанская правда» ана шу мисол асосида тўйларни ўтказиш практикасини умумлаштиришда, совет педагогининг хатти-ҳаракатига принципиал баҳо беришда авторга ёрдам кўрсатиши лозим эди. Шу сабабли жамоатчи мухбирлар билан профессионал журналистларнинг ижодий ҳамдўстлиги зарурлигини яна бир бор таъкидлашга тўғри келади, чунки айни шундай ҳамкорликда фактни шунчалик хабар қилиш ўрнига фойдали материал яратиш мумкин. Айни автор тиёрида мавжуд бўлган материалнинг ўткирлиги ва профессионал баён этилиши кучли жамоат фикрини уйғотади.

Шундай бўлсада, газетанинг жамоатчи мухбири бўлган мақола автори ўзини четга тортмагани, балки матбуотда чиқиб, бундай фактга, ўтмиш сарқитларининг яшовчанлигига газетхонларнинг эътиборини қаратганлиги учун таҳсинга лойиқ. «... Маҳалла Советлар, хотин-қизлар ташкилотлари заиф бўлган жойларда бундай сарқитлар илдиз олиб кетиши мумкин! Навқирон, келишган йигитларга, чиройли, ҳарир келинлик либоси ўрнига бувисининг мотамсаро паранжисини ёпинган, зебо, ёқимтой қишлоқ қизларига ачинаман. Уларнинг ҳаётидаги энг ёруғ байрам мана шундай ҳолда эсда қолиши таассуфли ҳолдир». Мақоланинг бундай эмоционал оҳангда якунланиши, шубҳасиз, унда баён этилган воқеа хусусида мулоҳаза юритишга даъват этади.

«Хоразм ҳақиқати» газетасининг ўтган йилги сонларини варақлаймиз. Газета катта умумлаштириш ҳамда чиқишларнинг микёсли бўлишини даъво қилмасада, изчиллик билан сонма-сон қизиқарли атеистик мавзуни ёритяпти, бунда публицистика жанрларининг бой имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланиляпти. Энг муваффақиятли чиққан материаллар сирасига «Пана жой ёки хурофот чангалидаги кишилар» фельетонини (1988 йил 9 январь) киритиш мумкин. Унинг автори — М. Толмасов сохта муллалар ичидаги баъзи текинхўрларнинг қилмишларини очиб ташлайди, ўзларининг анқовлиги билан чув тушган кишиларнинг номларини айтади.

Журналист Б. Муравиннинг ҳаётни қандай бўлса шундайлигича, бўямай кўрсатган публицистик материалини ҳаяжонсиз ва ғазабланмай ўқиб бўлмайди. «Хорезмская правда»да у 1988 йил 28 октябрда пайдо бўлди, Боғот районидаги «Коммуна» колхозилик 19 яшар Ёкутжон Машариповaнинг фожиали ўлимидан ларзага тушган кишиларнинг хатлари эртасигаёқ кела бошлади. Бир неча кун ўтгач, унда кўрсатилган ўз-ўзини ёқиш факти бўйича қабул қилинган чоралар тўғрисида газетхонларга хабар қилингач, мақоланинг самарадорлиги янада кескин ошиб кетди. Авторнинг юксак профессионализми ўз материали таъсирчанлигини текширишда газетанинг оперативлиги билан қўшилиб, кенг ижтимоий акс садо уйғотди.

Педагог М. Муталибованинг Самарқанд область газетаси «Ленинский путь»нинг 1988 йил 26 январь сонида эълон қилинган «Исломнинг турмушдаги иллатлари» мақоласида, номидан ҳам яққол кўриниб турганидек, болаларнинг, улар оналарининг турмуши ва саломатлиги учун, хотин-қизларнинг социал активлигини ошириш учун масъулиятли эканлигимиз ҳақида сўз юритилади. Болалари бор аёл айни ўн гулидан бир гули очилмай ўз-ўзини ёқиб юбориб ҳаётдан кўз юмиши ҳодисалари ҳақидаги хабарлар мени доимо ларзага солади, деб ёзади у, буни қарангки, бошқа бир аёл очиқ фазога чиқаётган бугунги кунда шундай бўлса! Бир ўқитувчи: «Ўғлимнинг тўйига 20 минг сўм сарфладим!» — деганини эшитгач узоқ вақт ўзимга келолмай юрганим эсимда. У қақадар ифтихор билан, менга тамомила тушунарсиз бир виқор билан гапирган эди!

Автор таажжубланади: наҳотки у бу маблағни бир-икки кунда ҳаммасини сарфлаб маҳалла аҳлини қойил қолдириш мақсадидагина умр бўйи йиққан бўлса? Ҳолбуки,

кўп болалар йўл-йўлакай овқатланишади — эрталаб ҳам, кундузи ҳам, кечқурун ҳам бир бурда нон билан қаноатланиб юраверишади. Китоб кўтарган кишини учратиш қийин. Бутун оила жам бўлиб театр, кино, концерт, стадионга борганлиги ҳақида қўшниларимдан онда-сонда эшитиб қоламан. Кўп ота-оналар емай-ичмай тўй қилишга ва меҳмон кутишга пул йиғадилар, бола туғилиши биланоқ унга хилма-хил кўзмунчоқ, туморлар тақиб қўйишади, касал бўлиб қолса табибларга югуришади, болаларни мачитга олиб боришади, гоҳида яширинча Қуръон сураларини ўргатишади. Диндорларнинг оилаларида болалар қандай яшашини мактаб педагоглари яхши биладиларми?

Педагогнинг матбуотда чиқишининг аҳамияти шубҳасиз катта, — зеро, биз доимо ўқитувчиларга ишониб қараймиз. М. Муталибованинг мақоласи ҳам яхши ва доно маслаҳатлари, қимматли хулосалари билан фойда келтиради. Хўш, нима қилиш керак? Кимдан бошлаш керак? Барча даражадаги тарбиячилярданми? Аввало ота-оналардан бошлаш керак, деб таклиф қилади мақола автори. Уларга педагогик, атеистик маърифат беришдан, турмуш маданиятини оширишдан, хулқ-атвор маданиятини тарбиялашдан бошлаш керак. Халқ университетлари кенг тармоғи орқали, кинолекторийлар, матбуот, пропагандистлар ёрдамида уларни ўз оилавий бюджетларини расамади билан тақсимлашга, ўзининг ва болаларининг бўш вақтини уюштира олиш маҳоратига ўргатиш керак. Ёш авлодда илк болалик чоғиданоқ китобга, билимга интилишни тарбиялаш керак.

Бу мақола катта маъно ташувчи эзгу хотима билан якунланади: «Мен шунга аминманки, маърифатли хотин-қизлар турмушда қанчалик оғир синовларга дуч келмасинлар, ўз ҳаётларига ўзлари суиқасд қилмайдилар — ўсган ўзлигини англаш, ўз кучи, ўз шахсини англаш уларни тўхтатиб қолади. Лекин бунинг ўзи бўлмайди, унга эришиш керак...»

Бунга эришиш керак! — мана, атеистик мавзуда ёзадиган ҳар бир журналистнинг ҳам маслаги ана шундай бўлмоғи лозим. Уларнинг бугунги кунда мутаассиб диндорлар билан чинакамига, ленинча позициялардан туриб мунозара олиб бораётганлар билан ҳамдўстлик қилиш практикаси, атеистик иш тажрибаси ва билимлари билан бир-бирига ёрдамга келиш ва бир-бирини бойитиш практикаси ҳам ушбу мавзудаги материалларнинг сифатини анча ошириш имконини беради. Уларнинг миқдори етиб ортади, лекин материалнинг аналитик, психологик хусусиятлари тақчиллиги яққол сезилмоқда. Бундай аҳвол баъзан атеистик иш самарадорлиги «ялпи маҳсулот» бўйича фикр юритилиши билан изоҳланади: қанча киши диндан «воз кечди», диний маросимлар даражаси қандай ва ўтказилган тадбирлар сони қанча, газетада қанча махсус саҳифалар чиқарилди, қанча давра суҳбати ва «амалий учрашувлар клуби»нинг машғулотлари ўтказилди ва ҳоказо. Лекин газета муҳаррирларининг атеистик мавзудаги материаллари «ўқишлилиги» уларда ҳозирча мақтанарли даражада эмаслиги хусусида ўз-ўзини танқид руҳидаги ҳисоботлари тўғрисида ҳеч эшитмаганман.

Динга қарши пропаганданинг қандай масалалари «соя да» қолиб кетмоқда, область газеталари саҳифаларида ёритилмаяпти? Масалан, дин билан атеизм ўртасида икки-ланиб турган кишилар ҳақида мақолалар сийрак учрайди, зотан сир эмаски, барча йў-налишдаги диний ташкилотлар айни шу тои-фага мансуб кишиларда диндорлар саф-ларини тўлдириш имкониятини кўрадилар. Диний оғу ва хурофотлар билан заҳарлан-ган кишилар билан якка тартибда олиб бо-риладиган ишга оид мақолалар етишмайди. «Ферганская правда», «Коммуна» (Фарғона области), «Коммунист» (Андижон области) «Қашқадарё ҳақиқати» ва бошқа област газеталари саҳифаларида, гарчи дин арбоб-лари ёшлар ўртасида диндорликнинг камайиши диннинг ўзи барҳам топиши жараёни-ни тезлаштиришини яхши англаганликлари учун аввало ёшларнинг қалбини ўз дунёқа-рашларига тортиш учун ҳаракат қилаётган-ликлари маълум бўлсада, болалар ва ёшлар ўртасида диний қарашлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган материалларни кам учратамиз. Диний қарашлар одатда кекса кишиларда учрайди деб уқтирилади-ган мақолалар эълон қилинади. Ҳолбуки со-циологик тадқиқотлар диндорлар орасида ёшларнинг оз эмаслигини кўрсатяпти.

Атеистик мавзуларда ижод қилувчи жур-налистга яна нималар қўл келади? Социо-логлар тавсия қилганидек, у бошқа фактор-лар билан бир қаторда шунингдек динга ишонмайдиганларнинг динга муносабатини, уни қабул қилмаслик даражасини, диний сарқитларга қарши актив курашга қўшил-ган кишилар миқдорини, атеистик жамоат фикри белгиловчи роль ўйнайдиган коллек-тивлар ва аҳоли пунктлари миқдорининг ўсишини ҳисобга олиши керак бўлади.

Ахлоқий проблемалар кўтариб чиқилади-ган, эзгулик, меҳр-шафқат, виждон, гуноҳ, тавба-тазарру каби тушунчалар ёритилади-ган материалларни кўпроқ эълон қилиш мақбул бўларди. Айни шу тушунчалардан дин арбоблари доимо фойдаланиб келган-лар ва фойдаланмоқдалар.

Бугунги кунда ва умуман мачит ёки че-ков кишиларни нимаси билан ўзига жалб эт-моқда? Айниқса бошига ғоят оғир кунлар тушган пайтда кишиларга эътибор кўрса-тиши, ёрдамга муҳтож бўлган ҳар бир киши-га индивидуал ёндашиши билан. Биз эса ҳар бир кишида ўз эҳтиёжлари, ташвиш ва орзу-умидлари бўлган шахсни кўрмасдан, к

ишни ўрганишни хоҳламасдан «тадбир»-аримизнинг оммавийлиги ва комплекслиги-ан ҳануз умидвор бўлиб ўтирибмиз. Ғоят кўн атеизм нафақат фойдасиз, балки зарар елтирувчи иш ҳамдир.

Хозир баъзи бир кишилар экстрасенслар, елепатия, астрологияга ишқивоздир, улар з тақдирини олдиндан айтиб бериш, мўъжиза ёрдамида оғир касалликдан халос бў-иш мумкинлигига ишонадилар. Демак, ки-нини нариги дунёдаги кучларга ишонишга ндайдиган нимадир бор экан. Балки, бу яд-овий ҳалокат хавфи, экология фалокати, ПИД балосидан кўрқишдир, ёки кўплаб долатсизликлар туғдирадиган маъмурий-юрократик иш методлари олдидаги шун-аки ожизликдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам: алин туманни қандай қилиб тарқатиш мум-ин, деган савол юзага келади. Агар, бирин-идан, социал-иқтисодий ҳаётни яхшилаш, оциал адолат принципларини қарор топ-ириш билан зўр бериб шуғулланмасак, ик-инчидан, дин тарихи, фалсафаси ва пси-ологиясини яхши биладиган, ҳозирги фан а практика маълумотларига таянган ҳолда з қарашларини ҳимоя қила оладиган, шонтира оладиган идеология ходимларини йёрлаш ташкил этилмас экан, барча ният-аримиз эзгу орзу бўлиб қолаверади.

Кишилар тасаллига, маънавий мададга ухтож. Агар ижтимоий фаровонлик учун рашда конкрет, жонли киши ҳақида ўй-шни унутиб қўйсак, у мачитга ёки черков-катнаши ҳеч гап эмас.

Бугунги кунда атеизмда кўп нарсалар эс-рди, улар тубдан янгиланишга, қайта қу-шга эҳтиёж сезмоқда деган фикрга ҳамма шилади. Лекин атеизм эртага қандай бў-ши керак? Бу ҳақда, афсуски, ҳозирча рналистлар чуқур тадқиқий мақолалар ганлари йўқ, бинобарин, кўпгина икки-нувчи кишиларга ўз кучларига ишона би-шда, ўзликларига қайтишларида ҳали ёр-м берганлари йўқ.

Муайян сабаблар натижасида Ўзбекис-нда аҳолининг диндорлиги юқори бўлган гионлар мавжуд, республиканинг диний-алатчилик тарғиботи манбаларига яқин-ги ҳам диннинг тарқалишига қандайдир ражада таъсир кўрсатяпти, диний муҳит-иг ўзида асосан дин арбобларининг замо-ий шарт-шароитга мослашиш юзага кел-ган каттагина ўзгаришлар узлуксиз ра-да рўй беряпти. Диндорлик намоён бў-инининг характери ва формаларини, диний килотлар фаолиятидаги ўзгаришларни тазам ва чуқур ўрганиш, газета ходим-иннинг атеистик пропагандага янгича ён-увларни изланишга доимий тарзда йў-ганлиги атеистик ишни илмий асосда кил этишнинг, бинобарин, матбуот саҳи-арида атеизм масалаларини маҳорат н ёритишнинг ҳам зарур шарти бўлиб ши керак.

уман олганда эса баъзи бир область газеталарининг атеистик мавзуни қандай-дир теранлаштириш, шу йўналишдаги ўз из-ланишлари диапазонини кенгайтириш, са-ҳифаларни қизиқарли материаллар билан «тўлдириш» борасидаги куч-ҳаракатлари яққол кўзга ташланяпти. Бу табиий ҳол: ўзгаришларнинг сарин эпкини, идеология ишининг жонланганлиги журналистлар ижодига ижобий таъсир кўрсатяпти. Мате-риаллар сифатини яхшилаш истаги, шубҳа-сиз, уларда мавжуд, лекин гоҳо профессио-нализм етишмайди. Демак, ўқув, атеистик билимларни тўлдириш зарур. Олимлар, фи-лософлар, тарихчилар, педагоглар, медик-ларнинг ёрдами ва газеталарда чиқишлари зарур, дунёқарашга оид мунозара ва баҳс-лар марказида эса ҳаёт мазмуни, бахт ва адолат, инсоният цивилизациясининг омон қолиши, давлатчилигимиз ва маданият та-рихида дин ва черковнинг роли масалалари туриши керак. Бундай йўналишда ҳаракат қила бориб, биз ҳозирги даврнинг ижобий ўзгаришлари ва ташвишларига ҳамоҳанг бўлган янги атеизмнинг қиёфасини ярата оламиз.

Лекин ҳозирча ўз мақсадлари йўлида бар-ча имкониятлардан, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ҳам моҳирона фой-даланаётган дин арбобларининг фаолияти-ни четдан кузатиб, кутиб ўтирибмиз.

Қуруқ гапми бу? Эҳтимолдан узоқ. Ҳеч бўлмаганда «Советская Бухара» область газетасини қўлингизга олиб кўринг. Шу йил-нинг дастлабки уч ойида атеистик мавзу-да атиги иккита материал эълон қилинган. 9 февралда «Атеистик пропаганда таъ-сирчан бўлсин» рубрикаси остида мухбир Қ. Абдураҳимовнинг республика Илмий атеизм уйи область филиали директори Л. Ф. Турсунов билан бўлган суҳбати, 11 февралда эса унинг шу масалага доир СССР Министрлар Совети ҳузуридаги дин ишлари Советининг Бухоро области вакили Р. И. Амиров билан яна бир суҳбати эълон қилинган.

Суҳбатларга эътироз йўқ. Бундай маз-мундаги материалларни беш йил олдин ҳам, ўн йил олдин ҳам ўқиганмиз. Рақамлар ўз-гаради, баъзи фактлар янгиланади, холос. Лекин бизнинг атеизмимизда («диний ренес-санс»га қарама-қарши ўлароқ) янгиликни, тиниқлик ва ғайриоддийликни фақат орзу қилиш мумкин. Атеистик публицистика эко-логиясини сийқалик, қолиплар ва сафсата-бозлик ҳалокатга элтмоқда. Шу сабабли дин мавзуидаги материаллар охиригача ўқил-май қолиб кетади. Оқибатда бу мавзунинг ўзи ҳам «модаси эскирган», «нуфузсиз», сийрак учровчи мавзуга айланиб қолади. Ташвишимиз сабаби ҳам ана шундан.

Г. НЕКЛЕССА.

«Мухбир» — «Корреспондент» журналининг бош муҳаррири.

НОКАПИТАЛИСТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ—ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ

Нокапиталистик тараккиёт йўли мавзуи бўйича анча материаллар бўлишига карамай, унинг кўп жиҳатлари ҳали ҳам етарлича ёритилмаган, уларнинг баъзилари юзасидан эса турли хил нуктаи назарлар мавжуд. Такриз этилаётган асар* автори бу йўлдаги кандай ўзгартишлар демократик, кандайлари социалистик эканлиги юзасидан ўз фикрини баён этишга аҳд килган. Ушбу муаммога доир барча мавжуд материалларни тадкик килиш натижасида у, бизнинг назаримизда, нокапиталистик тараккиёт шароитида халк оммасини онгли тарихий ижодга жалб этиш ҳамда уларни социалистик кайта куришларни амалга оширишга тайёрлаш тадбирлари демократик ўзгаришлардир, деб тўғри хулоса чикаради. Бу жараён давомида ўтказиладиган ислоҳотлар, энг аввало сиёсий, хукукий ва миллий зулмни бартараф этишга каратилган ислоҳотлар демократик ва социалистик ўзгаришларнинг чамбарчас боғлик эканлигидан, ўзаро чатишиб кетганлигидан далолат беради.

Демократия бу — халк ҳокимияти, тинчлик ва озодлик принципларига асосланган сиёсий категория, давлат тузуми формаси эканлиги ҳакидаги ленинча коидадан келиб чиккан ҳолда автор, демократиянинг жаҳон революцион жараёнидаги улкан ролини изчиллик билан кўрсатиб беради. Шу муносабат билан у демократик ҳаракатларнинг сифат характеристикаларини: эксплуататорлик тузумининг реакцион кўринишларини бартараф этиш, халкнинг кенг катламлари иштирокида шу палладаги энг кескин зиддиятларни ҳал этиш ва ҳоказоларнинг ажратиб кўрсатилиши тўғридир (69-бетга каралсин). Лекин, бунда демократик ва социалистик тенденцияларнинг бирлиги ҳар доим ҳам уларнинг тўла кўшилиб кетишини англатмайди. Акс ҳолда, деб таъкидланади асарда, бу социалистик революция вазифаларини чеклаш ва торайтиришга олиб келган бўлур эди.

Демократия учун курашнинг социализм учун кураш билан якинлашуви ҳакидаги ленинча коидага ўз карашларини М. Х. Маҳмудов иккинчи жаҳон урушидан кейинги халкаро ҳаётга оид фактлар оркали кўрсатади. Бунинг учун маълумотларни у В. И. Лениннинг «Социал-демократиянинг демократик революциядаги икки тактикаси» китоби чикканлигининг 80 йиллиги муносабати билан «Проблемы мира и социализма» журнали ўтказган тадкикотдан олган. Маълумки, ҳозирги замон миллий-озодлик ҳаракатида ривожланишнинг асосан учта типи кузатилмокда: социалистик, капиталистик, шунингдек, бундан буёнги тараккиёт йўналишини белгилаш учун мураккаб кураш борадиган оралик йўли. Илгари юзага келган «учинчи йўл» (жумладан, «африкача», «осиёча», «арабча», «исломча» ва бошка «социализмлар») ҳакидаги концепциялар ва уларни амалга ошириш ҳози[...]
асоссиз бўлиб колганини автор тўғри таъ[...]
кидлайди. Ривожланаётган мамлакатла[...]
олдида турган учта асосий ўзаро боғлик[...]
революцион жараёнга сиёсий раҳбарлик[...]
ташкил этиш, давлат ҳокимиятини ўрна[...]
тиш, биринчи галдаги иктисодий ўзгариш[...]
ларни ўтказиш муаммоларини муалл[...]
томонидан ажратиб кўрсатилиши ҳам эъ[...]
борга лойик (27-бетга каралсин).

Нокапиталистик тараккиёт йўлини[...]
М. Х. Маҳмудов томонидан боскичлар[...]
бўлиниши (демократик ва социалистик[...]
маълум даражада шартлидир. Ҳозирги з[...]
мон тадкикотчилари бу жараённи учта ас[...]
сий боскичга: умумдемократик, тосоциал[...]
тик ва социалистик боскичларга бўлиша[...]
Миллий-озодлик революциясининг ривож[...]
ниб миллий-демократик революциясига ў[...]
боришида, деб таъкидлайди такриз кил[...]
наётган китоб автори, революцион дем[...]
кратик кучларни ягона авангард партия[...]
бирлаштириш ҳамда ягона миллий фронт[...]
нига демократик фронт тузиш вазифаси[...]
ради. Демократик фронт нокапиталистик та[...]
раккиёт йўлининг ғоявий-сиёсий асоси б[...]
либ хизмат килишга даъват этилган. Бу[...]
дан ташкари, конкрет тарихий шароит[...]
революцион жараёнга сиёсий раҳбарлик[...]
лиш учун кўп партиялилик ёки бир партия[...]
лик системасини яратиш имкониятини бел[...]
лаб беради.

Совет Шарки халклари босиб ўтган нока[...]
питалистик йўлни инкор этувчи айрим о[...]
лар фикрига М. Х. Маҳмудов катъи[...]
кўшилмайди. Бу йўлнинг асосий мазмун[...]
ташкил этувчи региондаги умумдемокра[...]
ўзгаришларнинг амалга оширилишини к[...]
риб чикар экан, у бундай концепция [...]
аввало революциянинг узлуксиз ривожла[...]
ши умумий назариясини, турли боскичлар[...]
да демократик ва социалистик вазифа[...]
диалектикасини ҳисобга олмаслигини х[...]
коний равишда таъкидлаб ўтади (76-бет[...]
каралсин). Унинг фикрича, бундай нукт[...]
назар, бир томондан, ҳозирги кунда соц[...]
лизм йўлини танлаган мамлакатларга ни[...]
батан Ўрта Осиё республикалари ва Коз[...]
ғистонда социализм куришнинг ўзига [...]
хусусиятларини абсолютлаштиради, икки[...]
чи томондан эса, Марказий Россиядаги р[...]
волюцион ўзгаришларнинг специфика[...]
дурустгина ҳисобга олмайди. Бу ўр[...]
аслини олганда В. И. Лениннинг импер[...]
лизм даврида, социалистик бўронлар [...]

---

* М. Х. Махмудов. Диалектика общедемократических и социалистических преобразований при переходе к социализму, минуя капитализма. Ташкент, «Фан» 1987, 208 с.

революцион ларзалар даврида демократик ва социалистик вазифалар диалектикасини ҳисобга олиш масаласи алоҳида кескин бўлиб туришлиги тўғрисидаги машҳур фикри унутиб қўйилган.

Совет Шарқи халқлари учун нокапиталистик йўлни инкор этувчи тадқиқотчилар билан мунозара юритар экан, автор регион республикаларининг социал-иқтисодий қолоқлиги улар томонидан умумдемократик ўзгаришлар босқичини босиб ўтиш шарти бўлди деб тўғри таъкидлайди (80-бетга қаралсин). Уларнинг тажрибаси яна шуни кўрсатдики, марксчи-ленинчи партиянинг раҳбарлик роли — қолоқ халқларнинг капиталистик формациядан социализмга муваффақиятли ўтишларининг зарурий шартидир. Коммунистик партия раҳбарлиги остидаги пролетариат диктатураси давлати доирасида Ўрта Осиё совет республикалари ва Қозоғистоннинг қарор топиши социалистик йўлни танлаган ҳозирги озодликка эришган мамлакатлар учун алоҳида аҳамиятга моликдир. Лекин ўша даврнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш кераккинг (айниқса дастлабки босқичларда) нокапиталистик тараққиёт йўлининг ҳозирги жараёнлари билан кўплаб ўхшаш томонлари мавжуд деб ҳисоблайди М. Х. Маҳмудов (115-бетга қаралсин). Миллатнинг мустақиллиги унга «ўзи айрим давлат тузами ёки истаган бирон давлат составига радими, буни ўз хоҳишига қараб ҳал қилиш учун» ҳуқуқ беради (В. И. Ленин. АТ, 34-том, 274-бет). В. И. Ленин башорат қилганидек, Октябрь озод қилган Совет Шарқи халқлари уларнинг миллий-озодлик лабаларини сақлаб қолишни ҳам, бундан ёнги тараққиётларини ҳам таъминлаш афолатини берувчи ягона куч — Россия пролетариати билан яқинлашиш йўлидан юрдилар.

Ўрта Осиё региони халқларининг нокапиталистик тараққиёти тажрибаси асосида ториографияда ўтиш даври давлат формаларини танлаш қонуниятлари очиб берилди. Булар — сиёсий ҳокимиятнинг кўмончилик чўққиларини эгаллаш, жойларда революцион давлат органларининг кенг тармоғини яратиш, меҳнаткашлар учун ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий устунликни таъминлаш, уларни бошқариш аппаратига актив жалб этиш, ўз куролли кучлари ташкил этиш ва ҳоказолардир.

Совет Шарқи халқларининг социализмга ўтиш даврида экономикадаги демократик социалистик асосларни тадқиқ қилар экан, автор ҳақли равишда, ўз эътиборини региондаги аграр ўзгаришларга қаратади. ...да у ишлаб чиқаришнинг социалистик ...с, балки майда буржуазия формаларини ...атган ислоҳотларнинг антифеодал, революцион-демократик тенденцияларига эътибор кучайтирувчиларнинг ҳам, бу ўзгаришлар фақат социалистик характерга эга деб ҳисобловчиларнинг ҳам концепциялари бир томонлама эканлигини қайд этади. Шу билан бирга М. Х. Маҳмудов, бизнинг фикримизча, Совет Шарқи республикаларидаги аграр ўзгаришлар жараёни билан бир вақтда ҳам демократик, ҳам социалистик вазифалар ҳал этилганлиги фактини очиқдан-очиқ унутиб қўйган. Гарчи, китобда бу ҳақда кўп мисоллар келтирилган бўлса ҳам, авторнинг позицияси, афсуски, ноаниқлигича қолган.

Асарда маънавий ҳаёт соҳасидаги ислоҳотлар нокапиталистик тараққиёт йўлининг ажралмас қисми бўлиб, бу ислоҳотлар мажмуи демократик характердаги маданий революциядан иборат деган фикр асослаб берилган. Регионда аёллар масаласини ҳал этиш тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Автор бу жараённинг қийинлиги ва мураккаблигини кўрсата олишга муваффақ бўлган. Уни ҳал этишда Коммунистик партия ва Совет давлати, улар томонидан республикалардаги конкрет вазият доим ҳисобга олингани улкан роль ўйнади. Масалан, даставвал қалинни йўқ қилиш, кўп хотинликни, балоғатга етмаган қизларни эрга беришни тақиқлаш; аёлларни кооперациянинг турли формаларига, касаначиликка жалб этиш, улар учун магазинлар, хотин-қизлар клублари, партия комитетлари қошида хотин-қизлар бўлимлари, кўчма қизил ўтовлар ташкил этиш ва ҳоказолар биринчи ўринда турди (188—189-бетларга қаралсин). Бу соҳадаги социалистик ўзгаришлар қаторига автор биринчи навбатда барча республикаларда ташкил этилган аёллар деҳқончилик ширкатларини (масалан, хотин-қизларнинг қишлоқ хўжалик артеллари ва ҳ. к.), хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашишларини, уларни раҳбар лавозимларга кўтаришни таъминлаш ва бошқаларни киритади. Бизнинг фикримизча, «Ҳужум» ҳаракати муфассалроқ таҳлил қилишга арзирди. Зеро у Совет Шарқи хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий активлигини оширишда, уларни озодликка чиқаришда муҳим роль ўйнаган, Ўзбекистон ССРда демократик ва социалистик вазифаларни ҳал этишда боғловчи бўғин бўлган.

Бир қатор тарихий воқеаларга бугунги кун билим даражаси нуқтаи назаридан баҳо бермаслик тақриз этилаётган асарнинг жиддий камчилигидир. Масалан, автор, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 20- ва 30-йилларда рўй берган иқтисодий ўзгаришларни тадқиқ қилар экан, фақат уларнинг характерини ёритиш билан кифояланади, кейинчалик социализмнинг ривожланишига жиддий зарар етказган хато ва камчиликларни эътибордан четда қолдиради. Янги иқтисодий сиёсат принципларидан чекиниш, мамлакатимизда социализм қуришнинг ленинча ғояларини Сталин томонидан қўпол равишда бузишдан иборат «ёппасига коллектив-

лаштириш»ни олиб кўрайлик. Шу нукталарга автор алоҳида эътибор бериши зарур эди.

Ўйлаймизки, асарда баъзи социалистик мамлакатларнинг ўзига хос шароитларида ва Совет Шарқи республикаларида амалга оширилган иқтисодий ўзгаришлар характери киёсий таҳлил этилса чакки бўлмас эди. Гарчи, тадкикот объекти бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўлса ҳам, аслида унинг материаллари асосан Ўзбекистондаги тарихий воқеаларни акс эттиради.

Умуман олганда монография нафақат унда кўриб чиқилган муаммонинг муҳимлиги билан, балки бир қатор ҳолларда партиявий ҳужжатларни ишлаб чиқиш методикасининг янгилиги билан ҳам эътиборни жал[…] этади. Эҳтимол, М. Х. Маҳмудовнинг баъз[…] кузатишлари ва хулосалари эътироз[…] сабаб бўлар. Шунга қарамай китобда и[…]мий изланишнинг маҳсули бўлган умумлаш[…]малар мавжуддирки, улар эътиборга моли[…]дир.

С. ТУРСУНМУҲАМЕДО[…]
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини[…] мухбир аъзос[…]
В. И. Ленин номли Тошкент Давл[…] университети қошидаги Ижтимоий фанл[…] ўқитувчилари малакасини ошири[…] институти илмий коммунизм кафедрасини[…] мудир[…]

Лениннома: билиш давом этмоқда

Қардош республикалар нашрлари

СОВЕТ ИТТИФОҚИ Коммунистик партиясининг, унинг маҳаллий партия ташкилотларининг тажрибасини ўрганиш фақат талай тарихий-партиявий манбалар асосидагина мумкинки, улар орасида В. И. Лениннинг ижтимоий фанларнинг назарий-методологик негизи бўлган асарлари жуда муҳим ўринни ишғол қилади. «...Бизнинг планларимиз, — деб таъкидлаган эди КПСС XXVII съездида М. С. Горбачев, — марксча-ленинча фаннинг мустаҳкам пойдеворига қурилади. Владимир Ильич Ленин ғояларининг битмас-туганмас бойлигига таянади».

Бир неча авлод жамиятшуносларининг куч-ғайратлари билан жуда кенг кўламдаги Ленинннома яратилган бўлиб, у ўрганишнинг регионал жиҳатларига ҳам эгадир. Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Б. Бейсембоевнинг янги монографияси* «Ленин ва Шарқ» проблемасининг узвий қисмидир.

Китобнинг қиммати шундаки, унда 12 жилдлик В. И. Ленин биографик хроникасидаги Владимир Ильич ҳаёти ва фаолиятига доир Ленин тўпламларининг чоп этилган томларига оид кўпдан-кўп янги фактлардан фойдаланилган, бу тўпламлар Ўрта Осиё ва Қозоғистонга бевосита тааллуқлидир. Тадқиқот XIX асрнинг охиридан 1924 йилгача бўлган кенг кўламдаги хронология доираси, асарнинг қатъий архитектоникаси, муҳим масалаларнинг теран таҳлил этилгани б[…]лан ажралиб туради. Автор қозоқ хал[…] миллий давлатчилигини яратишда, парт[…] миллий сиёсатини ишлаб чиқиш ҳам[…] амалга оширишда, Қозоғистонни социа[…] иқтисодий ривожлантириш вазифалари[…] ҳал этишда В. И. Лениннинг ролини тўлар[…] ва чуқурроқ кўрсатиб беришга интилг[…] Умумпартиявий ва маҳаллий материа[…] мақбул тарзда қўшиш, регионлараро хара[…]тердаги масалаларни муваффақиятли ҳ[…] этиш туфайли асарнинг комплекслиги […] яхлитлигига эришилган. Масалан, С. Б. Бе[…]сембоев тарихийлик принципига мувоф[…] бутун Ўрта Осиё-Қозоғистон регионни м[…]териалини, шу жумладан Туркистон К[…] партиясига тааллуқли материални к[…]жалб этганки, унинг ташкил этилиши кито[…]да Улуғ Октябрь социалистик революция ғалабасидан кейин Туркистон республика[…] халқлари сиёсий фаолиятида тенг ҳуқуқ[…]лик принципларининг амалга оширил[…] сифатида кўриб чиқилади.

Монографияда нафақат давлат тузили[…] принципларини назарий ишлаб чиқиш, б[…]ки мамлакатнинг миллий районларида сов[…] давлатчилигини яратишга амалий раҳба[…]лик ҳам В. И. Лениннинг хизмати экан[…] тўғрисидаги фикр сингдирилган. Қо[…]ғистонда социалистик қурилиш жараёни[…] синфий курашнинг кескинлашгани тўғри[…]да, партия ташкилотларининг улуғ дав[…]чилик шовинизми ва маҳаллий миллат[…]ликка, бойлар ва руҳонийларнинг таъсири[…] муросасизлиги тўғрисида, коммунист[…] сафларининг поклиги ва жипслиги уч[…]

---

* С. Б. Бейсембаев. Ленин и Казахстан. Алма-ата, «Казахстан», 1987, 392 с.

кураш тўғрисида ҳикоя қилувчи саҳифалар авторнинг ютуғидир. Асарда Лениннинг ҳар бир кўрсатмаси, илтимоси, таклифи истисносиз ҳар бир партия ва совет органлари томонидан бажариш шарт бўлган бир нарса деб қабул қилингани, меҳнаткашлар ўртасида қизғин маъқуллангани батафсил кўрсатилган. Шу нарсани таъкидлаш муҳимки, ўша йилларда қозоқ овули ва умуман қозоқ жамиятида юз берган жараёнларнинг муайян ўзига хос жиҳатлари бўлганига қарамай, қирғиз овули ва ўзбек қишлоғи, барча кўп миллатли регион халқлари учун ҳам характерли эди. Монография саҳифаларида Ленин гвардияси большевиклари, В. И. Ленин, партия МҚ Туркистонга юборган вакиллар — М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ш. З. Элиава, Я. Э. Рудзутак, А. А. Козевнинг, Туркистоннинг атоқли партия ва совет ходимлари — А. Иманов, А. Жонгильдин, Т. Рисқулов, С. Сайфуллин, А. Ермуҳамедов, А. Рўзибоқиев, М. Масанчи, С. Меншев ва кўпгина бошқаларнинг ёрқин портретлари яратилган.

С. Б. Бейсембоевнинг монографияси умумлаштирувчи асар сифатида проблемани ўрганишда эришилган билим даражасини акс эттиради ва янги масалалар қўяди. Проблеманинг баъзи жиҳатларига эътибор қаратмоқчимизки, келгусида уларни чуқур ва ҳар тарафлама тадқиқ этиш лозим бўлади.

Шубҳасизки, Ленинномага доир янги асар яратиш мамлакат ва регион миқёсида илмий кучларнинг амалий, кўп қиррали, ҳал мувофиқлаштирилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Илмий жиҳатдан яккаланиш, бу ўлкашунослик доираларида ўралашиб қолиш умумлаштиришларнинг юксакроқ даражасига кўтарилиш имконини бермайди. «Қозоғистон Ленинномаси», «Хоразм Ленинномаси», «Ўрта Осиё Ленинномаси»га доир асарларнинг кўпчилигида умумий ва хусусий жиҳат диалектикаси бузилганлиги, ленинномани «миллий хонадонларга» бўлиб кетилганини жойлардаги воқеалар умумиттифоқ жараёнидан ажратиб қаралганини жамиятшуносларнинг илмий асарларидаги турғунлик даврининг салбий ҳодисалари дейиш мумкин.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон партия ташкилотлари тарихига доир адабиётда (уларни нафақат КПССнинг жанговар отрядлари бўлгани, балки шу билан бирга уларнинг фаолияти моҳиятан Туркистон Компартиясининг ноёб тажрибаси бўлгани ни бирлаштириб туради) Лениннинг, айниқса, Ўрта Осиё пахтачилигини, саноат тармоқларини юксалтириш тўғрисидаги ғамхўрлигини ёритиш методи одатда кенг тус этган. Тадқиқотчи у ёки бу масалага оид бир ёки бир нечта Ленин ҳужжатларини келтиради ва муайян хронология доирасида тадқиқот объекти ривожига доир фикр яратади. Аслида эса бу Ленин фикрларини бузишдан, охиригача тушунмасликдан бошқа нарса эмас, чунки Ленинда иқтисодий, техник ва социал проблемаларни ҳал этишга қаратилган, узоқ даврни ўз ичига оладиган комплекс программалар, масалан, Туркистондаги суғориш ишлари программаси, Туркистон-Сибирь темир йўли қурилиши ҳақида сўз боради (Вопросы истории КПСС, 1983, № 5, 70—82-бетларга қаралсин).

Ўйлаймизки, Владимир Ильич Лениннинг Совет Шарқига оид ғоявий меросини, шу регион партия ташкилотлари тарихини бундан буён юқорироқ савияда ўзлаштириш ягона асос қилиб олинган позицияларсиз, янгича ёндашувларсиз мумкин эмас.

Ленин меросини ўрганиш, бизнинг назаримизда, «фалондан фалонгача» эмас, балки албатта умумметодологик позициялардан туриб олиб борилиши керак. Ўрта Осиё-Қозоғистон регионни партия ташкилотлари тарихи нуқтаи назаридан олганда сунъий хусусиятларни ахтариб топмай, илмий маҳаллийчиликка берилиб кетмай, балки уларни бирлаштирадиган умумий жиҳатларни асос қилиб олмоқ лозим. Ахир кўпинча В. И. Ленин асарларида регионнинг конкрет тарихий воқеалари, аҳоли пунктлари ва партия ташкилотлари тилга олинмайди, лекин улар унинг тарихини тушунишда биринчи даражали аҳамиятга моликдир. Бу эса В. И. Ленин асарларини танлаб ўрганиш масаласига тааллуқлидир. Чунончи, таҳлилни Владимир Ильичнинг Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги асарлари билангина чеклаб қўймаслик керак. Маълумки, Туркистон Компартиялари, мамлакат шарқий регионлари партия ташкилотлари каби, биринчи Россия революцияси арафасида ва революция йилларида вужудга келган марксистик тўгараклар ва социал-демократик группалардан ўсиб чиққан. 1906 йилда «РСДРП Туркистон ташкилотлари союзи» вужудга келди. Шу сабабли КПСС тарихини ўрганиш вақтида жалб этиладиган Ленин асарларининг ҳаммасидан маҳаллий партия ташкилотлари тарихини ўрганишда ҳам фойдаланиш керак.

Тадқиқотчилар позициялари ва ёндашувларининг зиддиятли экани тўғрисида кейинги йилларда эълон қилинган материаллар, жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оид Ленин асарларининг тематик тўпламларига қараб фикр юритиш мумкин. С. Бейсембоев ўз монографиясининг биринчи нашридаёқ (1968 йил) шундай ёзган эди: «Тўла асарлар тўпламига Лениннинг Қозоғистон билан Туркистонга доир 400 га яқин ҳужжати киритилган. Бошқа миллий регионлар, жумладан Лениннинг Татаристон, Бошқирдистон, Закавказьега доир кўпгина ҳужжатлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига бевосита ёки бавосита алоқадордир». 1982 йилда Тошкентда КПСС МК ҳузуридаги

Марксизм-Ленинизм институтининг Ўзбекистон ва Қозоғистон филиаллари томонидан тайёрланган «В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида» тўплами ҳамда Олмаотада Қозоғистон Компартияси МҚ ҳузуридаги Партия тарихи институти тайёрлаган «В. И. Ленин Қозоғистон тўғрисида» тўплами чоп этилди. 1985 йилда Қирғизистон тарихчилари «В. И. Ленин Туркистон тўғрисида. Библиографик кўрсаткич» асарини нашр этди.

Агар тилга олинган тўпламларга мурожаат қилинадиган бўлса, Тошкент тўпламига В. И. Ленин имзолаган унинг 184 асари ва 83 ҳужжат, яъни XIX асрнинг охиридан бошлаб жами 217 номли, хронологияси 1917 йил октябрь — 1924 йиллар бўлган Олмаота тўпламига 266, Фрунзе тўпламига 272 нафар ҳужжат киритилган, бу ҳам ўтган асрнинг охиридан бошланади. Афтидан, В. И. Лениннинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисидаги барча асарлари ва ҳужжатларининг тўла библиографик тавсифини тайёрлашга биринчи даражали аҳамият бериш лозим бўлади.

Афсуски, тадқиқотчилар В. И. Лениннинг Библиографик хроникаси манбаларидан бойлигидан ҳали тўла фойдаланаётганлари йўқ. Ундан фактлар ихтиёрий равишда танлаб олинмоқда. Масалан, юқорида тилга олинган уч тўпламда Биохроникага доир подборкалар бор: Тошкент тўпламида (1906—1924 йиллардаги) —558 факт, Олмаота тўпламида (1917—1924 йиллардаги) — 640, Фрунзе тўпламида (1896—1924 йиллардаги) —653 факт келтирилган. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, 1898—1924 йилларга оид Биохроникада кўриб чиқилаётган проблемага тааллуқли салкам 840 факт мавжуддир.

П. КИМ,
Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг сектор мудири, тарих фанлари доктори;
И. ҚОЗИБОЕВ,
В. И. Ленин Марказий музейи Қозоғистон филиали директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тарих фанлари кандидати.

ЖУРНАЛДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

«Ўзбекистон коммунисти» журналида тарих фанлари кандидати Г. Трапезниковнинг «Энциклопедиялар ўз вазифасига кўпроқ мос бўлиши керак» (1987 йил № 11) ва тар... фанлари доктори Е. Васильевнинг «Тошкент» энциклопедиясининг мазмуни ва ғоявий йў... лиши тўғрисида» (1988 йил, № 1) деган тақризлари эълон қилинган эди. Энциклопедия нашрларини —14 томлик Ўзбек Совет энциклопедияси, «Ўзбекистон ССР» бир томлиги ҳам да «Тошкент» энциклопедиясини таҳлил объекти қилиб олган муаллифлар асосий эътибор... уларда дин ва атеизм, интернационал тарбия масалалари, айрим тарихий шахсларнинг таржимаи ҳоллари қандай ёритилганлигига қаратганлар. Ушбу тақризларга жавоб тар... сида Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакциясидан қуйидаги мактуб олинди:

«Тақризларда ҳақли равишда таъкидланганидек, энциклопедия нашрларидаги ба... материаллар юзаки ёритилган, улар фундаментал эмас, балки тавсифлаш характерида б... либ, бу, хусусан, «Қибла», «Қиёмат», «Қурбонлик», «Қуръон», «Ҳайит», «Дин», «Удум ва маросимлар» мақолаларига тааллуқлидир, энциклопедияларда ҳозир маълум бўлишича турғунлик йилларида ўз обрўсини тушириб қўйган, шунингдек унчалик муносиб бўлмаган жуда кўп кишиларнинг фамилиялари берилган. Албатта, санаб ўтилган камчиликлар кўпроқ ушбу нашрларнинг босиб чиқарилиш вақти билан изоҳланади: универсал эн... лопедиянинг биринчи жилди 1971 йилда, охирги жилди — 1980 йилда чоп этилган эди. ... даврда бундай китобларни яратиш тажрибаси ўзбек энциклопедиячиларида, табиийки, ҳ... жуда оз эди.

Шу билан бирга тилга олинган тақризлар хусусида баъзи фикр-мулоҳазаларимиз... айтишни лозим кўрдик. Г. Трапезников, масалан, Ўрта Осиёда дин ва атеизм тарихига д... материаллар етарли миқдорда берилмаган дейди. Шу муносабат билан эслатмоқчимиз... 14 томлик Ўзбек Совет Энциклопедиясида мавжуд жами 40 мингдан ортиқ мақоладан ... тасида айни шу масалалар ёритилган. Бундан ташқари, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Форобий, Умар Хайём ва бошқаларга бағишланган материалларда ҳам дин ва атеизмга тааллуқли маълумотлар берилган. Сўнгра Г. Трапезников энциклопедияла... «Умар Хайёмнинг эркин фикрлилиги, шунингдек Беруний, Ибн Сино, Сарахсий ва бо... буюк мутафаккирлар ва олимларнинг ислом ақидаларига қарши олиб борган яширин ку... ши тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган», деб даъво қилади. Улар ижодининг ана шу том... ларига биографик мақолаларда эътибор ажратилганини таъкидламоқчимиз. Умар Хай...

хусусида, масалан унинг хурфикрлилиги унинг томонидан яратилган лирик образларда ўз ифодасини топган, дейилган; чунончи, унинг қахрамони худодан ҳам, подшоҳлардан ҳам йирокда турадиган мустакил, эркин шахсдир. У — исёнкор ва даҳрий, зўравонлик мухолифи, диний ақидалардан шубҳаланувчи киши ва ҳоказо сифатлар соҳиби.

«Шўрои Ислом» ва «Шўрои Уламо» мақолаларининг матнида ушбу ташкилотларнинг синфий моҳиятга эгалиги, хусусан, шўрои уламочиларнинг турмушда ва ижтимоий ҳаётда патриархал-феодал негизларни, хусусий мулкни, хотин-кизларнинг ҳак-хукуксиз аҳволини саклаб қолишга интилишлари, шунингдек, уларнинг рус оқгвардиячилари ва чет эллик интервентлар билан иттифокда Туркистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилишига карши чикишлари кўрсатилган. Бундан ташқари «Шўрои Ислом» маҳаллий капиталист ва заминдорларнинг манфаатларини ҳимоя кила бориб, Туркистоннинг буржуа Россияси таркибида миллий-диний автономияга эга бўлиши ва ҳоказолар хусусида жон куйдирган.

Албатта, тилга олинган маколаларда реакцион руҳонийларнинг босмачилик ҳаракатида иштирок этганлиги, «Ҳужум»га карши иш олиб борганлиги хусусида кўпроқ маълумот бериш мумкин эди. Лекин мақолаларнинг чекланган ҳажми бунга имкон бермаган.

У ёки бу термин ҳамда шахсларни киритиш хусусидаги мулоҳазалар ҳам мунозаралидир. Чунончи, Бобур фаолияти аслида Тошкент билан боғлиқ бўлмаган, бинобарин, унинг хусусида «Тошкент» энциклопедиясида материал берилиши ўринли эмас деган даъво бахсидир. Биринчидан, Бобур Тошкентда кўп маротаба бўлган ва ўз молиявий аҳволи ҳамда ҳарбий кучларини мустаҳкамлаш максадида унинг ҳукмдори Маҳмудхон билан музокаралар олиб борган, иккинчидан, бу ердалигида у бир катор асарлар яратган, учинчидан, энциклопедияда Бобур кўчаси ҳақида макола берилган ва, ниҳоят, Тошкентда Бобур бюсти ўрнатилган.

Ҳозирги вактда Бош редакция Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 12 томлик иккинчи нашри концепцияси, рус тилидаги «Ўзбекистон ССР» ва ўзбек тилидаги «Тошкент» энциклопедиялари устида иш олиб боряпти, уларни тайёрлаш чоғида Бош редакция ва муаллифлар коллективи журналнинг барча танкидий мулоҳазаларини ҳисобга олади.

Н. ТЎХЛИЕВ,
Ўзбек Совет энциклопедиясининг бош редактори.

РЕДАКЦИЯДАН. «Ўзбекистон коммунисти» журналида тилга олинган такризлар эълон килинч редакция журналхонлардан ўз фикр-мулоҳазалари баён этилган кўплаб мактублар олди, уларда нкид қўллаб-кувватлангани ҳолда энциклопедиялардаги бошқа камчиликлар кўрсатилган, уларнинг фатини янада яхшилашга доир фойдали маслаҳатлар берилган. «Ўзбекистон ССР» ва «Тошкент» бир млигкларининг илмий савияси кўпгина эътирозларга сабаб бўлган. Энциклопедия, деб ёзади тарих нлари кандидати М. Лафасов, йўл кўрсаткич бўлиб колмаслиги керак; у «Тошкент» энциклопедияси турли савдо ташкилотлари ҳакида ўринсиз кўп маълумотлар берилганини кўрсатади. Унинг фикри, буларнинг ўрнини республиканинг социал-иктисодий, маънавий ривожланишида, СССР ва Ўзбестон ССРнинг кенг халкаро алокаларида Тошкент ўйнаётган ролни очиб берувчи материаллар эгалши мумкин эди. Хусусан, савдо-саноат палатаси, бир қатор мамлакатларнинг республикамиз пойхтидаги консулхоналари, хорижий мамлакатлар халкларининг тўккиз тилида нашр этилаётган овет Ўзбекистони» журнали ва ҳоказолар хусусидаги маколалар айни шу максад учун хизмат килар. М. Лафасов маколалар учун масъулиятни ошириш мақсадида энциклопедияларда уларнинг аллифларини кўрсатишни таклиф қилади.

Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институти ходимлари — тарих фанлари ктори Қ. Фозилхўжаев, тарих фанлари кандидати А. Қосимов, философия фанлари кандидати Чамкин «Хужум», «Тошкент руҳи», «Музейлар», «Буржуазия» маколаларида, атокли партия ва влат арбоблари А. Раҳимбоев ва Т. Рискуловлар тўғрисидаги мақолаларда фактик ва рақамларда аниклик ва хатолар борлигини таъкидлаб, Тошкент эски шаҳар қисми ревкомининг раиси, Осипов ёнини тор-мор этиш ташкилотчиларидан бири бўлган С. Турсунхўжаев тўғрисида материал берилмалигини кўрсатадилар.

Журналист, тадкикотчи Я. Шермуҳамедов «Тошкент» энциклопедияси хусусида жиддий танкидий лоҳазалар билдирган, республиканинг кўпгина олимлари, философ, тарихчи, адабиётшунослари нг фикрига қўшилдилар. Жумладан, Тошкент тарихининг билимдонларидан бири, тарих фанлари ктори М. Ғ. Ваҳобов шундай деб таъкидлайди: «Биз редакция томонидан нафакат бу асарда «(Тошнт» энциклопедиясида **Ред.**), балки бир томлик ва кўп томлик Ўзбекистон ССР энциклопедиялари ҳам йўл қўйилган камчилик ва нуксонлар ҳакида бир талай фактлар келтиришимиз мумкин эди».

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти Ўзбекистон тарихи кафедрасининг мудири, рих фанлари кандидати М. Раҳимов, тарих фанлари кандидати Н. Норкулов таъкидлаганидек, «Тошт» энциклопедияси нафакат мамлакатимиздаги, балки бутун дунёдаги кўпгина шаҳарлар билан тлик ва кардошлик ришталари оркали боғланган шахарнинг бой ўтмиши ҳамда ҳозирги куни тўғридаги асосий факт на материаллар манбаи бўлиб хизмат килиши керак эди. Лекин, афсуски, у ана ндай нашрга айланмаган. Унда атокли олимлар, шоирлар, тарих ва маданият обидалари хусусида ур материаллар берилмаган. Масалан, XI—XV асрларда яшаган Шарафиддин Илоқий, Муҳаммад окий, Абубакр Шоший, Али Банокатий, Абу Сулаймон Банокатий, Бадриддин Чочий, Ҳамидиддин икандий, Ҳофиз Тошкандий сингари ва бошка йирик олимлар тўғрисида ҳикоя килиб бериш керак . Энциклопедияда жой номларининг этимологик мазмуни очиб берилмаганлигини тушуниш қийин, таъкидлашади яна М. Раҳимов билан Н. Норкулов. Зотан, улар ўз номлари оркали муайян жой

тарихини, ҳаммаси биргаликда эса шаҳар тарихини ўзларида мужассамлантирганлар. Алалхусус, ўзбек бўлмаган миллатларга мансуб китобхон, мисол учун, Оқлон, Ачавот, Бойкўча, Жанггоҳ, Дўмбиробод, Занжирлик, Қалковуз, Қамолон, Шатак, Яланқар ва ҳоказо маҳаллалар номларининг маъноси ва келиб чиқишини қандай билиб олиши мумкин? Энциклопедияда инқилобдан олдинги босмахоналар ҳамда уларда нашр этилган газета ва журналлар, мустамлака давридаги Туркистоннинг давлат муассасалари ва арбоблари, Тошкент билан боғлиқ ўзбек инқилобчиларининг ҳаёти ва фаолияти, Сергей Есенин музейи ва ҳоказолар тўғрисида маълумот берилмаган.

«Тошкент» энциклопедиясининг сифати пастлиги, уни жиддий равишда қайта ишлаш ҳамда тўлдириш зарурлиги хусусида тарих фанлари докторлари Т. Саидқулов, С. Тлеукулов, А. Нуруллаев, филология фанлари докторлари Н. Маллаев, О. Тоғаев, философия фанлари доктори М. Ҳасанов, философия фанлари кандидатлари А. Ғаниев, Н. Бердиев, В. Тактаев, филология фанлари кандидатлари Т. Бобоев, Ю. Эшонкулов, С. Очилов, тарих фанлари кандидатлари А. Абдувалиев, М. Ҳасанов, «Ўқитувчилар газетаси» муҳаррири А. Долимов, «Санъат» журнали бош муҳаррири ўринбосари М. Сафаров ва бошқалар ўз фикрларини изҳор этганлар.

Қисқаси, республикада кейинги йигирма йил мобайнида нашр этилган энциклопедияларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар талайгина. Вазифа ушбу асарларни қайтадан нашр этиш чоғида уларни биргаликда бартараф этишдан иборатдир.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41
Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01, 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02, 32-78-... масъул котиб —32-58-03, 33-60-42; масъул котиб ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назария — 32-58-65; партия ва совет жамияти тарихи — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иқтисодий проблемалар — 32-58-71; фан, маданият ва таълим — 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир **Э. А. Кушм...**

Теришга берилди 12.05.1989 йил. Босишга рухсат этилди 13.06.1989 й. **Формати** 70×108 ... Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар ... Нашриёт ҳисоб листи 9,8. Тиражи 24279. Нашр № Б-54. Буюртма № 910. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ISSN 0134—2193 «Ўзбекистон коммунисти», б. 1— 96.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



7
ИЮЛЬ
1989

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 7
ИЮЛЬ
1989 йил

1920 йил декабридан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади

Коммунистик партия қайта қуришнинг ташаббускори ва асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиқар экан, ҳозир мана шу революцион жараённинг, уни ҳам консерватив, ҳам ўта сўл унсурлар тажовузларидан ҳимоя қилишнинг кафили бўлиб турибди. Айни Коммунистик партия бирлаштирувчи куч ролини бажаришга қодирдир, шундай бўлмаса социализмни янгилаш ишини муваффақиятли равишда ниҳоясига етказиб бўлмайди.

М. С. Горбачевнинг СССР халқ депутатлари съездида 1989 йил 30 майда қилган докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**
Ўрток Михаил Сергеевич **Горбачев** СССР Олий Советининг Раиси қилиб сайлансин.

Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ

Михаил Сергеевич Горбачев Ставрополь ўлкаси Красногвардейский районидаги Привольний қишлоғида 1931 йил 2 март куни деҳқон оиласида туғилди. 13 ёшидан бошлаб вақти-вақти билан колхозда ишлади, 15 ёшидан МТС комбайнчисининг ёрдамчиси бўлди, далада меҳнат қилиш билан бирга ўқиди. М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг юридик факультетини (1955 йил) ва Ставрополь қишлоқ хўжалик институтининг иқтисод факультетини сиртдан (1967 йил) тамомлади.

Университетни битиргач, ўз юртида, Ставрополь ўлкасида юристлик ихтисоси бўйича ишлай бошлади, бироқ тез орада комсомол ишига кўтарилди: ВЛКСМ ўлка комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, ВЛКСМ Ставрополь шаҳар комитетининг биринчи секретари, ВЛКСМ ўлка комитетининг иккинчи, сўнгра эса биринчи секретари бўлди.

1962 йилнинг мартида Ставрополь территориал-ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармасининг партия ташкилотчиси этиб кўтарилди, ўша йилнинг декабрида эса КПСС ўлка комитети партия органлари бўлимининг мудири қилиб тасдиқланди. 1966 йилнинг сентябрида Ставрополь шаҳар партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланади. 1968 йилнинг августидан бошлаб, КПСС Ставрополь ўлка комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлайди, 1970 йилнинг апрелида эса КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари этиб сайланади.

1971 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. Партия XXII, XXIV, XXV, XXVI ва XXVII съездларининг, XIX партия конференциясининг делегати бўлди. 1978 йилда КПСС Марказий Комитетининг секретари, 1979 йилда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди. 1980 йилнинг октябрида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюро аъзолигига кандидатликдан аъзоликка ўтказилди.

1985 йилдан бери КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари. Бир неча чақириқ СССР Олий Советининг депутати, Олий Совет Президиумининг аъзоси, 1988 йилдан бошлаб СССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлди. У СССР Мудофаа кенгашининг раисидир.

1989 йил 25 май куни СССР халқ депутатларининг съездида СССР Олий Советининг Раиси қилиб сайланди.

Бир қанча давлат мукофотлари: учта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Хурмат Белгиси орденлари, медалларга сазовор бўлган.

Михаил Сергеевич Горбачев — совет жамияти турмушининг барча соҳаларини қайта қуриш революцион жараёнининг ташаббускоридир. Дунёда тобора кўпроқ қарор топаётган янгича сиёсий тафаккур концепцияси, хавф-хатарсиз, ядросиз дунёни барпо этишдаги катта-катта ташаббуслар комплекси унинг номи билан боғланган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1989 йил 2 июнь куни КПСС Марказий Қомитетининг Пленуми бўлди. Пленум СССР халқ депутатлари съездига ва СССР Олий Советининг бўлажак сессиясига бағишланди.

КПСС Марказий Қомитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Пленумда шу масалалар юзасидан нутқ сўзлади.

Пленумда: СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, СССР алоқа воситалари саноати министри Э. Қ. Первишин, КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари В. Г. Афонин, СССР машинасозлик министри Б. М. Белоусов, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. Қ. Месяц, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. Қ. Полозков, Украина Компартияси Харьков область комитетининг биринчи секретари В. П. Мисниченко, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Назарбоев, Тоғли Қорабоғ автоном областн алоҳида бошқарув комитетининг раиси, КПСС Марказий Қомитети бўлимининг мудири А. И. Вольский, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари В. И. Потапов, Украина ССР Фанлар академиясининг президенти Б. Е. Патон, КПСС Чечен-Ингушия область комитетининг биринчи секретари В. Қ. Фотеев, КПСС Липецк область комитетининг биринчи секретари Ю. А. Манаенков, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари Н. И. Мальков, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари Б. М. Володин, КПСС Марказий Қомитети ҳузуридаги Партия контроли комитети раисининг ўринбосари П. Я. Слезко, КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари Ю. И. Литвинцев, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари Е. Д. Похитайло, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Қарпов, КПСС Тува область комитетининг биринчи секретари Г. Ч. Ширшин, КПСС Вологда область комитетининг биринчи секретари В. А. Купцов, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, КПСС Қемерово область комитетининг биринчи секретари А. Г. Мельников, КПСС Рязань область комитетининг биринчи секретари Л. И. Хитрун, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси В. И. Воротников, КПСС Марказий Қомитетининг секретари В. А. Медведев нутқ сўзладилар.

Пленум Н. И. Рижковни СССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлаш учун тавсия қилди.

Пировардида Пленумда КПСС Марказий Қомитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Қомитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқ депутатларининг съезди халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, мамлакатдаги олий давлат ҳокимиятини тўла-тўкис ўз зиммасига олади.

Халқ ўз тақдирини депутатларга ишониб топширди, бинобарин, унинг наказини бажаришдан ҳам олижаноброқ бурч йўқ.

I.

Съезд СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги, СССР Министрлар Совети Раиси Н. И. Рижковнинг ҳукуматнинг келажакдаги фаолият программаси ҳақидаги докладларини тинглаб ва муҳокама қилиб, шуни қайд этадики, мамлакат ўз тарихининг қайта қуриш тақдири, кўп миллатли Ватанимиз келажаги ҳал бўлаётган бениҳоя масъулиятли пайтини бошидан кечирмоқда.

Партиянинг ташаббуси билан бошланган ижтимоий турмуш барча соҳаларини чуқур қайта қуриш мамлакатни 80-йилларнинг бошларида тушиб қолган кўда таҳликали тангликдан чиқариб олиши, унинг тараққиётига халақит бераётган ҳамма иллатлардан қатъий халос қилиши, социализмга замонавий қиёфа бахш этиши, совет жамияти олдида ижтимоий тараққиётнинг янги уфқларини очиши лозим.

Янгиланиш тўлқини бутун халқни уйғотди ва оёққа турғазди. Сиёсатда, иқтисодиётда, маданиятда ижтимоий турмушнинг янги усулларини ўзлаштириш жараёни гарчи қийинчилик билан бўлса ҳам давом этмоқда. Иқтисодий ислоҳот дастлабки одимларини қўймоқда. Сиёсий системани қайта қуриш бошланди. Ҳуқуқий давлат негизлари яратилмоқда. Ижтимоий онгда чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Аҳолининг барча табақалари сиёсат билан шуғулланадиган жўшқин қараён ривожланиб бормоқда.

Съезд халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, қайта қуриш йўлида муттасил олға бориш тарафдори эканлигини билдирмоқда. Шу билан бирга, съезд қайта қуриш жараёни қийинчилик билан, зиддиятли тарзда амалга ошаётганини, мамлакатдаги аҳвол мураккаб ва кескин бўлиб турганлигини таъкидлайди. У ҳали кризис ҳолатидан чиққани йўқ. Ижтимоий турмушни янгилаш эски структуралар ва иш усулларининг, сийқа тафаккурнинг ашовчанлигига дуч келмоқда. Бир томондан, қолоқ кучларнинг қаршилигини бартараф этишга тўғри келмоқда, иккинчи томондан, кескин кайфиятлар сезилиб турибди, объектив шарт-шароитлар билан ҳисоблашмай, бирваракайига ҳамма муаммоларни ҳал қилиш керак, деган талаблар эшитилмоқда.

Қайта қуриш катта умидларни юзага келтирди, бироқ, ҳозирча, айниқса иқтисодий ва социал соҳаларда кўнгилдаги натижаларни бергани йўқ. Айрим муаммолар ҳатто чигаллашиб, жамиятдаги социал кескинликни кучайтириб борди. Молиявий системанинг издан чиққанлиги, бозорнинг мувозанатсизлиги, кўпгина моллар ва хизматлар камомади ошиб бораётганлиги ишлаб чиқариш соҳасида бошланган ижобий ўзгартишларни йўққа чиқармоқда. Сарфланаётган куч-ғайратларга қарамай, озиқ-овқат ва уй-жой муаммолари ўткирлигича қол-

моқда. Экология вазияти мураккаблашмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси айниқса аҳолининг кам ҳақ оладиган табақалари турмуш шароитига салбий таъсир қилмоқда.

Халқ хўжалигини инсон эҳтиёжларини қондириш сари буриб юбориш суст амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражасини ва самарадорлигини оширишда жиддий силжишларга эришилмаяпти. Капитал маблағларни сочиб юбориш давом этмоқда, чала қолган қурилишлар ҳажми кўпаймоқда.

Комплекс ёндашувнинг йўқлиги, изчил ва қатъий ҳаракат қилинмаслиги оқибатида иқтисодий ислоҳотни ўтказишда, янги хўжалик механизмини шакллантиришда катта камчиликларга йўл қўйилмоқда. Маъмуриятчилик-буйруқбозлик системаси қайта қуриш шароитига мослашиб олиб, иқтисодий тараққиётни ҳали ҳам бўғиб турибди. Бесўнақай бошқарув аппарати хўжалик ҳисоби муносабатларини ва иқтисодий турмушни ташкил этишнинг бошқа илғор усулларини жорий этишга, омманинг ташаббусига йўл бермаяпти. Меҳнатга ҳақ тўлашдаги текисчилик, тайёрга-айёрлик, маҳаллийчилик ва маҳкамачилик, группавий худбинлик бартараф этилмаган.

Сиёсий ислоҳот, жамиятни демократиялаш йўлида ҳам жиддий муаммолар келиб чиқмоқда. Советлар ва уларнинг ижроия органлари ишида раҳбарликнинг янги вазифалари ва усуллари секинлик билан ўзлаштирилмоқда, омманинг ижтимоий активлик даражаси ошиб бораётганлиги эътиборга олинмаяпти, меҳнаткашлар ташаббускорлик ҳаракатларининг ижобий имкониятларига етарли баҳо берилмаяпти. Корхоналарга, колхоз ва совхозларга, кооперативларга ва ижарачиларга нисбатан маъмуриятчилик практикаси тўхтатилмаяпти.

Мамлакатда интизом ва масъулият сусайиб кетганини, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кўпайганини съезд ҳаддан ташқари ташвишли ҳол, деб қайд этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг уюшган жиноятчиликка ва порахўрликка қарши кураш соҳасидаги ишида катта камчиликлар бор.

Демократиялаш ва ошкоралик вазиятида миллатлараро муносабатлар соҳасида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар бутун ўткирлиги билан намоён бўлди. Хатарли можаро манбалари очилиб, жиддий равишда ҳаддан ошишларга айланиб кетмоқда. Ленинча миллий сиёсатни кўп йиллар давомида бузиб ва сохталаштириб келинганлиги, мамлакат миллатлари ва элатларининг қонуний манфаатлари узоқ вақт писанд қилинмаганлиги ўзини кўрсатмоқда. Бир қанча республикалар ва регионларнинг социал-иқтисодий тараққиётида катта хатоликлар, бартараф этилмаган миграция жараёнлари рўй берди. Миллий тиллар ва маданиятларни, айниқса оз сонли халқларнинг миллий тиллари ва маданиятларини ривожлантиришдаги бир талай ҳал этилмаган муаммолар сезилиб қолди.

СССР халқ депутатларининг съезди шуни қайд этадики, совет халқи — ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлилар мамлакатимиздаги барча социал табақалар, ҳамма миллат ва элатлар халқ депутатлари сайловида қайта қуриш сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар. Шу билан бирга сайловчилар уни янада қатъият ва изчиллик билан ўтказишни қаттиқ туриб талаб қилдилар.

Съезд СССР Олий Советининг ва у тузадиган СССР Министрлар Советининг зиммасига бошланган ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, салбий тенденцияларнинг кучайишини тўхтатиш, энг зарур муаммоларни жуда қисқа муддатларда ҳал этиш ва мамлакатни тараққиёт йўлидан келгусида олға силжитиш учун мустаҳкам асослар яратиш мақсадида узил-кесил чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифасини юклайди.

СССР Олий Совети билан СССР Министрлар Совети депутатларнинг съездда айтган аниқ-равшан таклифларини синчиклаб таҳлил этсинлар ва умумлаштирсинлар, қонун чиқарувчилик практикасида, ҳукуматнинг, министрликлар ва идораларнинг фаолиятида шу таклифларни эътиборга олсинлар ҳамда шу ҳақда халқ депутатларига ахборот берсинлар.

II.

Жамиятнинг ва жамият ҳар бир аъзосининг моддий фаровонлиги, маънавий камолоти ва ахлоқий соғломлиги Совет давлати фаолиятининг олий маъносидир.

Съезд давлат органларидан инсонга, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини янада демократиялаш ва инсонпарварлаштиришга, уни маънавий янгилашга, социал адолат принципини изчиллик билан ўтказишга эътиборни қатъиян буришни талаб қилади.

Халқнинг турмуш даражасини тубдан оширишга эришиш учун вақт керак, ишлаб чиқариш самарадорлигини жиддий равишда ошириш, меҳнат коллективларининг, хўжалик органларининг, бутун жамоатчиликнинг кун сайин бунёдкорлик куч-ғайратлари керак. Аммо ҳеч кечиктирмай ҳал этилиши лозим бўлган масалалар бор.

Съезд СССР Олий Совети билан СССР Министрлар Советига истеъмол бозоридаги вазиятни жуда яқин вақт ичида барқарорлаштириш, энг зарур моллар ва хизматлар камчиллигини тугатиш учун зудлик билан чора-тадбирлар кўришни топширади. Съезд янги пенсия қонуни қабул этилишини кутмай, дарҳол, 1990 йил 1 январидан кечиктирмай:

— барча гражданларнинг қарилик пенсиялари минимал миқдорини минимал иш ҳақи даражасигача кўтариб, шу билан бирга колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг пенсия таъминотидаги тафовутни тугатиш;

— 1 ва 2 группа инвалидларининг, ҳалок бўлган жангчилар бевалари ва ота оналарининг пенсиялари минимал миқдорини ошириб, имтиёзлар жиҳатидан уларни Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига тенглаштириш;

— Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг бевалари ва ота-оналарига дори-дармонни бепул олиш ҳуқуқини, шунингдек уруш қатнашчиларига, уруш йилларидаги фидокорона меҳнати учун орден ва медаллар билан мукофотланган кишиларга ички шаҳар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқини бериш;

— медицина муассасаларида, шунингдек идораларга қарашли санаторий ва дам олиш уйларида беморларни боқишдаги мавжуд фарқларни йўқотиш;

— меҳнат ҳақи миқдоридан қатъий назар ишчи ва мастер бўлиб ишлаётган пенсионерларга, шунингдек халқ хўжалигида банд бўлган барча инвалид пенсионерларга пенсия тўлашдаги чеклашларни бекор қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

Шу масалаларга, жумладан, молиявий таъминланиш манбаларига оид аниқлавшан таклифларни СССР Министрлар Совети уч ой муддат ичида СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этсин.

Съезд совет кишиларининг турмуш ва меҳнатининг социал шароитлари бутун комплексини яхшилаш мақсадида СССР Олий Совети билан СССР Министрлар Совети зиммасига уларнинг ҳуқуқ доирасига мувофиқ қуйидаги тадбирларни амалга ошириш вазифасини юклайди:

— замонавий аграр сиёсатни ўтказиш, шу жумладан қишлоқдаги социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини чуқур қайта қуриш, турмуш шароитини тубдан яхшилаш, агросаноат ишлаб чиқаришининг моддий базасини мустаҳкамлаш асосида озиқ-овқат муаммосининг ҳал этилиши тезлаштирилсин;

— юқори сифатли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизматларни тез кўпайтириш таъминлансин, бунинг учун тегишли иқтисодий структуралар вужудга келтирилсин. Бу ишга мудофаа саноати, оғир ва қурилиш индустриясининг корхоналари жалб қилинсин;

— уй-жой қурилиши, аввало кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши анча кенгайтирилсин. Шу мақсадлар учун қурилиш ташкилотларининг зарур қувватлари ҳамда ишлаб чиқариш қурилишини қисқартириш ҳисобига моддий-молиявий ресурслар бўшатиб олинсин. Қурилиш индустриясининг базасини мустаҳкамлаш ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шаҳарларнинг ва қишлоқ манзилгоҳларининг меъморий қиёфасини, мавжуд уй-жой фондининг, коммунал хўжалигининг ободончилигини тубдан яхшилаш чоралари кўрилсин;

— соғлиқни сақлаш ва аҳолини дори-дармон билан таъминлаш сифати анча оширилишига эришилсин. Замонавий аппаратлар билан таъминланган касалхона ва поликлиникалар тармоғини, шунингдек замонавий дори-дармон воситалари ва медицина техникаси ишлаб чиқарадиган корхоналар тармоғини кенгайтириш учун қўшимча маблағ манбалари қидириб топилсин ва ажратилган ресурслар оқилона ўзлаштирилсин; медицина техникаси ишлаб чиқариш халқ

истеъмол қиладиган устун моллар қаторига қўшилсин, сиҳат-саломатликни мустаҳкамлашнинг ва касалга чалинишни камайтиришнинг самарали воситаси бўлмиш оммавий физкультура ва спорт ҳар томонлама ривожлантирилсин;

— отпусканинг минимал муддатини 24 иш кунигача ва болаларни боқиш учун бериладиган отпускани гўдак уч ёшга етгунча узайтириш имконияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилсин;

— йигит-қизларнинг мустақил ва ижтимоий-сиёсий турмушга қўшилиши социал, иқтисодий шароитлари ва бошқа шароитлари яхшилансин; давлатнинг ёшларга оид сиёсатини молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширилсин. Ёшларнинг аҳволи тўғрисидаги масалани тайёрлаб, СССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этилсин;

— хотин-қизлар дуч келаётган кўпдан-кўп ўткир муаммолар тезроқ ҳал этилсин, СССРдаги хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашга, шу жумладан оила, оналик ва болалик, хотин-қизлар меҳнатини ва сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, рўзғор ишларини ва турмуш юмушларини енгиллаштириш масалаларига оид давлат программаси ишлаб чиқилсин;

— уруш ва меҳнат ветеранларига, Афғонистондаги уруш қатнашчиларига эътибор кучайтирилсин, уларнинг зарур муаммолари биринчи галда ҳал этиб берилсин;

— инвалидларнинг жисмоний жиҳатдан, меҳнатда ва социал соҳада соғайиб кетишларига, уларнинг таълим олишига ва касб-кор ўрганишига, меҳнат ҳаётига қўшилишларига, айни вақтда мавжуд имтиёзларни сақлаб қолишига имкони борича кўпроқ кўмаклашилсин;

— ўз манбалари ва фондлари ҳисобидан хотин-қизларни, уруш ва меҳнат ветеранларини, инвалидларни қўшимча имтиёзлар билан таъминлаётган республикалар ва меҳнат коллективларининг ташаббуси маъқуллансин;

— 1990 йилгача умумдавлат экология программасини ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилсин, унга атроф табиий муҳитини соғломлаштиришга оид ҳам биринчи галдаги, ҳам узоқ муддатли чора-тадбирлар киритилсин. Экологик кулфат зоналарига алоҳида эътибор берилсин. Каналлар, химиявий корхоналар, атом электр станциялари қурилиши лойиҳалари экологик хавфсизлик нуқтаи назаридан ва экономиканинг эҳтиёжларини эътиборга олиб, пухта кўриб чиқилиши ва шу қурилишлар устидан назорат ўрнатилиши таъминлансин. Табиий ресурслардан фойдаланилиши устидан давлат назорати кучайтирилсин, атроф муҳитнинг сифати тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилиши таъминлансин.

Съезд ичкиликбозлик миқёслари қисқармаётганлиги, алкоголизмга қарши тадбирлар самарасизлиги, самогон қилиш ва гиёҳвандлик тарқалиб бораётганлиги муносабати билан жиддий ташвиш билдиради ва мазкур ҳодисаларга қарши кескин курашишни талаб қилади.

Социал адолат принципини изчиллик билан амалга ошириш, текисчилик ва ўртача хулосаларга қараб фикр юритишни батамом бартараф қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча органлари, жамоат ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак. Съезд фақат меҳнат натижалари ва сифатига мувофиқ иш ҳақини оширишни, айни вақтда даромадларга прогрессив усулда солиқ солишни асосли, деб ҳисоблайди.

Съезд СССР Министрлар Советига 1989 йилнинг охиригача:

— пенсия таъминотининг янги системасини жорий этиш масалаларини, шу жумладан ҳар йилнинг охирида тирикчилик қиймати индексини эътиборга олиб, пенсияларга тузатишлар киритиб бориш механизмини, шунингдек аҳоли айрим категорияларининг пенсия таъминотини яхшилаш тўғрисида СССР халқ депутатлари киритган таклифларни пухта ишлаб чиқишни;

— оила аъзосига тўғри келадиган даромад тирикчилик минимумидан кам бўлган кишилар учун компенсация чоралари (қўшимча ҳақ тўлаш, дори-дармон, болалар кийим-кечаги ва шу кабиларни сотиб олиш учун дотациялар) системасини ишлаб чиқишни, 1990 йилдан бошлаб оила аъзоси ҳисобига тирикчилик минимумини ҳар йили ҳисоблаб чиқишни уюштиришни;

— СССР Олий Советига ҳамма шаклларда вужудга келган имтиёз ва енгилликлар системаси таҳлилини тақдим этишни ҳамда имтиёзлар ва енгилликлар

билан боғлиқ бўлган ҳар қандай масалани ҳал этишда имкони борича ошкораликни таъминлашни топширади.

Илмий билимларда, санъат қадриятларида, халқ анъаналарида, кундалик феъл-атвор қоидаларида мужассамлашган сиёсий, маънавий, меҳнат маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришни съезд совет жамиятини янгилашнинг, уни инсонпарварлаштириш ва маънавий жиҳатдан юксалтиришнинг муҳим шарти, деб ҳисоблайди. Маданиятни қатъиян юксалтирмай, ошкораликни кенгайтирмай туриб, жамиятни демократиялашда, инсон истеъдодлари, қобилиятлари ва иқтидорини ривожлантиришда барқарор муваффақиятларга эришиб бўлмайди.

СССР халқ депутатлари съезди маданият соҳасида бадиий ижодкорлик эркинлигини, меҳнаткашларнинг инсон маънавий дунёсини бойитадиган маданият ютуқларидан бемалол баҳраманд бўлишини таъминлайдиган сиёсат ва практикага содиқ эканини билдиради.

Съезд маданиятга, ижодкор зиёлиларга муносабатнинг ленинча принципларини изчиллик билан амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди, бу принциплар маъмуриятчиликнинг ҳар қандай кўринишларини истисно этади ва ўтмиш меросига, унинг энг яхши анъаналарига, давлат рамзларига ва миллий обидаларга авайлаб муносабатда бўлишни қоида тусига киритади. Маданиятни ривожлантириш ва жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш мақсадида СССР Олий Совети билан СССР Министрлар Советига узоқ муддатли программани ишлаб чиқиш топширилсин, унда жамиятнинг маънавий имкониятларини саклаб қолиш ва кўпайтириш, халқнинг тобора кенг қатламларини маданий бойликлардан баҳраманд этиш, замонавий таълим ва тарбия системасини янгилаш ва вужудга келтириш, маданият, фан ва таълимнинг, нашриётчилик ишининг моддий базасини мустаҳкамлаш, шу соҳанинг кам ҳақ оладиган ходимлари турмуш даражасини дарҳол ошириш кўзда тутилсин. Социал-маданий мақсадларга маблағларни устун даражада ажратиб бериш таъминлансин.

Ҳозирги шароитда жамият интеллектуал имкониятларини кўпайтиришнинг бош манбаи — бутун таълим ва тарбия системасини сифат жиҳатдан янгилаш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Съезд замонавий таълим системасини вужудга келтириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан уни ҳисоблаш техникаси билан жиҳозлаш, халқ ўқитувчисининг, таълим системаси барча ходимларининг социал статусини ошириш зарурлигини қатъият билан таъкидлайди. Умумдавлат тадбирларини амалга ошириш билан бирга бу вазифаларни ҳал этишда республика ва маҳаллий органларни, меҳнат коллективлар, жамоат ҳаракатлари ва хайрия фондларини фаолроқ жалб қилиш зарур.

III.

Съезд иқтисодий соҳада туб ўзгартишларни амалга оширишга биринчи даражали аҳамият беради, уларни қайта қуришнинг пойдевори ва қайта қуриш мақсадларига эришишнинг ҳал қилувчи омили деб ҳисоблайди. Экономикада, мулкий муносабатларда, хўжалик механизмида туб ўзгаришларсиз съезд ўртага қўйган социал программани бажариб бўлмайди.

Съезд М. С. Горбачев билан Н. И. Рижков докладларида баён қилиб берилган халқ хўжалигини соғломлаштиришга, бюджет камомадини кескин камайтиришга, пул оборотини тартибга солишга, истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга доир таклифларни асосан маъқуллайди ва халқ депутатлари айтган таклифларни ҳисобга олиб, мамлакатнинг иқтисодий аҳволини барқарор қилиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўришни талаб қилади. Тегишли таклифлар 1989 йил топшириқларининг қандай бажарилаётгани, 1990 йил плани ва бюджети лойиҳаси муҳокама қилинаётган пайтда Иттифоқ Советининг План ва бюджет-молия комиссиясида, палаталарнинг бошқа комиссияларида ва СССР Олий Советининг комитетларида муҳокама этилсин ва ҳисобга олинсин. Бюджетнинг даромад қисмини ташкил этиш ва унинг харажатлари билан боғлиқ бўлган барча масалаларни СССР Олий Совети уларни комитетлар ва комиссиялар пухта, ҳар томонлама ва ошкора муҳокама қилгандан сўнг қабул қилиши лозим.

Экономикани ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини ҳал қилиш чоғи-

да Ватанимиз ва жаҳон фанининг энг янги ютуқлари асосида ишлаб чиқаришни техника билан тубдан қайта қуроллантиришга, илғор технологияларни, аввало электроника, информатика, беотехнологияни жорий этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Съезд илмий билимларнинг барча соҳаларида ҳам фундаментал ҳам амалий тадқиқотларни кенг авж олдириш, илмий изланишларнинг ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни, техника ва технологияни сифат жиҳатдан ўзгартиришни таъминлайдиган энг истиқболли йўналишларида катта муваффақиятларга эришиш зарурлигини таъкидлайди.

Халқ хўжалиги структурасини тубдан янгилашни, инвестиция сиёсатини бутунлай ўзгартиришни, бир вақтнинг ўзида қуриладиган объектлар сонини кескин даражада қисқартиришни, ўн учинчи беш йилликнинг бошида тугалланмаган қурилишлар ҳажмини нормада белгиланган даражага етказишни амалга ошириш керак бўлади. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун капитал маблағ сарфлаш умумий ҳажми анча камайтирилсин. СССР Олий Советининг тегишли комитетлари ва палаталарнинг комиссиялари аҳволни таҳлил қилиб, қурилаётган ва лойиҳалаштирилаётган кенг миқёсли объектларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаб беришлари лозим.

СССР Энергетика программасига ўзгартиш киритиш, унинг кенг муҳокамасини ўтказиш ҳукуматга топширилсин.

Экономикани ривожлантириш ҳамда социал вазифаларни ҳал этиш учун ҳарбий харажатларни қисқартириб, оқилона етарли даражага келтириш, космик тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, халқ хўжалигида космик техника ютуқларидан кенг фойдаланиш ҳисобига қўшимча ресурслар қидириб топилсин. СССР Министрлар Совети мудофаа саноати конверсияси программасини 1989 йил охирига қадар ишлаб чиқсин. Бунда бўшаб қоладиган қувватлар ва моддий ресурслардан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳамда енгил саноат, агросаноат комплекси, савдо, умумий овқатланиш ва соғлиқни сақлаш учун ускуналар ишлаб чиқаришда фойдаланилсин. Қуролли кучларни қисқартириш муносабати билан бўшаб қолаётган маблағларнинг бир қисмидан ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш учун фойдаланилсин.

Съезд халқ хўжалигида жуда катта нобудгарчиликларга йўл қўйилаётганлиги, меҳнат ва ишлаб чиқариш интозоми, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари кўплаб бузилаётганлиги, ўтакетган хўжасизлик ва масъулиятсизликдан жиддий ташвиш билдиради. Съезд СССР ҳукуматидан, совет ва хўжалик органларидан бундай ҳолларнинг пайини қирқиш учун қатъий чоралар кўришни талаб қилади ҳамда халқ депутатлари Советларига, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларига, меҳнат коллективларига мурожаат қилиб, ҳамма жойда нобудгарчилик ва хўжасизликка қарши, меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш учун умуммиллий кампанияни авж олдириб юборишга чақиради.

Съезд қишлоқ хўжалигини, агросаноат комплексининг барча тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур, деб ҳисоблайди. СССР Олий Совети ер ва ердан фойдаланиш тўғрисидаги Қонунни тубдан янгиласин. Ерни унда ишлайдиган кишиларга ижарага бериш, жумладан муддатсиз ижарага бериш йўлидан дадилроқ бориш зарур. Ерни ижарага бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш маҳаллий Советлар зиммасига юклатилиб, уларнинг ваколатлари қонун йўли билан кенгайтирилсин. Колхозлар ва совхозлар билан бир қаторда хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари — агрофирмалар, кооперативлар, ижарачи коллективлар, деҳқон хўжаликлари ривожлантирилсин, уларнинг тенг ҳуқуқлилик асосида мусобақалашуви учун шароит яратилсин. Қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасида тенг муносабатлар, моддий-техника ресурслари қишлоқ хўжалигига биринчи навбатда етказиб берилиши таъминлансин, унинг структурасидаги ўзгаришлар ҳисобга олиниб, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш қайта қурилсин. Аграр секторнинг социал базаси мустаҳкамлансин, қишлоқ хўжалик корхоналарига буйруқ беришга ҳар қандай уринишларга қатъий чек қўйилсин.

Аграр соҳа халқ депутатлари группасининг съездга мурожаати қўллаб-қувватлансин ва СССР ҳукуматига бу мурожаатда ўртага қўйилган қишлоқни ривожлантиришнинг туб муаммоларини ҳал этишга дарҳол киришиш топширилсин.

СССР Министрлар Совети хўжаликларга юқори сифатли қўшимча махсу-

лот етказиб беришни унга дон ва озиқ-овқат маҳсулотларини чет мамлакатлардан сотиб олишни қисқартириш натижасида тежалган валюта билан ҳақ тўлаш орқали рағбатлантириш юзасидан эксперимент ўтказсин.

СССР Олий Совети, унинг комитетлари ва палаталарнинг комиссиялари, СССР Министрлар Совети 1991 — 1995 йилларда ва 2005 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг беш йиллик плани концепциялари ва асосий йўналишларини ишлаб чиқишга киришсинлар. Ана шу иш жараёнида иқтисодий ўсишни социал соҳага йўналтиришга, беш йиллик планнинг тўла мутаносиб бўлишига эришишга, республикалар ва маҳаллий Советларнинг мустақиллигини кенгайтиришга, ресурсларни тежаш масалаларига, аҳолини иш билан тўла ва самарали таъминлаш учун шароит яратишга алоҳида эътибор берилсин. Планлаштиришда ҳамда корхоналар ва территориялар хўжалик фаолияти натижаларига баҳо беришда ялпи миқдор кўрсаткичларидан фойдаланишдан воз кечилсин.

Съезд туб иқтисодий ислоҳотни оғишмай ўтказишни, планлаштириш методларини, молиявий воситаларни, нархларни, солиқларни, меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ўзгартириш, территориал хўжалик ҳисобини жорий этиш юзасидан ўзаро боғлиқ тадбирларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди. Тўпланган тажрибани ва йўл қўйилган хатоларни ҳисобга олиб, ислоҳотни амалга ошириш жараёнининг ўзини бошқаришни тубдан яхшилаш, ислоҳот принципларидан чекинишга йўл қўймаслик зарур. Ҳукуматда иқтисодий ислоҳот давлат комиссиясини тузиш зарур деб ҳисоблансин.

Съезд иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш мақсадида СССР Олий Совети ва СССР Министрлар Советига қуйидагиларни топширади:

— социалистик мулкнинг эксплуатацияни ва ходимни ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналаштиришни истисно қиладиган хилма-хил шаклларини ривожлантириш таъминлансин. Мулкнинг умумдавлат, маҳаллий (коммунал), кооператив шакллари, ижара ва улушбайга асосланган шакллари (акционерлик шакли), якка тартибдаги меҳнат фаолиятига асосланган шакли, шунингдек турли аралаш шакллари ривожланиши ва эркин мусобақа қилиши учун тенг ҳуқуқли шароит яратилсин, кооператив ҳаракатини ривожлантиришдаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш чоралари кўрилсин;

— яқин йилларда ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилишга босқичма-босқич ўтилсин, социалистик бозор, жумладан қимматбаҳо қоғоз ва инвестиция ресурслари бозори барпо этилиши учун шароит яратилсин. Иқтисодий мусобақани кенг ривожлантириш учун ва монополия қилиб олиш ҳодисаларига қарши курашиш учун зарур чоралар кўрилсин;

— зарар келтирадиган ва кам рентабелли корхоналар муаммосини, жумладан уларни ижарага топшириш, меҳнат коллективларининг кооператив мулкига айлантириш, бир қанча ҳолларда эса ёпиб қўйиш йўли билан ҳал этиш йўналишлари белгилансин;

— молия системасини тубдан қайта қуриш амалга оширилсин, ресурслар учун ҳақ тўлаш ва фойдадан (даромаддан) прогрессив солиқ ундириш системасига ўтилсин. СССР Давлат банкининг роли мустаҳкамланиб, мустақиллиги оширилсин. Кооператив ва савдо-сотиқ банклари, жумладан республика ва регионал банклар тузилишига кўмаклашилсин;

— ёнилғи-энергетика ва хом ашё ресурсларини чет мамлакатларга сотишни камайтириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш ва сўмнинг алмашувига босқичма-босқич ўтиш негизида импорт структурасини ўзгартириш программаси ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилсин.

Съезд ишлаб чиқариш корхоналари (бирлашмалари) ташаббускорлиги ва мустақиллигини иқтисодий ислоҳотнинг бошланиши сифатида ҳар томонлама ривожлантириш йўлини қўллаб-қувватлайди. Уларни тўла хўжалик ҳисобига изчиллик билан ва оғишмай ўтказишни, хўжалик ҳисобининг турли моделларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, пудрат, ижара, акционерлик ширкатларини ривожлантириш зарур.

Социалистик концернлар, тармоқлараро бирлашмалар, иттифоқлар ва бошқа уюшмалар ихтиёрийлик асосида барпо этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш лозим. Ана шу шаклларни ривожлантириш министрликларнинг вазифала-

рини тубдан ўзгартиришга, уларнинг сонини муттасил камайтириб боришга имкон беради.

Маъмурий фармойишлар ва буйруқларга эмас, балки бошқарувнинг қонун билан тартибга солинадиган иқтисодий усулларига асосланган хўжалик системасида марказнинг роли барча даражада самарали хўжалик фаолияти учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишдан, умумиттифоқ инфраструктурасини ривожлантиришдан, умумдавлат миқёсида илмий-техникавий, молиявий ва солиқ сиёсатини ўтказишдан, гражданларнинг социал жиҳатдан муҳофазасини таъминлашдан иборат бўлади.

Расмий манбалардан бериладиган бошқа ҳар қандай ахборот каби статистика ахборотининг ишончлилиги ва тўлалиги, пухталиги таъминлансин, пулнинг қадрсизланиши даражаси ва суръатлари тўғрисида объектив маълумотларнинг эълон қилиниши йўлга қўйилсин, мамлакат иқтисодий тараққиётига доир статистика кўрсаткичларининг халқаро практикада қабул қилинган тегишли кўрсаткичлар билан қиёсланиши таъминлансин.

IV.

Съезд Совет Социалистик Республикалари Иттифоқида бутун давлат ҳокимияти халқ қўлида бўлиб, халқ бу ҳокимиятни халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширишини тасдиқлайди.

Съезд XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ишлаб чиққан барча даражадаги партия ва давлат органлари ўртасида вазифаларни аниқ белгилаб қўйиш социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, барча жамоат ташкилотлари, шу жумладан КПСС ҳам СССР Конституцияси, совет қонунлари доирасида ҳаракат қиладиган принципни изчиллик билан амалга ошириш йўлини қўллаб-қувватлайди.

Съезд янги Конституция — ССР Иттифоқи Асосий қонунини тайёрлаш юзасидан дарҳол иш бошлаш, шу мақсадда Конституцион комиссия тузиш фикрини бир овоздан маъқуллайди. Янги Конституцияда инсонпарвар, демократик социализм принциплари мужассамлаштирилиши, Совет давлати тузилишининг социал-иқтисодий ва сиёсий негизлари, давлатнинг ленинча федератив тузилиши, ССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шартнома-конституцион табиати, автономия барча турларининг ривожлантирилиши, Советларнинг юксак статуси, инсоннинг дахлсиз ҳуқуқлари, шахснинг хавфсизлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганлиги тасдиқланиши керак. Янги Конституция шахсга сиғинишнинг, ўзбошимчаликнинг пайдо бўлишига, жамиятни бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари сақланиб қолишига йўл қўймайдиган социал-иқтисодий ва давлат структурасини ўзида мужассамлаштирмоғи лозим.

СССР Олий Советига депутатларнинг съездида айтган таклифларини ҳисобга олиб, амалдаги СССР Конституциясига киритиладиган зарур тузатишларни халқ депутатларининг навбатдаги съездига тайёрлаш топширилсин.

Съезд давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг устунлигини, беистисно барча гражданлар, мансабдор шахслар ва ташкилотларнинг қонун олдидаги тенглигини қарор топтиришга азму қарор берганлигини маълум қилади. Барча гражданлар хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавобгардирлар. Аммо, давлатнинг ўзи ҳам ўз органлари ва мансабдор шахслар тимсолида ўз ҳаракатлари ва қарорлари учун ҳар бир граждан ва бутун совет халқи олдида жавобгар бўлиши керак. Гражданлар, жамоат ташкилотлари, кооперативлар, корхоналарнинг социал-сиёсий ва иқтисодий фаолиятида «Қонун билан тақиқланмаган барча нарсаларга ижозат берилган» деган принцип изчиллик билан қарор топиши керак.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг асосий жиҳатлари қонун билан аниқ тартибга солиниши керак. Барча мансабдор шахсларнинг гражданлар ҳуқуқларини камситиб якка ўзлари ёки коллегиал тарзда қилган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Қонун — ҳуқуқий давлатнинг пойдевори, гражданлар ҳуқуқлари ва тенглигининг, жамиятдаги тартиб ва уюшқоқликнинг посбони, социал-адолат принципининг кафолатидир.

Съезд инсоннинг яшаши ва эркинлиги дахлсиз ҳуқуқлари, шахс ва уй-жойнинг дахлсизлиги ва хавфсизлиги, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаши ҳуқуқларининг ўзгармаслиги ва муқаддаслигини тан олишга асосланади. Инсон ҳуқуқлари ва халқлар ҳуқуқларининг бирор-бир йўсинда камситилишига йўл қўйиб бўлмайди. Совет қонунчилик системаси, суд, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ана шу ҳуқуқларни изчиллик ва қатъият билан амалга оширишлари ва ҳимоя қилишлари керак.

Халқаро нормалар ва принципларга, жумладан инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида, Хельсинки битимлари ва Вена учрашувидаги аҳдномаларда баён этилган норма ва принципларга таяниб, ички қонунларни ана шу ҳужжатларга мувофиқлаштириб, СССР ҳуқуқий давлатлар жаҳон ҳамжамиятини бунёд этишига кўмаклашади.

Съезд шуни таъкидлайдики, амалдаги СССР Конституциясига мувофиқ у ССР Иттифоқи ихтиёридаги барча масалаларни кўриб чиқишга ва ҳал этишга ҳақлидир. Айни вақтда съезд барча асосий қонун актларини узлуксиз ишлаб турадиган СССР Олий Совети ўз комитетлари ва палаталар комиссияларининг фаол иштирокида, муҳокаманинг ошкоралиги ва рўй-ростлигини, қарорлар ва таклифларнинг бошқа вариантлари киритилишини назарда тутадиган, аниқ-пухта ишлаб чиқилган, демократик иш тартибига мувофиқ тайёрлаши, муҳокама қилиши ва қабул этиши керак деб ҳисоблайди.

Съезд СССР Олий Советига навбатдаги съездга тақдим этиш учун СССР Олий Совети составини ҳар йили янгилаб бориш тартиби тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишни топширади.

Съезд СССР Олий Советига 1990 йилнинг бошларигача ҳаётнинг иқтисодий, социал ва сиёсий соҳаларида Советларнинг тўлаҳокимлиги акс этган, шунингдек, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка барҳам бериш тадбирлари изчил ва конкрет акс этган қонун актлари тайёрлашни топширади. Барча даражалардаги халқ депутатлари Советларини қайтадан тузиш, улар фаолияти методларини демократиялаш, ҳуқуқлари ва ваколатларини ҳар жиҳатдан кенгайтириш, уларга ижроия аппаратни албатта бўйсундириш — Советларга ҳокимиятнинг реал воситаларини қайтариб беришнинг зарур шартидир. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг ҳукуматлари ҳокимиятнинг олий органлари — съездлар ва олий Советларга батамом ҳисоб бериб туришлари ва улар олдида жавобгар бўлишлари керак. Барча маҳаллий ишларга раҳбарлик ўз-ўзини бошқариш принциплари асосида, гражданларнинг ташаббусларини имкони борича ривожлантириш, жамоат ташкилотлари ва демократик ҳаракатларнинг ролини ошириш негизида амалга оширилиши керак. Ҳокимиятнинг ваколати 1990 йилнинг февраль ойида тугайдиган республика ва маҳаллий органларига бўлажак сайловлар ана шу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишига хизмат қилиши лозим.

Мамлакатдаги демократик жараён амалий ривожланишнинг Конституцияда белгилаб қўйиладиган гарантияларини мустаҳкамлаш, сайлов системасини изчиллик билан демократиялаш, республикаларда сайлов қонунлари ишлаб чиқилаётганида СССР халқ депутатларига бўлиб ўтган сайлов тажрибасини тўлиқроқ ҳисобга олиш керак.

Иқтисодий ислоҳотни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш қонунчилик соҳасидаги ҳозирги шундай пайсалга солиб бўлмайдиган вазифадир. Съезд СССР Олий Советига социалистик корхона тўғрисида ягона қонун ишлаб чиқишни, шунингдек, ижара ва ижара муносабатлари, ягона солиқ системаси, республика хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик ҳақидаги қонунни тайёрлашни жадаллаштиришни топширади. СССР Олий Советига, иқтисодий ислоҳот масалалари комитетига палаталарнинг тегишли комиссиялари билан биргаликда республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш масалалари хусусида уларнинг таклифларини, Литва ССР ва Эстония ССР Олий Советларининг қонун лойиҳаси сифатида тақдим этилган ва ана шу республикаларни 1990 йилдан хўжалик ҳисобига ўтказишни назарда тутган таклифларини кўриб чиқиш топширилсин.

Яқин вақт ичида оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва уюшмалар фаолиятини қонун йўли билан тартибга солиш зарур.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

Съезд мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни қатъиян мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайди. Демократик тараққиёт маъмурий бебошлик, халқ хоҳиш-иродасини ифодалаш эркини чеклаш билан ҳам, хоҳиш-иродани зўравонлик ва экстремистларнинг ўзбошимчалиги билан алмаштириш йўли билан ҳам барбод этилиши мумкин.

Съезд СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 8 апрель Фармонидаги 11 прим моддани бекор қилади ва 7-модда таҳририга аниқлик киритиш зарур деб ҳисоблайди. СССР Олий Совети Президиумининг митинглар ва намойишлар уюштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги ҳамда СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бурчлари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги фармонлари СССР Конституциясига нечоғлик мувофиқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни СССР Олий Советига топширишни зарур деб ҳисоблайди.

Съезд порага сотилиш, уюшган жиноятчилик, ўғирлик ва порахўрликка қарши курашни изчил давом эттиришни ва кучайтиришни, барча даражаларда ана шу шармандали ҳодисаларнинг пайини қирқишни, уларни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этишни талаб қилади. СССР Министрлар Совети жиноятчиликка қарши кураш умумиттифоқ программасини ишлаб чиқсин ва уни СССР Олий Советига тақдим этсин. Давлат гражданларнинг ҳаёти, сиҳат-саломатлиги, ор-номуси ва мол-мулкига тажовузлардан уларни муҳофаза этишга кафолат бериши, судлар, прокуратура, тергов, милиция органлари моддий-техника таъминотини кўтариш ва мустаҳкамлаш, бу органлар ходимларининг турмуш шароитини яхшилаш учун барча зарур тадбирларни кўриши шарт.

Суднинг мустақиллигини қатъиян мустаҳкамлаш ва терговнинг самарадорлигини ошириш, уни ҳар қандай идора таъсиридан холи этиш — амалга оширилиш мўлжалланаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг энг муҳим бўғинидир. Бирор-бир жиноятчи жиноятига яраша жазодан қутулиб кетмаслиги, аммо бирор-бир айбсиз киши ҳам жазоланмаслиги керак. Жиноятга доир иш жараёнининг барча босқичларида, жумладан, тергов бошланган кундан адвокатнинг иштироки билан гражданларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳар жиҳатдан ҳимоя этиш йўли билангина бу вазифа ҳал қилиниши мумкин. Холис тергов, кучли ҳимоя ва мустақил суд — шу уч нарса одил социалистик судловнинг негизидир.

Съезд ҳақиқатан ҳам мустақил ва обрўли суд системасини бунёд этиш, шу мақсадда маслаҳатчилар суд мажлисидек судловнинг демократик формасидан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиб, келгуси йилнинг ўрталарида суд ислоҳотини ўтказишни таъминлашни СССР Олий Советига топширади. Иттифоқдош республикаларнинг суд системалари демократик одил судловнинг барча принципларига риоя этилган ҳолда шу республикалар сиёсий, ҳуқуқий ва маданий анъаналарини ҳисобга олиб барпо этилиши керак.

V.

Съезд миллий масалага, миллатлараро муносабатларнинг ҳозирги аҳволига ва миллий сиёсатни принципиал янгилаш, миллатлараро муносабат масалаларига оқилона ва адолатли ёндашувни таъминлашга қодир бўлган сиёсий дастурни яратиш заруратга айланганига алоҳида эътиборни қаратади. Кўпмиллатли давлатимизнинг федератив тузилиши реал сиёсий ва иқтисодий мазмун билан тўлдирилиши лозим. Биз миллий муносабатларни батамом соғломлаштиришимиз, бу муносабатларни ахлоқ-одобимиз ва мафкурамизга, социализмнинг инсонпарварлик негизларига зид бўлган барча нарсалардан холи этишимиз керак.

ССР Иттифоқи ва республикаларнинг суверен ҳуқуқлари ҳамда автономияларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан аниқ-равшан белгилаб қўйилиши керак. Республикаларнинг ССР Иттифоқига ихтиёрий бирлашувининг замини бўлган Ленин томонидан олға сурилган миллий тақдирини ўзи белгилаш принципи ўзининг чинакам маъносида қайта тикланиши ва зарур демократик ҳуқуқий гарантиялар билан таъминланиши керак.

Съезд шуни маълум қиладики, ҳуқуқий давлатда республикаларнинг суверен ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг зарур юридик механизмини яратаётганда замонавий воқеликка асосланиш керак. Барча республикаларнинг экономикаси

демографияси, социал ва миллий структураси ўзгарди, миллий ўзини англаш кучайди, маънавий ҳаётда янги эҳтиёжлар пайдо бўлди. Буларнинг ҳаммаси миллатлараро муносабатлар масалаларига оқилона ва адолатли ёндашувни, федератив иттифоқ давлати доирасида барча совет миллатлари ва элатларининг ҳар жиҳатдан эркин ривожланишини, миллий тилларнинг равнақини, маданиятларнинг гуллаб-яшнашини таъминлайдиган сиёсий гарантияларнинг мустаҳкамланишини талаб қилади.

Съезд марказдаги ва жойлардаги ҳокимият органлари олдига бебошлик ва қонунсизлик даврининг яна бир оғир мероси бўлиб қолган миллий муаммоларни ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини топиш талабини қўяди. Бир қанча миллатлар ва элатларга нисбатан адолат ҳозиргача ҳам тикланмаган. Вазиятнинг мураккаблигини, айрим республикалар ва регионларда ана шу вазиятнинг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб, халқ депутатлари съезди қуйидаги қатъий позициясини изҳор этишни лозим деб ҳисоблайди: мазкур қарорга мувофиқ ишлаб чиқилаётган янги миллий сиёсат доирасида муаммонинг ечими қисқа муддатда демократик йўл билан топилиши керак. Съезд СССР Олий Совети Миллатлар Советига тегишли республикалар Олий Советлари билан биргаликда Волга бўйи немислари, қрим татарлари, месхети турклари ҳуқуқларини тиклаш, кам сонли халқларни ривожлантириш хусусида съездда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва таклифлар тақдим этишни топширади. Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси Тоғли Қорабоғ автоном областидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқсин ва кўриб чиқиш натижалари тўғрисида СССР Олий Советига ҳисоб берсин.

Съезд қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

— сиёсий соҳада — иттифоқдош ва автоном республикалар, бошқа миллий тузилмаларнинг ҳуқуқларига қатъий риоя қилиш ва ҳуқуқларни анча кенгайтириш, республика органлари ва маҳаллий органларнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш, буларнинг ҳаммасини биринчи қадам деб билиш лозим. ...из иттифоқдош республика ССР Иттифоқи ихтиёрига берилмаган барча масалаларни ҳал этиб, ўз территориясида давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириши принципи рўёбга чиқиши учун изчиллик билан олға боришимиз керак. ...онунчилик асослари ва умумий негизларни белгилаш иттифоқ компетенциясига ...ириши, бевосита амал қилувчи қонунларни қабул қилиш республикалар ҳуқуқи ...анлиги тўғрисидаги конституцион қоидага федератив давлат мавжудлигининг ...осий принципларидан бири деб риоя этилиши керак. Иттифоқ Конституция ис...хоти етилган миллий масалаларни ҳар бир миллатнинг ўз тарихий, маданий ...усусиятларига ва бошқа хусусиятларга тўларoқ мос даражада ривожланиши ...рантияланган, ўзини-ўзи бошқарадиган демократик жамиятнинг ҳуқуқий не...зи яратиладиган қилиб ҳал этилиши лозим;

— иқтисодий соҳада — иттифоқ ва республикалар ўртасидаги муносабат...рни иқтисодий мустақилликни умумиттифоқ меҳнат тақсимотида фаол иштирок ...иш билан узвий қўшиб олиб бориш негизида такомиллаштириш. Республика...р, регионлар, ўлкалар ва областларни ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини маб...ғ билан таъминлашга ўтказиб, уларни экономикамизни янгилашнинг умумий ...араёнига узвий тарзда қўшиб, мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини тар...бга солишни худди шу тахлитда қайта қуриш зарур. Барча миллатлар ва элат...р ўзларининг суверен иқтисодий, социал ва бошқа манфаатларини тўла ифода ...иш ва рўёбга чиқариш, регионлар ва бутун мамлакат халқ хўжалигини уйғун ...вожлантириш мақсадида бу манфаатларни ўзаро тенг ҳуқуқли негизда кели...иб олиш имкониятига эга бўлишлари керак;

— маънавий соҳада миллий маданиятларнинг хилма-хиллигидек буюк со...ал ва тарихий қадриятни тан олиш. Бу қадриятлар фақат мамлакатимизнинг ...лки бўлиб қолмай, улар инсоният маънавий мулкининг бетакрор ва бециёс қис...дир, бинобарин съезд ҳам катта, ҳам кам сонли барча совет халқлари маданият...ига асраб-авайлаб муносабатда бўлиш, миллий тилларни ривожлантириш ...бойитиш зарурлигини таъкидлайди.

Съезд миллатлараро муносабатларда пайдо бўлиши мумкин бўлган ва ...идо бўлаётган зиддиятларни ҳал этишнинг ҳуқуқий формаларини яратиш за...., деб уқтиради. Одамларнинг жуда нозик ҳис-туйғуларига дахлдор бўлган ана

шу зиддиятларнинг мураккаблигини ҳисобга олиб, съезд барча миллатлар ва элатларнинг намояндаларига мурожаат этиб, бир-бирини тушунишга ва саховатли, оғир-вазмин ҳамда сабр-тоқатли бўлишга даъват этади. Биз ҳаммамиз биргаликда миллий муаммоларни ҳал этишда зўравонликни батамом истисно этиш ҳамда кўп миллатли совет халқининг демократик тараққиётини таъминлаш учун бир-биримизнинг ҳуқуқларимиз ва манфаатларимизни асраб-авайлашимиз ва ҳурмат қилишимиз лозим.

VI.

Халқ депутатлари съезди Совет давлатининг қайта қуриш йилларидаги халқаро фаолиятини қўллаб-қувватлайди ва бу фаолиятга юксак баҳо беради.

Ақидаларга асосланган тасаввурлардан воз кечиш, халқаро ҳаётдаги турли воқеалар ва жараёнларга ёндашувдаги реализм, умуминсоний қадриятларга уларнинг олдинги аҳамиятини қайтариш, давлатлараро муносабатларни мафкурадан холи қилиш, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатни ахлоқ-одоб билан узвий боғлаш — буларнинг ҳаммаси янгича фикрлашнинг ўзига хос белгиларидирки, ана шу янги фикрлашга мувофиқ СССРнинг ташқи сиёсий йўлида туб ўзгаришлар содир бўлди.

Ҳозир бу ташқи сиёсат КПСС XXVII съездининг ядровий қуролланиш пойгаси инсониятнинг яшаши учун ялпи қирғин хавфи солаётгани, ҳозирги дунёнинг яхлитлиги ва ўзаро чамбарчас боғлиқлиги, халқларнинг социал-сиёсий йўлни ўз ихтиёрлари билан танлаб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги тарихий хулосаларига мустаҳкам асосланмоқда.

Съезд шуни қайд этадики, қайта қуриш йилларида янгича сиёсий фикрлаш принципларининг амалга оширилиши натижасида халқаро кескинлик анча камайди. Ядро аслаҳалари, иттифоқчи мамлакатлардаги совет қўшинларининг сони қисқартирилди, Афғонистондан совет қўшинларининг олиб чиқилиши сўнгги йиллардаги энг муҳим ташқи сиёсий тадбир бўлди. Съезд парламентларга ва халқаро жамоатчиликка мурожаат қилиб, афғон урушидан қайтиб келмаган ва чет элларда азоб чекаётган совет солдатлари ва офицерларининг қайтиб келишига бутун чоралар билан ёрдам беришга даъват этади.

Айни вақтда съезд ҳозирча қуролсизланиш ва ишонч тадбирларини мустаҳкамлаш соҳасида бошланган ижобий ўзгаришлар муқаррарлигининг гарантиялари таркиб топмаганлигини таъкидлайди. Ана шундай шароитда мамлакатимизнинг ишончли мудофаасини таъминлаш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Съезд Совет армиясини ташкил этишнинг амалдаги принципларига мувофиқ уни сифат жиҳатидан янада ривожлантиришни маъқуллайди. Ватанпарварлик руҳида тарбияланган, бутун совет халқи билан мустаҳкам боғланган ва унинг манфаатларига содиқатли Совет Армияси тўғрисида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилиш лозим.

Съезд Совет — Хитой муносабатларининг нормаллашувини умумжаҳон аҳамиятига молик воқеа деб қутлайди. Съезд барча социалистик мамлакатлар билан бундан буён ҳам тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик ривожлантирилишини ёқлайди. Съезд СССР ҳукуматига қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишида асосий омил бўлган Совет — Америка муносабатларини янада яхшилашга эришишни, «Умумевропа хонадони»ни бунёд этишда Совет Иттифоқининг янада фаол иштирокини таъминлашни, Ҳиндистон билан дўстона муносабатларга алоҳида эътибор бериб, Осиё — Тинч океан регионида Владивосток йўлини давом эттиришни, Лотин Америкаси ва Африка билан самарали алоқаларни ривожлантиришни, барча чегарадош давлатлар билан яхши қўшничиликни мустаҳкамлашни топширади.

Съезд қайта қуриш туфайли рўёбга чиққан Совет Иттифоқининг ташқи йўлини бундан буён қуйидаги принциплар негизида ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди:

— мамлакатнинг хавфсизлиги, аввало, демилитаризация жараёнида, халқаро муносабатларни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнида, БМТнинг обрўси ва имкониятларига таяниб, ялпи ва тенг хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида сиёсий воситалар билан таъминланиши керак;

— қуролсизланиш ва давлатнинг мудофаа потенциалини оқилона етарли даражагача қисқартиришга қаратилган музокаралар жараёнида ядро қуроли тугатилиши керак;

— бирон-бир сиёсий, иқтисодий ёки бошқа мақсадларга эришиш учун куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан дўқ-пўписа қилишга йўл қўйиб бўлмайди; бошқа давлатлар билан муносабатларда суверенитетни, мустақилликни, территориал яхлитликни ҳурмат қилиш албатта шарт;

— халқаро муаммоларни ҳал этиш, можароларни бартараф этишнинг яккаягона усули мухолифлик эмас, балки манфаатлар мувозанатини белгилаб олиб ўтказиладиган мулоқот ва музокаралардир;

— совет экономикасини жаҳон хўжалигига қўшиш бизнинг ҳозирги халқаро меҳнат тақсимотида, илмий ва техникавий айирбошлашда, жаҳон савдосида фаол иштирок этишимизни, биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишимизни назарда тутади.

Съезд келажакда мамлакат учун, унинг халқлари учун ҳаётий муҳим аҳамиятга молик ташқи сиёсий қарорлар нодемократик йўл билан хуфёна қабул қилинишини батамом истисно этадиган ишончли гарантиялар яратиш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратади. Бундан буён барча ана шундай қарорлар СССР Олий Советида, унинг комитетларида ва палаталарнинг комиссияларида муҳокама қилинганидан кейин қабул қилиниши, жуда катта қарорлар, масалан иттифоқчилик муносабатларига, энг муҳим шартномалар тузилишига оид қарорлар халқ депутатлари съездининг муҳокамасига тақдим этилиши керак. Съезд СССР Олий Советига ўз вақтида совет қўшинларини Афғонистонга киритиш тўғрисида қабул қилинган қарорга сиёсий баҳо ишлаб чиқишни ва бу ҳақда СССР халқ депутатларининг иккинчи съездига маълум қилишни топширади. Совет давлати ташқи сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш халқ назоратида бўлиши керак.

Съезд бутун жаҳон олдида шуни маълум қиладики, СССРнинг янгича фикрлашга асосланган ташқи сиёсий йўли асосли, муқим характердадир. Бу тактик усул ҳам, чалғитиш ҳам, бирон-бир кимсага ён босиш ҳам эмас, балки совет халқининг манфаатларини ифодалайдиган ва бутун инсониятнинг манфаатларига мос келадиган, чуқур асосланган стратегик йўлдир. Съезд яна бир карра ана шу йўлни бутун халқ қўллаб-қувватлаётганини тасдиқлайди ва бу йўлни актив амалга ошириш лозимлигини қатъиян маъқуллайди.

Съезд мамлакатнинг барча гражданларига мурожаат қилади:

Ватандошлар! Сизнинг кўз ўнгингизда ва иштирокингиз билан биз, халқ депутатлари совет жамиятини ривожлантириш муаммоларини муҳокама қилдик. Ушбу муаммолар нечоғли жиддийлигига, улар биздан қанчалик куч-ғайратларни тақозо этишига ишонч ҳосил қилдик. Қийинчиликларни бартараф этиш, Ватанимизни социал-иқтисодий тараққиётнинг замонавий марраларига чиқариш учун барчамиз азму қарор берганлигимизга ҳам ишонч ҳосил қилдик. Бу ишни биз учун ҳеч ким қилмайди. Бу бизнинг мамлакатимиз, бизнинг еримиз, бизнинг социалистик Ватанимиздир.

Майли, манфаатларимиз турлича бўлсин, фикрларимиз бир ердан чиқмасин. Аммо фақат революцион қайта қуришгина янгиланган, инсонпарвар, демократик социализмга олиб келади, инсон фаровонлиги бу социализмнинг мақсад-муддаосидир — биз ҳаммамиз ана шу фикрда якдилмиз. Бундай жамият омманинг мустақиллиги ва ижодкорлиги билан куч-қудратли бўлади, оммага кенг имконият очиб беради.

Биз тўғри йўлдан бормоқдамиз. Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, идора этувчи партиянинг, жамият сиёсий авангарди бўлган партиянинг жипслаштирувчи роли нечоғли муҳимлигини тушунамиз. У қайта қуришни бошлади ва қайта қуришнинг кафолатидир. Янгиланаётган ва такомиллашиб бораётган партиягина халқ орзу-умидларини амалга ошириш ҳаракатига бошчилик қила олади.

СССР халқ депутатларининг биринчи съезди даъват этади: яхшироқ яшаш ва камол топиш учун иродамизни мустаҳкамлайлик, куч-ғайратларимизни кўпайтирайлик, қайта қуришни шижоат билан олға силжитайлик!

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

КОНСТИТУЦИЯ КОМНССИЯСННИ ТУЗНШ ТЎҒРИСИДА

СССР халқ депутатлари съезди **қарор қилади:**

Конституция комиссияси қуйидаги составда тузилсин:

КОМИССИЯ РАИСИ

Горбачев Михаил Сергеевич — СССР Олий Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари.

Комиссия Раисининг Ўринбосари

Лукьянов Анатолий Иванович — СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

Комиссия аъзолари

Акаев Аскар —СССР халқ депутати, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Фрунзе шаҳри.

Александрин Валерий Григорьевич — СССР халқ депутати, Йошкар-Ола шаҳар халқ судининг раиси, Мари АССР.

Алексеев Сергей Сергеевич —СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Фанлар академияси Урал бўлими фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, Свердловск шаҳри.

Амбарцумян Сергей Александрович —СССР халқ депутати, Ереван давлат университетининг ректори.

Арутюнян Сурен Гургенович —СССР халқ депутати, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Барабашев Георгий Васильевич —М. В. Ломоносов номли Москва давлат университети юридик факультети кафедраси мудири, юридик фанлари доктори.

Бергер Арнольд Владимирович — СССР халқ депутати, Гагарин номли Кустанай қишлоқ хўжалик институти ўқув-тажриба хўжалигининг директори, Қозоғистон ССР.

Биккенин Наиль Бариевич — СССР халқ депутати, «Коммунист» журналининг бош редактори.

Бишер Илмар Ольгертович — СССР халқ депутати, П. Стучка номли Латвия давлат университетининг профессори, Рига шаҳри.

Богданов Игорь Михайлович — СССР халқ депутати, мактаб директори, Горький шаҳри.

Богомолов Олег Тимофеевич — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академияси жаҳон социалистик системаси экономикаси институтининг директори, Москва шаҳри.

Бразаускас Альгирдас-Миколас Казе — СССР халқ депутати, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Бунич Павел Григорьевич — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, С. Оржоникидзе номли Москва бошқарув институтининг кафедра мудири.

Бурлацкий Федор Михайлович —СССР халқ депутати, «Литературная газета»нинг сиёсий шарҳловчиси, Москва шаҳри.

Вагрис Ян Янович — СССР халқ депутати, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Везиров Абдулрахмон Халил ўғли — СССР халқ депутати, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Велихов Евгений Павлович — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Москва шаҳри.

Вилкас Эдуардас Йоно — СССР халқ депутати, Литва ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори

Власов Александр Владимирович — СССР халқ депутати, РСФСР Министрлар Совети Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

Вольский Аркадий Иванович —СССР халқ депутати, Тоғли Қорабоғ автоном областини алоҳида бошқариш комитетининг раиси.

Воротников Виталий Иванович —СССР халқ депутати, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Вяляс Вайно Иосипович — СССР халқ депутати, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Ҳамзатов Расул Ҳамзатович — СССР халқ депутати, ёзувчи, Доғистон АССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси.

Голик Юрий Владимирович — СССР халқ депутати, Кемерово давлат университети юридик факультетининг декани.

Гроссу Семён Кузьмич — СССР халқ депутати, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Грязин Игорь Николаевич — СССР халқ депутати, Эстония ССР Фанлар академияси фалсафа, социология ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири.

Гумбаридзе Гиви Григорьевич — СССР халқ депутати, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Евтюхин Юрий Алексеевич — Кемерово давлат университетининг доценти, юридик фанлари кандидати.

Ельцин Борис Николаевич — СССР халқ депутати, Москва шаҳри.

Залигин Сергей Павлович — СССР халқ депутати, «Новый мир» журналининг бош редактори, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари.

Заславская Татьяна Ивановна — СССР халқ депутати, академик, ВЦСПС ҳамда СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳузуридаги социал-иқтисодий масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш Бутуниттифоқ марказининг директори.

Звонов Сергей Николаевич — СССР халқ депутати, Ивановодаги 2-пассажир автотранспорт корхонаси директори.

Исҳоқий Юсуф Баширхонович — СССР халқ депутати, Тожикистон давлат медицина институтининг ректори.

Калмиков Юрий Ҳамзатович — СССР халқ депутати, Д. И. Курский номли Саратов юридик институтининг кафедра мудири.

Керимов Жонгир Али Аббос ўғли — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг кафедра мудири, Москва шаҳри.

Қиёмов Нургазиз Воғизович — СССР халқ депутати, Татаристон АССРдаги Воҳитов номли колхоз раиси.

Колбин Геннадий Васильевич — СССР халқ депутати, СССР Халқ контроли комитетининг раиси.

Косигин Владимир Владимирович —СССР халқ депутати, Телевидение ва радиоэшиттириш область комитетининг ўз мухбири, Камчатка области, Коряклар автоном округи.

Крючков Владимир Александрович — СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси.

Крючков Георгий Корнеевич — СССР халқ депутати, Украина Компартияси Одесса область комитетининг биринчи секретари.

Кудрявцев Владимир Николаевич — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Москва шаҳри.

Кутафин Олег Емельянович — Бутуниттифоқ сиртқи юридик институтининг ректори, юридик фанлар доктори.

Кябин Тийт Рейнхольдович — СССР халқ депутати, Эстония ССР Фанлар академияси президиуми ижтимоий фанлар бўлимининг илмий секретари.

Лаптев Иван Дмитриевич — СССР халқ депутати, «Известия» газетасининг бош редактори.

Лизичев Алексей Дмитриевич — СССР халқ депутати, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи.

Лиханов Альберт Анатольевич — СССР халқ депутати, В. И. Ленин номли Совет болалар фонди правлениесининг раиси, ёзувчи.

Марчук Гурий Иванович — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг президенти.

Масалиев Абсамат Масалиевич — СССР халқ депутати, Қирғизистон Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари.

Матвеев Юрий Геннадиевич — СССР халқ депутати, СССР Давлат бош арбитри.

Маҳкамов Қаҳҳор — СССР халқ депутати, Тожикистон Қомпартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари.

Медведев Вадим Андреевич — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қомитетининг секретари.

Мироненко Виктор Иванович — СССР халқ депутати, ВЛКСМ Марказий Қомитетининг биринчи секретари.

Нечаев Константин Владимирович — СССР халқ депутати, Волоколамск ва Юрьев митрополити Питирими, Москва патриархияси noширлик бўлимининг раиси.

Никонов Александр Александрович — СССР халқ депутати, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти.

Нишонов Рафиқ Нишонович — СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси.

Ниёзов Сапармурод Отаевич — СССР халқ депутати, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Овезгелдиев Оразгелди — СССР халқ депутати, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг президенти.

Павлов Александр Сергеевич — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети Давлат-ҳуқуқ бўлимининг мудири.

Платон Семён Иванович — СССР халқ депутати, халқ депутатлари Кагул шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, Молдавия ССР.

Платонов Владимир Петрович — СССР халқ депутати, академик, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг президенти.

Покровский Валентин Иванович — СССР халқ депутати, СССР Медицина фанлари академиясининг президенти.

Полозков Иван Кузьмич — СССР халқ депутати, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари.

Попов Гавриил Харитонович — СССР халқ депутати, «Вопросы экономики» журналининг бош редактори.

Примаков Евгений Максимович — СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси.

Прокопьев Юрий Николаевич — СССР халқ депутати, КПСС Якутия область комитетининг биринчи секретари.

Пухова Зоя Павловна — СССР халқ депутати, Совет хотин-қизлар комитетининг раиси.

Разумовский Георгий Петрович — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири.

Рустамова Зуҳра Каримовна — СССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Сирдарё область судининг аъзоси.

Рижков Николай Иванович — СССР халқ депутати, СССР Министрлар Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Сагдиев Михтай Рамазонович — СССР халқ депутати, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Салаев Элдор Юнус ўғли — СССР халқ депутати. Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг президенти.

Салиқов Какимбек — СССР халқ депутати, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари.

Самсонов Александр Сергеевич — СССР халқ депутати, С. М. Киров номли Москва биринчи соатсозлик заводининг директори.

Сахаров Андрей Дмитриевич — СССР халқ депутати, академик, СССР Фанлар академиясининг П. Н. Лебедев номли физика институтининг бош илмий ходими, Москва шаҳри.

Сбитнев Анатолий Митрофанович — СССР халқ депутати, Коммунар металлургия комбинатининг пўлат эритувчиси, Ворошиловград области.

Сергиенко Валерий Иванович — СССР халқ депутати, халқ депутатлари Красноярск ўлка Совети ижроия комитетининг раиси.

Симонов Сергей Борисович — СССР халқ депутати, Уфа моторсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари.

Скудра Виктор Янович — СССР халқ депутати, Латвия ССР юстиция министри.

Слюньков Николай Никитович — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Смоленцев Евгений Алексеевич — СССР Олий судининг раиси.

Собчак Анатолий Александрович — СССР халқ депутати, Ленинград давлат университети юридик факультетининг кафедра мудири.

Соколов Еврем Евсеевич — СССР халқ депутати, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Сулаймонов Ўлжас Омарович — СССР халқ депутати, ёзувчи, Қозоғистон ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари.

Сухарев Александр Яковлевич — СССР халқ депутати, СССР Бош прокурори.

Сичев Николай Яковлевич — СССР халқ депутати, Уруш ва меҳнат ветеранлари Москва шаҳар кенгашининг раиси.

Таланчук Петр Михайлович — СССР халқ депутати, Киев политехника институтининг ректори.

Таразевич Георгий Станиславович — СССР халқ депутати, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Тарнавский Георгий Степанович — СССР халқ депутати, Белоруссия ССР прокурори.

Ткачук Василий Михайлович — СССР халқ депутати, «Прапор коммунизму» колхозининг раиси — «Прут» агрофирмасининг раиси, Ивано-Франковск области, Украина ССР.

Топорнин Борис Николаевич —СССР Фанлар академияси давлат ва хуқук институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Москва шаҳри.

Умархўжаев Мухтор Эшонхўжаевич — СССР халқ депутати, Андижон давлат тиллар педагогика институтининг ректори.

Фокин Витольд Павлович — СССР халқ депутати, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Украина ССР Госпланининг Раиси, Киев шаҳри.

Халлик Клара Семёновна — СССР халқ депутати, Эстония ССР Фанлар академияси фалсафа, социология ва хуқук институтининг етакчи илмий ходими, Таллинн шаҳри.

Чебриков Виктор Михайлович — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Шалаев Степан Алексеевич —СССР халқ депутати, ВЦСПС раиси.

Шахназаров Георгий Хосроевич —СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси, Москва шаҳри.

Шеварднадзе Эдуард Амвросиевич — СССР ташқи ишлар министри, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Шевченко Валентина Семёновна — СССР халқ депутати, Украина ССР Олий Совети Президиуминнинг Раиси.

Шинкарук Владимир Илларионович — СССР халқ депутати, Украина ССР Фанлар академияси фалсафа институтининг директори, Қиев шаҳри.

Шинкуба Баграт Васильевич —СССР халқ депутати, шоир, Грузия ССР

Шличите Зита Леоновна —СССР халқ депутати, Клайпеда юридик консультациясининг адвокати, Литва ССР.

Шчербицкий Владимир Васильевич — СССР халқ депутати, Украина Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Яковлев Александр Максимович — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири, Москва шаҳри.

Яковлев Александр Николаевич — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қомитетининг секретари.

Яковлев Вениамин Федорович —Совет давлат қурилиши ва қонунчилик Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтининг директори, юридик фанлар доктори.

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИГА МАКТУБИ

Биз, СССР халқ депутатлари, социалистик жамиятимизни демократик неизларда ҳар томонлама янгилашнинг ҳуқуқий пойдеворини ошкоралик ва ўй-ростлик вазиятида яратиш учун ўзимизнинг биринчи съездимизга йиғилдик. Ўп миллионли совет халқининг мухтор вакиллари бўлган бизлар ўз зиммамизда урган тарихий масъулиятни тўла-тўкис англаймиз. Биз ҳозир Ватанимиз олдида қуда катта муаммолар турганини англаймиз ва унинг турмуши барча соҳаларини убдан қайта қуришдан бошқа йўл йўқлигига асосланамиз. Биз бу йўлни пухта ўйаб, қатъий равишда танлаб олдик ва бу йўлдан қайтмаймиз.

Инсон ва унинг қувончлари, қайғулари, ташвишлари ва умидлари бизнинг иккат марказимизда турибди. Социалистик жамиятнинг халқ манфаатларидан, ркин инсоннинг муддаолари ва ҳуқуқларидан бошқа маънавий йўл-йўриғи йўқлиига ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигига ишончимиз комил.

Қайта қуриш — Совет Иттифоқи халқларининг ички иши, уни мамлакатнинг нг зарур эҳтиёжлари юзага келтирди. Аммо биз ўзимизни жаҳон ҳамжамиятидан, озирги цивилизация қиёфасини белгилаб берадиган жараёнлардан ажратмай, ахс озодлигини, демократияни ва социал адолатни жамиятимиз турмушининг егизига айланиб қолиши лозим бўлган энг муҳим қадриятлар, деб биламиз.

Биз қайта қуришни бутун жаҳон тартибини демократиялаш кучайиб бораётан жараённинг бир қисми деб, Совет Иттифоқининг инсоният боши узра пайдо ўлган жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси деб ҳисоблайиз. Бу муаммоларнинг ҳаммаси ўзаро боғланган, битта хатарли тугун бўлиб чииллашиб кетган. Бу тугунни ечиш мумкин ва лозим, аммо бунинг учун жаҳон ҳамжаиятининг омон қолишини кўзлаб унинг куч-ғайратларини бирлаштириш зарур.

Қайта қуриш бизнинг теварак дунёга муносабатимизни принцип жиҳатдан згартиради. Ҳозир бизнинг бағримиз жаҳон учун очиб қўйилган, биз инсон ҳаёти а қадр-қимматини энг олий қадрият деб биладиган барча кучлар билан ҳамконикка тайёрмиз ва ҳамжиҳатликдан умидвормиз.

Жўшқин ўзгариб бораётган ҳозирги дунёда эски қоидалар ва андозалар билан шаб бўлмайди. Бошқаларнинг манфаатларини писанд қилмай туриб, ўз хавфсизигини мустаҳкамлашга ва фаровонлигини таъминлашга умид қилиб бўлмайди. алқаро муносабатларни мафкуравий урушлар майдонига айлантириш бемаъилиқдир. Қуролланиш пойгаси йўли билан жаҳон экономикасининг силласини уритиш ва инсон яшайдиган муҳитни сақлаб қолиш ҳақидаги ғамхўрликни менимаслик жиноятдир. Орамизда қандай тўсиқлар бўлмасин, ҳаммамиз она Ернинг арзандларимиз, бизнинг тақдиримиз муштарак. Шу сабабли биз халқлар ўртасиа адоват ва жанжалларга чек қўйишга чақирамиз. Инсоният тарихида янги инчлик даври ҳукм суриши мумкин ва шу имкониятни ҳақиқатга айлантирмоқ ерак.

Съезд Ер курраси халқларига тантанали ваъда бериб айтадики, Совет давлаининг Ер юзидаги барча давлатлар ва халқларга нисбатан тинч-тотув яшаш принипларига қатъий риоя этиши учун масъулиятни ўз зиммасига олади.

СССР халқ депутатлари съезди янги сиёсий тафаккурга асосланиб давлати-

миз халқаро ишларда амал қилиши лозим бўлган принципларни тасдиқлади. Бу принциплар қуйидагилардан иборат:

— мамлакатимизнинг хавфсизлигини халқаро муносабатларни демилитар-лаштириш, демократиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнида ялпи ва тенг хавфсизликнинг таркибий қисми деб билиб, БМТнинг обрў-эътиборига ва имко-ниятларига таяниб, аввало сиёсий воситалар билан таъминлаш зарур;

— қуролсизланиш ва давлатларнинг мудофаа имкониятларини оқилона етар-лилик даражасигача қисқартириш мақсади билан ўтказиладиган музокаралар натижасида ядро қуроли йўқ қилиб ташланиши керак;

— сиёсий, иқтисодий ёки бошқа мақсадларга эришиш йўлида куч ишлатишга ва куч ишлатиш билан дўқ қилишга йўл қўйиб бўлмайди; бошқа мамлакатлар билан муносабатларда суверенитетни, мустақилликни, территориал бутунликни ҳурмат қилиш шубҳасиздир;

— мухолифлик эмас, балки манфаатларнинг мувозанатига асосланган муло-қот ва музокаралар халқаро муаммоларни ҳал этишнинг, можароларни бартараф қилишнинг бирдан-бир усули бўлиб қолиши керак;

— совет экономикаси ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли негизларда жаҳон хўжалигига узвий равишда қўшилиши, замонавий халқаро меҳнат тақсимоти, илмий ва техникавий ҳамкорлик, савдо-сотиқ қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя этишда фаол қатнашиши лозим.

Давлат ҳокимиятининг олий органи бўлган бизнинг съездимиз шуни маълум қилади: Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида мана шу принципларга қатъий риоя этишга аҳд қилган. Бизнинг ташқи сиёсий стратегиямиз бугундан бошлаб ва ҳамиша мана шундай бўлади. Совет Иттифоқининг ва қайта қуришнинг халқаро майдондаги очиқ-ойдин ва ҳалол йўли мана шундан иборат. Совет халқи танлаб олган йўл мана шундан иборат.

Биз жаҳон халқларига, жаҳон афкор оммасига мурожаат этиб, ғояларни ба-ҳам кўришни ва бир-биримизга одамлар юборишни, маданий ва маънавий бойлик-ларни ўртоқлашишни, алоқаларни, барча поғоналар, ҳамма соҳалардаги мулоқот-ни ҳар томонлама ривожлантиришга, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш йўлида бутун инсониятнинг равнақи ва тараққиёти йўлида ўзаро мақбул муросага келиш йўлларини биргаликда излашга ва қидириб топишга даъват этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 23 июнь куни бўлиб ўтган XIV пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум Р. Н. Нишонов СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган И. А. Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Бюро аъзоси этиб сайланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Е. З. Разумов иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВ

1938 йили хизматчи оиласида туғилган, ўзбек, 1964 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника институтини ва Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган, инженер-механик, иқтисодчи, иқтисод фанлари кандидати.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда «Ташсельмаш» заводида бошлаб, мастер ёрдамчиси, сўнгра Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида етакчи инженер, инженер конструктор бўлиб ишлаган. 1966 йилдан 1983 йилгача Ўзбекистон ССР Госпланида ишлаб, у ерда бўлимнинг бош мутахассислигидан Госплан раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди. 1983 йилда у Ўзбекистон ССР молия министри этиб, 1986 йилда эса Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — республика Госплани раиси этиб тайинланди. У 1986 йилнинг декабрида Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари этиб сайланади. СССР халқ депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзосидир. Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар Дўстлиги орденлари, медаль билан мукофотланган.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

К. БЕДРИНЦЕВ, Р. РАҲИМОВ, Қ. ОТОРБОЕВ, Ж. БАЙРАМОВ

ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ БИЛАН УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ ХУСУСИДА

КПСС МКнинг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишлана-диган Пленумига тайёргарлик мобайнида бу муносабатларни уйғунлаштириш масалалари ғоят катта эътиборга сазовор марказ бўлиб қолди. Улар СССР халқ депутатлари съезди қатнашчиларининг нутқларида ҳам, шу жумладан М. С. Горбачевнинг «СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги докладида ҳам катта ўринни ишғол этди. Докладда, жумладан, шундай дейилди: «Иқтисодий соҳада республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги билан уларнинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотида фаол иштирокини узвий қўшиб олиб бориш асосида иттифоқ билан республикалар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш зарур... Республика хўжалиги билан маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришга янгича ёндашув ҳозирги дунёда эскилик сарқити бўлиб қолган биқиқликка олиб келмай, балки ҳар бир республиканинг ва бутун мамлакатнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган кооперацияни чуқурлаштиришга кўмаклашиши принципиал жиҳатдан муҳимдир».

Уйғунлаштириш деганда «ягона яхлит нарса қисмларининг изчил мувофиқлиги»ни тушунган ҳолда Ўрта Осиё республикалари ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришга татбиқан олганда унга эришиш йўлларини қараб чиқамиз. Проблема, бизнингча, қуйидаги ўзаро боғланган икки жиҳатдан ташкил топади:

1) Ўрта Осиё иқтисодий райони таркибидаги ушбу республикаларнинг мамлакат халқ хўжалиги комплексида «яхлит нарса» сифатида ривожланиши;

2) регион ишлаб чиқарувчи кучларининг территориал ривожланиши ва республика ичидаги жойлаштирилиши «яхлит нарса»нинг ўзаро боғланган қисмларининг — улар зоналари, иқтисодий районлари, областлари, территориал ишлаб чиқариш комплекслари, шаҳарлари, қуйи районларининг мажмуи сифатида.

Ленинча методика принципларига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи кучларни территориал ташкил этишни, уларни такомиллаштириш ва уйғунлаштириш йўлларини ўрганишни иқтисодий негизни билишдан, «яхлит нарса»нинг, яъни Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон иттифоқдош республикалари, шунингдек Қозоғистоннинг жанубий районлари кирадиган Ўрта Осиё регионининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш проблемаларини қараб чиқишдан бошлаш керак.

1924 йили амалга оширилган миллий-давлат чегараланишидан сўнг Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши ва унинг таркибига кирувчи Ўрта Осиё давлат план комитети

БЕДРИНЦЕВ Кирилл Николаевич, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзо; РАҲИМОВ Рашид Каримович, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги; ОТОРБОЕВ Қаиб Оторбоевич, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги; БАЙРАМОВ Жума Байрамович, иқтисод фанлари доктори, Туркманистон ССР. Уларнинг барчаси СССР Фанлар академиясининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон регионал проблемаларига доир комиссиясининг аъзоларидир.

Авторларнинг илтимосига биноан мақоланинг қалам ҳақи Оролни қутқариш фондига ўтказил...

(1934 йилгача), СССР Госпланининг республикалар бўйича вакиллари (1949 йилгача), СССР Госпланининг Ўрта Осиё Координация Кенгаши (60-йилларда) тилга олинган республикалар хўжалигининг планли-иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғланган уйғун тарзда шаклланишига кўмаклашганини эсга олайлик. Координация Кенгаши тугатилгач ва ҳозиргача СССР Фанлар академияси ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга доир илмий кенгашининг Ўрта Осиё комиссияси ушбу вазифаларни жамоатчилик асосида, лекин анчагина кам ҳажмларда бажариб келади. Бундан ташқари, албатта, аввало идоравий манфаатларни амалга оширган Средазводхоз, Средазуголь ва бошқа Ўрта Осиё идоралари, шунингдек СССР Госпланида ва Госплан ихтиёридаги Ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этиш кенгаши фаолият кўрсатган. Тилга олинган барча ташкилотлар регион ишлаб чиқарувчи кучларини ўзаро боғлиқ тарзда ривожлантиришга, унга кирувчи республикалар ўртасида нормал иқтисодий ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга имкон яратишга даъват этилган эди. Улар томонидан ўтказилган Ўрта Осиё кенгашлари ва конференциялари ана шунга хизмат қилди, бу анжуманларнинг қарорлари ўлка экономикасини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

Гарчи баъзи қинғайишлар бўлган бўлсада, ушбу ташкилотлар билан республикалар ўртасида иқтисодий негизда жиддий ихтилофлар пайдо бўлгани йўқ. Умуман олганда чегараланишдан сўнг ўтган йиллар ичида Ўрта Осиё республикаларининг ишлаб чиқарувчи кучлари анча ўсди, регион мамлакат шарқида муҳим иқтисодий зонага айланди. Бу эса, бизнингча, бизга кучли марказ ҳам, кучли республикалар ҳам кераклиги фойдасига салмоқли асос-далилдир. Бу нарсани экономикамиз характери, Совет давлатининг федератив характери тақозо этади. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни, регионал манфаатларни уйғунлаштиришни, республикалар ривожланишини асослаб бериш лозим. Буни марказсиз амалга ошириш мумкин ҳам эмас. Бунда марказ билан жойлар ташаббускорлиги, мустақиллиги ролининг ўзаро нисбати диалектикасини тўғри тушуниш муҳимдир.

Ўрта Осиё республикалари социал-иқтисодий ривожланиши даражасининг қиёсий кўрсаткичлари (1987 йил маълумотларига мувофиқ процент ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўрта Осиё СССРга нисбатан	Ўрта Осиё республикалари			
		Ўзбекистон ССР	Қирғизистон ССР	Тожикистон ССР	Туркманистон ССР
Аҳоли сони	11,5*	60,8	13,2	15,1	10,9
Территорияси	5,7	35,0	15,5	11,2	38,3
Асосий ишлаб чиқариш фондлари	5,9	59,4	23,1	11,5	16,0
Суғориладиган ерлари	33,6	58,7	15,1	9,7	16,5
Энергетика қуввати (электр энергия ҳосил қилиш)	5,6	58,7	10,0	17,0	14,3
Ишчи ва хизматчилар сони	6,7	60,8	15,2	13,9	10,1
Саноатнинг ялпи маҳсулоти	4,5	61,0	15,0	14,0	10,0
Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти	8,5	60,2	14,0	13,3	12,5
Ялпи йиғилган пахта	87,5	70,2	0,7	12,2	16,9
Ялпи йиғилган сабзавот	12,9	66,0	12,3	13,1	8,6
Ялпи йиғилган мева ва узум	11,8	65,7	5,3	21,5	7,5
Қоракўл тери олиш	55,0	35,0	3,0	—	17,0
Яйловлар майдони	21,8	33,6	13,3	5,0	48,1
Гўшт етиштириш	4,4	51,7	22,7	14,2	11,5
Барча турдаги газлама ишлаб чиқариш	8,2	62,9	13,0	18,4	4,1
Трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш	7,6	68,7	13,5	10,3	7,5
Пилла етиштириш	70,7	72,6	4,3	12,9	10,1
Капитал маблағлар	6,4	59,8	12,1	12,0	16,1
Чакана товар обороти	6,5	60,6	14,5	13,6	11,3

* 1989 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига асосан.

Бизнингча, республикаларнинг бундай буёнги социал-иктисодий ривожланиши балансланганлигини ҳамда пропорционаллигини таъминлаш марказнинг энг зарур ва долзарб вазифасидир. Ҳозирги вактда бу борада Ўрта Осиёда кандай аҳвол юзага келгани хусусида куйидаги жадвалга караб фикр юритиш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё республикаларининг экономикаси умумиттифок меҳнат таксимотида уларнинг ишлаб чикариш бўйича ихтисосланиши тармоклари томон каттагина оғишга эга. Ўрта Осиё республикалари аҳолиси бутун мамлакат аҳолисининг 11,5 процентини ташкил этгани ҳолда ушбу республикаларга умумиттифок микёсида етиштирилган пахта ва пилланинг карийб тўртдан уч кисми, коракўлнинг ярмидан кўпи, мева-сабзавотнинг салкам 13 проценти ва саноат маҳсулотининг атиги 4,5 проценти тўғри келади. Бундай нисбатлар муайян даражада конунийдир, лекин улар ишлаб чикарувчи кучлар ривожланишидаги баъзи бир кинғайишларни шартлаган марказнинг идоравий ҳукми, республикалар ўртасидаги келишиб олмаганлик бир катор жиддий салбий окибатларга ҳам олиб келди.

Улар орасида энг жиддийси, албатта, Оролнинг куриб боришидир. Бунда шубҳасиз, пахтачиликнинг экстенсив ривожланиши ва у билан боғлик ҳолда Мирзачўлни суғориш учун ирригация каналлари, шунингдек Аму-Бухоро ва Карши каналлари курилиши ўз таъсирини кўрсатди, бу ҳол Амударё билан Сирдарёнинг Орол денгизига куйилишини кискартирди. Сув олиши бўйича юкорида тилга олинган икки канал кувватига деярли тенг бўлган Туркманистондаги Коракум каналининг барпо этилиши ғоят халокатли ва ўша вактда олдиндан айтиш кийин бўлган окибатларга (шу жумладан чўлнинг боткокланишига) олиб келди. Унинг барпо этилиши Туркманистон учун ҳаётий зарур эканлигига шубҳаланмаган ҳолда, унинг албатта жуда катта ва кема юрадиган бўлиши кераклигига тушуна олмаймиз, чунки унинг анчагина кисми темир йўл бўйлаб ўтказилган. Афсуски, 15 йил олдин ва ундан ҳам аввал ўзбек ва козок мутахассисларининг бу борадаги огоҳлантиришлари эътиборга олинмади.

Бугун Коракум канали аввалги вактларда айтилганидек «кўл билан тиклаган канал» эмас, балки бош иншооти бўлмаган, лойиҳалаш ва инженерлик-курилиш нормаларидан четга чикишлар билан курилган, Амударёдан катта микдорда сув олиб, унинг фойдаланилмаган анчагина кисмини Коракум чўли кумларига ва Туркманистондаги Сарикамиш чўкмасига чикариб ташловчи шунчаки четлари мустаҳкамланмаган канал бўлиб колди дейиш мумкин. Сув дарёдан каналга кечаю кундуз, кишин-ёзин окиб ётади, — бир йил ичида, туркман олимлари кисоблари чикишларига караганда, салкам 5 куб километр сув олинади.

Бошка бир мисол. Бундан кўп йиллар аввал, Ўрта Осиёда электр энергияси ғоят етишмаган пайтда Фарғона водийсида Сирдарёда Тожикистоннинг салкам 50 минг гектар ерини эгаллаган сув омборига эга бўлган 120 минг киловат кувватли Кайроккум гидростанцияси курилган эди. Эндиликда бир катор электростанциялар (шу жумладан Вахш дарёси) ишга туширилгач электр энергияси таъминоти яхшиланди, лекин суғориладиган ер етишмаслиги айникса Фарғона водийсида тобора кескинрок ҳис этилмокда. Шу муносабат билан сув омборини куритиб, у эгаллаган майдонни кишлок хўжалигига кайтариш таклифи пайдо бўлди. Тожикистондаги Вахш ва Киргизистондаги Норин дарёларидаги гидростанцияларнинг бутун каскади электр энергиясидан янада окилона фойдаланиш проблемаси сингари ушбу таклиф ирригация эҳтиёжларига сарфланган сувни ҳам ҳисобга олган ҳолда чукур ўрганишни талаб килади деб ҳисоблаймиз.

Ана шу элктростанциялар базасида энергияталаб ишлаб чикаришларни барпо этишнинг максадга мувофиклигига ҳам вазминлик билан ёндашиш лозим. Шуни айтиш ўринлики, Тожикистондаги Регар алюминий заводи ҳозир йилига амалда атига 3 ой давомида Норак ГЭС энергияси билан ишлайди, колган вактда табиий газдан фойдаланувчи системанинг, асосан Сирдарё ГРЭСнинг энергиясида ишлатади. Тез орада Тожикистонда Роғун ГЭС ва Киргизистондаги Норин дарёсида тўртта гидростанция фойдаланишга топширилади, улар бутун Ўрта Осиё энергосистемасини мустаҳкамлайди. Лекин, бизнинг фикримизча, улар асосида энергияталаб корхоналар, айникса экология жиҳатидан зарарли бўлган химия ва ранг-

металлургия корхоналарини барпо этиш ярамайди. Зотан, мисол учун, юкорида тилга олинган, ташиб келтириладиган хом ашё билан ишловчи Регар алюминий заводи атрофдаги табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатибгина колмай, балки энергосистемани иш билан кўмиб ташлади ҳам. Қолаверса, унинг маҳсулоти ярим тайёр ҳолда Ўрта Осиёдан ташқарига олиб кетилади. Эҳтимол, бу ишдаги барча мавжуд ва мумкин бўлган республикалараро мутаносибсизлик ва чалкашликларни «эпақага келтириш» учун Ўрта Осиё энергосистемасини ривожлантиришнинг стратегик Схемасини бошкатдан ишлаб чикиш керакдир.

Ўрта Осиёда химия саноатини ривожлантиришнинг стратегик концепциясини ишлаб чикиш ҳам ғоят зарур. Бу ерда, маълумки, мамлакат бошка районларига етказиб бериш учун хом ашё ишлаб чиқарадиган бир катор корхоналар барпо этилган. Булар — ацетат толалар (Фарғонада), нитрон толалар (Навоийда), капролактам (Чирчикда), электрохимия маҳсулоти (Ёвонда, Тожикистон ССР) ишлаб чиқарадиган ва бошка завод ҳамда комбинатлардир. Уларнинг маҳсулотини мамлакат бошка регионларига ташиш учун бу хил ишлаб чиқаришларни ривожлантириш, шунингдек Ўрта Осиёда минерал ўғит заводларини керагидан зиёда қуриш мақсадга мувофикмикин? Бу масала эътибор билан қараб чиқишни талаб этади.

Идоравий манфаатларни кўзлаб Ўрта Осиёда маҳаллий эҳтиёжларга зарар келтирган ҳолда хом ашё тармоқларини ривожлантиришга эътибор берилганлиги хусусида ҳам сўзламасдан бўлмайди. Чунончи, Қирғизистон ва Жанубий Қозоғистонда қўйчилик гўшт-ёғ ўрнига жун топширишга ўтказилган. Бу ердан жун кирилиши биланок, анчагина кисми ҳатто ювилмасдан ташиб кетилади, илгари бу районлар ўз-ўзини таъминлабгина колмай, балки қўшниларга ҳам етказиб берилган гўшт-ёғ маҳсулоти эса ҳозир такчил бўлиб қолган. Бу ерда қўйчиликда илгариги йўналишга қайтиш, ҳозир Ўзбекистонда олинаётган сунъий жунни эса жойнинг ўзида қайта ишлаш окилона бўлмайдими?

Юқорида келтирилган фактлар идоравий манфаатлар ҳали бизда жуда кучлилиги натижасида амр-фармойиш билан иш тутиш давом этиётганлигига ишончарли далил бўла олади. Кўрсатилган ва бошқа кинғайишларни бартараф этмасдан туриб ҳамда улар йўлига ғов қўймасдан регионда иқтисодий негизда республикалараро муносабатларнинг зарур уйғунлигига эришиб бўлмайди.

Бу борада биринчи навбатдаги тадбирлар каторига юкорида тилга олинганлардан ташқари ҳамкорликда тузиб чиқиладиган қуйидаги ишланмаларни киритиш мумкин:

— тармок концепциялари (масалан, машинасозлик комплексини ривожлантириш, унда Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистондаги барча йирик, ўрта ва майда корхоналар бир максад йўлида ишга солиниши керак);

— Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон бўйича ягона газ ундирувчи ва газ тақсимловчи система яратиш билан биргаликда ёкилғи саноатини ривожлантириш концепциялари ҳамда узок муддатли схемаси (бунда агар ушбу регион ичида ана шу табиий ёкилғига эҳтиёж унчалик кондирилмаган бўлса газни ундан ташқарига юбориш канчалик зарурлигини аниклаш керак бўлади);

— кўмир ундириш ва ундан фойдаланишнинг ягона схемаси.

Республикалараро баъзи ер-сув проблемалари ҳам жуда актуалдир. Масалан, Ўзбекистоннинг Хоразм областида суғориладиган экинзорларни кенгайтириш учун ер йўқ, ёнма-ён, Туркманистон ССРнинг Тошовуз ва бошка областларида ер бор, лекин уни ўзлаштириш учун одам етишмайди. Ўрта Осиёнинг бошка районларида ҳам шунга ўхшаш вазиятни кўрамиз. Илож битта — мавжуд ресурслардан биргаликда фойдаланиш керак. Афсуски, ўзларини кўшни республикалар билан боғламаган ҳолда кўп нарсани айни ўз республикаларида, ҳатто ўз областларида амалга оширишни хоҳлашдек практика мавжуд. Албатта, бу нарса иктисодий жиҳатдан максадга мувофиқ бўлса, ўзини оқлайди, агар маҳаллий нафсониятлар учун бўлса, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўрта Осиё республикалари социал-иқтисодий ҳаётидаги тилга олинган кинғайишлар уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланишини таҳлил этиш ва бошқаришга нисбатан ушбу республикаларга «яхлит нарса»ни — мамлакат иқтисодий районини ташкил этадиган кисмлар тарзида муносабатда бўлиш позициясидан туриб эътибор бериш сусайганлигининг окибатидир демасдан бошка илож

йўқ. Ўрта Осиёда давлат координациялаш иқтисодий маркази тугатилди, ўрнига тузилган Ўрта Осиё ташкилотлари кўпинча биринчи навбатда идоравий манфаатларни кўзлаб, умумрегионал проблемалардан ўзини четга тортди.

1988 йил охирига келиб СССР Фанлар академиясининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон регионал проблемаларига доир илмий кенгашининг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги С. Қ. Зиёдуллаев раислигидаги Комиссияси янгидан тузилди. Илгари бундай комиссияни узоқ йиллар давомида Тожикистон ССР Фанлар академияси академиги И. Қ. Нарзиқулов бошқарган эди. Юзага келаётган демографик ва сув хўжалиги ҳолатини, агросаноат ишлаб чиқариши ва хўжалик бошқа тармоқлари структурасини такомиллаштиришни ҳисобга олиб туриб, Ўрта Осиё республикалари ишлаб чиқарувчи кучларини узоқ муддатли даврда ривожлантириш Комплекс программасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш ушбу комиссиянинг энг актуал вазифалари жумласига киради. Бу вазифа КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга оқизишга доир ишларни тўхтатиш хусусидаги маълум қарорида айни шундай регионимиз ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик тарзида таърифланган эди. Бугунги кунда Ўрта Осиё ишлаб чиқарувчи кучларининг бундан буёнги тақдиридан ташвишланиш иқлимнинг илий бошлашига доир бутун дунё тенденцияси билан ҳам боғланиши керак бўлади. Бу проблемани ўрганаётган олимлар ушбу тенденция оқибатида сув доимо кам бўлган жойларда у янада кам бўлиши, намланиш юқори бўлган жойларда эса янада кўпайиши мумкин деб фараз қиляптилар. Ҳозирча бу нарса фақат фараз, лекин уни эътибордан соқит қилиш ярамайди, чунки у Ўрта Осиёни сув билан таъминлаш проблемасига янада кескинлик бағишлайди. Эҳтимол, бу ерга бошқа регионлардан сув олиб келиш ҳисобига бўлсада, эртами-кечми бу проблемани ҳал қилишга тўғри келади.

Юқорида баён этилганларнинг барчаси Ўрта Осиё республикалари Фанлар академиялари бу республикаларнинг хусусиятларини ҳисобга олган, ва албатта умумдавлат манфаатлари билан қўшган ҳолда амалга ошираётган фундаментал илмий тадқиқотларининг айни асосий йўналишини белгилайди. Бизнингча, илмий ва планлаштириш ташкилотлари Ўрта Осиё республикаларининг иқтисодий муносабатларини янада такомиллаштириш ва уйғунлаштириш мақсадида нима ишлар қилишлари лозим?

Аввало бутун Ўрта Осиё иқтисодий районини стратегик комплекс ривожлантириш Концепциясини (илмий мўлжал) ишлаб чиқиш керак.

Давлат даражасида СССР Госпланига бўйсунадиган Ўрта Осиё иқтисодий координация Кенгашининг тузилиши, бизнингча, Ўрта Осиё республикалари ишлаб чиқарувчи кучларини «яхлит нарса»нинг қисмлари сифатида уйғунлаштиришга хизмат қилади. Ҳозир республикалар Госпланлари раислари даражасида бундай кенгашлар ишлаб турибди. Кенгаш составига, шунингдек, улардан ташқари, 60-йилларда бўлганидек, республика ва Ўрта Осиё ташкилотлари раҳбарлари, албатта, Министрлар Советларининг раислари киритилиши керак. Ушбу республикалар Олий Советларининг раислари ҳам унга киришлари зарур.

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини оқизишга доир ишларни тўхтатиш тўғрисидаги қарорида кўзда тутилган регион ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқиш бошланяпти. У бизнингча, икки қисмдан:

— мавжуд сув ресурсларини янада тежамлироқ сарфлаш ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш бутун факторларидан комплекс фойдаланиш бўйича шошилинч тадбирлар системасидан;

— юзага келаётган демографик ва сув хўжалиги ҳолатини ҳамда агросаноат ишлаб чиқариши ва халқ хўжалиги бошқа тармоқлари структурасини мақсадга мувофиқ такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ишлаб чиқарувчи кучларини 2010 йилга қадар янада комплекс ривожлантиришнинг йўналиш ҳамда потенциал имкониятларини асослашдан ташкил топиши керак.

Биринчи қисм мазкур қарорда номлари келтирилган ихтисослаштирилган тегишли ташкилотлар томонидан, иккинчи қисм СССР Фанлар академиясининг

мамлакат табиий ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганишга доир Доимий комиссияси ҳамда СССР Госпланининг ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганишга доир Кенгаши томонидан идора ва республикалар материаллари асосида, республикаларни мамлакатнинг йирик иқтисодий райони сифатида уйғун ривожлантириш манфаатларини кўзлаган ҳолда тайёрланади; ушбу қисм концепциясини программага вариант сифатида ишлаб чиқиш СССР Фанлар академиясининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон экономикаси регионал проблемаларига доир илмий кенгаши комиссиясига юклатилган.

Бундай фундаментал ишланма программасида аввало каттагина потенциал имкониятларга эга бўлган ноёб иқтисодий район сифатида Ўрта Осиёга характеристика берилиши керак. Унда табиий ресурслар уларга иқтисодий баҳо бериш, ларни жойлаштириш, муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш вазифалари илан; экологик проблемалар, уларнинг районлар бўйича характеристикаси инсоннинг табиатга ортиқча таъсирини, унинг ҳалокатини истисно этувчи табиат муҳофазасига доир олдини олувчи тадбирлар системаси билан биргаликда кўратилиши керак. Район экономикасини таҳлил этишда аҳоли таркибини, унинг жойлашиши, меҳнат ресурслари мавжудлиги, уларнинг мумкин бўлган ўсиш истиқболлари, улардан ижтимоий ишлаб чиқаришда ҳозир ва келажакда фойдаланиш даражаларини ўрганмасдан туриб бирор иш қилиш мумкин ҳам эмас.

Республикалараро етакчи саноат комплексларининг ҳозирги аҳволини ва янада ривожланишини тадқиқ қилиш комплекс программанинг жуда муҳим элементи ҳисобланади. Сўз аввало районлараро катта аҳамиятга эга бўлган ёқилғи-энергетика комплекси ҳамда республиканинг ички потенциал имкониятлари хусусида бораяпти. Бунда регион ишлаб чиқарувчи кучларини уйғунлаштиришдаги муҳим элемент сифатида ушбу комплекс қисмларини бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожлантириш проблемаларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Айниқса истиқболда жуда катта аҳамият касб этадиган бошқа бир комплекс — машинасозлик комплексидир. Уни рационал жойлаштириш ва янада ривожлантириш характери Ўрта Осиё республикаларининг ўзаро ва мамлакат бошқа районлари билан иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашга ҳамда такомиллаштиришга жиддий таъсир кўрсатади.

Химия саноатини бундан кейин шакллантиришга тўғри ёндашишни белгилаш, унинг районлараро ва район ичидаги аҳамиятини, унинг корхоналари жойлашишини, уларнинг экологик аҳволга таъсирини таҳлил этиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу комплекснинг бундан буён ривожланиши стратегик йўналишларини қараб чиқиш айниқса масъулиятли вазифадир. Бунда ушбу тармоқни ривожлантиришда идоравий манфаатлар устунлиги Ўрта Осиё республикалари экономикасида бир неча марта салбий натижаларга олиб келган ва тайёр маҳсулотни эмас, балки ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда олиб кетишга йўналтирилганлиги учун чиндан ҳам химия саноати комплексини шакллантиришга ҳеч имкон бермаган ўтмиш йиллар практикасининг қайтарилмаслиги асосий нарсадир.

Ўрта Осиёдаги кон-руда саноати ва рангли металлургия комплекси ҳозирноқ муайян районлараро ва ички район аҳамиятини касб этди, эндиликда бу комплекс унинг ишлаб чиқариш ихтисосланиши асосий тармоқлари билан ҳамда унинг республикалараро кон саноати узеллари шаклланиши билан ўзаро боғланган ҳолда янада ривожланишининг стратегик концепциясини ишлаб чиқишни талаб этаяпти.

Қурилиш индустриясида бутун Ўрта Осиё иқтисодий регионини ривожлантиришдаги инвестициялар истиқболини ҳисобга олиб туриб, биргаликда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, республикалараро қурилиш базаларини барпо этиш, уларни жойлаштириш ва жиҳозлаш, баланслантириш ва янада такомиллаштириш, қурилиш комплекси қисмларининг ўзаро боғланганлиги масалаларини ҳал қилиш лозим.

Комплекс программанинг кенг бўлими енгил саноат аҳволи ҳамда унинг истиқболлари таҳлилига бағишланади. Бунда қишлоқ хўжалик хом ашёсини дастлабки қайта ишлашни ривожлантиришни, Ўрта Осиёда индустриянинг ички регион эҳтиёжларини ҳам қондирувчи тўқимачилик ва бошқа тармоқлари умумиттифоқ базаларини барпо этишни, саноат узелларини бунёд этиш ва жойлаштиришни,

кичик шаҳарларни индустриал ривожлантиришни стратегик вазифаларга киритиш керак бўлади. Шунингдек бошқа тармоқларни халқ истеъмоли предметлари ишлаб чиқаришга жалб этиш йўллари ва имкониятлари белгилаб берилиши керак.

Ер-сув ресурсларидан рационал фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эга. Бу масала табиий-иқтисодий зоналарга (суғориладиган деҳқончилик, тоғ-тоғ олди, чўл ва чала чўл зоналарига) доир мелиоратив программаларни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳозирги аҳволига, потенциал умумиттифоқ ва ички район имкониятларига характеристика бериб, регионнинг ирригацияси ва сув билан таъминотини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва проблемаларини асослаш билан биргаликда чуқур ишлаб чиқилиши лозим.

Шу билан бир қаторда Комплекс программада агросаноат комплексини, унинг ишлаб чиқаришдаги ихтисосланиши тармоқларини ва озиқ-овқат йўналишини ривожлантиришнинг Ўрта Осиё бўйича ўзаро боғлиқ проблемалари ҳам айни умумиттифоқ ва ички район эҳтиёжларини қондириш жиҳатидан очиб берилиши керак. Ўрта Осиёда ўсимлик мойи, қуруқ мева, мева-сабзавот консервалари, узум винолари ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг умумиттифоқ базаларини барпо этиш хусусидаги масалани ҳам ушбу нуқтаи назардан туриб тадқиқ қилиш лозим. Бунда ички район эҳтиёжларини озиқ-овқат ва озуқа экинлари билан қондириш эътибордан четда қолмаслиги керак.

Программа пахта ва бошқа техника экинлари етиштиришни кўшган, умумиттифоқ ва ички район эҳтиёжларини қоплаш позициясидан туриб яқин ва олис истиқболни кўзлаган ҳолда регионда бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштиришнинг вариантли ечимларини ҳам ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир.

Умуман регион территориясининг инфраструктурасини жадал ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқилиши программанинг ўзаро боғловчи мажбурий элементи бўлиб қолиши керак. Бу бўлимда ҳозирги ва истиқболдаги ички район ва районлараро транспорт-иқтисодий алоқалар, регионнинг бутун транспорт комплекси, ташишлар структураси ва баланси, шунингдек ташқи савдо алоқаларини янада ривожлантириш характеристикасига муҳим ўрин ажратилади.

Сўз бораётган программа учун унинг территориал жиҳати жуда муҳимдир. Бу эса аввало халқ хўжалигини бошқаришда халқ депутатлари Советларининг роли ошиши билан шартланган. Кўринишича, Ўрта Осиё иқтисодий районлаштирилишини, шу жумладан қуйи даражасини тўлдириш ҳамда такомиллаштириш, унинг мақомини районлар жадвалини уларнинг иқтисодий алоқаларини ҳамда маъмурий-территориал бўлинишни такомиллаштириш вазифаларини таҳлил этиш билан биргаликда асослашни қўшган ҳолда планолди аналитик негиз сифатида мустаҳкамлаш талаб этилади.

Иқтисодий раойнлаштириш демографик ўсиш ва иш билан таъминланганлик табиий-иқтисодий ва агросаноат потенциали энг катта бўлган, ҳозирги ва истиқболли саноат аҳамиятига эга узеллар мавжуд районларни аниқлашсиз мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиё ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда ғоят самарали силжишларни белгилаб беради. Регион территориал ишлаб чиқариш комплекслари ривожланишини ҳисобга олган ҳолда унинг иқтисодий районлари жадвалини такомиллаштириш ҳамда улар интеграциясини чуқурлаштириш комплексларнинг иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлайди. Шунингдек шаҳар агломерацияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни интенсивлаш вазифалари белгиланиши керак.

Комплекс программанинг якунловчи қисми, бизнингча, Ўрта Осиё иқтисодий районига кирувчи ҳар бир республиканинг ва унга интилувчи жанубий Қозоғистоннинг, уларнинг ҳозирги иқтисодий потенциали ва жорий ҳамда истиқболли планлаштиришнинг аналитик негизи сифатида уларни янада ривожлантириш асосий йўналишларининг йиғма социал-иқтисодий характеристикасини албатта ўз ичига олиши керак.

Умуман Ўрта Осиё ишлаб чиқариш ихтисосланишини такомиллаштириш ҳамда унинг ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш билан бир қаторда ривожланишнинг тармоқ стратегияларини террито-

ниал-ишлаб чиқариш комплекслари системаларини барпо этиш билан алмаштиришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Программада биргаликда фан-техника тараққиёти проблемалари, уларнинг Ўрта Осиё ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришга конкрет таъсири (ҳозирда ва истиқболда), шунингдек ушбу регионда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга ҳамда жойлаштиришни такомиллаштиришга доир планолди тадқиқотлар системалари кўрсатилиши керак. Программа Ўрта Осиё республикалари ишлаб чиқарувчи кучларини уйғунлаштиришга имкон берувчи халқ хўжалик ва регионал проблемалар балансланган бўлиши учун интеграциялланган модель ечимларни ҳам ўз ичига олиши керак.

Комплекс программа схемасини ташкилий жиҳатдан ишлаб чиқилишини, кўринишича, СССР Фанлар академиясининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон регионал проблемаларига доир илмий кенгаши Комиссияси томонидан тилга олинган республикаларда ҳамда СССР Госпланида мавжуд бўлган тузатишлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш керак. Сўнгра у республикалар Госпланлари иқтисодий Кенгаши томонидан қараб чиқилади ва тасдиқлаш ҳамда фойдаланиш учун кенгаш томонидан СССР Госпланига топширилади.

Мамлакат ягона халқ хўжалик комплексида Ўрта Осиё иқтисодий райони бундан буён ривожланиши программасининг ана шундай нуқтаи назар остида шаклланиши ўз моҳиятига кўра лойиҳаси мамлакатда кенг муҳокама қилинган иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши асосида уларда экономика ва социал соҳага раҳбарликни қайта қуриш умумий принципларига мувофиқ келади.

КПСС МК Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг йил 2 июлда Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқида таъкидланганидек, тўпланиб қолган муаммоларни дўстлик ва ҳамкорлик негизида ҳал этиш лозим. Фақат шундагина «муштарак манфаатларимизни ўйлаб совет федерациясини тараққиётнинг кенг йўлига чиқариш» мумкин бўлади.

М. ЙЎЛДОШЕВ

АСК ПАХТАЧИЛИК КИЧИК КОМПЛЕКСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

КЕЙИНГИ ВАҚТДА иттифоқдош республикалар ва мамлакат регионларинин тўлиқ хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш ва ўзин ўзи пул билан таъминлашга ўтиши проблемалари эътиборни тобора кўпр ўзига жалб эта бошлади. Уларни муҳокама этиш давомида турлича — ҳам шак шубҳага ўрин қолдирмайдиган, ҳам гумон ёки келишмовчилик туғдирадига нуқтаи назарлар айтиляпти. Мисол тариқасида СССР молия министри ўринбо сари В. Пансковнинг «Экономическая газета»даги чиқишини олиб кўрайли (1988 йилги 44-сон). Унда таъкидланишича, кўпгина регионларда тайёрга айё лик кайфиятлари томир ёйган, улар бюджетлари сарфининг ўсиш суръатлар юқори бўлиб, бу нарса ўз даромадларининг кўпайиш суръатларига мувофи келмайди, бундаги тафовут умумдавлат солиқлари ва даромадларидан чег ришларни ошириш ҳисобига, кўпинча эса тўғридан-тўғри дотациялар оли ҳисобига қопланяпти. Дотация олувчиларнинг келтирилган рўйхатида эса ас сан Ўрта Осиёнинг пахтакор республикалари, шу жумладан Ўзбекистон СС ҳам бор (1989 йили у оладиган 1 миллиард 957 миллион сўмлик дотаци нинг салмоғи республика бюджети ҳажмида 19,5 процентни ташкил этади).

Юзага келган вазиятни чуқур таҳлил қилмасдан туриб бир қатор республик ларнинг тайёрга айёрлиги хусусида бундай даъво қилишлар носоғлом ҳолатн туғдиради. Зеро, масалан, Ўзбекистон умумиттифоқ меҳнат тақсимотидан кел чиққан ҳолда пахта толаси етиштиришга ихтисослашган. Ҳолбуки, толанин 90—92 проценти республикадан ташқарига олиб кетилади, лекин бу нарс гарчи, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, олиб кетиладиган толадан ишл надиган ип газлама ҳамда трикотаж буюмларнинг ўртача йиллик оборот соли умуман олганда мамлакат бўйича шартли равишда салкам 4 миллиард сўм ташкил этсада, Ўзбекистонда ҳосил қилинадиган миллий даромаднинг ўсиши имкон яратмайди.

Шу сабабли регионал хўжалик ҳисобини жорий этиш проблемаларига до кенг мунозара бораётганлиги бежиз эмас. СССР Министрлар Советининг «Итт фоқдош республикаларда уларнинг суверен ҳуқуқларини кенгайтириш, ўз-ўзин бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида экономика ва соц соҳага раҳбарликни қайта қуришнинг асосий принциплари» лойиҳаси унга ян омил бағишлади. Менимча, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарор ридан келиб чиққан ҳолда республика экономикасининг бошланғич бўғинлари хўжалик ҳисоби муносабатларини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш ва асосда ўз-ўзини бошқариш ҳамда ўзини ўзи пул билан таъминлаш принцип рини қарор топтириш зарур.

Барча даражаларда хўжалик ҳисобига ўтиш социализмнинг ўз моҳияти келиб чиқадиган объектив заруратдир. Уни реал иш деса бўлади. Лекин ҳанузгач республикалар ва регионлар ўртасида маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг эквив лент айирбошланишини таъминлайдиган механизм яратилмаганлиги, истеъм

ЙЎЛДОШЕВ Мўминжон, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг Ҳисоблаш марка Экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институти АСКни планлаштириш ва ривожланти бўлимининг мудири, иқтисод фанлари кандидати.

бозорида пул ва товар балансланганлигини таъминлаш проблемаси ҳал қилинмаганлиги туфайли бу иш тормозланиб қоляпти. Республикалараро алоқалар ўзаро фойдали бўлиши ҳамда товар-пул асосига қурила олиши учун ишлаб чиқариш воситаларининг эркин савдосини уюштириш зарур.

СССР Олий Советининг XII сессиясида (1988 йил декабрь) мустаҳкам Иттифоқ кучли марказ ва кучли республикаларни тақозо этади деб таъкидланди. Бунинг устига Иттифоқ биргаликда олинган барча республикалар ҳам, уларнинг муштарак манфаати, коллектив иродаси ҳамдирки, федерациямизнинг бирорта аъзоси буларни ҳисобга олмасдан иложи йўқ. Айнан шунга ўхшаб СССР экономикаси ҳам республика экономикаларининг йиғиндиси эмас, балки республикалар иқтисодий манфаатлари бирлиги ҳамда социализмнинг, бутун совет халқининг муштарак мақсадларига мувофиқлиги негизида шаклланган, ягона давлат плани бўйича ривожланаётган бир бутун халқ хўжалик организмидир. Бу комплекс мамлакат территориясидаги ижтимоий ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва айирбошлашнинг барча бўғинларини қамраб олган. Уни бунёд этиш ижтимоий ишлаб чиқаришни социалистик интернационаллаштиришда сифат жиҳатидан янги даражага эришилганининг қонуний натижаси бўлди. Ижтимоий ишлаб чиқаришни янада чуқурлаштириш ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги туб ўзгаришлар билан боғланган бўлиб, буни фақат кучли марказ ва кучли республикалар мавжуд бўлган тақдирда таъминлаш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, объектив тарзда республикалараро меҳнат тақсимотини ҳамда республикаларнинг тегишли ихтисослашишини янада такомиллаштиришни талаб этади. Зеро, деб таъкидлашган эди илмий коммунизм асосчилари, «миллат ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш даражаси унда меҳнат тақсимоти қандай даражада ривожланганлигида ҳаммасидан кўра яққолроқ намоён бўлади» (К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 3, с. 20).

Ихтисослашиш мамлакатимизнинг табиий-иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланиш негизидир. Бунда давлат билан регионлар ўртасидаги муносабатлар рағбатлантирувчи нормативлар ҳамда бошқа иқтисодий воситаларни кенг қўлланувчи олди-сотди орқали тенг шериклар ўртасидаги муносабатлар сингари йўлга қўйилиши керак. «Даромадларнинг барча манбалари республикалар бюджетига бириктирилиши керак» деган фикр тарафдорларига қарата шундай савол пайдо бўлади: улар Иттифоқни саклаб қолишни истайдиларми? Зотан, уларнинг хўжалик ҳисобига ўтишда бир томонлама, айрим регион учун фойдали бўлган шарт-шароит яратиш хусусидаги таклифи, менимча, «кучли марказ ва кучли республикалар» тўғрисидаги қоидага зид бўлиб, регионал биқиқлик, миллий-территориал яккаланиб қолиш йўлига тортади.

Турғунлик йилларида хўжалик юритишнинг бир қатор республикалар, шу жумладан Ўзбекистон экономикасига салбий таъсир кўрсатгани ҳақида кўп сўз юритилди. Ишлаб чиқарувчи кучларни планлаштириш ва жойлаштиришдаги ҳаддан ташқари марказлаштириш умуман мамлакатнинг ривожланишида ҳам ўз салбий ролини кўрсатди. Иқтисодчи олимларнинг мақолаларида тўғри таъкидланганидек, республикалар билан марказ ўртасида ўрнатилган муносабатлар фақат манфаатдор идоралар учун фойдали эди.

Қайта қуришнинг марказий вазифалари орасида регионларнинг кўпроқ мустақиллиги учун шароит яратиш, ҳар бир республика ўз фаровонлигининг, совет давлатининг муштарак бойлиги ва қудратини кўпайтириш негизи сифатида хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини яхшилашдан манфаатдор бўла оладиган ҳамкорлик шаклларини амалга ошириш борлиги ҳам бежиз эмас. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюциясида шундай деб таъкидланган: «Туб иқтисодий ислоҳот, демократиялаш жараёни миллий-давлат тузилмаларининг ҳам, бутун мамлакатнинг ҳам манфаатларини энг мақбул тарзда бирга қўшиш учун кенг имконият очиб беради. Иш шундай йўлга қўйилиши керакки, меҳнаткашлар республика ёки область қанча маҳсулот ишлаб чиқараётганини, у мамлакат экономикасига қанча ҳисса қўшаётганини ва қанча олаётганини билиб турадиган бўлсинлар. Республикалар ва регионларни хўжалик ҳисоби принципларига ўтказиб, уларнинг Умумиттифоқ программаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини аниқ белгилаб қўйиш ғояси эътиборга сазовордир».

Юқорида тилга олинган бир қатор масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди. Чунончи, маҳаллий Советларнинг ўз территорияларида жойлашган иттифоқ ихтиёридаги корхона ва ташкилотлар ишининг самарадорлигини ўстиришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида 1989 йилдан бошлаб ушбу корхоналар фойдасининг бир қисми, шунингдек уларда фойдаланиладиган меҳнат ресурслари учун тўловлар республикаларнинг бюджетига ўтказилади; оборот солиғини бир текисда тақсимлаш мақсадида 1991 йилдан бошлаб хом ашё етиштириладиган республикаларнинг бюджетига мамлакат бошқа районларида ип газлама ва жун газламалар, трикотаж ва улардан ишланган буюмлар, қўй терисидан тикилган пўстин ва мўйна буюмлар, вино маҳсулотини реализация қилишдан олинган оборот солиғининг бир қисмини бериш кўзда тутилмоқда.

Бу, албатта, пахтани марказлаштирилган тарзда қайта ишлаш юзага келтирган нуқсонларни тузатиш имконини беради. Лекин ип газламаларни ва ундан ишланган буюмларни ўз жойида ишлаб чиқаришни кўпайтириш Ўзбекистон ССРнинг хўжалик ҳисобига ўтишида энг муҳим дастлабки шартлардан биридир. Масалан, бундай кўпайтириш икки-уч маротабага етказилса, республика миллий даромадларининг 3,5—8 процент ўсишини таъминлаш мумкин бўлади.

Республика хўжалик ҳисобини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг республика даражасидаги натижалари ва сарф-харажатларини таққосламасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин мамлакатда юзага келган улгуржи ва харид нархлари, транспорт тарифлари системаси доим ҳам ҳақиқий сарф-харажат ва натижаларни тўғри ифода этмаслиги оқибатида аҳвол мураккаблашади. Чунончи, пахтанинг таннархини белгилашда суғориш сувининг қиймати эътиборга олинмайди. Партия ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ 1991 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик маҳсулотига нисбатан харид нархларида у ҳисобга олинади. Амалда бу ҳол 1929 йили жорий қилинган ва колхозлар тузилгач бекор қилинган суғорма деҳқончиликдаги хўжалик ҳисоби муносабатларига қайтишдир.

Афсуски, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг Ҳисоблаш маркази, Экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган республика областлари бўйича ернинг иқтисодий баҳосини ҳамда пахта харид нархларига ҳисоб-китоб бўйича устамаларни татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда сув истеъмолчилари учун баравар иқтисодий шарт-шароитни таъминловчи сув ҳақи белгилаш ва табақалаштириш методини Ўзбекистон ССР Давлат план комитети эндигина эътиборга олди. Зеро, сув чекланган шароитда сув учун ҳақ тўлаш нафақат сувни тежаш мақсадларида, балки хўжаликлар ўртасидаги хўжалик ҳисобига асосланган муносабатларни чуқурлаштириш учун ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари, сув учун ҳақни жорий этиш ва уни пахтанинг харид нархларида акс эттириш республиканинг миллий даромадига ижобий таъсир кўрсатади. Менимча, АСК пахтачилик кичик комплексидаги барча ўзини оқлаган сарф-харажатларни тўлиқ ҳисобга олишни рад этаётган кишилар «бир балоси чиқмасин» деган маълум принципга амал қилаётирлар.

Сув хўжалиги ходимлари давлат бюджетидан маблағ олаётганларида деҳқончилик самарадорлигини оширишдан иқтисодий манфаатдорлик ҳис этилмаслигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунончи, бир гектар ерни ўзлаштириш қиймати 1975 йилги 7700 сўмдан 1987 йилда 15000 сўмга ўсди, ана шу давр ичида бир гектар суғориладиган ердан деҳқончилик маҳсулоти етиштириш эса пасайди.

Шундай қилиб у ёки бу республиканинг сарф-харажатлари масаласи унчалик жўн масала эмас. Ўзбекистон учун, масалан, у нафақат пахта етиштириш учун янгидан қўшилган маблағларгина эмас, балки сарфланган табиий ва меҳнат ресурслари ҳамдир. Пахта монокультурасидан сўнг ерларни рекультивациялашга ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини юксалтиришга кетган харажатлар ҳам республика сарф-харажатлари таркибида ҳисобга олиниши керак.

Ўзбекистонда ҳосил қилинган пахта толасининг бутун ҳажмини бутунлай қайта ишлаш натижаларининг умумиқтисодий баҳоси мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг салмоқли ҳиссасини таъминлайди. Лекин «Бюрократик централизмдан суверен республикаларнинг иқтисодий интерграцияси сари» мақоласида («Коммунист», 1988 йил № 15) тўғри таъкидланганидек, «харид нархлари в

меҳнатни баҳолаш паст даражада бўлганда даромаднинг асосий қисми пахта етиштирувчиларга эмас, балки унинг асосан пахта етиштирувчи республикалардан ташқарида жойлашган истеъмолчиларига ўтади... Пахта етиштирувчи республикалар аҳолисининг асосий қисми ғоят заиф аҳоли — хотин-қизлар ва болаларнинг тинка-мадорни қуритадиган меҳнати, илм-маърифат сифатининг пастлиги, касалланиш ва болалар ўлими юқори даражадалиги билан қарзини тўлаган ҳолда жабрланувчи томон сифатида майдонга чиқади» (25-бет).

Ҳақиқатан ҳам, энг сўнгги пайтларгача пахтачиликнинг сарасоси—пахтакор эканлиги ҳар қалай унутиб келинди. Пахтачиликни комплекс механизациялаш тўғрисида кўп гапирилди, пахтакорнинг эҳтиёж ва ташвишларини эса «сезмадилар». Бу ҳол шунга олиб келдики, кўпгина пахтакор хўжаликларда пахтакор ҳар қандай йўл билан бўлсада) оила бюджетига мадад бера олиши учун колхоз бозорида реализация қилиш мумкин бўлган бошқа экинларни етиштиришга мажбур бўлди. Шу сабабли кичик комплекснинг ўзида ва у билан халқ хўжалиги бошқа тармоқлари ўртасида эквивалент айирбошлашни таъминлаш ғоят муҳимдир. Шундай иқтисодий шарт-шароитни яратиш зарурки, унда пахтакор ўз меҳнатининг натижаларидан, пахтакор регионлар эса талаб қилинувчи хусусиятларга эга бўлган тола етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдор бўлсин.

Мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлаш социализмнинг йирик ютуқларидан биридир. Пахта СССР бойлиги ва қудратини кўпайтиришда Ўзбекистон қўшаётган асосий ҳисса бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан хўжалик юритишнинг барча даромадларида ҳам, кичик комплекснинг ўз ичида ҳам АСК пахтачилик кичик комплекси билан бошқа тармоқлар ўртасида эквивалент айирбошлаш масалалари ҳал қилинмагунча, барча область, районларда пахтакор хўжаликларда, қайта ишловчи корхоналарда тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш жорий этилиши учун шарт-шароит яратилмагунча республика экономикасини хўжалик ҳисобига ўтказиб бўлмайди. СССР Олий Совети Президиумининг 1988 йил 26 ноябрдаги мажлисида М. С. Горбачев таъкидлаганидек, социалистик товар ишлаб чиқарувчининг тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтиши бўлмаган тақдирда бошқа даражаларда, шу жумладан, регионал ва республика даражаларида ҳам хўжалик ҳисоби бўлмайди. Шу муносабат билан кичик комплекс бошланғич бўғинлари — пахтакор хўжаликлар ва қайта ишловчи корхоналар даражасида қандай проблемалар турганлигини қараб чиқайлик.

1984 йилда пахтанинг харид нархлари оширилганлиги (қўл теримида 4 процентга ва машина теримида 12 процентга) ва тола учун ҳақ тўлашга ўтилганлиги вазифани яхшиланиш сари катта ўзгаришлар бўлиши кутилган эди. Албатта, пахтакор хўжаликлар билан пахта заводлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобнинг аввалги тартибларига таққослаганда ушбу система ўзининг ижобий хусусиятларига эга. Лекин фақат, «хусусиятларга» эга, чунки у шериклар ўртасидаги эквивалент айирбошлашни комплекс таъминлашнинг иқтисодий негизи хусусидаги масалани принципда ҳал этмайди. Объектив баҳолаш нормативлари йўқлиги, пахта ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатига машина-механизмлар меҳнати асосида баҳо бериш бунинг сабабидир. Зотан, маъмурий-буйруқбозлик бошқаруви шароитида бу масалалар шерикларнинг иқтисодий манфаатларига асосланган ҳолда эмас, балки «биринчи шахс»нинг сўнгги йўл-йўриғи асосида ҳал қилинган». АСК пахтачилик кичик комплексида раҳбарликнинг бундай системаси нима билан якунланганлиги ҳаммага маълум.

Афсуски, терилмаган пахтани қўшиб ёзишга уринишлар ҳали барҳам топгани йўқ, хўжалик юритишдаги янги жорий этилган форма ва усуллар аввалги системанинг консерватизмига тўқнаш келмоқда. Менимча, республика АСК пахтачилик кичик комплексида тартиб ўрнатишга доир чоралар планни «қандай қилиб бўлсада» бажариш принципидан узил-кесил воз кечишга имкон бермаганлиги бунинг асосий сабабидир.

Ўзбекистон Компартияси МК XVI пленумида (1984 йил июнь) ушбу соҳада юзага келган аҳволга принципиал баҳо берилди. Лекин «рашидовчилик»нинг «усмонхўжаевчилик» билан алмаштирилиши фақат модернизациялашган догмаизмни таъминлади холос, чунки маъмурий аппарат асосан олганда ҳали «би-

ринчи шахс» кўрсатмаларидан холи қилинмаган эди. Республиканинг янги раҳба-рияти аҳволни тузатиш истаги билан тўлиб-тошганлиги кўриниши яратилган ҳолда қайта қуришни сўзда «шошилтирдилар». Амалда эса сунъий авангар-дизм билан чекланиб қолинди. Туб қайта қуриш умумий гаплар ва даъватлар билан алмаштирилди, бошқарувнинг буйруқбозлик-зўраки усули янада никоб-ланган шаклга кирдики, бу эса унинг ижрочиларигагина қўл келар эди.

Шунга қарамай, кўпгина иқтисодчилар, шу жумладан ушбу сатрлар муалли-фи ҳам, 1984 йилдан кейин пахтачиликда юз берган ижобий натижаларни хўжалик юритишнинг янги системаси жорий этилиши деб билдилар. Дастлаб қараганда иккала томон — пахта етиштирувчи ҳам, уни харид этувчи ҳам — иқти-содий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолди. Етиштирувчининг тазйиқи тайёрланаётган хом ашёнинг сифатига талабчанлик ошганлиги туфайли бир қадар заифлашди. Шериклар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобнинг янги системаси бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулини сиқиб чиқаради деган таассурот пайдо бўлди. Лекин, тўрт йил (1984—1987 йиллар) ҳосилини тайёрлаш ва қайта ишлаш натижалари кўрсатганидек, бу система бир қатор камчиликларга эга экан. Харид нархларини қисман ошириш ҳисобига олинган маблағлар бе-восита пахтакорнинг меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилмади, балки улар-дан паст рентабелли пахтакор хўжаликларни сунъий равишда кўтариш учун фойдаланилди. Энг асосийси шундан иборатки, икки ёқлама — ҳам пахта хом ашё-си, ҳам пахта толаси бўйича — планлаштириш, улар билан бирга эса салбий ҳоди-салар учун замин ҳам сақланиб қолди. Зеро, пахтанинг тола миқдори фақат қайта ишлангандан сўнг аниқланарди. Дарвоқе, пахтачиликда пудрат ва ижара-нинг тарқалиши ҳам ана шу сабабдан ривож топмай келмоқда.

1984 йилдан сўнг етиштирилган пахтани қайта ишлаш натижалари таҳлил қилинган чоғда планни ҳар йили тола олиш бўйича ошириб бажариш ва уни маҳсулотнинг қолган турлари, хусусан, уруғликлар бўйича бажармаслик тен-денцияси очиқ намоён бўлиб қолди. Чунончи, 1985—1987 йилларда Фарғона областида ўртача ҳар йилги тола олиш пландагидан 3,99 пункт ошиб кетди, бунинг ҳисобига уч йил ичида пландан ташқари 57,5 минг тонна тола ишлаб чи-қарилди. Уруғлик олиш эса план топшириқларидан 4 пункт кам бўлди, натижада 66,8 минг тонна уруғлик кам етиштирилди. Хўжаликларга пландан ташқари олин-ган тола учун 99,4 миллион сўм тўланди, пахта заводларининг улуши 24,8 миллион сўмни, етказиб берилмаган чигит қиймати эса 6,7 миллион сўмни ташкил этди.

Республика АСК пахтачилик кичик комплексида қайта қуришга секин-аста яширин қаршилик кўрсатиш механизми нимада кўзга ташланади? Агар тур-ғунлик йилларида пахта тозалаш саноати «мутахассис»лари «Союзглавлегпром-сырье» ходимларига пора бериш орқали ҳар йили қўшиб ёзиладиган минглаб тонна пахта учун ҳақ тўлашни таъминлаган бўлсалар, 1984 йилда ўзаро ҳисоб-китобнинг янги системаси жорий этилгандан сўнг тола ҳамда пахтачилик маҳсу-лотининг бошқа турларини олиш хусусидаги маълумотлар манипуляция қилина бошлади. Заҳматкаш пахтакор эса иккала ҳолда ҳам ўз меҳнати учун тегишли ҳақни олмай келди.

Пахта тозалаш саноатининг уддабурон «мутахассислари» ўша даврдаги республика раҳбарлари билан муроса қилишга ҳамда бошқарувнинг маъму-рий-буйруқбозлик усули ҳали узоқ амал қилишига умид боғлаган эдилар. СССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқарувчи кучлар ва табиий ресурсларни ўрга-ниш комиссияси лабораториясининг мудири И. Богданов тўғри таъкидлага-нидек, бундай «фаолият»нинг энг даҳшатли оқибати шундан иборат бўлдики «биз Ўзбекистонда ўз ерига эътиқод қўйган, ўз ерини севадиган, унда қувонч билан, илҳомланиб ишлайдиган кишилар авлодини бой беряпмиз. Унинг эвазига эса кейинги ўн йилликларда шаклланган шароитга — ўғрилик, қўшиб ёзиш, алдаш, бир-бирини қўллаб-қўлтиқлаш шароитига мослашаётган кишиларга эга бўляпмиз» («Коммунист» № 18, 1988, с. 21).

Бундай салбий жараёнларга барҳам бериш учун пахтакорлар билан пахта тозаловчилар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг амалдаги системаси ўзгарти-рилиши керак, чунки у хўжалик юритишни демократиялашни таъминламаяпти, кичик комплекс барча бўғинларида пудратга ўтишга имкон яратмаяпти. Бунда

ташқари, у пахта хом ашёси ҳамда уни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатига баҳо беришга доир ўлчов асбобларини жорий қилиш ҳамда такомиллаштиришга тўғаноқ бўляпти.

Қайта қуришнинг демократиялашга асосланган аниқ илмий программасига эга бўлмаган Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат қомитети кичик комплекс бошланғич бўғинларида таъсирчан интеграцияни таъминламасдан туриб барча куч-ҳаракатни кичик комплексли аппарат ёрдамида бошқаришни мустаҳкамлашга қаратди. Натижада республика АСКнинг мавжуд табиий-иқтисодий потенциали ундан кутишга ҳақли бўлган самарани бермаяпти.

Бугунги кундаги аҳвол шундан иборатки, республика АСК пахтачилик кичик комлексининг регионал хусусиятларни ҳисобга олувчи хўжалик механизминг ягона концепцияси ҳали ишлаб чиқилмаган, уни такомиллаштиришга доир таклифлар эса бир томонлама ёки зиддиятли характер касб этган. Айрим проблемаларга доир кўпгина қимматли таклифлар эксперимент даражасида қолиб кетяпти, чунки уларнинг натижаларига буйруқбозлик усулининг қолдиқ инерцияси ҳали кучли таъсир кўрсатяпти — баъзи ҳолларда бу таъсир шунчалик кучлики, ғоянинг асосий рационал мағзи йўқолиб кетади.

Практиканинг таҳлили пахтачилик кичик комплексида давлат корхонаси бирлашмаси) ҳамда кооперация тўғрисидаги СССР Қонунлари тақдим этган имкониятлар унчалик тўла рўёбга чиқарилмаганини кўрсатмоқдаки, уларга мувофиқ ҳолда колхозлар, совхозлар ҳамда АСК қайта ишловчи корхоналари катагина мустақилликка эришишлари керак. Тола ва уруғлик олиш, навлилиги, ларнинг сифати ва ассортименти сингари план кўрсаткичларининг роли қайта ўриб чиқишга муҳтождир.

Пахта хом ашёси бир хилдаги масса бўлмагани сабабли ундан олинаиган маҳсулот миқдори ҳамда муайян хоссаларини ҳисобга олган ҳолда унинг ифатига идеал баҳо бериш уни қайта ишлашгача мумкин эмас. Планлаштириш авридаги ва тайёрлаш давридаги хатолар пировард натижага бир хилда таъсир ўрсатмайди. Масалан, тола ва уруғлик олишни белгилашда у ёки бу томонга ир процентга янглишиш пул билан ифодалаганда 20 баравардан зиёдроқ ҳисобанади. Бинобарин, пахтани қайта ишлашдан сўнг олинадиган асосий маҳсулот урлари миқдори ва сифатини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир транспорт бирлиги ўйича унинг миқдори ва сифатини объектив баҳолаш маҳоратига эҳтиёж ор. Бундай методиканинг йўқлиги пахтачиликда пудратнинг барча даромадарини ёйишни тормозлаб қўяди. Шу сабабли бу йўналишда илмий изланишлар либ бориляпти. Жумладан, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг Ҳиоблаш марказили Экономика ва нормативлар илмий-тадқиқот институти ходимари 1987 йилдан бошлаб республиканинг иккита пахта заводида эксперимент тказмоқда, унинг асосий мақсади — пахта хом ашёсининг физик оғирлиги ўйича толанинг ҳар бир транспорт бирлигига доир миқдори ва сифатини ниқлаш ҳамда бригада, звено, ижарачига алоҳида ҳолда кундалик ҳақ тўлашни орий қилишдир. Эксперимент таклиф қилинаётган таҳлилнинг инструментал сулини жорий қилиш жуда мураккаб эканлигини кўрсатди. Синалаётган медниг пахта тайёрлаш даврида субъектив тарзда аралашиш имкониятини сайтириши катта аҳамиятга молик, лекин у такомиллаштиришни тақозо этади.

Шунингдек, тайёрлов пунктларини пахтакор хўжаликларга бериш (Ўзбекисон ССР Фанлар академиясининг Экономика институти) ҳамда тайёрлов пунктлаини хўжаликларга берган ҳолда колхоз ва совхозлар билан тола учун ҳисобитоб қилишга ўтиш (ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими) эксперимент йўли билан екшириляпти. Ушбу ҳолларда кўпгина проблемалар ҳал қилиняпти, лекин муман олганда кичик комплекснинг хўжалик механизми яна бир карра қамраб линмаяпти.

Кейинги вақтга доир партия ҳужжатларида илмий ходимларнинг ўз тавсияари учун масъулиятини ошириш зарурлиги ҳақли равишда уқтириляпти, чунки йни шулар асосида хўжалик юритиш практикасидаги қарорлар қабул қилиади. Зеро, миллионлаб кишиларнинг тақдири кўп ҳолларда айни шу тавсиялар ифатига боғлиқ бўлади. Буни унутмаган ҳолда чуқур тус олаётган демократияаш шароитида планлаштиришнинг кўпгина анъанавий кўрсаткичларидан воз ечиш оқилона бўлар эди деб ҳисоблайман. Масалан, умуман пахтани ҳисобга

олишдан бутун дунёда қабул этилганидек толани ҳисобга олишга ўтиш, бошқарувнинг барча даражаларида тола бўйича ҳисоботларни жорий этиш ҳамда пахта тайёрлашга доир сводкаларни эълон қилишдан воз кечиш керак. Хўжалик йили якунлари умуман кичик комплекс бўйича хом ашё қайта ишлангач ва ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилгач йилда бир марта чиқарилиши керак. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети даражасида ҳам, кичик комплекс бошланғич бўғинлари даражасида ҳам шартномада кўзда тутилган ассортиментдаги тола бўйича давлат буюртмасининг бажарилиши асосий кўрсаткич бўлиб қолиши керак. Зотан, териб олинган пахта миқдори хусусидаги маълумотлар фақат қишлоқ хўжалик йили якунларини чиқариш ҳамда рапортлар бериш учун зарур, колхоз ва совхозлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар эса аллақачон толага асосланиб амалга ошириляпти.

Юқорида тилга олинган проблемаларнинг ҳаммаси республика Компартияси ҳамда ҳукуматининг диққат марказида турибди. Уларнинг кўплари бўйича қарорлар қабул қилинган, ижро этиш муддатлари белгиланган. Олимлар олдида республика АСК пахтачилик кичик комплекси хўжалик механизмининг пахтакор хўжаликлар ва қайта ишловчи корхоналарни пахтадан ишланадиган ҳамда давлат буюртмаси ҳажмларида кўзда тутилган маҳсулотларни харидор эҳтиёжига мослашиш учун иқтисодий жиҳатдан мажбур этадиган илмий асосланган системасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонунда давлат буюртмалари корхонага юқори орган томонидан берилади ва конкурс асосида жойлаштирилиши мумкин деб кўрсатилган; улар албатта планга киритилиши керак. СССРда кооперация тўғрисидаги Қонуннинг 34-моддасидаги 2-бандда шундай дейилган: «Колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашда банд бўлган корхоналар ва ташкилотлар билан ихтиёрийлик асосида бундай маҳсулотларни уларга сотиш юзасидан шартнома тузишлари, шунингдек бошқа ҳар қандай истеъмолчиларга ва колхоз бозорларида ўз ихтиёрлари билан сотишлари мумкин». Лекин амалда эса АСК пахтачилик кичик комплексида совхозлар сингари колхозлар ҳам пахта тозалаш заводлари билан тузилган шартномалар асосида Давлат агросаноат комитети томонидан туширилган толага оид давлат буюртмасини таъминловчи пахта етиштириш планларини ишлаб чиқадилар.

Шундай савол туғилиши мумкин: СССРда кооперация тўғрисидаги Қонун товар ишлаб чиқарувчи сифатида колхозларга ўз таваккалчилигига асосланиб ишлаб чиқариш ҳажмлари ва структурасини эркин планлаштиришда чекланмаган ҳуқуқлар беришини ҳисобга олган ҳолда истиқболда ташқаридан мажбурламасдан туриб пахта-тола учун давлат буюртмасининг 100 процентли ҳажмини жойлаштиришга муваффақ бўлина оладими? Зеро, пахта-тола учун давлат буюртмаси ҳозирча илгари туширилган пландан ҳеч қандай фарқланаётгани йўқ ҳамда колхозни уни олиш борасида иқтисодий жиҳатдан қизиқтирмайди. Юзага келган вазият республика АСК пахтачилик кичик комплексида тўпланиб қолган проблемаларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини излашни активлаштириш зарурати хусусида далолат беради.

Бундаги асосий шартлардан бири, В. И. Ленин сабоқ берганидек, «бевосита энтузиазмда эмас, балки энтузиазм ёрдамида» ҳаракат қилишдан иборатдир. Унинг гўё бугунги кунда айтилгандек туюладиган бошқа сўзларини ҳам эслатиб ўтишни истардим: «Шахсий манфаатдорлик бўлмаса, ҳеч қандай натижа чиқмайди. Манфаатдор қила *билиш* керак» (ТАТ, 53-том, 303-бет). Пахтачилик кичик комплекси мисолида бирликнинг объектив иқтисодий қонунини ҳамда иқтисодий манфаатларнинг мослигини унутиш нималарга олиб келиши яхши кўриниб турибди.

Бевосита пахта етиштирувчилар ва уни қайта ишловчиларнинг манфаатдорлигини қандай қилиб ошириш мумкин? Аввало кооперация ва пудратнинг барча формаларини ҳар томонлама жорий этиш, ҳар бирининг меҳнатига объектив баҳо берилишини ҳамда юқорида тилга олинган иккала Қонун бераётган ҳуқуқларни рўёбга чиқаришни таъминлаш ёрдамида. Пахтакор хўжаликларга ҳозир сабзавотчиликда қилинаётганидек, пландаги кўрсаткичнинг 30 процентини ҳамда пландан ташқари барча толани шартномавий нархлар асосида реализация

қилиши учун рухсат берилиши, шунингдек иттифоқ манфаатига зарар келтирмаган ҳолда областлар даражасида толани ташқи бозорга етказиб бериш бўйича (жаҳондаги нарх-наво асосида) шартномалар тузиш бошқа йўллар ҳисобланади. Бу эса пахтакор хўжаликларнинг ўз иши пировард натижаси юқори бўлишидан манфаатдорлигини анча оширган бўлур эди.

КПСС МҚ март (1989 йил) Пленумида республикаларнинг озиқ-овқат таъминоти учун масъулиятни кескин ошириш янги аграр сиёсатнинг таркибий қисмидир деб таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССРни ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлашга ўтказишдек мураккаб масалага тўхталмоқчиман. Бу масала барча мавжуд имкониятлардан иложи борича тўлароқ фойдаланишни, қишлоқ хўжалик хом ашёсини харид қилишни планлаштиришда, тайёр маҳсулотни реализация қилиш ва унинг нархларини тартибга солишда маҳаллий органлар ташаббускорлигини кенгайтиришни кўзлаган ҳолда қўйиляпти. Тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишда иттифоқдош республика нафақат маъмурий-территориал бирликни, балки мамлакат ягона халқ хўжалик комплекси доирасида нисбатан алоҳида иқтисодий манфаатларга эга бўлган хўжалик бирлигидан ҳам иборатлигини ҳисобга олиш лозим. Ўзбекистонга татбиқан олганда бу нимани англатади? Аввало ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан чорвачилик маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаш йўлини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослашни талаб қилишини англатади. Республика агросаноат комплексини уларни етиштиришни максимал равишда кўпайтириш учун йўллаш зарур, лекин у ҳеч ҳам зонал ихтисослашиш — пахтачиликдан воз кечиш ҳисобига бўлмаслиги керак. Шу билан бир вақтда пахтачилик ҳамда кичик комплекс қайта ишловчи тармоқларининг барча чиқиндиларидан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун фойдаланиш имкониятига эътибор бериш лозим. Дарвоқе, бу имконият техника экини сифатида ғўзанинг самарадорлигини янада оширади.

Пахтачиликнинг ўзи ва пахтани қайта ишлаш соҳаси йилига салкам 10 миллион тонна чиқинди беради. Гарчи, республика олимларининг ҳисоб-китобларига қараганда улардан бир талай қимматли маҳсулотлар, масалан, чорвачилик учун салкам бир миллион тонна озуқа ачитқиси олиш мумкин бўлсада, уларнинг асосий қисми бугунги кунда ёқиб юборилапти ёки ерга кўмиб ташланяпти. Ўзбекистон ёғ-мой саноати пахта мойидан ташқари ҳар йили 1,2—1,3 миллион тонна шрот ва кунжара, тахминан шунча пахта шулхаси, ўн минглаб тонна ёғли кислота ишлаб чиқармоқда. Ўзимизда концентрацияланган озуқа ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлгани ҳолда шрот асосан республикадан ташқарига олиб кетилишини тўғри деб бўладими? Пахта шулхасининг атиги чорак қисмигина микробиология саноатида қўлланилади.

Республика АСҚ пахтачилик кичик комплексининг озиқ-овқат потенциалидан самарали фойдаланишга нима халақит беряпти? Зарур ишлаб чиқариш қувватларининг йўқлиги бунинг объектив сабабидир. Лекин асосийси — манфаатдорлик йўқ. Менимча, техника экинларининг ташланадиган ноозиқ-овқат чиқиндиларини тайёрлаш билан улардан ишланадиган озуқаларни беришда тўғридан-тўғри боғлиқлик яратилиши лозим. Ҳаёт бизда чорвачилик ва сабзавотчилик сингари тармоқларни ҳам изчил ривожлантириш билан бир вақтнинг ўзида пахтакор хўжаликларни фақат иқтисодий йўл билан қизиқтириш мумкинлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилмоқда. Давлатга катта фойда келтирган ҳолда бундан ўзлари бенасиб қолмасликларига деҳқонларнинг ишончлари комил бўлиши керак.

Мақолада кўтарилган проблемаларни ҳал этиш, менимча, республика АСҚнинг тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишига, унинг хўжалик самарадорлигининг, бинобарин, мамлакат экономикасини мустаҳкамлашдаги ҳиссаси ошишига ҳам хизмат қилади.

И. МУНАЕВ

ФАН—ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДЕМОКРАТИК ФОРМАСИ

ҲАЁТИМИЗДА халқ хўжалигини бошқариш системасини ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришлар кўп бўлган. Уларнинг бирортаси, одатда, кутилган натижани бермади. Бу орада улкан мамлакатимиз халқаро майдондаги нуфузини борган сари кўпроқ бой бериб борди, унинг экономикаси халқ эҳтиёжини борган сари камроқ қаноатлантира бошлади. Давлатимиз бундан кейин ана шундай ҳолатда ривожланиши мумкин эмаслиги равшан бўлиб қолди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси келажакка умид ва ишонч уйғотди. Афсуски, жамиятшуносларнинг партияни сиёсий системани қайта қуриш, мамлакатни кризисолди ҳолатидан олиб чиқиш концепцияси билан қуроллантиришга тайёр эмасликлари кўриниб қолди. Қайта қуришнинг аввал бошданоқ қийинчиликка учрагани бежиз эмас. Бу нарса, таҳлилнинг кўрсатишича, айникса фан-техника тараққиётида яққол сезилди. Бу ерда буйруқбозлик-маъмурий усуллар ўтмишда самара бермаган эди, кенг ёйилаётган демократиялаш шароитида эса, аксинча, унга тўғаноқ бўляпти.

Бундай вазиятда фан-техника тараққиётини бошқаришнинг 60-йиллар охиридаёқ партия органлари қошида ташкил этилган унга кўмаклашиш кенгашлари сингари жамоат формасининг иш тажрибасини баҳам кўриш фойда келтиради.

Ўзбекистон Компартияси МК қошидаги Фан-техника тараққиётига кўмаклашиш республика кенгаши бир неча йил олдин тузилган эди. Илғор илмий-тадқиқий ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини, бошқарув системалари, технология жараёнларини халқ хўжалигига татбиқ этишни координациялаш ҳамда назорат қилишни амалга ошириш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш; республикада фан-техника тараққиётининг бориши устидан партия таъсирини кучайтириш бу кенгашнинг асосий вазифаси бўлди. Кенгашнинг тегишли состави тасдиқланди, тематик секциялар тузилиб, уларга олимлар, партия, совет, хўжалик раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари киритилди. Бу эса мураккаб масалаларни комплекс ҳолда, омилкорлик ва, энг муҳими, демократик асосда ҳал этиш имконини берди. Республика кенгашининг тавсиялари республикадаги фан-техника тараққиётини бошқариш бутун механизмини ҳаракатга келтиришга йўналтирилган, директив характерга эга бўлиб, уларни бажариш барча совет, хўжалик ва илмий-техника ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

Республика кенгашининг энг биринчи мажлисларидан бирида Ўзбекистон ССРнинг ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналари, кўмир саноати ва электроэнергетикасида чиқитсиз технологияни жорий этиш ҳамда бинокорлик материалларини тайёрлашда чиқитлардан фойдаланиш хусусидаги масала қараб чиқилди. Маълумки, республика саноатида ҳар йили чиқит сифатида 4 миллион тоннадан ортиқ фосфогипс, 50 миллион тоннадан кўпроқ фойдали жинслар, салкам 0,5 миллион тонна кул ва кул шлаги ҳосил бўлади. Илмий ташкилотлар томонидан улардан юқори сифатли маҳсулот тайёрлашнинг технологик жараёнлари ишлаб чиқилган эди. Чунончи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Химия институти фосфогипс, кул ва оҳакдан фойдаланган ҳолда девор материаллари ишлаб чиқаришнинг энергия тежовчи самарали технологиясини таклиф этди, Главташкент-

---

МУНАЕВ Иван Алексеевич, Ўзбекистон Компартияси МК қошидаги Фан-техника тараққиётига кўмаклашиш республика кенгашининг масъул котиби, Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг бош мутахассиси.

строй корхоналарида эса цемент янги турининг тажриба-саноат партияси тайёрланди. Синовлар ундан ишланган деталь ва конструкциялар юқори сифатга эга бўлишини, ушбу технологиядан олинадиган тежам эса йилига 48 миллион сўмдан кўпрокни ташкил этиши мумкинлигини кўрсатди.

Аммо химия, кўмир саноатлари ва энергетикада чикитсиз технологиялар суст жорий қилиняпти. Тегишли министрлик ва идоралар ғишт, цемент, шлакоблок ва бошка тур махсулотларни ишлаб чиқариш учун каолин, фосфогипс, кул шлакларидан фойдаланишга етарлича эътибор бермаяптилар. Шу билан бир вактда корхоналар чикиндиларни омборларга жойлаштиришга жуда катта маблағлар сарфламокда. Факат Олмалиқ химия заводининг ўзида уч йил ичида ана шу максадлар учун 50 миллион сўм сарфланди, шлаклар учун салкам 500 гектар ҳосилдор ер банд қилинганки, бу ҳол атроф-муҳит мусаффолигига нохуш таъсир кўрсатяпти.

Республика кенгаши мажлисларида фан билан ишлаб чиқариш алоқасининг ташкилий формаларини такомиллаштириш масалалари ҳам қараб чиқиляпти. Фан ютуқларини республика халқ хўжалиги тармоқларида қўлланиш микёслари ва самарадорлиги ҳозирги талаблар даражасида эмас. Бу эса кўпроқ фан ва техникани ривожлантиришни бошқаришнинг амалдаги механизми такомиллашмагани билан боғлиқдир. Бизда тармоқлараро илмий-техника комплексларини, инженерлик марказларини бунёд этиш, фаннинг практика билан алоқаси бошқа прогрессив формаларини излаиш тегишлича ташаббус ҳамда қатъият билан олиб борилмаяпти. «Илмий-тадкикот институти — конструкторлик бюроси — ишлаб чиқариш» структурасининг балансланмаганлиги натижасида илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг кўпчилиги ўз вазифасига тўлиқ даражада жавоб бермайди. Республика Госплани ва Фанлар академияси энг муҳим илмий-техника проблемалари системасини аниқлаб бермади, бу проблемаларнинг ҳал этилиши иктисодий ва социал тараккиётни жиддий равишда жадаллаштириш имконини берган бўлур эди.

Фан ва техникани ривожлантириш планлари доим ҳам ишлаб чиқариш, моддий-техника таъминоти ва капитал қурилиш планлари билан боғланавермайди. Улар илмий муассасаларнинг талабномалари асосида ишлаб чиқилиб, кейинроқ министрлик ва идораларда, сўнг эса республика Госпланида умумлаштирилади. Бундай механизм уларга доим ҳам энг муҳим социал-иктисодий ва илмий-техника вазифаларини ҳал этишга қаратилмаган илмий проблемаларнинг киритилишига олиб келади. Бошқа томондан олсак, хўжалик шартномалари бўйича бажарилаётган илмий ишлар асосан жорий пайтнинг қийинчиликлари ҳамда камчиликларини тугатишга йўналтирилган, уларни планлаштиришда конкрет тармоқни ривожлантириш йўналишлари прогноз қилинмайди, улар ишлаб чиқариш даражасини техника билан жиҳозлашни юксалтиришга, оптимал натижаларга эришишга суст даражада қаратилган. Истиқболли ишланмаларга зиён келтирган ҳолда майда ва қисқа муддатли мавзулар ҳиссаси кўпайиб бормоқда.

Мавжуд илмий-техника запасидан қониқарсиз фойдаланиш республиканинг илмий-тадкикот институтлари, конструкторлик бюролари ва олий ўқув юртларида бир қатор қимматли ишланмаларнинг тўпланиб қолишига олиб келдики, гарчи анчагина халқ хўжалик самарасини бериши мумкин бўлсада улар узоқ вакт кенг ҳажмда жорий қилинмай келди. Тупроққа кальций нитрати, экиш пайтида туксиз чигит солиш орқали ғўзанинг шўрга чидамлилигини ошириш методидан, фосфогипсдан бинокорлик материаллари олиш технологияларидан, цемент ишлаб чиқаришда паст температурали технологиядан фойдаланишнинг ўзидангина республика халқ хўжалиги 750 миллион сўм фойда олган бўлур эди.

Ўйлашимизча «Пахта териш машиналари», «Иккиламчи ресурслар», «Гелиотехника» ва бошқа инженерлик ва илмий марказларни, тармоқлараро илмий-техника комплексларини ташкил этиш фан билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро муносабатларини қайта қуришга имкон берган бўларди. Ҳозирча ушбу йўналишда жиддий ўзгаришлар юз бермаганини қайд этишга тўғри келади. Илмий тадкикотлар ва улан унинг натижаларини жорий этишни координациялаш ҳозирча заифлигича қолмоқда. Ўзбекистон ССР Госплани эса кузатувчилик позициясидан ҳамон воз кечгани йўқ.

Республика кенгаши ўз ишида, одатда, энг йирик, мураккаб проблема-

ларни ҳал этишни мўлжаллаб иш тутади. Чунончи, у Ўзбекистон экономикаси аграр секторида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга доир тадбирлар қандай бажарилаётгани ҳақидаги масалани ўрганиб чиқди. Маълумки, ўтган беш йилликнинг ўзидагина қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 15 миллиард сўм сарфланди, колхоз ва совхозларга салкам 80 минг трактор, кўплаб бошқа техника ва минерал ўғитлар етказиб берилди. Лекин бунёд этилган ишлаб чиқариш потенциалидан қониқарсиз фойдаланиляпти. Пахтачиликда нохуш аҳвол юзага келган. Ҳосилдорлик, пахта сифати паст, уни етиштиришга ҳали ҳам жуда кўп меҳнат ва маблағ сарфланади. Қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялашнинг юксак даражасини ва меҳнат унумдорлиги жадал ўсишини таъминлайдиган интенсив технологиялар қониқарсиз тарзда жорий этиляпти. Суғориш системаларини реконструкциялаш ва суғориладиган ерларни тубдан текислаш суст олиб бориляпти. Буларнинг ҳаммаси бошқа сабаблар билан биргаликда агросаноат комплексидаги фан-техника тараққиётини тормозлаяпти.

Республика кенгаши Давлат агросаноат комитети, Главсредазирсовхозстрой, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига тармоқ учун 2000 йилга қадар даврга мўлжалланган фан-техника тараққиёти комплекс программасини ишлаб чиқишни тугаллашни тавсия этди. Бу программада машина ва ускуналарнинг янги авлодларини: тегишли прицеп ва осма воситалари бўлган 250 от кучига эга ҳайдов трактори, 150 от кучили чопиқ трактори, 200 от кучидан зиёд кувватли двигатель ўрнатилган ўзи юрар пахта териш машинаси, чуқур ҳайдайдиган асбоби бор айланма плуг, унумдорлиги юқори чанглатгич-пуркагич, пахта подборщигини яратишни қараб чиқиш зарур. Ушбу тавсиялар республика агросаноат комплексининг турли бўлинмалари вакиллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган эди. Шундай бўлсада таклифларимиз амалдорларнинг қоғозлари орасида ном-нишонсиз йўқолиб кетди.

Сув хўжалиги комплексига берилган тавсиялар тамомила қарама-қарши таассурот уйғотди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Госагропроми раиси И. Ҳ. Жўрабеков республика кенгашининг мажлисларидан бирида доклад қилиб, экономикамиз қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантиришда мавжуд бўлган йирик проблемаларни кўтариб чиқди. Янги ерларни ўзлаштириш кўламларини қисқартириш ҳисобига эндиликда капитал маблағлар асосан суғориладиган майдонларни реконструкциялаш, мелиоратив ... яхшилаш, сувни тежайдиган технологиялар ва янги техникани жорий этишга йўналтириляпти.

Республика кенгаши ўз фаолияти мобайнида халқ хўжалигига доир қарийб 20 та муҳим масалани кўриб чиқди, илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқди, уларни ижро этиш учун министрлик ва идораларга юборди. Лекин шуни айтиш керакки, уларнинг амалда ижро этилиши ҳали суст боряпти. Баъзи бир министрлик ва идоралар, илмий ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари республика кенгашининг тавсияларини бажаришга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Бу эса фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга партиявий таъсирнинг демократик формаси бўлган кўмаклашиш кенгашларини обрўсизлантиради. Бунинг асосий сабаби, менимча, — секциялар аъзолари ва раҳбарларининг тавсиялар қандай бажарилаётганини суст назорат қилишларидир. Республика кенгаши ўз ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида бу секцияларни тугатиш ва 8 та назорат группасини ташкил этишга қарор қилди, бу группалар олдига унинг коллектив фикрини конкрет ишларда рўёбга чиқариш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон ХХЮВ да доимий ишловчи кўргазмаларнинг ташкил этилиши республика кенгашининг фаолиятига юксак социал самара бахш этади. Чунончи, 1986 йили «Ўзбекистон ССР ресурсларининг резервлари ва уларни тежаш имкониятлари» кўргазмаси катта қизиқиш уйғотди, унда Госснаб органлари томонидан ускуналар, моддий бойликлар ва асбобларни сақлаш, чиқиндилардан фойдаланиш, иқтисод ва тежамкорлик ҳолатини текшириш давомида бир қатор корхоналарда аниқланган хўжасизликнинг чидаб бўлмайдиган мисоллари намойиш этилган эди. Аниқланган ана шу нуқсонлар бартараф этилмагунча экспонатлар намойиш этилди.

Кенгаш ташаббуси билан 1987 йили ташкил этилган ишлаб чиқариш чиқиндиларини сотиш бўйича мунтазам ишловчи кўргазмада оммавий эҳтиёж...

молларни тайёрлаш учун чиқиндиларни реализация қилиш хусусида қарийб 1,5 миллион сўмлик шартномалар имзоланди. 1988 йилдан бошлаб доимий ишловчи «Республикада фан-техника тараққиёти» кўргазмаси фаолият кўрсатяпти, унда саноат маҳсулотининг жаҳон даражасига тўғри келадиган янги турлари, фандаги ютуқлар, озиқ-овқат ҳамда бошқа кенг истеъмол моллари намойиш қилиняпти.

Кинопропаганда ҳақида алоҳида сўзлаш лозим. 1985 йили Республика кенгаши фаолиятида янги формани жорий этиш — республика халқ хўжалиги тармоқларида фан ва техника ютуқларини жорий қилишга доир ишнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиш ҳамда биринчи навбатда нималарга эътибор бериш зарурлигини уқтиришни мақсад қилиб қўйган икки қисмли фильмлар яратиш хусусида қарор қабул қилинган эди. Қабул қилинган тавсиялар бажарилишини назорат остига олиш ва кейинги фильмларда нималар қилинганини акс эттириш кўзда тутилди. Шу тариқа Ўзбекистон халқ хўжалигидаги қайта қуришнинг ўзига хос киносолномасини яратиш ўйланган эди. Икки йил ичида «Интенсивлаш резервлари», «Агросаноат: жадаллаштириш потенциали», «Олтин томчи», «Қурилиш: имкониятлар ва реаллик», «Кўмаклашиш акс садоси», «Уй-жой программаси сарчашмаларида», «Тебраниш», «Ўзбекистоннинг машинасозлик комплекси» деган саккизта фильм пайдо бўлди.

Пландан ташқари бўлгани учун бу фильмлар улардан доим ҳам манфаатдор бўлмайдиган турли ижодий группалар томонидан яратилаётгани бу ишдаги жиддий камчилик ҳисобланади. Чунончи, Ўзбеккинохроника машинасозлик комплекси ҳақидаги фильмни шошиб суратга олди, бир қатор ноаниқлик, хатоларга йўл қўйилди. Шуни таъкидлаш керакки, ҳужжатли фильмларнинг ижодкорларига баъзан ўзлари тилга олаётган проблемаларни мушоҳада этиш ва уларнинг моҳиятига кириб бориш маҳорати етишмайди. Шу сабабли қисқа метражли фильмлар сифатини яхшилаш учун махсус ижодий группа ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари қошидаги кўмаклашиш кенгашлари фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга доир муайян иш олиб боряптилар. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитети қошидаги ана шундай кенгаш актуал иқтисодий проблемаларни ҳал қилишда актив ёрдам кўрсатяпти. Унинг ташаббуси билан халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларини ривожлантириш комплекс программалари ишлаб чиқилган ва бажариляпти. Ўзбекистон Компартияси Куйбишев район комитети (Тошкент шаҳри) қошидаги кўмаклашиш кенгашида фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаларини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқий ишланмалар самарадорлигини ошириш бўйича қизиқарли тажриба тўпланган, бунинг учун райкомда доимо ишловчи методик кабинет ташкил этилган.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгаши ўз фаолиятида бошқа республикаларнинг тажрибасига мунтазам равишда мурожаат қилади. 1988 йили у Ленинград область партия комитети, Белоруссия, Украина ва Грузия компартиялари МК қошидаги ана шундай кенгашлар ишини ўрганиб чиқди. Асосий эътибор ташкилий механизмга, халқ хўжалиги проблемаларини таҳлил қилиш методикаси, мажлислар ўтказиш ва тавсияларни бажариш қандай назорат қилинишига қаратилди.

Чунончи, Ленинград область партия комитети қошидаги иқтисодий ва социал ривожланиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш Кенгаши амалда областдаги партия-хўжалик ишининг барча асосий йўналишларини ўз эътибор марказида тутади. Унинг асосий вазифаси актуал проблемаларни ҳал қилишга йирик кучларни жалб этишдир. Кенгаш тадбирларининг план асосида таъминланишини Ленплан амалга оширади, илмий таъминот СССР Фанлар академиясининг Ленинград илмий марказига, назорат қилиш ва координациялаш Кенгашнинг амалий фаолиятида асосий иш бажарувчи ўзак бўлган Ленинград «Химпел» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси зиммасига юклатилган. Бу ерда бошқа ишлардан озод этилган юқори малакали ва катта маош олувчи 50 мутахассис Кенгаш тавсияларини рўёбга чиқариш билан шуғулланади.

Белоруссия Компартияси МК қошидаги кўмаклашиш кенгаши бир қадар бошқа тартибда ишлайди, Белоруссия ССР Министрлар Совети Президиумининг фан-техника тараққиёти масалаларига доир Комиссияси унинг иш юритувчи

органи ҳисобланади. Кенгаш ишида асосий эътибор «Интенсивлаш-90» комплекс программасини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиб, бунда иккита қудратли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси — «Кукунли металлургия» ва «Комплекс» рўёбга чиқаришнинг моддий базаси бўлиб қолган. Уларга республика Министрлар Советининг фан ва янги техника бўлими раҳбарлик қиляпти. Илмий таъминот Белоруссия Фанлар академиясига ва асосан иттифоқ ихтиёридаги тармоқ институтлари зиммасига юклатилган.

Украина Компартияси МК қошидаги фан-техника тараққиётига кўмаклашиш Кенгаши ғоят самарали ишлаяпти. Кенгаш асосан республика халқ хўжалигининг стратегик проблемаларини кўтариб чиқади ва ҳал этади, техникавий ва иқтисодий сиёсатни белгилайди, Украина ССР Министрлар Совети эса ижрочи орган сифатида Кенгаш тавсиялари асосида барча моддалари муфассал ишлаб чиқилган қарорлар чиқаради ҳамда уларнинг бажарилишини тўлиқ ҳолда таъминлайди. Белоруссияда бўлганидек, Украинада ҳам республика Министрлар Совети Президиумининг фан-техника тараққиёти масалаларига доир Комиссияси мавжуд.

Материалларни сифатли тайёрлаш учун Кенгаш мажлисида эксперт кенгашлари тузилган. Унинг составига экономикадаги аҳволни таҳлил қилувчи ва республикада иқтисодий ва техникавий сиёсатнинг стратегик йўналишларини тавсия этувчи йирик олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари киритилган. Асосий проблемаларнинг бундай олдиндан пухта ишланиши қарор қабул қилишда тасодифийлик ва шошма-шошарликка йўл қўймаслик имконини беради.

Украина Компартияси МК қошидаги кўмаклашиш кенгаши таклифлар ишлаб чиқади, Украина ССР Министрлар Совети Президиуми Комиссияси эса уларни рўёбга чиқаришни ташкил этади. Республика Министрлар Советининг махсус тузилган фан-техника тараққиёти, машинасозлик ва ташқи иқтисодий алоқалар бўлими ана шу барча фаолиятни координациялашга даъват этилган.

Барча республикаларда кўмаклашиш кенгашлари ишининг, улар ташкилий структураларининг, шериклар билан ўзаро амалий муносабатларининг янги форма ва усулларини изланиш бормоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистонда фан-техника тараққиётини бошқариш системасини такомиллаштиришга доир баъзи бир таклифларни ўртага ташлаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таҳлил шуни кўрсатадики, янги техника ва замонавий технологияни татбиқ этиш планлари мунтазам равишда барбод бўляпти. Юзлаб тугалланган қимматли илмий-тадқиқий ишланмалардан амалда фойдаланилмаяпти.

Республика кўмаклашиш кенгаши олимларнинг кўплаб истиқболли таклифларини кўриб чиқди ва жорий этиш учун тавсия этди. Чунончи, 1986 йилдаёқ чорвачиликда биологик чиқиндилардан комплекс фойдаланиш масаласи ўрганилган эди. Республикада салкам 2500 та чорвачилик фермаси бўлиб, улар шунинг ҳисобигагина ўзларини электр энергияси билан тўла таъминлай олишлари, органик ўғитларни сотишлари ҳамда дарё ва каналлар сувини ифлослантирмасликлари мумкин бўларди. Тажриба тариқасида биогаз қурилмаси яратилди. Лекин иш а[...] шу ҳолда тўхтатиб қўйилди.

Яна бир мисол. Тошкент политехника институти олимлари чигитга экиш олдидан ишлов берувчи кавитацион асбоб яратдилар, ярим косиблик усули билан унинг 10 донаси ясалди ҳам. Синовлар буни қўллашда пахта ҳосили 5—7 центнер ошишини, ҳар бир гектарда сув ва уруғлик кам сарфланишини, ўсимлик 5—6 кун олдин униб чиқишини тасдиқлади. Лекин олимларнинг таклифларини жорий этиш йўлидаги бюрократик тўсиқлар ҳалигача бартараф этилган йўқ.

1987 йили юздан ошиқ истиқболли илмий-тадқиқий ишланмаларнинг кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди, лекин бу ишланмалар амалиётда татбиқ этилгани йўқ. Халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини бошқаришнинг таъсирчан схемаси ҳам шаклланмаганлигини, янги техникани жорий этишни планлаштиришнинг мавжуд усули эса ўзини оқламаслигини қайд этишга тўғри келади.

Бундай аҳволни бартараф этиш учун принципиал янги ёндашишлар зарур бўлади. Кўринишича, «фан — ишлаб чиқариш» системасини шундай қайта қури[...] керакки, ишлаб чиқариш баъзан нима қилишни билмайдиган ғояларни эм[...] балки янги техника, ускуна, технологияни харид қилиб олсин. Бунинг учун Ве[...]рия, Болгария, ГДРдагидек жорий этувчи ташкилотлар зарур.

Лекин бунда бошқа муаммо юзага келади. Тажрибанинг кўрсатишича, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, тармоқлараро илмий-техника марказлари мустақил ҳолда самарали ишлай олмайди. Уларга молиявий, моддий-техника, ташкилий масалаларни ҳал этишда давлат органларининг доимий ёрдами керак. Ана шунда улар мамлакат, республика экономикасига жуда катта фойда келтиришлари мумкин. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошида муваққат илмий-жорий этиш коллективларининг Ассоциациясини ташкил этиш зарурати етилган, жорий этиш ташкилотларига методик, юридик, амалий ёрдам кўрсатиш унинг асосий иши бўлиши керак. Ассоциациянинг шериклар билан ўзаро муносабатлари хўжалик ҳисобига ва корхоналар билан бевосита тузиладиган шартномаларга асосланиши мумкин бўларди. Бунда Ассоциация Министрлар Советининг республикада фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича координациялаш марказий вазифаларини бажаради, ўзини Республика кўмаклашиш кенгашининг ташкилий механизми сифатида намоён этарди.

Фан-техника тараққиётини бошқаришнинг сиёсий ва давлат методларини уйғун равишда қўшиш мақсадида Ассоциация таркибида координациялаш марказига эга бўлиш фойдали бўларди, унга қабул қилинган тавсияларни бажаришни назорат қилиш группаларини киритиш мумкин, шунингдек, социологик тадқиқотлар ва информатика, ташқи иқтисодий алоқалар секторини тузиш мақсадга мувофиқ бўларди. Аналитик материаллар ва қабул қилинадиган қарорлар савиясини ошириш учун кенгаш таркибида олим ва мутахассислардан республиканинг иқтисодий, социал ва илмий-техника ривожланиши асосий йўналишлари бўйича бир неча доимий эксперт группаларини ташкил этиш, хақ тўлашнинг гонорар системасини қўллаб экспертларни моддий жиҳатдан қизиқтириш керак. Кенгаш масъул котибининг статусини кўтаришни ўйлаб кўриш керак, бу нарса фан-техника тараққиётини бошқаришнинг сиёсий ва давлат формаларини бир бутун яхлит қилишга, тасодифий ихтилоф ва нифоқлардан қочишга имкон беради.

Жамияда демократик негизлар ҳамда кенг ошкораликнинг ривожланиши аҳолини мунтазам хабардор қилиб туриш, унинг фикрини кўмаклашиш кенгашларида ҳисобга олиш зарурлигини тақозо этади. Бунинг учун эса республикада фан-техника тараққиётини идеологик жиҳатдан таъминлашнинг яхлит программаси зарур.

Т. МАҲМУДОВ

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ОНГНИ ПОКЛАНТИРИШ

Ижтимоий муаммолар ва инсоният тақдири тўғрисида қайғурувчилар сони ортиб бориши, назарий фикрларнинг конкрет ҳаётий маъно билан боғланиши, во келикни фалсафий идрок этиш ниҳоят шунчаки расм бўлмай, янгича тафакку хусусияти, моҳиятига айланди. Сиёсат темир қалқонини улоқтириб, унинг ас гражданлик моҳиятини белгиловчи демократик характер касб этди. Инсони «материал»ларнинг ўзгариши билан ижтимоий организм структураси ҳам қайта қурилмоқда.

Ўзбекистонда кечаётган ўзгариш Советлар мамлакатида юз бераётган қайта қуриш тенденцияларининг барча қатламларини ойнада кўрсатгандай акс эттир мокда. Афсуски, бизда улар анча оғир кечмоқда. Нега шундай бўлмоқда? Тур ғунлик йиллари ва идеологик коррупция даврида социалистик турмуш тарзи, сове жамиятининг ахлоқий ва сиёсий негизини обрўсизлантирган, партия ва совет бош қарув аппаратининг «темир қўл» структурасини ташкил этган турли даражадаг раҳбарлар мафияси шаклланган эди. Бу даврда раҳбарлар халқ оммасидан ажра либ қолдилар, мансабга сиғиниш, хушомадгўйлик, маҳаллийчилик, такаббурлик ошна-оғайнигарчилик, уруғдошлик сингари иллатлар кучайди.

Жамиятни демократиялаш одамларнинг қулфи-дилини очиб юборди, кўнг лидагисини очиқ-ойдин, ҳадиксирамасдан айтадиган бўлди. «Бу нарса сенга ало қадор эмас» деган гапни ўрнини «бу менга дахлдор», «бу ҳаммамизга тегишли» деган тасаввур эгаллай бошлади. Ошкоралик қайта қуришнинг оммавий ифодаси бўлса-да, демократиялаш жуда кўп қолиплардан воз кечишни, инсон эркинлигига эришишнинг ўзгача шакл ва услубларини тақозо этмоқда.

Турмушимизга демократиялаш ва ошкораликни сингдириш уни янада инсо нийлаштиришнинг янги услубларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жуда кўп му аммолар, зиддиятларни келтириб чиқармоқда. Лекин мана шу эзгу ниятни амалга ошириш ва инсон шахсини шакллантиришга бўлган интилишнинг ўзи қайта қу ришнинг улуғ натижасидир.

Миллий онгнинг айрим консерватив элементлари ҳали кучли бўлган Ўзбе кистон шароитида янгича фикрлаш, қайта қуриш учун кураш кўп қатламли харак тер касб этган. Масалан, ҳар бир номенклатура арбоби ҳам танқидни ёқтира бер майди, ҳар бир юқори ташкилот ҳам қуйидан бўлган танқидий фикрни жон дей қабул қилмайди (айниқса раҳбар ёши ва меҳнат стажи жиҳатидан катта бўлса!). «Катталарга тик боқма», «Катталнинг айтгани қонун», «Катталар даврасида ўзинг ни сипо тут, одобсизлик қилма» ва ҳоказо сўзлар асрлар мобайнида қонимизга син гиб кетган. Ўтмишдан мерос қолган бундай психология, бошқарувнинг буйрук бозлик-маъмурий услуби билан мустаҳкамланган патриархал-оилавий ва қарин дош-уруғчилик иллатлари ва яна шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида ортти рилган итоаткорлик, кўрқоқлик ва шубҳаланиш республикамизнинг бугунги ҳаё тига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

МАҲМУДОВ Тилаб — фалсафа фанлари доктори, «Санъат» журналининг бош муҳаррири.

Биргина мисол келтираман. «Литературная газета»нинг 1967 йил 19 июнь сонида ҳозирги замон ўзбек адабиёти хусусида менинг «Давр етуклик талаб этади» деган танқидий мақолам эълон қилинган эди. Мен мақолани «Литературная газета»нинг ўша даврдаги Ўзбекистон бўйича мухбири Одил Ёқубовга кўрсатмасдан жўнатган эдим. Яхшиям, Одил ака мақолани аввал ўқимаган экан, акс ҳолда кейинги воқеалар унга яна кўп кўнгилсизликлар келтирган бўларди. Мақола босилиб чиққач, Одил Ёқубовни бир неча бор Ўзбекистон Компартияси МҚнинг маданият бўлимига чақиришиб, газетада бунақа қораловчи руҳдаги, барча кекса ва ёш ёзувчилардан етуклик талаб этувчи мақола босилганидан норози эканликларини билдиришган. Бизда Ш. Рашидовдек Бутуниттифоққа танилган етук ёзувчи йўқми, деб ажабланишган. О. Ёқубов «мақолани ёзган — сен-у, калтак менинг бошимда синяпти» деб ҳайрон бўлган эди. Ҳадемай калтак менга ҳам етиб келди: юқори ташкилотларга чақириб, Ш. Рашидов бошлиқ талантларга бой ўзбек адабиёти ҳақида нотўғри тасаввур уйғотадиган бунақа мақолалар ёзмасликни маслаҳат беришди. Ўша пайтдаги республика раҳбарларидан бири билан бўлган суҳбат ҳамон ёдимда:

— Мақолани Москвага жўнатишдан аввал нега бу ерда кўрсатмадингиз?

— Кимга ва нима учун?

— Маслаҳат қиладиган одам йўқ, деб ўйлайсизми?

— Мабодо кўрсатганимда у босилиб чиқмасди-да!

— Демак, сиз мақоланинг объектив эмаслиги ва ҳақиқатдан йироқлигини олдиндан билгансиз.

— Йўқ, мен ундай ўйламаганман. Нима ёзган бўлсам — бу менинг кузатишларим ва умумлаштиришим натижаси.

— Сиз ҳали ёшсиз. Москвада ўқиганингиз билан бу ернинг шарт-шароитларини ҳисобга олишингиз керак. Биласизки, бизнинг урф-одатларимиз ва тартиб-қоидаларимиз бор. Маслаҳатлашиб иш тутиш керак, йигитча, акс ҳолда шундай қиламизки, мақола ва китобларингиз бирон ерда босилмайди...

Ана шунақа!

* * *

Ҳозир биз қуруқ сафсатабозлик, абстракт гуманизм ва мақтанчоқликдан инсоннинг ҳақиқий турмуш тарзига, коммунистик ахлоқ принципларини реал амалга ошириш йўлига ўтмоқдамиз, яъни инсон мамлакатимизда кечаётган барча ижтимоий-тарихий ўзгаришларнинг мезонига айланиб бормоқда. Биз инсон моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат эканлигини биринчи бор чуқур ва ҳар томонлама тушуниб етмоқдамиз. Ҳаёт синовидан ўтган бу ғояга асосланган ҳолда биз ўз маънавий оламимизни, тафаккурни қайта қуриб, одамлар онги ва психологиясини ўзгартиришни мақсад қилиб қўйдик. Бунга эришиш учун қайта қуришга тўсқинлик қилаётган умумий характердаги ва айни чоқда, айтиш мумкинки, маҳаллий, регионал хусусиятга эга бўлган камчиликларни бартараф этиш керак. Уларга мен ўзаро боғлиқ бўлган тарихий, идеологик ва психологик омилларни киритган бўлардим.

Қайта қуришга тўсқинликнинг тарихий илдизлари шунданки, Россия халқлари революциядан кейин Совет ҳокимиятини ўрнатиб, маълум ижтимоий ва бошқарув тажрибаларисиз, демократия асосларини ҳали етарли эгаллаб олмаган ҳолда уни бошқаришга тушдилар ва тезда ўз қўлларидан ҳокимиятни чиқариб юбордилар. В. И. Ленин вафотидан сўнг у етиштирган партия гвардияси турли баҳоналар билан (баъзан тўқилган сабабларга кўра) мамлакатни бошқариш ишидан четлаштирилди, раҳбарлик революцион демократия белгиларидан маҳрум бўлди. Самодержавие бошқаришнинг ўзгача механизми — кўрқитиш билан алмаштирилди. Оддий деҳқондан тортиб маршалгача — ҳамма Сталинга итоаткор бу бошқарув машинаси назоратида бўлди; энди шаклланиб келаётган совет зиёлилари овози ҳам репрессияларга кўмилиб кетди. Оғизда совет кишисини шакллантириш ва тарбиялаш ҳақида ваъз айтилдию, амалда эса омманинг ижтимоий фаоллигидан ГУЛАГ қурилишларида фойдаланилди. Улуғ Ватан урушигача мамлакат ўзининг энг иқтидорли ўғил-қизларидан жудо бўлган, тирик қолганлари эса урушдан кейин қамоқхоналарга ташланган эди. Ҳозир матбуотда эълон қилинаётган материалларни ўқиб, фақат Ленин партиясига, жафокаш халқларнинг

ўз социалистик Ватанига бўлган чексиз муҳаббати туфайлигина омон қолганимизга ишонч ҳосил қиламиз.

Фашизм бало-қазодай дунёдаги барча эзгу нарсаларни ютиб юборишга ҳаракат қилган эди. Бу ҳақда гапирар эканмиз, бевосита ўзини олижаноб қилиб кўрсатган, лекин аслида темир панжали бошқарув механизмига эга бўлган шахсга сиғиниш ёдимизга тушади. Фашизм ҳамма нарсани кўр-тўрона йўқ қилса, сталинизм ўз қурбонларини кишиларнинг ақли, таланти, революцияга содиқлиги ва «халқлар доҳийси»нинг бемаъни гумонсирашига қараб танлаган эди. XX асрнинг бу икки даҳшатли ҳодисаси, гарчи улар намоён бўлиш формалари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса ҳам, одамлар хотирасида инсоният тарихининг энг қора ва ифлос саҳифалари сифатида сақланиб қолади.

Мамлакат ақлий потенциалининг қашшоқланиши социалистик қурилиш жабҳаларининг барча бўғинларида сезила бошлади. Ғаламислар, чақимчилар, маънавий қашшоқ ва ахлоқан тубан шахсларга кенг йўл очиб берилди. Лекин халқ бемор баданидаги доимо янги, инсонга ҳаёт ато этиб турувчи курашчан жонли ҳужайраларга ўхшайди. Мана шундай даҳшатли хўрликлар ва азоб-уқубатлар исканжасида ижтимоий мантиқсизлик муҳитидан эсон-омон чиқа оладиган одамлар шаклланди.

Мақсуд Шайхзода билан бўлган бир учрашувни эслайман. Бу воқеа 50-йилларнинг охирида бўлган эди. Шайх ака касалхонада экан, уни кўргани бордим. Узоқ суҳбатлашдик. Мен у пайтда студент эдим, домланинг яқинда Сталин лагерларининг биридан қайтганини билардим, шунинг учун ўша воқеалардан гапириб беришларини илтимос қилдим. Суҳбат давомида домла шундай воқеаларни гапириб берган эдики, уларни ҳамон унута олмайман. Жамбул шаҳри қамоқхонасида уни ёш терговчи сўроқ қилган. Ярим кечада уни уйғотиб, сўроққа олиб боришган. Ҳар гал битта савол такрорланган: «Сен миллатчисан, тўғрими, бўйнингга ол!» Мақсуд Шайхзода терговчидан ўз асарларини қунт билан ўқиб чиқишни, шунда ҳамма нарса аён бўлишини илтимос қилган. «Йўқ, миллатчилик руҳидаги шеърларингни ўқимайман, — деган терговчи, — яхшиси, ўзинг иқрор бўлиб, қўл қўйиб бер». Яна қийнов давом этган. Муштлар ишга тушган...

Биз КПСС XX съездини ҳақли равишда сталинизмнинг темир кишанларини парчалаб ташлаган тарихимизнинг бурилиш йўлларидан бири деб биламиз. Лекин, афсуски, бу бурилиш карвонининг бошида эски карвонбошилар қолган эди. Аҳвол яна оғирлашди: мамлакатни бошқаришда ўзбошимчалик ва ўзбилармонлик устун келди, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик машинаси одатдагидай ишлайверди. Турғунлик даври бошланди. Биз ўз-ўзидан мағрурланиш ва хотиржамлик касалига мубтало бўлгандик. Мамлакатимиз жаҳон тараққиётидаги прогрессив тенденциялардангина эмас, балки социалистик давлатлардан ҳам узилиб қолган эди.

Турғунлик йиллари сиёсати ва идеологияси ташаббускор фикр парвози ва халқ оммасининг ижодий фаоллигини сиқиб қўйди. Совет давлати структурасида асосан икки қатлам мустаҳкамланиб борди: мансабдорлик курсисини узоқ вақт эгаллаган раҳбар кадрлар ва ниҳоят юқоридан бериладиган кўрсатмаларни сўзсиз бажариб, беъмани кўрсатмаларни қўл қовуштириб кутадиган шахслар тоифаси шаклланди. Жамиятнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ бу икки қатлами меҳнат унумдорлигини белгиловчи мезонлар бемаъни ва баландпарвоз ҳисоботлар уюмида йўқолиб кетарди.

Бу жараён одамларда эркинлик, демократлик туйғусини, ижтимоий ва ижобий фаолликни шакллантиришга салбий таъсир кўрсатди. Кишилар онгига зўрма-зўраки сингдирилган мана шу ярамас одатлар қайта қуришнинг кенг қулоч ёйишига ҳозир ҳам тўсқинлик қилмоқда.

Тўсқинликнинг идеологик сабаблари тарихий сабаблар билан боғлиқ. Улкан ижтимоий-тарихий ўзгаришлар фонида бизнинг идеологик усткурмамиз маънавий тараққиёт ва жамоат фикридан орқада қолиб кетди. Шахсга сиғиниш ва турғунлик кишилар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатди ва уни догматик принциплар билан чеклаб қўйди. Кампаниябозлик, сиёсий ёрлиқлар ёпиштириш, репрессия, кадрларни қобилиятига яраша эмас, таржимаи ҳолига қараб танлаш, ҳаётдан узоқ шиор ва чақириқлар, идеология ишидаги зерикарли бир хиллик ва ҳоказолар фикрлашда лўттивозлик ҳамда стереотипликни келтириб чиқаради.

Мамлакат социализм қурилишининг жуда улкан тажрибасини амалга оширар экан, очарчилик ва уруш даҳшатларини бошидан кечирди. Идеология иши иқтисодий муаммолар сабабли бир четга сурилган, мафкуравий фаолият моҳиятини тушунишдан йироқ, «халқлар доҳийсининг» субъектив хоҳиш-иродаси билан иш кўрадиган дилетантлар қўлига бериб қўйилганди. Коммунистик идеологиянинг чуқурлашиши ва кенгайиши учун илмийлик, компетентлик етишмаслиги сабабли асосланмаган ва хомхатала қарорлар қабул қилинарди.

Мамлакат маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган ҳодисалар ҳали батамом йўқолиб кетгани йўқ. Улар бошқа кўринишларда давом этмоқда. Бошқа томондан, ўз умрини яшаб бўлган стереотиплар билан бирга яна ўша қуруқ ваъзхонлик, сафсатабозлик билан боғлиқ янги стереотиплар пайдо бўлиб, улар ҳам ижтимоий жараёнга тўғаноқ бўлмоқдалар.

Шунинг учун ҳам сўздаги қайта қуриш ва сафсатабозлик — булар бунёдкор руҳ ва ақл-заковатни тушовловчи хавфли иллатдир. Янги стереотиплар илдиз отмаслиги учун революцион янгиланишга астойдил бел боғлаган инсонга тўла эркинлик бермоқ даркор. Шуни унутмаслик керакки, қайта қуришда репрессия, шахсга сиғиниш ва турғунлик даврларида яшаб, шаклланган одамлар ҳам қатнашмоқдалар. Уларнинг бирдан ўзгариши қийин. Бундан ташқари, эндигина тайинланган раҳбарлардан туб ўзгаришлар кутиш ҳам мушкул. Ўз фаолиятида хамчиликларга йўл қўйса-да, лекин янги талаблар даражасида меҳнат қилаётган, олдинга интилаётган одамларни бузилган шахслардан фарқламоқ зарур.

Қайта қуришга тўсқинликнинг психологик сабаблари халқ ва айрим кишилар ижтимоий-тарихий ва маънавий-идеологик тажрибаларининг ночорлиги билан боғлиқ. Улар ҳар хил ва оммавий характерга эга. Бу нарса, биринчи навбатда, шахсга сиғиниш, репрессия ва турғунлик даврларида пайдо бўлган консерватив характердаги лаганбардорлик, «юқоридан» берилган буйруқни ҳеч сўзсиз бажариш, субъективизм, иккиюзламачилик, мансабга сиғиниш сингари ярамас одатларда кўринади.

Мен 60-йилларнинг бошларида Москвада бўлиб ўтган даҳшатли бир воқеанинг шоҳиди бўлганман. Ўзбек адабиёти тарихи бўйича талантли олим Эргаш Рустамовнинг докторлик диссертацияси муҳокамаси борарди. СССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг мажлислар зали одамга лиқ тўла. Машҳур шарқшунос Э. Бертельснинг шогирди Э. Рустамов Ўрта Осиё халқларининг XV аср поэзияси бўйича жуда катта материал тўплаган эди. И. С. Брагинский раислик қилган муҳокамада Москва ва Ленинграднинг жуда кўп олимлари ишга юксак баҳо беришиб, Э. Рустамовнинг шарқшунослик фанига қўшган катта ҳиссасини таъкидлашди. Охирги расмий маросим — билдирилган фикрларни умумлаштириш ва овозга қўйиш қолган эди. Муҳокама раиси И. С. Брагинскийнинг гапи ҳаммани ҳайратга солди: «Гарчи диссертация ҳимоя учун тавсия қилишга арзиса ҳам мен розилик билдиролмайман, чунки қўлимда ўзбекистонлик тўрт фан докторининг хати бор, улар қаршилик билдиришмоқда».

Залдагилар хатни ўқиб беришни сўрашди. Хатда ҳеч қанақа конкрет танқидий фикр йўқ, диссертация умуман рад қилинган, холос. Гўё диссертант буржуазия методологиясига асосланган эмиш, шунинг учун ишни Тошкентга экспертизага жўнатилиши талаб этилган эди.

Муҳокама ярим кечагача давом этди. Барча сўзга чиққанлар тошкентлик олимларнинг асосланмаган, ноилмий ва ҳақоратомуз фикрларига қўшилишмади. Шунга қарамасдан И. С. Брагинский эътироф этишга мажбур бўлди. «Кеча телефон орқали ўрток Рашидов билан гаплашдим, — деди у, — диссертация хақида ўз фикримни айтдим. Диссертация мазмуни бўйича бизда ҳеч қанақа эътироз йўқ, лекин Тошкентдаги баъзи олимлар қарши, дедим. Шундан сўнг Рашидов ишни Тошкентга ўрганиш учун қайтариб юборишимизни тайинлади». Худди шундай қилинди. Эргаш Рустамовга қарши курашчилар гуруҳини Рашидовнинг томласи В. Зоҳидов бошқарган эди.

Ошкоралик, демократия йўқ жойда ҳатто компетентли олимлар коллективи ҳам Э. Рустамовни ҳимоя қила олмадилар. У ўзи танқид қилган, умрининг охиригача уларнинг фикрига қўшилмаган кишилардан ёрдам сўрашга мажбур бўлган эди. Орадан бир қанча вақт ўтгач диссертациясини ҳимоя қилишга муваффақ бўлса-да, бироқ соғлиғини батамом йўқотиб, маънавий коррупция ва илмий кал-

тафаҳмлик қурбони сифатида вафот этди. Унинг «XV аср биринчи ярмидаги ўзбек поэзияси» (М. 1963) монографияси ҳамон ўзбек-тожик адабиёти тарихига ба-ғишланган ажойиб тадқиқотлардан бири саналади.

Яқин кунларгача қуруқ обрў ва мансабдорларга сиғиниш худди оммавий касалликка ўхшарди. Иккиюзламачилик ва лаганбардорлик иллатидан ҳамон қутулганимиз йўқ. Жуда кўп бемаъни кўрсатмалар бемаъниларча ижро этилар-ди. А. Қаҳҳорнинг 60 йиллик юбилей кечасида айтган гаплари ҳамон қулоғимда: «Баъзан яқин дўстларим мени авайлаган бўлиб, сен гапни унча келиштиролмай-сан, солдатга ўхшаб ер тепиниб, честь бериб гапирмайсан, дейишади. Тўғри, мен честь бериб гапирмайман. Чунки солдатмасман. Мен буюк Ленин партиясининг онгли аъзосиман, совет фуқаросиман, совет ёзувчисиман. Мана шуларнинг ҳам-маси мендан солдатчасига честь бериб гапиришни эмас, кўнглимдаги гапни айтиш-ни талаб қилади. Мен партияга повестка билан чақирилган одаммасман, мен бу партияга ўз ихтиёрим билан, кўнглим амри билан кирганман».

Бу сўзлар А. Қаҳҳор бошига не кулфатлар келтиргани ҳозир ҳаммага аён. А. Қаҳҳорни кўмиш маросимида сўзлаган нутқи ва «Гулистон» журналидаги ма-қоласи учун истеъдодли ёзувчи Шуҳрат ҳам кўп азият чекди, Рашидов таъқибига учради.

Биз ҳозир бундай маънавий-ахлоқий коррупциядан холи бўлмоқдамиз. Баъзи бир «классик»лар баландпарвоз чиқишлардан ўзларини тиймоқдалар. Лекин ўзларининг яқин ўтмишдаги иккиюзламачиликларидан уялишармикан? Бу менга қоронғу. Уларнинг кўпчилиги қайта қуриш тарафдори, ўзларини Рашидов дав-рида азият чеккан қилиб кўрсатмоқчи бўлишади. Аслида ўз асарлари билан ҳа-мон тантанаворлик, дабдабабозлик, ялтироқликни тарғиб қилишяпти.

Қайта қуришга тўсқинликнинг психологик илдизлари жуда яшовчан. Ахир Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг кўп вакиллари ўз вақтида Биринчининг на-зарига тушишга интилардилар. Ўн беш йил мобайнида Ўзбекистон рассомлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари, Правление секретари бўлиб ишлаган вақтимдаги айрим воқеаларни мисол қилиб кўрсатмоқчиман. Ўша даврларда ман-сабга сиғиниш ва хушомадгўйлик шундай авжга чиққан эдики, ҳозир уларни эслашга уяласан. Ш. Рашидовга ҳар гал уч-беш минг сўм турадиган этюд, кар-тина, халқ амалий санъати асарларидан намуналар тортиқ қилинарди. Булар пора эмасмиди? Ҳа, булар Рассомлар союзидаги маънавий муҳитни бузган «ма-даний» пора эди. Союз раҳбарлари Рашидовга ўз асарларини қандай қилиб совға қилиш йўлларини ахтарардилар. Бундайин маънавий инқироз 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошларида В. Қайдалов Ш. Рашидов асарларига расм иш-лаб, тезда Ўзбекистон ССР халқ рассоми унвонини олгандан сўнг бошланди. Ш. Рашидов шахсини очиқ-ойдин мақташ бошланди. Кўпгина рассомлар Раши-дов портретини, унинг хотини суратини ишладилар, ўз асарлари Рашидов ёток-хонасида осилиб турганидан фахрланиб юрдилар. Бунинг эвазига Ўзбекистон халқ рассоми, хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика Дав-лат мукофотининг лауреатлари бўлишди. Лекин мадҳиябозлик авж олган давр-да Рашидов обрўси ва адабий иқтидорига шубҳа билан қараган адабиёт ва санъат намояндалари ҳам бўлган. Республикамизнинг йирик портретчи мусаввири Аб-дулхақ Абдуллаев ижодини 30 йилдан буён ўрганиб келаман, у ёки бу раҳбар ҳа-қида норози бўлиб гапирганини кўп эшитганман. У республикамизнинг донгдор пахтакорлари, ёзувчилари, олимлари, артистлари портретлари галереясини ярат-ган. 20 йил давомида ундан Рашидов портретини ишлашни илтимос қилишган. Бир куни республика Маданият министри В. Зоҳидов мени ҳузурига чақириб, у-зир олдига Абдулхақ Абдуллаевнинг келишини ва иккаламиз биргалашиб ундан Ра-шидов портретини ишлашни илтимос қилажагимизни айтди. Министр кабулхона-сига кирган рассом узун столнинг энг чеккасига аста ўтирди. Министр санъаткор-нинг гражданлик бурчи ва партиявийлик хусусида анча сафсата сотиб, кейин мақ-садга кўчди:

— Азизим Абдулхақ Оксоколович, — мурожаат қилди министр, — истасан-гиз шартнома тузамиз, хоҳласангиз олдиндан тўлаймиз, истасангиз Рашидов пор-трети тайёр бўлгач ҳаммасини қўшиб хурсанд қиламиз. Портретни яратишингиз биланоқ, СССР халқ рассоми унвонига сазовор бўласиз.

Абдулхақ Оқсоколович ижирғаниб ўрнидан турди.

— Агар Рашидов портрети учун менга СССР халқ рассоми унвони бериладиган бўлса — керак эмас, — деди ва эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

Рассом билан бўлган суҳбатларимиздан бирида мен бу ҳақда сўраганимда у: «портрет — инсон эркин маънавиятининг ифодаси, бу одам нимагадир менга ёқмайди», — деди. Рассом бундай деган пайтда Рашидовнинг кирдикорларидан хали бехабар эди. Лекин у чинакам санъаткор сифатида бу шахс билан аллақандай нохуш нарсалар боғлиқ эканлигини ҳис қилган эди.

Турғунлик давридан мерос қолган, ижтимоий-тарихий, идеологик ва миллий-психологик стереотиплар билан чатишиб кетган ахлоқий-маънавий таназзул қайта қуришнинг асосий тормозидир. Кураш ва яратувчанлик бир пайтдаги жараён бўлиши зарур. Салбий ҳодисаларга қарши яратувчанлик туйғуси билан кураш олиб борилмаса, хато ва камчиликлар ҳисобга олинмай қуруқ сафсатабозлик қилинса кутилган натижага эришиб бўлмайди. Қайта қуриш байроғи остида туғилаётган янги стереотиплардан эҳтиёт бўлмоқ керак. Демократия ва ошкораликни амалга ошириш жараёнида ана шундай стереотиплар, муносабатлар кўзга ташланиб қолмоқда. Демократия ва ошкоралик моҳиятининг нотўғри талқин қилинишига бир мисол: бир томондан уларнинг кўлами ва фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда, бошқа томондан маҳаллийчилик ва корхона манфаатларини кўзлаб ошкоралик ва танқид бўғилмоқда. Бизда сўзда қайта қуриш тарафдори бўлган, аслида у ёки бу район ва шаҳар раҳбари шаънига матбуотда билдирилган танқидий фикрни рад этишга, текшириш пайтида иложи борича танқидни йўққа чиқарувчи қоғозлар тайёрлашга интилувчи партия комитетлари йўқ дейсизми? Кўпинча матбуотда айтилган танқидий фикрга жавобни салбий ҳодисалар изи йўқолгунча, эскиргунча чўзиб юришади. Шундай ҳам бўладики, район, шаҳар, область раҳбарлари танқиддан асабийлашадилар, тўғри хулоса чиқармайдилар, танқидни улар бошқараётган ташкилот ёки жойга тушган доғ деб қабул қилишади.

Идеология соҳасидаги қайта қуришга тўсқинлик қилаётган яна битта сабаб бор. Афсуски, ҳамон идеология иши аппаратига нокомпетент одамлар кириб қолмоқда. Кимки райкомда, горкомда ишлаган ёки олий партия мактабини битирган бўлса, идеология муассасаларида раҳбарлик қилиши мумкин деган нотўғри фикр юради. Шу тариқа маъмурий-буйруқбоз раҳбар типи «демократ»га айланади ва бизда мураккаб идеологик организм нокомпетентлик вируси билан касалланади. Энг даҳшатлиси шундаки, бундай одамлар ўзларини ҳамма нарсани «биладиган» ҳисоблашади ёки идеология соҳасини боши берк кўчага олиб кирадиган «билимдон» лаганбардорларга таянадилар.

Идеология соҳасидаги энг асосий тўсиқ — идеологик кадрлар муайян қисмининг профессионал жиҳатдан заифлигидир. Жамиятимиз шундай даражага етдики, ҳар қандай маълумотли кишини ҳам раҳбарлик лавозимига қўйиб бўлмайди. Бунинг учун ҳам профессионал, ҳам ахлоқий жиҳатдан қатор конкрет фазилатларга эга бўлмоқ даркор. Кадрларни тўғри танлаб, ўз ўрнига қўйилса олға қараб боришимизга шунчалик кўп имконият яратилади. Киши идеологиянинг қайси соҳасида ишламасин, ижодий тафаккур, фаоллик, проблемаларга аналитик ёндашиш, юксак идеалларга содиқлик, маънавий камолат ва ахлоқий поклик унинг компетентлигининг мезони бўлиб қолаверади. Биз учун партия аъзосининг ҳуқуқ ва вазифаларини КПСС Устави бўйича ёддан шариллатиб айтиб берадиган қироатчи эмас (коммунистларни аттестация қилишда баъзан шуни талаб этишади), балки ўша пунктларни чуқур идрок этиб, уларни ўз фаолиятида амалга оширишга интиладиган одам идеалдир.

Халқ оммаси қудрати мисли кўтарилган бир шароитда идеология участкасининг раҳбарлари ўз имкониятларини тўғри чамалаб, ижодий ва ташкилотчилик қобилиятларини янада ривожлантиришлари керак. Ўзининг нокомпетентлигини тан олиб, ўз ихтиёри билан ишдан кетишга ариза ёзаётган райком, горкомларнинг идеология секретарлари ҳали жуда кам учрайди. Уларнинг кўпчилиги гўё тажрибали раҳбар сифатида яна кўтариладн ёки бошқа раҳбарлик лавозимига ўтказилади. Биз ҳар кимнинг ўз маънавий, ахлоқий ва профессионал имкониятларига ҳалол баҳо берадиган даражага етганимиз йўқ. Бунга эришмас эканмиз, худбинлик, сохта ватанпарварлик, ошна-оғайнигарчилик, такаббурлик, миллатчилик ва маҳаллийчилик давом этаверади.

Қайта қуриш даврида, асосан, адабиёт ва журналистика жонланди. Журна-

листика ижтимоий ҳуқуқшунослик ва халқ виждони вазифасини ўтай бошлади: А. Платонов, Б. Пастернак, М. Зошченко, М. Булгаков, Фитрат, Чўлпон ва бошқаларнинг оқланиши жамоатчилик фикри ва эстетик онги ўсганлигидан далолат беради. Ч. Айтматов, В. Распутин, Т. Абуладзе, Е. Евтушенко, А. Вознесенский ва бошқалар асарларининг пайдо бўлиши эски тасаввур ғовларини енгиб ўтишга, ҳамда давримиз ижтимоий ҳақиқатини кашф этишга имконият яратмоқда.

Бадиий тафаккур у ёки бу бадиий асарнинг асосий эстетик принципи ҳисобланадиган ижтимоий ҳаётнинг мураккаб муаммоларини тарихан конкрет идрок этиш томон юз бурди. Публицистика аввалари очиқ таҳлилдан холи тутилган сиёсат, идеология ва иқтисод соҳаларига ҳам аралаша бошлади. Публицистика Сталин шахсига сиғиниш даврини ёритар экан репрессиянинг даҳшатли манзараси, бегуноҳ одамларнинг фожиали тақдири билан боғлиқ воқеаларнинг ижтимоий моҳиятини очишга интилмоқда. Шунингдек, шов-шув бўладиган материаллар кетидан қувиш ҳам йўқ эмас. Бу табиийдир: ким репрессия қилинган ва «барча замон ва халқлар доҳийси» иродаси билан азоб-уқубатларга мубтало этилганлар ҳақида ёзар экан, бундай ҳодисаларнинг қайта такрорланмаслигини истайди, умумхалқ одил суди номидан муносабат билдиришга интилади.

...Қайта қуришнинг тўрт йили унинг бутун ижтимоий-тарихий ролини бадиий образларда ифода этишга камлик қилади. Санъат маълум давр тақозо этадиган ғоя ва образларнинг пишиб етилишини талаб этади. Совет санъати мамлакатни индустрлаштириш, коллективлаштириш, оммавий репрессия, Улуғ Ватан уруши, халқ хўжалигини тиклаш, турғунлик даври воқеаларининг фақат догматик тасаввурлар инъикоси эмас эди; у билишнинг ўзига хос шакли сифатида ҳозирги кунга ҳамоҳанг, социалистик революциялар даври санъати принципларига мос тасаввур ва кайфиятларни ифода этмаслиги мумкин эмас эди. Биз ана шу нуқтаи назардан совет адабиёти ва санъати классикасини инкор қила олмаймиз. Биноборин, қайта қуришнинг бадиий маданият учун куч-қудрати ва улуғворлиги нимада деган савол туғилади. Санъатда ҳаётий ҳақиқатни тадқиқ этиш тенденцияси кучайди, образ моҳиятини қуруқ мафкуравийлик ва социологик жиҳатдан талқин этишдан воз кечилди, бадиий ижоднинг чинакам белгиларига эътибор кучайди, жамиятни демократиялаш туфайли ҳақиқий ижод эркинлиги қўлга киритилди. Бадиий тафаккурни қайта қуришга бирор баҳона билан ёктирмаган одамнинг «найза» санчиб олиш, иғво тўқиш, ғаразли туҳмат ва мунозарада келиша олмаган рақибини жамоатчилик олдида бадном қилишга интилиш каби хатти-ҳаракатлар жуда катта халал бермоқда. Демократиялаш байроғи остида айрим ижодий ташкилотларда очиқдан-очиқ душманлик ва ҳамкасблари устидан айбномалар чиқариш, гуруҳбозлик иллатлари кўзга ташланмоқда. Масалан, Ёзувчилар союзи мажлисларидан бирида миллатчилик руҳида гаплар бўлди. Ўзбекистон рассомларининг охирги съездида мажлис ҳайъатини сайлашдек оддий бир процедура жанжал билан йигирма минутча муҳокама қилинди.

Зиёлиларнинг «гули» ҳисобланган ижодкорлардан айримларининг хатти-ҳаракатини кузатиб, ҳайрон қоласан, киши. Ўзи юксак маънавий маданиятга эга бўлмаган, ўзини қандай тутишни билмаган одам бошқалар қалбида ақл ва нафосат оловини ёқиши мумкинми? Тарбиячилар аввало ўзларини тарбиялаши кераклигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Социализм деб аталмиш кошонани бунёд этишда маданият катта роль ўйнайди. Ўзгаришлар аввал экономикада, одамлар онгида бўлгандан кейин адабиёт ва санъат уларни бадиий образларда ифода этади, деб ўйлаш нотўғридир. Адабиёт ва санъат қайта қуришга нисбатан кузатувчи бўлиб тура олмайди. Одамлар тавба-тазаррулардан сўнг ошкораликнинг нурафшон йўлига чиқиб, ҳар қандай стереотип, порахўрлик, бузилиш, нопокликларни кундага қўйиб, ленинча ғоялар ва коммунистик яшаш нашъу намоларидан тўйиб нафас оладиган вақт келди.

Қайта қуриш учун ҳаётни революцион тарзда ўзгартиришга астойдил бел боғлаган одамлар зарур. Адабиёт ва санъат эса қайта қуриш қаҳрамонларини жонли образларда ифодалаши керак. Ҳозирча бундай асарлар жуда кам. (Шу ўринда Ўзбекистон телевидениеси томонидан инсценировка қилинган Турғун Пўлатнинг «Куёв» повестини эслаш мумкин. Асарнинг бош қаҳрамони хатти-ҳаракатлари қайта қуриш руҳига жуда мос тушади).

Ҳозир одамларнинг сиёсий маданияти ортиб бормоқда. Лекин бошқа масала ҳам мавжуд. Халқнинг умумий маданият даражасини кўтариш жуда муҳим бўлиб қолди. Саноат ва қишлоқ хўжалигида хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш системасига ўтиш идеология муассасаларига автоматик тарзда кўчирилмаслиги керак. Идеология ва бадиий қадриятлар жамиятда реал ва идеал тарзда яшаш хусусиятига эга. Шунинг учун бу соҳаларда пул кетидан қувиш яхши натижаларга олиб келмайди. Масалан, китоб нашр этиш тажрибасида ўз-ўзини пул билан таъминлаш системасини нотўғри жорий этиш Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти тажрибасида салбий оқибатларга олиб келмоқда. Китобларнинг мазмуни ва ижтимоий аҳамиятини ўрганиш ва баҳолаш ўрнига нашриёт редакторлари ва бўлим бошлиқлари фойда кетидан қувадиган ҳисобчиларга айланиб қолишмоқда. Бунинг оқибатида жиддий илмий кашфиётлар ва «салмоқли» фалсафий рисолалар ўрнини фойда келтирувчи олди-қочди асарлар эгаллаши ҳеч гап эмас.

Ҳар қандай миллат маданияти инсон даҳосининг турли-туман кўринишлари йиғиндиси бўлган маънавий қадриятларнинг диалектик бирлигидан ташкил топади. Бундай ижодий жараённи бирон қолипга солиш ёки ҳисоб-китоб билан чеклаб қўйиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт планида санъат, эстетика, санъатшуносликка оид китоблар планнинг беш процентини ташкил этади. Табиийки, бу китоблар фойда келтирмайди. Шунга асосланиб бу китобларни чиқармаслик керакми?

Менинг фикримча ҳозир халқнинг маънавий юксалишига хизмат қиладиган китоблар жуда зарур. Инсон маданиятини кўтариш тўғрисида қайғуриш зарур, чунки ҳар томонлама маърифатли шахс — жамиятнинг асосий бойлигидир.

Умуман олганда, бадиий ижодиёт имкониятлари кўпроқ публицистикада намоён бўлмоқда. Шу билан бирга ҳаёт ўртага қўяётган муаммолар фақат бошқарув ва адлия муассасалари орқалигина ҳал этилмайди. Адабиёт ва санъатсиз халқ руҳини кўтариб ҳам бўлмайди. Демократиялаштириш ҳозирча моддий соҳаларда амалга оширилмоқда, инсон маънавияти эса бу жараёнларда фаол қатнашмаяпти. Мудроқ босган ижодий зиёлилар кўзларини тезроқ очишлари, ақл ва талантларнинг эркин мусобақасида пешқадам бўлишлари керак.

Газета ва журналлар ўткир материаллар билан тўла, ўқувчи эътибори тарихимизнинг «оқ доғларига» қаратилган, танқид ва ўз-ўзини танқид ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Лекин бадиий ижодиётда қайта қуриш руҳига мос келувчи янги эстетик воқеликни кашф этиш унчалик сезилмаётир.

Жамият — ҳар бир ҳужайралари ўзаро чамбарчас боғланган жонли организм, бу мураккаб механизмнинг бирор жойида содир бўлган ўзгариш бошқа жойга таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун жамиятимиз фақат ейиш-ичиш, кийим-кечак ва тураржой ташвиши билан яшай олмайди, инсонга қаратилган ижтимоий организм барча қисмларининг бирлиги ва уйғунлиги даркор. Бинобарин адабиёт ва санъатдан инсоннинг руҳий оламига чуқур таъсир қиладиган бадиият намуналарини кутишга ҳақлимиз.

Бадиий тафаккурдаги маълум сусткашликни айрим кишилар гўё демократиянинг ижодий жараёнда кенг қулоч ёймаганида деб биладилар. Аслида бунинг асосий сабаби қайта қуришнинг бутун аҳамияти ва маъносини чуқур англаб етмаслик ва ҳаётий воқеаларга баҳо беришга эскича ёндашишлардан қутула олмаслик ёки буни истамасликдир. Комил Икромов таъбири билан айтганда «биз йигирманчи асрда тушуниб етмасдан, ўрганмасдан, тушунтирмасдан, кўп нарсаларни ўзгартириб юбордик» («Известия» 18 май, 1988 йил). Шунинг учун давримизнинг бутун мураккаблигини ўрганиш, ҳис қилиш, тушуниш ва бадиий таҳлилини бериш пайти келди. Ижодий имкониятларни рағбатлантириш, интеллектуал камолотга етилиш бадиий тафаккурни қайта қуришнинг таянч нуқтаси бўлиб, бу нарса онг ва қалбни поклантиришга, жамиятни маънавий-ахлоқан соғломлаштиришга хизмат қилади.

Қайта қуриш — социализм мамлакати устидан эсаётган шифобахш шабададир. У яқин йилларда ер устидаги ва одамлар қалбидаги ҳар қандай ғуборларни аркатиб, демократик янгиланиш, ахлоқан покланиш ва маънавий юксалиш учун замин яратмоқда.

СССР ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИДАГИ ИНТЕРНАЦИОНАЛ ВА МИЛЛИЙ ЖИҲАТЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА ШАКЛИ ДИАЛЕКТИКАСИ

«Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик тарбиясининг актуал проблемалари» курсини ўрганувчи пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

Совет кўп миллатли маданияти мазмунан социалистик ва шаклан миллий маданиятдир — бу таъриф СССР халқлари миллий маданиятларининг хусусиятлари ва умумий бегиларини янада чуқур ва ихчам характерлаб беради. Совет Иттифоки Коммунистик патияси В. И. Лениннинг миллатларнинг мавжудлиги фактини ва, бинобарин, кишиларни миллий хусусиятларини эътиборга олмай туриб янги жамият қуриб бўлмаслиги тўғрисид кўрсатмасидан келиб чиқиб, ҳамиша таъкидлайдики, миллий маданиятларнинг ўзаро тасири жараёнида миллий маданиятлар илғор хусусиятларининг интенсив ривожланиши яна интернационал, умуминсоний маданият шаклланишининг бош йўлидир.

Машғулотда қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш тавсия этилади:

1. Социалистик маданият — маданиятнинг янги типи.

2. Миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши СССР халқла маънавий камолотининг жуда муҳим шарти.

3. Совет жамиятини қайта қуриш, янгилаш ва миллий маданиятларнинг ривожланиш

СОЦИАЛИСТИК МАДАНИЯТ — МАДАНИЯТНИНГ ЯНГИ ТИПИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ижтимоий муносабатлар бут системасини тубдан қайта қуришни бошлаб берган инсоният тарихидаги бурилиш нуқта дир. У энг кенг халқ оммасини мустақил тарихий ижодга отлантирди.

Пропагандист пролетар оммасининг, бутун меҳнаткаш халқнинг манфаатларини эттирадиган социалистик маданият элементлари капитализм ичидаёқ вужудга келиши ривожлана бошлашини таъкидлайди. Лекин у фақат ишлаб чиқариш воситаларини хусусий мулклиги ва кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши тугатилган кейингина шаклланади. Улуғ Октябрь эса бунга асос яратди.

Октябрдан кейинги дастлабки йилларда социалистик маданиятнинг ривожланиш й лари тўғрисида мунозаралар авж олиб кетди ҳамда шу масала юзасидан икки қара қарши позиция аниқланди.

Бунинг биринчиси — ўтмиш маданий меросини танқидий ўрганиш ва ўзлаштириш ли билан совет воқелиги негизида янги маданиятни барпо этиш. Бу йўлни В. И. Ленин у раҳбарлик қилган коммунистик партия кўрсатиб берди.

Бошқа позиция — ўтмиш маданий меросини бутунлай инкор этиб, пролетар ма ниятини йўқ нарсадан бўм-бўш жойда қуриш. Пролеткультчилар шу йўлга амал қилиш

В. И. Ленин пролеткультчиларнинг марксизмга қарши концепцияси билан кура марксизмнинг пролетар маданияти тўғрисидаги қоидасини ривожлантириб, унга д яхлит таълимотни яратди. Қуйидаги фикр унинг ҳамма асарларига сингдириб юборил ди: 1) янги, социалистик маданиятнинг бунёд этилиши «цивилизациянинг минг йил ривожи мевалари» бўлган жамики қимматли, ижобий нарсаларни йўққа чиқаришни унутишни англатмайди; 2) бу ютуқлар социалистик маданиятнинг қон-қонига сингиб тиши, олға томон муваффақиятли силжишга хизмат қилиши керак; 3) социалистик ма ният инсоният ўзининг бутун ўтган даврида яратган билимларининг қонуний ривожи б моғи керак; 4) капитализмнинг илмий, техникавий, маданий ютуқларига нигилистик му сабатдан эҳтиёт бўлиш ва маданиятнинг ҳамма ютуқларини умумхалқ мулкига айлан риш зарур.

Мамлакатимизда социалистик маданиятни ривожлантиришнинг 70 йилдан зиё тажрибаси маданият соҳасида В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган партия сиёсати тўғрилигини тасдиқлади: «Янги пролетар маданияти *ўйлаб чиқарилмайди*, балки *ма жуд* маданиятнинг энг яхши намуналари, традициялари, ютуқлари марксизм дунёқар *нуқтаи назаридан* ва пролетариат диктатураси даврида пролетариат ҳаётн ва кураши

шарт-шароитлари *нуқтаи назаридан ривожлантирилади»* (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 519-бет). Бу ерда, кўриб турибмизки, Ленин нафакат бўлғуси социалистик маданият характерини олдиндан сезган, балки уни шакллантиришнинг бош йўлини ва моҳиятини кўрсатиб ҳам берган.

В. И. Ленин интернационал маданиятни бунёд этиш объектив жараёни тенденциясини белгилар экан, ёзган эди: «Ҳозирнинг ўзидаёқ барча мамлакатлар пролетариати мунтазам равишда яратиб келаётган интернационал маданият ўз таркибига умуман (бирон бир миллий коллективнинг) «миллий маданиятни» эмас, балки *ҳар бир* миллий маданиятдан унинг *фақат* изчил демократик ва социалистик элементларинигина олади» (ТАТ, 23-том, 55-бет). Ана шу қоиданинг турмушга оширилиши ҳар бир миллий маданиятнинг з намуналари, анъаналари, натижаларини ривожлантиришнигина эмас, балки бошка миллат тажрибасини ўзлаштиришни ҳам англатади.

Социалистик маданият шаклланишининг ана шу қонунияти давомийлик қонуни билан бир каторда ва у билан боғлиқ ҳолда амал килади. У унинг намоён бўлишининг бир кисми, бир томони, конкрет формаси бўлиб, тарбиявийлик, халқчиллик, интернационализм, бошка миллатлар маданиятлари маънавий қадриятларига нисбатан ижодий муносабатда бўлиш принципларига асосланди.

Коммунистик партия ўз идеология ишида ҳар бир миллий маданиятда икки маданият бўлиши тўғрисидаги Ленин таълимотига таянади. В. И. Ленин ёзган эди: «*Ҳар бир* миллий маданиятда, гарчи ривожланмаган бўлса-да, демократик ва социалистик маданият *элементлари* бор, чунки *ҳар бир* миллатда меҳнаткаш ва эксплуатация қилинувчи омма бор, у омманинг турмуш шароити муқаррар суратда демократик ва социалистик идеологияни уйғдиради. Лекин *ҳар бир* миллатда буржуа маданияти (кўпинча эса ҳалигача қорагуруҳчи в клерикалча маданият) ҳам бор, — бўлганда ҳам «элементлар» шаклидагина эмас, балки *ҳукмрон* маданият шаклидадир. Шу сабабли умуман «миллий маданият» помешчиклар, поплар, буржуазия маданияти*дир*...

Биз «демократизмнинг ва бутун дунё ишчилар ҳаракатининг интернационал маданияти» шиорини майдонга қўйиб, *ҳар бир* миллий маданиятдан унинг *фақат* демократик ва социалистик элементларинигина оламиз, биз уларни *фақат* ва *мутлақо ҳар бир* миллатнинг буржуа маданиятига, буржуа миллатчилигига зидма-зид оламиз» (ТАТ, 24-том, 439—440-бетлар).

Машғулотда ана шу қоидаларнинг моҳиятини очиш тавсия этилади. Бу, биринчидан, шундан иборатки, қарама-қарши синфларга бўлинган жамиятда ягона миллий маданият бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар бир синф ўз манфаатларини ҳимоя қилади ва ўз идеологияси, маданиятини шунга яраша ривожлантиради. Иккинчидан, В. И. Ленин танқидий ёндашишга ўргатади ва сохталикни, жўн дидларни, маънавиятсизликни тиқиштирадиган буржуа маданиятидан ўйламай-нетмай олишдан, стереотипларни ўзлаштиришдан огоҳлантиради. Турли капиталистик мамлакатлар билан алоқалар доимий ва интенсив характер касб этаётган ҳозирги вақтда бу ҳар қачонгидан актуалдир. Учинчидан, ленинча концепция тарих асосида тарбиялаш ҳамда ўтмишга қизиқиш яққол намоён бўлаётган жамиятимиз ривожининг айниқса ҳозирги босқичида маданий меросга нисбатан танлаб муносабатда бўлиш учун муҳимдир.

В. И. Ленин миллий сиёсатнинг асосий принципларини ишлаб чиқар экан, марксистлар миллатлар ва миллий тилларнинг тенг ҳуқуқлилигини ҳимоя қилишлари ҳам иқтисодий талаш тарзида, ҳам социал нотенглик, сиёсий ҳуқуқсизлик ва маънавий асорат тарзида яшаб келган миллий зулмга қарши курашишлари кераклигини уқтирди.

Октябрь революцияси ғалабасидан кейин, ана шу ғояларни рўёбга чиқариш амалий тус олган пайтда, В. И. Ленин мамлакатимизда яшаётган кам сонли элатларга алоҳида эҳтиёткорлик билан ёндашишни, уларнинг миллий хусусиятлари, анъаналари, урф-одатлари, русумларини пухта ҳисобга олишни, ана шу миллий-ўзига хос ҳодисаларни ягона интернационал вазифаларга бўйсундирмоқ учун уларни кенг кўламда тадқиқ этишни, ўрганишни талаб қилди. Бу шунинг учун ҳам керак эдики, СССР халқлари социал-иқтисодий ва маданий ривожланишнинг турли босқичларида туришар эди.

Социалистик маданиятни шакллантириш учун маданий инқилобни амалга ошириш керак эди. Бу социализм қурилишининг энг муҳим вазифаларидан бири эди. Маданий инқилоб Коммунистик партия билан Совет давлати раҳбарлигида амалга ошириладиган омманинг сиёсий онгини юксалтириш, уларни фан ва санъат ютуқларидан баҳраманд қилиш, уларни турмушнинг онгли ижодига жалб этиш борасидаги тадбирлар комплексидан иборат эди.

Маданий инқилобни амалга ошириш жараёнида миллий чекка ўлкаларда, шу жумладан Ўрта Осиёда алоҳида қийинчиликларни бартараф этиш лозим эди, чунки чоризм, маҳаллий феодаллар ва руҳонийлар халқларнинг маданий ривожланишига онгли тарзда тўсқинлик қилишиб, шу тариқа мазлум халқлар устидан ўзларининг сиёсий ва маънавий ҳукмронликларини сақлаб қолишга интилганди.

Коммунистик партия, ленинча миллий сиёсат принципларига асосланиб, миллатлар-

нинг амалдаги нотенглигини, шу жумладан маданий жиҳатдан нотенглигини тугатиш тад-бирларини ишлаб чиқди. Чунончи, партия X съезди Россия миллий чекка ўлкалари халк-ларининг маданий ривожланиши тўғрисидаги масалани мутлақо конкрет қилиб қўйди. «Партиянинг вазифаси — дейилган эди съезд резолюциясида, — великорус бўлмаган халқ-ларнинг меҳнаткашлар оммасига илгарилаб кетган Марказий Россияни қувиб етишга ёр-дам беришдан: а) бу халқларнинг ўз юртларида миллий турмуш шароитларига мувофиқ келадиган формаларда Совет давлатини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда; б) ўз юрт-ларида маҳаллий аҳолининг турмуш ва психологиясини биладиган ерли кишилардан тузил-ган ва она тилида иш кўрадиган суд, маъмурият, хўжалик органлари, ҳокимият орган-ларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашда; в) ўз юртларида она тилида матбуот, мактаб, театр, клуб ишларини ва умуман маданий-оқартув муассасаларини ривожлантириш-да; г)... она тилида... ҳам умумий, ҳам ҳунар-техника таълим берадиган курс ва мактаблар-ни кенг микёсда йўлга қўйиш ва ривожлантиришда уларга ёрдам беришдан иборат» (КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарор-лари, 2-том, т., 1981, 260-бет).

Ана шу программани амалга ошириш давомида мазмунан социалистик ва шаклан миллий янги маданият шаклланди ва ривож топди... Социалистик мазмун нима демак? Бу, деб тушунтиради пропагандист, марксизм-ленинизм позициясидан туриб акс эттирилган социалистик воқеликдир. Миллатлар мавжуд экан, социалистик мазмун миллий шаклда ифодаланади, уни тарихан таркиб топган тил, характер, турмуш хусусиятларида ҳамда адабиёт ва санъат анъаналарида намоён бўладиган специфика деб тушунмоқ лозим.

Социалистик туб ўзгартишлар жараёнида маданият миллий шаклининг ўзгаришлари, унинг асосий компоненти — миллий тилда юз беради. Бу ўзгаришлар қандай? Биринчидан, миллий тилларнинг луғат таркибидан янги тарихий даврга мувофиқ бўлмаган талай архаик сўзлар чиқиб кетади; иккинчидан, грамматик тузилиш янада мустаҳкамланади ва сайқал топади; учинчидан, ёзув анча такомиллашади; тўртинчидан, сўз бисоти ҳам совет, ҳам интернационал сўзлар ва терминлар билан анча бойиб боради.

Янги жамият қурилиши давомида СССР халқларининг миллий характерида ҳам янги хислатлар: социализм ишига садоқат, социалистик Ватанга меҳр-муҳаббат, қардошларча бирдамлик, социалистик интернационализм пайдо бўлди. Мамлакатимиз халқлари психик тузилишининг коллективизм, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик каби олижаноб фазилатлари жиҳатдан янгича мазмун касб этди.

Турмуш маданият миллий шаклининг энг муҳим компонентларидан биридир. Жуда катта сиёсий-оммавий иш натижасида эскириб қолган анъаналар, урф-одатлар ва расм-русумлар аста-секин барҳам топа боради, эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва бир-бирини ҳурматлашига асосланган янгича оилавий муносабатлар таркиб топа бошлайди. «Ҳосил байрами», «Меҳнат байрами», «Хотира куни» каби ва бошқа янги байрамлар, анъаналар, урф-одатлар турмушнинг зарур элементи бўлиб қолдики, эндиликда халқлари-мизнинг тўлақонли ҳаётини буларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Кўряпмизки, маданият миллий шаклининг ўзгариши жараёнида социалистик туб ўз-гартиришлар таъсирида миллий ва интернационал асосларнинг диалектик алоқаси ва бир-бири билан боғлиқлиги тобора кўпроқ намоён бўла боради.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАРНИНГ ЎЗАРО ТАЪСИРИ ВА БИР-БИРИНИ БОЙИТИШИ — СССР ХАЛҚЛАРИ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИНГ ЖУДА МУҲИМ ШАРТИ

Социалистик жамият маънавий маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши тарихий жараёни, агар уни фақат жамият ҳаётининг объектив моддий шароитининг инъикосигина деб ҳисобланса, тўғри тушунилмайди. Шу муносабат билан миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири катта аҳамиятга моликдир. Равшанки, у аввал ҳам, Улуғ Октябрь ғалабасигача ҳам мавжуд бўлиб, маданият ривожига ижобий таъсир кўрсатиб келган. Лекин миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири — тарихан ўзгарувчан жараён бўлиб, унинг характери даврнинг конкрет шароитлари билан белгиланади.

Ана шу жараённинг моҳиятини аниқлаб олмоқ учун миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири нима эканини кўриб чиқиш лозим. Маълумки, фалсафада ўзаро таъсир деганда нарсалар, ҳодисалар, хоссаларининг ўзаро муносабати сифатида муайян нисбати тушуниладики, нарсалар ва ҳодисалар ундан ташқарида мавжуд эмасдир. Кўриб чиқилаётган муаммога татбиқан бу шуни англатадики, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ривожлана борган сайин уларнинг амал қилиши учун тобора жиддий тус олади (бу СССР халқлари миллий маданиятлари ривожининг ҳозирги босқичи учун айникса характерлидир), ҳамда ўзаро таъсирнинг ўзи миллий маданиятлар хусусиятлари, функциялари зоҳир бўлишининг шакли сифатида майдонга чиқади. Битта ҳам миллий маданият бошқа маданиятлар билан ўзаро муносабатларсиз яшай олмайди.

К. Маркс билан Ф. Энгельс таъкидлаганларидек, турли миллатлар ўртасида

мунасабатларнинг интенсивлашуви капитализмдаёқ юз беради ва жамият ривожланган сайин кучайиб боради. «Илгариги эски маҳаллий ва миллий биқиқлик ўрнига, ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳисобига яшаш ўрнига миллатларнинг бир-бирлари билан ҳар тарафлама алоқаси ва бир-бирларига ҳар жиҳатдан боғланиши вужудга келмоқда... Айрим миллатларнинг маънавий фаолияти умум бойлигига айланмоқда. Миллий бир ёқламалик ва маҳдудликда яшаш борган сари мумкин бўлмай қолмоқда...» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, I-том, 11-бет, «Ўзбекистон»).

Социализмда миллатлар ўртасидаги «ҳар томонлама алоқалар ва ҳар томонлама боғлиқлик»нинг характери улар маданият ривожи учун ғоятда қулай шарт-шароитлар яратади, чунки улар ўртасидаги муносабатлар КПСС миллий сиёсатининг ленинча принциплари — тенглик, дўстлик, қардошларча ўзаро ёрдам, турмушнинг ҳамма соҳаларида ҳамкорлик принциплари асосида қурилади. Социализмда миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири табиий-тарихий жараён сифатида, миллатлар маданияти ривожининг энг муҳим функционал хусусиятларидан бири сифатида майдонга чиқади.

Амалиёт шундан далолат бермоқдаки, СССР халқлари миллий маданиятларининг ўзаро таъсири турмушнинг барча бошқа соҳаларидаги ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик билан бир қаторда революцияга қадар ёзуви, ривожланган адабиёти, музикаси, тасвирий санъат жанрлари ва бошқалари бўлмаган халқларнинг мазмунан социалистик, шаклан миллий маданияти қарор топишининг жуда муҳим омили бўлди.

«Ўзаро таъсир» тушунчаси у ёки бу миллий маданият вакилларининг қардош миллий маданиятларнинг тегишли асарлари билан танишганида санъаткорнинг эътиборини жалб этадиган воқеаликнинг муайян томонларига, мавзуларга, образларга мурожаат қилишини ўз ичига олади. Ўзаро таъсир айни миллий маданият учун янги бўлган бадиий ифодалаш усуллари ва воситаларини ўзлаштириш практикасини ҳам ифодалайди. У «психологик жиҳатни»: бошқа миллий маданият томонидан яратилган бадиий қадриятларни идрок этиш натижасида туғиладиган ижодий куч-ғайратни жанбушга келтиришни ҳам ўз ичига олади.

Бир-бирини бойитиш миллий маданиятлар ўртасидаги муайян муносабат сифатида унинг характери ва натижасига ишора қиладиган ўзаро таъсирнинг шаклидан иборат. У воқеликни бадиий ўзлаштириш маҳоратини ўстириш жараёнини, ижодий фаолликни рағбатлантиришни ҳамда ўз миллий заминида маънавий қадриятлар яратмоқ учун қардош миллий маданиятлар қадриятларидан фойдаланишни, ушбу миллий маданият учун янги бўлган мавзулар, образлар ва ҳоказоларни бадиий практикага киритишни англатади.

Социалистик маданиятнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи, деб таъкидлайди пропагандист, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири социалистик жамият тараққиётининг турли босқичларида ўзгарувчан бўлишлигидан далолат беради. Бунинг боиси нима? Биринчидан, маданият ривожини белгилайдиган объектив шарт-шароитларнинг ўзгариши; иккинчидан, маънавий маданият соҳасида ҳал этиладиган мақсад ва вазифаларнинг ўзгариб туриши; учинчидан, маданият инъикосининг объекти бўлган одамларнинг ўзи, улар манфаатлари ва эҳтиёжларининг ўзгариши.

Социалистик жамият қарор топишининг бошланғич босқичида, яъни мамлакатимизда яшаётган халқлар ижтимоий ривожланишининг турли босқичларида бўлган даврда кўпрок бир маданиятнинг бошқасига таъсири, хийла ривожланган маданиятларнинг қамроқ ривожланган маданиятларга таъсири, улар учун самарали таъсир намунаси ва манбаи бўлиб хизмат қилган маданиятлар даражасига уларни кўтариш характерли эди. Ана шу босқичдаёқ СССР халқлари миллий маданиятлари ўртасидаги ўзаро таъсир улар ўсишини ҳаракатлантирувчи куч сифатида, уларнинг бойиши ва ривожланишининг омили сифатида майдонга чиқади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари, масалан, рус ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар ёрдамида замонавий маданиятни жадал суръатлар билан бунёд қилдилар. Театр санъати, опера ва балет, ҳайкалтарошлик ва кино шаклланди ва янада ривож топди. Кўп асрлик тарихга эга бўлган адабиёт ва санъат жанрлари янги сифат босқичига кўтарилди.

Ташкилий тадбирлар илгари ўз ривожланишида орқада қолиб келган халқларга ёрдамнинг муҳим элементи бўлди. Масалан, ёзувчилар, тасвирий санъат арбобларининг бошмалари тузилдики, кейинчалик улар ёзувчилар ва рассомларнинг республика союзларига айлантирилди. Шу билан бир қаторда Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда миллий кадрлар тайёрланди, улар кейинчалик ўз республикаларида маданиятнинг турли соҳаларига бошчилик қила бошлашди. СССР халқлари социалистик маданияти ривожининг тажрибаси шундан далолат берадики, маданият уларнинг кўпи учун ташкилий ёрдам, ўқув ва хийла ривожланган маданиятларнинг таъсири бир бутунликни ташкил этади, миллий маданиятлар ўз муваффақиятлари учун ундан миннатдордир.

Миллий адабиётлар асарларининг нашр этилиши ўзаро ёрдам ва ўзаро таълим жараёнида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди. А. М. Горький бу хусусда шундай ёзган эди: «Иттифоққа кирган ҳар бир элатнинг ҳар бир асари Иттифоқдаги барча бошқа элатлар тилига таржима қилинса, айни муддао бўлур эди. Бу ҳолда биз ҳаммамиз бир-биримизнинг

миллий-маданий хислатларимиз ва хусусиятларимизни тезрок тушуниб олган бўлур эди«
«Бу тушуниш эса, турган гапки, ягона социалистик маданиятни яратиш жараёнини жуда жадаллаштирган бўлар эдики, у барча кабилалар киёфасининг индивидуал хусусиятларини саклаб колган холда ягона, улуғвор, кудратли ва бутун дунёни янгилайдиган социалистик маданиятни бунёд этган бўлур эди».

Миллий маданиятлар ўзаро таъсирининг конуниятларини тушунмок учун ана шу жараённинг ўзи биринчи навбатда объектив шароитлар билан, шу жумладан у карор топишининг хар бир боскичида социалистик маданиятнинг сифат характеристикаси билан белгиланишини хисобга олмок зарур. Айни вактда унинг шаклларининг алмашуви миллий маданиятлар ривожланиш даражасининг ўзгаришини англатадики, бу умуман социалистик маданият холатининг мухим кўрсаткичи бўлган, улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг характерига таъсир килмаслиги мумкин эмас.

Миллий маданиятларнинг баракали ўзаро таъсирини маънавий маданиятнинг турли сохалари ва жанрларига оид мисолларда кўрсатиш мумкин. Шулардан бирини кўриб чикайлик.

Афсонавий халк кахрамони Миркомил Миршаропов тўғрисидаги «Кизилкум» фильмида Туркистондаги гражданлар уруши вокеалари акс эттирилган, бу фильмни ўзбек кинематографиясининг ютуғи дейиш мумкин. Шаклан миллий бўлган ана шу фильм мазмунан чинакам интернационалдир, чунки янгиликнинг эскилик билан, илғор нарсанинг реакцион нарса билан кураши жараёнининг конуниятлари ва хусусиятларини акс эттиради.

Фильм кахрамони М. Миршаропов толиккан жангчиларга икки бор мурожаат килиб, уларни Москва Кизил майдонидаги парадда одим отгандек одим отишга даъват этади. Ўзининг миллий ва интернационал бурчини бажараётган тарихда биринчи ўзбек совет аскарлари чўлда шахдам кадам ташлаб борар эканлар, барча мамлакатлар ва халклар интернационализми хамда кардошлигининг рамзи бўлган шахарни фикран кўз олдиларига келтирадилар. Шунда А. Бекнинг «Волоколамск тош йўли» повестидаги Улуғ Ватан уруши йилларида социалистик Ватанни химоя килишга отланган ўз жангчиларининг шахдам кадам ташлашига эришган батальон командири Момиш-Улининг: «Мард, азамат жангчилар Кизил майдондагидек одим отишарди», деган сўзлари беихтиёр эсга тушади.

Бу эпизодларда турли миллий маданиятларга мансуб асарларнинг шунчаки бир-бирига хамоханглигини кўриш кифоя эмас. Уларда тузумимизнинг куч-кудратини ташкил этган миллий ва интернационал жихатлар мужассамланган. Фильмнинг хотимасида мамлакатимиз барча миллатларига мансуб солдатлар Москвадаги Кизил майдон бўйлаб одим отиб борадилар, биринчи каторларда эса ўзбек халкининг афсонавий кахрамони М. Миршаропов бормокда. Фильмнинг ана шу охирги кадрида мехнаткашларнинг барча душманларига карши курашдан иборат олижаноб ишга, янги хаёт куриш ишига хизмат киладиган интернационал анъаналарнинг хаётийлиги хакконий акс эттирилади.

Бу мисол шуни кўрсатадики, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири бу бадиий кадриятларни такрорлаш ёки бошкалардан олиш эмас, у ўз миллий маданияти вазифаларини кўзлаб уларни ижодий кайта идрок этиш, санъаткорнинг тажрибаси, диди ва махорати акс эттан кадриятларни кайта идрок этишдир. Шу сабабли СССР халклари миллий маданиятлари ривожининг хозирги боскичида уларнинг ўзаро таъсирининг изларини кўриш тобора кийинлашиб боради: улар асосан асарларнинг ички структураси, ғояси, муддаосида намоён бўлади. Ана шунга кўра, юкорида келтирилган биринчи карашда тасодифий бир ўхшашлик бўлиб кўринган мисол хам мамлакатимиздаги барча халклар учун характерли бўлган ички, умумий жихатнинг ифодасидир.

Бир-бирини бойитишнинг намоён бўлиши ўзаро таъсирнинг жихатларидан бири сифатида ғоятда хилма-хилдир. Бу тасвирий воситаларнинг такомиллашуви хам, янги мазмун ва шаклларни, ритмлар ва бўёклар, интонациялар ва шу кабиларни ижодий ўзлаштириш хамдир. Бир миллий маданият фондига бошка бир маданият асарларининг кўшилиши, бир миллий маданият арбобларининг бошка маданиятлар тематикаси ва сюжетларига мурожаат килиши ва хоказолар хам шундай кўринишларга киради. А. Козловскийнинг «Улуғбек» операси, М. Раухвергнинг «Жамила», Ю. Мейтуснинг «Махтумкули» опералари, И. Акбаровнинг Ч. Айтматов «Момо ер» повести мотивлари асосида яратган музикали драмаси шундай жараённи ифодаловчи ёркин мисолдир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ўринда бир миллат мавзуи ва образлари бошка миллат вакиллари бадиий тафаккури воситалари оркали идрок этилган. У ёки бу санъат асарларини яратишдаги ижодий хамкорлик миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитишда мухим жихатдир. Т. Содиков, Ю. Ражабий, Б. Зейдман ва Д. Зокировлар яратган «Зайнаб ва Омон» операсини, В. Власов, А. Малдибоев ва В. Фере яратган «Манас» ва «Тўхтағул», Д. Овезов билан А. Шапошников яратган «Ойна»ни мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Бу ерда энди турли миллатларга мансуб шахсларнинг бадиий тафаккури, дунёни хис этишининг синтези намоён бўладики, бунинг окибатида бир миллат мавзуи ва образини, миллий хаётдан олинган у ёки бу вокеани ёритадиган асар умуминсоний, интернационал хусусиятлар касб этиб, бошка миллат вакилларига хам якинрок ва тушунарлирок бўлиб колади.

Миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитишига бадиий асарларнинг таржималари ҳам кўп даражада кўмаклашади. Бу таржималарнинг аҳамияти, фақат масалан, рус ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилида ёки, аксинча, ўқиш мумкинлигидан эмас, шунингдек таржима жараёнининг ўзи адабиётчи-таржимон учун ғоятда самарадорлигида ҳамдир. Таржима уни янги маънавий қадриятлар билан бойитади, ўз маҳоратини такомиллаштириш имконини берадики, бундан пировард натижада миллий маданият наф кўради.

Қардош адабиётлар ва санъатларнинг ўн кунликлари, ҳафталиклари, фестиваллари СССР халқлари миллий маданиятларининг бир-бирини бойитишининг муҳим воситалари ва шаклларидир. Ижодий мулоқотлар жараёнида жипс алоқалар ўрнатилиши тажриба, илмлар, орзу-ниятларни баҳам кўриш имконини беради.

Шундай қилиб, СССР халқлари миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши илгарилаб борувчи, прогрессив жараён бўлиб, бадиий қадриятларни шунчаки алмашув эмас, балки бутун социалистик маданиятни ривожлантиришга олиб борадиган узайян мақсадни кўзлагувчи ҳамкорликдир.

ОВЕТ ЖАМИЯТИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ, ЯНГИЛАШ ВА ИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Пропагандист мавзунинг ана шу бўлимига ўтар экан, қайта қуриш объектив заруратга айланганини таъкидлайди. Совет ҳокимиятининг 70 йили ичида мамлакатимиз қолоқликдан қудратли иқтисодий ва интеллектуал потенциалга эга бўлган давлатга айланди. Бироқ марксизм-ленинизмдан чекиниш, деформация, шахсга сиғиниш йилларидаги оммавий репрессиялар, 70-80 йиллар оралиғида вужудга келган турғунлик ҳамда социализмга ' ҳодисалар совет жамиятининг маданий ривожланиши ҳолатига таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди. Мамлакат маълум босқичда ҳаракат суръатини бой бера бошлади, қийинчиликлар ва ҳал бўлмаган муаммолар йиғила, салбий жараёнлар авж ола бошлади.

Шундай вазиятда партия қайта қуриш йўлини эълон қилдики, бу жамиятимиз ривожи янги уфқларни очиши керак.

«Социализмнинг маънавий соҳаси — илм-фан ва маорифни, адабиёт ва санъатни, совет халқи социал ҳамда маънавий қадриятларининг бутун йиғиндисини ҳам ўз ичига олган нг жабҳадагина совет жамияти сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши, келажакни ёриш мумкин бўлади», — деб таъкидлади М. С. Горбачев «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда» деган докладда.

Вужудга келган аҳвол жамият ҳаётининг ана шу соҳаси аҳволига ҳам таъсир қилмай қолмас эди. Тўғри, Октябрдан кейинги йилларда бу соҳада катта муваффақиятларга эришилк: одамларнинг маълумот даражаси кўтарилди, илм-фан, бадиий ижод соҳасида улкан ютуқлар бор. Бироқ, КПСС МКнинг 1987 йил январь Пленумида таъкидланганидек, жиддий социал-ахлоқий муаммоларни кўтариб чиққан асарлар билан бир қаторда анча-мунча саёз, нурсиз, на ақл, на ҳиссиётга ҳеч нарса бермайдиган асарлар пайдо бўлди. Маданиятни ривожлантиришнинг реал, чуқур муаммолари ўз вақтида ҳал этилмади.

Ўз миллий-давлат тузилмаларидан ташқарида яшайдиган халқларнинг маънавий эҳтиёжлари қондирилмай келди. Ана шу халқлар тилларида ўқитадиган мактаблар сони камайиб борди, бошқа республикада мавжуд бўлган ўз миллий маданияти ютуқлари билан танишиш имкониятлари чекланиб қўйилди. Масалан, Ўзбекистонда яшаётган тожик, қозоқ, қирғиз аҳолисининг баъзи қисми Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон радиосини эшита ва телеэшиттиришларни кўра олмасди, республикадан ташқарида яшовчи ўзбеклар эса — Ўзбекистон радиоси эшиттиришлари ва телекўрсатувларидан маҳрум эди.

Миллий муносабатларни, миллий маданиятларни ривожлантиришдаги салбий жараёнлар Болтиқбўйи республикаларида, Тоғли Қорабоғ автоном областида ҳам кўринди. Масалан, Тоғли Қорабоғ автоном областидаги воқеаларга олиб келган сабаблар орасида маънавий эҳтиёжларни қондирмаслик, жумладан, арман мактабларида арман халқи тарихи ўқитилишининг бекор қилиниши, Арманистон билан маданий алоқаларнинг йўқлиги, арман тилида адабиётлар ва дарсликларнинг етишмаслиги билан боғлиқ сабаблар ҳам бор эди. Ҳозир партия ва ҳукуматнинг маълум қарорларидан кейин аҳволни тузатиш учун ҳамма иш қилинмоқда, ТҚАО территориясида Арманистон телевиденеиси эшиттиришлари олиб кўрсатилмоқда, тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилмоқда, арман тилида бадиий ва ўқув адабиётини нашр этишни кўпайтирмоқ учун полиграфия базаси кенгайтирилди.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Компартиялари ҳам миллатлараро муносабатлар соҳасида бир қатор тадбирлар кўришди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда яшаётган миллатларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш борасида республикадаги халқ депутатлари маҳаллий Советлари, министрликлар, идораларнинг иши тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, келишиб олинганига мувофиқ санъат фестиваллари, театр коллективларининг гастролларини ўтказиш, китоб нашр этиш соҳасидаги ҳудудий регионал мувофиқлаштирувчи марказ ташкил этилди. Китоблар нашр этиш ҳамда

ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп адабиётни ўзаро алмашиш мўлжалланмоқда. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг қўшма телепрограммалари, Ўзбекистон ва Тожикистон тарихи, экономикаси, экологияси ва маданиятининг актуал масалалари юзасидан «Қардош халқлар иттифоқи» телекўприклари ҳар ой эфирга чиқа бошлади, бу эса бир-бирларининг ютуқлари билан яқинроқдан танишиш ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона областларининг баъзи районларидаги аҳолининг миллий структурасини ҳисобга олиб, район газеталарида бир саҳифа тожик тилида чиқарилмоқда. Ана шу барча тадбирлар миллий маданиятларнинг янада ривожланишига, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва бир-бирини тушунишнинг мустаҳкамланишига ёрдам бериши керак, чунки «ҳар бир халқнинг қадр-қиммати, шон-шарафи, маданияти, тили ва тарихи чуқур ҳурмат қилинган, улар ўртасида кенг мулоқотда бўлинган тақдирдагина чинакам интернационализм, халқларнинг чинакам дўстлиги бўлиши мумкин» (М. С. Горбачев. Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси. КПСС МК Пленумида 1988 йил 18 февралда сўзланган нутқ).

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференциясининг «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюциясида айтиладики, «Ўз давлат тузилмалари ташқарисида яшаб турган ёки шундай тузилмалари бўлмаган миллатлар, айниқса маориф, алоқа, халқ ижодкорлиги соҳасидаги миллий-маданий эҳтиёжлари рўёбга чиқиши, шунингдек миллий маданият масканлари яратилиши, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш... учун кўпроқ имконият олишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиниши керак». Миллий-маданий марказлар ва улар ҳузурида иш кўрадиган фольклор ва бошқа ҳаваскорлик бадиий коллективлари, тил ўрганиш тўгараклари, шунингдек кутубхоналар ва фонотекалар барпо қилиш партиянинг ана шу талабларини амалга оширишда муҳим қадам бўлиши керак. Ана шу марказлар бу ерда яшаётган бошқа халқлар вакилларига ўз миллий маданиятлари ютуқлари билан яқиндан доимо танишиш имконини беради. Ана шу маданият тўла ҳажмда амал қилаётган республика билан алоқада бўлиб, мазкур марказлар унинг ютуқларини тарғиб этишга хизмат қилади. Бунда улар маҳаллий, уни қуршаб олган миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини кўзда тутиб, ўз ишларини кўнгилдагидек ташкил эта оладилар. Юқорида қайд қилинганидек, вақти-вақти билан ўтказиб турилаётган адабиёт ва санъат ўн кунликлари миллий маданиятлар ўзаро таъсирининг шаклларидан биридир. Агар ана шу ҳол ҳисобга олинса, доимий ишлайдиган миллий-маданий марказларнинг аҳамияти анча ортиб боради.

Миллий муносабатлар соҳасида, миллий маданиятларни ривожлантиришда йўл қўйилган хатолар деб таъкидлайди пропагандист, миллий тилларга анча оғир ва сезиларли таъсир қилди. Агар Октябрдан кейинги дастлабки ўн йилликларда миллий тиллар гуркираб ривожланган, уларнинг социал функциялари кенгайган, СССР халқларининг турли тилларида китоблар нашр этиш кўпайган бўлса, шахсга сиғиниш йилларида ва турғунлик даврида яқин истиқболда тилларнинг қўшилиб кетишини эълон қилган нотўғри назарий йўл-йўриқлар сабабли миллий тилларнинг қўлланиш кўлами кескин торайди, уларнинг баъзилари ўқув жараёни тили бўлмай қолди, амалда барча миллий тилларда китоблар нашр этиш камайиб кетди.

Ҳозирда партия йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун барча чораларни кўрмоқда ҳамда давлат, жамоат ва маданий турмушнинг турли соҳаларида миллий тилларнинг фаол амал қилиши тўғрисида катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. М. С. Горбачев 1989 йил январда КПСС МКда фан ва маданият арбоблари билан учрашувда таъкидлаганидек, «Биз энг кичик халқ ҳам йўқ бўлиб кетишига, ҳатто энг кичик миллат ўз тилидан маҳрум бўлишига йўл қўя олмаймиз, хоҳ катта, хоҳ кичик халқларнинг маданиятига, анъаналарига, тарихига нисбатан нигилизмга йўл қўя олмаймиз».

Бугунги кунда миллий тиллар тақдирида юз бераётган ўзгаришларнинг дастлабки мевaларини кўриш мумкин. Агар илгари кам сонли элатлардан бири — юкагирлар (800 киши) рус ёки ёқут тилини ўрганишган бўлса, 1987 йилдан эътиборан 50 нафарга яқин биринчи синфда ўқийдиган юкагирлар она тилини ўргана бошладилар. Бошқа бир мисол: республикамизнинг турли шаҳарларида эски ўзбек тили курслари (арабча графика асосида) ташкил этилмоқда, бу ўзбек халқи ривожининг узоқ даври давомида шу тилда яратилган маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлиш учун кенг имкониятлар очади. Кўпгина республикаларда миллий тилларни ҳимоя қилиш ва эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида тил тўғрисидаги Қонун қабул қилинди ёки ишлаб чиқилмоқда.

Шу нарса характерлики, эндиликда маданий меросга янгича муносабатда бўлинмоқда. Азалий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари адолат билан тикланмоқда. Наврўз байрамининг қайта тиклангани бунга ёрқин мисолдир.

Пропагандист тингловчилар эътиборини шунга қаратадики, миллатлар ва элатларнинг миллий ўзлигини англаши гуркираб ўсаётган ана шу жараёнда салбий ҳолатларни ҳам кўриш мумкин. Ўтмишга танқидий ёндашув унутиб қўйилмоқда, турмушдаги, анъаналардаги эскириб қолган архаик нарсалар ўйламай-нетмай олинмоқда ва ҳатто тарғиб қилинмоқдаки, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бошқа томондан олганда, баъзан миллий биқиқликка интилиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Зиёлиларнинг бир қисмида гоҳо бошқа миллий ма-

ланият элементларининг ва умуман жамики янгиликларнинг келиб киришидан ҳадиксираш ва ҳатто бунга қаршилик қилиш ҳоллари юз бермоқдаки, гўё бу янгиликлар ўз миллати маданиятининг сақланиб қолиши ва ривожланишига хавф солар эмиш. Шунга асосланиб миллий-маданий автономия тўғрисидаги ғоя илгари сурилмоқда. Бироқ миллий биқиқликка бундай интилиш фақат миллий қашшоқланишга олиб келиши мумкин холос, чунки миллий маданиятнинг чинакам ривожланиши бошқа миллий маданиятлар билан ўзаро ҳамжиҳатликдагина мумкин, ана шу ҳамжиҳатлик жараёнида у қардош халқларнинг, бутун инсониятнинг маънавий тажрибаси билан бойийди.

Яққол ифодаланган интернационал негизга эга бўлган социалистик маданият ҳозирги босқичда тегишли миллий шакллардагина ривожлана олади. Унда интернационал жиҳатларнинг кўпайиб бориши фарқларнинг силлиқланишини, унинг йўқ бўлиб кетишини англатмайди, аксинча, у янада бойиб, ҳаётийроқ бўлиб қолади. Шу муносабат билан .. В. Луначарский чуқур фикр айтган эди: «Инсоният интернационал маданият йўлидан тўхтамай бормоқда. Турган гап, миллий негиз узоқ вақт, эҳтимол, ҳамиша сақланиб қолади, бироқ ахир интернационализм умуминсоний симфонияда миллий оҳангларнинг йўқ бўлиб кетишини эмас, балки фақат уларнинг бой ва эркин уйғунлигини тақоза этади холос». А. В. Луначарский. Собр. соч., т. 7, М., 1967, с. 183).

Совет маданият фондининг барпо этилиши социалистик маданиятнинг ривожланишида муҳим марра бўлди. Унинг мақсади — халқларимизнинг кўп асрлик тарихи давомида унёд этилган жамики қимматли нарсаларни сақлаб қолиш, ўзлаштириш ва янги авлодларга етказиб бериш, илғор анъаналар, халқ ҳунармандчилиги, касб-корларни, фольклорни сақлаш ва оммалаштириш, ижодий коллективлар, ташкилотларнинг хориждаги ҳамкасблари билан актив алоқаларига кўмаклашишдан иборатки, пировард натижада миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитишига олиб боради.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

Ленин В. И. **Миллий масала юзасидан тезислар.** — ТАТ, 23-том, 355-бет.

Ленин В. И. **Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар.** — ТАТ. 24-том, 38—142, 146—149, 149—154, 161—162-бетлар.

Ленин В. И. **Пролетар маданияти тўғрисида.** — ТАТ. 41-том, 375—377-бетлар.

Ленин В. И. **Ёшлар союзларининг вазифалари** (Россия Коммунистик Ёшлар союзининг III Бутун Россия съездида 1920 йил 2 октябрда сўзланган нутқ).— ТАТ 41-том, 37-340-бетлар.

КПСС XXVII съездининг материаллари. Т.,1986, 13—15, 43—46-бетлар.

КПСС МК январь (1987 йил) Пленумининг материаллари. «Совет Ўзбекистони», 1987 йил 28—30 январь.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материаллари. Т.,1988.,68—72, 157—163-бетлар.

Фалсафа фанлари доктори С. ШЕРМУҲАМЕДОВ тайёрлаган.

АТЕИЗМ ФАЛСАФАДАН МУСТАҲКАМ ЎРИН ОЛСИН

БАРЧА СОВЕТ кишиларида, шу жумладан студент ёшларда негизини фалсафий, иктисодий ва социал-сиёсий карашларнинг бир бутун ҳамда изчил системаси бўлмиш марксизм-ленинизм ташкил қиладиган илмий дунёқарашни шакллантириш КПСС ғоявий-тарбиявий ишининг ғоят муҳим таркибий қисмидир. Инсоният ижтимоий-тарихий практикасининг, табиат ва жамият, инсон ва тафаккур хусусида илм-фан қўлга киритган натижаларнинг назарий умумлашмасидан иборат бўлган диалектик ва тарихий материализм коммунистик дунёқарашнинг фалсафий пойдеворидир. Илмий дунёқарашга эҳтиёж атрофдаги воқеликдан тўғри хабардор бўлиш, бутун моддий дунёнинг ривожланиш қонунларини, ҳаракатлантирувчи кучларини англаб етиш заруратидан пайдо бўлади.

Олий ўкув юртида таълим олаётган бўлажак мутахассислар учун нафақат махсус билимлар йиғиндисига эга бўлиш, балки уларни дунёни билиш ва ўзгартириш методологияси билан қуроллантириш, уларда воқеликни революцион тарзда ўзгартириш мумкинлигига бўлган ишончни тарбиялаш, қайта қуришда ўз ўринларини белгилашда уларга ёрдам бериш ҳам муҳимлиги равшан.

Илмий дунёқарашни шакллантириш, марксча-ленинча фалсафани эгаллаш бир вақтнинг ўзида студент ёшларни атеистик тарбиялаш жараёни ҳамдир. Илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамда атеистик тарбия вазифаларининг айнан ўхшашлигини В. И. Ленин қайта-қайта уктирган эди. «Бизнинг программамиз, — деб таъкидлаган эди у, — бошдан-оёқ илмий назария ва шу билан бирга айни шу материалистик назария асосида тузилган. Шунинг учун программамизни тушунтириш диний туманнинг чинакам тарихий ва иктисодий илдизларини тушунтиришни ҳам албатта ўз ичига олади. Бизнинг пропагандамиз атеизмни пропаганда қилишни ҳам албатта ўз ичига олади» (Тўла асарлар тўплами, 12-том, 155-бет).

Диний идеологияга қарши кураш аввало бир-бирини инкор этувчи икки дунёқараш — илмий-материалистик ва диний-идеалистик дунёқарашлар курашидир. Шу сабабли диний таълимотни танқид қилишда марксча-ленинча фалсафага биринчи даражали роль ажратилган.

Ўқув фани сифатида фалсафанинг пар
тиявийлиги ҳар бир ўқитувчидан матери
лизм билан идеализмнинг дунёқарашда
принципиал муросасизлигини, илмий кон
ларнинг дин тарғиботчилари даъватлари
зидлигини студентлар кўз ўнгида очиб бер
олиш маҳоратини талаб этади. В. И. Лени
марксизм асосчиларининг асарларини дин
ҳамда идеализмга нисбатан партиявий му
носабатнинг идеали деб ҳисоблаган эд
«Маркс ва Энгельс, — деб ёзган эди Влад
мир Ильич, — философияда аввалдан о
ригача партияли эдилар, улар ҳамма ва ҳа
қандай «энг янги» оқимларда материализ
дан юз ўгиришни ва идеализм ҳамда фид
измга оғушта бўлишни очиб ташлай билга
эдилар» (ТАТ, 18-том, 405-бет).

Ф. Энгельснинг партиявий жиҳатдан на
мунали бўлган «Анти-Дюринг» деган фа
сафий асари В. И. Лениннинг эътибори
ўзига алоҳида жалб этган эди. Фалса
курсида ушбу асарнинг ўрганилишини тў
ри йўлга қўйиш студентларнинг христиа
дини тарихига оид билимларини бойитад
уларни социализм ҳамда христиан гуманиз
ми принципларининг дунёқараш жиҳати
қарама-қаршилигига, ҳар қандай диннинг
синфий йўналишга эга эканлигига ишонти
ради.

Ф. Энгельснинг «Людвиг Фейербах ва не
мис классик философиясининг охири» ас
рида фалсафий проблемаларнинг таҳли
ҳам бевосита атеистик жиҳат билан боғлан
ган. Студентлар илмий атеизмда ва мар
систик фалсафада фалсафанинг асосий ма
саласи ҳал этилиши ўзаро мос тушиши
табиатнинг ривожланишидаги, одамнинг ке
либ чиқишидаги илоҳий негизни инкор эти
га олиб келишига ишонч ҳосил қиладила

Ф. Энгельснинг «Табиат диалектикаси
асарида диннинг фанга қарши кураши та
хига оид бой материал мавжуд. Ф. Энгел
пировард натижада фан билишда дин уч
ҳеч қандай ўрин қолдирмайдиган вақт кел
шини олдиндан кўра билган эди. «Руҳл
дунёсида табииёт» бўлими студентлар
диалектикани менсимаслик мистицизм
фидеизмга олиб келиши мумкинлиги ху
сида мулоҳаза юритишга мажбур эта
Энгельс томонидан динга кишиларнинг к
далик ҳаётида ҳукмрон бўлган ташқи к
ларнинг улар онгида хаёлий инъикоси эк

лиги тарзида берган таърифи студентлар томонидан фалсафий-атеистик позиция чуқур ўзлаштириб олинишида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, диннинг фалсафий таҳлили, илмий атеизм проблемаларини ишлаб чиқиш илмий коммунизм асосчиларининг назарий меросида муҳим ўринни ишғол этган.

Албатта, Лениннинг фалсафий-атеистик мероси ҳам, шунингдек КПССнинг омма ўртасида атеистик, тарбиявий иш олиб бориш, диний идеология ва диний ахлоққа қарши кураш масалаларига доир программ ҳужжатлари фалсафа ўқитувчиларининг студент ёшларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиришга оид фаолиятида назарий негиз ҳамда ориентир бўлиб хизмат этади.

В. И. Лениннинг теран атеистик асари бўлмиш «Материализм ва эмпириокритицизм» фалсафий идеализмга, динга, фидеизмга қарши муросасиз кураш руҳи билан суғрилган. Ленин махизмнинг диний хуросотлар, диний идеология билан генетик жиҳатдан яқинлигини фош этаркан, махизм идеизмнинг ашаддий, ўта кетган формаси эканлигини кўрсатиб ўтади. У эмпириокритицизм асосчиларининг ўз концепцияларида Махнинг «дунё элементлари» назариясида, Авенариуснинг «принципиал координация»си ҳамда «интроекция» назариясида, шунингдек Мах — Авенариус таълимотининг тарафдорлари ва издошлари қарашларида бундай алоқа мавжудлигини изчиллик билан ҳамда далил-исботли қилиб очиб ташлайди. В. И. Ленин Богданов тарғиб қилган психик нарсани физик нарсадан «ялпи равишда эвазлаш» идеализм, табиатни худога бўйсундириш эканлигини кўрсатади. Унинг «тажрибани социал ташкил этиш» концепцияси эса материалистик гносеологиядан воз кечишга ҳамда динни оқлашга олиб келади.

Фалсафа ўқитувчиси диний тус берилишининг ҳозирги пайтда анчагина кучайган замонавий буржуа идеологиясига қарши курашда махизм ва махистик ревизионизмнинг Ленин томонидан таҳлил этилганлигининг методологик аҳамиятини студентлар олдида очиб беришга даъват этилган. Диалектик ва тарихий материализм курсининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асаридаги атеистик қоида ҳамда хулосалар, ленинча дин танқидининг илмий методологияси ва йўллари билан тўлдирилиши ёшларда мулоҳаза олиб бориш, дунёни диний-идеалистик мушоҳада этиш тарафдорлари билан мунозарада ўз эътикодларини ҳимоя қила билиш маҳоратини ҳосил қилишда ёрдам беради.

Афсуски, ҳалигача олий ўқув юртларида студентларга фалсафий билимларни атеистик нуқтаи назар орқали ёритишдек ўз партиявий бурчини, диалектик ва тарихий материализм ҳар бир мавзуининг атеистик потенциалини очиб бериш зарурлигини «унутадиган» фалсафа ўқитувчилари тез-тез учраб туради. Зотан, студентларда шаклланадиган дунёқарашнинг сифати пировард натижада айни шу нарсага боғлиқ.

Эҳтимол, ҳозирга келиб атеизм эскириб, кераксиз нарса бўлиб қолгандир? Балки у илмий дунёқарашнинг таркибий қисми бўлмай қолгандир? Ана шундай мулоҳаза юритувчиларнинг В. И. Ленинга мурожаат қилишлари фойдадан холи бўлмас эди, чунки у идеализмга ҳамда динга қарши муросасиз кураш фалсафий фикр ривожланишининг фалсафа бутун тарихи мобайнида амал қиладиган қонуниятидир деб ҳисоблаган эди. «Философиянинг икки минг йил тараққийси давомида идеализм билан материализмнинг кураши эскира олдими? — деб таънаомуз тарзда сўрайди Ленин. — Платон ва Демокритнинг философиядаги тенденциялари ёки йўллари ўртасидаги кураш эскира олдими? Дин билан фан ўртасидаги кураш эскира олдими?» (ТАТ, 18-том, 146-бет).

Атеизм эскиргани йўқ, аксинча, у актуал бўлиб боряпти. Айни илмий атеизм илмий билиш ҳамда инсон практикасининг турли соҳаларида диалектик-материалистик қоидаларни ўтказиш изчиллигининг ғоят муҳим мезонидир. Материализмга нисбатан олганда атеизм унинг интиҳоси, пировард хулосаси, шундай бир нарсаки, унингсиз фалсафий материализм биносини бутунлай қуриб битказиш мумкин эмас.

Ана шу нуқтаи назардан олсак, бутун бир қатор ўқитувчилар, менимча, фалсафага оид лекциялар курсининг атеистик йўналишини қўлдан бой берганлар. Марксистик фалсафа моҳиятининг ўзида мавжуд бўлган атеистик хулосалардан етарли даражада фойдаланилмайди ёки ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам улардан фойдаланавермайди. Зеро, бу нарса шунингдек олий ўқув юртида фалсафа ўқитиш сифатига оид проблема эканлиги ҳам шак-шубҳасиз.

Олий ўқув юртларининг айрим битирувчилари диплом олгач дин тарғиботчиларига айланиши, диний ўқув юртларига кириши ҳоллари фалсафадан таълим бериш соҳасидаги очиқ-ойдин бракка далил бўла олади.

Фалсафага доир лекцияларда атеизмни тилга олмаслик, студентларга динни фалсафий танқид қилиш кўникмаларидан сабоқ беришни назардан қочириш ёшларнинг дин ва атеизм масалаларига нисбатан лоқайдлигига, уларнинг дунёқараш софлигига бефарқ бўлишларига олиб келади. Шуни таъкидлаш ўринли бўладики, нафақат ёшлар, балки вақти-вақти билан баркамол, обрўли кишилар ҳам, афсуски, динга баҳо беришда қўпол хатоларга йўл қўядилар.

Қисқаси, фалсафа ўқитувчиларининг эътиборини бу фаннинг атеистик потенциалига, диннинг фалсафий танқиди жараёнида студентларда атеистик эътиқодни бир мақсадни кўзлаган ҳолда шакллантиришга

жиддий тарзда жалб этиш зарурати етилган. Ғоявий қарши кураш кескинлашганлиги клерикализмнинг, атеизмни марксча-ленинча таълимот доирасидан четга чиқариш, марксча-ленинча фалсафани дин билан бирлаштиришнинг мумкинлиги ғоясини «асослаш» учун уринишларнинг активлашишига олиб келган ҳозирги шарт-шароитда диннинг фалсафий танқиди айникса зарурдир. Бугунги кунда руҳонийлар аҳолининг барча қатламларига, айникса ўқувчи ёшларга диний таъсирни ёйишнинг янги йўлларини фаол равишда излаётганлигини ҳам унутмаслик керак.

Илоҳиётчилик ва фалсафий-идеалистик адабиётларда кўпинча атеизмнинг фалсафа билан боғланмаганлиги, атеизм дунёни юзаки, моҳиятга кириб бормайдиган тарзда билишга асосланганлиги хусусидаги модернистларча тезисдан фойдаланилади. Бундан эса чуқур, фундаментал билимлар гўё динга олиб келиши ҳақида мақбул хулоса чиқарилади. Шунингдек диний таълимотларга фалсафий тус бериш жараёни кучаймоқда, динни буржуа фалсафасининг қоронғи бурчакларига яширишга уриниб кўрилмоқда.

Фалсафадан таълим беришда атеистик йўлни изчиллик билан ўтказишда ўқитувчига нима халақит беряпти? Бунда бир неча сабаблар бўлиши мумкин. Уларнинг баъзи бирларинигина санаб ўтмоқчиман.

Фалсафа курсидаги дин танқидини баъзи ўқитувчилар илмий атеизм асослари курсининг мазмунини такрорлашнинг ўзи деб ҳисоблайдилар. Лекин фалсафадаги атеизм проблемалари билан илмий атеизм курсидаги атеизм проблемалари айнан бир нарса эмас. Ҳатто умумий проблемалар таҳлил қилинаётган ҳолда ҳам улар турли нуқтаи назарларда, турли даражаларда қараб чиқилади. Гарчи марксистик фалсафа атеизмнинг илмий-назарий ўзагини ташкил этсада, олий ўқув юртлари атеизм курсининг кўпгина мавзулари фалсафий специфкага эга эмас.

Ўқитувчиларнинг бир қисми диний ақидаларнинг фалсафий танқидини баён этиш учун шундоқ ҳам вақт етишмайдиган фалсафий материалга бегона бўлган қўшимча деб ҳисоблайди. Бундай янглишиш ҳам фалсафий танқиднинг специфкасини ғоят оддий тарзда тушунмасликка асосланган.

Фалсафа курсида на атеизмни, на динни муфассал ўрганиш талаб этилади. Студентларда динга тўғри муносабатни ҳосил эттириш зарур. Табиий ва ижтимоий ҳодисаларни материалистик тушунтира олиш учун уларни зарур фалсафий далил-исботлар билан қуроллантириш лозим.

Фалсафа курсига доир ҳозир амалдаги программанинг тузувчилари фалсафий материализм билан атеизмнинг узвий алоқадорлиги хусусидаги масалани, аслида, четлаб ўтганлар. Динга қарши кураш ҳақида мавзуларнинг тарихий-фалсафий бўлимларидагина эслаб ўтилади. Уларнинг аксариятида диннинг фалсафий танқиди хусусида йўл-йўриқлар умуман йўқ ҳам.

Бир мақсадга йўналтирилган методик қайта ишлашдан кейингина фалсафадан ўқув курсининг объектив имкониятларидан студентларни атеистик чиниқтириш учун фойдаланиш мумкин. Фақат шундагина атеистик материал фалсафий материал билан узвий қўшилиб кетади ва ўқитувчига «халақит» бермайди. Фалсафа курсини методик қайта ишлаш диннинг тўғридан-тўғри танқидини атеистик хулосаларни албатта чиқарган ҳолда барча мавзулар бўйича тақсимлашни ҳам, атеистик тарбия учун у ёки бу мавзунинг, далил-исботнинг аҳамиятини тушунишни ҳам тақозо этади.

Шундай қилиб, студентларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш жараёнида (унинг назарий формаси эса фалсафадир) биз уни планли амалга ошириш имкониятлари билан ҳали бартараф этилмаган стихиялиликнинг ва ҳатто ёшларни атеистик тарбиялаш муҳимлигини етарлича баҳоламасликнинг номақбул оқибатлари ўртасидаги зиддиятларга дуч келамиз.

Фалсафий танқид дин танқидининг чўққиси ҳисобланади. Диний таълимотнинг фалсафий негизлари назарий жиҳатдан пучлигини аниқлаш йўли билангина бундай таълимотга тўғри баҳо бериш мумкин. Шу сабабли студентлар томонидан табиат, жамият, инсон хусусидаги диний даъволарнинг моҳиятини баҳолаш ҳамда рад этиш мақсадида фалсафий мезонлар ўзлаштирилиши уларни атеистик жиҳатдан чиниқтиришнинг муҳим шартидир.

В. РЯБИКОВ

фалсафа фанлари кандидати
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш инженерлари институти
фалсафа кафедрасининг доценти

Жамиятимизда чукур из қолдирган Сталин шахсига сиғиниш тарихий фавқулодда ҳодиса бўлиб, ғоят хилма-хил жиҳатларга эга ва у нафақат ғоятда салбий кучи билан, балки миқёслари билан ҳам ажралиб туради. «Шахсга сиғиниш»дек фавқулодда ҳодисанинг шаклланиши ва амал қилиши сабаблари, қонуниятлари, механизмини ўрганмасдан туриб, тарихимизнинг катта даври хусусиятларини, совет кишилари бир қанча авлодларининг идеологияси ва психологиясини тўғри, илмий тушуниб олишнинг иложи йўқ. Биз «Вопросы философии» журналининг 1989 йил 3-сонидан кўчириб босиб, журналхонларимиз эътиборига ҳавола этаётган мақола ана шундай тушуниб олишга дастлабки уринишлардан биридир.

А. П. БУТЕНКО

СТАЛИН ҲОКИМИЯТИНИНГ СОЦИАЛ-СИНФИЙ ТАБИАТИ ҲАҚИДА

И. Сталин шахсига сиғинишни танқид қилиш, ўша вақт хатолари ва жиноятларини таҳлил этиш КПСС XXVII съездидан кейин партия XX ва XXII съездлари давридагига қараганда анча қатъий ва изчиллик билан олиб борилаётганлигини ҳозирги кунда бирон киши инкор этмаса керак. Бинобарин, сифат жиҳатдан бундай фарқ шахсга сиғиниш давридаги ишлар эндиликда фақат ёлғиз Сталиннинг эмас, балки унинг теварагидаги кишиларнинг ҳам масъулияти билан боғланаётганлигидагина эмас. Шу нарса айниқса муҳимки, Сталин ва ўша вақтдаги раҳбарлар қилган жиноятларга имконият бўлган шахсий ҳокимият режимига баҳо бериш ҳақидаги ғоят муҳим принципиал масала эндиликда кўндаланг қилиб қўйилган[1].

У ёки бу мамлакатда шахсий ҳокимият режими мавжудлигининг ўзи — кимларнинг манфаатларини ифода этмасин, сиёсий ҳокимиятнинг ана шу манфаатларни ўзи вакили бўлган социал-синфий кучларнинг ҳокимлик функцияларини эгаллаб, зўрлик билан босиб олган бир кишининг ҳокимияти орқали амалга оширишидан далолат беради. 1917 йил Октябрида социалистик революция қилган ва пролетариат диктатурасини, Советлар формада меҳнаткашлар ҳокимиятини барқарор этган мамлакатда қандай қилиб бундай воқеа содир бўла олди?

Албатта, ушбу сатрлар муаллифининг ўзи ана шу мураккаб масалаларни нафақат ёлғиз ҳолда қўяоламан, балки охиргача ҳал қила биламан ҳам деган хом хаёл билан ўзини алдатмайди. Мақола олдидаги асосий вазифа проблема устида ўйлаб кўриш, унга жамоатчиликнинг қизиқишини кучайтиришдан, нега бугун, ҳали яқингинада бўлганидек, В. И. Ленин вақтида 1917 йил Октябрида пролетариат диктатурасининг давлат формаси сифатида қарор топган Советлар Сталин деспотизмининг оғир тоши остида ҳам ўз социал-синфий табиатига кўра ўзгармай қолди деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини ўзига ва бошқаларга тушунтириб беришдан иборатдир.

Ана шуларнинг ҳаммасини яхшироқ тушуниб олмоқ ҳамда аллақачон мавжуд бўлган масалалар талқинларини ҳисобга олмоқ учун эътиборни учта муаммога: 1) ҳокимиятнинг зўрлик билан тортиб олиниши ва унинг совет жамиятида ривожланиши; 2) И. Сталин мустабид ҳокимиятининг социал-синфий табиати; 3) Сталин ҳукмронлигининг баъзи бир оқибатлари масалаларига қаратиш ўринлидир.

1. Ҳокимиятнинг зўрлик билан тортиб олиниши ва унинг совет жамиятида ривожланиши

Содир бўлиб турган воқеаларни назарий мушоҳада этишга ёт бўлган оддийгина онг маъноси асло оддийгина бўлмаган иборалар ва даъватларни ўйлаб ўтирмасдан, осон-

БУТЕНКО Анатолий Павлович, фалсафа фанлари доктори, СССР Фанлар академияси Жаҳон социализм системаси экономикаси институтининг бош тадқиқотчиси.

[1] Қаралсин: «Истина против клеветы» — «Правда», 19.08.1988.

ликча такрорлайверади. Эътибор аллакачон шунга каратилдики, «Социализм кўпрок бўлсин!» шиори хеч бўлмаганда унинг социалистик жамиятда етишмаётганлигидан далолат бериб турибди. Кейинги вактларда кўп ишлатилаётган кайта куришнинг «Меҳнат аҳлининг мулк ва ҳокимиятдан бегоналаштирилиши бартараф этилсин!»[2] деган даъвати ҳам жуда сермазмундир.

Хўш, В. И. Ленин вафотидан кейин Совет ҳокимиятининг социал-синфий табиатида нималар содир бўлди, бунда ким ва кай тарзда «меҳнат аҳлини мулкдан ва ҳокимиятдан бегоналаштириш»ни амалга оширди? Менинг фикримча, Совет Иттифокида 30-йиллар ўрталарига келиб И. Сталин ва унинг теварагидаги кишилар ишчилар синфи ҳокимиятини зўрлик билан эгаллаб олишни ниҳоясига етказдилар, партия-давлат бюрократиясининг танҳо ҳукмронлигини баркарор этдилар, ана шунинг натижасида меҳнаткашларнинг иктисодий ва сиёсий бегоналаштирилиши вокеликка айланди деб тасдиклаш, муҳими эса — исботлаш мумкин. Бу бир кунда ва курашсиз содир бўлмади. Аммо тарихий вокеаларга ўтишдан аввал синфий ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олиш нима эканлигини, у каерларда учрашини ва нимадан иборат эканлигини аниклаб олайлик.

Сиёсий ҳокимиятни бундай амалга ошириш — тарихда нодир вокеа деб каттик туриб олувчи кўпгина ҳозирги замон сиёсатшунослари ва тарихчиларидан фаркли ўларок, К. Маркс синфий ҳукмронликни зўрлик билан эгаллаб олишни муайян даражада ижтимоий функцияларни амалга оширишда меҳнат таксимотининг табиий йўлдоши, ижтимоий ҳаёт давлат-сиёсий формаларининг маҳсули деб ҳисоблар эди. У айтар эдики, бадавлат кишилар ҳокимияти кўлига кўшимча имкониятлар берадиган доимий армияни йўкотиш, зўравонлик органларини тугатиш билангина «оддий синфий ҳукмронлик формасида ёки ўзини барча синфларнинг нажоткори деб кўрсатувчи бирон бир авантюристнинг ҳукмронлиги формасида синфий ҳукмронликни ҳукумат йўли билан зўрма-зўраки эгаллаб олиш доимий хавфи»[3]ни бартараф этиш мумкин бўлади.

Сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизми билан ҳамма вакт кам кизикадиган, — бунинг ажабланадиган жойи йўк, чунки ушбу мавзу узок йиллар давомида такикланиб келинган, — бизнинг замондошимиз учун синфий ҳукмронликни ҳукумат йўли билан зўрма-зўраки эгаллаб олиш формаларининг Маркс томонидан икки формага — «оддий синфий ҳукмронлик» формасига ва «ўзини барча синфларнинг нажоткори килиб кўрсатувчи бирон бир авантюристнинг ҳукмронлиги формасига» ажратилиши унчалик тушунарли эмас.

Аслида эса бунда хеч кандай ғалатилик йўк: синфий ҳукмронлик ҳакида гапирар экан, М. Бакунин ёзган эдики, «бутун синф ҳукумат курсисига сиғишмайди» бинобарин, зўравонлик ва мажбурлаш органларига эга бўлган сиёсий ҳокимият бор жойда, ҳукмрон синф номидан ва унинг манфаатларига батамом мос бўлмаган ҳолда ҳукумат ҳокимияти амалга ошириладиган жойда ҳамма вакт бу бутун синф кўлидан олинган ва факат синфнинг бир кисми амалга оширадиган, ана шу маънода, ҳатто агар гап муайян синфнинг асосий манфаатларини амалга ошириш ҳакида борганда ҳам, зўрлик билан эгаллаб олинган ҳокимиятдир. У ўзининг худди ана шу шаклида «оддий синфий ҳукмронлик» формасидан иборатдир. Худди аввалгилардагидек ҳозирги кунда ҳам ижтимоий ҳаётда бундай хилма-хил формалар тўлиб-тошиб ётибди. Айтайлик, у ёки бу ҳозирги замон буржуа давлатининг ҳукумати ўзининг муштарак манфаатлари йўлида ҳукмрон синф бир кисмининг манфаатларини камситувчи трестларга карши чораларни амалга оширганда, албатта, ҳукмрон синфнинг манфаатлари камситилган фракциялари учун бундай ҳукумат синфий ҳукмронликни зўрлик билан эгаллаб олган ҳукуматдан бошка нарса эмас ва бу гапда жон бор, чунки «ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олиш» пайтида ҳукмрон синф ушбу фракциясининг ҳукмронлик функциялари тортиб олинганлиги, ундан бегоналаштирилганлиги эмас, балки ана шу функциялар унинг бевосита манфаатларига зид тарзда амалга оширилаётганлиги ҳам муҳимдир.

Бирон бир «ўзини барча синфларнинг нажоткори килиб кўрсатувчи авантюрист» пайдо бўлган пайтда бу анча мураккабдир. Бунда гап энди «оддий синфий ҳукмронлик формаси» ҳакида бормайди. Бундай ҳолда бутун синфдан тортиб олинган ва ана шундай авантюрист кўлида жамланган синфий ҳукмронлик кўпинча бонапартизм тарикасида, яъни синфий зиддиятлардан ҳар макомга солиб фойдаланадиган ҳамда факат синф айрим фракцияларинингина эмас, балки синфларнинг ўзининг ҳам тепасига чикиб олишга кодир бўлган бонапартизм сифатида майдонга чикади.

К. Маркс томонидан ушбу проблема талкинининг моҳияти ана шундай. Мана бунда савол туғилади: «Ҳукумат йўли билан синфий ҳукмронликни зўрма-зўраки босиб олиш доимий хавфи» ҳакидаги К. Маркс мулоҳазаларини И. Сталин мустабид ҳокимиятининг юзага келиши ва характерини тушунтириш учун совет жамиятига нисбатан татбик этиш мумкинми? Мен ҳисоблаб келганман ва шундай деб ҳисоблайманки, факат мумкин эмас...

---

[2] Каралсин: «Правда», 26.07.1988.

[3] Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., т. 17, с. 548—549.

мас, балки лозим ҳамдир, чунки бундай ёндашув марксча позициялардан туриб социа-
истик қурилишнинг мураккаб жараёнларини анализ қилиш, 20—30-йилларда ва ундан
ейин совет жамиятининг сиёсий системасида содир бўлган воқеаларни тушуниб олиш
мконини беради.

Сталин сиёсий системасининг ва унинг шахсий ҳокимиятидан иборат режимининг
акллланиши жараёнини қуйидагича тасаввур этамиз. Бош секретарь сифатида ўз фаолия-
инг бошланишидаёқ, яъни ҳали В. И. Ленин ҳаётлиги чоғидаёқ Сталин лавозим
ункцияларини ўзгартириш ҳамда шахсан ўзига содиқ бўлган кадрларни жой-жойига
иш йўли билан ўзининг ҳукмрон бўлиб олишига интилиб тобора кўп ҳокимиятни ўз
лида жамлай бошладики, буни Ленин пайқаб, 1922 йил 24 декабрида бундай деб ёзиб
йган эди: «Ўрток Сталин бош секретарь бўлгач, жуда катта ҳокимиятни ўз қўлида
плаб олди ва унинг ана шу ҳокимиятдан ҳамиша етарли даражада эҳтиётлик билан
йдалана олишига ишончим комил эмас[4]».

В. И. Лениннинг ўлими ҳамда партия XIII съездининг Ленин васиятига қарамай
Сталинни бош секретарь лавозимида қолдириши унинг ўз зўравонлик мақсадларини
алга ошириши учун ғоят катта имкониятлар яратди. И. Сталин шуҳратпарастлик ният-
рини рўёбга чиқариши йўлида Ленин партияси унга асосий тўсиқ бўлиб келдики, Сталин
куч-ғайратини биринчи навбатда ана шу партияга қарши қаратиб, ленинизмни ревизия
лди ва Ленин партиясини ўзгартириб Сталин партиясига айлантира борди. Партия
рлигини мустаҳкамлаш ҳақидаги Ленин васиятини бажариш никоби остида, аслида эса
ртия ички ҳаётининг демократик асосларига путур етказиб, И. Сталин синфий кураш
инципларн ва нормаларини Ленин партиясига, партия ички муносабатларига, социалис-
к қурилиши йўллари ҳақидаги ғоявий-назарий баҳсларга кўчирди; бу билан у кечаги
слакдошларнинг баҳсларини ўзи бошчилик қилаётган партия билан сиёсий оппозиция
тасидаги ихтилофга айлантирдики, агар партияда фракция кураши тақиқланганлиги
тиборга олинадиган бўлса, бундай баҳслашишнинг барча оқибатлари маълум бўлади
лади. И. Сталин учун, унинг шахсий иззатталаблиги учун ҳамда унга қўшилмайдиган
шиларни сиёсий жазолашлар учун ғоят муҳим бўлган бундай ёндашувнинг ленинча
дашув билан ҳеч қандай муштарак жиҳати йўқ: зеро, В. И. Ленин ўзининг назарий
понентлари билан фақат баҳслашибгина қолмасдан, балки янги жамиятни амалда қу-
шда улар билан ҳамкорлик ҳам қилар эди, уларни сиёсий қувғин қилиш у ёқда турсин,
лки партиянинг раҳбар органларида барча хилма-хил ёндашувлар ва фикрларнинг ўз
одасини топиши ҳақида жон куйдирар эди ҳам. Бунинг устига В. И. Ленин, ўртоқлар
шкача фикр юритадиган кишилар бўлганликлари учун уларга қарши бирон-бир реп-
сияга йўл қўйиб бўлмайди, деб ёзган эди[5]. И. Сталин эса, Ленинга қарши методлар
ан иш тутиб, ана шундай йўл билан жамиятнинг сиёсий системаси ўзаги бўлмиш ҳукм-
партияда ўзининг ҳукмронлигини ва шахсан ўзига содиқ теварагидаги кишиларнинг
мронлигини таъминлади.

У ўз якка ҳокимлигини барқарор эта бориб, мамлакатнинг бутун сиёсий ситемасини
гидемократик тарзда, кейинчалик эса антисоциалистик тарзда ҳам қайта қуриб борди.

Даставвал Ленин ғояларига зид тарзда бюрократлаштиришни чеклаш мақсадида
ртия билан давлатни бир-биридан чегаралаб қўйиш эмас, балки доимо бири бошқа-
нинг ўрнини босиб турган ҳолда уларнинг асосий функцияларининг қўшилиб кетиши
ир бўлди; партия-давлат кадрларининг ўзи энди ишчанлик ва сиёсий хислатларга
раб эмас, балки И. Сталинга шахсан содиқлиги принципига қараб танланадиган бўлиб
ди. Экономикани ва бутун жамиятни бошқаришнинг номенклатура принципига асос-
увчи маъмурий-буйруқбозлик системаси қадам-бақадам вужудга кела борди.

Номенклатура принципи (методи ёки системаси), яъни раҳбар кадрларни партия-
лат пиллапоясининг «юқори поғоналари» иродасига қараб, ҳатто тўғридан-тўғри
ҳий»нинг иродасига қараб (ҳокимиятдан бегоналаштиришнинг асосий воситаси) ишга
инлаш ёки бир ишдан бошқасига ўтказиш — бошқарув маъмурий-буйруқбозлик сис-
асининг асосий антидемократик ва, бинобарин, антисоциалистик ўзагидир, чунки худди
шунинг ўзи тайинланаётган кадрларнинг бошқарув пирамидасининг юқори қисмига
хсан қарамлигини ва уларнинг меҳнаткашларга мутлақо ҳисоб бериб турмаслигини
минлайди. Бошқарув ана шундай моделининг моҳиятидан доҳийнинг ёки иерархия
ри поғонасини ёки чўққисини эгаллаган раҳбарнинг «даҳоси» олдида хурофий тарзда
да қилиш муқаррар равишда келиб чиқади: зеро унга сажда қилиш, унинг шахсига
иниш — қўл остидаги кишиларнинг ўз иши натижаларига эмас, балки ўзи тайинлаган
иларни ўз хоҳиш-иродаси билан жазолайдиган ёки уларга марҳамат қиладиган,
ошимчалик билан уларнинг тақдирини, хизматдаги кўтарилишлари ва пасайиб кетиш-
ини белгилайдиган доҳийнинг мурувватига тўғридан-тўғри шахсан боғлиқлигининг ко-

---

[4] В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 387-бет.

[5] Қаралсин: «КПСС съездлари, конференциялари, резолюция ва қарорлари, 2-том, Т., 1981,
бет.

нуний оқибатидир. Бундай система мавжуд бўлган ва амал қилиб турган шароитда раҳбарни «кўкка кўтармасликка» ҳар қандай чақириқлар «ҳокимлар» устидан контрол йўқ бўлган бир ҳолда ҳокимиятни суиистеъмол қилмасликка чақиришдек бефойдадир. Жаҳон социализмининг реал тарихи бунинг рад этиб бўлмас далилларини бериб келди ва бермоқда. Ҳамма бало раҳбарнинг ўзининг яхши ёки ёвуз истак-иродасида эмас, у кўриб чиқилаётган система табиатининг ўзига объектив тарзда мосдир. Антидемократик, антисоциалистик, маъмурий-буйруқбозлик, номенклатура системасини синдириб, уни таг-тугигача барбод этибгина раҳбарнинг, доҳийнинг шахсига хурофий тарзда сажда қилиш, шахсга сиғиниш каби ҳолатни бартараф этишга умид боғлаш мумкин.

И. Сталин ва унинг теварагидаги кишилар яратган худди ана шу социализм ва социалистик демократия принципларига зид бўлган ҳокимият ва бошқарув системаси доирасида, совет демократиясини ривожлантиришнинг октябрдан кейинги тажрибасига қарамай, жамиятда ленинча инсонпарварликка ва социализм моҳиятига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган қарашлар, йўл-йўриқлар ва муносабатлар системаси шакллана ва илдиз отa борди. бу оддий кишини янги тузумнинг асосий қадрияти ва асл мақсадидан улкан бюрократик машинанинг арзимас мурватига айлантирди. Ушбу система гражданларни ҳар қандай ҳуқуқий ҳимояланишдан аста-секин маҳрум этдигина эмас, балки сиёсий ёндашув ва сиёсий принципиаллик ниқоби остида муносабатларда ғайриинсонийлик ва формализмни, инсонни ҳурматламаслик ва унинг ҳис-туйғуларини менсимасликни тарбиялаб борди.

Кейинчалик яна бир ғоят муҳим қадам қўйилди. Маълумки, К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин давлат ҳокимиятининг ва бошқарувнинг янги системаси ўз жазоловчи органлари билан фақат эксплуататорларгагина қаратилади, «уларга қарши курашда мажбурлашнинг умумий воситаларини қўллланади»[6], пролетар давлати «(пролетарлар ва умуман камбағаллар учун) *янгича* демократик ва (буржуазияга қарши) янгича диктатор давлат бўлмоғи лозим»[7], деб кўп марта таъкидлаган эдилар. И. Сталин уларнинг таълимотини бир чеккага суриб қўйиб, борган сайин кўпроқ Совет ҳокимиятини эксплуататорларга қарши эмас, балки меҳнаткашларга, уларнинг энг яхши вакилларига қарши шахсий ўз бошимчалигига, янгича диктаторликка айлантира борди. Бу фақат ленинизмдан эмас, балки социализмдан ҳам алоқани бутунлай узиш бўлиб, сиёсий ҳокимиятнинг социалистик табиатини йўқотишни англатар эди.

Халққа қарши мақсадларда, меҳнаткашлар намояндаларига қарши, партия, давлат, хўжалик ва ҳарбий кадрларга қарши репрессиялар учун, шу билан бирга меҳнаткашларнинг ўзлари чурқ этмасдан бу хилдаги ҳаракатларга чидашлари учун — бунинг учун эса халқ оммасини қўрқув остида тутмоқ зарур эди — Совет ҳокимияти аппаратидан фойдаланиш социализм учун характерли бўлмаган тарзда давлат машинасини кучайтиришни, унинг жазолаш аппаратини кенгайтиришни талаб этарди. Ҳақиқатан ҳам ана шу бузилишни намоён этиб, жамоат ишларини бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси ва биринчи навбатда — амалдорлик, милиция, давлат хавфсизлиги органлари тез ўса бордилар, улар жамоат контроли остидан олиб чиқиб кетилиб, тобора кўпроқ И. Сталиннинг ўзининг қуролига айландиларки, бу ҳол сиёсий ҳокимият тобора кўпроқ демократик ва социалистик белгиларини йўқота бориб, И. Сталин зўравонлик билан эгаллаб олган шахсий мустабид ҳокимиятга айлана борганлигидан далолат берар эди.

2. И. Сталин мустабид ҳокимиятининг социал-синфий табиати

Ҳаммамизга яхши маълумки, И. Сталин шахсига сиғиниш шароитида Совет ҳокимиятининг синфий табиатига ҳеч нима бўлгани йўқ, СССРда 1917 йил Октябрда қарор топган ишчилар синфи ҳокимияти (пролетариат диктатураси) 30-йилларда ва ундан кейинроқ ҳам сақланиб қолди, лекин фақат И. Сталин томонидан бир мунча бузилди, сохталаштирилди, аммо унинг дастлабки социал-синфий моҳиятига ҳеч қандай путур етмади, деб ҳисоблайдиган муаллифлар ва ўқувчилар бугунги кунда ҳам ҳали анча-мунча бор.

Ўйлайманки, М. С. Горбачевнинг «...ҳозир ҳам тарихимизнинг иллатли масалаларидан юз ўгиришга, улар ҳақида чурқ этмасликка, гўё арзирлик бирон-бир нарса содир бўлмагандек кўрсатишга уринишларга ҳали ҳам дуч келиб турибмиз. Бунга биз рози бўла олмаймиз»[8] деган сўзларини худди ҳалигидек кишиларга ва фикрларга нисбатан татбиқ этиш мумкин. Ҳақиқатда ҳам: синфий иттифоқлар барбод бўлган ва ҳокимиятнинг социал таянчи ўзгариб кетган бир пайтда, Советлар фаолиятида синфий мажбур этиш би...

[6] Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., т. 18, с. 615.
[7] Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 33-том, 41-бет.
[8] Горбачев М. С. Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда. Т., 1987, 2...

иёсий демократиянинг тегишли нисбати бузилиб кетган, Совет ҳокимияти номидан жиоятлар қилинган бир пайтда бунга қандай қилиб рози бўлиш мумкин? Бунинг устига гап сло ёлғиз И. Сталин ҳақидагина бораётгани йўқ. «Йўл қўйилган оммавий репрессиялар а қонунсизликлар учун шахсан Сталиннинг ва унга жуда яқин бўлган кишиларнинг партия а халқ олдидаги айби ҳақиқатан ҳам фавқулодда катта. Аммо «доҳийлар»нинг айби... з ихтиёри билан гап ташиган кишилардан, итоатгўй ижрочилардан, социалистик қонунликни тўғридан-тўғри бузган кишилардан, ғайриинсоний фармойишларни қувватлаган ва ларни кўр-кўрона бажарган, бедодликни бунёд этган кишилардан масъулиятни соқит майди»[9].

Ана шуларнинг бари холис тарзда, ўтмишдаги одат бўлиб қолган мулоҳазалардан атъий назар Сталин мустабид ҳокимиятининг социал-синфий табиатини анализ қилишни лаб этади.

Мавжуд ҳокимиятнинг социал-синфий характери нима билан белгиланади?

Маркс ва Ленин бир неча бор таъкидлаган эдиларки, бунда, биринчидан, муайян ҳокиият *кимларнинг*, қайси синф, группа, табақанинг манфаатларини амалга ошираётганлиги , иккинчидан, ана шу манфаатлар *кимнинг ҳоҳиш-иродасига биноан* рўёбга чиқарилаётнлиги биринчи даражали аҳамиятга моликдир. Ишчилар синфи социалистик ҳокимиятинг моҳияти шундан иборат бўлмоғи лозимки, у социализмни бунёд этиш ва ривожлантиш борасида ишчилар синфи ва унинг иттифоқчиларининг *туб синфий манфаатларини* ёбга чиқариши, ана шу манфаатлар ишчилар, меҳнаткашларнинг ўзларининг *ҳоҳиш-юдасига биноан* рўёбга чиқарилиши керак. Шундан келиб чиқиб, Ленин «меҳнаткашлар ун ҳокимият» билан «меҳнаткашлар орқали ҳокимият»ни бир-биридан фарқ қилар эди. иринчиси — бу ҳокимиятнинг шундай формасики, у меҳнаткашлар томонидан ва меҳнаткашлар учун, ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг *манфаатларини* рўёбга чиқариш учун нёд этилган (дарвоке, саводли бўлган ва ўзи сиёсий ҳаётда иштирок этишга қобил бўлган шиларнинг ҳам, саводсиз бўлган, шу боисдан ўзи сиёсатдан ташқарида турсада, манатларини ишчилар синфининг сиёсий авангарди намоён этадиган ва ифодалайдиган шиларнинг ҳам манфаатларини). В. И. Лениннинг фикрига кўра, социализмга яқинлаша рилган сайин, меҳнаткашларнинг саводхонлиги орта борган сайин Советлар «меҳнаткашр учун ҳокимият»дан «меҳнаткашларнинг ўзлари орқали ҳокимият»га, яъни нафақат ҳнаткашларнинг манфаатлари рўёбга чиқариладиган, балки бу уларнинг вакиллари и маъмурий аппарат хоҳиш-иродаси билангина эмас, балки меҳнаткашларнинг ўзларинг ҳам хоҳиш-иродаси билан, уларнинг ўзлари орқали рўёбга чиқариладиган ҳокимиятга лана борадики, меҳнаткашларнинг ўзларини ўзлари бошқарувининг моҳияти ҳам ана ндан иборатдир.

Ленин ҳаётлиги вақтида Советлар (аҳоли саводсизлиги ҳамда бошқарув вазифаларига йёр эмаслиги туфайли) фақат *«меҳнаткашлар учун»* — уларнинг авангарди орқали, уларнг вакиллари орқали ҳокимиятгина бўла олдилар [10]. Бироқ В. И. Ленин масаланинг ҳиятини жуда яхши тушуниб, ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг ҳокимиятдан янада ралиши, «бегоналашуви» хавфидан сақлаш чора-тадбирларининг бутун бир системаси белгилаб чиқди (ўзини ўзи бошқариш ва ишчи контроли системасини ривожлантириш, ірказий Қомитетга ишчиларни киритиш, Марказий Контрол Комиссиясини барпо этиш ва шкалар).

И. Сталин ҳокимиятнинг ваколатли органларини меҳнаткашларнинг ўзидан тобора ироқ ажрата бориб ва реал ҳокимиятни меҳнат аҳли вакиллари қўлидан ижрочи аппарат лига тобора қатъият билан топшира бориб, онгли ёки онгсиз тарзда ваколатли демокиянинг ана шу ожизлигидан усталик билан фойдаланди. И. Сталин ва унинг теварагии кишилар ҳокимиятни ўз социал базасидан ажратиб, унинг ишлашини ўзларининг манатларига, социал-синфий кучлар ҳокимияти вакиллари бўлмиш кишилар манфаатига бўйсундириш учун тобора катта имкониятга эга бўла бордилар.

Бу куч қандай куч эди? Шахсга сиғиниш гуллаб-яшнаган замонда Сталин ҳокимиятиг ёки Советлар ҳокимиятининг социал-синфий табиати қандай эди?

Масалани ҳал этишни енгиллатишга интилиб муаллифларнинг бир қисми Сталин имиятини майда буржуа манфаатларини ифодаловчи ҳокимият деб ҳисоблайдилар. Ле фақат майда буржуазиянинг барча қатламлари Сталин ҳокимияти томонидан тугаганлиги учунгина эмас, балки Сталин ҳокимиятига майда буржуа учун жуда характерли ган ноизчиллик, иккиланишлар, иккиёқламаликлар хос бўлмаганлиги учун ҳам мазкур рга қўшилиш қийин. Сталин ҳокимияти деҳқонлар ҳокимияти эди деб бирон-бир киши во қилмаса керак. Зеро, деҳқонлар сталинизм шароитида энг катта талафот кўрдилар, а бўлади.

Сталин ҳокимияти ўзининг социал-синфий табиатига кўра партия-давлат бюрократияҳокимияти бўлганлигини тан олиш энг тўғри бўлса керак.

«Истина против клеветы».— «Правда», 19.08.1988.

Қаралсин: В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами 38-том, 201-бет.

Гап И. Сталин ва унинг теварагидаги кишилар маъмурий-бошқарув аппаратига таяни кадам-бақадам ишчилар синфини четлаштира бориб, мамлакатда сиёсий ҳокимиятни зў равонлик билан эгаллаб олганликлари хақида борганда, бу, равшанки, муайян маррада (бу маррани ҳали аниклаб олмоқ лозим бўлади) эътиборан ишчилар синфининг туб ман фаатлари эмас, балки энг аввало моҳиятини И. Сталин ва унинг теварагидаги кишилар ифо далаган партия-давлат бюрократиясининг манфаатлари совет жамиятида мавжуд бўлга сиёсий ҳокимиятнинг диккат марказида бўлди деган маънони билдиради.

Бундай орқага қайтишни кўриб чикқанда, биринчидан, унинг аста-секин ва сезилмай диган даражада кечганлигини, у Сталиннинг ленинизмга ва ишчилар синфига содикли ҳакидаги қасамлари билан никобланганлигини ҳисобга олмок лозим. У бир депсиниб амал га оширилмади, балки давлат функцияларининг, кейинчалик бошка мазмун билан тўлдири ниятида ишчилар синфи, меҳнаткашлар манфаатларидан тобора бегоналаштирилиб, улар га нисбатан мустакил характер бахш этган сайин амалга оширила борди. Қандай бошка ча мазмун? Давлат органлари партия-давлат бюрократиясининг ва унинг Сталинга як юкори катламининг тазйиқига тобора кўпрок дучор бўла бордиларки, бу бюрократия ва юкори катлам Совет ҳокимиятининг, унинг давлат органларининг ёрдамида тобора қатъия билан ўз манфаатларини рўёбга чиқара бордилар.

Шу боисдан Сталин ва унга энг якин кишилар сиёсий ҳокимиятининг Советлар доира сида карор топган сиёсий ҳокимияти революцион синф ҳокимиятини рўёбга чикаришн баъзан учраб турадиган формаси сифатида асло шахсий ҳокимият режими эмас эди, бал И. Сталин шахсий ҳокимиятининг, унинг мустабид ҳокимиятининг демократик безак билан бирозгина хаспўшланган реакцион режим сифатида майдонга чикдики, бу ҳокими ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг эмас, балки аввало партия-давлат бюрократиясин туб манфаатларини ифодалади ва амалга оширди. Қарор топган Сталиннинг ижтимо сиёсий системаси ёш К. Маркс ёзган «бешафқат давлат»нинг нақ ўзгинаси эди. Айни ч да унинг ўзи совет бюрократларининг — мақтанчоқ ва саводсиз, ўзига бино қўйган ҳау тобора малакаю билимсиз бўлиб борган, халқ билан ҳисоблашишни истамайдиган, кўпинч «доҳий» обрў-эътибори олдида малайларча тилёғламалик қилишдан бошка хеч нарса бўлмаган кишиларнинг ўзига хос бир инкубаторига, қайта пайдо қилиб турувчисига ай ланди. Ўз навбатида, И. Сталиннинг ўзи бюрократия манфаатларининг идеал лидери в ифодачиси эди: у социализм назариясини сийқалаштириб, уни ўз савиясига ва ўз малай лари ва хизматкорлари савиясига мослаштириб, жамоат ишларини бошқаришни омма ар лашувининг ҳар қандай формаларидан «тозалади», ўзининг содиқ дастёрлари учун, улар нинг жамоат ишларига «дирижёрлик қилишлари» ва унга ҳамду сано ўкишлари уч фавкулодда кулай шароит яратиб берди[11].

Иккинчидан, синфий ҳукмронликни зўравонлик билан тортиб олиш жараёни ава минган пайтда, И. Сталин ва унинг теварагидаги кишилар ишчилар синфини, меҳнатк ларни сиёсий ҳокимиятдан узил-кесил четлаштирган пайтда сталинчилар халқ номидан с лайвердилар, гарчанд амалда айнан ана шу социал-синфий гуруҳ манфаатларининг бе сита ифодачиси ва ҳомийларига айланган бўлсаларда, ленинизмга содикликлари ҳак тинимсиз гапиравердилар. Гап партия-давлат бюрократияси ҳакида борганда нима ва н назарда тутилаётганлиги ҳақида тушунмовчиликлар келиб чикмаслиги учун узил-кеси ва ҳамишаликка келишиб олмоқ зарур. Бу термин билан, социализм ғанимлари даъво кил ётганларидек, асло бутун партия ва давлат раҳбарияти ифодаланмайди. Бу партия, дав ва хўжалик ходимларининг меҳнаткашлардан узилиб қолган муайян корпоратив катлам дир. Булар раҳбарлик қилиш ва бошкариш билан ижтимоий тараккиётни тезлаштириш иборат социал вазифаларига қарамай, ўз мавкеи, ҳокимиятидан ғаразли манфаатни к лаб фойдаланадиган ва бу билан ижтимоий тараккиётни тормозлаб, унга тўскинлик ки диган кишилардир.

Албатта, бутун партия-давлат бюрократияси аппаратга тааллуклидир. Аммо парт давлат аппаратида ҳамма хизматчилар ҳам асло партия-давлат бюрократлари эмас, ч бюрократияга мансублик, В. И. Ленин бир неча бор таъкидлаганидек, функцияларн

---

[11] Шу боисдан С. Андреевнинг Сталин репрессияларини ҳукуматнинг бошқарув аппарати рократизмига карши кураши сифатида изоҳлаб, И. Сталинни ва унинг ҳукуматдаги якин кишил бюрократиядан ажратишга уринишига сира ҳам кўшилиб бўлмайди (каралсин: Андреев С. чины и следствия» — «Урал», 1988, № 1). Дискуссия иштирокчиларидан бири ана шу «деярли та ловчи» изоҳни танкид килар экан, хакли равишда мана бундай деб ёзди: «... Ахир бюрократлар ре рессиялардан жафо кўрдиларми? Бу фожиа худди уруш каби деярли ҳар бир совет оиласига да ди. Истаган кишингиздан сўранг, ҳар бири репрессиялардан жафо кўрган ўз якин ёки узок карин ёхуд ҳеч бўлмаса таниш одами хакида сўзлаб беради, бу оғир исканжага биринчи бўлиб ким ту деб сўранг? Худди «махмаданагарчилик килган», мустакил фикрлаш ва ҳал этишга журъат этган тар-истамас Маъмурий Системадан норозилигини изҳор қилишга журъат этган кишилар, яъни бю ратик (маъмурий) системага мос бўлмаган кишилар тушиб колган. Иккинчи навбатда бу искан конунсизликни содир этган кишилар ва, нихоят, ана шу конунчиликнинг шунчаки шоҳиди бўлган к лар тушиб колганлар» «Урал», 1988. № 10. с. 137).

жаришга қараганда кўпроқ оммага ва жамиятдаги реал аҳволга муносабат билан белгиланади. У лавозимли шахсларнинг «бюрократларга, яъни оммадан ажралган, омманинг тепасида турадиган имтиёзли шахсларга айланиши» хавфини пайқаган эди. «Бюрократизмнинг моҳияти ана шунда...»[12]. Кечаги ҳалол хизматчи ёки партия ходими оммадан ажралиб, умум ишига хизмат қилмай қўйиб ва имтиёзларни, шахсий ниятларини, мансабпарастлик манфаатларини асосий нарса деб билиб ёки шундоққина ишёкмасликка берилиб, бюрократга айланади, баъзан ҳатто бундай ўзгаришни англамай ҳам қолади. Ичкилик ичадиган ишчи ҳар куни заводга келсада, лекин брак маҳсулот ишлаб чиқариб, энди ишчи бўлмай қолганлигини, синфсизлашган хавфли элементга айланганлигини билмай қолиши каби хизматчи ҳам реал ишга хизмат қилмай қўйиб, социал хавфли бюрократга дарҳол ва бирдан айланиб қолмайди ва кўпинча умрининг охиригача ҳам айниб кетганини англамайди.

Партия-давлат бюрократияси — бу социал группа бўлиб, унинг ҳозирги дунёда тарихан ўсиб ва юксалиб боришига сабаб талайгина даражада ижтимоий тараққиётдаги онглиликнинг роли кучайганлиги билан, айни чоқда меҳнат тақсимоти туфайли ушбу социал группа алоқадор бўлган бошқарув функцияларининг аҳамияти ўсганлиги билан боғлиқдир.

Классик марксизмда социализм учун принципиал муҳим бўлган бу масала ишлаб чиқилмаган эди. К. Маркс ҳам, Ф. Энгельс ҳам, В. И. Ленин ҳам қарор топиши ва ривожланиши *онгли тарзда* амалга ошириладиган тарихан биринчи жамият бўлмиш социалистик жамиятда ана шу бошқарувчи социал группанинг аҳамияти айниқса катта эканлиги ҳақида ёзмаган эдилар. Бюрократиянинг ўзига келганда, умуман унинг мустақил роли инкор этилгарди, бюрократия «ўзининг ҳокимиятига жуда интилсада» ҳукмрон синфнинг қуроли бўлиб қолаверади [13], деб ҳисобланар эди. Онгли тарзда барпо этиладиган ва ривожланадиган жамиятда ҳам бу гап ҳақлигича қоладими? Чамаси, шу нарса ҳар ҳолда равшанки, унда ана шу бошқарувчи социал группанинг фақат гуркираб ва асоссиз тарзда ўсиши, бошқа ҳеч қандай жамият билан киёслаб бўлмайдиган ўсиши хавфигина эмас, ана шу социал группа томонидан синфий ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олиш, ишчилар синфини, меҳнаткашларни сиёсий ҳокимиятдан четлаштириш хавфи ҳам ғоят каттадир.

Бюрократия янги синф эмасми? деган савол айнан социалистик дунёда ҳамон муҳокама қилиниб келинаётганлиги тасодифий эмас.

Маълумки, ушбу проблема Совет Иттифоқида ҳам фаол муҳокама қилинмоқда. Мен «Урал» журнали саҳифаларида баён этилган мулоҳазаларни энг қизиқарли мулоҳазалар деб биламан. 1988 йил бошидаёқ С. Андреевнинг «Сабаблар ва оқибатлар» мақоласида социализмда янги эксплуататор синф — бюрократия юзага келиши ҳақидаги гипотеза илгари сурилган эди.[14] Журнал шу билан кифояланиб қолмай, муаммони муҳокама қилиш доирасида жавоб-мақолаларнинг бутун бир сериясини берди: Л. Бреднева «Так пойдем дальше!», Б. Урванцев «Как выйти из тупика?», Ю. Зыков ва А. Кашин «Шаг к социализму», В. Молчанов «Классовый подход — не навешивание ярлыков!», С. Гончаров «Есть за что бороться»[15].

Л. Бредневанинг вазминлик билан ёзилган ақлли мақоласида бюрократияни социалистик жамият синфи сифатида тан олишнинг асослаб берилиши учун айниқса ишонарли далиллар келтирилганки, муаллиф марксча-ленинча методологияга таяниб, С. Андреевнинг ишлаб чиқариш воситаларига муносабат синфий-ташкил этувчи аломат бўлмай қолди деган даъвоси учун ҳақли равишда танқид қилади. Л. Бреднева ўз позициясини ҳимоя қилиб ёзадики, СССРда, социалистик мамлакатларда «бошқарув давлат аппарати бирдан-бир якка ҳокимга, бинобарин, давлат мулкининг амалдаги эгасига айланди. Аппарат ҳатто юридик жиҳатдан ўз инструкциялари, буйруқлари, қоидаларида, яъни корхоналар учун ягона-бир дастуриламал (лекин асло Конституция эмас) бўлган «кичик қонунлар»да якка бўлган ўз ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйди. Ва, шундай қилиб, бюрократия, яъни давлат бошқарув аппаратининг ходимлари ишлаб чиқариш воситаларига реал эгалик қилувчи синфга айланди, шаҳар ва қишлоқдаги моддий ва маънавий неъматларни бевосита ишлаб чиқувчиларнинг ҳаммаси эса мулкдан реал тарзда бегоналаштирилган синфга айланди»[16].

Бунда ана шу мазмунли дискуссиянинг ҳамма томонларини кўриб чиқиш учун имконият ва ҳожат ҳам йўқ, у ёки бу конкрет масалалар бўйича ўз мулоҳазаларимизни айтиб ўтири-

---

[12] В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 33-том, 134-бет.

[13] Қаралсин: Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., т. 8, с. 206. Лекин Ф. Энгельс «бошқарув учун синф — бюрократияга топшириб қўйиладиган» вазиятни ҳам қайд қилган эди (Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., т. 4. с. 47).

[14] Андреев С. Причины и следствия.— «Урал», 1988, № 1.

[15] Қаралсин: Обсуждаем статью Сергея Андреева «Причины и следствия» («Урал», 1988. № 1). — «Урал», 1988, № 10, с. 135—154.

[16] Бреднева Л. Так пойдем дальше! — «Урал», 1988, № 10, с. 139.

шимизнинг ҳам лозими йўқ. Аммо, бутун дискуссияга келганда, «Социалистик мамла-катларда партия-давлат бюрократияси синфми ёки синф эмасми?» деган муаммони муҳо-кама қилиш марксизмга зид эмас. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун Ф. Энгельс синфлар юзага келишининг икки йўли ҳақида гапирар экан, қандай қилиб уларнинг бирини айна умумий функцияларни амалга ошириш билан боғлаганлигини, бу айрим шахслар қўлида жамланиб, жамиятдан алоҳида бўлиб олиб, мазкур функцияларни меросга айлантирга-лигини ва шу йўл билан ҳукмрон группаларни уларга бўйсунувчи халқ оммасига қарама қарши қўйилишига олиб келганлигини айтганлигини эслаб ўтиш кифоядир. «Бу ўринда, — деб ёзган эди Ф. Энгельс, — қандай қилиб жамиятга нисбатан ана шу ўсиб борган ижти-моий функциялар мустақиллиги вақти келиб жамият устидан ҳукмронликка айланганлиги-ни аниқлаб ўтиришимизнинг; қандай қилиб дастлаб жамият хизматкори бўлганлар қулай шароитда аста-секин унинг устидан ҳукмронга айланганлигини; қандай қилиб мазкур жаноб, вазиятга қараб, гоҳ шарқ мустабида ёки ҳокими, гоҳ грек уруғ бошлиғи, гоҳ кельт клан оқсоқоли ва ҳоказо сифатида майдонга чиққанлигини; ана шу ўзгарганида у қай даражада пировард натижада зўравонликни татбиқ этганлиги ва қай тариқа, ниҳоят, ай-рим ҳукмрон шахслар ҳукмрон синф бўлиб жипслашганлигини аниқлаб ўтиришимизнинг ҳожати йўқ».[17].

Бу умумий изоҳлаш жуда муҳимдир. У хато фикрдан огоҳлантирадики, бу фикрга кўра Ф. Энгельс баён этган жараён ҳозирги кунга эмас, балки узоқ ўтмишгагина алоқадордир. Ана шу муаммо юзасидан кенг дискуссия, ўз хулосаларини чиқаришдан қўрқмайдиган дискуссия Сталин ҳокимиятининг социал-синфий табиати ҳақидаги масалани ҳал этишни ҳам анча енгиллаштиради деб ўйлашни истар эдик. Аммо ушбу дискуссия қай тариқа кеч-масин ва нима билан тугамасин, ижтимоий табақа ёки группа, агар улар синф *кучига* эга бўлиб олсалар, ҳатто агар ушбу группа ижтимоий ишлаб чиқариш системасида синфлар ўрни ва мавқеини олмаган тақдирда ҳам, *синфий функцияларга* эга бўлиб қолиши ҳақидаги марксча хулосанинг ҳақлиги ҳозирги кундаёқ кўриниб турибди.

Проблематикамизга қайтиб, шуни айтиш мумкинки, совет жамиятида (аммо фақат унда-гина эмас) мамлакатда ҳокимлик ва ҳукмронлик қилган партия-давлат бюрократияси мустабид Сталин ҳокимиятининг фақат социал таянчи, пойдевори бўлибгина қолмай, балки ўса ва кучая бориб, синф белгиларини касб этиб, шунингдек алоҳида социал-синфий ман-фаатларнинг ва муайян синфий функцияларнинг ҳомилига ҳам айландики, бу функциялар И. Сталин ва унинг яқин кишилари мустабид ҳокимияти ёрдамида рўёбга чиқарилиб турди. Айнан И. Сталин унинг социал идеалини шакллантирди ва уни ўз теварагидаги кишилар билан биргаликда рўёбга чиқарди. Бу идеалнинг моҳияти нимада?

Турли мамлакатларда реал социализм бюрократлашувининг ҳозирдаёқ тўпланган та-рихий тажрибаси қуйидаги хулосани чиқариш имконини беради: «Социалистик» бюрокра-тияда бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмурий системасига ҳамда шахсий ҳокимиятни сиёсий режимига, олий маъмурга, Доҳийга сиғинишга эга бўлган «казарма социализми»дан бошқа ҳозирча қандайдир бўлак социал идеал йўқ ва, чамаси, бўлиши ҳам мумкин эмас. Равшанки, бюрократиянинг ўзи ўз социал-иқтисодий идеалини ҳам, сиёсий идеалини ҳам тилга олмайди ва кўз-кўз қилмайди. Бу тушунарли албатта: зеро, социалистик мамлакат-ларда бюрократия ҳамиша ишчилар синфи, меҳнаткашлар манфаатларининг ҳомийси, унинг ишчилар синфининг социал идеали бўлмиш илмий социализмни рўёбга чиқарувчи ...-ган ниқоб остида яширинади.

Аммо ана шу мажбуран яширинишнинг жами зарур никобдир. Партия-давлат бюрок-ратияси манфаатларига тўла-тўкис жавоб берувчи унинг ҳақиқий идеали бошқа, чунки қадриятлари системасига (меҳнаткашлардан бегоналаштирилган давлат мулкига, шу-нингдек номенклатура принципи бўлган ва шахсий ҳукмронлик режимида бюрократиянинг фикри ва иродасини бир нуқтада, бошқарув пирамидасининг чўққисида — бир киши-доҳий ва ҳоказода йиғадиган ва жамлайдиган бошқарув маъмурий-буйруқбозлик системасига эга бўлган) партия-давлат бюрократияси фақат жамият барча гражданлари ҳаётлиги «казарма социализми» шароитида ўзининг максимал даражада гуллаб-яшнашини, мак-мал даражадаги сиёсий ва иқтисодий, шунингдек идеологик ҳукмронлигини — ўзининг ре танҳо ҳокимиятини таъминлайди. Шу боисдан шахсий ҳокимият режими, Сталин дес-тизми «казарма социализми» амал қилишининг тасодифий эмас, балки табиий ҳосиласи ва шарт-шароитидир. Партия-давлат бюрократиясининг ҳукмронлиги билан Сталин дес-тизми айнан бир сиёсий тузумнинг, бюрократия социал-синфий ҳукмронлигининг бирига зидлиги эмас, балки мазмуни ва формасидир.

И. Сталиннинг ўзи ўз бюрократик аппаратини етиштирди, унга таянди ва принцип ҳатдан ундан мамнун эди, чунки унинг шахсий мустабидлигининг пойдевори айнан шу эди.

«Бюрократик аппаратдан Сталин норози бўлсинми! — деб қайд этади Л. Брежнев

---

[17] Маркс К. и Энгельс Ф. Соч. т. 20, с. 184.

/ нимани хоҳласа худди шу нарсани олди: бошқарувнинг бюрократик иерархия системаи — шахсий ҳокимият режими учун идеал заминдир, ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари и бошқарувнинг ҳамма ришталари пировардида бир нуқтага келиб: бюрократик пирамида ўккисига, Доҳийга келиб боғланади. Бюрократизм формализмнинг, сансалорлик, қоғозозлик, идоравий тартибсизликнинг гуллаб-яшнашига олиб келганлиги эса, — бу, албатта, охуш бир нарса, лекин қонунийдир. Зеро, бу бюрократик системанинг башарасини кўрсаувчи асл белгилардир. Ривожланган бюрократик система бўлмаса, шахсий ҳокимият реими бўлиши мумкин эмас, бу системани эса, ўз навбатида, формализмсиз, сансалорликиз ва шу каби иллатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бордию Сталин ана шу диалектикани ушунган экан, ўйлайманки, у бюрократиядан унчалик ранжимас эди. Кўркишлари ва кўпж содиклик билан хизмат қилишлари учун ҳатто энг итоаткор ва содиқ бюрократларнинг ам, албатта, вақти-вақти билан адабини бериб туришарди. Аммо ҳар ҳолда репрессия раларининг асосий объекти улар эмас эди. Сталин ислоҳотлари ва репрессияларининг уни — бу айнан бюрократияни демократия устидан, аппаратнинг халқ устидан тўла ғаба қилиши бўлди.»[18]

Бизнинг казармадагидек аҳволимизнинг илдизлари бюрократиянинг халқ устидан дди ана шу ғалабасига бориб тақалади. Худди ана шунинг учун ҳам Совет Иттифоқида шлаб чиқилган ва кўп мамлакатларда бюрократия учун муваффақиятли тарзда синаб рилган «казарма социализми»нинг ана шу энг муҳим (маоизм билан бир қаторда) нарий ва амалий формаси бўлмиш сталинизм шу қадар яшовчандир. У ўз яратувчиси бўлш И. Сталиндан кейин ҳам анча кўп умр кўрмоқда, чунки унинг назарияси ва практикага муҳтож бўлган социал-синфий куч — партия-давлат бюрократияси ҳали ҳаёт.

Юқорида айтилган гаплар муносабати билан А. Ципконинг[19] «бизнинг казармадагидек волимиз»нинг илдизларини... Карл Марксдан, унинг докторинасидан излашга уриниши дмол бўлиб туюлади. Дудмоллик шундан иборатки, шу тариқа, биринчидан, бизнинг пария-давлат бюрократияси зўравонлигидан иборат казармадагидек аҳволимизнинг ҳақиқий л принциплари яширингандир, иккинчидан эса, бюрократияни ғазабга келтириб, «карма социализми»ни ғоят чуқур ва мазмунли танқид қилган назариянинг ижодчиси бўлш К. Маркс етарлича асосланган ҳолда танқид қилинмайди.

Ҳар ҳолда Сталиннинг мустабид ҳокимиятида «казарма социализми»нинг фақат сиёй идеалигина эмас, балки реал бонапартизм ҳам гавдаланган эди. Мустабид Сталин ҳокияти бонапартчилик ҳокимиятининг муайян белгиларини сақлаб қолиб, ўзини «барча нфларнинг нажоткори» қилиб кўрсатиб, совет тараққиётининг чинакам ташқи ва ички йинчиликлари хусусида ғоят усталик билан найрангбозлик қилди ва, уларни ниқоб қиб олиб, ҳамиша бюрократияга хизмат қилиб, индустриянинг тез ривожланишига бўлган иёжлари билан қишлоқ хўжалигини модернизациялаш муаммолари ўртасидаги, ўсиб аётган ишчилар синфи билан энг кўп сонли синф бўлмиш деҳқонлар манфаатлари ўридаги зиддиятларни рўкач қилди. Бироқ, Сталин ҳокимияти ўрталаридаги зиддиятлар узоқ вақт фойдаланиб келган бўлсада, ишчилар синфини ҳам, деҳқонларни ҳам шу ика биринчи даражага чиқариб қўймади. Бу симптоматикдир, албатта. Шундай бонатчи ҳокимият ҳам бўладики, у ғоят хилма-хил социал группалар зиддиятларидан фойланиб, пировард натижада бирон кишига ҳам наф келтирмайди ёки ҳамма учун тоқат иб бўлмайдиган нарсага айланади. Демагоглик билан ўзининг ишчи деҳқонлик характини эълон қилган, ишчига ҳам, деҳқонга ҳам хизмат қилишга қасам ичган, лекин аслида қат ушбу ҳокимият учун манфаатлари ҳамиша биринчи ўринда турган партия-давлат рократиясигагина мурувват кўрсатган Сталин ҳокимияти ҳам худди шундай бўлган эди.

Ҳар ҳолда, биз Сталиннинг синфий ҳукмронликни зўравонлик билан эгаллаб олгани ҳақида, «ҳокимиятнинг меҳнат аҳлидан бегоналаштирилганлиги» ҳақида гапирганида, бу Сталин деспотизмининг қарор топиши ва ривожланиши турли босқичларида наткаш синфларнинг Сталин деспотизмини ўз манфаатларининг қондирилиши деб маган, шунинг учун ҳам ана шу ҳокимиятнинг социал таянчига айланмаган кциялари бўлмаган деган гапни асло англатмайди (буйруқбозлик-маъмуриятик системасининг энг турли-туман социал группалардан: нафақат люмпенлардан, шугдек синфсизлашган деҳқонлар ва ишчилардан ҳам зарур кадрлар юборилиб турган қуйи қисмларини кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоя). Ақалли шуни кўрсатиб ўтиш кифояки, деҳқонларда паспорт бўлмаганлиги уларни ўз қишлоғига, колхози ва азоларга шундоққина занжирбанд қилиб қўйган эди. Ўша йиллардаги қишлоқ ги шароитларини ҳисобга олиб қишлоқда «иш кучини ёллаш» кўп кишилар учун дай «неъмат» келтирганлигини тушуниб олиш мумкин.

Ўша йиллар кўриб чиқилганда 20-йиллар бошида сўзнинг ўз маъносида Совет Росида фабрика-завод ишчилар синфи деярли бўлмаганлигини, 30-йиллар бошида ҳам арларда ишчилар билан бир қаторда оч ёлланма иш кучи — пролетарий-люмпенлар

Бреднева Л. Так пойдем дальше!, с. 137.
Қаралсин: Ципко А. Истоки сталинизма. — «Наука и жизнь», 1988, № 11, 12; 1989, № 1.

бўлганлигини ҳам ҳисобга олмаслик ярамайдики, бундай ишчи, К. Маркснинг фикрига кўра фақат ўз истеъмоли учунгина ишлайди ва шу боисдан ўз таърифига кўра пауперди. Ишчилар синфининг бундай фракциялари, агар улар яхши келажак учун курашда уюшмаслар, тирикчиликнинг минимум шароитини таъминлайдиган ҳар қандай кишига сотиладилар. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, бонапартизм, шахсий ҳокимият режими, илмий социализм асосчилари қайд этганларидек, фақат амалдорлар орасидагина эмас, балки ишчилар синфида ҳам ўзи учун социал таянч топишга қодир бўлиб, «сунъий пролетариат» деб аталувчи нарсани боқишга ва кўпайтириб боришга қодирдир. Бундай деганда Ф. Энгельс ўз паст малакаси сабабли ҳукуматга қарам бўлган ва шу боисдан фақат давлат иродаси билангина у тайинлайдиган ишларда фойдаланилиши мумкин бўлган пролетариатни тушунади.

Аммо шу нарса айникса салбий оқибатлар олиб келдики, Сталиннинг социализм концепциясида ўз ишлаб чиқариши ва ўз мамлакатининг реал хўжайини сифатида ишчига муносиб ўрин қолдирилмаган эди: ишчи амалда гражданнинг ҳақиқий функцияларидан озод этилган эди, аслида хўжайинлик ролидан бегоналаштирилган эди, лекин худди шундай сифатда — ўз мамлакатининг хўжайини сифатида у Сталин замонидаги қўшиқларда расмий равишда тараннум этиларди. Бу эса ишчиларнинг, бутун ишчилар синфининг онги учун ғоят ҳалокатли оқибатларга эга бўлди. Чунки, К. Маркс ҳисоблаганидек, ишчилар ўзларича — агар улар синф сифатида давлатга ва давлат орқали капиталга таъсир кўрсатмасалар — капиталнинг йиртқич чангалларидан ўзларининг жисмоний яшашлари учун зарур бўлган ҳатто бўш вақтни ҳам тортиб олишга қобил эмаслар. Аммо ишчиларнинг худди ана шу қобилияти Сталиннинг «Меҳнаткашлар номидан» иш кўрувчи ҳокимияти томонидан барбод этилди, чунки давлат берган арзимаган ҳақ эвазига ишчиларнинг иқтисодий ва демак, ҳар қандай бошқа кураши ман этилиб турди. Давлат бериб турган ҳар хил арзимас нарсалар қаттиқ очарчилик йилларида очдан ўлиб қолмаслик имкониятини ҳар ҳолда бериб турганлиги сабабли ишчилар синфининг муайян фракциялари бундан ҳам қаноат ҳосил қилиб турдилар. Шу тарика, қадам-бақадам ишчилар синфи бузилиб борди. Унинг ўз социал куч сифатида маъмуриятнинг, партия-давлат бюрократиясининг ўзбошимчалиги ихтиёрига ташлаб қўйилди, бу ҳам унинг янги жамиятдаёқ «ўзи учун синф»га айланишига тўсқинлик қилиб турди. Сталин мустабид ҳокимиятининг меҳнаткашларга, шу жумладан ишчилар синфига зиддиятли муносабати ана шундайдир.

Бироқ ана шу зиддиятлар ҳамда Сталин деспотизмининг сўзда ҳам, амалда ҳам ишчилар синфига таянишга уринишлари шароитида, аслини олганда, кўриб чиқилаётган ҳокимият ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг ҳокимияти бўлиш у ёқда турсин, балки уларнинг манфаатлари ва интилишларига батамом ёт эди ҳам. Шу боисдан И. Сталин ва унинг атрофидаги кишилар партия-давлат бюрократиясига тобора кўпроқ таянганликлари, ... синф ролини бўлмасада, Сталин деспотизмининг социал-синфий таянчи бўлиб хизмат қилувчи социал группа ролини бахш этганлиги тасодифий эмаски, Сталин деспотизми бошқарувнинг буйруқбозлик-маъмуриятчилик методларидан иборат ўз позицияларини, оммавий репрессияларни, жамиятда қўрқитиш ва алдаш ёрдамида сиёсий стабилликни сақлаб тутиб туриш имконини берувчи қонунсизлик ва демагогияни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш учун тобора кенг кўламда фойдаланди. Бунинг устига Сталин деспотизмининг ана шу бари жиҳатлари социализм қурилишини эълон қилувчи, аммо ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг зарур онгли мададига эга бўлмаган ҳокимиятининг тасодифий эмас, балки қонуниятли белгиларидир.

Сталин мустабид ҳокимиятининг механизмларини тушунмайдиган, И. Сталиннинг ... ҳокимлиги шароитида ҳам Совет ҳокимияти ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар социалистик ҳокимияти бўлиб қолган деб ҳамон ишонишни ҳоҳлайдиган кишилар, И. Сталин содир этилган қонунсизлик ва репрессиялардан бехабар бўлган, деган гапларини ҳали тўхтатмаяптилар. Улар айнан олий ҳокимиятнинг ўзи қонунсизликни ташкил қилганлиги ва содир этганлигига, онгли равишда халқни бўғганлигига, миллионлаб айбсиз граждан... ларни жазолаганлигига ишонишни истамайдилар. Лекин, ҳамма нарса айнан шундай бўлган эди. Репрессияларга доир материалларни қўшимча равишда ўрганиш бўйича Сиёсий бюро комиссиясининг ҳисоботида бундай деб қайд этилган эди: «Ҳозирги комиссиянинг сифат жиҳатдан фарқини, чамаси, репрессияларни, бошқа салбий ҳолатларни ташкил этишда асосий айбдор сифатида Сталин ролига берилган баҳоларни аниқлашдан иборат деб ҳам билмоқ керак. Партия XX съезди қарорлари жуда катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай, шуни айтмоқ лозимки, уларда шахсга сиғинишга берилган баҳо асосан ... кишининг фаолиятидан иборат қилиб қўйилган. Социалистик қонунчилик бузилгани учун бутун жавобгарлик ҳам унга юклатилган.

М. С. Горбачевнинг 1987 йил 2 ноябрдаги докладида фақат Сталиннинг эмас, балки унинг теварагидаги кишиларнинг ҳам жавобгарлиги ҳақидаги, Сталин ва ўша вақтдаги раҳбарият аъзолари содир қилган жиноятларга имкон яратиб берган шахсий ҳокимият режимига баҳо бериш ҳақидаги масала биринчи марта қўйилди»[20].

[20] Қаралсин: «Правда», 19. 08. 1988.

Қандайдир ижрочилар, иш бошқарувчилар эмас, балки айнан И. Сталиннинг ўзи ўзининг ҳукмронлигини тутиб туриш, ҳақиқий ва хаёлий рақибларни бартараф этиш учунгина ўзининг танҳо мустабид шахсий ҳокимиятини барқарор этиб, совет тарихининг фожеали саҳифаларини тўлдириб-тошириб юборган ўша қонунсизликлар ва оммавий репрессияларни содир этди. Нафақат номус ва виждондан маҳрум бўлган, балки ғоят бешафқат, ҳамдардлик туйғусидан маҳрум И. Сталин совет жамиятининг асл кишилари қирғинини ташкил этган қонхўр жиноятчи сифатидагина эмас, балки ўзи уюштирган разолат ва бешафқатсизликларни «назарий» асосламоққа интилган марксизмни сохталаштирувчи киши сифатида ҳам иш тутди.

Шу муносабат билан иккита далил келтирмоқчиман.

Биринчиси репрессиялардаги изчилликнинг ролини Сталин қандай тушунганлигига тааллуқли. И. Сталин С. Эйзенштейн ва Н. Черкасов билан «Иван Грозний» фильмининг иккинчи сериясини муҳокама қилар экан, бундай деган эди: «У бешафқат бўлганлигини кўрсатиш мумкин. Аммо *нима учун бешафқат бўлиш кераклигини* кўрсатиш лозим. Иван Грознийнинг хатоларидан бири шундаки, у бешта йирик феодал хонадонини охиригача қириб ташламади. Бордию, у ана шу бешта хонадонни йўқ қилиб юборганида эди, нотинч замонлар бўлмаган бўлур эди. Иван Грозний эса бирон бир кишини қатл қилардию, кейин узоқ пушаймон бўлиб, ибодат қиларди. Худо бу ишда унга халал берарди. Бунада қаттиққўлроқ бўлиш лозим эди»[21]. Бу ўринда «қириб ташланмаган» бешта хонадонни ўйлаб топган Сталиннинг саводсизлиги эмас, ҳокимият учун курашда ўта аёвсиз, тўғридан-тўғри бешафқат чоралар зарурлигига бўлган унинг ички эътиқоди, унинг мулоҳазаларининг умумий йўналиши муҳимдир.

Иккинчи далил мамлакатимиздаги қонунсизликнинг асосий илҳомчиси И. Сталин бўлганини кўрсатиб беради. 20-йиллар охирида дон тайёрлаш борасида қийинчиликлар юзага келди, чунки деҳқонлар ғалла эвазига зарур саноат товарларини олмагач, ғаллани бермай қўйдилар. И. Сталин деҳқоннинг зарур бўлган ғалласини (ялпи коллективлаштиришдан аввалоқ) тортиб олиш йўлларини излаб, иккита «тушунтириш» беради: биринчидан, РСФСР Жиноят кодекси 107-моддасининг моҳиятидан қатъий назар, ғалласини бермаётган деҳқонларга нисбатан уни татбиқ этишни талаб қилади ва, иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, суд ва терговг ходимлари, қонуннинг руҳи ва ҳарфига риоя қилиб, ҳуқуқнинг бу хилда бузилишига журъат этмай, ғаллани яшириб қўйган кишиларга нисбатан ушбу моддани (дон олибсотиш ҳақидаги) татбиқ қилмаганликлари сабабли И. Сталин қонуннинг бундай посбонларини жавобгарликка тортишни, «ишдан ҳайдаш»ни талаб қилади. Бундай хатти-ҳаракатларни Г. И. Шмелев мана бундай тарзда тасвирлайди: «1928 йил январида Сибирда дон тайёрлаш ҳақида гапирар экан, у (И. Сталин. — **А. Б.**) қулоқлардан барча ортиқча ғаллани давлат нархида дарҳол топширишни талаб қилишни, бундан бош тортган чоқда уларни РСФСР Жиноят кодексининг 107-моддасига (олиб-сотарлик учун жазоланишни кўзда тутувчи моддасига) биноан ортиқча ғаллаларини давлат фойдасига мусодара қилган ҳолда суд жавобгарлигига тортишни таклиф қилди. Бордию, прокурор ва суд маъмурлари ушбу буйруқни бажармасалар, уларни эгаллаб турган лавозимларидан ҳайдаш мумкин: Нима сабабдан бундай жаноблар ҳанузгача тозаланилмаганлиги ва бошқа, ҳалол ходимлар билан алмаштирилмаганлиги... тушунарли эмас»[22]. Сталин Сибирнинг партия-хўжалик активига мана бундай деб ўқтирди: «Сизлар қулоқларга нисбатан 107-моддани қўлланиш фавқулодда чора, бу қишлоқдаги аҳволни ёмонлаштиради, деяпсизлар... Хўш, унда нима сабабдан 107-моддани қўлланиш бошқа ўлкалар ва областларда жуда ажойиб натижалар берди..., сизларда, Сибирда эса бу гўё ёмон натижалар бериши ва аҳволни оғирлаштириши мумкин эмиш?»[23]. Бошқача қилиб айтганда, И. Сталин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимини икки шартдан бирини танлаб олишга мажбур этди. Ё сиз ҳуқуқнинг бузилишига қўл қўясиз — ғаллани бермаётган кишиларни жазолайсиз, олиб-сотарлик ҳақидаги моддага биноан жазолайсиз, унда сизнинг ўзингизга ҳеч нима бўлмайди, ёки сиз ўз юридик обрў-эътиборингизни мусаффо сақлаб қоласиз, унда сизнинг ўзингизни ана шунинг учун жазолашади. Бу бутун давлат микёсида қандай ҳалокатга олиб келганлигини тасаввур қилиш мумкин! Бошланиб кетган «қонунчилар»ни «овлаш» бутун иттифоқда қонунсизликнинг авж олишига айланди.

Ана шу тарзда ташкил этилган қонунсизлик ва оммавий жазолашлар И. Сталин ва унинг мустабид ҳокимияти учун батамом муайян маънога эга эди. Биринчидан, бу ҳол Сталиннинг адашиши ёки хавфли хатоси эмас асло, балки унинг онгли сиёсатининг оқибати эди. Чунки, бу сиёсат Ленин гвардиясини, ўз эътиқодига кўра Сталин деспотизмини сира қабул қила олмаган барча кишиларни қириб ташлашга қаратилган эди. Иккинчидан, оммавий жазолашлар фақат Сталин сиёсий системасининггина эмас, балки бутун Сталин социализ-

[21] «Московские новости», 7. 08. 1988.
[22] Ш м е л е в Г. И. Не сметь командовать! — «Октябрь», 1988, № 2, с. 14.
[23] Ўша жойда.

мининг ҳам муҳим элементи бўлиб, асло тасодифий эмас эди: меҳнатга бўлган стимулга путур етказилган жамиятда оммавий жазолашлар қувватлаб турган нақ жазоланишдан қўрқиш социализм йўлида қурбон беришларга ишонувчи омманинг ҳали йўқолиб кетмаган ғайрат-ташаббуси билан бир қаторда сиёсий системанинг муваффақиятли ишлаши учун жуда муҳим шарт-шароит эди.

3. Сталин ҳукмронлигининг баъзи бир оқибатлари

Сталин ҳукмронлигининг оқибатлари мавзуи ижтимоий ҳаётнинг моддий асосларидан тортиб то кишиларнинг онгига қадар жуда кўп масалалар мажмуини қамраб олади, чунки И. Сталин мустабид ҳокимиятининг салбий таъсири турлича ва кўп қиррали эди.

Ахир Сталин ҳокимияти қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни ва кулокларни синф сифатида тугатишни амалга оширмадими, мамлакатни индустрияллаштириш ва янги тузумнинг моддий-техника базасини яратиш унинг хизмати эмасми, ахир у маданий революцияни амалга оширмадими ва совет зиёлиларини вужудга келтирмадими? — деб эътироз билдириш мумкин, албатта. Ҳа, буларнинг ҳаммаси тўғри, аммо ана шуларнинг бари ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида қилинмадими, ахир ана шуларнинг бари мамлакатимизда социалистик қурилиш хусусида Ленин васиятининг моҳиятини ташкил этмайдими?

Йўқ, буларнинг бари ишчилар синфининг туб манфаатларига мос эмас эди ва қилинган нарсалар асло Ленин васиятининг моҳиятини ташкил этмас эди. Гап шундаки, сталинча коллективлаштириш ленинча кооператив пландан худди ер билан осмонча фарқ қилар эди. Сталинчасига кулоқ қилишлар, яъни кулоқларни ялписига (ва ўрта ҳол деҳқонларнинг бир қисмини ҳам экспроприация қилиш, айниқса унинг индивидуал хўжалигини барбод этиш) ҳеч қачон Ленин васиятида бўлган эмас. Ўрта ҳоллар ҳақида гапирмаганда ҳам, В. И. Ленин социалистик сиёсат сифатида кулоқларни экспроприация қилишни рад этган. Уларни жисмонан қириб ташлашга эса у ҳеч қачон рози бўлмаган бўлур эди. Ҳақиқатан ҳам мамлакатни индустрияллаштириш учун курашиб, В. И. Ленин буни деҳқонлар манфаатлари ҳисобидан амалга оширишга, айниқса миллионлаб деҳқонлар ҳаётига зомин бўлган қишлоқ меҳнатчисидан ғаллани бу хилда тортиб олишнинг воситаси бўлиб хизмат қилишига аввалбошданоқ қарши чиққан эди.

Сталин сиёсатига бундай якунловчи баҳо беришга рози бўлмай, яна мана бундай дейиш мумкин: Ҳа, ана шу воқеаларнинг ҳаммаси содир бўлган, аммо пировард натижада, мисли кўрилмаган оғир талофотлар халқнинг мислсиз қурбонлари, фожеалари ва қон тўкишлари эвазига бўлса ҳам, ҳар ҳолда Совет Иттифоқида социалистик жамият барпо этилди.

Социализмни гўё ҳар қандай қурбонлар бериб бўлсада, қуриш мумкин, ният яхши бўлса, унга эришиладиган воситаларнинг ҳаммаси ҳам яхши бўлаверади, ният билан унга эришиш воситалари ўртасида узвий алоқа йўқ, деб ўйлашдан кўра чуқурроқ хато йўқ. Бу ўринда иккита умумметодологик мулоҳазани назарда тутмоқ лозим.

Биринчиси, тарих жараёнида эришиладиган у ёки бу *натижанинг қанчалик қимматга тушишига* тааллуқлидир. Ният билан унга эришиш воситаларининг ўзаро алоқадорлиги устида ўйлаб ўтирмайдиган сийқа онг енгилтаклик билан: «Ҳар қандай воситалар билан эришилсин!», «Ҳар қандай қурбонлар бериб эришилсин» дейверади.

Бироқ, ўзига хос ўзаро муносабатларнинг бутун комплексида олинган реал ҳаётда реал чегара, реал меъёр борки, уни бузиш тарихий жараён моҳиятининг ўзини ўзгартириб юборади. Масалан, ҳозирги замон шароитида ҳар қандай қурбонлар бериб ва ҳар қандай воситалар билан — шу жумладан жаҳон термоядро низоси воситаси билан — капитализм устидан ғалаба қилишга эришиш тарихий жараён моҳиятининг ўзини ўзгартириб юбориш демакдир: социализмнинг капитализмга қарши кураши ушбу ҳолда цивилизацияни ҳалок қилишга, инсониятнинг ҳалок бўлишига айланади. Натижанинг бунчалик қимматга тушиши — ғалабанинг бунчалик қимматга тушиши мутлақо номақбул бўлса керак: бунда ўз зиддиятлари билан биргаликда илгариги жараён ғойиб бўлади ва унинг ўрнига бутунлай бошқа, энди мутлақо ўзгача ўз проблемаларига эга жараён келади.

Худди шунингдек, *ҳар қанча қурбонлар бериб бўлсада,* ҳар қандай воситалар билан, жумладан социализм принципларининг ўзини, унинг инсоний қиёфасини, унга хос гуманизмни йўқ қилиб юборадиган воситалар билан *социализм қуриб бўлмайди.* Агар совет жамиятининг омон қолиши учун ялпи коллективлаштиришдан (кулоқ қилишлар ва деҳқонларга нисбатан зўрлик ишлатишлар билан бирга) ва тез индустрияллаштиришдан (қишлоқ хўжалиги ҳисобидан ва репрессиялар, зўравонликлар ва қўрқитувларни ишлатган ҳолда) бошқа илож бўлмаган экан, социализм принципларини сақлаб қоладиган бошқа илож бўлмаган экан, шу бор гапни айтиш-қўйиш керак; лекин бундай чоралар кўрилганда ҳам совет жамиятининг омон қолиши имкониятининг ўзи анча камайган эди. Бошқача сўзлар билан айтганда, кутилган натижанинг, социализм қуришнинг бундай қимматга тушиши

мутлақо мақбул эмас: унда илгариги жараён — ўз қарама-қаршиликлари билан (ким — кимни?) социализм қурилиши — ғойиб бўлади ва унинг ўрнига бутунлай бошқа жараён — совет жамиятининг ўша пайтдаги шаклида омон қолиши келади. Булар эса бир-биридан фарқ қилади.

Иккинчи методологик масала тарихий тараққиёт давомида ҳал қилинадиган вазифаларнинг *характерига* тааллуқлидир. Юқорида айтилган гаплардан шу маъно чиқадики, кечаётган жараённинг унинг ривожининг объектив шарт-шароитларига тамомила боғлиқ бўлган характери ҳақидаги масала ана шу вазифаларни ҳал қилиш учун танлаб олинган воситалар таъсири остида ўзгариши мумкин эмас, деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди.

Бунинг устига-устак, ривожланиш характерининг уни амалга оширишнинг танлаб олинган воситалари туфайли бундай ўзгариши батамом реалдир. Жамиятнинг ўзи тарихий ўзгариш палласида бўлган — унинг ривожланишининг бир сифат босқичи ҳали тугалланмаган, лекин янгиси бошланиб кетган жойда ва пайтда бу айникса тез-тез учраб туради. Бошқача қилиб айтганда, ривожланишининг муайян социал-иқтисодий типи (масалан, қишлоқда капитализм ривожининг пруссияча ёки Америкача йўли) доирасида ривожланишнинг вариантларигина мумкин бўлиб қолмай, балки шунингдек ривожланиш социал-иқтисодий типларининг ўзининг (бундан буёнги капиталистик тараққиёт ёки, 1917 йилда Россияда бўлганидек, социализмга ўтиш бошланиши мумкин бўлган) альтернативалари ҳам бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Худди ана шундай ҳолларда кўпинча типи жиҳатдан турлича бўлган вазифаларнинг аралашиб кетиши, уларни ҳал этиш учун мос бўлмаган воситаларнинг танлаб олиниши эса ижтимоий тараққиёт характерининг ўзини ўзгартириб юбориши имконияти юзага келди.

Агар ана шу позициялардан туриб 30-йилларда Совет Иттифоқида содир бўлган воқеаларга баҳо бериладиган бўлса, қуйидагиларни айтишга тўғри келади. И. Сталин, В. И. Лениннинг тушунтиришларига қарамай[24], Совет Россиясини иқтисодий ривожлантириш, келгусида «социализмни жорий этиш» (нэп ҳам ана шунга қаратилган эди) учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги бевосита вазифаларни социализмга ўтишнинг ўзи билан аралаштириб юборди. И. Сталин хилма-хил проблемаларнинг ҳал қилиб бўлмайдиган комплексига дуч келиб, иззатталаб мақсадларига эришиш учун ўта бешафқат, баъзан фавқулодда оғир чораларни, социализм принципларига мутлақо сиғишмайдиган, шунинг учун ҳам чинакам социализмга олиб кела олмайдиган чора ва усулларни қўллана бошлади.

Бундай ривожланишнинг оқибати шу бўлдики, 30-йиллар охирига келиб Совет Иттифоқида партия-давлат бюрократияси ҳукмронлик қилган, ошкоралик бўлмаган, оммавий репрессиялар қилинган ва инсон қўрқув остида бўлган сталинча давлат-маъмурий социализм, марксизмнинг «казарма социализми» ҳақидаги ҳақли тасаввурига мос бўлган социализм асосан қурилди.

---

[24] Қаралсин: В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 423—427-бетлар.

О. ПЛОТНИКОВА

ХИТОЙ: МАМЛАКАТ РИВОЖИДАГИ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачев 1989 йил май ойида Хитой Халк Республикасига килган расмий визити хар иккала мамлакат учун, хозирги халкаро вазиятдаги ижобий тенденцияларни янада мустахкамлаш учун мухим бурилиш ахамиятига эга булди. Бу совет-хитой муносабатлари бутун тарихи мобайнида олий даражадаги учинчи ва кейинги 30 йил ичидаги биринчи учрашувдир. Ушбу муносабатларнинг нормаллашуви — шубхасиз, ижобий жараёндир.

Бундай харакат Хитой Коммунистик партиясининг XIII съездидан кейин бошланди. Эндиликда сиёсий мунозаралар тўхтовсиз давом этмокда. Даставвал ташки ишлар министрлари бир-бирларининг мамлакатларига расмий визит билан бордилар, чегара масалалари бўйича консультациялар ва музакоралар бўлиб ўтмокда, экономика сохасидаги хамкорлик сохалари кенгаймокда, регионлар ва шахарлар, муассасалар ва корхоналар ўртасидаги бевосита алокалар йўлга кўйилмокда. СССР ва ХХР да сиёсий ва социал-иктисодий сохаларда рўй бераётган ўзгаришлар хам бунга ёрдам беряпти.

Хитойдаги замонавий тенденциялар унинг ички ва ташки сиёсатида жиддий эволюция рўй берганлигини кўрсатмокда, бунга эса 70-йилларнинг иккинчи ярмида маоча авантюристик «маданий революция» йўлидан социалистик модернизация йўлига бурилиш ёрдам берди. Мао Цзэдун хаётлигидаёк ХКПнинг айрим рахбарлари партиянинг бутун сиёсатида жиддий ўзгариш ясаш зарурлигини тушуна бошлаган эдилар. Лекин бу «буюк йўлбошчи ғоялари ва кўрсатмаларига» биноан мамлакатни бундан буён ривожлантириш мумкин эмаслигини англай бошлаш эди, холос. Хитой вокелигининг ўзи «катта сакраш» ва «маданий революция» концепцияларининг пучлигидан далолат берар, капитализмдан социализмга ўтиш муддатларини сунъий йўл билан кискартириш асоссиз эканлигини тўла-тўкис исботлаб турарди. Бундан ташкари маочи рахбарлар синфий кураш — социалистик жамиятнинг «бош карама-каршилиги»дир деган мао «кўрсатмалари»га хали хам амал килибгина колмай, хитой жамиятида антисовет кайфиятларни авж олдирдилар, бу билан халкни социализм мамлакатлари ва биринчи навбатда Совет Иттифокининг сиёсий ва иктисодий мададидан фойдаланиш имкониятидан махрум килдилар.

Мао Цзэдун вафоти ХХРда ички сиёсий вазиятни кескинлаштирди: давлатнинг бундан буёнги йўлини белгилаш теварагида кураш кизиб кетди. «Тўртлар тўдаси» бартараф этилганидан кейин 1976—1986 йиллар Хитой рахбарларининг юкори поғонасида мамлакат «маоча йўлдан» ривожлана олмаслигини англаганлар (Дэн Сяопин группаси) билан «Мао ғоялари»ни хамон мукаддас хакикат деб билганлар (Хуа Гофэн группаси) ўртасидаги келишмовчилик хатарли тус олди.

ПЛОТНИКОВА Ольга Васильевна, тарих фанлари кандидати, Тошкент олий партия мактаби жахон революцион процесси ва КПСС ташки сиёсий стратегияси кафедрасининг катта ўкитувчиси.

Хуа Гофэн ва унинг маслакдошлари Мао ҳаётлиги вақтида ўтказиб келинган социал-иқтисодий сиёсатга амалда жиддий ўзгариш киритишмади. Уларнинг фаолияти «тўртлар тўдаси» фош қилинганлигининг ўзи барча муаммоларни ҳал қилади деган тасаввурга асосланарди. Бу йўлни амалга ошириш соҳасидаги тадбирлар камчиликларни тугатиши у ёқда турсин, балки Хитой халқ хўжалигидаги вазиятни янада чигаллаштирди. Мамлакат олдига қўйилган мақсадлар билан бу мақсадларни амалга оширишда қўлланилган методлар ўртасидаги зиддият чуқурлашди.

Дэн Сяопин тарафдорлари платформасининг асоси «иқтисодий прагматизм», яъни экономикани бошқаришнинг шундай методларидан фойдаланишга интилишдан иборат эдики, бу методлар аҳоли жуда кўплигини ва саноат базаси ривожланмаганини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддат ичида жадал тараққиётга эришиш имконини бериши лозим эди. Улар пухтароқ сиёсий бошқарма бўлишини, шунингдек «катта сакраш» ва «маданий риволюция» йилларида тугатилган давлат ва жамоат муассасалари тикланишини ёқладилар. ХКП ўн биринчи чақириқ Марказий Комитетининг III пленумида (1978 йил декабрь) партия фаолиятида асосий эътибор «синфий кураш»дан социал-иқтисодий қурилишга қаратилганлигининг эълон қилиниши жиддий ютуқ бўлди. Бу йўл амалда Хуа Гофэн группаси давлат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишдан четлатилганини билдирарди.

Мамлакатдаги аҳволни объектив баҳолаш, экономиканинг потенциал имкониятларига танқидий қараш, кенг халқ оммаси кайфиятидан фаол фойдаланиш Мао Цзэдун «ғоялари»ни танқидий таҳлил этиш шиорини ташлаган сиёсий арбобларни ғанимлари устидан ғалаба қозонишга олиб келди. Бу эса уларга давлатни сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришда ўз стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берди.

Хитой Коммунистик партияси олдида: хитой жамияти қандай тарихий босқичда эканлигини аниқлаш вазифаси турарди. Бу масалага ХКП XIII съезди: «Хитой социализмнинг илк босқичини бошидан кечираётир», — деб жавоб берди. Бу эса, биринчидан, хитой жамияти социалистик бўлиб, социализм йўлини қатъият билан ўтказиш муҳимлигини, иккинчидан Хитой ҳали социалистик тараққиётнинг илк босқичида эканлигини ва ундан сакраб ўтиш эмас, балки яна шу реалликдан келиб чиқиш зарурлигини билдирарди.

ХКП XIII съездида айтилган бу гапнинг моҳиятини англаб олайлик. Хитойда социализм ярим феодал жамиятдан келиб чиқди. Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси жиҳатидан ХХР ривожланган мамлакатлардан ҳамон орқада қолиб келмоқда. Ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича аҳоли жон бошига ҳисоблаганда мамлакат дунёда охирги ўринлардан бирида туради (1987 йилда бу кўрсаткич 400 доллардан сал ортиқ бўлди); миллиарддан ортиқ аҳолининг 800 миллиони асосан қўл меҳнатидан фойдаланиладиган қишлоқларда яшайди. Хитойда ишчилар синфи заиф ва кам сонли бўлиб, ҳозиргача шаклланиш жараёнидадир, чунки унинг каттагина қисми — кечаги деҳқонлардир. Техниканинг сўнгга ютуқлари асосида қурилган чекланган миқдордаги саноат корхоналари билан бир қаторда бу ерда ускуналари эскирган кўплаб кустар ва ярим кустар ишлаб чиқаришлар мавжуд. Аҳолининг деярли чорак қисми саводсиз. Мамлакат экономикасида натурал ва яримнатурал хўжаликлар улуши ҳали анча катта. Усткурма соҳасида жамиятга феодал ва буржуа муносабатларининг таъсири ҳамон кучли. Бу нарса партия ва давлат кадрлари сифатига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатмоқда.

Бу вазият социализмнинг узоқ давом этадиган илк босқичидан ўтиш заруратини тақозо қилди. Бу, Хитой раҳбарларининг фикрича, алоҳида бир давр бўлиб, XX асрнинг 50-йилларида асосий ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ўзгариши тугалланишдан бошланиб, ҳамда XXI аср ўрталарида саноат ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш билан тугалланади. У социализм экономикасига ҳали асос солинмаган ўтиш давридан ҳам, социалистик реконструкция тугалланадиган даврдан ҳам фарқ қилади. Яъни илк босқичда аграр мамлакатни аста-секин қишлоқ хўжалик аҳолиси кўпчиликни ташкил қилмайдиган индустриал мамлакатга айлантириш, натурал ва яримнатурал хўжаликдан юксак даражада ривожланган товар ишлаб чиқаришга ўтишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади. Ана шу давр ичида ишлаб чиқариш индустрлаштирилиши, коммерциализация ва модернизация қилиниши керак.

ХКП ўн биринчи чақириқ III пленумидан кейин социализм қурилишининг илк даври учта босқичга бўлинди. Биринчи босқич ўн йилни — 1979 йилдан 80-йиллар охиригача бўлган даврни ўз ичига олади. Ялпи миллий маҳсулотни 2 баравар кўпайтириб, халқни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш кўзда тутилади. Бу вазифа асосан бажарилди. Яна 10 йилга мўлжалланган иккинчи босқичда шу аср охирларига бориб ялпи миллий маҳсулотни яна 2 баравар кўпайтириб, халқ турмушининг ўртача фаровонлигини таъминлаш кўзда тутилади. Учинчи босқични XXI аср ўрталарида тугаллаш мўлжалланмоқда. Бу давр ичида аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот ўртача ривожланган мамлакатлар даражасига етказилади, аҳолининг янада фаровон ҳаёти таъминланади, ишлаб чиқаришни модернизациялаш давом эттирилади.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун сиёсий ва иқтисодий ислоҳот зарур. ХКП МҚ ўша пленумида қабул қилинган «тўртта модернизация» программасида саноатни, қишлоқ хўжалигини, фан ва техникани, армияни «янги асос»да қайта қуриш кўзда тутилади. «Янги асос» деганда, биринчидан, иқтисодий қурилиш фан-техника тараққиётига ва меҳнаткашларнинг юксак интеллектуал даражасига таяниши учун фан, техника ва халқ маорифи ривожини эътибор марказига қўйиш, иккинчидан, ташқи алоқаларни, чет эллар билан техника-иқтисодий айирбошлаш ва ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, яъни «очиқ эшиклар сиёсати»ни ўтказиш, учинчидан, ишлаб чиқариш структурасини оқилона бошқариш ва қайта қуриш тушунилади.

Сиёсий ислоҳот ҳам ХКП ўн биринчи чақириқ МҚ III пленумидан бошланди. Гап «тўрт принцип»: ривожланишнинг социалистик йўли, халқ демократик диктатураси, Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли, марксизм-ленинизм ва Мао Цзэдун ғоялари принциплари асосида партиянинг ғоявий-сиёсий йўлини ўзгартириш ҳақида боради. ХКП XIII съездида партиянинг сиёсий йўлини, давлат негизини белгиловчи бу принципларга садоқат исботланди.

«Марксизм-ленинизм ва Мао Цзэдун ғоялари» бош принциплардан бири бўлишига қарамай, Хитой компартиясининг янги сиёсий йўлини белгилашда «Мао ғояларига ва кўрсатмаларига» мутлақ амал қилишдан воз кечмаётганлиги, улар ХКП олға сурган мамлакатни «юксак ривожланган маданиятли ва юксак даражада ривожланган демократияли социалистик давлатга» айлантириш мақсадига зид келаётган ғоялар сифатида танқидий идрок этилаётганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Хитой шароитида кадрлар алмашиниши ва уларнинг билим даражасини ошириш ғоят муҳимдир. 1987 йил кузида бўлиб ўтган ХКП XIII съезди якунлари янги сайланган МҚ аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг ўртача ёши 55, яъни илгариги МҚ га қараганда 4 ёш кичик; Сиёсий бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг ўртача ёши 63 (илгариги составдан 7 ёш кичик) эканлигини кўрсатди. Раҳбар партия ва маъмурий ходимлар учун энг юқори ёш чегараси белгиланди, 1982 йилги ХХР Конституциясида республика Раиси ва ҳукумат бошлиғининг ваколат муддатлари кўзда тутилди.

Партия интизомини мустаҳкамлаш, халқ орасида партия обрўсини тиклаш масаласи жуда жиддий қилиб қўйилди. ХКПнинг интизомни текшириш Марказий комиссияси коммунистлар хулқ-атворига оид қатъийроқ қоидаларни тасдиқлади. Пекин кадрларни баҳолаш маркази директори Се Сяоцин фикрича, эскича кадрлар сиёсатининг иккита иллати бор эди — лавозимга тайинлаш ва мартабани оширишда коррупция ҳукм сурар ва талантлар бўғиларди. Эндиликда у ёки бу лавозимга кадр танлашда қуйидаги мезонларга амал қилиш таклиф этилди: хизматларини баҳолаш; бошлиқ ҳамда вазифаси тенг шериклари ва бўйсунувчилар фикри; компетентлиги бу система энди партия ва давлат аппарати структурасининг ислоҳ қилиниши билан тўлдирилмоқда; партия ва ҳукумат органларининг, министрликлар ва идораларнинг штатлари 20 процент қисқартирилди.

Партия ва давлат функцияларини аниқ белгилаб олиш хусусида шуни айтмоқчиманки, революцион ва халқ озодлик кураши йилларида Хитой Компартияси амалда ҳукумат вазифаларини ҳам ўз зиммасига олган вазият тарихан вужудга келган эди. Шу пайтгача кўпгина Хитой коммунистлари бу революция ғалабасининг гарови бўлган эди, деб ҳисоблайдилар.

Хитойда халқ ҳокимияти ўрнатилганидан кейинги дастлабки йилларда партия группалари турли босқичдаги ҳукумат органларига айланган эди. Лекин ўша

паитдаёқ кўплар ХКП майда-чуйда ишлар билан ўралашиб қолаётганини ҳис қилишди. Штатлар ортиб борди, бюрократизм ва расмиятчилик кўринишлари тез-тез намоён бўла бошлади, ҳокимиятнинг партия қўлида ортиқча марказлашуви унинг жамият сиёсий авангарди сифатидаги позициясини заифлаштирди. Партия комитетлари кўпинча бевосита ижрочилар аҳволига ҳам тушиб қолардилар. Натижада давлат ишларини бошқарувчи параллел органлар ташкил топди. Шу муносабат билан ХКП XIII съездида партия ва хукумат органлари вазифаларини аниқ белгилаб олиш сиёсий системани ислоҳ қилишнинг асосий негизи эканлиги алоҳида таъкидланди. Съезд қарорига биноан парткомлардаги хукумат ва хўжалик органлари ишини такрорловчи бўлимлар тугатилди, МҚ Секретариати икки баравар қисқартирилди. Эндиликда унинг составида халқ хўжалиги тармоқларига мутасадди бўлимлар йўқ.

Функцияларнинг аниқ белгиланиши ХКП га партия ички ишлари билан шуғулланиш — халқаро, умуммиллий ва маҳаллий аҳамиятга молик муаммоларни ўрганиш; раҳбар лавозимдаги коммунистлар амалга оширишлари керак бўлган қарорлар қабул қилиш; турли жамоатчилик кучлари фаолиятини умуман жамият манфаатларидан келиб чиқиб уйғунлаштириш; контрол қилиш вазифаларини амалга ошириш; кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан шуғулланиш имконини берди.

Ҳуқуқий давлатни вужудга келтириш сиёсий система ислоҳотининг марказий масаласи бўлиб, Хитой бу соҳада дастлабки қадамларни қўймоқда. Хитойдаги анъанавий тасаввурларга кўра сиёсий системанинг фақат битта ташкилий формаси бор — у ҳам бўлса ҳокимиятнинг бир киши қўлида юксак даражада тўпланишидир, чунки халқ равнақи давлат ва ижтимоий тузумга эмас, балки ҳукмдорга боғлиқ деб ҳисоблаб келинарди. Шу боисдан халқ соткин амалдорлар ва золимларга қарши чиқиб «ҳалол ҳукмдор»ни орзу қиларди.

ХХР ташкил топиши билан мамлакат тарихида янги босқич бошланган бўлсада сиёсий ва иқтисодий структуралар консервативлигича қолаверди. Давлат қурилишининг сталинча моделига мойиллик ҳам ўз муайян ролини ўйнади. Узоқ вақт давомида социалистик жамият ўзининг барча соҳаларида ўта марказлашган бошқаришга муҳтож деган тасаввур давом этди. Зотан хитойлар социализм байроғи остида ҳам «мукаммал» раҳбар излашдан воз кеча олмадилар ва Мао Цзэдун шундай раҳбарга айлантирилди. Экономиканинг боши берк кўчага кириб қолганлиги, оммавий сиёсий репрессияларгина жамиятнинг илғор қисми, шу жумладан ХКП аъзолари ҳам бундай раҳбар бўлмаслигини, раҳбарни хатолардан ҳимоя қиладиган система кераклигини англаб олишларига туртки бўлди.

Хитой жамиятшунослари аҳолиси миллиарддан ошадиган Хитойни «қонун ҳар нарсадан юқори» деган ғоя асосидагина жипслаштириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, ҳуқуқий давлат қуйидаги принципларга амал қилиши керак: гражданлар қонун билан таъқиқланмаган ҳамма ишларни қиладилар; сиёсий арбоблар уларга қонун томонидан берилмаган ҳокимиятдан фойдалана олмайдилар; одил судлов мустақиллиги; айбсизлик презумпцияси. «Бир мамлакат — икки тузум» қоидасига келганда, буни Дэн Сяопин Хитойнинг Гонконг ва Макаога нисбатан суверен ҳуқуқларини тиклаш ҳамда Тайваннинг ватанга қўшилиши учун асос сифатида таклиф қилди.

Сиёсий ислоҳотни ўтказишдаги бир қатор қийинчиликларга қарамай, у бугуноқ сезиларли натижалар берди ва иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишга қодир бўлган механизм яратиш учун асос яратди. Бу ўзгаришлар зарурати шу билан боғлиқки, турғунлик ва мамлакат қолоқлигининг бош сабабларидан бири — биқиқлик, «ўз кучларига таяниш» шиорига ёпишиб олинганлиги эди. Ҳозирги хитой раҳбарлари бу йўлга амал қилиб, айни вақтда чет эллар билан алоқани кенгайтириш, чет эл тажрибаси ва капиталидан фойдаланиш зарур, демоқдалар. Шу сабабли 70-йилларнинг охиридан ХХР «очиқ эшиклар» сиёсатини ўтказа бошладики, унинг моҳияти мамлакатга чет эл капиталини интенсив жалб қилишдан иборатдир. Бу сиёсат бир неча йўналишда амалга оширилмоқда. Биринчидан, капиталистик давлатлар билан биргаликда корхоналар қурилмоқда, нефть қидириб топилмоқда. 1979—1987 йилларнинг ўзида ХХРда умумий капитали 20 миллиард доллардан ошадиган 8900 та ана шундай корхона қурилди. Уларга асосан чет эллик гражданлар раҳбар қилиб тайинланади. У ёки бу корхонани тузиш учун заявка бериш-

дан то рухсат олингунча 3 ойдан кўп вакт ўтмаслиги керак. Бу билан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, сансалорлик ва бюрократизмни тугатиш, жаҳон бозори конъюнктурасини биладиган ва халқаро корчалонлар билан алоқада бўлган раҳбарларни танлаш учун асос яратилди.

Иккинчидан, бир қатор индустрия объектлари чет эл фирмаларига берилмоқда ёки Хитойда чет эллик корхона эгалари ишлаб чиқариш очмоқдалар (булар асосан енгил ва тўқимачилик саноати корхоналари, меҳмонхоналар, маъмурий бинолар, кўнгилочар марказлар қурилишидир). ХХР ўз бозорининг кенглиги, арзон иш кучи, бой хомашё ресурслари билан бизнесменлар эътиборини жалб этаётир.

Учинчидан, алоҳида иқтисодий зоналар ташкил этилмоқда, денгиз соҳилида тамомила ташқи бозорга мўлжалланган очиқ шаҳарлар вужудга келмоқда. Бу шаҳарларда корхоналар илғор техника ва технология билан жиҳозланган, бошқаришнинг янги формаларидан фойдаланилади. Даставвал мамлакат жанубида, Гонконг ва Макаога бевосита яқин бўлган тўртта — Шевьчжень, Чжухай, Шаньтоу, Сяминь алоҳида иқтисодий зона тузилди. Гонконг ва Макаода яшовчи бадавлат корхона эгалари ўз капиталларини фаоллик билан сарфлайдилар деб мўлжал қилинган эди. Мўлжал тўғри бўлиб чиқди: бир неча йил ичида деҳқонларнинг далалари ўрнида ривожланган инфраструктурага, ўз энергетика базасига, йирик уй-жой массивларига, кенг саноат районларга эга бўлган замонавий шаҳарлар барпо этилди. Ана шу муваффақиятли тажрибадан кейин денгиз соҳилидаги яна 14 шаҳар чет эл фирмалари учун очиб қўйилди. Шу тарзда, ХХРнинг денгиз соҳилида чет эллар учун очиқ полоса вужудга келиб, бу ерга Гонконг ва Макао (уларнинг улуши барча инвестицияларнинг 70 процентини ташкил қилади), АҚШ, Япония, Сингапур, Қанада, Франция, ГФР, Австралия ва Швейцариянинг корхона эгалари кўплаб капитал маблағ сарфлай бошладилар. Бир неча йилда Хитой лифт ва эскалаторлар, газлама ва упа-элик, вино ва мева экспортерига айланди.

Тўртинчидан, давлат корхоналари халқаро бозорни мўлжаллаб ишлаётир, қиймат қонуни механизмидан фойдаланаётир. Иқтисодий ислоҳот жараёнида ХХРда кўп укладли: давлат, кооператив, аралаш, уюшган, якка тартибдаги, хусусий мулк ва бошқа шаклдаги мулклар бўлган хўжалик системасини шакллантириш кўзда тутилмоқда. Давлат корхоналарига хўжалик соҳасида катта мустақиллик бериляпти. Улар чет эл компаниялари ва фирмалари билан бевосита шартнома алоқалари ўрнатишлари, буюмлар хилини, маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчиларини ўзлари танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Майда давлат ишлаб чиқаришларини якка тартибда фойдаланиш учун ижарага бериш мўлжалланмоқда. Бугуннинг ўзида уларнинг 46 проценти майда корхона эгалари тасарруфига топширилган.

Хитойдаги иқтисодий ислоҳот аслида мамлакат аҳолисининг 80 проценти яшайдиган қишлоқдан бошланди. Қишлоқда барқарорлик бўлмаса сиёсатда ҳам экономикада ҳам мувозанатга эришиб бўлмаслиги тан олинди. «Қишлоқ» ислоҳотининг моҳияти қишлоқ меҳнаткашларига мустақиллик ва «омилкорлик» ҳуқуқини беришдан иборат бўлиб, асосий эътибор деҳқон оиласидаги пудратга қаратилди ва у ўз қонунларига биноан яшайдиган корхона деб тан олинди.

Ислоҳот қишлоққа кўпгина янгиликлар келтирди. Бу янгиликлардан бири ер масаласига тааллуқлидир. 180 миллион деҳқон хонадони ҳажми ва сифати жиҳатидан деярли бир хил ер участкасини 15 йил муддатга ижарага олди. Яна бир янгилик — шартномалар системасининг жорий этилишидир, яъни директив планлаштириш ўрнига давлат билан қишлоқ хўжалик корхонаси (ёки алоҳида ижарачи) ўртасида буюртма-шартнома тузиладиган бўлди. Бунда планлаштириш билан бозор бирлигига, корхоналар бозорга қараб ишлашига ва бозорнинг давлат томонидан тартибга солиб турилишига эришилади. 1984 йилгача деҳқонлар олган ҳосилларининг катта қисмини давлатга қатъий баҳоларда топширардилар. Энди эса улар харид қилувчи ташкилот билан шартнома тузадилар. Шартнома мажбуриятини бажаргач, деҳқонлар қолган маҳсулотни бозорда сотадилар.

Ислоҳотнинг яна бир ютуғи — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат харид нархларининг оширилишидир. Ўша 1984 йилда бу нарх 54 процент, ғалла нархи эса 2 баравар оширилди.

Ниҳоят, эндиликда деҳқонлар қаерга нима экишни, қандай экинни афзал кў-

ришни ўзлари ҳал қиладилар. Агар илгари улар бозор ва истеъмолчидан ажралиб қолган бўлсалар ва етиштирилган ҳосилнинг деярлик ҳаммасини давлат унинг таннархини қопламайдиган арзон баҳога сотиб олган бўлса, эндиликда деҳқонларнинг мўл даромадлари дарёларни тозалашга, ирригация иншоотлари ва сув омборлари қуришга киришиш имконини берди. Анъанавий маккажўхори, буғдой, шоли, ловия билан бир қаторда сабзавот, мева етиштирила бошлади, балиқчилик, чорвачилик ривожланмоқда, паррандачилик фермалари тузилаётир.

Ислоҳотгача деҳқонларга ёрдамчи ҳунармандчилик билан шуғулланишга рухсат этилмасди — бу «капиталистик йўлдан бориш» деб аталарди. Ҳозир бундай позициядан воз кечилди. Эндиликда қишлоқларда 15 миллион қишлоқ хўжалик ва саноат корхонаси бўлиб, уларда 80 миллион киши меҳнат қилмоқда. Мамлакат индустриал ишлаб чиқаришининг 23 проценти улар ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқлардаги завод ва фабрикалар техника билан жиҳозланиши, ишлаб чиқарадиган маҳсулот состави билан фарқ қилади. Бу ерда қўл меҳнати устун бўлган ва ибтидоий ускуналар ўрнатилган корхоналар ҳам, шахсий компьютерлар тайёрлайдиган корхоналар ҳам бор. Уларга ўз маҳсулотини ташқи бозорда сотишга рухсат этилган. Шу асосда ишлайдиган 11 мингдан ортиқ қишлоқ корхонаси 1987 йилда 5 миллиард долларлик маҳсулот ва хизмат экспорт қилдики, бу экспорт ҳисобига мамлакат оладиган чет эл валютасининг 16 процентдан кўпроғини ташкил қилади. Хитойнинг шаҳар ва қишлоқларда кичик корхоналарни ривожлантириш, уларни миллий экономика ва ташқи иқтисодий алоқалар системасига жалб қилиш тажрибасидан бизнинг мамлакатимизда ҳам фойдаланиш мумкин, чунки бу тажриба саноат кооперациясини ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиришнинг прогрессив йўлини кўрсатмоқда.

ХХР аграр секторида ислоҳот натижалари қуйидагича бўлди: 1978 йилдан 1987 йилгача қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш 15 процент ўсди; ғалла ҳосили 1978 йилги даражадан 100 миллион тонна кўп бўлди ва 407 милллион тоннага етди; қишлоқда аҳоли жон бошига даромад шу давр ичида 3,2 баравар ортди. Шаҳарликлар ҳам бундан катта наф кўрдилар. Илгари улар кундалик зарур товарларга 42 хил карточка олган бўлсалар, ҳозир фақат гуруч ва ўсимлик ёғигагина карточка қолди.

Умуман ХХРдаги иқтисодий ислоҳот ажойиб натижалар берди. Аҳолиси миллиарддан ошадиган мамлакатни қисқа муддат ичида тўйдириш ва кийинтиришга эришилди. Меҳнаткашларнинг иш ҳақи 120 процент ошди, ялпи миллий маҳсулот ҳар йили 10—11 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш 4—5 процент, саноат маҳсулоти 16—17 процент ортиб борди.

Хитой ички сиёсатидаги ўзгаришлар унинг ташқи сиёсий йўлига ҳам яхши таъсир кўрсатди. 70-йилларнинг бошларида ХХР 46 давлат билан дипломатик муносабат ўрнатган бўлса, ҳозир бундай давлатлар сони 134 тага етди. «Жаҳон уруши муқаррар» деган тезисдан воз кечилгани бу йўналишдаги муҳим силжиш бўлди. ХХР ҳозир халқаро муаммоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш, тинчликни сақлаш ва қуролсизланиш тарафдори бўлиб чиқмоқда. Натижада ХХР ва Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг дипломатиялари учун бир қатор яқинлашиш нуқталари юзага келди.

Совет-Хитой муносабатлари яхшиланмоқда. «Гегемонизмга қарши курашнинг ягона фронти» шиори ишлатилмай қўйди, чегара яқинидаги савдо-сотиқ қайта тикланди (1983 йилдаги 6 миллион сўмдан 1988 йилда 48 миллион сўмга етди). ХХРнинг СССР билан товар оборотининг умумий ҳажми 1981 йилга нисбатан 9,1 баравар ортди ва ҳозир 1,6 миллиард сўмга етди.

1985 йилда Москвада 1986—1990 йилларга мўлжалланган товар обороти ва тўловлар ҳақида, шунингдек иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу битимларни амалга ошириш давомида товар оборотини 3 миллиард сўмга етказиш, 17 саноат объектини реконструкция қилиш ва 7 та янгисини қуриш, Амур дарёсида Благовешченск ва Хэйхэ шаҳарлари ўртасида кўприк қуриш, Синжон — Қозоғистон темир йўлини ётқизиш мўлжалланади; қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурсларни ўзлаштириш соҳаларида ҳамкорлик кенгаяди.

Олий даражадаги учрашув Совет-Хитой муносабатлари ривожланишидаги ижобий тенденцияларни янада мустаҳкамлади, уларни ҳозирги замон воқелигини ҳисобга олган ҳолда қуриш имконини берди.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

«Биз билан бирга вьетнамлик студент ва аспирантлар группаси таълим олмокда, — деб ёзадилар журнал редакциясига В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети тарих факультетининг студентлари А. Аитова, Г. Вайсман, Э. Абдунабиев, М. Иноятова, И. Жўраев, М. Алимова, Э. Набиев. — Уларнинг ўқишга, ҳаётга, меҳнатга, дўстларга муносабати бизларда чуқур эҳтиром ҳиссини уйғотади. Улар ўз ватанларида янги ҳаётнинг муносиб қурувчилари бўлишдек қизғин истак билан яшаяптилар. Биз улардан Вьетнам халқининг улуғ доҳийси, оташқалб интернационалчи сифатида, ғоят виждонли, демократ инсон сифатида Вьетнам Коммунистик партиясининг асосчиси Хо Ши Мин ҳақида илиқ сўзларни тез-тез эшитамиз.

Журналингиз саҳифаларида вьетнамлик дўстларимиз ғоят ҳурмат қиладиган Хо Ши Мин ҳақида материал ўқишни жуда истар эдик».

ХО ШИ МИН: ХАЛҚҚА БАҒИШЛАНГАН ҲАЁТ

Ҳар бир миллат тарихида шундай шахслар бўладики, уларнинг ҳаёти ва фаолияти мамлакат ривожланишининг энг муҳим даврлари билан боғланади. Ана шундай кишиларда одатда миллий характернинг энг қимматли хусусиятлари, ўз халқининг озодлиги ва бахт-саодати учун курашга интилиш ёрқин намоён бўлади. Хо Ши Мин ана шундай кишилардан бири эди.

Хо Ши Мин 1890 йилнинг 19 майида Нгеан вилояти Намдан уездининг Хонгчу қишлоғида ватанпарварлик кайфиятида бўлган зиёли оиласида туғилди. Туғилганида унга Нгуен Шинь Кунг деб исм қўйилган эди. 20 ёшга кирганда у ўзини Нгуен Тат Тхань деган исм билан юрита бошлади. Узоқ давом этган революцион фаолияти йилларида уни Нгуен Ай Куок деб юритишарди. Партиявий тахаллусларидан бири — Хо Ши Мин — унинг учун 1942 йилдан бошлаб ўз исми бўлиб қолди.

Француз мустамлакачилари XIX аср ўрталарида Вьетнамга бостириб кирдилар. Чириган феодал тузумни ифодаловчи Нгуен сулоласи француз мустамлакачилари олдида журъатсизлик билан таслим бўлди. Лекин Вьетнам халқи, ватанпарварлар қулларча ҳаётга бўйсунмадилар, ўз ватанларини ҳимоя қилиш учун оёққа турдилар. Лекин эҳтимол тутилган йўлларнинг бирортаси ҳам кутилган натижаларга олиб келмади. Вьетнамдаги революция ўз бошидан чуқур инқирозни кечира бошлади. Ватанни қутқариш ҳақида мавжуд тасаввурларнинг асоссизлигини 1911 йили узил-кесил тушунган ёш йигит Хо Ши Мин шу даврда революционерлар сафига келиб қўшилди.

Биринчи жаҳон уруши бошлангунча Хо Ши Мин Африка ва Европадаги кўпгина давлатларда бўлди. Француз кампанияси кемаларида ёлланиб ишлади, Атлантика океанини бир неча марта кесиб ўтди. Нью-Йоркда мавсумий ишчи, Лондонда ахлат тозаловчи, гўлах, ошпаз ёрдамчиси сифатида ишлаб яшаш учун маблағ топди. Турли мамлакатлар меҳнаткашлари орасида ўтган ҳаёт ҳамда француз ишчилар ҳаракатида иштирок этиш Хо Ши Мин революцион дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Лекин унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига Улуғ Октябрь социалистик революцияси ҳал қилувчи таъсир кўрсатдики, Хо Ши Мин сўзлари билан айтсак, у «ташна йўловчи учун зориқиб етишган сувга тўйдирувчи ва янги куч-қувват бағишловчи гуручга» ўхшаган эди. (Х о Ш и М и н. Избранные статьи и речи. М., 1959, с. 725. Бундан кейин текстда ушбу нашрнинг фақат саҳифалари кўрсатилади).

Ўз олдига халқни озод этиш йўлини топишни мақсад қилиб қўйган вьетнамлик ватанпарвар учун 1920 йил ғоявий-сиёсий шаклланишда бурилиш палласи бўлди: «Юманите» газетасида В. И. Лениннинг миллий ва мустамлакачилик масалаларига доир тезислари эълон қилинган эди. Бу В. И. Лениннинг Хо Ши Мин танишиб чиққан дастлабки асари бўлди. Ўша йили Француз социалистик партияси Турда ўз съездига тўпланди, унда партиянинг III Интернационалга кириши ҳам муҳокама қилинди. Делегатларнинг кўпчилиги, шу жумладан Хо Ши Мин ҳам, унинг Коминтернга киришини қатъиян ёқлаб чиқдилар. Ўша кунлари социалистик партиянинг бу талабни маъқуллаган аъзолари Франция коммунистик партиясини ташкил қилдилар, Хо Ши Мин эса ФКП фаолиятида иштирок этган Вьетнамлик биринчи коммунист бўлди. Шу билан у Вьетнамдаги революцион ҳаракатни жаҳон революцион ҳаракати билан, миллий мустақиллик ишини социализм билан бирлаштиришга имконият яратди.

1923 йили Хо Ши Минни Коминтернда ишлаш учун Москвага юбордилар. Бу ерда у актив революцион сиёсий арбоб сифатида шаклланди. Хо Ши Мин Ленинни кўришни орзу қилган эди, лекин бу орзу амалга ошмади. В. И. Лениннинг дафн маросими ўтган кунда «Правда»нинг махсус сони чиқарилди, унда Хо Ши Миннинг «Ленин ва мустамлака халқлари» мақоласи ҳам эълон қилинган эди. У ўзининг Ленинга нисбатан ҳис этган чуқур ва самимий туйғуларини бу

мақолада оддий ва ёркин сўзлар билан баён қилади: «Тўғри, қора танлилар ва сариқ юзлилар Ленин кимлигини аниқ билмайдилар, Россия қаерда жойлашганлигини ҳам билмайдилар. Зотан мустамлакачи империализм улар буни билмаслигидан манфаатдор. Нодонлик капиталистик тузумнинг асосий устунларидан биридир. Лекин уларнинг ҳаммаси — сеннамлик деҳқон ҳам, дагомеялик овчи ҳам — олис-олисда, — ер куррасининг бошқа бурчагида ўзининг мустабид эксплуататорларини ҳайдаб юборган ва ҳокими мутлақсиз, олий резидентсиз ўзини ўзи бошқараётган халқ борлиги тўғрисида пичирлаб айтилган сўзларга қулоқ соладилар. Улар бу мамлакат Россия деб аталишини, унга ғоят матонатли кишилар раҳбарлик қилаётганини, улар ичида энг матонатли киши Ленин деб аталишини ҳам эшитганлар. Бу эса ана шу мамлакат ва унинг доҳийси олдида чуқур, завқ-шавққа тўлиқ таъзим қилиш учун етарли...» (89-бет).

Хо Ши Мин улуғ Ленин ўз ватандошларини озодликка чиқариб, бошқа халқларни ҳам озод этишга интилаётганини, мазлум сариқ юзли ҳамда қора танлиларнинг империализм ва мустамлакачилик зулмидан озод этишда оқ танлиларни ёрдам бериш учун даъват этаётганини уқтиради. «Ленин ҳаётлигида отамиз, устозимиз, ўртоғимиз, маслаҳатчимиз эди. Энди у — социалистик революцияга олиб борувчи йўлчи юлдузимиздир» (88-бет). Бу туйғуларни Хо Ши Мин ўзининг бутун ҳаёти давомида сақлаб қолди. У вьетнамлик барча коммунистларга В. И. Ленинга ҳурматни ва Октябрь ватанига садоқатни сингдирди.

Хо Ши Мин революцион фаолияти мобайнида Совет Иттифоқида уч маротаба бўлган (1923—1924, 1927—1928 ва 1934—1938 йилларда). У Советлар Мамлакатини доим ўзининг иккинчи ватани деб ҳисоблаб келган. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, айни шу ерда Хо Ши Мин коммунистик дунёқарашининг шаклланиш жараёни якунланди, бу дунёқараш негизини пролетар интернационализми ташкил этган эди.

Вьетнам халқи ҳамда мустамлака мамлакатлар халқлари учун ҳаётий муҳим бўлган мустамлака революцияси масалаларини ўрганиш Хо Ши Мин диққат-эътиборининг марказида турган эди. Ҳақиқий аҳвол шундан иборат эдики, мустамлакалардан етишиб чиққан кишилардан иш ташлашларга қарши курашда штрейкбрехерлар сифатида фойдаланилган. Бу эса империализм амалга оширадиган «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» сиёсати принципларидан келиб чиқарди. Бу ҳақда Хо Ши Мин шундай деб ёзган эди: «Замонавий империализм, агар шундай ифодалаш жоиз бўлса, илмий асосларда такомиллаштирилмоқда. У мустамлакалар пролетариатини бйсундириш учун оқ танли пролетарлардан фойдаланмоқда. Кейин у оқ танли пролетарларни ўзига янада кўпроқ бўйсундириш мақсадида бир хил мустамлакалар пролетариатини бошқа мустамлакалар пролетарларига қарши йўналтиради» (92-бет).

В. И. Лениннинг миллий-мустамлака масаласига, халқаро коммунистик ҳаракатнинг назарий, сиёсий ва ташкилий негизларига доир ғоя ҳамда йўл-йўриқлари Хо Ши Мин фаолиятининг ишончли маёғи бўлиб хизмат қилди. У мустамлакаларнинг жаҳон революцион жараёнидаги ўрни ва ролига нисбатан Ленин қоидаларининг ғоят катта аҳамиятини, уларнинг иштирокисиз социал революцияни тасаввур қилиб бўлмаслиги, мустамлака халқларининг озодлик учун кураши жаҳон пролетариатининг қудратли иттифоқчиси эканлигини таъкидлади. Бу эса Шарқ мамлакатларидаги кўплаб илғор арбобларнинг қизиқишларига таъсир кўрсатмай қолмас эдики, улар бунгача социалистик таълимотга «фақат оқ танлилар учун мўлжалланган таълимот, алдаш ва эксплуатация қилишнинг янги воситаси» (154—155-бетлар) тарзида қараб келган эдилар.

Хо Ши Мин жаҳон социалистик революцияси ғалабаси йўлида капиталистик мамлакатлар пролетарларини ва мустамлака Шарқи халқларини интернационал руҳда жипслаштиришга қаратилган Ленин даъватининг туб моҳиятини аниқ-яққол илғаб олди. У шундай деб ёзган эди. «Мустамлакачилик — бир пайпаслагичи билан метрополиялар пролетариатини, бошқаси билан эса мустамлакалар пролетариатини сўриб ётган мингоёқдир. Уни ўлдириш учун иккала пайпаслагични чопиб ташлаш керак. Фақат биттаси чопиб ташланса, бошқаси пролетариат қонини сўришни давом эттираверади, мингоёқ ўлмай қолади ва кесиб ташланган пайпаслагич қайтадан ўсиб чиқади» (95-бет).

Хо Ши Миннинг интернационализми шунда намоён бўлдики, у Вьетнам жамияти турли қатламларининг аҳволи хусусида мулоҳаза юритиш билан чекланиб қолмади; уни барча мазлумларнинг тақдири қизиқтирди: «Ишчилар синфининг барча жафокашлари, улар хоҳ Лозаннада, хоҳ Парижда, хоҳ Гаврда, хоҳ Мартиникада бўлсин, ягона қотилнинг — халқаро империализмнинг қурбонларидир» (64-бет). У миллий-озодлик ҳаракатини ҳеч қачон мустақил фактор сифатида қараб чиқмаган эди, балки мустамлака халқларининг кураши уни капиталистик мамлакатларнинг ишчилар ҳаракати қўллаб-қувватлашига ҳал қилувчи даражада боғлиқ эканлигига чуқур ишонарди. «Қора ва сариқ танли ишчилар, — деб таъкидлаган эди Хо Ши Мин, — уларнинг ягона душмани ўтмишдагига қараганда янада нозик, янада оғир, янада шафқатсиз қулликка олиб келадиган режимнинг ўзида яширинганини тушуниб етишлари ҳам зарурдир. Улар Европа мамлакатларидаги

ўзларининг мазлум биродарлари ёрдами билангина ўзларини озод эта оладилар» (57-бет).

Хо Ши Мин ленинчиларга хос ишонч билан Вьетнам революциясида раҳбарлик роли ишчилар синфига тегишлидир деб тасдиқлар эди: «Пролетариатни озод этибгина миллатни озод этишга эришиш мумкин, уларни озод этиш эса фақат коммунизм ва жаҳон революциясининг иши бўлиши мумкин» (Хо Ши Мин. Антифранцузское сопротивление. Избранные произведения.—Т. I., Ханой, 1980, с. 223). У Вьетнам ишчилар ва ватанпарварлик ҳаракатига марксизм-ленинизмни олиб кирди, ишчилар синфи авангард партиясини тузиш учун идеологик, сиёсий ва ташкилий тайёргарлик олиб борди.

У 20-йилларда Рангли халқларнинг мустамлакалараро уюшмаси ишида қатнашади, ўз олдига Франция мустамлакаларидаги барча антиимпериалистик кучларни бирлаштириш мақсадини қўйган «Париа» газетасини чиқаради, Франция Компартияси қошидаги мустамлакалар масаласига доир комиссия аъзоси, Москвада бўлиб ўтган Деҳқонлар интернационали Конгрессига, Коминтерн V Конгрессига делегат бўлди. 1924 йили Хо Ши Мин СССРдан Хитойга кўчиб ўтади, Кантонда вьетнамликларнинг революцион ташкилоти — Там Там Са комитети билан алоқа ўрнатади. Бир йилдан сўнг у Вьетнам революцион ёшлари ширкатини барпо этади, «Тхань Ниен» («Ёшлар») газетасини чиқара бошлайди, сиёсий курслар очади.

1929 йилга келиб Вьетнамда учта коммунистик ташкилот бўлиб, уларнинг ҳар бири фақат ўзини ҳақиқий революцион партия деб ҳисоблар эди. Улар бир-бирига таъна қилишар, оммага таъсир кўрсатиш учун ўзаро курашар ҳамда Коминтерн билан алоқа ўрнатиш йўлларини излашар эди. Ажралиш ва сектантлик хавфини кўрган Коминтерн Хо Ши Минга уларни бирлаштиришни топширди. 1930 йил 3 февралда Каолунда (Гонконг яқинида) Хо Ши Мин раислигида Вьетнам коммунистик ташкилотларининг бирлашган конференцияси бўлиб ўтди, у Вьетнам революциясида ва мамлакат сиёсий ҳаётида бурилиш палласи бўлиб қолди. Ўз авангард партияси тимсолида ишчилар синфи халқнинг мустамлака зулми ва эксплуатациядан миллий ва социал озод этишга раҳбарлик қилишдан иборат тарихий вазифани ўз зиммасига олди.

Вьетнам Компартиясининг пайдо бўлиши марксча-ленинча назариянинг Вьетнам халқининг ишчилар ва ватанпарварлик ҳаракати билан қўшилиши натижаси бўлди. Майда ишлаб чиқариш устун турган, қолоқ қишлоқ хўжалигига эга бўлган ярим феодал мустамлакада ана шундай партияни барпо эта олганлиги Хо Ши Миннинг ғоят муҳим хизмати бўлган эди. Халқнинг барча революцион ва ватанпарварлик кучларини бирлаштирган Ягона миллий фронт тузилишида ҳам Хо Ши Миннинг хизмати бор. У қуйидаги шиорни эълон қилган эди: «Жипслик, жипслик, буюк жипслик. Ғалаба, ғалаба, буюк ғалаба!».

Миллатни озод этиш учун ҳаракат юксалган паллада (1939—1945) 1941 йил майда жойлардаги жанговар ҳаракатлардан ялпи қуролли қўзғолонга қонуний ўтишни ифодаловчи Ягона миллий фронт — Вьетминь пайдо бўлди. 1960 йил 20 декабрда америкалик истилочиларга ва уларнинг Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқларига қарши курашиш учун ВКП раҳбарлигида Жанубий Вьетнамни озод этиш миллий фронти тузилди. Ҳозирда Вьетнам миллий фронти халқнинг барча кучларини ватанни мустаҳкамлаш, социализм қуриш учун бирлаштирмоқда.

Президент Хо Ши Мин ҳақли равишда ВСР қуролли кучларининг бунёдкори деб ҳисобланади. «Хо амакининг шавкатли солдатлари» ўз мамлакатига, компартияга содиқ, ўз халқини севади, ҳар қандай қийинчилик ва қурбон беришлардан қўрқмаган ҳолда ватан мустақиллиги ва озодлиги учун, социализм учун жанг қилишга, ҳар қандай топшириқни бажаришга, ҳар қандай душман устидан ғалаба қозонишга тайёр. Хо Ши Мин ўзи ишлаб чиққан «Афсонавий Вьетнам халқ армиясининг салафи бўлган Вьетнам тарғиботчилик-халоскорлик армияси»ни тузиш хусусидаги директивада маҳаллий қуролли кучлар отрядларини шакллантириш билан бир қаторда халқни ялпи қуроллантириш, мунтазам қўшин барпо этиш ғоясини яққол баён қилган. ВКП раҳбарлигида Вьетнам халқ армияси япон ва француз қўшинлари (1945—1954), америкалик агрессорлар (1954—1975) устидан ғалаба қозонди. Ҳозир у социалистик Вьетнам тинчлиги ва хотиржамлигини қўриқлаяпти, иқтисодий қурилишга ҳисса қўшяпти, ўзининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини шараф билан бажаряпти.

Хо Ши Мин Жануби-Шарқий Осиёда биринчи ишчи-деҳқон давлати бўлган Вьетнам Демократик Республикаси (ҳозирда Вьетнам Социалистик Республикаси) асосчисидир. Август революцияси ғалаба қозонгач, 1945 йил 2 сентябрда Ханойдаги Бадинь майдонида бўлиб ўтган митингда Хо Ши Мин Мустақиллик декларациясини ўқиб берди.

Хо Ши Мин янги жамият қурилишида пролетар диктатурасига асосланган революцион давлатни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаган эди. У кадр ходимларга «бюрократизм, исрофгарчилик, порахўрликдан» халос бўлиш зарурлигини, «омма ҳаёти тўғрисида зўр эътибор билан ғамхўрлик қилиш лозим»лигини эслатиб турарди. «Агар халқ с

колса, — деб таъкидлаган эди Вьетнам домийси, — партия ва ҳукумат айбдор, агар халк касалланса — партия ва хукумат айбдор, агар халқ совкотса — партия ва хукумат айбдор».

Партия, Миллий фронт, армия ва халк хокимияти, — деб таъкидлаган эди Хо Ши Мин, — мамлакат ичида революция ғалаба килишининг хал килувчи факторларидир, халкаро ҳамкорлик эса — бу ғалабанинг яна бир мухим факторидир, чунки у вьетнам халки билан бутун дунё халклари ўртасидаги дўстликни, уларнинг озодлик, социализм ва тинчлик учун курашдаги бирлигини ифодалайди. Хо Ши Мин сайёранинг турли бурчакларида яшовчи пролетарлар рухан биродарлардир деб каттиқ ишонар эди. У халкаро жипслашишни мустахкамлаш хусусида доимо катта ғамхўрлик кўрсатиб келди. Октябрь революциясининг буюк фарзанди бўлган Совет Иттифоки билан дўстлик Хо Ши Мин дунёкарашининг тамал тоши бўлди. Хо Ши Мин бутун умри мобайнида Совет Иттифоки билан дўстликка содик бўлиб келди. Унинг Советлар Мамлакатига мехрмухаббати ва хурмати баркарор эди.

Хо Ши Мин мангуликка чин коммунист намунаси бўлиб колади, унинг характерида вьетнам миллатининг энг яхши анъаналари билан коммунистик ахлок ёркин мужассам бўлганини кўриш мумкин. У ўз ҳаётининг маъносини халкка ва революцияга садокат билан хизмат килишда деб билар эди: «Мамлакатимизни бутунлай мустакил, халкни озод кўриш менинг ягона, энг мукаддас истагимдир. Ватандошларимнинг хаммасида емиш ва кийим-кечак мўл-кўл бўлишини, улар ўкиш имкониятига эга бўлишини хоҳлайман» (Хо Ши н Ми н. Избранные произведения.— Ханой, 1980, т. 1. с. 381).

Француз мустамлакачиларига карши руш йилларида, туғилган куни муносабати билан табрикларга жавобан Президент Хо Ши Мин шундай деган эди: «Мен факат бир нарса билан: барча мухтожлик ва кулфатларни халқ билан биргаликда янада катта катъият билан бошдан кечириш, халк билан биргаликда каршилик кўрсатиш урушини ўла ғалабагача янада зўр катъият билан либ бориш, халқ билан биргаликда ватанинг чинакам мустакиллиги ва бирлиги учун нада катъият билан курашиш, болаларимиз ва невараларимиз бахтли ҳамда озод бўлишлари учун халк билан биргаликда нада зўр катъият билан ҳаракат килиш илан жавоб беришим мумкин».

Халк билан чамбарчас боғлиқ бўлгани, куч-кувватини ана шу алокадорликдан олганлиги, халкнинг акл-идроки ва унинг орзу-умидларининг ифодаловчиси бўлгани сабабли Хо Ши Мин буюкдир. Вьетнамликлар унга чексиз ишонганлар, чунки Хо Ши Мин омманинг битмас-туганмас имкониятларига ишонар эди. Вьетнам революциясининг муваффакиятлари Президент Хо Ши Мин атрофида жипслашган, халкнинг жуда катта имкониятларини сафарбар килган ва улардан миллий-озодлик революцияси ҳамда янги жамият барпо этиш ишида тўла фойдаланган ВКП фаолияти билан изоҳланади.

Марксизм-ленинизм ғоялари билан йўғрилган Хо Ши Мин бу таълимотни чукур ўзлаштириб олиб, Вьетнамнинг конкрет тарихий шароитида уни тўғри ва ижодий кўлланиш хусусида доимо ғамхўрлик килганлигида, пролетар интернационализми софлигини катъиян туриб ҳимоя килганлигида, барча кўринишдаги оппортунист ва миллатчиларга муросасиз бўлганлигида унинг раҳбар сифатидаги юксак хислатлари намоён бўлган.

Компартияга чексиз содиклик, Ватанга садокат, ўз халқига муҳаббат, чукур революцион эътикодлилик Президент Хо Ши Мин маънавиятининг чўққиси бўлиб колди. Шу билан бирга Хо Ши Мин учун шахсга сиғиниш ёт эди, уни кўкларга кўтаришларига токат кила олмас эди. У ҳеч качон сўз билан иш ўртасида узилиш бўлишига йўл кўймаган эди. У кадр ходимларини, Компартия аъзоларини доимо «ўз камчиликларини чин дилдан тан олиш ва бошкаларнинг нуксонларидан кўз юммаслик»ка ўргатар эди. Хо Ши Мин индивидуализмга карши катъий туриб курашди, у партия аъзоларига ҳамма соҳаларда камолотга етишиш учун харакат килишни, «раҳбарлар, халкнинг ишончли хизматкорлари унвонига муносиб бўлиш» учун индивидуализмни таг-томири билан йўкотишни алохида талабчанлик билан маслаҳат берган эди. Хо Ши Мин маънавияти унинг пролетариат ва бутун миллат революцион максадларига эришиш учун йўналтирилган революцион фаолияти ва курашида чиникди. Хо Ши Мин доимо халкка якин эди, омма фикрига диккат билан кулоқ солар ва унинг ижодий имкониятларига ишонар эди. Хо Ши Мин партия революцион ишининг муносиб давомчиларини тайёрлашга жуда катта эътибор берган. Ана шу Васиятда у ўзининг ўртокларига «келажак учун революцион авлодни тарбиялаш» зарурлиги хусусида эслатиб ўтди.

ВКП ва бутун Вьетнам халки Хо Ши Миндан юксак ахлокий сифатларни ва иш услубини ўрганадилар, «Хо амаки»нинг Васиятига оғишмай амал киладилар ҳамда Вьетнам халки олдида турган барча вазифаларни бажаришга янада катта катъият билан киришадилар.

Тьу Тиен Дик,
В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети тарих факультетининг аспиранти.

ИНСОН РУҲИЙ ОЛАМИНИНГ ЗИДДИЯТЛАРИ ВА БОЙЛИГИ

ОДАМЛАР ИНСОННИНГ бу дунёдаги ўрни, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва ноҳақлик, ишонч ва умидсизлик, камолот ва жаҳолат ва ҳоказолар билан боғлиқ мураккаб муаммолар комплексига муттасил тўқнаш келадилар. Бу «абадий» масалалар инсониятнинг ҳар бир янги авлоди олдида кундаланг бўлади. Улар ушбу муаммоларни тушуниш ва ҳал этишга ўз вазифалари ва талаб-эхтиёжларига мос ҳолда, маълум дунёқараш ва методологик нуктаи назардан ёндашадилар. Мазкур масалаларнинг маънавий моҳиятини идрок қилиш хусусида материализм билан идеализм ўртасида, фан билан дин ўртасида азалдан кескин мафкуравий кураш боради, кўриб чиқилаётган китоб* ҳам унинг турли жиҳатларига бағишланган.

Маълумки, ғоявий мухолифларимиз социализмга қарши ягона фронтга бирлашишга ҳаракат қилишмокда, унинг дунёқараши асоси — марксча-ленинча таълимотга қарши хужумни кучайтирмокда. Бунда улар клерикализмга катта умид боғлашади. «Антикоммунизмнинг заҳарли наштари ва мафкуравий кураш» бўлимида муаллиф айниқса Эрон ва Афғонистондаги маълум революцион воқеалардан кейин диндан антисоциалистик мақсадларда фойдаланишга уринишларни ишонарли тарзда фош этади (10—20-бетларга қаралсин).

Мафкуравий мухолифларимиз бугунги кунда «ислом омили»га катта эътибор беришиб, бунда улар «исломнинг уйғониши» жараёнига таянмоқдалар, ўзларини мусулмонларнинг дўсти, социалистик мамлакатларни, энг аввало Совет Иттифоқини эса уларнинг душмани қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Китобда Ғарбнинг антикоммунистик ислом марказлари ҳамда уларнинг Турхон Гўк-Гўз, Т. З. Туная, М. М. Ҳусайн, Мустафо Маҳмуд, Аҳмед Абд ал-Ғафур Аттор, Аббос Маҳмуд ал-Акада, Боймирза Ҳайит ва бошқа энг фаол арбобларининг кўпорувчилик фаолиятлари далил ва мисоллар асосида очиб берилади.

Мусулмон клерикаллари реал социализмга негизи гўёки илк исломдан бошланадиган «ислом социализми»ни қарама-қарши қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундан кўзланган мақсад нимадан иборат? Китоб муаллифи бу саволга шундай жавоб беради: СССРда диннинг аҳволи, инсон ҳуқуқлари, шу жумладан виждон эркинлигининг бузилиши ҳақида турли уйдирмаларни ишга солиб, реакцион клерикаллар совет кишиларида антисоциалистик кайфият уйғотиш, мамлакатда қандайдир «ички оппозиция» тузишни мўлжаллашмоқда (20—41-бетларга қаралсин).

КПСС, Совет давлати динга баҳо беришда марксча-ленинча позицияда туришади: дин ноилмий дунёқараш, диний масалалар уларнинг амалий фаолиятларида ҳеч қачон асосий ўрин эгаллаган эмас. Айни Коммунистик партия В. И. Ленин раҳбарлигида дини, ирқи ва миллатидан қатъи назар барча меҳнаткашлар манфаатларини изчил ҳимоя қилди, биринчи марта миллионлаб кишиларни зўравонлик ва жабр-зулм дунёсига қарши курашга сафарбар этди. В. И. Ленин реакцион буржуазиянинг түб иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этишдан оммани чалғитиш учун диний адоватни авж олдиришга уринишига қарши чиқди. У дин асосларини самодан эмас, ердан излашга ўргатарди, диннинг социал илдизларини очиб берди ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатди. Автор В. И. Лениннинг худо изловчилик ва худо яратувчилик, уларнинг виждон эркинлиги принципларига қарши ғоявий курашини яхши кўрсатиб берган. Дин ҳар бир кишининг шахсий иши деб ҳисоблар экан, у шу билан бирга коммунист диний идеологияга бефарқ қарамаслиги керак деб таъкидлайди: дин давлатга нисбатан хусусий иш бўлиши билан бирга, Коммунистик партияга нисбатан бундай бўла олмайди (53—64-бетларга қаралсин).

Китобда дин билан фан ўртасидаги қадим замонлардан ҳозирги давргача бўлган кураш тарихи муфассал ва изчил ёритилган. Муаллиф келтирган бой тарихий-этнографик материал дин ва атеизмнинг кишилар

---

* И. Жабборов. Руҳий олам: жаҳолат ва камолот. Тошкент. «Ўзбекистон». 1988. 390 бет.

жамияти тараққиётидаги ўрни ва ролига тўғри баҳо бериш билан бирга ҳозирги замоннинг кўплаб дунёкарашга оид муаммоларини чуқурроқ мушоҳада қилиш имконини беради.

Дин қандай пайдо бўлади, шаклланади? Бу масала, шубҳасиз, ҳар бир кишини қизиқтиради. И. Жабборов фикрича, бу маълум тарихий шароитда рўй бериб, у динда ўз аксини топади. Бу билан битта формациянинг ўзида мавжуд бўлган диний системага маълум хилма-хиллик киритилади, объектив реалликни илоҳийлаштириб акс эттириш янада мураккаблашади. «Худолар «ҳукми» ва тафаккур эркинлиги» ҳамда «Афсонавий авлиёлар ва антик замон даҳрийлиги» бўлимларида бу жараёнлар қизиқарли тасвирланган, шарқ худоларининг образи, қадимий Греция ва Римдаги кўп худолилик, кўҳна Шарқ ва антик дунёда атеистик тафаккур ва илмий билимларнинг шаклланиши кўрсатилган.

Автор томонидан ислом, унинг ақидалари ва муқаддас диний китоб пайдо бўлиши, шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккирлари — Беруний, Ибн Сино, Форобий, Умар Хайём, Носир Хисрав, Саъдий Шерозий, Ибн Рушд ва бошқалар фаолиятининг кенг панорамаси берилган (238—255-бетларга қаралсин).

Бир неча минг йилликлар давомида ўзлигини, ўз моҳиятини билишга интилаётган инсон, шу билан бирга ҳаётда ўз тақдири ва бахтини ўзи белгилашга ҳаракат қилади. Фан ҳам инсоннинг сирли табиатини, зиддиятли маънавий олами ва руҳий ҳолатини, ҳис-туйғуси ва кечинмаларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу муносабат билан И. Жабборовнинг маданият, эзгулик, адолат, ҳақиқат, жаҳолат, разиллик каби категориялар, уларнинг сохта ва ҳақиқий кўринишларини тушунишга уриниши ҳам эътиборга сазовор. Зеро инсон, китобнинг охирги бобида тўғри таъкидлаб ўтилганидек, бу фақат онг, билим эмас, шунингдек ирода, туйғу, ҳис-ҳаяжон, қизиқиш, эхтирос ҳамдир. Шахснинг руҳий олами уни ўраб турган воқеликни билиш билан бирга маънавий ва эстетик асос ташкил этадики, булар социализм шароитида ижтимоий ва оилавий-маиший ҳаётнинг аста-секин дин таъсиридан чиқишига хизмат қилади.

Конкрет тарихий материал устида ишлаш жараёнида инқилобдан илгариги Ўзбекистонда ижтимоий зулм маънавий қулликнинг асоси бўлганлиги кўрсатиб берилади. Октябрь ғалабасидан кейин мамлакатнинг барча халқлари олдида ижтимоий ва маданий тараққиёт учун, жаҳолат ва қолоқлик, маънавий қашшоқлик ва хурофотдан халос бўлишга кенг йўл очилди. Шу билан бирга китобда социализм даврида материалистик, атеистик дунёқарашни шакллантириш йўли билан ижтимоий онг структурасини ўзгартиришга эришиш мумкинлиги таъкидланади. Гарчи бу жараён мураккаб бўлсада, қайта қуриш шароитида объективдир. Шунинг учун, деб ҳисоблайди автор, жамиятнинг онгли аъзолари, айниқса зиёлиларнинг куч-қувват ва имкониятлари маънавий қулликдан тўла-тўкис халос бўлишга қаратилмоғи даркор. Ушбу олижаноб вазифани ҳал этишга ҳеч кимнинг четдан қараб туришга ҳаққи йўқ (354—390-бетларга қаралсин).

Асарда борлиқнинг туб саволларига изчил материалистик нуқтаи назардан жавоб беришга интилувчи, инсонга уни ўраб турган воқеликда тўғри йўл топишга ёрдам берувчи илмий атеизмнинг инсонпарварлик жиҳатлари кўрсатилган. Ҳозир эса, инсон омилини барча чоралар билан активлаштириш, жамиятнинг ҳамма аъзоларида янгича фикрлашни шакллантириш вазифалари асосида фақат диний ақидаларни илмий танқид қилиш эмас, шунингдек дунёни материалистик тушунишнинг бунёдкорлик ролини ҳар томонлама очиб бериш ҳам зарур. Шундан келиб чиқар экан, автор Ўзбекистон ССРнинг тараққиёти мисолида инсон руҳий оламининг дин таъсиридан чиқишини ишончли тарзда кўрсатиб беради.

Китобнинг жонли, жозибадор тили, унда кенг тарихий-социологик ва назарий материаллардан фойдаланилганлиги, кундалик илмий-педагогик фаолиятдан мисоллар келтирилиши китобни фақат кенг китобхонлар оммаси эмас, шунингдек мутахассислар учун ҳам қизиқарли қилган. Бизнинг фикримизча, қадимги грек атеистлари, ўрта аср ҳурфикрловчилари ва худо изловчиларининг қарашларига, дин ва фан масалалари бўйича митрополит Введенский билан маориф халқ комиссари А. В. Луначарский ўртасидаги музокараларга берилган характеристикалар, айниқса қизиқарлидир. Аммо муаллиф такрорлашларга ҳам йўл қўйган. Натижада қизиқарли ғоя ва фикрлар баъзида умумий мулоҳазалар ичида кўмилиб кетадики, бу асарнинг асосий жиҳатларини тушунишни қийинлаштиради.

Масалан, китобда дин ўтмиш сарқити деб бирмунча кескин тарзда таъкидланади, диннинг жамиятдаги ролига унинг фаолиятининг конкрет тарихий ва ижтимоий-маданий шароитлари ҳисобга олинмаган ҳолда абстракт ва бир томонлама салбий характеристика берилади. Бу хусусда батафсилроқ тўхталишни истар эдик. Умуминсоний, айниқса маънавий қадриятларга, шахснинг ахлоқий асосларини мустаҳкамлашнинг турли омилларига янгича ёндашилаётган ҳозирги пайтда динга юқоригидай қолипда қараш қайта мушоҳада қилинмоқда, дин ва диндорларга муносабатнинг бошқача формалари изланмоқда. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида ҳам бу ҳақда гапирилди ва, ўйлаймизки, ушбу тенденция виждон эркинлиги ҳақида тайёрланаётган Қонун лойиҳасида ҳам ўз аксини топади. Бино-

барин, бизнингча, бугунги кунда асосий эътибор динга карши «кураш»ни унинг намояндаларини (руҳонийлар ва диндорлар) танкид килиш (бу ҳар доим ҳам объектив бўлавермайди) йўли билан олиб боришга эмас, балки биринчи навбатда динга ишониш ва унга мойилликни саклаб колиши ва такрор пайдо бўлиши учун кулай «имконият» яратувчи ижтимоий омиллар, салбий кўринишларни бартараф этишга каратилмоғи лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, дин саркит эмас, балки социалистик жамият шароитида ҳам ўз заминига эга бўлган ижтимоий нодир ходисадир. Вазифа афтидан В. И. Ленин ҳам коралаган, аммо якингача давом этиб келган унга карши «уруш эълон килиш»дан эмас, хаётимиздаги «бекарор олам»ни (дин айни унинг махсули) тадкик этишдан иборатдир. Бунда Карл Маркснинг «Диний ожизлик, шу билан бир вактда ҳакикий ожизликнинг ҳам ифодасидир ва бу ҳакикий ожизликка карши норозилик ҳамдир» деган фикрига амал килмок керак.

Маълумки, диний бидъатлар конкрет соҳибларига эга бўлиш билан бирга уларни саклаш ва таркатишни рағбатлантирувчи маълум муҳит, маълум шароитда юзага келади. Бинобарин, ушбу ходисаларни келтириб чикарувчи сабабларни очиш, киши онгида уларнинг шаклланиш механизмини ўрганиш, диний дунёкарашда акс этувчи объектив жараёнларни аниклаш зарур. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олган холда диний бидъатларни бартараф этиш билан бир вактда инсоннинг ижтимоий зулм олдидаги заифлигини, конун кучи ва эзгуликнинг ғалаба килишига нисбатан ишончсизлик, пессимизни келтириб чикарувчи салбий кўринишларга карши кураш олиб бориш керак. Ўзбекистон Компартияси МК IX пленумида (январь 1988 йил) таъкидланганидек, атеистик ишда абстракт декларатив мулоҳазалардан совет кишиларининг ор-номуси ва кадр-кимматини тахкирлайдиган актив гражданлик позициясини шакллантиришга тўскинлик киладиган бой-феодалларча хулк-атвор ва социал иллатлар билан катъий курашга ва уларни таг-томири билан суғуриб ташлашга ўтиш лозим. Сир эмаски, илгари жамиятимизда ҳукм сурган бебошлик ва зўравонлик, конун бузишлар ва социализмнинг инсонпарварлик принципларига риоя килмаслик, ижтимоий локайдлик кайта куришгача бўлган даврда аҳоли ўртасида динга ишонишнинг ошишига кўп жиҳатдан сабаб бўлди.

Китобда айрим ноаникликлар ва мунозарали мулоҳазалар учрайди. Чунончи, Шарқнинг айрим мутафаккир ва шоирларини тилга олар экан, автор уларнинг атеизмга кўшган ҳиссаларини анча ошириб кўрсатади (239-бетга каралсин). Биринчидан, уларни бир сафга кўйиш нотўғри, иккинчидан, эркин фикрлашни, айрим ҳолларда динга карши чикишларни тўла-тўкис атеизм деб бўлмайди.

Умуман олганда совет кишиларини, айникса ёшларни илмий-материалистик дунёкараш руҳида тарбиялашда такриз килинаётган китобнинг фойдаси шубҳасиз.

М. ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа, иктисод ва юридик фанлар бўлимининг академик-секретари

М. ОРИПОВ,
фалсафа фанлари кандидати, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети фалсафа-иктисод факультети фалсафа кафедрасининг доценти

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА

Такриз килинаётган асар* Ўрта Осиё халкларининг фалсафий мероси атрофида бораётган ғоявий курашга, буржуа тадкикотчиларининг унга нообъектив ёндашувлари, регионадаги тараккийпарвар, демократик фикр тарихини бузиб кўрсатишлари ҳамда сохталаштиришлари танкидига бағишланган.

Фалсафий тадкикотларимизда Гегелнинг Шарк фалсафий тафаккури тарихига бўлган карашлари якин-якингача етарли гавдалантирилмас эди. Ушбу проблемага бағишланган бўлимда (муаллифи А. М. Ф...лолов) Гегель шарк фалсафаси ва умуман Шаркни инсониятнинг фалсафий тафаккури ривожланишидаги мустақ...

* Философское наследие народов Средней Азии и борьба идей. Ташкент, «Фан», 1988, 190 с.

давр сифатида ўз системасига киритган холда шарқ фалсафасининг ўзига хослиги хусусидаги масалани биринчи бўлиб ўртага қўйганлиги тўғрисида хулоса чиқарилади (9-бетга қаралсин). Унинг «Эстетика» асари умумжаҳон маданиятини, шу жумладан Шарқ фалсафасини тушунишда катта аҳамиятга эга бўлган эди.

Шу билан бир вақтда А. М. Жалолов Гегелнинг Шарқ фалсафий тафаккурини талқин этишдаги, унинг ўрта асрлар «мусулмон» фалсафасини тушунишдаги хатолари, бир томонламалигига, уларга нисбатан нополис европоцентристик ёндашувига эътиборни қаратади. Бу камчиликлар кўп жиҳатдан Шарқ фалсафаси ва маданияти тарихини тадқиқ қилиш чоғида Гегель таянган манбашунослик базасининг заифлиги билан изоҳланади. Лекин унинг ушбу масалага доир концепциясида фалсафанинг ривожланишини оламшумул-тарихий жараён сифатида тушунишда аслида европоцентризмга қарама-қарши бўлган, олимнинг ўзи барпо этган чалкаш доирадан чиқиш йўлларини кўрсатадиган бошқа бир тенденция ҳам ўзига йўл оча бошлаган эди (21-бетга қаралсин). Айни шунинг учун Гегель ўзининг ушбу мавзуга ёндашувида кейинги буржуа тадқиқотчиларига қараганда анча юқори турадики, бу ҳол Шарқ халқлари фалсафий мероси атрофидаги ҳозирги ғоявий курашда унинг ўрнини белгилаб ҳам беради.

Гегелга замондош бўлган ғарб шарқшунослигининг савияси, унинг «тарихда бор ва тарихда бўлмаган халқлар» тушунчасини талқин қилиши хусусидаги масала батафсилроқ тадқиқ қилинса мақбул бўлардики, бу ҳол «Гегель ва Шарқ» мавзуини бароқ очиб бериш имконини берган бўлар эди.

Худонинг борлигини инкор этиш амалда мумкин бўлмаган ўрта асрлар шароитида дунёнинг абадийлиги проблемасини ҳамда унинг илоҳийликка муносабати проблемасини тушуниш алоҳида аҳамият касб этди. Айни «оламнинг азалий ва мангулиги»ни эътироф этиш орқали Шарқ перипатетикларининг, айниқса, Ибн Синонинг таълимотида материалистик элементлар намоён бўлди. Ушбу проблемани эътибордан соқит қилиш, материал қанчалик пухта ўрганилмасин, баъзан бир қатор хорижий тадқиқотчиларни Форобий ва Ибн Сино қарашларини хато баҳолашга, шунингдек феодализм даври фалсафий тафаккурида амалда қарама-қарши тенденцияларни ифодалаган бўлишларига қарамай Ибн Сино билан Фома Аквинскийнинг дунёқарашларини асоссиз равишда бир-бирига ўхшатиштиришга олиб келади. Шу муносабат билан «Ўрта Осиё мутафаккирлари онтологик системаларининг баъзи бир хорижий концепциялари таҳлилига доир» бўлими муаллифи А. Д. Шарипов Шарқ илғор мутафаккирларининг асарларида мавжуд дунёнинг абадийлиги ва бунёд этилмаганлиги проблемасининг тўғри тушунилиши уларни дин ва мистика ҳимоячилари сифатида тасвирлашга уринишларнинг пучлигини кўрсатиш, уларнинг эманация хусусидаги таълимотини, материяни талқин қилишларини чуқурроқ баҳолаш имконини беради. Шу билан бир вақтда X. Мурувве, Т. Тизини сингари хорижий олимларнинг ушбу ва бошқа масалаларга оид асарлари муайян қимматга эгалиги муносиб баҳоланган (42—43-бетларга қаралсин). Умуман олганда бўлимда шарқ фалсафаси тарихига нисбатан бизга қараганда бошқача идеологик позицияларда турувчи тадқиқотчиларнинг асарлари далил-исботли таҳлил қилинган.

Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём ҳамда ўрта аср Ўрта Осиёсининг бошқа мутафаккирлари ҳиссий ва рационал билишларга катта аҳамият берганлар. Р. Н. Носиров «Ўрта Осиё илк ўрта аср фалсафаси мутафаккирларининг билишда туйғу ҳамда тафаккурнинг алоқадорлиги хусусидаги прогрессив ғоялари ва уларни сохталаштиришнинг танқиди» бўлимида таъкидлаганидек, улар ақл-идрокни ҳақиқатни билишнинг асосий воситаси деб ҳисоблаганлар, лекин ушбу жараёнда кузатиш ҳамда мушоҳидалар каттагина рол ўйнашини эътироф этган ҳолда улар рационал билиш ҳиссий идрок этишлар олиб келадиган маълумотларга таянади деб фараз қилганлар, аслида, маълумки, тафаккур имкониятларига қиёслаганда ҳиссий идрок чекланган. Шу билан бир вақтда уларнинг туйғу билан тафаккур ўзаро нисбатини тушунишларида муайян тафовутлар мавжуд бўлган, инсон ақл-идрокининг яратувчиси ва амалий сарасосини идеалистик ҳамда диний-мистик руҳда эътироф этиш улар фикрининг бошланғич негизи бўлган. Лекин яратувчи, амалий ақл-идрок билан инсон онги ўртасидаги алоқанинг ўзи ақл-идрок ҳукмига нафақат фан ҳақиқатларини, балки дин ақидаларини ҳам рўпара қилишни талаб этган ҳолда дин соҳасидан ҳур фикрлилик ва рационализм соҳасига кўчирилади.

Шу билан бир вақтда мутафаккирлар рационализм ғояларини, илм-фанни дин зулмидан халос қилишга уринишларни турли даражадаги изчилликда ўтказадилар ҳамда бунда улар зиддиятлардан холи эмаслар. Асарда яна шундан келиб чиққан ҳолда баъзи бир хорижий олимларнинг, айниқса М. Тюркернинг Форобий билан Ибн Синони мавҳум фикрловчи илоҳиётчилар сифатидагина тасвирлашга уринишлари танқид қилинади; Шарқ илғор мутафаккирлари рационализмини диний-идеалистик нуқтаи назарнинг хилма-хил кўринишларига «қориштириб юбориш» ёки уларни собитқадам ислом позициясида турган ҳолда «тўғрилаш»га уринишлар (масалан,

И. Мадкур, М. Солих томонидан) асоссизлиги таъкидланади. Бизнингча, бу ўринда Берунийнинг хусусан тажриба оркали билишнинг ахамияти тўгрисидаги карашларини конкретрок ёритиш фойдали бўлар эди. Шундай бўлсада бўлим мазмунидан табиатшунос ва файласуфларнинг материалистик гоялари котиб колган таълимотдан шунчаки чекиниш бўлмаганлиги, унга айрим янгиликларни киритиш билан чекланмаганлиги, балки хур фикрлилик доирасида дин негизларига нозик ва бир вактнинг ўзида катъий хужум килишдан иборат бўлганлиги хусусида хулоса келиб чикади.

Буржуа олимларининг Шарк хур фикрлилиги масаласидаги хатоларини танкид килишда улар турли хил изланишлар ёрдамида ўз вактида Шаркда хам, Fарбда хам дин томонидан кораланган ана шу хур фикрли кишиларни етук дехкон схоластикасининг бевосита салафлари сифатида тасвирлашга уринишларини кўрсатиш мухим жихат хисобланади (83-бетга каралсин).

Якин вактгача бизнинг тадкикотларимизда XIV-XV асрларда яшаган ўртаосиёлик мутафаккирлар фалсафий меросининг чет элда ўрганилиш холатига, уни танкидий тахлил этишга етарлича эътибор берилмай келди. Бошка мамлакатларда яшовчи шаркшуносларнинг асарлари Европа халкларини Ўрта Осиё ва Эроннинг ўрта асрлардаги бой маданияти билан кенг таништиришга муайян даражада имкон яратганлиги учун хам бундай эътиборсизлик афсусланарли холдир. Ушбу масалага багишланган бўлимда (муаллифи Х. Аликулов) шаркшуносликнинг Х. З. Улкен, М. Уотт, А. З. Сафо, Э. Табарий ва бошка прогрессив намояндалари ижодининг катта ахамиятга моликлиги таъкидланади (118—119-бетларга каралсин). Шу билан биргаликда чет эллик тадкикотчиларнинг асарларида Шарк ижтимоий-фалсафий тафаккурининг асосий хусусиятлари кўпинча бузиб тасвирланади. Муаллифнинг фикрича, бунинг сабаби аввало шундаки, шарк файласуфларининг дунёкараши ўз даврининг социал шарт-шароити, дехконлар харакатлари ва мафкуравий курашидан узиб олиб каралади (101—102-бетларга каралсин).

Маълумки, суфизм идеологияси Ўрта Осиё халкларининг маънавий хаётида мухим ўринлардан бирини эгаллаб келган, хозирги мусулмон мамлакатларида эса шундай бўлиб колаяпти хам. Бундан ташкари, кейинги пайтда хорижий Шаркда гўё хам Шаркда, хам Fарбда олий «маънавиятлилик» ролини даъво килишга кодир бўлган суфизмни тарғиб килувчи муаллифлар тез-тез пайдо бўлиб турибди. Айни шу холат хорижий тадкикотчиларнинг баъзи бир бошка фалсафий концепцияларига хам хос бўлган методологик хатоларни ўзида

элтувчи востокоцентризм танкидининг ах[а]миятини белгилайди. Турли даврларга до[...] суфизм намояндаларининг инсон хусус[и]даги гоялари эволюциясининг тахлили та[...]риз килинаётган китоб бўлимларидан б[и]рининг муаллифи бўлган Е. А. Поляков[а]... суфизмнинг ролини шахсни маънавий шак[л]лантиришда кўраётган хозирги модерниз[а]торлар даъволарининг пучлиги хусусид[а] асосли хулосага олиб келади (126-бетга ка[ра]лсин). Фикримизча, унинг суфизмнин[г] борган сари кучайиб бораётган таъсир[и] нафакат у томонидан реал инсонга бўлга[н] кизикиш муайян даражада йўколганлиг[и]дагина эмас, балки буни талкин этиш[...] шифрлашга интилишда хам ифодаланга[н] деб чикарган хулосаси тўгридир. Бунд[ан] ташкари, ушбу метод суфизмнинг ж[уда] катта таъсирини ўз бошидан кечирган ад[а]биётга хам, тарихшуносликка хам хос [...]. Масалан, у XI асрда Байхакий томони[...] инсон-жумбок тарзида битилган тари[...] шахс реалистик портретининг XV ас[р]... алмаштирилишига олиб келди. Лекин ф[...]раз килиш мумкинки, бу нарса хар хол[...] ўша давр тарихшунослигининг устун [ту]рувчи хусусияти бўлмаган. Материалисти[к] эстетика нуктаи назаридан олганда рас[сом]лар воситасида «илохий гўзаллик»ни иф[о]далашга интилиш, шакл ва рангларни[нг] бутун хилма-хиллигини ягона абсолют[...] олиб келиш эмас, балки улар ижоди[...] инсонпарварлик негизи Шаркнинг [...] шоир ва рассомлари эришган гоят юк[са]... ютук деб эътироф этилган. Бўлим муал[ли]фининг бундай мулохазаси суфизм хози[рги] намояндаларининг, уларнинг инсон ху[сус]идаги «янги» концепциясининг ишонарли[...] танкидидир (148-бетга каралсин).

Ўрта Осиё ва Козогистон халкларин[инг] маънавий хаётида маърифатпарварлик а[...]хида ўрин эгаллайди, хозирги кунда у иде[о]логия курашининг бир жихати, бир томо[ни]дан, совет халкининг гоявий-сиёсий бир[ли]гини шубха остига олувчи, «миллатчил[ик] ходисаларини», «руслар билан мусулм[он] диндошлар ўртасидаги ётсирашни» бў[р]тирувчи, бошка томондан эса, ўзбек хал[ки]нинг маънавий уйгониши жадидизмда [...] тўлик даражада ўз ифодасини топган [...] деб даъво килувчи буржуа советшунос[...] сохталаштиришлари хамда тухмат[...] иборат уйдирмаларининг объекти б[ў]... колди. З. Эшмуродова томонидан ёзил[ган] бўлимда бу хил «гоялар» танкидий ка[...] чикилган. Ушбу масалага унинг ёндашу[ви]да куйидаги икки жихат эътиборга мо[ликдир]. Биринчидан, муаллиф маърифатпарвар[лик] идеологиясида Fарб ва Шарк мамлакат[ла]ри маданий-тарихий ривожланишини[нг] ушбу жараён бирлигини тасдикло[вчи] конуний боскичини кўради. Бу ўринда [...] ходисанинг ўзи тахлил этилиши Fарбн[инг] Шаркдан устунлиги хусусидаги евро[по]центристик гояларни рад этиш учун хиз[мат]

қилади (151-бетга қаралсин). Иккинчидан, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги маърифат-парварлик Улуғ Октябрь социалистик революциясини идрок этиш учун ғоявий негизни тайёрладики, бу ҳол, ўз навбатида, регионда социализм идеологиясини буржуа-ия маддоҳлари даъво қилаётганидек, зўравонлик йўли билан эмас, балки беозор аркатиш имконини берди.

Атоқли рус олими В. В. Бартольднинг шарқшуносликни жиддий равишда бойитган асарлари ҳозирги вақтда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келяпти, Шарқ тарихига оир илмий тадқиқотларнинг ҳозирги проблематикаси ва методологиясига таъсир кўрсатяпти, европоцентристик, миллатчилик ва ркчилик ғоялари ҳамда концепцияларини фош этишда кўмаклашаяпти. «В. В. Бартольд томонидан Шарқ тарихига оид реакцион ғоялар ҳамда концепцияларнинг танқид қилиниши» бўлимининг муаллифи . М. Рамазонов таъкидлаганидек, . В. Бартольд Шарқ халқлари тарихи амда маданиятига менсимасдан муносабатда бўлганларни ҳам, онгида европоцентристик тасаввурлар устун турганларни ам танқид қилган. У тарихий-маданий ҳодисаларни ажратиб олиб талқин қилишларнинг номақбуллигини, Европа ва Осиё халқлари тарихий ривожланиши қонунларининг умумийлигини, ушбу феноменни тадқиқ қилишда универсал илмий методларни қўллаш зарурлигини уқтирган эди (63-бетга қаралсин). Лекин В. В. Бартольднинг шарқшуносликка оид асарларининг илмий аҳамияти тўғрисидаги тасаввур тўлиқ бўлиши учун бўлим муаллифи умуман рус шарқшунослигида тарихий жараёнга нисбатан қарашларнинг тафовутини чуқурроқ таҳлил этиши ҳамда унинг реакцион диний-провослав ва миссионерлик концепцияларини танқид қилишга эътиборни кучайтириши керак эди.

Ўтмишдан қолган бой прогрессив мерос Ўзбекистон социалистик маданиятининг ривожланишига муваффақият билан хизмат этяпти. Бунинг устига, тегишли бўлим муаллифлари (Г. Шерматова ва Э. Ҳакимов) таъкидлаганларидек, Шарқ халқлари маданий ижодининг муайян сифатлари, хусусиятлари рус маданиятининг ва СССР Европа қисми бошқа халқлари маданиятининг бойлиги бўлиб қоляпти. Буларнинг ҳаммаси баъзи бир советшуносларнинг социалистик миллатлар ўз қиёфасини йўқотаётганлиги, гўё уларда «руслаштириш» юз бераётгани хусусидаги мулоҳазаларини контрарали тарзда рад этади. Муаллифлар ўтмиш маданияти ютуқларидан фойдаланишдаги ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатиш усулларини тасниф қилишга ҳамда даврлаштиришга ҳаракат қилганлар.

Буржуа тадқиқотчиларининг классик меросга нигилистик муносабати, масалан, Шарқ халқлари маданиятининг объектив аҳамиятга эгалигини инкор этишда, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Навоий ва бошқа атоқли мутафаккирлар ижодининг ҳақиқий мазмуни ва аҳамиятини бузиб кўрсатишда, уларни мистик, ислом дини тарғиботчиси ва ҳоказо деб эълон қилишда кўзга ташланади. Шу сабабли, деб таъкидлайдилар Г. Шерматова билан Э. Ҳакимов, Шарқ халқлари маданий меросини ҳар томонлама марксистик ўрганиш янги кишини шакллантиришнинг муҳим омили, совет шарқшунослари олдида турган актуал вазифадир (179—187-бетларга қаралсин).

Тақриз қилинаётган тўпламда Ўрта Осиё халқлари фалсафий ҳамда ижтимоий-сиёсий фикрининг буржуа концепциялари турли жиҳатларига доир бошқа қизиқарли материаллар оз эмас. Уларнинг асарларидаги ижобий жиҳатларга объектив баҳо берилганлиги хорижий оппонентлар билан илмий баҳсда қотиб қолган андозалардан воз кечилганлигига муайян даражада мисол бўла олади. Ҳақиқатан ҳам, бизларнинг дунёқараш соҳасида, шу жумладан, маданий мероснинг бир қатор масалаларига баҳо беришда ҳам улар билан бўлган зиддиятларимиз шунчаки «буржуа идеологик кўпорувчилиги» намоён бўлиши, онгли равишдаги сохталаштириш эмас. Бизнингча, гап кўп жиҳатдан шундаки, хорижий муаллифлар маънавий тарих фактларини ёритишга бизга ёт идеологик позициялардан туриб ёндашадилар. Масалан, улар кўпинча диний идеаллаштириш тарафдори сифатида майдонга чиқадилар, бу эса, табиийки, улар томонидан фактларни танлаш ва баҳолашни, ижобий жиҳатлар сифатида талқин қилинувчи мистика кўринишларига мойилликни олдиндан белгилаб қўяди. Бинобарин, фактик материалнинг конкрет-тарихий позициялардан туриб пухта ҳамда далил-исботли таҳлил этилиши бундай характеристика ва баҳоларнинг асоссизлиги ҳамда зарарлилигини илмий фош этиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Аслини олганда ушбу мавзудаги дастлабки муваффақиятли асар бўлган тақриз қилинаётган китобнинг бир қатор бўлимларида ана шунга интилиш ҳис қилинади.

Л. ГАРБЕР,
фалсафа фанлари доктори,
В. И. Ленин номли Тошкент
давлат университети
фалсафа-экономика факультети
фалсафа тарихи кафедрасининг мудири.
М. УСМОНОВ,
фалсафа фанлари кандидати,
кафедра доценти.

ЯНГИ КИТОБ ВА БРОШЮРАЛАР

Абдуллаев Р., Акрамов Б., Газиянц Э. и др. **Рычаги экономики.** Ташкент, «Мехнат» 1988, 128 с.

Хўжалик юритишнинг маъмурий методларидан иктисодий методларига ўтиш шароитида мехнаткашлар иктисодий таълимининг аҳамияти ошиб боради. Бу вазифани хал этишда кишлок хўжалик ишлаб чикаришининг ўрта бўғини мутахассислари ва ходимларига, совхоз ишчиларига, колхозчиларга мўлжалланган ушбу справочник муайян даражада ёрдам беради. Унга янги термин ва тушунчалар киритилган, умуман мамлакат экономикасида ва хусусан Ўзбекистон экономикасида юз берган ўзгаришларни хисобга олган холда АСК хўжалик юритиши иктисодий механизмини такомиллаштиришга доир норматив хужжатларнинг мазмуни очиб берилган.

Даянаев К., Лапшин Н. **Бригадная форма организации и стимулирования труда.** Ташкент, «Мехнат», 1988, 168 с.

Китоб Ўзбекистон ССР агросаноатининг ремонт корхоналарида ишлаб чикариш бригадаларини ташкил килиш ва бошкаришнинг хусусиятларини очиб беради. Авторлар конкрет шарт-шароитни хисобга олган холда мехнатни ташкил килишнинг бригада формасига ўтиш боскичларини санаб ўтадилар, бу форма бригадирлик вазифасига кандай янгиликлар олиб кириши, ўз-ўзини бошкариш органларининг (бригада аъзоларининг умумий йиғилиши, бригада советн, корхона бригадирларининг совети) ваколати хакида, ишлаб чикаришнинг инженерлик-техник жихатдан таъминланиши, мехнатни нормалаш ва хак тўлашни такомиллаштириш тўғрисида хикоя киладилар. Авторлар бригадада мехнатга караб хак тўлашнинг социалистик принципини рўёбга чикариш тўғрисида сўзларкан, малакани, махсулот бирлигини тайёрлашга сарф бўлган иш вактини, мехнатда иштирок этиш коэффициентини ва хоказоларни хисобга олган холда иш хаки, кўшимча хак ва мукофотлар ёзишнинг турли хил вариантларини кўриб чикадилар.

Китоб мехнатни ташкил килишнинг хўжалик хисобига асосланган принципи жорий этилган ёки жорий этилмокчи бўлган корхоналарнинг ишчи, бригадир, мастерларига, иктисодий хизмат ходимларига жуда фойдали бўладиган кенг справка-методик ва инструктив материал билан таъминланган.

Коммунистик ахлок асослари. Тошкент, «Ўкитувчи», 1988, 248 бет.

«Коммунистик ахлок асослари» факультатив курси программасига мувофик тузилган хрестоматияга марксизм-ленинизм классиклари асарларидан, бадиий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, публицистикадан парчалар киритилган. Китоб умумтаълим мактабларининг ўкитувчилари учун мўлжалланган, КПСС тарихи курсини ўрганишда ўкувчи ва студент ёшларга катта ёрдам кўрсатади.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар: бош муҳаррир — 32-58-01, 32-78-87; бош муҳаррир ўринбосари — 32-58-02; 32-78-9.; масъул котиб — 32-58-03; 33-60-42; масъул котиб ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: маркcча-ленинча назария — 32-58-65; партия ва совет жамияти тарихи — 32-58-69; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; социал-иқтисодий проблемалар — 32-58-71; фан, маданият ва таълим 32-58-66; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техник муҳаррир **Э. А. Кушнар.**

Теришга берилди 12.06.1989 йил. Босишга рухсат этилди 19.07.1989 й. Формати 70×108¹/₁₆ Китоб-журнал қоғози. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Шартли рангли варақалар . Нашриёт хисоб листи 9,8. Тиражи 23999. Нашр. Б-55. Буюртма № 1044. Баҳоси 25 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193

Индекс 75399

ISSN 0134—2193 «Ўзбекистон коммунисти», 7, 1—96.